

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING
ХУЗУРИДАГИ ҚОНУНЧИЛИК ВА ҲУҚУҚИЙ СИЁСАТ ИНСТИТУТИ

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ УНИВЕРСИТЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI КРИМИНОЛОГИЯ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ



ЖАМИЯТ ХАВФСИЗЛИГИ ВА ТАРТИБИГА ҚАРШИ КИБЕРЖИНОЯТЛАРНИНГ ЮРИДИК-ТЕХНИК ЖИХАТЛАРИ

КИБЕРАЛОГИЯ МЕТОДИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНГАН
ЎҚУВ-УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

А. Анорбоев



ТОШКЕНТ – 2026

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҲУЗУРИДАГИ
ҚОНУНЧИЛИК ВА ҲУҚУҚИЙ СИЁСАТ ИНСТИТУТИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КРИМИНОЛОГИЯ ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

А. Анорбоев

**Жамият хавфсизлиги ва тартибига қарши кибержиноятларнинг
юримдик-техник жихатлари**

**Кибералогия методи асосида тайёрланган
ўқув-услугий қўлланма**

Муаллиф. А. Анорбоев. Жамият хавфсизлиги ва тартибига қарши кибержиноятларнинг юридик-техник жиҳатлари. Кибералогия методи асосида тайёрланган ўқув-услубий қўлланма. – Т.: “Dimal” нашриёти, 2026 й. – Б. 872

Масъул муҳаррир: ю.ф.д., профессор А. Расулев

Такризчилар:

ю.ф.д. профессор А. Закурлаев, ю.ф.д. С. Гулямов, ю.ф.д. Б. Мўминов

			
ORCID	GOOGLE академия	DOI 10.5281/zenodo. 20072551	Index Copernicus – ID 48623

Мазкур ўқув-услубий қўлланма ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, кибермуҳитда, шу жумладан, кибермаконда ёки у орқали содир этилаётган Жамият хавфсизлиги ва тартибига қарши кибержиноятларнинг Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексидаги ҳолати нуқтаи назаридан ўтказилган таҳлиллар натижасида тайёрланган илмий иш саналади. Ушбу илмий ишда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг Махсус қисмидаги кибержиноятларнинг жиноий-ҳуқуқий ва техник таҳлили назарда тутилган. Ушбу таҳлиллар кибералогия методи асосида амалга оширилган бўлиб, бу усул орқали қўлланмани тайёрлаш унинг нафақат ўқувчиларга, балки сунъий интеллектга ҳам тушунарли бўлишини таъминлаб, инсон ва технология ўртасидаги ўзаро тушуниш имкониятини янада яқинлаштиради.

Мазкур қўлланмадан олий ўқув юртлари, илмий-тадқиқот ташкилотлари, ўрта-махсус таълим ташкилотлари ўқувчи ва талабалари, магистр ва тадқиқотчилари, профессор ва ўқитувчилари, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, тезкор қидирув, назорат органлари ходимлари ва мутахассислари, шунингдек, мустақил тадқиқот олиб бораётган ёки таълим олаётган фойдаланувчиларга ҳам мўлжалланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институти, Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети кенгашлари тавсиясига асосан чоп этилган.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	6
1-БОБ. ЖАМИЯТ ХАВФСИЗЛИГИ ВА ТАРТИБИГА ҚАРШИ КИБЕРЖИНОЯТЛАРНИНГ ЖИНОИЙ-ҲУҚУҚИЙ ВА ТЕХНИК ЖИҲАТДАН ТАВСИФИ	8
1.1-§. Жамият хавфсизлиги ва тартибига қарши кибержиноятларнинг юридик-техник таҳлили.....	8
1.2-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, жиноий уюшма ташкил этиш ёхуд кибержиноий уюшма жиноятининг юридик-техник таҳлили.....	19
1.3-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ёхуд киберлегаллаштириш (киберлегализация) жиноятининг юридик-техник таҳлили.....	32
1.4-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, оммавий тартибсизликлар ёхуд кибертоталтартибсизлик жиноятининг юридик-техник таҳлили.....	51
1.5-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ёки намоиш этиш ёхуд киберэкстремизм, киберсепаратизм, киберрақидапарастлик жиноятининг юридик-техник таҳлили.....	68
1.6-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар тарқалиши ҳақида ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тарқатиш жиноятининг юридик-техник таҳлили.....	85
1.7-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, ёлғон ахборот тарқатиш жиноятининг юридик-техник таҳлили.....	97
1.8-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, ўқотар курулни, ўқ-дориларни, ўқотар курулнинг асосий қисмларини, портловчи моддаларни, портлатиш воситаларини ёки портлатиш қурилмаларини қонунга ҳилоф равишда эгаллаш жиноятининг юридик-техник таҳлили.....	109
1.9-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга ҳилоф равишда эгаллаш жиноятининг юридик-техник таҳлили.....	124
1.10-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган кучли таъсир қилувчи моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, тарқатиш, реклама қилиш, намоиш этиш ёки бундай моддаларни ёхуд заҳарли моддаларни қонунга ҳилоф равишда муомалага киритиш жиноятининг юридик-техник таҳлили.....	138
1.11-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, радиоактив материалларни қонунга ҳилоф равишда эгаллаш жиноятининг юридик-техник таҳлили.....	155

1.12-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, нефть қувурларини, газ қувурларини, нефть ва газ маҳсулотлари қувурларини яроқсиз ҳолатга келтириш жиноятининг юридик-техник таҳлили.....	168
1.13-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, темир йўл, денгиз, дарё, ҳаво транспорти воситаси ёки алоқа йўлларини яроқсиз ҳолатга келтириш жиноятининг юридик-техник таҳлили.....	184
1.14-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, темир йўлнинг ҳаракатладиган таркибини, ҳаво, денгиз ёки дарё кемасини олиб қочиш ёки эгаллаб олиш жиноятининг юридик-техник таҳлили.....	210
1.15-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб транспорт воситасини олиб қочиш жиноятининг юридик-техник таҳлили.....	219
1.16-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни қонунга ҳилоф равишда эгаллаш жиноятининг юридик-техник таҳлили.....	232
1.17-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга ҳилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар қилиш, шунингдек уларни қонунга ҳилоф равишда ўтказиш жиноятининг юридик-техник таҳлили.....	245
1.18-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, тарқатиш, реклама қилиш, намоиш этиш ёки бундай моддаларни истеъмол қилишга жалб этиш жиноятининг юридик-техник таҳлили.....	259
1.19-§. Кибербезорилик жиноятининг юридик-техник таҳлили.....	275
1.20-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш ёхуд киберқиморбозлик жиноятининг юридик-техник таҳлили.....	287
1.21-§. Ахборотлаштириш қоидаларини бузиш жиноятининг юридик-техник таҳлили.....	301
1.22-§. Компьютер ахборотидан қонунга ҳилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш ёхуд ноқонуний киберахборот муомаласи жиноятининг юридик-техник таҳлили.....	361
1.23-§. Компьютер тизимидан, шунингдек телекоммуникация тармоқларидан қонунга ҳилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун махсус воситаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб тайёрлаш ёхуд ўтказиш ва тарқатиш ёхуд киберконтрабанда жиноятининг юридик-техник таҳлили.....	419
1.24-§. Компьютер ахборотини модификациялаштириш жиноятининг юридик-техник таҳлили.....	480
1.25-§. Компьютер саботажи ёхуд киберсаботаж жиноятининг юридик-техник таҳлили.....	540
1.26-§. Зарар келтирувчи дастурларни яратиш, ишлатиш ёки тарқатиш жиноятининг юридик-техник таҳлили.....	600

1.27-§. Телекоммуникация тармоғидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш жиноятининг юридик-техник таҳлили.....	660
1.28-§. Кripto-активлар айланмаси соҳасидаги қонунчиликни бузиш жиноятининг юридик-техник таҳлили.....	721
1.29-§. Майнинг фаолиятини қонунга хилоф равишда амалга ошириш жиноятининг юридик-техник таҳлили.....	783
2-БОБ. КИБЕРЖИНОЯТЛАР УЧУН ЖАЗО ТАЙИНЛАШ.....	847
2.1-§. Кибержиноятлар учун жазо тизими.....	847
2.2-§. Кибержиноятлар учун жазо тайинлаш тартиби.....	852
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	857

КИРИШ

Ахборот-коммуникация технологияларининг жадал ривожланиши натижасида бугунги кунда барча соҳа, тармоқ ва йўналишлар босқичма-босқич рақамлашиб бормоқда. Бироқ, бу рақамлаштириш жараёни фойдаланувчиларга мислсиз қулайликлар яратиши билан бир қаторда, ўзига хос янги ва мураккаб салбий ҳолатларни ҳам вужудга келтирмоқда. Ушбу салбий ҳолатлар ичида энг йириги ва глобал миқёсда хавф туғдираётгани, шубҳасиз, жамият хавфсизлигига қарши кибержиноятлардир. Мазкур кибержиноятлар нафақат фойдаланувчиларнинг шахсий дахлсизлигига, балки уларнинг интеллектуал ҳамда моддий мол-мулкига ҳам жиддий таҳдид солмоқда. Ҳатто фуқароларнинг шахсидан ёвуз ниятда фойдаланиб, бошқа шахсларга нисбатан ижтимоий хавфли қилмишлар содир этилиши кузатишмоқда. Бунинг оқибатида ахборот-коммуникация технологиялари инсониятнинг кейинги тақдирига, шахс, жамият ва давлат, шу жумладан, жамоат хавфсизлигига реал хавф сифатида намоён бўлмоқда.

Анъанавий жиноятчилик турларининг аста-секинлик билан кибермуҳит, шу жумладан, кибермаконга кўчиб ўтиши ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар олдига мутлақо янги, мураккаб вазифаларни қўймоқда. Кибермуҳит, шу жумладан, кибермакондаги ҳуқуқбузарликларнинг чегара билмаслиги, уларнинг кўпинча трансмиллий хусусиятга эга эканлиги бундай жиноятларга қарши курашни янада қийинлаштиради. Бундан ташқари, жиноятчиларнинг аксарият ҳолларда аноним қолиши ва изларини рақамли муҳитда яшириши уларни тезкорлик билан фош этишда тўсиқ бўлмоқда. Бундай шароитда кибержиноятларга қарши курашишнинг мустаҳкам, изчил ва замонавий ҳуқуқий базасини яратиш ҳар бир ривожланаётган давлатнинг устувор вазифасига айланган. Ўзбекистон Республикаси ҳам глобал ахборот маконининг ажралмас қисми сифатида ўз миллий киберхавфсизлигини таъминлашга давлат даражасида жиддий эътибор қаратмоқда. Мамлакатимизда ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация тизимларини ҳимоя қилиш мақсадида қонунчиликка, хусусан, жиноят қонунчилигига тизимли равишда ўзгартириш ва қўшимчалар киритиб боришмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида кибержиноятлар учун жавобгарликни белгиловчи нормаларнинг такомиллаштирилиши ушбу йўналишдаги жиноят-ҳуқуқий сиёсатнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Кодексда ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарликни назарда тутувчи махсус нормалар бугунги куннинг шиддатли талабларидан келиб чиқиб, илмий ва амалий жиҳатдан чуқур таҳлил қилинишини тақозо этади. Эътиборингизга ҳавола этилаётган ушбу қўлланма айнан шу эҳтиёжларни қондириш, соҳадаги назарий ва амалий муаммоларни изчил очиб бериш мақсадида яратилди. Қўлланманинг асосий мақсади талабалар, тадқиқотчилар ва амалиётчи мутахассис ва ходимларга ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда содир этиладиган жамият хавфсизлигига қарши кибержиноятларнинг юридик табиатини, ушбу жиноятларнинг юридик-техник таҳлили, содир этиш усуллари, рақамли

излари, ўтказилиши мумкин бўлган экспертизалар ва кибержиноятларни фош этиш тартибини пухта тушунтиришдир. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг Махсус қисмида зарурий белги сифатида назарда тутилган ёки тутилмаганидан қатъи назар, кибержиноят деб саналадиган ижтимоий хавфли қилмишлар мазкур китобнинг асосий тадқиқот объекти этиб олинган. Фойдаланувчи бу китоб орқали жамият хавфсизлигига қарши кибержиноятлар амалдаги қайси норманинг бузилиши сабабли вужудга келишини, объектив томондан содир этилиши тартиби, субъекти, субъектив томони, объекти, тамомланиши, квалификацияси, жиноят предмети, воситаси, содир этиш усуллари, жиноятни фош қилиш учун зарур бўлган рақамли излар ва экспертизалар ҳақида зарур билимга эга бўлиши мумкин.

Ушбу қўлланманинг кибералогия методи асосида ёзилгани унинг нафақат фойдаланувчиларга, балки сунъий интеллект технологияларига ҳам тушунарли ва қулай бўлишини таъминлайди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари бугунги кунда рақамли далилларни тўплаш, қонуний қайд этиш ва уларни тўғри баҳолашда кўплаб процессуал муаммоларга дуч келмоқда. Шу боис, дарсликда соф жиноят-ҳуқуқий квалификация масалалари билан бир қаторда, бундай жиноятларни очиш ва тергов қилишнинг ўзига хос процессуал ва криминалистик жиҳатларига ҳам қисқача тўхталиб ўтилган. Ҳар бир кўриб чиқилган модда кенг шарҳланиб, қилмишни тўғри квалификация қилиш учун зарур бўлган қонуний мезонлар аниқ ва тушунарли тарзда кўрсатиб берилган.

Бугунги куннинг етук юристи нафақат соф ҳуқуқий нормаларни, балки ахборот-коммуникация технологияларининг базавий ишлаш принципларини ҳам муайян даражада тушуниши шарт эканлиги қўлланманинг асосий ғояларидан биридир. Ушбу ўқув адабиёти айнан шу икки муҳим соҳа – ҳуқуқшунослик ва ахборот-коммуникация технологиялари кесишиш нуқтасида юзага келадиган жинойи-ҳуқуқий ижтимоий муносабатларни тартибга солиш усуллариини ўргатади. Ишончимиз комилки, мазкур қўлланма олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабалар учун муҳим илмий манба бўлибгина қолмай, суриштирувчилар, терговчилар, прокурорлар, судьялар, экспертлар, мутахассислар ва ҳимоячиларнинг кундалик фаолиятида мураккаб кибержиноятларни тўғри малакалашда яқин кўмакчи ва дастуриламал бўлиб хизмат қилади. Умуман олганда, кибермуҳит, шу жумладан, кибермаконда қонун устуворлигини таъминлаш орқали шахс, жамият ва давлат манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизимини яратиш ушбу илмий асарнинг бош мақсадидир.

1-БОБ. ЖАМИЯТ ХАВФСИЗЛИГИ ВА ТАРТИБИГА ҚАРШИ КИБЕРЖИНОЯТЛАРНИНГ ЖИНОИЙ-ҲУҚУҚИЙ ВА ТЕХНИК ЖИҲАТДАН ТАВСИФИ

1.1-§. Жамият хавфсизлиги ва тартибига қарши кибержиноятларнинг юридик-техник таҳлили

1. Кибержиноят бўлиши мумкинлиги тасдиқланган ушбу жиноят турлари – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб жиноий уюшма ташкил этиш ёхуд кибержиноий уюшма, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ёхуд киберлегаллаштириш (киберлегализация), ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, оммавий тартибсизликлар ёхуд кибертоталтартибсизлик, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ёки намоиш этиш ёхуд киберэкстремизм, киберсепаратизм, киберакидапарастлик, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар тарқалиши ҳақида ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тарқатиш, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, ёлғон ахборот тарқатиш, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, ўқотар қуролни, ўқдориларни, ўқотар қуролнинг асосий қисмларини, портловчи моддаларни, портлатиш воситаларини ёки портлатиш қурилмаларини қонунга ҳилоф равишда эгаллаш, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга ҳилоф равишда эгаллаш, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган кучли таъсир қилувчи моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, тарқатиш, реклама қилиш, намоиш этиш ёки бундай моддаларни ёхуд заҳарли моддаларни қонунга ҳилоф равишда муомалага киритиш, радиоактив материалларни қонунга ҳилоф равишда эгаллаш, нефть қувурларини, газ қувурларини, нефть ва газ маҳсулотлари қувурларини яроқсиз ҳолатга келтириш, темир йўлнинг ҳаракатланадиган таркибини, ҳаво, денгиз ёки дарё кемасини олиб қочиш ёки эгаллаб олиш, транспорт воситасини олиб қочиш, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни қонунга ҳилоф равишда эгаллаш, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга ҳилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар қилиш, шунингдек уларни қонунга ҳилоф равишда ўтказиш, гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, тарқатиш, реклама қилиш, намоиш этиш ёки бундай моддаларни истеъмол қилишга жалб этиш, кибербезорилик, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш ёхуд киберқиморбозлик, ахборотлаштириш қоидаларини бузиш, компьютер ахборотидан қонунга ҳилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш

ёхуд ноқонуний киберахборот муомаласи, компьютер тизимидан, шунингдек телекоммуникация тармоқларидан қонунга ҳилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун махсус воситаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб тайёрлаш ёхуд ўтказиш ва тарқатиш ёхуд киберконтрабанда, компьютер ахборотини модификациялаштириш, компьютер саботажи ёхуд киберсаботаж, зарар келтирувчи дастурларни яратиш, ишлатиш ёки тарқатиш, телекоммуникация тармоғидан қонунга ҳилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш, крипто-активлар айланмаси соҳасидаги қонунчиликни бузиш, майнинг фаолиятини қонунга ҳилоф равишда амалга ошириш;

2. Кибержиноят асосий бевосита объекти – жамият хавфсизлиги, шу жумладан, жамоат, транспорт, ахборот хавфсизлиги, киберхавфсизлик, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларнинг қонуний муомаласи, ахборот-коммуникация технологияларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар;

3. Кибержиноят қўшимча бевосита объекти – ахборот-коммуникация технологияларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар;

4. Кибержиноят факультатив бевосита объекти – ўзга шахс (лар), давлат хавфсизлиги, мулк дахлсизлиги, манфаатлари ва бошқалар;

5. Кибержиноят субъекти – жиноят содир этгунига қадар қуйидаги ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс:

14 ёш – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ўқотар қуролни, ўқ-дориларни, ўқотар қуролнинг асосий қисмларини, портловчи моддаларни, портлатиш воситаларини ёки портлатиш қурилмаларини қонунга ҳилоф равишда эгаллаш, радиоактив материалларни қонунга ҳилоф равишда эгаллаш, темир йўл, денгиз, дарё, ҳаво транспорти воситаси ёки алоқа йўлларини яроқсиз ҳолатга келтириш, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни қонунга ҳилоф равишда эгаллаш, оғирлаштирувчи ҳолатларда кибербезорилик;

16 ёш – жамият хавфсизлигига қарши бошқа кибержиноятлар;

6. Кибержиноят субъектив томони – қасддан.

7. Кибержиноят объектив томони – қуйидаги усуллар орқали Жиноят кодексининг Махсус қисмида кўрсатилган ҳолат ва ҳаракатлар бўйича шахсга қарши кибержиноятларни содир этиш:

- 1) телекоммуникация ёки интернет тармоғида намойишкорона;
- 2) телекоммуникация ёки интернет тармоғида жойлаштириш орқали;
- 3) ахборот-коммуникация технологияларидан жиноят қуроли ёки воситаси сифатида фойдаланиш натижасида.

8. Кибержиноят мақсади – Жиноят кодексининг Махсус қисмида кўрсатилган шахсга қарши кибержиноятларга қараб турлича.

9. Кибержиноят воситаси (қуроли) – ахборот-коммуникация технологиялари. Шу жумладан, тизим, тармоқ, дастур, дастурий восита, дастурий аппарат, аппарат-дастурий восита, дастурий маҳсулот, дастурий таъминот, қурилма, аппарат, техник восита, алоқа, ахборот, сунъий интеллект, телекоммуникация воситаси, тиббий восита, ахборот, булутли, рақамли, сунъий интеллект, телекоммуникациялар, кибер, шу жумладан,

киберхавфсизлик, био, веб-технологиялари, платформалар, маркетплейслар, мессенжер, веб-сайт, ахборот ресурси ва хк.

10. Кибержиноятнинг умумий зарурий белгилари:

- 1) қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги;
- 2) қилмишнинг ҳуқуққа ҳилофлилиги;
- 3) қилмишда айбнинг мавжудлиги;
- 4) қилмишнинг жазога сазоворлиги;
- 5) қилмиши ва оқибат сабабий боғланиш;
- 6) алоқа;
- 7) ахборот;
- 8) кибермуҳит, шу жумладан, кибермакон;
- 9) ахборот-коммуникация технологиялари.

Қўшимча зарурий белгилари, Жиноят кодексининг Махсус қисмида кўрсатилган шахсга қарши кибержиноятларга қараб турлича бўлади.

11. Кибержиноятнинг тамомланиши – Жиноят кодексининг Махсус қисмида кўрсатилган ҳаракат бажарилган ёки оқибат вужудга келган вақтдан бошлаб Жиноят кодексининг Махсус қисмида кўрсатилган шахсга қарши кибержиноятларга қараб турлича бўлади.

12. Кибержиноятнинг тузилишига кўра тури –

моддий таркибли кибержиноят – ушбу жиноятлар тамом бўлган деб топилиши учун қонунда кўрсатилган муайян зарар ёки зиён шаклидаги оқибатлар келиб чиқиши мажбурийдир ва унга ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб нефть қувурларини, газ қувурларини, нефть ва газ маҳсулотлари қувурларини яроқсиз ҳолатга келтириш, ахборотлаштириш қоидаларини бузиш, компьютер ахборотидан қонунга ҳилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш ёхуд ноқонуний киберахборот муомаласи, компьютер ахборотини модификациялаштириш, компьютер саботажига ёхуд киберсаботаж, кибербезорилик кибержиноятлари кириши мумкин;

формал таркибли кибержиноят – бу жиноятлар қонунда кўрсатилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик содир этилган пайтдан бошлаб, ҳеч қандай оқибат (зарар) келиб чиқишидан қатъи назар, тугалланган ҳисобланади ва унга ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ёхуд киберлегаллаштириш (киберлегализация), жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ёки намоиш этиш ёхуд киберэкстремизм, киберсепаратизм, киберактидапарастлик, карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар тарқалиши ҳақида ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тарқатиш, ёлғон ахборот тарқатиш, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган кучли таъсир қилувчи моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, тарқатиш, реклама қилиш, намоиш этиш ёки бундай моддаларни ёхуд заҳарли моддаларни қонунга ҳилоф равишда муомалага киритиш, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга ҳилоф равишда

тайёрлаш, олиш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар қилиш, шунингдек уларни қонунга ҳилоф равишда ўтказиш, гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, тарқатиш, реклама қилиш, намоиш этиш ёки бундай моддаларни истеъмол қилишга жалб этиш, қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш ёхуд киберқиморбозлик, компьютер тизимидан, шунингдек телекоммуникация тармоқларидан қонунга ҳилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун махсус воситаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб тайёрлаш ёхуд ўтказиш ва тарқатиш ёхуд киберконтрабанда, зарар келтирувчи дастурларни яратиш, ишлатиш ёки тарқатиш, телекоммуникация тармоғидан қонунга ҳилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш, крипто-активлар айланмаси соҳасидаги қонунчиликни бузиш, майнинг фаолиятини қонунга ҳилоф равишда амалга ошириш кибержиноятлари кириши мумкин;

аралаш таркибли кибержиноят – ушбу жиноятларда модданинг асосий қисми ҳаракатнинг ўзи билан тамом бўлади (формал), аммо унинг оғирлаштирувчи қисмларида реал оғир оқибатлар келиб чиқиши шартлиги (моддий таркиб) инобатга олинган ва унга ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб оммавий тартибсизликлар ёхуд кибертоталтартибсизлик кибержиноятлари кириши мумкин;

кесик таркибли кибержиноят – тайёргарлик кўриш ёки суиқасд босқичидаёқ тугалланган деб топиладиган жиноятлар бўлиб, ушбу турга ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб жиноий уюшма ташкил этиш ёхуд кибержиноий уюшма, ўқотар қуролни, ўқ-дориларни, ўқотар қуролнинг асосий қисмларини, портловчи моддаларни, портлатиш воситаларини ёки портлатиш қурилмаларини қонунга ҳилоф равишда эгаллаш (агар босқинчилик йўли билан бўлса), ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга ҳилоф равишда эгаллаш (агар босқинчилик йўли билан бўлса), радиоактив материалларни қонунга ҳилоф равишда эгаллаш (агар босқинчилик йўли билан бўлса), темир йўлнинг ҳаракатланадиган таркибини, ҳаво, денгиз ёки дарё кемасини олиб қочиш ёки эгаллаб олиш, транспорт воситасини олиб қочиш, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни қонунга ҳилоф равишда эгаллаш кибержиноятлари кириши мумкин.

13. Кибержиноятнинг ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра тури – ижтимоий хавфи катта бўлмаган; унча оғир бўлмаган; оғир; ўта оғир кибержиноятларга бўлинади.

Бунда, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар киради.

Унча оғир бўлмаган жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан ортиқ, лекин беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар қиради.

Оғир жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда беш йилдан ортиқ, лекин ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар қиради.

Ўта оғир жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёхуд умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар қиради. Мисол учун:

Ижтимоий хавфи катта бўлмаган кибержиноятлар – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб оммавий тартибсизликлар, жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ёки намойиш этиш, карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар тарқалиши ҳақида ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тарқатиш, ёлғон ахборот тарқатиш, ўқотар курулни, ўқ-дориларни, ўқотар курулнинг асосий қисмларини, портловчи моддаларни, портлатиш воситаларини ёки портлатиш қурилмаларини қонунга ҳилоф равишда эгаллаш, кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга ҳилоф равишда эгаллаш, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган кучли таъсир қилувчи моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш ёки бундай моддаларни ёхуд заҳарли моддаларни қонунга ҳилоф равишда муомалага киритиш, нефть қувурларини, газ қувурларини, нефть ва газ маҳсулотлари қувурларини яроқсиз ҳолатга келтириш, темир йўл, денгиз, дарё ёки ҳаво транспортининг ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни қонунга ҳилоф равишда эгаллаш, гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш ёки бундай моддаларни истеъмол қилишга жалб этиш, кибербезорилик, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш, ахборотлаштириш қоидаларини бузиш, компьютер ахборотидан қонунга ҳилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш, компьютер тизимидан, шунингдек телекоммуникация тармоқларидан қонунга ҳилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун махсус воситаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб тайёрлаш ёхуд ўтказиш ва тарқатиш, компьютер ахборотини модификациялаштириш, компьютер сабогажи, зарар келтирувчи дастурларни яратиш, ишлатиш ёки тарқатиш, телекоммуникация тармоғидан қонунга ҳилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш, крипто-активлар айланмаси соҳасидаги қонунчиликни бузиш, майнинг фаолиятини қонунга ҳилоф равишда амалга ошириш кибержиноятлари кириши мумкин;

Унча оғир бўлмаган кибержиноятлар – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб оммавий тартибсизликлар, жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ёки намоиш этиш, ўқотар қуролни, ўқ-дориларни, ўқотар қуролнинг асосий қисмларини, портловчи моддаларни, портлатиш воситаларини ёки портлатиш қурилмаларини қонунга ҳилоф равишда эгаллаш, кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга ҳилоф равишда эгаллаш, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган кучли таъсир қилувчи моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, тарқатиш, реклама қилиш, намоиш этиш ёки бундай моддаларни ёхуд заҳарли моддаларни қонунга ҳилоф равишда муомалага киритиш, радиоактив материалларни қонунга ҳилоф равишда эгаллаш, нефть қувурларини, газ қувурларини, нефть ва газ маҳсулотлари қувурларини яроқсиз ҳолатга келтириш, темир йўл, денгиз, дарё, ҳаво транспорти воситаси ёки алоқа йўлларини яроқсиз ҳолатга келтириш, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни қонунга ҳилоф равишда эгаллаш, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга ҳилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар қилиш, шунингдек уларни қонунга ҳилоф равишда ўтказиш, гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, тарқатиш, реклама қилиш, намоиш этиш ёки бундай моддаларни истеъмол қилишга жалб этиш, кибербезорилик, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш, телекоммуникация тармоғидан қонунга ҳилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш, крипто-активлар айланмаси соҳасидаги қонунчиликни бузиш, майнинг фаолиятини қонунга ҳилоф равишда амалга ошириш кибержиноятлари кириши мумкин;

Оғир кибержиноятлар – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ёки намоиш этиш, ўқотар қуролни, ўқ-дориларни, ўқотар қуролнинг асосий қисмларини, портловчи моддаларни, портлатиш воситаларини ёки портлатиш қурилмаларини қонунга ҳилоф равишда эгаллаш, кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга ҳилоф равишда эгаллаш, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган кучли таъсир қилувчи моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, тарқатиш, реклама қилиш, намоиш этиш ёки бундай моддаларни ёхуд заҳарли моддаларни қонунга ҳилоф равишда муомалага киритиш, нефть қувурларини, газ қувурларини, нефть ва газ маҳсулотлари қувурларини яроқсиз ҳолатга келтириш, темир йўл, денгиз, дарё ёки ҳаво транспортининг ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш, темир йўлнинг ҳаракатланадиган таркибини, ҳаво, денгиз ёки дарё кемасини олиб қочиш ёки эгаллаб олиш, транспорт воситасини олиб қочиш, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп

моддаларни қонунга ҳилоф равишда эгаллаш, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга ҳилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар қилиш, шунингдек уларни қонунга ҳилоф равишда ўтказиш, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш кибержиноятлари кириши мумкин;

Ўта оғир кибержиноятлар – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб жиноий уюшма ташкил этиш, оммавий тартибсизликлар, ўқотар қуролни, ўқ-дориларни, ўқотар қуролнинг асосий қисмларини, портловчи моддаларни, портлатиш воситаларини ёки портлатиш қурилмаларини қонунга ҳилоф равишда эгаллаш, кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга ҳилоф равишда эгаллаш, радиоактив материалларни қонунга ҳилоф равишда эгаллаш, темир йўл, денгиз, дарё, ҳаво транспорти воситаси ёки алоқа йўлларини яроқсиз ҳолатга келтириш, темир йўлнинг ҳаракатланадиган таркибини, ҳаво, денгиз ёки дарё кемасини олиб қочиш ёки эгаллаб олиш, транспорт воситасини олиб қочиш, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни қонунга ҳилоф равишда эгаллаш, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга ҳилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар қилиш, шунингдек уларни қонунга ҳилоф равишда ўтказиш кибержиноятлари кириши мумкин.

Эслатма, ушбу кибержиноятларнинг таснифланиши Жиноят кодексидаги моддаларнинг санкциясига қараб ўзгариши мумкин, шу сабабли юқоридаги кибержиноятлар қатъий қоида саналмайди.

14. Жазо тизимига кўра тури –

1) Жиноят кодексида қилмиш учун жарима жазоси назарда тутилган кибержиноятлар – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб оммавий тартибсизликлар, жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ёки намоиш этиш, карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар тарқалиши ҳақида ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тарқатиш, ёлғон ахборот тарқатиш, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган кучли таъсир қилувчи моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, тарқатиш, реклама қилиш, намоиш этиш ёки бундай моддаларни ёхуд заҳарли моддаларни қонунга ҳилоф равишда муомалага киритиш, нефть қувурларини, газ қувурларини, нефть ва газ маҳсулотлари қувурларини яроқсиз ҳолатга келтириш, темир йўл, денгиз, дарё ёки ҳаво транспортининг ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш, темир йўл, денгиз, дарё, ҳаво транспорти воситаси ёки алоқа йўлларини яроқсиз ҳолатга келтириш, гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, тарқатиш, реклама қилиш, намоиш этиш ёки бундай моддаларни истеъмол қилишга жалб этиш, қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш, кибербезорилик, ахборотлаштириш қоидаларини бузиш, компьютер ахборотидан қонунга

хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш, компьютер тизимидан, шунингдек телекоммуникация тармоқларидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун махсус воситаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб тайёрлаш ёхуд ўтказиш ва тарқатиш, компьютер ахборотини модификациялаштириш, компьютер саботаж, зарар келтирувчи дастурларни яратиш, ишлатиш ёки тарқатиш, телекоммуникация тармоғидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш, крипто-активлар айланмаси соҳасидаги қонунчиликни бузиш, майнинг фаолиятини қонунга хилоф равишда амалга ошириш кибержиноятлари кириши мумкин;

2) Жиноят кодексида қилмиш учун муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган кибержиноятлар – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб темир йўл, денгиз, дарё ёки ҳаво транспортининг ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш, компьютер ахборотидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш, компьютер саботаж кибержиноятлари кириши мумкин;

3) Жиноят кодексида қилмиш учун мажбурий жамоат ишлари жазоси назарда тутилган кибержиноятлар – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар тарқалиши ҳақида ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тарқатиш, ёлғон ахборот тарқатиш, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган кучли таъсир қилувчи моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, тарқатиш, реклама қилиш, намоиш этиш ёки бундай моддаларни ёхуд заҳарли моддаларни қонунга хилоф равишда муомалага киритиш, гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, тарқатиш, реклама қилиш, намоиш этиш ёки бундай моддаларни истеъмол қилишга жалб этиш, қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш, кибербезорилик кибержиноятлари кириши мумкин;

4) Жиноят кодексида қилмиш учун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси назарда тутилган кибержиноятлар – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб оммавий тартибсизликлар, жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ёки намоиш этиш, карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар тарқалиши ҳақида ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тарқатиш, ёлғон ахборот тарқатиш, ўқотар курулни, ўқ-дориларни, ўқотар курулнинг асосий қисмларини, портловчи моддаларни, портлатиш воситаларини ёки портлатиш қурилмаларини қонунга хилоф равишда эгаллаш, кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга хилоф равишда эгаллаш, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган кучли таъсир қилувчи моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, тарқатиш, реклама қилиш, намоиш этиш ёки бундай моддаларни ёхуд заҳарли моддаларни қонунга хилоф равишда муомалага киритиш, нефть қувурларини, газ қувурларини, нефть ва газ маҳсулотлари қувурларини яроқсиз ҳолатга келтириш. темир йўл,

денгиз, дарё ёки ҳаво транспортининг ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш, темир йўл, денгиз, дарё, ҳаво транспорти воситаси ёки алоқа йўллари яроқсиз ҳолатга келтириш, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни қонунга ҳилоф равишда эгаллаш, гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, тарқатиш, реклама қилиш, намоиш этиш ёки бундай моддаларни истеъмол қилишга жалб этиш, қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш, кибербезорилик, ахборотлаштириш қоидаларини бузиш, компьютер ахборотидан қонунга ҳилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш, компьютер тизимидан, шунингдек телекоммуникация тармоқларидан қонунга ҳилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун махсус воситаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб тайёрлаш ёхуд ўтказиш ва тарқатиш, компьютер ахборотини модификациялаштириш, компьютер саботаж, крипто-активлар айланмаси соҳасидаги қонунчиликни бузиш, майнинг фаолиятини қонунга ҳилоф равишда амалга ошириш кибержиноятлари кириши мумкин;

5) Жиноят кодексида қилмиш учун озодликни чеклаш жазоси назарда тутилган кибержиноятлар – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб оммавий тартибсизликлар, жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ёки намоиш этиш, карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар тарқалиши ҳақида ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тарқатиш, ёлғон ахборот тарқатиш, ўқотар курулни, ўқ-дориларни, ўқотар курулнинг асосий қисмларини, портловчи моддаларни, портлатиш воситаларини ёки портлатиш қурилмаларини қонунга ҳилоф равишда эгаллаш, кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга ҳилоф равишда эгаллаш, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган кучли таъсир қилувчи моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, тарқатиш, реклама қилиш, намоиш этиш ёки бундай моддаларни ёхуд заҳарли моддаларни қонунга ҳилоф равишда муомалага киритиш, радиоактив материалларни қонунга ҳилоф равишда эгаллаш, нефть қувурларини, газ қувурларини, нефть ва газ маҳсулотлари қувурларини яроқсиз ҳолатга келтириш, темир йўл, денгиз, дарё ёки ҳаво транспортининг ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш, темир йўл, денгиз, дарё, ҳаво транспорти воситаси ёки алоқа йўллари яроқсиз ҳолатга келтириш, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни қонунга ҳилоф равишда эгаллаш, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга ҳилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар қилиш, шунингдек уларни қонунга ҳилоф равишда ўтказиш, гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, тарқатиш, реклама қилиш, намоиш этиш ёки бундай моддаларни истеъмол қилишга жалб этиш, кибербезорилик, компьютер ахборотидан қонунга ҳилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш, компьютер ахборотини модификациялаштириш,

компьютер сабогажи, зарар келтирувчи дастурларни яратиш, ишлатиш ёки тарқатиш, телекоммуникация тармоғидан қонунга ҳилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш, крипто-активлар айланмаси соҳасидаги қонунчиликни бузиш, майнинг фаолиятини қонунга ҳилоф равишда амалга ошириш кибержиноятлари кириши мумкин;

б) Жиноят кодексида қилмиш учун озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган кибержиноятлар – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб жиноий уюшма ташкил этиш ёхуд кибержиноий уюшма, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ёхуд киберлегаллаштириш (киберлегализация), ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, оммавий тартибсизликлар ёхуд кибертоталтартибсизлик, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ёки намоиш этиш ёхуд киберэкстремизм, киберсепаратизм, киберактидапарастлик, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар тарқалиши ҳақида ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тарқатиш, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, ўқотар қуролни, ўқ-дориларни, ўқотар қуролнинг асосий қисмларини, портловчи моддаларни, портлатиш воситаларини ёки портлатиш қурилмаларини қонунга ҳилоф равишда эгаллаш, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга ҳилоф равишда эгаллаш, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган кучли таъсир қилувчи моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, тарқатиш, реклама қилиш, намоиш этиш ёки бундай моддаларни ёхуд заҳарли моддаларни қонунга ҳилоф равишда муомалага киритиш, радиоактив материалларни қонунга ҳилоф равишда эгаллаш, нефть қувурларини, газ қувурларини, нефть ва газ маҳсулотлари қувурларини яроқсиз ҳолатга келтириш, темир йўлнинг ҳаракатланадиган таркибини, ҳаво, денгиз ёки дарё кемасини олиб қочиш ёки эгаллаб олиш, транспорт воситасини олиб қочиш, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни қонунга ҳилоф равишда эгаллаш, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга ҳилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар қилиш, шунингдек уларни қонунга ҳилоф равишда ўтказиш, гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, тарқатиш, реклама қилиш, намоиш этиш ёки бундай моддаларни истеъмол қилишга жалб этиш, кибербезорилик, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш ёхуд киберқиморбозлик, компьютер ахборотидан қонунга ҳилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш ёхуд ноқонуний киберахборот муомаласи, компьютер ахборотини модификациялаштириш, компьютер сабогажи ёхуд

киберсаботаж, зарар келтирувчи дастурларни яратиш, ишлатиш ёки тарқатиш, телекоммуникация тармоғидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш, крипто-активлар айланмаси соҳасидаги қонунчиликни бузиш, майнинг фаолиятини қонунга хилоф равишда амалга ошириш кибержиноятлари кириши мумкин.

Эслатма, ушбу кибержиноятларнинг таснифланиши Жиноят кодексидаги моддаларнинг санкциясига қараб ўзгариши мумкин, шу сабабли юқоридаги кибержиноятлар қатъий қоида саналмайди.

Юқоридагиларга кўра, айтадиган бўлсак, жамият, шу жумладан, жамоат хавфсизлигига қарши кибержиноятлар Жиноят кодекси Махсус қисмининг бешинчи бўлимида назарда тутилган ва унга Жиноят кодексининг 242-244¹, 244⁵-244⁶, 247-248, 251-251¹, 252, 255², 260, 263, 264, 267, 271, 273-274-, 277-278⁹-моддаларида назарда тутилган, шунингдек ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан, телекоммуникация, интернет тармоқларида, ундан фойдаланиб, кибермуҳитда, шу жумладан, кибермаконда ёки улар орқали содир этилган кибержиноятлар кириши мумкин. Жамият хавфсизлиги ва тартибига таҳдид солувчи кибержиноятларга Жиноят кодексининг 242-278⁹-моддасида назарда тутилган жиноятлар ҳамда Жиноят кодексининг 97-302-моддаларида назарда тутилган жиноятларнинг икки ёки ундан ортиқ қисмига нисбатан содир этилган, одамлар ўлимига сабаб бўлган ҳолатларни назарда тутувчи жиноятлар кириши мумкин. Мазкур жиноятлар ахборот-коммуникация технологиялари орқали кибермуҳитда, шу жумладан, кибермаконда ёки ундан фойдаланиб, жамият хавфсизлиги ва тартибига қарши содир этилган тақдирдагина улар жамият хавфсизлиги ва тартибига таҳдид солувчи кибержиноятлар деб аталади. Жиноят кодекси Махсус қисмидаги моддалар бевосита асосий объектга нисбатан шакллантирилганлиги боис, Жиноят кодексининг 242-278⁹-моддасида назарда тутилган кибержиноятлар жамият хавфсизлиги ва тартибига қарши кибержиноятлар деб аталади. Бироқ, Жиноят кодексининг олтинчи бўлимида “жамоат” ва “жамият” сўзи ўзаро фарқ қилиниши ҳамда унинг предметига тааллуқли бўлмаган боблар ҳам борлиги инобатга олинмаганлиги боис, ушбу бўлим “Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятлар”, деб номланган. Мазкур жиноятларнинг барчаси қасдан содир этилади. Жиноят кодексининг 97-236 ва 279-302-моддаларида назарда тутилган жиноятларнинг икки ёки ундан ортиқ қисмига нисбатан содир этилган, одамлар ўлимига сабаб бўлган ҳолатларни назарда тутувчи жиноятлар юқоридаги ва қуйидаги параграфларда шарҳланганлиги боис, Жиноят кодексининг 242-278⁹-моддасида назарда тутилган кибержиноятлар таҳлилини кўриб ўтамиз.

1.2-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, жиноий уюшма ташкил этиш ёхуд кибержиноий уюшма жиноятининг юридик-техник таҳлили

242-модда. Жиноий уюшма ташкил этиш, яъни жиноий уюшма ёхуд унинг бўлинмаларини тузиш ёки унга раҳбарлик қилиш, шунингдек, уларнинг мавжуд бўлиши ва ишлаб туришини таъминлашга қаратилган фаолият –

ўн беш йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Уюшган қуролли гуруҳ тузиш, шунингдек унга раҳбарлик қилиш ёки унда иштирок этиш –

ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Муҳофаза қилинадиган норма – Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан, ахборотни излаш, олиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқни чеклашга фақат қонунга мувофиқ ҳамда фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлиғини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш, шунингдек давлат сирлари ёки қонун билан қўриқладиган бошқа сир ошкор этилишининг олдини олиш мақсадида зарур бўлган доирада йўл қўйилади. Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган органлар томонидангина амалга оширилади. Инсоннинг шаъни ва кадр-қиммати дахлсиздир. Ҳеч нарса уларни камситиш учун асос бўлиши мумкин эмас. Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки инсон кадр-қимматини камситувчи муомалага ёхуд жазога дучор этилиши мумкин эмас. Ҳеч ким расмий эълон қилинмаган қонун асосида ҳукм қилиниши, жазога тортилиши, мол-мулкидан ёки бирон-бир ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикасида барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиниши таъминланади. Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Ўзбекистон Республикасида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига биноан ҳамда ушбу Конституцияга мувофиқ эътироф этилади ва қафолатланади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегишли бўлади. Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа инсонларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар. Инсоннинг шаъни ва кадр-қиммати дахлсиздир. Инсоннинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. Ҳар бир инсон ўз шахсини эркин

камол топтириш ҳуқуқига эга. Ҳеч кимга унинг розилигисиз қонунчиликда белгиланмаган мажбурият юклатилиши мумкин эмас. Инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, жамият ҳамда давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги шарт¹.

Қонунчиликка кўра, фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари иштирокчиларининг ҳалол, оқилона ва адолат билан ҳаракат қилиши назарда тутилади. Фуқаролар ва юридик шахсларнинг бошқа шахсга зарар етказишга, бошқача шаклларда ҳуқуқни суиистеъмол қилишга, шунингдек ҳуқуқни унинг мақсадига зид тарзда амалга оширишга қаратилган ҳаракатларига йўл қўйилмайди².

Оператор, провайдер, дилер ва эшиттирувчилар телекоммуникациялар тармоқларида ахборот ва киберхавфсизликни таъминлашда ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш соҳасида қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиши, жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Wi-Fi хизмати ташкилотчиси оператор ёки провайдер билан биргаликда, ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Оператор ва провайдерлар телекоммуникациялар хизматларини кўрсатишда ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши шарт. Телевидение тармоқлари орқали қонунчилик билан тақиқланган маълумотларни тарқатишга йўл қўйилмайди. Абонентлар ва фойдаланувчилар телекоммуникациялар ёрдамида тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотни тарқатмасликка мажбур³.

Сунъий интеллект технология ва тизимларини ишлаб чиқувчи ва жорий этувчилар Этика қоидаларига амал қилиши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги алгоритмларнинг шаффоф ва тушунарли бўлишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги эҳтимолий тарафкашликни олдини олиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларининг имкониятлари, чекловлари ва эҳтимолий хавфлари ҳақида очиқ маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчиларни улардан фойдаланиш қоидалари билан таништириш, улардан қандай мақсадда фойдаланиш мумкинлиги ёки тақиқланиши, шунингдек сунъий интеллектга асосланган ечимлар ёки

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

² Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

³ Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 6 январдаги 287-мх-сон буйруғи (26.01.2026 й., рўй.: 3762) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

қарорлар доим тўғри бўлмаслиги ҳамда уларнинг натижаларидан тавсиявий ёки маълумот учун фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимлари дастурий таъминоти хавфсизлигини таъминлаши, Этика қоидаларини инобатга олган ҳолда сунъий интеллект технология ва тизимларини доимий равишда такомиллаштириб бориши, сунъий интеллект технология ва тизимлари инсон назорати остида бўлишини ҳамда инсон томонидан қайта кўриб чиқиши, шунингдек якуний қарор инсон томонидан қабул қилинишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан қонунчиликка зид бўлган ёки шахс, жамият, давлат ва атроф табиий-муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган мақсадларда фойдаланмаслиги, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчилар учун сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қўлланмасини ишлаб чиқиш ва жойлаштириши шарт. Сунъий интеллект тизимларидан фойдаланувчилар сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қоидалари ва шартларига риоя қилиши, сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан тўғри фойдаланиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, бошқа фойдаланувчиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини бузмаслик, Этика қоидаларига амал қилиши, шахс, жамият ва давлат манфаатларига ҳамда атроф-табиий муҳитга зарар етказмаслиги лозим⁴.

Давлат органлари ва ташкилотлари ўз тасарруфидаги ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини, тармоқлар ишининг барқарорлигини таъминлаши, шунингдек киберхавфсизлик бўйича ўз мажбуриятларини бажариши, ваколатли давлат органини киберхужумлар тўғрисида огоҳлантириши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида сақланаётган маълумотларнинг ўғирланиши ҳамда қалбакилаштирилиши ҳолатларининг олдини олиш чораларини кўриши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларини киберҳимоя қилиш учун сертификатлаштирилган аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий таъминотдан фойдаланиши, киберхавфсизлик соҳасида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ваколатли давлат органи билан келишиши шарт. Киберхавфсизлик субъектлари ахборот тизимлари ва ресурсларидаги маълумотларнинг қонунга хилоф равишда тарқатилиши, ўғирланиши, йўқолиши, яхлитлигининг бузилиши, блокланиши ва қалбакилаштирилишининг, шунингдек ахборот тизимлари ва ресурсларига рухсатсиз киришнинг бошқа кўринишларининг олдини олиши, бундай ҳоллар аниқланганда ўз вақтида тегишли чоралар кўриши, ахборот тизимлари ва ресурсларига кириш тартиби бузилганда ҳамда уларга рухсатсиз кириш натижасида ушбу тизимлар ҳамда ресурслар ўзгартирилган ёки йўқ қилинган тақдирда салбий оқибатларни камайитириш мақсадида уларни тезкорлик билан тиклаш чораларини кўриши, содир бўлган киберхавфсизлик ҳодисалари ва кибержиноятлар тўғрисида ваколатли давлат органини хабардор қилиши,

⁴ Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 24 февралдаги 284-мх-сон буйруғи (14.03.2026 й., рўй.: 3787) билан тасдиқланган Сунъий интеллектга асосланган ечимларни яратиш, жорий қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича этика қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

ушбу ҳодисаларни тўлиқ фош этиш учун тегишли рақамли изларнинг йўқолишига йўл қўймаслик чораларини кўриши, шунингдек киберхавфсизлик ҳодисаларини таҳлил қилиш ва кибержиноятларни текшириш учун зарур бўлган маълумотларнинг доимий сақланишини таъминлаши, киберхавфсизлик объектларини муҳофаза қилиш ва уларнинг хавфсиз ишлаши мониторингини ўтказиш соҳасидаги маълумотларни ваколатли давлат органи билан ўзаро алмашишни амалга ошириши, ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберҳимоясини таъминлашда ваколатли давлат органи томонидан белгиланган киберхавфсизлик талабларига риоя этиши, киберхавфсизлик ҳодисаларига нисбатан чоралар кўриш механизмларининг ишлаб туришини ва киберхавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг ишлашини таъминлаши, улар мавжуд бўлмаган тақдирда эса ваколатли давлат органининг рухсати билан аутсорсинг хизматларидан белгиланган тартибда фойдаланиши, ваколатли давлат органига киберхавфсизликни таъминлаш мониторингининг ташкилий-техник тадбирларини амалга ошириш учун мониторинг тизимларига ва (ёки) киберхавфсизлик объектларига кириш ҳуқуқини бериши шарт⁵.

Давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар давлат сирлари ҳамда махфий сирлар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган ахборот ресурслари ва ахборот тизимларининг муҳофаза қилинишини таъминлаши шарт. Сунъий интеллектдан фойдаланиб яратилган ахборот ресурслари ҳамда сунъий интеллект технологиялари асосида ишлайдиган ахборот тизимлари инсонга, унинг ҳаётига, соғлиғига, эркинлигига, шаънига, кадр-қимматига путур етказмаслиги ва унинг бошқа ажралмас ҳуқуқларини бузмаслиги шарт. Веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурсининг эгаси, шу жумладан блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифасидан ёхуд бошқа ахборот ресурсидан қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган ўзга ҳаракатларни содир этиш мақсадларида фойдаланилишига йўл қўймаслиги шарт⁶.

Давлат фуқаролик хизматчиси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига риоя этиши, ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажариши, давлат органи томонидан белгиланган одоб-ахлоқ қоидаларига, хизматга оид ахборот билан ишлаш тартибига, шунингдек давлат фуқаролик хизматини ўташ билан боғлиқ бошқа қоидаларга риоя этиши, давлат органининг нуфузини туширишга олиб келиши ёки унинг ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажаришига шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳаракатлардан (ҳаракатсизликдан), шу жумладан ўз хизмат мажбуриятларини бажараётганда ҳар қандай шаклдаги

⁵ Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁶ Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги 560-II-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

камситишдан, ноҳолисликдан ёки кимгадир нисбатан алоҳида муносабатда бўлишдан тийилиши шарт⁷.

Ушбу нормаларнинг бузилиши натижасида мазкур жиноят вужудга келади.

Бунда, давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлиги ахборот соҳасидаги хавфсизликка таҳдидларга қарши ҳаракатлар юзасидан иқтисодий, сиёсий, ташкилий ва бошқа тусдаги чора-тадбирларни амалга ошириш, давлат сирларини сақлаш ва давлат ахборот ресурсларини улардан рухсатсиз тарзда фойдаланилишидан муҳофаза қилиш, Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ахборот маконига ва замонавий телекоммуникациялар тизимларига интеграциялашуви, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартиришга, ҳудудий яхлитлигини, суверенитетини бузишга, ҳокимиятни босиб олишга ёки қонуний равишда сайлаб қўйилган ёхуд тайинланган ҳокимият вакиллари ҳокимиятдан четлатишга ва давлат тузумига қарши бошқача тажовуз қилишга очикдан-очик даъват этишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишидан ҳимоя қилиш, урушни ва зўравонликни, шафқатсизликни тарғиб қилишни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоват уйғотишга қаратилган терроризм ва диний экстремизм ғояларини ёйишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишига қарши ҳаракатлар қилиш билан таъминланади. Шахснинг ахборот борасидаги хавфсизлиги унинг ахборотдан эркин фойдаланиши зарур шароитлари ва кафолатларини яратиш, шахсий ҳаётига тааллуқли сирларини сақлаш, ахборот воситасида қонунга ҳилоф равишда руҳий таъсир кўрсатилишидан ҳимоя қилиш йўли билан таъминланади. Жисмоний шахсларга тааллуқли шахсий маълумотлар махфий ахборот тоифасига киради. Жисмоний шахснинг розилигисиз унинг шахсий ҳаётига тааллуқли ахборотни, худди шунингдек шахсий ҳаётига тааллуқли сирини, ёзишмалар, телефондаги сўзлашувлар, почта, телеграф ва бошқа мулоқот сирларини бузувчи ахборотни тўплашга, сақлашга, қайта ишлашга, тарқатишга ва ундан фойдаланишга йўл қўйилмайди, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно. Жисмоний шахслар тўғрисидаги ахборотдан уларга моддий зарар ва маънавий зиён етказиш, шунингдек уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари рўёбга чиқарилишига тўсқинлик қилиш мақсадида фойдаланиш тақиқланади. Фуқаролар тўғрисида ахборот олувчи, бундай ахборотга эгалик қилувчи ҳамда ундан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахслар бу ахборотдан фойдаланиш тартибини бузганлик учун қонунда назарда тутилган тарзда жавобгар бўладилар. Ахборот манбаи ёки муаллиф номи фақат суд қарори билан ошкор этилиши мумкин⁸.

Бунда, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда аниқланган валюта намунаси қалбаки эканлигига шубҳа пайдо бўлганда, тезкор-қидирув тадбирлари

⁷ Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида” 2022 йил 8 августдаги ЎРҚ–788-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁸ Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принципи ва кафолатлари тўғрисида” 2002 йил 12 декабрдаги 439-П-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

давомийлигини таъминлаш зарурати юзага келганда, тезкорликни амалга ошириш ҳамда тегишли вақтни тежаш мақсадида мазкур модда (буюм) ёки валюта намуналарини улар аниқланган жойнинг ўзида ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар биносида экспресс текшириш техник воситалари ёрдамида текширади⁹.

2. Кибержиноят асосий бевосита объекти — жамият ва жамоат хавфсизлиги.

3. Кибержиноят қўшимча бевосита объекти — ахборот-коммуникация технологияларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар.

4. Кибержиноят факультатив бевосита объекти — ўзга шахс (лар) ва давлат, шу жумладан, шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни, кадр-қиммати, мулк дахлсизлиги, тинчлик ва инсоният хавфсизлиги, бошқарув тартиби ва бошқалар;

5. Кибержиноят субъекти — 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс.

6. Кибержиноят субъектив томони — қасддан.

7. Кибержиноят объектив томони — ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ёки қонунга хилоф равишда ахборот-коммуникация тизимига кириб, жиноий уюшма ёхуд унинг бўлинмаларини тузиш ёки унга раҳбарлик қилиш, шунингдек, уларнинг мавжуд бўлиши ва ишлаб туришини таъминлашга қаратилган фаолиятни амалга ошириш ёки уюшган қуролли гуруҳ тузиш, шунингдек унга раҳбарлик қилиш ёки унда иштирок этиш йўли билан содир этилади.

8. Кибержиноят мақсади — моддий ёки (ва) номоддий манфаат, ғаразли ёки бошқа паст ниятлар, ўч олиш ва ҳк.

9. Кибержиноят воситаси (қуроли) — ахборот-коммуникация технологиялари.

10. Кибержиноятнинг зарурий белгилари:

- 1) қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги;
- 2) қилмишнинг ҳуқуққа хилофлилиги;
- 3) қилмишда айбнинг мавжудлиги;
- 4) қилмишнинг жазога сазоворлиги;
- 5) қилмишнинг жиноий уюшма ёхуд унинг бўлинмаларига боғлиқлиги;
- 6) қилмишнинг жиноий уюшма ёхуд унинг бўлинмаларини тузиш ёки унга раҳбарлик қилиш, шунингдек, уларнинг мавжуд бўлиши ва ишлаб туришини таъминлашга қаратилган фаолиятни амалга ошириш ёки уюшган қуролли гуруҳ тузиш, шунингдек унга раҳбарлик қилиш ёки унда иштирок этиш йўли билан содир этилиши;
- 7) алоқа;
- 8) ахборот;
- 9) кибермухит, шу жумладан, кибермакон;
- 10) ахборот-коммуникация технологиялари.

⁹ Вазирлар Маҳкамасининг “Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг аналоглари, прекурсорлар, кучли таъсир қилувчи моддалар ҳамда валюта намуналарини экспресс текшириш жараёнида техник воситалардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги қонунни тасдиқлаш ҳақида” 2023 йил 12 январдаги 12-сон қарори // lex.uz — Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Ушбу белгиларнинг биронтаси мавжуд эмаслиги қилмишнинг кибержиноят эканлигини инкор этади.

11. Кибержиноятнинг тамомланиши –

- 1) жиной уюшма ташкил этилган ёки тузилган вақтдан;
- 2) жиной уюшманинг бўлинмаларини ташкил этилган ёки тузилган вақтдан;
- 3) жиной уюшмага раҳбарлик қилишни бошлаган ёки унинг раҳбари этиб сайланган ёхуд тайинланган ёинки раҳбари этиб белгиланган вақтдан;
- 4) жиной уюшманинг бўлинмаларига раҳбарлик қилишни бошлаган ёки унинг раҳбари этиб сайланган ёхуд тайинланган ёинки раҳбари этиб белгиланган вақтдан;
- 5) жиной уюшма мавжуд бўлишини таъминлашга қаратилган ҳеч бўлмаганда битта ҳаракат амалга оширилган вақтдан;
- 6) жиной уюшманинг ҳеч бўлмаганда битта бўлинмаси мавжуд бўлишини таъминлашга қаратилган ҳеч бўлмаганда битта ҳаракат амалга оширилган вақтдан;
- 7) жиной уюшманинг ишлаб туришини таъминлашга қаратилган ҳеч бўлмаганда битта ҳаракат амалга оширилган вақтдан;
- 8) жиной уюшманинг ҳеч бўлмаганда битта бўлинмаси ишлаб туришини таъминлашга қаратилган ҳеч бўлмаганда битта ҳаракат амалга оширилган вақтдан;
- 9) уюшган қуролли гуруҳ тузилган вақтдан;
- 10) уюшган қуролли гуруҳга раҳбарлик қилишни бошлаган вақтдан;
- 11) уюшган қуролли гуруҳда иштирок этган ёки у билан бирга бирон бир ҳаракатни бажарган вақтдан бошлаб.

Техник томондан ушбу тамомланиш вақтини қуйидагича аниқлаб олиш мумкин, жумладан:

Уюшма тузилган вақт. Яширин форумларда ёки ёпик мессенжерларда жиной мақсад йўлида бирлашган шахсларнинг биринчи рақамли келишуви содир бўлган ва жиной инфратузилма (масалан, ботнетлар бошқарув сервери) ишга тушган вақтдан;

Раҳбарликка киришиш. Жиной режани амалга ошириш учун техник топшириқлар бериш, аъзолар ўртасида крипто-калитларни тақсимлаш ёки молиявий оқимларни бошқариш бошланган сониядан;

Ишлаб туришини таъминлаш. Уюшманинг анонимлигини сақлаш учун VPN-серверлар ижарага олиш, тизимларни антивирус ва ҳуқуқ-тартибот органларидан яшириш учун махсус кодлар (Crypters) ёзиш ёки молиявий таъминотни йўлга қўйилган вақтдан.

12. Кибержиноятнинг тузилишига кўра тури – формал таркибли кибержиноятлар ҳам мавжуд.

13. Кибержиноятнинг ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра тури – ўта оғир кибержиноят.

14. Жазо тизимига кўра тури – ижтимоий хавфли қилмиши учун Жиноят кодексида озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган кибержиноятлар.

15. Жиноят предмети –

1. Молиявий воситалар – нақдсиз пул, банк ўтказмалари, электрон ҳамёнлар орқали тўловлар (Payme, Click, PayPal, QIWI ва ҳ.к.), криптовалюта (Bitcoin, USDT, Ethereum ва бошқалар), онлайн тўлов тизимлари орқали маблағ, қимматли қоғозлар (акциялар, облигациялар), электрон сертификатлар, баланс тўлдириш (телефон, аккаунт, карта) ва ҳ.к.;

2. Рақамли активлар – лицензия калитлари (software key), онлайн сервис аккаунти, Premium обуна, домен номи, веб-сайтга эгалик, ижтимоий тармоқлардаги (Telegram, Instagram, YouTube ва бошқалар) каналлар ва гуруҳлар, NFT активлари, онлайн ўйин аккаунтлари, база маълумотлар, электрон контракт ҳуқуқи, NFTлар, ўйин ичидаги қимматбаҳо виртуал буюмлар (Skins, In-game currency) ва ҳ.к.;

3. Ахборот – махфий маълумот, тендер маълумотлари, миқдорлар базаси, пароллар, давлат реестри маълумотлари, имтиёзли кириш ҳуқуқи, жумладан, тижорат ёки хизмат сири ҳисобланган маълумотларга имтиёзли кириш ҳуқуқини бериш, касб, хизмат сирлари, текширув натижаларини ўзгартириш ва ҳ.к.;

4. Номоддий манфаат – лавозимга тайинлаш, лойиҳада ғолиб қилиш, рейтингни ошириш, файлни ўчириб бериш, маъмурий, молиявий ёки жиноий жазодан қутқариш, солиқ ва бошқа тўловларни камайтириш, давлат ижтимоий буюртмасини бериш, рухсатнома чиқариш ва ҳ.к.;

5. Техника ва IT ресурслар – сервер ресурслари, хостинг, VPN кириш, Cloud аккаунт, дастур кодлари, дастурий таъминот лицензияси, API кириш ҳуқуқи, бқори қийматга эга бўлган тижорат дастурларига (масалан, киберхавфсизлик ёки дизайн дастурларига) умрбод ёки узоқ муддатли пуллик обуналарни олиб бериш ва ҳ.к.;

6. Аралаш шакллар – қимматбаҳо техника (ноутбук, смартфон ва ҳ.к.), онлайн орқали етказилган товар, электрон ваучер, крипто-ҳисоб очиш, тўловни учинчи шахс орқали амалга ошириш, жиноятчи учун бепул яратиб берилган веб-сайтлар, SMM хизматлари, пуллик дастурий таъминотларга лицензиялар ёки обуналар (Subscription), мансабдор шахс ёки унинг яқинлари учун бепул сервер майдони (Hosting) ажратиб бериш ёки веб-сайт ишлаб чиқиб, уни тарғиб қилиш (SMM/SEO) хизматларини бепул кўрсатиш, хизматчининг ижтимоий тармоқлардаги саҳифасини пуллик тарғиб қилиш (Boost), онлайн курслар ёки пуллик веб-сервисларга обуналарни (Premium subscription) совға қилиш ва ҳ.к.

16. Кибержиноятни содир этишнинг энг кўп усуллари:

- 1) телекоммуникация ёки интернет тармоғида намойишкорона;
- 2) телекоммуникация ёки интернет тармоғида жойлаштириш орқали;
- 3) ахборот-коммуникация технологияларидан жиноят қуроли ёки воситаси сифатида фойдаланиш натижасида.

Ушбу жиноят қуйидаги шаклларда содир этилиши мумкин, хусусан:

1) Ransomware-as-a-Service (RaaS) картеллари. Мисол учун, LockBit, Conti ва бошқа жиноий уюшмаларни ташқил қилиш, Core developers, яъни ядровий дастурчилар бўлган ташкилотчилар, “Affiliates”, яъни ҳужум қилувчи

ижрочилари ва “Money mules”, яъни криптовалюта ювувчилар каби гуруҳ орқали ядровий кибержиноятларни амалга ошириш;

2) Darknet-маркетплейслар. Мисол учун, тақиқланган товарлар (гиёҳванд моддалар, куроллар, сохта ҳужжатлар) савдосини ташкил қилувчи платформа маъмурлари инфратузилмани (серверлар, эскроу-тўлов тизимлари) яратиб бериши;

3) Bulletproof Hosting провайдерлари. Мисол учун, жиноий гуруҳларнинг серверларини ҳуқуқ-тартибот органларидан яшириб берадиган ва уларга хавфсиз рақамли бошпана тақдим этадиган IT-мутахассислар ҳаракатлари;

4) RaaS (Ransomware as a Service) модели. Мисол учун, уюшма марказ (Developer) ва ижрочи (Affiliates) га бўлиниб, уюшма раҳбарияти махсус дастурий таъминот ишлаб чиқиши ва уни ижарага бериши ёки сотиши, ижрочилар эса ушбу дастур билан ҳужум қилиши ва бу ерда уюшманинг ишлаб туриши бу дастурий маҳсулотнинг мунтазам янгиланиши билан таъминлаш;

5) аноним инфратузилма бошқариш. Мисол учун, уюшма ўзининг яширин серверида (C2 server) барча бўлинмаларни бирлаштириши, гуруҳлар бир-бирини билмаслигини таъминлаш ва улар фақат марказий узел орқали топшириқ олинишини йўлга қўйиш;

6) молиявий оқимларни ювиш алгоритми (Crypto-Mixing). Мисол учун, жиноий уюшма аъзолари ўз даромадларини тақсимлаш учун миксерлардан фойдаланиши ва жиноятдан олинган криптоактивлар юзлаб майда транзакцияларга бўлиниб, аноним ҳамёнларга ўтказилиши ҳамда бу уюшманинг иқтисодий қон айланиш тизими ҳисобланишини йўлга қўйиш орқали содир этилиши мумкин.

Ушбу жиноятни фош этишда қуйидаги рақамли излар тўпланиши мумкин, хусусан:

1) Link Analysis (алоқалар таҳлили). Мисол учун, барча гумонланувчиларнинг телефон қўнғироқлари, мессенжерлари ва локацияларини визуаллаштириш орқали марказий тугунни (раҳбарни) аниқлаш;

2) Blockchain Forensics (Крипто-криминалистика). Мисол учун, молиявий оқимларни, хусусан, жиноий касса (общак) ўрнини босаётган крипто-ҳамёнларни кузатиш ва биржаларда легаллаштириш босқичида блоклаш;

3) Digital Infiltration (Рақамли инфильтрация). Мисол учун, тезкор ходимларни кибер-картеллар ичига (масалан, хакерлик гуруҳларининг ёпиқ форумларига) рақамли агент сифатида киритиш орқали ички иерархия ва бошқарув тизимини процессуал расмийлаштириш;



4) Infrastructure Logs. Мисол учун, жиноий гуруҳ аъзоларининг бир-бирлари билан аноним мулоқот қилган серверларидаги мета-маълумотлар;

5) Blockchain Forensics. Мисол учун, жиноий фаолиятни молиялаштириш учун ишлатилган крипто-транзакциялар занжири тиклаш орқали гуруҳ аъзоларининг ўзаро алоқасини исботлаш;

6) Code attribution. Мисол учун, ёзилган зарарли коднинг услуби (coding style) орқали уни қайси техник бўлинма ёки ташкилотчи яратганини идентификация қилиш.

Жиноятни фош этилиши учун қуйидаги экспертизалар ўтказилиши мумкин, хусусан:

1) суд-компьютер-техникавий экспертизаси ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида жиноий уюшманинг виртуал бўлинмалари ва инфратузилмасини (серверлар, ботнетлар, С2-марказлар) бошқаришни, уюшма аъзолари ўртасидаги иерархик боғланишларни, яширин алоқа каналларини (DarkNet, VPN, Proxy) ҳамда жиноий фаолиятни мувофиқлаштирувчи рақамли изларни, жиноий уюшмани бошқаришда ишлатилган серверлар, ёпиқ чатлар ва шифрланган файлларни ўрганиш, жиноий режалар, объектлар рўйхати, уюшма аъзоларининг лақаблари ва вазифалари тақсимланган файлларни, масофадан туриб берилган буйруқларни (Remote Administration Tools изларини);

2) суд-иқтисодий экспертизаси жиноий уюшманинг умумий ғазнаси (общак) ни шакллантириш ва ишлаб туришини таъминлаш мақсадида жамланган маблағларнинг миқдорини, электрон ҳамёнлар ва криптовалюталар орқали амалга оширилган молиявий транзакцияларни ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш кўламини, жиноий фаолиятдан келган даромадларнинг легаллаштирилиши (ювилиши) ва уюшма аъзолари ўртасида тақсимланишини, банк ҳисобварақлари, офшор ўтказмалар, сохта фирмаларнинг (обнал конторалар) молиявий ҳужжатларини, жиноий уюшма аъзоларининг расмий даромадлари билан уларнинг реал харажатлари ўртасидаги кескин тафовутни;

3) суд-филологик (лингвистик) экспертизаси уюшма аъзолари ўртасидаги мессенжер ва ёпиқ форумлардаги ёзишмаларни таҳлил қилиб, гуруҳ ичидаги иерархияни (раҳбар, ижроочи, техник таъминотчи), жиноий мақсадларнинг муштараклигини ва янги аъзоларни жалб қилиш (рекрутинг) усулларини, сўзлашувлардаги кодланган ибораларни масалан, юк келди – наркотик, ухлатиш – ўлдириш ва ҳ.к. асл мазмунини;

4) суд-фонографик экспертизаси жиноий уюшма раҳбарлари ва аъзолари ўртасидаги овозли алоқалар ва интернет-телефония сўзлашувларидаги нутқ эгаларини идентификация қилади ҳамда буйруқ ва топшириқларнинг берилиш жараёнини аниқлайди;

5) суд-психологик экспертизаси жиноий уюшма аъзолари ўртасидаги психологик боғлиқликни, раҳбарлик хусусиятларини, иерархик бўйсунлишни ҳамда уюшманинг барқарорлиги ва давомийлигини таъминловчи психологик омилларни;

6) суд-портрет экспертизаси жиноий уюшманинг виртуал йиғилишлари ёки видеокузатув тасвирларига тушган шахсларнинг қиёфасини аниқлаш орқали уюшма аъзоларининг шахсини идентификация қилишни;

7) ҳужжатларнинг суд-техникавий экспертизаси жиноий уюшма фаолиятини яшириш мақсадида ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида тайёрланган сохта электрон идентификаторлар, виртуал шахслар (fake accounts) ва рақамли рухсатномаларнинг ҳақиқийлигини;

8) суд-товаршунослик экспертизаси жиноий уюшманинг ишлаб туриши ва инфратузилмасини таъминлаш учун ишлатилган юқори технологик ускуналарнинг (майнинг фермалари, сервер қурилмалари, махсус техника воситалари) бозор қийматини;

9) ташқи савдо фаолиятининг суд-иқтисодий экспертизаси агар жиноий уюшма трансчегаравий хусусиятга эга бўлса, маблағларнинг чет эл банк ҳисобварақлари ва халқаро тўлов тизимлари орқали ҳаракатланишини ҳамда уюшманинг хорижий бўлинмалари молиялаштирилишини;

10) суд-социологик экспертизаси кибержиноий уюшма фаолиятининг жамият хавфсизлигига, ахборот муҳитига ва давлатнинг рақамли иқтисодиётига етказган ижтимоий хавфлилик даражасини;

11) суд-телекоммуникация экспертизаси гумон қилинувчилар ўртасидаги барқарор алоқаларни, телефон қўнғироқларининг биллинги, мессенжерлардаги гуруҳлар, умумий IP-манзиллардан фойдаланиш тарихини, масалан, А, Б ва В шахслар ўзаро иерархик боғлиқликка эга ва уларнинг мулоқоти оддий танишлик эмас, балки жиноий мақсадли тизимли алоқадир деган хулосани берилиши мумкинлигини;

12) суд-криптовалюта экспертизаси криптоҳамёнларнинг кимга тегишлилигини ва транзакциялар занжирини, “Tainting analysis” (ифлосланган тангалар таҳлили), яъни жиноий йўл билан олинган криптоактивларнинг миксерлар орқали ўтиб, охир-оқибат қайси реал шахснинг ҳамёнига бориб тушганини;

13) суд-баллистик экспертизаси гуруҳ ихтиёридаги қуроолларнинг созлиги, улардан аввал қайси жиноятларда фойдаланилганлиги (ўқ ва гильзалар базаси орқали)ни;

14) суд биологик (ДНК) экспертизаси қурооллар, транспорт воситалари ёки яширин жойларда (схдонларда) гуруҳ аъзоларининг биологик излари мавжудлигини аниқлайди.

Мазкур жиноятда уюшма ичида раҳбарлар, ижрочилар, ғазначилар (общак), разведка ва контрразведка, шунингдек, коррупциявий алоқаларни

таъминловчи ҳимоячилар (крыша) бўлиши ва улар ўртасидаги қатъий бўйсунув ва интизом мавжудлиги алоҳида аҳамиятга эга. Жиноий уюшма ёки унинг бўлинмасининг мавжуд бўлиши жиноий фаолиятни молиялаштириш, жиноий фондларни бошқариш, уюшма аъзоларини қурол, транспорт, сохта ҳужжатлар ва хавфсиз алоқа воситалари билан таъминлаш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ичида коррупциявий тармоқни яратишни ҳам ўз ичига олади.

Уюшган қуролли гуруҳ эса, бандитизмни ҳам ўз ичига олади, бунда гуруҳ ихтиёрида камида битта ўқотар қурол, портловчи модда ёки қурилма бўлиши ва гуруҳнинг бошқа аъзолари бундан хабардор бўлиши шарт. Қуролнинг қонуний ёки ноқонуний сақланаётгани, соз ёки носозлиги ва агар кўрқитиш учун ишлатилса аҳамиятсиз. Совуқ қуроллар (пичоқ, кастет) одатда бу тоифага кирмайди, бунинг учун ўқотар ёки портловчи қурол талаб этилади. Жиноий уюшмада фақат тузиш ва раҳбарлик қилиш жазоланса, оддий иштирокчилар содир этган аниқ жинояти бўйича жавоб беради, қуролли гуруҳда эса унга шунчаки аъзо бўлиш (иштирок этиш) ҳам жавобгарликни келтириб чиқаради.

Жиноят кодексининг 242-моддаси ўз ичига фақат жиноий уюшмани ташкил қилиш ва бошқаришни қамраб олади. Агар ушбу уюшма томонидан аниқ жиноятлар масалан, ЖК 164-моддасидаги босқинчилик, 97-моддасидаги қасддан одам ўлдириш жиноятлари содир этилса, айбдорларнинг қилмиши ЖК 242-моддаси билан бир қаторда, содир этилган реал жиноятлар моддалари билан ҳам жиноятлар мажмуи тариқасида қўшимча квалификация қилинади. Жиноий уюшма раҳбари (лидери) уюшма аъзолари томонидан содир этилган барча жиноятлар учун, агар бу жиноятлар унинг қасди билан қамраб олинган бўлса, бевосита ўзи қатнашмаган бўлса ҳам ташкилотчи сифатида жавобгарликка тортилади. Жиноий уюшма ёки қуролли гуруҳ тузиш жараёнида ихтиёрий равишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар берган ва жиноятнинг олдини олишга фаол ёрдам берган шахс, агар унинг ҳаракатларида бошқа жиноят таркиби бўлмаса, жавобгарликдан озод қилиниши мумкин.

Олдиндан тил бириктирган гуруҳ, жиноий гуруҳ ва жиноий уюшманинг ташкилотчилари ҳамда аъзолари тайёргарлик кўрилиши ёки содир этилишида ўзлари қатнашган барча жиноятлар учун жавобгарликка тортиладилар.



Уюшган гуруҳ ёки жиноий уюшма ташкил этган ёки уларга раҳбарлик қилган шахслар шу гуруҳ ёки уюшма содир этган барча жиноятлар учун, башарти, бу жиноятлар уларнинг жиноий нияти билан қамраб олинган бўлса, жавобгарликка тортиладилар.

Бошқа иштирокчиларнинг жиноий нияти билан қамраб олинмаган қилмиш учун уни содир этган шахс жавобгар бўлади.

Ташкилотчи, далолатчи ёки ёрдамчи жиноятдан ихтиёрий равишда қайтиб, жиноятнинг олдини олиш учун ўзига боғлиқ бўлган барча чораларни ўз вақтида кўрганлиги, жиноятда иштирокчилик учун жавобгарликни истисно қилади.

Кибер-жиноий уюшмани исботлашда қуйидаги рақамли далиллар ҳал қилувчи роль ўйнайди:

Кибержиноий уюшманинг содир этилиш механизми анъанавий гуруҳлардан мутлақо фарқ қилувчи учта асосий босқичдан иборат:

1) рақамли инфратузилма яратиш (Infrastructure as a Crime). Жиноий уюшма ташкилотчиси жисмоний учрашувлар ўрнига қуйидаги рақамли базани куради:

Darknet форумлари. Ёпиқ ва шифрланган платформаларда мутахассислар (хакерлар, кодерлар, кардерлар) танлаб олинади.

Bulletproof Hosting: Ҳуқуқ-тартибот органлари сўровларига жавоб бермайдиган давлатлардаги серверларни ижарага олади.

C&C (Command and Control) серверлари: минглаб зарарланган компьютерларни (ботнетларни) масофадан бошқариш марказини йўлга қўяди.

2) рақамли меҳнат тақсимоти (Specialized Division of Labor). Жиноий уюшманинг бўлинмалари ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, ихтисослашади, мисол учун:

“Malware developers”. Вирус ва шифрловчи дастурлар ёзувчи муҳандислар гуруҳи;

“Access brokers”: йирик компаниялар ёки давлат органлари тизимларига кириш нуқталарини (логин/парол) сотиб олувчи ёки бузиб кирувчи бўлинма;

“Money Mules” (Пул ташувчилар): ўғирланган маблағларни криптовалюта миксерлари орқали ювиб, нақдлаштирувчи глобал тармоқ.

3) “Ransomware-as-a-Service” (RaaS) модели. Бу замонавий киберуюшманинг энг хавфли усули бўлиб, ташкилотчи тайёр киберхужум дастурини яратади ва уни франшиза сифатида бошқа кичик гуруҳларга (аффилиатларга) ижарага беради. Фойда эса автоматик равишда смарт-контрактлар орқали бўлинади.

Ушбу жиноят халқаро трансчегаравийлик (Global reach), юқори интеллектуал даражаси, анонимлиги, иқтисодий самарадорлиги билан бошқа кибержиноятлардан кескин фарқ қилади ва уларни содир этиш мақсадида амалга оширилади.

Бу турдаги жиноятларни фош этишда Code Attribution, яъни дастур кодидаги изоҳлар (comments), ўзгарувчилар номлари ва код ёзиш услуги орқали муаллифликни аниқланади, Infrastructure Linkage, яъни турли киберхужумларнинг бир хил серверлардан ёки бир хил рақамли имзолардан фойдалангани исботланиб, уюшманинг бўлинмаларини боғловчи занжир фош қилинади, Financial Flow, яъни блокчейн таҳлили орқали умумий касса (общак) мавжудлиги ва ундан аъзоларга маош тўланиши аниқланади.

1.3-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ёхуд киберлегаллаштириш (киберлегализация) жиноятининг юридик-техник таҳлили

243-модда. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, яъни мулк (пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк) жиноий фаолият натижасида топилган бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус бериш, худди шунингдек бундай пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини, тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгаллик ҳуқуқларини ёки унинг кимга қарашлилигини яшириш ёхуд сир сақлаш, –

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Муҳофаза қилинадиган норма – Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан, ахборотни излаш, олиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқни чеклашга фақат қонунга мувофиқ ҳамда фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлиғини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш, шунингдек давлат сирлари ёки қонун билан қўриқладиган бошқа сир ошкор этилишининг олдини олиш мақсадида зарур бўлган доирада йўл қўйилади. Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган органлар томонидангина амалга оширилади. Инсоннинг шаъни ва кадр-қиммати дахлсиздир. Ҳеч нарса уларни камситиш учун асос бўлиши мумкин эмас. Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки инсон кадр-қимматини камситувчи муомалага ёхуд жазога дучор этилиши мумкин эмас. Ҳеч ким расмий эълон қилинмаган қонун асосида ҳукм қилиниши, жазога тортилиши, мол-мулкидан ёки бирон-бир ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикасида барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиниши таъминланади. Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Ўзбекистон Республикасида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига биноан ҳамда ушбу Конституцияга мувофиқ эътироф этилади ва кафолатланади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегишли бўлади. Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа инсонларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар. Инсоннинг шаъни ва кадр-қиммати дахлсиздир. Инсоннинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва

эркинликлари дахлсиздир ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. Ҳар бир инсон ўз шахсини эркин камол топтириш ҳуқуқига эга. Ҳеч кимга унинг розилигисиз қонунчиликда белгиланмаган мажбурият юклатилиши мумкин эмас. Инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, жамият ҳамда давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги шарт¹⁰.

Қонунчиликка кўра, фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари иштирокчиларининг ҳалол, оқилона ва адолат билан ҳаракат қилиши назарда тутилади. Фуқаролар ва юридик шахсларнинг бошқа шахсга зарар етказишга, бошқача шаклларда ҳуқуқни суиистеъмол қилишга, шунингдек ҳуқуқни унинг мақсадига зид тарзда амалга оширишга қаратилган ҳаракатларига йўл қўйилмайди¹¹.

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар қуйидагилардир:

банклар ва бошқа кредит ташкилотлари, “Миллий клиринг маркази” акциядорлик жамияти;

қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари ва “Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси” акциядорлик жамияти;

биржа аъзолари;

суғурталовчилар (қайта суғурталовчилар) ва суғурта воситачилари;

лизинг хизматлари кўрсатувчи ташкилотлар;

пул ўтказмалари, тўловлар ва ҳисоб-китобларни амалга оширувчи ташкилотлар;

ломбардлар;

лотереялар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ўтказувчи ташкилотлар;

қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи шахслар;

кўчмас мол-мулкнинг олди-сотдиси билан боғлиқ операцияларда хизматлар кўрсатувчи ва иштирок этувчи шахслар;

мижозлар номидан битимлар тайёрлаш ва уларни амалга оширишда нотариал идоралар (нотариуслар), адвокатлик тузилмалари (адвокатлар) ҳамда аудиторлик ташкилотлари;

крипто-активлар айланмаси соҳасидаги хизматлар провайдерлари.

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар томонидан ички назоратни ўтказиш давомида шубҳали деб топилган содир этилаётган ва тайёрланаётган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар махсус ваколатли давлат органига хабар қилиниши керак.

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹¹ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ, тайёрлаш, содир этиш жараёнида бўлган ёки содир этиб бўлинган, ички назорат қоидаларида белгиланган мезонлар ва белгиларга мувофиқ жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ёки терроризмни молиялаштириш ёхуд оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш мақсадида амалга оширилганлиги тўғрисида шубҳа пайдо бўлган операция шубҳали операция, деб топилади.

Агар пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар тарафларидан бири жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликда иштирок этмаётган давлатда доимий яшаётган, турган ёки рўйхатга олинган шахс бўлса, бундай операциялар ҳам махсус ваколатли давлат органига хабар қилиниши керак.

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар, шу операцияларнинг тарафларидан бири:

террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёхуд иштирок этишда гумон қилинаётган юридик ёки жисмоний шахс;

террорчилик фаолиятини ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишни амалга ошираётган ёхуд амалга оширишда гумон қилинаётган ташкилотнинг бевосита ёки билвосита мулкдори бўлган ёхуд уни назорат қилаётган юридик ёки жисмоний шахс;

террорчилик фаолиятини ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишни амалга ошираётган ёки амалга оширишда гумон қилинаётган жисмоний шахснинг ёхуд ташкилотнинг мулкидаги ёки назорати остидаги юридик шахс эканлиги ҳақида белгиланган тартибда олинган ахборот мавжуд бўлса, ушбу Қонунга мувофиқ махсус ваколатли давлат органига хабар қилиниши ва тўхтатиб турилиши керак.

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар:

ички назорат тизимларини ташкил қилиши ва жорий этиши;

идентификациялаш тартиб-таомилларини амалга ошириши ва мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлар кўриши, шу жумладан мижоз ва унинг мулкдорлари тўғрисидаги маълумотларни верификациялаши ҳамда мунтазам янгилаб бориши;

мулкдорлар ва мижозларни назорат қилувчи шахсларни идентификациялаши ҳамда уларнинг шахсини текшириш бўйича имкон қадар чоралар кўриши;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш бўйича ўз таваккалчиликларини аниқлаш ҳамда баҳолаш чораларини кўриши, ушбу таваккалчиликларни ҳужжатлар билан қайд этиши ва уларни камайтириш юзасидан чоралар кўриши;

мижозни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлар кўриш имконияти бўлмаган тақдирда, ҳисобварақ очишни, операцияни амалга оширишни, амалий муносабатларга киришишни рад этиши ва мавжуд амалий муносабатларни тугатиши, шунингдек шубҳали операция тўғрисидаги хабарни махсус ваколатли давлат органига юбориши;

шубҳали операциялар тўғрисидаги хабарларни, шу жумладан уларни амалга оширишга бўлган уринишлар тўғрисидаги хабарларни улар аниқланган кундан кейинги бир иш кунидан кечиктирмай махсус ваколатли давлат органига белгиланган тартибда юбориши;

операция иштирокчиларини террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахслар рўйхати билан солиштириши;

террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахслар рўйхатига киритилган шахсларнинг операциясини кечиктирмасдан ва олдиндан хабар қилмасдан тўхтатиб туриши, бундан юридик ёки жисмоний шахснинг ҳисобварағига тушган пул маблағларини ҳисобга киритиш бўйича операциялар мустасно, ва (ёки) пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйиши, шунингдек шубҳали операция тўғрисида махсус ваколатли давлат органига хабар юбориши шарт.

Террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахслар рўйхатига киритилган шахсларнинг операцияларини тўхтатиб туриш, пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйиш, ишга солмай тўхтатиб қўйилган мол-мулқидан фойдаланишга рухсат бериш ва операцияларини тиклаш тартиби манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда махсус ваколатли давлат органи томонидан белгиланади.

Идентификациялаш учун зарур бўлган ҳужжатларни тақдим этмаган юридик ёки жисмоний шахсларга пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар мазкур операцияларни бажаришни рад этади, юридик ёхуд жисмоний шахс ҳисобварағига тушган пул маблағларини ҳисобга киритиш операциялари бундан мустасно¹².

Оператор, провайдер, дилер ва эшиттирувчилар телекоммуникациялар тармоқларида ахборот ва киберхавфсизликни таъминлашда ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш соҳасида қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиши, жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Wi-Fi хизмати ташкилотчиси оператор ёки провайдер билан биргаликда, ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Оператор ва провайдерлар телекоммуникациялар

¹² Ўзбекистон Республикасининг “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида” 2004 йил 26 августдаги 660-II-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

хизматларини кўрсатишда ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши шарт. Телевидение тармоқлари орқали қонунчилик билан тақиқланган маълумотларни тарқатишга йўл қўйилмайди. Абонентлар ва фойдаланувчилар телекоммуникациялар ёрдамида тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотни тарқатмасликка мажбур¹³.

Сунъий интеллект технология ва тизимларини ишлаб чиқувчи ва жорий этувчилар Этика қоидаларига амал қилиши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги алгоритмларнинг шаффоф ва тушунарли бўлишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги эҳтимолий тарафкашликни олдини олиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларининг имкониятлари, чекловлари ва эҳтимолий хавфлари ҳақида очиқ маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчиларни улардан фойдаланиш қоидалари билан таништириш, улардан қандай мақсадда фойдаланиш мумкинлиги ёки тақиқланиши, шунингдек сунъий интеллектга асосланган ечимлар ёки қарорлар доим тўғри бўлмаслиги ҳамда уларнинг натижаларидан тавсиявий ёки маълумот учун фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимлари дастурий таъминоти хавфсизлигини таъминлаши, Этика қоидаларини инобатга олган ҳолда сунъий интеллект технология ва тизимларини доимий равишда такомиллаштириб бориши, сунъий интеллект технология ва тизимлари инсон назорати остида бўлишини ҳамда инсон томонидан қайта кўриб чиқилиши, шунингдек яқиний қарор инсон томонидан қабул қилинишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан қонунчиликка зид бўлган ёки шахс, жамият, давлат ва атроф табиий-муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган мақсадларда фойдаланмаслиги, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчилар учун сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қўлланмасини ишлаб чиқиш ва жойлаштириши шарт. Сунъий интеллект тизимларидан фойдаланувчилар сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қоидалари ва шартларига риоя қилиши, сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан тўғри фойдаланиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, бошқа фойдаланувчиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини бузмаслик, Этика қоидаларига амал қилиши, шахс, жамият ва давлат манфаатларига ҳамда атроф-табиий муҳитга зарар етказмаслиги лозим¹⁴.

Давлат органлари ва ташкилотлари ўз тасарруфидаги ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини, тармоқлар ишининг барқарорлигини

¹³ Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 6 январдаги 287-мх-сон буйруғи (26.01.2026 й., рўй.: 3762) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 24 февралдаги 284-мх-сон буйруғи (14.03.2026 й., рўй.: 3787) билан тасдиқланган Сунъий интеллектга асосланган ечимларни яратиш, жорий қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича этика қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

таъминлаши, шунингдек киберхавфсизлик бўйича ўз мажбуриятларини бажариши, ваколатли давлат органини киберхужумлар тўғрисида огоҳлантириши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида сақланаётган маълумотларнинг ўғирланиши ҳамда қалбакилаштирилиши ҳолатларининг олдини олиш чораларини кўриши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларини киберҳимоя қилиш учун сертификатлаштирилган аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий таъминотдан фойдаланиши, киберхавфсизлик соҳасида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ваколатли давлат органи билан келишиши шарт. Киберхавфсизлик субъектлари ахборот тизимлари ва ресурсларидаги маълумотларнинг қонунга хилоф равишда тарқатилиши, ўғирланиши, йўқолиши, яхлитлигининг бузилиши, блоканиши ва қалбакилаштирилишининг, шунингдек ахборот тизимлари ва ресурсларига рухсатсиз киришнинг бошқа кўринишларининг олдини олиши, бундай ҳоллар аниқланганда ўз вақтида тегишли чоралар кўриши, ахборот тизимлари ва ресурсларига кириш тартиби бузилганда ҳамда уларга рухсатсиз кириш натижасида ушбу тизимлар ҳамда ресурслар ўзгартирилган ёки йўқ қилинган тақдирда салбий оқибатларни камайтириш мақсадида уларни тезкорлик билан тиклаш чораларини кўриши, содир бўлган киберхавфсизлик ҳодисалари ва кибержиноятлар тўғрисида ваколатли давлат органини хабардор қилиши, ушбу ҳодисаларни тўлиқ фош этиш учун тегишли рақамли изларнинг йўқолишига йўл қўймаслик чораларини кўриши, шунингдек киберхавфсизлик ҳодисаларини таҳлил қилиш ва кибержиноятларни текшириш учун зарур бўлган маълумотларнинг доимий сақланишини таъминлаши, киберхавфсизлик объектларини муҳофаза қилиш ва уларнинг хавфсиз ишлаши мониторингини ўтказиш соҳасидаги маълумотларни ваколатли давлат органи билан ўзаро алмашишни амалга ошириши, ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберҳимоясини таъминлашда ваколатли давлат органи томонидан белгиланган киберхавфсизлик талабларига риоя этиши, киберхавфсизлик ҳодисаларига нисбатан чоралар кўриш механизмларининг ишлаб туришини ва киберхавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг ишлашини таъминлаши, улар мавжуд бўлмаган тақдирда эса ваколатли давлат органининг рухсати билан аутсорсинг хизматларидан белгиланган тартибда фойдаланиши, ваколатли давлат органига киберхавфсизликни таъминлаш мониторингининг ташкилий-техник тадбирларини амалга ошириш учун мониторинг тизимларига ва (ёки) киберхавфсизлик объектларига кириш ҳуқуқини бериши шарт¹⁵.

Давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар давлат сирлари ҳамда махфий сирлар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган ахборот ресурслари ва ахборот тизимларининг муҳофаза қилинишини таъминлаши шарт. Сунъий интеллектдан фойдаланиб яратилган ахборот ресурслари ҳамда сунъий интеллект технологиялари асосида ишлайдиган ахборот тизимлари инсонга, унинг ҳаётига, соғлиғига, эркинлигига, шаънига, кадр-қимматига путур

¹⁵ Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

етказмаслиги ва унинг бошқа ажралмас ҳуқуқларини бузмаслиги шарт. Веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурсининг эгаси, шу жумладан блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифасидан ёхуд бошқа ахборот ресурсидан қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган ўзга ҳаракатларни содир этиш мақсадларида фойдаланилишига йўл қўймаслиги шарт¹⁶.

Давлат фуқаролик хизматчиси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига риоя этиши, ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажариши, давлат органи томонидан белгиланган одоб-ахлоқ қоидаларига, хизматга оид ахборот билан ишлаш тартибига, шунингдек давлат фуқаролик хизматини ўташ билан боғлиқ бошқа қоидаларга риоя этиши, давлат органининг нуфузини туширишга олиб келиши ёки унинг ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажаришига шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳаракатлардан (ҳаракатсизликдан), шу жумладан ўз хизмат мажбуриятларини бажараётганда ҳар қандай шаклдаги камситишдан, ноҳолисликдан ёки кимгадир нисбатан алоҳида муносабатда бўлишдан тийилиши шарт¹⁷.

Ушбу нормаларнинг бузилиши натижасида мазкур жиноят вужудга келади.

Бунда, давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлиги ахборот соҳасидаги хавфсизликка таҳдидларга қарши ҳаракатлар юзасидан иқтисодий, сиёсий, ташкилий ва бошқа тусдаги чора-тадбирларни амалга ошириш, давлат сирларини сақлаш ва давлат ахборот ресурсларини улардан рухсатсиз тарзда фойдаланилишидан муҳофаза қилиш, Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ахборот маконига ва замонавий телекоммуникациялар тизимларига интеграциялашуви, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартиришга, ҳудудий яхлитлигини, суверенитетини бузишга, ҳокимиятни босиб олишга ёки қонуний равишда сайлаб қўйилган ёхуд тайинланган ҳокимият вакиллари ҳокимиятдан четлатишга ва давлат тузумига қарши бошқача тажовуз қилишга очикдан-очик даъват этишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишидан ҳимоя қилиш, урушни ва зўравонликни, шафқатсизликни тарғиб қилишни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоват уйғотишга қаратилган терроризм ва диний экстремизм ғояларини ёйишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишига қарши ҳаракатлар қилиш билан таъминланади. Шахснинг ахборот борасидаги хавфсизлиги унинг ахборотдан эркин фойдаланиши зарур шароитлари ва кафолатларини яратиш, шахсий ҳаётига тааллуқли сирларини сақлаш, ахборот воситасида қонунга ҳилоф равишда руҳий таъсир кўрсатилишидан ҳимоя қилиш йўли билан таъминланади. Жисмоний шахсларга тааллуқли шахсий маълумотлар махфий ахборот тоифасига киради. Жисмоний шахснинг розилигисиз унинг шахсий ҳаётига тааллуқли ахборотни, худди шунингдек шахсий ҳаётига тааллуқли

¹⁶ Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги 560-П-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹⁷ Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида” 2022 йил 8 августдаги ЎРҚ–788-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

сирини, ёзишмалар, телефондаги сўзлашувлар, почта, телеграф ва бошқа мулоқот сирларини бузувчи ахборотни тўплашга, сақлашга, қайта ишлашга, тарқатишга ва ундан фойдаланишга йўл қўйилмайди, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно. Жисмоний шахслар тўғрисидаги ахборотдан уларга моддий зарар ва маънавий зиён етказиш, шунингдек уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари рўёбга чиқарилишига тўсқинлик қилиш мақсадида фойдаланиш тақиқланади. Фуқаролар тўғрисида ахборот олувчи, бундай ахборотга эгалик қилувчи ҳамда ундан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахслар бу ахборотдан фойдаланиш тартибини бузганлик учун қонунда назарда тутилган тарзда жавобгар бўладилар. Ахборот манбаи ёки муаллиф номи фақат суд қарори билан ошкор этилиши мумкин¹⁸.

Бунда, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда аниқланган валюта намунаси қалбаки эканлигига шубҳа пайдо бўлганда, тезкор-қидирув тадбирлари давомийлигини таъминлаш зарурати юзага келганда, тезкорликни амалга ошириш ҳамда тегишли вақтни тежаш мақсадида мазкур модда (буюм) ёки валюта намуналарини улар аниқланган жойнинг ўзида ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар биносида экспресс текшириш техник воситалари ёрдамида текширади¹⁹.

Шунингдек, ушбу жинойт содир этилишининг олдини олиш ва уни фош этиш учун биржа аъзолари²⁰, суғурталовчилар ва суғурта воситачилари²¹, нотариал идоралар ва адвокатлик тузилмалари²², қимматли қоғозлар

¹⁸ Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принципи ва кафолатлари тўғрисида” 2002 йил 12 декабрдаги 439-П-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹⁹ Вазирлар Маҳкамасининг “Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг аналоглари, прекурсорлар, кучли таъсир қилувчи моддалар ҳамда валюта намуналарини экспресс текшириш жараёнида техник воситалардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2023 йил 12 январдаги 12-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²⁰ Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жинойтларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2009 йил 13 октябрдаги 01/19-18/24, 43-сонли “Биржа аъзолари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш ҳақида”ги қарори (рўйхат рақами 2038, 2009 йил 6 ноябрь) // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²¹ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жинойтларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2009 йил 13 октябрдаги 104, 41-сонли қарори (рўйхат рақами 2036, 2009 йил 03 ноябрь) билан тасдиқланган Суғурталовчилар ва суғурта воситачилари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²² Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жинойтларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2009 йил 13 октябрдаги 10 ва 39-сон қарори (рўйхат рақами 2020, 2009 йил 19 октябрь) билан тасдиқланган Нотариал идоралар ва адвокатлик тузилмаларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

бозорининг профессионал иштирокчилари²³, риэлторлик ташкилотлари²⁴, лизинг хизматини кўрсатувчи ташкилотлар²⁵, тижорат банклари²⁶, нобанк кредит ташкилотлари²⁷, почта алоқаси операторлари, провайдерлари²⁸, крипто-активлар муомаласи соҳасидаги фаолиятини амалга оширувчи шахслар²⁹, аудиторлик ташкилотлари³⁰, тўлов тизимлари операторлари, электрон пуллар тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотлари³¹,

²³ Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази ҳамда Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2009 йил 13 октябрдаги 2009-43, 38-сон қарорлари (рўйхат рақами 2033, 2009 йил 3 ноябрь) билан тасдиқланган Қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²⁴ Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2011 йил 8 августдаги 01/19-18/04 ва 27-сон “Риэлторлик ташкилотлари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш ҳақида”ги қарори (рўйхат рақами 2257, 2011 йил 24 август) // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²⁵ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2011 йил 25 августдаги 56, 28-сон “Лизинг хизматлари кўрсатувчи ташкилотларда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш ҳақида”ги қарори (рўйхат рақами 2265, 2011 йил 22 сентябрь) // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²⁶ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2017 йил 17 апрелдаги 343-В ва 14-сон “Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш ҳақида”ги қарори (рўйхат рақами 2886, 2017 йил 23 май) // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²⁷ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2009 йил 13 октябрдаги 23/5 ва 31-сон “Нобанк кредит ташкилотларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш ҳақида”ги қарори (рўйхат рақами 2027, 2009 йил 28 октябрь) // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²⁸ Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2018 йил 5 июлдаги 176-мх ва 28-сон “Почта алоқаси операторлари, провайдерлари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори (рўйхат рақами 3061, 2018 йил 28 август) // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²⁹ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигининг 2021 йил 8 июндаги 3-сон ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2021 йил 7 июндаги 16-сон қарори (рўйхат рақами 3309, 2021 йил 9 июнь) билан тасдиқланган Крипто-активлар муомаласи соҳасидаги фаолиятини амалга оширувчи шахслар учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

³⁰ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2018 йил 14 ноябрдаги 145, 45-сон қарори (рўйхат рақами 3101, 2018 йил 15 декабрь) билан тасдиқланган Аудиторлик ташкилотлари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

³¹ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2020 йил 24 июндаги 357-В ва 13-сон қарори (рўйхат рақами 3266, 2020 йил 30 июнь) билан тасдиқланган Тўлов тизимлари операторлари, электрон

лотереялар ташкил этиш³² фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда ички назорат қоидалари тасдиқланган ва шубҳали операциялар текширилади.

2. Кибержиноят асосий бевосита объекти – жамият ва жамоат хавфсизлиги.

3. Кибержиноят қўшимча бевосита объекти – ахборот-коммуникация технологияларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар.

4. Кибержиноят факультатив бевосита объекти – ўзга шахс (лар) ва давлат, шу жумладан, шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни, кадр-қиммати, мулк дахлсизлиги, тинчлик ва инсоният хавфсизлиги, бошқарув тартиби ва бошқалар;

5. Кибержиноят субъекти – 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс.

6. Кибержиноят субъектив томони – қасддан.

7. Кибержиноят объектив томони – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ёки қонунга хилоф равишда ахборот-коммуникация тизимига кириб, мулк (пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк) жиноий фаолият натижасида топилган бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус бериш, худди шунингдек бундай пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини, тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгалик ҳуқуқларини ёки унинг кимга қарашлилигини яшириш ёхуд сир сақлаш йўли билан содир этилади.

8. Кибержиноят мақсади – моддий ёки (ва) номоддий манфаат, ғаразли ёки бошқа паст ниятлар, ўч олиш ва ҳк.

9. Кибержиноят воситаси (қуроли) – ахборот-коммуникация технологиялари.

10. Кибержиноятнинг зарурий белгилари:

1) қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги;
 2) қилмишнинг ҳуқуққа хилофлилиги;
 3) қилмишда айбнинг мавжудлиги;
 4) қилмишнинг жазога сазоворлиги;
 5) қилмишнинг жиноий фаолият натижасида топилган мулкка боғлиқлиги;

6) қилмишнинг мулк (пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк) жиноий фаолият натижасида топилган бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус бериш, худди шунингдек бундай пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини, тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул

пуллар тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуроллини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

³² Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2021 йил 17 июндаги 34-сон ва 2021 йил 16 июндаги 23-сон қарори (рўйхат рақами 3310, 2021 йил 17 июнь) билан тасдиқланган Лотереялар ташкил этиш фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуроллини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгалик ҳуқуқларини ёки унинг кимга қарашлилигини яшириш ёхуд сир сақлаш йўли билан содир этилиши;

- 7) алоқа;
- 8) ахборот;
- 9) кибермухит, шу жумладан, кибермакон;
- 10) ахборот-коммуникация технологиялари.

Ушбу белгиларнинг биронтаси мавжуд эмаслиги қилмишнинг кибержиноят эканлигини инкор этади.

11. Кибержиноятнинг тамомланиши –

- 1) жиноий фаолият натижасида топилган мулк ўтказилган вақтдан;
- 2) жиноий фаолият натижасида топилган мулк бошқа мулкка айлантирилган вақтдан;
- 3) жиноий фаолият натижасида топилган мулк қонунийлаштирилган вақтдан;
- 4) жиноий фаолият натижасида топилган мулк бошқа мулк билан алмаштирилган вақтдан;
- 5) жиноий фаолият натижасида топилган мулк сир сақлаш учун топширилган вақтдан;
- 6) жиноий фаолият натижасида топилган ва топширилган мулк сир сақланган вақтдан;
- 7) жиноий фаолият натижасида топилган мулк қонуний эгалик ҳуқуқи бўйича яширилган вақтдан;
- 8) жиноят фаолият натижасида топилган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусияти ўзгартирилган вақтдан;
- 9) жиноят фаолият натижасида топилган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусияти яширилган вақтдан;
- 10) жиноят фаолият натижасида топилган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусияти сир сақланган вақтдан;
- 11) жиноят фаолият натижасида топилган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг манбаси ўзгартирилган вақтдан;
- 12) жиноят фаолият натижасида топилган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг манбаси сир сақланган вақтдан;
- 13) жиноят фаолият натижасида топилган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк манбаси яширилган вақтдан;
- 14) жиноят фаолият натижасида топилган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг турган жойи ўзгартирилган вақтдан;
- 15) жиноят фаолият натижасида топилган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг турган жойи яширилган вақтдан;
- 16) жиноят фаолият натижасида топилган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг турган жойи сир сақланган вақтдан;
- 17) жиноят фаолият натижасида топилган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк тасарруф этилган вақтдан;
- 18) жиноят фаолият натижасида топилган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк кўчирилган вақтдан бошлаб.

12. Кибержиноятнинг тузилишига кўра тури – формал таркибли кибержиноятлар ҳам мавжуд.

13. Кибержиноятнинг ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра тури – оғир кибержиноят.

14. Жазо тизимига кўра тури – ижтимоий хавфли қилмиши учун Жиноят кодексида озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган кибержиноятлар.

15. Жиноят предмети – Жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши молиявий чораларни ишлаб чиқиш гуруҳининг (ФАТФ) 15-Тавсиясига кўра, жиноий фаолиятдан олинган даромадларга криптоактивлар (криптовалюта) ҳам киритилиши мумкин³³. Шунга кўра, ушбу жиноят предметлари қуйидагича бўлиши мумкин, хусусан:

1. Молиявий воситалар – нақдсиз пул, банк ўтказмалари, электрон ҳамёнлар орқали тўловлар (Payme, Click, PayPal, QIWI ва ҳ.к.), криптовалюта (Bitcoin, USDT, Ethereum ва бошқалар), онлайн тўлов тизимлари орқали маблағ, қимматли қоғозлар (акциялар, облигациялар), электрон сертификатлар, баланс тўлдириш (телефон, аккаунт, карта) ва ҳ.к.;

2. Рақамли активлар – лицензия калитлари (software key), онлайн сервис аккаунти, Premium обуна, домен номи, веб-сайтга эгалик, ижтимоий тармоқлардаги (Telegram, Instagram, YouTube ва бошқалар) каналлар ва гуруҳлар, NFT активлари, онлайн ўйин аккаунтлари, база маълумотлар, электрон контракт ҳуқуқи, NFTлар, ўйин ичидаги қимматбаҳо виртуал буюмлар (Skins, In-game currency) ва ҳ.к.;

3. Ахборот – махфий маълумот, тендер маълумотлари, мижозлар базаси, пароллар, давлат реестри маълумотлари, имтиёзли кириш ҳуқуқи, жумладан, тижорат ёки хизмат сири ҳисобланган маълумотларга имтиёзли кириш ҳуқуқини бериш, касб, хизмат сирлари, текширув натижаларини ўзгартириш ва ҳ.к.;

4. Номоддий манфаат – лавозимга тайинлаш, лойиҳада ғолиб қилиш, рейтингни ошириш, файлни ўчириб бериш, маъмурий, молиявий ёки жиноий жазодан қутқариш, солиқ ва бошқа тўловларни камайтириш, давлат ижтимоий буюртмасини бериш, рухсатнома чиқариш ва ҳ.к.;

5. Техника ва IT ресурслар – сервер ресурслари, хостинг, VPN кириш, Cloud аккаунт, дастур кодлари, дастурий таъминот лицензияси, API кириш ҳуқуқи, бқори қийматга эга бўлган тижорат дастурларига (масалан, киберхавфсизлик ёки дизайн дастурларига) умрбод ёки узоқ муддатли пуллик обуналарни олиб бериш ва ҳ.к.;

6. Аралаш шакллар – қимматбаҳо техника (ноутбук, смартфон ва ҳ.к.), онлайн орқали етказилган товар, электрон ваучер, крипто-ҳисоб очиш, тўловни учинчи шахс орқали амалга ошириш, жиноятчи учун бепул яратиб берилган веб-сайтлар, SMM хизматлари, пуллик дастурий таъминотларга лицензиялар ёки обуналар (Subscription), мансабдор шахс ёки унинг яқинлари учун бепул сервер майдони (Hosting) ажратиб бериш ёки веб-сайт ишлаб

³³ Ўзбекистон Республикаси Олий судининг “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга оид ишлар бўйича суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида” 2011 йил 11 февралдаги 1-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

чикиб, уни тарғиб қилиш (SMM/SEO) хизматларини бепул кўрсатиш, хизматчининг ижтимоий тармоқлардаги саҳифасини пуллик тарғиб қилиш (Boost), онлайн курслар ёки пуллик веб-сервисларга обуналарни (Premium subscription) совға қилиш ва ҳк.

16. Кибержиноятни содир этишнинг энг кўп усуллари:

1) телекоммуникация ёки интернет тармоғида намоёишкорона;
2) телекоммуникация ёки интернет тармоғида жойлаштириш орқали;
3) ахборот-коммуникация технологияларидан жиноят қуроли ёки воситаси сифатида фойдаланиш натижасида.

Ушбу жиноят қуйидаги шаклларда содир этилиши мумкин, хусусан:

1) Crypto-Hopping. Мисол учун, пулларни бир блокчейндан бошқасига масалан, Bitcoinдан Moneroга тезкор ўтказиш орқали кузатувни қийинлаштириш;

2) NFT-манипуляция. Мисол учун, жиноий пуллар ҳисобига қадрсиз NFT-артефактни ўта қиммат нархда сотиб олиб, кейин уни санъат асари сотилишидан келган даромад сифатида расмийлаштириш;

3) Online Gaming Currency. Мисол учун, жиноий маблағларни машҳур онлайн ўйинлар ичидаги валюталарга айлантириб, кейин уларни game-traderлар орқали реал пулга нақдлаштириш;

4) RaaS (Ransomware as a Service) модели. Мисол учун, уюшма марказ (Developer) ва ижрочи (Affiliates) га бўлиниб, уюшма раҳбарияти махсус дастурий таъминот ишлаб чиқиши ва уни ижарага бериши ёки сотиши, ижрочилар эса ушбу дастур билан ҳужум қилиши ва бу ерда уюшманинг ишлаб туриши бу дастурий маҳсулотнинг мунтазам янгиланиши билан таъминлаш;

5) крипто-активлар орқали анонимлаштириш усуллари. Масалан:

Миксер ва тамблерлар (Mixers & Tumblers): Мисол учун, кибержиноятчи жиноий даромад бўлган криптомаблағларини махсус хизматга (масалан, Tornado Cash кабилар) юбориши ва тизим бу маблағларни минглаб бошқа фойдаланувчиларнинг пуллари билан аралаштириб, даромадларнинг жиноят ишлари йўқ қилиши ва янги ҳамёнга чиқариб бериши;

пир-ту-пир (P2P) айирбошлаш. Мисол учун, марказлашган биржалардан қочиш учун кибержиноятчилар P2P платформаларида оддий фуқароларнинг банк карталарига пул ўтказиш орқали криптоактивларини нақдлаштирадилар ёки аксинча уларни бошқа нарсага алмаштирадилар ва бунда пул банк тизимида жисмоний шахслар ўртасидаги ўтказма бўлиб кўриниши;

Privacy Coins (Махфий коинлар). Мисол учун, биткойн изини кузатиш мумкин, лекин Monero (XMR) ёки Zcash каби тангалар транзакция суммаси ва жўнатувчини яширади ва кибержиноятчилар пулни ювиш учун доимо шундай активларга конвертация қилиши;

6) Банк ва тўлов тизимларидаги техник манипуляциялар. Масалан:

“рақамли смурфинг” (Digital Smurfing). Мисол учун, юқори технологияли ботлар ёрдамида катта маблағни банк назоратига тушмайдиган

(масалан, 5-10 млн сўмлик) минглаб майда транзакцияларга бўлиб, турли электрон ҳамёнларга тарқатиш;

“дроп-карта” тармоқларини бошқариш. Мисол учун, тезкор мессенжерлар орқали бошқариладиган дроплар, яъни пулини маълум фоиз эвазига картаси орқали ўтказиб берувчи шахслар тармоғини яратиб, кибержиноятчи ўзининг асл IP-манзилини VPN ва Proху орқали яшириб, транзакцияларни масофадан бошқариш имкониятига эга бўлиши;

электрон ҳамёнлар занжири. Мисол учун, пулни кетма-кетликда 20-30 та турли тўлов тизимлари (Payme, Click, Qiwi, WebMoney) ўртасида айлантириш, натижада манбани аниқлаш учун ҳар бир тизимга алоҳида сўров юбориш талаб этилишига эришиши;

7) виртуал иқтисодиёт ва гейминг усуллари. Масалан:

онлайн ўйинлардаги ювиш. Мисол учун, жиноий даромадлар ҳисобига машҳур онлайн ўйинларда қимматбаҳо виртуал куруллар ёки олтин сотиб олиш, кейин улар бошқа ўйинчиларга реал пулга сотилиб, маблағлар ўйин ичидаги тижорат фойдаси сифатида легаллаштирилиши;

NFT ва Wash Trading. Мисол учун, кибержиноятчи ўзи NFT яратиб, кейин жиноий даромади турган ҳамёни билан ўша NFT-ни ўзидан ўзи ўта қиммат нархда сотиб олиш ва пуллар санъат асари сотилишидан келган даромад сифатида қонунийлаштирилиши;

эфир имкони бўлган ижтимоий тармоқлар. Мисол учун, эфир имконияти бўлган ижтимоий тармоқлар (Bigo-Live, TikTok ва ҳк.) орқали кибержиноятчи турли номақбул шартларни бажариш ёки бажартириш (батл) орқали ўзининг қўллаб-қувватланишига ҳаракат қилаётган шахслар билан тил бириктириб, жиноий даромади бўлган маблағларни ушбу ижтимоий тармоқлардаги “донат”ларни сотиб олиб, уни батл ўйнаётган шахсларга ҳадя қилиш орқали уни қўллаб-қувватлаш орқали кейинчалик унинг ёрдамида жиноий даромадларини қонунийлаштириб олиши;

виртуал казинолар ва букмекерлар. Мисол учун, маблағни онлайн казино ҳисобига киритиш, бир неча марта кичик ставкалар тикиш ва сўнг ютук сифатида банк картасига чиқариб олиш;

8) сохта IT-хизматлар ва экспорт-импорт манипуляцияси. Масалан:

виртуал хизматлар экспорти. Мисол учун, кибержиноятчи хорижда сохта IT-компания очиб, ўзининг жиноий даромадларини гўёки дастурий таъминот яратиш ёки консалтинг хизмати учун тўлов сифатида Ўзбекистондаги компаниясига ўтказиши;

“клик-фермалар” ва реклама трафиғи. Мисол учун, пулларни реклама хизматлари ёки ижтимоий тармоқлардаги “лайк”лар учун тўлов сифатида кўрсатиб, сохта шартномалар орқали легаллаштириш йўли билан содир этилиши мумкин.

Ушбу жиноятни фош этишда қуйидаги рақамли излар тўпланиши мумкин, хусусан:

1) фаол излар (active footprints). Мисол учун, шахснинг онгли ҳаракатлари натижасида қоладиган маълумотлар (электрон почта юбориш, чатда ёзиш, файлни серверга юклаш);

2) пассив излар (passive footprints). Мисол учун, шахсга сезилмасдан, тизим томонидан автоматик яратиладиган маълумотлар (IP-манзил тарихи, курилманинг техник идентификаторлари (MAC), браузер кукилари, гео-позиция логлари);

3) Blockchain Analytics: махсус дастурлар (масалан, Chainalysis, Elliptic) ёрдамида шубҳали ҳамёнлар занжири кузатилади;

4) IP-Address Mapping: транзакциялар амалга оширилган вақтдаги VPN ва Проху серверлардан ўтувчи трафик деанонимизация қилинади;

5) Correlation Analysis: жиноят содир этилган вақт ва криптоҳамёнларга пул тушиш вақти ўртасидаги боғлиқлик математик исботланади.

Жиноятни фош этилиши учун қуйидаги экспертизалар ўтказилиши мумкин, хусусан:

1) суд-компьютер-техникавий экспертизаси ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида жиноий даромадларни ювишда фойдаланилган электрон ҳамёнлар (crypto wallets), транзакциялар тарихи, VPN ва анонимайзерлардан фойдаланиш изларини, mixers ва tumblers дастурлари қўлланганлигини ҳамда маблағларнинг рақамли манбасини;

2) суд-иқтисодий экспертизаси электрон ҳамёнлар, банк иловалари ва мессенжерлардаги транзакция тарихини тиклаб, пул ювишда ишлатилган алгоритмларни, жиноий фаолиятдан олинган ва легаллаштирилган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг аниқ ҳажмини, уларнинг келиб чиқиш манбаини ва қонуний иқтисодий айланмага киритилиши натижасидаги молиявий кўрсаткичларни, мулкнинг келиб чиқиш манбасини таҳлил қилиш, расмий даромадлар ва харажатлар ўртасидаги тафовутни;

3) ташқи савдо фаолиятининг суд-иқтисодий экспертизаси жиноий даромадларни халқаро пул ўтказмалари, оффшор ҳудудлардаги ҳисобварақлар ва трансчегаравий электрон тўлов тизимлари орқали легаллаштириш ҳолатларини ҳамда экспорт-импорт амалиётлари ниқоби остидаги пул ҳаракатларини;

4) суд-бухгалтерия экспертизаси жиноий йўл билан топилган маблағларни ҳўжалик юритувчи субъектларнинг электрон бухгалтерия ҳисобида акс этириш, сохта қирим-чиқим операциялари орқали уларга қонуний тус бериш ва ҳисоботлардаги молиявий тафовутларни;

5) суд-филологик (лингвистик) экспертизаси маблағларни легаллаштириш бўйича келишувлар акс этган электрон ёзишмаларни таҳлил қилиб, мулкнинг асл манбаи ва эгасини яшириш ёки сир сақлашга қаратилган мазмуний белгиларни;

6) ҳужжатларнинг суд-техникавий экспертизаси маблағларнинг келиб чиқишини асослаш учун ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида тайёрланган сохта банк кўчирмалари, инвестиция шартномалари ва молиявий ҳисоботларнинг ҳақиқийлигини;

7) суд-фонографик экспертизаси жиноий даромадларни тасарруф этиш ва кўчириш усуллари бўйича оғзаки топшириқлар берилган аудиоёзувлардаги шахсларнинг овозини идентификация қилишни;

8) суд-психологик экспертизаси айбдорнинг жиноий даромадларнинг асл хусусияти ва манбаини била туриб, унга қонуний тус беришга қаратилган қасд мақсадини ҳамда ҳаракатларни онгли равишда яшириш мотивини;

9) суд-товаршунослик экспертизаси жиноий даромадлар эвазига сотиб олинган ва легаллаштириш объекти бўлган ахборот-коммуникация технологиялари воситаларининг ва бошқа кўчар мулкларнинг бозор қийматини;

10) суд-социологик экспертизаси жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришнинг иқтисодий барқарорликка, давлатнинг молиявий тизимига ва жамиятнинг ижтимоий адолат тамойилларига етказган зарарли таъсири кўламини аниқлайди.

Халқаро FATF (Жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш гуруҳи) стандартларига кўра, жараён уч босқичдан иборат бўлиб, СКТЭ ва молиявий экспертиза айнан шу занжирни излайди:

placement (жойлаштириш), яъни нақд жиноий пулларни молиявий тизимга (банкларга) киритиш ёки крипто-активларга айлантириш;

layering (тарқатиш), яъни пулнинг изини йўқотиш учун кўплаб транзакциялар қилиш, масалан рақамли даврда Mixers, Tumblers ва бошқа дастурлар орқали бу ҳаракатни амалга ошириш;

integration (интеграция), яъни ювилган пулларни қонуний бизнесга (кўчмас мулк, акциялар ва ҳ.к.) қайтариш.

Шу сабабли ЖК 243-моддасини тергов қилишда экспертлар иккита асосий усулдан фойдаланишади:

Net Worth Method (мулк қиймати усули). Мисол учун, агар шахснинг расмий ойлиги 5 млн сўм бўлса-ю, лекин у 1 млн долларлик актив сотиб олган бўлса, эксперт бу маблағнинг қонуний манбаси йўқлигини тасдиқлайди;

Specific Item Method. Мисол учун, муайян бир жиноий пулнинг масалан, пора сифатида олинган 100 000 долларнинг айнан қайси фирма ёки кўчмас мулкка айланганини занжир бўйича кузатади.

Киберлегаллаштириш жараёни одатда учта босқичдан иборат бўлиб, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб бу босқичларни анонимлаштиради:

1) жойлаштириш (Placement) – Рақамли активларга ўтиш. Жиноят натижасида топилган маблағ (масалан, фирибгарлик ёки хакерликдан келган пул) биринчи навбатда рақамли кўринишга ўтказилади ва бунинг учун кўйидагилар амалга оширилади:

“Smurfing” ва “Micro-structuring”: катта миқдордаги пулларни банк назоратига (Compliance) тушмайдиган кичик суммаларга бўлиб, юзлаб электрон ҳамёнларга (Киви, Пайме ва ҳ.к.) ёки турли шахслар номидаги пластик карталарга жойлаштирилади;

криптовалюта сотиб олинади: нақд ёки банк маблағларини аноним криптобиржалар ёки P2P (Peer-to-Peer) платформалари орқали “Bitcoin”, “Monero” (юқори анонимликка эга) каби активларга айлантирилади.

2) табақалаштириш (Layering) – Изини йўқотиш. Бу босқичда пулнинг келиб чиқиш манбасини яшириш учун ахборот-коммуникация технологияларининг энг мураккаб имкониятлари ишлатилади, хусусан:

криптомиксерлар (Tumblers): турли манбалардан келган криптовалюталарни бир-бирига аралаштириб юбуровчи махсус алгоритмлар бўлиб, у бу пулнинг дастлабки манбасини кузатиш (trace) имкониятини йўқотади;

Chain Hopping: маблағни бир блокчейндан бошқасига (масалан, BTC дан ETH га, кейин SOL га) тезкорлик билан ўтказиш;

виртуал ўйинлар ва NFT: пулларни онлайн ўйинлардаги қимматбаҳо буюмларга ёки NFT (Non-Fungible Token) активларига айлантириб, кейин уларни қонуний сотиш орқали қонуний топилган даромад сифатида қайтариб олади.

3) интеграция (Integration) – қонуний тус бериш. Охирги босқичда қонуний тус берилган маблағлар иқтисодиётга турлича усулларда қайтарилади, хусусан:

сохта IT-лойиҳалар: пулларни гўёки дастурий таъминот сотишдан ёки IT-хизматлар кўрсатишдан тушган фойда сифатида декларация қилиш;

киберинвестиция: халқаро стартапларга ёки акцияларга рақамли активлар орқали сармоя киритиш ва дивиденд кўринишида қонунийлаштириш.

Ушбу жиноятнинг асосий хусусияти унинг асос бўлувчи (предикат) жиноятга боғлиқлигидир, яъни пул аввал бошқа бир жиноят масалан, коррупция, наркосавдо, фирибгарлик ёки киберўғрилиқ ва ҳк. кибержиноятлар орқали топилган бўлиши шарт. Шунинг учун, ушбу жиноят бўлиши учун топилган даромад албатта бошқа бир жиноят натижасида вужудга келган бўлиши шартлигига эътибор қаратиш лозим. Агарда қилмиш киберўғрилиқ, киберфирибгарлик орқали содир этилган бўлса, ўша ҳаракатлар жиноятлар мажмуи сифатида квалификация қилиниши шарт. Мазкур пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк уларни легаллаштиришдан олдин қасддан содир этилган ижтимоий-хавфли қилмиш орқали топилади. Ушбу асосий жиноятларга, жумладан, қуйидагилар кириши мумкин:

шахсга қарши ҳақ эвазига содир этиладиган жиноятлар (масалан, ғараз ниятларда одам ўлдириш, фоҳишахоналар сақлаш, одам савдоси);

иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар (масалан, ўғирлик, босқинчилик, товламачилик, талончилик, фирибгарлик, ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан талон-торож қилиш, солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш);

ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органлари фаолият тартибига қарши жиноятлар (масалан, пора олиш, қонунга хилоф равишда мулкий манфаатдор бўлиш);

жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятлар (масалан, контрабанда, ўқотар қурол ёки кучли таъсир қилувчи моддаларни, гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш ва ҳ.к.).

Бунда бир ёки бир неча асосий жиноят содир этилганлиги, улар алоҳида бир шахс, уюшган гуруҳ ёки жиноий уюшма томонидан, Ўзбекистон Республикаси ёхуд бошқа мамлакат ҳудудида содир этилганлиги, легаллаштирилаётган мулк содир этилган жиноят натижасида бевосита ёки билвосита қўлга киритилганлиги аҳамият касб этмайди.

Жиноий фаолиятдан олинган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг келиб чиқишига қонуний тус берилиши, одатда, бундай пул маблағлари ёки мулкка нисбатан молиявий операцияларни амалга ошириш ва (ёки) битимлар тузишда ифодаланади. Молиявий операцияларга пул маблағлари билан амалга ошириладиган ҳар қандай операциялар (нақд ва нақд пулсиз ҳисоб-китоблар, касса операциялари, шу жумладан, пул маблағларини ҳисобварағига киритиш, уларни турли банклардаги омонатларга бўлиб жойлаштириш, бошқа валютага ўтказиш, қимматли қоғозлар сотиб олиш, пул маблағларини чегарадан ташқарига ўтказиш ва кейинчалик уларни банкага омонатга қайта тушириш ва ҳ.к.). Легаллаштириш амалга оширилиши мумкин бўлган битимларга, фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки тугатишга, шунингдек, фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларининг пайдо бўлганлиги ёки ўтганлиги тасаввурини шакллантиришга қаратилган (масалан, олди-сотди, қарз, ҳадя, гаров, ижара, айирбошлаш ва ҳ.к. шартномаларни тузиш) ҳаракатлар киради.

Жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштириш далилини исботлашда гумон қилинувчи, айбланувчи ёки бундай пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк номига расмийлаштирилган учинчи шахсларда даромадларнинг қонуний манбалари мавжуд эмаслигидан далолат берувчи ҳолатлар шахс томонидан ЖК 243-моддасида назарда тутилган жиноятнинг объектив томонини ташкил этувчи ҳаракатлар содир этилганлигини тасдиқловчи далиллар мажмуи билан бирга инобатга олиниши лозим.

Жиноий даромадларни легаллаштириш жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш жиноятидан фарқ қилади, жумладан, жиноят (масалан, ўзганинг мулкни талон-торож қилиш) натижасида топилган мулкни олиш ёки ўтказиш, агар бундан мулкка қонуний эгалик кўриниши берилмаётган бўлса (масалан, техник паспорт ёки ўғирланган автомобилни сотиш учун бериладиган ишончнома қалбакилаштирилган), даромадларни легаллаштириш (ЖК 243-моддаси) таркибини ташкил этмайди.

Ишнинг муайян ҳолатларидан (жумладан, талон-торож қилинган мулк билан амалга оширилган битим олдида қўйилган мақсаддан) келиб чиққан ҳолда бундай ҳаракатлар ўзганинг мулкни талон-торож қилишда иштирокчилик (ёрдамчи шаклида) ёки жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш (ЖК 171-моддаси) сифатида, бунга асослар мавжуд бўлганда эса, ҳужжатларни қалбакилаштириш сифатида ҳам квалификация қилиниши мумкин.

Жиноий фаолият натижасида орттирилган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкка нисбатан мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятларни вужудга келтириш, ўзгартириш ёки тугатишга қаратилган ҳаракатларни содир этишда иштирок этган шахснинг ҳаракатларини квалификация қилиш масаласини ҳал этишда,

ҳар бир ҳолатда бу шахс мазкур мол-мулк жиноий фаолият натижасида орттирилганлигини аниқ билган-билмаганлиги аниқланиши шарт. Масалан, агар шахс жиноий фаолият натижасида топилган мулкни легаллаштиришни хоҳлаб олди-сотди шартномаси тузган бўлса ва олувчи сотувчида мазкур мулкка қонуний тус бериш мақсади борлигини англаган ҳолда бу мулкни сотиб олса, олувчининг ҳаракатлари даромадларни легаллаштиришга кўмаклашиш сифатида ЖК 28, 243-моддалари билан квалификация қилиниши лозим. Бундай ҳукм кейинчалик мулкни олди-сотди шартномаси фуқаролик суд ишларини юритиш тартибида ҳақиқий эмас деб топилиши учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Нотариус томонидан мансаб ваколатларидан пул маблағлари ёки бошқа мулкни легаллаштиришга қаратилган битимни ўзи била туриб тасдиқлаш учун фойдаланилиши даромадларни легаллаштиришга кўмаклашиш сифатида (ЖК 28, 243-моддалари) билан, бунга асослар бўлганда эса, Жиноят кодексининг бошқарув тартибига қарши жиноятлар учун жавобгарликни назарда тутувчи бошқа моддалари билан ҳам билан квалификация қилинади. Даромадларни легаллаштиришдан олинган мулк ЖПК 211-моддаси 5-бандига кўра, ЖК 243-моддасида назарда тутилган жиноят предмети ҳисобланади ва Фуқаролик кодекси 204-моддасига асосан жисмоний ёки юридик шахсга асосий жиноят натижасида етказилган моддий зарар қоплангандан сўнг конфискация қилиниши керак. Агар шахсни ЖК 243-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этишда айблашга доир ишни кўриш чоғида пул маблағлари ёки мулкнинг муайян қисми жиноий йўл билан орттирилмаганлиги аниқланса, улар ЖПК 211-моддаси 4-бандига асосан қонуний эгасига қайтарилиши лозим³⁴.

³⁴ Ўзбекистон Республикаси Олий судининг “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга оид ишлар бўйича суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида” 2011 йил 11 февралдаги 1-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

1.4-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, оммавий тартибсизликлар ёхуд кибертоталтартибсизлик жиноятининг юридик-техник таҳлили

244-модда. Оммавий тартибсизликларга ва фуқароларга нисбатан зўравонлик қилишга омма олдида даъват қилиш –

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан уч юз бараваригача жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

б) оммавий ахборот воситаларидан, телекоммуникациялар тармоқларидан, Интернет жаҳон ахборот тармоғидан, шунингдек матнни кўпайтиришнинг босма ёки бошқа усулларида фойдаланган ҳолда содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан тўрт юз бараваригача жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Шахснинг оммавий тартибсизликлар содир этиш мақсадида ўқувдан ўтиши, шу жумладан оммавий тартибсизликларни содир этиш билимини, амалий маҳоратини ва кўникмаларини эгаллаши, ўқув чоғида қурол-яроғ, портлатиш қурилмалари, портловчи, заҳарловчи, атрофдагилар учун хавф туғдирадиган бошқа моддалар ва буюмлар билан муомала қилиш усулларини ўрганиши, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Қурол ёки қурол сифатида фойдаланиладиган бошқа нарсаларни ишлатиб ёхуд ишлатиш билан қўрқитиб шахсга нисбатан зўрлик ишлатиш, қирғин солиш, ўт қўйиш, мулкка шикаст етказиш ёки уни нобуд қилиш, ҳокимият вакилига қаршилиқ кўрсатиш орқали содир этилган оммавий тартибсизликларни ташкил қилиш ёхуд ушбу фаолиятни молиялаштириш, худди шунингдек оммавий тартибсизликларда фаол қатнашиш, –

ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўқувдан ўтганлиги тўғрисида ҳокимият органларига ихтиёрий равишда хабар қилса, содир этилган жиноятни фош қилишга ёки бундай ўқувдан ўтган, ўқувни амалга оширган, ташкил этган ёхуд молиялаштирган бошқа шахсларни, шунингдек ўқув ўтказилган жойни аниқлашга фаол кўмаклашса ва агар унинг ҳаракатларида жиноятнинг бошқа таркиби мавжуд бўлмаса, жиноий жавобгарликдан озод қилинади.

1. Муҳофаза қилинадиган норма – Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан, ахборотни излаш, олиш ва тарқатишга бўлган

хуқуқни чеклашга фақат қонунга мувофиқ ҳамда фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлиғини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш, шунингдек давлат сирлари ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сир ошкор этилишининг олдини олиш мақсадида зарур бўлган доирада йўл қўйилади. Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган органлар томонидангина амалга оширилади. Инсоннинг шаъни ва кадр-қиммати дахлсиздир. Ҳеч нарса уларни камситиш учун асос бўлиши мумкин эмас. Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки инсон кадр-қимматини камситувчи муомалага ёхуд жазога дучор этилиши мумкин эмас. Ҳеч ким расмий эълон қилинмаган қонун асосида ҳукм қилиниши, жазога тортилиши, мол-мулкидан ёки бирон-бир ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикасида барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиниши таъминланади. Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Ўзбекистон Республикасида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига биноан ҳамда ушбу Конституцияга мувофиқ эътироф этилади ва қафолатланади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегишли бўлади. Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа инсонларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар. Инсоннинг шаъни ва кадр-қиммати дахлсиздир. Инсоннинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. Ҳар бир инсон ўз шахсини эркин камол топтириш ҳуқуқига эга. Ҳеч кимга унинг розилигисиз қонунчиликда белгиланмаган мажбурият юклатилиши мумкин эмас. Инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, жамият ҳамда давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги шарт³⁵.

Қонунчиликка кўра, фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари иштирокчиларининг ҳалол, оқилона ва адолат билан ҳаракат қилиши назарда тутилади. Фуқаролар ва юридик шахсларнинг бошқа шахсга зарар етказишга, бошқача шаклларда ҳуқуқни суиистеъмол қилишга, шунингдек ҳуқуқни унинг мақсадига зид тарзда амалга оширишга қаратилган ҳаракатларига йўл қўйилмайди³⁶.

³⁵ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

³⁶ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Оммавий тартибсизликларга даъват қилишни ўз ичига олган нашрларни ва ноширлик маҳсулотини, тайёрланиши ёки тарқатилиши қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа ахборотни тайёрлаш ва (ёки) тарқатишга йўл қўйилмайди³⁷.

Оператор, провайдер, дилер ва эшиттирувчилар телекоммуникациялар тармоқларида ахборот ва киберхавфсизликни таъминлашда ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш соҳасида қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиши, жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Wi-Fi хизмати ташкилотчиси оператор ёки провайдер билан биргаликда, ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Оператор ва провайдерлар телекоммуникациялар хизматларини кўрсатишда ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши шарт. Телевидение тармоқлари орқали қонунчилик билан тақиқланган маълумотларни тарқатишга йўл қўйилмайди. Абонентлар ва фойдаланувчилар телекоммуникациялар ёрдамида тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотни тарқатмасликка мажбур³⁸.

Сунъий интеллект технология ва тизимларини ишлаб чиқувчи ва жорий этувчилар Этика қоидаларига амал қилиши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги алгоритмларнинг шаффоф ва тушунарли бўлишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги эҳтимолий тарафкашликни олдини олиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларининг имкониятлари, чекловлари ва эҳтимолий хавфлари ҳақида очиқ маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчиларни улардан фойдаланиш қоидалари билан таништириш, улардан қандай мақсадда фойдаланиш мумкинлиги ёки тақиқланиши, шунингдек сунъий интеллектга асосланган ечимлар ёки қарорлар доим тўғри бўлмаслиги ҳамда уларнинг натижаларидан тавсиявий ёки маълумот учун фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимлари дастурий таъминоти хавфсизлигини таъминлаши, Этика қоидаларини инобатга олган ҳолда сунъий интеллект технология ва тизимларини доимий равишда такомиллаштириб бориши, сунъий интеллект технология ва тизимлари инсон назорати остида бўлишини ҳамда инсон томонидан қайта кўриб чиқилиши, шунингдек якуний қарор инсон томонидан қабул қилинишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан қонунчиликка зид бўлган ёки шахс, жамият,

³⁷ Ўзбекистон Республикасининг “Ноширлик фаолияти тўғрисида” 2021 йил 26 ноябрдаги ЎРҚ–731-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

³⁸ Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 6 январдаги 287-мх-сон буйруғи (26.01.2026 й., рўй.: 3762) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

давлат ва атроф табиий-муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган мақсадларда фойдаланмаслиги, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчилар учун сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қўлланмасини ишлаб чиқиш ва жойлаштириши шарт. Сунъий интеллект тизимларидан фойдаланувчилар сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қоидалари ва шартларига риоя қилиши, сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан тўғри фойдаланиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, бошқа фойдаланувчиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини бузмаслик, Этика қоидаларига амал қилиши, шахс, жамият ва давлат манфаатларига ҳамда атроф-табиий муҳитга зарар етказмаслиги лозим³⁹.

Давлат органлари ва ташкилотлари ўз тасарруфидаги ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини, тармоқлар ишининг барқарорлигини таъминлаши, шунингдек киберхавфсизлик бўйича ўз мажбуриятларини бажариши, ваколатли давлат органини киберхужумлар тўғрисида огоҳлантириши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида сақланаётган маълумотларнинг ўғирланиши ҳамда қалбакилаштирилиши ҳолатларининг олдини олиш чораларини кўриши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларини киберҳимоя қилиш учун сертификатлаштирилган аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий таъминотдан фойдаланиши, киберхавфсизлик соҳасида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ваколатли давлат органи билан келишиши шарт. Киберхавфсизлик субъектлари ахборот тизимлари ва ресурсларидаги маълумотларнинг қонунга хилоф равишда тарқатилиши, ўғирланиши, йўқолиши, яхлитлигининг бузилиши, блокланиши ва қалбакилаштирилишининг, шунингдек ахборот тизимлари ва ресурсларига рухсатсиз киришнинг бошқа кўринишларининг олдини олиши, бундай ҳоллар аниқланганда ўз вақтида тегишли чоралар кўриши, ахборот тизимлари ва ресурсларига кириш тартиби бузилганда ҳамда уларга рухсатсиз кириш натижасида ушбу тизимлар ҳамда ресурслар ўзгартирилган ёки йўқ қилинган тақдирда салбий оқибатларни камайтириш мақсадида уларни тезкорлик билан тиклаш чораларини кўриши, содир бўлган киберхавфсизлик ҳодисалари ва кибержиноятлар тўғрисида ваколатли давлат органини хабардор қилиши, ушбу ҳодисаларни тўлиқ фош этиш учун тегишли рақамли изларнинг йўқолишига йўл қўймаслик чораларини кўриши, шунингдек киберхавфсизлик ҳодисаларини таҳлил қилиш ва кибержиноятларни текшириш учун зарур бўлган маълумотларнинг доимий сақланишини таъминлаши, киберхавфсизлик объектларини муҳофаза қилиш ва уларнинг хавфсиз ишлаши мониторингини ўтказиш соҳасидаги маълумотларни ваколатли давлат органи билан ўзаро алмашишни амалга ошириши, ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберҳимоясини таъминлашда ваколатли давлат органи томонидан белгиланган киберхавфсизлик талабларига риоя этиши,

³⁹ Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 24 февралдаги 284-мх-сон буйруғи (14.03.2026 й., рўй.: 3787) билан тасдиқланган Сунъий интеллектга асосланган ечимларни яратиш, жорий қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича этика қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

киберхавфсизлик ҳодисаларига нисбатан чоралар кўриш механизмларининг ишлаб туришини ва киберхавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг ишлашини таъминлаши, улар мавжуд бўлмаган тақдирда эса ваколатли давлат органининг рухсати билан аутсорсинг хизматларидан белгиланган тартибда фойдаланиши, ваколатли давлат органига киберхавфсизликни таъминлаш мониторингининг ташкилий-техник тадбирларини амалга ошириш учун мониторинг тизимларига ва (ёки) киберхавфсизлик объектларига кириш ҳуқуқини бериши шарт⁴⁰.

Давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар давлат сирлари ҳамда махфий сирлар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган ахборот ресурслари ва ахборот тизимларининг муҳофаза қилинишини таъминлаши шарт. Сунъий интеллектдан фойдаланиб яратилган ахборот ресурслари ҳамда сунъий интеллект технологиялари асосида ишлайдиган ахборот тизимлари инсонга, унинг ҳаётига, соғлиғига, эркинлигига, шаънига, кадр-қимматига путур етказмаслиги ва унинг бошқа ажралмас ҳуқуқларини бузмаслиги шарт. Веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурсининг эгаси, шу жумладан блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифасидан ёхуд бошқа ахборот ресурсидан оммавий тартибсизликларга, фуқароларга нисбатан зўравонлик қилишга даъват қилиш, шунингдек мазкур ноқонуний ҳаракатларни мувофиқлаштириш, қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган ўзга ҳаракатларни содир этиш мақсадларида фойдаланилишига йўл қўймаслиги шарт⁴¹.

Давлат фуқаролик хизматчиси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига риоя этиши, ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажариши, давлат органи томонидан белгиланган одоб-ахлоқ қоидаларига, хизматга оид ахборот билан ишлаш тартибига, шунингдек давлат фуқаролик хизматида ўташ билан боғлиқ бошқа қоидаларга риоя этиши, давлат органининг нуфузини туширишга олиб келиши ёки унинг ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажаришига шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳаракатлардан (ҳаракатсизликдан), шу жумладан ўз хизмат мажбуриятларини бажараётганда ҳар қандай шаклдаги камситишдан, ноҳолисликдан ёки кимгадир нисбатан алоҳида муносабатда бўлишдан тийилиши шарт⁴².

Ушбу нормаларнинг бузилиши натижасида мазкур жиноят вужудга келади.

Бунда, давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлиги ахборот соҳасидаги хавфсизликка таҳдидларга қарши ҳаракатлар юзасидан иқтисодий, сиёсий, ташкилий ва бошқа тусдаги чора-тадбирларни амалга ошириш, давлат сирларини сақлаш ва давлат ахборот ресурсларини улардан рухсатсиз тарзда

⁴⁰ Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁴¹ Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги 560-II-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁴² Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида” 2022 йил 8 августдаги ЎРҚ–788-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

фойдаланилишидан муҳофаза қилиш, Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ахборот маконига ва замонавий телекоммуникациялар тизимларига интеграциялашуви, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартиришга, ҳудудий яхлитлигини, суверенитетини бузишга, ҳокимиятни босиб олишга ёки қонуний равишда сайлаб қўйилган ёхуд тайинланган ҳокимият вакиллари ҳокимиятдан четлатишга ва давлат тузумига қарши бошқача тажовуз қилишга очикдан-очик даъват этишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишидан ҳимоя қилиш, урушни ва зўравонликни, шафқатсизликни тарғиб қилишни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоват уйғотишга қаратилган терроризм ва диний экстремизм ғояларини ёйишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишига қарши ҳаракатлар қилиш билан таъминланади. Шахснинг ахборот борасидаги ҳавфсизлиги унинг ахборотдан эркин фойдаланиши зарур шароитлари ва кафолатларини яратиш, шахсий ҳаётига тааллуқли сирларини сақлаш, ахборот воситасида қонунга ҳилоф равишда руҳий таъсир кўрсатилишидан ҳимоя қилиш йўли билан таъминланади. Жисмоний шахсларга тааллуқли шахсий маълумотлар махфий ахборот тоифасига киради. Жисмоний шахснинг розилигисиз унинг шахсий ҳаётига тааллуқли ахборотни, худди шунингдек шахсий ҳаётига тааллуқли сирини, ёзишмалар, телефондаги сўзлашувлар, почта, телеграф ва бошқа мулоқот сирларини бузувчи ахборотни тўплашга, сақлашга, қайта ишлашга, тарқатишга ва ундан фойдаланишга йўл қўйилмайди, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно. Жисмоний шахслар тўғрисидаги ахборотдан уларга моддий зарар ва маънавий зиён етказиш, шунингдек уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари рўёбга чиқарилишига тўсқинлик қилиш мақсадида фойдаланиш тақиқланади. Фуқаролар тўғрисида ахборот олувчи, бундай ахборотга эгалик қилувчи ҳамда ундан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахслар бу ахборотдан фойдаланиш тартибини бузганлик учун қонунда назарда тутилган тарзда жавобгар бўладилар. Ахборот манбаи ёки муаллиф номи фақат суд қарори билан ошкор этилиши мумкин⁴³.

Бунда, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда аниқланган валюта намунаси қалбаки эканлигига шубҳа пайдо бўлганда, тезкор-қидирув тадбирлари давомийлигини таъминлаш зарурати юзага келганда, тезкорликни амалга ошириш ҳамда тегишли вақтни тежаш мақсадида мазкур модда (буюм) ёки валюта намуналарини улар аниқланган жойнинг ўзида ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар биносида экспресс текшириш техник воситалари ёрдамида текширади⁴⁴.

⁴³ Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принципи ва кафолатлари тўғрисида” 2002 йил 12 декабрдаги 439-П-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁴⁴ Вазирлар Маҳкамасининг “Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг аналоглари, прекурсорлар, кучли таъсир қилувчи моддалар ҳамда валюта намуналарини экспресс текшириш жараёнида техник воситалардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2023 йил 12 январдаги 12-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

2. Кибержиноят асосий бевосита объекти – жамият ва жамоат хавфсизлиги.

3. Кибержиноят қўшимча бевосита объекти – ахборот-коммуникация технологияларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар.

4. Кибержиноят факультатив бевосита объекти – ўзга шахс (лар) ва давлат, шу жумладан, шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни, кадр-қиммати, мулк дахлсизлиги, тинчлик ва инсоният хавфсизлиги, бошқарув тартиби ва бошқалар;

5. Кибержиноят субъекти – 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс.

6. Кибержиноят субъектив томони – қасддан.

7. Кибержиноят объектив томони – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ёки қонунга хилоф равишда ахборот-коммуникация тизимига кириб, оммавий тартибсизликларга ва фуқароларга нисбатан зўравонлик қилишга омма олдида даъват қилиш, шахснинг оммавий тартибсизликлар содир этиш мақсадида ўқувдан ўтиши, шу жумладан оммавий тартибсизликларни содир этиш билимини, амалий маҳоратини ва кўникмаларини эгаллаши, ўқув чоғида қурол-яроғ, портлатиш қурилмалари, портловчи, заҳарловчи, атрофдагилар учун хавф туғдирадиган бошқа моддалар ва буюмлар билан муомала қилиш усуллари ўрганиши, қурол ёки қурол сифатида фойдаланиладиган бошқа нарсаларни ишлатиб ёхуд ишлатиш билан қўрқитиб шахсга нисбатан зўрлик ишлатиш, қирғин солиш, ўт қўйиш, мулкка шикаст етказиш ёки уни нобуд қилиш, ҳокимият вакилига қаршилик кўрсатиш орқали содир этилган оммавий тартибсизликларни ташкил қилиш ёхуд ушбу фаолиятни молиялаштириш, худди шунингдек оммавий тартибсизликларда фаол қатнашиш йўли билан содир этилади.

8. Кибержиноят мақсади – оммавий тартибсизликлар содир этиш, моддий ёки (ва) номоддий манфаат, ғаразли ёки бошқа паст ниятлар, ўч олиш ва ҳк.

9. Кибержиноят воситаси (қуроли) – ахборот-коммуникация технологиялари.

10. Кибержиноятнинг зарурий белгилари:

- 1) қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги;
- 2) қилмишнинг ҳуқуққа хилофлилиги;
- 3) қилмишда айбнинг мавжудлиги;
- 4) қилмишнинг жазога сазоворлиги;
- 5) қилмишнинг оммавий тартибсизликларга боғлиқлиги;

6) қилмишнинг оммавий тартибсизликларга ва фуқароларга нисбатан зўравонлик қилишга омма олдида даъват қилиш, шахснинг оммавий тартибсизликлар содир этиш мақсадида ўқувдан ўтиши, шу жумладан оммавий тартибсизликларни содир этиш билимини, амалий маҳоратини ва кўникмаларини эгаллаши, ўқув чоғида қурол-яроғ, портлатиш қурилмалари, портловчи, заҳарловчи, атрофдагилар учун хавф туғдирадиган бошқа моддалар ва буюмлар билан муомала қилиш усуллари ўрганиши, қурол ёки қурол сифатида фойдаланиладиган бошқа нарсаларни ишлатиб ёхуд ишлатиш билан қўрқитиб шахсга нисбатан зўрлик ишлатиш, қирғин солиш, ўт қўйиш,

мулкка шикаст етказиш ёки уни нобуд қилиш, ҳокимият вакилига қаршилиқ кўрсатиш орқали содир этилган оммавий тартибсизликларни ташкил қилиш ёхуд ушбу фаолиятни молиялаштириш, худди шунингдек оммавий тартибсизликларда фаол қатнашиш йўли билан содир этилиши;

7) қилмишнинг ўқувдан ўтиш, шу жумладан оммавий тартибсизликларни содир этиш билимини, амалий маҳоратини ва кўникмаларини эгаллаш, ўқув чоғида курол-яроғ, портлатиш қурилмалари, портловчи, заҳарловчи, атрофдагилар учун хавф туғдирадиган бошқа моддалар ва буюмлар билан муомала қилиш усуллариини ўрганиш ҳаракатлари шахснинг оммавий тартибсизликлар содир этиш мақсадида содир этилиши;

8) алоқа;

9) ахборот;

10) кибермуҳит, шу жумладан, кибермакон;

11) ахборот-коммуникация технологиялари.

Ушбу белгиларнинг биронтаси мавжуд эмаслиги қилмишнинг кибержиноят эканлигини инкор этади.

11. Кибержиноятнинг тамомланиши –

1) оммавий тартибсизликларга ва фуқароларга нисбатан зўравонлик қилишга омма олдида даъват қилишга қаратилган ҳаракат бошланган вақтдан;

2) оммавий тартибсизликларга ва фуқароларга нисбатан зўравонлик қилишга омма олдида даъват қилишга қаратилган ахборот телекоммуникация тармоғи орқали узатилган вақтдан;

3) оммавий тартибсизликларга ва фуқароларга нисбатан зўравонлик қилишга омма олдида даъват қилишга қаратилган ахборот телекоммуникация тармоғига жойлаштирилган ва ундан ҳеч бўлмаса, бошқа бир шахс танишиш имконияти вужудга келган вақтдан;

4) оммавий тартибсизликларга ва фуқароларга нисбатан зўравонлик қилишга омма олдида даъват қилишга қаратилган ахборот телекоммуникация тармоғи орқали тарқатилган вақтдан;

5) оммавий тартибсизликларга ва фуқароларга нисбатан зўравонлик қилишга омма олдида телекоммуникация тармоғидан фойдаланиб даъват қилинган вақтдан;

6) шахснинг оммавий тартибсизликлар содир этиш мақсадида ўқувдан ўтган вақтдан;

7) шахснинг оммавий тартибсизликлар содир этиш мақсадида оммавий тартибсизликларни содир этиш билимин эгаллаган вақтдан;

8) шахснинг оммавий тартибсизликлар содир этиш мақсадида амалий маҳоратни ўзлаштирган вақтдан;

9) шахснинг оммавий тартибсизликлар содир этиш мақсадида зарур кўникмаларни эгаллаган вақтдан;

10) шахснинг оммавий тартибсизликлар содир этиш мақсадида ўқув чоғида курол-яроғ, портлатиш қурилмалари, портловчи, заҳарловчи, атрофдагилар учун хавф туғдирадиган бошқа моддалар ва буюмлар билан муомала қилиш усуллариини ўрганган вақтдан;

11) қурол ёки қурол сифатида фойдаланиладиган бошқа нарсаларни ишлатиб ёхуд ишлатиш билан қўрқитиб шахсга нисбатан зўрлик ишлатган вақтдан;

12) қурол ёки қурол сифатида фойдаланиладиган бошқа нарсаларни ишлатиб ёхуд ишлатиш билан қўрқитиб шахсга нисбатан қирғин солиш ҳаракатини амалга оширган вақтдан;

13) қурол ёки қурол сифатида фойдаланиладиган бошқа нарсаларни ишлатиб ёхуд ишлатиш билан қўрқитиб мулкка шикаст етказган вақтдан;

14) қурол ёки қурол сифатида фойдаланиладиган бошқа нарсаларни ишлатиб ёхуд ишлатиш билан қўрқитиб мулкни nobуд қилган вақтдан;

15) қурол ёки қурол сифатида фойдаланиладиган бошқа нарсаларни ишлатиб ёхуд ишлатиш билан қўрқитиб ҳокимият вакилига қаршилик кўрсатган вақтдан;

16) қурол ёки қурол сифатида фойдаланиладиган бошқа нарсаларни ишлатиб ёхуд ишлатиш билан қўрқитиб шахсга нисбатан зўрлик ишлатишни ташкил қилган вақтдан;

17) қурол ёки қурол сифатида фойдаланиладиган бошқа нарсаларни ишлатиб ёхуд ишлатиш билан қўрқитиб шахсга нисбатан қирғин солиш ҳаракатини амалга оширишни ташкил қилган вақтдан;

18) қурол ёки қурол сифатида фойдаланиладиган бошқа нарсаларни ишлатиб ёхуд ишлатиш билан қўрқитиб мулкка шикаст етказишни ташкил қилган вақтдан;

19) қурол ёки қурол сифатида фойдаланиладиган бошқа нарсаларни ишлатиб ёхуд ишлатиш билан қўрқитиб мулкни nobуд қилишни ташкил қилган вақтдан;

20) қурол ёки қурол сифатида фойдаланиладиган бошқа нарсаларни ишлатиб ёхуд ишлатиш билан қўрқитиб ҳокимият вакилига қаршилик кўрсатишни ташкил этган вақтдан;

21) қурол ёки қурол сифатида фойдаланиладиган бошқа нарсаларни ишлатиб ёхуд ишлатиш билан қўрқитиб шахсга нисбатан зўрлик ишлатиш ҳаракатини молиялаштирган вақтдан;

22) қурол ёки қурол сифатида фойдаланиладиган бошқа нарсаларни ишлатиб ёхуд ишлатиш билан қўрқитиб шахсга нисбатан қирғин солиш ҳаракатини молиялаштирган вақтдан;

23) қурол ёки қурол сифатида фойдаланиладиган бошқа нарсаларни ишлатиб ёхуд ишлатиш билан қўрқитиб мулкка шикаст етказишни молиялаштирган вақтдан;

24) қурол ёки қурол сифатида фойдаланиладиган бошқа нарсаларни ишлатиб ёхуд ишлатиш билан қўрқитиб мулкни nobуд қилишни молиялаштирган вақтдан;

25) қурол ёки қурол сифатида фойдаланиладиган бошқа нарсаларни ишлатиб ёхуд ишлатиш билан қўрқитиб ҳокимият вакилига қаршилик кўрсатишни молиялаштирган вақтдан;

26) оммавий тартибсизликларда фаол қатнашга оид бирон бир ҳаракатни амалга оширган вақтдан бошлаб.

12. Кибержиноятнинг тузилишига кўра тури – мураккаб таркибли кибержиноятлар ҳам мавжуд.

13. Кибержиноятнинг ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра тури – оғир кибержиноят.

14. Жазо тизимига кўра тури – ижтимоий хавфли қилмиши учун Жиноят кодексида озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган кибержиноятлар.

15. Жиноят предмети – курол-яроғ, портлатиш қурилмалари, портловчи, захарловчи, атрофдагилар учун хавф туғдирадиган бошқа моддалар ва буюмлар, техник воситалар, курол ёки курол сифатида фойдаланиладиган бошқа нарсалар, постлар, видеолар, аудио чақириқлар, чат хабарлари, каналлар, шунингдек, қуйидагилар ҳам жиноят предмети бўлиши мумкин:

1. Молиявий воситалар – нақдсиз пул, банк ўтказмалари, электрон ҳамёнлар орқали тўловлар (Payme, Click, PayPal, QIWI ва ҳ.к.), криптовалюта (Bitcoin, USDT, Ethereum ва бошқалар), онлайн тўлов тизимлари орқали маблағ, қимматли қоғозлар (акциялар, облигациялар), электрон сертификатлар, баланс тўлдириш (телефон, аккаунт, карта) ва ҳ.к.;

2. Рақамли активлар – лицензия калитлари (software key), онлайн сервис аккаунти, Premium обуна, домен номи, веб-сайтга эгалик, ижтимоий тармоқлардаги (Telegram, Instagram, YouTube ва бошқалар) каналлар ва гуруҳлар, NFT активлари, онлайн ўйин аккаунтлари, база маълумотлар, электрон контракт ҳуқуқи, NFTлар, ўйин ичидаги қимматбаҳо виртуал буюмлар (Skins, In-game currency) ва ҳ.к.;

3. Ахборот – махфий маълумот, тендер маълумотлари, миқдорлар базаси, пароллар, давлат реестри маълумотлари, имтиёзли кириш ҳуқуқи, жумладан, тижорат ёки хизмат сири ҳисобланган маълумотларга имтиёзли кириш ҳуқуқини бериш, касб, хизмат сирлари, текширув натижаларини ўзгартириш ва ҳ.к.;

4. Номоддий манфаат – лавозимга тайинлаш, лойиҳада ғолиб қилиш, рейтингни ошириш, файлни ўчириб бериш, маъмурий, молиявий ёки жиноий жазодан қутқариш, солиқ ва бошқа тўловларни камайтириш, давлат ижтимоий буюртмасини бериш, рухсатнома чиқариш ва ҳ.к.;

5. Техника ва IT ресурслар – сервер ресурслари, хостинг, VPN кириш, Cloud аккаунт, дастур кодлари, дастурий таъминот лицензияси, API кириш ҳуқуқи, бқори қийматга эга бўлган тижорат дастурларига (масалан, киберхавфсизлик ёки дизайн дастурларига) умрбод ёки узоқ муддатли пуллик обуналарни олиб бериш ва ҳ.к.;

6. Аралаш шакллар – қимматбаҳо техника (ноутбук, смартфон ва ҳ.к.), онлайн орқали етказилган товар, электрон ваучер, крипто-ҳисоб очиш, тўловни учинчи шахс орқали амалга ошириш, жиноятчи учун бепул яратиб берилган веб-сайтлар, SMM хизматлари, пуллик дастурий таъминотларга лицензиялар ёки обуналар (Subscription), мансабдор шахс ёки унинг яқинлари учун бепул сервер майдони (Hosting) ажратиб бериш ёки веб-сайт ишлаб чиқиб, уни тарғиб қилиш (SMM/SEO) хизматларини бепул кўрсатиш,

хизматчининг ижтимоий тармоқлардаги саҳифасини пуллик тарғиб қилиш (Boost), онлайн курслар ёки пуллик веб-сервисларга обуналарни (Premium subscription) совға қилиш ва ҳк.

16. Кибержиноятни содир этишнинг энг кўп усуллари:

- 1) телекоммуникация ёки интернет тармоғида намоишкорона;
- 2) телекоммуникация ёки интернет тармоғида жойлаштириш орқали;
- 3) ахборот-коммуникация технологияларидан жиноят қуроли ёки воситаси сифатида фойдаланиш натижасида.

Ушбу жиноят қуйидаги шаклларда содир этилиши мумкин, хусусан:

1) Digital Swarming (рақамли галаланиш). Мисол учун, оммавий тартибсизлик иштирокчилари марказлашган лидерга эмас, балки сунъий интеллект ёки ботлар томонидан бошқариладиган алгоритмларга бўйсунганини ташкил қилиб, хабарлар (қаерга бориш, нимани ёқиш, қайси бинони эгаллаш) автоматик тарзда, шифрланган каналлар орқали тарқатилишини йўлга қўйиш;

2) инфратузилмани кўр қилиш (CCTV Blinding). Мисол учун, тартибсизлик иштирокчилари физик зўравонликдан (ўт қўйишдан) олдин, шу ҳудуддаги “Хавфсиз шаҳар” камералари серверларига масофадан киберхужум уюштириши ёки уларни лазер ёхуд Wi-Fi деавторизаторлар ёрдамида ўчириб қўйиш орқали тартибсизликнинг киберкинетик шаклини амалга ошириш;

3) DeepFake мобилизацияси. Мисол учун, оммани ғалаёнга қўтариш учун бирон-бир ёлғон воқеа масалан, гўёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларининг ноқонуний ҳаракатлари юқори аниқликдаги нейротармоқлар ёрдамида ясагани ва уни бир сония ичида миллионлаб қурилмаларга “Push-notification” тарзида юбориш;

4) рақамли мобилизация ва даъват (Digital Mobilization). Масалан: **бот-фермалар ва алгоритмлар.** Мисол учун, сунъий интеллект ёрдамида жамиятдаги норозилик кайфиятини сунъий равишда ошириш, фейк хабарларни трендга чиқариш орқали одамларни кўчага чиқишга ундаш;

шифрланган мессенжерлардаги координация. Мисол учун, ижтимоий тармоқлар (Telegram, Signal ва бошқалар) ёки аноним чатлар орқали оломонни бошқариш, ҳуқуқ-тартибот органлари йўқ бўлган нуқталарга йўналтириш;

хэштег-агрессия. Мисол учун, маълум бир хэштеглар остида зўравонликка чақирувчи контентларни оммавий тарқатиш;

5) виртуал ўқув ва тайёргарлик (Cyber Training). Масалан:

online manuals. Мисол учун, Интернет тармоғида қўлбола портловчи қурилмалар яшаш, қурол билан муомала қилиш ёки полиция тактикасига қарши туриш бўйича видео-қўлланмаларни тарқатиш ва ўрганиш;

VR/AR Симуляциялар. Мисол учун, оммавий тартибсизликлар ва тўқнашувлар жараёнини виртуал воқеликда машқ қилиш;

6) технологик қуроллардан фойдаланиш. Масалан:

дронлар ҳужуми. Мисол учун, оммавий тартибсизлик вақтида дронлар ёрдамида портловчи моддаларни ташлаш ёки ҳуқуқ-тартибот органларининг ҳаракатларини ҳаводан туриб кузатиб, оломонга кўрсатма бериш;

кибердиверсия: Мисол учун, тартибсизликлар пайтида давлатнинг муҳим инфратузилмаларига (электр, алоқа, светофорлар) киберхужум уюштириб, хаос ва ваҳимани кучайтириш;

7) рақамли мобилизация ва дисперс бошқарув усули. Масалан:

smart-mob тактикаси. Мисол учун, мессенжерлардаги ботлар ёрдамида оломонга реал вақтда (real-time) кўрсатмалар юбориш, масалан, ҳуқуқ-тартибот органлари яқинлашганда оломонни кичик гуруҳларга бўлиниб кетиш ва бошқа нуқтада қайта йиғилиш ҳақида автоматик хабардор қилиш;

гео-фенсинг (Geo-fencing). Мисол учун, хариталар ва геолокация хизматларидан фойдаланиб, тартибсизлик иштирокчиларига ҳуқуқ-тартибот органларининг тўсиқлари мавжуд бўлмаган очик йўлакларни кўрсатиб туриш;

8) киберқурол ва робототехникани қўллаш усули. Масалан:

дрон-камикадзе-лар ва сарватлар. Мисол учун, оммавий тартибсизлик жараёнида масофадан бошқариладиган дронлар ёрдамида портловчи моддаларни ташлаш ёки заҳарловчи газларни оломон ёки ҳокимият вакиллари устига сепиш;

ИОТ (Буюмлар интернет) диверсияси. Мисол учун, муҳим инфратузилма ахборот тизимларига (светофорлар, электр тармоқлари, жамоатчиликни хабардор қилиш тизимлари) киберхужум уюштириб, сунъий равишда ваҳима ва тирбандликлар яратиш орқали тартибсизлик миқёсини кенгайтириш;

9) рақамли ўқув ва симуляция усули. Масалан:

deep-web қўлланмалари. Мисол учун, ҳуқуқ-тартибот органларининг махсус воситаларига (кўзни ёш қилувчи газ, шовқинли гранаталар) қарши туришнинг техник усулларини виртуал дарслар орқали ўрганиш;

жанговар симуляторлар. Мисол учун, оммавий тартибсизликлар сценарийлари асосида яратилган ва ёпиқ тармоқларда тарқатиладиган компьютер ўйинлари орқали жамоавий ҳаракатларни (масалан, биноларга ўт қўйиш ёки қуролли қаршилик кўрсатиш тактикасини) машқ қилиш;

10) руҳий кибербосим ва алгоритмик даъват усули. Масалан:

echo chambers (акс-садо камералари). Мисол учун, ижтимоий тармоқ алгоритмларини манипуляция қилиш орқали шахсга фақат агрессив ва зўравонликка ундовчи контентларни кўрсатиш ва бу шахсда ҳамма кўчага чиқди, фақат мен уйда ўтирибман деган сунъий ижтимоий босимни яратиш;

deepfake қўзғолони. Мисол учун, давлат ҳокимияти вакиллариининг сохта видеоёзувларини (масалан, халққа қарата ўқ отинг деган ёлғон буйруқни) тарқатиш орқали оломонни қирғин солиш ва вайронагарчиликларга мажбурлаш;

11) рақамли молиялаштириш (cyber financing) усули. Масалан:

крипто-стимул. Мисол учун, оммавий тартибсизликда фаол қатнашган ёки давлат мулкига шикаст етказган шахсларга аноним криптоҳамёнлар орқали маблағ ўтказиб бериш;

жиноий мақсадларда краудфандинг. Мисол учун, оммавий тартибсизликлар учун қурол-яроғ ва анжомлар сотиб олиш мақсадида

Интернет тармоғида хайрия ниқоби остида маблағ йиғиш йўли билан содир этилиши мумкин.

Ушбу жиноятни фош этишда қуйидаги рақамли излар тўпланиши мумкин, хусусан:

1) Beacon & Bluetooth LE излари. Мисол учун, тартибсизлик жойида интернет ўчирилган (Mesh-networking) тақдирда ҳам, иштирокчиларнинг телефонлари FireChat, Bridgefy каби иловалар орқали бир-бири билан Bluetooth, Wi-Fi Direct орқали боғланиши натижасида бу қурилмалар хотирасида ўзаро уланишлар жадвалини (Routing tables) қолдириши мумкин;

2) OSINT ва ижтимоий графлар. Мисол учун, гуруҳлар томонидан олдиндан тил бириктирилганини исботлаш учун ижтимоий тармоқлардаги яширин аккаунтлар, уларнинг ўзаро дўстлик алоқалари ва гео-тегларининг устма-уст тушиши (Geo-spatial overlap) таҳлил қилинади.

Жиноятни фош этилиши учун қуйидаги экспертизалар ўтказилиши мумкин, хусусан:

1) суд-компьютер-техникавий экспертизаси оммавий тартибсизликларга ва зўравонликка даъват қилувчи хабарлар тарқатилган техник қурилмаларни, фойдаланилган аноним каналларни, виртуал гуруҳларни, IP-манзилларни, ўчириб юборилган электрон ёзишмаларни ҳамда ташкилотчилар ўртасидаги рақамли алоқа занжирини, фойдаланувчиларнинг трафик логларини таҳлил қилиб, кибертоталтартибсизликнинг “Нөл-чи бемори”ни, яъни биринчи чақирикни ташлаган ва серверни бошқарган асосий админни, агар даъват ёки ўқув жараёни автоматлаштирилган ботлар ёки сунъий интеллект томонидан бошқарилган бўлса, дастурнинг кодини (Source Code);

2) суд-филологик (лингвистик) экспертизаси интернет тармоғида тарқатилган матнли, аудио ва видео материалларда оммавий тартибсизликларга даъват қилиш, зўравонликка ундаш ёки ҳокимият вакилига қаршилиқ кўрсатиш аломатлари мавжудлигини ҳамда нутқнинг ижтимоий хавфлилик мазмунини;

3) суд-иктисодий экспертизаси оммавий тартибсизликларни ташкил этиш, амалга ошириш ёки унда қатнашишни молиялаштириш учун ишлатилган пул маблағларининг манбасини, электрон ҳамёнлар, банк карталари ва криптовалюталар орқали амалга оширилган транзакциялар ҳажмини;

4) видео-тасвирларни тадқиқ қилиш экспертизаси тартибсизликлар содир бўлган жойдан олинган ёки унда қатнашишга ундовчи видеоёзувларнинг ҳаққонийлигини, монтаж белгиларини, тасвирдаги шахсларнинг ҳаракатларини ва видеоконтентнинг тарқалиш вақтини;

5) суд-фонографик экспертизаси оммавий тартибсизликларга чақирик билан чиққан ёки ҳаракатларни масофавий мувофиқлаштирган шахсларнинг овозли хабарларидаги нутқ эгасини идентификация қилишни ва аудиоёзувнинг яхлитлигини;

6) суд-психологик экспертизаси оммавий даъватларнинг аҳоли руҳиятига таъсир даражасини, шахснинг тартибсизликларда қатнашишдаги

иродавий ҳолатини ва ташкилотчиларнинг оммани манипуляция қилиш усулларини;

7) суд-портрет экспертизаси оммавий тартибсизликлар содир этилган жойдаги видеокузатув ёки ижтимоий тармоқларга юкланган тасвирлардаги фаол иштирокчилар ва ташкилотчиларнинг шахсини идентификация қилишни;

8) суд-сиёсатшунослик экспертизаси (махсус комплекс экспертиза таркибида) оммавий даъватларнинг сиёсий мазмунини, уларнинг давлат хавфсизлиги ва конституциявий тузумга таҳдид солиш даражасини ҳамда маълум бир сиёсий кучлар манфаатига хизмат қилишини;

9) суд-социологик экспертизаси интернет тармоғида тарқатилган даъватларнинг оммавийлик кўламини, аудитория қамровини ва ушбу ҳаракатларнинг жамиятдаги ижтимоий барқарорликка етказган зарарини;

10) суд-фото-техникавий экспертизаси оммавий тартибсизликларга тайёргарлик кўриш ёки унда қатнашишга чорловчи рақамли фотосуратлар ва инфографикаларнинг яратилиш усулини ҳамда улардаги график сохталаштириш белгиларини;

11) суд-электротехникавий экспертизаси шахснинг оммавий тартибсизликлар содир этиш мақсадида ўқувдан ўтиши давомида фойдаланилган қўлбола портлатгичларнинг электрон чизмаларини ва уларни масофадан бошқариш мосламаларининг техник имкониятларини;

12) суд-товаршунослик экспертизаси оммавий тартибсизликлар натижасида шикаст етказилган ёки нобуд қилинган ахборот-коммуникация технологиялари ускуналарининг ва бошқа мулкларнинг ҳақиқий бозор қийматини аниқлайди.

Ушбу жиноятда башарти оммавий тартибсизликларга ва фуқароларга нисбатан зўравонлик қилишга омма олдида даъват қилиш бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, оммавий ахборот воситаларидан, телекоммуникациялар тармоқларидан, Интернет жаҳон ахборот тармоғидан, шунингдек матнни кўпайтиришнинг босма ёки бошқа усулларида фойдаланган ҳолда содир этилган бўлса, бу ҳолатлар оғирлаштирувчи ҳолат саналади.

Қурол ёки қурол сифатида фойдаланиладиган бошқа нарсаларни ишлатиб ёхуд ишлатиш билан қўрқитиб шахсга нисбатан зўрлик ишлатиш, қирғин солиш, ўт қўйиш, мулкка шикаст етказиш ёки уни нобуд қилиш, ҳокимият вакилига қаршилиқ кўрсатиш орқали содир этилган оммавий тартибсизликларни ташкил қилиш ёхуд ушбу фаолиятни молиялаштириш, худди шунингдек оммавий тартибсизликларда фаол қатнашишни назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўқувдан ўтганлиги тўғрисида ҳокимият органларига ихтиёрий равишда хабар қилса, содир этилган жиноятни фош қилишга ёки бундай ўқувдан ўтган, ўқувни амалга оширган, ташкил этган ёхуд молиялаштирган бошқа шахсларни, шунингдек ўқув ўтказилган жойни аниқлашга фаол кўмаклашса ва агар унинг ҳаракатларида жиноятнинг бошқа таркиби мавжуд бўлмаса, жиноий жавобгарликдан озод қилинади.

Оммавий тартибсизликларнинг фақат ташкилотчилари ва иштирокчилари агарда улар бевосита қирғинлар қилишда, вайронагарчиликлар, ўт қўйишлар ва бошқа шу каби ҳаракатларни содир этган бўлсалар ёки ҳокимият вакилларига қуролли қаршилик кўрсатган бўлсалар Жиноят кодексининг 244-моддаси билан жиноий жавобгар бўладилар, агар бир гуруҳ шахсларнинг ҳаракатлари жамоат тартибини бузса, лекин қирғинлар қилиш, вайронагарчиликлар, ўт қўйишлар ва бошқа шу каби ҳаракатлар билан биргаликда содир этилмаган бўлса, бундай ҳаракатлар оммавий тартибсизликлар деб ҳисобланиши мумкин эмас, тегишли ҳолатлар мавжуд бўлса, ЖКнинг 277-моддаси билан жавобгарликка тортилишига сабаб бўлади. Агар оммавий тартибсизликларнинг иштирокчилари томонидан, ўғрилашлар, талончилик, босқинчиликлар қилиш ва бошқа алоҳида жиноят таркибини ташкил этувчи жиноятлар содир этилганда жиноятлар мажмуаси билан тавсифланади.

Шахсга нисбатан зўрлик ишлатиш дейилганда жабрланувчининг баданига шикаст етказиш ва шу каби унинг эркинлигини чекловчи ва қонуний ҳуқуқларини амалга оширишга тўсқинлик қилувчи ҳар қандай бошқа хатти-ҳаракатлар тушунилмоғи керак.

Оммавий тартибсизликлар жараёнида ишлатиладиган қурол дейилганда, ўқотар қуроли, совуқ қурол ёки инсонга жисмоний шикаст етказиш ва уни ҳаётдан маҳрум қилиш учун махсус тайёрланган ёхуд мослаштирилган ахборот-коммуникация технологиялари тушунилмоғи керак. Ахборот-коммуникация технологиялари, роботлар ва бошқалар ҳам қурол сифатида ишлатилиши мумкин. Оммавий тартибсизликларда фаол қатнашиш бевосита ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, қирғин солиш, ўт қўйиш, вайрон қилиш ва ҳоказоларда ифодаланиши мумкин.

Бирор бир жиноий ҳаракатни содир этмаган, аммо оммавий тартибсизлик жараёнида оломон орасида бўлган шахслар жиноий жавобгарликка тортилмайдилар, балки йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намоёишлар уюштириш, ўтказиш тартибини бузганлиги учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 201-моддаси билан жавобгарликка тортилиши мумкин⁴⁵.

Оммавий тартибсизликлар жараёнида содир этилган қасддан одам ўлдириш жинояти ЖК 97-моддаси иккинчи қисмининг “е” банди билан квалификация қилинмоғи лозим.

Агар оммавий тартибсизликлар вақтида айбдор томонидан қасддан одам ўлдиришдан ташқари қирғин солиш, вайрон қилиш, ўт қўйиш ва шунга ўхшаш бошқа жиноятлар содир этилган бўлса, унинг ҳаракатлари жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиниши керак⁴⁶.

⁴⁵ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Республика судлари томонидан оммавий тартибсизликлар учун жавобгарлик тўғрисидаги қонунларни қўллаш амалиёти билан боғлиқ айрим масалалар тўғрисида” 1996 йил 20 декабрдаги 38-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁴⁶ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида” 2004 йил 24 сентябрдаги 13-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Баданга қасддан оммавий тартибсизликлар жараёнида етказилган оғир ёки ўртача оғир шикаст тегишлича, ЖК 104-моддаси иккинчи қисмининг «г» банди, 105-моддаси иккинчи қисмининг “д” банди бўйича квалификация қилиниши лозим.

Агар айбдор томонидан оммавий тартибсизликлар жараёнида қасддан баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказишдан ташқари яксон қилиш, бузиш, ўт қўйиш ва шу каби бошқа жиноятлар содир қилинган бўлса, унинг ҳаракатлари жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиниши лозим⁴⁷.



Тергов жараёнида оммавий тартибсизликларнинг иштирокчиларини аниқлаш учун қуйидаги технологик усуллар қўлланилади:

1) OSINT (open source intelligence): очик манбалардаги маълумотларни қидириш. Махсус алгоритмлар (масалан, Maltego) ёрдамида ижтимоий тармоқлардаги даъватлар, видеолар ва фотосуратларнинг асл манбаси, тарқалиш занжири ва ташкилотчилар ўртасидаги яширин алоқалар визуаллаштирилади.

2) тармоқ форензикаси (network forensics): Тартибсизлик содир бўлган ҳудуддаги мобил алоқа станциялари (BTS) маълумотларини таҳлил қилинади. Бу орқали маълум бир вақтда ўша ерда бўлган фаол қурилмалар (IMEI) идентификация қилинади.

3) metadata analysis: Иштирокчилар томонидан тарқатилган видео ва расмларнинг “EXIF” маълумотлари текширилади. Бу файл қачон, қаерда (GPS координаталари) ва қайси қурилмада олинганини аниқ ифодалайди.

Рақамли далил судда қонуний кучга эга бўлиши учун у қуйидагиларни назарда тутувчи “Chain of Custody”, яъни сақлаш занжири талабига жавоб бериши шарт:

дахлсизлик (Integrity): Электрон далил (масалан, Telegram чатидаги ёзишма) олинган вақтда унинг Hash-қиймати (рақамли муҳри) ҳисоблаб чиқилади. Агар судда тақдим этилган файлнинг Hash-қиймати дастлабкисидан фарқ қилса, далил ўзгартирилган ва у исбот кучини йўқотади;

айнанлаштириш (Attribution): Шунчаки фалончининг профилидан хабар кетган деган даъво етарли эмас. Эксперт ўша хабар айнан айбланувчига тегишли бўлган IP-манзил, MAC-адрес ва Session ID орқали юборилганини техник исботлаши керак;

қонунийлик: Рақамли далилларни олиш (масалан, шахсий ёзишмаларни ўқиш ёки қурилмани мусодара қилиш) фақат суд қарори ёки қонунда белгиланган кечиктириб бўлмайдиган ҳоллардаги санкция асосида амалга оширилган бўлиши шарт.

Агар ташкилотчилар VPN, Tor ёки шифрланган мессенжерлардан фойдаланган бўлса, тергов рақамли излар занжири (Digital footprint) методини

⁴⁷ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Баданга қасддан шикаст етказишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида” 2007 йил 27 июндаги 6-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

қўллайди. Бунда бевосита мазмун (content) эмас, балки трафикнинг вақти ва ҳажми (traffic analysis) таҳлил қилиниб, жиноятчининг кимлиги билвосита далиллар билан тасдиқланади. ЖК 244-модда бўйича айблов ҳукми чиқарилиши учун рақамли далилларнинг техник жиҳатдан бенуқсон ва юридик жиҳатдан асосланган бўлиши ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шунинг учун мазкур жиноятни фош этиш учун қурилмада тартибсизлик режалари, қўлланмалар ёки дронларни бошқариш дастурлари борлиги, сохта (Deepfake) видеоларнинг яратилганлиги ва тарқатилиш алгоритмлари, оломон ичидаги ташкилотчининг овози ва юзини биометрик маълумотлар асосида идентификация қилиш зарур.

1.5-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ёки намоиш этиш ёхуд киберэкстремизм, киберсепаратизм, киберақидапарастлик жиноятининг юридик-техник таҳлили

244¹-модда. Диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган материалларни тайёрлаш ёки уларни тарқатиш мақсадида сақлаш, шунингдек диний-экстремистик, террорчилик ташкилотларининг атрибутларини ёки рамзий белгиларини тарқатиш ёхуд намоиш этиш мақсадида тайёрлаш, сақлаш –

базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган маълумотлар ва материалларни ҳар қандай шаклда тарқатиш, худди шунингдек фуқаролар тотувлигини бузиш, тухматона, вазиятни беқарорлаштирувчи уйдирмалар тарқатиш ҳамда жамиятда қарор топган хулқ-атвор қоидаларига ва жамоат хавфсизлигига қарши қаратилган бошқа қилмишларни содир этиш мақсадида диндан фойдаланиш, шунингдек диний-экстремистик, террорчилик ташкилотларининг атрибутларини ёки рамзий белгиларини тарқатиш ёхуд намоиш этиш –

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида кўрсатилган ҳаракатлар:

- а) олдиндан тил бириктириб ёки бир гуруҳ шахслар томонидан;*
- б) хизмат мавқеидан фойдаланиб;*
- в) диний ташкилотлардан, шунингдек чет эл давлатлари, ташкилотлари ва фуқароларидан олинган молиявий ёки бошқа моддий ёрдамдан фойдаланиб;*
- г) оммавий ахборот воситаларидан ёхуд телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб содир этилган бўлса, –*

беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Муҳофаза қилинадиган норма – Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан, ахборотни излаш, олиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқни чеклашга фақат қонунга мувофиқ ҳамда фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлиғини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш, шунингдек давлат сирлари ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сир ошкор этилишининг олдини олиш мақсадида зарур бўлган доирада йўл қўйилади. Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган органлар томонидангина амалга оширилади. Инсоннинг шаъни ва кадр-қиммати дахлсиздир. Ҳеч нарса уларни камситиш учун асос бўлиши мумкин эмас. Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки инсон кадр-қимматини камситувчи муомалага ёхуд жазога дучор этилиши мумкин эмас. Ҳеч ким расмий эълон қилинмаган қонун асосида ҳукм қилиниши, жазога тортилиши, мол-мулкидан ёки бирон-бир ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикасида барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиниши таъминланади. Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Ўзбекистон Республикасида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига биноан ҳамда ушбу Конституцияга мувофиқ эътироф этилади ва қафолатланади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегишли бўлади. Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа инсонларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар. Инсоннинг шаъни ва кадр-қиммати дахлсиздир. Инсоннинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. Ҳар бир инсон ўз шахсини эркин камол топтириш ҳуқуқига эга. Ҳеч кимга унинг розилигисиз қонунчиликда белгиланмаган мажбурият юклатилиши мумкин эмас. Инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, жамият ҳамда давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги шарт⁴⁸.

Қонунчиликка кўра, фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари иштирокчиларининг ҳалол, оқилона ва адолат билан ҳаракат қилиши назарда тутилади. Фуқаролар ва юридик шахсларнинг бошқа шахсга зарар етказишга, бошқача шаклларда

⁴⁸ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

ҳуқуқни суиистеъмол қилишга, шунингдек ҳуқуқни унинг мақсадига зид тарзда амалга оширишга қаратилган ҳаракатларига йўл қўйилмайди⁴⁹.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қуйидагилар тақиқланади:

экстремистик фаолиятнинг ҳар қандай кўринишлари;

юридик шахслар ташкил этилганда уларни экстремистик ташкилотларнинг номи билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки ўхшаш бўлган белгиларни ўз ичига олган номлардан фойдаланиш.

Ўзбекистон Республикасининг ҳудудига экстремистик материалларни, экстремистик ташкилотларнинг атрибутлари ва рамзий белгиларини олиб кириш, тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ва намоиш этиш, шунингдек уларни оммавий ахборот воситаларида ёхуд телекоммуникация тармоқларида, шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғида тарқатиш ва намоиш этиш тақиқланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилаётган, тайёрланаётган, сақланаётган, тарқатилаётган ва намоиш этилаётган, шунингдек оммавий ахборот воситаларида ёки телекоммуникация тармоқларида, шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғида тарқатилаётган ва намоиш этилаётган материаллар қонунчиликда белгиланган тартибда экстремистик материаллар деб топилади.

Экстремистик материаллар, экстремистик ташкилотларнинг атрибутлари ва рамзий белгилари белгиланган тартибда йўқ қилиниши ёки олиб ташланиши керак. Оммавий ахборот воситаларида ёхуд телекоммуникациялар тармоқларида, шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғида жойлаштирилган экстремистик материалларни, экстремистик ташкилотларнинг атрибутлари ва рамзий белгиларини йўқ қилиш ёки олиб ташлаш имкони бўлмаганда улардан фойдаланиш чекланади.

Экстремизмга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органининг экстремистик материалларни йўқ қилиш, олиб ташлаш ёки улардан фойдаланишни чеклаш тўғрисидаги талабининг телекоммуникация тармоқларига ва Интернет жаҳон ахборот тармоғига кириш бўйича хизматлар тақдим этувчи шахс томонидан бажарилмаганлиги қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар экстремистик фаолиятни амалга оширганлик учун қонунга мувофиқ жавобгар бўлади.

Шахс экстремистик фаолиятда иштирок этишни ўз ихтиёри билан рад этган, бу ҳақда тегишли давлат органларига хабар берган ҳамда оғир оқибатлар юзага келишининг ва экстремистларнинг мақсадлари амалга оширилишининг олдини олишга фаол кўмаклашган тақдирда, қонунчиликка мувофиқ жавобгарликдан озод этилади.

Ташкилотлар экстремистик фаолиятни амалга оширганлик учун тугатилади, уларнинг фаолияти эса тақиқланади.

Ташкилотни тугатиш суднинг қарори асосида амалга оширилади.

⁴⁹ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Экстремистик ташкилот деб топилган ташкилот тугатилганда унга тегишли мол-мулк мусодара қилинади ҳамда давлат мулкига ўтказилади⁵⁰.

Давлат турли динларга эътиқод қиладиган ва уларга эътиқод қилмайдиган фуқаролар, турли динларга мансуб диний ташкилотлар ўртасида ўзаро муроса ва ҳурмат ўрнатилишига кўмаклашади, диний ақидапарастлик ҳамда экстремизмга, муносабатларни қарама-қарши қўйиш ва кескинлаштиришга, турли конфессиялар ўртасида адоватни авж олдиришга қаратилган хатти-ҳаракатларга йўл қўймайди⁵¹.

Диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари тарғиботини ўз ичига олган нашрларни ва ноширлик маҳсулотини, тайёрланиши ёки тарқатилиши қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа ахборотни тайёрлаш ва (ёки) тарқатишга йўл қўйилмайди⁵².

Оператор, провайдер, дилер ва эшиттирувчилар телекоммуникациялар тармоқларида ахборот ва киберхавфсизликни таъминлашда ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш соҳасида қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиши, диний экстремизм, сепаратизм ва фундаментализм ғояларини тарғиб қилишга, жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Wi-Fi хизмати ташкилотчиси оператор ёки провайдер билан биргаликда, ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, диний экстремизм, сепаратизм ва фундаментализм ғояларини тарғиб қилишга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Оператор ва провайдерлар телекоммуникациялар хизматларини кўрсатишда диний экстремизм, сепаратизм ва фундаментализм ғояларини тарғиб қилишга, ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши шарт. Телевидение тармоқлари орқали қонунчилик билан тақиқланган маълумотларни тарқатишга йўл қўйилмайди. Абонентлар ва фойдаланувчилар телекоммуникациялар ёрдамида диний экстремизм, сепаратизм ва фундаментализм ғояларини тарғиб қилишга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотни тарқатмасликка мажбур⁵³.

Сунъий интеллект технология ва тизимларини ишлаб чиқувчи ва жорий этувчилар Этика қоидаларига амал қилиши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги алгоритмларнинг шаффоф ва тушунарли бўлишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги эҳтимолий тарафкашликни олдини олиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши

⁵⁰ Ўзбекистон Республикасининг “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида” 2018 йил 30 июлдаги ЎРҚ–489-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁵¹ Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида” 2021 йил 5 июлдаги ЎРҚ–699-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁵² Ўзбекистон Республикасининг “Ноширлик фаолияти тўғрисида” 2021 йил 26 ноябрдаги ЎРҚ–731-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁵³ Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 6 январдаги 287-мх-сон буйруғи (26.01.2026 й., рўй.: 3762) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларининг имкониятлари, чекловлари ва эҳтимолий хавфлари ҳақида очиқ маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчиларни улардан фойдаланиш қоидалари билан таништириш, улардан қандай мақсадда фойдаланиш мумкинлиги ёки тақиқланиши, шунингдек сунъий интеллектга асосланган ечимлар ёки қарорлар доим тўғри бўлмаслиги ҳамда уларнинг натижаларидан тавсиявий ёки маълумот учун фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимлари дастурий таъминоти хавфсизлигини таъминлаши, Этика қоидаларини инобатга олган ҳолда сунъий интеллект технология ва тизимларини доимий равишда такомиллаштириб бориши, сунъий интеллект технология ва тизимлари инсон назорати остида бўлишини ҳамда инсон томонидан қайта кўриб чиқиши, шунингдек якуний қарор инсон томонидан қабул қилинишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан қонунчиликка зид бўлган ёки шахс, жамият, давлат ва атроф табиий-муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган мақсадларда фойдаланмаслиги, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчилар учун сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қўлланмасини ишлаб чиқиш ва жойлаштириши шарт. Сунъий интеллект тизимларидан фойдаланувчилар сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қоидалари ва шартларига риоя қилиши, сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан тўғри фойдаланиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, бошқа фойдаланувчиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини бузмаслик, Этика қоидаларига амал қилиши, шахс, жамият ва давлат манфаатларига ҳамда атроф-табиий муҳитга зарар етказмаслиги лозим⁵⁴.

Давлат органлари ва ташкилотлари ўз тасарруфидаги ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини, тармоқлар ишининг барқарорлигини таъминлаши, шунингдек киберхавфсизлик бўйича ўз мажбуриятларини бажариши, ваколатли давлат органини киберхужумлар тўғрисида огоҳлантириши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида сақланаётган маълумотларнинг ўғирланиши ҳамда қалбакилаштирилиши ҳолатларининг олдини олиш чораларини кўриши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларини киберҳимоя қилиш учун сертификатлаштирилган аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий таъминотдан фойдаланиши, киберхавфсизлик соҳасида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ваколатли давлат органи билан келишиши шарт. Киберхавфсизлик субъектлари ахборот тизимлари ва ресурсларидаги маълумотларнинг қонунга хилоф равишда тарқатилиши, ўғирланиши, йўқолиши, яхлитлигининг бузилиши, блокланиши ва қалбакилаштирилишининг, шунингдек ахборот тизимлари ва ресурсларига рухсатсиз киришнинг бошқа кўринишларининг олдини олиши, бундай ҳоллар

⁵⁴ Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 24 февралдаги 284-мх-сон буйруғи (14.03.2026 й., рўй.: 3787) билан тасдиқланган Сунъий интеллектга асосланган ечимларни яратиш, жорий қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича этика қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

аниқланганда ўз вақтида тегишли чоралар кўриши, ахборот тизимлари ва ресурсларига кириш тартиби бузилганда ҳамда уларга рухсатсиз кириш натижасида ушбу тизимлар ҳамда ресурслар ўзгартирилган ёки йўқ қилинган тақдирда салбий оқибатларни камайтириш мақсадида уларни тезкорлик билан тиклаш чораларини кўриши, содир бўлган киберхавфсизлик ҳодисалари ва кибержиноятлар тўғрисида ваколатли давлат органини хабардор қилиши, ушбу ҳодисаларни тўлиқ фош этиш учун тегишли рақамли изларнинг йўқолишига йўл қўймаслик чораларини кўриши, шунингдек киберхавфсизлик ҳодисаларини таҳлил қилиш ва кибержиноятларни текшириш учун зарур бўлган маълумотларнинг доимий сақланишини таъминлаши, киберхавфсизлик объектларини муҳофаза қилиш ва уларнинг хавфсиз ишлаши мониторингини ўтказиш соҳасидаги маълумотларни ваколатли давлат органи билан ўзаро алмашишни амалга ошириши, ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберҳимоясини таъминлашда ваколатли давлат органи томонидан белгиланган киберхавфсизлик талабларига риоя этиши, киберхавфсизлик ҳодисаларига нисбатан чоралар кўриш механизмларининг ишлаб туришини ва киберхавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг ишлашини таъминлаши, улар мавжуд бўлмаган тақдирда эса ваколатли давлат органининг рухсати билан аутсорсинг хизматларидан белгиланган тартибда фойдаланиши, ваколатли давлат органига киберхавфсизликни таъминлаш мониторингининг ташкилий-техник тадбирларини амалга ошириш учун мониторинг тизимларига ва (ёки) киберхавфсизлик объектларига кириш ҳуқуқини бериши шарт⁵⁵.

Давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар давлат сирлари ҳамда махфий сирлар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган ахборот ресурслари ва ахборот тизимларининг муҳофаза қилинишини таъминлаши шарт. Сунъий интеллектдан фойдаланиб яратилган ахборот ресурслари ҳамда сунъий интеллект технологиялари асосида ишлайдиган ахборот тизимлари инсонга, унинг ҳаётига, соғлиғига, эркинлигига, шаънига, кадр-қимматига путур етказмаслиги ва унинг бошқа ажралмас ҳуқуқларини бузмаслиги шарт. Веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурсининг эгаси, шу жумладан блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифасидан ёхуд бошқа ахборот ресурсидан диний экстремизм, сепаратизм ва фундаментализм ғояларини тарғиб қилиш, қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган ўзга ҳаракатларни содир этиш мақсадларида фойдаланилишига йўл қўймаслиги шарт⁵⁶.

Давлат фуқаролик хизматчиси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига риоя этиши, ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажариши, давлат органи томонидан белгиланган одоб-ахлоқ қоидаларига, хизматга оид ахборот билан ишлаш тартибига, шунингдек давлат фуқаролик хизматини ўташ билан боғлиқ бошқа

⁵⁵ Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁵⁶ Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги 560-П-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

қоидаларга риоя этиши, давлат органининг нуфузини туширишга олиб келиши ёки унинг ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажаришига шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳаракатлардан (ҳаракатсизликдан), шу жумладан ўз хизмат мажбуриятларини бажараётганда ҳар қандай шаклдаги камситишдан, ноҳолисликдан ёки кимгадир нисбатан алоҳида муносабатда бўлишдан тийилиши шарт⁵⁷.

Диний мазмундаги қуйидаги мақсадда материалларни тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатишга йўл қўйилмайди:

жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ёки ижтимоий мавқеига қараб ёхуд бошқа ҳолатларга қўра фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини камситиш ёки ўзга шахслар маҳсулотларини обрўсизлантириш;

Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартириш, унинг суверенитети ва ҳудудий яхлитлигига путур етказишга даъват қилиш;

уруш, зўравонлик, терроризм, шунингдек, экстремизм, сепаратизм, диний ақидапарастлик ёки мутаассиблик билан йўғрилган ғояларни тарғиб қилиш;

миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатувчи ахборотни тарқатиш; диний эътиқодни ўзгартиришга даъват қилиш;

динга эътиқод қилувчиларнинг ҳис-туйғуларини ҳақорат қилиш ёки камситиш;

фуқароларни ўз конституциявий мажбуриятларини бажармасликка чақириш;

давлат, жамоат ёки диний ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва мол-мулкига тажовуз қилишга ундаш;

гиёҳванд воситалар, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар ва прекурсорларни тарғиб қилиш;

қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликни келтириб чиқарувчи хатти-ҳаракатларни амалга оширишга ундаш⁵⁸.

Маърифий фаолиятни амалга оширувчиларга Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конституциявий тузумини, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга, оммавий тартибсизликларга, ноқонуний йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ва намойишларда иштирок этишга даъват қилиш, давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни ошкор этиш, уруш, терроризм, экстремизм, сепаратизм ва фундаментализм ғояларини, порнография, зўравонлик, шафқатсизликни ёки ижтимоий ахлоққа зид қарашларни тарғиб қилиш, алкоғолли ва тамаки маҳсулотларини, гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини, психотроп моддаларни ёки ақл-иродага таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилишни тарғиб қилиш, виждон эркинлиги ва

⁵⁷ Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида” 2022 йил 8 августдаги ЎРҚ–788-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁵⁸ Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 апрелдаги 180-сон қарори билан тасдиқланган “Диний мазмундаги материалларни тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатиш ҳамда диншунослик экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунчилик талабларини бузиш, шу жумладан, диний таълимотдан сабоқ бериш, диний ақида ва ғояларни тарғиб қилиш, диний мазмундаги материалларни тарқатиш, муайян динга устуворлик бериш ёхуд камситиш, жинс бўйича камситиш ёки давлат рамзларига нисбатан ҳурматсизлик қилиш, жамоат тартибига ёки хавфсизлигига таҳдид солувчи, миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатувчи, фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматига ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи, шунингдек, ҳақоратли сўзларни ўз ичига олган ахборотни тарқатиш, маърифий фаолиятни амалга оширишда ҳақиқатга тўғри келмайдиган ва ёлғон маълумотлардан фойдаланиш, ҳуқуқбузарлик ёки жиноятни содир этишга, ўз жонига суиқасд қилишга, қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар, фоҳишалик, тиланчилик ёки ғайриижтимоий хатти-ҳаракатнинг бошқа шакллари билан шуғулланишга даъват қилиш, одамларга ёки ҳайвонларга нисбатан зўравонлик ва шафқатсизлик қилиш мумкинлигини асослаш ёки оқлаш ёхуд шундай ҳаракатларни амалга оширишга ундаш, фуқароларни уларнинг ҳаётига ва (ёки) соғлиғига ёхуд ўзга шахсларнинг ҳаётига ва (ёки) соғлиғига таҳдид солувчи ғайриҳуқуқий ҳаракатларни содир этишга ундаш ёки бошқача тарзда жалб қилиш, маърифий фаолиятда вояга етмаганлар иштирок этганда, жинсий муносабатларни тасвирлаш ёки баён этиш ёхуд уларда қўрқув, ваҳима ёки саросима уйғотадиган ахборотни тарқатиш тақиқланади⁵⁹.

Ушбу нормаларнинг бузилиши натижасида мазкур жиноят вужудга келади.

Бунда, давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлиги ахборот соҳасидаги хавфсизликка таҳдидларга қарши ҳаракатлар юзасидан иқтисодий, сиёсий, ташкилий ва бошқа тусдаги чора-тадбирларни амалга ошириш, давлат сирларини сақлаш ва давлат ахборот ресурсларини улардан рухсатсиз тарзда фойдаланилишидан муҳофаза қилиш, Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ахборот маконига ва замонавий телекоммуникациялар тизимларига интеграциялашуви, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартиришга, ҳудудий яхлитлигини, суверенитетини бузишга, ҳокимиятни босиб олишга ёки қонуний равишда сайлаб қўйилган ёхуд тайинланган ҳокимият вакиллари ҳокимиятдан четлатишга ва давлат тузумига қарши бошқача тажовуз қилишга очикдан-очик даъват этишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишидан ҳимоя қилиш, урушни ва зўравонликни, шафқатсизликни тарғиб қилишни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоват уйғотишга қаратилган терроризм ва диний экстремизм ғояларини ёйишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишига қарши ҳаракатлар қилиш билан таъминланади. Шахснинг ахборот борасидаги хавфсизлиги унинг ахборотдан эркин фойдаланиши зарур шароитлари ва кафолатларини яратиш, шахсий ҳаётига тааллуқли сирларини сақлаш, ахборот воситасида қонунга ҳилоф равишда руҳий таъсир кўрсатилишидан ҳимоя қилиш йўли билан таъминланади. Жисмоний шахсларга тааллуқли шахсий маълумотлар махфий ахборот тоифасига киради. Жисмоний шахснинг розилигисиз унинг шахсий

⁵⁹ Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 11 февралдаги 76-сон қарори билан тасдиқланган “Маърифий фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

ҳаётига тааллуқли ахборотни, худди шунингдек шахсий ҳаётига тааллуқли сирини, ёзишмалар, телефондаги сўзлашувлар, почта, телеграф ва бошқа мулоқот сирларини бузувчи ахборотни тўплашга, сақлашга, қайта ишлашга, тарқатишга ва ундан фойдаланишга йўл қўйилмайди, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно. Жисмоний шахслар тўғрисидаги ахборотдан уларга моддий зарар ва маънавий зиён етказиш, шунингдек уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари рўёбга чиқарилишига тўсқинлик қилиш мақсадида фойдаланиш тақиқланади. Фуқаролар тўғрисида ахборот олувчи, бундай ахборотга эгалик қилувчи ҳамда ундан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахслар бу ахборотдан фойдаланиш тартибини бузганлик учун қонунда назарда тутилган тарзда жавобгар бўладилар. Ахборот манбаи ёки муаллиф номи фақат суд қарори билан ошкор этилиши мумкин⁶⁰.

Бунда, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда аниқланган валюта намунаси қалбаки эканлигига шубҳа пайдо бўлганда, тезкор-қидирув тадбирлари давомийлигини таъминлаш зарурати юзага келганда, тезкорликни амалга ошириш ҳамда тегишли вақтни тежаш мақсадида мазкур модда (буюм) ёки валюта намуналарини улар аниқланган жойнинг ўзида ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар биносида экспресс текшириш техник воситалари ёрдамида текширади⁶¹.

2. Кибержиноят асосий бевосита объекти – жамият ва жамоат хавфсизлиги.

3. Кибержиноят қўшимча бевосита объекти – ахборот-коммуникация технологияларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар.

4. Кибержиноят факультатив бевосита объекти – ўзга шахс (лар) ва давлат, шу жумладан, шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни, кадр-қиммати, мулк дахлсизлиги, тинчлик ва инсоният хавфсизлиги, бошқарув тартиби ва бошқалар;

5. Кибержиноят субъекти – 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс.

6. Кибержиноят субъектив томони – қасддан.

7. Кибержиноят объектив томони – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ёки қонунга хилоф равишда ахборот-коммуникация тизимига кириб, диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан қўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган материалларни тайёрлаш ёки уларни тарқатиш мақсадида сақлаш, шунингдек диний-экстремистик, террорчилик ташкилотларининг атрибутларини ёки рамзий белгиларини тарқатиш ёхуд

⁶⁰ Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принципи ва қафолатлари тўғрисида” 2002 йил 12 декабрдаги 439-П-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁶¹ Вазирлар Маҳкамасининг “Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг аналоглари, прекурсорлар, кучли таъсир қилувчи моддалар ҳамда валюта намуналарини экспресс текшириш жараёнида техник воситалардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2023 йил 12 январдаги 12-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

намойиш этиш мақсадида тайёрлаш, сақлаш, диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган маълумотлар ва материалларни ҳар қандай шаклда тарқатиш, худди шунингдек фуқаролар тотувлигини бузиш, тухматона, вазиятни беқарорлаштирувчи уйдирмалар тарқатиш ҳамда жамиятда қарор топган хулқ-атвор қоидаларига ва жамоат хавфсизлигига қарши қаратилган бошқа қилмишларни содир этиш мақсадида диндан фойдаланиш, шунингдек диний-экстремистик, террорчилик ташкилотларининг атрибутларини ёки рамзий белгиларини тарқатиш ёхуд намойиш этиш йўли билан содир этилади.

8. Кибержиноят мақсади – диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган материалларни тайёрлаш ёки уларни тарқатиш, диний-экстремистик, террорчилик ташкилотларининг атрибутларини ёки рамзий белгиларини тарқатиш ёхуд намойиш этиш, диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган маълумотлар ва материалларни ҳар қандай шаклда тарқатиш, худди шунингдек фуқаролар тотувлигини бузиш, тухматона, вазиятни беқарорлаштирувчи уйдирмалар тарқатиш ҳамда жамиятда қарор топган хулқ-атвор қоидаларига ва жамоат хавфсизлигига қарши қаратилган бошқа қилмишларни содир этиш моддий ёки (ва) номоддий манфаат, ғаразли ёки бошқа паст ниятлар, ўч олиш ва ҳк.

9. Кибержиноят воситаси (қуроли) – ахборот-коммуникация технологиялари.

10. Кибержиноятнинг зарурий белгилари:

- 1) қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги;
- 2) қилмишнинг ҳуқуққа хилофлилиги;
- 3) қилмишда айбнинг мавжудлиги;
- 4) қилмишнинг жазога сазоворлиги;
- 5) қилмишнинг диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган материаллар, диний-экстремистик, террорчилик ташкилотларининг атрибутларини ёки рамзий белгиларига боғлиқлиги;

- 6) қилмишнинг диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган материалларни тайёрлаш ёки уларни тарқатиш мақсадида сақлаш, шунингдек диний-экстремистик, террорчилик ташкилотларининг атрибутларини ёки рамзий белгиларини тарқатиш ёхуд намойиш этиш мақсадида тайёрлаш, сақлаш, диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима

чиқаришга қаратилган маълумотлар ва материалларни ҳар қандай шаклда тарқатиш, худди шунингдек фуқаролар тотувлигини бузиш, тухматона, вазиятни беқарорлаштирувчи уйдирмалар тарқатиш ҳамда жамиятда қарор топган хулқ-атвор қоидаларига ва жамоат хавфсизлигига қарши қаратилган бошқа қилмишларни содир этиш мақсадида диндан фойдаланиш, шунингдек диний-экстремистик, террорчилик ташкилотларининг атрибутларини ёки рамзий белгиларини тарқатиш ёхуд намоёиш этиш йўли билан содир этилиши;

7) қилмишнинг сақлаш ҳаракати диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган материалларни тайёрлаш ёки уларни тарқатиш мақсадида содир этилиши;

8) қилмишнинг тайёрлаш, сақлаш ҳаракати диний-экстремистик, террорчилик ташкилотларининг атрибутларини ёки рамзий белгиларини тарқатиш ёхуд намоёиш этиш мақсадида содир этилиши;

9) қилмишнинг диндан фойдаланиш, шунингдек диний-экстремистик, террорчилик ташкилотларининг атрибутларини ёки рамзий белгиларини тарқатиш ёхуд намоёиш этиш ҳаракати диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган маълумотлар ва материалларни ҳар қандай шаклда тарқатиш, худди шунингдек фуқаролар тотувлигини бузиш, тухматона, вазиятни беқарорлаштирувчи уйдирмалар тарқатиш ҳамда жамиятда қарор топган хулқ-атвор қоидаларига ва жамоат хавфсизлигига қарши қаратилган бошқа қилмишларни содир этиш мақсадида содир этилиши;

10) алоқа;

11) ахборот;

12) кибермуҳит, шу жумладан, кибермакон;

13) ахборот-коммуникация технологиялари.

Ушбу белгиларнинг биронтаси мавжуд эмаслиги қилмишнинг кибержиноят эканлигини инкор этади.

11. Кибержиноятнинг тамомланиши –

1) диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган материалларни тайёрлаш ёки уларни тарқатиш мақсадида шундай материаллар сақланиш бошланган вақтдан;

2) диний-экстремистик, террорчилик ташкилотларининг атрибутларини ёки рамзий белгиларини тарқатиш ёхуд намоёиш этиш мақсадида шундай атрибут ёки рамзий белгиларини сақлаш бошланган вақтдан;

3) диний-экстремистик, террорчилик ташкилотларининг атрибутларини ёки рамзий белгиларини тарқатиш ёхуд намоёиш этиш мақсадида шундай атрибут ёки рамзий белгилари учинчи шахсга берилган вақтдан;

4) диний-экстремистик, террорчилик ташкилотларининг атрибутларини ёки рамзий белгиларини тарқатиш ёхуд намоёиш этиш мақсадида шундай

атрибут ёки рамзий белгиларига оид ахборот телекоммуникация тармоғидан узатилган вақтдан;

5) диний-экстремистик, террорчилик ташкилотларининг атрибутларини ёки рамзий белгиларини тарқатиш ёхуд намоёиш этиш мақсадида шундай атрибут ёки рамзий белгиларини кўрсатувчи ахборот булутли технология ёки телекоммуникация тармоғига жойлаштирилган вақтдан;

6) диний-экстремистик, террорчилик ташкилотларининг атрибутларини ёки рамзий белгиларини тарқатиш ёхуд намоёиш этиш мақсадида шундай атрибут ёки рамзий белгилари телекоммуникация тармоғи орқали узатилган вақтдан;

7) диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган материаллар телекоммуникация ёки булутли технологияларга жойлаштирилган вақтдан;

8) диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган маълумотлар ва материалларни ҳар қандай шаклда тарқатиш, худди шунингдек фуқаролар тотувлигини бузиш, тухматона, вазиятни беқарорлаштирувчи уйдирмалар тарқатиш ҳамда жамиятда қарор топган хулқ-атвор қоидаларига ва жамоат хавфсизлигига қарши қаратилган бошқа қилмишларни содир этиш мақсадида диндан фойдаланилган бирон бир ҳаракат амалга оширилган вақтдан;

9) диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган маълумотлар ва материалларни ҳар қандай шаклда тарқатиш, худди шунингдек фуқаролар тотувлигини бузиш, тухматона, вазиятни беқарорлаштирувчи уйдирмалар тарқатиш ҳамда жамиятда қарор топган хулқ-атвор қоидаларига ва жамоат хавфсизлигига қарши қаратилган бошқа қилмишларни содир этиш мақсадида диний мазмундаги ахборот телекоммуникация тармоғи ёки булутли технологияларга жойлаштирилган вақтдан;

10) диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган маълумотлар ва материалларни ҳар қандай шаклда тарқатиш, худди шунингдек фуқаролар тотувлигини бузиш, тухматона, вазиятни беқарорлаштирувчи уйдирмалар тарқатиш ҳамда жамиятда қарор топган хулқ-атвор қоидаларига ва жамоат хавфсизлигига қарши қаратилган бошқа қилмишларни содир этиш мақсадида диний мазмундаги ахборот телекоммуникация тармоғидан фойдаланиб узатилган вақтдан;

11) диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга

даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган маълумотлар ва материалларни ҳар қандай шаклда тарқатиш, худди шунингдек фуқаролар тотувлигини бузиш, тухматона, вазиятни беқарорлаштирувчи уйдирмалар тарқатиш ҳамда жамиятда қарор топган хулқ-атвор қоидаларига ва жамоат хавфсизлигига қарши қаратилган бошқа қилмишларни содир этиш мақсадида диний мазмундаги ахборот телекоммуникация тармоғидан фойдаланиб тарқатилган вақтдан;

12) диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган маълумотлар ва материалларни ҳар қандай шаклда тарқатиш, худди шунингдек фуқаролар тотувлигини бузиш, тухматона, вазиятни беқарорлаштирувчи уйдирмалар тарқатиш ҳамда жамиятда қарор топган хулқ-атвор қоидаларига ва жамоат хавфсизлигига қарши қаратилган бошқа қилмишларни содир этиш мақсадида диний мазмундаги ахборот телекоммуникация тармоғида фойдаланилган вақтдан;

13) диний-экстремистик, террорчилик ташкилотларининг атрибутлари ёки рамзий белгиларини тарқатилган вақтдан;

14) диний-экстремистик, террорчилик ташкилотларининг атрибутлари ёки рамзий белгилари булутли технологияларга ёки телекоммуникация тармоғига жойлаштирилиб, улардан учинчи шахс хабардор бўлган вақтдан;

15) диний-экстремистик, террорчилик ташкилотларининг атрибутлари ёки рамзий белгилари телекоммуникация тармоғи орқали намоиш этилган вақтдан бошлаб.

12. Кибержиноятнинг тузилишига кўра тури – аралаш таркибли кибержиноятлар ҳам мавжуд.

13. Кибержиноятнинг ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра тури – ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган, оғир кибержиноят.

14. Жазо тизимига кўра тури – ижтимоий хавfli қилмиши учун Жиноят кодексида жарима, ахлоқ тузатиш ишлари, озодликни чеклаш, озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган кибержиноятлар.

15. Жиноят предмети – диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган материаллар, диний-экстремистик, террорчилик ташкилотларининг атрибутларини ёки рамзий белгилари, видео (экстремистик роликлар), аудио (даъватлар), матн (мақола, пост), расм, мемлар, электрон хужжатлар, китоблар, баннерлар, логотиплар шунингдек, қуйидагилар ҳам жиноят предмети бўлиши мумкин:

1. Молиявий воситалар – нақдсиз пул, банк ўтказмалари, электрон ҳамёнлар орқали тўловлар (Payme, Click, PayPal, QIWI ва ҳ.к.), криптовалюта (Bitcoin, USDT, Ethereum ва бошқалар), онлайн тўлов тизимлари орқали маблағ, қимматли қоғозлар (акциялар, облигациялар), электрон сертификатлар, баланс тўлдириш (телефон, аккаунт, карта) ва ҳ.к.;

2. Рақамли активлар – лицензия калитлари (software key), онлайн сервис akkaунти, Premium обуна, домен номи, веб-сайтга эгалик, ижтимоий тармоқлардаги (Telegram, Instagram, YouTube ва бошқалар) каналлар ва гуруҳлар, NFT активлари, онлайн ўйин akkaунтлари, база маълумотлар, электрон контракт ҳуқуқи, NFTлар, ўйин ичидаги қимматбаҳо виртуал буюмлар (Skins, In-game currency) ва ҳк.;

3. Ахборот – махфий маълумот, тендер маълумотлари, миждозлар базаси, пароллар, давлат реестри маълумотлари, имтиёзли кириш ҳуқуқи, жумладан, тижорат ёки хизмат сири ҳисобланган маълумотларга имтиёзли кириш ҳуқуқини бериш, касб, хизмат сирлари, текширув натижаларини ўзгартириш ва ҳк.;

4. Номоддий манфаат – лавозимга тайинлаш, лойиҳада ғолиб қилиш, рейтингни ошириш, файлни ўчириб бериш, маъмурий, молиявий ёки жиноий жазодан қутқариш, солиқ ва бошқа тўловларни камайтириш, давлат ижтимоий буюртмасини бериш, рухсатнома чиқариш ва ҳк.;

5. Техника ва IT ресурслар – сервер ресурслари, хостинг, VPN кириш, Cloud akkaунт, дастур кодлари, дастурий таъминот лицензияси, API кириш ҳуқуқи, бқори қийматга эга бўлган тижорат дастурларига (масалан, киберхавфсизлик ёки дизайн дастурларига) умрбод ёки узоқ муддатли пуллик обуналарни олиб бериш ва ҳк.;

6. Аралаш шакллар – қимматбаҳо техника (ноутбук, смартфон ва ҳк.), онлайн орқали етказилган товар, электрон ваучер, крипто-ҳисоб очиш, тўловни учинчи шахс орқали амалга ошириш, жиноятчи учун бепул яратиб берилган веб-сайтлар, SMM хизматлари, пуллик дастурий таъминотларга лицензиялар ёки обуналар (Subscription), мансабдор шахс ёки унинг яқинлари учун бепул сервер майдони (Hosting) ажратиб бериш ёки веб-сайт ишлаб чиқиб, уни тарғиб қилиш (SMM/SEO) хизматларини бепул кўрсатиш, хизматчининг ижтимоий тармоқлардаги саҳифасини пуллик тарғиб қилиш (Boost), онлайн курслар ёки пуллик веб-сервисларга обуналарни (Premium subscription) совға қилиш ва ҳк.

16. Кибержиноятни содир этишнинг энг кўп усуллари:

- 1) телекоммуникация ёки интернет тармоғида намоишкорона;
- 2) телекоммуникация ёки интернет тармоғида жойлаштириш орқали;
- 3) ахборот-коммуникация технологияларидан жиноят қуроли ёки воситаси сифатида фойдаланиш натижасида.

Ушбу жиноят қуйидаги шаклларда содир этилиши мумкин, хусусан:

1) Seed & Viral (тарқатиш ва вируслаштириш). Мисол учун, экстремистик материал битта бот-ферма орқали юзлаб гуруҳларга ташланиши;

2) атрибутларнинг рақамли намоиши. Мисол учун, террорчилик ташкилотларининг рамзларини ижтимоий тармоқлардаги профиль суратларига (Avatar) қўйиш ёки видео-ўйинлар ичидаги скинлар (образлар) ёхуд статусга террорчилик ташкилотларининг байроқлари ёки рамзларини қўйиш орқали намоиш этиш;

3) гибрид ваҳима (Hybrid Panic). Мисол учун, реал воқеаларни сохта мазмун билан бойитиш, масалан, табиий офат видеосини олиб, уни давлатнинг қасддан қилган ҳаракати сифатида талқин қилиб тарқатиш;

4) мессенжерлар ва ижтимоий тармоқлар. Мисол учун, Telegram каналлари, ёпиқ гуруҳлар, Facebook ва Instagramдаги Live эфирлар орқали экстремистик ғояларни тарқатиш;

5) вирусли контент яратиш. Мисол учун, диний адоват кўзғатувчи аудио ва видеоларни TikTok ва Reels каби платформалар алгоритмларига мослаб (тренддаги мусикалар остида) тарқатиш;

6) булутли сақлаш (cloud storage). Мисол учун, тақиқланган материалларни Google Drive, MEGA ёки Dropbox каби платформаларда сақлаш ва уларга ҳаволаларни (link) тарқатиш;

7) график ва видео монтаж. Мисол учун, сунъий интеллект (Deepfake) ёрдамида таниқли уламолар ёки давлат арбобларининг қиёфасини яратиш, улар номидан ваҳима чиқарувчи сохта даъватлар тайёрлаш;

8) рақамли босмаҳона. Мисол учун, экстремистик варақаларни PDF форматида тайёрлаб, уларни QR-кодлар кўринишида жамоат жойларида виртуал тарқатиш йўли билан содир этилиши мумкин.

Ушбу жиноятни фош этишда қуйидаги рақамли излар тўпланиши мумкин, хусусан:

1) Content Origin (манба). Мисол учун, материал биринчи бўлиб қайси қурилмада яратилганлиги ҳақидаги камера метамаълумотлари ёки дастурий таъминот излари;

2) Propagation Logs (тарқалиш излари). Мисол учун, Forward қилинган хабарларнинг занжири, ким биринчи бўлиб ахборотни юборди ва кимлар уни Share қилди деган масаланинг жавобига оид излар;

3) Cloud Artifacts. Мисол учун, Telegram Desktop ёки WhatsApp Web ишлатилганда, компьютернинг тизим файлларда ва браузер кэшида қолган материал фрагментлари.

4) Search Intent, Мисол учун, шахснинг интернет-қидирув тарихида материални излагани ёки уни тайёрлаш учун қўлланмалар қидирганига оид излар.

Жиноятни фош этилиши учун қуйидаги экспертизалар ўтказилиши мумкин, хусусан:

1) суд-компьютер-техникавий экспертизаси ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида экстремистик ёки ваҳима чиқаришга қаратилган материаллар яратилган ва сақланган техник қурилмаларни, булутли омборларни (Google Drive, iCloud ва б.), ижтимоий тармоқлардаги профилларни, VPN ва бошқа анонимайзерлардан фойдаланиш изларини ҳамда қурилма хотирасидан ўчириб юборилган маълумотларни, материал қачон, қайси қурилмада ва қайси IP орқали тарқатилганлигини, ўчирилган файлларни тиклаш имкони борлигини;

2) суд-филологик (лингвистик) экспертизаси интернет тармоғида тарқатилган матнли, аудио ва видео материалларда диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари мавжудлигини, аҳоли орасида ваҳима

чиқаришга қаратилган даъватларни, фуқаролар тотувлигини бузувчи ва вазиятни беқарорлаштирувчи уйдирмаларнинг лингвистик белгиларини;

3) суд-диншунослик экспертизаси материаллар мазмунининг Ўзбекистон Республикасида тақиқланган диний-экстремистик ва террорчилик ташкилотлари ақидаларига мувофиқлигини, улардаги атрибут ва рамзларнинг мазкур ташкилотларга мансублигини ҳамда материалларнинг диндан ғаразли мақсадларда фойдаланиш характерини, материал қайси диний оқимга тегишли эканлигини, Ўзбекистонда тақиқланган ташкилотлар ғояларини тарғиб қилишини;

4) суд-иқтисодий экспертизаси экстремистик фаолиятни амалга ошириш учун чет эл давлатлари, ташкилотлари ёки фуқароларидан олинган молиявий ёрдамнинг ҳаракатини, электрон ҳамёнлар ва криптовалюта транзакциялари занжирини;

5) суд-психологик экспертизаси тарқатилган материалларнинг аҳоли руҳиятига таъсир даражасини, улардаги ваҳима чиқариш ёки ижтимоий кўркув уйғотишга қаратилган психологик манипуляция усулларини ва айбдорнинг экстремистик ғояларни тарқатишга бўлган ички иродавий йўналишини, материал аҳолида ваҳима, кўркув ва агрессия уйғотиш учун махсус нейролингвистик (НЛП) усуллардан фойдаланган ёки фойдаланмаганини;

6) видеоматериалларнинг суд экспертизаси жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи видеороликларнинг ҳаққонийлигини, улардаги техник монтаж белгиларини, тасвирга олиш вақти ва жойини ҳамда видеоконтентнинг рақамли тармоқлардаги бирламчи манбасини;

7) суд-фонографик экспертизаси ваҳима чиқаришга қаратилган аудиохабарлар ёки видеолардаги нутқ эгасини идентификация қилади ҳамда аудиоёзувнинг яхлитлигини, унда нутқни сунъий ўзгартириш ёки нейротармоқлар (Deepfake voice) ёрдамида синтез қилиш усуллари қўлланилганлигини;

8) суд-портрет экспертизаси тақиқланган ташкилотлар атрибутлари ва рамзий белгиларини тарқатаётган ёки намоёиш этаётган шахсларнинг рақамли тасвирлардаги қиёфасини;

9) суд-фото-техникавий экспертизаси экстремистик мазмундаги ёки вазиятни беқарорлаштирувчи рақамли фотосуратлар ва инфографикаларнинг яратилиш усулини, улардаги график сохталаштириш ва фотомонтаж белгиларини;

10) суд-социологик экспертизаси интернет тармоғида тарқатилган экстремистик материалларнинг оммавийлик кўламини, аудитория қамровини ва ушбу ҳаракатларнинг жамиятдаги ижтимоий-сиёсий барқарорликка ҳамда жамоат хавфсизлигига етказган зарарини;

11) ҳужжатларнинг суд-техникавий экспертизаси ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида тайёрланган сохта диний адабиётлар, варақчалар ёки тақиқланган ташкилотларнинг электрон ҳужжат шаклларидаги техник реквизитларнинг ҳақиқийлигини;

12) суд-товаршунослик экспертизаси экстремистик материалларни тайёрлаш, сақлаш ва тарқатишда фойдаланилган ахборот-коммуникация технологиялари ускуналарининг (серверлар, компьютерлар, смартфонлар ва б.) бозор қийматини аниқлайди.

Ахборот ва оммавий коммуникациялар соҳасидаги эксперт комиссияси диний экстремизм ғояларини тарғиб қилишга йўналтирилган ахборотларни таҳлил қилади ва улар бўйича хулосалар тайёрлайди⁶².

Бунда, ЖК 244¹-моддасининг биринчи қисмида қуйидагилар учун:

диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган материалларни тарқатиш мақсадида тайёрлаш ёки сақлаш;

қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга даъват этиш;

диний-экстремистик, террорчилик ташкилотларининг атрибутларини ёки рамзий белгиларини тарқатиш мақсадида тайёрлаш, сақлаш ёхуд намойиш этиш;

ЖК 244¹-моддасининг иккинчи қисмида қуйидагилар учун:

диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган маълумотлар ва материалларни ҳар қандай шаклда тарқатиш;

қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга даъват этиш;

фуқаролар тотувлигини бузиш, тухматона, вазиятни беқарорлаштирувчи уйдирмалар тарқатиш ҳамда жамиятда қарор топган хулқ-атвор қоидаларига ва жамоат хавфсизлигига қарши қаратилган бошқа қилмишларни содир этиш мақсадида диндан фойдаланиш;

диний-экстремистик, террорчилик ташкилотларининг атрибутларини ёки рамзий белгиларини тарқатиш ёхуд намойиш этиш бўйича жиноий жавобгарлик белгиланган⁶³ лигини инобатга олади.

⁶² Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 5 августдаги 228-сон қарори билан тасдиқланган “Ахборот ва оммавий коммуникациялар соҳасидаги эксперт комиссияси тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁶³ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Терроризм ва экстремизмни молиялаштиришга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида” 2021 йил 27 ноябрдаги 32-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

1.6-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар тарқалиши ҳақида ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тарқатиш жиноятининг юридик-техник таҳлили

244⁵-модда. Карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликларнинг пайдо бўлиши ҳамда тарқалиши шароитида карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар тарқалиши ҳақида ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тарқатиш, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган маълумотларни нашр қилиш ёки бошқача усулда кўпайтирилган матнда ёки оммавий ахборот воситалари, шунингдек Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғи орқали тарқатиш –

базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Муҳофаза қилинадиган норма – Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан, ахборотни излаш, олиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқни чеклашга фақат қонунга мувофиқ ҳамда фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлиғини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш, шунингдек давлат сирлари ёки қонун билан кўриқланадиган бошқа сир ошкор этилишининг олдини олиш мақсадида зарур бўлган доирада йўл қўйилади. Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган органлар томонидангина амалга оширилади. Инсоннинг шаъни ва кадр-қиммати дахлсиздир. Ҳеч нарса уларни камситиш учун асос бўлиши мумкин эмас. Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки инсон кадр-қимматини камситувчи муомалага ёхуд жазога дучор этилиши мумкин эмас. Ҳеч ким расмий эълон қилинмаган қонун асосида ҳукм қилиниши, жазога тортилиши, мол-мулкидан ёки бирон-бир ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикасида барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиниши таъминланади. Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Ўзбекистон Республикасида инсоннинг ҳуқуқ ва

эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларига биноан ҳамда ушбу Конституцияга мувофиқ эътироф этилади ва кафолатланади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегишли бўлади. Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа инсонларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар. Инсоннинг шаъни ва кадр-қиммати дахлсиздир. Инсоннинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. Ҳар бир инсон ўз шахсини эркин камол топтириш ҳуқуқига эга. Ҳеч кимга унинг розилигисиз қонунчиликда белгиланмаган мажбурият юклатилиши мумкин эмас. Инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, жамият ҳамда давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги шарт⁶⁴.

Қонунчиликка кўра, фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари иштирокчиларининг ҳалол, оқилона ва адолат билан ҳаракат қилиши назарда тутилади. Фуқаролар ва юридик шахсларнинг бошқа шахсга зарар етказишга, бошқача шаклларда ҳуқуқни суиистеъмол қилишга, шунингдек ҳуқуқни унинг мақсадига зид тарзда амалга оширишга қаратилган ҳаракатларига йўл қўйилмайди⁶⁵.

Тарқатилиши қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа ахборотни тайёрлаш ва (ёки) тарқатишга йўл қўйилмайди⁶⁶.

Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар:

аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисидаги қонунчилик, шунингдек давлат санитария назоратини амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг қарорлари ва кўрсатмалари талабларини бажариши;

маҳсулотни ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва аҳолига реализация қилиш, ишларни бажариш ҳамда хизматларни кўрсатиш пайтида санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига риоя этиши;

аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигига таҳдид солувчи авария вазиятлари, технологик жараёнларнинг бузилишлари тўғрисида маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, давлат санитария назоратини амалга оширувчи органларга ишончли ахборот тақдим этиши шарт.

Фуқаролар аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этиши ҳамда бошқа фуқароларнинг соғлиқни сақлаш ва қулай яшаш муҳитига бўлган ҳуқуқлари бузилишига сабаб бўлувчи ҳаракатларга йўл қўймаслиги шарт⁶⁷.

⁶⁴ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁶⁵ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁶⁶ Ўзбекистон Республикасининг “Ноширлик фаолияти тўғрисида” 2021 йил 26 ноябрдаги ЎРҚ–731-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁶⁷ Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида” 2015 йил 26 августдаги ЎРҚ–393-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Оператор, провайдер, дилер ва эшиттирувчилар телекоммуникациялар тармоқларида ахборот ва киберхавфсизликни таъминлашда ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш соҳасида қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиши, диний экстремизм, сепаратизм ва фундаментализм ғояларини тарғиб қилишга, жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Wi-Fi хизмати ташкилотчиси оператор ёки провайдер билан биргаликда, ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, диний экстремизм, сепаратизм ва фундаментализм ғояларини тарғиб қилишга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Оператор ва провайдерлар телекоммуникациялар хизматларини кўрсатишда диний экстремизм, сепаратизм ва фундаментализм ғояларини тарғиб қилишга, ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши шарт. Телевидение тармоқлари орқали қонунчилик билан тақиқланган маълумотларни тарқатишга йўл қўйилмайди. Абонентлар ва фойдаланувчилар телекоммуникациялар ёрдамида диний экстремизм, сепаратизм ва фундаментализм ғояларини тарғиб қилишга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотни тарқатмасликка мажбур⁶⁸.

Сунъий интеллект технология ва тизимларини ишлаб чиқувчи ва жорий этувчилар Этика қоидаларига амал қилиши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги алгоритмларнинг шаффоф ва тушунарли бўлишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги эҳтимолий тарафкашликни олдини олиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларининг имкониятлари, чекловлари ва эҳтимолий хавфлари ҳақида очиқ маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчиларни улардан фойдаланиш қоидалари билан таништириш, улардан қандай мақсадда фойдаланиш мумкинлиги ёки тақиқланиши, шунингдек сунъий интеллектга асосланган ечимлар ёки қарорлар доим тўғри бўлмаслиги ҳамда уларнинг натижаларидан тавсиявий ёки маълумот учун фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимлари дастурий таъминоти хавфсизлигини таъминлаши, Этика қоидаларини инобатга олган ҳолда сунъий интеллект технология ва тизимларини доимий равишда такомиллаштириб бориши, сунъий интеллект технология ва тизимлари инсон назорати остида бўлишини ҳамда инсон томонидан қайта кўриб чиқиши, шунингдек якуний қарор инсон томонидан қабул қилинишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан қонунчиликка зид бўлган ёки шахс, жамият, давлат ва атроф табиий-муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган мақсадларда фойдаланмаслиги, сунъий интеллект технология ва тизимларидан

⁶⁸ Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 6 январдаги 287-мх-сон буйруғи (26.01.2026 й., рўй.: 3762) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

фойдаланувчилар учун сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қўлланмасини ишлаб чиқиш ва жойлаштириши шарт. Сунъий интеллект тизимларидан фойдаланувчилар сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қоидалари ва шартларига риоя қилиши, сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан тўғри фойдаланиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, бошқа фойдаланувчиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини бузмаслик, Этика қоидаларига амал қилиши, шахс, жамият ва давлат манфаатларига ҳамда атроф-табiiй муҳитга зарар етказмаслиги лозим⁶⁹.

Давлат органлари ва ташкилотлари ўз тасарруфидаги ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини, тармоқлар ишининг барқарорлигини таъминлаши, шунингдек киберхавфсизлик бўйича ўз мажбуриятларини бажариши, ваколатли давлат органини киберхужумлар тўғрисида огоҳлантириши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида сақланаётган маълумотларнинг ўғирланиши ҳамда қалбакилаштирилиши ҳолатларининг олдини олиш чораларини кўриши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларини киберҳимоя қилиш учун сертификатлаштирилган аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий таъминотдан фойдаланиши, киберхавфсизлик соҳасида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ваколатли давлат органи билан келишиши шарт. Киберхавфсизлик субъектлари ахборот тизимлари ва ресурсларидаги маълумотларнинг қонунга хилоф равишда тарқатилиши, ўғирланиши, йўқолиши, яхлитлигининг бузилиши, блоканиши ва қалбакилаштирилишининг, шунингдек ахборот тизимлари ва ресурсларига рухсатсиз киришнинг бошқа кўринишларининг олдини олиши, бундай ҳоллар аниқланганда ўз вақтида тегишли чоралар кўриши, ахборот тизимлари ва ресурсларига кириш тартиби бузилганда ҳамда уларга рухсатсиз кириш натижасида ушбу тизимлар ҳамда ресурслар ўзгартирилган ёки йўқ қилинган тақдирда салбий оқибатларни камайтириш мақсадида уларни тезкорлик билан тиклаш чораларини кўриши, содир бўлган киберхавфсизлик ҳодисалари ва кибержиноятлар тўғрисида ваколатли давлат органини хабардор қилиши, ушбу ҳодисаларни тўлиқ фош этиш учун тегишли рақамли изларнинг йўқолишига йўл қўймаслик чораларини кўриши, шунингдек киберхавфсизлик ҳодисаларини таҳлил қилиш ва кибержиноятларни текшириш учун зарур бўлган маълумотларнинг доимий сақланишини таъминлаши, киберхавфсизлик объектларини муҳофаза қилиш ва уларнинг хавфсиз ишлаши мониторингини ўтказиш соҳасидаги маълумотларни ваколатли давлат органи билан ўзаро алмашишни амалга ошириши, ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберҳимоясини таъминлашда ваколатли давлат органи томонидан белгиланган киберхавфсизлик талабларига риоя этиши, киберхавфсизлик ҳодисаларига нисбатан чоралар кўриш механизмларининг ишлаб туришини ва киберхавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг

⁶⁹ Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 24 февралдаги 284-мх-сон буйруғи (14.03.2026 й., рўй.: 3787) билан тасдиқланган Сунъий интеллектга асосланган ечимларни яратиш, жорий қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича этика қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

ишлашини таъминлаши, улар мавжуд бўлмаган тақдирда эса ваколатли давлат органининг рухсати билан аутсорсинг хизматларидан белгиланган тартибда фойдаланиши, ваколатли давлат органига киберхавфсизликни таъминлаш мониторингининг ташкилий-техник тадбирларини амалга ошириш учун мониторинг тизимларига ва (ёки) киберхавфсизлик объектларига кириш ҳуқуқини бериши шарт⁷⁰.

Давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар давлат сирлари ҳамда махфий сирлар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган ахборот ресурслари ва ахборот тизимларининг муҳофаза қилинишини таъминлаши шарт. Сунъий интеллектдан фойдаланиб яратилган ахборот ресурслари ҳамда сунъий интеллект технологиялари асосида ишлайдиган ахборот тизимлари инсонга, унинг ҳаётига, соғлиғига, эркинлигига, шаънига, кадр-қимматига путур етказмаслиги ва унинг бошқа ажралмас ҳуқуқларини бузмаслиги шарт. Веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурсининг эгаси, шу жумладан блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифасидан ёхуд бошқа ахборот ресурсидан қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган ўзга ҳаракатларни содир этиш мақсадларида фойдаланилишига йўл қўймаслиги шарт⁷¹.

Давлат фуқаролик хизматчиси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига риоя этиши, ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажариши, давлат органи томонидан белгиланган одоб-ахлоқ қоидаларига, хизматга оид ахборот билан ишлаш тартибига, шунингдек давлат фуқаролик хизматини ўташ билан боғлиқ бошқа қоидаларга риоя этиши, давлат органининг нуфузини туширишга олиб келиши ёки унинг ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажаришига шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳаракатлардан (ҳаракатсизликдан), шу жумладан ўз хизмат мажбуриятларини бажараётганда ҳар қандай шаклдаги камситишдан, ноҳолисликдан ёки кимгадир нисбатан алоҳида муносабатда бўлишдан тийилиши шарт⁷².

Диний мазмундаги жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ёки ижтимоий мавқеига қараб ёхуд бошқа ҳолатларга кўра фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини камситиш ёки ўзга шахслар маҳсулотларини обрўсизлантириш, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартириш, унинг суверенитети ва ҳудудий яхлитлигига путур етказишга даъват қилиш, уруш, зўравонлик, терроризм, шунингдек, экстремизм, сепаратизм, диний ақидапарастлик ёки мутаассиблик билан йўғрилган ғояларни тарғиб қилиш, миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатувчи ахборотни тарқатиш, диний эътиқодни ўзгартиришга даъват қилиш, динга эътиқод қилувчиларнинг

⁷⁰ Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁷¹ Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги 560-II-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁷² Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида” 2022 йил 8 августдаги ЎРҚ–788-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

ҳис-туйғуларини ҳақорат қилиш ёки камситиш, фуқароларни ўз конституциявий мажбуриятларини бажармасликка чақириш, давлат, жамоат ёки диний ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва мол-мулкига тажовуз қилишга ундаш, гиёҳванд воситалар, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар ва прекурсорларни тарғиб қилиш, қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликни келтириб чиқарувчи хатти-ҳаракатларни амалга оширишга ундаш мақсадида материалларни тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатишга йўл қўйилмайди⁷³.

Маърифий фаолиятни амалга оширувчиларга Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конституциявий тузумини, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга, оммавий тартибсизликларга, ноқонуний йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ва намойишларда иштирок этишга даъват қилиш, давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни ошкор этиш, уруш, терроризм, экстремизм, сепаратизм ва фундаментализм ғояларини, порнография, зўравонлик, шафқатсизликни ёки ижтимоий ахлоққа зид қарашларни тарғиб қилиш, алкоғолли ва тамаки маҳсулотларини, гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини, психотроп моддаларни ёки ақл-иродага таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилишни тарғиб қилиш, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунчилик талабларини бузиш, шу жумладан, диний таълимотдан сабоқ бериш, диний ақида ва ғояларни тарғиб қилиш, диний мазмундаги материалларни тарқатиш, муайян динга устуворлик бериш ёхуд камситиш, жинс бўйича камситиш ёки давлат рамзларига нисбатан ҳурматсизлик қилиш, жамоат тартибига ёки хавфсизлигига таҳдид солувчи, миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатувчи, фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматиغا ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи, шунингдек, ҳақоратли сўзларни ўз ичига олган ахборотни тарқатиш, маърифий фаолиятни амалга оширишда ҳақиқатга тўғри келмайдиган ва ёлғон маълумотлардан фойдаланиш, ҳуқуқбузарлик ёки жиноятни содир этишга, ўз жонига суиқасд қилишга, қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар, фоҳишалик, тиланчилик ёки ғайриижтимоий хатти-ҳаракатнинг бошқа шакллари билан шуғулланишга даъват қилиш, одамларга ёки ҳайвонларга нисбатан зўравонлик ва шафқатсизлик қилиш мумкинлигини асослаш ёки оқлаш ёхуд шундай ҳаракатларни амалга оширишга ундаш, фуқароларни уларнинг ҳаётига ва (ёки) соғлиғига ёхуд ўзга шахсларнинг ҳаётига ва (ёки) соғлиғига таҳдид солувчи ғайриҳуқуқий ҳаракатларни содир этишга ундаш ёки бошқача тарзда жалб қилиш, маърифий фаолиятда вояга етмаганлар иштирок этганда, жинсий муносабатларни тасвирлаш ёки баён этиш ёхуд уларда қўрқув, ваҳима ёки саросима уйғотадиган ахборотни тарқатиш тақиқланади⁷⁴.

⁷³ Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 апрелдаги 180-сон қарори билан тасдиқланган “Диний мазмундаги материалларни тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатиш ҳамда диншунослик экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁷⁴ Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 11 февралдаги 76-сон қарори билан тасдиқланган “Маърифий фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Ушбу нормаларнинг бузилиши натижасида мазкур жиноят вужудга келади.

Бунда, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда аниқланган валюта намунаси қалбаки эканлигига шубҳа пайдо бўлганда, тезкор-қидирув тадбирлари давомийлигини таъминлаш зарурати юзага келганда, тезкорликни амалга ошириш ҳамда тегишли вақтни тежаш мақсадида мазкур модда (буюм) ёки валюта намуналарини улар аниқланган жойнинг ўзида ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар биносида экспресс текшириш техник воситалари ёрдамида текширади⁷⁵.

2. Кибержиноят асосий бевосита объекти – жамият ва жамоат хавфсизлиги.

3. Кибержиноят қўшимча бевосита объекти – ахборот-коммуникация технологияларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар.

4. Кибержиноят факультатив бевосита объекти – ўзга шахс (лар) ва давлат, шу жумладан, шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни, кадр-қиммати, мулк дахлсизлиги, тинчлик ва инсоният хавфсизлиги, бошқарув тартиби ва бошқалар;

5. Кибержиноят субъекти – 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс.

6. Кибержиноят субъектив томони – қасддан.

7. Кибержиноят объектив томони – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ёки қонунга хилоф равишда ахборот-коммуникация тизимига кириб, карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликларнинг пайдо бўлиши ҳамда тарқалиши шароитида карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар тарқалиши ҳақида ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тарқатиш, – йўли билан содир этилади.

8. Кибержиноят мақсади – моддий ёки (ва) номоддий манфаат, ғаразли ёки бошқа паст ниятлар, ўч олиш ва ҳк.

9. Кибержиноят воситаси (қуроли) – ахборот-коммуникация технологиялари.

10. Кибержиноятнинг зарурий белгилари:

- 1) қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги;
- 2) қилмишнинг ҳуқуққа хилофлилиги;
- 3) қилмишда айбнинг мавжудлиги;
- 4) қилмишнинг жазога сазоворлиги;
- 5) қилмишнинг карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликларнинг пайдо бўлиши ҳамда тарқалиши шароити билан боғлиқлиги;
- 6) қилмишнинг карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликларнинг пайдо бўлиши ҳамда тарқалиши шароитида карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар тарқалиши ҳақида

⁷⁵ Вазирлар Маҳкамасининг “Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг аналоглари, прекурсорлар, кучли таъсир қилувчи моддалар ҳамда валюта намуналарини экспресс текшириш жараёнида техник воситалардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2023 йил 12 январдаги 12-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тарқатиш йўли билан содир этилиши;

7) қилмишнинг карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар тарқалиши ҳақида ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларга оидлиги;

8) алоқа;

9) ахборот;

10) кибермуҳит, шу жумладан, кибермакон;

11) ахборот-коммуникация технологиялари.

Ушбу белгиларнинг биронтаси мавжуд эмаслиги қилмишнинг кибержиноят эканлигини инкор этади.

11. Кибержиноятнинг тамомланиши –

1) карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликларнинг пайдо бўлиши ҳамда тарқалиши шароитида карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар тарқалиши ҳақида ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотлар телекоммуникация тармоғи орқали тарқатилган вақтдан;

2) карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликларнинг пайдо бўлиши ҳамда тарқалиши шароитида карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар тарқалиши ҳақида ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотлар телекоммуникация тармоғи орқали узатилган вақтдан;

3) карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликларнинг пайдо бўлиши ҳамда тарқалиши шароитида карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар тарқалиши ҳақида ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотлар телекоммуникация тармоғи ёки булутли технологияларга жойлаштирилган ва камида битта учинчи шахс уни билган вақтдан;

4) карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликларнинг пайдо бўлиши ҳамда тарқалиши шароитида карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар тарқалиши ҳақида ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотлар кўзда тутилган ахборот телекоммуникация тармоғида намоёниш этилган вақтдан;

5) карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликларнинг пайдо бўлиши ҳамда тарқалиши шароитида карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар тарқалиши ҳақида ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотлар кўзда тутилган ахборот телекоммуникация тармоғида реклама қилинган вақтдан;

6) карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликларнинг пайдо бўлиши ҳамда тарқалиши шароитида карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар тарқалиши ҳақида ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотлар кўзда тутилган ахборот телекоммуникация тармоғида ошкор қилинган вақтдан бошлаб.

12. Кибержиноятнинг тузилишига кўра тури – формал таркибли кибержиноятлар ҳам мавжуд.

13. Кибержиноятнинг ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра тури – ижтимоий хавфи катта бўлмаган кибержиноят.

14. Жазо тизимига кўра тури – ижтимоий хавфли қилмиши учун Жиноят кодексида жарима, мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари, озодликни чеклаш, озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган кибержиноятлар.

15. Жиноят предмети – матн, видео, аудио, мемлар, постлар ва бошқа шаклдаги ахборот шунингдек, қуйидагилар ҳам жиноят предмети бўлиши мумкин:

1. Молиявий воситалар – нақдсиз пул, банк ўтказмалари, электрон ҳамёнлар орқали тўловлар (Payme, Click, PayPal, QIWI ва ҳ.к.), криптовалюта (Bitcoin, USDT, Ethereum ва бошқалар), онлайн тўлов тизимлари орқали маблағ, қимматли қоғозлар (акциялар, облигациялар), электрон сертификатлар, баланс тўлдириш (телефон, аккаунт, карта) ва ҳ.к.;

2. Рақамли активлар – лицензия калитлари (software key), онлайн сервис аккаунти, Premium обуна, домен номи, веб-сайтга эгалик, ижтимоий тармоқлардаги (Telegram, Instagram, YouTube ва бошқалар) каналлар ва гуруҳлар, NFT активлари, онлайн ўйин аккаунтлари, база маълумотлар, электрон контракт ҳуқуқи, NFTлар, ўйин ичидаги қимматбаҳо виртуал буюмлар (Skins, In-game currency) ва ҳ.к.;

3. Ахборот – махфий маълумот, тендер маълумотлари, миқдорлар базаси, пароллар, давлат реестри маълумотлари, имтиёзли кириш ҳуқуқи, жумладан, тижорат ёки хизмат сири ҳисобланган маълумотларга имтиёзли кириш ҳуқуқини бериш, касб, хизмат сирлари, текширув натижаларини ўзгартириш ва ҳ.к.;

4. Номоддий манфаат – лавозимга тайинлаш, лойиҳада ғолиб қилиш, рейтингни ошириш, файлни ўчириб бериш, маъмурий, молиявий ёки жинсий жазодан қутқариш, солиқ ва бошқа тўловларни камайтириш, давлат ижтимоий буюртмасини бериш, рухсатнома чиқариш ва ҳ.к.;

5. Техника ва IT ресурслар – сервер ресурслари, хостинг, VPN кириш, Cloud аккаунт, дастур кодлари, дастурий таъминот лицензияси, API кириш ҳуқуқи, бқори қийматга эга бўлган тижорат дастурларига (масалан, киберхавфсизлик ёки дизайн дастурларига) умрбод ёки узоқ муддатли пуллик обуналарни олиб бериш ва ҳ.к.;

6. Аралаш шакллар – қимматбаҳо техника (ноутбук, смартфон ва ҳ.к.), онлайн орқали етказилган товар, электрон ваучер, крипто-ҳисоб очиш, тўловни учинчи шахс орқали амалга ошириш, жиноятчи учун бепул яратиб берилган веб-сайтлар, SMM хизматлари, пуллик дастурий таъминотларга лицензиялар ёки обуналар (Subscription), мансабдор шахс ёки унинг яқинлари учун бепул сервер майдони (Hosting) ажратиб бериш ёки веб-сайт ишлаб чиқиб, уни тарғиб қилиш (SMM/SEO) хизматларини бепул кўрсатиш, хизматчининг ижтимоий тармоқлардаги саҳифасини пуллик тарғиб қилиш (Boost), онлайн курслар ёки пуллик веб-сервисларга обуналарни (Premium subscription) совға қилиш ва ҳ.к.

16. Кибержиноятни содир этишнинг энг кўп усуллари:

- 1) телекоммуникация ёки интернет тармоғида намойишкорона;
- 2) телекоммуникация ёки интернет тармоғида жойлаштириш орқали;
- 3) ахборот-коммуникация технологияларидан жиноят қуроли ёки воситаси сифатида фойдаланиш натижасида.

Ушбу жиноят қуйидаги шаклларда содир этилиши мумкин, хусусан:

1) аудио-фейклар (Voice Forwarding). Мисол учун, Telegram ёки WhatsApp мессенжерларида ўзини шифокор, вазирлик ходими ёки воқеа гувоҳи сифатида таништирган шахснинг ҳиссиётларга бой аудио хабарини масалан, касалхоналарда жой қолмади, ўликларни яширишяпти тарқатиш;

2) визуал сохталаштириш (Graphic Forgery). Мисол учун, давлат органларининг масалан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ёки Махсус комиссиянинг расмий бланкалари, муҳрлари ва имзоларини Photoshop ёки бошқа график муҳаррирлар ёрдамида қалбакилаштириб, эртадан қатъий карантин чоралари қўлланилади деган мазмундаги сохта қарорларни интернетга сизиб чиқариш;

3) деконтекстуализация (Cheapfakes). Мисол учун, бошқа давлатда ёки бир неча йил олдин содир бўлган воқеа видеосини (масалан, кўчада хушдан кетиб йиқилган одамлар) олиб, уни Тошкентда янги вирус тарқалмоқда деган ёлғон изох билан ижтимоий тармоқларга юклаш;

4) молиявий мотивли кликбейт (Traffic Arbitrage). Мисол учун, баъзи шахслар ваҳима чиқариш учун эмас, балки ўз сайтига ёки Telegram каналига кўпроқ обуначи йиғиш (трафикни пуллаш) мақсадида ёлғон ва даҳшатли сарлавҳалардан фойдаланиши йўли билан содир этилиши мумкин.

Ушбу жиноятни фош этишда қуйидаги рақамли излар тўпланиши мумкин, хусусан:

1) мультимедиа метамаълумотлари (EXIF/Metadata). Мисол учун, сохта сурат ёки ҳужжат қачон, қайси дастурда масалан, Adobe Photoshop 2023 ва қайси қурилмада яратилганлигини кўрсатувчи ички файл маълумотлари;

2) Patient Zero (Нолинчи бемор) таҳлили. Мисол учун, ижтимоий тармоқлар ва мессенжерлардаги хабарларнинг узатилиши (Forwarding chains) таҳлил қилиниб, ёлғон хабарни энг биринчи бўлиб яратган ва тармоққа юклаган марказий тугун (IP ва MAC манзил);

3) браузер ва кэш логлари. Мисол учун, гумонланувчининг қурилмасидан бошқа давлатлардаги эски видеоларни қидириш тарихи ёки давлат органларининг расмий бланкаларини юклаб олиш излари.

Жиноятни фош этилиши учун қуйидаги экспертизалар ўтказилиши мумкин, хусусан:

1) суд-компьютер-техникавий экспертизаси ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотлар яратилган ва тарқатилган техник қурилмаларни, фойдаланилган мессенжерларни, ижтимоий тармоқ профилларини, маълумотларнинг интернетдаги тарқалиш тарихини, IP-манзилларни ҳамда қурилма хотирасидан ўчириб юборилган электрон ёзишмаларни, электрон қурилмаларда (смартфон, ноутбук) ёлғон маълумотларнинг яратилиши,

сақланиши ва Интернет тармоғи орқали тарқатилиши жараёнининг техник механизмларини, тармоқ логларини;

2) суд-филологик (лингвистик) экспертизаси тарқатилган матнли, аудио ва видео материалларнинг мазмунини таҳлил қилиб, улардаги маълумотларнинг баён қилиниш шаклини (факт ёки фикр), хабарларнинг ҳақиқатга тўғри келмаслик аломатларини ва аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган лингвистик воситаларни, хабарнинг стилистик ва маъновий йўналишини таҳлил қилиб, матнда “факт” (тасдиқ) ва “фикр” (тахмин) ўртасидаги фарқ мавжудлигини, агар фуқаро менимча, касаллар сони бундан кўп бўлиши мумкин деса, – бу унинг шахсий фикри ва жинойт эмаслигини тасдиқлаш, агар мен аниқ биламан, касалхонада 50 киши ўлди деса ва бу ёлғон бўлса, – бу фактни бузиб кўрсатиш эканлигини;

3) видеоматериалларнинг суд экспертизаси касаллик тарқалиши ёки оқибатлари ҳақидаги сохта видеороликларнинг ҳаққонийлигини, улардаги техник монтаж белгиларини, тасвирга олиш вақти ва жойини ҳамда видеоконтентнинг рақамли тармоқлардаги бирламчи манбасини;

4) суд-фонографик экспертизаси ваҳима чиқарувчи ёлғон хабарларни овозли хабар (voice message) ёки видеомурожаат шаклида тарқатган шахснинг овозини гумонланувчи билан идентификация қилишни ва аудиоёзувнинг яхлитлигини, тарқатилган аудиоёзувлардаги овоз айнан гумон қилинувчига тегишлилигини биометрик таҳлил (спектрограмма) орқали идентификация қилиб, овознинг сунъий интеллект (AI Voice Cloning) орқали ясалмаганлигини ёки монтаж қилинмаганлигини;

5) суд-психологик экспертизаси тарқатилган ёлғон маълумотларнинг аҳоли руҳиятига таъсир даражасини, шахсларда ваҳима, кўркув ва чорасизлик ҳолатини уйғотиш имкониятини ҳамда айбдорнинг жамиятда деструктив ҳолатни юзага келтиришга бўлган ички иродавий йўналишини;

6) суд-фото-техникавий экспертизаси касаллик билан боғлиқ вазиятни бузиб кўрсатувчи рақамли фотосуратларнинг ҳақиқийлигини, уларда график редакторлар ёки сунъий интеллект ёрдамида амалга оширилган фотомонтаж белгилари мавжудлигини;

7) суд-портрет экспертизаси юқумли касалликлар ҳақида ёлғон маълумот тарқатилган видео ва фото тасвирларда акс этган шахсларнинг киёфасини идентификация қилишни;

8) суд-иқтисодий экспертизаси ёлғон маълумотлар тарқатилиши натижасида келиб чиққан иқтисодий зарар миқдорини масалан, дори-дармон ва озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган сунъий талаб натижасидаги молиявий йўқотишларни;

9) суд-социологик экспертизаси интернет тармоғида тарқатилган ёлғон хабарларнинг оммавийлик кўламини, аудитория қамровини, репостлар ва кўришлар сонини ҳамда ушбу маълумотларнинг ижтимоий барқарорликка таъсирини;

10) суд-тиббий экспертизаси тарқатилган маълумотларнинг тиббий-эпидемиологик нуқтаи назардан ҳақиқатга тўғри келмаслигини, касалликнинг

реал тарқалиш кўрсаткичлари билан фарқини ва ушбу ёлғон маълумотларнинг аҳоли соғлиғи учун хавфлилик даражасини аниқлайди.

1.7-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, ёлгон ахборот тарқатиш жиноятининг юридик-техник таҳлили

244^б-модда. Шахснинг қадр-қиммати камситилишига ёки унинг обрўсизлантирилишига олиб келадиган ёлгон ахборотни тарқатиш, шу жумладан оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида тарқатиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг бир юз эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки юз қирқ соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилгача озодликни чеклаш билан жазоланади.

Жамоат тартибига ёки хавфсизлигига таҳдид солувчи ёлгон ахборотни тарқатиш, шу жумладан оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида тарқатиш, ушбу Кодекснинг 244¹-моддасида назарда тутилган жиноят аломатлари мавжуд бўлмаган тақдирда, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилгача озодликни чеклаш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:

а) тақроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) кўп миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:

а) оммавий тадбирлар жараёнида ёки фавқулодда вазият ҳолатида;

б) жуда кўп миқдорда зарар етказилган ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлган ҳолда;

в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача озодликни чеклаш билан жазоланади.

1. Муҳофаза қилинадиган норма – Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан, ахборотни излаш, олиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқни чеклашга фақат қонунга мувофиқ ҳамда фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлиғини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ

ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш, шунингдек давлат сирлари ёки қонун билан кўрикланадиган бошқа сир ошкор этилишининг олдини олиш мақсадида зарур бўлган доирада йўл қўйилади. Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган органлар томонидангина амалга оширилади. Инсоннинг шаъни ва кадр-қиммати дахлсиздир. Ҳеч нарса уларни камситиш учун асос бўлиши мумкин эмас. Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки инсон кадр-қимматини камситувчи муомалага ёхуд жазога дучор этилиши мумкин эмас. Ҳеч ким расмий эълон қилинмаган қонун асосида ҳукм қилиниши, жазога тортилиши, мол-мулкидан ёки бирон-бир ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикасида барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиниши таъминланади. Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Ўзбекистон Республикасида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига биноан ҳамда ушбу Конституцияга мувофиқ эътироф этилади ва кафолатланади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегишли бўлади. Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа инсонларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар. Инсоннинг шаъни ва кадр-қиммати дахлсиздир. Инсоннинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. Ҳар бир инсон ўз шахсини эркин камол топтириш ҳуқуқига эга. Ҳеч кимга унинг розилигисиз қонунчиликда белгиланмаган мажбурият юклатилиши мумкин эмас. Инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, жамият ҳамда давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги шарт⁷⁶.

Қонунчиликка кўра, фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан кўрикланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари иштирокчиларининг ҳалол, оқилона ва адолат билан ҳаракат қилиши назарда тутилади. Фуқаролар ва юридик шахсларнинг бошқа шахсга зарар етказишга, бошқача шаклларда ҳуқуқни суиистеъмол қилишга, шунингдек ҳуқуқни унинг мақсадига зид тарзда амалга оширишга қаратилган ҳаракатларига йўл қўйилмайди⁷⁷.

Ахборот айирбошлаш воситалари фаолият кўрсатишининг штатдан ташқари вазиятлари аниқланганда – хато командалар, шунингдек, хизмат

⁷⁶ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁷⁷ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

кўрсатувчи ходим ёки бошқа шахсларнинг рухсат этилмаган ҳаракатлари ёхуд ёлғон ахборот сабабли командалар пайдо бўлганда ушбу воситаларнинг эгаси ахборот айирбошлашни амалга ошириш учун назорат органларига ва ахборот айирбошлашнинг ўзаро ҳамкорлик қилувчи воситалар эгасига бу ҳақда ўз вақтида хабар бериши керак, акс ҳолда у етказилган зарар учун жавоб беради⁷⁸.

Депутат, сенатор олдидаги ўз вазифаларини бажармайдиган, унинг ишига тўсқинлик қиладиган, била туриб унга ёлғон ахборот берадиган, депутат, сенатор фаолиятининг кафолатларини бузадиган мансабдор шахслар қонунчиликка мувофиқ жавобгар бўладилар⁷⁹.

Депутат олдидаги ўз вазифаларини бажармайдиган, унинг ишига тўсқинлик қиладиган, била туриб унга ёлғон ахборот берадиган, депутат фаолиятининг кафолатларини бузадиган мансабдор шахслар қонунчиликка мувофиқ жавобгар бўладилар⁸⁰.

Савдо иштирокчиларига валюта биржаси ва савдо иштирокчиларига ҳаққоний бўлмаган ва бузиб кўрсатилган ахборотни тақдим этиш тақиқланади⁸¹.

Жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоси, бошқарув директори ёки аъзоси, шунингдек ишончли бошқарувчи чалғитувчи ахборот ёки била туриб ёлғон ахборот тақдим этганлик натижасида жамиятга етказилган зарар учун жавобгар бўлади⁸².

Фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги ахборотни яшириш, ўз вақтида тақдим этмаслик ёки била туриб ёлғон ахборот тақдим этиш тақиқланади⁸³.

Тарқатилиши қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа ахборотни тайёрлаш ва (ёки) тарқатишга йўл қўйилмайди⁸⁴.

Оператор, провайдер, дилер ва эшиттирувчилар телекоммуникациялар тармоқларида ахборот ва киберхавфсизликни таъминлашда ахборот ва

⁷⁸ Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси ахборот ресурсларини тайёрлаш ва уларни маълумотларни узатиш тармоқларида, шу жумладан, интернетда тарқатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида” 1999 йил 26 мартдаги 137-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁷⁹ Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида” 2004 йил 2 декабрдаги 704-П-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁸⁰ Ўзбекистон Республикасининг “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида” 2004 йил 2 декабрдаги 706-П-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁸¹ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 31 мартдаги 12/12-сон қарори (рўйхат рақами 3010, 2018 йил 12 май) билан тасдиқланган Банклараро пул бозорида электрон савдо платформаси орқали операцияларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁸² Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” 2014 йил 6 майдаги ЎРҚ–370-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁸³ Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида” 2022 йил 17 августдаги ЎРҚ–790-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁸⁴ Ўзбекистон Республикасининг “Ноширлик фаолияти тўғрисида” 2021 йил 26 ноябрдаги ЎРҚ–731-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

киберхавфсизликни таъминлаш соҳасида қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиши, жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Wi-Fi хизмати ташкилотчиси оператор ёки провайдер билан биргаликда, ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Оператор ва провайдерлар телекоммуникациялар хизматларини кўрсатишда ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши шарт. Телевидение тармоқлари орқали қонунчилик билан тақиқланган маълумотларни тарқатишга йўл қўйилмайди. Абонентлар ва фойдаланувчилар телекоммуникациялар ёрдамида тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотни тарқатмасликка мажбур⁸⁵.

Сунъий интеллект технология ва тизимларини ишлаб чиқувчи ва жорий этувчилар Этика қоидаларига амал қилиши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги алгоритмларнинг шаффоф ва тушунарли бўлишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги эҳтимолий тарафкашликни олдини олиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларининг имкониятлари, чекловлари ва эҳтимолий хавфлари ҳақида очиқ маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчиларни улардан фойдаланиш қоидалари билан таништириш, улардан қандай мақсадда фойдаланиш мумкинлиги ёки тақиқланиши, шунингдек сунъий интеллектга асосланган ечимлар ёки қарорлар доим тўғри бўлмаслиги ҳамда уларнинг натижаларидан тавсиявий ёки маълумот учун фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимлари дастурий таъминоти хавфсизлигини таъминлаши, Этика қоидаларини инобатга олган ҳолда сунъий интеллект технология ва тизимларини доимий равишда такомиллаштириб бориши, сунъий интеллект технология ва тизимлари инсон назорати остида бўлишини ҳамда инсон томонидан қайта кўриб чиқиши, шунингдек якуний қарор инсон томонидан қабул қилинишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан қонунчиликка зид бўлган ёки шахс, жамият, давлат ва атроф табиий-муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган мақсадларда фойдаланмаслиги, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчилар учун сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қўлланмасини ишлаб чиқиш ва жойлаштириши шарт. Сунъий интеллект тизимларидан фойдаланувчилар сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қоидалари ва шартларига риоя қилиши, сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан тўғри фойдаланиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини

⁸⁵ Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 6 январдаги 287-мх-сон буйруғи (26.01.2026 й., рўй.: 3762) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

таъминлаши, бошқа фойдаланувчиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини бузмаслик, Этика қоидаларига амал қилиши, шахс, жамият ва давлат манфаатларига ҳамда атроф-табiiй муҳитга зарар етказмаслиги лозим⁸⁶.

Давлат органлари ва ташкилотлари ўз тасарруфидаги ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини, тармоқлар ишининг барқарорлигини таъминлаши, шунингдек киберхавфсизлик бўйича ўз мажбуриятларини бажариши, ваколатли давлат органини киберхужумлар тўғрисида огоҳлантириши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида сақланаётган маълумотларнинг ўғирланиши ҳамда қалбакилаштирилиши ҳолатларининг олдини олиш чораларини кўриши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларини киберҳимоя қилиш учун сертификатлаштирилган аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий таъминотдан фойдаланиши, киберхавфсизлик соҳасида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ваколатли давлат органи билан келишиши шарт. Киберхавфсизлик субъектлари ахборот тизимлари ва ресурсларидаги маълумотларнинг қонунга хилоф равишда тарқатилиши, ўғирланиши, йўқолиши, яхлитлигининг бузилиши, блокраниши ва қалбакилаштирилишининг, шунингдек ахборот тизимлари ва ресурсларига рухсатсиз киришнинг бошқа кўринишларининг олдини олиши, бундай ҳоллар аниқланганда ўз вақтида тегишли чоралар кўриши, ахборот тизимлари ва ресурсларига кириш тартиби бузилганда ҳамда уларга рухсатсиз кириш натижасида ушбу тизимлар ҳамда ресурслар ўзгартирилган ёки йўқ қилинган тақдирда салбий оқибатларни камайтириш мақсадида уларни тезкорлик билан тиклаш чораларини кўриши, содир бўлган киберхавфсизлик ҳодисалари ва кибержиноятлар тўғрисида ваколатли давлат органини хабардор қилиши, ушбу ҳодисаларни тўлиқ фош этиш учун тегишли рақамли изларнинг йўқолишига йўл қўймаслик чораларини кўриши, шунингдек киберхавфсизлик ҳодисаларини таҳлил қилиш ва кибержиноятларни текшириш учун зарур бўлган маълумотларнинг доимий сақланишини таъминлаши, киберхавфсизлик объектларини муҳофаза қилиш ва уларнинг хавфсиз ишлаши мониторингини ўтказиш соҳасидаги маълумотларни ваколатли давлат органи билан ўзаро алмашишни амалга ошириши, ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберҳимоясини таъминлашда ваколатли давлат органи томонидан белгиланган киберхавфсизлик талабларига риоя этиши, киберхавфсизлик ҳодисаларига нисбатан чоралар кўриш механизмларининг ишлаб туришини ва киберхавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг ишлашини таъминлаши, улар мавжуд бўлмаган тақдирда эса ваколатли давлат органининг рухсати билан аутсорсинг хизматларидан белгиланган тартибда фойдаланиши, ваколатли давлат органига киберхавфсизликни таъминлаш мониторингининг ташкилий-техник тадбирларини амалга ошириш учун

⁸⁶ Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 24 февралдаги 284-мх-сон буйруғи (14.03.2026 й., рўй.: 3787) билан тасдиқланган Сунъий интеллектга асосланган ечимларни яратиш, жорий қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича этика қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

мониторинг тизимларига ва (ёки) киберхавфсизлик объектларига кириш ҳуқуқини бериши шарт⁸⁷.

Давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар давлат сирлари ҳамда махфий сирлар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган ахборот ресурслари ва ахборот тизимларининг муҳофаза қилинишини таъминлаши шарт. Сунъий интеллектдан фойдаланиб яратилган ахборот ресурслари ҳамда сунъий интеллект технологиялари асосида ишлайдиган ахборот тизимлари инсонга, унинг ҳаётига, соғлиғига, эркинлигига, шаънига, кадр-қимматига путур етказмаслиги ва унинг бошқа ажралмас ҳуқуқларини бузмаслиги шарт. Веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурсининг эгаси, шу жумладан блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифасидан ёхуд бошқа ахборот ресурсидан жамоат тартибига ёки хавфсизлигига таҳдид солувчи ёлғон ахборот тарқатиш, қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган ўзга ҳаракатларни содир этиш мақсадларида фойдаланилишига йўл қўймаслиги шарт⁸⁸.

Давлат фуқаролик хизматчиси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига риоя этиши, ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажариши, давлат органи томонидан белгиланган одоб-ахлоқ қоидаларига, хизматга оид ахборот билан ишлаш тартибига, шунингдек давлат фуқаролик хизматини ўташ билан боғлиқ бошқа қоидаларга риоя этиши, давлат органининг нуфузини туширишга олиб келиши ёки унинг ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажаришига шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳаракатлардан (ҳаракатсизликдан), шу жумладан ўз хизмат мажбуриятларини бажараётганда ҳар қандай шаклдаги камситишдан, ноҳолисликдан ёки кимгадир нисбатан алоҳида муносабатда бўлишдан тийилиши шарт⁸⁹.

Диний мазмундаги қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликни келтириб чиқарувчи хатти-ҳаракатларни амалга оширишга ундаш мақсадда материалларни тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатишга йўл қўйилмайди⁹⁰.

Маърифий фаолиятни амалга оширувчиларга жамоат тартибига ёки хавфсизлигига таҳдид солувчи, фуқароларнинг шаъни ва кадр-қимматига ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи, шунингдек, ҳақоратли сўзларни ўз ичига олган ахборотни тарқатиш, маърифий фаолиятни амалга оширишда ҳақиқатга тўғри келмайдиган ва ёлғон маълумотлардан фойдаланиш, ҳуқуқбузарлик ёки жиноятни содир этишга даъват қилиш, одамларга ёки ҳайвонларга нисбатан зўравонлик ва шафқатсизлик қилиш мумкинлигини асослаш ёки оқлаш ёхуд шундай ҳаракатларни амалга оширишга ундаш, фуқароларни уларнинг

⁸⁷ Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁸⁸ Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги 560-II-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁸⁹ Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида” 2022 йил 8 августдаги ЎРҚ–788-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁹⁰ Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 апрелдаги 180-сон қарори билан тасдиқланган “Диний мазмундаги материалларни тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатиш ҳамда диншунослик экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

ҳаётига ва (ёки) соғлиғига ёхуд ўзга шахсларнинг ҳаётига ва (ёки) соғлиғига таҳдид солувчи ғайриҳуқуқий ҳаракатларни содир этишга ундаш ёки бошқача тарзда жалб қилиш тақиқланади⁹¹.

Ушбу нормаларнинг бузилиши натижасида мазкур жиноят вужудга келади.

Бунда, давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлиги ахборот соҳасидаги хавфсизликка таҳдидларга қарши ҳаракатлар юзасидан иқтисодий, сиёсий, ташкилий ва бошқа тусдаги чора-тадбирларни амалга ошириш, давлат сирларини сақлаш ва давлат ахборот ресурсларини улардан рухсатсиз тарзда фойдаланилишидан муҳофаза қилиш, Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ахборот маконига ва замонавий телекоммуникациялар тизимларига интеграциялашуви, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартиришга, ҳудудий яхлитлигини, суверенитетини бузишга, ҳокимиятни босиб олишга ёки қонуний равишда сайлаб қўйилган ёхуд тайинланган ҳокимият вакиллари ҳокимиятдан четлатишга ва давлат тузумига қарши бошқача тажовуз қилишга очикдан-очик даъват этишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишидан ҳимоя қилиш, урушни ва зўравонликни, шафқатсизликни тарғиб қилишни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоват уйғотишга қаратилган терроризм ва диний экстремизм ғояларини ёйишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишига қарши ҳаракатлар қилиш билан таъминланади. Шахснинг ахборот борасидаги хавфсизлиги унинг ахборотдан эркин фойдаланиши зарур шароитлари ва кафолатларини яратиш, шахсий ҳаётига тааллуқли сирларини сақлаш, ахборот воситасида қонунга ҳилоф равишда руҳий таъсир кўрсатилишидан ҳимоя қилиш йўли билан таъминланади. Жисмоний шахсларга тааллуқли шахсий маълумотлар махфий ахборот тоифасига киради. Жисмоний шахснинг розилигисиз унинг шахсий ҳаётига тааллуқли ахборотни, худди шунингдек шахсий ҳаётига тааллуқли сирини, ёзишмалар, телефондаги сўзлашувлар, почта, телеграф ва бошқа мулоқот сирларини бузувчи ахборотни тўплашга, сақлашга, қайта ишлашга, тарқатишга ва ундан фойдаланишга йўл қўйилмайди, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно. Жисмоний шахслар тўғрисидаги ахборотдан уларга моддий зарар ва маънавий зиён етказиш, шунингдек уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари рўёбга чиқарилишига тўсқинлик қилиш мақсадида фойдаланиш тақиқланади. Фуқаролар тўғрисида ахборот олувчи, бундай ахборотга эгалик қилувчи ҳамда ундан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахслар бу ахборотдан фойдаланиш тартибини бузганлик учун қонунда назарда тутилган тарзда жавобгар бўладилар. Ахборот манбаи ёки муаллиф номи фақат суд қарори билан ошкор этилиши мумкин⁹².

⁹¹ Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 11 февралдаги 76-сон қарори билан тасдиқланган “Маърифий фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁹² Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принципи ва кафолатлари тўғрисида” 2002 йил 12 декабрдаги 439-II-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Бунда, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда аниқланган валюта намунаси қалбаки эканлигига шубҳа пайдо бўлганда, тезкор-қидирув тадбирлари давомийлигини таъминлаш зарурати юзага келганда, тезкорликни амалга ошириш ҳамда тегишли вақтни тежаш мақсадида мазкур модда (буюм) ёки валюта намуналарини улар аниқланган жойнинг ўзида ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар биносида экспресс текшириш техник воситалари ёрдамида текширади⁹³.

2. Кибержиноят асосий бевосита объекти – жамият ва жамоат хавфсизлиги.

3. Кибержиноят қўшимча бевосита объекти – ахборот-коммуникация технологияларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар.

4. Кибержиноят факультатив бевосита объекти – ўзга шахс (лар) ва давлат, шу жумладан, шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни, кадр-қиммати, мулк дахлсизлиги, тинчлик ва инсоният хавфсизлиги, бошқарув тартиби ва бошқалар;

5. Кибержиноят субъекти – 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс.

6. Кибержиноят субъектив томони – қасддан.

7. Кибержиноят объектив томони – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ёки қонунга хилоф равишда ахборот-коммуникация тизимига кириб, шахснинг кадр-қиммати камситилишига ёки унинг обрўсизлантирилишига олиб келадиган ёки жамоат тартибига ёки хавфсизлигига таҳдид солувчи ёлғон ахборотни тарқатиш йўли билан содир этилади.

8. Кибержиноят мақсади – моддий ёки (ва) номоддий манфаат, ғаразли ёки бошқа паст ниятлар, ўч олиш ва ҳк.

9. Кибержиноят воситаси (қуроли) – ахборот-коммуникация технологиялари.

10. Кибержиноятнинг зарурий белгилари:

- 1) қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги;
- 2) қилмишнинг ҳуқуққа хилофлилиги;
- 3) қилмишда айбнинг мавжудлиги;
- 4) қилмишнинг жазога сазоворлиги;
- 5) қилмишнинг ёлғон ахборот билан боғлиқлиги;

6) қилмишнинг шахснинг кадр-қиммати камситилишига ёки унинг обрўсизлантирилишига олиб келадиган ёки жамоат тартибига ёки хавфсизлигига таҳдид солувчи ёлғон ахборотни тарқатиш йўли билан содир этилиши;

7) жамоат тартибига ёки хавфсизлигига таҳдид солувчи ёлғон ахборотни тарқатиш қилмишининг ЖК 244¹-моддасида назарда тутилган жиноят аломатлари мавжуд бўлмаслиги зарурлиги;

⁹³ Вазирлар Маҳкамасининг “Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг аналоглари, прекурсорлар, кучли таъсир қилувчи моддалар ҳамда валюта намуналарини экспресс текшириш жараёнида техник воситалардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида” 2023 йил 12 январдаги 12-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

8) қилмиш учун бир йил ичида маъмурий жазо қўлланилган бўлиши зарурлиги;

9) алоқа;

10) ахборот;

11) кибермуҳит, шу жумладан, кибермакон;

12) ахборот-коммуникация технологиялари.

Ушбу белгиларнинг биронтаси мавжуд эмаслиги қилмишнинг кибержиноят эканлигини инкор этади.

11. Кибержиноятнинг тамомланиши –

1) ёлғон ахборот телекоммуникация тармоғи орқали тарқатилган вақтдан;

2) ёлғон ахборот телекоммуникация тармоғи орқали узатилган вақтдан;

3) ёлғон ахборот телекоммуникация тармоғи ёки булутли технологияларга жойлаштирилган ва камида битта учинчи шахс уни билган вақтдан;

4) ёлғон ахборот телекоммуникация тармоғида намойиш этилган вақтдан;

5) ёлғон ахборот телекоммуникация тармоғида реклама қилинган вақтдан;

6) ёлғон ахборот телекоммуникация тармоғида ошкор қилинган вақтдан бошлаб.

12. Кибержиноятнинг тузилишига кўра тури – моддий таркибли кибержиноятлар ҳам мавжуд.

13. Кибержиноятнинг ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра тури – ижтимоий хавфи катта бўлмаган кибержиноят.

14. Жазо тизимига кўра тури – ижтимоий хавфли қилмиш учун Жиноят кодексида жарима, мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари, озодликни чеклаш жазоси назарда тутилган кибержиноятлар.

15. Жиноят предмети – матн, видео, аудио, мемлар, постлар, deepfake контент ва бошқа шаклдаги ахборот шунингдек, қуйидагилар ҳам жиноят предмети бўлиши мумкин:

1. Молиявий воситалар – нақдсиз пул, банк ўтказмалари, электрон ҳамёнлар орқали тўловлар (Payme, Click, PayPal, QIWI ва ҳ.к.), криптовалюта (Bitcoin, USDT, Ethereum ва бошқалар), онлайн тўлов тизимлари орқали маблағ, қимматли қоғозлар (акциялар, облигациялар), электрон сертификатлар, баланс тўлдириш (телефон, аккаунт, карта) ва ҳ.к.;

2. Рақамли активлар – лицензия калитлари (software key), онлайн сервис аккаунти, Premium обуна, домен номи, веб-сайтга эгалик, ижтимоий тармоқлардаги (Telegram, Instagram, YouTube ва бошқалар) каналлар ва гуруҳлар, NFT активлари, онлайн ўйин аккаунтлари, база маълумотлар, электрон контракт ҳуқуқи, NFTлар, ўйин ичидаги қимматбаҳо виртуал буюмлар (Skins, In-game currency) ва ҳ.к.;

3. Ахборот – махфий маълумот, тендер маълумотлари, миқдорлар базаси, пароллар, давлат реестри маълумотлари, имтиёзли кириш ҳуқуқи, жумладан, тижорат ёки хизмат сири ҳисобланган маълумотларга имтиёзли кириш

ҳуқуқини бериш, касб, хизмат сирлари, текширув натижаларини ўзгартириш ва ҳк.;

4. Номоддий манфаат – лавозимга тайинлаш, лойиҳада ғолиб қилиш, рейтингни ошириш, файлни ўчириб бериш, маъмурий, молиявий ёки жиноий жазодан қутқариш, солиқ ва бошқа тўловларни камайтириш, давлат ижтимоий буюртмасини бериш, рухсатнома чиқариш ва ҳк.;

5. Техника ва IT ресурслар – сервер ресурслари, хостинг, VPN кириш, Cloud akkaунт, дастур кодлари, дастурий таъминот лицензияси, API кириш ҳуқуқи, бқори қийматга эга бўлган тижорат дастурларига (масалан, киберхавфсизлик ёки дизайн дастурларига) умрбод ёки узоқ муддатли пуллик обуналарни олиб бериш ва ҳк.;

6. Аралаш шакллар – қимматбаҳо техника (ноутбук, смартфон ва ҳк.), онлайн орқали етказилган товар, электрон ваучер, крипто-ҳисоб очиш, тўловни учинчи шахс орқали амалга ошириш, жиноятчи учун бепул яратиб берилган веб-сайтлар, SMM хизматлари, пуллик дастурий таъминотларга лицензиялар ёки обуналар (Subscription), мансабдор шахс ёки унинг яқинлари учун бепул сервер майдони (Hosting) ажратиб бериш ёки веб-сайт ишлаб чиқиб, уни тарғиб қилиш (SMM/SEO) хизматларини бепул кўрсатиш, хизматчининг ижтимоий тармоқлардаги саҳифасини пуллик тарғиб қилиш (Boost), онлайн курслар ёки пуллик веб-сервисларга обуналарни (Premium subscription) совға қилиш ва ҳк.

16. Кибержиноятни содир этишнинг энг кўп усуллари:

- 1) телекоммуникация ёки интернет тармоғида намоёйишкорона;
- 2) телекоммуникация ёки интернет тармоғида жойлаштириш орқали;
- 3) ахборот-коммуникация технологияларидан жиноят қуроли ёки воситаси сифатида фойдаланиш натижасида.

Ушбу жиноят қуйидаги шаклларда содир этилиши мумкин, хусусан:

1) Astroturfing (сунъий жамоатчилик фикрини яратиш). Мисол учун, ёлғон ахборотни тарқатишда юзлаб сохта akkaунтлар (ботлар) орқали гўёки кўпчилик шу фикрда эканлигидек таассурот уйғотиш;

2) Deep Nudging (яширин туртки бериш). Мисол учун, ёлғон ахборотни тўғридан-тўғри матн кўринишида эмас, балки мемлар, сатирик расмлар ёки қисқа TikTok/Reels видеолари ичига яшириб тарқатиш;

3) Spoofing (манбани қалбакилаштириш). Мисол учун, ахборотни нуфузли оммавий ахборот воситаси масалан, BBC ёки маҳаллий расмий канал номидан, уларнинг логотипи ва веб-сайт дизайнини клонлаш (Mirroring) орқали тарқатиш йўли билан содир этилиши мумкин.

Ушбу жиноятни фош этишда қуйидаги рақамли излар тўпланиши мумкин, хусусан:

1) Traffic Analysis (трафик таҳлили). Мисол учун, провайдерлардан олинган маълумотлар асосида ёлғон хабарнинг тарқалиш амплитудасини ҳисобланади;

2) API Logs. Мисол учун, ижтимоий тармоқларнинг (Facebook, Telegram ва ҳк.) API дастурлаш интерфейслари орқали хабар қайси IP-

манзилдан, қайси вақтда (Timestamp) ва қайси турдаги курилмадан (User-Agent: iOS, Android, Windows) юборилгани аниқланади;

3) Deleted Data Recovery. Мисол учун, SQLite базаларидан ва курилманинг Unallocated space (бўш секторлари) дан файлларни тиклайди.

Жиноятни фош этилиши учун қуйидаги экспертизалар ўтказилиши мумкин, хусусан:

1) суд-компьютер-техникавий экспертизаси ёлғон ахборот яратилган ва тарқатилган телекоммуникация тармоқларини, интернет жаҳон ахборот тармоғидаги манбаларни, аноним профилларни (фейк аккаунтларни), IP-манзилларни, тарқатиш жараёнини автоматлаштирувчи алгоритмларни (ботларни) ҳамда курилма хотирасидаги ўчириб юборилган рақамли изларни, ёлғон хабар тарқатилган канал, гуруҳ ёки профилнинг реал бошқарувчисини (админни), маълумотнинг оммавийлигини;

2) суд-филологик (лингвистик) экспертизаси тарқатилган матнли, аудио ёки видео хабарларнинг мазмунини таҳлил қилиб, улардаги маълумотларнинг ҳақиқатга тўғри келмаслигини (ёлғонлигини), шахснинг кадр-қимматини камситувчи, обрўсизлантирувчи сўз ва ибораларни ҳамда жамоат тартиби ёки хавфсизлигига таҳдид солувчи лингвистик белгиларни;

3) суд-социологик экспертизаси ёлғон ахборотнинг интернет тармоғидаги тарқалиш кўламини, аудитория қамровини, тармоқ фойдаланувчиларининг реакцияларини ҳамда мазкур дезинформациянинг жамоат тартибига реал таҳдид солиш даражасини (айниқса оммавий тадбирлар ёки фавқулодда вазиятлар шароитида);

4) суд-иктисодий экспертизаси ёлғон ахборотнинг тарқатилиши натижасида жабрланувчига (жисмоний ёки юридик шахсга) ёхуд давлат манфаатларига етказилган жиноятни квалификация қилиш учун зарур бўлган кўп миқдордаги ёки жуда кўп миқдордаги моддий зарарнинг аниқ молиявий ҳажмини, тарқатилган ёлғон ахборот натижасида юридик ёки жисмоний шахсларга ёки давлатга етказилган реал моддий зарар миқдорини;

3) суд-психологик экспертизаси тарқатилган ёлғон ахборотнинг жабрланувчи руҳиятига таъсирини, кадр-қиммат камситилиши ортидан келиб чиққан маънавий-руҳий ҳолатни, шунингдек, ахборотнинг омма руҳиятида агрессия ёки итоатсизлик уйғотиш хусусиятини;

4) видеоматериалларнинг суд экспертизаси ёлғон ахборот сифатида тарқатилган видеоматериалларнинг ҳаққонийлигини, техник монтаж изларини ва нейротармоқлар (Deepfake технологиялари) ёрдамида кадрларнинг сунъий ўзгартирилганлик ҳолатларини;

5) суд-фонография экспертизаси ёлғон маълумотлар акс этган овозли хабарлар ва аудиоматериаллардаги нутқ эгасини идентификация қилади, овознинг сунъий интеллект ёрдамида клонлаштирилганлигини (Voice cloning) ёки техник кесиб-уланганлигини;

6) суд-фото-техникавий экспертизаси шахсни обрўсизлантириш ёки жамоатчиликни чалғитиш кампаниясида фойдаланилган рақамли фотосуратлар ва скриншотларнинг (масалан, сохта электрон ёзишмаларнинг)

оригинал эканлигини ёки график редакторлар ёрдамида сохталаштирилганлигини;

7) суд-портрет экспертизаси шахсни обрўсизлантириш мақсадида яратилган сохта фото ва видеоматериаллардаги қиёфаларни таҳлил қилиб, тасвирдаги шахснинг реал жабрланувчига мувофиқлигини ёки юз тузилиши сунъий равишда алмаштирилганлигини аниқлайди.

1.8-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, ўқотар қуролни, ўқ-дориларни, ўқотар қуролнинг асосий қисмларини, портловчи моддаларни, портлатиш воситаларини ёки портлатиш қурилмаларини қонунга хилоф равишда эгаллаш жиноятининг юридик-техник таҳлили

247-модда. Ўқотар қуролни, ўқ-дориларни, ўқотар қуролнинг асосий қисмларини, портловчи моддаларни, портлатиш воситаларини ёки портлатиш қурилмаларини ўғрилик ёки фирибгарлик йўли билан эгаллаш –

уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат:

- а) такроран;*
- б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;*
- в) ўзлаштириш, растрата қилиш ёхуд мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан;*
- г) талончилик;*
- д) тамагирлик йўли билан содир этилган бўлса, – беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

Ўша ҳаракат:

- а) босқинчилик йўли билан;*
- б) ўта хавфли рецидивист томонидан;*
- в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, – ўн йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

1. Муҳофаза қилинадиган норма – Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан, ахборотни излаш, олиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқни чеклашга фақат қонунга мувофиқ ҳамда фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлиғини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш, шунингдек давлат сирлари ёки қонун билан қўриқладиган бошқа сир ошкор этилишининг олдини олиш мақсадида зарур бўлган доирада йўл қўйилади. Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган органлар томонидангина амалга оширилади. Инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсиздир. Ҳеч нарса уларни камситиш учун асос бўлиши мумкин эмас. Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки инсон қадр-қимматини камситувчи муомалага ёхуд жазога дучор этилиши мумкин эмас. Ҳеч ким расмий эълон қилинмаган қонун

асосида ҳукм қилиниши, жазога тортилиши, мол-мулкидан ёки бирон-бир ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикасида барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиниши таъминланади. Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Ўзбекистон Республикасида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларига биноан ҳамда ушбу Конституцияга мувофиқ эътироф этилади ва қафолатланади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегишли бўлади. Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа инсонларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар. Инсоннинг шаъни ва кадр-қиммати дахлсиздир. Инсоннинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. Ҳар бир инсон ўз шахсини эркин камол топтириш ҳуқуқига эга. Ҳеч кимга унинг розилигисиз қонунчиликда белгиланмаган мажбурият юклатилиши мумкин эмас. Инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, жамият ҳамда давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги шарт⁹⁴.

Қонунчиликка кўра, фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари иштирокчиларининг ҳалол, оқилона ва адолат билан ҳаракат қилиши назарда тутилади. Фуқаролар ва юридик шахсларнинг бошқа шахсга зарар етказишга, бошқача шаклларда ҳуқуқни суиистеъмол қилишга, шунингдек ҳуқуқни унинг мақсадига зид тарзда амалга оширишга қаратилган ҳаракатларига йўл қўйилмайди⁹⁵.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қуйидагилар тақиқланади:

1) фуқаровий ва хизмат қуроли ҳамда унинг ўқ-дорилари сифатида қуйидагиларнинг муомаласи:

ўқдон (барабан) сиғими ўн дона патрондан ортиқ, ствол узунлиги ствол қутиси билан беш юз миллиметрдан ва қуролнинг умумий узунлиги саккиз юз миллиметрдан кам бўлган узун стволли ўқотар қурол, шунингдек тузилиши ўқ отиш имкониятини йўқотмаган ҳолда уни саккиз юз миллиметрдан кам узунликкача буклаш, силжитиш ёки қисмларга ажратиш имконини берадиган қуролнинг;

бошқа ашёларнинг шаклини такрорловчи ўқотар қуролнинг;

сойли стволли ўқотар қуролнинг патронларига мослаб тайёрланган силлиқ стволли ўқотар қуролнинг;

стволсиз ўқотар қуролнинг (патрон гильзаси ствол сифатида фойдаланиладиган қуролнинг);

⁹⁴ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁹⁵ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

3D-принтерида полимер ва композит материаллардан чиқарилган ўқотар қуролнинг;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган нормаларга мувофиқ бўлмаган чиқиш параметрларига эга бўлган электрошок қурилмаларининг, учкун чиқаргичларнинг ва бошқа қурилмаларнинг;

қўлланилишига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан рухсат этилмаган, асабни фалажлайдиган, заҳарли ва бошқа кучли таъсир кўрсатувчи моддалар билан тўлдирилган газли қуролнинг;

шикастловчи таъсири радиоактив нурланиш, кимёвий ва биологик (бактериологик) омиллардан фойдаланишга асосланган қуролнинг;

шикастловчи таъсири электромагнит, нур, иссиқлик, инфратовуш ёки ультратовуш нурланишдан фойдаланишга асосланган қурол ва бошқа анжомларнинг;

тиғининг ёки кескичининг (дамининг) узунлиги тўқсон миллиметрдан ортиқ бўлган, тугмаси ёки пишанги босилганда сопидан автоматик равишда чиқариладиган ва маҳкамланадиган ёхуд оғирлик кучи ёки тезкор ҳаракат ҳисобига сурилиб чиқадиган ҳамда автоматик равишда ўрнашадиган тиғли совуқ қурол ва пичоқларнинг;

улоқтириладиган анжоми зирхтешар, ёндирувчи, ҳавода из қолдирувчи ёки портловчи таъсирга эга ўқ-дориларнинг, шунингдек газли тўппончалар ва револьверлар учун сочма ўқ-дорили патронларнинг;

қурол сифатида қўллаш учун махсус мослаштирилган зарб бериб-парчаловчи ва улоқтирувчи таъсирга эга ашёларнинг (гурзилар, кастетлар, сурикенлар, бумеранглар ва бошқа ашёларнинг), бундан спорт аслаҳаларидан фойдаланиш мустасно;

2) фуқаровий қурол ҳамда унинг ўқ-дорилари сифатида қўйидагиларнинг муомаласи:

пневматик калта стволли қурол, шунингдек ташқи томондан автоматик қурол нусхаларига (репликаларига) ўхшаш пневматик қуролнинг (бундан ушбу қуролни спорт объектларида сақлаш ва ундан фойдаланиш мустасно);

чекланган шикаст етказувчи ўқотар қуролнинг (порохли ёки бошқа модда қуввати ҳисобига йўналтирилган ҳолда ҳаракат олувчи ва одамни ўлдириш учун мўлжалланмаган, жароҳат етказувчи таъсир кучига эга бўлган патроннинг отиладиган анжоми билан масофадан туриб жонли нишонга механик шикаст етказиш учун мўлжалланган калта стволли ўқотар қуролнинг ва стволсиз ўқотар қуролнинг);

газли калта стволли қуролнинг;

махсус таъмирлаш ишларини амалга оширмасдан туриб ўқ узиш имкониятини истисно этадиган ўқув қуролининг ва вазн-ўлчамли қуролнинг;

нур-товушли таъсирга эга патрон билан ўқ узишни имитация қилиш учун мўлжалланган, махсус таъмирлаш ишларини амалга оширмасдан туриб бошқа турдаги патронлар билан ўқ узиш имкониятини истисно этадиган пахтавон қуролнинг ва унинг ўқ-дориларининг;

ҳаракатга келтирувчи воситаларни, улоқтирувчи моддани ва шикаст етказувчи таъсир кучига эга бўлган отиладиган анжомни гильза ёрдамида

яхлит ҳолда бирлаштирадиган силлиқ стволли ўқотар қуролдан ёки чекланган шикаст етказувчи ўқотар қуролдан ўқ узиш учун мўлжалланган ва одамни ўлдириш учун мўлжалланмаган, жароҳат етказувчи таъсир кучига эга бўлган патронларнинг;

кўздан ёш оқизадиган ёки ачиштирадиган моддалар билан тўлдирилган ҳаракатга келтирувчи воситаларни гильза ёрдамида яхлит ҳолда бирлаштирадиган, газли қуролдан ёки чекланган шикаст етказувчи ўқотар қуролдан ўқ узиш учун мўлжалланган ва одамни ўлдириш учун мўлжалланмаган, газли таъсир кучига эга бўлган патронларнинг;

ҳаракатга келтирувчи воситаларни, нур-товушли таъсирга эга анжомларни гильза ёрдамида яхлит ҳолда бирлаштирадиган, ўқотар қуролдан, газли ёки сигнал берувчи қуролдан ўқ узиш учун мўлжалланган ва жонли нишонга ёки бошқа нишонга шикаст етказиш учун мўлжалланмаган нур-товушли таъсирга эга бўлган патронларнинг;

пўлат ўзакли аслаҳаси бўлган, жонли нишонга ёки бошқа нишонга шикаст етказиш учун мўлжалланган ўқотар қуролдан ўқ узиш учун мўлжалланган патронларнинг;

3) сойли стволли спорт ўқотар қуролини ёки оғиз қисмидаги қувват 3 жоулдан юқори ва калибри 4,5 миллиметрдан ортиқ бўлган пневматик спорт қуролини, шунингдек тигли совуқ спорт қуролини ҳамда улоқтириш қуролини спорт объектларидан ташқарида сақлаш ва улардан фойдаланиш, бундан ҳайвонот дунёси объектларини ҳаракатсизлантириш ва эмлаш билан боғлиқ илмий-тадқиқот ҳамда профилактика ишларини амалга ошириш учун қамонлар ва арбалетлардан фойдаланиш мустасно;

4) фуқаровий ва хизмат қуролига товушсиз ўқ узиш мосламаларини ва тунда кўриш мўлжаллагичларини ўрнатиш, бундан ов қилиш учун мўлжаллагичлар мустасно;

5) қуролни ва унинг ўқ-дориларини жўнатиш;

6) фуқаровий қуролни (бундан ўзини ўзи ҳимоя қилиш қуроли мустасно), совуқ қуролни ҳамда совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёларни ўзини ўзи ҳимоя қилиш мақсадида олиб юриш;

7) митинглар, кўча юришлари, намойишлар ва бошқа оммавий тадбирлар ўтказилганда, кўнгилочар ва ҳордиқ чиқариш учун мўлжалланган, алкоғолли маҳсулотлар реализация қилинадиган жойларда, таълим, тиббиёт муассасаларида ҳамда қурол олиб юриш тақиқланган бошқа жамоат жойларида бўлган вақтда, шунингдек алкоғолли ичимликдан, гиёҳванд модда таъсиридан ёки ўзгача тарзда маст ҳолда фуқаровий қуролни олиб юриш;

8) қуролни ва совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёларни жамоат жойларида, шу жумладан шаҳар транспортида, шаҳар атрофига қатновчи, шаҳарлараро ва халқаро транспортда очик (ғилофсиз) ҳолда олиб юриш;

9) совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёларни улардан касбий фаолиятда, спорт фаолиятида ёки хўжалик-маиший мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолларда, жамоат жойларида олиб юриш;

10) фуқаровий ва хизмат куролини ҳамда унинг ўқ-дориларини реализация қилиш бўйича фаолиятни амалга ошираётган юридик шахсларнинг ихтисослаштирилган дўконларидан ташқарида фуқаровий ҳамда хизмат куролини ва унинг ўқ-дориларини реализация қилиш;

11) фуқаровий курулга қонуний асосда эгалик қилмайдиган шахсларга бундай курулнинг патронларини реализация қилиш, бундан спорт ташкилотларида ўқотар курулдан фойдаланиш билан боғлиқ спорт турлари билан шуғулланувчи ёки таълим муассасаларида ўқ отиш бўйича тайёргарликдан ўтаётган шахсларга патронлар бериш мустасно.

12) фуқаровий курул ва унинг ўқ-дориларини ҳаёти.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида курулни ва унинг ўқ-дориларини олиш ҳуқуқига қуйидагилар эга:

махсус органлар ва ҳарбий тузилмалар;

махсус хизмат вазифаларига эга юридик шахслар;

курулни ва унинг ўқ-дориларини ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи юридик шахслар;

курулни ва унинг ўқ-дориларини реализация қилиш билан шуғулланувчи юридик шахслар;

овчилик ва отиш спорти соҳасидаги фаолият билан шуғулланувчи юридик шахслар;

курулни коллекциялаш ёки кўргазмага қўйиш билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслар;

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари;

чет эл фуқаролари;

Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахслар.

Фуқаровий курулни олишга доир рухсатномани олиш учун Ўзбекистон Республикаси фуқароси доимий яшаш жойи бўйича ички ишлар органига қуйидагиларни тақдим этиши шарт:

аризани;

курулдан хавфсиз фойдаланиш қоидаларига ўқиш бўйича махсус қисқа муддатли курсларда ўқитилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани;

овчилар жамоат бирлашмаси томонидан берилган овчилик гувоҳномасини (ов куролини олиш учун);

овчилар жамоат бирлашмасининг тавсияномасини (сойли стволли ўқотар ов куролини, ярим автомат силлиқ стволли ўқотар ов куролини ёки ўқдон (барабан) сиғими тўрт дон патрондан ортиқ бўлган силлиқ стволли ўқотар ов куролини, шунингдек оғиз қисмидаги қувват олтмиш беш жоулдан юқори ва калибри тўққиз миллиметрдан ортиқ бўлган пневматик ов куролини олиш учун);

отиш спорти соҳасидаги фаолият билан шуғулланувчи юридик шахс томонидан берилган спортчи гувоҳномасини (спорт куролини олиш учун).

Фуқаровий ва хизмат куролини ҳамда унинг ўқ-дориларини реализация қилишни амалга оширувчи юридик шахслар:

фуқаровий ва хизмат куролини ҳамда унинг ўқ-дориларини реализация қилиш учун лицензияга эга бўлиши;

фуқаровий ва хизмат куролининг ҳамда унинг ўқ-дориларининг бут сақланишини, уларни сақлаш хавфсизлигини таъминлаши;

харидордан муайян курул турини олишга доир рухсатномани кўрсатишини талаб қилиши;

олинаётган ва реализация қилинаётган фуқаровий ва хизмат куроли ҳамда унинг ўқ-дорилари ҳисобга олинишини, шунингдек ҳисобга олиш ҳужжатлари ўн йил мобайнида сақланишини таъминлаши;

реализация қилинаётган ўзини ўзи ҳимоя қилиш куролини, тўғли совуқ ов куролини ва сигнал берувчи курулни, ўқотар ов куролининг ўқ-дориларини рўйхатдан ўтказиши;

Муайян курул турини олишга доир рухсатномани тақдим этмаган жисмоний ва юридик шахсларга фуқаровий ва хизмат куролини ҳамда унинг ўқ-дориларини, шунингдек рақами ва ишлаб чиқарувчининг тамғаси мавжуд бўлмаган курулни реализация қилиш тақиқланади.

Фуқаровий ва хизмат куролини ҳамда унинг ўқ-дориларини реализация қилиш учун лицензияга эга бўлган юридик шахсларнинг битта савдо залида курулни ва бошқа турдаги товарларни реализация қилиши тақиқланади, бундан спорт, ов ва балиқ овлаш ашёлари, курулнинг эҳтиёт қисмлари мустасно.

Фуқаровий ва хизмат куролини ҳамда унинг ўқ-дориларини олиб юриш муайян турдаги, хилдаги ва моделдаги курулни олиб юриш, сақлаш ҳамда олиб юриш учун ички ишлар органлари томонидан берилган рухсатномалар асосида қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

махсус хизмат вазифаларига эга юридик шахсларнинг ходимлари томонидан – хизмат мажбуриятларини бажариши чоғида;

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан – ов қилинадиган, спорт тадбирлари ёки отиш машқлари ўтказиладиган жойларда, ўқув мақсадида, ўзини ўзи ҳимоя қилиш мақсадида.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча турган чет эл фуқаролари ўзларига тегишли фуқаровий ва хизмат куролини ҳамда унинг ўқ-дориларини ов ёки спорт тадбирлари ўтказиладиган жойларда олиб юриши мумкин.

Узун стволли ўқотар курулни олиб юриш ғилофидан олинган ҳолатда, ҳимоялагичга қўйилган ўқланган ўқдон (барабан) билан, калта стволли ўқотар курулни олиб юриш эса худди шундай ҳолатда ғилофда амалга оширилади.

Патронни ўқдонга юборишга фақат курулни қўллаш зарурати бўлганда ёхуд зарурий муҳофаа ҳолатида ёки охирги зарурат ҳолатида фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ҳамда мол-мулкни, шунингдек юридик шахсларнинг мол-мулкни ҳимоя қилиш учун рухсат этилади.

Яроқлилиқ, сақлаш ёки фойдаланиш муддати ўтган техник жиҳатдан носоз фуқаровий ва хизмат курулидан ҳамда унинг ўқ-дориларидан, шу жумладан газли курулдан фойдаланиш тақиқланади, бундан тадқиқот

ишларини ва синовларни ўтказиш ёхуд қуролнинг ҳамда унинг ўқ-дориларининг техник ҳолатини текшириш ҳоллари мустасно.

Жисмоний шахслар ов вақтида ов қуролини ва унинг ўқ-дориларини олиб юрганда шахсини тасдиқловчи ҳужжатни, овчилар жамоат бирлашмаси томонидан берилган овчилик гувоҳномасини, ов қилиш ҳуқуқига доир ҳужжатларни, қуролни сақлаш ва олиб юришга доир рухсатномани ёнида олиб юриши шарт.

Фуқаровий ва хизмат қуролини сақлаш ҳамда олиб юриш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний шахслар улардан хавфсиз фойдаланишга доир белгиланган қоидаларни бажариши шарт.

Фуқаровий ва хизмат қуроли ҳамда унинг ўқ-дорилари эгалари:

ўз мулкидаги фуқаровий қуролни ички ишлар органларида рўйхатдан ўтказиши (қайта рўйхатдан ўтказиши), бундан “Қурол тўғрисида”ги Қонун 11-моддасининг тўртинчи қисмида кўрсатилган ҳоллар мустасно;

фуқаровий ва хизмат қуролини ҳамда унинг ўқ-дориларини ташишнинг ушбу Қонунда белгиланган тартибига риоя этиши;

фуқаровий ва хизмат қуроли ҳамда унинг ўқ-дорилари бут сақланишини таъминлаши;

қурол тўғрисидаги қонунчиликнинг талабларига риоя этилишини текшириш учун ички ишлар органлари ходимларининг фуқаровий ва хизмат қуроли сақланадиган объектлар ҳудудига ҳамда жойларга соат 6-00 дан 22-00 гача монеликсиз киришини таъминлаши, танишиб чиқиш учун уларга зарур ҳужжатларни тақдим этиши;

овчиларнинг жамоат бирлашмасида (ов қуроли учун) ва отиш спорти соҳасидаги фаолият билан шуғулланувчи юридик шахсларда (спорт қуроли учун) қурол билан хавфсиз муомалада бўлиш қоидаларига оид билимларининг текширувидан ўтиши;

ички ишлар органларининг йўлланмаси бўйича қуролга эгалик қилишга қарши кўрсатмалар мавжуд эмаслиги юзасидан тиббий текширувдан ўтиши;

доимий яшаш жойи ўзгарган тақдирда, янги доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган кундан эътиборан ўн кунлик муддат ичида тегишли ички ишлар органига ўзига тегишли фуқаровий қуролни қайта рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фуқаровий ва хизмат қуролини ҳамда унинг ўқ-дориларини ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва реализация қилиш белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан бериладиган лицензиялар асосида амалга оширилади⁹⁶.

Тарқатилиши қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа ахборотни тайёрлаш ва (ёки) тарқатишга йўл қўйилмайди⁹⁷.

Оператор, провайдер, дилер ва эшиттирувчилар телекоммуникациялар тармоқларида ахборот ва киберхавфсизликни таъминлашда ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш соҳасида қонунчилик ҳужжатларига риоя

⁹⁶ Ўзбекистон Республикасининг “Қурол тўғрисида” 2019 йил 29 июлдаги ЎРҚ-550-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁹⁷ Ўзбекистон Республикасининг “Ноширлик фаолияти тўғрисида” 2021 йил 26 ноябрдаги ЎРҚ-731-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

қилиши, жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Wi-Fi хизмати ташкилотчиси оператор ёки провайдер билан биргаликда, ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Оператор ва провайдерлар телекоммуникациялар хизматларини кўрсатишда ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши шарт. Телевидение тармоқлари орқали қонунчилик билан тақиқланган маълумотларни тарқатишга йўл қўйилмайди. Абонентлар ва фойдаланувчилар телекоммуникациялар ёрдамида тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотни тарқатмасликка мажбур⁹⁸.

Сунъий интеллект технология ва тизимларини ишлаб чиқувчи ва жорий этувчилар Этика қоидаларига амал қилиши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги алгоритмларнинг шаффоф ва тушунарли бўлишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги эҳтимолий тарафкашликни олдини олиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларининг имкониятлари, чекловлари ва эҳтимолий хавфлари ҳақида очиқ маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчиларни улардан фойдаланиш қоидалари билан таништириш, улардан қандай мақсадда фойдаланиш мумкинлиги ёки тақиқланиши, шунингдек сунъий интеллектга асосланган ечимлар ёки қарорлар доим тўғри бўлмаслиги ҳамда уларнинг натижаларидан тавсиявий ёки маълумот учун фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимлари дастурий таъминоти хавфсизлигини таъминлаши, Этика қоидаларини инобатга олган ҳолда сунъий интеллект технология ва тизимларини доимий равишда такомиллаштириб бориши, сунъий интеллект технология ва тизимлари инсон назорати остида бўлишини ҳамда инсон томонидан қайта кўриб чиқиши, шунингдек якуний қарор инсон томонидан қабул қилинишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан қонунчиликка зид бўлган ёки шахс, жамият, давлат ва атроф табиий-муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган мақсадларда фойдаланмаслиги, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчилар учун сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қўлланмасини ишлаб чиқиш ва жойлаштириши шарт. Сунъий интеллект тизимларидан фойдаланувчилар сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қоидалари ва шартларига риоя қилиши, сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан тўғри фойдаланиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, бошқа фойдаланувчиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини

⁹⁸ Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 6 январдаги 287-мх-сон буйруғи (26.01.2026 й., рўй.: 3762) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

бузмаслик, Этика қоидаларига амал қилиши, шахс, жамият ва давлат манфаатларига ҳамда атроф-табiiй муҳитга зарар етказмаслиги лозим⁹⁹.

Давлат органлари ва ташкилотлари ўз тасарруфидаги ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини, тармоқлар ишининг барқарорлигини таъминлаши, шунингдек киберхавфсизлик бўйича ўз мажбуриятларини бажариши, ваколатли давлат органини киберхужумлар тўғрисида огоҳлантириши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида сақланаётган маълумотларнинг ўғирланиши ҳамда қалбакилаштирилиши ҳолатларининг олдини олиш чораларини кўриши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларини киберҳимоя қилиш учун сертификатлаштирилган аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий таъминотдан фойдаланиши, киберхавфсизлик соҳасида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ваколатли давлат органи билан келишиши шарт. Киберхавфсизлик субъектлари ахборот тизимлари ва ресурсларидаги маълумотларнинг қонунга хилоф равишда тарқатилиши, ўғирланиши, йўқолиши, яхлитлигининг бузилиши, блокланиши ва қалбакилаштирилишининг, шунингдек ахборот тизимлари ва ресурсларига рухсатсиз киришнинг бошқа кўринишларининг олдини олиши, бундай ҳоллар аниқланганда ўз вақтида тегишли чоралар кўриши, ахборот тизимлари ва ресурсларига кириш тартиби бузилганда ҳамда уларга рухсатсиз кириш натижасида ушбу тизимлар ҳамда ресурслар ўзгартирилган ёки йўқ қилинган тақдирда салбий оқибатларни камайтириш мақсадида уларни тезкорлик билан тиклаш чораларини кўриши, содир бўлган киберхавфсизлик ҳодисалари ва кибержиноятлар тўғрисида ваколатли давлат органини хабардор қилиши, ушбу ҳодисаларни тўлиқ фош этиш учун тегишли рақамли изларнинг йўқолишига йўл қўймаслик чораларини кўриши, шунингдек киберхавфсизлик ҳодисаларини таҳлил қилиш ва кибержиноятларни текшириш учун зарур бўлган маълумотларнинг доимий сақланишини таъминлаши, киберхавфсизлик объектларини муҳофаза қилиш ва уларнинг хавфсиз ишлаши мониторингини ўтказиш соҳасидаги маълумотларни ваколатли давлат органи билан ўзаро алмашишни амалга ошириши, ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберҳимоясини таъминлашда ваколатли давлат органи томонидан белгиланган киберхавфсизлик талабларига риоя этиши, киберхавфсизлик ҳодисаларига нисбатан чоралар кўриш механизмларининг ишлаб туришини ва киберхавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг ишлашини таъминлаши, улар мавжуд бўлмаган тақдирда эса ваколатли давлат органининг рухсати билан аутсорсинг хизматларидан белгиланган тартибда фойдаланиши, ваколатли давлат органига киберхавфсизликни таъминлаш мониторингининг ташкилий-техник тадбирларини амалга ошириш учун

⁹⁹ Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 24 февралдаги 284-мх-сон буйруғи (14.03.2026 й., рўй.: 3787) билан тасдиқланган Сунъий интеллектга асосланган ечимларни яратиш, жорий қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича этика қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

мониторинг тизимларига ва (ёки) киберхавфсизлик объектларига кириш ҳуқуқини бериши шарт¹⁰⁰.

Давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар давлат сирлари ҳамда махфий сирлар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган ахборот ресурслари ва ахборот тизимларининг муҳофаза қилинишини таъминлаши шарт. Сунъий интеллектдан фойдаланиб яратилган ахборот ресурслари ҳамда сунъий интеллект технологиялари асосида ишлайдиган ахборот тизимлари инсонга, унинг ҳаётига, соғлигига, эркинлигига, шаънига, кадр-қимматига путур етказмаслиги ва унинг бошқа ажралмас ҳуқуқларини бузмаслиги шарт. Веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурсининг эгаси, шу жумладан блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифасидан ёхуд бошқа ахборот ресурсидан қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган ўзга ҳаракатларни содир этиш мақсадларида фойдаланилишига йўл қўймаслиги шарт¹⁰¹.

Давлат фуқаролик хизматчиси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига риоя этиши, ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажариши, давлат органи томонидан белгиланган одоб-ахлоқ қоидаларига, хизматга оид ахборот билан ишлаш тартибига, шунингдек давлат фуқаролик хизматини ўташ билан боғлиқ бошқа қоидаларга риоя этиши, давлат органининг нуфузини туширишга олиб келиши ёки унинг ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажаришига шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳаракатлардан (ҳаракатсизликдан), шу жумладан ўз хизмат мажбуриятларини бажараётганда ҳар қандай шаклдаги камситишдан, ноҳолисликдан ёки кимгадир нисбатан алоҳида муносабатда бўлишдан тийилиши шарт¹⁰².

Диний мазмундаги қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликни келтириб чиқарувчи хатти-ҳаракатларни амалга оширишга ундаш мақсадда материалларни тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатишга йўл қўйилмайди¹⁰³.

Ушбу нормаларнинг бузилиши натижасида мазкур жиноят вужудга келади.

Бунда, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда аниқланган валюта намунаси қалбаки эканлигига шубҳа пайдо бўлганда, тезкор-қидирув тадбирлари давомийлигини таъминлаш зарурати юзага келганда, тезкорликни амалга ошириш ҳамда тегишли вақтни тежаш мақсадида мазкур модда (буюм) ёки валюта намуналарини улар аниқланган жойнинг ўзида ёки ҳуқуқни муҳофаза

¹⁰⁰ Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹⁰¹ Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги 560-II-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹⁰² Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида” 2022 йил 8 августдаги ЎРҚ–788-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹⁰³ Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 апрелдаги 180-сон қарори билан тасдиқланган “Диний мазмундаги материалларни тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатиш ҳамда диншунослик экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

қилувчи органлар биносида экспресс текшириш техник воситалари ёрдамида текширади¹⁰⁴.

2. Кибержиноят асосий бевосита объекти – жамият ва жамоат хавфсизлиги, шу жумладан, қурол соҳасини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар.

3. Кибержиноят қўшимча бевосита объекти – ахборот-коммуникация технологияларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар.

4. Кибержиноят факультатив бевосита объекти – ўзга шахс (лар) ва давлат, шу жумладан, шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни, кадр-қиммати, мулк дахлсизлиги, тинчлик ва инсоният хавфсизлиги, бошқарув тартиби ва бошқалар;

5. Кибержиноят субъекти – 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс.

6. Кибержиноят субъектив томони – қасддан.

7. Кибержиноят объектив томони – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ёки қонунга хилоф равишда ахборот-коммуникация тизимига кириб, ўқотар қуролни, ўқ-дориларни, ўқотар қуролнинг асосий қисмларини, портловчи моддаларни, портлатиш воситаларини ёки портлатиш қурилмаларини ўғрилик, фирибгарлик, ўзлаштириш, растрата қилиш ёхуд мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш, тамагирлик йўли билан эгаллаш орқали содир этилади.

8. Кибержиноят мақсади – моддий ёки (ва) номоддий манфаат, ғаразли ёки бошқа паст ниятлар, ўч олиш ва ҳк.

9. Кибержиноят воситаси (қуроли) – ахборот-коммуникация технологиялари.

10. Кибержиноятнинг зарурий белгилари:

1) қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги;
2) қилмишнинг ҳуқуққа хилофлилиги;
3) қилмишда айбнинг мавжудлиги;
4) қилмишнинг жазога сазоворлиги;
5) қилмишнинг ўқотар қурол, ўқ-дорилар, ўқотар қуролнинг асосий қисмлари, портловчи моддалар, портлатиш воситалари ёки портлатиш қурилмаларига боғлиқлиги;

6) қилмишнинг ўғрилик, фирибгарлик, ўзлаштириш, растрата қилиш ёхуд мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш, тамагирлик йўлларида бири ёки бир нечтасида содир этилиши;

7) ўқотар қуролни, ўқ-дориларни, ўқотар қуролнинг асосий қисмларини, портловчи моддаларни, портлатиш воситаларини ёки портлатиш қурилмаларини ўғрилик, фирибгарлик, ўзлаштириш, растрата қилиш ёхуд мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш, тамагирлик йўли билан эгаллаш орқали содир этилиши;

8) алоқа;

¹⁰⁴ Вазирлар Маҳкамасининг “Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг аналоглари, прекурсорлар, кучли таъсир қилувчи моддалар ҳамда валюта намуналарини экспресс текшириш жараёнида техник воситалардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида” 2023 йил 12 январдаги 12-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

- 9) ахборот;
- 10) кибермуҳит, шу жумладан, кибермакон;
- 11) ахборот-коммуникация технологиялари.

Ушбу белгиларнинг биронтаси мавжуд эмаслиги қилмишнинг кибержиноят эканлигини инкор этади.

11. Кибержиноятнинг тамомланиши –

1) ўқотар қурол, ўқ-дорилар, ўқотар қуролнинг асосий қисмлари, портловчи моддалар, портлатиш воситалари ёки портлатиш қурилмаларидан ҳеч бўлмаганда биттасига нисбатан эгалик ҳуқуқи вужудга келган вақтдан;

2) ўқотар қурол, ўқ-дорилар, ўқотар қуролнинг асосий қисмлари, портловчи моддалар, портлатиш воситалари ёки портлатиш қурилмаларини тасарруф этиш ҳуқуқи пайдо бўлган вақтдан;

3) ўқотар қурол, ўқ-дорилар, ўқотар қуролнинг асосий қисмлари, портловчи моддалар, портлатиш воситалари ёки портлатиш қурилмалари эгаллаб олинган вақтдан;

4) ўқотар қурол, ўқ-дорилар, ўқотар қуролнинг асосий қисмлари, портловчи моддалар, портлатиш воситалари ёки портлатиш қурилмалари ўзлаштирилган вақтдан;

5) ўқотар қурол, ўқ-дорилар, ўқотар қуролнинг асосий қисмлари, портловчи моддалар, портлатиш воситалари ёки портлатиш қурилмаларини мустақил бошқариш ҳуқуқи ёки имтиёзи пайдо бўлган вақтдан бошлаб.

12. Кибержиноятнинг тузилишига кўра тури – моддий таркибли кибержиноятлар ҳам мавжуд.

13. Кибержиноятнинг ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра тури – ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган, оғир ва ўта оғир кибержиноят.

14. Жазо тизимига кўра тури – ижтимоий хавфли қилмиши учун Жиноят кодексида ахлоқ тузатиш ишлари, озодликни чеклаш, озодликни маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган кибержиноятлар.

15. Жиноят предмети – ўқотар қурол, ўқ-дорилар, ўқотар қуролнинг асосий қисмлари, портловчи моддалар, портлатиш воситалари ёки портлатиш қурилмалари, уларга боғлиқ матн, видео, аудио, мемлар, постлар, deepfake контент ва бошқа шаклдаги ахборот шунингдек, қуйидагилар ҳам жиноят предмети бўлиши мумкин:

1. Молиявий воситалар – нақдсиз пул, банк ўтказмалари, электрон ҳамёнлар орқали тўловлар (Payme, Click, PayPal, QIWI ва ҳ.к.), криптовалюта (Bitcoin, USDT, Ethereum ва бошқалар), онлайн тўлов тизимлари орқали маблағ, қимматли қоғозлар (акциялар, облигациялар), электрон сертификатлар, баланс тўлдириш (телефон, аккаунт, карта) ва ҳ.к.;

2. Рақамли активлар – лицензия калитлари (software key), онлайн сервис аккаунти, Premium обуна, домен номи, веб-сайтга эгалик, ижтимоий тармоқлардаги (Telegram, Instagram, YouTube ва бошқалар) каналлар ва гуруҳлар, NFT активлари, онлайн ўйин аккаунтлари, база маълумотлар, электрон контракт ҳуқуқи, NFTлар, ўйин ичидаги қимматбаҳо виртуал буюмлар (Skins, In-game currency) ва ҳ.к.;

3. Ахборот – махфий маълумот, тендер маълумотлари, миждозлар базаси, пароллар, давлат реестри маълумотлари, имтиёзли кириш ҳуқуқи, жумладан, тижорат ёки хизмат сири ҳисобланган маълумотларга имтиёзли кириш ҳуқуқини бериш, касб, хизмат сирлари, текширув натижаларини ўзгартириш ва ҳ.к.;

4. Номоддий манфаат – лавозимга тайинлаш, лойиҳада ғолиб қилиш, рейтингни ошириш, файлни ўчириб бериш, маъмурий, молиявий ёки жиноий жазодан қутқариш, солиқ ва бошқа тўловларни камайтириш, давлат ижтимоий буюртмасини бериш, рухсатнома чиқариш ва ҳ.к.;

5. Техника ва IT ресурслар – сервер ресурслари, хостинг, VPN кириш, Cloud аккаунт, дастур кодлари, дастурий таъминот лицензияси, API кириш ҳуқуқи, бқори қийматга эга бўлган тижорат дастурларига (масалан, киберхавфсизлик ёки дизайн дастурларига) умрбод ёки узоқ муддатли пуллик обуналарни олиб бериш ва ҳ.к.;

6. Аралаш шакллар – қимматбаҳо техника (ноутбук, смартфон ва ҳ.к.), онлайн орқали етказилган товар, электрон ваучер, крипто-ҳисоб очиш, тўловни учинчи шахс орқали амалга ошириш, жиноятчи учун бепул яратиб берилган веб-сайтлар, SMM хизматлари, пуллик дастурий таъминотларга лицензиялар ёки обуналар (Subscription), мансабдор шахс ёки унинг яқинлари учун бепул сервер майдони (Hosting) ажратиб бериш ёки веб-сайт ишлаб чиқиб, уни тарғиб қилиш (SMM/SEO) хизматларини бепул кўрсатиш, хизматчининг ижтимоий тармоқлардаги саҳифасини пуллик тарғиб қилиш (Boost), онлайн курслар ёки пуллик веб-сервисларга обуналарни (Premium subscription) совға қилиш ва ҳ.к.

16. Кибержиноятни содир этишнинг энг кўп усуллари:

- 1) телекоммуникация ёки интернет тармоғида намоишкорона;
- 2) телекоммуникация ёки интернет тармоғида жойлаштириш орқали;
- 3) ахборот-коммуникация технологияларидан жиноят қуроли ёки воситаси сифатида фойдаланиш натижасида.

Ушбу жиноят қуйидаги шаклларда содир этилиши мумкин, хусусан:

- 1) киберўғрилиқ. Мисол учун, ўқотар қурол ёки портловчи моддаларни мулкдорнинг ёки уни қўриқлаётган шахснинг эркига зид равишда, уларга ёки атрофдагиларга билдирмасдан (яширинча) талон-торож қилиш мақсадида қурол сақланадиган хонанинг “Ақлли қулф”ларини (Smart locks) RFID-сканерлар ёрдамида нусхалаб олиш ёки видеокузатув тизимида (CCTV) масофадан кириб, камерани “қотириб қўйиш” (Looping) орқали қуролни яширинча олиб чиқиб кетиш;

- 2) киберфирибгарлик. Мисол учун, жабрланувчини (ёки масъул шахсни) чалғитиш орқали қуролни ихтиёрий равишда беришига эришиш мақсадида ички ишлар ёки муҳофаа тизимидаги электрон ҳужжат айланиш тизимида қалбаки электрон рақамли имзо (ЭРИ) ёрдамида кириб, қуролни бошқа бўлинмага ўтказиш ҳақида сохта буйруқ яратиш ёки Deepfake овоз ёрдамида раҳбар номидан қўриқчига қўнғироқ қилиб, қуролни учинчи шахсга беришни буюриш;

3) киберрастрата. Мисол учун, хизмат вазифаси ёки шартномага асосан айбдорга қонуний асосларда ишониб топширилган қуролни қонунга ҳилоф равишда ўз мулкига айлантиришини мақсад қилиб навбатчилик қисми ходими ёки инкассатор ўзига бириктирилган табел қуролини хизмат якунида топширмасдан, ўзида олиб қолиши ёки айбдорга ишониб топширилган қуролни унинг ўзи томонидан истеъмол қилиб юборилиши, сотилиши ёки бошқа шахсларга бериб юборилиши, қурол омборхонаси мудирининг ўзига топширилган ўқ-дориларни Darknet платформаларида криптовалюта эвазига сотиб юборилиши;

3) мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш. Мисол учун, мансабдор шахснинг ўз хизмат ваколатларидан ғаразли ниятларда фойдаланиб қуролни эгаллашни мақсад қилиб, ваколатли мансабдор шахс давлатнинг марказлашган электрон реестрига (Data Base) ноқонуний кириб, яроқли қуролларни “брак” ёки “утилизация қилинган” деб қайд этиши ва уларни жисмонан олиб чиқиб кетиши;

4) кибертамагирлик (шантаж йўли билан талаб қилиш). Мисол учун, жабрланувчи ёки унинг яқинларига зўрлик ишлатиш, мулкни нобуд қилиш ёки уларни шарманда қилувчи маълумотларни тарқатиш билан қўрқитиб қуролни беришни талаб қилиш мақсадида ахборот тизимларига Ransomware киритиб, тизимни блоклаб қўйиш ва уни очиш калити эвазига пул эмас, балки муайян миқдордаги ўқ-дориларни белгиланган жойга ташлаб кетишни талаб қилиш (Doxing ва шантаж) йўли билан содир этилиши мумкин.

Ушбу жиноятни фош этишда қуйидаги рақамли излар тўпланиши мумкин, хусусан:

1) darknet мониторинги. Мисол учун, қурол ўғирлангандан сўнг уни сотиш ёки заказ бериш жараёни кўпинча махфий интернет бозорларида амалга оширилади. Криптотранзакциялар занжири (Blockchain forensics) орқали маблағ ҳаракатини кузатиш гуруҳни фош этишга ёрдам беради;

2) электрон ҳисобга олиш тизимларидаги излар. Мисол учун, мансабдор шахс қуролни ўзлаштирганда, у ҳисобга олиш базаларига (масалан, ИИВнинг электрон реестри) ноқонуний ўзгартириш киритади. Бу тизим логларида (Database audit logs) муҳрланади;

3) геолокация маълумотлари. Мисол учун, қурол омборхоналари атрофида шубҳали абонентларнинг тўпланиши ёки алоқа фаоллиги (Cell tower triangulation) режалаштирилган талончилик ёки босқинчиликни исботловчи билвосита далилдир.

Жиноятни фош этилиши учун қуйидаги экспертизалар ўтказилиши мумкин, хусусан:

1) суд-компьютер-техникавий экспертизаси қурол-яроғ сақланадиган омборлар ёки савдо дўконларининг электрон ҳисобга олиш ва бошқарув тизимларига рухсатсиз кириш (хакерлик) изларини, фирибгарлик ёки тамагирлик йўли билан қурол эгаллашда фойдаланилган рақамли алоқа каналларини (DarkWeb форумлари, ёпиқ мессенжерлар), фишинг ҳаволаларини ҳамда тизим логларидан қасддан ўчириб юборилган маълумотларни;

2) суд-филологик (лингвистик) экспертизаси қурол ва портловчи моддаларни эгаллаш мақсадида жабрланувчига ёки масъул шахсга электрон почта ва мессенжерлар орқали юборилган хабарларни таҳлил қилиб, улардаги алдаш, ишончни суиистеъмол қилиш (фирибгарлик) ёки таҳдид ва мулкӣ йўсиндаги талаблар қўйиш (кибертамагирлик) аломатларини;

3) суд-бухгалтерия экспертизаси ўзлаштириш, растрата қилиш ёхуд мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан қуролларни эгаллаш жараёнида масъул ташкилотнинг электрон бухгалтерия ва омбор ҳисоби тизимларига киритилган сохта қайдларни, камомадларни ҳамда рақамли ҳисоботлардаги молиявий-моддий тафовутларни;

4) суд-баллистика ва портлатиш-техникавий экспертизалари ахборот-коммуникация технологиялари орқали келишилиб, қонунга ҳилоф равишда эгалланган (ва кейинчалик топиб олинган) моддий ашёларнинг ҳақиқатан ҳам ўқотар қурол, унинг асосий қисмлари, ўқ-дорилар ёки портловчи қурилмалар тоифасига киришини ҳамда уларнинг жанговар (яроқлилиқ) ҳолатини;

5) ҳужжатларнинг суд-техникавий экспертизаси қурол-яроғларни қонуний кўринишда эгаллаш, сотиб олиш ёки омбордан олиб чиқиб кетиш учун ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида сохталаштирилган электрон рухсатномалар, юкхатлар, сохта QR-кодли лицензиялар ва улардаги рақамли имзоларнинг (электрон ҳужжат реквизитларининг) ҳақиқийлигини;

6) суд-иқтисодий (молия-кредит) экспертизаси қуролларни фирибгарлик йўли билан сотиб олиш ёки тамагирлик шарти сифатида криптовалюталар, аноним электрон ҳамёнлар орқали амалга оширилган яширин молиявий транзакциялар ҳаракатини ва тўлов занжирини;

7) видеоматериалларнинг суд экспертизаси интернет тармоғи ёки рақамли алоқа орқали мувофиқлаштирилган ўғрилиқ, талончилик ёки босқинчилик ҳаракатлари (қуролни жисмоний эгаллаш жараёни) акс этган видеокузатув камералари ёзувларини таҳлил қилиб, ҳаракатларнинг реал ижросини, кетма-кетлигини ва жиноий гуруҳ аъзоларининг ролини;

8) суд-портрет экспертизаси қурол-яроғ эгаллаш воқеаси жойидаги тасвирларда ёки сохталаштирилган электрон ҳужжатларга бириктирилган фотосуратлардаги қиёфаларни гумонланувчи шахслар билан идентификация қилишни;

9) суд-психологик экспертизаси кибертамагирлик ёки кибербосқинчилик қурбони бўлган ва қуролни топширишга мажбур бўлган шахснинг руҳий ҳолатини, иродавий эркинлиги чекланганлигини, шунингдек, қуролни эгаллаган шахсларнинг (айниқса уюшган гуруҳнинг) ижтимоий хавфлилиқ даражасини ва қуролга эгалиқ қилишдаги ички қасд мотивини аниқлайди.

1.9-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга ҳилоф равишда эгаллаш жиноятининг юридик-техник таҳлили

251-модда. Кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни ўғрилик ёки фирибгарлик йўли билан қонунга ҳилоф равишда эгаллаш

— *уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

Ўша ҳаракат:

- а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;*
- б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;*
- в) ўзлаштириш, растрата қилиш ёки мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан;*
- г) талончилик йўли билан;*
- д) тамагирлик йўли билан содир этилган бўлса, — беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

Ўша ҳаракат:

- а) босқинчилик йўли билан;*
- б) кўп миқдорда;*
- в) уюшган гуруҳ ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса,*

— *ўн йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

1. Муҳофаза қилинадиган норма — Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан, ахборотни излаш, олиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқни чеклашга фақат қонунга мувофиқ ҳамда фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлиғини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш, шунингдек давлат сирлари ёки қонун билан кўриқланадиган бошқа сир ошкор этилишининг олдини олиш мақсадида зарур бўлган доирада йўл қўйилади. Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларида хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган органлар томонидангина амалга оширилади. Инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсиздир. Ҳеч нарса уларни камситиш учун асос бўлиши мумкин эмас. Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки инсон қадр-қимматини камситувчи муомалага ёхуд жазога дучор этилиши мумкин эмас. Ҳеч ким расмий эълон қилинмаган қонун асосида ҳукм қилиниши, жазога тортилиши, мол-мулкидан ёки бирон-бир ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикасида барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиниши

таъминланади. Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Ўзбекистон Республикасида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларига биноан ҳамда ушбу Конституцияга мувофиқ эътироф этилади ва кафолатланади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегишли бўлади. Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа инсонларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар. Инсоннинг шаъни ва кадр-қиммати дахлсиздир. Инсоннинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. Ҳар бир инсон ўз шахсини эркин камол топтириш ҳуқуқига эга. Ҳеч кимга унинг розилигисиз қонунчиликда белгиланмаган мажбурият юклатилиши мумкин эмас. Инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, жамият ҳамда давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги шарт¹⁰⁵.

Қонунчиликка кўра, фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари иштирокчиларининг ҳалол, оқилона ва адолат билан ҳаракат қилиши назарда тутилади. Фуқаролар ва юридик шахсларнинг бошқа шахсга зарар етказишга, бошқача шаклларда ҳуқуқни суиистеъмол қилишга, шунингдек ҳуқуқни унинг мақсадига зид тарзда амалга оширишга қаратилган ҳаракатларига йўл қўйилмайди¹⁰⁶.

Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар аналогларининг муомалада бўлиши тақиқланади. I рўйхатга киритилган гиёҳвандлик воситаларининг муомалада бўлишига йўл қўйилмайди. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни бериш, реализация қилиш ва тақсимлаш махсус ваколатли орган белгилаган тартибда, юридик шахслар томонидан, мазкур фаолият турлари учун лицензиялари бўлган тақдирда амалга оширилади. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлардан уларни назорат остида етказиб бериш ва назорат остида олиш, бошқа тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш учун фойдаланиш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади. II, III ва IV рўйхатларга киритилган Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни жисмоний шахсларга тиббий мақсадларда бериш бундай фаолият тури учун лицензиялари бўлган дорихоналар ва даволаш-профилактика муассасаларида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасида назоратга олинадиган гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар қуйидаги рўйхатларга киритилади:

¹⁰⁵ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹⁰⁶ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Муомалада бўлиши Ўзбекистон Республикасида тақиқланган гиёҳвандлик воситалари рўйхати (бундан буён матнда I рўйхат деб юритилади);

Муомалада бўлиши Ўзбекистон Республикасида чекланган гиёҳвандлик воситалари рўйхати (бундан буён матнда II рўйхат деб юритилади);

Муомалада бўлиши Ўзбекистон Республикасида чекланган психотроп моддалар рўйхати (бундан буён матнда III рўйхат деб юритилади);

Муомалада бўлиши Ўзбекистон Республикасида чекланган прекурсорлар рўйхати (бундан буён матнда IV рўйхат деб юритилади).

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар рўйхатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда тасдиқланади ва матбуотда эълон қилинади¹⁰⁷.

Қуйидагилар белгиланган, жумладан:

2019 йил 1 декабрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган кучли таъсир қилувчи моддалар рўйхатига киритилган алоҳида дори воситалари буюм-миқдор жиҳатдан ҳисобга олиниши лозим ва уларнинг чакана реализацияси (берилиши) фақат ижтимоий дорихоналар, шунингдек, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни сақлаш ва реализация қилиш (бериш) фаолиятига лицензияси мавжуд бўлган дорихоналар томонидан амалга оширилади;

шифокор рецепти бўйича бериладиган дори воситалари ва тиббий буюмлар, шу жумладан кучли таъсир қилувчи моддалар рўйхатига киритилган дори воситаларининг ноқонуний чакана савдоси ҳолатларига барҳам бериш бўйича текширишлар Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари ва Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилга хабар бериш тартибида, Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимида рўйхатдан ўтказиш орқали амалга оширилади;

кучли таъсир қилувчи моддалар рўйхатига Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Наркотиклар ва ўқотар қуролларни назорат қилиш агентлиги қошида ташкил этиладиган идоралараро эксперт гуруҳи таклифлари асосида ўзгартириш ва қўшимчалар киритилади;

кучли таъсир қилувчи моддалар рўйхатига киритилган дори воситаларини бериш учун ёзилган рецептлар дорихоналарда бир йил давомида сақланади;

мулкчилик шакли ва идоравий мансублигидан қатъи назар тиббиёт ташкилотларида беморга рецептли дори воситаларини белгиланган тартибда рецептни расмийлаштирмасдан тайинлаш тақиқланади¹⁰⁸.

¹⁰⁷ Ўзбекистон Республикасининг “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида” 1999 йил 19 августдаги 813-I-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹⁰⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Дори воситалари ноқонуний айланишининг олдини олиш чораларини кучайтириш тўғрисида” 2019 йил 6 сентябрдаги ПҚ-4438-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Ҳукумат қарори билан кучли таъсир қилувчи моддалар рўйхати тасдиқланган¹⁰⁹ ва ушбу рўйхатга асосан шарҳланаётган моддадаги ҳолатлар инобатга олинади.

Ушбу моддалар алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддалар ҳисобланиб, улар фақат гиёҳвандлик воситалари ва/ёки психотроп моддаларни сақлаш ва сотиш фаолияти учун лицензияга эга бўлган дорихоналар ва ижтимоий дорихоналар орқали улгуржи ва чакана реализация қилинади (сотилади).

Изоҳ.

Бундан ташқари, қуйидагилар кучли таъсир қилувчи моддаларга киради:

а) ушбу рўйхатда келтирилган моддаларнинг мавжуд бўлиши мумкин бўлган барча ҳолатдаги тузлари;

ушбу рўйхатда келтирилган моддаларнинг мавжуд бўлиши мумкин бўлган барча ҳолатдаги изомерлари;

ушбу рўйхатда келтирилган моддаларнинг оддий ва мураккаб эфирлари.

Бундай тузлар, изомерлар ва эфирлар учун жиноий ҳаракатни таснифлаш учун кўп миқдор кўрсаткичлари худди кучли таъсир қилувчи моддаларга қўлланиладиган кўрсаткичларга мос равишда белгиланади.

б) таркибида ушбу кучли таъсир қилувчи моддалар рўйхатида келтирилган моддалардан бирортаси мавжуд бўлган барча дори шакллари, аралашмалар ва эритмалар, бунда дори шакли, аралашма ва эритмалар учун кўп миқдор кучли таъсир қилувчи модданинг кўп миқдори каби аниқланади, дори шакли, аралашмаси ва эритма учун энг кўп миқдори таъсир қилувчи модда ҳисоб-китоб қилинмасдан умумий миқдордан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Шунга кўра, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёхуд психотроп моддалар ҳисобланмайдиган кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни (бундан буён матнда кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддалар деб юритилади) қонунга хилоф равишда муомалага киритиш билан боғлиқ жиноят ишларини кўриб чиқишда, судлар жиноят ва жиноят-процессуал қонунлари билан бир қаторда қуйидагиларга амал қилишлари лозим:

Ўзбекистон Республикасининг “Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида”ги Қонунига;

Ўзбекистон Республикасининг “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги Қонунига;

Кучли таъсир қилувчи моддалар рўйхатига (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 сентябрдаги 818-сонли қарорига 1-илова);

Яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва реализация қилиш фаолияти лицензияланиши шарт бўлган портловчи ва заҳарли моддалар, уларни қўллаган ҳолда материаллар ва маҳсулотлар, шунингдек, портлатиш

¹⁰⁹ Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида кучли таъсир қилувчи моддалар муомаласини тартибга солиш тўғрисида” 2019 йил 27 сентябрдаги 818-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

воситалари рўйхатига (Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 2 октябрдаги 782-сонли қарорига 1-илова);

Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 12 ноябрдаги 330-сонли қарори билан тасдиқланган қуйидаги рўйхатларга:

Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиши тақиқланган гиёҳвандлик воситаларининг рўйхати (I рўйхат);

Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиши чекланган гиёҳвандлик воситаларининг рўйхати (II рўйхат);

Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиши чекланган психотроп моддаларнинг рўйхати (III рўйхат);

Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиши чекланган прекурсорларнинг рўйхати (IV рўйхат)¹¹⁰.

Гиёҳвандлик воситалари ҳамда валюта намуналарини экспресс текширадиган замонавий техник воситалар заруратга кўра, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан белгиланган тартибда харид қилинади ва ундан Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 12 январдаги 12-сон қарори билан тасдиқланган “Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг аналоглари, прекурсорлар, кучли таъсир қилувчи моддалар ҳамда валюта намуналарини экспресс текшириш жараёнида техник воситалардан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосан фойдаланишга йўл қўйилади¹¹¹.

Дори воситаларини ва тиббий буюмларни (офтальмология тиббий буюмларидан ташқари) чакана реализация қилиш фақат дорихоналар ҳамда уларнинг филиаллари томонидан амалга оширилади.

Дори воситаларини чакана реализация қилиш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган шаклдаги рецептлар бўйича ёки рецептсиз амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган ёки дорихоналар томонидан тайёрланган дори воситаларини ва тиббий буюмларни чакана реализация қилишга рухсат берилади.

Сифатсиз, қалбакилаштирилган, Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилмаган дори воситаларини ва тиббий буюмларни, шунингдек Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган дори воситаларининг

¹¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг “Кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга ҳилоф равишда муомалага киритиш билан боғлиқ жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 2021 йил 27 ноябрдаги 33-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹¹¹ Вазирлар Маҳкамасининг “Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг аналоглари, прекурсорлар, кучли таъсир қилувчи моддалар ҳамда валюта намуналарини экспресс текшириш жараёнида техник воситалардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2023 йил 12 январдаги 12-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

ғайриқонуний нусхаларини харид қилиш, чакана реализация қилиш ҳамда улардан фойдаланиш тақиқланади¹¹².

Тарқатилиши қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа ахборотни тайёрлаш ва (ёки) тарқатишга йўл қўйилмайди¹¹³.

Оператор, провайдер, дилер ва эшиттирувчилар телекоммуникациялар тармоқларида ахборот ва киберхавфсизликни таъминлашда ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш соҳасида қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиши, жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Wi-Fi хизмати ташкилотчиси оператор ёки провайдер билан биргаликда, ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Оператор ва провайдерлар телекоммуникациялар хизматларини кўрсатишда ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши шарт. Телевидение тармоқлари орқали қонунчилик билан тақиқланган маълумотларни тарқатишга йўл қўйилмайди. Абонентлар ва фойдаланувчилар телекоммуникациялар ёрдамида тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотни тарқатмасликка мажбур¹¹⁴.

Сунъий интеллект технология ва тизимларини ишлаб чиқувчи ва жорий этувчилар Этика қоидаларига амал қилиши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги алгоритмларнинг шаффоф ва тушунарли бўлишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги эҳтимолий тарафкашликни олдини олиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларининг имкониятлари, чекловлари ва эҳтимолий хавфлари ҳақида очиқ маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчиларни улардан фойдаланиш қоидалари билан таништириш, улардан қандай мақсадда фойдаланиш мумкинлиги ёки тақиқланиши, шунингдек сунъий интеллектга асосланган ечимлар ёки қарорлар доим тўғри бўлмаслиги ҳамда уларнинг натижаларидан тавсиявий ёки маълумот учун фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимлари дастурий таъминоти хавфсизлигини таъминлаши, Этика қоидаларини инобатга олган ҳолда сунъий интеллект технология ва тизимларини доимий равишда такомиллаштириб бориши, сунъий интеллект технология ва тизимлари инсон назорати остида бўлишини ҳамда инсон томонидан қайта кўриб чиқилиши, шунингдек якуний

¹¹² Ўзбекистон Республикасининг “Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида” 2016 йил 4 январдаги ЎРҚ–399-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹¹³ Ўзбекистон Республикасининг “Ноширлик фаолияти тўғрисида” 2021 йил 26 ноябрдаги ЎРҚ–731-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹¹⁴ Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 6 январдаги 287-мх-сон буйруғи (26.01.2026 й., рўй.: 3762) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

қарор инсон томонидан қабул қилинишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан қонунчиликка зид бўлган ёки шахс, жамият, давлат ва атроф табиий-муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган мақсадларда фойдаланмаслиги, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчилар учун сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қўлланмасини ишлаб чиқиш ва жойлаштириши шарт. Сунъий интеллект тизимларидан фойдаланувчилар сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қоидалари ва шартларига риоя қилиши, сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан тўғри фойдаланиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, бошқа фойдаланувчиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини бузмаслик, Этика қоидаларига амал қилиши, шахс, жамият ва давлат манфаатларига ҳамда атроф-табиий муҳитга зарар етказмаслиги лозим¹¹⁵.

Давлат органлари ва ташкилотлари ўз тасарруфидаги ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини, тармоқлар ишининг барқарорлигини таъминлаши, шунингдек киберхавфсизлик бўйича ўз мажбуриятларини бажариши, ваколатли давлат органини киберхужумлар тўғрисида огоҳлантириши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида сақланаётган маълумотларнинг ўғирланиши ҳамда қалбакилаштирилиши ҳолатларининг олдини олиш чораларини кўриши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларини киберҳимоя қилиш учун сертификатлаштирилган аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий таъминотдан фойдаланиши, киберхавфсизлик соҳасида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ваколатли давлат органи билан келишиши шарт. Киберхавфсизлик субъектлари ахборот тизимлари ва ресурсларидаги маълумотларнинг қонунга хилоф равишда тарқатилиши, ўғирланиши, йўқолиши, яхлитлигининг бузилиши, блоканиши ва қалбакилаштирилишининг, шунингдек ахборот тизимлари ва ресурсларига рухсатсиз киришнинг бошқа кўринишларининг олдини олиши, бундай ҳоллар аниқланганда ўз вақтида тегишли чоралар кўриши, ахборот тизимлари ва ресурсларига кириш тартиби бузилганда ҳамда уларга рухсатсиз кириш натижасида ушбу тизимлар ҳамда ресурслар ўзгартирилган ёки йўқ қилинган тақдирда салбий оқибатларни камайтириш мақсадида уларни тезкорлик билан тиклаш чораларини кўриши, содир бўлган киберхавфсизлик ҳодисалари ва кибержиноятлар тўғрисида ваколатли давлат органини хабардор қилиши, ушбу ҳодисаларни тўлиқ фош этиш учун тегишли рақамли изларнинг йўқолишига йўл қўймаслик чораларини кўриши, шунингдек киберхавфсизлик ҳодисаларини таҳлил қилиш ва кибержиноятларни текшириш учун зарур бўлган маълумотларнинг доимий сақланишини таъминлаши, киберхавфсизлик объектларини муҳофаза қилиш ва уларнинг хавфсиз ишлаши мониторингини ўтказиш соҳасидаги маълумотларни ваколатли давлат органи билан ўзаро алмашишни амалга ошириши, ахборот тизимлари

¹¹⁵ Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 24 февралдаги 284-мх-сон буйруғи (14.03.2026 й., рўй.: 3787) билан тасдиқланган Сунъий интеллектга асосланган ечимларни яратиш, жорий қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича этика қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

ва ресурсларининг киберҳимоясини таъминлашда ваколатли давлат органи томонидан белгиланган киберхавфсизлик талабларига риоя этиши, киберхавфсизлик ҳодисаларига нисбатан чоралар кўриш механизмларининг ишлаб туришини ва киберхавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг ишлашини таъминлаши, улар мавжуд бўлмаган тақдирда эса ваколатли давлат органининг рухсати билан аутсорсинг хизматларидан белгиланган тартибда фойдаланиши, ваколатли давлат органига киберхавфсизликни таъминлаш мониторингининг ташкилий-техник тадбирларини амалга ошириш учун мониторинг тизимларига ва (ёки) киберхавфсизлик объектларига кириш ҳукуқини бериши шарт¹¹⁶.

Давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар давлат сирлари ҳамда махфий сирлар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган ахборот ресурслари ва ахборот тизимларининг муҳофаза қилинишини таъминлаши шарт. Сунъий интеллектдан фойдаланиб яратилган ахборот ресурслари ҳамда сунъий интеллект технологиялари асосида ишлайдиган ахборот тизимлари инсонга, унинг ҳаётига, соғлиғига, эркинлигига, шаънига, кадр-қимматига путур етказмаслиги ва унинг бошқа ажралмас ҳуқуқларини бузмаслиги шарт. Веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурсининг эгаси, шу жумладан блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифасидан ёхуд бошқа ахборот ресурсидан қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган ўзга ҳаракатларни содир этиш мақсадларида фойдаланилишига йўл қўймаслиги шарт¹¹⁷.

Давлат фуқаролик хизматчиси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига риоя этиши, ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажариши, давлат органи томонидан белгиланган одоб-ахлоқ қоидаларига, хизматга оид ахборот билан ишлаш тартибига, шунингдек давлат фуқаролик хизматини ўташ билан боғлиқ бошқа қоидаларга риоя этиши, давлат органининг нуфузини туширишга олиб келиши ёки унинг ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажаришига шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳаракатлардан (ҳаракатсизликдан), шу жумладан ўз хизмат мажбуриятларини бажараётганда ҳар қандай шаклдаги камситишдан, ноҳолисликдан ёки кимгадир нисбатан алоҳида муносабатда бўлишдан тийилиши шарт¹¹⁸.

Ушбу нормаларнинг бузилиши натижасида мазкур жиноят вужудга келади.

Бунда, давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлиги ахборот соҳасидаги хавфсизликка таҳдидларга қарши ҳаракатлар юзасидан иқтисодий, сиёсий, ташкилий ва бошқа тусдаги чора-тадбирларни амалга ошириш, давлат сирларини сақлаш ва давлат ахборот ресурсларини улардан рухсатсиз тарзда

¹¹⁶ Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹¹⁷ Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги 560-П-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹¹⁸ Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида” 2022 йил 8 августдаги ЎРҚ–788-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

фойдаланилишидан муҳофаза қилиш, Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ахборот маконига ва замонавий телекоммуникациялар тизимларига интеграциялашуви, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартиришга, ҳудудий яхлитлигини, суверенитетини бузишга, ҳокимиятни босиб олишга ёки қонуний равишда сайлаб қўйилган ёхуд тайинланган ҳокимият вакиллари ҳокимиятдан четлатишга ва давлат тузумига қарши бошқача тажовуз қилишга очикдан-очик даъват этишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишидан ҳимоя қилиш, урушни ва зўравонликни, шафқатсизликни тарғиб қилишни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоват уйғотишга қаратилган терроризм ва диний экстремизм ғояларини ёйишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишига қарши ҳаракатлар қилиш билан таъминланади. Шахснинг ахборот борасидаги хавфсизлиги унинг ахборотдан эркин фойдаланиши зарур шароитлари ва кафолатларини яратиш, шахсий ҳаётига тааллуқли сирларини сақлаш, ахборот воситасида қонунга ҳилоф равишда руҳий таъсир кўрсатилишидан ҳимоя қилиш йўли билан таъминланади. Жисмоний шахсларга тааллуқли шахсий маълумотлар махфий ахборот тоифасига киради. Жисмоний шахснинг розилигисиз унинг шахсий ҳаётига тааллуқли ахборотни, худди шунингдек шахсий ҳаётига тааллуқли сирини, ёзишмалар, телефондаги сўзлашувлар, почта, телеграф ва бошқа мулоқот сирларини бузувчи ахборотни тўплашга, сақлашга, қайта ишлашга, тарқатишга ва ундан фойдаланишга йўл қўйилмайди, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно. Жисмоний шахслар тўғрисидаги ахборотдан уларга моддий зарар ва маънавий зиён етказиш, шунингдек уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари рўёбга чиқарилишига тўсқинлик қилиш мақсадида фойдаланиш тақиқланади. Фуқаролар тўғрисида ахборот олувчи, бундай ахборотга эгалик қилувчи ҳамда ундан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахслар бу ахборотдан фойдаланиш тартибини бузганлик учун қонунда назарда тутилган тарзда жавобгар бўладилар. Ахборот манбаи ёки муаллиф номи фақат суд қарори билан ошкор этилиши мумкин¹¹⁹.

Бунда, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда аниқланган валюта намунаси қалбаки эканлигига шубҳа пайдо бўлганда, тезкор-қидирув тадбирлари давомийлигини таъминлаш зарурати юзага келганда, тезкорликни амалга ошириш ҳамда тегишли вақтни тежаш мақсадида мазкур модда (буюм) ёки валюта намуналарини улар аниқланган жойнинг ўзида ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар биносида экспресс текшириш техник воситалари ёрдамида текширади¹²⁰.

¹¹⁹ Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принципи ва кафолатлари тўғрисида” 2002 йил 12 декабрдаги 439-П-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹²⁰ Вазирлар Маҳкамасининг “Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг аналоглари, прекурсорлар, кучли таъсир қилувчи моддалар ҳамда валюта намуналарини экспресс текшириш жараёнида техник воситалардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2023 йил 12 январдаги 12-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

2. Кибержиноят асосий бевосита объекти – жамият ва жамоат хавфсизлиги, шу жумладан, кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар.

3. Кибержиноят қўшимча бевосита объекти – ахборот-коммуникация технологияларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар.

4. Кибержиноят факультатив бевосита объекти – ўзга шахс (лар) ва давлат, шу жумладан, шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни, кадр-қиммати, мулк дахлсизлиги, тинчлик ва инсоният хавфсизлиги, бошқарув тартиби ва бошқалар;

5. Кибержиноят субъекти – 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс.

6. Кибержиноят субъектив томони – қасддан.

7. Кибержиноят объектив томони – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ёки қонунга хилоф равишда ахборот-коммуникация тизимига кириб, кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни ўғрилик, фирибгарлик, ўзлаштириш, растрата қилиш ёхуд мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш, тамагирлик йўли билан эгаллаш орқали содир этилади.

8. Кибержиноят мақсади – моддий ёки (ва) номоддий манфаат, ғаразли ёки бошқа паст ниятлар, ўч олиш ва ҳк.

9. Кибержиноят воситаси (қуроли) – ахборот-коммуникация технологиялари.

10. Кибержиноятнинг зарурий белгилари:

1) қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги;
 2) қилмишнинг ҳуқуққа хилофлилиги;
 3) қилмишда айбнинг мавжудлиги;
 4) қилмишнинг жазога сазоворлиги;
 5) қилмишнинг кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларга боғлиқлиги;

6) қилмишнинг ўғрилик, фирибгарлик, ўзлаштириш, растрата қилиш ёхуд мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш, тамагирлик йўллари билан бири ёки бир нечтасида содир этилиши;

7) кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни ўғрилик, фирибгарлик, ўзлаштириш, растрата қилиш ёхуд мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш, тамагирлик йўли билан эгаллаш орқали содир этилиши;

8) алоқа;

9) ахборот;

10) кибермуҳит, шу жумладан, кибермакон;

11) ахборот-коммуникация технологиялари.

Ушбу белгиларнинг биронтаси мавжуд эмаслиги қилмишнинг кибержиноят эканлигини инкор этади.

11. Кибержиноятнинг тамомланиши –

1) кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддалардан ҳеч бўлмаганда биттасига нисбатан эгалик ҳуқуқи вужудга келган вақтдан;

2) кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни тасарруф этиш ҳуқуқи пайдо бўлган вақтдан;

3) кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддалар эгаллаб олинган вақтдан;

- 4) кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддалар ўзлаштирилган вақтдан;
- 5) кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни мустақил бошқариш ҳуқуқи ёки имтиёзи пайдо бўлган вақтдан бошлаб.

12. Кибержиноятнинг тузилишига кўра тури – моддий таркибли кибержиноятлар ҳам мавжуд.

13. Кибержиноятнинг ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра тури – ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган, оғир ва ўта оғир кибержиноят.

14. Жазо тизимига кўра тури – ижтимоий хавfli қилмиши учун Жиноят кодексида ахлоқ тузатиш ишлари, озодликни чеклаш, озодликни маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган кибержиноятлар.

15. Жиноят предмети – кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддалар, уларга боғлиқ матн, видео, аудио, мемлар, постлар, deepfake контент ва бошқа шаклдаги ахборот шунингдек, қуйидагилар ҳам жиноят предмети бўлиши мумкин:

1. Молиявий воситалар – нақдсиз пул, банк ўтказмалари, электрон ҳамёнлар орқали тўловлар (Payme, Click, PayPal, QIWI ва ҳ.к.), криптовалюта (Bitcoin, USDT, Ethereum ва бошқалар), онлайн тўлов тизимлари орқали маблағ, қимматли қоғозлар (акциялар, облигациялар), электрон сертификатлар, баланс тўлдириш (телефон, аккаунт, карта) ва ҳ.к.;

2. Рақамли активлар – лицензия калитлари (software key), онлайн сервис аккаунти, Premium обуна, домен номи, веб-сайтга эгалик, ижтимоий тармоқлардаги (Telegram, Instagram, YouTube ва бошқалар) каналлар ва гуруҳлар, NFT активлари, онлайн ўйин аккаунтлари, база маълумотлар, электрон контракт ҳуқуқи, NFTлар, ўйин ичидаги қимматбаҳо виртуал буюмлар (Skins, In-game currency) ва ҳ.к.;

3. Ахборот – махфий маълумот, тендер маълумотлари, мижозлар базаси, пароллар, давлат реестри маълумотлари, имтиёзли кириш ҳуқуқи, жумладан, тижорат ёки хизмат сири ҳисобланган маълумотларга имтиёзли кириш ҳуқуқини бериш, касб, хизмат сирлари, текширув натижаларини ўзгартириш ва ҳ.к.;

4. Номоддий манфаат – лавозимга тайинлаш, лойиҳада ғолиб қилиш, рейтингни ошириш, файлни ўчириб бериш, маъмурий, молиявий ёки жинойий жазодан қутқариш, солиқ ва бошқа тўловларни камайтириш, давлат ижтимоий буюртмасини бериш, рухсатнома чиқариш ва ҳ.к.;

5. Техника ва IT ресурслар – сервер ресурслари, хостинг, VPN кириш, Cloud аккаунт, дастур кодлари, дастурий таъминот лицензияси, API кириш ҳуқуқи, бқори қийматга эга бўлган тижорат дастурларига (масалан, киберхавфсизлик ёки дизайн дастурларига) умрбод ёки узоқ муддатли пуллик обуналарни олиб бериш ва ҳ.к.;

6. Аралаш шакллар – қимматбаҳо техника (ноутбук, смартфон ва ҳ.к.), онлайн орқали етказилган товар, электрон ваучер, крипто-ҳисоб очиш, тўловни учинчи шахс орқали амалга ошириш, жиноятчи учун бепул яратиб берилган веб-сайтлар, SMM хизматлари, пуллик дастурий таъминотларга лицензиялар ёки обуналар (Subscription), мансабдор шахс ёки унинг яқинлари

учун бепул сервер майдони (Hosting) ажратиб бериш ёки веб-сайт ишлаб чиқиб, уни тарғиб қилиш (SMM/SEO) хизматларини бепул кўрсатиш, хизматчининг ижтимоий тармоқлардаги саҳифасини пуллик тарғиб қилиш (Boost), онлайн курслар ёки пуллик веб-сервисларга обуналарни (Premium subscription) совға қилиш ва ҳк.

16. Кибержиноятни содир этишнинг энг кўп усуллари:

1) телекоммуникация ёки интернет тармоғида намоишкорона;
2) телекоммуникация ёки интернет тармоғида жойлаштириш орқали;
3) ахборот-коммуникация технологияларидан жиноят қуроли ёки воситаси сифатида фойдаланиш натижасида.

Ушбу жиноят қуйидаги шаклларда содир этилиши мумкин, хусусан:

1) киберўғрилиқ. Мисол учун, омбор бошқарув тизими (WMS) кириб, муайян миқдордаги заҳарли моддаларни инвентаризациядан чиқариш ёки йўқ қилинган деб кўрсатиб, реал моддани яширинча олиб чиқиб кетиш;

2) киберфирибгарлик. Мисол учун, сохта электрон рецептлар яратиш ёки тиббиёт ходими номидан “SSV-E-Xat” тизими орқали сохта талабнома юбориш ёки юқори турувчи ташкилотнинг расмий веб-сайтини клонлаб, дорихоналарга шошилиш равишда заҳарли моддаларни текширув учун топшириш ҳақида сохта хабарнома юбориш;

3) киберрастрата. Мисол учун, моддалар ишониб топширилган масъул шахс масалан, провизор ёки кимёгар томонидан электрон базада қолдиқларни сохталаштириш орқали моддани сотиб юбориши ёки ишлатилган кучли таъсир қилувчи моддаларнинг дозаларини электрон ҳисоботда атайлаб ошириб кўрсатиш масалан, 10 та ўрнига 20 та ишлатилди деб ёзиш ва қолган қисмини ноқонуний муомалага чиқариш;

3) кибертамағирлик (шантаж йўли билан талаб қилиш). Мисол учун, лабораториянинг ички маълумотларини (масалан, махфий формулаларни) ўғирлаб, уларни эълон қилмаслик эвазига маълум миқдордаги кучли таъсир қилувчи моддаларни талаб қилиш йўли билан содир этилиши мумкин.

Ушбу жиноятни фош этишда қуйидаги рақамли излар тўпланиши мумкин, хусусан:

1) тизим лог-файллари (Audit Logs). Мисол учун, электрон рецептлар базасида ким, қачон ва қайси IP-манзилдан ўзгартириш киритганлиги ҳақидаги ёзувлар;

2) электрон рақамли имзо (ЭРИ) метамаълумотлари. Мисол учун, агар фирибгарликда сохта ЭРИ ишлатилган бўлса, унинг яратилган вақти ва ишлатилган қурилмасининг MAC-манзили;

3) GPS ва геолокация. Мисол учун, тақиқланган моддаларни етказиб бериш (курьерлик) вақтида гумонланувчиларнинг мобил қурилмалари қолдирган ҳаракат йўналишлари;

4) транзакция излари. Мисол учун, Darknet орқали сотилган заҳарли моддалар учун криптовалюта (Bitcoin, Monero) ҳамёнлари ўртасидаги ўтказмалар;

5) браузер тарихи. Мисол учун, гумонланувчининг заҳарли моддаларнинг таъсири, уларни сақлаш тартиби ёки электрон базаларни бузиш усуллари (Exploits) қидирганлиги ҳақидаги маълумотлар.

Жиноятни фош этилиши учун қуйидаги экспертизалар ўтказилиши мумкин, хусусан:

1) суд-компьютер-техникавий экспертизаси фармацевтика компаниялари, кимёвий лабораториялар ёки тиббиёт муассасаларининг электрон омборхона тизимларига ҳакерлик хужуми (SQL-инъекция, брутфорс) уюштирилганлигини, масофавий бошқарув дастурлари орқали моддаларнинг ҳисобини бузиб кўрсатиш изларини, шунингдек, DarkNet платформалари ёки ёпиқ мессенжерлардаги ноқонуний савдо ва келишув изларини, ахборот тизимларига ноқонуний кириш (Hacking) ёки маълумотларни ўзгартириш фактларини, давлат дорихона базасига ким ва қайси усул билан рухсатсиз кириб, қолдиқларни камайтириб кўрсатганлигини;

2) суд-филологик (лингвистик) экспертизаси фирибгарлик ёки тамагирлик йўли билан заҳарли моддаларни эгаллаш мақсадида юборилган электрон хабарларни таҳлил қилиб, улардаги алдаш, ишончни суиистеъмол қилиш ёки мулкӣ йўсиндаги таҳдид ва қўрқитиш аломатларини;

3) суд-бухгалтерия экспертизаси ўзлаштириш ёки мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан заҳарли моддаларни эгаллашда электрон бухгалтерия (масалан, 1С ёки бошқа ERP тизимлари) ва рақамли инвентаризация хужжатларига киритилган сохта қайдларни ҳамда моддаларнинг тизимдаги ҳаракати ва реал мавжудлиги ўртасидаги тафовутларни;

4) суд-кимёвий экспертизаси (комплекс тадқиқот таркибида) ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида эгалланган ашёларнинг ҳақиқатан ҳам Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан белгиланган кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддалар рўйхатига киришини, уларнинг концентрацияси ва инсон соғлиғи учун хавфлилик, модданинг айнан кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддалар рўйхатига киришини, модданинг таркиби, концентрацияси ва инсон организмга таъсир даражасини;

5) хужжатларнинг суд-техникавий экспертизаси заҳарли моддаларни омборлардан олиб чиқиш ёки сотиб олиш учун ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида сохталаштирилган электрон рецептлар, лицензиялар, рақамли юкхатлар ва улардаги электрон рақамли имзоларнинг (ЭРИ) ҳақиқийлигини;

6) суд-иктисодий экспертизаси жиноятда кўп миқдор белгисини аниқлаш учун эгалланган моддаларнинг бозор қийматини, шунингдек, ушбу моддаларни фирибгарлик йўли билан сотиб олишда ишлатилган криптовалюта ўтказмалари ва аноним тўлов тизимларидаги транзакциялар занжирини;

7) видеоматериалларнинг суд экспертизаси заҳарли моддаларни жисмоний эгаллаш (ўғрилиқ, талончилик, босқинчилик) жараёни акс этган рақамли видеокузатув ёзувларининг ҳаққонийлигини, кадрлар кетма-

кетлигини ҳамда масофавий алоқа воситалари орқали жиноят иштирокчиларининг ҳаракатлари қандай мувофиқлаштирилганлигини;

8) суд-портрет экспертизаси заҳарли моддаларни эгаллашда иштирок этган шахсларнинг рақамли тасвирлардаги (кузатув камералари ёки ижтимоий тармоқлардаги фотолар) юз қиёфасини;

9) суд-психологик экспертизаси тамагирлик ёки босқинчилик вақтида ахборот-коммуникация технологиялари орқали руҳий босимга учраган жабрланувчининг ҳолатини, шунингдек, заҳарли моддаларни эгаллашда иштирок этган уюшган гуруҳ аъзоларининг иерархик боғлиқлигини ва жиноий ниятнинг барқарорлигини аниқлайди.

1.10-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган кучли таъсир қилувчи моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш ёки бундай моддаларни ёхуд заҳарли моддаларни қонунга ҳилоф равишда муомалага киритиш жиноятининг юридик-техник таҳлили

251¹-модда. Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган кучли таъсир қилувчи моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида тайёрлаш, худди шунингдек уларни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш, шу жумладан оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг бир юз эллик бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд бир йилдан икки йилгача озодликни чеклаш ёки бир йилдан икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар мактабгача таълим ташкилотлари, ўқув юртлари ҳудудида ва талабаларнинг (ўқувчиларнинг) ётоқхоналарида, болалар соғломлаштириш оромгоҳларида ёки талабалар (ўқувчилар) томонидан ўқув, спорт ёки жамоат тадбирларини ўтказиш учун фойдаланиладиган бошқа жойларда, шунингдек уларга туташ ҳудудларда содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан беш юз бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилдан икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд икки йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган кучли таъсир қилувчи ёхуд заҳарли моддаларни ўтказиш мақсадида қонунга ҳилоф равишда тайёрлаш, қайта ишлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш, худди шунингдек уларни қонунга ҳилоф равишда ўтказиш ёхуд уларни ўтказиш мақсадида тайёрлаш ёхуд қайта ишлаш учун асбоб-ускуналарни тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш, жўнатиш ёки ўтказиш, –

икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар такроран ёки бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, –

беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар уюшган гуруҳ томонидан ёки кўп миқдорда содир этилган бўлса, –
етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни ишлаб чиқариш, олиш, сақлаш, ҳисобга олиш, бериш, ташиш ёхуд жўнатиш қоидаларини бузиш, агар бу эҳтиётсизлик орқасида уларнинг ўғирланишига ёки бошқа тарзда жиддий зарар етказилишига олиб келган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Муҳофаза қилинадиган норма – Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан, ахборотни излаш, олиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқни чеклашга фақат қонунга мувофиқ ҳамда фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлиғини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш, шунингдек давлат сирлари ёки қонун билан кўриқланадиган бошқа сир ошкор этилишининг олдини олиш мақсадида зарур бўлган доирада йўл қўйилади. Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган органлар томонидангина амалга оширилади. Инсоннинг шаъни ва кадр-қиммати дахлсиздир. Ҳеч нарса уларни камситиш учун асос бўлиши мумкин эмас. Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки инсон кадр-қимматини камситувчи муомалага ёхуд жазога дучор этилиши мумкин эмас. Ҳеч ким расмий эълон қилинмаган қонун асосида ҳукм қилиниши, жазога тортилиши, мол-мулкидан ёки бирон-бир ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикасида барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жихатдан ҳимоя қилиниши таъминланади. Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Ўзбекистон Республикасида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига биноан ҳамда ушбу Конституцияга мувофиқ эътироф этилади ва кафолатланади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегишли бўлади. Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа инсонларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар. Инсоннинг шаъни ва кадр-қиммати дахлсиздир. Инсоннинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки

уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. Ҳар бир инсон ўз шахсини эркин камол топтириш ҳуқуқига эга. Ҳеч кимга унинг розилигисиз қонунчиликда белгиланмаган мажбурият юклатилиши мумкин эмас. Инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, жамият ҳамда давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги шарт¹²¹.

Қонунчиликка кўра, фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари иштирокчиларининг ҳалол, оқилона ва адолат билан ҳаракат қилиши назарда тутилади. Фуқаролар ва юридик шахсларнинг бошқа шахсга зарар етказишга, бошқача шаклларда ҳуқуқни суиистеъмол қилишга, шунингдек ҳуқуқни унинг мақсадига зид тарзда амалга оширишга қаратилган ҳаракатларига йўл қўйилмайди¹²².

Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар аналогларининг муомалада бўлиши тақиқланади. I рўйхатга киритилган гиёҳвандлик воситаларининг муомалада бўлишига йўл қўйилмайди. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни бериш, реализация қилиш ва тақсимлаш махсус ваколатли орган белгилаган тартибда, юридик шахслар томонидан, мазкур фаолият турлари учун лицензиялари бўлган тақдирда амалга оширилади. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлардан уларни назорат остида етказиб бериш ва назорат остида олиш, бошқа тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш учун фойдаланиш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади. II, III ва IV рўйхатларга киритилган Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни жисмоний шахсларга тиббий мақсадларда бериш бундай фаолият тури учун лицензиялари бўлган дорихоналар ва даволаш-профилактика муассасаларида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасида назоратга олинadиган гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар қуйидаги рўйхатларга киритилади:

Муомалада бўлиши Ўзбекистон Республикасида тақиқланган гиёҳвандлик воситалари рўйхати (бундан буён матнда I рўйхат деб юритилади);

Муомалада бўлиши Ўзбекистон Республикасида чекланган гиёҳвандлик воситалари рўйхати (бундан буён матнда II рўйхат деб юритилади);

Муомалада бўлиши Ўзбекистон Республикасида чекланган психотроп моддалар рўйхати (бундан буён матнда III рўйхат деб юритилади);

Муомалада бўлиши Ўзбекистон Республикасида чекланган прекурсорлар рўйхати (бундан буён матнда IV рўйхат деб юритилади).

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар рўйхатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда тасдиқланади ва матбуотда эълон қилинади.

¹²¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹²² Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар тарғиботи, яъни Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни ишлаб чиқиш, тайёрлаш ва улардан фойдаланиш усуллари, услублари тўғрисидаги, уларни олиш жойлари ҳақидаги маълумотларни тарқатишга қаратилган фаолият тақиқланади.

II ва III рўйхатларга киритилган гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар рекламаси фақат тиббиёт ва фармацевтика ходимларига мўлжалланган ихтисослашган босма нашрлардагина амалга оширилиши мумкин. Таркибида Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалари бўлган дори воситаларининг намуналарини реклама мақсадларида тарқатиш тақиқланади¹²³.

Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёхуд психотроп моддалар ҳисобланмайдиган кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни (бундан буён матнда кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддалар деб юритилади) қонунга хилоф равишда муомалага киритиш билан боғлиқ жиноят ишларини кўриб чиқишда, судлар жиноят ва жиноят-процессуал қонунлари билан бир қаторда қуйидагиларга амал қилишлари лозим:

Ўзбекистон Республикасининг “Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида”ги Қонунига;

Ўзбекистон Республикасининг “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги Қонунига;

Кучли таъсир қилувчи моддалар рўйхатига (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 сентябрдаги 818-сонли қарорига 1-илова);

Яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва реализация қилиш фаолияти лицензияланиши шарт бўлган портловчи ва заҳарли моддалар, уларни қўллаган ҳолда материаллар ва маҳсулотлар, шунингдек, портлатиш воситалари рўйхатига (Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 2 октябрдаги 782-сонли қарорига 1-илова);

Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 12 ноябрдаги 330-сонли қарори билан тасдиқланган қуйидаги рўйхатларга:

Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиши тақиқланган гиёҳвандлик воситаларининг рўйхати (I рўйхат);

Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиши чекланган гиёҳвандлик воситаларининг рўйхати (II рўйхат);

Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиши чекланган психотроп моддаларнинг рўйхати (III рўйхат);

Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиши чекланган прекурсорларнинг рўйхати (IV рўйхат).

кучли таъсир қилувчи ёхуд заҳарли моддаларни кўп миқдорни ташкил қилмайдиган миқдорда ўтказиш мақсадида қонунга хилоф равишда тайёрлаш, қайта ишлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш, худди шунингдек, уларни

¹²³ Ўзбекистон Республикасининг “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида” 1999 йил 19 августдаги 813-I-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

қонунга ҳилоф равишда ўтказиш учун айбдорлар ҳар қандай ҳолларда ЖК 251¹-моддасининг биринчи қисми билан жиноий жавобгарликка тортилади.

Агар мазкур ҳаракатлар айбни оғирлаштирувчи ҳолатларда – тақроран, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, уюшган гуруҳ томонидан ёхуд кўп миқдорда содир этилган бўлса, қилмиш тегишли равишда ЖК 251¹-моддасининг иккинчи ёки учинчи қисми бўйича квалификация қилиниши лозим.

Кучли таъсир қилувчи ёхуд заҳарли моддаларни қонунга ҳилоф равишда муомалага киритиш билан боғлиқ жиноят таркиби формал бўлганлиги сабабли, мазкур жиноят қонунида кўрсатилган ҳаракатлардан бири содир этилган вақтдан бошлаб тамомланган деб ҳисобланади.

Кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан қонунга ҳилоф равишда ўтказиш йўли билан ташиш ёки жўнатиш ЖК 246 ва 251¹-моддалари мажмуи билан квалификация қилиниши лозим.

Таркибида кучли таъсир қилувчи моддалар мавжуд бўлган дори воситаларини бунга рухсатномаси (лицензияси) бўлмаган дорихоналарда реализация қилиш кучли таъсир қилувчи моддаларни қонунга ҳилоф равишда ўтказиш сифатида баҳоланиши ва ЖК 251¹-моддасининг тегишли қисми билан квалификация қилиниши лозим.

Таркибида кучли таъсир қилувчи моддалар мавжуд бўлган дори воситаларини бериш учун мўлжалланган рецептни уларни шахсан истеъмол қилиш мақсадида қалбакилаштириш ЖК 228-моддаси билан, рецепт бундай воситаларни ўтказиш мақсадида қалбакилаштирилганда эса, ЖК 228 ва 251¹-моддалари мажмуи билан квалификация қилиниши лозим.

Кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни ишлаб чиқариш, олиш, сақлаш, ҳисобга олиш, бериш, ташиш ёхуд жўнатиш қоидаларини бузиш (ЖК 251¹-моддасининг тўртинчи қисми) одамнинг узоқ муддат давомида касалланиши, атроф-муҳитнинг заҳарли моддалар билан ифлосланиши ва ҳк.ларда ифодаланиши мумкин¹²⁴.

Гиёҳвандлик воситалари ҳамда валюта намуналарини экспресс текширадиган замонавий техник воситалар заруратга кўра, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан белгиланган тартибда харид қилинади ва ундан Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 12 январдаги 12-сон қарори билан тасдиқланган “Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг аналоглари, прекурсорлар, кучли таъсир қилувчи моддалар ҳамда валюта намуналарини экспресс текшириш жараёнида техник воситалардан

¹²⁴ Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг “Кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга ҳилоф равишда муомалага киритиш билан боғлиқ жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 2021 йил 27 ноябрдаги 33-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосан фойдаланишга йўл қўйилади¹²⁵.

Дори воситаларини ва тиббий буюмларни (офтальмология тиббий буюмларидан ташқари) чакана реализация қилиш фақат дорихоналар ҳамда уларнинг филиаллари томонидан амалга оширилади.

Дори воситаларини чакана реализация қилиш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган шаклдаги рецептлар бўйича ёки рецептсиз амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган ёки дорихоналар томонидан тайёрланган дори воситаларини ва тиббий буюмларни чакана реализация қилишга рухсат берилади.

Сифатсиз, қалбакилаштирилган, Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилмаган дори воситаларини ва тиббий буюмларни, шунингдек Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган дори воситаларининг ғайриқонуний нусхаларини харид қилиш, чакана реализация қилиш ҳамда улардан фойдаланиш тақиқланади¹²⁶.

Тарқатилиши қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа ахборотни тайёрлаш ва (ёки) тарқатишга йўл қўйилмайди¹²⁷.

Оператор, провайдер, дилер ва эшиттирувчилар телекоммуникациялар тармоқларида ахборот ва киберхавфсизликни таъминлашда ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш соҳасида қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиши, жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Wi-Fi хизмати ташкилотчиси оператор ёки провайдер билан биргаликда, ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Оператор ва провайдерлар телекоммуникациялар хизматларини кўрсатишда ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши шарт. Телевидение тармоқлари орқали қонунчилик билан тақиқланган маълумотларни тарқатишга йўл қўйилмайди. Абонентлар ва фойдаланувчилар телекоммуникациялар ёрдамида тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотни тарқатмасликка мажбур¹²⁸.

¹²⁵ Вазирлар Маҳкамасининг “Тезкор-кидирув тадбирларини ўтказишда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг аналоглари, прекурсорлар, кучли таъсир қилувчи моддалар ҳамда валюта намуналарини экспресс текшириш жараёнида техник воситалардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2023 йил 12 январдаги 12-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹²⁶ Ўзбекистон Республикасининг “Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида” 2016 йил 4 январдаги ЎРҚ–399-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹²⁷ Ўзбекистон Республикасининг “Ноширлик фаолияти тўғрисида” 2021 йил 26 ноябрдаги ЎРҚ–731-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹²⁸ Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 6 январдаги 287-мх-сон буйруғи (26.01.2026 й., рўй.: 3762) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар давлат сирлари ҳамда махфий сирлар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган ахборот ресурслари ва ахборот тизимларининг муҳофаза қилинишини таъминлаши шарт. Сунъий интеллектдан фойдаланиб яратилган ахборот ресурслари ҳамда сунъий интеллект технологиялари асосида ишлайдиган ахборот тизимлари инсонга, унинг ҳаётига, соғлиғига, эркинлигига, шаънига, кадр-қимматига путур етказмаслиги ва унинг бошқа ажралмас ҳуқуқларини бузмаслиги шарт. Веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурсининг эгаси, шу жумладан блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифасидан ёхуд бошқа ахборот ресурсидан гиёҳвандлик воситаларини, психотроп моддаларни ва прекурсорларни тарғиб қилиш, қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган ўзга ҳаракатларни содир этиш мақсадларида фойдаланилишига йўл қўймаслиги шарт¹²⁹.

Сунъий интеллект технология ва тизимларини ишлаб чиқувчи ва жорий этувчилар Этика қоидаларига амал қилиши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги алгоритмларнинг шаффоф ва тушунарли бўлишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги эҳтимолий тарафкашликни олдини олиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларининг имкониятлари, чекловлари ва эҳтимолий хавфлари ҳақида очиқ маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчиларни улардан фойдаланиш қоидалари билан таништириш, улардан қандай мақсадда фойдаланиш мумкинлиги ёки тақиқланиши, шунингдек сунъий интеллектга асосланган ечимлар ёки қарорлар доим тўғри бўлмаслиги ҳамда уларнинг натижаларидан тавсиявий ёки маълумот учун фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимлари дастурий таъминоти хавфсизлигини таъминлаши, Этика қоидаларини инобатга олган ҳолда сунъий интеллект технология ва тизимларини доимий равишда такомиллаштириб бориши, сунъий интеллект технология ва тизимлари инсон назорати остида бўлишини ҳамда инсон томонидан қайта кўриб чиқилиши, шунингдек якуний қарор инсон томонидан қабул қилинишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан қонунчиликка зид бўлган ёки шахс, жамият, давлат ва атроф табиий-муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган мақсадларда фойдаланмаслиги, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчилар учун сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қўлланмасини ишлаб чиқиш ва жойлаштириши шарт. Сунъий интеллект тизимларидан фойдаланувчилар сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қоидалари ва шартларига риоя қилиши, сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан тўғри фойдаланиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини

¹²⁹ Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги 560-П-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

таъминлаши, бошқа фойдаланувчиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини бузмаслик, Этика қоидаларига амал қилиши, шахс, жамият ва давлат манфаатларига ҳамда атроф-табiiй муҳитга зарар етказмаслиги лозим¹³⁰.

Давлат органлари ва ташкилотлари ўз тасарруфидаги ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини, тармоқлар ишининг барқарорлигини таъминлаши, шунингдек киберхавфсизлик бўйича ўз мажбуриятларини бажариши, ваколатли давлат органини киберхужумлар тўғрисида огоҳлантириши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида сақланаётган маълумотларнинг ўғирланиши ҳамда қалбакилаштирилиши ҳолатларининг олдини олиш чораларини кўриши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларини киберҳимоя қилиш учун сертификатлаштирилган аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий таъминотдан фойдаланиши, киберхавфсизлик соҳасида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ваколатли давлат органи билан келишиши шарт. Киберхавфсизлик субъектлари ахборот тизимлари ва ресурсларидаги маълумотларнинг қонунга хилоф равишда тарқатилиши, ўғирланиши, йўқолиши, яхлитлигининг бузилиши, блокраниши ва қалбакилаштирилишининг, шунингдек ахборот тизимлари ва ресурсларига рухсатсиз киришнинг бошқа кўринишларининг олдини олиши, бундай ҳоллар аниқланганда ўз вақтида тегишли чоралар кўриши, ахборот тизимлари ва ресурсларига кириш тартиби бузилганда ҳамда уларга рухсатсиз кириш натижасида ушбу тизимлар ҳамда ресурслар ўзгартирилган ёки йўқ қилинган тақдирда салбий оқибатларни камайтириш мақсадида уларни тезкорлик билан тиклаш чораларини кўриши, содир бўлган киберхавфсизлик ҳодисалари ва кибержиноятлар тўғрисида ваколатли давлат органини хабардор қилиши, ушбу ҳодисаларни тўлиқ фош этиш учун тегишли рақамли изларнинг йўқолишига йўл қўймаслик чораларини кўриши, шунингдек киберхавфсизлик ҳодисаларини таҳлил қилиш ва кибержиноятларни текшириш учун зарур бўлган маълумотларнинг доимий сақланишини таъминлаши, киберхавфсизлик объектларини муҳофаза қилиш ва уларнинг хавфсиз ишлаши мониторингини ўтказиш соҳасидаги маълумотларни ваколатли давлат органи билан ўзаро алмашишни амалга ошириши, ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберҳимоясини таъминлашда ваколатли давлат органи томонидан белгиланган киберхавфсизлик талабларига риоя этиши, киберхавфсизлик ҳодисаларига нисбатан чоралар кўриш механизмларининг ишлаб туришини ва киберхавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг ишлашини таъминлаши, улар мавжуд бўлмаган тақдирда эса ваколатли давлат органининг рухсати билан аутсорсинг хизматларидан белгиланган тартибда фойдаланиши, ваколатли давлат органига киберхавфсизликни таъминлаш мониторингининг ташкилий-техник тадбирларини амалга ошириш учун

¹³⁰ Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 24 февралдаги 284-мх-сон буйруғи (14.03.2026 й., рўй.: 3787) билан тасдиқланган Сунъий интеллектга асосланган ечимларни яратиш, жорий қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича этика қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

мониторинг тизимларига ва (ёки) киберхавфсизлик объектларига кириш ҳукуқини бериши шарт¹³¹.

Давлат фуқаролик хизматчиси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига риоя этиши, ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажариши, давлат органи томонидан белгиланган одоб-ахлоқ қоидаларига, хизматга оид ахборот билан ишлаш тартибига, шунингдек давлат фуқаролик хизматини ўташ билан боғлиқ бошқа қоидаларга риоя этиши, давлат органининг нуфузини туширишга олиб келиши ёки унинг ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажаришига шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳаракатлардан (ҳаракатсизликдан), шу жумладан ўз хизмат мажбуриятларини бажараётганда ҳар қандай шаклдаги камситишдан, ноҳолисликдан ёки кимгадир нисбатан алоҳида муносабатда бўлишдан тийилиши шарт¹³².

Ушбу нормаларнинг бузилиши натижасида мазкур жиноят вужудга келади.

Бунда, давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлиги ахборот соҳасидаги хавфсизликка таҳдидларга қарши ҳаракатлар юзасидан иқтисодий, сиёсий, ташкилий ва бошқа тусдаги чора-тадбирларни амалга ошириш, давлат сирларини сақлаш ва давлат ахборот ресурсларини улардан рухсатсиз тарзда фойдаланилишидан муҳофаза қилиш, Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ахборот маконига ва замонавий телекоммуникациялар тизимларига интеграциялашуви, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартиришга, ҳудудий яхлитлигини, суверенитетини бузишга, ҳокимиятни босиб олишга ёки қонуний равишда сайлаб қўйилган ёхуд тайинланган ҳокимият вакиллари ҳокимиятдан четлатишга ва давлат тузумига қарши бошқача тажовуз қилишга очикдан-очик даъват этишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишидан ҳимоя қилиш, урушни ва зўравонликни, шафқатсизликни тарғиб қилишни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоват уйғотишга қаратилган терроризм ва диний экстремизм ғояларини ёйишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишига қарши ҳаракатлар қилиш билан таъминланади. Шахснинг ахборот борасидаги хавфсизлиги унинг ахборотдан эркин фойдаланиши зарур шароитлари ва кафолатларини яратиш, шахсий ҳаётига тааллуқли сирларини сақлаш, ахборот воситасида қонунга ҳилоф равишда руҳий таъсир кўрсатилишидан ҳимоя қилиш йўли билан таъминланади. Жисмоний шахсларга тааллуқли шахсий маълумотлар махфий ахборот тоифасига киради. Жисмоний шахснинг розилигисиз унинг шахсий ҳаётига тааллуқли ахборотни, худди шунингдек шахсий ҳаётига тааллуқли сирини, ёзишмалар, телефондаги сўзлашувлар, почта, телеграф ва бошқа мулоқот сирларини бузувчи ахборотни тўплашга, сақлашга, қайта ишлашга, тарқатишга ва ундан фойдаланишга йўл қўйилмайди, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно. Жисмоний шахслар тўғрисидаги ахборотдан уларга моддий зарар ва маънавий зиён етказиш, шунингдек

¹³¹ Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹³² Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида” 2022 йил 8 августдаги ЎРҚ–788-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари рўёбга чиқарилишига тўсқинлик қилиш мақсадида фойдаланиш тақиқланади. Фуқаролар тўғрисида ахборот олувчи, бундай ахборотга эгалик қилувчи ҳамда ундан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахслар бу ахборотдан фойдаланиш тартибини бузганлик учун қонунда назарда тутилган тарзда жавобгар бўладилар. Ахборот манбаи ёки муаллиф номи фақат суд қарори билан ошкор этилиши мумкин¹³³.

Бунда, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда аниқланган валюта намунаси қалбаки эканлигига шубҳа пайдо бўлганда, тезкор-қидирув тадбирлари давомийлигини таъминлаш зарурати юзага келганда, тезкорликни амалга ошириш ҳамда тегишли вақтни тежаш мақсадида мазкур модда (буюм) ёки валюта намуналарини улар аниқланган жойнинг ўзида ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар биносида экспресс текшириш техник воситалари ёрдамида текширади¹³⁴.

2. Кибержиноят асосий бевосита объекти – жамият ва жамоат хавфсизлиги, шу жумладан, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган кучли таъсир қилувчи моддаларнинг қонуний муомаласи.

3. Кибержиноят қўшимча бевосита объекти – ахборот-коммуникация технологияларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар.

4. Кибержиноят факультатив бевосита объекти – ўзга шахс (лар) ва давлат, шу жумладан, шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни, кадр-қиммати, мулк дахлсизлиги, тинчлик ва инсоният хавфсизлиги, бошқарув тартиби ва бошқалар;

5. Кибержиноят субъекти – 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс.

6. Кибержиноят субъектив томони – қасддан.

7. Кибержиноят объектив томони – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ёки қонунга хилоф равишда ахборот-коммуникация тизимига кириб, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган кучли таъсир қилувчи моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида тайёрлаш, худди шунингдек уларни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган кучли таъсир қилувчи ёхуд заҳарли моддаларни ўтказиш мақсадида қонунга хилоф равишда тайёрлаш, қайта ишлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш, худди шунингдек уларни қонунга хилоф равишда ўтказиш ёхуд уларни ўтказиш мақсадида тайёрлаш ёхуд қайта ишлаш

¹³³ Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принципи ва кафолатлари тўғрисида” 2002 йил 12 декабрдаги 439-П-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹³⁴ Вазирлар Маҳкамасининг “Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг аналоглари, прекурсорлар, кучли таъсир қилувчи моддалар ҳамда валюта намуналарини экспресс текшириш жараёнида техник воситалардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида” 2023 йил 12 январдаги 12-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

учун асбоб-ускуналарни тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш, жўнатиш ёки ўтказиш орқали содир этилади.

8. Кибержиноят мақсади – гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган кучли таъсир қилувчи моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намоёиш этиш, ўтказиш, моддий ёки (ва) номоддий манфаат, ғаразли ёки бошқа паст ниятлар, ўч олиш ва ҳк.

9. Кибержиноят воситаси (қуроли) – ахборот-коммуникация технологиялари.

10. Кибержиноятнинг зарурий белгилари:

- 1) қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги;
- 2) қилмишнинг ҳуқуққа хилофлилиги;
- 3) қилмишда айбнинг мавжудлиги;
- 4) қилмишнинг жазога сазоворлиги;
- 5) қилмишнинг гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган кучли таъсир қилувчи моддаларга боғлиқлиги;

6) гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган кучли таъсир қилувчи моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намоёиш этиш мақсадида тайёрлаш, худди шунингдек уларни тарқатиш, реклама қилиш, намоёиш этиш, шу жумладан оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида тарқатиш, реклама қилиш, намоёиш этиш қилмишининг олдин бир йил ичида маъмурий жазо қўлланилганидан кейин ушбу ҳаракатни содир этиши;

7) қилмишнинг гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган кучли таъсир қилувчи моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намоёиш этиш мақсадида тайёрлаш, худди шунингдек уларни тарқатиш, реклама қилиш, намоёиш этиш, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган кучли таъсир қилувчи ёхуд захарли моддаларни ўтказиш мақсадида қонунга хилоф равишда тайёрлаш, қайта ишлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш, худди шунингдек уларни қонунга хилоф равишда ўтказиш ёхуд уларни ўтказиш мақсадида тайёрлаш ёхуд қайта ишлаш учун асбоб-ускуналарни тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш, жўнатиш ёки ўтказиш орқали содир этилиши;

8) алоқа;

9) ахборот;

10) кибермуҳит, шу жумладан, кибермакон;

11) ахборот-коммуникация технологиялари.

Ушбу белгиларнинг биронтаси мавжуд эмаслиги қилмишнинг кибержиноят эканлигини инкор этади.

11. Кибержиноятнинг тамомланиши –

1) гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган кучли таъсир қилувчи моддаларни тарғиб

қилувчи маҳсулот телекоммуникация тармоқ тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида тайёрланган вақтдан;

2) гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган кучли таъсир қилувчи моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулот телекоммуникация тармоқ тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида тарқатилган вақтдан;

3) гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган кучли таъсир қилувчи моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулот телекоммуникация тармоқ тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида телекоммуникация тармоғига ёки булутли технологияларга жойлаштирилган ва ундан учинчи шахсдан биронтаси хабар топган вақтдан;

4) гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган кучли таъсир қилувчи моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулот телекоммуникация тармоқ тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида телекоммуникация тармоғи орқали ошкор этилган вақтдан;

5) гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган кучли таъсир қилувчи моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулот телекоммуникация тармоқ тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида телекоммуникация тармоғи орқали намойиш этилган вақтдан;

6) гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган кучли таъсир қилувчи моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулот телекоммуникация тармоқ тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида телекоммуникация тармоғи орқали реклама қилинган вақтдан;

7) гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган кучли таъсир қилувчи моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулот телекоммуникация тармоқ тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида телекоммуникация тармоғи орқали узатилган вақтдан;

8) гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган кучли таъсир қилувчи ёхуд заҳарли моддаларни ўтказиш мақсадида қонунга ҳилоф равишда тайёрлаш, қайта ишлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш, худди шунингдек уларни қонунга ҳилоф равишда ўтказиш ёхуд уларни ўтказиш мақсадида тайёрлаган вақтдан;

9) гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган кучли таъсир қилувчи ёхуд заҳарли моддаларни қайта ишлаш учун асбоб-ускуналарни тайёрлаган вақтдан;

10) гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган кучли таъсир қилувчи ёхуд заҳарли моддаларни қайта ишлаш учун асбоб-ускуналарни олган вақтдан;

11) гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган кучли таъсир қилувчи ёхуд заҳарли моддаларни қайта ишлаш учун асбоб-ускуналарни сақлаган вақтдан;

12) гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган кучли таъсир қилувчи ёхуд заҳарли моддаларни қайта ишлаш учун асбоб-ускуналарни сақлаган вақтдан;

13) гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган кучли таъсир қилувчи ёхуд заҳарли моддаларни қайта ишлаш учун асбоб-ускуналарни ташиган вақтдан;

14) гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган кучли таъсир қилувчи ёхуд заҳарли моддаларни қайта ишлаш учун асбоб-ускуналарни жўнатган вақтдан;

15) гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган кучли таъсир қилувчи ёхуд заҳарли моддаларни қайта ишлаш учун асбоб-ускуналарни ўтказган вақтдан;

16) гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган кучли таъсир қилувчи ёхуд заҳарли моддаларни ўтказиш мақсадида қонунга ҳилоф равишда тайёрлаш, қайта ишлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш, худди шунингдек уларни қонунга ҳилоф равишда ўтказиш ёхуд уларни ўтказиш мақсадида олган вақтдан;

17) гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган кучли таъсир қилувчи ёхуд заҳарли моддаларни ўтказиш мақсадида қонунга ҳилоф равишда тайёрлаш, қайта ишлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш, худди шунингдек уларни қонунга ҳилоф равишда ўтказиш ёхуд уларни ўтказиш мақсадида ўтказган вақтдан;

18) гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган кучли таъсир қилувчи ёхуд заҳарли моддаларни ўтказиш мақсадида қонунга ҳилоф равишда тайёрлаш, қайта ишлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш, худди шунингдек уларни қонунга ҳилоф равишда ўтказиш ёхуд уларни ўтказиш мақсадида сақлаган вақтдан;

19) гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган кучли таъсир қилувчи ёхуд заҳарли моддаларни ўтказиш мақсадида қонунга ҳилоф равишда тайёрлаш, қайта ишлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш, худди шунингдек уларни қонунга ҳилоф равишда ўтказиш ёхуд уларни ўтказиш мақсадида ташиган вақтдан;

20) гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган кучли таъсир қилувчи ёхуд заҳарли моддаларни ўтказиш мақсадида қонунга ҳилоф равишда тайёрлаш, қайта ишлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш, худди шунингдек уларни қонунга ҳилоф равишда ўтказиш ёхуд уларни ўтказиш мақсадида жўнатган вақтдан бошлаб.

12. Кибержиноятнинг тузилишига кўра тури – аралаш таркибли кибержиноятлар ҳам мавжуд.

13. Кибержиноятнинг ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра тури – ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган, оғир кибержиноят.

14. Жазо тизимига кўра тури – ижтимоий хавфли қилмиши учун Жиноят кодексида жарима, мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари, озодликни чеклаш, озодликни маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган кибержиноятлар.

15. Жиноят предмети – гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган кучли таъсир қилувчи ёхуд захарли моддалар, уларга боғлиқ матн, видео, аудио, мемлар, постлар, deepfake контент ва бошқа шаклдаги ахборот шунингдек, қуйидагилар ҳам жиноят предмети бўлиши мумкин:

1. Молиявий воситалар – нақдсиз пул, банк ўтказмалари, электрон ҳамёнлар орқали тўловлар (Payme, Click, PayPal, QIWI ва ҳ.к.), криптовалюта (Bitcoin, USDT, Ethereum ва бошқалар), онлайн тўлов тизимлари орқали маблағ, қимматли қоғозлар (акциялар, облигациялар), электрон сертификатлар, баланс тўлдириш (телефон, аккаунт, карта) ва ҳ.к.;

2. Рақамли активлар – лицензия калитлари (software key), онлайн сервис аккаунти, Premium обуна, домен номи, веб-сайтга эгалик, ижтимоий тармоқлардаги (Telegram, Instagram, YouTube ва бошқалар) каналлар ва гуруҳлар, NFT активлари, онлайн ўйин аккаунтлари, база маълумотлар, электрон контракт ҳуқуқи, NFTлар, ўйин ичидаги қимматбаҳо виртуал буюмлар (Skins, In-game currency) ва ҳ.к.;

3. Ахборот – махфий маълумот, тендер маълумотлари, миқдорлар базаси, пароллар, давлат реестри маълумотлари, имтиёзли кириш ҳуқуқи, жумладан, тижорат ёки хизмат сири ҳисобланган маълумотларга имтиёзли кириш ҳуқуқини бериш, касб, хизмат сирлари, текширув натижаларини ўзгартириш ва ҳ.к.;

4. Номоддий манфаат – лавозимга тайинлаш, лойиҳада ғолиб қилиш, рейтингни ошириш, файлни ўчириб бериш, маъмурий, молиявий ёки жиноий жазодан қутқариш, солиқ ва бошқа тўловларни камайтириш, давлат ижтимоий буюртмасини бериш, рухсатнома чиқариш ва ҳ.к.;

5. Техника ва IT ресурслар – сервер ресурслари, хостинг, VPN кириш, Cloud аккаунт, дастур кодлари, дастурий таъминот лицензияси, API кириш ҳуқуқи, бқори қийматга эга бўлган тижорат дастурларига (масалан, киберхавфсизлик ёки дизайн дастурларига) умрбод ёки узоқ муддатли пуллик обуналарни олиб бериш ва ҳ.к.;

6. Аралаш шакллар – қимматбаҳо техника (ноутбук, смартфон ва ҳ.к.), онлайн орқали етказилган товар, электрон ваучер, крипто-ҳисоб очиш, тўловни учинчи шахс орқали амалга ошириш, жиноятчи учун бепул яратиб берилган веб-сайтлар, SMM хизматлари, пуллик дастурий таъминотларга лицензиялар ёки обуналар (Subscription), мансабдор шахс ёки унинг яқинлари учун бепул сервер майдони (Hosting) ажратиб бериш ёки веб-сайт ишлаб чиқиб, уни тарғиб қилиш (SMM/SEO) хизматларини бепул кўрсатиш, хизматчининг ижтимоий тармоқлардаги саҳифасини пуллик тарғиб қилиш (Boost), онлайн курслар ёки пуллик веб-сервисларга обуналарни (Premium subscription) совға қилиш ва ҳ.к.

16. Кибержиноятни содир этишнинг энг кўп усуллари:

- 1) телекоммуникация ёки интернет тармоғида намоёишкорона;
- 2) телекоммуникация ёки интернет тармоғида жойлаштириш орқали;
- 3) ахборот-коммуникация технологияларидан жиноят қуроли ёки воситаси сифатида фойдаланиш натижасида.

Ушбу жиноят қуйидаги шаклларда содир этилиши мумкин, хусусан:

1) тарғиботнинг гео-таргет усули. Мисол учун, жиноятчилар Telegram ёки Instagram орқали реклама беришда алгоритмларни айнан университетлар, талабалар ётоқхоналари ва мактаблар жойлашган локацияларга (радиус 1-2 км) сошлаш (Geotargeted Ads);

2) “закладка” (хуфия жойлаш) тизими. Мисол учун, сотувчи моддани хуфия жойга (дарахт тагига, подъездга) яшириб, унинг координаталарини ва суратини харидорга Telegram орқали жўнатиш;

3) Drop-shipping ва почта сервислари. Мисол учун, кучли таъсир қилувчи моддаларни легал косметик воситалар ёки биологик фаол қўшимчалар (БАД) қутиларига жойлаб, Yandex Go, BTS ёки Fargo каби курьерлик хизматлари орқали жўнатиш ва ташиш;

4) таргетланган реклама (Targeted Ads). Мисол учун, кучли таъсир қилувчи моддалар масалан, фармацевтик прекурсорлар, аптека гиёҳвандлиги воситалари ҳақидаги яширин рекламаларни Facebook, Instagram Ads ёки Telegram Ads орқали маълум бир ёшдаги фойдаланувчиларга йўналтириш, жиноятчилар гео-локацион таргетдан фойдаланиб, рекламани фақат университетлар ёки мактаблар радиусида (Geo-fencing) кўрсатишни сошлаш;

5) СЕО-манипуляция ва доменларни клонлаш. Мисол учун, қонуний спорт озиқ-овқатлари ёки тиббий форумлар ниқоби остида веб-сайтлар яратиш, кидирув тизимларида (Google, Yandex ва ҳк.) кучли таъсир қилувчи моддаларни сотиб олиш бўйича сўровларда биринчи қаторларга чиқариш;

6) ботнетлар ва спам-хужумлар. Мисол учун, минглаб сохта Telegram ёки WhatsApp akkaунтларидан фойдаланиб, фойдаланувчиларга автоматик тарзда реклама хабарлари ва Darknet дўконларининг ҳаволаларини (URL) жўнатиш;

7) Telegram-Автошотлар (Auto-shops). Мисол учун, ўтказиш (сотиш) жараёни тўлиқ автоматлаштирилишини йўлга қўйиш, харидор ботга киради, ҳудудни танлайди, криптовалютада тўлов қилади ва бот унга автоматик равишда яширилган модданинг (закладка) GPS-координаталари ва суратини ташлаш;

8) даркнет савдоси (Darknet Marketplaces). Мисол учун, TOR тармоғидаги яширин савдо майдончалари (форумлар) орқали моддаларни олиш ва сотиш;

9) электрон ҳужжатларни қалбакилаштириш (ташиш ва жўнатиш учун). Мисол учун, почта ва курьерлик хизматлари (Drop-shipping) орқали моддаларни ташиш учун PDF-редакторлар ёки махсус дастурлар ёрдамида сохта тиббий рецептлар, божхона декларациялари ёки товар юкхатларини яратиш йўли билан содир этилиши мумкин.

Ушбу жиноятни фош этишда қуйидаги рақамли излар тўпланиши мумкин, хусусан:

1) тармоқ ва коммуникация излари. Мисол учун, жинойтчилар фойдаланган VPN серверлари ёки TOR чиқиш тугунларининг (Exit nodes) IP-манзиллари, Telegram IDлар, сессияларни бошқариш логлари, ўчирилган чатларнинг кэш (Cache) хотираси, SIM-бокслар ва виртуал рақамларни рўйхатдан ўтказиш учун ишлатилган SMS-активация сервисларининг (SmsHub, 5sim) сўров тарихи;

2) молиявий ва криптографик излар. Мисол учун, криптовалюта транзакцияларининг хэш-рақамлари (TXID), биржалардаги (Binance, Bybit) P2P савдо тарихи ва унга боғланган маҳаллий банк карталари реквизитлари;

3) геомакон ва мультимедиа излари. Мисол учун, хуфий жойлар (закладкалар) суратларига бириктирилган EXIF-метамаълумотлар (смартфон русуми, суратга олинган аниқ вақт, GPS-узунлик ва кенглик), Google Maps ёки Яндекс Navigator иловаларининг қидирув ва йўналишлар тарихи (курьерларнинг маршрутлари);

4) тизим логлари. Мисол учун, тиббиёт муассасалари маълумотлар базаларидаги “Audit Trail”, яъни қайси фойдаланувчи қачон тизимга киргани ва қандай ўзгартириш киритгани ҳақидаги қайдлар.

Жинойтни фош этилиши учун қуйидаги экспертизалар ўтказилиши мумкин, хусусан:

1) суд-компьютер-техникавий экспертизаси тарғибот мазмунидаги баннерлар, видеороликлар яратилган ва тарқатилган техник қурилмаларни, Telegram-каналлар, Instagram-профиллар, сайтлар ва уларнинг маъмуриятларини, шунингдек, тармоқдаги бот-тизимларни, қурилманинг доимий (ROM) ва тезкор (RAM) хотирасидан ўчирилган Telegram чатларни, VPN дастурлари логларини тиклаб, Darknet браузерлари (Tor Browser) тарихини ўрганиб, электрон рецептлар ёки сохта ҳужжатларнинг айнан шу қурилмада яратилганлигини (муаллифлигини);

2) суд-филологик (лингвистик) экспертизаси тарқатилган хабарларда кучли таъсир қилувчи моддаларни истеъмол қилишга қизиқиш уйғотувчи тарғибот ва реклама белгилари борлигини, уларнинг фойдали ёки зарарсиз деб талқин қилинганлигини, чатлардаги жаргонлар, кодланган сўзлар масалан, “китоб”, “қора”, “оқ”, 📍, ⚡ эмодзилари айнан кучли таъсир қилувчи моддаларни англантишини, реклама материалларида ушбу моддаларни истеъмол қилишга қизиқтириш ёки ундаш хусусиятлари мавжудлигини лингвистик томондан;

3) суд-иқтисодий экспертизаси моддалар савдосидан келиб тушган маблағлар ҳаракатини, криптовалюта ҳамёнлари, P2P ўтказмалар ва аноним тўлов тизимлари орқали амалга оширилган транзакциялар занжирини;

4) суд-кимёвий экспертизаси муомалага киритилган ашёларнинг кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддалар рўйхатига киришини ва уларнинг миқдорини, кибероперациялар орқали сотилган ва жисмоний тарзда топилган (мусодара қилинган) модданинг айнан кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли модда эканлигини, унинг аниқ оғирлиги ва таркибини;

5) видео-тасвирларни тадқиқ қилиш экспертизаси тарғибот видеороликларининг ҳаққонийлигини, монтаж белгиларини ва улардаги яширин маълумотларни;

6) суд-фонографик экспертизаси овозли хабарлар ва интернет-телефония орқали моддалар савдоси бўйича келишилган сўзлашувлардаги овозларни, овозли хабарлардаги овоз айнан гумонланувчига тегишли эканлигини тасдиқлаш (Deepfake ёки овозни ўзгартирувчи дастурлардан фойдаланилмаганлигини текшириш);

7) суд-фото-техникавий экспертизаси моддалар яширилган жойлар (закладка) акс этган фотосуратларнинг метамаълумотлари (геолокация, вақт) асосида жиноят содир этилган аниқ жойни;

8) суд-портрет экспертизаси тарғибот материалларида ёки видеокузатув тасвирларида акс этган шахсларнинг қиёфасини;

9) суд-психологик экспертизаси реклама маҳсулотларининг вояга етмаганлар ва талабалар руҳиятига таъсирини, айбдорнинг ўтказиш мақсади мавжудлигини кўрсатувчи психологик мотивни, чатлардаги жаргонлар, кодланган сўзлар масалан, “китоб”, “қора”, “оқ”, 🍷, ⚡ эмодзилари айнан кучли таъсир қилувчи моддаларни англантишини, реклама материалларида ушбу моддаларни истеъмол қилишга қизиқтириш ёки ундаш хусусиятлари психологик томондан мавжудлигини;

10) ҳужжатларнинг суд-техникавий экспертизаси моддаларни қонуний айланмадан чиқариш учун ишлатилган сохта электрон рецептлар, лицензиялар ва рақамли имзоларнинг ҳақиқийлигини;

11) суд-социологик экспертизаси тарқатилган тарғибот маҳсулотларининг аудитория қамровини ва ушбу ҳаракатларнинг жамият соғлиғига етказган ижтимоий хавфлилик даражасини;

12) суд-товаршунослик экспертизаси ноқонуний муомалага киритилган моддаларнинг ёки уларни тайёрлаш учун ишлатилган техник ускуналарнинг бозор қийматини аниқлайди.

**1.11-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб,
радиоактив материалларни қонунга хилоф равишда эгаллаш
жиноятининг юридик-техник таҳлили**

252-модда. Радиоактив материалларни қонунга хилоф равишда эгаллаш, шу жумладан талончилик, ўғрилик, ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан ёхуд алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан эгаллаш, худди шунингдек радиоактив материалларни қонунга хилоф равишда эгаллаш учун молиялаштириш, бевосита ёки билвосита ҳар қандай маблағ-воситаларни, ресурсларни бериш ёхуд йиғиш, бошқа хизматлар кўрсатиш –

икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

- а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;*
- б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;*
- в) мансаб мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этилган бўлса, – беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

Ўша ҳаракатлар:

- а) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб;*
- б) ўта хавфли рецидивист томонидан;*
- в) тамагирлик йўли билан;*
- г) босқинчилик йўли билан;*
- д) ушбу Кодекснинг 155 ва 161-моддаларида назарда тутилган жиноятларни амалга ошириш мақсадида содир этилган бўлса, – ўн йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

1. Муҳофаза қилинадиган норма – Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан, ахборотни излаш, олиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқни чеклашга фақат қонунга мувофиқ ҳамда фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлиғини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш, шунингдек давлат сирлари ёки қонун билан кўриқланадиган бошқа сир ошкор этилишининг олдини олиш мақсадида зарур бўлган доирада йўл қўйилади. Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган органлар томонидангина амалга оширилади. Инсоннинг шаъни ва кадр-қиммати дахлсиздир. Ҳеч нарса уларни камситиш учун асос бўлиши мумкин эмас. Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки инсон кадр-қимматини камситувчи муомалага ёхуд жазога дучор этилиши мумкин эмас. Ҳеч ким расмий эълон қилинмаган қонун асосида ҳукм қилиниши, жазога тортилиши, мол-мулкидан ёки бирон-бир

ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикасида барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жихатдан ҳимоя қилиниши таъминланади. Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Ўзбекистон Республикасида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига биноан ҳамда ушбу Конституцияга мувофиқ эътироф этилади ва кафолатланади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегишли бўлади. Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа инсонларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар. Инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсиздир. Инсоннинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. Ҳар бир инсон ўз шахсини эркин камол топтириш ҳуқуқига эга. Ҳеч кимга унинг розилигисиз қонунчиликда белгиланмаган мажбурият юклатилиши мумкин эмас. Инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, жамият ҳамда давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги шарт¹³⁵.

Қонунчиликка кўра, фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари иштирокчиларининг ҳалол, оқилона ва адолат билан ҳаракат қилиши назарда тутилади. Фуқаролар ва юридик шахсларнинг бошқа шахсга зарар етказишга, бошқача шаклларда ҳуқуқни суиистеъмол қилишга, шунингдек ҳуқуқни унинг мақсадига зид тарзда амалга оширишга қаратилган ҳаракатларига йўл қўйилмайди¹³⁶.

Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 26 октябрдаги 493-сон қарори билан тасдиқланган Биржа товари бўлиши мумкин бўлмаган мол-мулклар миллий-маданий ва тарихий бойликлар турларининг рўйхатига¹³⁷, Ўзбекистон Республикаси қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирининг 2024 йил 5 сентябрдаги 7/94463-01-сон буйруғи (30.09.2024 й., рўй.: 3557-сон) билан тасдиқланган Хавфи юқори бўлган объектларнинг рўйхатига¹³⁸, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, қончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2015 йил 16 июндаги 63-сонли буйруғи (09.07.2015 й., рўй.: 2695-сон) билан тасдиқланган Хавфли ишлаб чиқаришлар (технологиялар), объектлар ва асбоб-ускуналар

¹³⁵ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹³⁶ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹³⁷ Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 26 октябрдаги 493-сон қарори билан тасдиқланган Биржа товари бўлиши мумкин бўлмаган мол-мулклар миллий-маданий ва тарихий бойликлар турларининг рўйхати // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹³⁸ Ўзбекистон Республикаси қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирининг 2024 йил 5 сентябрдаги 7/94463-01-сон буйруғи (30.09.2024 й., рўй.: 3557-сон) билан тасдиқланган Хавфи юқори бўлган объектларнинг рўйхати // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

рўйхатига¹³⁹, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2013 йил 7 февраль 2, 01-02/12-14-сон қарори (20.02.2013 й., рўй.: 2429-сон) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали фақат махсус рухсатнома мавжуд бўлган тақдирда транзит олиб ўтиладиган хавфли юкларнинг рўйхатига¹⁴⁰ радиоактив материаллар чиқиндилари ҳам киритилган.

Фуқаролар қуйидагиларга мажбурдирлар:

радиациявий хавфсизлик тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этишга;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг, радиациявий хавфсизлик соҳасида тартибга солишни амалга ошираётган давлат органларининг талабларини бажаришга¹⁴¹.

Радиациявий манбаларни ишга тушириш, фойдаланишдан чиқариш ва улардан фойдаланиш СанҚваМ 0193-06-сон “Радиация хавфсизлиги нормалари (РХН 2006) ва Радиация хавфсизлигини таъминлашнинг асосий санитар қоидалари (РХТАСҚ 2006)”га мувофиқ бўлиши шарт¹⁴².

Радиоактив чиқиндилар билан муомалада бўлишда қуйидаги хавфсизлик талабларига риоя қилиниши лозим:

ходимларнинг нурланиш дозалари устидан доимий индивидуал назоратни амалга ошириш;

радиоактив чиқиндиларни уларнинг фаоллик даражасига кўра таснифлаш;

радиоактив чиқиндилардан радиация тарқалишининг олдини олиш мақсадида муҳофаза ва муҳандислик тўсиқларини қўллаш;

ходимларни шахсий ҳимоя воситалари ҳамда дозиметрик назорат воситалари билан таъминлаш;

атроф-муҳитнинг радиациявий ифлосланишига йўл қўймаслик ҳамда санитария-ҳимоя зоналарини ташкил этиш;

радиациявий авариялар юз бериши мумкин бўлган ҳолатларга тайёрликни таъминлаш ва уларни бартараф этиш бўйича тезкор жавоб чораларини белгилаш;

¹³⁹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, қончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2015 йил 16 июндаги 63-сонли буйруғи (09.07.2015 й., рўй.: 2695-сон) билан тасдиқланган Хавфли ишлаб чиқаришлар (технологиялар), объектлар ва асбоб-ускуналар рўйхати // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹⁴⁰ Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2013 йил 7 февраль 2, 01-02/12-14-сон қарори (20.02.2013 й., рўй.: 2429-сон) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали фақат махсус рухсатнома мавжуд бўлган тақдирда транзит олиб ўтиладиган хавфли юкларнинг рўйхати // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹⁴¹ Ўзбекистон Республикасининг “Радиациявий хавфсизлик тўғрисида” 2000 йил 31 августдаги 120-II-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹⁴² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитасининг 2025 йил 13 октябрдаги 24-сон қарори (28.10.2025 й., рўй.: 3695-сон) билан тасдиқланган Радиациявий манбалар хавфсизлигини таъминлаш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

радиоактив чиқиндиларни тўплаш, саралаш, қайта ишлаш, кондициялаш, транспортда ташиш (ташиш), сақлаш, зарарсизлантириш, чиқариб олиш ва кўмиб ташлаш жараёнларининг радиациявий хавфсизлигини баҳолаш ишларини олиб бориш;

СанҚваМ 0193-06 «Радиация хавфсизлиги нормалари (РХН 2006) ва Радиация хавфсизлигини таъминлашнинг асосий санитар қоидалари (РХТАСК 2006)» талабларига;

СанҚваМ 0251-08 «Радиоактив чиқиндилар билан муомалада бўлишнинг санитария қоидалари» талабларига;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 сентябрдаги 613-сон қарори билан тасдиқланган Нурланиш олишнинг индивидуал дозаларини назорат қилиш ва ҳисобга олиш ягона давлат тизими тўғрисидаги низомга мувофиқ ходимларнинг нурланиш олишнинг индивидуал дозаларини назорат қилиш ва ҳисобга олиш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 10 январдаги 13-сон қарори билан тасдиқланган Атом энергиясидан фойдаланиш соҳасида фаолият олиб борадиган эксплуатация қилувчи ташкилотлар ва бошқа юридик шахслар ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ҳамда уларни аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга кўра, ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш ҳамда уларнинг аттестациядан ўтказишни ташкил этиш;

Ходимларни тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 2387, 2012 йил 29 август) мувофиқ ходимларни тиббий кўрикдан ўтишини ташкил этиш¹⁴³.

Тарқатилиши қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа ахборотни тайёрлаш ва (ёки) тарқатишга йўл қўйилмайди¹⁴⁴.

Оператор, провайдер, дилер ва эшиттирувчилар телекоммуникациялар тармоқларида ахборот ва киберхавфсизликни таъминлашда ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш соҳасида қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиши, жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Wi-Fi хизмати ташкилотчиси оператор ёки провайдер билан биргаликда, ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Оператор ва провайдерлар телекоммуникациялар хизматларини кўрсатишда ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши шарт. Телевидение тармоқлари орқали қонунчилик билан тақиқланган

¹⁴³ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитасининг 2025 йил 10 октябрдаги 25-сон қарори (28.10.2025 й., рўй.: 3694-сон) билан тасдиқланган Радиоактив чиқиндилар билан муомалада бўлишнинг хавфсизлик талаблари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹⁴⁴ Ўзбекистон Республикасининг “Ноширлик фаолияти тўғрисида” 2021 йил 26 ноябрдаги ЎРҚ–731-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

маълумотларни тарқатишга йўл қўйилмайди. Абонентлар ва фойдаланувчилар телекоммуникациялар ёрдамида тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотни тарқатмасликка мажбур¹⁴⁵.

Сунъий интеллект технология ва тизимларини ишлаб чиқувчи ва жорий этувчилар Этика қоидаларига амал қилиши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги алгоритмларнинг шаффоф ва тушунарли бўлишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги эҳтимолий тарафкашликни олдини олиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларининг имкониятлари, чекловлари ва эҳтимолий хавфлари ҳақида очиқ маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчиларни улардан фойдаланиш қоидалари билан таништириш, улардан қандай мақсадда фойдаланиш мумкинлиги ёки тақиқланиши, шунингдек сунъий интеллектга асосланган ечимлар ёки қарорлар доим тўғри бўлмаслиги ҳамда уларнинг натижаларидан тавсиявий ёки маълумот учун фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимлари дастурий таъминоти хавфсизлигини таъминлаши, Этика қоидаларини инобатга олган ҳолда сунъий интеллект технология ва тизимларини доимий равишда такомиллаштириб бориши, сунъий интеллект технология ва тизимлари инсон назорати остида бўлишини ҳамда инсон томонидан қайта кўриб чиқилиши, шунингдек якуний қарор инсон томонидан қабул қилинишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан қонунчиликка зид бўлган ёки шахс, жамият, давлат ва атроф табиий-муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган мақсадларда фойдаланмаслиги, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчилар учун сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қўлланмасини ишлаб чиқиш ва жойлаштириши шарт. Сунъий интеллект тизимларидан фойдаланувчилар сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қоидалари ва шартларига риоя қилиши, сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан тўғри фойдаланиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, бошқа фойдаланувчиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини бузмаслик, Этика қоидаларига амал қилиши, шахс, жамият ва давлат манфаатларига ҳамда атроф-табиий муҳитга зарар етказмаслиги лозим¹⁴⁶.

Давлат органлари ва ташкилотлари ўз тасарруфидаги ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини, тармоқлар ишининг барқарорлигини таъминлаши, шунингдек киберхавфсизлик бўйича ўз мажбуриятларини бажариши, ваколатли давлат органини киберхужумлар тўғрисида огоҳлантириши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида сақланаётган маълумотларнинг ўғирланиши ҳамда қалбакилаштирилиши ҳолатларининг

¹⁴⁵ Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 6 январдаги 287-мх-сон буйруғи (26.01.2026 й., рўй.: 3762) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹⁴⁶ Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 24 февралдаги 284-мх-сон буйруғи (14.03.2026 й., рўй.: 3787) билан тасдиқланган Сунъий интеллектга асосланган ечимларни яратиш, жорий қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича этика қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

олдини олиш чораларини кўриши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларини киберҳимоя қилиш учун сертификатлаштирилган аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий таъминотдан фойдаланиши, киберхавфсизлик соҳасида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ваколатли давлат органи билан келишиши шарт. Киберхавфсизлик субъектлари ахборот тизимлари ва ресурсларидаги маълумотларнинг қонунга хилоф равишда тарқатилиши, ўғирланиши, йўқолиши, яхлитлигининг бузилиши, блокраниши ва қалбакилаштирилишининг, шунингдек ахборот тизимлари ва ресурсларига рухсатсиз киришнинг бошқа кўринишларининг олдини олиши, бундай ҳоллар аниқланганда ўз вақтида тегишли чоралар кўриши, ахборот тизимлари ва ресурсларига кириш тартиби бузилганда ҳамда уларга рухсатсиз кириш натижасида ушбу тизимлар ҳамда ресурслар ўзгартирилган ёки йўқ қилинган тақдирда салбий оқибатларни камайтириш мақсадида уларни тезкорлик билан тиклаш чораларини кўриши, содир бўлган киберхавфсизлик ҳодисалари ва кибержиноятлар тўғрисида ваколатли давлат органини хабардор қилиши, ушбу ҳодисаларни тўлиқ фош этиш учун тегишли рақамли изларнинг йўқолишига йўл қўймаслик чораларини кўриши, шунингдек киберхавфсизлик ҳодисаларини таҳлил қилиш ва кибержиноятларни текшириш учун зарур бўлган маълумотларнинг доимий сақланишини таъминлаши, киберхавфсизлик объектларини муҳофаза қилиш ва уларнинг хавфсиз ишлаши мониторингини ўтказиш соҳасидаги маълумотларни ваколатли давлат органи билан ўзаро алмашишни амалга ошириши, ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберҳимоясини таъминлашда ваколатли давлат органи томонидан белгиланган киберхавфсизлик талабларига риоя этиши, киберхавфсизлик ҳодисаларига нисбатан чоралар кўриш механизмларининг ишлаб туришини ва киберхавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг ишлашини таъминлаши, улар мавжуд бўлмаган тақдирда эса ваколатли давлат органининг рухсати билан аутсорсинг хизматларидан белгиланган тартибда фойдаланиши, ваколатли давлат органига киберхавфсизликни таъминлаш мониторингининг ташкилий-техник тадбирларини амалга ошириш учун мониторинг тизимларига ва (ёки) киберхавфсизлик объектларига кириш ҳуқуқини бериши шарт¹⁴⁷.

Давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар давлат сирлари ҳамда махфий сирлар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган ахборот ресурслари ва ахборот тизимларининг муҳофаза қилинишини таъминлаши шарт. Сунъий интеллектдан фойдаланиб яратилган ахборот ресурслари ҳамда сунъий интеллект технологиялари асосида ишлайдиган ахборот тизимлари инсонга, унинг ҳаётига, соғлиғига, эркинлиғига, шаънига, кадр-қимматига путур етказмаслиги ва унинг бошқа ажралмас ҳуқуқларини бузмаслиги шарт. Веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурсининг эгаси, шу жумладан блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтидан ва

¹⁴⁷ Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

(ёки) веб-сайт саҳифасидан ёхуд бошқа ахборот ресурсидан қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган ўзга ҳаракатларни содир этиш мақсадларида фойдаланилишига йўл қўймаслиги шарт¹⁴⁸.

Давлат фуқаролик хизматчиси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига риоя этиши, ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажариши, давлат органи томонидан белгиланган одоб-ахлоқ қоидаларига, хизматга оид ахборот билан ишлаш тартибига, шунингдек давлат фуқаролик хизматини ўташ билан боғлиқ бошқа қоидаларга риоя этиши, давлат органининг нуфузини туширишга олиб келиши ёки унинг ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажаришига шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳаракатлардан (ҳаракатсизликдан), шу жумладан ўз хизмат мажбуриятларини бажараётганда ҳар қандай шаклдаги камситишдан, ноҳолисликдан ёки кимгадир нисбатан алоҳида муносабатда бўлишдан тийилиши шарт¹⁴⁹.

Ушбу нормаларнинг бузилиши натижасида мазкур жиноят вужудга келади.

Бунда, давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлиги ахборот соҳасидаги хавфсизликка таҳдидларга қарши ҳаракатлар юзасидан иқтисодий, сиёсий, ташкилий ва бошқа тусдаги чора-тадбирларни амалга ошириш, давлат сирларини сақлаш ва давлат ахборот ресурсларини улардан рухсатсиз тарзда фойдаланилишидан муҳофаза қилиш, Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ахборот маконига ва замонавий телекоммуникациялар тизимларига интеграциялашуви, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартиришга, ҳудудий яхлитлигини, суверенитетини бузишга, ҳокимиятни босиб олишга ёки қонуний равишда сайлаб қўйилган ёхуд тайинланган ҳокимият вакиллари ҳокимиятдан четлатишга ва давлат тузумига қарши бошқача тажовуз қилишга очикдан-очик даъват этишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишидан ҳимоя қилиш, урушни ва зўравонликни, шафқатсизликни тарғиб қилишни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоват уйғотишга қаратилган терроризм ва диний экстремизм ғояларини ёйишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишига қарши ҳаракатлар қилиш билан таъминланади. Шахснинг ахборот борасидаги хавфсизлиги унинг ахборотдан эркин фойдаланиши зарур шароитлари ва кафолатларини яратиш, шахсий ҳаётига тааллуқли сирларини сақлаш, ахборот воситасида қонунга ҳилоф равишда руҳий таъсир кўрсатилишидан ҳимоя қилиш йўли билан таъминланади. Жисмоний шахсларга тааллуқли шахсий маълумотлар махфий ахборот тоифасига киради. Жисмоний шахснинг розилигисиз унинг шахсий ҳаётига тааллуқли ахборотни, худди шунингдек шахсий ҳаётига тааллуқли сирини, ёзишмалар, телефондаги сўзлашувлар, почта, телеграф ва бошқа мулоқот сирларини бузувчи ахборотни тўплашга, сақлашга, қайта ишлашга, тарқатишга ва ундан фойдаланишга йўл қўйилмайди, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно. Жисмоний шахслар тўғрисидаги

¹⁴⁸ Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги 560-П-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹⁴⁹ Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида” 2022 йил 8 августдаги ЎРҚ–788-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

ахборотдан уларга моддий зарар ва маънавий зиён етказиш, шунингдек уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари рўёбга чиқарилишига тўсқинлик қилиш мақсадида фойдаланиш тақиқланади. Фуқаролар тўғрисида ахборот олувчи, бундай ахборотга эгалик қилувчи ҳамда ундан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахслар бу ахборотдан фойдаланиш тартибини бузганлик учун қонунда назарда тутилган тарзда жавобгар бўладилар. Ахборот манбаи ёки муаллиф номи фақат суд қарори билан ошкор этилиши мумкин¹⁵⁰.

Бунда, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда аниқланган валюта намунаси қалбаки эканлигига шубҳа пайдо бўлганда, тезкор-қидирув тадбирлари давомийлигини таъминлаш зарурати юзага келганда, тезкорликни амалга ошириш ҳамда тегишли вақтни тежаш мақсадида мазкур модда (буюм) ёки валюта намуналарини улар аниқланган жойнинг ўзида ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар биносида экспресс текшириш техник воситалари ёрдамида текширади¹⁵¹.

2. Кибержиноят асосий бевосита объекти – жамият ва жамоат хавфсизлиги, шу жумладан, радиоактив материалларнинг қонуний муомаласи.

3. Кибержиноят қўшимча бевосита объекти – ахборот-коммуникация технологияларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар.

4. Кибержиноят факультатив бевосита объекти – ўзга шахс (лар) ва давлат, шу жумладан, шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни, кадр-қиммати, мулк дахлсизлиги, тинчлик ва инсоният хавфсизлиги, бошқарув тартиби ва бошқалар;

5. Кибержиноят субъекти – 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс.

6. Кибержиноят субъектив томони – қасддан.

7. Кибержиноят объектив томони – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ёки қонунга хилоф равишда ахборот-коммуникация тизимига кириб, радиоактив материалларни қонунга хилоф равишда эгаллаш, шу жумладан талончилик, ўғрилик, ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан ёхуд алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан эгаллаш, худди шунингдек радиоактив материалларни қонунга хилоф равишда эгаллаш учун молиялаштириш, бевосита ёки билвосита ҳар қандай маблағ-воситаларни, ресурсларни бериш ёхуд йиғиш, бошқа хизматлар кўрсатиш, шундай ҳаракатларни тамагирлик ва в) мансаб мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этилади.

8. Кибержиноят мақсади – моддий ёки (ва) номоддий манфаат, ғаразли ёки бошқа паст ниятлар, ўч олиш ва ҳк.

¹⁵⁰ Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принципи ва кафолатлари тўғрисида” 2002 йил 12 декабрдаги 439-П-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹⁵¹ Вазирлар Маҳкамасининг “Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг аналоглари, прекурсорлар, кучли таъсир қилувчи моддалар ҳамда валюта намуналарини экспресс текшириш жараёнида техник воситалардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида” 2023 йил 12 январдаги 12-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

9. Кибержиноят воситаси (қуроли) – ахборот-коммуникация технологиялари.

10. Кибержиноятнинг зарурий белгилари:

- 1) қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги;
- 2) қилмишнинг ҳуқуққа хилофлилиги;
- 3) қилмишда айбнинг мавжудлиги;
- 4) қилмишнинг жазога сазоворлиги;
- 5) қилмишнинг радиоактив материалларга боғлиқлиги;
- 6) қилмишнинг ўғрилик, фирибгарлик, ўзлаштириш, растрата қилиш ёхуд мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш, тамагирлик йўлларида бири ёки бир нечтасида содир этилиши;

7) қилмишнинг радиоактив материалларни қонунга хилоф равишда эгаллаш, шу жумладан талончилик, ўғрилик, ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан ёхуд алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан эгаллаш, худди шунингдек радиоактив материалларни қонунга хилоф равишда эгаллаш учун молиялаштириш, бевосита ёки билвосита ҳар қандай маблағ-воситаларни, ресурсларни бериш ёхуд йиғиш, бошқа хизматлар кўрсатиш, шундай ҳаракатларни тамагирлик ва в) мансаб мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этилиши;

8) алоқа;

9) ахборот;

10) кибермуҳит, шу жумладан, кибермакон;

11) ахборот-коммуникация технологиялари.

Ушбу белгиларнинг биронтаси мавжуд эмаслиги қилмишнинг кибержиноят эканлигини инкор этади.

11. Кибержиноятнинг тамомланиши –

1) радиоактив материаллардан ҳеч бўлмаганда биттасига нисбатан эгалик ҳуқуқи вужудга келган вақтдан;

2) радиоактив материалларни тасарруф этиш ҳуқуқи пайдо бўлган вақтдан;

3) радиоактив материаллар эгаллаб олинган вақтдан;

4) радиоактив материаллар ўзлаштирилган вақтдан;

5) радиоактив материалларни мустақил бошқариш ҳуқуқи ёки имтиёзи пайдо бўлган вақтдан;

6) радиоактив материалларни қонунга хилоф равишда эгаллаш учун молиялаштирилган вақтдан;

7) радиоактив материалларни қонунга хилоф равишда эгаллаш учун бевосита ёки билвосита ҳар қандай маблағ-воситалар, ресурслар берилган вақтдан;

8) радиоактив материалларни қонунга хилоф равишда эгаллаш учун бевосита ёки билвосита ҳар қандай маблағ-воситалар, ресурслар йиғилган вақтдан;

9) радиоактив материалларни қонунга хилоф равишда эгаллаш учун бевосита ёки билвосита ҳар қандай хизматлар кўрсатилган вақтдан бошлаб.

12. Кибержиноятнинг тузилишига кўра тури – формал таркибли кибержиноятлар ҳам мавжуд.

13. Кибержиноятнинг ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра тури – унча оғир бўлмаган, оғир ва ўта оғир кибержиноят.

14. Жазо тизимига кўра тури – ижтимоий хавфли қилмиши учун Жиноят кодексида озодликни чеклаш, озодликни маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган кибержиноятлар.

15. Жиноят предмети – радиоактив материаллар, уларга боғлиқ матн, видео, аудио, мемлар, постлар, deepfake контент ва бошқа шаклдаги ахборот шунингдек, қуйидагилар ҳам жиноят предмети бўлиши мумкин:

1. Молиявий воситалар – нақдсиз пул, банк ўтказмалари, электрон ҳамёнлар орқали тўловлар (Payme, Click, PayPal, QIWI ва ҳ.к.), криптовалюта (Bitcoin, USDT, Ethereum ва бошқалар), онлайн тўлов тизимлари орқали маблағ, қимматли қоғозлар (акциялар, облигациялар), электрон сертификатлар, баланс тўлдириш (телефон, аккаунт, карта) ва ҳ.к.;

2. Рақамли активлар – лицензия калитлари (software key), онлайн сервис аккаунти, Premium обуна, домен номи, веб-сайтга эгалик, ижтимоий тармоқлардаги (Telegram, Instagram, YouTube ва бошқалар) каналлар ва гуруҳлар, NFT активлари, онлайн ўйин аккаунтлари, база маълумотлар, электрон контракт ҳуқуқи, NFTлар, ўйин ичидаги қимматбаҳо виртуал буюмлар (Skins, In-game currency) ва ҳ.к.;

3. Ахборот – махфий маълумот, тендер маълумотлари, миқдорлар базаси, пароллар, давлат реестри маълумотлари, имтиёзли кириш ҳуқуқи, жумладан, тижорат ёки хизмат сири ҳисобланган маълумотларга имтиёзли кириш ҳуқуқини бериш, касб, хизмат сирлари, текширув натижаларини ўзгартириш ва ҳ.к.;

4. Номоддий манфаат – лавозимга тайинлаш, лойиҳада ғолиб қилиш, рейтингни ошириш, файлни ўчириб бериш, маъмурий, молиявий ёки жиноий жазодан қутқариш, солиқ ва бошқа тўловларни камайтириш, давлат ижтимоий буюртмасини бериш, рухсатнома чиқариш ва ҳ.к.;

5. Техника ва IT ресурслар – сервер ресурслари, хостинг, VPN кириш, Cloud аккаунт, дастур кодлари, дастурий таъминот лицензияси, API кириш ҳуқуқи, бқори қийматга эга бўлган тижорат дастурларига (масалан, киберхавфсизлик ёки дизайн дастурларига) умрбод ёки узок муддатли пуллик обуналарни олиб бериш ва ҳ.к.;

6. Аралаш шакллар – қимматбаҳо техника (ноутбук, смартфон ва ҳ.к.), онлайн орқали етказилган товар, электрон ваучер, крипто-ҳисоб очиш, тўловни учинчи шахс орқали амалга ошириш, жиноятчи учун бепул яратиб берилган веб-сайтлар, SMM хизматлари, пуллик дастурий таъминотларга лицензиялар ёки обуналар (Subscription), мансабдор шахс ёки унинг яқинлари учун бепул сервер майдони (Hosting) ажратиб бериш ёки веб-сайт ишлаб чиқиб, уни тарғиб қилиш (SMM/SEO) хизматларини бепул кўрсатиш, хизматчининг ижтимоий тармоқлардаги саҳифасини пуллик тарғиб қилиш (Boost), онлайн курслар ёки пуллик веб-сервисларга обуналарни (Premium subscription) совға қилиш ва ҳ.к.

16. Кибержиноятни содир этишнинг энг кўп усуллари:

- 1) телекоммуникация ёки интернет тармоғида намойишкорона;
- 2) телекоммуникация ёки интернет тармоғида жойлаштириш орқали;
- 3) ахборот-коммуникация технологияларидан жиноят қуроли ёки воситаси сифатида фойдаланиш натижасида.

Ушбу жиноят қуйидаги шаклларда содир этилиши мумкин, хусусан:

1) SCADA ва саноат бошқарув тизимларига ҳужум (Exploiting ICS). Мисол учун, радиоактив материаллар сақланадиган омборлар ёки лабораторияларнинг автоматик бошқарув тизимларига (SCADA) масофадан кириш, жиноятчилар тизимга зарарли дастур (масалан, Stuxnet типидagi вормалар) юбориш орқали электрон қулфларни очиш, хавфсизлик датчикларини (радиация мониторларини) ўчириш ёки сохта кўрсаткичлар беришга мажбур қилиш орқали материални кўринмас ҳолда олиб чиқиб кетиш;

2) киберфирибгарлик. Масалан:

BEC (Business Email Compromise). Мисол учун, юқори турувчи ядровий агентлик ёки вазирлик раҳбари номидан радиоактив изотопларни бошқа объектга режали кўчириш ҳақида сохта ва ўта ишончли электрон буйруқ юбориш;

ишончни суиистеъмол қилиш. Мисол учун, объект ходимининг қурилмасига Phishing ҳужуми уюштириб, унинг кириш идентификаторларини (токен, пароль) қўлга киритиш ва тизим орқали материални чиқаришга рухсатнома шакллантириш;

3) молиялаштириш ва ресурслар йиғиш (кибермолия). Масалан:

криптофандрейзинг. Мисол учун, радиоактив материалларни сотиб олиш ёки уларни ўғирлашни ташкил этиш учун Darknet форумларида криптовалюта (Monero, Dash каби махфий коинлар) йиғиш;

crowdfunding for terrorism. Мисол учун, террорчилик мақсадида маблағларни фиат пулларидадан крипто-активларга айлантириб, ижрочиларга масофадан ўтказиб бериш;

4) кибертамагирлик. Мисол учун, объектнинг муҳим ахборот инфратузилмасини масалан, совутиш тизими бошқарувини блокаб қўйиб, тизимни қайта тиклаш эвазига маълум миқдордаги радиоактив материалларни талаб қилиш йўли билан содир этилиши мумкин.

Ушбу жиноятни фош этишда қуйидаги рақамли излар тўпланиши мумкин, хусусан:

1) Exploit Artifacts (Эхсплоит излари). Мисол учун, тизим хавфсизлигини бузишда ишлатилган код парчалари, зарарли дастурларнинг қолдиклари (Malware signatures);

2) Lateral Movement Logs. Мисол учун, жиноятчининг ички тармоқ ичида бир компьютердан иккинчисига (масалан, бухгалтериядан омборхона назоратига) ўтиш тарихи;

3) Log-Spoofing Evidence. Мисол учун, тизим логларини ўчириш ёки ўзгартиришга бўлган уринишларнинг излари;

4) Dark Web Communications. Мисол учун, ядровий материаллар бозори ҳисобланган яширин форумлардаги суҳбатлар, PGP-шифрланган хабарлар;

5) Traffic Anomalies. Мисол учун, объект тармоғидан ташқарига катта ҳажмдаги маълумот (масалан, объектнинг техник чизмалари ёки хавфсизлик протоколлари) чиқиб кетганлигини кўрсатувчи тармоқ оқими излари.

Жиноятни фош этилиши учун қуйидаги экспертизалар ўтказилиши мумкин, хусусан:

1) суд-компьютер-техникавий экспертизаси радиоактив материаллар сақланадиган объектларнинг рақамли хавфсизлик тизимларига, СКАДА (SCADA) бошқарув тизимларига ёки электрон инвентаризация базаларига масофавий хакерлик ҳужуми (интрузия) уюштирилганлигини, тизим логларини қасддан ўзгартириш орқали материалларнинг камомадини яшириш изларини ҳамда DarkNet ва ёпиқ кибер-майдонлардаги ноқонуний савдо келишувларининг рақамли далилларини, масофадан туриб тизимга кириш усулини, ишлатилган IP-манзилларни ва ҳужум воситаларини (Software);

2) суд-иқтисодий экспертизаси радиоактив материалларни эгаллашни молиялаштириш учун ишлатилган маблағларнинг электрон манбаларини, криптовалюталар ва аноним транзакциялар занжири орқали ресурслар йиғилганлигини, шунингдек, жиноий фаолиятни бевосита ёки билвосита қўллаб-қувватлашга қаратилган рақамли активлар ҳаракатини;

4) суд-бухгалтерия экспертизаси материалларни ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан эгаллашда корхонанинг электрон бухгалтерия ва омбор ҳисоби тизимларидаги сунъий равишда ҳосил қилинган молиявий ва моддий тафовутларни ҳамда рақамли баланс ҳисоботларига киритилган сохта маълумотларни;

5) суд-филологик (лингвистик) экспертизаси радиоактив материалларни алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш (фирибгарлик) ёхуд тамагирлик йўли билан эгаллаш мақсадида мессенжерлар ва электрон почта орқали юборилган хабарлар матнини таҳлил қилиб, улардаги дезинформация, психологик босим ва мулкий талаб қўйиш аломатларини;

6) ҳужжатларнинг суд-техникавий экспертизаси радиоактив материалларни қонуний ниқоб остида эгаллаш ёки чегарадан олиб ўтиш учун ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида тайёрланган сохта электрон сертификатлар, юкхатлар, рақамли рухсатномалар ва улардаги электрон рақамли имзоларнинг ҳақиқийлигини;

7) суд-электротехникавий экспертизаси радиоактив материаллар омборларининг электрон сигнализация ва биометрик кириш тизимларини масофавий блоклаш ёки ишдан чиқариш учун қўлланилган махсус техник воситаларнинг ишлаш принципини ва техник аралашув хусусиятини;

8) видеоматериалларнинг суд экспертизаси материалларни жисмоний эгаллаш жараёни (ўғрилиқ, талончилик, босқинчилик) акс этган рақамли видеокузатув тизимларидаги ёзувларнинг яхлитлигини, кадрларнинг вақт бўйича кетма-кетлигини ва жиноий гуруҳ аъзоларининг ҳаракатларини;

9) суд-портрет экспертизаси объектга рухсатсиз кирган ёки материалларни эгаллашда иштирок этган шахсларнинг рақамли тасвирлардаги

қиёфа белгиларини таҳлил қилиб, уларни гумонланувчи шахслар билан идентификация қилишни;

10) суд-психологик экспертизаси айбдорнинг радиоактив материалларни эгаллашдаги қасд йўналишини, айниқса терроризм ёки кўпуровчилик мақсадлари мавжудлигини кўрсатувчи психологик индикаторларни;

11) суд-фонографик экспертизаси радиоактив материалларни эгаллаш бўйича топшириқлар берилган ёки тамагирлик талаблари қўйилган интернет-телефония ва овозли хабарлардаги нутқ эгасини ва аудиоёзувнинг ҳаққонийлигини;

12) суд-ядровий-физикавий экспертизаси (комплекс тадқиқот доирасида) эгалланган материалларнинг техник кўрсаткичларини уларнинг рақамли паспорти ва базалардаги маълумотлар билан солиштириб, материалнинг айнан қайси объектдан ва қайси техник усулда ўғирланганлигини;

13) суд-социологик экспертизаси радиоактив материалларнинг ноқонуний айланмага чиқиб кетиши натижасида жамият хавфсизлигига, радиацион муҳитга ва аҳолининг ижтимоий ваҳима даражасига етказилган (ёки етказилиши мумкин бўлган) ижтимоий хавфлилик кўламини аниқлайди.

1.12-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, нефть қувурларини, газ қувурларини, нефть ва газ маҳсулотлари қувурларини яроқсиз ҳолатга келтириш жиноятининг юридик-техник таҳлили

255²-модда. Нефть қувурларини, газ қувурларини, нефть ва газ маҳсулотлари қувурларини, шунингдек технологик жихатдан улар билан боғлиқ бўлган объектларни, иншоотларни, алоқа, автоматика, сигнализация воситаларини қасддан бузиш, уларга шикаст етказиш ёки бошқа усул билан уларни фойдаланиш учун яроқсиз ҳолатга келтириш, агар ушбу ҳаракатлар уларнинг нормал ишлаши бузилишига олиб келса ёки олиб келиши мумкин бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

- а) такроран;*
- б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;*
- в) магистраль қувурларга нисбатан содир этилган бўлса;*
- г) кўп миқдорда зарар етказилишига;*
- д) баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, – базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

Ўша ҳаракатлар:

- а) одам ўлишига;*
- б) жуда кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса, – беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

Ўша ҳаракатлар:

- а) одамлар ўлимига;*
- б) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, – саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

1. Муҳофаза қилинадиган норма – Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан, ахборотни излаш, олиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқни чеклашга фақат қонунга мувофиқ ҳамда фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлиғини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш, шунингдек давлат сирлари ёки қонун билан қўриқладиган бошқа сир ошкор этилишининг олдини олиш мақсадида зарур бўлган доирада йўл қўйилади. Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган

органлар томонидангина амалга оширилади. Инсоннинг шаъни ва кадр-қиммати дахлсиздир. Ҳеч нарса уларни камситиш учун асос бўлиши мумкин эмас. Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки инсон кадр-қимматини камситувчи муомалага ёхуд жазога дучор этилиши мумкин эмас. Ҳеч ким расмий эълон қилинмаган қонун асосида ҳукм қилиниши, жазога тортилиши, мол-мулкидан ёки бирон-бир ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикасида барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиниши таъминланади. Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Ўзбекистон Республикасида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига биноан ҳамда ушбу Конституцияга мувофиқ эътироф этилади ва кафолатланади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегишли бўлади. Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа инсонларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар. Инсоннинг шаъни ва кадр-қиммати дахлсиздир. Инсоннинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. Ҳар бир инсон ўз шахсини эркин камол топтириш ҳуқуқига эга. Ҳеч кимга унинг розилигисиз қонунчиликда белгиланмаган мажбурият юклатилиши мумкин эмас. Инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, жамият ҳамда давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги шарт¹⁵².

Қонунчиликка кўра, фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари иштирокчиларининг ҳалол, оқилона ва адолат билан ҳаракат қилиши назарда тутилади. Фуқаролар ва юридик шахсларнинг бошқа шахсга зарар етказишга, бошқача шаклларда ҳуқуқни суиистеъмол қилишга, шунингдек ҳуқуқни унинг мақсадига зид тарзда амалга оширишга қаратилган ҳаракатларига йўл қўйилмайди¹⁵³.

Умумий фойдаланишдаги темир йўлларни кесиб ўтувчи ёки бевосита уларнинг яқинида жойлашган газ, нефть қувурлари ва бошқа иншоотларни қуриш ҳамда улардан фойдаланиш чоғида белгиланган нормативларни таъминлаш, шунингдек мазкур иншоотлардан фойдаланиш хавфсизлиги учун уларнинг эгалари жавобгар бўлади. Мазкур иншоотларнинг эгалари ҳаракат хавфсизлигига таҳдид солувчи авария ҳолатлари юзага келганлиги ҳақида умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти корхоналарини, Ўзбекистон

¹⁵² Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹⁵³ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва Транспорт вазирлиги бўлинмаларини ўз вақтида хабардор қилиши шарт¹⁵⁴.

Ёпиқ сиғимлардаги оловли ишлар фақат наряд-рухсатнома асосида ўтказилиши керак.

Енгил алангаланувчи ва ёнувчи суюқликлар ҳамда ёнувчи газлар сақланадиган сиғимлар ва аппаратларда оловли ишларни ўтказишдан аввал улар тозаланиши, ювилиши, буғланиши, инерт газлар ва сиқилган ҳаво ёрдамида тозаланиши керак. Уларда оловли ишларни ўтказишда люклар ва қопқоқлар очиқ ҳолатда бўлиши ҳамда доимий шамоллатилиши керак. Ишларни бошлашдан аввал сиғимлар 40°C дан ошмайдиган ҳароратгача совитилиши керак.

Резервуарда оловли ишларни бажариш билан боғлиқ таъмирлаш ишларини ўтказишдан олдин унинг тайёрлиги ҳақида далолатнома расмийлаштирилиши керак.

Сиғимлар ва аппаратларга уланган барча коммуникациялар ҳимоя арматураси билан ёпилган ва ажратилган бўлиши керак.

Аппаратни кўриқдан ўтказиш, тозалаш ёки таъмирлаш учун уни очишдан олдин аппаратнинг ичидаги босимни атмосфера босимигача тушириш ёки вакуумни сўндириш, аппарат ичидан ишлаб чиқариш маҳсулотларини чиқариб ташлаш ва уни барча коммуникациялардан тикинлар билан ажратиш керак. Бу ҳақда смена бошлиқларининг журналига ёки коммуникациялардаги тикинларни олиш ва ўрнатиш бўйича махсус журналга ёзиб қўйилади.

Сиғимлар ва аппаратларда оловли ишларни бажаришдан олдин улар ерга ишончли уланиши керак.

Пайвандлаш аппарати электр ёйи узилган вақтда бўш юришини (холостой ход) автоматик равишда ўчириш қурилмаси билан жиҳозланган бўлиши керак.

Оловли ишларни бошлашдан аввал ва ҳар бир танаффусдан кейин таъмирлаш ишлари ўтказилаётган сиғимлар, аппаратлар, қувурлар ва технологик қурилмалардаги ҳамда ишлаб чиқариш биноси ва ҳудудидаги ҳаво таркибида углеводород газлари, шунингдек, шароитдан келиб чиқиб олтингутурт бирикмали газлар ва бошқа шу каби ёндош газлар мавжудлиги ҳамда уларнинг миқдори текширилиши керак. Текширишни ўтказиш даврийлиги наряд-рухсатномага асосан белгиланади. Агар ҳудудда ёки технологик қурилмада ёнувчи газлар ҳамда буғларнинг миқдори рухсат этилган чегаравий концентрациядан ошиб кетган ҳолатларда таъмирлаш ишларини зудлик билан тўхтатиш керак.

Иш бажарувчиларнинг сиғимларга тушиши ва чиқиши учун учкун чиқармайдиган материалдан тайёрланган нарвонлардан фойдаланиш керак.

Қувурлар, резервуарлар ва бошқа технологик қурилмаларда таъмирлаш ва оловли ишларни ўтказиш учун газлардан тозалашда нефть маҳсулотлари буғларининг хавфсиз концентрацияси таъминланган бўлиши керак.

¹⁵⁴ Ўзбекистон Республикасининг “Темир йўл транспорти тўғрисида” 2024 йил 27 ноябрдаги ЎРҚ–1006-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Курилмаларда носозликлар аниқланганда ишчиларни содир бўлиши мумкин бўлган портлаш ва ёнғинлардан ҳимоя қилиш бўйича биринчи навбатдаги чоралар кўрилиши, шунингдек, нефть маҳсулотлари тарқалишини чеклаш чоралари кўрилиши керак.

Пайвандлаш ускуналари ўрнатилган оловли ишларни ўтказиш жойлари ва майдончаларда қуйидаги ёнғин хавфсизлиги чоралари кўрилган бўлиши шарт:

а) ушбу ишларни ўтказиш жойларига енгил алангаланувчи ва ёнувчи суюқликлар ҳамда ёнувчи газлар буғларининг тарқалиши бутунлай бартараф этилган бўлиши керак;

б) объектлардаги пайвандлаш ва кесиш ишлари ўтказиладиган жойларнинг конструкциялари ёнадиган материаллардан ишланган бўлса, улар ёнмайдиган яхлит тўсиқлар билан тўсиб қўйилиши керак. Бунда тўсиқнинг баландлиги 1,8 m дан кам бўлмаслиги, тўсиқ ва ер оралиғи 0,05 m дан ошмаслиги керак. Қизиган чўғларнинг тарқалишини чеклаш учун юқоридаги ораликлар ўлчами 0,001 x 0,001 m дан кам бўлмаган ёнмайдиган сим тўрлар билан тўсилган бўлиши керак.

Қуйидаги масофалардан яқин бўлмаган ҳолатларда объект ҳудудида очик оловдан фойдаланиб таъмирлаш ишларини бажаришга рухсат берилади:

а) тўкиш-қуйиш эстакадаларидан қуйиш ва тўкиш жараёнларини бажаришда – 100 m, ушбу жараёнлар бажарилмаётган вақтда – 50 m;

б) газ компрессорли аппаратлар, газгольдерлар, резервуарлар парклари ва енгил алангаланувчи суюқликлар бўлган алоҳида резервуарлардан – 40 m;

в) канализация қудуқлари ва оқиб тушиш жойларидан, сурилма қопқоқлар узеллари ва ёнувчи маҳсулот сизиб чиқиши мумкин бўлган жойлардан – 20 m. Канализация қудуқлари ва оқиб тушиш жойлари кўрсатилган масофадан яқинда жойлашганда қудуқларнинг қопқоқларини қалинлиги 5 sm бўлган тупроқ қатлами билан кўмиб ташлаш керак¹⁵⁵.

Газ транспорти тизими объектларининг муҳофаза зоналарида ушбу объектларни хавфсиз ишлатилишига ҳалақит бериши мумкин бўлган ёки бузилишларга олиб келувчи турли, шу жумладан, қуйидаги ишларни бажариш тақиқланади:

хар қандай бино ва иншоотларни қуриш;

назорат-ўлчов пунктларини, огоҳлантирувчи ёзувларни, аниқлаш ва огоҳлантириш белгиларининг жойини ўзгартириш, устига нарсалар ташлаб беркитиш, шикастлантириш ва бузиш;

алоқа кабель тармоқларидаги хизмат кўрсатилмайдиган кучайтириш пунктларининг эшик ва люкларини, тармоқ беркитиш қурилмалари атрофидаги панжарали тўсиқлар эшикларини, электр кимёвий ҳимоя қилиш қурилмаларининг эшикларини, тармоқ ва назорат қудуқларининг люкларини очиш, кранлар, зулфинларни очиш ва беркитиш, алоқа ва энергия таъминоти воситалари, телемеханика асбоб-ускуналари ишларини тўхтатиш ва ишга тушириш;

¹⁵⁵ Вазирлар Маҳкамасининг “Ёнғин хавфсизлиги қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида” 2020 йил 20 октябрдаги 649-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

чиқинди уюмларини ҳосил қилиш, ишқор ва коррозия-тажовузкор (агрессив) моддаларни ҳамда ёқилғи-мойлаш материалларини тўкиш ва ташлаш;

ҳар-хил материалларни, шу жумладан, ёқилғи-мойлаш материалларини йиғиш, шунингдек, материаллар сақлаш жой (омбор)ларини ташкил этиш;

газ қувурларини шикастланиш ва бузилишлардан ҳимояловчи қирғоқни мустаҳкамловчи иншоотлар, сув ўтказиш қурилмалари ва бошқа иншоотларни бузиш;

якорни тушириш орқали кемалар ва сузиб юрувчи объектларни тўхтатиб туриш, денгиз сут эмизувчиларини, балиқларни ва сувости биологик захираларни сув туби овлаш қуроллари ёрдамида овлаш, санчилиб-ўювчи занжирли якор билан сузиш;

сув объектларининг туби ва қирғоқларини ўзгартириш билан боғлиқ бўлган, тубни чуқурлаштириш ва бошқа ишларни амалга ошириш (магистрал газ қувурлари объектларига техник хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган ишлар бундан мустасно);

зарба-импульсли асбоб-ускуналар ва асосий бўлмаган механизмларни қўллаган ҳолда ишларни бажариш, юкларни улоқтириш;

рекреацион фаолиятни амалга ошириш, гулханлар ёқиш ва ўт (олов) ўчоғини жойлаштириш;

муҳофаза зоналарини тўсиқлар билан ўраш ва ажратиб олиш;

объектларга тааллуқли бўлмаган бинолар, иморатлар ва иншоотларни қуриш;

магистрал газ қувурига рухсатсиз уланиб олиш;

белгиланган тартибда олинган рухсатнома асосида ишларни бажариш билан машғул бўлмаган фуқароларни тўпланиши билан боғлиқ, шу жумладан, оммавий тадбирларни ўтказиш.

Газ транспорти тизими объектлари жойлашган ҳудудларда жисмоний ва юридик шахслар томонидан қоидаларга қатъий риоя этилиши мажбурий ҳисобланади.

Газ транспорти тизимининг объектларини эксплуатация қилувчи ташкилот қуйидагиларга мажбур ҳисобланади:

а) ишлатилаётган ХИЧО учун саноат хавфсизлиги декларациясини ишлаб чиқиш;

б) қуйидагиларнинг ўз вақтида саноат хавфсизлиги экспертизасидан ўтказилишини таъминлаш:

ХИЧОни қуриш, кенгайтириш, реконструкция қилиш, техник қайта жиҳозлаш, консервация қилиш ва тугатишга оид лойиҳа ҳужжатларини;

ХИЧОда қўлланиладиган техник қурилмаларни;

ХИЧОдаги бино ва иншоотларни;

ХИЧОнинг саноат хавфсизлиги декларациясини;

в) ХИЧОда авария юз берган тақдирда, бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига ҳамда атроф-муҳитга зарар етказганлик учун фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш;

г) саноат хавфсизлиги соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда кўрсатилган талабларга риоя қилиш;

д) белгиланган талаблар асосида ходимлар штат жадвалининг тўлиқлигини таъминлаш;

е) газ транспорти тизимининг объектларини эксплуатация қилиш ишларига малака талаблари бўйича мос бўлган ва мазкур ишга тиббий жиҳатдан қарши кўрсаткичларга эга бўлмаганларни қўйиш;

ж) хизмат кўрсатувчи ходимларни тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш;

з) белгиланган талабларга мувофиқ технологик жараёнларни назорат қилувчи зарур асбоблар ва тизимларнинг мавжудлиги ҳамда соз ҳолда ишлашини таъминлаш;

и) газ транспорти тизимининг объектларида қўлланиладиган техник қурилмалар ва иншоотларни белгиланган муддатларда диагностика, синов ва текширувлардан ўтказиш ҳамда саноат хавфсизлиги соҳасида қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ алоҳида ваколатга эга бўлган Тоғ-кон, геология ва саноат хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси ёки республика ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда уларнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан белгиланган тартибда тақдим қилинган ёзма кўрсатмаларни бажариш;

к) майдонли иншоотларнинг муҳофаза зонасига рухсати бўлмаган бегона шахслар киришининг олдини олиш;

л) саноат хавфсизлиги соҳасида қонунчилик ҳужжатларида мувофиқ ваколатга эга бўлган Тоғ-кон, геология ва саноат хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси ва республика ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда уларнинг ҳудудий бўлинмаларининг буйруқ, қарор ва ёзма кўрсатмаларини бажариш;

м) авария ва нохуш ҳодиса рўй берганда, шунингдек, саноат хавфсизлигига салбий таъсир қилувчи бошқа ҳолатлар аниқланганда, газ транспорти тизими объектларининг эксплуатация қилишни тўхтатиб туриш;

н) газ транспорти тизимининг объектларида авария ва нохуш ҳодиса сабабларини таҳлил қилиш, уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш чораларини кўриш;

о) саноат хавфсизлиги соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ алоҳида ваколатга эга бўлган Тоғ-кон, геология ва саноат хавфсизлигини назорат қилиш инспекциясини белгиланган тартибда ўз вақтида хабардор қилиш, республика ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда уларнинг ҳудудий бўлинмаларини, шунингдек, жойлардаги маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва аҳолини газ транспорти тизими объектларидаги авария ҳақида ўз вақтида огоҳлантириш;

п) ўз ишчиларининг ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилиш чораларини кўриш;

р) ХИЧОда авария ва нохуш ҳодисалар ҳисобини юритиш;

с) ХИЧОда аварияларни чеклаш ва оқибатларини бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни режалаштириш ва амалга ошириш;

т) тегишли профессионал авария-қутқарув хизматлари билан шартномалар тузиш, қонунчилик ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолатларда эса шахсий авария-қутқарув хизматларини тузиш ёки ўз ишчилари таркибидан штатдан ташқари авария-қутқарув бўлинмаларини тузиш;

у) ХИЧОдаги аварияларнинг оқибатларини чегаралаш ва бартараф этиш учун қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ маблағлар ва ресурслар захирасига эга бўлиш;

ф) ходимларни ХИЧОда авария ёки нохуш ҳодиса рўй берган ҳолатларда ҳаракат қилишга ўқитиш;

х) газ транспорти тизимининг объектларида авариялар рўй берган ҳолатлар учун кузатув, хабардор қилиш, алоқа ва ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш тизимларини тузиш, шунингдек, кўрсатилган тизимларни соз ҳолатда ушлаб туриш;

ч) майдонли иншоотлар учун саноат хавфсизлигини, шу жумладан, портлаш хавфини бартараф этишни таъминлаш бўйича талабларни бажариш;

ш) фавқулодда вазиятлар ва ёнғин хавфсизлигига мутасадди бўлган ваколатли органнинг ўз ваколати доирасида қабул қилган ҳамда норматив-ҳуқуқий тусдаги қарорларига (буйруқларига, қоидаларига) риоя қилиш;

э) барча муҳандис-техник ходимлар, хизматчилар ва ишчиларни ёнғин хавфсизлиги қоидалари талабларига ўқитиш ҳамда уларга амал қилинишини назорат қилиш;

ю) таъмирлаш ишлари олиб борилаётганда ёнғин хавфсизлиги қоидалари талабларига риоя этилишини доимий назорат қилиш¹⁵⁶.

Тарқатилиши қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа ахборотни тайёрлаш ва (ёки) тарқатишга йўл қўйилмайди¹⁵⁷.

Оператор, провайдер, дилер ва эшиттирувчилар телекоммуникациялар тармоқларида ахборот ва киберхавфсизликни таъминлашда ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш соҳасида қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиши, жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Wi-Fi хизмати ташкилотчиси оператор ёки провайдер билан биргаликда, ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Оператор ва провайдерлар телекоммуникациялар хизматларини кўрсатишда ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши шарт. Телевидение тармоқлари орқали қонунчилик билан тақиқланган маълумотларни тарқатишга йўл қўйилмайди. Абонентлар ва фойдаланувчилар

¹⁵⁶ Вазирлар Маҳкамасининг “Газ транспорти тизими объектларини муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида” 2023 йил 9 декабрдаги 651-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹⁵⁷ Ўзбекистон Республикасининг “Ноширлик фаолияти тўғрисида” 2021 йил 26 ноябрдаги ЎРҚ–731-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

телекоммуникациялар ёрдамида тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотни тарқатмасликка мажбур¹⁵⁸.

Сунъий интеллект технология ва тизимларини ишлаб чиқувчи ва жорий этувчилар Этика қоидаларига амал қилиши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги алгоритмларнинг шаффоф ва тушунарли бўлишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги эҳтимолий тарафкашликни олдини олиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларининг имкониятлари, чекловлари ва эҳтимолий хавфлари ҳақида очиқ маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчиларни улардан фойдаланиш қоидалари билан таништириш, улардан қандай мақсадда фойдаланиш мумкинлиги ёки тақиқланиши, шунингдек сунъий интеллектга асосланган ечимлар ёки қарорлар доим тўғри бўлмаслиги ҳамда уларнинг натижаларидан тавсиявий ёки маълумот учун фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимлари дастурий таъминоти хавфсизлигини таъминлаши, Этика қоидаларини инобатга олган ҳолда сунъий интеллект технология ва тизимларини доимий равишда такомиллаштириб бориши, сунъий интеллект технология ва тизимлари инсон назорати остида бўлишини ҳамда инсон томонидан қайта кўриб чиқилиши, шунингдек якуний қарор инсон томонидан қабул қилинишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан қонунчиликка зид бўлган ёки шахс, жамият, давлат ва атроф табиий-муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган мақсадларда фойдаланмаслиги, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчилар учун сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қўлланмасини ишлаб чиқиш ва жойлаштириши шарт. Сунъий интеллект тизимларидан фойдаланувчилар сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қоидалари ва шартларига риоя қилиши, сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан тўғри фойдаланиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, бошқа фойдаланувчиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини бузмаслик, Этика қоидаларига амал қилиши, шахс, жамият ва давлат манфаатларига ҳамда атроф-табиий муҳитга зарар етказмаслиги лозим¹⁵⁹.

Давлат органлари ва ташкилотлари ўз тасарруфидаги ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини, тармоқлар ишининг барқарорлигини таъминлаши, шунингдек киберхавфсизлик бўйича ўз мажбуриятларини бажариши, ваколатли давлат органини киберҳужумлар тўғрисида огоҳлантириши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида сақланаётган маълумотларнинг ўғирланиши ҳамда қалбакилаштирилиши ҳолатларининг олдини олиш чораларини кўриши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларини

¹⁵⁸ Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 6 январдаги 287-мх-сон буйруғи (26.01.2026 й., рўй.: 3762) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹⁵⁹ Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 24 февралдаги 284-мх-сон буйруғи (14.03.2026 й., рўй.: 3787) билан тасдиқланган Сунъий интеллектга асосланган ечимларни яратиш, жорий қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича этика қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

киберҳимоя қилиш учун сертификатлаштирилган аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий таъминотдан фойдаланиши, киберхавфсизлик соҳасида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ваколатли давлат органи билан келишиши шарт. Киберхавфсизлик субъектлари ахборот тизимлари ва ресурсларидаги маълумотларнинг қонунга хилоф равишда тарқатилиши, ўғирланиши, йўқолиши, яхлитлигининг бузилиши, блокланиши ва қалбакилаштирилишининг, шунингдек ахборот тизимлари ва ресурсларига рухсатсиз киришнинг бошқа кўринишларининг олдини олиши, бундай ҳоллар аниқланганда ўз вақтида тегишли чоралар кўриши, ахборот тизимлари ва ресурсларига кириш тартиби бузилганда ҳамда уларга рухсатсиз кириш натижасида ушбу тизимлар ҳамда ресурслар ўзгартирилган ёки йўқ қилинган тақдирда салбий оқибатларни камайтириш мақсадида уларни тезкорлик билан тиклаш чораларини кўриши, содир бўлган киберхавфсизлик ҳодисалари ва кибержиноятлар тўғрисида ваколатли давлат органини хабардор қилиши, ушбу ҳодисаларни тўлиқ фош этиш учун тегишли рақамли изларнинг йўқолишига йўл қўймаслик чораларини кўриши, шунингдек киберхавфсизлик ҳодисаларини таҳлил қилиш ва кибержиноятларни текшириш учун зарур бўлган маълумотларнинг доимий сақланишини таъминлаши, киберхавфсизлик объектларини муҳофаза қилиш ва уларнинг хавфсиз ишлаши мониторингини ўтказиш соҳасидаги маълумотларни ваколатли давлат органи билан ўзаро алмашишни амалга ошириши, ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберҳимоясини таъминлашда ваколатли давлат органи томонидан белгиланган киберхавфсизлик талабларига риоя этиши, киберхавфсизлик ҳодисаларига нисбатан чоралар кўриш механизмларининг ишлаб туришини ва киберхавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг ишлашини таъминлаши, улар мавжуд бўлмаган тақдирда эса ваколатли давлат органининг рухсати билан аутсорсинг хизматларидан белгиланган тартибда фойдаланиши, ваколатли давлат органига киберхавфсизликни таъминлаш мониторингининг ташкилий-техник тадбирларини амалга ошириш учун мониторинг тизимларига ва (ёки) киберхавфсизлик объектларига кириш ҳуқуқини бериши шарт¹⁶⁰.

Давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар давлат сирлари ҳамда махфий сирлар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган ахборот ресурслари ва ахборот тизимларининг муҳофаза қилинишини таъминлаши шарт. Сунъий интеллектдан фойдаланиб яратилган ахборот ресурслари ҳамда сунъий интеллект технологиялари асосида ишлайдиган ахборот тизимлари инсонга, унинг ҳаётига, соғлиғига, эркинлигига, шаънига, кадр-қимматига путур етказмаслиги ва унинг бошқа ажралмас ҳуқуқларини бузмаслиги шарт. Веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурсининг эгаси, шу жумладан блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифасидан ёхуд бошқа ахборот ресурсидан қонунга мувофиқ

¹⁶⁰ Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган ўзга ҳаракатларни содир этиш мақсадларида фойдаланилишига йўл қўймаслиги шарт¹⁶¹.

Давлат фуқаролик хизматчиси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига риоя этиши, ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажариши, давлат органи томонидан белгиланган одоб-ахлоқ қоидаларига, хизматга оид ахборот билан ишлаш тартибига, шунингдек давлат фуқаролик хизматини ўташ билан боғлиқ бошқа қоидаларга риоя этиши, давлат органининг нуфузини туширишга олиб келиши ёки унинг ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажаришига шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳаракатлардан (ҳаракатсизликдан), шу жумладан ўз хизмат мажбуриятларини бажараётганда ҳар қандай шаклдаги камситишдан, ноҳолисликдан ёки кимгадир нисбатан алоҳида муносабатда бўлишдан тийилиши шарт¹⁶².

Ушбу нормаларнинг бузилиши натижасида мазкур жиноят вужудга келади.

Бунда, давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлиги ахборот соҳасидаги хавфсизликка таҳдидларга қарши ҳаракатлар юзасидан иқтисодий, сиёсий, ташкилий ва бошқа тусдаги чора-тадбирларни амалга ошириш, давлат сирларини сақлаш ва давлат ахборот ресурсларини улардан рухсатсиз тарзда фойдаланилишидан муҳофаза қилиш, Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ахборот маконига ва замонавий телекоммуникациялар тизимларига интеграциялашуви, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартиришга, ҳудудий яхлитлигини, суверенитетини бузишга, ҳокимиятни босиб олишга ёки қонуний равишда сайлаб қўйилган ёхуд тайинланган ҳокимият вакиллари ҳокимиятдан четлатишга ва давлат тузумига қарши бошқача тажовуз қилишга очикдан-очик даъват этишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишидан ҳимоя қилиш, урушни ва зўравонликни, шафқатсизликни тарғиб қилишни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоват уйғотишга қаратилган терроризм ва диний экстремизм ғояларини ёйишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишига қарши ҳаракатлар қилиш билан таъминланади. Шахснинг ахборот борасидаги хавфсизлиги унинг ахборотдан эркин фойдаланиши зарур шароитлари ва кафолатларини яратиш, шахсий ҳаётига тааллуқли сирларини сақлаш, ахборот воситасида қонунга ҳилоф равишда руҳий таъсир кўрсатилишидан ҳимоя қилиш йўли билан таъминланади. Жисмоний шахсларга тааллуқли шахсий маълумотлар махфий ахборот тоифасига киради. Жисмоний шахснинг розилигисиз унинг шахсий ҳаётига тааллуқли ахборотни, худди шунингдек шахсий ҳаётига тааллуқли сирини, ёзишмалар, телефондаги сўзлашувлар, почта, телеграф ва бошқа мулоқот сирларини бузувчи ахборотни тўплашга, сақлашга, қайта ишлашга, тарқатишга ва ундан фойдаланишга йўл қўйилмайди, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно. Жисмоний шахслар тўғрисидаги ахборотдан уларга моддий зарар ва маънавий зиён етказиш, шунингдек

¹⁶¹ Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги 560-П-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹⁶² Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида” 2022 йил 8 августдаги ЎРҚ–788-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари рўёбга чиқарилишига тўсқинлик қилиш мақсадида фойдаланиш тақиқланади. Фуқаролар тўғрисида ахборот олувчи, бундай ахборотга эгалик қилувчи ҳамда ундан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахслар бу ахборотдан фойдаланиш тартибини бузганлик учун қонунда назарда тутилган тарзда жавобгар бўладилар. Ахборот манбаи ёки муаллиф номи фақат суд қарори билан ошкор этилиши мумкин¹⁶³.

Бунда, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда аниқланган валюта намунаси қалбаки эканлигига шубҳа пайдо бўлганда, тезкор-қидирув тадбирлари давомийлигини таъминлаш зарурати юзага келганда, тезкорликни амалга ошириш ҳамда тегишли вақтни тежаш мақсадида мазкур модда (буюм) ёки валюта намуналарини улар аниқланган жойнинг ўзида ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар биносида экспресс текшириш техник воситалари ёрдамида текширади¹⁶⁴.

2. Кибержиноят асосий бевосита объекти – жамият ва жамоат хавфсизлиги, шу жумладан, нефть қувурлари, газ қувурлари, нефть ва газ маҳсулотлари қувурлари, шунингдек технологик жиҳатдан улар билан боғлиқ бўлган объектлар, иншоотлар, алоқа, автоматика, сигнализация воситаларининг дахлсизлиги ва хавфсизлиги.

3. Кибержиноят қўшимча бевосита объекти – ахборот-коммуникация технологияларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар.

4. Кибержиноят факультатив бевосита объекти – ўзга шахс (лар) ва давлат, шу жумладан, шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни, кадр-қиммати, мулк дахлсизлиги, тинчлик ва инсоният хавфсизлиги, бошқарув тартиби ва бошқалар;

5. Кибержиноят субъекти – 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс.

6. Кибержиноят субъектив томони – қасддан.

7. Кибержиноят объектив томони – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ёки қонунга ҳилоф равишда ахборот-коммуникация тизимига кириб, нефть қувурларини, газ қувурларини, нефть ва газ маҳсулотлари қувурларини, шунингдек технологик жиҳатдан улар билан боғлиқ бўлган объектларни, иншоотларни, алоқа, автоматика, сигнализация воситаларини қасддан бузиш, уларга шикаст етказиш ёки бошқа усул билан уларни фойдаланиш учун яроқсиз ҳолатга келтириш йўли билан содир этилади.

8. Кибержиноят мақсади – моддий ёки (ва) номоддий манфаат, ғаразли ёки бошқа паст ниятлар, ўч олиш ва ҳк.

¹⁶³ Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принципи ва қафолатлари тўғрисида” 2002 йил 12 декабрдаги 439-П-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹⁶⁴ Вазирлар Маҳкамасининг “Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг аналоглари, прекурсорлар, кучли таъсир қилувчи моддалар ҳамда валюта намуналарини экспресс текшириш жараёнида техник воситалардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2023 йил 12 январдаги 12-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

9. Кибержиноят воситаси (қуроли) – ахборот-коммуникация технологиялари.

10. Кибержиноятнинг зарурий белгилари:

1) қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги;
 2) қилмишнинг ҳуқуққа хилофлилиги;
 3) қилмишда айбнинг мавжудлиги;
 4) қилмишнинг жазога сазоворлиги;
 5) қилмишнинг нефть қувурлари, газ қувурлари, нефть ва газ маҳсулотлари қувурлари, шунингдек технологик жиҳатдан улар билан боғлиқ бўлган объектлар, иншоотлар, алоқа, автоматика, сигнализация воситаларига боғлиқлиги;

6) нефть қувурларини, газ қувурларини, нефть ва газ маҳсулотлари қувурларини, шунингдек технологик жиҳатдан улар билан боғлиқ бўлган объектларни, иншоотларни, алоқа, автоматика, сигнализация воситаларини қасддан бузиш, уларга шикаст етказиш ёки бошқа усул билан уларни фойдаланиш учун яроқсиз ҳолатга келтириш қилмиши уларнинг нормал ишлаши бузилишига олиб келса ёки олиб келиши мумкин бўлиши зарурлиги;

7) қилмишнинг нефть қувурларини, газ қувурларини, нефть ва газ маҳсулотлари қувурларини, шунингдек технологик жиҳатдан улар билан боғлиқ бўлган объектларни, иншоотларни, алоқа, автоматика, сигнализация воситаларини қасддан бузиш, уларга шикаст етказиш ёки бошқа усул билан уларни фойдаланиш учун яроқсиз ҳолатга келтириш йўли билан содир этилиши;

8) алоқа;

9) ахборот;

10) кибермуҳит, шу жумладан, кибермакон;

11) ахборот-коммуникация технологиялари.

Ушбу белгиларнинг биронтаси мавжуд эмаслиги қилмишнинг кибержиноят эканлигини инкор этади.

11. Кибержиноятнинг тамомланиши –

1) нефть қувурлари, газ қувурлари, нефть ва газ маҳсулотлари қувурлари, шунингдек технологик жиҳатдан улар билан боғлиқ бўлган объектлар, иншоотлар, алоқа, автоматика, сигнализация воситаларининг нормал ишлаши бузилиши вужудга келган вақтдан;

2) нефть қувурлари, газ қувурлари, нефть ва газ маҳсулотлари қувурлари, шунингдек технологик жиҳатдан улар билан боғлиқ бўлган объектлар, иншоотлар, алоқа, автоматика, сигнализация воситаларининг нормал ишлаши бузилиши вужудга келиши мумкин бўлган вақтдан бошлаб.

12. Кибержиноятнинг тузилишига кўра тури – моддий таркибли кибержиноятлар ҳам мавжуд.

13. Кибержиноятнинг ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасига кўра тури – ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган, оғир кибержиноят.

14. Жазо тизимига кўра тури – ижтимоий хавфли қилмиши учун Жиноят кодексида жарима, ахлоқ тузатиш ишлари, озодликни чеклаш, озодликни маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган кибержиноятлар.

15. Жиноят предмети – нефть қувурлари, газ қувурлари, нефть ва газ маҳсулотлари қувурлари, шунингдек технологик жихатдан улар билан боғлиқ бўлган объектлар, иншоотлар, алоқа, автоматика, сигнализация воситалари, уларга боғлиқ матн, видео, аудио, мемлар, постлар, deepfake контент ва бошқа шаклдаги ахборот шунингдек, қуйидагилар ҳам жиноят предмети бўлиши мумкин:

1. Молиявий воситалар – нақдсиз пул, банк ўтказмалари, электрон ҳамёнлар орқали тўловлар (Payme, Click, PayPal, QIWI ва ҳ.к.), криптовалюта (Bitcoin, USDT, Ethereum ва бошқалар), онлайн тўлов тизимлари орқали маблағ, қимматли қоғозлар (акциялар, облигациялар), электрон сертификатлар, баланс тўлдириш (телефон, аккаунт, карта) ва ҳ.к.;

2. Рақамли активлар – лицензия калитлари (software key), онлайн сервис аккаунти, Premium обуна, домен номи, веб-сайтга эгалик, ижтимоий тармоқлардаги (Telegram, Instagram, YouTube ва бошқалар) каналлар ва гуруҳлар, NFT активлари, онлайн ўйин аккаунтлари, база маълумотлар, электрон контракт ҳуқуқи, NFTлар, ўйин ичидаги қимматбаҳо виртуал буюмлар (Skins, In-game currency) ва ҳ.к.;

3. Ахборот – махфий маълумот, тендер маълумотлари, миқдорлар базаси, пароллар, давлат реестри маълумотлари, имтиёзли кириш ҳуқуқи, жумладан, тижорат ёки хизмат сири ҳисобланган маълумотларга имтиёзли кириш ҳуқуқини бериш, касб, хизмат сирлари, текширув натижаларини ўзгартириш ва ҳ.к.;

4. Номоддий манфаат – лавозимга тайинлаш, лойиҳада ғолиб қилиш, рейтингни ошириш, файлни ўчириб бериш, маъмурий, молиявий ёки жиноий жазодан қутқариш, солиқ ва бошқа тўловларни камайтириш, давлат ижтимоий буюртмасини бериш, рухсатнома чиқариш ва ҳ.к.;

5. Техника ва IT ресурслар – сервер ресурслари, хостинг, VPN кириш, Cloud аккаунт, дастур кодлари, дастурий таъминот лицензияси, API кириш ҳуқуқи, бқори қийматга эга бўлган тижорат дастурларига (масалан, киберхавфсизлик ёки дизайн дастурларига) умрбод ёки узоқ муддатли пуллик обуналарни олиб бериш ва ҳ.к.;

6. Аралаш шакллар – қимматбаҳо техника (ноутбук, смартфон ва ҳ.к.), онлайн орқали етказилган товар, электрон ваучер, крипто-ҳисоб очиш, тўловни учинчи шахс орқали амалга ошириш, жиноятчи учун бепул яратиб берилган веб-сайтлар, SMM хизматлари, пуллик дастурий таъминотларга лицензиялар ёки обуналар (Subscription), мансабдор шахс ёки унинг яқинлари учун бепул сервер майдони (Hosting) ажратиб бериш ёки веб-сайт ишлаб чиқиб, уни тарғиб қилиш (SMM/SEO) хизматларини бепул кўрсатиш, хизматчининг ижтимоий тармоқлардаги саҳифасини пуллик тарғиб қилиш (Boost), онлайн курслар ёки пуллик веб-сервисларга обуналарни (Premium subscription) совға қилиш ва ҳ.к.

16. Кибержиноятни содир этишнинг энг кўп усуллари:

- 1) телекоммуникация ёки интернет тармоғида намойишкорона;
- 2) телекоммуникация ёки интернет тармоғида жойлаштириш орқали;
- 3) ахборот-коммуникация технологияларидан жиноят қуроли ёки воситаси сифатида фойдаланиш натижасида.

Ушбу жиноят қуйидаги шаклларда содир этилиши мумкин, хусусан:

1) бошқарув алгоритмларини манипуляция қилиш. Мисол учун, қувурлардаги босимни назорат қилувчи PLC (дастурланувчи мантикий контроллер) созламаларини масофадан ўзгартириш орқали босимнинг ҳаддан ташқари ошишига ва қувурнинг жисмоний портлашига олиб келиш;

2) сигнализация ва алоқани блоклаш (DoS/DDoS). Мисол учун, авария ҳолатида диспетчерлик марказига хабар юборувчи сенсорларни шол қилиб қўйиш орқали тизимдаги шикастланиш ҳақида маълумот бормайди ва кичик носозлик йирик фалокатга айлантириш;

3) Ransomware (товламачи дастурлар). Мисол учун, қувур операторининг оператив бошқарув тизимини блокга тушириш (масалан, АҚШдаги Colonial Pipeline воқеаси);

4) ман-ин-тҳе-миддле (MITM) ҳужуми. Мисол учун, диспетчернинг экранига сохта маълумот чиқариш масалан, ҳаммаси жойида деб кўрсатиш, аслида эса тизимда технологик бузилишни ташкил қилиш йўли билан содир этилиши мумкин.

Ушбу жиноятни фош этишда қуйидаги рақамли излар тўпланиши мумкин, хусусан:

1) PLC Log-файллари. Мисол учун, контроллер хотирасидаги мантикий занжирларнинг қачон ва қайси IP-манзилдан ўзгартирилганлиги;

2) HMI (Инсон машина интерфейси) қайдлари. Мисол учун, оператор компьютерига ким ва қайси ваколат (credential) билан кириб, клапанларни ёпганлиги ёки очганлиги;

3) тармоқ трафиғи аномалиялари. Мисол учун, объектнинг ички тармоғида кузатилган шубҳали TCP/IP пакетлар оқими;

4) зарарли код қолдиқлари. Мисол учун, тезкор хотирада (RAM) ёки дискда қолган скриптлар, Backdoorлар ёки масофавий бошқарув троянлари (RAT).

Жиноятни фош этилиши учун қуйидаги экспертизалар ўтказилиши мумкин, хусусан:

1) суд-компьютер-техникавий экспертизаси қувур ўтказгичларнинг СКАДА (SCADA) бошқарув тизимларига, саноат назорати қурилмаларига (PLC) ва масофавий телеметрия тизимларига қилинган киберҳужумларни, тизим ишини тўхтатиш ёки портлатиш мақсадида киритилган зарарли кодларни (мантикий бомбалар), технологик жараённи бошқарувчи серверларга рухсатсиз кириш изларини ҳамда автоматлаштирилган бошқарув тизимларининг (АБТ) дастурий таъминотиға киритилган қасддан ўзгартиришларни, ҳужум манбасини, ишлатилган зарарли дастур турини ва ахборот тизимиға кириш нуктасини;

2) суд-иқтисодий экспертизаси қувурлар ва улар билан боғлиқ объектларнинг ишдан чиқиши натижасида етказилган кўп ёки жуда кўп

миқдордаги моддий зарарни, нефть ва газ маҳсулотларининг ноқонуний оқиб кетиши натижасидаги йўқотишларни, тизимни қайта тиклаш ва таъмирлаш учун сарфланган молиявий харажатларнинг аниқ ҳажмини, жуда кўп миқдордаги зарар суммасини (нефть йўқотилиши + тизимни тиклаш харажатлари);

3) суд-экологик экспертизаси ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида бошқарув тизимларининг бузилиши натижасида келиб чиққан нефть ёки газ сизиб чиқишининг атроф-муҳитга, тупроқ ва сув ресурсларига етказган зарарли таъсирини ҳамда экологик оқибатларни бартараф этиш харажатларини, газ ёки нефть сизиб чиқиши натижасида атроф-муҳитга етказилган зарар миқдорини;

4) суд-инженерлик-техникавий экспертизаси қувурлар билан технологик жиҳатдан боғлиқ бўлган автоматика, сигнализация ва алоқа воситаларининг айнан қайси техник-дастурий аралашув натижасида ишдан чиққанлигини, тизимдаги босим ёки ҳароратнинг қасддан оширилиши натижасида юзага келган авария механизмини, кибераралашув натижасида қувурнинг жисмоний ҳолати (босим, ҳарорат) қандай ўзгарганини ва бу яроқсизликка сабаб бўлганини;

5) суд-филологик (лингвистик) экспертизаси жинойтчиларнинг мессенжерлардаги ёки ёпиқ форумлардаги ёзишмаларини таҳлил қилиб, улардаги қувурларни яроқсиз ҳолатга келтириш бўйича келишувларни, техник кўрсатмаларни ва жинойтнинг "қасддан" содир этилганлигини тасдиқловчи мазмуний белгиларни;

6) видеоматериалларнинг суд экспертизаси қувур магистраллари ва технологик объектлардаги видеокузатув тизимларининг ёзувларини, шунингдек, дронлар ёки бошқа масофавий кузатув воситалари орқали олинган тасвирларнинг ҳаққонийлигини ва воқеа содир бўлган вақтдаги техник ҳолатни;

7) суд-фото-техникавий экспертизаси шикастланган объектларнинг рақамли фотосуратларини ва уларнинг метамальумотларини (GPS-координаталар, вақт) таҳлил қилиб, жинойт содир этилган аниқ географик жойни ва вақтни;

8) суд-фонографик экспертизаси қувурларни бошқариш маркази ва диспетчерлик хизматларининг қайд этилган овозли сўзлашувларини таҳлил қилиб, тизим ишини атайлаб бузишга қаратилган ноқонуний оғзаки буйруқларни ва уларни берган шахсларнинг овозини;

9) суд-тиббий экспертизаси ахборот-коммуникация технологиялари орқали уюштирилган техник авария ёки портлаш натижасида инсон саломатлигига етказилган ўртача оғир, оғир шикастларнинг хусусиятини ёки ўлим сабабларини;

10) ҳужжатларнинг суд-техникавий экспертизаси технологик жараённи бошқариш учун асос бўлган сохта электрон буйруқларни, рақамли юкхатларни ва ахборот тизимларида қалбакилаштирилган электрон ҳисоботларнинг ҳақиқийлигини;

11) суд-портрет экспертизаси технологик объектларга рухсатсиз кирган ёки ахборот-коммуникация технологиялари ва қурилмаларига техник шикаст етказган шахсларнинг рақамли тасвирлардаги қиёфасини;

12) суд-психологик экспертизаси айбдорларнинг (айниқса тизим операторлари ёки IT-мутахассисларнинг) стратегик объектни яроқсиз ҳолатга келтиришдаги мотивларини, ижтимоий ва давлат хавфсизлигига қарши қаратилган қасд йўналишини ва руҳий ҳолатини аниқлайди.

1.13-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, темир йўл, денгиз, дарё, ҳаво транспорти воситаси ёки алоқа йўллари яроқсиз ҳолатга келтириш жиноятининг юридик-техник таҳлили

263-модда. Темир йўл, денгиз, дарё ёки ҳаво транспорти воситалари, алоқа йўллари, улардаги иншоотлар, сигнализация қурилмалари, алоқа ёки бошқа транспорт ускуналари қасддан бузиш, уларга шикаст етказиш ёхуд уларни бошқа усулда фойдаланиш учун яроқсиз ҳолатга келтириш баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат одам ўлишига сабаб бўлса, —

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат:

а) одамлар ўлимига;

б) ҳалокатга;

в) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, —

ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Муҳофаза қилинадиган норма — Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра, Ўзбекистон Республикасида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан, фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа инсонларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар. Инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсиздир. Ҳеч нарса уларни камситиш учун асос бўлиши мумкин эмас. Инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, жамият ҳамда давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги шарт¹⁶⁵.

Қонунчилик талабига асосан, оператор, провайдер, дилер ва эшиттирувчилар телекоммуникациялар тармоқларида ахборот ва киберхавфсизликни таъминлашда ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш соҳасида қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиши, техник воситалардан жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак.

¹⁶⁵ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // lex.uz — Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Абонентлар ва фойдаланувчилар телекоммуникациялар тармоғи орқали тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотни тарқатмасликка мажбур¹⁶⁶.

Сунъий интеллект технология ва тизимларини ишлаб чиқувчи ва жорий этувчилар Этика қоидаларига амал қилиши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги алгоритмларнинг шаффоф ва тушунарли бўлишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги эҳтимолий тарафкашликни олдини олиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларининг имкониятлари, чекловлари ва эҳтимолий хавфлари ҳақида очиқ маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчиларни улардан фойдаланиш қоидалари билан таништириш, улардан қандай мақсадда фойдаланиш мумкинлиги ёки тақиқланиши, шунингдек сунъий интеллектга асосланган ечимлар ёки қарорлар доим тўғри бўлмаслиги ҳамда уларнинг натижаларидан тавсиявий ёки маълумот учун фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимлари дастурий таъминоти хавфсизлигини таъминлаши, Этика қоидаларини инобатга олган ҳолда сунъий интеллект технология ва тизимларини доимий равишда такомиллаштириб бориши, сунъий интеллект технология ва тизимлари инсон назорати остида бўлишини ҳамда инсон томонидан қайта кўриб чиқиши, шунингдек якуний қарор инсон томонидан қабул қилинишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан қонунчиликка зид бўлган ёки шахс, жамият, давлат ва атроф табиий-муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган мақсадларда фойдаланмаслиги, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчилар учун сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қўлланмасини ишлаб чиқиш ва жойлаштириши шарт. Сунъий интеллект тизимларидан фойдаланувчилар сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қоидалари ва шартларига риоя қилиши, сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан тўғри фойдаланиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, бошқа фойдаланувчиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини бузмаслик, Этика қоидаларига амал қилиши, шахс, жамият ва давлат манфаатларига ҳамда атроф-табиий муҳитга зарар етказмаслиги лозим¹⁶⁷.

Давлат органлари ва ташкилотлари ўз тасарруфидаги ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини, тармоқлар ишининг барқарорлигини таъминлаши, шунингдек киберхавфсизлик бўйича ўз мажбуриятларини бажариши, ваколатли давлат органини киберхужумлар тўғрисида огоҳлантириши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида сақланаётган маълумотларнинг ўғирланиши ҳамда қалбакилаштирилиши ҳолатларининг

¹⁶⁶ ¹⁶⁶ Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 6 январдаги 287-мх-сон буйруғи (26.01.2026 й., рўй.: 3762) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹⁶⁷ Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 24 февралдаги 284-мх-сон буйруғи (14.03.2026 й., рўй.: 3787) билан тасдиқланган Сунъий интеллектга асосланган ечимларни яратиш, жорий қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича этика қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

олдини олиш чораларини кўриши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларини киберҳимоя қилиш учун сертификатлаштирилган аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий таъминотдан фойдаланиши, киберхавфсизлик соҳасида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ваколатли давлат органи билан келишиши шарт. Киберхавфсизлик субъектлари ахборот тизимлари ва ресурсларидаги маълумотларнинг қонунга хилоф равишда тарқатилиши, ўғирланиши, йўқолиши, яхлитлигининг бузилиши, блокраниши ва қалбакилаштирилишининг, шунингдек ахборот тизимлари ва ресурсларига рухсатсиз киришнинг бошқа кўринишларининг олдини олиши, бундай ҳоллар аниқланганда ўз вақтида тегишли чоралар кўриши, ахборот тизимлари ва ресурсларига кириш тартиби бузилганда ҳамда уларга рухсатсиз кириш натижасида ушбу тизимлар ҳамда ресурслар ўзгартирилган ёки йўқ қилинган тақдирда салбий оқибатларни камайтириш мақсадида уларни тезкорлик билан тиклаш чораларини кўриши, содир бўлган киберхавфсизлик ҳодисалари ва кибержиноятлар тўғрисида ваколатли давлат органини хабардор қилиши, ушбу ҳодисаларни тўлиқ фош этиш учун тегишли рақамли изларнинг йўқолишига йўл қўймаслик чораларини кўриши, шунингдек киберхавфсизлик ҳодисаларини таҳлил қилиш ва кибержиноятларни текшириш учун зарур бўлган маълумотларнинг доимий сақланишини таъминлаши, киберхавфсизлик объектларини муҳофаза қилиш ва уларнинг хавфсиз ишлаши мониторингини ўтказиш соҳасидаги маълумотларни ваколатли давлат органи билан ўзаро алмашишни амалга ошириши, ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберҳимоясини таъминлашда ваколатли давлат органи томонидан белгиланган киберхавфсизлик талабларига риоя этиши, киберхавфсизлик ҳодисаларига нисбатан чоралар кўриш механизмларининг ишлаб туришини ва киберхавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг ишлашини таъминлаши, улар мавжуд бўлмаган тақдирда эса ваколатли давлат органининг рухсати билан аутсорсинг хизматларидан белгиланган тартибда фойдаланиши, ваколатли давлат органига киберхавфсизликни таъминлаш мониторингининг ташкилий-техник тадбирларини амалга ошириш учун мониторинг тизимларига ва (ёки) киберхавфсизлик объектларига кириш ҳуқуқини бериши шарт¹⁶⁸.

Веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурсининг эгаси, шу жумладан блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифасидан ёхуд бошқа ахборот ресурсидан қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган ўзга ҳаракатларни содир этиш мақсадларида фойдаланилишига йўл қўймаслиги шарт¹⁶⁹.

Йўловчи жамоат тартибига, йўловчи вагонларидан ва йўловчиларни ташиш хизматлари кўрсатиш учун мўлжалланган объектлардан фойдаланиш

¹⁶⁸ Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹⁶⁹ Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги 560-П-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

қоидаларига риоя этиши, шунингдек ташувчининг мол-мулкига эҳтиёткорона муносабатда бўлиши ва сафар давомида ҳам, кутиш жойларида ҳам ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этиши, ташувчи ҳаракат ва темир йўл транспортидан фойдаланиш хавфсизлиги талаблари бажарилишини таъминлаши, йўловчининг хавфсизлигини, унга зарур қулайликлар ва хизмат кўрсатиш шароитлари яратилишини, йўловчи томонидан багаж ҳамда юк багажи топширилган тақдирда эса уларнинг ўз вақтида ташилиши ҳамда бут сақланишини таъминлаши, вагонлар (контейнерлар) оператори қонунчилик ҳужжатларига, шунингдек бошқа қонунчилик ҳужжатларида белгиланган темир йўл транспортидаги хавфсизлик талабларига риоя этиши шарт.

Темир йўл транспортининг инфратузилма объектларига нисбатан хавфсизликка доир мажбурий талаблар, уларни назорат қилиш усуллари, шунингдек уларнинг мувофиқлигини баҳолаш шакли қонунчилик ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар билан белгиланади.

Темир йўл транспортида йўловчилар ва юкларни ташиш бўйича хизматлар кўрсатиш лицензияланадиган фаолият туридир.

Темир йўл станциялари, вокзаллар ва темир йўл транспортининг ташиш жараёни билан боғлиқ бошқа бўлинмалари ҳудудлари, поездлар ҳаракати амалга ошириладиган ҳамда манёвр ва юк ортиш-юк тушириш ишлари бажариладиган йўловчи платформалари ва темир йўллар ўта хавфли зоналар ҳисобланади ва зарурат бўлганда атрофи ўраб қўйилади ҳамда назорат қилиш техника воситалари билан жиҳозланади. Ўта хавфли зоналарда фуқароларнинг бўлиши ва объектларнинг жойлаштирилиши, бундай зоналарда ишларнинг бажарилиши, темир йўллар орқали транспортда ва пиёда кесиб ўтиш қоидалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Ҳаракатдаги таркиб, шу жумладан ҳаракатдаги махсус таркиб ва контейнерлар, темир йўлларнинг ер устки қурилмалари қисмлари ҳамда бошқа техника воситалари ва механизмлар, шунингдек темир йўл транспортида кўрсатиладиган хизматлар темир йўл транспортининг авариясиз ишлашини, ҳаракат хавфсизлигини, меҳнатни муҳофаза қилиш ва экологик хавфсизлик талабларини тартибга солувчи қонунчилик ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ бўлиши керак.

Ҳаракатдаги таркиб ва темир йўл транспорти инфратузилмаси объектлари қонунчиликда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши керак. Рўйхатдан ўтказилмаган ҳаракатдаги таркибдан ва темир йўл транспорти инфратузилмаси объектларидан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Ҳаракатдаги таркибни бошқариш ҳукуқи тегишли малакага эга бўлган ҳамда белгиланган тартибда тиббий текширувдан ўтган жисмоний шахсларга берилади.

Ҳаракатдаги таркибни бошқариш ҳукуқини бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Темир йўл транспорти фаолиятида фойдаланиладиган техника воситалари ва механизмларни, шунингдек кўрсатиладиган хизматларни сертификатлаштириш қонунчилиқда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Худудидида хавфли юкларни ишлаб чиқариш, сақлаш, ортиш, ташиш ва тушириш ишлари амалга ошириладиган объектлар умумий фойдаланишдаги темир йўллардан ва иншоотлардан уларнинг хавфсиз ишлашини таъминлайдиган масофада узоклаштирилган бўлиши керак. Умумий фойдаланишдаги йўлларнинг қувурлар, алоқа, электр узатиш тармоқлари ҳамда бошқа иншоотлар билан кесишган жойларида мазкур объектлардан умумий фойдаланишдаги темир йўллар ва иншоотларгача бўлган энг кам масофа, шунингдек темир йўллар билан кесишиш ҳамда яқинлашиш жойларида бундай объектларни қуриш ва сақлаш нормалари тегишли давлат органи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги билан келишилган ҳолда қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда белгиланади.

Умумий фойдаланишдаги темир йўлларни кесиб ўтувчи ёки бевосита уларнинг яқинида жойлашган газ, нефть қувурлари ва бошқа иншоотларни қуриш ҳамда улардан фойдаланиш чоғида белгиланган нормативларни таъминлаш, шунингдек мазкур иншоотлардан фойдаланиш хавфсизлиги учун уларнинг эгалари жавобгар бўлади. Мазкур иншоотларнинг эгалари ҳаракат хавфсизлигига таҳдид солувчи авария ҳолатлари юзага келганлиги ҳақида умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти корхоналарини, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва Транспорт вазирлиги бўлинмаларини ўз вақтида хабардор қилиши шарт.

Темир йўл транспортида умумий фойдаланишдаги ва умумий фойдаланишда бўлмаган йўллар орқали ташилаётган хавфли ҳамда махсус юкларнинг эгалари, бундай юкларни жўнатувчилар ва олувчилар уларнинг ташилиши, ортилиши ва туширилиши хавфсизлигини авария вазиятларини ва авария оқибатларини тугатиш учун зарур бўлган воситалар ва ҳаракатчан бўлинмаларни жалб этган ҳолда ҳамда бу юкларни ташиш чоғида авария ҳолатлари юзага келган тақдирда кафолатлаши керак. Умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти корхоналари, ташувчилар хавфли ва махсус юкларни ташиш хавфсизлигини таъминлаши ҳамда ушбу юкларни ташиш чоғида авария ҳоллари юзага келган тақдирда, уларнинг оқибатларини тугатишда иштирок этиши шарт. Темир йўлларнинг автомобиль йўллари билан кесишган жойлари (темир йўл кесишуви жойлари) темир йўл транспортдан техник фойдаланиш қоидалари ҳамда шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари билан белгиланади. Темир йўл кесишуви жойларидан фойдаланиш, уларни очиш ва ёпиш қоидалари Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги томонидан тасдиқланади. Темир йўл транспорти ва ташиш жараёни билан боғлиқ бошқа техника воситаларининг ҳаракат хавфсизлиги ҳамда улардан фойдаланиш қоидаларини бузганликда айбдор шахслар қонунчиликка мувофиқ жавобгар бўлади. Йўловчилар, бошқа юридик

ва жисмоний шахслар темир йўл транспорти воситаларидан фойдаланиш, ҳаракат хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги қоидаларини, темир йўл транспортидаги санитария-гигиена ва санитария-эпидемияга қарши қоидаларни бузганлик, қурилмаларга, ҳаракатдаги таркибга ва уларнинг ички жиҳозларига шикаст етказганлик учун қонунчиликка мувофиқ жавобгар бўлади¹⁷⁰.

Транспорт воситалари мувофиқлик ёки транспорт воситаси турини маъқуллаш сертификатига эга бўлиши ва рўйхатдан ўтказилиши керак. Хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган транспорт воситаларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариш, сотиш (реализация қилиш) ёки улардан фойдаланиш тақиқланади. Ташувчи йўловчи хавфсизлигини, унга зарур қулайликлар ва хизмат кўрсатиш шароитлари яратилишини, йўловчи томонидан багаж ҳамда юк багажи топширилган тақдирда эса унинг багажи ва юк багажи ўз вақтида ташилиши ҳамда бут сақланишини ҳам таъминлаши, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаши шарт. Транспорт ташкилотлари, шунингдек ташувчилар фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғи, жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг мол-мулки хавфсизлигини, транспорт воситаларидан, транспорт инфратузилмаси объектларидан фойдаланиш хавфсизлигини, шунингдек атроф-муҳит муҳофаза қилинишини таъминлаши шарт. Транспорт инфратузилмаси объектларининг фаолият кўрсатишига ва хавфсизлигини таъминлашга, шунингдек транспорт хизматлари кўрсатишга тўсқинлик қиладиган хўжалик фаолиятини ҳамда бошқа фаолиятни амалга оширишга йўл қўйилмайди.

Транспорт воситалари ва иншоотларининг хавфсизлигини бевосита таъминлайдиган ходимлар тегишли билим, кўникма ҳамда тайёргарликка, шунингдек қонунчилик талабларига мувофиқ рухсат этиш хусусиятига эга бўлган ишларга доир ижозатга эга бўлиши керак. Бу ходимлар, шунингдек меҳнат шароитлари ўта зарарли ва ўта оғир ишларда банд бўлган ходимлар тиббий текширувдан ўтиши керак. Транспорт воситалари ҳаракати амалга ошириладиган, манёвр ва юк ортиш-тушириш ишлари бажариладиган транспорт инфратузилмаси объектларининг ҳудудлари ўта хавфли зоналар ҳисобланади ҳамда, зарур бўлганда, тўсиб қўйилади ва техник назорат воситалари билан жиҳозланади. Ўта хавфли зоналарда жисмоний шахсларнинг бўлиши ва объектларнинг жойлаштирилиши, уларда ишларни бажариш қоидалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари ва темир йўлларни кесиб ўтувчи ёки бевосита уларнинг яқинида жойлашган газ, нефть қувурларини ва бошқа иншоотларни қуриш ҳамда улардан фойдаланиш чоғида белгиланган нормативларни, шунингдек мазкур иншоотлардан фойдаланиш хавфсизлигини таъминлаш учун уларнинг эгалари жавобгардир.

Транспортдаги хавфсизлик талаблари, уларга риоя этилиши юзасидан давлат текшируви ва назоратининг, жамоатчилик назоратининг усуллари, шунингдек уларнинг мувофиқлигини баҳолаш шакллари норматив-ҳуқуқий

¹⁷⁰ Ўзбекистон Республикасининг “Темир йўл транспорти тўғрисида” 2024 йил 27 ноябрдаги ЎРҚ–1006-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

хужжатларда ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив хужжатларда белгиланади.

Худудида хавфли юкларни ишлаб чиқариш, сақлаш, юклаш, ташиш ва тушириш амалга ошириладиган объектлар умумий фойдаланишдаги жойлардан, иншоотлардан, турар жой массивларидан, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлардан ва махсус кўриқланиши лозим бўлган объектлардан уларнинг хавфсиз ишлашини таъминлайдиган масофада узоқлаштирилган бўлиши керак.

Автомобиль йўллари ва темир йўлларнинг ажратилган минтақасида жойлашган транспорт иншоотларини реконструкция қилиш ҳамда таъмирлаш билан боғлиқ ҳолда коммуникацияларни қайта жиҳозлаш бундай коммуникациялар мулкдорларининг ва эгаларининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Хавфли ва махсус юкларни кўриқлаш ва кузатиб бориш юкларни жўнатувчилар ёки олувчилар томонидан бутун ҳаракатланиш йўли давомида таъминланади. Транспортда ташиладиган хавфли ва махсус юкларнинг эгалари, бундай юкларни жўнатувчилар ҳамда олувчилар ушбу юкларни ташиш чоғида авария ҳолатлари юзага келган ҳолларда авария вазиятларини ва аварияларнинг оқибатларини тугатиш учун зарур бўлган воситаларни ҳамда ҳаракатчан бўлинмаларни жалб этган ҳолда уларни ташиш, юклаш ва тушириш хавфсизлигини кафолатлаши керак.

Транспорт ташкилотлари ва ташувчилар хавфли ҳамда махсус юкларни ташиш хавфсизлигини таъминлаши ҳамда ушбу юкларни ташиш чоғида авариялар юзага келган ҳолларда уларнинг оқибатларини тугатишда иштирок этиши шарт. Хавфли ва махсус юкларни ташиш соҳасида юзага келадиган муносабатлар қонунчилик билан тартибга солинади. Фойдали қазилмалар жойлашган майдонларда транспорт ташкилотларининг объектларини лойиҳалаштириш ва қуриш, улар жойлашган ерларда ер ости иншоотларини жойлаштириш тақиқланади. Алоҳида ҳолларда, лойиҳалаштириш ва қуришга Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитасининг рухсати билан йўл қўйилади. Фаолияти транспорт воситаларининг ҳаракати ва уларнинг хавфсизлигини таъминлаш билан бевосита боғлиқ бўлган транспорт ходимларининг айрим тоифалари қонунчиликда белгиланган тартибда иш вақти режими, дам олиш режими ва бошқа меҳнат шароитларининг ўзига хос хусусиятларига риоя этиши шарт. Транспорт ташкилотлари ва ташувчилар фаолияти транспорт воситаларининг ҳаракатланиши билан боғлиқ бўлган ҳамда меҳнат шароитлари ўта зарарли ва ўта оғир ишларда банд бўлган ходимларнинг дастлабки ҳамда даврий тиббий кўриқлардан ўтказилишини ташкил этиши шарт. Бундай ходимлар ва ишларнинг рўйхати, шунингдек тиббий кўриқларни ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади. Транспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳаракатланиши хавфсизлиги масалалари Ўзбекистон Республикасининг

қонунчилиги ва халқаро шартномалари билан тартибга солинади¹⁷¹. Ташувчи хайдовчи техника хавфсизлиги, ёнғинга қарши хавфсизлик, йўл ҳаракати хавфсизлиги, юкларни қабул қилиш ва етказиб бериш қоидалари бўйича ўқитилишини ва унга йўл-йўриқ берилишини таъминлайди¹⁷².

Йўловчилар, бошқа юридик ва жисмоний шахслар мазкур Қоидалар, шунингдек темир йўл транспорти воситаларидан фойдаланиш, ҳаракат хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги қоидаларини, темир йўл транспортида санитария-гигиена ва санитария-эпидемияга қарши қоидаларни бузганликлари, қурилмалар, транспорт воситалари ва уларнинг ички жиҳозларини шикастлаганликлари учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва миқдорда жавоб берадилар¹⁷³. Багаж ташишда хавфсизлик талабларига ва ташиш шартномасига риоя этишни таъминлаш мақсадида, ташувчи багажнинг шикастланиши, йўқолиши ёки нобуд бўлишидан сақлаш мақсадида, уни тегишли ўрамларда ташиш зарурлиги тўғрисида йўловчиларга маълумот бериши, ташиш ман этилган хавфли нарсалар тўғрисида йўловчиларга маълумот бериши, багажни ташишга тайёрлаш вақтида қўлланилаётган технологик ускуналарнинг (тарози, тасма транспортёрлари, багаж аравачалари, контейнерлар, паллет ва бошқалар) ҳолатини мунтазам равишда текшириб туриши, йўловчи ва багажни рўйхатдан ўтказиш вақтида багаж биркаларига бегона шахсларнинг яқинлашишига йўл қўймаслиги, ўлчов воситаларининг белгилаб қўйилган техник талабларга мувофиқлиги юзасидан белгиланган тартибда текширувдан ўтказиб туриш ва уларнинг тасдиқловчи ҳужжатларини юритиши керак¹⁷⁴.

Хавфли юкка ҳамроҳлик қилиш учун масъул шахснинг мажбуриятларига автотранспорт воситалари ҳаракатланган ва тўхтаб турган вақтда хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш, ташишни амалга оширувчи ходимларнинг шахсий хавфсизлиги чора-тадбирларини, жамоат ва экологик хавфсизликни ташкил этиш киради. Кўтариш-автотранспорт ускунаси тўлиқ техник соз ҳолатда бўлиши ва ёнғин хавфсизлиги талабларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитаси қоидаларига жавоб бериши, кранлар, чиғир ва бошқа юк кўтариш механизмларининг юк кўтариши тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланиши, шунингдек хавфли юклар қулашдан ишончли тўсилган бўлиши керак¹⁷⁵. Хавфли юк ташишга топширилганда юк жўнатувчи

¹⁷¹ Ўзбекистон Республикасининг “Транспорт тўғрисида” 2021 йил 9 августдаги ЎРҚ–706-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹⁷² Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 1 августдаги 213-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида автомобиль транспортида юкларни ташиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹⁷³ Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспортида йўловчилар, багаж ва юк багаж ташиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида” 2012 йил 13 апрелдаги 109-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹⁷⁴ Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2011 йил 11 апрелдаги 45-сон буйруғи (рўйхат рақами 2238, 2011 йил 29 июнь) билан тасдиқланган Ҳаво транспортида йўловчи ва багаж ташиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹⁷⁵ Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 16 февралдаги 35-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида хавфли юкларни автомобиль транспортида ташиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

ташувчининг ёки унинг ваколатланган агентининг хавфли юкларни ташиш қоидаларига, унинг ўрамасига, маркалаш белгисига, ҳужжатларининг расмийлаштирилишига ва бошқа қоидаларга тааллуқли барча талабларини бажариши, шунингдек ташишнинг Конвенцияда ҳамда ташувчининг ҳаво транспортида ташиш қоидаларида кўзда тутилган хавфсизлигини таъминлаши лозим. Хавфли юкларни ташиш ва ортишда ишлатиладиган махсус автотранспорт, юк кўтариш механизмлари хавфсиз ва ишончли ишлашини таъминлаб бериши керак. Юк ташувчи, юк жўнатувчи ва юкни олувчи хавфли юкларни хавфсиз ташиш қоидаларини бузганлиги учун Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодексига, бошқа қонунчилик ҳужжатларига ва халқаро шартномаларига мувофиқ жавобгар бўладилар¹⁷⁶. Йўналишли ёки йўналишсиз таксилар йўловчиларини чиқариш ва тушириш йўловчилар талабига кўра, йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлиги қоидаларига риоя қилган ҳолда амалга оширилади¹⁷⁷. Автотранспорт воситалари хавфсизлик, меҳнатни муҳофаза қилиш, экология талабларига, шунингдек стандартлар ва техник шартларга, тиббий-санитария ва ёнғинга қарши нормаларга мувофиқлик сертификатига эга бўлиши лозим. Ташувчи йўловчининг хавфсизлигини, хизмат кўрсатишнинг зарур қулайликлари ва шартларини таъминлаши, йўл ҳаракати хавфсизлиги ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этилишини таъминлаши керак. Ташувчи йўловчилар, багаж ва юкларни ташиш, фуқаролар ҳаёти ва соғлиғи, ҳаракат хавфсизлигини ҳамда атроф муҳит муҳофаза қилинишини таъминлаши шарт. Автотранспорт корхоналари, автовокзаллар, автобекатларнинг транспорт воситалари ҳаракати ва юк ортиш-тушириш ишлари амалга ошириладиган ҳудудлари ўта хавфли тегралар ҳисобланади. Ўта хавфли теграларда бўлиш ва унда ишларни амалга ошириш қоидалари қонунчилик билан белгиланади. Заҳарловчи, портловчи, алангаланувчи, радиоактив, заҳарли ва бошқа хавфли юклар фақат бундай юкларни ташиш қоидаларига мувофиқ ташилиши лозим. Мижоз ва ташувчи уларнинг беҳатар ташилиши, ортилиши ва тушириб олинишини таъминлашлари шарт. Хавфли юкларни кўриқлаш ва кузатиб бориш юкни жўнатувчилар ёки олувчилар томонидан бутун йўл давомида таъминланади. Хавфли юклар рўйхати ва уларни ташиш қоидалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади¹⁷⁸. Шаҳар йўловчилар транспорти воситалари хавфсизлик, меҳнатни муҳофаза қилиш, экология талабларига, шунингдек стандартлар ва техникавий шартларга, тиббий-санитария ва ёнғинга қарши нормаларга мувофиқлик сертификатига эга бўлиши лозим. Ташувчи йўловчиларнинг ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлигини таъминлаши, меҳнатни муҳофаза қилиш, ёнғиндан сақлаш хавфсизлиги,

¹⁷⁶ Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2007 йил 24 августдаги 131-сонли “�збекистон Республикасининг “Хавфли юкларни ҳаво транспортида ташиш қоидалари” (ЎЗР АҚ-198)ни тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғи (2007 йил 25 сентябрь, рўйхат рақами 1721) // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹⁷⁷ Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 ноябрдаги 482-сон қарори билан тасдиқланган Автомобиль транспортида йўловчилар ва багажни ташиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹⁷⁸ Ўзбекистон Республикасининг “Автомобиль транспорти тўғрисида” 1998 йил 29 августдаги 674-I-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

ишлаб чиқариш санитарияси ва экология талабларини бажариши, ҳаракат хавфсизлигини, шаҳар йўловчилар транспортидан техник фойдаланиш ва уни ишлатиш қоидаларига риоя этилишини таъминлаши керак¹⁷⁹.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ҳаво кодекси, Ўзбекистон Республикасининг “Автомобиль транспорти тўғрисида” 1998 йил 29 августдаги, “Темир йўл транспорти тўғрисида” 1999 йил 15 апрелдаги, “Йўл ҳаракати тўғрисида” 2024 йил 19 январдаги қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 апрелдаги 172-сонли қарори билан тасдиқланган Йўл ҳаракати қоидалари, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 ноябрдаги 482-сонли қарори билан тасдиқланган Автомобиль транспортида йўловчилар ва багажни ташиш қоидалари, Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 23 октябрдаги 232-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг темир йўл устави, Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 31 июлдаги 480-сон қарори билан тасдиқланган “Темир йўл транспорти инфратузилмаси хавфсизлиги тўғрисида”ги техник регламент, Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 30 декабрдаги 839-сон қарори билан тасдиқланган “Телекоммуникациялар ускуналарининг хавфсизлиги тўғрисида”ги техник регламент, Вазирлар Маҳкамасининг “Техник жиҳатдан фойдаланишда темир йўл транспорти хавфсизлиги тўғрисида”ги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида” 2012 йил 4 июлдаги 192-сон қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 16 февралдаги 35-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида хавфли юкларни автомобиль транспортида ташиш қоидалари, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 ноябрдаги 482-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида автобусларда йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлашга доир талаблар, Ўзбекистон автомобил ва дарё транспорти агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2015 йил 27 июлдаги 36, 19 ва 15-сон қарори (рўйхат рақами 2710, 2015 йил 24 август) билан тасдиқланган Транспорт воситаларини сақлаш, таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш объектлари учун ёнғин хавфсизлиги қоидалари, Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2013 йил 30 августдаги 66 Б-сон буйруғи (рўйхат рақами 2511, 2013 йил 2 октябрь) билан тасдиқланган Ички ишлаб чиқариш транспортидан фойдаланишда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари, Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2013 йил 8 январдаги 1-Б-сон буйруғи (рўйхат рақами 2424, 2013 йил 5 февраль) билан тасдиқланган Шаҳар электр транспортида ишлашда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари, Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 10 декабрдаги 76/1-сон буйруғи (рўйхат рақами 2067, 2010 йил 14 январь) билан тасдиқланган Дарё транспорти ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари бузилиши натижасида мазкур жиноят вужудга келади.

¹⁷⁹ Ўзбекистон Республикасининг “Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида” 1997 йил 25 апрелдаги 419-И-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

2. Кибержиноят асосий бевосита объекти – темир йўл, денгиз, дарё ёки ҳаво транспорти воситалари, алоқа линияси, улардаги иншоотлар, сигнализация қурилмалари, алоқа ёки бошқа транспорт ускуналари хавфсизлиги.

3. Кибержиноят қўшимча бевосита объекти – ахборот-коммуникация технологияларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар.

4. Кибержиноят факультатив бевосита объекти – ўзга шахс (лар), жамият ва давлат, шу жумладан, жамоат хавфсизлиги, мулк дахлсизлиги ва бошқалар;

5. Кибержиноят субъекти – 16 ёшга тўлган акли расо жисмоний шахс.

6. Кибержиноят субъектив томони – қасддан.

7. Кибержиноят объектив томони – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, темир йўл, денгиз, дарё ёки ҳаво транспорти воситалари, алоқа йўллари, улардаги иншоотлар, сигнализация қурилмалари, алоқа ёки бошқа транспорт ускуналари қасддан бузиш, уларга шикаст етказиш ёхуд уларни бошқа усулда фойдаланиш учун яроқсиз ҳолатга келтириш баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилиши орқали содир этилади.

8. Кибержиноят мақсади – ғаразли ёки бошқа паст ниятлар, ўч олиш, моддий ёки (ва) маънавий манфаат.

9. Кибержиноят воситаси (қуроли) – ахборот-коммуникация технологиялари.

10. Кибержиноятнинг зарурий белгилари:

- 1) қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги;
- 2) қилмишнинг ҳуқуққа хилофлилиги;
- 3) қилмишда айбнинг мавжудлиги;
- 4) қилмишнинг жазога сазоворлиги;
- 5) алоқа;
- 6) ахборот;
- 7) кибермуҳит, шу жумладан, кибермакон;
- 8) қилмиши баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабабий боғлиқ бўлиши;

9) қилмиш темир йўл, денгиз, дарё ёки ҳаво транспорти воситалари, алоқа линияси, улардаги иншоотлар, сигнализация қурилмалари, алоқа ёки бошқа транспорт ускуналарига нисбатан содир этилиши;

10) ахборот-коммуникация технологиялари.

Ушбу белгиларнинг биронтаси мавжуд эмаслиги қилмишнинг кибержиноят эканлигини инкор этади.

11. Кибержиноятнинг тамомланиши – темир йўл, денгиз, дарё ёки ҳаво транспорти воситалари, алоқа йўллари, улардаги иншоотлар, сигнализация қурилмалари, алоқа ёки бошқа транспорт ускуналари қасддан бузиш, уларга шикаст етказиш ёхуд уларни бошқа усулда фойдаланиш учун яроқсиз ҳолатга келтириш баданга ўртача оғир шикаст етказилишига сабаб бўлган вақтдан бошлаб.

12. Кибержиноятнинг тузилишига кўра тури – аралаш таркибли кибержиноят.

13. Кибержиноятнинг ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра тури – унча оғир бўлмаган, оғир ва ўта оғир кибержиноят.

14. Жазо тизимига кўра тури – ижтимоий хавфли қилмиши учун Жиноят кодексида жарима, ахлоқ тузатиш ишлари, озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган кибержиноятлар.

15. Жиноят предмети – темир йўл, денгиз, дарё ёки ҳаво транспорти воситалари, алоқа йўллари, улардаги иншоотлар, сигнализация қурилмалари, алоқа ёки бошқа транспорт ускуналари.

16. Кибержиноятни содир этишнинг энг кўп усуллари:

- 1) телекоммуникация ёки интернет тармоғида намоёншкорона;
- 2) телекоммуникация ёки интернет тармоғида жойлаштириш орқали;
- 3) ахборот-коммуникация технологияларидан жиноят қуроли ёки воситаси сифатида фойдаланиш натижасида.

Мазкур усуллар қуйидаги шаклларда бўлиши мумкин, хусусан:

1) **SCADA тизимларига ҳужум** – SCADA (Supervisory Control and Data Acquisition) транспорт ва саноат инфратузилмасини масофадан бошқариш ва назорат қилиш учун ишлатиладиган автоматлаштирилган тизим ҳисобланади. Темир йўл сигнализацияси, поезд ҳаракати назорати, аэропорт инфратузилмаси каби тизимлар шу платформа орқали бошқарилиши мумкин. Агар кибержиноятчи ушбу тизим серверига рухсатсиз кирса, у сигналларни ўзгартириши, стрелкаларни нотўғри йўналтириши ёки автоматик бошқарувни ишдан чиқариши мумкин. Бу эса поездлар тўкнашуви ёки транспорт ҳаракатининг издан чиқишига сабаб бўлади.

2) **Темир йўл диспетчерлик серверини бузиш** – темир йўл диспетчерлик марказларида поездлар ҳаракатини назорат қилувчи махсус серверлар мавжуд бўлади. Агар жиноятчи ушбу серверга кириш имкониятини қўлга киритса, у поезд ҳаракати жадвалини ўзгартириши, диспетчерлик маълумотларини ўчириши ёки нотўғри сигналлар юбориши мумкин. Бу эса поездларнинг бир вақтда бир йўлга чиқиши ёки ҳаракатдаги тизим издан чиқишига сабаб бўлиши мумкин.

3) **Сигнализация тизимини ўзгартириш** – темир йўлдаги светофорлар ва сигнализация қурилмалари поезд ҳаракатини тартибга солишда муҳим аҳамиятга эга. Улар кўпинча автоматик ёки марказлашган рақамли тизим орқали бошқарилади. Агар кибержиноятчи ушбу тизимга кириб сигналларни ўзгартирса, масалан қизил сигнални яшилга алмаштирса, поезд ҳаракат хавфсизлиги бузилиши ва ҳалокат содир бўлиши мумкин.

4) **GPS spoofing (навигация сигналини сохталаштириш)** – GPS spoofing бу навигация сигналларини сохталаштириш орқали транспорт воситаларини адаштириш усулидир. Бунда жиноятчи ҳақиқий GPS сигналлари ўрнига сохта сигналлар узатади. Натижада кема, самолёт ёки бошқа транспорт воситаси ўзининг ҳақиқий жойлашувини нотўғри қабул қилади ва хато йўналишга бурилиб кетиши мумкин.

5) **Радар ва навигация тизимларини бузиш** – авиация ва денгиз транспортида радар ва навигация тизимлари транспорт ҳаракатини кузатиш ва хавфсизликни таъминлаш учун ишлатилади. Кибержиноятчи ушбу тизимларга аралашса, у радар сигналларини ўзгартириши, сохта объектлар пайдо қилиши ёки ҳақиқий транспорт воситаларини радардан яшириши мумкин. Бу самолётлар ёки кемалар ўртасида тўқнашув хавфини оширади.

6) **Транспорт маълумотлар базасини ўзгартириш** – транспорт тизимларида поезд жадваллари, маршрутлар, техник маълумотлар ва бошқа муҳим ахборот сақланадиган маълумотлар базаси мавжуд. Агар жиноятчи бу базага кирса, у маълумотларни ўзгартириши, жадвалларни бузиши ёки нотўғри маълумот киритиши мумкин. Бу транспорт ҳаракатида катта тартибсизликларга сабаб бўлади.

7) **Фишинг орқали тизимга кириш** – фишинг усулида жиноятчи тизим ходимларини алдаш орқали уларнинг логин ва паролларини қўлга киритади. Масалан, диспетчер ёки техник ходимга расмий кўринишдаги электрон хат юборилиб, унда сохта сайтга кириш таклиф этилади. Агар ходим ўз маълумотларини киритса, жиноятчи бу маълумотлар орқали тизимга кириши мумкин.

8) **Ransomware хужуми** – ransomware бу компьютер ёки сервердаги маълумотларни шифрлаб қўйиб, уларни тиклаш учун пул талаб қиладиган зарарли дастурдир. Агар бундай вирус транспорт бошқарув тизимига кирса, серверлар ишдан чиқиши, диспетчерлик тизими блокланиши ва бутун транспорт инфратузилмаси фаолияти вақтинча тўхтаб қолиши мумкин.

9) **DDoS хужуми** – DDoS (Distributed Denial of Service) хужуми серверга жуда кўп сонли сўровлар юбориш орқали унинг ишлашини издан чиқариш усулидир. Бунда сервер ортиқча юклама сабабли ишлай олмай қолади. Агар транспорт бошқарув серверлари бундай хужумга учраса, диспетчерлик тизими ишдан чиқиши ва транспорт ҳаракати бошқаруви бузилиши мумкин.

10) **Malware жойлаштириш** – malware бу компьютер ёки серверга яширинча ўрнатиладиган зарарли дастур ҳисобланади. У орқали жиноятчи тизимга яширин кириши, маълумотларни ўғирлаши ёки бошқарувни қўлга олиши мумкин. Бундай дастурлар баъзан узоқ вақт давомида фаол бўлиб, тизимга катта зарар етказиши мумкин.

11) **Insider attack (ички ходим орқали хужум)** – баъзан жиноят ташкилот ичида ишловчи шахс томонидан содир этилиши мумкин. Масалан, IT администратор, диспетчер ёки техник мутахассис ўз хизмат ваколатларидан нотўғри фойдаланиб тизимга зарар етказиши мумкин. Бундай ҳолатлар айниқса хавфли ҳисобланади, чунки бу шахслар тизимга қонуний кириш ҳуқуқига эга бўлади.

12) **IoT қурилмалари орқали хужум** – замонавий транспорт инфратузилмасида турли сенсорлар ва автоматик қурилмалар (IoT – Internet of Things) қўлланилади. Бу қурилмалар сигналлар, датчиклар ва автоматик бошқарув функцияларини таъминлайди. Агар жиноятчи ушбу қурилмаларга

кирса, у сигналларни ўзгартириши ёки тизимни нотўғри ишлашга мажбур қилиши мумкин.

13) **Автоматик тормоз тизимини бузиш** – айрим транспорт воситаларида автоматик хавфсизлик ва тормоз тизимлари мавжуд бўлиб, улар хавфли ҳолатларда автоматик равишда ишга тушади. Агар кибержиноятчи ушбу тизимга аралашса, тормоз сигналларини блокклаши ёки хавф ҳақидаги огоҳлантиришларни ўчириши мумкин. Бу транспорт ҳалокатига сабаб бўлиши мумкин.

14) **Навигация базасини ўзгартириш** – авиация ва денгиз транспортида навигация учун махсус маълумотлар базаси қўлланилади. Бу базада маршрутлар, координаталар ва хавфсиз йўналишлар ҳақидаги маълумотлар сақланади. Агар жиноятчи бу маълумотларни ўзгартирса, транспорт воситалари нотўғри йўналишда ҳаракат қилиши ёки хавфли ҳудудларга кириб кетиши мумкин.

15) **Алоқа каналларини блоклаш** – транспорт тизимида диспетчерлар ва транспорт воситалари ўртасида доимий алоқа бўлади. Бу алоқа радиоканаллар, интернет тармоғи ёки махсус коммуникация тизимлари орқали амалга оширилади. Агар кибержиноятчи ушбу алоқа каналларини блокласа ёки уларга аралашса, диспетчер транспорт ҳаракатини бошқара олмай қолиши ва хавфли ҳолатлар юзага келиши мумкин.

16) **Exploiting SCADA/ICS (SCADA ёки ICS тизимларидаги заифликлардан фойдаланиш)** – SCADA (Supervisory Control and Data Acquisition) ва ICS (Industrial Control Systems) транспорт ва саноат инфратузилмасини автоматик тарзда бошқариш учун қўлланиладиган тизимлар ҳисобланади. Темир йўл сигнализацияси, поезд ҳаракатини бошқариш, аэропорт ускуналари ва порт инфратузилмаси шундай тизимлар орқали назорат қилинади. Агар жиноятчи ушбу тизимлардаги дастурий ёки тармоқ хавфсизлигидаги заифликлардан фойдаланса, у бошқарув серверига рухсатсиз кириши мумкин. Натижада сигнализация ўзгариши, транспорт ҳаракатини бошқарув тизими ишдан чиқиши ёки нотўғри команда берилиши мумкин.

17) **Ransomware (товон талаб қилиш ҳужуми)** – ransomware бу компьютер ёки сервердаги маълумотларни шифрлаб қўйиб, уларни тиклаш учун пул талаб қиладиган зарарли дастур ҳисобланади. Агар бундай вирус транспорт инфратузилмаси серверларига кирса, поезд диспетчерлик тизими, аэропорт бошқарув серверлари ёки навигация тизимлари блоккланиши мумкин. Натижада тизим ишламай қолади ва жиноятчи маълумотларни очиш учун пул талаб қилади. Бундай ҳужумлар тарихда WannaCry каби зарарли дастурлар орқали содир этилган.

18) **GPS/GNSS Spoofing (навигация сигналларини сохталаштириш)** – GPS ёки GNSS навигация тизимлари транспорт воситаларининг жойлашувини аниқлаш учун ишлатилади. Spoofing усулида жиноятчи ҳақиқий навигация сигналларини бузиб, улар ўрнига сохта сигналлар юбориши мумкин. Натижада транспорт воситаси ўзининг ҳақиқий координаталарини нотўғри қабул қилади. Бу самолёт, кема ёки бошқа

транспорт воситасини нотўғри йўналишга кириб кетишига ва хавфли ҳолатларга сабаб бўлиши мумкин.

19) **Signal Jamming (сигналларни тўсиш)** – signal jamming бу радиотўлқинлар орқали ишлайдиган алоқа ёки навигация сигналларини махсус қурилмалар ёрдамида тўсиш усулидир. Агар жиноятчи бундай қурилмадан фойдаланса, диспетчер ва транспорт ҳайдовчиси ўртасидаги радиоалоқа узилиши мумкин. Шунингдек, навигация сигналлари ҳам ишламай қолиши мумкин. Бу ҳолат транспорт ҳаракатини бошқариш имкониятини чеклаб қўяди ва хавфли вазиятларга сабаб бўлиши мумкин.

20) **Zero-day Attack (номаълум дастурий хатоликлардан фойдаланиш)** – zero-day ҳужуми бу дастурий таъминотдаги ҳали ишлаб чиқарувчига ёки жамоатчиликка маълум бўлмаган заифликлардан фойдаланиш орқали амалга ошириладиган ҳужум ҳисобланади. Чунки бу заифликлар ҳақида ҳеч ким билмагани сабабли уларни ҳимоя қилувчи янгилашлар мавжуд бўлмайди. Жиноятчи бундай заифликдан фойдаланиб транспорт бошқарув дастурларига кириши ва тизимни ишдан чиқариши мумкин.

21) **Supply Chain Attack (таъминот занжири орқали ҳужум)** – supply chain attack бу транспорт тизими учун дастурий таъминот ёки техник ускуналар етказиб берувчи компаниялар орқали амалга ошириладиган ҳужум ҳисобланади. Масалан, транспорт инфратузилмаси учун ишлаб чиқилган дастур кодига яширин зарарли код жойлаштирилиши мумкин. Бу дастур транспорт ташкилотида ўрнатилганда, жиноятчи тизимга яширинча кириш имкониятини қўлга киритади.

22) **AI Poisoning (сунъий интеллектни захарлаш)** – айрим замонавий транспорт тизимлари сунъий интеллект ва машинали ўрганиш алгоритмлари асосида ишлайди. AI poisoning усулида жиноятчи сунъий интеллектни ўқитиш ёки ишлаш жараёнида унга нотўғри ёки сохта маълумотлар юбориши мумкин. Натижада алгоритм нотўғри қарор қабул қилади. Масалан, транспорт ҳаракатини нотўғри баҳолаш ёки хавфсизлик сигналларини хато қабул қилиш каби ҳолатлар юзага келиши мумкин. Бу эса ҳалокат ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлиши мумкин.

Кибержиноятни фош этиш учун қуйидаги излар йиғилиши мумкин:

1) **IP address (IP адрес)** – интернет тармоғидаги ҳар бир компьютер, сервер ёки бошқа қурилмага бериладиган уникал рақамли манзил ҳисобланади. Бу манзил орқали қурилмалар бир-бири билан алоқа қилади. Кибержиноятни тергов қилишда IP адрес орқали ҳужум қайси тармоқдан, қайси давлатдан ёки қайси интернет провайдер орқали амалга оширилгани аниқланиши мумкин.

2) **Server logs (сервер логлари)** – серверда амалга оширилган барча ҳаракатлар ҳақидаги журнал маълумотларидир. Уларда фойдаланувчи қачон серверга киргани, қайси файлларга мурожаат қилгани, қандай операциялар бажарилгани ёзиб борилади. Тергов жараёнида сервер логлари орқали ҳужум вақти ва ким томонидан амалга оширилгани аниқланади.

3) **Firewall logs (фаервол журналлари)** – тармоқни ташқи хужумлардан химоя қилувчи firewall қурилмаси ёки дастури томонидан сақланадиган журналлардир. Уларда қайси IP манзиллар серверга уланишга ҳаракат қилгани, қайси уланишлар рухсат этилгани ёки блоклангани ҳақида маълумотлар бўлади. Бу маълумотлар орқали шубҳали уланишлар аниқланади.

4) **VPN излари (VPN traces)** – VPN хизматидан фойдаланиб интернетга кирилганда қоладиган техник маълумотлардир. VPN фойдаланувчи ҳақиқий IP манзилини яшириш учун ишлатилади, аммо серверларда VPN уланиш вақти, қайси сервер орқали кирилгани каби маълумотлар сақланади. Терговда бу маълумотлар орқали хужумчининг ҳақиқий манзилигача бориш мумкин.

5) **Malware файллари** – зарарли дастурлар ҳисобланади. Уларга вируслар, троянлар, шпион дастурлар ва ransomware каби дастурлар киради. Бундай файллار компьютер ёки серверга кириб маълумотларни ўғирлаши, тизимни ишдан чиқариши ёки бошқарувни қўлга олиши мумкин. Экспертиза орқали malware қандай ишлаши ва қайси манбадан тарқалгани аниқланади.

6) **Network traffic (тармоқ трафиғи)** – компьютерлар ва серверлар ўртасида тармоқ орқали алмашинаётган барча маълумотлар йиғиндисидир. Унда маълумот пакетлари, файллари, хабарлар ва бошқа маълумотлар бўлади. Трафик таҳлили орқали маълумот ўғирлангани ёки шубҳали алоқа бўлгани аниқланади.

7) **Packet capture (PCAP)** – тармоқда узатилаётган маълумот пакетларини махсус дастурлар ёрдамида ёзиб олиш жараёнидир. Бу маълумотлар тармоқ орқали ўтган барча ҳаракатларни таҳлил қилиш имконини беради. Терговда packet capture орқали хужум усули, пароль юборилиши ёки маълумот узатилиши аниқланиши мумкин.

8) **Command history (команда тарихи)** – компьютер ёки серверда фойдаланувчи томонидан киритилган барча командаларнинг сақланган рўйхати ҳисобланади. Масалан, файллари ўчириш, дастур ишга тушириш ёки тизимни ўзгартириш каби командалар ёзиб борилади. Бу маълумотлар орқали жиноятчи қандай амаллар бажаргани аниқланади.

9) **User activity (фойдаланувчи фаолияти)** – фойдаланувчининг компьютер ёки серверда амалга оширган барча ҳаракатлари ҳақидаги маълумотлардир. Масалан, файл очиш, маълумот базасига кириш, файл ўзгартириш ёки маълумот юбориш каби ҳаракатлар қайд этилади. Терговда бу маълумотлар орқали ким нима қилгани аниқланади.

10) **System logs (tizim журналлари)** – операцион тизим томонидан автоматик равишда ёзиб бориладиган техник маълумотлардир. Уларда тизимга кириш, хатоликлар, дастурларни ишга тушириш ва тизимдаги ўзгаришлар қайд этилади. Бу журналлар орқали компьютерда қандай воқеалар содир бўлгани аниқланади.

11) **Database logs (маълумотлар базаси журналлари)** – маълумотлар базасида амалга оширилган барча операциялар ҳақидаги маълумотлардир. Масалан, маълумот қўшиш, ўзгартириш, ўчириш ёки базадан маълумот олиш

каби амаллар қайд этилади. Тергов жараёнида бу журналлар орқали маълумотларни ким ўзгартиргани аниқланади.

12) **SIEM журналлари** – хавфсизликни мониторинг қилиш тизимлари томонидан йиғиладиган марказлашган журнал маълумотларидир. SIEM тизими серверлар, тармоқ ускуналари ва хавфсизлик дастурларидан келган барча логларни йиғиб таҳлил қилади. Бу орқали киберхужум занжири ва унинг босқичлари аниқланади.

13) **Cloud access logs (булут серверлари кириш журналлари)** – булутли хизматларда сақланадиган кириш ва фаолият маълумотларидир. Уларда ким киргани, қайси IP манзилдан кирилгани, қандай файллар юклангани ёки ўзгартирилгани қайд этилади. Бу маълумотлар булут муҳитида содир этилган кибержиноятларни фош этишда муҳим аҳамиятга эга.

14) **Device fingerprint (қурилма бармоқ изи)** – интернетга кирган қурилманинг техник хусусиятлари асосида шакллантирилган уникал идентификатор ҳисобланади. У браузер тури, операцион тизим, экран ўлчами, тил соғламалари ва бошқа параметрлардан ташкил топади. Бу орқали бир хил қурилмадан кирилган ҳаракатларни аниқлаш мумкин.

15) **MAC address (MAC манзили)** – компьютер ёки тармоқ қурилмасининг тармоқ адаптерига бириктирилган уникал идентификация рақамидир. У одатда 12 та белгидан иборат бўлади ва тармоқ ичида қурилмани аниқлаш учун ишлатилади. Терговда MAC адрес орқали қайси қурилма тармоққа улангани аниқланиши мумкин.

16) **Network Logs (тармоқ журналлари)** – маршрутизаторлар, коммутаторлар ва файерволлар томонидан сақланадиган тармоқ уланишлари ҳақидаги маълумотлардир. Уларда қайси IP манзил қайси вақтда тармоққа улангани, қайси портлар орқали алоқа қилингани ва қайси уланишлар блоклангани ҳақида маълумотлар сақланади. Кибержиноятни тергов қилишда Network Logs орқали тармоқдаги шубҳали фаолият, рухсатсиз кириш ва хужум манбаси аниқланиши мумкин.

17) **Host-based Logs (хост даражасидаги журналлар)** – муайян компьютер ёки сервер операцион тизимида сақланадиган воқеалар журналларидир. Бу журналлар одатда операцион тизимнинг Event Logs бўлимида сақланади ва унда фойдаланувчиларнинг тизимга кириши, дастурлар ишга тушиши, хатоликлар ёки хавфсизлик билан боғлиқ воқеалар қайд этилади. Терговда бу маълумотлар орқали компьютерда ким қачон киргани ва қандай амаллар бажарилгани аниқланади.

18) **Volatile Memory (RAM)** – тезкор хотира маълумотлари – компьютер ишлаб турган пайтда RAM хотирасида сақланадиган вақтинчалик маълумотлар ҳисобланади. Бу ерда ишлаётган дастурлар, фаол жараёнлар, очик портлар, тармоқ уланишлари ва вақтинча криптографик калитлар каби маълумотлар бўлиши мумкин. RAM маълумотлари компьютер ўчирилганда йўқолиб кетади, шунинг учун кибержиноят терговида уларни тезкор равишда махсус дастурлар орқали сақлаб олиш муҳим ҳисобланади.

19) **Artifacts (рақамли излар ёки қолдиқ маълумотлар)** – компьютер ёки браузер фаолияти натижасида қоладиган ёрдамчи

маълумотлардир. Уларга браузер тарихи, cookie файллар, кеш маълумотлари, юклаб олинган файллар излари, вақтинчалик файллар ва дастурлар томонидан сақланган маълумотлар киради. Бу маълумотлар орқали фойдаланувчи қайси сайтларга киргани, қандай файллар юклаб олингани ёки қайси дастурлардан фойдаланилгани аниқланади.

20) **Cloud Logs (булут журналлари)** – булутли хизматлар (масалан, виртуал серверлар ёки онлайн маълумот сақлаш хизматлари) томонидан сақланадиган фаолият журналларидир. Уларда фойдаланувчи қайси вақтда булут серверига киргани, қайси IP манзилдан кирилгани, қандай файллар юклангани ёки ўзгартирилгани ҳақида маълумотлар сақланади. Агар жиноят булут инфратузилмаси орқали содир этилган бўлса, бу журналлар муҳим далил ҳисобланади.

21) **Hard Drive Image (қаттиқ дискнинг тўлиқ нусхаси)** – компьютер ёки сервер қаттиқ дискининг тўлиқ битма-бит (bit-by-bit) рақамли нусхасидир. Бу нусха махсус криминалистик дастурлар ёрдамида олинади ва унда дискдаги барча файллар, ҳатто ўчирилган маълумотлар ҳам сақланади. Нусханинг ҳақиқийлигини таъминлаш учун одатда hash қиймати (масалан MD5 ёки SHA) ҳисобланади. Бу hash қиймат диск нусхаси ўзгармаганини ва далил сифатида ишончли эканини тасдиқлаш учун ишлатилади.

Ушбу жиноятни фош этиш учун қуйидаги экспертизалар ўтказилиши мумкин, хусусан:

1) суд-компьютер-техникавий экспертизаси транспорт воситаларини масофавий бошқариш тизимларига (масалан, темир йўлдаги ERTMS, ҳаво транспортидаги ATC/FMS), автоматик бошқарув дастурларига ва борт компьютерларига қилинган киберхужумларни, тизим ишини фалажловчи зарарли кодларни ҳамда навигация тизимларига масофадан туриб рухсатсиз кириш изларини, қилмиш қайси қурилмадан фойдаланилганлиги, тизимга қачон кирилганлиги, рақамли буйруқ қандай қилиб жисмоний бузилишга (масалан, темир йўл рельсининг синишига) олиб келинганини, суд-дастурий-техникавий экспертизада зарарли коднинг алгоритми қандай эканлиги, у ким томонидан ёзилганлигини, компьютер ёки серверга рухсатсиз кириш бўлган-бўлмаганини, зарарли дастурлар (malware) мавжудлигини, тизимга кириш қайси IP манзиллар орқали амалга оширилганини, қандай дастурий код ёки скриптлар ишга туширилганини, тармоқ орқали қандай маълумотлар узатилганини, сервер ва компьютер журналларида қайд этилган фаолиятни, ўчирилган ёки яширилган файлларни тиклаш имкониятини, фойдаланувчи фаолияти ва команда тарихини, ахборот тизимидаги хавфсизлик заифликларини, дастурий таъминотга ноқонуний ўзгартишлар киритилган-киритилмаганини, маълумотларни шифрлаш ёки шифрдан чиқариш усулларини, транспорт инфратузилмасига тегишли дастурий-аппарат тизимларига ташқи аралашув бўлган-бўлмаганини;

2) суд-радиотехникавий экспертизаси транспорт воситалари ва диспетчерлик марказлари ўртасидаги алоқа каналларини блоклаш ёки бузиш (jamming), GPS/GLONASS навигация сигналларини сохталаштириш (spoofing) учун ишлатилган махсус техник қурилмаларни ва уларнинг сигнал

параметрларини, радиосигналларга қасддан аралашув бўлган-бўлмаганини, радиотўлқинларни тўсиш учун махсус қурилмалар ишлатилган-ишлатилмаганини, навигация сигналлари (масалан, GPS ёки GNSS) сохталаштирилган-сохталаштирилмаганини, сигналларнинг бузилиши техник носозлик сабаблари ёки ташқи таъсир натижасини;

3) суд-инженерлик-техникавий экспертизаси темир йўл стрелкаларини бошқариш, ҳаво ҳаракатини мувофиқлаштириш ёки денгиз навигацияси сигнализация қурилмаларининг айнан қайси дастурий ёки техник аралашув натижасида ишдан чиққанлигини ҳамда тизимнинг яроқсиз ҳолатга келиш механизминини, транспорт воситасининг қайси техник қисми ишдан чиққанлигини, сигнализация ёки бошқарув тизими қандай ҳолатда бўлганлигини, техник носозлик табиий сабабларданми ёки ташқи аралашув натижасини, транспорт инфратузилмаси ускуналари қасддан бузилган-бузилмаганини, авария ёки ҳалокат юзага келишига қандай техник омиллар сабаб бўлганлигини, транспорт ускуналари ишлаш режими бузилган-бузилмаганини;

4) суд-фонографик экспертизаси учувчилар, машинистлар ва диспетчерлар ўртасидаги рақамли алоқа воситаларида қайд этилган овозли сўзлашувларни таҳлил қилиб, тизимни ишдан чиқаришга қаратилган ноқонуний оғзаки буйруқларни ва ушбу нутқ эгаларининг шахсини, аудиоёзувда монтаж ёки ўзгартишлар бор-йўқлигини, ёзувдаги овоз кимга тегишли эканлигини, аудио сигналлар сунъий ўзгартирилган-ўзгартирилмаганини, диспетчерлик алоқасига аралашув бўлган-бўлмаганини;

5) видеоматериалларнинг суд экспертизаси аэропортлар, вокзаллар ва портлардаги рақамли видеокузатув тизимлари ёзувларининг яхлитлигини, транспорт воситаларига ёки алоқа йўлларига жисмоний шикаст етказиш жараёнини ва ушбу ҳаракатларнинг вақт бўйича кетма-кетлигини;

6) суд-фото-техникавий экспертизаси шикастланган транспорт иншоотлари ва сигнализация қурилмаларининг рақамли фотосуратларини, уларнинг метамаълумотларини (EXIF) таҳлил қилиш орқали жиноят содир этилган аниқ вақт ва географик нуқтани (координаталарни);

7) суд-тиббий экспертизаси транспорт воситасининг яроқсиз ҳолатга келтирилиши натижасида юзага келган ҳалокат ёки шикастланиш оқибатида баданга етказилган ўртача оғир ёки оғир шикастларнинг даражасини, шунингдек, ўлим сабабларини;

8) суд-филологик (лингвистик) экспертизаси жиноятчиларнинг интернет тармоғидаги ёпиқ гуруҳлари ва мессенжерлардаги ёзишмаларини таҳлил қилиб, транспорт инфратузилмасини бузиш бўйича ўзаро келишувларни ва жиноятнинг қасддан содир этилганлигини тасдиқловчи мазмуний белгиларни;

9) суд-иқтисодий экспертизаси транспорт воситалари ёки алоқа йўлларининг ишдан чиқиши, ҳалокат натижасида мулкка етказилган моддий зарар миқдорини ва транспорт тизимининг тўхтаб қолиши оқибатида келиб чиққан билвосита иқтисодий йўқотишларни;

10) ҳужжатларнинг суд-техникавий экспертизаси транспорт воситасини бошқариш ёки таъмирлаш ҳуқуқини берувчи сохта электрон сертификатларни, рақамли рухсатномаларни ва ахборот тизимларида қалбакилаштирилган техник ҳужжатларнинг ҳақиқийлигини;

11) суд-портрет экспертизаси транспорт объектларидаги кириш-чиқиш назорати (биометрик тизимлар) ёки кузатув камераларида акс этган, тизимга техник шикаст етказишда гумон қилинаётган шахсларнинг қиёфасини идентификация қилишни;

12) суд-психологик экспертизаси айбдорнинг (айниқса тизим маъмурлари ёки транспорт ходимларининг) стратегик аҳамиятга эга бўлган транспорт воситаларини қасддан яроқсиз ҳолатга келтиришдаги ички мотивини ва унинг ижтимоий хавфлилик даражасини;

13) суд-телекоммуникация (алоқа) экспертизаси алоқа каналлари қасддан узилган-узилмаганини, диспетчер ва транспорт ҳайдовчиси ўртасидаги алоқа узилиши сабабини, радиосигналларга ташқи аралашув бўлган-бўлмаганини, сигналларни тўсиш (jamming) ҳолати мавжудлигини, алоқа ускуналари техник носозлик сабабли ишдан чиққанми ёки ташқи таъсир натижасини;

14) суд-трасологик экспертизаси транспорт ускуналарида қандай механик шикастлар мавжудлигини, улар қандай асбоб ёки техника ёрдамида етказилганлигини, ускуналарга қасддан таъсир қилинган-қилинмаганини, қурилмаларнинг бузилишида ташқи механик таъсир бор-ёқлигини аниқлайди.

авиация хавфсизлиги	фуқаро авиациясини ноқонуний хатти-ҳаракатлардан ҳимоя қилиш учун мослаштирилган, инсоний ва моддий ресурслар, шунингдек комплекс чора-тадбирлар;
автомобиль транспорти	таркибига юридик ва жисмоний шахслар кирувчи, иқтисодиёт ва аҳолининг йўловчилар, багаж ва юкларни, шу жумладан почтани (бундан кейин – йўловчилар, багаж ва юклар деб юритилади) автомобилда ташишга бўлган эҳтиёжларини таъминловчи ишлаб чиқариш-технология мажмуи;
автотранспорт воситалари	йўловчилар, багаж, юклар ташишга ҳамда махсус ишларни бажаришга мўлжалланган автомобиллар, шатакчи автомобиллар, тиркама ва ярим тиркамалар;
алоқа линияси	сигналлар узатгичдан қабул қилгичга узатилишини ва тарқатилишини таъминловчи қурилмаларнинг, иншоотларнинг ҳамда кабель линияларининг ва (ёки) радиoliniяларнинг мажмуи;

аэропорт	ҳаво кемаларини қабул қилиш ва жўнатиш, ҳаво транспортида ташиш учун хизмат кўрсатишга мўлжалланган ва шу мақсадларда аэродром, аэровокзал, бошқа иншоотлар, шунингдек зарур қурилмаларга эга бўлган иншоотлар мажмуаси;
аэродром	қуруқликдаги ёки сув сатҳидаги махсус жиҳозланган, ҳаво кемаларининг келиб қўниши, жўнаши ва шу сатҳ бўйлаб ҳаракатланиши учун тўлиқ ёки қисман мўлжалланган участка, унда жойлашган бинолар ва иншоотлар;
ташиш	йўловчиларни, бағажни, юк бағажини, юкларни, почта ва курьерлик жўнатмаларини жўнатиш пунктидан етказиш пунктига ташиш;
ташувчи	мулк ҳуқуқи асосида ёки бошқа қонуний асосларда автотранспорт воситасига эгалик қилувчи, юкларни ташиш бўйича тижорат асосида хизматлар кўрсатувчи ва бунга лицензияга эга бўлган юридик ёки жисмоний шахс ёки эксплуатант сертификати бўлган ҳаво кемасининг эксплуатанти;
ташишлар хавфсизлиги	техноген (техник ва технологик) хусусиятга эга таҳдидлардан транспорт воситаси ҳаракатланиш жараёнининг ҳамда транспорт воситасининг ўзининг ҳимояланганлик ҳолатини таъминлаш бўлиб, бунда ташишлар хавфсизлигига оид қоидабузарликлар ва уларнинг фуқаролар ҳаётига ёки соғлиғига, жисмоний ёки юридик шахсларнинг мол-мулкига, атроф-муҳитга зарар етказилишига сабаб бўладиган оқибатлари юзага келишининг йўл қўйилмайдиган хавфи мавжуд бўлмайди;
телекоммуникациялар	ахборотнинг белгилар, матнлар, тасвирлар, товушлар, видео тарзидаги ёки бошқа турдаги сигналларини ўтказгичли, радио, оптик ёки бошқа электромагнит тизимлардан фойдаланган ҳолда узатиш, қабул қилиш ва уларга ишлов бериш;
телекоммуникациялар воситалари (телекоммуникациялар инфратузилмаси)	телекоммуникациялар ускуналари, телекоммуникациялар иншоотлари, кабель линиялари ҳамда уларни бошқариш имконини берувчи тизимлар;

телекоммуникациялар ускуналари (актив телекоммуникациялар инфратузилмаси)	– телекоммуникацияларни амалга ошириш учун мўлжалланган техник ускуналар ва уларга ўрнатилган дастурий таъминот;
темир йўл транспорти инфратузилмаси	технологик мажмуа бўлиб, ушбу мажмуа фаолиятини таъминловчи темир йўлларни, темир йўл станцияларини, электр таъминоти қурилмаларини, алоқа тармоқларини, сигнализация, марказлаштириш ва блоклаш тизимларини, ахборот мажмуаларини, ҳаракатни бошқариш тизимини, бинолар, иншоотлар, қурилмалар, жиҳозлар ва ускуналарни ўз ичига олади;
темир йўл транспорти	умумий фойдаланишдаги ва умумий фойдаланишда бўлмаган темир йўл транспортидан иборат бўлган ҳамда жисмоний ва юримдик шахсларнинг темир йўллар бўйлаб ташишларга бўлган эҳтиёжини таъминлаш учун мўлжалланган транспорт тури;
темир йўл транспорти инфратузилмаси маҳсулоти	темир йўл транспорти инфратузилмаси қуйи тизимлари таркибий қисмларининг элементлари ёки унинг қуйи тизимлари таркибий қисмларининг элементлари тўплами;
темир йўл транспорти инфратузилмаси объекти	темир йўл транспорти инфратузилмаси қуйи тизимларининг таркибий қисми ёки қуйи тизимларининг таркибий қисмлари тўплами;
темир йўл транспорти инфратузилмаси хавфсизлиги	темир йўл транспорти инфратузилмасининг фуқаролар ҳаёти ва соғлиғига, жисмоний ва юримдик шахслар мол-мулкига, давлат мулкига, шунингдек, атроф-муҳит, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсига зарар етказиш билан боғлиқ йўл қўйиб бўлмайдиган хавф-хатар мавжуд бўлмаган ҳолати;
темир йўл электроалоқаси	темир йўл транспорти инфратузилмасининг темир йўл транспорти технологик жараёнларини ташқил этиш ва амалга ошириш жараёнида электр алоқа хабарларини шакллантириш, қабул қилиш, қайта ишлаш, сақлаш, узатиш ва етказиб беришни таъминловчи техник иншоотлар ва қурилмалар мажмуини ўз ичига олувчи қуйи тизим;

темир йўллар	темир йўл транспорти инфратузилмасининг қуйи тизими бўлиб, темир йўл устки қурилмаларини, ер кўтармасини, ер кўтармасининг ажратилган минтақада жойлашган дренаж, сув ўтказувчи, деформацияга қарши, химояловчи ва маҳкамловчи иншоотларини, шунингдек, сунъий иншоотларни ўз ичига олади;
тиркама	автотранспорт воситаси томонидан шатакка олинадиган ва ўз энергия манбаига эга бўлмаган юкларни ташиш учун хизмат қиладиган автотранспорт воситаси;
тиркама аравалар	узун ўлчамли юкларни ташиш учун қўлланиладиган тиркаманинг бир тури;
яримтиркама	тўлиқ массасининг бир қисми ўтиргич қурилмаси орқали ўтиргич шатакчига бериладиган тиркаманинг бир тури;
транспорт	катнов йўллариининг, транспорт воситаларининг, катнов йўлларидаги техник қурилмалар ва иншоотларнинг йўловчиларни, бағажни, юк бағажини, юкларни, почта ва курьерлик жўнатмаларини ташиш жараёнини таъминлайдиган барча турлари йиғиндиси;
транспорт воситалари	йўловчиларни, бағажни, юк бағажини, юкларни, почта ва курьерлик жўнатмаларини ташиш учун мўлжалланган қурилмалар;
транспорт инфратузилмаси объектлари	йўловчиларга, юк жўнатувчиларга, юк олувчиларга, ташувчиларга ва ташиш жараёнининг бошқа иштирокчиларига хизмат кўрсатиш, шунингдек транспорт воситаларининг ишлашини таъминлаш учун мўлжалланган иншоотлар, ишлаб чиқариш-технологик мажмуалар;
транспорт мажмуи	транспорт ташкилотлари, ташувчилар, транспорт инфратузилмаси объектлари, транспорт воситалари, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, шунингдек транспорт соҳаси ходимларига ижтимоий-маиший ҳамда маданий хизмат кўрсатиш соҳасидаги ташкилотлар мажмуи;
транспортга оид фаолият	йўловчиларни, бағажни, юк бағажини, юкларни, почта ва курьерлик жўнатмаларини автомобиль,

	темир йўл, ҳаво, сув транспортида ёки ушбу транспорт турлари уйғунлигида ташиш ҳамда уларга хизмат кўрсатиш бўйича ташкилий ва технологик операцияларни ҳамда шартнома асосида ёки бошқа қонуний асосларда бажариладиган хизматлар билан боғлиқ фаолият;
транспорт хавфсизлиги	транспорт мажмуининг қонунга ҳилоф аралашувдан ҳимояланганлик ҳолати ҳамда унинг одатдаги режимда ва фавқулодда вазиятлар ҳолларида барқарор ишлашининг таъминланганлиги;
ҳайдовчи	ташувчининг вакили ҳисобланган ва автотранспорт воситасини бошқариш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний шахс;
мижоз	юкни жўнатувчи, юкни олувчи, экспедитор;
Шаҳар йўловчилар транспорти	Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатга олинган, шаҳар доирасида йўловчилар ҳамда багаж ташишга мўлжалланган автомобиль ва электр транспорти

Жиноят предмети турлича бўлиши мумкин, мисол учун, алоқа ускуналари рақамли коммутация тизимлари, мобил алоқа тармоқларининг коммутация қуйи тизимлари, тармоқ қўшимча хизматларини кўрсатувчи ускуналар, кейинги авлод тармоқ ускуналари, симли ва симсиз уланадиган охириги терминал ускуналари, мобил алоқа тизимлари, радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидениенинг ерусти ва сунъий йўлдош тизимлари, ерусти сунъий йўлдошли навигация ва позициялаш тизимлари, кабелли телевидение ва радиоэшиттириш тизимлари, радиобошқарув ва телеметрия қурилмалари, студия аудио ва видеоаппаратураси, тасвирни қайта акс эттириш қурилмалари, антенналар ва фидер қурилмалари, рақамли узатиш тизимлари ускуналари, симли ва симсиз уланадиган маълумотларни узатиш ускуналари, тармоқни бошқариш ва мониторинг қилиш тизими ускуналари, электр таъминоти ускуналари, микроиклимни сақлаш ҳамда назорат қилиш қурилмалари ва тизимлари, алоқа кабеллари ва кабель ускуналари, қабул қилувчи ва узатувчи аппаратура, радиоалоқа ускуналари ва аппаратураси, радиотелефон ускуналари, ахборот технологиялари ускуналари, компьютерга улаш учун мўлжалланган электромеханик ва электрон қурилмалар ва ускуналар, радиоэлектрон ва телевизион аппаратура, симли алоқа ускуналари ва аппаратураси, радиорелели ва стационар сунъий йўлдош алоқа тизимлари, радиолокация ва радионавигация воситалари, фойдаланиладиган токнинг кимёвий манбаларидан ва уларнинг конструкциясидан қатъи назар, аккумуляторлар ва аккумулятор батареялари, дизель генераторлари, факс машиналари, ўрнатилган босиб чиқариш мосламаси бўлган бошқа электрон ҳисоблаш машиналари, ҳисоблаш машиналари, касса аппаратлари,



имконини берадиган аппаратура (овоз карталари); камида радиокарнайлар ва/ёки микрофон ва ҳисоблаш машинаси ва унинг блокларига аудиосигналлар (овоз картаси)ни қайта ишлаш имконини берадиган электрон модулдан ташкил топган, чакана савдо учун мўлжалланган ҳисоблаш машиналари ва уларнинг блокларини модернизация қилиш учун тўпламлар, симсиз телефон билан симли алоқа учун телефон аппаратлари, смартфонлар, мобил тармоқлар ёки бошқа симсиз тармоқлар учун бошқа телефон аппаратлари, ахборотни узатиш ёки қабул қилиш учун ускуналар (SIP-дан фойдаланадиган ускуналар), база станциялари, радиокириш тармоғи ускуналари, радиоузатувчи қурилмалар, рақамли автоматик телефон станциялари, компьютер қурилмалари, абонент станциялари, синхрон рақамли иерархия (SDH) узатиш тизимлари учун ускуналар, плезиохрон рақамли иерархия (PDH) узатиш тизимлари учун ускуналар, кириш тармоқ ускуналари, IP тармоқлари орқали реал вақт режимида маълумотларни узатиш функциясини амалга оширадиган ускуналар, рақамли PBX, асосий тармоқ (C№ UMTS), CDMA2000 1X ускуналари, xDSL маҳаллий линия ускуналари, WLAN маҳаллий тармоқлари учун симсиз кенг полосали уланишга эга маълумотларни узатиш ускунаси, WDM ускуналари, видеотелефонлар, домофонлар, радиотелефон ёки радиотелеграф алоқалари учун қабул қилувчи ускуналар, радиотелеграф ёки радиотелефон ускуналари учун антенналар, моторли транспортда ўрнатилган портатив қурилмалар ёки қурилмалар учун телескопик ва тескари антенналар ва бошқалар, микрофонлар ва улар учун ўрнатма (подставка)лар, корпусга ўрнатилган ёки ўрнатилмаган радиокарнайлар, симли телефон аппаратлари, телефон ва ўлчагич кучайтиргичлари, телефон кучайтиргичлар, товушни кучайтирувчи электр тўпламлари ва бошқалар, автожавоб бериш телефонлари, радиоэшиттириш учун овозни ёзиш қурилмалари, овозни ёзиш ёки овозни чиқариш аппаратуралари, смарт-карталар (RFID тизимлари учун смарт-карталар), икки ёки ундан ортиқ электрон интеграл микросхемалар билан, таъсири яқинликка асосланган махсус белгилар қўлланадиган карталар ва биркалар, ясси дисплей панели модуллари, шу жумладан, сенсорли экранлар: драйверларсиз ёки бошқарув занжирларисиз, узатувчи ускуналар, қабул қилувчи ускуналар, телевизион камералар, рақамли камералар ва видеокамералар, радиолокация/радионавигация, радиотехника ускуналари, кенг оммага эшиттириш радиоприёмниклари, ташқи электр таъминотисиз

терминаллар, маълумотларни қайта ишлаш блоклари, хотира қурилмалари, киритиш қурилмалари, чиқариш қурилмалари, бошқалар (портатив RFID карталари учун қурилмалар “IP Intercom”), тангаларни саралаш, санаш ёки қадоқлаш учун ускуналар, банкоматлар, матнни қайта ишлаш қурилмалари, ҳисоблаш машиналари ва уларнинг блокларига аудиосигналларни қайта ишлаш

ишлашга қодир бўлганлар, овоз ёзиш ёки овозни қайта тиклаш аппаратуралари билан бирлаштирилган бошқа аппаратлар ва бошқалар, кенг оммага эшиттириш радиоприёмниклари, ташқи электр таъминотисиз ишлашга қодир бўлмаганлар, моторли транспорт воситаларида қўлланадиганлар, моторли транспорт воситалари, уларнинг узеллари ва агрегатларининг саноат йиғуви учун, овоз ёзиш ёки овозни қайта тиклаш аппаратлари билан бирлаштирилган, овоз ёзиш ёки овозни қайта тиклаш аппаратлари билан бирлаштирилмаган, бироқ соатлар жойлаштирилган ва бошқалар, мониторлари электрон-нурли, катод трубкали ва бошқалар, мониторлар, проекторлар, фақат ёки ҳисоблаш тизимларида фойдаланиладиган турдаги, компьютердан олинган рақамли маълумотларни кўрсатишга қодир бўлган текис дисплей панели (масалан, суюқ кристалли аппаратура) орқали бошқариладиган ва бошқалар, видеодисплей ёки экранга киритиш учун мўлжалланмаган, видеотюнёрлар, компьютерларга жойлаштириш учун электрон модулар, интернетга кириш учун модемга эга ва интерактив маълумот алмашиш функциясига эга бўлган, телевизион сигналларни қабул қилиш функциясига эга микропроцессорли қурилмалар (алоқа функцияли телевизион қабул қилувчилар), мониторлар ва проекторлар, қабул қилиш ускуналари телевизион ускуналарни ўз таркибига олмайдиган; телевизион алоқалар учун қабул қилувчи ускуналар, видеоёзув ёки видеони қайта ишлаб чиқариш ускуналари, суюқ кристалл LCD ёки плазмали экран, суюқ кристалли дисплей технологиясидан фойдаланган ҳолда тайёрланган экран билан, плазмали панелли технологиядан фойдаланган ҳолда тайёрланган экран билан, монохром тасвирли, антенналар ва барча турдаги антенналар, қисмлар, ушбу маҳсулотлар билан ишлатиладиган буюмлар ва бошқалар, телерадиокомпания тизимининг ускуналари, ерусти рақамли телеэшиттиришни қабул қилиш учун ускуналар, радиочастотали коаксиал кабеллар, оптик толали кабеллар, 1000 В дан ошмайдиган кучланиш учун электр ўтказгичлар, телекоммуникацияларда қўлланади, оптик толалар, оптик толали тўпламлар ва кабеллар, телекоммуникациялар учун махсус мўлжалланган асбоблар ва аппаратура, бошқалар (масалан, кесишувчи тўсиқлар, кучайиш коэффициентлари, бузилиш коэффициентлари ўлчагичлари, псофометрлар) ва бошқалар бўлиши мумкин¹⁸⁰.

¹⁸⁰ Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 30 декабрдаги 839-сон қарори билан тасдиқланган “Телекоммуникациялар ускуналарининг хавфсизлиги тўғрисида”ги техник регламенти // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

1.14-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, темир йўлнинг ҳаракатланадиган таркибини, ҳаво, денгиз ёки дарё кемасини олиб қочиш ёки эгаллаб олиш жиноятининг юридик-техник таҳлили

264-модда. Темир йўлнинг ҳаракатланадиган таркибини, ҳаво, денгиз ёки дарё кемасини олиб қочиш ёки эгаллаб олиш –

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

б) зўрлик ишлатиб ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб содир этилган бўлса, –

ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Муҳофаза қилинадиган норма – Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра, Ўзбекистон Республикасида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан, фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа инсонларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар. Инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсиздир. Ҳеч нарса уларни камситиш учун асос бўлиши мумкин эмас. Инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, жамият ҳамда давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги шарт¹⁸¹.

Қонунчилик талабига асосан, оператор, провайдер, дилер ва эшиттирувчилар телекоммуникациялар тармоқларида ахборот ва киберхавфсизликни таъминлашда ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш соҳасида қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиши, техник воситалардан жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак.

Абонентлар ва фойдаланувчилар телекоммуникациялар тармоғи орқали тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотни тарқатмасликка мажбур¹⁸².

Сунъий интеллект технология ва тизимларини ишлаб чиқувчи ва жорий этувчилар Этика қоидаларига амал қилиши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги алгоритмларнинг шаффоф ва тушунарли бўлишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги эҳтимолий тарафкашликни олдини олиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, сунъий интеллект

¹⁸¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹⁸² Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 6 январдаги 287-мх-сон буйруғи (26.01.2026 й., рўй.: 3762) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

технология ва тизимларининг имкониятлари, чекловлари ва эҳтимолий хавфлари ҳақида очиқ маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчиларни улардан фойдаланиш қоидалари билан таништириш, улардан қандай мақсадда фойдаланиш мумкинлиги ёки тақиқланиши, шунингдек сунъий интеллектга асосланган ечимлар ёки қарорлар доим тўғри бўлмаслиги ҳамда уларнинг натижаларидан тавсиявий ёки маълумот учун фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимлари дастурий таъминоти хавфсизлигини таъминлаши, Этика қоидаларини инобатга олган ҳолда сунъий интеллект технология ва тизимларини доимий равишда такомиллаштириб бориши, сунъий интеллект технология ва тизимлари инсон назорати остида бўлишини ҳамда инсон томонидан қайта кўриб чиқиши, шунингдек якуний қарор инсон томонидан қабул қилинишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан қонунчиликка зид бўлган ёки шахс, жамият, давлат ва атроф табиий-муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган мақсадларда фойдаланмаслиги, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчилар учун сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қўлланмасини ишлаб чиқиш ва жойлаштириши шарт. Сунъий интеллект тизимларидан фойдаланувчилар сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қоидалари ва шартларига риоя қилиши, сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан тўғри фойдаланиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, бошқа фойдаланувчиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини бузмаслик, Этика қоидаларига амал қилиши, шахс, жамият ва давлат манфаатларига ҳамда атроф-табиий муҳитга зарар етказмаслиги лозим¹⁸³.

Давлат органлари ва ташкилотлари ўз тасарруфидаги ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини, тармоқлар ишининг барқарорлигини таъминлаши, шунингдек киберхавфсизлик бўйича ўз мажбуриятларини бажариши, ваколатли давлат органини киберхужумлар тўғрисида огоҳлантириши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида сақланаётган маълумотларнинг ўғирланиши ҳамда қалбакилаштирилиши ҳолатларининг олдини олиш чораларини кўриши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларини киберҳимоя қилиш учун сертификатлаштирилган аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий таъминотдан фойдаланиши, киберхавфсизлик соҳасида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ваколатли давлат органи билан келишиши шарт. Киберхавфсизлик субъектлари ахборот тизимлари ва ресурсларидаги маълумотларнинг қонунга хилоф равишда тарқатилиши, ўғирланиши, йўқолиши, яхлитлигининг бузилиши, блоканиши ва қалбакилаштирилишининг, шунингдек ахборот тизимлари ва ресурсларига рухсатсиз киришнинг бошқа кўринишларининг олдини олиши, бундай ҳоллар аниқланганда ўз вақтида тегишли чоралар кўриши, ахборот тизимлари ва

¹⁸³ Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 24 февралдаги 284-мх-сон буйруғи (14.03.2026 й., рўй.: 3787) билан тасдиқланган Сунъий интеллектга асосланган ечимларни яратиш, жорий қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича этика қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

ресурсларига кириш тартиби бузилганда ҳамда уларга рухсатсиз кириш натижасида ушбу тизимлар ҳамда ресурслар ўзгартирилган ёки йўқ қилинган тақдирда салбий оқибатларни камайтириш мақсадида уларни тезкорлик билан тиклаш чораларини кўриши, содир бўлган киберхавфсизлик ҳодисалари ва кибержиноятлар тўғрисида ваколатли давлат органини хабардор қилиши, ушбу ҳодисаларни тўлиқ фош этиш учун тегишли рақамли изларнинг йўқолишига йўл қўймаслик чораларини кўриши, шунингдек киберхавфсизлик ҳодисаларини таҳлил қилиш ва кибержиноятларни текшириш учун зарур бўлган маълумотларнинг доимий сақланишини таъминлаши, киберхавфсизлик объектларини муҳофаза қилиш ва уларнинг хавфсиз ишлаши мониторингини ўтказиш соҳасидаги маълумотларни ваколатли давлат органи билан ўзаро алмашишни амалга ошириши, ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберҳимоясини таъминлашда ваколатли давлат органи томонидан белгиланган киберхавфсизлик талабларига риоя этиши, киберхавфсизлик ҳодисаларига нисбатан чоралар кўриш механизмларининг ишлаб туришини ва киберхавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг ишлашини таъминлаши, улар мавжуд бўлмаган тақдирда эса ваколатли давлат органининг рухсати билан аутсорсинг хизматларидан белгиланган тартибда фойдаланиши, ваколатли давлат органига киберхавфсизликни таъминлаш мониторингининг ташкилий-техник тадбирларини амалга ошириш учун мониторинг тизимларига ва (ёки) киберхавфсизлик объектларига кириш ҳуқуқини бериши шарт¹⁸⁴.

Веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурсининг эгаси, шу жумладан блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифасидан ёхуд бошқа ахборот ресурсидан қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган ўзга ҳаракатларни содир этиш мақсадларида фойдаланилишига йўл қўймаслиги шарт¹⁸⁵.

Темир йўл транспортида ва метрополитенда ҳаракат ва ташишлар хавфсизлиги талабларининг бузилиши билан боғлиқ ҳодисалар поездлар ҳалокати, авария, ишдаги алоҳида ҳодисалар, ишдаги ҳодисалар, бошқа ҳодисалар бўйича таснифланади¹⁸⁶.

Ҳаво кемасидан учиш мақсадларида фойдаланиш чоғида мазкур кеманинг, экипажнинг, бошқа авиация ходимларининг нормал фаолиятини бузган ҳолда ёки ташқи шароитлар натижасида рўй берган ва одамлар ҳалокатига, ҳаво кемасининг жиддий зарар кўришига, вайрон бўлишига ёки йўқолишига олиб келган ҳодиса авиация ҳалокати деб эътироф этилади.

¹⁸⁴ Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹⁸⁵ Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги 560-II-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹⁸⁶ Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирининг 2022 йил 9 июндаги 7-сон буйруғи (рўйхат рақами 3376, 2022 йил 27 июль) билан тасдиқланган Темир йўл транспорти ҳамда метрополитенда ҳаракат ва ташишлар хавфсизлиги талабларининг бузилиши билан боғлиқ ҳодисаларни таснифлаш, хизмат текширувини олиб бориш ва ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Ҳаво кемалари, йўловчилар, юк ва почта қабул қилиш, жўнатиш ёки уларга хизмат кўрсатишни амалга ошираётган ҳаво кемаларининг эксплуатантлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар авиацияни ғайриқонуний аралашувидан ҳимоя қилиш чора-тадбирларини кўришлари керак.

Бундай чора-тадбирлар:

а) бегона шахслар ва транспортнинг аэродромларнинг назорат остидаги теграсига назоратсиз киришларининг олдини олиш;

б) йўловчилар томонидан куруллар, ўқ-дорилар, портловчи, заҳарли, тез алангаланувчи моддалар ва ҳаво транспортида олиб юриш тақиқланган бошқа предметларнинг яширинча ҳаво кемасига олиб кирилишига йўл қўймаслик;

в) курул ва ўқ-дориларни олиб учишда уларни ҳаво кемаларининг йўловчилардан ажратилган бўлмаларида, юк орасида ўқсиз ҳолда жойлаштиришни таъминлайдиган алоҳида чоралар кўриш;

г) ҳаво кемалари турган жойларда уларга хизмат кўрсатишга алоқаси йўқ шахсларнинг кириб олишига йўл қўймай кўриқлаш;

д) ҳаво кемаларини махсус текширувдан ўтказиш;

е) ҳаво кемаларини парвоз давомида экипажнинг хавфсиз фаолиятини таъминлайдиган, шунингдек самовий ҳудудидан берухсат фойдаланишнинг олдини оладиган техникавий воситалар билан таъминлаш;

ж) ҳаво кемалари ва объектларига нисбатан ғайриқонуний аралашувнинг олдини олиш учун махсус ишлаб чиқилган тадбирларни (усулларни) қўллашдан иборатдир¹⁸⁷.

Ҳаво кемасида бўлган ҳар қандай шахс:

а) зўравонлик ёки зўравонлик таҳдиди ва бошқа ҳар қандай кўркитиш йўли билан ноқонуний равишда ушбу ҳаво кемасини эгаллаб олган ёки уни назорат қилади, ёки бундай ҳаракатни амалга оширишга ҳаракат қилади, ёки

б) бундай ҳаракатни амалга оширадиган ёки қилмоқчи бўлган шахснинг шериги, у жиноят содир этади.

Ҳар бир Аҳдлашувчи Давлат бундай жиноятга нисбатан қаттиқ жазо чораларини қўллаш мажбуриятини олади¹⁸⁸.

Мижоз ташувчи билан тузилган ташиш шартномаси шартларига риоя этиши, ташиш қоидаларига риоя этиши, йўловчи транспортида ўзини тутиш қоидаларига риоя этиши шарт¹⁸⁹.

Йўловчи жамоат тартибига, йўловчи вагонларидан ва йўловчиларни ташиш хизматлари кўрсатиш учун мўлжалланган объектлардан фойдаланиш қоидаларига риоя этиши, шунингдек ташувчининг мол-мулкига эҳтиёткорона муносабатда бўлиши ва сафар давомида ҳам, кутиш жойларида ҳам ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этиши шарт.

¹⁸⁷ Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹⁸⁸ “Ҳаво кемаларини ноқонуний олиб қочиш билан курашиш тўғрисида”ги конвенция // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹⁸⁹ Ўзбекистон Республикасининг “Транспорт тўғрисида” 2021 йил 9 августдаги ЎРҚ–706-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Темир йўл транспортининг инфратузилма объектларига нисбатан хавфсизликка доир мажбурий талаблар, уларни назорат қилиш усуллари, шунингдек уларнинг мувофиқлигини баҳолаш шакли қонунчилик ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар билан белгиланади.

Темир йўл транспорти ва ташиш жараёни билан боғлиқ бошқа техника воситаларининг ҳаракат хавфсизлиги ҳамда улардан фойдаланиш қоидаларини бузганликда айбдор шахслар қонунчиликка мувофиқ жавобгар бўлади¹⁹⁰.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ҳаво кодекси, Ўзбекистон Республикасининг “Автомобиль транспорти тўғрисида” 1998 йил 29 августдаги, “Темир йўл транспорти тўғрисида” 1999 йил 15 апрелдаги, “Йўл ҳаракати тўғрисида” 2024 йил 19 январдаги қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 апрелдаги 172-сонли қарори билан тасдиқланган Йўл ҳаракати қоидалари, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 ноябрдаги 482-сонли қарори билан тасдиқланган Автомобиль транспортида йўловчилар ва багажни ташиш қоидалари, Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 23 октябрдаги 232-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг темир йўл устави, Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 31 июлдаги 480-сон қарори билан тасдиқланган “Темир йўл транспорти инфратузилмаси хавфсизлиги тўғрисида”ги техник регламент, Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 30 декабрдаги 839-сон қарори билан тасдиқланган “Телекоммуникациялар ускуналарининг хавфсизлиги тўғрисида”ги техник регламент, Вазирлар Маҳкамасининг “Техник жиҳатдан фойдаланишда темир йўл транспорти хавфсизлиги тўғрисида”ги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида” 2012 йил 4 июлдаги 192-сон қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 16 февралдаги 35-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида хавфли юкларни автомобиль транспортида ташиш қоидалари, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 ноябрдаги 482-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида автобусларда йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлашга доир талаблар, Ўзбекистон автомобил ва дарё транспорти агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2015 йил 27 июлдаги 36, 19 ва 15-сон қарори (рўйхат рақами 2710, 2015 йил 24 август) билан тасдиқланган Транспорт воситаларини сақлаш, таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш объектлари учун ёнғин хавфсизлиги қоидалари, Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2013 йил 30 августдаги 66 Б-сон буйруғи (рўйхат рақами 2511, 2013 йил 2 октябрь) билан тасдиқланган Ички ишлаб чиқариш транспортдан фойдаланишда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари, Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2013 йил 8 январдаги 1-Б-сон буйруғи (рўйхат рақами 2424, 2013 йил 5 февраль) билан тасдиқланган Шаҳар электр транспортида ишлашда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари, Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва

¹⁹⁰ Ўзбекистон Республикасининг “Темир йўл транспорти тўғрисида” 2024 йил 27 ноябрдаги ЎРҚ–1006-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 10 декабрдаги 76/1-сон буйруғи (рўйхат рақами 2067, 2010 йил 14 январь) билан тасдиқланган Дарё транспорти ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари бузилиши натижасида мазкур жиноят вужудга келади.

2. Кибержиноят асосий бевосита объекти – Темир йўлнинг ҳаракатланадиган таркибини, ҳаво, денгиз ёки дарё кемасининг хавфсизлиги ва дахлсизлиги.

3. Кибержиноят қўшимча бевосита объекти – ахборот-коммуникация технологияларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар.

4. Кибержиноят факультатив бевосита объекти – ўзга шахс (лар), жамият ва давлат, шу жумладан, жамоат хавфсизлиги, мулк дахлсизлиги ва бошқалар;

5. Кибержиноят субъекти – 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс.

6. Кибержиноят субъектив томони – қасддан.

7. Кибержиноят объектив томони – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, темир йўлнинг ҳаракатланадиган таркибини, ҳаво, денгиз ёки дарё кемасини олиб қочиш ёки эгаллаб олиш йўли билан содир этилади.

8. Кибержиноят мақсади – ғаразли ёки бошқа паст ниятлар, ўч олиш, моддий ёки (ва) маънавий манфаат.

9. Кибержиноят воситаси (қуроли) – ахборот-коммуникация технологиялари.

10. Кибержиноятнинг зарурий белгилари:

- 1) қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги;
- 2) қилмишнинг ҳуқуққа хилофлилиги;
- 3) қилмишда айбнинг мавжудлиги;
- 4) қилмишнинг жазога сазоворлиги;
- 5) алоқа;
- 6) ахборот;
- 7) кибермуҳит, шу жумладан, кибермакон;
- 8) қилмиш темир йўлнинг ҳаракатланадиган таркибини, ҳаво, денгиз ёки дарё кемасини олиб қочиш ёки эгаллаб олиш йўли билан содир этилиши;
- 9) ахборот-коммуникация технологиялари.

Ушбу белгиларнинг биронтаси мавжуд эмаслиги қилмишнинг кибержиноят эканлигини инкор этади.

11. Кибержиноятнинг тамомланиши –

1) темир йўлнинг ҳаракатланадиган таркиби, ҳаво, денгиз ёки дарё кемасидан ҳеч бўлмаганда биттаси олиб қочилган вақтдан;

2) темир йўлнинг ҳаракатланадиган таркиби, ҳаво, денгиз ёки дарё кемасидан ҳеч бўлмаганда биттаси эгаллаб олинган вақтдан бошлаб.

12. Кибержиноятнинг тузилишига кўра тури – формал таркибли кибержиноят.

13. Кибержиноятнинг ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасига кўра тури – оғир ва ўта оғир кибержиноят.

14. Жазо тизимига кўра тури – ижтимоий хавфли қилмиши учун Жиноят кодексида озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган кибержиноятлар.

15. Жиноят предмети – темир йўлнинг ҳаракатланадиган таркиби, ҳаво, денгиз ёки дарё кемаси.

16. Кибержиноятни содир этишнинг энг кўп усуллари:

- 1) телекоммуникация ёки интернет тармоғида намоишкорона;
- 2) телекоммуникация ёки интернет тармоғида жойлаштириш орқали;
- 3) ахборот-коммуникация технологияларидан жиноят қуроли ёки воситаси сифатида фойдаланиш натижасида.

Мазкур усуллар қуйидаги шаклларда бўлиши мумкин, хусусан:

1. Ҳаво кемаларини (самолёт, вертолёт ва ҳк.ларни) эгаллаб олишга оид:

- 1) ACARS ва ADS-B тизимларини манипуляция қилиш. Мисол учун, учоқ ва диспетчер ўртасидаги матнли ва телеметрик маълумотлар алмашинув каналига (ACARS) кириб, учувчиларга сохта буйруқлар, масалан, ёмон об-ҳаво сабабли йўналишни ўзгартиришга оид кўрсатмар бериш йўли билан содир этилиши мумкин;

- 2) FMS (Flight Management System) га ҳужум. Мисол учун, учувчиларнинг планшетларига (Electronic Flight Bag) зарарли дастур юбориш орқали асосий борт компьютерига ўтиб олиш ва автопилот координаталарини ўзгартириш йўли билан содир этилиши мумкин;

2. Денгиз ва дарё кемаларини олиб қочишга оид:

- 1) AIS (Automatic Identification System) ва GPS Spoofing. Мисол учун, кеманинг навигация тизимига сохта сунъий йўлдош сигналларини юбориш ва бу орқали кема автоматик равишда йўналишдан оғиши ва қароқчилар кутиб турган ҳудудга кириб бориш йўли билан содир этилиши мумкин;

- 2) ECDIS (Электрон хариталар) га вирус киритиш. Мисол учун, USB ёки сунъий йўлдош интернет орқали навигация хариталарини бузиш, натижада кема саёзликка ўтириб қолиши ёки эгаллаб олиниши мумкин;

3. Темир йўл таркибини эгаллаб олишга оид:

- 1) CBTC (Communications-Based Train Control) ҳужумлари. Мисол учун, поездлар ҳаракатини бошқарувчи радиоканалларни тўсиб қўйиш (Jamming) ёки марказий диспетчерлик серверига (ERTMS/ETCS) кириб, светофор сигналларини яшилдан қизилга сунъий ўзгартириш орқали поездни кимсасиз жойда тўхтатиб, эгаллаб олиш йўли билан содир этилиши мумкин.

Ушбу жиноятни фош этиш учун қуйидаги рақамли излар зарур бўлиши мумкин, хусусан:

- 1) радиочастота (RF) излари. Мисол учун, GPS Spoofing ёки сигнални бўғиш (Jamming) қўлланилганда, ноқонуний радиосигналнинг частотаси, қуввати ва келиб чиқиш манбаи қайд этилган спектрал анализатор логлари;

- 2) телеметрия ва CAN-bus ёзувлари. Мисол учун, транспортнинг ички тармоғида (масалан, ARINC 429 самолётларида) қачон ва қайси номаълум IP ёки MAC-манзилдан рухсатсиз буйруқлар келиб тушганини кўрсатувчи қора кути (FDR/VDR) маълумотлари;

3) мантикий бомбалар ва скриптлар. Мисол учун, борт компьютерларининг вақтинчалик хотираси (RAM) ёки доимий хотирасида қолиб кетган зарарли код (Malware) парчалари;

4) сунъий йўлдош алоқаси трафиги. Мисол учун, Inmarsat ёки Starlink каби сунъий йўлдош интернет провайдерлари орқали кемага қилинган киберхужумнинг PCAP (Packet Capture) файллари.

Жиноятни фош этиш учун қуйидаги экспертизалар ўтказилиши мумкин, хусусан:

1) суд-компьютер-техникавий экспертизаси транспорт воситаларини масофавий бошқариш тизимларига (Autopilot, Remote Pilotage), борт компьютерларига ва навигация дастурий таъминотида қилинган киберхужумларни, тизим назоратини қўлга олиш учун киритилган зарарли кодларни ҳамда рухсатсиз киришнинг рақамли изларини, транспортнинг қора кутиси ва борт компьютерларидан ўчирилган дастурий буйруқларни, киберхужум қайси алоқа канали (VHF, сунъий йўлдош, мобил тармоқ) орқали амалга оширилганини ва хужумчининг гео-локациясини (Cell Tower Triangulation ёки RF Direction Finding орқали), тизимга қандай турдаги вирус ёки эксплойт (Exploit) киритилганлигини, унинг мақсади ва муаллифининг дастурлаш услубини (Reverse Engineering), масофавий берилган буйруқ транспортнинг физик ҳолатига (масалан, рулнинг кескин бурилиши ёки двигательнинг ўчишига) қандай таъсир қилганини;

2) суд-радиотехникавий экспертизаси транспорт воситаси ва диспетчерлик маркази ўртасидаги алоқа ва навигация сигналларини тўсиш (jamming), сигнални сохталаштириш (spoofing) ёки бошқарув частоталарини ноқонуний эгаллаш учун ишлатилган техник воситаларни ва уларнинг ишлаш параметрларини;

3) суд-фонографик экспертизаси транспорт воситасини олиб қочиш жараёнида экипаж ёки ердаги хизматлар билан бўлган рақамли алоқадаги овозли хабарларни, таҳдидларни ва олиб қочиш ҳақидаги буйруқларни таҳлил қилиб, нутқ эгаларини;

4) суд-филологик (лингвистик) экспертизаси мессенжерлар, электрон почта ёки радиоалоқа орқали юборилган олиб қочиш талабларини, зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш мазмунидаги электрон хабарларни таҳлил қилиб, уларнинг жиноий мақсадини ва иродавий йўналишини;

5) видеоматериалларнинг суд экспертизаси ҳаво, денгиз кемалари ёки поездлар ичидаги видеокузатув тизимлари ёзувларини, жиноятчилар томонидан тармоққа юкланган тасвирларнинг ҳаққонийлигини ва транспорт воситасини эгаллашнинг техник жараёнини;

6) ҳужжатларнинг суд-техникавий экспертизаси транспорт воситасини эгаллаб олиш ёки унинг ҳаракат йўналишини ўзгартириш учун АКТ ёрдамида сохталаштирилган электрон парвоз режаларини, рақамли юк ҳужжатларини ва электрон имзо билан тасдиқланган сохта рухсатномаларни;

7) суд-портрет экспертизаси транспорт воситасини эгаллаб олган ёки уни олиб қочишда бевосита иштирок этган шахсларнинг рақамли тасвирлардаги қиёфа белгиларини;

8) суд-иқтисодий экспертизаси жиноятни содир этиш ва мувофиқлаштириш учун сарфланган молиявий ресурсларнинг манбасини, криптовалюта ўтказмаларини ҳамда транспорт воситасининг олиб қочилиши натижасида етказилган (ёки етказилиши мумкин бўлган) моддий зарар ҳажмини;

9) суд-тиббий экспертизаси эгаллаш вақтида ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан, воситаларини қўллаш ёки жисмоний ҳужум натижасида жабрланувчиларга етказилган шикастларнинг хусусиятини;

10) суд-психологик экспертизаси айбдорларнинг транспорт воситасини эгаллашдаги мотивларини, экипаж ва йўловчиларни рақамли воситалар орқали қўрқитиш (кибертеррор) даражасини ва уларнинг руҳий ҳолатини;

11) суд-электротехникавий экспертизаси транспорт воситасининг кириш назорати ва хавфсизлик тизимларини масофавий блоклаш учун қўлланилган қўлбола электрон қурилмаларнинг техник имкониятларини ва тузилишини;

12) суд-социологик экспертизаси стратегик аҳамиятга эга бўлган транспорт воситаларининг олиб қочилиши натижасида жамоат хавфсизлигига, халқаро транспорт тизими барқарорлигига ва давлатнинг хавфсизлик имижига етказилган ижтимоий хавфлилик даражасини аниқлайди.

1.15-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб транспорт воситасини олиб қочиш жиноятининг юридик-техник таҳлили

267-модда. Транспорт воситасини олиб қочиш –

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат:

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

в) зўрлик ишлатиб ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб;

г) транспорт воситасини талон-тороғ қилиш мақсадида ўғрилик ёки талончилик йўли билан содир этилган бўлса, –

ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат:

а) ўта хавфли рецидивист томонидан;

б) уюшган гуруҳ томонидан;

в) транспорт воситасини талон-тороғ қилиш мақсадида босқинчилик йўли билан содир этилган бўлса, –

ўн беш йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Муҳофаза қилинадиган норма – Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан, ахборотни излаш, олиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқни чеклашга фақат қонунга мувофиқ ҳамда фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлиғини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш, шунингдек давлат сирлари ёки қонун билан қўриқладиган бошқа сир ошкор этилишининг олдини олиш мақсадида зарур бўлган доирада йўл қўйилади. Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган органлар томонидангина амалга оширилади. Инсоннинг шаъни ва кадр-қиммати дахлсиздир. Ҳеч нарса уларни камситиш учун асос бўлиши мумкин эмас. Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки инсон кадр-қимматини камситувчи муомалага ёхуд жазога дучор этилиши мумкин эмас. Ҳеч ким расмий эълон қилинмаган қонун асосида ҳукм қилиниши, жазога тортилиши, мол-мулкидан ёки бирон-бир ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин эмас. Хусусий мулк дахлсиздир. Мулкдор ўз мол-мулкидан қонунда назарда тутилган ҳоллардан ва тартибдан ташқари ҳамда суднинг қарорига асосланмаган ҳолда маҳрум этилиши мумкин эмас. Мулкдор ўзига тегишли бўлган мол-мулкка ўз хоҳишича эғалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Ўзбекистон Республикасида барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиниши таъминланади. Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари олий қадрият

хисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Ўзбекистон Республикасида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларига биноан ҳамда ушбу Конституцияга мувофиқ этироф этилади ва кафолатланади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегишли бўлади. Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа инсонларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар. Инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсиздир. Инсоннинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. Ҳар бир инсон ўз шахсини эркин камол топтириш ҳуқуқига эга. Ҳеч кимга унинг розилигисиз қонунчиликда белгиланмаган мажбурият юклатилиши мумкин эмас. Инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, жамият ҳамда давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги шарт¹⁹¹.

Қонунчиликка кўра, фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари иштирокчиларининг ҳалол, оқилона ва адолат билан ҳаракат қилиши назарда тутилади. Фуқаролар ва юридик шахсларнинг бошқа шахсга зарар етказишга, бошқача шаклларда ҳуқуқни суиистеъмол қилишга, шунингдек ҳуқуқни унинг мақсадига зид тарзда амалга оширишга қаратилган ҳаракатларига йўл қўйилмайди¹⁹².

Мижоз:

ташувчи билан тузилган ташиш шартномаси шартларига риоя этиши;
мажбурий равишда сертификатлаштирилиши лозим бўлган
жўнатилаётган юк учун мувофиқлик сертификатини ташувчига тақдим этиши;
ташиш қоидаларига риоя этиши;

багажни, юк багажини, юкларни, почта ва курьерлик жўнатмаларини
транспортда ташиш учун тайёр ҳолда тақдим этиши;

йўловчи транспортида ўзини тутиш қоидаларига риоя этиши шарт.

Ташувчи:

лицензияга, сертификатга, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатга ва
(ёки) ташиш учун рухсатномага эга бўлиши, агар бу Ўзбекистон
Республикасининг қонунчилигида ва халқаро шартномаларида назарда
тутилган бўлса;

мижоз билан белгиланган шаклда шартнома тузиши;

ташишларни белгиланган тартибда сертификатлаштирилган транспорт
воситаларида амалга ошириши;

йўловчи хавфсизлигини, унга зарур қулайликлар ва хизмат кўрсатиш
шароитлари яратилишини, йўловчи томонидан багаж ҳамда юк багажи

¹⁹¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹⁹² Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

топширилган тақдирда эса унинг багажи ва юк багажи ўз вақтида ташилиши ҳамда бут сақланишини ҳам таъминлаши;

ҳаракат хавфсизлигини таъминлаши;

жисмоний имкониятлари чекланган шахсларнинг транспорт воситаларидан, ахборотдан, шунингдек алоқа воситаларидан фойдаланиш имкониятини таъминлаши, ташиш билан боғлиқ бошқа хизматлар кўрсатиш чоғида зарур шарт-шароитлар яратиши шарт.

Транспорт ташкилотлари, шунингдек ташувчилар фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғи, жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг мол-мулки хавфсизлигини, транспорт воситаларидан, транспорт инфратузилмаси объектларидан фойдаланиш хавфсизлигини, шунингдек атроф-муҳит муҳофаза қилинишини таъминлаши шарт.

Транспорт инфратузилмаси объектларининг фаолият кўрсатишига ва хавфсизлигини таъминлашга, шунингдек транспорт хизматлари кўрсатишга тўсқинлик қиладиган хўжалик фаолиятини ҳамда бошқа фаолиятни амалга оширишга йўл қўйилмайди.

Транспорт воситалари ва иншоотларининг хавфсизлигини бевосита таъминлайдиган ходимлар тегишли билим, кўникма ҳамда тайёргарликка, шунингдек қонунчилик талабларига мувофиқ рухсат этиш хусусиятига эга бўлган ишларга доир ижозатга эга бўлиши керак¹⁹³.

Қонунчиликка асосан, хусусий мулк дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор ўз мол-мулкига нисбатан қонунга зид бўлмаган ҳар қандай ҳаракатларни бажаришга ҳақли. У ўз мол-мулкидан хўжалик фаолиятини ва қонунда тақиқланмаган бошқа фаолиятни амалга ошириш учун фойдаланиши, уни бошқа шахсларга эгалик қилиш ва (ёки) фойдаланиш учун текинга ёхуд ҳақ эвазига бериши мумкин. Мол-мулкдан фойдаланиш фуқароларнинг, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги, атроф-муҳитга зарар етказмаслиги керак. Хусусий мулкка тажовуз қилишга йўл қўйилмайди. Қонунга ҳилоф равишда хусусий мулк ҳуқуқини чеклашга ва (ёки) ундан маҳрум қилишга бевосита ёки билвосита қаратилган ҳаракатларга йўл қўйилмайди. Номатбуллиги олдиндан маълум бўлган шартларни мулкдорга мажбуран қабул қилдириш, шу жумладан ундан мол-мулкни, молиявий маблағларни ёки бошқа мулкӣ ҳуқуқларни топширишни асоссиз равишда талаб қилиш тақиқланади. Мулкдорнинг хўжалик фаолиятига пировард натижада унинг мол-мулки тортиб олинисига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган ёхуд мулкдорни ўз мулкига бўлган ҳуқуқидан воз кечишга мажбур қиладиган қонунга ҳилоф равишдаги аралашув тақиқланади. Хусусий мулкка тажовуз қилиш қонунга биноан таъқиб қилинади¹⁹⁴.

¹⁹³ Ўзбекистон Республикасининг “Транспорт тўғрисида” 2021 йил 9 августдаги ЎРҚ–706-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹⁹⁴ Ўзбекистон Республикаси “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида” 2012 йил 24 сентябрдаги ЎРҚ–336-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Мулк дахлсиздир ва қонун билан қўриқланади. Мулкнинг дахлсизлиги мулкдорга қарши турган барча субъектларнинг мулк ҳуқуқини бузишдан ўзларини сақлашларидан иборатдир¹⁹⁵.

Оператор, провайдер, дилер ва эшиттирувчилар телекоммуникациялар тармоқларида ахборот ва киберхавфсизликни таъминлашда ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш соҳасида қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиши, техник воситалардан Ўзбекистон Республикасининг мавжуд конституциявий тузумини, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга даъват қилиш, уруш ва зўравонликни, шафқатсизликни, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб этиш, давлат сирини ёки қонунчилик билан қўриқланадиган ўзга сирни ошкор этиш, жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Wi-Fi хизмати ташкилотчиси оператор ёки провайдер билан биргаликда, ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, Ўзбекистон Республикасининг мавжуд конституциявий тузумини, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга даъват этишга, уруш, зўравонлик ва терроризмни, шунингдек диний экстремизм, сепаратизм ва фундаментализм ғояларини тарғиб қилишга, миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатувчи ахборотни, шунингдек, порнографияни тарғиб қилишга қаратилган ахборотнинг ва тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак.

Оператор ва провайдерлар телекоммуникациялар хизматларини кўрсатишда ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, Ўзбекистон Республикасининг мавжуд конституциявий тузумини, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга даъват этишга, уруш, зўравонлик ва терроризмни, шунингдек, диний экстремизм, сепаратизм ва фундаментализм ғояларини тарғиб қилишга, миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатувчи ахборотни, шунингдек, порнографияни тарғиб қилишга қаратилган ва тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши шарт.

Телевидение тармоқлари орқали қонунчилик билан тақиқланган маълумотларни тарқатишга йўл қўйилмайди. Абонентлар ва фойдаланувчилар телекоммуникациялар тармоғи орқали Ўзбекистон Республикасининг мавжуд конституциявий тузумини, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга даъват этишга, уруш, зўравонлик ва терроризмни, шунингдек, диний экстремизм, сепаратизм ва фундаментализм ғояларини тарғиб қилишга, миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатувчи, шунингдек порнографияни тарғиб қилишга қаратилган ахборотни ва тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотни тарқатмасликка мажбур¹⁹⁶.

¹⁹⁵ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

¹⁹⁶ Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 6 январдаги 287-мх-сон буйруғи (26.01.2026 й., рўй.: 3762) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Сунъий интеллект технология ва тизимларини ишлаб чиқувчи ва жорий этувчилар Этика қоидаларига амал қилиши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги алгоритмларнинг шаффоф ва тушунарли бўлишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги эҳтимолий тарафкашликни олдини олиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларининг имкониятлари, чекловлари ва эҳтимолий хавфлари ҳақида очиқ маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчиларни улардан фойдаланиш қоидалари билан таништириш, улардан қандай мақсадда фойдаланиш мумкинлиги ёки тақиқланиши, шунингдек сунъий интеллектга асосланган ечимлар ёки қарорлар доим тўғри бўлмаслиги ҳамда уларнинг натижаларидан тавсиявий ёки маълумот учун фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимлари дастурий таъминоти хавфсизлигини таъминлаши, Этика қоидаларини инобатга олган ҳолда сунъий интеллект технология ва тизимларини доимий равишда такомиллаштириб бориши, сунъий интеллект технология ва тизимлари инсон назорати остида бўлишини ҳамда инсон томонидан қайта кўриб чиқиши, шунингдек якуний қарор инсон томонидан қабул қилинишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан қонунчиликка зид бўлган ёки шахс, жамият, давлат ва атроф табиий-муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган мақсадларда фойдаланмаслиги, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчилар учун сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қўлланмасини ишлаб чиқиш ва жойлаштириши шарт. Сунъий интеллект тизимларидан фойдаланувчилар сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қоидалари ва шартларига риоя қилиши, сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан тўғри фойдаланиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, бошқа фойдаланувчиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини бузмаслик, Этика қоидаларига амал қилиши, шахс, жамият ва давлат манфаатларига ҳамда атроф-табиий муҳитга зарар етказмаслиги лозим¹⁹⁷.

Давлат органлари ва ташкилотлари ўз тасарруфидаги ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини, тармоқлар ишининг барқарорлигини таъминлаши, шунингдек киберхавфсизлик бўйича ўз мажбуриятларини бажариши, ваколатли давлат органини киберхужумлар тўғрисида огоҳлантириши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида сақланаётган маълумотларнинг ўғирланиши ҳамда қалбакилаштирилиши ҳолатларининг олдини олиш чораларини кўриши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларини киберҳимоя қилиш учун сертификатлаштирилган аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий таъминотдан фойдаланиши, киберхавфсизлик соҳасида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ваколатли давлат органи билан

¹⁹⁷ Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 24 февралдаги 284-мх-сон буйруғи (14.03.2026 й., рўй.: 3787) билан тасдиқланган Сунъий интеллектга асосланган ечимларни яратиш, жорий қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича этика қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

келишиши шарт. Киберхавфсизлик субъектлари ахборот тизимлари ва ресурсларидаги маълумотларнинг қонунга ҳилоф равишда тарқатилиши, ўғирланиши, йўқолиши, яхлитлигининг бузилиши, блоккланиши ва қалбакилаштирилишининг, шунингдек ахборот тизимлари ва ресурсларига рухсатсиз киришнинг бошқа кўринишларининг олдини олиши, бундай ҳоллар аниқланганда ўз вақтида тегишли чоралар кўриши, ахборот тизимлари ва ресурсларига кириш тартиби бузилганда ҳамда уларга рухсатсиз кириш натижасида ушбу тизимлар ҳамда ресурслар ўзгартирилган ёки йўқ қилинган тақдирда салбий оқибатларни камайитириш мақсадида уларни тезкорлик билан тиклаш чораларини кўриши, содир бўлган киберхавфсизлик ҳодисалари ва кибержиноятлар тўғрисида ваколатли давлат органини хабардор қилиши, ушбу ҳодисаларни тўлиқ фош этиш учун тегишли рақамли изларнинг йўқолишига йўл қўймаслик чораларини кўриши, шунингдек киберхавфсизлик ҳодисаларини таҳлил қилиш ва кибержиноятларни текшириш учун зарур бўлган маълумотларнинг доимий сақланишини таъминлаши, киберхавфсизлик объектларини муҳофаза қилиш ва уларнинг хавфсиз ишлаши мониторингини ўтказиш соҳасидаги маълумотларни ваколатли давлат органи билан ўзаро алмашишни амалга ошириши, ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберҳимоясини таъминлашда ваколатли давлат органи томонидан белгиланган киберхавфсизлик талабларига риоя этиши, киберхавфсизлик ҳодисаларига нисбатан чоралар кўриш механизмларининг ишлаб туришини ва киберхавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг ишлашини таъминлаши, улар мавжуд бўлмаган тақдирда эса ваколатли давлат органининг рухсати билан аутсорсинг хизматларидан белгиланган тартибда фойдаланиши, ваколатли давлат органига киберхавфсизликни таъминлаш мониторингининг ташкилий-техник тадбирларини амалга ошириш учун мониторинг тизимларига ва (ёки) киберхавфсизлик объектларига кириш ҳуқуқини бериши шарт¹⁹⁸.

Сунъий интеллектдан фойдаланиб яратилган ахборот ресурслари ҳамда сунъий интеллект технологиялари асосида ишлайдиган ахборот тизимлари инсонга, унинг ҳаётига, соғлиғига, эркинлигига, шаънига, қадр-қимматига путур етказмаслиги ва унинг бошқа ажралмас ҳуқуқларини бузмаслиги шарт. Веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурсининг эгаси, шу жумладан блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифасидан ёхуд бошқа ахборот ресурсидан Ўзбекистон Республикасининг мавжуд конституциявий тузумини, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга даъват этиш, оммавий тартибсизликларга, фуқароларга нисбатан зўравонлик қилишга, шунингдек белгиланган тартибни бузган ҳолда ўтказиладиган йиғилишлар, митингларда, кўча юришларида ва намойишларда иштирок этишга даъват қилиш, шунингдек мазкур ноқонуний ҳаракатларни мувофиқлаштириш, жамоат тартибига ёки хавфсизлигига таҳдид солувчи ёлғон ахборот тарқатиш, уруш,

¹⁹⁸ Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

зўравонлик ва терроризмни, шунингдек диний экстремизм, сепаратизм ва фундаментализм ғояларини тарғиб қилиш, давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни ошкор этиш, миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатувчи, шунингдек фуқароларнинг шаъни ва кадр-қимматига ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи, уларнинг шахсий ҳаётига аралаштиришга йўл қўйувчи ахборотни тарқатиш, сунъий интеллект технологияларидан фойдаланган ҳолда шахсга доир маълумотларга қонунга ҳилоф равишда ишлов бериш, уларни оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида тарқатиш, жамиятга, давлатга, давлат рамзларига ҳурматсизликни намоён этувчи, шу жумладан беодоблик билан ифодаланган ахборотни тарқатиш, гиёҳвандлик воситаларини, психотроп моддаларни ва прекурсорларни тарғиб қилиш, порнографияни, зўравонликни ва шафқатсизликни тарғиб қилиш, ўзга шахсларга тегишли бўлган интеллектуал мулк объектларидан қонунга ҳилоф равишда фойдаланиш, фуқароларни, шу жумладан вояга етмаган шахсларни уларнинг ҳаётига ва (ёки) соғлиғига ёхуд ўзга шахсларнинг ҳаётига ва (ёки) соғлиғига таҳдид солувчи ғайриҳуқуқий ҳаракатларни содир этишга ундашга ёки бошқа тарзда жалб қилишга қаратилган ахборотни тарқатиш, қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган ўзга ҳаракатларни содир этиш мақсадларида фойдаланилишига йўл қўймаслиги шарт¹⁹⁹.

Тарқатилиши қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа ахборотни тайёрлаш ва (ёки) тарқатишга йўл қўйилмайди²⁰⁰.

Давлат фуқаролик хизматчиси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига риоя этиши, ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажариши, давлат органи томонидан белгиланган одоб-ахлоқ қоидаларига, хизматга оид ахборот билан ишлаш тартибига, шунингдек давлат фуқаролик хизматида ўташ билан боғлиқ бошқа қоидаларга риоя этиши, давлат органининг нуфузини туширишга олиб келиши ёки унинг ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажаришига шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳаракатлардан (ҳаракатсизликдан), шу жумладан ўз хизмат мажбуриятларини бажараётганда ҳар қандай шаклдаги камситишдан, ноҳолисликдан ёки кимгадир нисбатан алоҳида муносабатда бўлишдан тийилиши шарт²⁰¹.

Ушбу нормаларнинг бузилиши натижасида мазкур жиноят вужудга келади.

Бунда, давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлиги ахборот соҳасидаги хавфсизликка таҳдидларга қарши ҳаракатлар юзасидан иқтисодий, сиёсий, ташкилий ва бошқа тусдаги чора-тадбирларни амалга ошириш, давлат сирларини сақлаш ва давлат ахборот ресурсларини улардан руҳсатсиз тарзда фойдаланилишидан муҳофаза қилиш, Ўзбекистон Республикасининг жаҳон

¹⁹⁹ Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги 560-П-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²⁰⁰ Ўзбекистон Республикасининг “Ноширлик фаолияти тўғрисида” 2021 йил 26 ноябрдаги ЎРҚ–731-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²⁰¹ Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида” 2022 йил 8 августдаги ЎРҚ–788-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

ахборот маконига ва замонавий телекоммуникациялар тизимларига интеграциялашуви, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартиришга, ҳудудий яхлитлигини, суверенитетини бузишга, ҳокимиятни босиб олишга ёки қонуний равишда сайлаб қўйилган ёхуд тайинланган ҳокимият вакиллари ҳокимиятдан четлатишга ва давлат тузумига қарши бошқача тажовуз қилишга очикдан-очик даъват этишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишидан ҳимоя қилиш, урушни ва зўравонликни, шафқатсизликни тарғиб қилишни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоват уйғотишга қаратилган терроризм ва диний экстремизм ғояларини ёйишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишига қарши ҳаракатлар қилиш билан таъминланади. Шахснинг ахборот борасидаги хавфсизлиги унинг ахборотдан эркин фойдаланиши зарур шароитлари ва кафолатларини яратиш, шахсий ҳаётига тааллуқли сирларини сақлаш, ахборот воситасида қонунга ҳилоф равишда руҳий таъсир кўрсатилишидан ҳимоя қилиш йўли билан таъминланади. Жисмоний шахсларга тааллуқли шахсий маълумотлар махфий ахборот тоифасига киради. Жисмоний шахснинг розилигисиз унинг шахсий ҳаётига тааллуқли ахборотни, худди шунингдек шахсий ҳаётига тааллуқли сирини, ёзишмалар, телефондаги сўзлашувлар, почта, телеграф ва бошқа мулоқот сирларини бузувчи ахборотни тўплашга, сақлашга, қайта ишлашга, тарқатишга ва ундан фойдаланишга йўл қўйилмайди, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно. Жисмоний шахслар тўғрисидаги ахборотдан уларга моддий зарар ва маънавий зиён етказиш, шунингдек уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари рўёбга чиқарилишига тўсқинлик қилиш мақсадида фойдаланиш тақиқланади. Фуқаролар тўғрисида ахборот олувчи, бундай ахборотга эгалик қилувчи ҳамда ундан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахслар бу ахборотдан фойдаланиш тартибини бузганлик учун қонунда назарда тутилган тарзда жавобгар бўладилар. Ахборот манбаи ёки муаллиф номи фақат суд қарори билан ошкор этилиши мумкин²⁰².

Бунда, тезкор-кидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар тезкор-кидирув тадбирларини ўтказишда аниқланган валюта намунаси қалбаки эканлигига шубҳа пайдо бўлганда, тезкор-кидирув тадбирлари давомийлигини таъминлаш зарурати юзага келганда, тезкорликни амалга ошириш ҳамда тегишли вақтни тежаш мақсадида мазкур модда (буюм) ёки валюта намуналарини улар аниқланган жойнинг ўзида ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар биносида экспресс текшириш техник воситалари ёрдамида текширади²⁰³.

2. Кибержиноят асосий бевосита объекти – жамият ва жамоат хавфсизлиги ва тартиби ҳамда транспорт хавфсизлиги ва дахлсизлиги.

²⁰² Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принципи ва кафолатлари тўғрисида” 2002 йил 12 декабрдаги 439-П-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²⁰³ Вазирлар Маҳкамасининг “Тезкор-кидирув тадбирларини ўтказишда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг аналоглари, прекурсорлар, кучли таъсир қилувчи моддалар ҳамда валюта намуналарини экспресс текшириш жараёнида техник воситалардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида” 2023 йил 12 январдаги 12-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

3. Кибержиноят қўшимча бевосита объекти – ахборот-коммуникация технологияларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар.

4. Кибержиноят факультатив бевосита объекти – ўзга шахс (лар) ва давлат, шу жумладан, шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни, кадр-қиммати, мулк дахлсизлиги, тинчлик ва инсоният хавфсизлиги, бошқарув тартиби ва бошқалар;

5. Кибержиноят субъекти – 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс.

6. Кибержиноят субъектив томони – қасддан.

7. Кибержиноят объектив томони – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ёки қонунга хилоф равишда ахборот-коммуникация тизимида кириб, жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимаслик, уриш-дўппослаш, баданга енгил шикаст етказиш ёки ўзганинг мулкига шикаст етказиш ёхуд нобуд қилиш анча зарар етказиш йўли билан содир этилади.

8. Кибержиноят мақсади – моддий ёки (ва) номоддий манфаат, ғаразли ёки бошқа паст ниятлар, ўч олиш ва ҳк.

9. Кибержиноят воситаси (қуроли) – ахборот-коммуникация технологиялари.

10. Кибержиноятнинг зарурий белгилари:

- 1) қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги;
- 2) қилмишнинг ҳуқуққа хилофлилиги;
- 3) қилмишда айбнинг мавжудлиги;
- 4) қилмишнинг жазога сазоворлиги;
- 5) қилмишнинг транспорт воситаси билан боғлиқлиги;
- 6) транспорт воситасини олиб қочиш йўли билан содир этилиши;
- 7) алоқа;
- 8) ахборот;
- 9) кибермуҳит, шу жумладан, кибермакон;
- 10) ахборот-коммуникация технологиялари.

Ушбу белгиларнинг биронтаси мавжуд эмаслиги қилмишнинг кибержиноят эканлигини инкор этади.

11. Кибержиноятнинг тамомланиши – транспорт воситаси олиб қочилган вақтдан бошлаб.

12. Кибержиноятнинг тузилишига кўра тури – формал таркибли кибержиноятлар ҳам мавжуд.

13. Кибержиноятнинг ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра тури – оғир ва ўта оғир кибержиноят.

14. Жазо тизимида кўра тури – ижтимоий хавфли қилмиш учун Жиноят кодексда озодликни маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган кибержиноятлар.

15. Жиноят предмети – транспорт воситаси ва у билан боғлиқ матн, видео, аудио, мемлар, постлар, deepfake контент ва бошқа шаклдаги ахборот шунингдек, қуйидагилар ҳам жиноят предмети бўлиши мумкин:

1. Молиявий воситалар – нақдсиз пул, банк ўтказмалари, электрон ҳамёнлар орқали тўловлар (Payme, Click, PayPal, QIWI ва ҳ.к.), криптовалюта

(Bitcoin, USDT, Ethereum ва бошқалар), онлайн тўлов тизимлари орқали маблағ, қимматли қоғозлар (акциялар, облигациялар), электрон сертификатлар, баланс тўлдириш (телефон, аккаунт, карта) ва ҳк.;

2. Рақамли активлар – лицензия калитлари (software key), онлайн сервис аккаунти, Premium обуна, домен номи, веб-сайтга эгалик, ижтимоий тармоқлардаги (Telegram, Instagram, YouTube ва бошқалар) каналлар ва гуруҳлар, NFT активлари, онлайн ўйин аккаунтлари, база маълумотлар, электрон контракт ҳуқуқи, NFTлар, ўйин ичидаги қимматбаҳо виртуал буюмлар (Skins, In-game currency) ва ҳк.;

3. Ахборот – махфий маълумот, тендер маълумотлари, миқдорлар базаси, пароллар, давлат реестри маълумотлари, имтиёзли кириш ҳуқуқи, жумладан, тижорат ёки хизмат сири ҳисобланган маълумотларга имтиёзли кириш ҳуқуқини бериш, касб, хизмат сирлари, текширув натижаларини ўзгартириш ва ҳк.;

4. Номоддий манфаат – лавозимга тайинлаш, лойиҳада ғолиб қилиш, рейтингни ошириш, файлни ўчириб бериш, маъмурий, молиявий ёки жиноий жазодан қутқариш, солиқ ва бошқа тўловларни камайтириш, давлат ижтимоий буюртмасини бериш, рухсатнома чиқариш ва ҳк.;

5. Техника ва IT ресурслар – сервер ресурслари, хостинг, VPN кириш, Cloud аккаунт, дастур кодлари, дастурий таъминот лицензияси, API кириш ҳуқуқи, бқори қийматга эга бўлган тижорат дастурларига (масалан, киберхавфсизлик ёки дизайн дастурларига) умрбод ёки узоқ муддатли пуллик обуналарни олиб бериш ва ҳк.;

6. Аралаш шакллар – қимматбаҳо техника (ноутбук, смартфон ва ҳк.), онлайн орқали етказилган товар, электрон ваучер, крипто-ҳисоб очиш, тўловни учинчи шахс орқали амалга ошириш, жиноятчи учун бепул яратиб берилган веб-сайтлар, SMM хизматлари, пуллик дастурий таъминотларга лицензиялар ёки обуналар (Subscription), мансабдор шахс ёки унинг яқинлари учун бепул сервер майдони (Hosting) ажратиб бериш ёки веб-сайт ишлаб чиқиб, уни тарғиб қилиш (SMM/SEO) хизматларини бепул кўрсатиш, хизматчининг ижтимоий тармоқлардаги саҳифасини пуллик тарғиб қилиш (Boost), онлайн курслар ёки пуллик веб-сервисларга обуналарни (Premium subscription) совға қилиш ва ҳк.

16. Кибержиноятни содир этишнинг энг кўп усуллари:

- 1) телекоммуникация ёки интернет тармоғида намойишкорона;
- 2) телекоммуникация ёки интернет тармоғида жойлаштириш орқали;
- 3) ахборот-коммуникация технологияларидан жиноят қуроли ёки воситаси сифатида фойдаланиш натижасида.

Ушбу жиноят қуйидаги шаклларда содир этилиши мумкин, хусусан:

1) реле ҳужуми (Relay Attack / Keyless Go). Мисол учун, иккита қурилма (ретранслятор) ёрдамида уй ичида турган ҳақиқий калитнинг радиосигналинини кучайтириб, ташқаридаги автомобилга узатиш ва автомобиль эгаси келяпти деб ўйлаб, эшикларни очиши ва моторни ўт олдиришини ташкил қилиш;

2) CAN-шина инъекцияси (CAN-bus Injection). Мисол учун, автомобилнинг ташқи қисмидаги заиф нуқталар масалан, олд фараларнинг

симлари) орқали ички тармоққа (Controller Area Network) уланиш орқали жиноятчи электрон бошқарув блокига (ECU) сохта буйруқ юбориб, эшикларни очиши ва иммобилайзерни айланиб ўтишини ташкил қилиш;

3) мобил иловаларни бузиш (App / Cloud Hacking). Мисол учун, автомобилни бошқарувчи мобил иловага (смартфонга) кириш ҳуқуқини фишинг ёки зарарли дастурлар орқали қўлга киритиш ва автомобилни масофадан ўт олдириш йўли билан содир этилиши мумкин.

Ушбу жиноятни фош этишда қуйидаги рақамли излар тўпланиши мумкин, хусусан:

1) telematics ва GPS маълумотлари. Мисол учун, автомобиль қачон, қаерда ва қандай тезликда ҳаракатлангани ҳақидаги булутли (Cloud) серверларда сақланадиган логлар;

2) ECU (Engine Control Unit) вақт тамғалари. Мисол учун, двигатель қачон ўт олдирилгани, қайси калит ёки сохта сигнал орқали авторизация қилингани ҳақидаги ички хотира ёзувлари;

3) infotainment тизими излари. Мисол учун, олиб қочган шахс автомобилнинг медиа тизимига ўзининг смартфонини Bluetooth ёки Wi-Fi орқали улашга уринган бўлса, унинг MAC-манзили ва қурилма номи хотирада муҳрланиб қолади.

Жиноятни фош этилиши учун қуйидаги экспертизалар ўтказилиши мумкин, хусусан:

1) суд-компьютер-техникавий экспертизаси транспорт воситасининг электрон бошқарув блоклари (ECU), иммобилайзер тизими ва Keyless Go (калитсиз кириш) алгоритмларига қилинган ташқи рақамли ҳужумларни, CAN-шинаси орқали киритилган сохта буйруқларни ҳамда масофавий бошқарув иловаларининг бузилганлигини, транспорт воситасининг дастурий таъминоти (firmware) ташқаридан рухсатсиз аралашув бўлганлигини, кулф тизими қандай электрон восита ёрдамида очилганлигини;

2) суд-радиотехникавий экспертизаси Relay Attack (код граббер) усулида сигнални тутиб олиш ва такрорлаш учун ишлатилган техник воситаларни, GPS/GSM сигналларини бўғувчи (jammer) қурилмаларнинг ишлаш параметрларини ва уларнинг автомобиль хавфсизлик тизимига таъсирини;

3) суд-иктисодий экспертизаси олиб қочилган транспорт воситасининг бозор қийматини, уни талон-торож қилиш мақсадида содир этилган бўлса, етказилган моддий зарарнинг ҳақиқий миқдорини;

4) суд-филологик (лингвистик) экспертизаси транспорт воситасини эгаллаш жараёнида зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш мазмундаги электрон хабарларни ва жиной гуруҳ аъзоларининг мессенжерлардаги ўзаро мувофиқлаштирувчи ёзишмаларини;

5) видеоматериалларнинг суд экспертизаси “Хавфсиз шаҳар” тизими камералари, рақамли видеорегистраторлар ва интеллектуал кузатув воситалари қайд этган тасвирларнинг ҳаққонийлигини ҳамда транспорт воситасининг ҳаракатланиш траекториясини;

6) суд-фото-техникавий экспертизаси транспорт воситасини кузатиш (spotting) жараёнида олинган рақамли фотосуратларнинг метамаълумотларини (EXIF) таҳлил қилиш орқали жиноятга тайёргарлик кўрилган аниқ вақт ва геолокацияни;

7) суд-портрет экспертизаси транспорт воситасини олиб қочган ёки унинг саломида бўлган шахсларнинг рақамли видеокузатув тасвирларидаги қиёфа белгиларини гумонланувчилар билан идентификация қилишни;

8) суд-фонографик экспертизаси жиноий ҳаракатларни мувофиқлаштириш учун ишлатилган алоқа воситаларидаги овозли хабарларни ва диспетчерлик хизматлари қайдларидаги нутқ эгасини идентификация қилишни;

9) суд-тиббий экспертизаси транспорт воситасини олиб қочиш вақтида зўрлик ишлатиш натижасида жабрланувчиларга етказилган тан жароҳатларининг оғирлик даражасини ва механизмини;

10) ҳужжатларнинг суд-техникавий экспертизаси транспорт воситасини бошқариш ёки қайта рўйхатдан ўтказиш учун ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида сохталаштирилган электрон ишончномалар, суғурта полислари ва рақамли қайд этиш гувоҳномаларининг ҳақиқийлигини;

11) суд-психологик экспертизаси айбдорларнинг транспорт воситасини олиб қочишдаги мотивларини (вақтинча фойдаланиш ёки талон-торож қилиш), зўрлик ишлатишдаги иродавий ҳолатини ва гуруҳ аъзоларининг психологик иерархиясини;

12) суд-трассалогик экспертизаси механик бузиш (ойнани чақиш, кулфни бураш) излари борлигини ёки жиноят соф рақамли усулда амалга оширилганлигини;

13) суд-социологик экспертизаси ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан, воситасида транспорт воситаларининг олиб қочилиши натижасида мулкдорларнинг хавфсизлик ҳиссига, жамоат тартибига ва автомобиль суғуртаси тизимида етказилган ижтимоий-ҳуқуқий зарар кўламини аниқлайди.

ЖК 267-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ транспорт воситаларини олиб қочиш деганда, ўзганинг транспорт воситасини талон-торож қилиш мақсадисиз бир жойдан бошқа жойга кўчириш тушунилиши лозим.

Ушбу жиноят айбдор шахс томонидан транспорт воситасини турган жойидан бошқа жойга олиб қочган пайтдан бошлаб тамом бўлган ҳисобланади.

Транспорт воситалари деганда енгил ва юк автомашиналарнинг барча тури, автобуслар, махсус машиналар, тракторлар, троллейбуслар, трамвайлар, двигателининг иш ҳажми 50 см³. дан кам бўлмаган мотоцикл ва мотороллерлар, йўл қурилиши, қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ўзйорар машиналар (экскаватор, бульдозер, автопогрузчик, грейдер, автокран ва бошқалар) ҳамда скутерлар тушунилади.

Транспорт воситасини ўғирлаш мақсадисиз олиб қочиш фақат тўғри қасд билан амалга оширилади.

Айбдор транспорт воситасини олиб қочганда талон-торож мақсадини кўзлаган бўлса, унинг ҳаракатлари қилмишнинг хусусиятидан келиб чиқиб, ЖК 267-моддаси иккинчи қисми “г” банди ёки учинчи қисми “в” банди билан квалификация қилиниши лозим. Бундай ҳаракатларни, тегишлича, ЖК 164, 166 ёки 169-моддаси билан қўшимча квалификация қилиш талаб этилмайди.

Шахс ўзига беркитилган транспорт воситасини ўзбошимчалик билан ишлатган тақдирда Жиноят кодексининг 267-моддаси билан жавобгар бўла олмайди.

Уюшган гуруҳ деганида транспорт воситаларини олиб қочиш ёки бошқа жиноятларни содир этиш мақсадида икки ёки ундан кўп шахсларнинг барқарор бирлашмаси тушунилиши керак.

Жумладан, жиноий фаолиятнинг олдиндан режалаштирилганлиги, жиноий қасдни амалга ошириш учун зарур бўлган воситаларнинг тайёрланиши, иштирокчиларни танлаш, ёллаш ва улар ўртасида вазифаларнинг тақсимланиши, жиноятни яшириш чораларини таъминлаш, гуруҳда ўрнатилган интизомга ва ташкилотчининг кўрсатмаларига бўйсунитишлик жиноий гуруҳнинг уюшганлигидан далолат беради.

Айблаш фикрида ва суд ҳукмида айнан қандай асосларга кўра жиноий гуруҳ уюшган деб топилганлиги кўрсатилган бўлиши шарт.

Уюшган гуруҳ таркибида транспорт воситасини олиб қочган шахсларнинг ҳаракатлари, улардан ҳар бирининг ролидан катъий назар, ҳамижрочи деб баҳоланиши ва ЖК 267-моддаси учинчи қисмининг «б» банди билан ЖК 28-моддасига ҳавола этилмаган ҳолда квалификация қилиниши лозим²⁰⁴.

²⁰⁴ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Транспорт воситаларини олиб қочиш ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида” 1996 йил 20 декабрдаги 37-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

1.16-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни қонунга ҳилоф равишда эгаллаш жиноятининг юридик-техник таҳлили

271-модда. Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни қонунга ҳилоф равишда, ўғрилиқ ёки фирибгарлик йўли билан эгаллаш –

уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат:

а) илгари гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятни содир этган шахс томонидан;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

в) ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан;

г) талончилик йўли билан;

д) мансаб мавқеини суиистеъмол қилиб;

е) тамагирлик йўли билан;

ж) кўп миқдорда содир этилган бўлса, –

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат:

а) ўта хавфли рецидивист томонидан;

б) уюшган гуруҳ ёки унинг манфаатларини кўзлаб;

в) босқинчилик йўли билан содир этилган бўлса, –

ўн йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Муҳофаза қилинадиган норма – Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан, ахборотни излаш, олиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқни чеклашга фақат қонунга мувофиқ ҳамда фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлиғини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш, шунингдек давлат сирлари ёки қонун билан кўриқланадиган бошқа сир ошкор этилишининг олдини олиш мақсадида зарур бўлган доирада йўл қўйилади. Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган органлар томонидангина амалга оширилади. Инсоннинг шаъни ва кадр-қиммати дахлсиздир. Ҳеч нарса уларни камситиш учун асос бўлиши мумкин эмас. Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки инсон кадр-қимматини камситувчи муомалага ёхуд жазога дучор этилиши мумкин эмас. Ҳеч ким расмий эълон қилинмаган қонун

асосида ҳукм қилиниши, жазога тортилиши, мол-мулкидан ёки бирон-бир ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикасида барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиниши таъминланади. Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Ўзбекистон Республикасида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига биноан ҳамда ушбу Конституцияга мувофиқ эътироф этилади ва қафолатланади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегишли бўлади. Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа инсонларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар. Инсоннинг шаъни ва кадр-қиммати дахлсиздир. Инсоннинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. Ҳар бир инсон ўз шахсини эркин камол топтириш ҳуқуқига эга. Ҳеч кимга унинг розилигисиз қонунчиликда белгиланмаган мажбурият юклатилиши мумкин эмас. Инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, жамият ҳамда давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги шарт²⁰⁵.

Қонунчиликка кўра, фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари иштирокчиларининг ҳалол, оқилона ва адолат билан ҳаракат қилиши назарда тутилади. Фуқаролар ва юридик шахсларнинг бошқа шахсга зарар етказишга, бошқача шаклларда ҳуқуқни суиистеъмол қилишга, шунингдек ҳуқуқни унинг мақсадига зид тарзда амалга оширишга қаратилган ҳаракатларига йўл қўйилмайди²⁰⁶.

Ўзбекистон Республикасида назоратга олинадиган гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар қуйидаги рўйхатларга киритилади:

Муомалада бўлиши Ўзбекистон Республикасида тақиқланган гиёҳвандлик воситалари рўйхати (бундан буён матнда I рўйхат деб юритилади);

Муомалада бўлиши Ўзбекистон Республикасида чекланган гиёҳвандлик воситалари рўйхати (бундан буён матнда II рўйхат деб юритилади);

Муомалада бўлиши Ўзбекистон Республикасида чекланган психотроп моддалар рўйхати (бундан буён матнда III рўйхат деб юритилади);

Муомалада бўлиши Ўзбекистон Республикасида чекланган прекурсорлар рўйхати (бундан буён матнда IV рўйхат деб юритилади).

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар рўйхатлари Вазирлар Маҳкамасининг “Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш,

²⁰⁵ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²⁰⁶ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

ундан олиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш тартибини, шунингдек уларнинг муомалада бўлиши юзасидан назоратни такомиллаштириш тўғрисида” 2015 йил 12 ноябрдаги 330-сон қарори билан тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлишига Ўзбекистон Республикасининг “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида” 1999 йил 19 августдаги 813-І-сон Қонунида белгиланган ҳолларда ва тартибда йўл қўйилади.

Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар аналогларининг муомалада бўлиши тақиқланади.

Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик воситаларининг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолиятнинг асосий турлари: гиёҳвандлик воситаларини олиб кириш (олиб чиқиш), тақсимлаш, ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, тайёрлаш, йўқ қилиш, шунингдек таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган ўсимликларни етиштириш давлат монополияси ҳисобланади, бироқ таркибида тетрагидроканнабинол гиёҳвандлик моддасининг миқдори 0,2 фоизгача бўлган каннабис ўсимлигини гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ишлаб чиқариш ҳамда тайёрлаш билан боғлиқ бўлмаган саноат мақсадларида етиштиришга, олиб киришга (олиб чиқишга), қайта ишлашга, сақлашга, реализация қилишга (беришга), олишга ва ташишга юридик шахсларга мазкур фаолият тури учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда берилган лицензияга асосан рухсат этилади.

Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ишлаб чиқариш ва тайёрлаш билан боғлиқ бўлмаган, саноат мақсадларида етиштирилишига ва муомалада бўлишига рухсат этилган каннабис ўсимлигининг навлари, уларнинг етиштирилиш ва муомалада бўлиш шартлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолият юридик шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгиланган тартибда бериладиган лицензия асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларга бўлган эҳтиёжлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан жорий этилган тартибда белгиланади.

І рўйхатга киритилган гиёҳвандлик воситаларининг муомалада бўлишига йўл қўйилмайди, II ва III рўйхатга киритилган гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг муомалада бўлишига шифокор кўрсатмаси бўйича тиббий мақсадларда, йўл қўйилади, бундан Ўзбекистон Республикасининг “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида” 1999 йил 19 августдаги 813-І-сон Қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни сақлаш, реализация қилиш, бериш, тақсимлаш ва ҳисобга олиш Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 29 октябрдаги 472-сон “Ўзбекистон Республикасида

гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиш тартибини белгилаб берувчи низомларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига асосан белгиланадиган юридик шахсларнинг эҳтиёжи доирасида амалга оширилади.

Бунда, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларга белгиланган юридик шахсларнинг эҳтиёжи асосида Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар юридик шахсларга тақсимланади.

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни сақлаш, реализация қилиш, бериш, тақсимлаш ва ҳисобга олишга масъул шахс гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан танишган бўлиши керак.

Тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника давлат реестрига киритилган гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва таркибида прекурсор бўлган дори воситаларини дорихоналарда сақлашга йўл қўйилади.

Дорихоналардан гиёҳвандлик воситаларини жисмоний шахсларга шифокор рецепти асосида реализация қилиш (бериш) қуйидаги шахслар томонидан амалга оширилади:

- дорихона мудири;
- фармацевт (провизор);
- дорихона фармацевти ассистенти.

Рецептда гиёҳвандлик воситаси билан бошқа ингредиентлар бирга ёзилган бўлса, гиёҳвандлик воситасини алоҳида беришга йўл қўйилмайди.

Гиёҳвандлик воситалари Ўзбекистон Республикасининг тегишли маъмурий-ҳудудий бирлигидаги дорихонадан мазкур маъмурий-ҳудудий бирликда жойлашган даволаш-профилактика муассасасининг рецепти асосида реализация қилинади (берилади).

Гиёҳвандлик воситалари сақланадиган хонага дорихона омборхонаси раҳбари буйруғи билан тайинланган, бевосита улар билан ишлаш ҳуқуқи берилган шахсларга киришга йўл қўйилади²⁰⁷.

Тарқатилиши қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа ахборотни тайёрлаш ва (ёки) тарқатишга йўл қўйилмайди²⁰⁸.

Оператор, провайдер, дилер ва эшиттирувчилар телекоммуникациялар тармоқларида ахборот ва киберхавфсизликни таъминлашда ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш соҳасида қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиши, жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Wi-Fi хизмати ташкилотчиси оператор ёки провайдер билан биргаликда, ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини

²⁰⁷ Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг “Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни сақлаш, бериш, сотиш, тақсимлаш, ҳисобга олиш шартлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2024 йил 25 декабрдаги 36-сон буйруғи (27.01.2025 й., рўй.: 3604-сон) // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²⁰⁸ Ўзбекистон Республикасининг “Ноширлик фаолияти тўғрисида” 2021 йил 26 ноябрдаги ЎРҚ–731-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Оператор ва провайдерлар телекоммуникациялар хизматларини кўрсатишда ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши шарт. Телевидение тармоқлари орқали қонунчилик билан тақиқланган маълумотларни тарқатишга йўл қўйилмайди. Абонентлар ва фойдаланувчилар телекоммуникациялар ёрдамида тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотни тарқатмасликка мажбур²⁰⁹.

Сунъий интеллект технология ва тизимларини ишлаб чиқувчи ва жорий этувчилар Этика қоидаларига амал қилиши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги алгоритмларнинг шаффоф ва тушунарли бўлишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги эҳтимолий тарафкашликни олдини олиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларининг имкониятлари, чекловлари ва эҳтимолий хавфлари ҳақида очиқ маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчиларни улардан фойдаланиш қоидалари билан таништириш, улардан қандай мақсадда фойдаланиш мумкинлиги ёки тақиқланиши, шунингдек сунъий интеллектга асосланган ечимлар ёки қарорлар доим тўғри бўлмаслиги ҳамда уларнинг натижаларидан тавсиявий ёки маълумот учун фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимлари дастурий таъминоти хавфсизлигини таъминлаши, Этика қоидаларини инобатга олган ҳолда сунъий интеллект технология ва тизимларини доимий равишда такомиллаштириб бориши, сунъий интеллект технология ва тизимлари инсон назорати остида бўлишини ҳамда инсон томонидан қайта кўриб чиқилиши, шунингдек яқуний қарор инсон томонидан қабул қилинишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан қонунчиликка зид бўлган ёки шахс, жамият, давлат ва атроф табиий-муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган мақсадларда фойдаланмаслиги, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчилар учун сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қўлланмасини ишлаб чиқиш ва жойлаштириши шарт. Сунъий интеллект тизимларидан фойдаланувчилар сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қоидалари ва шартларига риоя қилиши, сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан тўғри фойдаланиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, бошқа фойдаланувчиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини бузмаслик, Этика қоидаларига амал қилиши, шахс, жамият ва давлат манфаатларига ҳамда атроф-табиий муҳитга зарар етказмаслиги лозим²¹⁰.

²⁰⁹ Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 6 январдаги 287-мх-сон буйруғи (26.01.2026 й., рўй.: 3762) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²¹⁰ Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 24 февралдаги 284-мх-сон буйруғи (14.03.2026 й., рўй.: 3787) билан тасдиқланган Сунъий интеллектга асосланган ечимларни яратиш, жорий

Давлат органлари ва ташкилотлари ўз тасарруфидаги ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини, тармоқлар ишининг барқарорлигини таъминлаши, шунингдек киберхавфсизлик бўйича ўз мажбуриятларини бажариши, ваколатли давлат органини киберхужумлар тўғрисида огоҳлантириши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида сақланаётган маълумотларнинг ўғирланиши ҳамда қалбакилаштирилиши ҳолатларининг олдини олиш чораларини кўриши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларини киберҳимоя қилиш учун сертификатлаштирилган аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий таъминотдан фойдаланиши, киберхавфсизлик соҳасида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ваколатли давлат органи билан келишиши шарт. Киберхавфсизлик субъектлари ахборот тизимлари ва ресурсларидаги маълумотларнинг қонунга хилоф равишда тарқатилиши, ўғирланиши, йўқолиши, яхлитлигининг бузилиши, блокраниши ва қалбакилаштирилишининг, шунингдек ахборот тизимлари ва ресурсларига рухсатсиз киришнинг бошқа кўринишларининг олдини олиши, бундай ҳоллар аниқланганда ўз вақтида тегишли чоралар кўриши, ахборот тизимлари ва ресурсларига кириш тартиби бузилганда ҳамда уларга рухсатсиз кириш натижасида ушбу тизимлар ҳамда ресурслар ўзгартирилган ёки йўқ қилинган тақдирда салбий оқибатларни камайтириш мақсадида уларни тезкорлик билан тиклаш чораларини кўриши, содир бўлган киберхавфсизлик ҳодисалари ва кибержиноятлар тўғрисида ваколатли давлат органини хабардор қилиши, ушбу ҳодисаларни тўлиқ фош этиш учун тегишли рақамли изларнинг йўқолишига йўл қўймаслик чораларини кўриши, шунингдек киберхавфсизлик ҳодисаларини таҳлил қилиш ва кибержиноятларни текшириш учун зарур бўлган маълумотларнинг доимий сақланишини таъминлаши, киберхавфсизлик объектларини муҳофаза қилиш ва уларнинг хавфсиз ишлаши мониторингини ўтказиш соҳасидаги маълумотларни ваколатли давлат органи билан ўзаро алмашишни амалга ошириши, ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберҳимоясини таъминлашда ваколатли давлат органи томонидан белгиланган киберхавфсизлик талабларига риоя этиши, киберхавфсизлик ҳодисаларига нисбатан чоралар кўриш механизмларининг ишлаб туришини ва киберхавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг ишлашини таъминлаши, улар мавжуд бўлмаган тақдирда эса ваколатли давлат органининг рухсати билан аутсорсинг хизматларидан белгиланган тартибда фойдаланиши, ваколатли давлат органига киберхавфсизликни таъминлаш мониторингининг ташкилий-техник тадбирларини амалга ошириш учун мониторинг тизимларига ва (ёки) киберхавфсизлик объектларига кириш ҳуқуқини бериши шарт²¹¹.

Давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар давлат сирлари ҳамда махфий сирлар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган ахборот ресурслари ва ахборот тизимларининг муҳофаза қилинишини таъминлаши шарт. Сунъий

қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича этика қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²¹¹ Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

интеллектдан фойдаланиб яратилган ахборот ресурслари ҳамда сунъий интеллект технологиялари асосида ишлайдиган ахборот тизимлари инсонга, унинг ҳаётига, соғлигига, эркинлигига, шаънига, кадр-қимматига путур етказмаслиги ва унинг бошқа ажралмас ҳуқуқларини бузмаслиги шарт. Веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурсининг эгаси, шу жумладан блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифасидан ёхуд бошқа ахборот ресурсидан қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган ўзга ҳаракатларни содир этиш мақсадларида фойдаланилишига йўл қўймаслиги шарт²¹².

Давлат фуқаролик хизматчиси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига риоя этиши, ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажариши, давлат органи томонидан белгиланган одоб-ахлоқ қоидаларига, хизматга оид ахборот билан ишлаш тартибига, шунингдек давлат фуқаролик хизматини ўташ билан боғлиқ бошқа қоидаларга риоя этиши, давлат органининг нуфузини туширишга олиб келиши ёки унинг ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажаришига шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳаракатлардан (ҳаракатсизликдан), шу жумладан ўз хизмат мажбуриятларини бажараётганда ҳар қандай шаклдаги камситишдан, ноҳолисликдан ёки кимгадир нисбатан алоҳида муносабатда бўлишдан тийилиши шарт²¹³.

Ушбу нормаларнинг бузилиши натижасида мазкур жиноят вужудга келади.

Бунда, давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлиги ахборот соҳасидаги хавфсизликка таҳдидларга қарши ҳаракатлар юзасидан иқтисодий, сиёсий, ташкилий ва бошқа тусдаги чора-тадбирларни амалга ошириш, давлат сирларини сақлаш ва давлат ахборот ресурсларини улардан рухсатсиз тарзда фойдаланилишидан муҳофаза қилиш, Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ахборот маконига ва замонавий телекоммуникациялар тизимларига интеграциялашуви, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартиришга, ҳудудий яхлитлигини, суверенитетини бузишга, ҳокимиятни босиб олишга ёки қонуний равишда сайлаб қўйилган ёхуд тайинланган ҳокимият вакиллари ҳокимиятдан четлатишга ва давлат тузумига қарши бошқача тажовуз қилишга очикдан-очик даъват этишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишидан ҳимоя қилиш, урушни ва зўравонликни, шафқатсизликни тарғиб қилишни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоват уйғотишга қаратилган терроризм ва диний экстремизм ғояларини ёйишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишига қарши ҳаракатлар қилиш билан таъминланади. Шахснинг ахборот борасидаги хавфсизлиги унинг ахборотдан эркин фойдаланиши зарур шароитлари ва кафолатларини яратиш, шахсий ҳаётига тааллуқли сирларини сақлаш, ахборот воситасида қонунга ҳилоф равишда руҳий таъсир кўрсатилишидан ҳимоя қилиш йўли билан

²¹² Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги 560-П-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²¹³ Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида” 2022 йил 8 августдаги ЎРҚ–788-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

таъминланади. Жисмоний шахсларга тааллуқли шахсий маълумотлар махфий ахборот тоифасига киради. Жисмоний шахснинг розилигисиз унинг шахсий ҳаётига тааллуқли ахборотни, худди шунингдек шахсий ҳаётига тааллуқли сирини, ёзишмалар, телефондаги сўзлашувлар, почта, телеграф ва бошқа мулоқот сирларини бузувчи ахборотни тўплашга, сақлашга, қайта ишлашга, тарқатишга ва ундан фойдаланишга йўл қўйилмайди, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно. Жисмоний шахслар тўғрисидаги ахборотдан уларга моддий зарар ва маънавий зиён етказиш, шунингдек уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари рўёбга чиқарилишига тўсқинлик қилиш мақсадида фойдаланиш тақиқланади. Фуқаролар тўғрисида ахборот олувчи, бундай ахборотга эгалик қилувчи ҳамда ундан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахслар бу ахборотдан фойдаланиш тартибини бузганлик учун қонунда назарда тутилган тарзда жавобгар бўладилар. Ахборот манбаи ёки муаллиф номи фақат суд қарори билан ошкор этилиши мумкин²¹⁴.

Бунда, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда аниқланган валюта намунаси қалбаки эканлигига шубҳа пайдо бўлганда, тезкор-қидирув тадбирлари давомийлигини таъминлаш зарурати юзага келганда, тезкорликни амалга ошириш ҳамда тегишли вақтни тежаш мақсадида мазкур модда (буюм) ёки валюта намуналарини улар аниқланган жойнинг ўзида ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар биносида экспресс текшириш техник воситалари ёрдамида текширади²¹⁵.

2. Кибержиноят асосий бевосита объекти – жамият ва жамоат хавфсизлиги, шу жумладан, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларнинг қонуний муомаласи.

3. Кибержиноят қўшимча бевосита объекти – ахборот-коммуникация технологияларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар.

4. Кибержиноят факультатив бевосита объекти – ўзга шахс (лар) ва давлат, шу жумладан, шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни, кадр-қиммати, мулк дахлсизлиги, тинчлик ва инсоният хавфсизлиги, бошқарув тартиби ва бошқалар;

5. Кибержиноят субъекти – 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс.

6. Кибержиноят субъектив томони – қасддан.

7. Кибержиноят объектив томони – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ёки қонунга хилоф равишда ахборот-коммуникация тизимига кириб, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда, киберўғрилик,

²¹⁴ Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принципи ва кафолатлари тўғрисида” 2002 йил 12 декабрдаги 439-П-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²¹⁵ Вазирлар Маҳкамасининг “Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг аналоглари, прекурсорлар, кучли таъсир қилувчи моддалар ҳамда валюта намуналарини экспресс текшириш жараёнида техник воситалардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида” 2023 йил 12 январдаги 12-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

киберфирибгарлик, киберрастрата, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш, тамагарлик йўли билан эгаллаш йўли билан;

содир этилади.

8. Кибержиноят мақсади – моддий ёки (ва) номоддий манфаат, ғаразли ёки бошқа паст ниятлар, ўч олиш ва ҳк.

9. Кибержиноят воситаси (қуроли) – ахборот-коммуникация технологиялари.

10. Кибержиноятнинг зарурий белгилари:

1) қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги;
 2) қилмишнинг ҳуқуққа хилофлилиги;
 3) қилмишда айбнинг мавжудлиги;
 4) қилмишнинг жазога сазоворлиги;
 5) қилмишнинг гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларга боғлиқлиги;

6) қилмишнинг ўғрилиқ, фирибгарлик, ўзлаштириш, растрата қилиш ёхуд мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш, тамагирлик йўлларида бири ёки бир нечтасида содир этилиши;

7) қилмишнинг гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда, киберўғрилиқ, киберфирибгарлик, киберрастрата, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш, тамагарлик йўли билан содир этилиши;

8) алоқа;

9) ахборот;

10) кибермуҳит, шу жумладан, кибермакон;

11) ахборот-коммуникация технологиялари.

Ушбу белгиларнинг биронтаси мавжуд эмаслиги қилмишнинг кибержиноят эканлигини инкор этади.

11. Кибержиноятнинг тамомланиши –

1) гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалардан ҳеч бўлмаганда биттасига нисбатан эгалик ҳуқуқи вужудга келган вақтдан;

2) гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни тасарруф этиш ҳуқуқи пайдо бўлган вақтдан;

3) гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар эгаллаб олинган вақтдан;

4) гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ўзлаштирилган вақтдан;

5) гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни мустақил бошқариш ҳуқуқи ёки имтиёзи пайдо бўлган вақтдан бошлаб.

12. Кибержиноятнинг тузилишига кўра тури – биринчи қисми моддий, қолган қисмлари таркибли кибержиноятлар.

13. Кибержиноятнинг ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасига кўра тури – унча оғир бўлмаган, оғир ва ўта оғир кибержиноят.

14. Жазо тизимига кўра тури – ижтимоий хавфли қилмиши учун Жиноят кодексида ахлоқ тузатиш ишлари, озодликни чеклаш, озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган кибержиноятлар.

15. Жиноят предмети – гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар, уларга боғлиқ матн, видео, аудио, мемлар, постлар, deepfake контент ва бошқа шаклдаги ахборот шунингдек, қуйидагилар ҳам жиноят предмети бўлиши мумкин:

1. Молиявий воситалар – нақдсиз пул, банк ўтказмалари, электрон ҳамёнлар орқали тўловлар (Payme, Click, PayPal, QIWI ва ҳ.к.), криптовалюта (Bitcoin, USDT, Ethereum ва бошқалар), онлайн тўлов тизимлари орқали маблағ, қимматли қоғозлар (акциялар, облигациялар), электрон сертификатлар, баланс тўлдириш (телефон, аккаунт, карта) ва ҳ.к.;

2. Рақамли активлар – лицензия калитлари (software key), онлайн сервис аккаунти, Premium обуна, домен номи, веб-сайтга эгалик, ижтимоий тармоқлардаги (Telegram, Instagram, YouTube ва бошқалар) каналлар ва гуруҳлар, NFT активлари, онлайн ўйин аккаунтлари, база маълумотлар, электрон контракт ҳуқуқи, NFTлар, ўйин ичидаги қимматбаҳо виртуал буюмлар (Skins, In-game currency) ва ҳ.к.;

3. Ахборот – махфий маълумот, тендер маълумотлари, миқдорлар базаси, пароллар, давлат реестри маълумотлари, имтиёзли кириш ҳуқуқи, жумладан, тижорат ёки хизмат сири ҳисобланган маълумотларга имтиёзли кириш ҳуқуқини бериш, касб, хизмат сирлари, текширув натижаларини ўзгартириш ва ҳ.к.;

4. Номоддий манфаат – лавозимга тайинлаш, лойиҳада ғолиб қилиш, рейтингни ошириш, файлни ўчириб бериш, маъмурий, молиявий ёки жиноий жазодан қутқариш, солиқ ва бошқа тўловларни камайтириш, давлат ижтимоий буюртмасини бериш, рухсатнома чиқариш ва ҳ.к.;

5. Техника ва IT ресурслар – сервер ресурслари, хостинг, VPN кириш, Cloud аккаунт, дастур кодлари, дастурий таъминот лицензияси, API кириш ҳуқуқи, бқори қийматга эга бўлган тижорат дастурларига (масалан, киберхавфсизлик ёки дизайн дастурларига) умрбод ёки узоқ муддатли пуллик обуналарни олиб бериш ва ҳ.к.;

6. Аралаш шакллар – қимматбаҳо техника (ноутбук, смартфон ва ҳ.к.), онлайн орқали етказилган товар, электрон ваучер, крипто-ҳисоб очиш, тўловни учинчи шахс орқали амалга ошириш, жиноятчи учун бепул яратиб берилган веб-сайтлар, SMM хизматлари, пуллик дастурий таъминотларга лицензиялар ёки обуналар (Subscription), мансабдор шахс ёки унинг яқинлари учун бепул сервер майдони (Hosting) ажратиб бериш ёки веб-сайт ишлаб чиқиб, уни тарғиб қилиш (SMM/SEO) хизматларини бепул кўрсатиш, хизматчининг ижтимоий тармоқлардаги саҳифасини пуллик тарғиб қилиш (Boost), онлайн курслар ёки пуллик веб-сервисларга обуналарни (Premium subscription) совға қилиш ва ҳ.к.

16. Кибержиноятни содир этишнинг энг кўп усуллари:

- 1) телекоммуникация ёки интернет тармоғида намоёнишкорона;
- 2) телекоммуникация ёки интернет тармоғида жойлаштириш орқали;

3) ахборот-коммуникация технологияларидан жиноят қуроли ёки воситаси сифатида фойдаланиш натижасида.

Ушбу жиноят қуйидаги шаклларда содир этилиши мумкин, хусусан:

1) киберўғрилиқ (Supply Chain Hacking & Database Manipulation). Мисол учун, жиноятчи (хакер) тиббиёт муассасасининг локал тармоғига ёки дорихоналарнинг инвентаризация тизимига (масалан, электрон омборхона базасига) масофадан кириши ва тизимдаги маълумотларни ўзгартириб (модификация), реал психотроп моддаларни “яроқсизликка чиқарилди” ёки “бошқа бўлимга ўтказилди” деб қайд этиши ва уларни жисмонан омбордан олиб чиқиб кетишини таъминлаш;

2) киберфирибгарлик (Phishing & E-Prescription Forgery). Мисол учун, электрон рецепт (e-Retsept) тизимига шифокорнинг логин ва паролени фишинг орқали қўлга киритиб кириш ва сохта криптографик имзо ёрдамида таркибида гиёҳванд модда бўлган препаратларга виртуал рецепт ёзиш ва уни реал дорихонадан олиб кетиш, шунингдек, Darknet тармоғидаги наркомаркетплейсларда сохта сотувчи (Fake Vendor) akkaунтларини яратиб, бошқа дилерларни алдаб, уларнинг товарини ўзлаштириш;

3) кибертамагирлик (Ransomware & Doxing). Мисол учун, клиника ёки фармацевтика компаниясининг серверларига криптолокер (Ransomware) юбориш ва тизимни блокдан чиқариш ёки беморларнинг махфий ташхисларини тарқатмаслик эвазига пул эмас, балки айнан кучли таъсир қилувчи психотроп моддалар партиясини махсус локацияда қолдиришни талаб қилиш йўли билан содир этилиши мумкин.

Ушбу жиноятни фош этишда қуйидаги рақамли излар тўпланиши мумкин, хусусан:

1) тизим логлари (Audit Trails). Мисол учун, электрон соғлиқни сақлаш тизимларида ким, қачон ва қайси IP-манзилдан базага киргани, маълумотларни қачон таҳрирлагани (INSERT, UPDATE, DELETE буйруқлари) ҳақидаги қайдлар;

2) электрон рақамли имзо излари. Мисол учун, электрон рецептларни тасдиқлашда ишлатилган ЭРИ (Электрон рақамли имзо) калитларининг фойдаланиш вақтлари ва авторизация токенлари;

3) тармоқ аномалиялари. Мисол учун, тиббиёт муассасасининг ички тармоғига (Intranet) ташқаридан қилинган рухсатсиз VPN ёки RDP уланишлари;

4) моддий излар. Мисол учун, базадаги виртуал ёзувлар ва омбордаги ҳақиқий гиёҳванд моддалар қолдиғи ўртасидаги тафовут (камомад) ҳамда ускуналарга қилинган физик аралашув излари.

Жиноятни фош этилиши учун қуйидаги экспертизалар ўтказилиши мумкин, хусусан:

1) суд-компьютер-техникавий экспертизаси тиббиёт муассасалари ва дорихоналарнинг электрон базаларига, электрон рецепт тизимларига қилинган хакерлик ҳужумларини, гиёҳвандлик воситаларининг рақамли ҳисобини бузиб кўрсатиш изларини, шунингдек, DarkNet платформаларида моддаларни эгаллаш бўйича ўзаро келишувларнинг рақамли далилларини, рецепт ёки

инвентаризация базасига рухсатсиз кирилганлиги, дастурий кодга ёки базага қандай ўзгартириш (модификация) киритилганлигини;

2) суд-филологик (лингвистик) экспертизаси фирибгарлик ёки тамагирлик йўли билан моддаларни эгаллаш мақсадида мессенжерлар орқали юборилган хабарларни таҳлил қилиб, улардаги алдаш, шахсинг ишончига кириш ёхуд руҳий босим ва таҳдид аломатларини;

3) суд-бухгалтерия экспертизаси ўзлаштириш ёки растрата қилиш ёхуд мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан эгаллашда электрон ҳисоб-фактуралар, рақамли омборхона қайдлари ва электрон бухгалтерия тизимларидаги (масалан, 1С) сунъий равишда ҳосил қилинган моддий тафовутларни;

4) суд-кимёвий экспертизаси (комплекс тадқиқот доирасида) ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида эгалланган ашёларнинг ҳақиқатан ҳам Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан белгиланган Гиёҳвандлик воситалари, Уларнинг аналоглари ёки Психотроп моддалар рўйхатига киришини ва уларнинг аниқ миқдорини, олиб қўйилган ёки камомад сифатида қайд этилган модданинг айнан гиёҳвандлик воситаси ёки психотроп модда эканлигини;

5) ҳужжатларнинг суд-техникавий экспертизаси гиёҳвандлик воситаларини фирибгарлик йўли билан эгаллаш учун ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан, воситалари ёрдамида сохталаштирилган электрон рецептлар, тиббий маълумотномалар, рақамли муҳрлар ва электрон рақамли имзоларнинг ҳақиқийлигини;

6) видеоматериалларнинг суд экспертизаси моддаларни жисмоний эгаллаш (ўғрилиқ, талончилик, босқинчилик) жараёни акс этган рақамли видеокузатув ва биометрик назорат тизимлари ёзувларининг яхлитлигини ҳамда жиноятчиларнинг техник ҳаракатлари кетма-кетлигини;

7) суд-фото-техникавий экспертизаси моддалар сақланадиган объектларни кузатиш жараёнида олинган рақамли фотосуратларнинг метамалумотларини (EXIF) таҳлил қилиш орқали жиноятга тайёргарлик қўрилган аниқ геолокация ва вақтни;

8) суд-иқтисодий экспертизаси қора бозордаги қийматини, шунингдек, жиноий гуруҳнинг ахборот-коммуникация технологиялари орқали амалга оширилган молиявий транзакциялари ҳажмини;

9) суд-портрет экспертизаси дорихоналар ёки махсус омборхоналарнинг видеокузатув тизимларида акс этган, моддаларни ноқонуний эгаллашда гумон қилинаётган шахсларнинг қиёфасини идентификация қилишни;

10) суд-фонографик экспертизаси гиёҳвандлик воситаларини эгаллаш бўйича техник топшириқлар берилган ёки тамагирлик талаблари қўйилган интернет-телефония ва овозли хабарлардаги нутқ эгасини;

11) суд-психологик экспертизаси айбдорнинг гиёҳвандлик воситаларини эгаллашдаги мотивларини, босқинчилик вақтида ахборот-коммуникация технологиялари орқали жабрланувчига ўтказилган руҳий босим даражасини ва уюшган гуруҳ аъзоларининг психологик мутаносиблигини;

12) суд-социологик экспертизаси ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан, воситасида гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний эгалланиши натижасида жамият соғлиғига, гиёҳвандликнинг тарқалишига ва ижтимоий хавфсизлик тизимига етказилган зарар кўламини аниқлайди.

1.17-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга ҳилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар қилиш, шунингдек уларни қонунга ҳилоф равишда ўтказиш жиноятининг юридик-техник таҳлили

273-модда. Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб кўп бўлмаган миқдорда қонунга ҳилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш, шунингдек уларни кўп бўлмаган миқдорда қонунга ҳилоф равишда ўтказиш –

уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган қилмишлар озгинадан кўпроқ миқдорда содир этилган бўлса, –

беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган қилмишлар:

а) илгари гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятни содир этган шахс томонидан;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

в) озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўташ жойларида;

г) ўқув юртларида ёки ўқувчилар, талабалар томонидан ўқув, спорт ва жамоат тадбирларини ўтказиш учун фойдаланиладиган бошқа жойларда;

д) телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб содир этилган бўлса, –

етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни лабораторияларда ёхуд ўзганинг мулки ҳисобланган воситалар ва асбоб-ускуналардан ёки прекурсорлардан фойдаланган ҳолда қонунга ҳилоф равишда тайёрлаш ёки қайта ишлаш, шунингдек бундай воситаларни истеъмол қилиш ёки тарқатиш учун бангихоналар ташкил қилиш ёки сақлаш, шунингдек ушбу модданинг иккинчи ёки учинчи қисмида назарда тутилган қилмишлар:

а) ўта хавfli рецидивист томонидан;

б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, –

ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни кўп миқдорда қонунга ҳилоф равишда сотиш –

ўн йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган қилмишларни содир этган шахс ўз ихтиёри билан айбини бўйнига олиш тўғрисида

ҳокимият органларига арз қилса ва гийҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотрон моддаларни топишса, жазодан озод қилинади.

1. Муҳофаза қилинадиган норма – Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан, ахборотни излаш, олиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқни чеклашга фақат қонунга мувофиқ ҳамда фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлиғини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш, шунингдек давлат сирлари ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сир ошкор этилишининг олдини олиш мақсадида зарур бўлган доирада йўл қўйилади. Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган органлар томонидангина амалга оширилади. Инсоннинг шаъни ва кадр-қиммати дахлсиздир. Ҳеч нарса уларни камситиш учун асос бўлиши мумкин эмас. Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки инсон кадр-қимматини камситувчи муомалага ёхуд жазога дучор этилиши мумкин эмас. Ҳеч ким расмий эълон қилинмаган қонун асосида ҳукм қилиниши, жазога тортилиши, мол-мулкидан ёки бирон-бир ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикасида барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиниши таъминланади. Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Ўзбекистон Республикасида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига биноан ҳамда ушбу Конституцияга мувофиқ эътироф этилади ва кафолатланади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегишли бўлади. Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа инсонларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар. Инсоннинг шаъни ва кадр-қиммати дахлсиздир. Инсоннинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. Ҳар бир инсон ўз шахсини эркин камол топтириш ҳуқуқига эга. Ҳеч кимга унинг розилигисиз қонунчиликда белгиланмаган мажбурият юклатилиши мумкин эмас. Инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, жамият ҳамда давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги шарт²¹⁶.

Қонунчиликка кўра, фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари иштирокчиларининг

²¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

ҳалол, оқилона ва адолат билан ҳаракат қилиши назарда тутилади. Фуқаролар ва юридик шахсларнинг бошқа шахсга зарар етказишга, бошқача шаклларда ҳуқуқни суиистеъмол қилишга, шунингдек ҳуқуқни унинг мақсадига зид тарзда амалга оширишга қаратилган ҳаракатларига йўл қўйилмайди²¹⁷.

Ўзбекистон Республикасида назоратга олинадиган гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар қуйидаги рўйхатларга киритилади:

Муомалада бўлиши Ўзбекистон Республикасида тақиқланган гиёҳвандлик воситалари рўйхати (бундан буён матнда I рўйхат деб юритилади);

Муомалада бўлиши Ўзбекистон Республикасида чекланган гиёҳвандлик воситалари рўйхати (бундан буён матнда II рўйхат деб юритилади);

Муомалада бўлиши Ўзбекистон Республикасида чекланган психотроп моддалар рўйхати (бундан буён матнда III рўйхат деб юритилади);

Муомалада бўлиши Ўзбекистон Республикасида чекланган прекурсорлар рўйхати (бундан буён матнда IV рўйхат деб юритилади).

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар рўйхатлари Вазирлар Маҳкамасининг “Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, ундан олиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш тартибини, шунингдек уларнинг муомалада бўлиши юзасидан назоратни такомиллаштириш тўғрисида” 2015 йил 12 ноябрдаги 330-сон қарори билан тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлишига Ўзбекистон Республикасининг “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида” 1999 йил 19 августдаги 813-I-сон Қонунида белгиланган ҳолларда ва тартибда йўл қўйилади.

Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар аналогларининг муомалада бўлиши тақиқланади.

Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик воситаларининг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолиятнинг асосий турлари: гиёҳвандлик воситаларини олиб кириш (олиб чиқиш), тақсимлаш, ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, тайёрлаш, йўқ қилиш, шунингдек таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган ўсимликларни етиштириш давлат монополияси ҳисобланади, бироқ таркибида тетрагидроканнабинол гиёҳвандлик моддасининг миқдори 0,2 фоизгача бўлган каннабис ўсимлигини гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ишлаб чиқариш ҳамда тайёрлаш билан боғлиқ бўлмаган sanoat мақсадларида етиштиришга, олиб киришга (олиб чиқишга), қайта ишлашга, сақлашга, реализация қилишга (беришга), олишга ва ташишга юридик шахсларга мазкур фаолият тури учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда берилган лицензияга асосан рухсат этилади.

²¹⁷ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ишлаб чиқариш ва тайёрлаш билан боғлиқ бўлмаган, саноат мақсадларида етиштирилишига ва муомалада бўлишига рухсат этилган каннабис ўсимлигининг навлари, уларнинг етиштирилиш ва муомалада бўлиш шартлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолият юридик шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгиллаган тартибда бериладиган лицензия асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларга бўлган эҳтиёжлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан жорий этилган тартибда белгиланади.

I рўйхатга киритилган гиёҳвандлик воситаларининг муомалада бўлишига йўл қўйилмайди, II ва III рўйхатга киритилган гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг муомалада бўлишига шифокор кўрсатмаси бўйича тиббий мақсадларда, йўл қўйилади, бундан Ўзбекистон Республикасининг “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида” 1999 йил 19 августдаги 813-I-сон Қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни сақлаш, реализация қилиш, бериш, тақсимлаш ва ҳисобга олиш Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 29 октябрдаги 472-сон “Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиш тартибини белгилаб берувчи низомларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига асосан белгиланадиган юридик шахсларнинг эҳтиёжи доирасида амалга оширилади.

Бунда, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларга белгиланган юридик шахсларнинг эҳтиёжи асосида Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар юридик шахсларга тақсимланади.

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни сақлаш, реализация қилиш, бериш, тақсимлаш ва ҳисобга олишга масъул шахс гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан танишган бўлиши керак.

Тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника давлат реестрига киритилган гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва таркибида прекурсор бўлган дори воситаларини дорихоналарда сақлашга йўл қўйилади.

Дорихоналардан гиёҳвандлик воситаларини жисмоний шахсларга шифокор рецепти асосида реализация қилиш (бериш) қуйидаги шахслар томонидан амалга оширилади:

- дорихона мудири;
- фармацевт (провизор);
- дорихона фармацевти ассистенти.

Рецептда гиёҳвандлик воситаси билан бошқа ингредиентлар бирга ёзилган бўлса, гиёҳвандлик воситасини алоҳида беришга йўл қўйилмайди.

Гиёҳвандлик воситалари Ўзбекистон Республикасининг тегишли маъмурий-худудий бирлигидаги дорихонадан мазкур маъмурий-худудий бирликда жойлашган даволаш-профилактика муассасасининг рецепти асосида реализация қилинади (берилади).

Гиёҳвандлик воситалари сақланадиган хонага дорихона омборхонаси раҳбари буйруғи билан тайинланган, бевосита улар билан ишлаш ҳуқуқи берилган шахсларга киришга йўл қўйилади²¹⁸.

Тарқатилиши қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа ахборотни тайёрлаш ва (ёки) тарқатишга йўл қўйилмайди²¹⁹.

Оператор, провайдер, дилер ва эшиттирувчилар телекоммуникациялар тармоқларида ахборот ва киберхавфсизликни таъминлашда ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш соҳасида қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиши, жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Wi-Fi хизмати ташкилотчиси оператор ёки провайдер билан биргаликда, ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Оператор ва провайдерлар телекоммуникациялар хизматларини кўрсатишда ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши шарт. Телевидение тармоқлари орқали қонунчилик билан тақиқланган маълумотларни тарқатишга йўл қўйилмайди. Абонентлар ва фойдаланувчилар телекоммуникациялар ёрдамида тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотни тарқатмасликка мажбур²²⁰.

Сунъий интеллект технология ва тизимларини ишлаб чиқувчи ва жорий этувчилар Этика қоидаларига амал қилиши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги алгоритмларнинг шаффоф ва тушунарли бўлишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги эҳтимолий тарафкашликни олдини олиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларининг имкониятлари, чекловлари ва эҳтимолий хавфлари ҳақида очиқ маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчиларни улардан фойдаланиш қоидалари билан таништириш, улардан қандай мақсадда фойдаланиш мумкинлиги ёки

²¹⁸ Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг “Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни сақлаш, бериш, сотиш, тақсимлаш, ҳисобга олиш шартлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2024 йил 25 декабрдаги 36-сон буйруғи (27.01.2025 й., рўй.: 3604-сон) // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²¹⁹ Ўзбекистон Республикасининг “Ноширлик фаолияти тўғрисида” 2021 йил 26 ноябрдаги ЎРҚ–731-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²²⁰ Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 6 январдаги 287-мх-сон буйруғи (26.01.2026 й., рўй.: 3762) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

тақиқланиши, шунингдек сунъий интеллектга асосланган ечимлар ёки қарорлар доим тўғри бўлмаслиги ҳамда уларнинг натижаларидан тавсиявий ёки маълумот учун фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимлари дастурий таъминоти хавфсизлигини таъминлаши, Этика қоидаларини инобатга олган ҳолда сунъий интеллект технология ва тизимларини доимий равишда такомиллаштириб бориши, сунъий интеллект технология ва тизимлари инсон назорати остида бўлишини ҳамда инсон томонидан қайта кўриб чиқилиши, шунингдек якуний қарор инсон томонидан қабул қилинишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан қонунчиликка зид бўлган ёки шахс, жамият, давлат ва атроф табиий-муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган мақсадларда фойдаланмаслиги, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчилар учун сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қўлланмасини ишлаб чиқиш ва жойлаштириши шарт. Сунъий интеллект тизимларидан фойдаланувчилар сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қоидалари ва шартларига риоя қилиши, сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан тўғри фойдаланиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, бошқа фойдаланувчиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини бузмаслиги, Этика қоидаларига амал қилиши, шахс, жамият ва давлат манфаатларига ҳамда атроф-табиий муҳитга зарар етказмаслиги лозим²²¹.

Давлат органлари ва ташкилотлари ўз тасарруфидаги ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини, тармоқлар ишининг барқарорлигини таъминлаши, шунингдек киберхавфсизлик бўйича ўз мажбуриятларини бажариши, ваколатли давлат органини киберхужумлар тўғрисида огоҳлантириши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида сақланаётган маълумотларнинг ўғирланиши ҳамда қалбакилаштирилиши ҳолатларининг олдини олиш чораларини кўриши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларини киберҳимоя қилиш учун сертификатлаштирилган аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий таъминотдан фойдаланиши, киберхавфсизлик соҳасида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ваколатли давлат органи билан келишиши шарт. Киберхавфсизлик субъектлари ахборот тизимлари ва ресурсларидаги маълумотларнинг қонунга ҳилоф равишда тарқатилиши, ўғирланиши, йўқолиши, яхлитлигининг бузилиши, блоканиши ва қалбакилаштирилишининг, шунингдек ахборот тизимлари ва ресурсларига рухсатсиз киришнинг бошқа кўринишларининг олдини олиши, бундай ҳоллар аниқланганда ўз вақтида тегишли чоралар кўриши, ахборот тизимлари ва ресурсларига кириш тартиби бузилганда ҳамда уларга рухсатсиз кириш натижасида ушбу тизимлар ҳамда ресурслар ўзгартирилган ёки йўқ қилинган тақдирда салбий оқибатларни камайтириш мақсадида уларни тезкорлик билан тиклаш чораларини кўриши, содир бўлган киберхавфсизлик ҳодисалари ва

²²¹ Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 24 февралдаги 284-мх-сон буйруғи (14.03.2026 й., рўй.: 3787) билан тасдиқланган Сунъий интеллектга асосланган ечимларни яратиш, жорий қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича этика қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

кибержиноятлар тўғрисида ваколатли давлат органини хабардор қилиши, ушбу ҳодисаларни тўлиқ фош этиш учун тегишли рақамли изларнинг йўқолишига йўл қўймаслик чораларини кўриши, шунингдек киберхавфсизлик ҳодисаларини таҳлил қилиш ва кибержиноятларни текшириш учун зарур бўлган маълумотларнинг доимий сақланишини таъминлаши, киберхавфсизлик объектларини муҳофаза қилиш ва уларнинг хавфсиз ишлаши мониторингини ўтказиш соҳасидаги маълумотларни ваколатли давлат органи билан ўзаро алмашишни амалга ошириши, ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберҳимоясини таъминлашда ваколатли давлат органи томонидан белгиланган киберхавфсизлик талабларига риоя этиши, киберхавфсизлик ҳодисаларига нисбатан чоралар кўриш механизмларининг ишлаб туришини ва киберхавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг ишлашини таъминлаши, улар мавжуд бўлмаган тақдирда эса ваколатли давлат органининг рухсати билан аутсорсинг хизматларидан белгиланган тартибда фойдаланиши, ваколатли давлат органига киберхавфсизликни таъминлаш мониторингининг ташкилий-техник тадбирларини амалга ошириш учун мониторинг тизимларига ва (ёки) киберхавфсизлик объектларига кириш ҳуқуқини бериши шарт²²².

Давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар давлат сирлари ҳамда махфий сирлар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган ахборот ресурслари ва ахборот тизимларининг муҳофаза қилинишини таъминлаши шарт. Сунъий интеллектдан фойдаланиб яратилган ахборот ресурслари ҳамда сунъий интеллект технологиялари асосида ишлайдиган ахборот тизимлари инсонга, унинг ҳаётига, соғлиғига, эркинлигига, шаънига, кадр-қимматига путур етказмаслиги ва унинг бошқа ажралмас ҳуқуқларини бузмаслиги шарт. Веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурсининг эгаси, шу жумладан блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифасидан ёхуд бошқа ахборот ресурсидан қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган ўзга ҳаракатларни содир этиш мақсадларида фойдаланилишига йўл қўймаслиги шарт²²³.

Давлат фуқаролик хизматчиси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига риоя этиши, ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажариши, давлат органи томонидан белгиланган одоб-ахлоқ қоидаларига, хизматга оид ахборот билан ишлаш тартибига, шунингдек давлат фуқаролик хизматини ўташ билан боғлиқ бошқа қоидаларга риоя этиши, давлат органининг нуфузини туширишга олиб келиши ёки унинг ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажаришига шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳаракатлардан (ҳаракатсизликдан), шу жумладан ўз хизмат мажбуриятларини бажараётганда ҳар қандай шаклдаги

²²² Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²²³ Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги 560-П-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

камситишдан, ноҳолисликдан ёки кимгадир нисбатан алоҳида муносабатда бўлишдан тийилиши шарт²²⁴.

Ушбу нормаларнинг бузилиши натижасида мазкур жиноят вужудга келади.

Бунда, давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлиги ахборот соҳасидаги хавфсизликка таҳдидларга қарши ҳаракатлар юзасидан иқтисодий, сиёсий, ташкилий ва бошқа тусдаги чора-тадбирларни амалга ошириш, давлат сирларини сақлаш ва давлат ахборот ресурсларини улардан рухсатсиз тарзда фойдаланилишидан муҳофаза қилиш, Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ахборот маконига ва замонавий телекоммуникациялар тизимларига интеграциялашуви, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартиришга, ҳудудий яхлитлигини, суверенитетини бузишга, ҳокимиятни босиб олишга ёки қонуний равишда сайлаб қўйилган ёхуд тайинланган ҳокимият вакиллари ҳокимиятдан четлатишга ва давлат тузумига қарши бошқача тажовуз қилишга очикдан-очик даъват этишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишидан ҳимоя қилиш, урушни ва зўравонликни, шафқатсизликни тарғиб қилишни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоват уйғотишга қаратилган терроризм ва диний экстремизм ғояларини ёйишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишига қарши ҳаракатлар қилиш билан таъминланади. Шахснинг ахборот борасидаги хавфсизлиги унинг ахборотдан эркин фойдаланиши зарур шароитлари ва кафолатларини яратиш, шахсий ҳаётига тааллуқли сирларини сақлаш, ахборот воситасида қонунга ҳилоф равишда руҳий таъсир кўрсатилишидан ҳимоя қилиш йўли билан таъминланади. Жисмоний шахсларга тааллуқли шахсий маълумотлар махфий ахборот тоифасига киради. Жисмоний шахснинг розилигисиз унинг шахсий ҳаётига тааллуқли ахборотни, худди шунингдек шахсий ҳаётига тааллуқли сирини, ёзишмалар, телефондаги сўзлашувлар, почта, телеграф ва бошқа мулоқот сирларини бузувчи ахборотни тўплашга, сақлашга, қайта ишлашга, тарқатишга ва ундан фойдаланишга йўл қўйилмайди, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно. Жисмоний шахслар тўғрисидаги ахборотдан уларга моддий зарар ва маънавий зиён етказиш, шунингдек уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари рўёбга чиқарилишига тўсқинлик қилиш мақсадида фойдаланиш тақиқланади. Фуқаролар тўғрисида ахборот олувчи, бундай ахборотга эгалик қилувчи ҳамда ундан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахслар бу ахборотдан фойдаланиш тартибини бузганлик учун қонунда назарда тутилган тарзда жавобгар бўладилар. Ахборот манбаи ёки муаллиф номи фақат суд қарори билан ошкор этилиши мумкин²²⁵.

Бунда, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда аниқланган валюта намунаси қалбаки эканлигига шубҳа пайдо бўлганда, тезкор-қидирув тадбирлари

²²⁴ Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида” 2022 йил 8 августдаги ЎРҚ–788-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²²⁵ Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида” 2002 йил 12 декабрдаги 439-П-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

давомийлигини таъминлаш зарурати юзага келганда, тезкорликни амалга ошириш ҳамда тегишли вақтни тежаш мақсадида мазкур модда (буюм) ёки валюта намуналарини улар аниқланган жойнинг ўзида ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар биносида экспресс текшириш техник воситалари ёрдамида текширади²²⁶.

2. Кибержиноят асосий бевосита объекти — жамият ва жамоат хавфсизлиги, шу жумладан, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларнинг қонуний муомаласи.

3. Кибержиноят қўшимча бевосита объекти — ахборот-коммуникация технологияларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар.

4. Кибержиноят факультатив бевосита объекти — ўзга шахс (лар) ва давлат, шу жумладан, шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни, кадр-қиммати, мулк дахлсизлиги, тинчлик ва инсоният хавфсизлиги, бошқарув тартиби ва бошқалар;

5. Кибержиноят субъекти — 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс.

6. Кибержиноят субъектив томони — қасддан.

7. Кибержиноят объектив томони — ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ёки қонунга хилоф равишда ахборот-коммуникация тизимига кириб гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб кўп бўлмаган миқдорда қонунга хилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш, шунингдек уларни кўп бўлмаган, озгинадан кўпроқ миқдорда қонунга хилоф равишда ўтказиш, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни лабораторияларда ёхуд ўзганинг мулки ҳисобланган воситалар ва асбоб-ускуналардан ёки прекурсорлардан фойдаланган ҳолда қонунга хилоф равишда тайёрлаш ёки қайта ишлаш, шунингдек бундай воситаларни истеъмол қилиш ёки тарқатиш учун бангхоналар ташкил қилиш ёки сақлаш, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни кўп миқдорда қонунга хилоф равишда сотиш йўли билан;

содир этилади.

8. Кибержиноят мақсади — гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш, моддий ёки (ва) номоддий манфаат, ғаразли ёки бошқа паст ниятлар, ўч олиш ва ҳк.

9. Кибержиноят воситаси (қуроли) — ахборот-коммуникация технологиялари.

10. Кибержиноятнинг зарурий белгилари:

- 1) қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги;
- 2) қилмишнинг ҳуқуққа хилофлилиги;
- 3) қилмишда айбнинг мавжудлиги;
- 4) қилмишнинг жазога сазоворлиги;

²²⁶ Вазирлар Маҳкамасининг “Тезкор-кидирув тадбирларини ўтказишда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг аналоглари, прекурсорлар, кучли таъсир қилувчи моддалар ҳамда валюта намуналарини экспресс текшириш жараёнида техник воситалардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида” 2023 йил 12 январдаги 12-сон қарори // lex.uz — Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

5) қилмишнинг гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларга боғлиқлиги;

6) қилмишнинг гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб кўп бўлмаган миқдорда қонунга ҳилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш, шунингдек уларни кўп бўлмаган, озгинадан кўпроқ миқдорда қонунга ҳилоф равишда ўтказиш, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни лабораторияларда ёхуд ўзганинг мулки ҳисобланган воситалар ва асбоб-ускуналардан ёки прекурсорлардан фойдаланган ҳолда қонунга ҳилоф равишда тайёрлаш ёки қайта ишлаш, шунингдек бундай воситаларни истеъмол қилиш ёки тарқатиш учун бангихоналар ташкил қилиш ёки сақлаш, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни кўп миқдорда қонунга ҳилоф равишда сотиш йўлидан бири ёки бир нечтасида содир этилиши;

7) қилмишнинг гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни кўп бўлмаган миқдорда қонунга ҳилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш, шунингдек уларни кўп бўлмаган, озгинадан кўпроқ миқдорда қонунга ҳилоф равишда ўтказиш гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб содир этилиши зарурлиги;

8) алоқа;

9) ахборот;

10) кибермуҳит, шу жумладан, кибермакон;

11) ахборот-коммуникация технологиялари.

Ушбу белгиларнинг биронтаси мавжуд эмаслиги қилмишнинг кибержиноят эканлигини инкор этади.

11. Кибержиноятнинг тамомланиши –

1) гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар кўп бўлмаган миқдорда қонунга ҳилоф равишда тайёрланган вақтдан;

2) гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар кўп бўлмаган миқдорда қонунга ҳилоф равишда олинган вақтдан;

3) гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар кўп бўлмаган миқдорда қонунга ҳилоф равишда сақланган вақтдан;

4) гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар кўп бўлмаган миқдорда қонунга ҳилоф равишда ташилган вақтдан;

5) гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар кўп бўлмаган миқдорда қонунга ҳилоф равишда жўнатилган вақтдан;

6) гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар кўп бўлмаган миқдорда қонунга ҳилоф равишда ўтказилган вақтдан;

7) гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни лабораторияларда ёхуд ўзганинг мулки ҳисобланган воситалар ва асбоб-ускуналардан ёки прекурсорлардан фойдаланган ҳолда қонунга ҳилоф равишда тайёрланган вақтдан;

8) гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни лабораторияларда ёхуд ўзганинг мулки ҳисобланган воситалар ва асбоб-ускуналардан ёки прекурсорлардан фойдаланган ҳолда қонунга ҳилоф равишда қайта ишланган вақтдан;

9) гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни лабораторияларда ёхуд ўзганинг мулки ҳисобланган воситалар ва асбоб-ускуналардан ёки прекурсорлардан фойдаланган ҳолда қонунга ҳилоф равишда тайёрланган ёки қайта ишланган воситаларни истеъмол қилиш ёки тарқатиш учун бангихоналар ташкил қилинган вақтдан;

10) гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни лабораторияларда ёхуд ўзганинг мулки ҳисобланган воситалар ва асбоб-ускуналардан ёки прекурсорлардан фойдаланган ҳолда қонунга ҳилоф равишда тайёрланган ёки қайта ишланган воситаларни истеъмол қилиш ёки тарқатиш учун бангихоналар сақланган вақтдан;

11) гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни кўп миқдорда қонунга ҳилоф равишда сотилган вақтдан бошлаб.

12. Кибержиноятнинг тузилишига кўра тури – формал таркибли кибержиноятлар.

13. Кибержиноятнинг ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра тури – унча оғир бўлмаган, оғир ва ўта оғир кибержиноят.

14. Жазо тизимига кўра тури – ижтимоий хавфли қилмиши учун Жиноят кодексида озодликни чеклаш, озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган кибержиноятлар.

15. Жиноят предмети – гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар, уларга боғлиқ матн, видео, аудио, мемлар, постлар, deepfake контент ва бошқа шаклдаги ахборот шунингдек, қуйидагилар ҳам жиноят предмети бўлиши мумкин:

1. Молиявий воситалар – нақдсиз пул, банк ўтказмалари, электрон ҳамёнлар орқали тўловлар (Payme, Click, PayPal, QIWI ва ҳ.к.), криптовалюта (Bitcoin, USDT, Ethereum ва бошқалар), онлайн тўлов тизимлари орқали маблағ, қимматли қоғозлар (акциялар, облигациялар), электрон сертификатлар, баланс тўлдириш (телефон, аккаунт, карта) ва ҳ.к.;

2. Рақамли активлар – лицензия калитлари (software key), онлайн сервис аккаунти, Premium обуна, домен номи, веб-сайтга эгалик, ижтимоий тармоқлардаги (Telegram, Instagram, YouTube ва бошқалар) каналлар ва гуруҳлар, NFT активлари, онлайн ўйин аккаунтлари, база маълумотлар, электрон контракт ҳуқуқи, NFTлар, ўйин ичидаги қимматбаҳо виртуал буюмлар (Skins, In-game currency) ва ҳ.к.;

3. Ахборот – махфий маълумот, тендер маълумотлари, миқдорлар базаси, пароллар, давлат реестри маълумотлари, имтиёзли кириш ҳуқуқи, жумладан, тижорат ёки хизмат сири ҳисобланган маълумотларга имтиёзли кириш ҳуқуқини бериш, касб, хизмат сирлари, текширув натижаларини ўзгартириш ва ҳ.к.;

4. Номоддий манфаат – лавозимга тайинлаш, лойиҳада ғолиб қилиш, рейтингни ошириш, файлни ўчириб бериш, маъмурий, молиявий ёки жинсий

жазодан қутқариш, солиқ ва бошқа тўловларни камайтириш, давлат ижтимоий буюртмасини бериш, рухсатнома чиқариш ва ҳк.;

5. Техника ва IT ресурслар – сервер ресурслари, хостинг, VPN кириш, Cloud akkaунт, дастур кодлари, дастурий таъминот лицензияси, API кириш ҳуқуқи, бқори қийматга эга бўлган тижорат дастурларига (масалан, киберхавфсизлик ёки дизайн дастурларига) умрбод ёки узоқ муддатли пуллик обуналарни олиб бериш ва ҳк.;

6. Аралаш шакллар – қимматбаҳо техника (ноутбук, смартфон ва ҳк.), онлайн орқали етказилган товар, электрон ваучер, крипто-ҳисоб очиш, тўловни учинчи шахс орқали амалга ошириш, жинойтчи учун бепул яратиб берилган веб-сайтлар, SMM хизматлари, пуллик дастурий таъминотларга лицензиялар ёки обуналар (Subscription), мансабдор шахс ёки унинг яқинлари учун бепул сервер майдони (Hosting) ажратиб бериш ёки веб-сайт ишлаб чиқиб, уни тарғиб қилиш (SMM/SEO) хизматларини бепул кўрсатиш, хизматчининг ижтимоий тармоқлардаги саҳифасини пуллик тарғиб қилиш (Boost), онлайн курслар ёки пуллик веб-сервисларга обуналарни (Premium subscription) совға қилиш ва ҳк.

16. Кибержинойтчи содир этишининг энг кўп усуллари:

- 1) телекоммуникация ёки интернет тармоғида намоишкорона;
- 2) телекоммуникация ёки интернет тармоғида жойлаштириш орқали;
- 3) ахборот-коммуникация технологияларидан жиноят қуроли ёки воситаси сифатида фойдаланиш натижасида.

Ушбу жиноят қуйидаги шаклларда содир этилиши мумкин, хусусан:

- 1) рақамли маркетинг ва дўконлар (Darknet & Telegram). Мисол учун, сотув фаолияти (ўтказиш) Darknet тармоғидаги маркетплейслар масалан, Kraken, BlackSprut ёки Telegramдаги авто-дўкон ботлари орқали;

- 2) масофавий логистика (закладка тизими). Мисол учун, кибермуҳитдан фойдаланиб транспорт ва ташиш жисмоний курерлар (кладменлар) томонидан масофавий логистикани амалга ошириш, курер моддани яширин жойга қўйиб, смартфонни орқали геолокация (координаталар) ҳамда жойнинг суратини кураторга ёки ботга юбориш;

- 3) кибермолиялаштириш (криптотўловлар). Мисол учун, олиш ва ўтказиш ҳаракатлари учун тўловлар фиат пулларида эмас, балки аноним крипто-активлар (Bitcoin, Litecoin, Monero ва ҳк.) орқали қабул қилиб, кейинчалик миксерлар (крипто-туман) орқали изи йўқотилиб, банк карталарига чиқарилиши;

- 4) лаборатория ва рецептлар. Мисол учун, синтетик наркотикларни масалан, Мефедрон, Альфа-PVP ва ҳк.ни тайёрлаш учун прекурсорлар интернет орқали буюртма қилиниши, лабораторияни йиғиш бўйича видео-қўлланмалар эса ёпиқ киберфорумлардан олиниши орқали содир этилиши мумкин.

Ушбу жиноятчи фош этишда қуйидаги рақамли излар тўпланиши мумкин, хусусан:

- 1) EXIF метамаълумотлари. Мисол учун, смартфонда олинган закладка (яширин жой) суратлари ичига яширинган GPS координаталари, суратга

олинган вақт ва қурилма модели ҳақидаги маълумотлар (ҳатто сурат ўчирилган бўлса ҳам тикланиши мумкин);

2) мессенжер кэшлари (Cache). Мисол учун, Telegram, Session ёки VIPole каби шифрланган мессенжерларнинг хотирасидаги яширин чатлар ёзишмалари, аудио хабарлар ва юборилган локациялар;

3) криптоҳамён излари. Мисол учун, гумондорнинг қурилмасидаги Trust Wallet ёки биржа иловалари логлари, транзакция хэшлари (TxHash);

4) браузер тарихи ва қидирув сўровлари. Мисол учун, синтетик моддаларни тайёрлаш, қадоқлаш материалларини сотиб олиш ёки Darknetга кириш бўйича қилинган сўровлар.

Жиноятни фош этилиши учун қуйидаги экспертизалар ўтказилиши мумкин, хусусан:

1) суд-компьютер-техникавий экспертизаси DarkNet платформаларидаги ноқонуний онлайн-дўконлар (шоплар), мессенжерлардаги (масалан, Telegram ва ҳк.) махсус ботлар ва каналларнинг техник тузилишини, маъмурият ва закладчиклар ўртасидаги ахборот-коммуникация технологиялари орқали амалга оширилган координацияни, шунингдек, қурилмалардан ўчириб юборилган электрон ёзишмалар ва кеш-маълумотларни, қурилмадан ўчирилган ёзишмалар ва фотосуратларни, иловалардаги аккаунтлар кимга тегишли эканлигини ва IP-манзилларни;

2) суд-иктисодий экспертизаси гиёҳвандлик воситаларининг онлайн савдосидан келиб тушган маблағларнинг ҳаракатини, криптовалюта (Bitcoin, USDT ва б.) ҳамёнларини, аноним электрон тўлов тизимлари ва P2P ўтказмалар занжирини, шунингдек, жиноий даромадларни легаллаштиришнинг рақамли схемаларини;

3) суд-филологик (лингвистик) экспертизаси интернет тармоғидаги ёпиқ гуруҳларда ишлатиладиган махсус жаргонлар (кодланган сўзлар) мазмунини таҳлил қилиб, уларнинг замирида айнан гиёҳвандлик воситаларини сотиш, реклама қилиш ва ўтказиш мақсади мавжудлигини тасдиқловчи мазмуний белгиларни, ёзишмалардаги яширин жаргонлар (кристалл, скорость, клад, вес, изолента) айнан гиёҳвандлик воситалари савдосини англатишини;

4) суд-фото-техникавий экспертизаси гиёҳвандлик воситалари яширилган жойлар (локациялар) акс этган рақамли фотосуратларнинг метамаълумотларини (EXIF-данс) таҳлил қилиш орқали жиноят содир этилган аниқ географик координаталарни ва вақтни;

5) видеоматериалларнинг суд экспертизаси моддаларни қабул қилиб олиш, ташиш ёки закладка қилиш жараёни акс этган видеокузатув камералари, видеорегистраторлар ёки жиноятчиларнинг шахсий қурилмаларидаги видеоёзувларнинг ҳаққонийлигини ва улардаги техник ҳаракатлар кетма-кетлигини;

6) суд-кимёвий экспертизаси (комплекс тадқиқот доирасида) ахборот-коммуникация технологиялари орқали муомалага киритилган ашёларнинг ҳақиқатан ҳам гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар рўйхатига киришини, уларнинг кимёвий таркиби ва аниқ миқдорини

(озгина, озгинадан кўпроқ ёки кўп миқдор), олиб қўйилган (ёки координаталар бўйича топилган) модданинг тури ва соф оғирлигини (миқдорини);

7) суд-радиотехникавий экспертизаси жиноий мулоқот учун ишлатилган аноним алоқа воситаларини, интернетга уланиш нуқталарини (Wi-Fi, VPN, Proxy-серверлар), қурилмаларнинг IMEI-кодларини ва транзакция амалга оширилган вақтдаги тармоқ сигналларининг параметрларини;

8) суд-портрет экспертизаси гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш ёки сақлаш жараёнида видеокузатув тизимлари ёки рақамли тасвирларда акс этган шахсларнинг қиёфа белгиларини гумонланувчилар билан идентификация қилишни;

9) суд-фонографик экспертизаси мессенжерлардаги овозли хабарлар ва интернет-телефония орқали моддаларнинг нархи, миқдори ва жойи ҳақида келишилган сўзлашувлардаги овозларни идентификация қилишни ва аудиоёзувнинг яхлитлигини;

10) ҳужжатларнинг суд-техникавий экспертизаси гиёҳвандлик воситаларини тиббиёт тизимларидан қонунга хилоф равишда чиқариб олиш ёки ташиш учун ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида сохталаштирилган электрон рецептлар, рақамли юкхатлар ва электрон муҳрларнинг ҳақиқийлигини;

11) суд-психологик экспертизаси айбдорнинг ўтказиш мақсадини ифодаловчи руҳий ҳолатини, жиноий гуруҳ аъзолари ўртасидаги иерархик боғлиқликни ва уларнинг виртуал муҳитдаги жиноий хулқ-атворини;

12) суд-социологик экспертизаси телекоммуникация тармоқлари ва Интернет орқали гиёҳвандлик воситаларининг оммавий тарқатилиши натижасида жамият соғлиғига, вояга етмаганлар орасидаги вазиятга ва ижтимоий хавфсизликка етказилган зарар кўламини аниқлайди.

1.18-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, тарқатиш, реклама қилиш, намоиш этиш ёки бундай моддаларни истеъмол қилишга жалб этиш жиноятининг юридик-техник таҳлили

274-модда. Гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намоиш этиш мақсадида тайёрлаш, худди шунингдек уларни тарқатиш, реклама қилиш, намоиш этиш, шу жумладан оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида тарқатиш, реклама қилиш, намоиш этиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг бир юз эллик бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд бир йилдан икки йилгача озодликни чеклаш ёки бир йилдан икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар мактабгача таълим ташкилотлари, ўқув юртлари ҳудудида ва талабаларнинг (ўқувчиларнинг) ётоқхоналарида, болалар соғломлаштириш оромгоҳларида ёки талабалар (ўқувчилар) томонидан ўқув, спорт ёки жамоат тадбирларини ўтказиш учун фойдаланиладиган бошқа жойларда, шунингдек уларга туташ ҳудудларда содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан беш юз бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилдан икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд икки йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини, психотроп ёки шахснинг ақл-идрокига таъсир этувчи бошқа моддаларни ҳар қандай шаклда истеъмол қилишга жалб этиш, –

икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки икки йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:

а) илгари гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятни содир этган шахс томонидан;

б) озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ жойларида;

в) икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан содир этилган бўлса, –

уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Муҳофаза қилинадиган норма – Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан, ахборотни излаш, олиш ва тарқатишга бўлган

хуқуқни чеклашга фақат қонунга мувофиқ ҳамда фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлиғини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш, шунингдек давлат сирлари ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сир ошкор этилишининг олдини олиш мақсадида зарур бўлган доирада йўл қўйилади. Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган органлар томонидангина амалга оширилади. Инсоннинг шаъни ва кадр-қиммати дахлсиздир. Ҳеч нарса уларни камситиш учун асос бўлиши мумкин эмас. Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки инсон кадр-қимматини камситувчи муомалага ёхуд жазога дучор этилиши мумкин эмас. Ҳеч ким расмий эълон қилинмаган қонун асосида ҳукм қилиниши, жазога тортилиши, мол-мулкидан ёки бирон-бир ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикасида барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиниши таъминланади. Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Ўзбекистон Республикасида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига биноан ҳамда ушбу Конституцияга мувофиқ эътироф этилади ва қафолатланади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегишли бўлади. Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа инсонларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар. Инсоннинг шаъни ва кадр-қиммати дахлсиздир. Инсоннинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. Ҳар бир инсон ўз шахсини эркин камол топтириш ҳуқуқига эга. Ҳеч кимга унинг розилигисиз қонунчиликда белгиланмаган мажбурият юклатилиши мумкин эмас. Инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, жамият ҳамда давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги шарт²²⁷.

Қонунчиликка кўра, фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари иштирокчиларининг ҳалол, оқилона ва адолат билан ҳаракат қилиши назарда тутилади. Фуқаролар ва юридик шахсларнинг бошқа шахсга зарар етказишга, бошқача шаклларда ҳуқуқни суиистеъмол қилишга, шунингдек ҳуқуқни унинг мақсадига зид тарзда амалга оширишга қаратилган ҳаракатларига йўл қўйилмайди²²⁸.

²²⁷ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²²⁸ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Ўзбекистон Республикасида назоратга олинадиган гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар қуйидаги рўйхатларга киритилади:

Муомалада бўлиши Ўзбекистон Республикасида тақиқланган гиёҳвандлик воситалари рўйхати (бундан буён матнда I рўйхат деб юритилади);

Муомалада бўлиши Ўзбекистон Республикасида чекланган гиёҳвандлик воситалари рўйхати (бундан буён матнда II рўйхат деб юритилади);

Муомалада бўлиши Ўзбекистон Республикасида чекланган психотроп моддалар рўйхати (бундан буён матнда III рўйхат деб юритилади);

Муомалада бўлиши Ўзбекистон Республикасида чекланган прекурсорлар рўйхати (бундан буён матнда IV рўйхат деб юритилади).

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар рўйхатлари Вазирлар Маҳкамасининг “Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, ундан олиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш тартибини, шунингдек уларнинг муомалада бўлиши юзасидан назоратни такомиллаштириш тўғрисида” 2015 йил 12 ноябрдаги 330-сон қарори билан тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлишига Ўзбекистон Республикасининг “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида” 1999 йил 19 августдаги 813-I-сон Қонунида белгиланган ҳолларда ва тартибда йўл қўйилади.

Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар аналогларининг муомалада бўлиши тақиқланади.

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар тарғиботи, яъни гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни ишлаб чиқиш, тайёрлаш ва улардан фойдаланиш усуллари, услублари тўғрисидаги, уларни олиш жойлари ҳақидаги маълумотларни тарқатишга қаратилган фаолият тақиқланади.

II ва III рўйхатларга киритилган гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар рекламаси фақат тиббиёт ва фармацевтика ходимларига мўлжалланган ихтисослашган босма нашрлардагина амалга оширилиши мумкин. Таркибида гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалари бўлган дори воситаларининг намуналарини реклама мақсадларида тарқатиш тақиқланади.

Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик воситаларининг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолиятнинг асосий турлари: гиёҳвандлик воситаларини олиб кириш (олиб чиқиш), тақсимлаш, ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, тайёрлаш, йўқ қилиш, шунингдек таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган ўсимликларни етиштириш давлат монополияси ҳисобланади, бироқ таркибида тетрагидроканнабинол гиёҳвандлик моддасининг миқдори 0,2 фоизгача бўлган каннабис ўсимлигини гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ишлаб чиқариш ҳамда тайёрлаш билан боғлиқ бўлмаган саноат мақсадларида етиштиришга, олиб киришга (олиб чиқишга), қайта ишлашга,

сақлашга, реализация қилишга (беришга), олишга ва ташишга юридик шахсларга мазкур фаолият тури учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда берилган лицензияга асосан рухсат этилади.

Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ишлаб чиқариш ва тайёрлаш билан боғлиқ бўлмаган, саноат мақсадларида етиштирилишига ва муомалада бўлишига рухсат этилган каннабис ўсимлигининг навлари, уларнинг етиштирилиш ва муомалада бўлиш шартлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолият юридик шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгиланган тартибда бериладиган лицензия асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларга бўлган эҳтиёжлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан жорий этилган тартибда белгиланади.

I рўйхатга киритилган гиёҳвандлик воситаларининг муомалада бўлишига йўл қўйилмайди, II ва III рўйхатга киритилган гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг муомалада бўлишига шифокор кўрсатмаси бўйича тиббий мақсадларда, йўл қўйилади, бундан Ўзбекистон Республикасининг “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида” 1999 йил 19 августдаги 813-I-сон Қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно²²⁹.

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни сақлаш, реализация қилиш, бериш, тақсимлаш ва ҳисобга олиш Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 29 октябрдаги 472-сон “Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиш тартибини белгилаб берувчи низомларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига асосан белгиланадиган юридик шахсларнинг эҳтиёжи доирасида амалга оширилади²³⁰.

Бунда, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларга белгиланган юридик шахсларнинг эҳтиёжи асосида Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар юридик шахсларга тақсимланади.

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни сақлаш, реализация қилиш, бериш, тақсимлаш ва ҳисобга олишга масъул шахс гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан танишган бўлиши керак.

Тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника давлат реестрига киритилган гиёҳвандлик

²²⁹ Ўзбекистон Республикасининг “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида” 1999 йил 19 августдаги 813-I-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²³⁰ Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 29 октябрдаги 472-сон “Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиш тартибини белгилаб берувчи низомларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

воситалари, психотроп моддалар ва таркибида прекурсор бўлган дори воситаларини дорихоналарда сақлашга йўл қўйилади.

Дорихоналардан гиёҳвандлик воситаларини жисмоний шахсларга шифокор рецепти асосида реализация қилиш (бериш) қуйидаги шахслар томонидан амалга оширилади:

- дорихона мудири;
- фармацевт (провизор);
- дорихона фармацевти ассистенти.

Рецептда гиёҳвандлик воситаси билан бошқа ингредиентлар бирга ёзилган бўлса, гиёҳвандлик воситасини алоҳида беришга йўл қўйилмайди.

Гиёҳвандлик воситалари Ўзбекистон Республикасининг тегишли маъмурий-худудий бирлигидаги дорихонадан мазкур маъмурий-худудий бирликда жойлашган даволаш-профилактика муассасасининг рецепти асосида реализация қилинади (берилади).

Гиёҳвандлик воситалари сақланадиган хонага дорихона омборхонаси раҳбари буйруғи билан тайинланган, бевосита улар билан ишлаш ҳуқуқи берилган шахсларга киришга йўл қўйилади²³¹.

Тарқатилиши қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа ахборотни тайёрлаш ва (ёки) тарқатишга йўл қўйилмайди²³².

Номақбул рекламага йўл қўйилмайди.

Қуйидагиларни:

ишлаб чиқарилиши ёки реализация қилиниши қонунда тақиқланган товарларни;

ишлаб чиқарилиши ва (ёки) реализация қилиниши учун тегишли сертификатлари ва лицензиялари, мажбурий сертификатлаштириш гувоҳномалари ёки махсус рухсатномалари мавжуд бўлмаган товарларни;

гиёҳвандлик воситаларини ёки психотроп ва (ёки) кучли таъсир қилувчи моддаларни реклама қилиш тақиқланади²³³.

Оператор, провайдер, дилер ва эшиттирувчилар телекоммуникациялар тармоқларида ахборот ва киберхавфсизликни таъминлашда ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш соҳасида қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиши, жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Wi-Fi хизмати ташкилотчиси оператор ёки провайдер билан биргаликда, ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Оператор ва провайдерлар телекоммуникациялар хизматларини кўрсатишда ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини

²³¹ Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг “Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни сақлаш, бериш, сотиш, тақсимлаш, ҳисобга олиш шартлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2024 йил 25 декабрдаги 36-сон буйруғи (27.01.2025 й., рўй.: 3604-сон) // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²³² Ўзбекистон Республикасининг “Ноширлик фаолияти тўғрисида” 2021 йил 26 ноябрдаги ЎРҚ–731-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²³³ Ўзбекистон Республикасининг “Реклама тўғрисида” 2022 йил 7 июндаги ЎРҚ–776-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши шарт. Телевидение тармоқлари орқали қонунчилик билан тақиқланган маълумотларни тарқатишга йўл қўйилмайди. Абонентлар ва фойдаланувчилар телекоммуникациялар ёрдамида тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотни тарқатмасликка мажбур²³⁴.

Сунъий интеллект технология ва тизимларини ишлаб чиқувчи ва жорий этувчилар Этика қоидаларига амал қилиши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги алгоритмларнинг шаффоф ва тушунарли бўлишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги эҳтимолий тарафкашликни олдини олиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларининг имкониятлари, чекловлари ва эҳтимолий хавфлари ҳақида очиқ маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчиларни улардан фойдаланиш қоидалари билан таништириш, улардан қандай мақсадда фойдаланиш мумкинлиги ёки тақиқланиши, шунингдек сунъий интеллектга асосланган ечимлар ёки қарорлар доим тўғри бўлмаслиги ҳамда уларнинг натижаларидан тавсиявий ёки маълумот учун фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимлари дастурий таъминоти хавфсизлигини таъминлаши, Этика қоидаларини инобатга олган ҳолда сунъий интеллект технология ва тизимларини доимий равишда такомиллаштириб бориши, сунъий интеллект технология ва тизимлари инсон назорати остида бўлишини ҳамда инсон томонидан қайта кўриб чиқилиши, шунингдек якуний қарор инсон томонидан қабул қилинишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан қонунчиликка зид бўлган ёки шахс, жамият, давлат ва атроф табиий-муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган мақсадларда фойдаланмаслиги, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчилар учун сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қўлланмасини ишлаб чиқиш ва жойлаштириши шарт. Сунъий интеллект тизимларидан фойдаланувчилар сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қоидалари ва шартларига риоя қилиши, сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан тўғри фойдаланиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, бошқа фойдаланувчиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини бузмаслик, Этика қоидаларига амал қилиши, шахс, жамият ва давлат манфаатларига ҳамда атроф-табиий муҳитга зарар етказмаслиги лозим²³⁵.

Давлат органлари ва ташкилотлари ўз тасарруфидаги ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини, тармоқлар ишининг барқарорлигини таъминлаши, шунингдек киберхавфсизлик бўйича ўз мажбуриятларини

²³⁴ Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 6 январдаги 287-мх-сон буйруғи (26.01.2026 й., рўй.: 3762) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²³⁵ Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 24 февралдаги 284-мх-сон буйруғи (14.03.2026 й., рўй.: 3787) билан тасдиқланган Сунъий интеллектга асосланган ечимларни яратиш, жорий қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича этика қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

бажариши, ваколатли давлат органини киберхужумлар тўғрисида огоҳлантириши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида сақланаётган маълумотларнинг ўғирланиши ҳамда қалбакилаштирилиши ҳолатларининг олдини олиш чораларини кўриши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларини киберҳимоя қилиш учун сертификатлаштирилган аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий таъминотдан фойдаланиши, киберхавфсизлик соҳасида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ваколатли давлат органи билан келишиши шарт. Киберхавфсизлик субъектлари ахборот тизимлари ва ресурсларидаги маълумотларнинг қонунга хилоф равишда тарқатилиши, ўғирланиши, йўқолиши, яхлитлигининг бузилиши, блокраниши ва қалбакилаштирилишининг, шунингдек ахборот тизимлари ва ресурсларига рухсатсиз киришнинг бошқа кўринишларининг олдини олиши, бундай ҳоллар аниқланганда ўз вақтида тегишли чоралар кўриши, ахборот тизимлари ва ресурсларига кириш тартиби бузилганда ҳамда уларга рухсатсиз кириш натижасида ушбу тизимлар ҳамда ресурслар ўзгартирилган ёки йўқ қилинган тақдирда салбий оқибатларни камайтириш мақсадида уларни тезкорлик билан тиклаш чораларини кўриши, содир бўлган киберхавфсизлик ҳодисалари ва кибержиноятлар тўғрисида ваколатли давлат органини хабардор қилиши, ушбу ҳодисаларни тўлиқ фош этиш учун тегишли рақамли изларнинг йўқолишига йўл қўймаслик чораларини кўриши, шунингдек киберхавфсизлик ҳодисаларини таҳлил қилиш ва кибержиноятларни текшириш учун зарур бўлган маълумотларнинг доимий сақланишини таъминлаши, киберхавфсизлик объектларини муҳофаза қилиш ва уларнинг хавфсиз ишлаши мониторингини ўтказиш соҳасидаги маълумотларни ваколатли давлат органи билан ўзаро алмашишни амалга ошириши, ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберҳимоясини таъминлашда ваколатли давлат органи томонидан белгиланган киберхавфсизлик талабларига риоя этиши, киберхавфсизлик ҳодисаларига нисбатан чоралар кўриш механизмларининг ишлаб туришини ва киберхавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг ишлашини таъминлаши, улар мавжуд бўлмаган тақдирда эса ваколатли давлат органининг рухсати билан аутсорсинг хизматларидан белгиланган тартибда фойдаланиши, ваколатли давлат органига киберхавфсизликни таъминлаш мониторингининг ташкилий-техник тадбирларини амалга ошириш учун мониторинг тизимларига ва (ёки) киберхавфсизлик объектларига кириш ҳуқуқини бериши шарт²³⁶.

Давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар давлат сирлари ҳамда махфий сирлар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган ахборот ресурслари ва ахборот тизимларининг муҳофаза қилинишини таъминлаши шарт. Сунъий интеллектдан фойдаланиб яратилган ахборот ресурслари ҳамда сунъий интеллект технологиялари асосида ишлайдиган ахборот тизимлари инсонга, унинг ҳаётига, соғлиғига, эркинлиғига, шаънига, кадр-қимматига путур етказмаслиги ва унинг бошқа ажралмас ҳуқуқларини бузмаслиги шарт. Веб-

²³⁶ Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурсининг эгаси, шу жумладан блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифасидан ёхуд бошқа ахборот ресурсидан қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган ўзга ҳаракатларни содир этиш мақсадларида фойдаланилишига йўл қўймаслиги шарт²³⁷.

Давлат фуқаролик хизматчиси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига риоя этиши, ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажариши, давлат органи томонидан белгиланган одоб-ахлоқ қоидаларига, хизматга оид ахборот билан ишлаш тартибига, шунингдек давлат фуқаролик хизматини ўташ билан боғлиқ бошқа қоидаларга риоя этиши, давлат органининг нуфузини туширишга олиб келиши ёки унинг ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажаришига шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳаракатлардан (ҳаракатсизликдан), шу жумладан ўз хизмат мажбуриятларини бажараётганда ҳар қандай шаклдаги камситишдан, ноҳолисликдан ёки кимгадир нисбатан алоҳида муносабатда бўлишдан тийилиши шарт²³⁸.

Ушбу нормаларнинг бузилиши натижасида мазкур жиноят вужудга келади.

Бунда, давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлиги ахборот соҳасидаги хавфсизликка таҳдидларга қарши ҳаракатлар юзасидан иқтисодий, сиёсий, ташкилий ва бошқа тусдаги чора-тадбирларни амалга ошириш, давлат сирларини сақлаш ва давлат ахборот ресурсларини улардан рухсатсиз тарзда фойдаланилишидан муҳофаза қилиш, Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ахборот маконига ва замонавий телекоммуникациялар тизимларига интеграциялашуви, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартиришга, ҳудудий яхлитлигини, суверенитетини бузишга, ҳокимиятни босиб олишга ёки қонуний равишда сайлаб қўйилган ёхуд тайинланган ҳокимият вакиллари ҳокимиятдан четлатишга ва давлат тузумига қарши бошқача тажовуз қилишга очикдан-очик даъват этишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишидан ҳимоя қилиш, урушни ва зўравонликни, шафқатсизликни тарғиб қилишни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоват уйғотишга қаратилган терроризм ва диний экстремизм ғояларини ёйишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишига қарши ҳаракатлар қилиш билан таъминланади. Шахснинг ахборот борасидаги хавфсизлиги унинг ахборотдан эркин фойдаланиши зарур шароитлари ва кафолатларини яратиш, шахсий ҳаётига тааллуқли сирларини сақлаш, ахборот воситасида қонунга ҳилоф равишда руҳий таъсир кўрсатилишидан ҳимоя қилиш йўли билан таъминланади. Жисмоний шахсларга тааллуқли шахсий маълумотлар махфий ахборот тоифасига киради. Жисмоний шахснинг розилигисиз унинг шахсий ҳаётига тааллуқли ахборотни, худди шунингдек шахсий ҳаётига тааллуқли сирини, ёзишмалар, телефондаги сўзлашувлар, почта, телеграф ва бошқа

²³⁷ Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги 560-П-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²³⁸ Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида” 2022 йил 8 августдаги ЎРҚ–788-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

мулоқот сирларини бузувчи ахборотни тўплашга, сақлашга, қайта ишлашга, тарқатишга ва ундан фойдаланишга йўл қўйилмайди, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно. Жисмоний шахслар тўғрисидаги ахборотдан уларга моддий зарар ва маънавий зиён етказиш, шунингдек уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари рўёбга чиқарилишига тўсқинлик қилиш мақсадида фойдаланиш тақиқланади. Фуқаролар тўғрисида ахборот олувчи, бундай ахборотга эгалик қилувчи ҳамда ундан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахслар бу ахборотдан фойдаланиш тартибини бузганлик учун қонунда назарда тутилган тарзда жавобгар бўладилар. Ахборот манбаи ёки муаллиф номи фақат суд қарори билан ошкор этилиши мумкин²³⁹.

Бунда, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда аниқланган валюта намунаси қалбаки эканлигига шубҳа пайдо бўлганда, тезкор-қидирув тадбирлари давомийлигини таъминлаш зарурати юзага келганда, тезкорликни амалга ошириш ҳамда тегишли вақтни тежаш мақсадида мазкур модда (буюм) ёки валюта намуналарини улар аниқланган жойнинг ўзида ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар биносида экспресс текшириш техник воситалари ёрдамида текширади²⁴⁰.

2. Кибержиноят асосий бевосита объекти – жамият ва жамоат хавфсизлиги, шу жумладан, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларнинг қонуний муомаласи.

3. Кибержиноят қўшимча бевосита объекти – ахборот-коммуникация технологияларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар.

4. Кибержиноят факультатив бевосита объекти – ўзга шахс (лар) ва давлат, шу жумладан, шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни, кадр-қиммати, мулк дахлсизлиги, тинчлик ва инсоният хавфсизлиги, бошқарув тартиби ва бошқалар;

5. Кибержиноят субъекти – 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс.

6. Кибержиноят субъектив томони – қасддан.

7. Кибержиноят объектив томони – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ёки қонунга ҳилоф равишда ахборот-коммуникация тизимига кириб гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида тайёрлаш, худди шунингдек уларни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш, шу жумладан оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш, гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини, психотроп ёки шахснинг

²³⁹ Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принципи ва кафолатлари тўғрисида” 2002 йил 12 декабрдаги 439-П-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²⁴⁰ Вазирлар Маҳкамасининг “Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг аналоглари, прекурсорлар, кучли таъсир қилувчи моддалар ҳамда валюта намуналарини экспресс текшириш жараёнида техник воситалардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2023 йил 12 январдаги 12-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

ақл-идрокига таъсир этувчи бошқа моддаларни ҳар қандай шаклда истеъмол қилишга жалб этиш йўли билан содир этилади.

8. Кибержиноят мақсади — гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш, моддий ёки (ва) номоддий манфаат, ғаразли ёки бошқа паст ниятлар, ўч олиш ва ҳк.

9. Кибержиноят воситаси (қуроли) — ахборот-коммуникация технологиялари.

10. Кибержиноятнинг зарурий белгилари:

1) қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги;
 2) қилмишнинг ҳуқуққа хилофлилиги;
 3) қилмишда айбнинг мавжудлиги;
 4) қилмишнинг жазога сазоворлиги;
 5) қилмишнинг гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларга боғлиқлиги;

6) қилмишнинг гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида тайёрлаш, худди шунингдек уларни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш, шу жумладан оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш, гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини, психотроп ёки шахснинг ақл-идрокига таъсир этувчи бошқа моддаларни ҳар қандай шаклда истеъмол қилишга жалб этиш йўлидан бири ёки бир нечтасида содир этилиши;

7) қилмишнинг гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадини кўзлаб содир этилиши зарурлиги;

8) гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида тайёрлаш, худди шунингдек уларни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш, шу жумладан оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш қилмиши учун шахснинг олдин

8) алоқа;

9) ахборот;

10) кибермуҳит, шу жумладан, кибермакон;

11) ахборот-коммуникация технологиялари.

Ушбу белгиларнинг биронтаси мавжуд эмаслиги қилмишнинг кибержиноят эканлигини инкор этади.

11. Кибержиноятнинг тамомланиши —

1) гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида тайёрлаган вақтдан;

2) гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намоёиш этиш мақсадида уларни тарқатган вақтдан;

3) гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намоёиш этиш мақсадида уларни реклама қилган вақтдан;

4) гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намоёиш этиш мақсадида уларни намоёиш қилган вақтдан;

5) гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намоёиш этиш мақсадида уларни телекоммуникация тармоғида жойлаштирган ва уни учинчи шахс билган вақтдан;

6) гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намоёиш этиш мақсадида уларни телекоммуникация тармоғи орқали узатган вақтдан;

7) гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намоёиш этиш мақсадида уларни телекоммуникация тармоғи орқали берган вақтдан;

8) гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намоёиш этиш мақсадида уларни телекоммуникация тармоғи орқали сотган вақтдан;

9) гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини, психотроп ёки шахсининг ақл-идрокига таъсир этувчи бошқа моддаларни ҳар қандай шаклда истеъмол қилишга жалб этган вақтдан бошлаб.

12. Кибержиноятнинг тузилишига кўра тури – формал таркибли кибержиноятлар.

13. Кибержиноятнинг ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасига кўра тури – ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган кибержиноят.

14. Жазо тизимига кўра тури – ижтимоий хавфли қилмиши учун Жиноят кодексида жарима, мажбурий жамоат ишлари, озодликни чеклаш, озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган кибержиноятлар.

15. Жиноят предмети – гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар, уларга боғлиқ матн, видео, аудио, мемлар, постлар, deepfake контент ва бошқа шаклдаги ахборот шунингдек, қуйидагилар ҳам жиноят предмети бўлиши мумкин:

1. Молиявий воситалар – нақдсиз пул, банк ўтказмалари, электрон ҳамёнлар орқали тўловлар (Payme, Click, PayPal, QIWI ва ҳ.к.), криптовалюта (Bitcoin, USDT, Ethereum ва бошқалар), онлайн тўлов тизимлари орқали маблағ, қимматли қоғозлар (акциялар, облигациялар), электрон сертификатлар, баланс тўлдириш (телефон, аккаунт, карта) ва ҳ.к.;

2. Рақамли активлар – лицензия калитлари (software key), онлайн сервис аккаунти, Premium обуна, домен номи, веб-сайтга эгалик, ижтимоий тармоқлардаги (Telegram, Instagram, YouTube ва бошқалар) каналлар ва

гурухлар, NFT активлари, онлайн ўйин аккаунтлари, база маълумотлар, электрон контракт ҳуқуқи, NFTлар, ўйин ичидаги қимматбаҳо виртуал буюмлар (Skins, In-game currency) ва ҳк.;

3. Ахборот – махфий маълумот, тендер маълумотлари, миждлар базаси, пароллар, давлат реестри маълумотлари, имтиёзли кириш ҳуқуқи, жумладан, тижорат ёки хизмат сири ҳисобланган маълумотларга имтиёзли кириш ҳуқуқини бериш, касб, хизмат сирлари, текширув натижаларини ўзгартириш ва ҳк.;

4. Номоддий манфаат – лавозимга тайинлаш, лойиҳада ғолиб қилиш, рейтингни ошириш, файлни ўчириб бериш, маъмурий, молиявий ёки жиноий жазодан қутқариш, солиқ ва бошқа тўловларни камайтириш, давлат ижтимоий буюртмасини бериш, рухсатнома чиқариш ва ҳк.;

5. Техника ва IT ресурслар – сервер ресурслари, хостинг, VPN кириш, Cloud аккаунт, дастур кодлари, дастурий таъминот лицензияси, API кириш ҳуқуқи, бқори қийматга эга бўлган тижорат дастурларига (масалан, киберхавфсизлик ёки дизайн дастурларига) умрбод ёки узоқ муддатли пуллик обуналарни олиб бериш ва ҳк.;

6. Аралаш шакллар – қимматбаҳо техника (ноутбук, смартфон ва ҳк.), онлайн орқали етказилган товар, электрон ваучер, крипто-ҳисоб очиш, тўловни учинчи шахс орқали амалга ошириш, жиноятчи учун бепул яратиб берилган веб-сайтлар, SMM хизматлари, пуллик дастурий таъминотларга лицензиялар ёки обуналар (Subscription), мансабдор шахс ёки унинг яқинлари учун бепул сервер майдони (Hosting) ажратиб бериш ёки веб-сайт ишлаб чиқиб, уни тарғиб қилиш (SMM/SEO) хизматларини бепул кўрсатиш, хизматчининг ижтимоий тармоқлардаги саҳифасини пуллик тарғиб қилиш (Boost), онлайн курслар ёки пуллик веб-сервисларга обуналарни (Premium subscription) совға қилиш ва ҳк.

16. Кибержиноятни содир этишнинг энг кўп усуллари:

- 1) телекоммуникация ёки интернет тармоғида намоишкорона;
- 2) телекоммуникация ёки интернет тармоғида жойлаштириш орқали;
- 3) ахборот-коммуникация технологияларидан жиноят қуроли ёки воситаси сифатида фойдаланиш натижасида.

Ушбу жиноят қуйидаги шаклларда содир этилиши мумкин, хусусан:

1) гео-таргетинг (Geo-targeted Ads). Мисол учун, Telegramнинг People Nearby (Яқиндаги одамлар) функциясидан ёки ижтимоий тармоқлардаги реклама созламаларидан фойдаланиб, спам-рекламаларни айнан **таълим ташкилотлари GPS координаталарига** йўналтириш;

2) яширин вирус-маркетинг (Stealth SMM). Мисол учун, ТикТок, Instagram Reels ёки YouTube Shorts орқали гиёхвандлик маҳсулотларини айниқса мефедрон, сольни очикчасига эмас, балки тренддаги мусиқалар, ҳазиллар (мемлар) ёки энергия бағишловчи, сессияни ёпишга ёрдам берувчи воситалар сифатида яширин тарғиб қилиш;

3) SEO-модификация ва хэштеглар. Мисол учун, одамлар интернет тармоғида бошқа нарсани қидирганда ҳам нарко-дўконлар келиб чиқиши учун

кидирув тизимлари алгоритмларини алдаш ва постлар тагига яширин хэштеглар жойлаш;

4) автоматлаштирилган бот-тармоқлар. Мисол учун, минглаб фейк аккаунтлар орқали очик гуруҳларга масалан, талабаларнинг курс гуруҳларига гиёҳванд моддалар нархномаси ва Даркнет ҳаволаларини оммавий тарқатиш;

5) гейминг ва овозли чатлар (Cyber-grooming). Мисол учун, вояга етмаганлар кўп ўйнайдиган онлайн ўйинларнинг (PUBG, Roblox, CS:GO) овозли чатларида дўстлашиш, уларнинг муаммоларини тинглаш ва ечим сифатида тинчлантирувчи ёки кайфиятни кўтарувчи моддаларни текинга (биринчи доза) юборишни таклиф қилиш;

6) ёпиқ чатларда психологик манипуляция. Мисол учун, VIP-клублар ёки ёпиқ Telegram гуруҳларида гуруҳли босим (Peer pressure), яъни истеъмол қилмаганларни қолоқ ёки кўрқоқ деб камситиш орқали виртуал психологик босим ўтказиш йўли билан содир этилиши мумкин.

Ушбу жиноятни фош этишда қуйидаги рақамли излар тўпланиши мумкин, хусусан:

1) қурилма хотирасидаги қораламалар (Drafts & Cache). Мисол учун, реклама баннерлари ёки видеоларни тайёрлашда ишлатилган дастурларнинг (Adobe Photoshop, Premiere Pro, CapCut) вақтинчалик файллари, ҳатто тайёр маҳсулот ўчириб юборилган бўлса ҳам, дастур кэшида унинг фрагментлари;

2) метамаълумотлар (EXIF / ID3 Tags). Мисол учун, тармоққа юкланган сурат ёки видеонинг ички коди бўлган файл қачон яратилгани, қайси русумдаги телефонда (масалан, iPhone 15 Pro) суратга олингани ва ҳатто ўша пайтдаги GPS координаталар муҳрланган маълумотлар;

3) таргетинг ва реклама кабинетлари логлари (Ad Logs). Мисол учун, агар реклама ижтимоий тармоқларда (Instagram, Facebook ва ҳк.) пуллик асосда айлантисилган бўлса, гумондорнинг Ad Manager кабинетида ушбу рекламани айнан кимларга масалан, Тошкент, 16-22 ёш, талабалар йўналтиргани ҳақидаги соғламалар изи;

4) SQLite маълумотлар базаси (App Databases). Мисол учун, Telegram, WhatsApp ёки Discord каби иловалар смартфон хотирасида msg_db.sqlite каби маълумотлар базасини яратади. Гумондор чатни ўчириб юборган тақдирда ҳам, телефоннинг физик хотираси (dump) олинганда, ўчирилган ёзишмаларнинг матнлари ва юборилган вақти (Timestamps) тикланади;

5) овозли хабарлар ва медиа кэш (Voice Notes & Media Cache). Мисол учун, жалб қилиш одатда овозли хабарлар орқали психологик таъсир ўтказиш йўли билан бўлади. Telegramнинг яширин папкаларида (Android/data/org.telegram.messenger/cache) бу овозли хабарлар .ogg форматида сақланиб қолади;

6) гейминг серверлари логлари. Мисол учун, агар жалб қилиш онлайн ўйинлар (PUBG, CS:GO) ичидаги чатларда юз берган бўлса, ўйин серверларида гумондорнинг аккаунт IDси, IP-манзили ва чат тарихи қайд этилади;

7) қидирув тарихи (Search Queries). Мисол учун, браузер хотирасида ёки Google аккаунтда сақланиб қолган Telegramда қандай қилиб аноним спам бот

яратиш мумкин?, ВКда талабалар гуруҳини қандай топиш мумкин? каби кидирув сўровлари;

8) VPN ва Proxy қайдлари. Мисол учун, шахснинг ҳақиқий IP-манзилини яшириш учун ишлатган VPN дастурларининг уланиш вақтлари (Connection logs), агар провайдердан маълумот олинса, шахснинг қачон аноним тармоққа кирганини аниқлаш мумкин;

9) молиявий транзакциялар изи. Мисол учун, реклама жойлаштириш учун бошқа канал админларига қилинган тўловлар (картадан картага P2P ўтказмалар ёки крипто-ҳамёнлардаги транзакция хэшлари). Жалб этишда эса, биринчи дозани текин ёки арзонлаштирилган нархда бериш учун қилинган яширин тўловлар.

Жиноятни фош этилиши учун қуйидаги экспертизалар ўтказилиши мумкин, хусусан:

1) суд-компьютер-техникавий экспертизаси тарғибот ва реклама маҳсулотлари яратилган техник қурилмаларни, уларни интернет тармоғига юклашда фойдаланилган IP-манзилларни, ижтимоий тармоқлардаги аноним профилларни (аккаунтларни), масофавий бошқариладиган бот-тизимларни ҳамда қурилмалар хотирасидаги ўчириб юборилган рақамли изларни, қурилма (смартфон, сервер) хотирасида реклама материаллари (баннер, видео) яратилганлигини тасдиқловчи логлар (Photoshop ва Premiere излари), ушбу пост ёки хабар айнан гумондорнинг IP-манзили ва қурилмасидан (MAC-адрес) интернетга юкланганлигини, геолокация созуламалари атайлаб ўқув юртлари ҳудудига йўналтирилганлигини, жиноят содир этишда фойдаланилган қурилмалар (телефон, компьютер, сервер) ичидаги маълумотлар, ўчириб юборилган хабарлар, браузер тарихи, Telegram, Instagram ҳк. аккаунтларига кириш тарихи, гиёҳвандликни тарғиб қилувчи файлларнинг яратилиш вақти ва манбасини;

2) суд-филологик (лингвистик) экспертизаси тарқатилган матнли, аудио ва мультимедиа хабарлари мазмунини таҳлил қилиб, улардаги гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилишга қизиқиш уйғотувчи, уларни романтикалаштирувчи ёки истеъмол қилиш жараёнини ижобий бўёқларда кўрсатувчи тарғибот, реклама ва жалб этишнинг лингвистик белгиларини, тақдим этилган матн (постлар, изоҳлар, чатлардаги ёзишмалар), аудио ёки видео таркибида гиёҳванд моддаларни истеъмол қилишга ундаш, даъват, тарғибот, жалб қилиш, қизиқтириш ёки уларнинг хоссаларини ижобий баҳолаш (тарғибот) аломатлари ёки элементлари мавжудлигини, матндаги жаргон сўзлар (мяу, кристалл, соль, муз, клад ва ҳк.) гиёҳвандлик воситаларини аниқлашнинг;

3) суд-психологик экспертизаси реклама ва тарғибот маҳсулотларининг инсон онг остига таъсир этиш даражасини, айниқса вояга етмаганлар ва талабалар руҳиятида гиёҳвандликка нисбатан хайрихоҳлик уйғотиш усулларини ҳамда истеъмолга жалб этишда қўлланилган психологик манипуляцияларни, контентда (видео, аудио) инсон руҳиятига, айниқса вояга етмаганларнинг онг остига яширин таъсир кўрсатувчи психологик манипуляция (НЛП – нейролингвистик дастурлаш) усуллари

қўлланилганлигини, жалб этиш қурбони бўлган шахсда гумондорнинг виртуал босими натижасида истеъмол қилиш истаги пайдо бўлганлигини;

4) суд-санъатшунослик экспертизаси намоиш этилган визуаль маҳсулотларни (видеороликлар, график тасвирлар, клиплар) таҳлил қилиб, улардаги гиёҳвандлик субмаданиятини тарғиб қилувчи эстетик унсурларни, яширин кадрларни ва бадий воситалар орқали моддалар истеъмолини тарғиб қилиш ҳолатларини, агар контент бадий асар масалан, рэп қўшиғининг клипи ёки рақамли арт шаклида бўлса, унинг моҳияти бадий ижодми ёки мақсадли яширин нарко-рекламами эканлигини, реклама баннерлари, логотиплар ёки график тасвирлар санъат асари ниқоби остида гиёҳвандликни тарғиб қилаётганлигини;

5) суд-социологик экспертизаси тарқатилган реклама маҳсулотларининг интернет тармоғидаги қамров доирасини, мақсадли аудиториясини (ёшлар, талабалар ва б.), тарқатиш каналларининг оммавийлигини ва ушбу ҳаракатларнинг ижтимоий муҳитга, жамоат саломатлигига етказган хавфлилик даражасини;

6) суд-иқтисодий экспертизаси тарғибот материалларини тайёрлаш ва реклама қилиш учун сарфланган молиявий харажатларни, интернет-платформалардаги пуллик реклама транзакцияларини, криптовалюталар орқали амалга оширилган тўловларни ҳамда тарғиботдан кўзланган эҳтимолий моддий манфаатларни;

7) видеоматериалларнинг суд экспертизаси реклама мақсадида тарқатилган видеоматериалларнинг ҳаққонийлигини, техник монтаж изларини, кадрларга қўшилган қўшимча график ва матнли маълумотларни (масалан, модда сотиладиган дўкон ҳаволаларини) ҳамда нейротармоқлар ёрдамида яратилган сунъий тасвирларни, Интернет тармоғида тарқатилган видеороликларнинг ҳақиқийлиги, уларда монтаж излари борлиги, видеодаги шахсларнинг ҳаракатлари (истеъмол қилиш жараёнини намоиш этиш) ва видео файлнинг техник параметрларини;

8) суд-фото-техникавий экспертизаси тарғибот мазмунидаги рақамли фотосуратларнинг ва скриншотларнинг метамаълумотларини (EXIF) таҳлил қилиш орқали фотосурат олинган ва таҳрир қилинган аниқ вақтни, географик координаталарни ва қурилма техник характеристикаларини;

9) суд-фонографик экспертизаси истеъмолга жалб этиш мақсадида юборилган овозли хабарлардаги ёки видеоматериаллардаги нутқ эгасини идентификация қилишни, овознинг техник ишлов берилганлигини ёки сунъий интеллект ёрдамида яратилганлигини;

10) суд-портрет экспертизаси реклама ва намоиш материалларида иштирок этган шахсларнинг қиёфа белгиларини таҳлил қилиб, уларни гумонланувчи шахслар билан идентификация қилишни ҳамда тасвирдаги шахснинг ёш хусусиятларини (вояга етмаганлик ҳолатини);

11) суд-тиббий экспертизаси (комплекс тадқиқот таркибида) тарғиб қилинаётган маҳсулот ёки моддаларнинг инсон организмига, ақл-идрокига ва жисмоний соғлиғига таъсир этиш хусусиятларини ҳамда уларнинг гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар рўйхатига мувофиқлигини;

12) ҳужжатларнинг суд-техникавий экспертизаси тарғибот ва реклама фаолиятини қонуний кўрсатиш мақсадида ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида сохталаштирилган электрон лицензиялар, тиббий тавсияномалар ва рақамли сертификатларнинг ҳақиқийлигини;

13) суд-кимёвий экспертизаси реклама қилинаётган моддалар жисмоний шаклда топилса, уларнинг тури, оғирлиги ва таркибини аниқлайди.

1.19-§. Кибербезорилик жиноятининг юридик-техник таҳлили

277-модда. Безорилик, яъни жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимаслик, уриш-дўппослаш, баданга енгил шикаст етказиш ёки ўзганинг мулкига шикаст етказиш ёхуд нобуд қилиш анча зарар етказиш билан боғлиқ ҳолда содир этилса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Безорилик:

- а) баданга ўртача оғир шикаст етказиб;*
 - б) бир гуруҳ шахслар томонидан;*
 - в) совуқ қурол ёки кишининг соғлиғи учун амалда шикаст етказиши мумкин бўлган нарсаларни (қурол сифатида) намойиш қилиб, уларни қўллаш билан қўрқитиб ёхуд қўллаб;*
 - г) ўз мазмунига кўра умум эътироф этган ахлоқ қоидаларини намойишкорона менсимасликда ифодаланувчи ўтакетган беҳаёлик билан;*
 - д) ёш бола, қария, ногиронлиги бўлган шахс ёки оғир аҳволдаги шахсларни ҳўрлаб;*
 - е) кўп миқдорда зарар етказиб, бировнинг мулкани нобуд қилиб ёки унга шикаст етказиб содир этилган бўлса, –*
- уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

Безорилик:

- а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;*
 - б) ўқотар қуролни намойиш қилиб, уни қўллаш билан қўрқитиб ёки қўллаб;*
 - в) оммавий тадбирлар ўтказилаётган вақтда;*
 - г) жамоат тартибини сақлаш вазифасини бажариб турган ҳокимият вакили ёки жамоатчилик вакилига ёхуд безорилик ҳаракатларининг олдини олиш чорасини кўрган бошқа фуқароларга қаршилик кўрсатиб содир этилган бўлса, –*
- уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

1. Муҳофаза қилинадиган норма – Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан, ахборотни излаш, олиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқни чеклашга фақат қонунга мувофиқ ҳамда фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлиғини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш, шунингдек давлат сирлари ёки қонун билан кўриқланадиган бошқа сир ошкор этилишининг олдини олиш мақсадида зарур бўлган доирада йўл қўйилади. Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар. Ўзбекистон Республикасида

давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган органлар томонидангина амалга оширилади. Инсоннинг шаъни ва кадр-қиммати дахлсиздир. Ҳеч нарса уларни камситиш учун асос бўлиши мумкин эмас. Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки инсон кадр-қимматини камситувчи муомалага ёхуд жазога дучор этилиши мумкин эмас. Ҳеч ким расмий эълон қилинмаган қонун асосида ҳукм қилиниши, жазога тортилиши, мол-мулкидан ёки бирон-бир ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикасида барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиниши таъминланади. Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Ўзбекистон Республикасида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига биноан ҳамда ушбу Конституцияга мувофиқ эътироф этилади ва қафолатланади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегишли бўлади. Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа инсонларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар. Инсоннинг шаъни ва кадр-қиммати дахлсиздир. Инсоннинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. Ҳар бир инсон ўз шахсини эркин камол топтириш ҳуқуқига эга. Ҳеч кимга унинг розилигисиз қонунчиликда белгиланмаган мажбурият юклатилиши мумкин эмас. Инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, жамият ҳамда давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги шарт²⁴¹.

Қонунчиликка кўра, фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари иштирокчиларининг ҳалол, оқилона ва адолат билан ҳаракат қилиши назарда тутилади. Фуқаролар ва юридик шахсларнинг бошқа шахсга зарар етказишга, бошқача шаклларда ҳуқуқни суиистеъмол қилишга, шунингдек ҳуқуқни унинг мақсадига зид тарзда амалга оширишга қаратилган ҳаракатларига йўл қўйилмайди²⁴².

Маърифий фаолиятни амалга оширувчиларга ижтимоий ахлоққа зид қарашларни тарғиб қилиш, жамоат тартибига ёки хавфсизлигига таҳдид солувчи, миллий, ирқий, этник ёки диний адоват кўзғатувчи, фуқароларнинг шаъни ва кадр-қимматига ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи, шунингдек, ҳақоратли сўзларни ўз ичига олган ахборотни тарқатиш, маърифий фаолиятни амалга оширишда ҳақиқатга тўғри келмайдиган ва ёлғон маълумотлардан фойдаланиш, ҳуқуқбузарлик ёки жиноятни содир этишга, ўз жонига суиқасд қилишга, қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа

²⁴¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²⁴² Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

ўйинлар, фоҳишалик, тиланчилик ёки ғайриижтимоий хатти-ҳаракатнинг бошқа шакллари билан шуғулланишга даъват қилиш, одамларга ёки ҳайвонларга нисбатан зўравонлик ва шафқатсизлик қилиш мумкинлигини асослаш ёки оқлаш ёхуд шундай ҳаракатларни амалга оширишга ундаш, фуқароларни уларнинг ҳаётига ва (ёки) соғлиғига ёхуд ўзга шахсларнинг ҳаётига ва (ёки) соғлиғига таҳдид солувчи ғайриҳуқуқий ҳаракатларни содир этишга ундаш ёки бошқача тарзда жалб қилиш, маърифий фаолиятда вояга етмаганлар иштирок этганда, жинсий муносабатларни тасвирлаш ёки баён этиш ёхуд уларда кўрқув, ваҳима ёки саросима уйғотадиган ахборотни тарқатиш тақиқланади. Маърифий фаолият тингловчилари маърифий фаолият даврида маърифий фаолиятни амалга оширувчилар билан ўзаро ҳурматга асосланган муносабатда бўлиши, маърифий фаолиятни амалга оширувчиларнинг шаъни, кадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини ҳурмат қилиши шарт. Маърифий фаолиятни амалга оширувчилар маърифий фаолият тингловчиларига ушбу фаолият ҳақида ахборот тақдим этиши, шунингдек, уларнинг талабига кўра ўз маълумоти ва малакасини тасдиқлайдиган ҳужжатларни (мавжуд бўлса) тақдим этиши, маърифий фаолият тингловчиларига нисбатан инсоний муомалада бўлиши, уларнинг шаъни, кадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини ҳурмат қилиши, қонунчилик ҳужжатларида белгиланган солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаши, қонунчилик ҳужжатларида, шу жумладан, белгиланган тақиқ ва чекловларга риоя этиши, маърифий фаолият тингловчиларига нисбатан тазйиқ ўтказмаслиги ҳамда жисмоний ва (ёки) руҳий зўравонлик ишлатмаслиги, маърифий фаолиятни ҳақ эвазига амалга оширганда, маърифий фаолият тингловчиси билан ёзма ёки электрон шаклда шартнома тузиши лозим²⁴³.

Жамиятга, давлатга ҳурматсизликни намоён этувчи, шу жумладан беодоблик билан ифодаланган ахборотни, тарқатилиши қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа ахборотни тайёрлаш ва (ёки) тарқатишга йўл қўйилмайди²⁴⁴.

Оператор, провайдер, дилер ва эшиттирувчилар телекоммуникациялар тармоқларида ахборот ва киберхавфсизликни таъминлашда ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш соҳасида қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиши, жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Wi-Fi хизмати ташкилотчиси оператор ёки провайдер билан биргаликда, ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Оператор ва провайдерлар телекоммуникациялар хизматларини кўрсатишда ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини

²⁴³ Вазирлар Маҳкамасининг “Маърифий фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2025 йил 11 февралдаги 76-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²⁴⁴ Ўзбекистон Республикасининг “Ноширлик фаолияти тўғрисида” 2021 йил 26 ноябрдаги ЎРҚ–731-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши шарт. Телевидение тармоқлари орқали қонунчилик билан тақиқланган маълумотларни тарқатишга йўл қўйилмайди. Абонентлар ва фойдаланувчилар телекоммуникациялар ёрдамида тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотни тарқатмасликка мажбур²⁴⁵.

Сунъий интеллект технология ва тизимларини ишлаб чиқувчи ва жорий этувчилар Этика қоидаларига амал қилиши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги алгоритмларнинг шаффоф ва тушунарли бўлишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги эҳтимолий тарафкашликни олдини олиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларининг имкониятлари, чекловлари ва эҳтимолий хавфлари ҳақида очиқ маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчиларни улардан фойдаланиш қоидалари билан таништириш, улардан қандай мақсадда фойдаланиш мумкинлиги ёки тақиқланиши, шунингдек сунъий интеллектга асосланган ечимлар ёки қарорлар доим тўғри бўлмаслиги ҳамда уларнинг натижаларидан тавсиявий ёки маълумот учун фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимлари дастурий таъминоти хавфсизлигини таъминлаши, Этика қоидаларини инобатга олган ҳолда сунъий интеллект технология ва тизимларини доимий равишда такомиллаштириб бориши, сунъий интеллект технология ва тизимлари инсон назорати остида бўлишини ҳамда инсон томонидан қайта кўриб чиқилиши, шунингдек якуний қарор инсон томонидан қабул қилинишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан қонунчиликка зид бўлган ёки шахс, жамият, давлат ва атроф табиий-муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган мақсадларда фойдаланмаслиги, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчилар учун сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қўлланмасини ишлаб чиқиш ва жойлаштириши шарт. Сунъий интеллект тизимларидан фойдаланувчилар сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қоидалари ва шартларига риоя қилиши, сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан тўғри фойдаланиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, бошқа фойдаланувчиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини бузмаслик, Этика қоидаларига амал қилиши, шахс, жамият ва давлат манфаатларига ҳамда атроф-табиий муҳитга зарар етказмаслиги лозим²⁴⁶.

Давлат органлари ва ташкилотлари ўз тасарруфидаги ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини, тармоқлар ишининг барқарорлигини таъминлаши, шунингдек киберхавфсизлик бўйича ўз мажбуриятларини

²⁴⁵ Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 6 январдаги 287-мх-сон буйруғи (26.01.2026 й., рўй.: 3762) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²⁴⁶ Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 24 февралдаги 284-мх-сон буйруғи (14.03.2026 й., рўй.: 3787) билан тасдиқланган Сунъий интеллектга асосланган ечимларни яратиш, жорий қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича этика қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

бажариши, ваколатли давлат органини киберхужумлар тўғрисида огоҳлантириши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида сақланаётган маълумотларнинг ўғирланиши ҳамда қалбакилаштирилиши ҳолатларининг олдини олиш чораларини кўриши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларини киберҳимоя қилиш учун сертификатлаштирилган аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий таъминотдан фойдаланиши, киберхавфсизлик соҳасида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ваколатли давлат органи билан келишиши шарт. Киберхавфсизлик субъектлари ахборот тизимлари ва ресурсларидаги маълумотларнинг қонунга хилоф равишда тарқатилиши, ўғирланиши, йўқолиши, яхлитлигининг бузилиши, блокраниши ва қалбакилаштирилишининг, шунингдек ахборот тизимлари ва ресурсларига рухсатсиз киришнинг бошқа кўринишларининг олдини олиши, бундай ҳоллар аниқланганда ўз вақтида тегишли чоралар кўриши, ахборот тизимлари ва ресурсларига кириш тартиби бузилганда ҳамда уларга рухсатсиз кириш натижасида ушбу тизимлар ҳамда ресурслар ўзгартирилган ёки йўқ қилинган тақдирда салбий оқибатларни камайтириш мақсадида уларни тезкорлик билан тиклаш чораларини кўриши, содир бўлган киберхавфсизлик ҳодисалари ва кибержиноятлар тўғрисида ваколатли давлат органини хабардор қилиши, ушбу ҳодисаларни тўлиқ фош этиш учун тегишли рақамли изларнинг йўқолишига йўл қўймаслик чораларини кўриши, шунингдек киберхавфсизлик ҳодисаларини таҳлил қилиш ва кибержиноятларни текшириш учун зарур бўлган маълумотларнинг доимий сақланишини таъминлаши, киберхавфсизлик объектларини муҳофаза қилиш ва уларнинг хавфсиз ишлаши мониторингини ўтказиш соҳасидаги маълумотларни ваколатли давлат органи билан ўзаро алмашишни амалга ошириши, ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберҳимоясини таъминлашда ваколатли давлат органи томонидан белгиланган киберхавфсизлик талабларига риоя этиши, киберхавфсизлик ҳодисаларига нисбатан чоралар кўриш механизмларининг ишлаб туришини ва киберхавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг ишлашини таъминлаши, улар мавжуд бўлмаган тақдирда эса ваколатли давлат органининг рухсати билан аутсорсинг хизматларидан белгиланган тартибда фойдаланиши, ваколатли давлат органига киберхавфсизликни таъминлаш мониторингининг ташкилий-техник тадбирларини амалга ошириш учун мониторинг тизимлари ва (ёки) киберхавфсизлик объектларига кириш ҳуқуқини бериши шарт²⁴⁷.

Давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар давлат сирлари ҳамда махфий сирлар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган ахборот ресурслари ва ахборот тизимларининг муҳофаза қилинишини таъминлаши шарт. Сунъий интеллектдан фойдаланиб яратилган ахборот ресурслари ҳамда сунъий интеллект технологиялари асосида ишлайдиган ахборот тизимлари инсонга, унинг ҳаётига, соғлиғига, эркинлиғига, шаънига, кадр-қимматига путур етказмаслиги ва унинг бошқа ажралмас ҳуқуқларини бузмаслиги шарт. Веб-

²⁴⁷ Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурсининг эгаси, шу жумладан блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифасидан ёхуд бошқа ахборот ресурсидан қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган ўзга ҳаракатларни содир этиш мақсадларида фойдаланилишига йўл қўймаслиги шарт²⁴⁸.

Давлат фуқаролик хизматчиси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига риоя этиши, ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажариши, давлат органи томонидан белгиланган одоб-ахлоқ қоидаларига, хизматга оид ахборот билан ишлаш тартибига, шунингдек давлат фуқаролик хизматини ўташ билан боғлиқ бошқа қоидаларга риоя этиши, давлат органининг нуфузини туширишга олиб келиши ёки унинг ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажаришига шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳаракатлардан (ҳаракатсизликдан), шу жумладан ўз хизмат мажбуриятларини бажараётганда ҳар қандай шаклдаги камситишдан, ноҳолисликдан ёки кимгадир нисбатан алоҳида муносабатда бўлишдан тийилиши шарт²⁴⁹.

Ушбу нормаларнинг бузилиши натижасида мазкур жиноят вужудга келади.

Бунда, давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлиги ахборот соҳасидаги хавфсизликка таҳдидларга қарши ҳаракатлар юзасидан иқтисодий, сиёсий, ташкилий ва бошқа тусдаги чора-тадбирларни амалга ошириш, давлат сирларини сақлаш ва давлат ахборот ресурсларини улардан рухсатсиз тарзда фойдаланилишидан муҳофаза қилиш, Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ахборот маконига ва замонавий телекоммуникациялар тизимларига интеграциялашуви, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартиришга, ҳудудий яхлитлигини, суверенитетини бузишга, ҳокимиятни босиб олишга ёки қонуний равишда сайлаб қўйилган ёхуд тайинланган ҳокимият вакиллари ҳокимиятдан четлатишга ва давлат тузумига қарши бошқача тажовуз қилишга очикдан-очик даъват этишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишидан ҳимоя қилиш, урушни ва зўравонликни, шафқатсизликни тарғиб қилишни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоват уйғотишга қаратилган терроризм ва диний экстремизм ғояларини ёйишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишига қарши ҳаракатлар қилиш билан таъминланади. Шахснинг ахборот борасидаги хавфсизлиги унинг ахборотдан эркин фойдаланиши зарур шароитлари ва кафолатларини яратиш, шахсий ҳаётига тааллуқли сирларини сақлаш, ахборот воситасида қонунга ҳилоф равишда руҳий таъсир кўрсатилишидан ҳимоя қилиш йўли билан таъминланади. Жисмоний шахсларга тааллуқли шахсий маълумотлар махфий ахборот тоифасига киради. Жисмоний шахснинг розилигисиз унинг шахсий ҳаётига тааллуқли ахборотни, худди шунингдек шахсий ҳаётига тааллуқли сирини, ёзишмалар, телефондаги сўзлашувлар, почта, телеграф ва бошқа

²⁴⁸ Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги 560-П-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²⁴⁹ Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида” 2022 йил 8 августдаги ЎРҚ–788-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

мулоқот сирларини бузувчи ахборотни тўплашга, сақлашга, қайта ишлашга, тарқатишга ва ундан фойдаланишга йўл қўйилмайди, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно. Жисмоний шахслар тўғрисидаги ахборотдан уларга моддий зарар ва маънавий зиён етказиш, шунингдек уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари рўёбга чиқарилишига тўсқинлик қилиш мақсадида фойдаланиш тақиқланади. Фуқаролар тўғрисида ахборот олувчи, бундай ахборотга эгалик қилувчи ҳамда ундан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахслар бу ахборотдан фойдаланиш тартибини бузганлик учун қонунда назарда тутилган тарзда жавобгар бўладилар. Ахборот манбаи ёки муаллиф номи фақат суд қарори билан ошкор этилиши мумкин²⁵⁰.

Бунда, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда аниқланган валюта намунаси қалбаки эканлигига шубҳа пайдо бўлганда, тезкор-қидирув тадбирлари давомийлигини таъминлаш зарурати юзага келганда, тезкорликни амалга ошириш ҳамда тегишли вақтни тежаш мақсадида мазкур модда (буюм) ёки валюта намуналарини улар аниқланган жойнинг ўзида ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар биносида экспресс текшириш техник воситалари ёрдамида текширади²⁵¹.

2. Кибержиноят асосий бевосита объекти – жамият ва жамоат хавфсизлиги ва тартиби.

3. Кибержиноят қўшимча бевосита объекти – ахборот-коммуникация технологияларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар.

4. Кибержиноят факультатив бевосита объекти – ўзга шахс (лар) ва давлат, шу жумладан, шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни, кадр-қиммати, мулк дахлсизлиги, тинчлик ва инсоният хавфсизлиги, бошқарув тартиби ва бошқалар;

5. Кибержиноят субъекти – 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс.

6. Кибержиноят субъектив томони – қасддан.

7. Кибержиноят объектив томони – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ёки қонунга хилоф равишда ахборот-коммуникация тизимига кириб, жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимаслик, уриш-дўппослаш, баданга енгил шикаст етказиш ёки ўзганинг мулкига шикаст етказиш ёхуд нобуд қилиш анча зарар етказиш йўли билан содир этилади.

8. Кибержиноят мақсади – моддий ёки (ва) номоддий манфаат, ғаразли ёки бошқа паст ниятлар, ўч олиш ва ҳк.

9. Кибержиноят воситаси (қуроли) – ахборот-коммуникация технологиялари.

²⁵⁰ Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принципи ва қафолатлари тўғрисида” 2002 йил 12 декабрдаги 439-П-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²⁵¹ Вазирлар Маҳкамасининг “Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг аналоглари, прекурсорлар, кучли таъсир қилувчи моддалар ҳамда валюта намуналарини экспресс текшириш жараёнида техник воситалардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2023 йил 12 январдаги 12-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

10. Кибержиноятнинг зарурий белгилари:

- 1) қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги;
- 2) қилмишнинг ҳуқуққа хилофлилиги;
- 3) қилмишда айбнинг мавжудлиги;
- 4) қилмишнинг жазога сазоворлиги;
- 5) қилмишнинг жамиятда юриш-туриш қоидалари билан боғлиқлиги;
- 6) жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимаслик, уриш-дўппослаш, баданга енгил шикаст етказиш ёки ўзганинг мулкига шикаст етказиш ёхуд нобуд қилиш анча зарар етказиш йўли билан содир этилиши;
- 7) алоқа;
- 8) ахборот;
- 9) кибермухит, шу жумладан, кибермакон;
- 10) ахборот-коммуникация технологиялари.

Ушбу белгиларнинг биронтаси мавжуд эмаслиги қилмишнинг кибержиноят эканлигини инкор этади.

11. Кибержиноятнинг тамомланиши –

- 1) жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасликда ифодаланган ҳаракат содир этилган вақтдан;
- 2) баданга енгил шикаст етказилган вақтдан;
- 3) ўзганинг мулкига анча миқдорда шикаст етказилган вақтдан;
- 4) ўзганинг мулки анча миқдорда нобуд бўлган вақтдан.

12. Кибержиноятнинг тузилишига кўра тури – аралаш таркибли кибержиноятлар ҳам мавжуд.

13. Кибержиноятнинг ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасига кўра тури – ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган кибержиноят.

14. Жазо тизимига кўра тури – ижтимоий хавфли қилмиши учун Жиноят кодексида жарима, мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари, озодликни чеклаш, озодликни маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган кибержиноятлар.

15. Жиноят предмети – матн, видео, аудио, мемлар, постлар, deepfake контент ва бошқа шаклдаги ахборот шунингдек, қуйидагилар ҳам жиноят предмети бўлиши мумкин:

1. Молиявий воситалар – нақдсиз пул, банк ўтказмалари, электрон ҳамёнлар орқали тўловлар (Payme, Click, PayPal, QIWI ва ҳ.к.), криптовалюта (Bitcoin, USDT, Ethereum ва бошқалар), онлайн тўлов тизимлари орқали маблағ, қимматли қоғозлар (акциялар, облигациялар), электрон сертификатлар, баланс тўлдириш (телефон, аккаунт, карта) ва ҳ.к.;

2. Рақамли активлар – лицензия калитлари (software key), онлайн сервис аккаунти, Premium обуна, домен номи, веб-сайтга эгалик, ижтимоий тармоқлардаги (Telegram, Instagram, YouTube ва бошқалар) каналлар ва гуруҳлар, NFT активлари, онлайн ўйин аккаунтлари, база маълумотлар, электрон контракт ҳуқуқи, NFTлар, ўйин ичидаги қимматбаҳо виртуал буюмлар (Skins, In-game currency) ва ҳ.к.;

3. Ахборот – махфий маълумот, тендер маълумотлари, миждозлар базаси, пароллар, давлат реестри маълумотлари, имтиёзли кириш ҳуқуқи, жумладан, тижорат ёки хизмат сири ҳисобланган маълумотларга имтиёзли кириш ҳуқуқини бериш, касб, хизмат сирлари, текширув натижаларини ўзгартириш ва ҳ.к.;

4. Номоддий манфаат – лавозимга тайинлаш, лойиҳада ғолиб қилиш, рейтингни ошириш, файлни ўчириб бериш, маъмурий, молиявий ёки жиноий жазодан қутқариш, солиқ ва бошқа тўловларни камайтириш, давлат ижтимоий буюртмасини бериш, рухсатнома чиқариш ва ҳ.к.;

5. Техника ва IT ресурслар – сервер ресурслари, хостинг, VPN кириш, Cloud аккаунт, дастур кодлари, дастурий таъминот лицензияси, API кириш ҳуқуқи, бқори қийматга эга бўлган тижорат дастурларига (масалан, киберхавфсизлик ёки дизайн дастурларига) умрбод ёки узоқ муддатли пуллик обуналарни олиб бериш ва ҳ.к.;

6. Аралаш шакллар – қимматбаҳо техника (ноутбук, смартфон ва ҳ.к.), онлайн орқали етказилган товар, электрон ваучер, крипто-ҳисоб очиш, тўловни учинчи шахс орқали амалга ошириш, жиноятчи учун бепул яратиб берилган веб-сайтлар, SMM хизматлари, пуллик дастурий таъминотларга лицензиялар ёки обуналар (Subscription), мансабдор шахс ёки унинг яқинлари учун бепул сервер майдони (Hosting) ажратиб бериш ёки веб-сайт ишлаб чиқиб, уни тарғиб қилиш (SMM/SEO) хизматларини бепул кўрсатиш, хизматчининг ижтимоий тармоқлардаги саҳифасини пуллик тарғиб қилиш (Boost), онлайн курслар ёки пуллик веб-сервисларга обуналарни (Premium subscription) совға қилиш ва ҳ.к.

16. Кибержиноятни содир этишнинг энг кўп усуллари:

- 1) телекоммуникация ёки интернет тармоғида намоёнишкорона;
- 2) телекоммуникация ёки интернет тармоғида жойлаштириш орқали;
- 3) ахборот-коммуникация технологияларидан жиноят қуроли ёки воситаси сифатида фойдаланиш натижасида.

Ушбу жиноят қуйидаги шаклларда содир этилиши мумкин, хусусан:

- 1) киберпреследование ва кибербуллинг (Harassment). Мисол учун, шахсни оммавий равишда ҳақорат қилиш, унинг шаъни ва кадр-қимматини камситувчи, “ўтакетган беҳаёлик” рақамли контент (порнографик монтаж, Deepfake) орқали намоён маълумотларни ижтимоий тармоқлардаги гуруҳларда масалан, минглаб аъзоси бор Telegram-каналларда тизимли равишда тарқатиш;

- 2) веб-сайтлар дефейси (Defacement). Мисол учун, давлат ёки жамоат ташкилотларининг расмий сайтига рухсатсиз кириб, унинг бош саҳифасига жамият ахлоқига зид бўлган расмлар, шиорлар ёки ҳақоратли матнларни жойлаштириш;

- 3) киберрейдлар ва стримингбезорилик (Raiding). Мисол учун, жонли эфирлар (Live streams), онлайн дарслар (Zoom-бомбинг) ёки масофавий конференциялар пайтида гуруҳ бўлиб кириб, тадбирни ҳақоратли сўзлар, беҳаё тасвирлар ёки шовқин билан бузиш, тўғридан-тўғри жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимаслик;

4) сваттинг (Swatting). Мисол учун, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига бирор шахснинг уйида сохта оғир жиноят масалан, гаровга олиш содир бўлаётгани ҳақида ёлгон хабар бериш орқали нафақат безорилик, балки давлат ресурсларини асоссиз сарфлашга сабаб бўлиш йўли билан содир этилиши мумкин.

Ушбу жиноятни фош этишда қуйидаги рақамли излар тўпланиши мумкин, хусусан:

1) тармоқ логлари (Network Logs). Мисол учун, ҳақоратли пост ёки шарҳ ёзилган вақтдаги IP-манзил, қурилма тури ва браузер идентификаторлари;

2) скриншотлар ва видео-фиксация. Мисол учун, ижтимоий тармоқлардаги намоишкорона ҳаракатларнинг сақлаб қолинган нусхалари, бунда контентнинг ҳақиқийлигини тасдиқловчи хэш-суммалар (MD5, SHA-256) муҳим;

3) чат-бот ва админ логлари. Мисол учун, Telegram-каналлардаги ўчириб ташланган хабарлар тарихи ва фойдаланувчининг қайси рақамга боғланганлиги;

4) CDN ва Proxy излари. Мисол учун, агар жиноятчи ўз шахсини яшириш учун VPN ёки Proxy ишлатган бўлса, мазкур сервислардан қолган техник излар.

Жиноятни фош этилиши учун қуйидаги экспертизалар ўтказилиши мумкин, хусусан:

1) суд-компьютер-техникавий экспертизаси жамиятда юриш-туриш қоидаларини менсимаслик ифодаланган электрон материаллар (видео, матн, фото) тарқатилган техник қурилмаларни, ижтимоий тармоқлардаги аноним профилларни, фойдаланилган IP-манзилларни ҳамда рақамли мулкка (веб-сайтлар, аккаунтлар) шикаст етказишда қўлланилган зарарли дастурлар ва хакерлик усуллари, ҳақоратли контент қайси қурилмадан юборилганини, сайтга ким томонидан ҳужум уюштирилганини, ҳуқуқбузарлик содир этилган қурилма (телефон, ноутбук, ва ҳк.) ичидаги маълумотлар, жонли эфир ёки безорилик мазмунидаги пост қайси қурилмадан юкланганлигини, маълумотлар атайлаб ўчирилганлигини, қурилмада безориликни режалаштиришга оид материаллар борлигини, оммавий тадбирлар вақтида ижтимоий тартибни бузиш мақсадида ахборот тизимларига, экранларга ёки овоз кучайтириш мосламаларига рухсатсиз кириб, безорилик мазмунидаги контентни намоиш этишнинг техник механизмини;

2) суд-филологик (лингвистик) экспертизаси интернет тармоғида тарқатилган хабарлар ва шарҳларда умумэтироф этилган ахлоқ қоидаларини намоишкорона менсимаслик, ҳақорат, беҳаёлик, таҳдид ҳамда шахснинг кадр-қимматини камситувчи ва ижтимоий тартибни бузишга қаратилган лингвистик белгиларни, матн ёки видеодаги ибораларнинг ҳақоратли эканлиги, уларнинг жамият ахлоқига зидлиги ва намоишкорона характерини, ўтакетган беҳаёлик ва жамиятдаги юриш-туриш қоидаларини менсимаслик, сўзлар ортидаги ҳақорат, жамият ахлоқига зид бўлган чақириқлар ва таҳқирловчи ибораларнинг даражасини;

3) суд-психологик экспертизаси кибербезорилик ҳаракатлари натижасида жабрланувчига етказилган маънавий-руҳий азобларни, айбдорнинг жамиятга қарши қаратилган безорилик мотивини, кибермуҳитдаги ўтакетган беҳаёликнинг шахс руҳиятига таъсирини ҳамда айбдорнинг иродавий эркинлигини, ожиз аҳволдаги шахс ёки ёш боланинг кибер-буллинг натижасида чеккан руҳий изтироблари даражасини, айбланувчининг жиноят содир этиш вақтидаги руҳий ҳолатини, у бу ишни хайп, яъни машҳурлик учунми ёки атайлаб кимнидир хўрлаш учун қилганлигини, жамиятни менсимаслик қасди мавжудлигини, гумонланувчида руҳий касаллик аломатлари мавжудлигини, унинг ўз ҳаракатларига жавоб бера олишини (саводхонлигини);

4) суд-социологик экспертизаси кибербезорилик мазмунидаги контентнинг интернетдаги аудитория қамровини, унинг ижтимоий резонансини, жамиятдаги барқарор ахлоқий нормаларга етказган зарарини ҳамда ижтимоий ваҳима ёки тартибсизлик келтириб чиқариш эҳтимолини;

5) видеоматериалларнинг суд экспертизаси безорилик ҳаракатлари акс этган ва тармоққа юкланган видеоёзувларнинг ҳаққонийлигини, монтаж изларини, кадрларнинг кетма-кетлигини ҳамда тасвирдаги воқеа ва ҳодисаларнинг реал вақт ва макондаги ҳаракатларини, видеодаги шахснинг ҳаракатлари безорилик эканлиги, видеонинг ҳақиқийлигини ёки Deepfake эмаслигини, ундаги тасвирларнинг монтаж қилинган-қилинмаганлигини;

6) суд-иқтисодий экспертизаси ўзганинг рақамли мулкига (тижорий akkaунтлар, доменлар) шикаст етказиш ёки нобуд қилиш натижасида етказилган анча ёки кўп миқдордаги моддий зарарни ҳамда бой берилган фойда ҳажмини, агар безорилик натижасида бировнинг рақамли мулкига масалан, тижорий сайт, домен, пуллик akkaунт шикаст етказилган бўлса, етказилган зарар миқдорини;

7) суд-фото-техникавий экспертизаси шахсларни хўрлаш ёки камситиш мақсадида тайёрланган фотосуратлар ва скриншотларнинг метамаълумотларини (EXIF) таҳлил қилиб, уларнинг яратилган вақти, жойи ва қайси қурилма ёрдамида таҳрир қилинганлигини;

8) суд-санъатшунослик экспертизаси безорилик мақсадида тарқатилган мультимедиа маҳсулотларидаги ўтакетган беҳаёлик ва порнографик унсурларни, уларнинг бадийий ёки ижтимоий қийматга эга эмаслигини ҳамда ахлоқ нормаларига зидлигини;

9) суд-тиббӣй экспертизаси (комплекс тадқиқот таркибида) кибербезориликдан бошланган низонинг жисмоний давоми натижасида ёки руҳий босим оқибатида жабрланувчининг соғлиғига етказилган енгил ёки ўртача оғир шикастларнинг даражаси ва механизмини;

10) суд-портрет экспертизаси безорилик видеоларида ёки шахсни хўрловчи тасвирларда акс этган қиёфаларни таҳлил қилиб, уларни гумонланувчи шахслар билан идентификация қилишни ҳамда тасвирдаги шахснинг ёши ва жисмоний ҳолатини, ниқоб тақиб ёки юзини беркитиб безорилик қилган шахсларни видеодаги антропометрик белгилари (қулоқ шакли, кўз тузилиши ва ҳ.з.) орқали шахсини;

11) суд-фонографик экспертизаси интернет-алоқа воситалари орқали қилинган таҳдидли қўнғироқлар, ҳақоратли овозли хабарлар ва видеолардаги нутқ эгасини идентификация қилишни ҳамда овозли ёзувларнинг техник яхлитлигини, овозли хабарлар ёки видео-стримлардаги овознинг айбланувчига тегишли эканлигини аниқлайди.

1.20-§. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш ёхуд киберқиморбозлик жиноятининг юридик-техник таҳлили

278-модда. Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни қонунга ҳилоф равишда ташкил этиш ёки ўтказиш, шу жумладан ана шундай ўйинлар учун қиморхоналар ташкил этиш ёки уларни сақлаш –

етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса;

б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб, –

етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Вояга етмаган шахсни қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларга жалб қилиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваридан элик бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ёки ўтказиш учун телекоммуникация тармоқларида, шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғи провайдерлари томонидан хизматлар кўрсатиш, тегишли дастурий таъминотдан нусха кўпайтириш, уни кўпайтириш, тарқатиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг элик бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатдан уч юз олтамиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

1. Муҳофаза қилинадиган норма – Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан, ахборотни излаш, олиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқни чеклашга фақат қонунга мувофиқ ҳамда фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлиғини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш, шунингдек давлат сирлари ёки қонун билан қўриқладиган бошқа сир ошкор этилишининг олдини олиш мақсадида зарур бўлган доирада йўл қўйилади. Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган органлар томонидангина амалга оширилади. Инсоннинг шаъни ва кадр-қиммати дахлсиздир. Ҳеч нарса уларни камситиш учун асос бўлиши мумкин эмас. Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки инсон кадр-қимматини камситувчи муомалага ёхуд жазога

дучор этилиши мумкин эмас. Ҳеч ким расмий эълон қилинмаган қонун асосида ҳукм қилиниши, жазога тортилиши, мол-мулкидан ёки бирон-бир ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикасида барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиниши таъминланади. Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Ўзбекистон Республикасида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига биноан ҳамда ушбу Конституцияга мувофиқ эътироф этилади ва кафолатланади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегишли бўлади. Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа инсонларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар. Инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсиздир. Инсоннинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. Ҳар бир инсон ўз шахсини эркин камол топтириш ҳуқуқига эга. Ҳеч кимга унинг розилигисиз қонунчиликда белгиланмаган мажбурият юклатилиши мумкин эмас. Инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, жамият ҳамда давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги шарт²⁵².

Қонунчиликка кўра, фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари иштирокчиларининг ҳалол, оқилона ва адолат билан ҳаракат қилиши назарда тутилади. Фуқаролар ва юридик шахсларнинг бошқа шахсга зарар етказишга, бошқача шаклларда ҳуқуқни суийестемол қилишга, шунингдек ҳуқуқни унинг мақсадига зид тарзда амалга оширишга қаратилган ҳаракатларига йўл қўйилмайди²⁵³.

Прокуратура органлари ходимлари²⁵⁴, ҳарбий хизматчилар²⁵⁵, ички ишлар органлари ходимлари²⁵⁶, Миллий гвардия ходимлари²⁵⁷, қўриқлаш бўлинмаларининг ҳарбий хизматчилари, ходимлари, ишчилари ва хизматчилари²⁵⁸ қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларда, шу

²⁵² Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²⁵³ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²⁵⁴ Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида” 2001 йил 29 августдаги 257-II-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²⁵⁵ Ўзбекистон Республикасининг “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида” 2002 йил 12 декабрдаги 436-II-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²⁵⁶ Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида” 2016 йил 16 сентябрдаги ЎРҚ–407-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²⁵⁷ Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида” 2020 йил 18 ноябрдаги ЎРҚ–647-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²⁵⁸ Ўзбекистон Республикасининг “Қўриқлаш фаолияти тўғрисида” 2022 йил 15 июндаги ЎРҚ–778-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

жумладан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда иштирок этишга ҳақли эмас.

2007 йил 1 сентябрдан бошлаб:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қимор ўйинларини ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни (шу жумладан тотализаторлар) ташкил этиш ва ўтказиш (Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ташкил этиладиган Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғидаги таваккалчиликка асосланган ўйинлар, букмекерлик фаолияти ва лотереялардан ташқари);

қимор ўйинларини ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ва ўтказиш учун телекоммуникация тармоқларида, шу жумладан Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғи провайдерлари томонидан хизматлар кўрсатиш, мазкур фаолиятни Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ташкил этиш ҳоллари бундан мустасно;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига пул ютуғига эга бўлган ўйин автоматларини олиб кириш тақиқланган.

Ноқонуний тарзда қимор ўйинларини ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ва ўтказиш ҳолатлари аниқланган тақдирда ўйин анжомлари, шу жумладан ўйин автоматлари, ўйинда ставка ва ютуқ бўлган бойликлар, шунингдек бундай ўйинларда қатнашиш натижасида олинган бошқа даромад белгиланган тартибда олиб қўйилади ва давлат даромадига ўтказилади²⁵⁹.

Болалар ўртасида тарқатилиши тақиқланган ахборот маҳсулоти жумласига болаларда қимор ўйинларида иштирок этиш истагини пайдо қиладиган ахборот киради²⁶⁰.

Қимор ўйинлари ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар, шу жумладан телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланган ҳолда ташкил этиладиган қимор ўйинлари ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар рекламасига йўл қўйилмайди²⁶¹.

Маърифий фаолиятни амалга оширувчиларга ижтимоий ахлоққа зид қарашларни тарғиб қилиш, жамоат тартибига ёки хавфсизлигига таҳдид солувчи ахборотни тарқатиш, маърифий фаолиятни амалга оширишда ҳақиқатга тўғри келмайдиган ва ёлғон маълумотлардан фойдаланиш, ҳуқуқбузарлик ёки жиноятни содир этишга, ўз жонига суиқасд қилишга, қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар, фоҳишалик, тиланчилик ёки ғайриижтимоий хатти-ҳаракатнинг бошқа шакллари билан шуғулланишга даъват қилиш, фуқароларни уларнинг ҳаётига ва (ёки) соғлиғига ёхуд ўзга шахсларнинг ҳаётига ва (ёки) соғлиғига таҳдид солувчи

²⁵⁹ Вазирлар Маҳкамасининг “Қимор ўйинларини ташкил этиш ва ўтказишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2007 йил 16 августдаги 176-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²⁶⁰ Ўзбекистон Республикасининг “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида” 2017 йил 8 сентябрдаги ЎРҚ-444-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²⁶¹ Ўзбекистон Республикасининг “Реклама тўғрисида” 2022 йил 7 июндаги ЎРҚ-776-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

ғайрихукукий ҳаракатларни содир этишга ундаш ёки бошқача тарзда жалб қилиш, маърифий фаолиятда вояга етмаганлар иштирок этганда, жинсий муносабатларни тасвирлаш ёки баён этиш ёхуд уларда кўрқув, ваҳима ёки саросима уйғотадиган ахборотни тарқатиш тақиқланади. Маърифий фаолият тингловчилари маърифий фаолият даврида маърифий фаолиятни амалга оширувчилар билан ўзаро ҳурматга асосланган муносабатда бўлиши, маърифий фаолиятни амалга оширувчиларнинг шаъни, кадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини ҳурмат қилиши шарт. Маърифий фаолиятни амалга оширувчилар маърифий фаолият тингловчиларига ушбу фаолият ҳақида ахборот тақдим этиши, шунингдек, уларнинг талабига кўра ўз маълумоти ва малакасини тасдиқлайдиган ҳужжатларни (мавжуд бўлса) тақдим этиши, маърифий фаолият тингловчиларига нисбатан инсоний муомалада бўлиши, уларнинг шаъни, кадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини ҳурмат қилиши, қонунчилик ҳужжатларида белгиланган солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаши, қонунчилик ҳужжатларида, шу жумладан, белгиланган тақиқ ва чекловларга риоя этиши, маърифий фаолият тингловчиларига нисбатан тазйиқ ўтказмаслиги ҳамда жисмоний ва (ёки) руҳий зўравонлик ишлатмаслиги, маърифий фаолиятни ҳақ эвазига амалга оширганда, маърифий фаолият тингловчиси билан ёзма ёки электрон шаклда шартнома тузиши лозим²⁶².

Жамиятга, давлатга ҳурматсизликни намоён этувчи, шу жумладан беодоблик билан ифодаланган ахборотни, тарқатилиши қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа ахборотни тайёрлаш ва (ёки) тарқатишга йўл қўйилмайди²⁶³.

Маблағларни олувчи томонидан қимор ўйинлари ташкил этиш ва ўтказиш фаолияти ҳамда капитал ҳаракати операциялари амалга оширилаётганлиги тўғрисидаги тўлов тизимининг операция коди ёки бошқа идентификаторлар белгиланганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд бўлганда, тижорат банклари томонидан банк картаси ёрдамида Ўзбекистон Республикаси ташқарисида жойлашган маблағларни қабул қилувчига трансчегаравий ўтказиш тақиқланади²⁶⁴.

Оператор, провайдер, дилер ва эшиттирувчилар телекоммуникациялар тармоқларида ахборот ва киберхавфсизликни таъминлашда ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш соҳасида қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиши, жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Wi-Fi хизмати ташкилотчиси оператор ёки провайдер билан биргаликда, ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини

²⁶² Вазирлар Маҳкамасининг “Маърифий фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2025 йил 11 февралдаги 76-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²⁶³ Ўзбекистон Республикасининг “Ноширлик фаолияти тўғрисида” 2021 йил 26 ноябрдаги ЎРҚ–731-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²⁶⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли маҳсулотлар (хизматлар) истеъмолчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рақамли технологиялар воситасида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларга қарши курашишни кучайтириш чоралари тўғрисида” 2023 йил 30 ноябрдаги ПК–381-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Оператор ва провайдерлар телекоммуникациялар хизматларини кўрсатишда ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши шарт. Телевидение тармоқлари орқали қонунчилик билан тақиқланган маълумотларни тарқатишга йўл қўйилмайди. Абонентлар ва фойдаланувчилар телекоммуникациялар ёрдамида тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотни тарқатмасликка мажбур²⁶⁵.

Сунъий интеллект технология ва тизимларини ишлаб чиқувчи ва жорий этувчилар Этика қоидаларига амал қилиши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги алгоритмларнинг шаффоф ва тушунарли бўлишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги эҳтимолий тарафкашликни олдини олиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларининг имкониятлари, чекловлари ва эҳтимолий хавфлари ҳақида очиқ маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчиларни улардан фойдаланиш қоидалари билан таништириш, улардан қандай мақсадда фойдаланиш мумкинлиги ёки тақиқланиши, шунингдек сунъий интеллектга асосланган ечимлар ёки қарорлар доим тўғри бўлмаслиги ҳамда уларнинг натижаларидан тавсиявий ёки маълумот учун фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимлари дастурий таъминоти хавфсизлигини таъминлаши, Этика қоидаларини инобатга олган ҳолда сунъий интеллект технология ва тизимларини доимий равишда такомиллаштириб бориши, сунъий интеллект технология ва тизимлари инсон назорати остида бўлишини ҳамда инсон томонидан қайта кўриб чиқилиши, шунингдек якуний қарор инсон томонидан қабул қилинишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан қонунчиликка зид бўлган ёки шахс, жамият, давлат ва атроф табиий-муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган мақсадларда фойдаланмаслиги, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчилар учун сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қўлланмасини ишлаб чиқиш ва жойлаштириши шарт. Сунъий интеллект тизимларидан фойдаланувчилар сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қоидалари ва шартларига риоя қилиши, сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан тўғри фойдаланиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, бошқа фойдаланувчиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини бузмаслик, Этика қоидаларига амал қилиши, шахс, жамият ва давлат манфаатларига ҳамда атроф-табиий муҳитга зарар етказмаслиги лозим²⁶⁶.

²⁶⁵ Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 6 январдаги 287-мх-сон буйруғи (26.01.2026 й., рўй.: 3762) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²⁶⁶ Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 24 февралдаги 284-мх-сон буйруғи (14.03.2026 й., рўй.: 3787) билан тасдиқланган Сунъий интеллектга асосланган ечимларни яратиш, жорий

Давлат органлари ва ташкилотлари ўз тасарруфидаги ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини, тармоқлар ишининг барқарорлигини таъминлаши, шунингдек киберхавфсизлик бўйича ўз мажбуриятларини бажариши, ваколатли давлат органини киберхужумлар тўғрисида огоҳлантириши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида сақланаётган маълумотларнинг ўғирланиши ҳамда қалбакилаштирилиши ҳолатларининг олдини олиш чораларини кўриши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларини киберҳимоя қилиш учун сертификатлаштирилган аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий таъминотдан фойдаланиши, киберхавфсизлик соҳасида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ваколатли давлат органи билан келишиши шарт. Киберхавфсизлик субъектлари ахборот тизимлари ва ресурсларидаги маълумотларнинг қонунга хилоф равишда тарқатилиши, ўғирланиши, йўқолиши, яхлитлигининг бузилиши, блокраниши ва қалбакилаштирилишининг, шунингдек ахборот тизимлари ва ресурсларига рухсатсиз киришнинг бошқа кўринишларининг олдини олиши, бундай ҳоллар аниқланганда ўз вақтида тегишли чоралар кўриши, ахборот тизимлари ва ресурсларига кириш тартиби бузилганда ҳамда уларга рухсатсиз кириш натижасида ушбу тизимлар ҳамда ресурслар ўзгартирилган ёки йўқ қилинган тақдирда салбий оқибатларни камайтириш мақсадида уларни тезкорлик билан тиклаш чораларини кўриши, содир бўлган киберхавфсизлик ҳодисалари ва кибержиноятлар тўғрисида ваколатли давлат органини хабардор қилиши, ушбу ҳодисаларни тўлиқ фош этиш учун тегишли рақамли изларнинг йўқолишига йўл қўймаслик чораларини кўриши, шунингдек киберхавфсизлик ҳодисаларини таҳлил қилиш ва кибержиноятларни текшириш учун зарур бўлган маълумотларнинг доимий сақланишини таъминлаши, киберхавфсизлик объектларини муҳофаза қилиш ва уларнинг хавфсиз ишлаши мониторингини ўтказиш соҳасидаги маълумотларни ваколатли давлат органи билан ўзаро алмашишни амалга ошириши, ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберҳимоясини таъминлашда ваколатли давлат органи томонидан белгиланган киберхавфсизлик талабларига риоя этиши, киберхавфсизлик ҳодисаларига нисбатан чоралар кўриш механизмларининг ишлаб туришини ва киберхавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг ишлашини таъминлаши, улар мавжуд бўлмаган тақдирда эса ваколатли давлат органининг рухсати билан аутсорсинг хизматларидан белгиланган тартибда фойдаланиши, ваколатли давлат органига киберхавфсизликни таъминлаш мониторингининг ташкилий-техник тадбирларини амалга ошириш учун мониторинг тизимларига ва (ёки) киберхавфсизлик объектларига кириш ҳуқуқини бериши шарт²⁶⁷.

Давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар давлат сирлари ҳамда махфий сирлар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган ахборот ресурслари ва ахборот тизимларининг муҳофаза қилинишини таъминлаши шарт. Сунъий

қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича этика қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²⁶⁷ Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

интеллектдан фойдаланиб яратилган ахборот ресурслари ҳамда сунъий интеллект технологиялари асосида ишлайдиган ахборот тизимлари инсонга, унинг ҳаётига, соғлигига, эркинлигига, шаънига, кадр-қимматига путур етказмаслиги ва унинг бошқа ажралмас ҳуқуқларини бузмаслиги шарт. Веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурсининг эгаси, шу жумладан блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифасидан ёхуд бошқа ахборот ресурсидан қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган ўзга ҳаракатларни содир этиш мақсадларида фойдаланилишига йўл қўймаслиги шарт²⁶⁸.

Давлат фуқаролик хизматчиси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига риоя этиши, ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажариши, давлат органи томонидан белгиланган одоб-ахлоқ қоидаларига, хизматга оид ахборот билан ишлаш тартибига, шунингдек давлат фуқаролик хизматини ўташ билан боғлиқ бошқа қоидаларга риоя этиши, давлат органининг нуфузини туширишга олиб келиши ёки унинг ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажаришига шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳаракатлардан (ҳаракатсизликдан), шу жумладан ўз хизмат мажбуриятларини бажараётганда ҳар қандай шаклдаги камситишдан, ноҳолисликдан ёки кимгадир нисбатан алоҳида муносабатда бўлишдан тийилиши шарт²⁶⁹.

Ушбу нормаларнинг бузилиши натижасида мазкур жиноят вужудга келади.

Бунда, давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлиги ахборот соҳасидаги хавфсизликка таҳдидларга қарши ҳаракатлар юзасидан иқтисодий, сиёсий, ташкилий ва бошқа тусдаги чора-тадбирларни амалга ошириш, давлат сирларини сақлаш ва давлат ахборот ресурсларини улардан рухсатсиз тарзда фойдаланилишидан муҳофаза қилиш, Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ахборот маконига ва замонавий телекоммуникациялар тизимларига интеграциялашуви, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартиришга, ҳудудий яхлитлигини, суверенитетини бузишга, ҳокимиятни босиб олишга ёки қонуний равишда сайлаб қўйилган ёхуд тайинланган ҳокимият вакиллари ҳокимиятдан четлатишга ва давлат тузумига қарши бошқача тажовуз қилишга очикдан-очик даъват этишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишидан ҳимоя қилиш, урушни ва зўравонликни, шафқатсизликни тарғиб қилишни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоват уйғотишга қаратилган терроризм ва диний экстремизм ғояларини ёйишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишига қарши ҳаракатлар қилиш билан таъминланади. Шахснинг ахборот борасидаги хавфсизлиги унинг ахборотдан эркин фойдаланиши зарур шароитлари ва кафолатларини яратиш, шахсий ҳаётига тааллуқли сирларини сақлаш, ахборот воситасида қонунга ҳилоф равишда руҳий таъсир кўрсатилишидан ҳимоя қилиш йўли билан

²⁶⁸ Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги 560-П-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²⁶⁹ Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида” 2022 йил 8 августдаги ЎРҚ–788-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

таъминланади. Жисмоний шахсларга тааллуқли шахсий маълумотлар махфий ахборот тоифасига киради. Жисмоний шахснинг розилигисиз унинг шахсий ҳаётига тааллуқли ахборотни, худди шунингдек шахсий ҳаётига тааллуқли сирини, ёзишмалар, телефондаги сўзлашувлар, почта, телеграф ва бошқа мулоқот сирларини бузувчи ахборотни тўплашга, сақлашга, қайта ишлашга, тарқатишга ва ундан фойдаланишга йўл қўйилмайди, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно. Жисмоний шахслар тўғрисидаги ахборотдан уларга моддий зарар ва маънавий зиён етказиш, шунингдек уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари рўёбга чиқарилишига тўсқинлик қилиш мақсадида фойдаланиш тақиқланади. Фуқаролар тўғрисида ахборот олувчи, бундай ахборотга эгалик қилувчи ҳамда ундан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахслар бу ахборотдан фойдаланиш тартибини бузганлик учун қонунда назарда тутилган тарзда жавобгар бўладилар. Ахборот манбаи ёки муаллиф номи фақат суд қарори билан ошкор этилиши мумкин²⁷⁰.

Бунда, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда аниқланган валюта намунаси қалбаки эканлигига шубҳа пайдо бўлганда, тезкор-қидирув тадбирлари давомийлигини таъминлаш зарурати юзага келганда, тезкорликни амалга ошириш ҳамда тегишли вақтни тежаш мақсадида мазкур модда (буюм) ёки валюта намуналарини улар аниқланган жойнинг ўзида ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар биносида экспресс текшириш техник воситалари ёрдамида текширади²⁷¹.

2. Кибержиноят асосий бевосита объекти – жамият ва жамоат хавфсизлиги ва тартиби.

3. Кибержиноят қўшимча бевосита объекти – ахборот-коммуникация технологияларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар.

4. Кибержиноят факультатив бевосита объекти – ўзга шахс (лар) ва давлат, шу жумладан, шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни, кадр-қиммати, мулк дахлсизлиги, тинчлик ва инсоният хавфсизлиги, бошқарув тартиби ва бошқалар;

5. Кибержиноят субъекти – 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс.

6. Кибержиноят субъектив томони – қасддан.

7. Кибержиноят объектив томони – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ёки қонунга хилоф равишда ахборот-коммуникация тизимига кириб, қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни қонунга хилоф равишда ташкил этиш ёки ўтказиш, шу жумладан ана шундай ўйинлар учун қиморхоналар ташкил этиш ёки уларни сақлаш, вояга етмаган шахсни қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларга

²⁷⁰ Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принципи ва кафолатлари тўғрисида” 2002 йил 12 декабрдаги 439-П-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²⁷¹ Вазирлар Маҳкамасининг “Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг аналоглари, прекурсорлар, кучли таъсир қилувчи моддалар ҳамда валюта намуналарини экспресс текшириш жараёнида техник воситалардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида” 2023 йил 12 январдаги 12-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

жалб қилиш, қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ёки ўтказиш учун телекоммуникация тармоқларида, шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғи провайдерлари томонидан хизматлар кўрсатиш, тегишли дастурий таъминотдан нусха кўпайтириш, уни кўпайтириш, тарқатиш йўли билан содир этилади.

8. Кибержиноят мақсади – моддий ёки (ва) номоддий манфаат, ғаразли ёки бошқа паст ниятлар, ўч олиш ва ҳк.

9. Кибержиноят воситаси (қуроли) – ахборот-коммуникация технологиялари.

10. Кибержиноятнинг зарурий белгилари:

- 1) қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги;
- 2) қилмишнинг ҳуқуққа хилофлилиги;
- 3) қилмишда айбнинг мавжудлиги;
- 4) қилмишнинг жазога сазоворлиги;
- 5) қилмишнинг қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар билан боғлиқлиги;

6) жамиятда қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни қонунга хилоф равишда ташкил этиш ёки ўтказиш, шу жумладан ана шундай ўйинлар учун қиморхоналар ташкил этиш ёки уларни сақлаш, вояга етмаган шахсни қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларга жалб қилиш, қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ёки ўтказиш учун телекоммуникация тармоқларида, шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғи провайдерлари томонидан хизматлар кўрсатиш, тегишли дастурий таъминотдан нусха кўпайтириш, уни кўпайтириш, тарқатиш йўли билан содир этилиши;

7) вояга етмаган шахсни қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларга жалб қилиш ва қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ёки ўтказиш учун телекоммуникация тармоқларида, шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғи провайдерлари томонидан хизматлар кўрсатиш, тегишли дастурий таъминотдан нусха кўпайтириш, уни кўпайтириш, тарқатиш қилмиши учун айбдорнинг олдин бир йил ичида маъмурий жазога тортилиб, қайта уни содир этаётган бўлиши зарурлиги;

8) алоқа;

9) ахборот;

10) кибермуҳит, шу жумладан, кибермакон;

11) ахборот-коммуникация технологиялари.

Ушбу белгиларнинг биронтаси мавжуд эмаслиги қилмишнинг кибержиноят эканлигини инкор этади.

11. Кибержиноятнинг тамомланиши –

1) қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни қонунга хилоф равишда ташкил этгандан;

2) қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни қонунга хилоф равишда ўтказилган вақтдан;

3) қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар учун қиморхоналар ташкил этилган вақтдан;

4) қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар учун қиморхоналар сақланган вақтдан;

5) вояга етмаган шахс қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларга жалб қилинган вақтдан;

6) қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ёки ўтказиш учун телекоммуникация тармоқларида, шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғи провайдерлари томонидан хизматлар кўрсатилган вақтдан;

7) қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ёки ўтказиш учун телекоммуникация тармоқларида, шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғи провайдерлари томонидан хизматлар тегишли дастурий таъминотдан нусха кўпайтирилган вақтдан;

8) қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ёки ўтказиш учун телекоммуникация тармоқларида, шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғи провайдерлари томонидан хизматлар кўпайтирилган вақтдан;

9) қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ёки ўтказиш учун телекоммуникация тармоқларида, шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғи провайдерлари томонидан хизматлар тарқатилган вақтдан бошлаб.

12. Кибержиноятнинг тузилишига кўра тури – аралаш таркибли кибержиноятлар ҳам мавжуд.

13. Кибержиноятнинг ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра тури – ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган кибержиноят.

14. Жазо тизимига кўра тури – ижтимоий хавфли қилмиши учун Жиноят кодексида жарима, мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари, озодликни маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган кибержиноятлар.

15. Жиноят предмети – рақамли предметлар, жумладан, онлайн казино платформалари, betting сайтлар, мобил иловалар (gambling apps), ботлар (Telegram/Discord), молиявий элементлар жумладан, электрон пуллар (Click, Payme, crypto), виртуал баланслар, ставкалар (bets), дастурий таъминот, жумладан, gambling software, RNG (random generator) тизимлари, mirror сайтлар, шу билан бирга, матн, видео, аудио, мемлар, постлар, deepfake контент ва бошқа шаклдаги ахборот шунингдек, қуйидагилар ҳам жиноят предмети бўлиши мумкин:

1. Молиявий воситалар – нақдсиз пул, банк ўтказмалари, электрон ҳамёнлар орқали тўловлар (Payme, Click, PayPal, QIWI ва ҳ.к.), криптовалюта (Bitcoin, USDT, Ethereum ва бошқалар), онлайн тўлов тизимлари орқали маблағ, қимматли қоғозлар (акциялар, облигациялар), электрон сертификатлар, баланс тўлдириш (телефон, аккаунт, карта) ва ҳ.к.;

2. Рақамли активлар – лицензия калитлари (software key), онлайн сервис аккаунти, Premium обуна, домен номи, веб-сайтга эгалик, ижтимоий тармоқлардаги (Telegram, Instagram, YouTube ва бошқалар) каналлар ва гуруҳлар, NFT активлари, онлайн ўйин аккаунтлари, база маълумотлар,

электрон контракт ҳуқуқи, NFTлар, ўйин ичидаги қимматбаҳо виртуал буюмлар (Skins, In-game currency) ва ҳк.;

3. Ахборот – махфий маълумот, тендер маълумотлари, миждозлар базаси, пароллар, давлат реестри маълумотлари, имтиёзли кириш ҳуқуқи, жумладан, тижорат ёки хизмат сири ҳисобланган маълумотларга имтиёзли кириш ҳуқуқини бериш, касб, хизмат сирлари, текширув натижаларини ўзгартириш ва ҳк.;

4. Номоддий манфаат – лавозимга тайинлаш, лойиҳада ғолиб қилиш, рейтингни ошириш, файлни ўчириб бериш, маъмурий, молиявий ёки жиноий жазодан қутқариш, солиқ ва бошқа тўловларни камайтириш, давлат ижтимоий буюртмасини бериш, рухсатнома чиқариш ва ҳк.;

5. Техника ва IT ресурслар – сервер ресурслари, хостинг, VPN кириш, Cloud аккаунт, дастур кодлари, дастурий таъминот лицензияси, API кириш ҳуқуқи, бқори қийматга эга бўлган тижорат дастурларига (масалан, киберхавфсизлик ёки дизайн дастурларига) умрбод ёки узоқ муддатли пуллик обуналарни олиб бериш ва ҳк.;

6. Аралаш шакллар – қимматбаҳо техника (ноутбук, смартфон ва ҳк.), онлайн орқали етказилган товар, электрон ваучер, крипто-ҳисоб очиш, тўловни учинчи шахс орқали амалга ошириш, жиноятчи учун бепул яратиб берилган веб-сайтлар, SMM хизматлари, пуллик дастурий таъминотларга лицензиялар ёки обуналар (Subscription), мансабдор шахс ёки унинг яқинлари учун бепул сервер майдони (Hosting) ажратиб бериш ёки веб-сайт ишлаб чиқиб, уни тарғиб қилиш (SMM/SEO) хизматларини бепул кўрсатиш, хизматчининг ижтимоий тармоқлардаги саҳифасини пуллик тарғиб қилиш (Boost), онлайн курслар ёки пуллик веб-сервисларга обуналарни (Premium subscription) совға қилиш ва ҳк.

16. Кибержиноятни содир этишнинг энг кўп усуллари:

- 1) телекоммуникация ёки интернет тармоғида намоёйишкорона;
- 2) телекоммуникация ёки интернет тармоғида жойлаштириш орқали;
- 3) ахборот-коммуникация технологияларидан жиноят қуроли ёки воситаси сифатида фойдаланиш натижасида.

Ушбу жиноят қуйидаги шаклларда содир этилиши мумкин, хусусан:

- 1) веб-платформалар ва mirror (кўзгу) сайтлар. Мисол учун, ташкилотчилар асосий сайт блокланганда унинг нусхаларини (mirror) тезкорлик билан яратиш ва бунда фойдаланувчилар базаси ва баланслари сақланиб қолишини таъминлаш;

- 2) Telegram-ботлар ва иловалар. Мисол учун, ўйин жараёнини тўлиқ мессенжер ичида автоматлаштириб, ботлар орқали пул тикиш, натижаларни кутиш ва ютуқни ечиб олиш амалга ошириш;

- 3) аффилиат маркетинг ва реклама. Мисол учун, блогерлар ва ижтимоий тармоқдаги инфлюенсерлар орқали онлайн-казиноларни тарғиб қилиш, провайдерлар томонидан ушбу сайтларга кириш учун шароит яратиб берилиши ёки реклама контентини тарқатиш;

- 4) дастурий таъминотни тарқатиш. Мисол учун, қимор ўйинлари учун махсус алгоритмлар (РНГ – тасодифий сонлар генератори) асосида

ишлайдиган скриптларни сотиш ёки ижарага бериш (SaaS - Software as a Service моделида);

5) виртуал ва криптоказинолар. Мисол учун, ставкага тикишлар ва тўловлар тўлиқ криптовалюталарда (USDT, BTC) амалга ошириладиган платформаларни ташкил қилиш йўли билан содир этилиши мумкин.

Ушбу жиноятни фош этишда қуйидаги рақамли излар тўпланиши мумкин, хусусан:

1) сервер маълумотлар базаси (DB). Мисол учун, ўйинчиларнинг рўйхати, уларнинг тикишлар тарихи (betting history), кириш IP-манзиллари ва ҳисоб рақамлари;

2) тўлов агрегаторлари логлари. Мисол учун, онлайн тўлов тизимлари (Click, Payme ёки хорижий тизимлар) орқали амалга оширилган транзакциялар қайдлари;

3) домен ва хостинг маълумотлари. Мисол учун, сайт кимнинг номига рўйхатдан ўтганлиги (Whois), тўлов қайси карта орқали қилинганлиги ва сервернинг жисмоний жойлашуви;

4) ижтимоий инженерия излари. Мисол учун, Telegram гуруҳларидаги ёзишмалар, реклама постлари ва реферал ҳаволалар (referral links);

5) қурилма хотирасидаги излар. Мисол учун, гумонланувчининг телефонида ёки компьютерида казино маъмурияти панели (admin panel) очилганлигининг кэш-файллари ва браузер тарихи.

Жиноятни фош этилиши учун қуйидаги экспертизалар ўтказилиши мумкин, хусусан:

1) суд-компьютер-техникавий экспертизаси виртуал қимор платформаларининг сервер архитектурасини, back-end қисмидаги (PHP, Python ёки JS) скриптларда яширилган ютуқни бошқариш ва РНГ (тасодикий сонлар генератори) алгоритмларини, фойдаланувчиларнинг IP-манзиллари ва MAC-манзилларини яшириш учун қўлланилган VPN ва Proху тармоқларининг техник конфигурацияларини ҳамда тизим логларидаги (logs) молиявий амалиётларнинг вақт белгиларини (timestamps), Интернет провайдерлари томонидан тақиқланган қимор ресурсларини филтрация қилиш бўйича техник регламентларнинг бузилганлигини, DNS-ҳижжакинг (hijacking) ҳолатларини ҳамда провайдер ускуналаридаги Deep Packet Inspection (DPI) тизимидан четлаб ўтиш учун яратилган техник дарчаларни, дастурий таъминот айнан қимор ўйинини ташкил этиш учун мўлжалланганлигини, унда тасодикийлик принципи мавжудлигини, платформанинг техник архитектурасини, сервердаги маълумотлар, сайтнинг бошқарув панели (admin panel), ўйинчилар базаси, тизимга кириш логлари (IP-манзиллар), юклаб олинган ва тарқатилган қимор дастурларининг кодини, сайт ёки илованинг қайси хостинг-провайдерда жойлашганлигини, трафикни яшириш учун ишлатилган VPN, Proху ёки зеркало (кўзгу) сайтларнинг занжирини, провайдерлар томонидан ноқонуний ўйинлар учун атайлаб хизмат кўрсатилгани ёки кўрсатилмаганини, ўйиннинг таваккалчилик табиатини, ютуқ ўйинчининг маҳоратига эмас, балки дастурдаги эҳтимоллик (вероятность) ёки тасодикий рақамлар генератори

(RNG) алгоритмига боғлиқлигини, дастур кодида ташкилотчининг фойдаси учун алдаш масалан, ютукни атайлаб камайтириш функциялари борлигини;

2) суд-иктисодий экспертизаси қимор тизимидаги пул маблағларининг криптовалюта ҳамёнлари (BTC, ETH, USDT) орқали ҳаракатланиш транзакцияларини, Blockchair ёки Etherscan Explorer-лари ёрдамида аниқланган транзакция хэшларини (TXID), маблағларни анонимлаштириш учун ишлатилган Tumbler хизматларининг рақамли изларини ҳамда фиат маблағларининг крипто-активларга айлантирилиш схемаларини, жинойий йўл билан топилган даромаднинг умумий миқдорини;

3) суд-филологик (лингвистик) экспертизаси қимор ўйинларига жалб этиш учун тарқатилган реклама баннерларидаги шахснинг азарт ҳиссини қўзғатувчи лингвистик конструкцияларни, вояга етмаганларнинг нутқ услубига мослаштирилган манипулятив чақириқларни ҳамда ўйин жараёнидаги ёлғон ютуқ иллюзиясини яратувчи матнли хабарларни, реклама роликларидаги чақириқлар, овозлар ва матнларнинг тарғибот хусусиятига эга эканлигини, ўйин қоидалари, реклама матнлари ва ютуқ кафолатланган мазмунидаги ваъдаларнинг моҳиятини;

4) суд-психологик экспертизаси қимор иловаларининг интерфейс дизайнидаги (UI/UX) Variable Ratio Schedule тамойили асосида қурилган нейропсихологик триггерларни, ўйинчида доимий боғлиқликни (аддикция) келтириб чиқарувчи визуал ва овозли эффектларнинг частотасини ҳамда вояга етмаган шахсларнинг иродавий назоратини сусайтирувчи геймификация унсурларини, вояга етмаганларни ўйинга жалб қилишда қўлланилган психологик усулларни, ўйин дастурининг болалар онгига таъсири, уларда қарамлик (лудомания) уйғотиш элементлари борлигини;

5) суд-интеллектуал мулк экспертизаси қимор ўйинлари учун ишлатиладиган дастурий таъминотнинг (масалан, машҳур слот-машиналар алгоритмларининг) кодлари қай даражада ноқонуний нусха кўчирилганлигини, лицензияланмаган скриптларнинг оригинал дастурий маҳсулот билан техник муносиблигини ва муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимояланган рақамли активлардан ноқонуний фойдаланилганлигини;

6) видеоматериалларнинг суд экспертизаси онлайн-стриминг платформаларида намоёиш этилган қимор жараёнлари акс этган видеоёзувлардаги кадрлараро метамаълумотларни, экрандаги виртуал баланснинг сохталаштирилганлигини (fake balance) ва жонли эфир вақтида техник монтаж ёки скриптлар ёрдамида ютукни сунъий равишда яратиш ҳолатларини, онлайн казинолардаги Live-дилер (жонли ўйин) видеолари, реклама роликлари ва стримларнинг ҳақиқийлигини, улардаги техник белгилар орқали трансляция қайси ҳудуддан ва қайси қурилма орқали амалга оширилганини;

7) суд-фото-техникавий экспертизаси қиморхоналарнинг ёки сервер хоналарининг рақамли фотосуратларидаги EXIF-маълумотларини, суратга олинган қурилманинг сенсор хусусиятларини ва тасвир яратилган вақтдаги GPS-координаталарни таҳлил қилиб, жинойятнинг аниқ жойи ва вақтини;

8) суд-фонографик экспертизаси қимор ўйинларини мувофиқлаштирувчи Call-center ходимларининг ёки онлайн-дилерларнинг овозли хабарларини, нутқдаги индивидуал акустик белгиларни таҳлил қилиб, нутқ эгасини идентификация қилишни ҳамда аудиоёзувларнинг рақамли яхлитлигини;

9) суд-портрет экспертизаси виртуал казиноларда дилерлик қилган ёки қимор ўйинларини тармоқда фаол тарғиб қилган шахсларнинг рақамли тасвирлари асосида уларнинг антропометрик белгиларини гумонланувчилар билан идентификация қилишни ва тасвирдаги шахснинг биологик ёшини;

10) ҳужжатларнинг суд-техникавий экспертизаси онлайн букмекерлик фаолиятини ниқоблаш учун ишлатилган сохта офшор лицензияларини, рақамли имзо билан тасдиқланган сохта шартномаларни ва электрон тўлов тизимлари томонидан тақдим этилган қалбакилаштирилган транзакция қвитанцияларининг ҳақиқийлигини;

11) суд-социологик экспертизаси ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида ташкил этилган қимор ўйинларининг ижтимоий тармоқлардаги тарқалиш коэффициентини, аҳолининг турли қатламлари орасидаги қиморга боғланиб қолиш даражасини ва ушбу жиноий фаолиятнинг миллий хавфсизликка ҳамда ижтимоий барқарорликка етказган салбий оқибатлари кўламини;

12) суд-криптографик ва блокчейн экспертизаси агар ставкалар криптовалютада (Bitcoin, USDT ва ҳк.) қабул қилинган бўлса, транзакцияларнинг блокчейн занжирини, крипто-ҳамёнларнинг кимга тегишли эканлигини (экчейнджлар орқали) аниқлайди.

1.21-§. Ахборотлаштириш қоидаларини бузиш жиноятининг юримдик-техник таҳлили

278¹-модда. Ахборотлаштириш қоидаларини бузиш, яъни белгиланган ҳимоя чораларини кўрмаган ҳолда ахборот тизимлари, маълумотлар базалари ва банкларини, ахборотга ишлов бериш ҳамда уни узатиш тизимларини яратиш, жорий этиш ва улардан фойдаланиш ҳамда ахборот тизимларидан рухсат билан фойдаланиш фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилдан икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

1. Муҳофаза қилинадиган норма – Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан, ахборотни излаш, олиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқни чеклашга фақат қонунга мувофиқ ҳамда фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлиғини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш, шунингдек давлат сирлари ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сир ошкор этилишининг олдини олиш мақсадида зарур бўлган доирада йўл қўйилади. Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган органлар томонидангина амалга оширилади. Инсоннинг шаъни ва кадр-қиммати дахлсиздир. Ҳеч нарса уларни камситиш учун асос бўлиши мумкин эмас. Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки инсон кадр-қимматини камситувчи муомалага ёхуд жазога дучор этилиши мумкин эмас. Ҳеч ким расмий эълон қилинмаган қонун асосида ҳукм қилиниши, жазога тортилиши, мол-мулкидан ёки бирон-бир ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикасида барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиниши таъминланади. Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Ўзбекистон Республикасида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига биноан ҳамда ушбу Конституцияга мувофиқ эътироф этилади ва кафолатланади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегишли бўлади. Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа

инсонларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар. Инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсиздир. Инсоннинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. Ҳар бир инсон ўз шахсини эркин камол топтириш ҳуқуқига эга. Ҳеч кимга унинг розилигисиз қонунчиликда белгиланмаган мажбурият юклатилиши мумкин эмас. Инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, жамият ҳамда давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги шарт²⁷².

Қонунчиликка кўра, фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари иштирокчиларининг ҳалол, оқилона ва адолат билан ҳаракат қилиши назарда тутилади. Фуқаролар ва юридик шахсларнинг бошқа шахсга зарар етказишга, бошқача шаклларда ҳуқуқни суиистеъмол қилишга, шунингдек ҳуқуқни унинг мақсадига зид тарзда амалга оширишга қаратилган ҳаракатларига йўл қўйилмайди²⁷³.

Вазифаси ва афзалликларидан қатъи назар, объектив шаклда ифодаланган, босиб чиқарилган ҳамда босиб чиқарилмаган, муаллиф (ҳаммуаллифлар) ижодий фаолиятининг натижаси бўлган, ЭҲМ учун яратилган ҳар қандай дастурлар ва маълумотлар базаларига нисбатан муаллифлик ҳуқуқи татбиқ этилади.

ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасига муаллифлик, шунингдек муаллифнинг (муаллифларнинг) ёки ўзга ҳуқуқ эгасининг шахсий ва мулкӣ ҳуқуқлари амалдаги қонунчиликка мувофиқ аниқланади. ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасининг муаллифи (муаллифлари) ёхуд ўзга ҳуқуқ эгаси ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасини модификациялашни, шу жумладан дастурни бир дастурлаш тилидан бошқа тилга ўтказишни амалга ошириш ва (ёки) амалга оширишга рухсат этиш борасида мутлақ ҳуқуққа ҳам эгадир.

ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасидан бошқа шахсларнинг (фойдаланувчиларнинг) фойдаланиши ҳуқуқ эгаси билан тузилган шартнома асосида амалга оширилади,

Ҳуқуқ эгаларининг мутлақ ҳуқуқларига тааллуқли қонунчилик талабларининг жисмонӣ ёки юридик шахс томонидан бажарилмаслиги муаллифлик ҳуқуқининг бузилиши ҳисобланади.

ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасини ўзганинг номи билан чиқариш ёхуд ундан ғайриқонуний равишда нусха олиш ёки бундай асарларни тарқатиш қонунчиликда белгиланган тартибда маъмурий ёхуд жиноӣ жавобгарликка сабаб бўлади.

Тайёрланиши ёки улардан фойдаланилиши муаллифлик ҳуқуқи бузилишига олиб келадиган ЭҲМ учун яратилган дастурлар ёки маълумотлар

²⁷² Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²⁷³ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

базаларининг нусхалари қонунчиликда белгиланган тартибда олиб қўйилиши лозим²⁷⁴.

Ўзбекистон Республикасида телекоммуникациялар тармоқларида фойдаланиладиган телекоммуникацияларнинг техник воситалари, шу жумладан фойдаланувчи қурилмалари қонунчиликка ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга мувофиқлиги юзасидан сертификатлаштирилиши лозим. Телекоммуникациялар тармоқларидаги мобиль қурилмаларнинг халқаро ўзига хос идентификация кодлари рўйхатдан ўтказилиши керак. Давлат сирларини ёки махфий ахборотни ўз ичига олган ахборотга ишлов бериш учун мўлжалланган телекоммуникациялар тармоқлари ахборот хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги юзасидан мажбурий аттестациядан ўтказилиши лозим. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган операторлар ва провайдерлар телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш учун фойдаланиладиган ускуналарни, дастурларни ҳамда аппарат-дастурий мажмуаларни қонунчиликда белгиланган тартибда махсус ваколатли давлат органи орқали ўз маблағлари ҳисобидан олиши, ўрнатиши ва уларнинг нормал ишлашини таъминлаши, шунингдек мазкур тадбирларни ўтказишнинг ташкилий, техник ва тактик усуллари ошкор этилишига йўл қўймаслик чораларини кўриши шарт. Телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда фойдаланиладиган ускуналарни, дастурларни ҳамда аппарат-дастурий мажмуаларни жорий этиш ва улардан фойдаланиш фақат махсус ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилади. Телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда фойдаланиладиган ускуналар, дастурлар ҳамда аппарат-дастурий мажмуаларнинг миқдори ва таркиби операторлар ҳамда провайдерлар томонидан махсус ваколатли давлат органи билан келишилади. Телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-қидирув тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича махсус ваколатли давлат органининг кўрсатмалари операторлар ва провайдерлар томонидан бажарилиши, ушбу мақсадлар учун шарт-шароитлар яратилиши, шунингдек ўз ахборот тизимларига ва телекоммуникациялар тармоқларига бошқа ахборот тизимларини ҳамда телекоммуникациялар воситаларини ўрнатиш ва улаш масаласи махсус ваколатли давлат органи билан келишилиши шарт. Операторлар ва провайдерларнинг махсус ваколатли давлат органи билан ўзаро муносабатлари тартиби қонунчиликда белгиланади. Телекоммуникациялар тармоқларидан ёки воситаларидан шахс, жамият ва давлат манфаатларига зарар етказувчи жиноий мақсадларда фойдаланилган тақдирда, бундай телекоммуникациялар тармоқларининг ёки воситаларининг ишлаши тўхтатилади. Операторлар ва провайдерлар телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензия талаблари ва шартларига, шунингдек белгиланган қоидаларга мувофиқ амалга ошириши, кўрсатилаётган хизматларнинг сифати қонунчилик ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив

²⁷⁴ Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий муҳофазаси тўғрисида” 1994 йил 6 майдаги 1060-ХП-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

хужжатлар талабларига мувофиқ бўлишини таъминлаши, кўрсатилаётган хизматлар сифатини баҳолаш услубларини очик манбаларда кўрсатиши, телекоммуникациялар тармоқлари орқали узатиладиган барча турдаги сўзлашувларнинг, хабарларнинг сир сақланишига риоя этиши, хизматлар кўрсатиш шартлари ва тартиби тўғрисидаги, шу жумладан телекоммуникациялар хизматларининг тарифлари ўзгариши тўғрисидаги тўлиқ ахборотни фойдаланувчиларга ўз вақтида тақдим этиши, қонунчиликка, шунингдек лицензия талаблари ва шартларига мувофиқ ваколатли давлат органи билан келишувга кўра ўз тармоқларини изчиллик билан ривожлантириши ҳамда кенгайтириши, ўзи кўрсатаётган хизматлар тўғрисидаги ахборотни бепул тақдим этиши, шунингдек абонентларни қўллаб-қувватлаш маркази орқали абонентларнинг мурожаатларини бепул қабул қилиши ва уларнинг ижросини таъминлаши шарт. Фойдаланувчилар телекоммуникациялар хизматларидан фойдаланишнинг белгиланган қоидаларига риоя этиши, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив хужжатлар талабларига мувофиқлик сертификатига эга бўлган, халқаро ўзига хос идентификация кодлари рўйхатдан ўтказилган мобиль қурилмалардан фойдаланиши, ўзига кўрсатилган хизматлар учун ҳақни ўз вақтида тўлаши, иш сифатини пасайтиришга ёки телекоммуникациялар тармоқларини шикастлантиришга қаратилган хатти-ҳаракатлар қилмаслиги шарт²⁷⁵.

Телекоммуникациялар тармоқларида фойдаланиладиган ва мажбурий сертификатланиши керак бўлган телекоммуникацияларнинг техник воситалари мувофиқлик сертификатларига эга бўлиши керак. Оператор, провайдер, дилер ва эшиттирувчилар телекоммуникациялар тармоқларида ахборот ва киберхавфсизликни таъминлашда ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш соҳасида қонунчилик хужжатларига риоя қилиши, одамларнинг денгиздаги, ердаги, ҳаводаги, космик фазодаги хавфсизлигига, мудофаа, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни сақлаш соҳасидаги кечиктириб бўлмайдиган тадбирларни ўтказишга тааллуқли барча хабарларга, шунингдек йирик авариялар, фалокатлар, эпидемиялар, ёнғинлар ва бошқа ғавқулдда вазиятлар ҳақидаги хабарларга мутлақ устуворлик бериши, техник воситалардан Ўзбекистон Республикасининг мавжуд конституциявий тузумини, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга даъват қилиш, уруш ва зўравонликни, шафқатсизликни, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб этиш, давлат сирини ёки қонунчилик билан қўриқланадиган ўзга сирни ошкор этиш, жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак, Эшиттирувчилар, операторлар ва провайдерларнинг телевидение (радиоэшиттириш) тармоқлари ва техник бинолари қўриқлаш, ҳимоялаш ва хавфсиз фаолиятини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 14 апрелдаги 92-сон қарори билан тасдиқланган Телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар

²⁷⁵ Ўзбекистон Республикасининг “Телекоммуникациялар тўғрисида” 2024 йил 27 декабрдаги ЎРҚ–1015-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

объектларини қўриқлаш, муҳофаза қилиш ҳамда уларнинг хавфсиз фаолият кўрсатиши қоидалари талабларига жавоб бериши шарт. Оператор, провайдер ва телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш жараёнига алоқадор бошқа субъектлар томонидан яратилган ва абонентлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган маълумотлар базалари конфиденциал тусдаги ҳужжатлар сифатида ҳимояланиши керак. Абонентлар тўғрисидаги маълумотлардан бу абонентларнинг розилигисиз ахборот-маълумот хизмат кўрсатилиши учун фойдаланиш мумкин эмас. Оператор, провайдер, диллер ва телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш жараёнига алоқадор бошқа субъектлар телекоммуникациялар тармоқлари орқали узатиладиган телефон сўзлашувлари ва бошқа хабарлар, шунингдек, уларга тааллуқли бўлган барча маълумотларнинг сир тутилишини таъминлаши шарт. Оператор (провайдер) абонентларнинг умумий фойдаланиш тармоғидан узлуксиз фойдалана олишини таъминлашга мажбур. Мобил алоқа тармоғи фойдаланувчи қурилмаси IMEI-коди рўйхатдан ўтган бўлиши керак. Телекоммуникациялар тармоғига мувофиқлик сертификатига эга фойдаланувчи қурилмалари (телефон аппаратлари, рақамни автоматик аниқлаш функцияларига эга телефон аппаратлари, маълумотлар узатиш ва телематик хизматлар ускуналари (телефакс, телетекс, видеотекс ва бошқалар), радиотелефон алоқа воситалари, автожавоббергичлар, сигнализация қурилмалари) уланади. Операторлар ва провайдерларнинг телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш фаолияти белгиланган тартибда олинган лицензияга мувофиқ амалга оширилади. Абонент шартномаси бекор қилинганидан сўнг, оператор (провайдер) маълумотлар базасидан абонентларнинг шахсий маълумотлари йўқ қилишлари шарт. Шаҳарлараро ва халқаро телефон боғланиш автоматик хизмат кўрсатиш тизими, буюртма хизмат кўрсатиш тизими ва дарҳол хизмат кўрсатиш тизими бўйича амалга оширилиши мумкин. Телефон тармоқларида сигнализация ускуналарини ўрнатиш ва уларга техник хизмат кўрсатишни ташкил этиш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ваколатли органлар томонидан амалга оширилади. Wi-Fi хизмати ташкилотчиси оператор ёки провайдер билан биргаликда, фойдаланувчиларнинг шахсини идентификациялаш ҳамда фойдаланилган веб-ресурслар (лог-файллар) ҳисобини юритиш бўйича аппарат-техник чора-тадбирлар кўриши ва уларни 3 ой ичида сақланишини ташкиллаштириш, оператор ёки провайдер билан биргаликда, ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, Ўзбекистон Республикасининг мавжуд конституциявий тузумини, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга даъват этишга, уруш, зўравонлик ва терроризмни, шунингдек диний экстремизм, сепаратизм ва фундаментализм ғояларини тарғиб қилишга, миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатувчи ахборотни, шунингдек, порнографияни тарғиб қилишга қаратилган ахборотнинг ва тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Wi-Fi хизмати ташкилотчиси ўз ҳудудида бепул Wi-Fi хизматини ташкил этиш оператор ёки провайдер билан тузилган шартномага мувофиқ оператор ёки провайдернинг аппарат-дастурий воситалари асосида

амалга оширилиши мумкин. Абонент учун абонент рақамини кўчириш хизмати мобил алоқа операторлари (провайдерлари) томонидан тақдим этилади. КРМБни шакллантириш, юритиш, ишлаши ва техник кузатуви, шу жумладан ундаги ахборот ва маълумотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш, узатиш, шунингдек КРМБдан фойдалана олиш имкониятини тақдим этиш Ўзбекистон Республикасининг “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги Қонуни талабларига риоя қилган ҳолда КРМБ оператори томонидан таъминланади. Абонент рақамини кўчириш жараёнини амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотлар мобил алоқа операторлари (провайдерлари) томонидан КРМБ операторига ва аксинча Ўзбекистон Республикасининг “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги Қонуни талабларига риоя қилган ҳолда тақдим этилади. КРМБдаги ахборотни муҳофаза қилиш, шунингдек ундан фойдалана олиш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя қилган ҳолда таъминланади. КРМБда сақланаётган маълумотларни рухсатсиз фойдалана олишдан ҳимоялаш КРМБ оператори томонидан таъминланади. Эшиттирувчи, оператор, провайдер телевидение хизматлари фаолиятини лицензия асосида амалга оширади. Телевидение тармоқлари орқали қонунчилик билан тақиқланган маълумотларни тарқатишга йўл қўйилмайди. Оператор ва провайдерлар телекоммуникациялар хизматларини кўрсатишда ўз фаолиятини лицензия шартлари ва қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириши, телекоммуникациялар тармоқлари бўйлаб узатиладиган телефон сўзлашувлари ва барча турдаги маълумотларни сир сақлаши, телекоммуникациялар тармоқларидан рухсатсиз фойдалана олиш ҳолатларига йўл қўймаслик чораларини кўриши, шартномада белгиланган муддатларда телекоммуникациялар алоқаси хизматларини кўрсатиши, хизматлар, кечаю-кундуз кўрсатилишини таъминлаши, оператор ва провайдер тармоғидаги IP протоколи асосида ишловчи қурилмаларни IPv6 протоколи версиясини қўллаб-қувватлашини таъминлаши, ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, Ўзбекистон Республикасининг мавжуд конституциявий тузумини, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга даъват этишга, уруш, зўравонлик ва терроризмни, шунингдек, диний экстремизм, сепаратизм ва фундаментализм ғояларини тарғиб қилишга, миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатувчи ахборотни, шунингдек, порнографияни тарғиб қилишга қаратилган ва тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши, операторлар ва провайдерлар томонидан абонентларга телекоммуникациялар хизматларини кўрсатишда овозини ўзгартириш ва абонент рақамини сохталаштириш, ўзгартириш технологияларига асосланган хизматлар кўрсатмаслик, абонентлар операторнинг (провайдернинг) ахборот-маълумот хизматида қўнғироқ қилиб боғланишида тенг ҳуқуқлилигини таъминлаши шарт. Бунда, абонентлар операторнинг (провайдернинг) ахборот-маълумот хизматида қўнғироқ қилиб боғланишларида маълум бир абонентларга бошқа абонентларга нисбатан устуворлик (боғланиш вақти, хизмат кўрсатиш вақти ва бошқалар) тақдим этилишига йўл қўйилмайди. Мобил алоқа хизматларини кўрсатишда оператор

(провайдер) хизмат кўрсатиш ҳудуди доирасида мобил алоқа хизматларини сифатли, ўз вақтида ва кеча-ю кундуз кўрсатилишини таъминлаши, абонент шартноманинг бекор қилиниши вақтигача қарзини ва олдиндан тўловнинг зарур суммаси тўлиқ ҳажмда тўлаганида абонентга мобил алоқа хизматлари кўрсатилишини тиклаши, ўзини-ўзи обрўсизлантирган дилерлар билан шартномалар тузмаслиги, СИМ-картани алмаштириш, шунингдек абонентнинг аризаси бўйича рақамни бошқа фойдаланувчи қурилмасига қайта дастурлаш (СИМ-картадан фойдаланишни кўзда тутмайдиган мобил алоқа стандартлари учун) хизматларини кўрсатиш фақат операторнинг (провайдернинг) хизмат кўрсатиш пунктларида амалга оширилишини таъминлаши, дилер орқали тузилган мобил алоқа хизматларини кўрсатиш шартномаси асосида абонентга мобил алоқа хизматларини тақдим этиши, халқаро трафикнинг ноқонуний ўтказилиши ҳамда GSM, IP ёки SMS-шлюзлардан яширин фойдаланишга қарши чораларни кўриш, шу жумладан тармоқда махсус аппарат-дастурий воситаларни ўрнатиш йўли билан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида GSM стандартида ишлайдиган барча оператор (провайдер) КРМБга уланиши, абонентнинг оператор тармоқларида абонент рақамини кўчиб ўтиш хизматидан фойдаланиш ҳуқуқига тўсқинлик қилмаслиги, мунтазам равишда ўз телекоммуникациялар тармоқларида халқаро трафикни ўтказиш тартиби бузилишларининг олдини олиш, аниқлаш ва тугатишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш ва абонентнинг ҳаракатларини таҳлил қилиш ёки тегишли тадбирларни амалга ошириш йўли билан абонент рақамларини фаол аниқлаш принципларига асосланган воситалар ва тизимларни қўллаши шарт. Оператор ва провайдерлар маълумот узатиш хизматларини кўрсатишда халқаро трафик ноқонуний ўтказиш (шу жумладан GSM, IP ёки SMS-шлюзлардан), шунингдек тармоқда махсус аппарат-дастурий воситаларини ўрнатиш йўли билан ноқонуний фойдаланишга қарши курашиш чораларини кўришга мажбур. Абонентлар ва фойдаланувчилар оператор (провайдер) билан тузилган шартнома шартларига риоя қилишга, телекоммуникациялар тармоғидан давлат сири бўлган маълумотларни ёки қонунчилик билан қўриқланадиган бошқа сирни узатиш учун фойдаланишга йўл қўймасликка, телекоммуникациялар тармоғи орқали Ўзбекистон Республикасининг мавжуд конституциявий тузумини, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга даъват этишга, уруш, зўравонлик ва терроризмни, шунингдек, диний экстремизм, сепаратизм ва фундаментализм ғояларини тарғиб қилишга, миллий, ирқий, этник ёки диний адоват кўзгатувчи, шунингдек порнографияни тарғиб қилишга қаратилган ахборотни ва тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотни тарқатмасликка, телекоммуникациялар тармоғи ёрдамида фуқароларнинг шаъни ва кадр-қимматига ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи, уларнинг шахсий ҳаётига аралашишга йўл қўювчи ахборотни тарқатмасликка, қонунчилик ҳужжатларига асосан телекоммуникациялар тармоғи орқали тарқатилиши тақиқланган ахборотлардан тижорат ёки нотижорат мақсадларда тарқатиш учун фойдаланмасликка, телекоммуникациялар тармоқлари иш сифатининг пасайишига ёки телекоммуникациялар тармоқларининг

шикастланишига олиб келадиган ҳаракатларни базармасликка, ўз хоналарида жойлашган абонент тармоғи ва фойдаланувчи қурилмасини техник ҳужжатлар қоидаларига риоя қилишга, маълумотлар базаларидан рухсатсиз фойдаланмасликка ва операторнинг (провайдернинг) дастурий воситаларини ўзгартирмасликка, таркибида компьютер вируслари ёки тармоқ учун зарар етказиши мумкин бўлган ахборотни ёки дастурий таъминотни эълон қилмаслик ёки узатмасликка, компьютер ахборотидан, яъни ахборот-ҳисоблаш тизимлари, тармоқлари ва уларнинг таркибий қисмларидаги ахборотлардан қонунга ҳилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланмасликка, телекоммуникациялар тармоғида тақдим этилган ахборот ва интеллектуал мулк объекти учун муаллифлик ҳуқуқларини бузмасликка, телевидение тармоқларида бошқа шахсларнинг бериладиган сигналга уланиш ҳолатларига йўл қўймасликка, оператор (провайдер) вакилларига уларни текшириш, таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш учун телекоммуникациялар иншоотлари ва қурилмалари жойлашган ҳудудларга киришни таъминлашга мажбур. Маълумот узатиш хизматлари абонентлари ва фойдаланувчилари телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш учун GSM, IP ёки SMS-шлюзлар ёки шунга ўхшаш аппарат-дастурий воситалардан фойдаланиш нияти бўлганда, бу ҳақда операторни (провайдерни) огоҳлантиришга, маълумотлар узатиш тармоғидан халқаро трафикни ноқонуний ўтказиш мақсадида фойдаланмасликка мажбур. Мобил алоқа хизматлари абонентлари ва фойдаланувчилари абонент рақамидан шахсий мақсадларда ёки ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун (якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахслар учун) фойдаланиш, спамга, фирибгарликка, оператор (провайдер) билан олдиндан келишмасдан оммавий SMS жўнатмаларга, шунингдек, бошқа ноқонуний фойдаланишга йўл қўймасликка, абонент рақамидан халқаро трафикни ноқонуний ўтказиш учун фойдаланмаслик, шу жумладан, GSM ва IP шлюзлардан фойдаланган ҳолда, ўрнатилган ҳимоя тизимларини четлаб ўтган ҳолда телекоммуникациялар тармоғидан фойдаланиш ҳамда халқаро трафикни ўтказиш мақсадида телекоммуникациялар тармоғидан қонунга ҳилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланмасликка, шунингдек мазкур мақсадлар учун мўлжалланган махсус дастурий ёки аппарат воситаларини қонунга ҳилоф равишда (рухсатсиз) сақлаш ва уларнинг фаолиятига йўл қўймасликка мажбур²⁷⁶.

Махфий ахборот Маълумотларни узатиш тармоғи бўйича тарқатилганда махфий ахборот билан ишлаш рухсатномасига эга бўлган ва ахборот айирбошланишнинг сертификатланган воситаларидан фойдаланувчи жисмоний ва юридик шахслар учун унинг муҳофаза қилиниши таъминланади.

Ахборот тизимлари, тармоқларини ахборот айирбошлаш воситалари таркибига улаш Ахборот фаолияти ва маълумотлар узатишни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича идоралараро мувофиқлаштириш комиссиясининг қарорига кўра берилган лицензиялар мавжуд бўлганда амалга оширилади.

²⁷⁶ Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 6 январдаги 287-мх-сон буйруғи (26.01.2026 й., рўй.: 3762) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Ахборот айирбошлаш воситалари таркибига ахборот ресурсларидан фойдаланишнинг алоҳида қоидалари белгиланган давлат ахборот тизимлари, тармоқларини улаш ахборот хавфсизлиги талабларига мувофиқ аттестациядан ўтказилгандан кейин Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг рухсати билан амалга оширилади.

Давлат сиридан иборат бўлган ахборотни тайёрлаш ва тарқатишда фойдаланиладиган ахборот айирбошлаш воситасини, шунингдек, ахборотни муҳофаза қилиш воситасини мажбурий равишда сертификатлаш зарур.

Қуйидагилар:

давлат сири ёки махфий ахборот;

миллий мулк;

архив фонди;

Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги билан жўнатилиши (чиқарилиши) чекланиши мумкин бўлган ҳужжатлаштирилган ахборот тоифасига киритилган бошқа ахборотни Ўзбекистон Республикасидан жўнатиш (чиқариш) чекланади.

Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришга даъват қилувчи, уруш, зулм ва порнографияни тарғиб қилувчи, диний ва миллий низоларни кўзғовчи, инсон шаъни ва қадр-қимматини поймол қилувчи ахборотлар ҳамда амалдаги қонунчилик билан тарқатилиши тақиқланган бошқа ахборотларнинг олиб кирилиши ва тарқатилиши тақиқланади.

Ахборот айирбошлашни амалга оширишда қонунга ҳилоф равишдаги хатти-ҳаракатлар учун жисмоний ва юридик шахслар – Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентлари Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ жавоб берадилар.

Давлат ахборот ресурсларини ва ахборот ресурсларини давлат билан биргаликда шакллантиришга ихтисослашган ташкилотлар маълумотларни узатиш тармоқларини лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланиш бўйича фаолиятнинг бу турига рухсатнома олишлари шарт.

Давлат ахборот ресурсларини шакллантириш ва уларга хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган ахборот тизимлари, маълумотлар базалари ва банклари қонунчиликка мувофиқ сертификатланиши керак.

Фойдаланиш чекланган ахборот мавжуд бўлган давлат ахборот ресурсларини шакллантириш учун мўлжалланган ахборот тизимлари ахборот хавфсизлиги талабларига мувофиқ мажбурий аттестациядан ўтказилиши керак.

Давлат, жамоат органлари, фуқаролар, мулкчилик шакллари ва қайси идоравий бўйсунитидан қатъи назар, корхона, муассаса ва ташкилотлар давлат ахборот ресурсларини шакллантириш учун зарур бўлган тегишли шаклда ҳужжатлаштирилган ахборотни давлат ахборот ресурсларини шакллантириш ва ундан фойдаланиш учун масъул бўлган органларга ва (ёки) ташкилотларга тақдим этишлари шарт.

Интернет билан ишлаш учун Х.25, Frame Relay ва АТМ шунингдек, коммутация қилинган телефон тармоғидан коммутация қилинган каналлар

PPP/SLIP (Point protocol IP protocol) бўйича маълумотларни узатиш каналларидан фойдаланган ҳолда фойдаланиш мумкин²⁷⁷.

Ахборотни бузиб талқин этиш ва сохталаштириш тақиқланади.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда мансабдор шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳар кимга ўзининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган ахборот билан танишиб чиқиш имкониятини таъминлаб беришга, мақбул ахборот ресурслари яратишга, фойдаланувчиларни фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятларига, уларнинг хавфсизлигига доир ҳамда жамият манфаатларига тааллуқли бошқа масалалар юзасидан ахборот билан оммавий тарзда таъминлашга мажбурдирлар.

Ҳар қандай ахборот, агар у билан қонунга хилоф равишда муомалада бўлиш ахборот мулкдори, эгаси, ахборотдан фойдаланувчи ва бошқа шахсга зарар етказиши мумкин бўлса, муҳофаза этилмоғи керак.

Ахборотни муҳофаза этиш:

шахс, жамият ва давлатнинг ахборот соҳасидаги хавфсизлигига таҳдидларнинг олдини олиш;

ахборотнинг махфийлигини таъминлаш, тарқалиши, ўғирланиши, йўқотилишининг олдини олиш;

ахборотнинг бузиб талқин этилиши ва сохталаштирилишининг олдини олиш мақсадида амалга оширилади.

Ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсати ахборот соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган бўлади ҳамда шахс, жамият ва давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг асосий вазифалари ҳамда фаолият йўналишларини, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларининг, фуқароларнинг ўрни ва аҳамиятини белгилайди.

Шахснинг ахборот борасидаги хавфсизлиги унинг ахборотдан эркин фойдаланиши зарур шароитлари ва кафолатларини яратиш, шахсий ҳаётига тааллуқли сирларини сақлаш, ахборот воситасида қонунга хилоф равишда руҳий таъсир кўрсатилишидан ҳимоя қилиш йўли билан таъминланади.

Жисмоний шахсларга тааллуқли шахсий маълумотлар махфий ахборот тоифасига киради.

Жисмоний шахснинг розилигисиз унинг шахсий ҳаётига тааллуқли ахборотни, худди шунингдек шахсий ҳаётига тааллуқли сирини, ёзишмалар, телефондаги сўзлашувлар, почта, телеграф ва бошқа мулоқот сирларини бузувчи ахборотни тўплашга, сақлашга, қайта ишлашга, тарқатишга ва ундан фойдаланишга йўл қўйилмайди, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

²⁷⁷ Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси ахборот ресурсларини тайёрлаш ва уларни маълумотларни узатиш тармоқларида, шу жумладан, интернетда тарқатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида” 1999 йил 26 мартдаги 137-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Жисмоний шахслар тўғрисидаги ахборотдан уларга моддий зарар ва маънавий зиён етказиш, шунингдек уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари рўёбга чиқарилишига тўсқинлик қилиш мақсадида фойдаланиш тақиқланади.

Фуқаролар тўғрисида ахборот олувчи, бундай ахборотга эғалик қилувчи ҳамда ундан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахслар бу ахборотдан фойдаланиш тартибини бузганлик учун қонунда назарда тутилган тарзда жавобгар бўладилар.

Оммавий ахборот воситалари ахборот манбаини ёки таҳаллусини қўйган муаллифни уларнинг розилигисиз ошкор этишга ҳақли эмас. Ахборот манбаи ёки муаллиф номи фақат суд қарори билан ошкор этилиши мумкин.

Жамиятнинг ахборот борасидаги хавфсизлигига қуйидаги йўллар билан эришилади:

демократик фуқаролик жамияти асослари ривожлантирилишини, оммавий ахборот эркинлигини таъминлаш;

қонунга ҳилоф равишда ижтимоий онгга ахборот воситасида руҳий таъсир кўрсатишга, уни чалғитишга йўл қўймаслик;

жамиятнинг маънавий, маданий ва тарихий бойликларини, мамлакатнинг илмий ва илмий-техникавий салоҳиятини асраш ҳамда ривожлантириш;

миллий ўзликни англашни издан чиқаришга, жамиятни тарихий ва миллий анъаналар ҳамда урф-одатлардан узоқлаштиришга, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштиришга, миллатлараро ва конфессиялараро тотувликни бузишга қаратилган ахборот экспансиясига қарши ҳаракат тизимини барпо этиш.

Давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлиги қуйидаги йўллар билан таъминланади:

ахборот соҳасидаги хавфсизликка таҳдидларга қарши ҳаракатлар юзасидан иқтисодий, сиёсий, ташкилий ва бошқа тусдаги чора-тадбирларни амалга ошириш;

давлат сирларини сақлаш ва давлат ахборот ресурсларини улардан рухсатсиз тарзда фойдаланилишидан муҳофаза қилиш;

Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ахборот маконига ва замонавий телекоммуникациялар тизимларига интеграциялашуви;

Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартиришга, ҳудудий яхлитлигини, суверенитетини бузишга, ҳокимиятни босиб олишга ёки қонуний равишда сайлаб қўйилган ёхуд тайинланган ҳокимият вакиллари ҳокимиятдан четлатишга ва давлат тузумига қарши бошқача тажовуз қилишга очикдан-очик даъват этишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишидан ҳимоя қилиш;

урушни ва зўравонликни, шафқатсизликни тарғиб қилишни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоват уйғотишга қаратилган терроризм ва диний экстремизм ғояларини ёйишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишига қарши ҳаракатлар қилиш.

Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар²⁷⁸.

Ҳужжатлаштирилган ахборот ресурсининг муҳофазасини таъминлаш бўйича чоралар уни давлат архивига топшираётган ташкилот томонидан белгиланади.

Ахборот ресурсини давлат сақловига қабул қилишда хавфсизликни муҳофаза қилишни қуйидаги дастурий-техник воситалар ва ташкилий чоралар ёрдамида тегишли давлат архиви таъминлайди:

ахборот хавфсизлигига таҳдидларни аниқлаш ва бартараф этиш;

ахборот ресурсининг архив нусхасини топшириш, архивни шакллантириш, уни сақлаш ва ундан фойдаланишда маълумотларнинг тўлиқлигини таъминлаш;

рухсат берилмаган ахборот ресурсидан фойдаланиш, унга қўшимча ва ўзгартишлар киритишдан муҳофаза қилиш;

архив маълумотларнинг захира ва қайта тикланиши тизимини таъминлаш.

Умумий фойдаланишга мўлжалланган ахборот ресурслари (юридик ва жисмоний шахслар, норматив-ҳуқуқий актлар, табиий ресурслар, давлат органларининг веб-сайтлари ва бошқалар бўйича маълумотлар базалари) барча давлат органлари, юридик ва жисмоний шахсларга давлат архивлари томонидан уларга белгиланган ваколатлар доирасида тақдим этилади.

Махсус давлат ахборот ресурсларидан (давлат сири ва конфиденциал маълумотларга эга бўлган идоралар, ҳудудий бошқарув ва ҳокимият органлари, давлат юридик шахслари ва жисмоний шахслар) фойдаланиш учун рухсат бериш давлат архивлари томонидан уларни шакллантириш, қўлланилиши ва янгиланиб борилишига масъул бўлган органлар билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Ахборот ресурсларини давлат сақловига топширган ташкилотлар ундан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум бўлмайдилар.

Ахборот ресурсларини давлат сақловига қабул қилган давлат архивлари қуйидагилар учун жавобгардирлар:

маълумотлар билан ишлаш қоидаларини бузганлик, маълумот алмашинувини амалга оширишда ҳуқуқбузарлик ҳаракатларидан фойдаланганлик ва йўл қўйганлик;

жисмоний шахслар ҳақида шахсий маълумотларга эга бўлган ахборотларни тарқатганлик;

ахборот ресурсларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш;

ахборот ресурсларидаги маълумотларни ўғирлаш, йўқотиш, бузиш, блокировка қилиш ва сохталаштириш;

муаллифлик ҳуқуқлари ва интеллектуал мулк бўйича қонунчиликни бузганлик.

²⁷⁸ Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида” 2002 йил 12 декабрдаги 439-П-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Давлат архивларига амалдаги қонунчиликка мувофиқ бошқа жавобгарлик ҳам юклатилиши мумкин²⁷⁹.

Тизим иштирокчиларининг фонд бозорида АКТлари электрон ҳужжатларининг бут сақланишини, ўзгартирилишини, муҳофаза қилишини, қайта ишланишини, жўнатилиши ва қабул қилинишини, шу жумладан:

электрон ҳужжатларнинг, улар жўнатилган ва қабул қилинган сана ва вақтлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган реквизитларнинг такрорий нусхаси кўчирилиши ва архивда сақланишини;

Тизим иштирокчилари ўртасидаги қоғоз шаклидаги ҳужжат алмашилишини қисқартириш ҳамда инсон омилининг ахборотларни қайта ишлаш сифати ва тезкорлигига бўлган салбий таъсирини камайтириш мақсадида қоғоз ва электрон ҳужжатларнинг қўл ишини минималлаштиришни;

ахборотларни киритиш/чиқаришни такрорловчи операцияларни истисно этишни, катта ҳажмдаги ахборотларни қайта ишлаш ва ахборот тизимларининг интеграциялашуви мумкинлигини;

электрон ҳужжатларнинг махфийлигига, бутлигига ва уларга муаллифлик қилишга қўйилган талабларга риоя этилишини;

қонунчиликда ўрнатилган талабларга мувофиқ ЭРИнинг ҳаққонийлигини, шунингдек, қабул қилувчи томонидан электрон ҳужжатни қайта ишлаш пайтида жўнатувчининг ЭРИ калити сертификати амал қилаётганини текшириш мумкинлигини;

электрон ҳужжатларнинг транзит ўтказилишидан, у амалга ошириладиган транзит амалга ошириладиган тизимда иштирокчилар томонидан очилмаслиги ва кўрилмаслиги шарти билан (ёпиқ конверт фақат унинг эгаси томонидан очилиши мумкин) фойдаланишни таъминлаши лозим.

Тизим иштирокчилари томонидан электрон ҳужжатларни муҳофаза қилиш учун фойдаланилаётган фонд бозоридаги ахборот-коммуникация технологиялари қонунчиликда ўрнатилган тартибда сертификатланган бўлиши ва фойдаланиш ҳужжатларига мувофиқ ишлатилиши лозим.

Электрон ҳужжатларнинг чиқиб кетиши, ўғирланиши, йўқотилиши, бузилиши, уларга чекловларнинг ўрнатилиши ва қалбакилаштирилишининг ҳамда электрон ҳужжатларга рухсатсиз кириш ва улардан нусха кўчиришнинг олдини олишни ўз ичига олувчи Тизим иштирокчисининг ахборот хавфсизлиги Тизим иштирокчисининг дастурий-техник чора-тадбирлари билан таъминланади.

Ахборот хавфсизлиги шунингдек, бошқа мавжуд воситалар билан ҳам қонунчилик ва ушбу Низом талабларини инобатга олган ҳолда, Тизим иштирокчисининг ички қоидаларига мувофиқ таъминланиши мумкин.

Тизим иштирокчилари қонунчилик ва ушбу Низом талабларини инобатга олган ҳолда, белгиланган қоидаларнинг бузилишини ва унинг учун жавобгарликка тортилишни олдини олишни назарда тутувчи ахборот

²⁷⁹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Ўзархив” агентлиги бош директорининг 2007 йил 17 июлдаги 18-сон буйруғи (рўйхат рақами 1703, 2007 йил 13 август) билан тасдиқланган Ахборот ресурсларининг архив нусхаларини яратиш ва уларни давлат сақловига топшириш бўйича йўриқнома // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

хавфсизлиги ва Тизимдан фойдаланишнинг ички қоидаларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди.

Дастурий-техник чора-тадбирлар қуйидагиларни таъминлайди:

Тизим иштирокчиси-ташкilot ходимларининг мазкур ташкilot ходимларининг лавозим йўриқномаларидан келиб чиққан ҳолда, дастурий ресурсларга чекланган киришини;

фонд бозорида АКТларидан фойдаланишда Тизим иштирокчиси бўлган ташкilotларнинг барча ҳаракатларини антивирус билан муҳофаза қилиш ва баённома юргизишни.

Тизим иштирокчилари криптографик муҳофаза қилишни қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширишади.

ЭРИдан фойдаланиш ваколатига эга бўлмаган ва ундан шахсий ёхуд учинчи шахс манфаатлари йўлида фойдаланган Тизим иштирокчиси ва иштирокчи ташкilot ходимлари қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

Тизим иштирокчиси унинг ўзи томонидан Тизимда исталган ҳаракатларни амалга оширишга ваколат берган шахснинг унинг номидан бажарган барча ҳаракатларига жавобгардир.

Тизим иштирокчилари қуйидагиларга мажбурдирлар:

тизимнинг узлуксиз фаолиятини таъминлаш;

ахборот хавфсизлиги ва Тизимдан фойдаланишнинг ички қоидаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш (фақат Тизим иштирокчиси юридик шахс бўлган ҳолда);

электрон ҳужжатларни тузишни ва жўнатишни қонунчилик ҳужжатлари ҳамда ушбу Низом талабларига мувофиқ равишда қатъий таъминлаш;

мустақил равишда ЭРИ сертификатини олиш, шунингдек, фонд бозорида АКТларининг ЭҲАдан фойдаланиладиган зарур иш ҳолатини қўллаб-қувватлаш;

электрон ҳужжатларда кўрсатилган буюртма ва/ёки топшириқларни фонд бозорининг технологик жараёнларига мувофиқ, қонунчилик талабларини инобатга олган ҳолда қабул қилиш/жўнатиш, топшириш/ижро этиш²⁸⁰.

Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлигининг Давлат ахборот тизимларини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш ягона интегратори Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасини ахборот билан тезкор таъминлаш учун интеграциялаштирилган ахборот тизимларини яратиш, ривожлантириш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек давлат органлари ахборот

²⁸⁰ Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2008 йил 1 августдаги 2008-13-сон буйруғи (рўйхат рақами 1855, 2008 йил 9 сентябрь) билан тасдиқланган Фонд бозорида ахборот-коммуникация технологиялардан фойдаланишга ўрнатилган талаблар тўғрисидаги низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

тизимлари билан уларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш юзасидан жавобгар ҳисобланади²⁸¹.

Фойдаланувчиларнинг ахборотни рухсатсиз фойдаланишдан ҳимоя қилишга доир белгиланган чораларни бузишга қаратилган хатти-ҳаракатларига йўл қўйилмайди.

Муайян жисмоний шахсга тааллуқли бўлган ёки уни идентификация қилиш имконини берадиган шахсга доир маълумотларни учинчи шахсларга тақдим этиш Ўзбекистон Республикасининг “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ амалга оширилади.

Ваколатли органларнинг ахборот тизимларини идентификациялашнинг ягона тизимига улаш интеграциялашувга қўйиладиган техник талабларга мувофиқ амалга оширилади.

Ҳужжатлар ва ахборот билан автоматлаштирилган тарзда айирбошлаш мақсадида ваколатли органлар ахборот тизимларининг интеграциялашув “Электрон ҳукумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали амалга оширилади.

“Электрон ҳукумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформасига уланадиган ваколатли органларнинг ахборот тизимлари ҳам ҳужжатлар ва ахборотни тақдим этиш учун мурожаат қилган маълумотларни етказиб берувчилар, ҳам ҳужжатлар ва ахборотни сўраган маълумотларнинг истеъмолчилари бўлиши мумкин.

Идоралараро электрон ҳамкорлик қилишда фойдаланувчиларнинг фойдаланишини ва ваколатларини таъминлаш устидан назорат қилиш идентификациялашнинг ягона тизими орқали амалга оширилади.

Идентификациялашнинг ягона тизимида фойдаланувчиларнинг шахсий маълумотларидан рухсатсиз фойдаланганлик учун ваколатли органлар – ахборот тизимларининг эгалари ва Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги жавоб беради²⁸².

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги шакллантирилган марказий маълумотлар базаларининг нусхаларини улардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлмаган шахсларга тақдим этиш ҳуқуқига эга эмас.

Ваколатли органлар томонидан марказий маълумотлар базаларига тақдим этиладиган маълумотлар тақдим этилаётган пайтда ишончли, тўлиқ ва долзарб бўлиши керак.

Ваколатли органлар марказий маълумотлар базаларига маълумотларни “Электрон ҳукумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали жисмоний ва юридик шахсларнинг ягона идентификаторларидан фойдаланиб тақдим этадилар.

²⁸¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2012 йил 21 мартдаги ПҚ–1730-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²⁸² Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 17 декабрдаги 365-сон қарори билан тасдиқланган “Электрон ҳукумат” тизими фойдаланувчиларини идентификациялашнинг ягона ахборот тизими тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Марказий маълумотлар базаларидан маълумотлар олиш жисмоний ва юридик шахсларнинг ягона идентификаторларидан фойдаланиш орқали амалга оширилади.

Давлат хизматлари кўрсатиш жараёнидаги идоралараро электрон ҳамкорлик қилишда жисмоний ва юридик шахсларнинг бошқа идентификаторларидан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Марказий маълумотлар базаларидаги маълумотлардан фойдаланганда жисмоний ва юридик шахсларни идентификациялаш фақат “Электрон ҳукумат” тизими фойдаланувчиларини идентификациялашнинг ягона ахборот тизими орқали амалга оширилади.

Давлат хизматлари кўрсатишда ва идоралараро электрон ҳамкорлик қилишда марказий маълумотлар базаларидаги маълумотлардан фойдаланиш “Электрон ҳукумат” тизимининг идоралараро интеграциялашув платформаси ёрдамида амалга оширилади.

Давлат хизматлари кўрсатишда жисмоний ва юридик шахслардан марказий маълумотлар базалари ва тегишли ваколатли органларнинг ахборот ресурсларида мавжуд бўлган маълумотларни ҳамда бошқа идентификаторли қўшимча ҳужжатларни талаб қилиш тақиқланади.

Марказий маълумотлар базаларида мавжуд бўлмаган ахборотнинг сақланишини таъминловчи давлат ахборот ресурсларини яратишда тегишли равишда жисмоний ва юридик шахсларнинг ягона идентификаторларидан фойдаланилади²⁸³.

Ахборот-кутубхона ва архив муассасаларида электрон базаларнинг ахборот хавфсизлиги тегишлича Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги “Ўзархив” агентлиги ҳамда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг Ахборот хавфсизлиги сиёсати талабларига мувофиқ таъминланади²⁸⁴.

Ахборот воситачиси қуйидагиларга ҳақли эмас:

ўзининг ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда тузилган битимнинг тарафига айланиш, шунингдек ахборот воситачиси сифатида хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ бўлмаган ишлаб чиқариш, савдо, савдо-воситачилик ёки бошқа фаолиятни амалга ошириш;

электрон тижоратни амалга ошириш, битимлар тузишда нархларнинг шаклланиш жараёнларига аралаштириш, контрагентларни танлашда ва битимлар тузишда электрон тижорат иштирокчиларининг эркинлигини чеклаш, шунингдек электрон тижорат иштирокчиларининг ҳуқуқларини бошқача тарзда чеклаш.

Ахборот воситачиси қуйидагиларга мажбур:

²⁸³ Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 17 декабрдаги 365-сон қарори билан тасдиқланган “Электрон ҳукумат” тизимининг жисмоний ва юридик шахслар марказий маълумотлар базаларини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²⁸⁴ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Ўзархив” агентлиги бош директорининг 2016 йил 20 июндаги 45-сон буйруғи (рўйхат рақами 2807, 2016 йил 7 июль) Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан ахборот-кутубхона ва архив муассасаларига тақдим этилган ҳужжатлар билан ишлаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

электрон тижорат соҳасидаги қонун ҳужжатларига, шу жумладан стандартлар, нормалар ва қоидаларга риоя этиш;

ўзининг тўлиқ номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли, кўрсатиладиган хизматлар, уларни кўрсатиш шартлари ва қийматлари (тарифлари) ҳақидаги ахборотни электрон тижорат иштирокчиларига ошкор қилиш;

электрон ҳужжатларнинг ва электрон хабарларнинг мазмунини, улардан фойдаланиш тартибини ўзгартирмаслик, электрон тижорат иштирокчилари билан тузилган шартномаларда назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно;

электрон ҳужжатларни, электрон хабарларни ва шахсга оид маълумотларни рухсатсиз фойдаланишдан ҳимоя қилиш чоралари билан таъминлаш;

электрон ҳужжатларни ва электрон хабарларни учинчи шахсларга бермаслик, қонунда ёки шартномада назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно;

электрон ҳужжатларнинг ва электрон хабарларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ сақланишини таъминлаш;

ўз ахборот тизимини Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги серверларда жойлаштириш.

Агент сотувчига ёки харидорга хизматлар кўрсатиш натижасида ўзига маълум бўлган маълумотларнинг махфийлигига риоя қилишга мажбур.

Электрон тижоратни ташкил этишнинг шакллари битимлар тузишнинг рақобатли шакллари деб эътироф этилади, бунда ахборот воситачисининг ахборот тизими қуйидаги шарт-шароитларни таъминлайди:

электрон тижоратнинг иккитадан кам бўлмаган иштирокчилари томонидан офертани акцептлаш имконияти;

оферент учун шартномани бажаришнинг энг яхши шартларини таклиф қилган шахс билан шартнома тузиш.

Қайд этилган талабларга риоя қилинган тақдирда битим содир этилган деб эътироф қилинади.

Битимларни рақобатли шаклларда содир этишда офертани қабул қилган шахс томонидан, уни қабул қилиш учун белгиланган муддатда, унда кўрсатилган шартнома шартларини бажариш бўйича хатти-ҳаракатларни (товарларни юклаб жўнатиш, хизматлар кўрсатиш, ишларни бажариш, тегишли суммани тўлаш ва ҳоказоларни) содир этиш акцепт ҳисобланмайди.

Ахборот воситачиларининг ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган электрон тижоратда қуйидагиларга йўл қўйилмайди:

электрон тижорат иштирокчиларини камситиш, электрон тижоратнинг бир иштирокчисига бошқа иштирокчилар эркин фойдалана олмайдиган ва қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган имтиёзлар ёки преференцияларни бериш;

ахборот воситачиларининг мансабдор шахслари томонидан шахсий манфаатдорлик таъсирида қарорлар қабул қилиш ёхуд электрон тижорат иштирокчиларининг манфаатларига зарар етказадиган бошқа ноқонуний хатти-ҳаракатларни содир этиш;

электрон тижорат иштирокчиларига босим ўтказиш, электрон тижоратда иштирок этиш ҳақидаги ахборотни ошкор қилиш (қонун ҳужжатларидан назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно), ноқонуний тарзда рақобатга йўл қўймаслик, уни чеклаш ёки четлатиш;

электрон тижорат иштирокчиларининг бозор конъюнктурасини ўзгартириш ёки нархларни бузиб кўрсатиш мақсадида тил бириктириши;

ишончли бўлмаган ёки бузиб кўрсатилган ахборотни бериш ёки тарқатиш, шунингдек ахборотдан эркин фойдаланишни асоссиз чеклаш;

электрон тижорат иштирокчилари томонидан келгусида шартномани имзолашдан ёки уни зарур даражада бажаришдан бош тортиш ниятида сунъий равишда пасайтирилган ёки оширилган нархларда талабномалар бериш;

ахборот воситачисининг ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда товар сотаётган ёки сотиш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатишни таклиф қилаётган, белгиланган тартибда якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказилмаган жисмоний шахс ҳисобланган битим тарафларидан бири томонидан битимларни амалга ошириш²⁸⁵.

Лойиҳаларни амалга ошириш натижасида ишлаб чиқилган ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларини “Рақамли ҳукумат”нинг ахборот тизимлари ва ресурслари ягона реестрида рўйхатдан ўтказиш ва амалиётга жорий этишга уларнинг техник топшириқ ва ахборот хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги юзасидан Рақамли технологиялар вазирлиги ҳамда “Киберхавфсизлик маркази” ДУКнинг ижобий хулосалари олинганидан сўнг рухсат берилади;

Ижобий хулосага эга бўлмаган ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларини фойдаланишга қабул қилиш, ишга тушириш ҳамда “Рақамли ҳукумат” доирасидаги тизимлар ва сервислар билан интеграция қилишга йўл қўйилмайди²⁸⁶.

Электрон ҳукумат доирасида маълумот тақдим этувчи ва фойдаланувчиларнинг электрон ҳамкорлиги ҳамда ахборот алмашинуви уларнинг ахборот тизимлари ва ресурсларини Идоралараро интеграциялашув платформасига улаш орқали амалга оширилади.

Бунда электрон ҳамкорлик ва ахборот алмашинуви фақат Электрон ҳукуматнинг идоралараро маълумотлар узатиш тармоғи орқали ташкил этилади.

Фойдаланувчи ва оператор ўртасидаги ахборот алмашинуви тегишли сўров юбориш йўли билан Идоралараро интеграциялашув платформаси ёрдамида амалга оширилади.

Бунда Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали электрон ҳамкорлик ҳамда ахборот алмашинуви доирасида йўлланган барча сўровлар

²⁸⁵ Вазирлар Маҳкамасининг “Электрон тижорат платформалар ва рақамли экотизим операторларининг ахборот воситачиларининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2016 йил 2 августдаги 249-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²⁸⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Электрон ҳукумат” тизими доирасида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш сифатини яхшилаш чоратадбирлари тўғрисида” 2019 йил 21 майдаги ПҚ-4328-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

бўйича статистика маълумотлари маълумот тақдим этувчи ва фойдаланувчининг шахсий кабинетидида юритилади.

Идоралараро интеграциялашув платформасига уланган ахборот тизимлари ва ресурсларида мавжуд бўлган шахсга доир маълумотлар алмашинуви Ўзбекистон Республикасининг “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги Қонуни ва ушбу соҳадаги бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали маълумотлар фойдаланувчининг ваколати доирасидаги вазифаларни бажариш учун қайта ишлаш мақсадида тақдим этилади.

Электрон давлат хизматларини кўрсатиш ва идоралараро электрон ҳамкорликни ташкил этиш доирасида ахборот алмашинуви Идоралараро интеграциялашув платформасига уланиш орқали амалга оширилади.

Идоралараро интеграциялашув платформасига уланиш учун “Электрон ҳукуматнинг ахборот тизимлари ва ресурслари ягона реестри” ахборот тизими (кейинги ўринларда – Ягона реестр тизими) орқали электрон шаклда мурожаат этилади.

Бунда Ягона реестр тизимида авторизациядан ўтиш учун “Электрон ҳукумат” тизими фойдаланувчиларини идентификациялашнинг ягона ахборот тизимида рўйхатдан ўтиш талаб этилади.

Оператор:

Идоралараро интеграциялашув платформасига уланиш тартиби ва шартларига риоя қилишга;

фойдаланувчига Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали маълумотлар юборилгунига қадар уларнинг конфиденциаллигини таъминлашга;

Идоралараро интеграциялашув платформасида маълумот тақдим этувчи ва фойдаланувчининг шахсий кабинетларига улашга;

Ягона реестр тизимида Идоралараро интеграциялашув платформасига уланиш бўйича ариза ва технологик йўриқномани кўриб чиқишга ва келишишга;

Идоралараро интеграциялашув платформасидаги маълумот тақдим этувчи ва фойдаланувчининг шахсий кабинетлари орқали электрон ахборот ҳамкорлиги доирасидаги статистика маълумотлари билан танишиш имкониятини яратишга;

Идоралараро интеграциялашув платформасининг узлуксиз ишлаши бўйича тегишли чоралар кўришга;

қонунчилик ҳужжатлари ва мазкур Низом талабларини бажаришга;

Идоралараро интеграциялашув платформасида жойлаштирилган барча веб-сервислар бўйича режали ва режадан ташқари узилишлар ва/ёки тўхталишлар вужудга келиши ёки улар бартараф этилиши юзасидан маълумот тақдим этувчи ва фойдаланувчиларни мавжуд қайта алоқа каналлари орқали реал вақт режимида хабардор қилишга;

мазкур Низомда ёки бошқа қонунчилик ҳужжатларида белгиланган қоидалар бузилган тақдирда, маълумот тақдим этувчи ёки фойдаланувчининг

Идоралараро интеграциялашув платформасига уланишни вақтинча тўхтатиш ёки бекор қилиш ва бу ҳақида уларни асосларни кўрсатган ҳолда расмий хабардор қилишга мажбур.

Бунда оператор Идоралараро интеграциялашув платформасига уланишни вақтинча тўхтатиш ёки бекор қилишдан олдин бу тўғрисида маълумот тақдим этувчи ёки фойдаланувчини мавжуд қайта алоқа каналлари орқали реал вақт режимида хабардор қилади.

Маълумот тақдим этувчи Идоралараро интеграциялашув платформасига уланиш шартларига риоя қилишга, Идоралараро интеграциялашув платформасига уланиш бўйича Ягона реестр тизимида ариза ва технологик йўриқномаларни ишлаб чиқишга ва келишишга, Идоралараро интеграциялашув платформасининг push-хабарномалар сервисига уланиш бўйича фойдаланувчининг аризасини белгиланган тартибда келишишга, Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали юборилган сўровларга мувофиқ маълумотларни технологик йўриқномада белгиланган тартибда тақдим этишга, ўзига тегишли бўлган ахборот тизимлари ва ресурслари ҳамда маълумотлар базаларининг барқарор ишлаши, улардаги маълумотларнинг Идоралараро интеграциялашув платформасига узлуксиз равишда тақдим этилиши бўйича тегишли чоралар кўришга, ўзига тегишли маълумотларнинг ишончилиги ва тўлиқлиги ҳамда долзарблигини таъминлашга, долзарб бўлмаган маълумотлар бўйича шикоятларни қабул қилиш механизмини ишлаб чиқишга, жорий қилишга ҳамда келиб тушган шикоятлар натижаси бўйича маълумотларни ўз вақтида янгилаб боришга, Идоралараро интеграциялашув платформасида жойлаштирилган ўзининг барча веб-сервислари бўйича режали ва режадан ташқари узилишлар ва/ёки тўхталишлар вужудга келиши ёки улар бартараф этилиши юзасидан операторни мавжуд қайта алоқа каналлари орқали реал вақт режимида хабардор қилишга, ўзига тегишли веб-сервисга ўзгартириш ва/ёки қўшимчалар киритиладиган тақдирда, режалаштирилган ишлар амалга оширилгунига қадар бу ҳақида уч кун олдин операторга хабар беришга, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида техник ишлар ўтказилиши натижасида Идоралараро интеграциялашув платформасига тақдим этилаётган веб-сервисларда кузатилиши мумкин бўлган узилишлар юзасидан техник ишлар ўтказилишидан камида уч иш кун олдин операторни ёзма равишда хабардор қилишга, ахборот тизимлари ва ресурслари жойлашган серверлар ёки объектларда режалаштирилган фавқулодда юз берган узилишлар бундан мустасно, Идоралараро интеграциялашув платформасида жойлаштирилган ўз веб-сервисларига фойдаланувчиларни тўғридан-тўғри улашни чеклашга мажбур.

Фойдаланувчи:

Идоралараро интеграциялашув платформасига уланиш тартиби ва шартларига риоя қилишга;

Идоралараро интеграциялашув платформасига уланиш бўйича Ягона реестр тизимида ариза ва технологик йўриқномаларни ишлаб чиқишга ва келишишга;

Идоралараро интеграциялашув платформасининг push-хабарномалар сервисига уланиш бўйича ўз аризасини белгиланган тартибда маълумот тақдим этувчи билан келишишга;

Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали олинаётган маълумотларнинг конфиденциаллигини таъминлашга;

Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали олинган маълумотларни учинчи томонга тақдим этмасликка;

Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали олинган маълумотлардан маълумот тақдим этувчи ва оператор билан келишилмаган бошқа мақсадларда фойдаланмасликка;

Идоралараро интеграциялашув платформасига уланган ўзининг ахборот тизимларининг узлуксиз ишлаши бўйича тегишли чоралар кўришга;

“Электрон ҳукумат” тизими орқали олинадиган маълумотларни олиш, қўллаш ва сақлаш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя қилишга мажбур.

Фойдаланувчиларнинг ахборот тизимларини Рақамли маълумотлар платформасига улаш фақат ҳимояланган VPN тармоғи орқали ташкил этилади.

Бунда солиқ ва кадастр органларининг ахборот тизимлари Рақамли маълумотлар платформасига Вазирлар Маҳкамасининг “Учинчи шахсларга солиқ тўловчилар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш чора-тадбирлари ҳақида” 2021 йил 19 августдаги 529-сон қарорига мувофиқ давлат-хусусий шериклик шартномасининг амал қилиш муддатига қадар хусусий шерикнинг ахборот тизимлари орқали уланади.

Оператор:

Рақамли маълумотлар платформасига уланиш тартиби ва шартларига риоя қилишга;

фойдаланувчига Рақамли маълумотлар платформаси орқали маълумотлар юборилгунига қадар уларнинг конфиденциаллигини таъминлашга;

Рақамли маълумотлар платформасида маълумот тақдим этувчи ва фойдаланувчини шахсий кабинетларига улашга;

Ягона реестр тизимида Рақамли маълумотлар платформасига уланиш бўйича ариза ва технологик йўриқномани кўриб чиқишга ва келишишга;

Рақамли маълумотлар платформасида жойлаштирилган барча веб-сервислар бўйича режали ва режадан ташқари узилишлар ва/ёки тўхталишлар вужудга келиши ёки улар бартараф этилиши юзасидан фойдаланувчиларни мавжуд бўлган қайта алоқа каналлари орқали хабардор қилишга;

Маълумот тақдим этувчи ва фойдаланувчининг Рақамли маълумотлар платформасидаги шахсий кабинетлари орқали электрон ахборот ҳамкорлиги доирасидаги статистика маълумотлари билан танишиш имконини яратишга;

Рақамли маълумотлар платформасининг узлуксиз ишлаши бўйича тегишли чоралар кўришга;

қонунчилик ҳужжатлари ва мазкур Низом талабларини бажаришга;

мазкур Низомда ёки бошқа қонунчилик ҳужжатларида белгиланган қоидалар бузилган тақдирда, маълумот тақдим этувчи ёки фойдаланувчининг

Рақамли маълумотлар платформасига уланишини вақтинча тўхтатиш ёки бекор қилиш ва бу ҳақида уларни асосларни кўрсатган ҳолда расмий хабардор қилишга мажбур.

Маълумот тақдим этувчи Идоралараро интеграциялашув платформасига уланиш шартларига риоя қилишга, Идоралараро интеграциялашув платформасига уланиш бўйича Ягона реестр тизимида ариза ва технологик йўриқномаларни ишлаб чиқишга ва келишишга, Идоралараро интеграциялашув платформасининг push-хабарномалар сервисига уланиш бўйича фойдаланувчининг аризасини белгиланган тартибда келишишга, Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали юборилган сўровларга мувофиқ маълумотларни технологик йўриқномада белгиланган тартибда тақдим этишга, ўзига тегишли бўлган ахборот тизимлари ва ресурслари ҳамда маълумотлар базаларининг барқарор ишлаши, улардаги маълумотларнинг Идоралараро интеграциялашув платформасига узлуксиз равишда тақдим этилиши бўйича тегишли чоралар кўришга, ўзига тегишли маълумотларнинг ишончилиги ва тўлиқлиги ҳамда долзарблигини таъминлашга, долзарб бўлмаган маълумотлар бўйича шикоятларни қабул қилиш механизмини ишлаб чиқишга, жорий қилишга ҳамда келиб тушган шикоятлар натижаси бўйича маълумотларни ўз вақтида янгилаб боришга, Идоралараро интеграциялашув платформасида жойлаштирилган ўзининг барча веб-сервислари бўйича режали ва режадан ташқари узилишлар ва/ёки тўхталишлар вужудга келиши ёки улар бартараф этилиши юзасидан операторни мавжуд қайта алоқа каналлари орқали реал вақт режимида хабардор қилишга, ўзига тегишли веб-сервисга ўзгартириш ва/ёки қўшимчалар киритиладиган тақдирда, режалаштирилган ишлар амалга оширилгунига қадар бу ҳақида уч кун олдин операторга хабар беришга, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида техник ишлар ўтказилиши натижасида Идоралараро интеграциялашув платформасига тақдим этилаётган веб-сервисларда кузатилиши мумкин бўлган узилишлар юзасидан техник ишлар ўтказилишидан камида уч иш кун олдин операторни ёзма равишда хабардор қилишга, ахборот тизимлари ва ресурслари жойлашган серверлар ёки объектларда режалаштирилган фавқулодда юз берган узилишлар бундан мустасно, Идоралараро интеграциялашув платформасида жойлаштирилган ўз веб-сервисларига фойдаланувчиларни тўғридан-тўғри улашни чеклашга мажбур.

Фойдаланувчи Рақамли маълумотлар платформасига уланиш тартиби ва шартларига риоя қилишга, Рақамли маълумотлар платформасига уланиш бўйича Ягона реестр тизимида ариза ва технологик йўриқномаларни ишлаб чиқишга ва келишишга, Рақамли маълумотлар платформасининг push-хабарномалар сервисига уланиш бўйича аризасини белгиланган тартибда маълумот тақдим этувчи билан келишишга, Рақамли маълумотлар платформаси орқали олинаётган маълумотларнинг конфиденциаллигини таъминлашга, Рақамли маълумотлар платформаси орқали олинган маълумотларни учинчи томонга тақдим этмасликка, Рақамли маълумотлар платформаси орқали олинган маълумотлардан маълумот тақдим этувчи ва оператор билан келишилмаган бошқа мақсадларда фойдаланмасликка,

Рақамли маълумотлар платформасига уланган ўзининг ахборот тизимларининг узлуксиз ишлаши бўйича тегишли чоралар кўришга, “Электрон ҳукумат” тизими орқали олинган маълумотларни олиш, қўллаш ва сақлаш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя қилишга мажбур.

Талабгорнинг ахборот тизимлари ва сервисларини Ягона биллинг тизимига интеграция қилиш талабгор ахборот тизимларининг ахборот хавфсизлигини таъминланган ҳолда амалга оширилади.

Ягона биллинг тизимига “Электрон ҳукумат” тизими фойдаланувчиларини идентификациялаш ягона ахборот тизимида (кейинги ўринларда – Идентификациялашнинг ягона тизими) рўйхатдан ўтиш орқали қилинади.

Оператор ўз фаолиятини қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириш, Ягона биллинг тизимининг доимий ва узлуксиз ишлашини таъминлаш, Ягона биллинг тизимига киритилиши режалаштирилган ўзгартиришлар ҳақида вазирликлар ва идораларга аниқ муддати кўрсатилган ҳолда камида бир ой олдин ёзма хабарнома юбориш, Ягона биллинг тизимида юзага келган носозлик ва хатоликларни бартараф этиш бўйича мурожаатлар қабул қилинишини ташкил этиш ва тезкорлик билан кўриб чиқиш ҳамда бартараф этиш, Ягона биллинг тизимидаги давлат органларига тааллуқли ахборотнинг бутлигини таъминлаш мажбуриятларини ўз зиммасига олади²⁸⁷.

МАИ субъектлари МАИ объектларининг киберхавфсизлигини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига риоя қилиши, киберхавфсизлик ҳодисалари тўғрисида ваколатли давлат органи ва ишчи органни белгиланган тартибда дарҳол хабардор қилиши, киберҳужумларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш, киберхавфсизлик ҳодисаларининг келиб чиқиш сабаблари ва шароитларини аниқлашда ваколатли давлат органи ҳамда ишчи органга кўмаклашиши, МАИ объектларининг киберхавфсизлигини таъминлаш жараёнига давлат органлари томонидан ноқонуний аралашуш ҳолатлари ҳақида ваколатли органни хабардор қилиши, ваколатли давлат органи билан келишилган ҳолда киберҳужумларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш, киберхавфсизлик ҳодисаларига жавоб бериш учун мўлжалланган воситаларни ўз ҳисобидан ўрнатиши ва сақлаши, МАИ объектларига киберҳужумларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш учун ўрнатилган воситаларнинг белгиланган талабларга мувофиқ тўлақонли ишлашини таъминлаши, ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланган тартибда киберхавфсизлик ҳодисаларига жавоб бериш, МАИ объектларига қарши амалга оширилган киберҳужумларнинг оқибатларини бартараф этиш чораларини кўриши ва киберхавфсизлик ҳодисаларини текширишда иштирок этиши, ваколатли давлат органи ва ишчи орган билан келишилган ҳолда, МАИ объектларига уюштирилиши мумкин бўлган кибертаҳдидларнинг олдини олиши ва киберҳужумлар содир бўлганда МАИ

²⁸⁷ Вазирлар Маҳкамасининг “Идоралараро электрон ҳамкорлик тизими ва маълумотларнинг ахборот алмашинувини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 20 сентябрдаги 516-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

объектларининг барқарор ишлашини тиклаш режаларини ишлаб чиқиши, ваколатли давлат органи ва ишчи орган томонидан ташкил этиладиган режали машғулотларда иштирок этиши шарт.

МАИ объектларига киберхавфсизликни таъминлашнинг қуйидаги талаблари қўйилади:

МАИ объектининг киберхавфсизлигини самарали таъминлаш тизимининг йўлга қўйилганлиги;

ахборот тизимида маълумотлардан рухсатсиз фойдаланиш, уларни йўқ қилиш, ўзгартириш, блоклаш (чеклаш), нусха олиш, тақдим этиш ва тарқатиш ҳамда МАИ объектлари фаолиятининг бузилиши ва/ёки тўхташига олиб келувчи бошқа ҳаракатларни амалга оширишнинг олди олинганлиги;

киберхавфсизликни таъминлаш тизими параметрларининг техник регламентлар талабларига мувофиқлиги, киберхавфсизлик ва МАИ объектининг узлуксиз фаолият юритишини таъминловчи чора-тадбирлар жорий этилганлиги;

киберхавфсизлик ҳодисаси рўй берганда киберҳимояни таъминлаш тизимини тезкор тиклаш имконияти мавжудлиги;

киберхужумларни мониторинг, аудит ва таҳлил қилиш, аниқлаш, чора кўриш ҳамда уларнинг оқибатларини бартараф этиш тизимининг самарали йўлга қўйилганлиги;

киберхавфсизлик ва МАИ объектининг киберхавфсизлиги ва унинг эксплуатациясига доир ҳужжатларнинг мавжудлиги.

МАИ объекти раҳбари мазкур объектда киберхавфсизликни таъминлашга масъул шахс ҳисобланади. МАИ объекти раҳбари томонидан белгиланган тартибда объектда киберхавфсизликни таъминловчи ҳимоя тизимининг ишлашини таъминлашга масъул мутахассислар ёки таркибий бўлинма тайинланади.

МАИ объекти раҳбари объектининг ахборот хавфсизлиги сиёсати, киберхавфсизлик соҳасидаги низомлар, кўрсатмалар, талаблар, ҳимоя воситаларидан фойдаланиш, киберхавфсизликни таъминловчи ҳимоя тизимининг ишлашини ташкил этиш ва назорат қилиш тартибини тасдиқлайди ҳамда уларни доимий равишда такомиллаштириш чораларини кўради.

МАИ объектларининг киберхавфсизлигини таъминловчи барча аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий таъминотлар тегишли мувофиқлик сертификатлари ҳамда киберхавфсизлик тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ бўлиши керак.

МАИ объектларининг киберхавфсизлигини таъминлаш бўйича белгиланган талаблар билан бирга қўшимча равишда қуйидагилар:

МАИ объектларининг киберхавфсизлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни режалаштириш, ишлаб чиқиш, такомиллаштириш ва жорий қилиш;

МАИ объектларининг киберхавфсизлигини таъминлаш учун ташкилий, ҳуқуқий ва техник чораларни кўриш;

МАИ объектларининг киберхавфсизлигини таъминлашда қўлланиладиган аппарат, дастурий-аппарат ва дастурий воситаларнинг кўрсаткич ва хусусиятларини белгилаш назарда тутилади.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, бирлашмалар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ваколатли давлат органи ва унинг ишчи органи билан келишган ҳолда ахборот хавфсизлиги сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишда МАИ объектларининг иш фаолияти хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда уларнинг киберхавфсизлигини таъминлаш воситаларига кўшимча талабларни белгилаши мумкин.

Киберхавфсизликни таъминловчи ҳимоя тизими қуйидагиларни таъминлаши зарур:

МАИ объекти томонидан қайта ишланадиган маълумотлардан рухсатсиз фойдаланиш, уларни йўқ қилиш, ўзгартириш, блоклаш (чеклаш), нусхалаш, тақдим этиш, тарқатиш ва шу каби бошқа хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш;

МАИ объектининг иш фаолияти бузилиши ва/ёки тўхтаб қолишига олиб келиши мумкин бўлган аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий воситаларга ахборот таъсирининг олдини олиш;

ўз ичига давлат сирини олмаган, қонунчилик билан ҳимояланган (кейинги ўринларда – конфиденциал) ва махфий маълумотларга киберхавфсизлик таҳдиди шароитида МАИ объектининг тўлиқ ишлашини таъминлаш;

МАИ объекти фаолиятини тиклаш имкониятини таъминлаш.

Автоматлаштирилган ва ахборот тизимларида барча қайта ишланаётган маълумотлар, аппарат, аппарат-дастурий ҳамда дастурий воситалар, шу жумладан компьютерни сақлаш воситалари, иш станциялари, серверлар, телекоммуникация ускуналари, алоқа линиялари, график, видео ва нутқ маълумотларини қайта ишлаш воситалари, аппарат-дастурий воситаларнинг дастурий таъминоти, ахборот тизимларининг архитектураси ва конфигурацияси ҳимоя қилинади. Телекоммуникация тармоқларида алоқа линиялари орқали узатиладиган маълумотлар, телекоммуникация ускуналари, шу жумладан дастурий таъминот, бошқарув тизими, ўрнатилган ҳимоя воситалари, телекоммуникация тармоғи архитектураси ва конфигурациясининг яхлитлиги ҳимоя қилинади. Автоматлаштирилган бошқарув тизимларида бошқариладиган, кузатиладиган объект ёки жараённинг параметрлари ёхуд ҳолати тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан кириш-чиқиш маълумотлари, бошқарув маълумотлари, назорат ва ўлчов маълумотлари ҳамда бошқа муҳим маълумотлар, дастурий таъминот ва аппарат воситалари, шу жумладан иш станциялари, саноат серверлари, телекоммуникация ускуналари, алоқа линиялари, дастурланадиган мантикий текширгичлар, ишлаб чиқариш, технологик ускуналар, аппарат-дастурий воситаларнинг дастурий таъминоти, ўрнатилган ҳимоя воситалари, автоматлаштирилган бошқарув тизимининг архитектураси ва конфигурацияси ҳимоя қилинади.

Хавфсизлик чораларини амалга оширишда аппарат, тизим, дастур ва тармоқ даражаларида, шу жумладан виртуаллашган муҳитда киришнинг барча

объектлари ва субъектларига нисбатан киберхавфсизлик таҳдидларининг ҳисобга олинганлиги мажбурий мезонлардан бири ҳисобланади.

МАИ объектларидаги конфиденциал ва махфий маълумотларни қайта ишлайдиган қурилмаларда, киберхавфсизлик таҳдидларига қараб, қуйидаги чоралар амалга оширилиши зарур:

кичик тизим ёки бошқа тизимларнинг элементларига кириш ҳуқуқи олинишининг ҳар бир босқичида идентификация ва аутентификация қилиш;
файллар, тизимлар ва қурилмаларга кириш ҳуқуқини бошқариш;
ахборот инфратузилмасини бошқариш ваколатига эга бўлмаган фойдаланувчи учун дастурий муҳитни чеклаш;

конфиденциал ва махфий маълумотларни ташувчи воситаларни ҳимоя қилиш;

тизимлар, дастурлар, шу жумладан дастурий ва дастурий-аппарат ресурсларининг киберхавфсизлик аудитини ўтказиш;

МАИ объекти ахборот активларини бузғунчи дастурий таъминотларга қарши ҳимоя қилиш;

киберхужумларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш;
қурилмалар орқали узатиладиган барча маълумотларни қўллаш мақсадларидан қатъи назар уларнинг яхлитлигини таъминлаш;

фойдаланувчиларнинг МАИ объекти фаолиятидаги ўрнига қараб тизим фойдаланувчилари учун маълумотларга рухсат бериш ва ҳимоясини таъминлаш;

ахборот техник ҳимоя воситаларининг хавфсизлигини таъминлаш;
конфигурацияни бошқариш;

дастурий таъминот янгилашларини ўз вақтида бошқариш;

киберхавфсизлик ҳодисаларига ўз вақтида чора кўриш;

фавқулодда вазиятларда зарур ҳаракатларни бажариш;

яхлитлиги, конфиденциаллиги ёки махфийлиги ҳамда мавжудлиги МАИ объектининг фаолияти ва хавфсизлиги билан боғлиқ бўлган муҳим маълумотларнинг захира нусхасини сақлаш;

киберхавфсизликни таъминлаш ҳолатини, рухсатсиз кириш ва ахборотни ўзгартиришга уринишларни доимий назорат ҳамда таҳлил қилиш;

маълумотларни тезкор тиклаш механизмларини амалга ошириш;

объектни унинг киберхавфсизлик талабларига жавоб бериши юзасидан аттестациядан ўтказиш.

Ушбу талабларнинг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар²⁸⁸.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар тўловлар тўғрисидаги ахборотни шакллантириш, узатиш, сақлаш ва унга ишлов беришнинг барча босқичларида тўловлар тўғрисидаги ахборотни узлуксиз ҳимоя қилиш учун идентификация, аутентификация ва авторизация қилиш тизимини жорий этиш, тизимга рухсатсиз киришнинг

²⁸⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг муҳим ахборот инфратузилмаси объектлари киберхавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2023 йил 31 майдаги ПҚ-167-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

олдини олиш усуллари (логин, парол, биометрик идентификация, икки факторли аутентификация (2FA) ва бошқа) қўллаш, тўлов ҳужжати ва идентификация маълумотларини қалбакилаштириш, уларни рухсатсиз ўзгартириш ҳамда учинчи шахсларга тақдим этишдан ҳимоялаш, тўлов ахборотлари шакллантирилишини, тўлов ҳужжатининг ҳаққонийлиги текширилишини ва уларга ишлов берилишини ҳамда асосли ўзгартиришлар киритилишини таъминлаш ва назорат қилиш, тўлов ҳужжатларини узатишда ушбу ҳужжатнинг асл эгасига етказилишини ҳамда бошқа шахсларга жўнатилишининг олди олинишини таъминлаш, амалга оширилган тўловга оид маълумотларни сақлашда уларни рухсатсиз кўчириш, ўзгартириш, ўчириш ҳамда учинчи шахсларга жўнатилишининг олдини олиш чораларини кўриш, ташқи сақловчига кўчирилган тўловга оид маълумотларнинг сейфда (темир шкафда) сақланишини таъминлаш ҳамда маълумотларни сақлаш учун масъул ходим (ходимлар) тайинлаш, ахборот тизимларидаги дастурий таъминотларнинг назоратини ва ҳисобини юритиш ҳамда ахборот тизимларидаги дастурий таъминот талқинларининг, аппарат-дастурий курилмаларининг ва дастурий воситаларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш, ахборот тизимларининг актуал ҳолатда (охирги версия) бўлишини таъминлаш, бунда дастурий таъминотнинг янги талқинини текширувдан ўтказгандан сўнг ахборот тизимига жорий этиш, тўлов ахборотларига ишлов бериш, уларни узатиш ҳамда сақлаш жараёнларини электрон баённомаларда автоматик тарзда шакллантириб бориш ҳамда уларнинг сақланишини таъминлаш, ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш хизмати ҳамда банк ва тўлов тизимларида шубҳали фрод операцияларга қарши чоралар кўриш хизматларини ташкил этиш, шунингдек ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш ҳамда банк карталари билан боғлиқ шубҳали (фрод) операцияларга қарши чоралар кўриш бўйича амалга ошириладиган ишларни назорат қилиш, ҳисоблаш тармоғининг хавфсизлиги ва криптографик муҳофазасини таъминлаш, компьютер вирусларидан ҳимоялаш, ахборот тизимларига киришни бошқариш, техник воситаларини созлаш ва бошқа чораларни қўллаш, ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш ҳамда банк карталари билан боғлиқ шубҳали (фрод) операцияларга қарши чоралар кўриш ускуналари, курилмалар, аппарат-дастурий ва дастурий техник воситалари қўлланишини таъминлаш ҳамда уларни мунтазам такомиллаштириб бориш, фойдаланиш тартибларини белгилаш, уларга техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш ва бошқа ҳолатларда улардан кўзда тутилмаган тарзда рухсатсиз фойдаланишнинг олдини олиш, қўлланилаётган техник воситаларга барча телекоммуникация тармоқларидан рухсатсиз кириш, улардаги маълумотларни ўзгартириш, ўчириш, кўчириб олишдан ҳимоялаш, ахборотларни чиқиб кетиши (йўқолишини) олдини олиш, ахборот тизимига рухсатсиз кириш ёки киберхавфсизлик ҳодисалари содир этилганда, уларни таҳлил қилиш асосида ҳимоя тизимларини мустаҳкамлаб бориш чораларини кўриш лозим.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар дастурларга ва операцион тизимга зарар келтирувчи зарарли

кодлар (компьютер вируслари) ва уларнинг салбий таъсирининг олдини олиш учун ҳисоблаш техникаси қурилмалари (серверлар, компьютерлар ва бошқалар), банкомат, эмбоссер ва тўлов терминаллари (техник имкониятидан келиб чиқиб) иш фаолиятига зарар етказувчи кодларни (компьютер вирусларини) аниқлаш ва уларнинг салбий таъсирининг олдини олиш чораларини кўриш, ахборот тизимларида фақат лицензияланган антивирус дастуридан фойдаланиш, уларнинг русумлари ва базалари актуаллиги ҳамда янгилашиб борилишини таъминлаш, антивирус дастурларининг автоматик тарзда ишлашини таъминлаш, интернет ва корпоратив тармоқлар орқали келган барча ахборотларни антивирус дастури орқали текшириш керак.

Тўлов тизимларида ахборотни муҳофаза қилишнинг криптографик усуллари қўлланилиши ва тўлов тизими қоидаларида криптографик муҳофаза воситаларини автоматлаштирилган тизимларга боғлаш, ишга тушириш, ишлатиш ва фойдаланишдан чиқариш тартиби, криптографик муҳофаза воситаларининг тўхтаб қолиши, ишдан чиқиши ва бошқа фавқулодда ҳолатларда уларни қайта тиклаш тартиби, криптографик муҳофаза дастурларига ва техник ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тартиби, криптографик калитларни бошқариш тартиби, криптографик калитларни ташувчи қурилмаларни қўллаш, сақлаш, ўзгартириш ва бошқалар бўйича ташкилий, техникавий усулларни қўллаш тартиби белгиланиши зарур. Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан ахборот алмашинувида ахборот хавфсизлиги ҳамда киберхавфсизликни таъминлашлари шарт.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчиларнинг ахборотлаштириш объектларига рухсатсиз кириш ҳамда фойдаланишни чегаралаш мақсадида ахборотлаштириш объектларига, шу жумладан, банкомат, тўлов терминаллари ва тўлов ўтказиш электрон қурилмаларига жисмонан таъсир этишни ҳамда техник жиҳозлар мавжуд бўлган бино ва хоналарга киришни назорат қилиш, тўловларни амалга оширишда қўлланиладиган автоматлаштирилган тизимлар, дастурлар, ҳисоблаш техникалари, телекоммуникация қурилмалари параметрлари ва тузилмалари ҳамда тўлов тизимида ишлаш ҳуқуқини берувчи маълумотларни (парол, биометрик ва бошқа маълумотлар) ўз ичига олган техник воситаларнинг жисмоний муҳофазасини (хавфсизлик режимини) таъминлаш ва рухсатсиз таъсир этишнинг олдини олиш, тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчиларнинг ходимлари ахборотлаштириш объектларига киришини назорат қилиш ва маълумотларни рухсатсиз тарқалишидан ҳимоялаш тизимларини жорий қилиш, серверлар ва телекоммуникация қурилмалари жойлашган хоналарда ишлаш жараёнларини видеокузатув тизимлари ёрдамида назорат қилиш даркор.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар қуйидаги маълумотларни ўз ичига олган ахборот тизимларининг ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлигини таъминлашлари керак:

банк (карта) ҳисобварағида пул маблағлари қолдиқлари тўғрисидаги маълумотлар;

электрон пуллар қолдиқлари тўғрисидаги маълумотлар;

амалга оширилган тўловлар тўғрисидаги маълумотлар;

нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ўз ичига олган маълумотлар;

банклараро тўлов ва клиринг тизимлари тўлов маълумотлари;

криптографик муҳофазани таъминлаш учун қўлланиладиган криптографик калитлар;

тўловларни амалга оширишда қайта ишланадиган конфиденциал ахборотларни (банк сири, шахсга доир маълумотлар ва бошқа қонун билан муҳофаза қилинадиган маълумотлар);

мижозларнинг банк карталари, аккаунтлари ва идентификациядан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотлар.

Тўлов тизимлари операторлари ёки тўлов хизматларини етказиб берувчилар масофадан тўлов хизматларини кўрсатувчи ахборот тизимларини (мобил илова, интернет банкинг ва бошқалар) (бундан буён матнда масофавий ахборот тизимлари деб юритилади) амалиётга жорий этиш ҳамда уларга ўзгартириш киритишдан аввал қуйидагиларни таъминлашлари лозим:

масофавий ахборот тизимларининг тўловларни ўтказиш билан боғлиқ барча функцияларини синов (тест) тарзида тўлиқ текширувдан ўтказишни таъминлаш;

масофавий ахборот тизимларини техник топшириқлар, уларни техник топшириққа ва киберхавфсизлик талабларига мувофиқлиги юзасидан экспертизадан ўтказиш ҳамда уларнинг натижалари бўйича экспертиза хулосаларини Марказий банкка тақдим этиш;

масофавий ахборот тизимларини уяли алоқа даражасида ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизими, Марказий банкнинг марказлашган антифрод ҳамда замонавий биометрик идентификация тизимларига уланишини таъминлаш;

дастурларни ишлатиш бўйича йўриқномаларни ишлаб чиқиш ва уларнинг актуаллигини таъминлаган ҳолда мижозларга тақдим этиш;

аниқланган заифликларни бартараф этиш учун ўзгаришлар киритилишини таъминлаш;

мижозлар қўллаётган дастурларнинг актуаллигини назорат қилиш.

Тўлов тизимлари операторлари ёки тўлов хизматларини етказиб берувчилар масофавий ахборот тизимларининг янги талқинини (версиясини) жорий этганидан сўнг эски талқиндан (версиядан) фойдаланишни чеклаши ва янги талқинга (версияга) ўтиши (янгилаши) лозим.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар ўзаро тўлов ахборотлари ва тўлов ахборотларига тегишли бўлган маълумотлар алмашинувини телекоммуникация тармоқлари орқали амалга ошириш учун томонларнинг ахборотлаштириш объектлари хусусиятларидан келиб чиқиб, уларнинг вазифалари, жавобгарликлари ва мазкур Низом талабларини ўз ичига олган ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлигини

таъминлаш, шунингдек банк карталари билан боғлиқ шубҳали (фрод) операцияларга қарши чоралар кўриш қоидаларини ишлаб чиқиши керак.

Тўлов агенти томонидан банк ёки тўлов ташкилоти билан тўлов хизматларини кўрсатиш учун тузилган агентлик шартномасида ахборот хавфсизлиги бўйича томонларнинг масъулиятлари белгиланган бўлиши керак.

Тўлов субагенти томонидан тўлов агенти билан тўлов хизматларини кўрсатиш бўйича тузилган субагентлик шартномасида ахборот хавфсизлиги бўйича томонларнинг масъулиятлари белгиланган бўлиши керак.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар ахборотнинг конфиденциаллиги ва яхлитлигини, шу жумладан, тўлов хизматларидан фойдаланувчининг шахсига доир маълумотларни муҳофаза қилишда ҳамда етарли хавфсизликни таъминлаш мақсадида қуйидаги чораларни кўришлари лозим:

тўлов тизимида ишлов бериладиган конфиденциал ва шахсга доир маълумотларнинг яхлитлиги ва дахлсизлигини муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш тартибини ишлаб чиқиш;

ички ҳужжатлар билан тартибга солинадиган ҳимояланадиган маълумотлар билан ишлашда хавфсизлик ва конфиденциалликни таъминлаш қоидалари ва талабларини ишлаб чиқиш;

конфиденциал ва шахсга доир маълумотлар билан ишловчи ходимлар сонини имкон даражасида камайтириш, ходимлар билан конфиденциал ва шахсга доир маълумотлар ошкор этилишининг олдини олиш бўйича мажбуриятномалар (шартнома) тузиш ва ушбу маълумотлардан фойдаланиш ҳуқуқларини ходимларнинг лавозим мажбуриятларидан келиб чиқиб белгилаш;

конфиденциал маълумотлар рўйхатини юритиш бўйича комиссия таркибини шакллантириш ва тасдиқлаш;

конфиденциал маълумотлар рўйхати ва ҳажмини аниқлаш ҳамда тасдиқлаш;

конфиденциал маълумотлар билан ишлашга рухсат берилган ходимлар рўйхатини шакллантириш ва тасдиқлаш;

ахборотлаштириш объектининг техник паспортини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

конфиденциал маълумотлар билан ишлаш тартибини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

конфиденциал маълумотларни ташувчи воситаларни рўйхатга олиш, йўқ қилиш, конфиденциал ахборот ташувчиларни ташқарига олиб чиқиш/кириш журналлари юритиш;

маълумотлар яхлитлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида электрон рақамли имзо калитларидан фойдаланиш ҳамда шифрланган маълумотларни сақлаш тартибини белгилаш;

конфиденциал ва шахсга доир маълумотлар мавжуд бўлган ресурсларга киришда идентификация, аутентификация ва авторизация қилинишини таъминлаш;

конфиденциал ва шахсга доир маълумотлар билан ишлаш ҳуқуқларининг рухсатсиз берилишини олдини олиш;

ахборот тизимлари фойдаланувчиларининг муҳофазаланган маълумотларига кириш, ишлов бериш, уларни сақлаш ҳамда тақдим этиш жараёнидаги амалга оширилган ҳаракатларни электрон баённомаларда қайд этиб бориш;

ташқи сақловчи қурилмалар ва техник воситаларнинг бинодан ташқарига олиб чиқилиши ҳамда уларнинг ўғирланишининг олдини олиш;

маълумотларни узатиш, сақлаш, ўчириб ташлаш, уларга ишлов бериш ҳамда уларнинг рухсатсиз четга чиқиб кетишининг олдини олиш чоралари таъминланганлигини назоратга олиш.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар ахборот ва интернет жаҳон ахборот тармоғини, шунингдек, серверлар ва алоқа каналларини эҳтимоли мавжуд бўлган кибертаҳдид ва киберхужумлардан ҳимоя қилиш учун етарли чораларни кўриши лозим. Ушбу чоралар қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

компьютер тармоқларини сегментлаш ва тармоқлараро экрандан фойдаланиш;

ахборот тармоқлари, шу жумладан, интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали қабул қилинаётган ва узатилаётган маълумотларга рухсатсиз киришнинг олдини олиш бўйича техник (криптографик ва бошқа) ва/ёки ташкилий чоралар кўриш ҳамда тармоқ маълумотларини филтрлашни таъминлаш (тармоқлараро экранларни қўллаш);

ахборот тармоқлари ва веб-сайтлар орқали тўловларни амалга оширишда идентификация, кўп омилли аутентификация ва авторизация қилиш (кўп омилли аутентификация қилиш мобил ва алоқасиз тўловларни амалга ошириш чоғида қўлланилмайди);

ахборот тармоқлари ва Интернет жаҳон ахборот тармоғи, шунингдек, серверлар ва алоқа каналларидан фойдаланувчиларни идентификация қилиш;

интернет жаҳон ахборот тармоғи ресурсларидан ходимларнинг фойдаланишини прокси-сервер орқали амалга ошириш, иш фаолияти учун зарур бўлмаган веб-сайтларга киришни чегаралаш ва кирилган веб-сайтларни қайд этиб бориш;

ахборот тизимларини асосий ва захира алоқа каналлари билан таъминлаш;

серверлар тармоғини муҳофазалаш (демилитаризация қилинган зоналарини (DMZ) ташкил этиш);

серверларда иш фаолияти учун зарур бўлмаган портларни ёпиш ва хизматларни тўхтатиш;

ахборот тизимида кириш объектлари ва ресурсларининг ҳисобини юритиш;

мобил тўловларни амалга ошириш чоғида фойдаланувчиларни кўп факторли аутентификация қилиш (SMS, QR-код, NFC, бармоқ излари, кўзнинг рангдор пардаси асосида аниқлаш ёки шу каби тасдиқловчи усулларни қўллаш мумкин);

мобил курилмалар ёрдамида масофадан киришда тўлов маълумотлари ҳамда ахборот тизимларининг (маълумотлар базасининг) ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлигини таъминлаш;

масофавий хизмат кўрсатиш ва бошқа ахборот тизимларида мижозни идентификация ва аутентификация қилиш мақсадида қўлланиладиган (бир марталик ёки кўп марталик) паролларни ишлатиш тартибини белгилаш, тасдиқлаш кодларини қўллаш, бир марталик тасдиқлаш кодларини тизимга шифрланган ҳолда юбориш, антифрод ва биометрик идентификация тизимларини қўллаш, коднинг фаол бўлиш вақти ва бошқаларни ёритиш;

автоматлаштирилган тизимга киришда қўлланилган курилма тўғрисида идентификация маълумотларини (IP-адрес, MAC-адрес ва бошқа идентификаторлар) қайд этиш;

тажовузларни аниқлаш ва уларнинг олдини олиш тизимларини қўллаш.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш бўйича талабларнинг бузилиши билан боғлиқ бўлган ҳодисаларга нисбатан қуйидаги таъсир чораларини кўришлари лозим:

юзага келиши мумкин бўлган ҳодисаларга нисбатан таъсир чораларини кўриш юзасидан зарур ҳаракатларни олдиндан кўра билиш ҳамда амалга ошириладиган ҳаракатлар рўйхатини белгилаш;

содир бўлган ҳодисаларга нисбатан қисқа муддатларда таъсир чораларини кўриш;

ишнинг узлуксизлигини таъминлаш, шунингдек, ноқонуний тўловлар ва ҳисобварақлардаги қолдиқ маблағларини рухсатсиз ўзгартирилишини олдини олиш, ахборотни қайта тиклаш ҳамда бошқа салбий ҳолатларни бартараф этиш;

ходимлар томонидан мавжуд ахборот тизимларида ишлашда белгиланган ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик талабларига риоя қилинишини таъминлаш;

юзага келган ҳодисаларнинг келиб чиқиш омилларини аниқлаш мақсадида тармоқ курилмалари ва ахборот тизимларининг электрон баённомаларини расмийлаштириш, йиғиш, таҳлил қилиш ҳамда уларга асосан тегишли кўрсатмаларни ишлаб чиқиш.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар банкомат, инфокиоск ва тўлов терминалларининг ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлигини таъминлаши лозим. Бунда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлашда қуйидаги чоралар қўлланилади:

банкомат, инфокиоск ва тўлов терминалларининг ҳисобини юритиш ҳамда уларнинг ахборот дастурига рухсатсиз киришининг олдини олиш;

банкомат, инфокиоск ва тўлов терминалларида техник хизмат кўрсатувчи шахслар фаолиятини назорат қилиш ҳамда улар томонидан амалга оширилган ўзгартиришлар бўйича электрон баённома юритиш;

видеокузатув тизимлари ёрдамида банкоматлар билан ишлаш жараёнларини назоратга олиш (банкоматга киритиладиган банк

карталарининг пин код рақамлари видеокузатув тизимлари орқали қайд этиш имкониятига эга бўлмаслиги лозим);

бош банк ҳамда унинг инфратузилмалари (филиал, мини-банк ва бошқалар) ва бошқа қўриқланадиган объектларидан ташқарида жойлаштирилган банкоматларнинг видеокузатув маълумотлари бош банк ёки унинг филиалидаги техник қурилмаларга тўғридан тўғри (онлайн) ёзиб борилишини таъминлаш;

банкомат тармоқ кабелларини муҳофазалаш;

банкоматнинг бошқа банкоматлар билан бир хил бўлган қулфларини алмаштириш;

банкоматларни алоқа каналларидан ёки жисмонан боғланган ҳолда эҳтимолий ҳужумлардан (шу жумладан, скиммингдан) ҳимоя қилиш;

банкоматларнинг операцион тизими ҳамда BIOS тизимига кириш ҳуқуқларини мураккаб пароллар билан ҳимоялаш;

аутентификация қилиш тартибини белгилаш;

тўловларни амалга оширувчи қурилмаларнинг ҳисобини юритиш;

банкоматлардаги нақд пул маблағларининг жисмоний муҳофазасини таъминлаш;

тармоқ орқали ахборот алмашинувида ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш;

халқаро тўлов тизимлари билан ишлайдиган ахборот тизимларида халқаро стандартлар (PCI DSS, PTS, PA DSS) талабларига мувофиқ ахборот муҳофазаси воситалари ва тизимларини жорий қилиш.

Тўлов тизимлари операторлари ўз тизимларидаги банкомат ва инфокиоскларда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни банклар билан биргаликда таъминлайди ҳамда уларнинг узлуксиз ва тўғри ишлашини назорат қилади. Агар ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик бўйича маълум бир (ёки барча) масъулият тўлов хизматларини етказиб берувчига юклатилган бўлса, мазкур ҳолат тегишли шартномаларда қайд этилиши ва масъулият юклатилган ташкилотга зарурий шароитлар яратиб (банкоматларнинг ахборот тизимидаги ишлаш ҳуқуқлари) берилиши зарур.

Муҳим тўлов тизимлари операторлари мазкур Низомда белгиланган хавфсизлик чораларига қўшимча равишда қуйидаги ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик чораларини таъминлаши зарур:

тўлов тизимининг узлуксиз ишлаши ишончлилигини таъминлаш;

ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш хизматини ташкил этиш ва унинг мажбуриятларини белгилаш;

Ўз ДСт 2875:2014 “Датамарказларга қўйиладиган талаблар. Инфратузилма ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш” стандартининг датамарказ телекоммуникация воситалари инфратузилмаси тайёрлиги ва хавфсизлигининг учинчи даражадан паст бўлмаслигини таъминлаш;

халқаро банк карталаридан фойдаланилганда PCI DSS хавфсизлиги стандарти, Payment Services Directive (PSD2) тўлов хизматларини кўрсатиш директиваси талабларига мувофиқлаштириш;

ахборот тизимлари тўғри ташкил этилганлиги юзасидан нуфузли халқаро аудитор ташкилотларни жалб қилиш орқали АКТ-инфратузилмасини (ахборот хавфсизлиги ҳолатини) аудитдан ўтказишни таъминлаш;

Ўзбекистон Республикасининг “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида муҳим тўлов тизимлари операторларига белгиланган талабларни бажариш.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчиларнинг тўловлар билан боғлиқ маълумотларни сақлаш ва уларга ишлов бериш хоналари билан таъминланган бўлиши керак. Ушбу хоналар қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

рухсатсиз жисмоний киришдан муҳофазаланган бўлиши;

хона биринчи қаватда жойлашган ҳолларда унинг деразалари темир панжара билан жиҳозланган бўлиши;

кўриқлаш ва ёнғиндан огоҳ этувчи иккита ҳимоя тўсиғи хабаргоҳлари билан жиҳозланиши;

тунги вақтда кўриқлаш ва огоҳлантириш қурилмалари билан жиҳозланиши;

видеокузатув орқали назоратга олиниши.

Тўлов тизимлари операторлари ўзларининг тўлов тизимларида ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик чораларини кўришда назорат ва мониторинг ишларини амалга оширишлари лозим.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар автоматлаштирилган тизимлар, иловалар ҳамда ахборот инфратузилма объектларини ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик заифликларига таҳлил қилиши, ҳар йили камида икки марта рухсатсиз киришга текшириши ва ҳужжатларда қайд этилмаган имкониятлар мавжуд эмаслигини назорат қилиши лозим.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар ҳар йили, келгуси йилнинг биринчи апрелидан кечиктирмай, Марказий банкка ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликнинг таъминланганлик ҳолати тўғрисида ҳисобот тақдим этиши шарт.

Тўлов тизими операторлари, тўлов тизимининг иштирокчилари ва тўлов ташкилотлари таваккалчиликларни бошқариш тўғрисидаги ҳужжатларида жисмоний ва юридик шахсларнинг розилигисиз амалга оширилган пул ўтказмаларининг тавсифи, миқдори ва ҳаракатларини таҳлил этиш орқали банк карталаридан жисмоний ва юридик шахсларнинг розилигисиз амалга оширилган пул ўтказмаларининг мезонларига мос келадиган операцияларни аниқлаш жараёнларини белгилайди.

Тўлов тизими операторлари банк карталари орқали жисмоний ва юридик шахсларнинг розилигисиз пул ўтказмаларини олдини олиш мақсадида транзакцион антифрод тизимларини жорий этиши ҳамда Марказий банкнинг марказлашган антифрод тизимига интеграция қилинишини таъминлаши лозим.

Тўлов тизимининг иштирокчилари ва тўлов ташкилотлари ўзларида сессион антифрод тизимларини жорий этиши ҳамда Марказий банкнинг

марказлашган антифрод тизимига интеграция қилинишини таъминлаши лозим.

Тўлов тизими иштирокчилари ва тўлов ташкилотларида банк карталари орқали жисмоний ва юридик шахсларнинг розилигисиз амалга оширилган пул ўтказмаларининг мезонларига мос келадиган операциялар аниқланганда, ушбу операция бўйича тақдим этилган фармойишнинг бажарилишини антифрод тизимлари доирасида амалга оширади.

Тўлов тизими операторлари, тўлов тизимининг иштирокчилари ва тўлов ташкилотлари жисмоний ва юридик шахсларнинг розилигисиз амалга ошириладиган тўловларни олдини олиш мақсадида қуйидагиларни бажариши лозим:

жисмоний ва юридик шахсларнинг розилигисиз амалга оширилган пул ўтказмаларининг тавсифи, миқдори ва ҳаракатларини таҳлил этиши, таваккалчиликларни баҳолаши ва бошқариши ҳамда уларнинг мезонларига мос келадиган операцияларни аниқлаш жараёнларини белгилаши;

жисмоний ва юридик шахслар ўртасида тузилган шартномаларда (оммавий оферталарда) антифрод тизими доирасида банк карталари билан боғлиқ шубҳали (фрод) операцияларга қарши чоралар кўриш масалаларини ёритиши;

банк карталари билан боғлиқ шубҳали (фрод) операциялар бўйича келиб тушадиган мурожаатларни йиғиши ва таҳлил қилиши;

тўлов хизмати фойдаланувчисининг пул маблағларини ўтказиш вақтида, ушбу тўлов шубҳали (фрод) операциялар рўйхатида бўлса, бундай ҳолат ҳақида фойдаланувчига хабар (SMS, мессенжер ёки бошқа ахборот тизимлар орқали) бериши, такрорий тасдиқ (PIN код, яширин сўзни киритиш ёки бошқа тарзда маълумот) олиши, агар маълум вақт оралиғида ушбу тасдиқ олинмаса, ушбу тўлов операциясини бекор қилиши;

фойдаланувчи томонидан ўзининг ҳисоб-варақларига тегишли тўлов операцияларини тўхтатиш (блокировка қилиш) имкониятини яратиши;

банк карталари билан боғлиқ шубҳали (фрод) операцияларда иштирок этган банк карталари ва ҳисобварақлари, мобил иловалари аккаунтлари ҳамда электрон ҳамёнлар тўғрисида ўзларининг ахборот тизимларида мавжуд бўлган маълумотларни Марказий банкнинг сўровига асосан ўз вақтида тақдим этиши;

ахборот тизимлари ва ресурсларида аниқланган, жисмоний ва юридик шахсларнинг розилигисиз амалга оширилган пул ўтказмаларини ўтказиш ёки ўтказишга уриниш ҳолатлари тўғрисидаги маълумотларни Марказий банкка тақдим этиб бориши.

Тўлов тизими операторлари, тўлов тизимининг иштирокчилари ҳамда тўлов ташкилотлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг розилигисиз тўловлар содир этилган ҳолатларда иштирок этган банк карталари ва ҳисобварақлари, мобил иловалари аккаунтлари ҳамда электрон ҳамёнлардан фойдаланишни вақтинча чекланган (блокланган) муддат мобайнида қонун ҳужжатларида уларни чеклаш (блоклаш) учун бошқа асослар бўлмаганда, улардан фойдаланишга қўйилган вақтинчалик чеклов (блоклаш) олиб ташланади.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг розилигисиз амалга оширилган пул ўтказмаларининг мезонлари Марказий банк бошқарувининг қарорига асосан белгиланади.

Тўлов тизими операторлари, тўлов тизимининг иштирокчилари ҳамда тўлов ташкилотлари EPOS-терминалларида фойдаланишда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш бўйича қуйидагиларни амалга ошириши лозим:

тўлов агентлари ва субагентларининг реестрини юритиши, шунингдек, тўлов агентлари ёки субагентларини рўйхатдан ўтказиш, ўзгартириш ва ўчиришда 1 иш куни ичида Марказий банкка ўзгартирилган реестрни тақдим этиши;

жисмоний шахслар ўртасида пул маблағларини ўтказишни (P2P) амалга ошириш учун алоҳида EPOS-терминалидан фойдаланиши, шунингдек ушбу EPOS-терминалларида бошқа мақсадларда фойдаланишини таъқиқлаши;

EPOS-терминалларида шартномада кўрсатилган мақсадларда фойдаланишни назорат қилиши;

EPOS-терминалларида, шунингдек фойдаланувчи пароллари ва кириш ҳуқуқларидан фойдаланишда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш тартибини ишлаб чиқиши.

Тўлов тизими операторлари ва тўлов тизимининг иштирокчилари Марказий банкнинг мажбурий кўрсатмасига кўра, шубҳали (фрод) операциялари амалга оширилишини чеклаш ёки тўхтатиш мақсадида EPOS-терминаллардан фойдаланишни тўхтатиш ёки ушбу терминалларни ўчириш чораларини кўриши лозим²⁸⁹.

Киберхавфсизликни таъминлаш воситалари мажбурий тартибда сертификатлаштирилади²⁹⁰.

Кредит бюрolariда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш мақсадида асосий вазифалари қуйидагилардан иборат бўлган ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш хизмати (бундан буён матнда Хизмат деб юритилади) ташкил этилади:

ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликнинг таъминланганлик даражасини ошириш, уни баҳолаш, шунингдек авариялар ва ходимлар йўл қўйган хатолар натижасида келиб чиқадиган йўқотишларни камайтириш ва содир этилишини олдини олиш;

ахборот инфратузилмасининг яхлитлиги ва хавфсизлигини назорат қилиш;

серверларда ва тармоқ қурилмалардаги дастурий таъминотларни муҳофаза қилиш;

²⁸⁹ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2024 йил 24 апрелдаги 13/1-сон қарори (21.05.02024 й., рўй.: 3513-сон) билан тасдиқланган “Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчиларнинг тўлов тизимларида ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш ҳамда рақамли технологиялар воситасида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларни олдини олиш чораларини кўриш тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²⁹⁰ Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати раисининг 2024 йил 15 октябрдаги 114-сон буйруғи (14.11.2024 й., рўй.: 3574-сон) билан тасдиқланган “Ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини таъминлаш учун қўлланиладиган аппарат, аппарат-дастурий ҳамда дастурий воситаларни сертификатлаштириш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

барча технологик жараёнларда ходимлар ҳаракати, шунингдек ахборот тизимларида амалга оширилган ҳаракатлар бўйича электрон баённомалар рўйхатини юритиш;

ахборот тизимларида ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик талабларини бузиш ҳолатларини олдини олиш чораларини кўриш;

маълумотларнинг учинчи шахсларга ошкор этилишини олдини олиш;

ахборот-коммуникация технологиялари инфратузилмасида юзага келган ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик ҳодисалари, кибертахдидлар, киберхужумлар аниқланган вақтда бу ҳақидаги маълумотларни зудлик билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига (бундан буён матнда Марказий банк деб юритилади) тақдим этиш;

ахборот-коммуникация технологиялари инфратузилмаси, ахборот тизимлари ва ресурсларида ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликнинг таъминланганлик ҳолатини ички қоида ва тартибларга мувофиқлигини бир йилда камида икки маротаба ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик таваккалчиликларини ҳисобга олган ҳолда ўрганиш ва ўрганиш натижаларини далолатнома билан расмийлаштириш.

Кредит бюрolari тармоқ ҳамда алоқа каналларини эҳтимоли мавжуд бўлган кибертахдидлар ва киберхужумлардан ҳимоя қилиш учун қуйидаги чораларни кўриши лозим:

компьютер тармоқларини сегментлаш ҳамда янги авлод тармоқлараро экран қурилмаларидан фойдаланиш;

тармоқ орқали қабул қилинган ва узатиладиган маълумотларга рухсатсиз киришни олдини олиш бўйича техник (криптографик ва бошқа) ва (ёки) ташкилий чоралар кўриш ҳамда тармоқ маълумотларини филтрлашни таъминлаш (янги авлод тармоқлараро экран қурилмаларини қўллаш);

тармоқ қурилмаларидаги ARP (Address Resolution Protocol) жадвалларини электрон архивлаш;

Интернет жаҳон ахборот тармоғи ресурсларидан ходимларнинг фойдаланишини прокси-сервер орқали амалга ошириш, иш фаолияти учун зарур бўлмаган веб-сайтларга киришни чегаралаш ва кирилган веб-сайтларни қайд этиб бориш;

ахборот тизимларини асосий ва захира алоқа каналлари билан таъминлаш;

серверларда иш фаолияти учун зарур бўлмаган портларни ёпиш ва хизматларни тўхтатиш;

ахборот тизимида кириш объектлари ва ресурсларининг ҳисобини юритиш;

масофавий хизмат кўрсатиш ва бошқа ахборот тизимларида мижозни идентификация ва аутентификация қилиш мақсадида қўлланиладиган (бир марталик ёки кўп марталик) паролларни ишлатиш тартибини белгилаш, тасдиқлаш кодларини қўллаш, бир марталик тасдиқлаш кодларини тизимга шифрланган ҳолда юбориш, коднинг фаол бўлиш вақти ва бошқаларни ёритиш;

ахборот тизимига киришда қўлланилган қурилманинг идентификация маълумотларини (IP-манзил, MAC-манзил ва бошқа идентификаторлар) қайд этиш;

тажовузларни аниқлаш ва олдини олиш тизимларини (IDS/IPS) қўллаш ҳамда базасини актуал ҳолатда бўлишини таъминлаш.

Кредит бюрolari кредит ахборотини шакллантириш, узатиш, сақлаш ва унга ишлов беришнинг барча босқичларида узлуксиз ҳимояни таъминлаш учун қуйидаги чораларни кўришлари шарт:

идентификация, аутентификация ва авторизация қилиш тизимини жорий этиш;

тизимга рухсатсиз киришнинг олдини олиш усулларини (логин, парол, кўп факторли аутентификация ва бошқа) қўллаш;

идентификация маълумотларини қалбакилаштириш, уларни рухсатсиз ўзгартириш ҳамда учинчи шахсларга тақдим этишдан ҳимоялаш;

кредит ахборотини узатишда унинг асл эгасига етказилишини таъминлаш ҳамда бошқа шахсларга жўнатилишининг олдини олиш;

кредит ахборотини сақлашда уларни рухсатсиз кўчириш, ўзгартириш, ўчириш ҳамда учинчи шахсларга жўнатилишининг олдини олиш чораларини кўриш;

ташқи сақловчига кўчирилган маълумотларни сейфда (темир шкафта) сақланишини таъминлаш ҳамда маълумотларни сақлаш учун масъул ходим (ходимлар) тайинлаш;

ахборот тизимларидаги дастурий таъминотларнинг назоратини ва ҳисобини юритиш ҳамда дастурий таъминот талқинларининг, аппарат-дастурий қурилмаларининг ва дастурий воситаларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш;

ахборот тизимларининг актуал ҳолатда (охирги версияда) бўлишини таъминлаш, бунда дастурий таъминотнинг янги талқинини амалиётда ишлаб турган ахборот тизимининг иш фаолиятига салбий таъсир кўрсатмасдан тест-синов майдонларида текширувдан ўтказиш ва ижобий натижага эришилганидан сўнг амалиётга жорий этиш;

кредит ахборотини узатиш, сақлаш жараёнларини электрон баённомаларда (log) автоматик тарзда шакллантириб бориш ва сақланишини таъминлаш;

Хизматни ташкил этиш ҳамда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш бўйича амалга ошириладиган ишларни назорат қилиш;

ҳисоблаш тармоғининг хавфсизлиги ва криптографик муҳофазасини таъминлаш, компьютер вирусларидан ҳимоялаш, ахборот тизимларига киришни бошқариш, техник воситаларини созлаш ва бошқа чораларни қўллаш;

ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлашда ускуна, қурилма, аппарат-дастурий ва дастурий техник воситалар қўлланишини таъминлаш ҳамда уларни мунтазам такомиллаштириб бориш, фойдаланиш

тартибларини белгилаш, техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш ва бошқа ҳолатларда улардан рухсатсиз фойдаланишнинг олдини олиш;

кўлланилаётган техник воситаларга барча телекоммуникация тармоқларидан рухсатсиз кириш, маълумотларни ўзгартириш, ўчириш ва кўчириб олишдан ҳимоялаш;

ахборотларни чиқиб кетишини (йўқолишини) олдини олиш;

ахборот тизимига рухсатсиз кириш ёки киберхавфсизлик ҳодисалари содир бўлганда, таҳлил қилиш асосида ҳимоя тизимларини мустаҳкамлаб бориш чораларини кўриш.

Кредит бюrolари ахборот тизимларидан маълумотларнинг рухсатсиз узатилиши ва тарқалишидан ҳимоялаш бўйича DLP (Data Loss Prevention) тизими жорий этилиши шарт. Маълумотларни ҳимоя қилишда:

муҳофазаланадиган маълумотларни рухсатсиз турли тармоқ каналлари орқали узатилиши, ҳисобга олинмаган ташқи ташувчига кўчирилиши, рухсатсиз чоп этилиши аниқланиши ва бу ҳақида кредит бюро раҳбариятига маълумот бериш ва келгусида шу каби салбий ҳолатлар бўлмаслигини олдини олиш чоралари кўрилиши;

муҳофазаланадиган маълумотларни сервер ва компьютерларда сақланиши назорат қилиниши лозим.

Кредит бюrolари дастурлар ва операцион тизимларга зарар келтирувчи зарарли кодлар (компьютер вируслари) ва уларнинг салбий таъсирини олдини олиш учун қуйидаги чораларни кўриши шарт:

ҳисоблаш техникаси қурилмалари (серверлар, компьютерлар ва бошқалар), иш фаолиятига зарар етказувчи кодларни (компьютер вирусларини) аниқлаш ва уларнинг салбий таъсирини олдини олиш чораларини кўриши;

ахборот тизимларида фақат лицензияланган антивирус дастуридан фойдаланиш, уларнинг русумлари ва базалари актуаллиги ҳамда янгиланиб борилишини таъминлаши;

антивирус дастурларининг ўрнатилиши ҳамда унинг ишлаши Хизмат томонидан назорат қилиниши;

антивирус дастурларининг автоматик тарзда ишлашини таъминлаши;

тармоқ орқали келган барча ахборотларни антивирус дастури орқали текшириши;

антивирус дастурининг созламалари бунга масъул бўлмаган кредит бюроси ходимлари томонидан ўзгартириш имконияти бўлмаслигини таъминлаши;

компьютер вируси аниқланганда, ходимлар томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар тартиби белгиланиши.

Кредит бюrolарида антивирус дастурларини марказлашган ҳолда бошқариш тизими жорий этилиши, антивирус дастурининг базаси ҳар куни янгиланиб борилиши ва версияси актуал (маънан эскирмаган) бўлиши таъминланиши лозим.

Антивирус дастурлари серверлар, компьютерлар ва бошқа барча антивирус дастурлари ўрнатилиши мумкин бўлган ҳисоблаш воситаларига ҳамда қурилмаларга ўрнатилган бўлиши лозим.

Антивирус дастурлари Марказий банкнинг мониторинг тизимиغا уланиши шарт.

Ахборот тизимларида ахборотни муҳофаза қилишнинг криптографик усуллари қўлланилишида қуйидагилар белгилаб олиниши лозим:

криптографик муҳофаза воситаларини автоматлаштирилган тизимларга боғлаш, ишга тушириш, ишлатиш ва фойдаланишдан чиқариш тартиби;

криптографик муҳофаза воситаларининг тўхтаб қолиши, ишдан чиқиши ва бошқа фавқулодда ҳолатларда уларни қайта тиклаш тартиби;

криптографик муҳофаза дастурларига ва техник ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тартиби;

криптографик калитларни бошқариш тартиби;

криптографик калитларни ташувчи қурилмаларни қўллаш, сақлаш, ўзгартириш ва бошқалар бўйича ташкилий ҳамда техникавий усулларни қўллаш тартиби.

Кредит бюрolari Марказий банк ва кредит ташкилотлари билан электрон ахборот алмашинувини Марказий банкнинг “Ахборотлаштириш бош маркази” давлат унитар корхонаси билан тузилган шартнома асосида банк телекоммуникация тармоғи орқали амалга оширади. Бунда, қуйидаги хавфсизлик чоралари кўрилиши керак:

а) кредит ахбороти билан ишлаш учун фақат тегишли рухсатга эга бўлган ходимлар қўйилиши;

б) фойдаланувчиларнинг тизимга кириши учун аутентификация қилиш логин ва пароль ҳамда аппарат-дастурий воситалар (токен-махсус қурилма) ёрдамида амалга оширилиши. Бунда, пароль 12 та белгидан кам бўлмаган рақам ва символлар комбинациясидан иборат бўлиши ҳамда пароль ва логинларни муддати тугашига қараб ўзгартириш имконияти бўлиши лозим. Паролнинг амал қилиш муддати бир ойдан ошмаслиги лозим;

в) кредит ахбороти алмашинувида қатнашувчи ходимларнинг сервер ва компьютерлари телекоммуникация тармоқлари орқали ишлаши учун аппарат-дастурий воситалар билан жиҳозланиши;

г) ахборотларни қайта ишлаш, узатиш ва қабул қилиш учун ажратилган серверлар ва компьютерларга умумий локал тармоққа уланган бошқа компьютерлардан кириш имконияти бўлмаслиги;

д) кредит бюроси томонидан узатиладиган ва қабул қилинадиган ҳар қандай ахборот электрон рақамли имзо билан тасдиқланиши ҳамда бажарилган ишлар бўйича маълумот автоматик равишда электрон журналга киритилиши. Бунда, электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгаси қуйидагиларни амалга ошириши шарт:

электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитидан фойдаланиш устидан назоратни таъминлаши;

электрон рақамли имзо калити сертификатини берган электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатга олиш марказига электрон рақамли имзонинг

ёпиқ калитидан фойдаланиш режими бузилганлиги ёки бузилиши эҳтимоли борлиги тўғрисида хабар қилиши ва электрон рақамли имзо калити сертификатининг амал қилишини тўхтатиб туришни ёхуд мазкур сертификатни бекор қилишни талаб қилиши;

ўзи вакил бўлган юридик шахс қайта ташкил этилганда ва тугатилганда, бу ҳақда электрон рақамли имзо калити сертификатини берган электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатга олиш марказига хабар қилиши;

э) электрон рақамли имзо очиқ калитининг фойдаланувчиси электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлиги тасдиқланмаган ҳолларда электрон рақамли имзонинг ёпиқ калити эгасига хабар бериши;

ж) кредит бюроларининг тизимларида кредит ахборотига тегишли бўлмаган ахборотларнинг узатилиши тақиқланиши;

з) электрон ахборот алмашинувида виртуал тармоқлар (VPN) асосида ташкил этилган ва ҳимояланган алоқа каналлари қўлланилиши.

Ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш бўйича қўшимча ахборотни муҳофаза қилиш воситалари қўлланилиши мумкин.

Кредит бюролари тизим иштирокчилари билан тузилган шартномаларда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш ҳамда конфиденциал, жумладан банк сирини ташкил этувчи ва шахсга доир маълумотларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича талабларни белгилаши шарт.

Кредит бюролари ахборотлаштириш объектларига рухсатсиз кириш ҳамда фойдаланишни чегаралаш мақсадида қуйидаги чораларни кўриши керак:

ахборотлаштириш объектларига жисмонан таъсир этишни ҳамда техник жиҳозлар мавжуд бўлган бино ва хоналарга киришни назорат қилиш;

ходимларнинг ахборотлаштириш объектларига киришини назорат қилиш ва маълумотларнинг рухсатсиз тарқалишидан ҳимоялаш тизимларини жорий қилиш;

серверлар ва телекоммуникация қурилмалари жойлашган хоналарда ишлаш жараёнларини видеокузатув тизимлари ёрдамида назорат қилиш.

Кредит бюролари барча турдаги маълумотларни (шу жумладан, банк сирини ташкил этувчи, шахсга доир ва бошқа қонун билан муҳофаза қилинадиган маълумотларни) сақловчи ахборот тизимларининг ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлигини таъминлашлари шарт.

Кредит бюролари ахборотнинг конфиденциаллиги ва яхлитлигини, шу жумладан шахсга доир маълумотларни муҳофаза қилишда ҳамда хавфсизликни таъминлашда қуйидаги чораларни кўришлари лозим:

ахборот тизимлари орқали ишлов бериладиган конфиденциал ва шахсга доир маълумотларнинг яхлитлиги ва дахлсизлигини таъминлаш ҳамда улардан фойдаланиш тартибини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

ички ҳужжатлар билан тартибга солинадиган ҳимояланадиган маълумотлар билан ишлашда хавфсизлик ва конфиденциалликни таъминлаш қоидалари ва талабларини ишлаб чиқиш;

конфиденциал ва шахсга доир маълумотлар билан ишловчи ходимлар сонини имкон даражасида камайтириш, ходимлар билан конфиденциал ва

шахсга доир маълумотлар ошкор этилишининг олдини олиш бўйича мажбуриятномалар (шартнома) тузиш ва ушбу маълумотлардан фойдаланиш ҳуқуқларини ходимларнинг лавозим мажбуриятларидан келиб чиқиб белгилаш;

конфиденциал маълумотлар рўйхатини юритиш бўйича комиссия таркибини шакллантириш ва тасдиқлаш;

конфиденциал маълумотлар рўйхати ва ҳажмини аниқлаш ҳамда тасдиқлаш;

конфиденциал маълумотлар билан ишлашга рухсат берилган ходимлар рўйхатини шакллантириш ва тасдиқлаш;

ахборотлаштириш объектининг техник паспортини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

конфиденциал маълумотларни ташувчи воситаларни рўйхатга олиш, йўқ қилиш ҳамда ташқарига олиб чиқиш ва кириш журналларини юритиш;

маълумотлар яхлитлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида электрон рақамли имзо калитларидан фойдаланиш ҳамда шифрланган маълумотларни сақлаш тартибини белгилаш;

конфиденциал ва шахсга доир маълумотлар мавжуд бўлган ахборот ресурсларига киришда идентификация, аутентификация ва авторизация қилинишини таъминлаш;

конфиденциал ва шахсга доир маълумотлар билан ишлаш ҳуқуқларининг рухсатсиз берилишини олдини олиш;

ахборот тизимлари фойдаланувчиларининг муҳофазаланган маълумотларига кириш, ишлов бериш, уларни сақлаш ҳамда тақдим этиш жараёнидаги амалга оширилган ҳаракатларни электрон баённомаларда қайд этиб бориш;

ташқи сақловчи қурилмалар ва техник воситаларнинг бинодан ташқарига олиб чиқилишини назорат қилиш;

маълумотларни узатиш, сақлаш, ишлов бериш, ўчириш ҳамда рухсатсиз четга чиқиб кетишини олдини олиш чоралари таъминлаш.

Кредит бюрolari ахборот тизимларида ишлаш жараёнида, шу жумладан ишлаб чиқиш ва синовдан ўтказиш жараёнида ваколатларни чегаралаш учун қўйидаги чораларни кўришлари лозим:

ахборот тизимларида ишлаш ҳуқуқларини белгиловчи тартиб ва қоидаларни ишлаб чиқиш ва уларни лавозим йўриқномаларида акс эттириш ҳамда тегишли ҳужжатга (ариза, талабнома ёки бошқа шаклга) асосан тизимдан фойдаланиш тартибини таъминлаш;

ахборот тизимларида ишлаш ҳуқуқи берилган масъул ходимлар рўйхатини шакллантириш;

ахборот тизимларида ишлаш ҳуқуқларини белгилаш ва тақсимлаш билан боғлиқ ҳаракатларни рўйхатга олиш;

ахборот тизимларида ишлаш ҳуқуқлари мантиқан ва иш вазифасидан келиб чиқиб тўғри белгиланганлигини даврий (ҳар чоракда бир маротаба) текшириб туриш;

ахборот тизимларининг ишлаши ва синовдан ўтказилиш даврида ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш ҳамда берилган ахборот тизимларида ишлаш ҳуқуқлари тўғрилигини назорат қилиш;

ахборот тизими фойдаланувчилари ахборот тизими томонидан берилган ҳуқуқларни ўзгартириш имкониятига эга бўлмаслигини таъминлаш ҳамда бу ҳуқуқларни бегона шахсларга беришни чеклаш чораларини кўриш.

Кредит бюrolари ўзларининг ахборот тизимларига ўзгартириш киритиш учун бошқа ташкилотларни жалб қилганда қуйидагиларни амалга оширишлари зарур:

конфиденциал ва шахсга доир маълумотларни ошкор этмаслик бўйича битим тузиш;

ахборот тизимларида муҳофаза қилинадиган маълумотлар билан ишлашни белгиланган тартибда рухсат бериш асосида амалга ошириш;

тегишли лицензия ва (ёки) бошқа рухсатномага эга бўлган (агар ушбу фаолият лицензия ёки тегишли рухсатнома асосида амалга оширилса) ташкилотларни жалб қилиш;

ахборот тизимларини лойиҳалаш босқичида маълумотларнинг конфиденциаллигини таъминлаш чораларини ишлаб чиқиш;

кўриладиган ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш бўйича чоралар (амалга ошириладиган ишлар, ўрнатиладиган дастурлар, қурилмалар ва бошқалар) ва аниқ кўрсатилган техник топшириқни қабул қилиш (тест синовларини амалга ошириш режаси) ҳамда бошқа тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш;

дастурий таъминотни ишлаб чиққан ва унга ўзгартириш киритган (киритадиган) ташкилотлар рўйхатини тузиш;

ахборот тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этишнинг тахминий муддатларини ҳамда шартларини белгилаб олиш;

жалб қилинган ташкилот ходимлари томонидан ахборот тизимларига киритиладиган ўзгартиришларнинг асослилигини, мавжуд техник топшириқларга мослигини, ахборот тизимига алоқадор бўлмаган дастурлар (тизим функциялари) киритилмаслиги ва тест синовлари натижаларининг ижобийлигини Хизмат ҳамда ахборотлаштириш бўйича масъул ходим томонидан назоратга олиш.

Кредит бюrolари электрон почта тизими серверини ўзининг локал ҳисоблаш тармоғида яратади.

Кредит бюrolари интернет тармоғи ва электрон почта тизимларидан фойдаланишда ахборот муҳофазасини таъминлаш, ходимларни тизимга киритиш, уларга чекловлар қўйиш, ходимлар ҳаракати ва тизим ахборот хавфсизлиги устидан назорат қилишни ўзининг ички ҳужжатларида белгилайди.

Кредит бюrolари томонидан конфиденциал ва шахсга доир маълумотлар рухсат берилган ахборот тизимлари орқали юборилиши шарт.

Файлларни узатиш протоколи (FTP) серверида ташкил қилинган умумий каталог орқали файл алмашинувини амалга ошириш ва банк сири маълумотларини тармоқда эркин ўқиш учун жойлаштириш тақиқланади.

Кредит бюрolari томонидан интернет ва электрон почта орқали юборишга тайёрланган ёки қабул қилинган ҳар бир электрон маълумот антивирус дастури ёрдамида текширилиши шарт. Электрон почта орқали қабул қилинган маълумотлар зарар келтирмаслиги учун қумдонда (Sandbox тизими) текширилиши лозим.

Кредит бюрolari ўзининг электрон почта тизими ҳамда интернет тармоғидан фойдаланиш тартибини ички ҳужжатлари билан белгилайди ҳамда электрон почта орқали юборилган ва қабул қилинган маълумотларни Хизмат томонидан назорат қилинишини таъминлайди. Бунда фақат рухсат берилган фойдаланувчилар интернет тармоғидан фойдаланиши ва интернет тармоғидан фойдаланишда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш чоралари кўрилиши керак.

Интернет тармоғи ва банк телекоммуникация тармоғи алоҳида маршрутизатор (router) ва алоҳида тармоқлараро экран (firewall) қурилмалари орқали жисмонан уланиши шарт.

Ахборот муҳофазасини кучайтириш мақсадида тармоқ протоколида (TCP/IP) тармоқ транзит пакетларининг IP манзилларини ўзгартириш имконини берувчи тармоқ адресларини ўзгартириш протоколи (NAT) қўлланилиши мумкин. Бунда тармоқ орқали барча уланишларнинг электрон журналлари асл IP манзиллар кўрсатилган ҳолда юритилиши ва белгиланган тартибда электрон архивга олинishi шарт.

Интернет тармоғидан фойдаланиш тартиби назоратга олинган бўлиши ва кредит бюроси ходимларининг интернет тармоғидан фойдаланишлари уларнинг лавозим йўриқномасига асосан белгиланади.

Интернет тармоғидан фойдаланган ходимнинг логини, фойдаланиш вақти, ресурс номи ва бошқа маълумотлар акс эттирилган электрон баённомалар юритилиши керак. Хизмат ушбу электрон баённомаларни таҳлил қилиб боради.

Интернет тармоғидан фойдаланишда ахборот муҳофазасини таъминлаш янги авлод тармоқлараро экран қурилмалари, прокси-сервер, антивирус, тажовузларни аниқлаш ва олдини олиш (IDS/IPS), anti-spam, anti-bot ва бошқа ахборот хавфсизлиги тизимларини қўллаш йўли билан амалга оширилади.

Кредит бюрolari ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлашга доир талабларнинг бузилиши билан боғлиқ бўлган ҳодисаларни аниқлаш мақсадида қуйидаги ишларни ташкил этиши шарт:

қўлланилиши зарур бўлган ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик бўйича ташкилий чораларни аниқлаш;

мавжуд техник қурилмаларни ишлатиш, созлаш ҳамда улардаги маълумотларни қайд этиш;

ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик талабларининг бузилиши билан боғлиқ ҳодисаларни аниқлаш чораларини кўриш ҳамда ушбу ҳолатлар кредит бюроси ходимлари томонидан аниқланганда Хизматни хабардор қилиш;

ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик талабларининг бузилиши билан боғлиқ ҳодисалар юзага келганда, уларни бартараф этиш, юзага келиш

сабабларини аниқлаш, таҳлил қилиш ҳамда аниқланган ҳодисалар юзага келмаслиги бўйича тегишли чоралар кўриш;

аниқланган ҳодисаларни рўйхатга олиб бориш (реестрини юритиш);

аниқланган ҳодисалар тўғрисидаги маълумотларни сақлаш тартибини белгилаш;

ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлашнинг бошқа чораларини кўриш.

Кредит бюрolari ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик талабларининг бузилиши билан боғлиқ ҳодисалар тўғрисида Марказий банкка зудлик билан ёзма ёки электрон шаклда хабар бериши шарт.

Кредит бюрolari ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш бўйича талабларнинг бузилиши билан боғлиқ ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида қуйидагиларни белгилаши шарт:

ахборот тизимларида ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик таваккалчиликларини бошқариш тартиби ва уларни баҳолаш мезонлари;

ахборот тизимида нохуш ҳодисалар юзага келганда ўзаро ҳаракатланиш тартиби;

содир бўлган нохуш ҳодисаларга нисбатан таъсир чораларини кўриш бўйича амалга ошириладиган ҳаракатлар рўйхати;

ишнинг узлуксизлигини таъминлаш, ахборотни қайта тиклаш ҳамда бошқа салбий ҳолатларни бартараф этиш чоралари;

ходимлар томонидан мавжуд ахборот тизимларида ишлашда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик талаблари;

юзага келган ҳодисаларнинг келиб чиқиш омилларини аниқлаш мақсадида тармоқ қурилмалари ва ахборот тизимларининг электрон баённомаларини расмийлаштириш, йиғиш, таҳлил қилиш ҳамда уларга асосан тегишли кўрсатмалар.

Ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлашга доир талабларнинг бузилиши билан боғлиқ аниқланган ҳодисалар сабабларини таҳлил қилиш ҳамда уларга таъсир кўрсатиш натижаларини баҳолаш лозим. Бунда аниқланган ҳодисалар сабабларини таҳлил қилиш ҳамда уларга таъсир кўрсатиш натижаларини баҳолаш тизими қуйидагиларни ўз ичига олиши шарт:

аниқланган ҳодисаларга нисбатан таъсир чоралари кўрилгандан кейин ушбу ҳодисаларнинг келиб чиқиш сабабларини Хизмат томонидан тегишли бўлинмалар билан биргаликда таҳлил қилиш тартиби;

ахборот тизимларининг тегишли электрон баённомаларини ўрганиш ҳамда аниқланган ҳодисанинг юзага келишига сабабчи бўлган ходимлардан тушунтиришлар олиш;

ҳодисаларнинг келиб чиқиш сабабларига ойдинлик киритиб, бундай ҳолатлар юзага келмаслиги ёки юзага келганда унинг зарар келтириш имкониятларини камайтириш чораларини кўриш (шу жумладан, тегишли мутахассисларни жалб қилган ҳолда);

ҳодисаларнинг салбий таъсир кўрсатиш даражасига қараб таснифлаш ва баҳолаш мезонига асосан уларни баҳолаш.

Ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлашга доир талабларнинг бузилиши билан боғлиқ аниқланган ҳодисаларга нисбатан кўрилган таъсир чоралари, уларни баҳолаш натижалари ва бошқа қўшимча маълумотлар чоп этилиши ҳамда алоҳида йиғмажилдда сақланиши зарур.

Ахборот тизимларининг узлуксиз ишлаши ва барқарорлигини таъминлаш мақсадида қуйидаги чоралар кўрилиши шарт:

асосий ахборот тизимлари ишдан чиққан ҳолатларда хизматлардан фойдаланишни камида 99,9 фоиз даражада таъминлай олиш имкониятига эга захира сервер қувватларига эга бўлиши;

реал вақт режимида маълумотларни қайта ишловчи ахборот инфратузилмасида камида 30 фоизгача захира жой бўлиши;

ахборот тизими билан боғлиқ тармоқ ва бошқа қурилмалар носоз ҳолатга келганда, уни иш жараёнига келтириш ва узлуксиз ишлашини таъминлаш;

операцион тизим, дастурий таъминотлар, ахборот тизимларининг дастурлари, маълумотлар (маълумотлар базаси, соғламалари, электрон баённомалар) нусхаларини захирага (backup) олиш ва электрон архивда сақлаш ҳамда уларни қайта тиклаш тартибини (механизмини) ишлаб чиқиш, уларнинг ҳисобини юритиш ва назоратини олиб бориш;

захира тикланиш режаси, техник қурилма ва ускуналарга эга бўлиш;

маълумотларнинг захирага олинган (backup) нусхаларини техник носозликларда ва фавқулодда вазиятларда қайта тиклаш режасини ишлаб чиқиш ва даврий (бир йилда бир маротаба) равишда ахборот тизимини қайта тиклаб текшириш;

захира нусхаларини сақлаш муддати, тартиби ва захирадан ечиш қоидаларига риоя қилиш;

дастурларга ўзгартириш киритишни синов (тест) учун мўлжалланган серверларда текшириш;

тизимдаги қурилма ва ускуналарнинг ишлашини назорат қилиш;

ахборот тизимининг узлуксизлигига салбий таъсир этиши мумкин бўлган ҳолатларни олдини олиш ва ахборот муҳофазасини таъминлаш;

дизел электр станцияси ва (ёки) бошқа электр таъминоти узлуксизлигини таъминлаш воситаларидан (UPS ва бошқалар) фойдаланиш;

ишлов берилган маълумотларни сақлаш ва уларнинг электрон архивда юритилишини таъминлаш;

мижозларнинг ҳаракатига тегишли бўлган маълумотларни камида беш йил сақланишини таъминлаш;

электрон архив юритишда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлашга доир талабларга риоя этилиши бўйича ишчи гуруҳ тузган ҳолда бир йилда камида икки маротаба текшириш ва натижалари тўғрисида Марказий банкка маълумот бериш;

ахборот узатиш захира тармоқларига эга бўлиш.

Кредит бюrolари асосий ахборот тизимлари жойлашган жойдан 50 километрдан кам бўлмаган масофада жойлашган ҳудудлардаги шаҳар марказларида захира ахборот тизимларини ташкил этиши лозим. Бунда асосий

ва захира ахборот тизимлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ташкил этилади.

Ахборот тизимларидаги маълумотлар (электрон баённомалар ва ҳ.к) электрон архивларда камида икки нусхада (хусусан, асосий ва захира ахборот тизимларининг ҳар бирида битта нусхадан) сақланиши мумкин.

Кредит бюроси ўз фаолияти давомида шаклланадиган барча ахборот ва ҳужжатларни рақамли шаклда тартибли равишда сақлаш мақсадида электрон архив тизимини ташкил этиши ва юритиши шарт.

Электрон архивда қуйидаги маълумотлар мажбурий равишда сақланиши лозим:

фойдаланувчиларнинг тизимга кириш ва чиқиш журналлари (баённомалари);

ёзувлар устида амалга оширилган ҳаракатлар (яратиш, ўзгартириш, ўчириш) бўйича баённомалар (логлар);

кредит тарихига оид барча кирувчи ва чиқувчи сўровлар;

кредит тарихини тузатиш ёки рад этиш бўйича ариза ва қарорлар;

электрон почта орқали қабул қилинган ва юборилган ҳужжатлар;

ARP (Address Resolution Protocol) жадваллари, тизим хатоликлари ва рухсатсиз кириш уринишлари ҳақида техник баённомалар (loglar);

захираш ва тиклаш бўйича амалиётлар журнали.

Захира нусхаларни сақлаш, юритиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ талаблар қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) захира нусхаларни сақлаш муддати:

тизим конфигурацияси, электрон баённомалар ва лог файллар – бир йил;

молиявий ва мижозларга оид операцион маълумотлар – беш йил;

ички хизматлар фаолиятига тегишли жорий маълумотлар – олти ойни ташкил этади;

б) захира нусхаларини тиклаш ва ўчириш фақат ваколатга эга бўлган масъул ходимлар томонидан амалга оширилиши лозим. Бунда, барча ҳаракатлар расмийлаштирилиши ва электрон баённомалар (лог)да қайд этилиши керак;

с) сақлаш муддати якунига етган захира нусхалар уларнинг махфийлик даражаси ва ахборот хавфсизлиги талаблари инобатга олинган ҳолда қайта тиклаб бўлмайдиган қилиб йўқ қилинади. Бунда, барча жараёнлар электрон баённомалар (log)да қайд этилади.

Кредит бюрларининг фаолияти тугатилганда, улардаги мавжуд электрон архивнинг ахборот ресурслари қонунчиликда белгиланган тартибда тегишли давлат ёки нодавлат архивларига топширилади.

Кредит бюрлари қайта ташкил этилганда, уларнинг электрон архив маълумотлари тегишли давлат архивлари билан келишилган ҳолда мазкур ташкилотнинг ҳуқуқий ворислари электрон архивига топширилади.

Кредит ахборотидан фойдаланувчилар кредит бюрларининг ахборот тизимларига рухсат этилмаган ҳолда кириш, кредит ахборотини йўқ қилиб

юбориш, ўзгартириш, ундан бошқа шахслар фойдаланиши ёки уни ошкор этилишини олдини олиш учун ташкилий ва техник чоралар кўриши лозим²⁹¹.

Кредит ва тўлов ташкилотлари жисмоний шахсларнинг шахсига доир, идентификация ва тўлов билан боғлиқ барча турдаги маълумотларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида уларни ўз ахборот тизимларида шифрланган ҳолда сақлаши шарт.

Ахборот тизимларидаги маълумотларнинг рухсатсиз тарқалишининг олдини олиш мақсадида маълумотларни рухсатсиз тарқалишидан ҳимоялаш тизими DLP (Data Loss Prevention) жорий этилиши лозим.

Ахборот тизимида фойдаланувчи ва тизимнинг ўзи томонидан амалга оширилган барча ҳаракатлар автоматик тарзда журналлаштирилиши шарт. Журналлар сохталаштириш ва ўзгартиришдан ҳимояланган форматда сақланиши лозим. Журнал маълумотларининг яхлитлигини таъминлаш мақсадида WORM (Write Once Read Many) технологиясидан фойдаланиш тавсия этилади.

Имтиёзли функциялар ва юқори даражадаги тизим ҳуқуқлари орқали амалга оширилган барча ҳаракатларга фақат чекланган доирадаги ходимлар томонидан киришга рухсат берилиши шарт. Бундай ҳуқуқлардан фойдаланиш жараёнлари мажбурий тарзда кўп омилли аутентификация MFA (Multi-Factor Authentication) орқали ҳимояланиши лозим.

Имтиёзли функциялар ва юқори даражадаги тизим ҳуқуқлари доирасида амалга ошириладиган фаолиятнинг тўлиқ назорати ва журналлаштирилиши PAM (Privileged Access Management) тизими орқали амалга оширилиши керак.

Кредит ва тўлов ташкилотлари ахборот тизимларидаги маълумотларни ҳимоя қилиш учун криптографик ҳимоя воситаларидан фойдаланишда қуйидаги талабларни бажаришлари шарт:

алоқа каналлари орқали ахборот алмашинувини фақат ҳимояланган Transport Layer Security (TLS) протоколидан (1.3 ёки ундан юқори версия) фойдаланган ҳолда амалга ошириш;

маълумотларни шифрлашда AES-256/GCM алгоритмидан фойдаланиш;
криптографик калитларнинг айланиш (ротация) сиёсатини киберхавфсизлик соҳасидаги ваколатли давлат органи томонидан белгиланган талаблар доирасида амалга ошириш;

криптографик калитлар камида йилда бир маротаба янгиланиб борилишини таъминлаш;

криптографик калитлар билан боғлиқ барча ёзувлар (логлар), шу жумладан калит яратиш, айлантириш, бекор қилиш ва фойдаланиш ҳолатлари тўғрисидаги маълумотларни камида 3 йил давомида сақлаш;

криптографик калитларнинг муддати ўтганидан кейин уларни белгиланган тартибда йўқ қилиш ёки архив ҳолатига ўтказиш ҳамда бу жараённи тегишли далолатнома билан расмийлаштириш.

²⁹¹ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2025 йил 19 августдаги 20/2-сон қарори (2309.2025 й., рўй.: 3679-сон) “Кредит бюроларининг ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлигига доир минимал талаблар тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Кредит ва тўлов ташкилотлари криптографик калитларни бошқаришда калитларни бошқариш тизими (KMS) ёки аппарат хавфсизлик модули (HSM)дан фойдаланишлари мумкин.

Криптографик алгоритмлар ёки протоколларнинг версиялари (жумладан, TLS, AES ва бошқалар) эскирган ёки заиф деб топилса, кредит ва тўлов ташкилотлари маълумотларни ҳимоя қилишда янгиланган, эквивалент ёки ундан юқори даражадаги хавфсизликни таъминлайдиган криптографик алгоритмлар ва протоколлардан фойдаланишлари лозим.

Кредит ва тўлов ташкилотлари ахборот тизимлари доирасида амалга оширилган барча техник жараёнлар, фойдаланувчи фаолияти, хавфсизлик билан боғлиқ ҳолатлар, операция журналлари ва тегишли дастурий ёзувларни камида 3 йил мобайнида хавфсиз ва ишончли шаклда сақлаши лозим.

Кредит ва тўлов ташкилотлари томонидан жорий этилган мобил иловалар ва уларнинг веб-талқини ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш талабларига тўлиқ жавоб бериши лозим.

Мобил иловага техник хавф туғдирувчи қурилмаларда ишлашини автоматик тарзда аниқлаш ва блоклаш механизмлари жорий этилиши лозим.

Кредит ва тўлов ташкилотлари қуйидаги ҳолатларда мобил илованинг ишлашини чеклаши лозим:

андроид операцион тизимида ишловчи қурилманинг тизим ҳуқуқларига ноқонуний кириш орқали хавфсизлик сиёсати бузилганда (root);

iOS операцион тизимида ишловчи қурилмада ишлаб чиқарувчи томонидан ўрнатилган хавфсизлик чекловлари ўчирилиб, тизимга чуқур кириш имконияти яратилганда (jailbreak).

Мобил илова ишга туширилганда қурилманинг хавфсизлик ҳолати таҳлил қилиниши (SafetyNet Attestation, Play Integrity API, Jailbreak detection каби воситалар) ва салбий ҳолат аниқланганда мобил илованинг иш фаолияти тўхтатилиб, фойдаланувчига СМС-хабарнома юборилиши шарт. Ушбу ҳолат баённома (loglar) базасига автоматик тарзда қайд этилиши лозим.

Мобил илова дастур кодига рухсатсиз кириш, тахрирлаш, тескари муҳандислик (reverse engineering) ва декомпиляция орқали таҳлил қилиш имкониятини чекловчи махсус технологиялар билан ҳимоя қилиниши шарт.

Кредит ва тўлов ташкилотлари мобил илова орқали тарқалиши мумкин бўлган зарарли кодлар, дастурлар ва фродга оид таҳдидларни аниқлаш ва уларнинг олдини олиш мақсадида мобил SDK (Software Development Kit) орқали антивирус ва антифрод функциялари билан таъминланган хавфсизлик модулларини интеграция қилиши керак.

Кредит ва тўлов ташкилотлари мобил иловани реал вақт режимида таҳдидлардан ҳимоя қилиш учун RASP (Runtime Application Self-Protection) технологияларини жорий қилиши лозим.

Кредит ва тўлов ташкилотлари ўз веб-талқинларида қуйидаги ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш чораларини кўришлари шарт: маълумот алмашинуви HTTPS протоколи орқали амалга оширилиши ва HSTS (Strict Transport Security) сиёсати фаоллаштирилиши;

веб-талқинга юкланадиган JavaScript кодларининг яхлитлигини таъминлаш учун SRI (Subresource Integrity) ёки шунга мос механизмлар қўлланиши;

браузер муҳотида аномал фаолликни (бот фаоллиги, автокликер, виртуал муҳит) аниқлаш учун тегишли киберхавфсизлик воситаларини жорий қилиши.

Кредит ва тўлов ташкилотлари мобил иловалар ва уларнинг веб-талқинида сессия бошқаруви ҳамда аутентификация хавфсизлигини ўзининг антифрод тизимларида белгиланган талаб ва қоидаларга асосан таъминлайди.

Фойдаланувчининг фаолияти, сессиялари, аномал ҳаракат ва таҳдидлар билан боғлиқ барча маълумотлар баённомалаштирилиши (логлаш) ҳамда марказлашган мониторинг (SIEM) тизимига интеграция қилинган ҳолда реал вақт режимида кузатилиши ва қайд этилиши шарт.

Кредит ва тўлов ташкилотларининг мобил иловаларига қисқа вақт оралиғида ноодатий даражада кўп сўровлар келиб тушганда ахборот тизимининг барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида бундай сўровларга нисбатан чекловлар жорий этиши, вақтинчалик блоклаш ёки бошқа ҳимоя чораларини мустақил равишда қўллашлари лозим.

Мобил иловадаги аккаунтга 1 дақиқа мобайнида 1 та IP манзилдан 2 ва ундан ортиқ қурилмадан уриниш ҳолатлари кузатилса, ушбу аккаунт 10 дақиқага блокланиши лозим²⁹².

Оператор, провайдер, дилер ва эшиттирувчилар телекоммуникациялар тармоқларида ахборот ва киберхавфсизликни таъминлашда ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш соҳасида қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиши, жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Wi-Fi хизмати ташкилотчиси оператор ёки провайдер билан биргаликда, ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Оператор ва провайдерлар телекоммуникациялар хизматларини кўрсатишда ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши шарт. Телевидение тармоқлари орқали қонунчилик билан тақиқланган маълумотларни тарқатишга йўл қўйилмайди. Абонентлар ва фойдаланувчилар телекоммуникациялар ёрдамида тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотни тарқатмасликка мажбур²⁹³.

²⁹² Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2025 йил 23 декабрдаги 35/14-сон қарори (21.01.2026 й., рўй.: 3759-сон) билан тасдиқланган “Кредит ва тўлов ташкилотлари, тўлов тизими операторлари томонидан жисмоний шахсларга масофадан молиявий хизматлар кўрсатишда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш ҳамда фрод ҳолатларининг олдини олиш бўйича минимал талаблар тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²⁹³ Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 6 январдаги 287-мх-сон буйруғи (26.01.2026 й., рўй.: 3762) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Ахборот тизимларининг тармоқлараро боғланиши турли ахборот тизимлари ўртасида ахборот алмашиш учун амалга оширилади.

Белгиланган нормалар ва қоидаларга мувофиқ ўзаро тармоқлараро боғланиш имкониятини ахборот тизимларининг мулкдорлари, эгалари таъминлайди.

Турли ахборот тизимларининг тармоқлараро боғланиши ахборот тизимларининг мулкдорлари, эгалари ўртасидаги шартнома асосида амалга оширилади.

Тармоқлараро боғланишни амалга ошириш ҳамда турли ахборот тизимларининг ўзаро алоқада бўлиш тартиби ва шартлари махсус ваколатли орган томонидан белгиланади.

Ахборот ресурслари ва ахборот тизимларини муҳофаза қилиш қуйидаги мақсадларда амалга оширилади:

шахс, жамият ва давлатнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш;

ахборот ресурсларининг тарқалиб кетиши, ўғирланиши, йўқотилиши, бузиб талқин этилиши, тўсиб қўйилиши, қалбакилаштирилиши ва улардан бошқача тарзда рухсатсиз эркин фойдаланилишининг олдини олиш;

ахборотни йўқ қилиш, тўсиб қўйиш, ундан нусха олиш, уни бузиб талқин этишга доир рухсатсиз ҳаракатларнинг ҳамда ахборот ресурслари ва ахборот тизимларига бошқа шаклдаги аралашиларнинг олдини олиш;

ахборот ресурсларидаги мавжуд давлат сирлари ва махфий ахборотни сақлаш.

Ахборот ресурслари ва ахборот тизимлари, агар улар билан ғайриқонуний муносабатда бўлиш натижасида ахборот ресурсларининг ёки ахборот тизимларининг мулкдорларига, эгаларига ёхуд бошқа юридик ҳамда жисмоний шахсларга зарар етказилиши мумкин бўлса, муҳофаза қилиниши керак.

Давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар давлат сирлари ҳамда махфий сирлар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган ахборот ресурслари ва ахборот тизимларининг муҳофаза қилинишини таъминлаши шарт.

Ахборот ресурслари ва ахборот тизимлари муҳофаза қилинишини ташкил этиш тартиби уларнинг мулкдорлари, эгалари томонидан мустақил белгиланади.

Давлат сирлари ҳамда махфий сирлар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган ахборот ресурслари ва ахборот тизимларининг муҳофаза қилинишини ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Эркин фойдаланилиши чеклаб қўйилган ахборот ресурсларини ўз ичига олган ахборот тизимларининг халқаро ахборот тармоқларига ҳамда Интернет жаҳон ахборот тармоғига уланиши фақат зарур муҳофаза чоралари кўрилганидан кейин амалга оширилади. Давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар давлат сирлари ҳамда махфий сирлар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган ахборот ресурслари ва ахборот тизимларининг муҳофаза қилинишини таъминлаши шарт. Сунъий интеллектдан фойдаланиб яратилган ахборот ресурслари ҳамда сунъий интеллект технологиялари

асосида ишлайдиган ахборот тизимлари инсонга, унинг ҳаётига, соғлиғига, эркинлигига, шаънига, кадр-қимматига путур етказмаслиги ва унинг бошқа ажралмас ҳуқуқларини бузмаслиги шарт. Веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурсининг эгаси, шу жумладан блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифасидан ёхуд бошқа ахборот ресурсидан қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган ўзга ҳаракатларни содир этиш мақсадларида фойдаланилишига йўл қўймаслиги шарт²⁹⁴.

Сунъий интеллект технология ва тизимларини ишлаб чиқувчи ва жорий этувчилар Этика қоидаларига амал қилиши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги алгоритмларнинг шаффоф ва тушунарли бўлишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги эҳтимолий тарафкашликни олдини олиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларининг имкониятлари, чекловлари ва эҳтимолий хавфлари ҳақида очиқ маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчиларни улардан фойдаланиш қоидалари билан таништириш, улардан қандай мақсадда фойдаланиш мумкинлиги ёки тақиқланиши, шунингдек сунъий интеллектга асосланган ечимлар ёки қарорлар доим тўғри бўлмаслиги ҳамда уларнинг натижаларидан тавсиявий ёки маълумот учун фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимлари дастурий таъминоти хавфсизлигини таъминлаши, Этика қоидаларини инобатга олган ҳолда сунъий интеллект технология ва тизимларини доимий равишда такомиллаштириб бориши, сунъий интеллект технология ва тизимлари инсон назорати остида бўлишини ҳамда инсон томонидан қайта кўриб чиқилиши, шунингдек якуний қарор инсон томонидан қабул қилинишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан қонунчиликка зид бўлган ёки шахс, жамият, давлат ва атроф табиий-муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган мақсадларда фойдаланмаслиги, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчилар учун сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қўлланмасини ишлаб чиқиш ва жойлаштириши шарт. Сунъий интеллект тизимларидан фойдаланувчилар сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қоидалари ва шартларига риоя қилиши, сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан тўғри фойдаланиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, бошқа фойдаланувчиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини бузмаслик, Этика қоидаларига амал қилиши, шахс, жамият ва давлат манфаатларига ҳамда атроф-табиий муҳитга зарар етказмаслиги лозим²⁹⁵.

²⁹⁴ Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги 560-П-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²⁹⁵ Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 24 февралдаги 284-мх-сон буйруғи (14.03.2026 й., рўй.: 3787) билан тасдиқланган Сунъий интеллектга асосланган ечимларни яратиш, жорий қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича этика қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Давлат органлари ва ташкилотлари ўз тасарруфидаги ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини, тармоқлар ишининг барқарорлигини таъминлаши, шунингдек киберхавфсизлик бўйича ўз мажбуриятларини бажариши, ваколатли давлат органини киберхужумлар тўғрисида огоҳлантириши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида сақланаётган маълумотларнинг ўғирланиши ҳамда қалбакилаштирилиши ҳолатларининг олдини олиш чораларини кўриши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларини киберҳимоя қилиш учун сертификатлаштирилган аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий таъминотдан фойдаланиши, киберхавфсизлик соҳасида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ваколатли давлат органи билан келишиши шарт. Киберхавфсизлик субъектлари ахборот тизимлари ва ресурсларидаги маълумотларнинг қонунга хилоф равишда тарқатилиши, ўғирланиши, йўқолиши, яхлитлигининг бузилиши, блоканиши ва қалбакилаштирилишининг, шунингдек ахборот тизимлари ва ресурсларига рухсатсиз киришнинг бошқа кўринишларининг олдини олиши, бундай ҳоллар аниқланганда ўз вақтида тегишли чоралар кўриши, ахборот тизимлари ва ресурсларига кириш тартиби бузилганда ҳамда уларга рухсатсиз кириш натижасида ушбу тизимлар ҳамда ресурслар ўзгартирилган ёки йўқ қилинган тақдирда салбий оқибатларни камайтириш мақсадида уларни тезкорлик билан тиклаш чораларини кўриши, содир бўлган киберхавфсизлик ҳодисалари ва кибержиноятлар тўғрисида ваколатли давлат органини хабардор қилиши, ушбу ҳодисаларни тўлиқ фош этиш учун тегишли рақамли изларнинг йўқолишига йўл қўймаслик чораларини кўриши, шунингдек киберхавфсизлик ҳодисаларини таҳлил қилиш ва кибержиноятларни текшириш учун зарур бўлган маълумотларнинг доимий сақланишини таъминлаши, киберхавфсизлик объектларини муҳофаза қилиш ва уларнинг хавфсиз ишлаши мониторингини ўтказиш соҳасидаги маълумотларни ваколатли давлат органи билан ўзаро алмашишни амалга ошириши, ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберҳимоясини таъминлашда ваколатли давлат органи томонидан белгиланган киберхавфсизлик талабларига риоя этиши, киберхавфсизлик ҳодисаларига нисбатан чоралар кўриш механизмларининг ишлаб туришини ва киберхавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг ишлашини таъминлаши, улар мавжуд бўлмаган тақдирда эса ваколатли давлат органининг рухсати билан аутсорсинг хизматларидан белгиланган тартибда фойдаланиши, ваколатли давлат органига киберхавфсизликни таъминлаш мониторингининг ташкилий-техник тадбирларини амалга ошириш учун мониторинг тизимларига ва (ёки) киберхавфсизлик объектларига кириш ҳуқуқини бериши шарт²⁹⁶.

Давлат фуқаролик хизматчиси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига риоя этиши, ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажариши, давлат органи томонидан белгиланган одоб-ахлоқ қоидаларига, хизматга оид ахборот билан ишлаш

²⁹⁶ Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

тартибига, шунингдек давлат фуқаролик хизматини ўташ билан боғлиқ бошқа қоидаларга риоя этиши, давлат органининг нуфузини туширишга олиб келиши ёки унинг ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажаришига шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳаракатлардан (ҳаракатсизликдан), шу жумладан ўз хизмат мажбуриятларини бажараётганда ҳар қандай шаклдаги камситишдан, ноҳолисликдан ёки кимгадир нисбатан алоҳида муносабатда бўлишдан тийилиши шарт²⁹⁷.

Ушбу нормаларнинг бузилиши натижасида мазкур жиноят вужудга келади.

Бунда, давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлиги ахборот соҳасидаги хавфсизликка таҳдидларга қарши ҳаракатлар юзасидан иқтисодий, сиёсий, ташкилий ва бошқа тусдаги чора-тадбирларни амалга ошириш, давлат сирларини сақлаш ва давлат ахборот ресурсларини улардан рухсатсиз тарзда фойдаланилишидан муҳофаза қилиш, Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ахборот маконига ва замонавий телекоммуникациялар тизимларига интеграциялашуви, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартиришга, ҳудудий яхлитлигини, суверенитетини бузишга, ҳокимиятни босиб олишга ёки қонуний равишда сайлаб қўйилган ёхуд тайинланган ҳокимият вакиллари ҳокимиятдан четлатишга ва давлат тузумига қарши бошқача тажовуз қилишга очикдан-очик даъват этишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишидан ҳимоя қилиш, урушни ва зўравонликни, шафқатсизликни тарғиб қилишни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоват уйғотишга қаратилган терроризм ва диний экстремизм ғояларини ёйишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишига қарши ҳаракатлар қилиш билан таъминланади. Шахснинг ахборот борасидаги хавфсизлиги унинг ахборотдан эркин фойдаланиши зарур шароитлари ва кафолатларини яратиш, шахсий ҳаётига тааллуқли сирларини сақлаш, ахборот воситасида қонунга ҳилоф равишда руҳий таъсир кўрсатилишидан ҳимоя қилиш йўли билан таъминланади. Жисмоний шахсларга тааллуқли шахсий маълумотлар махфий ахборот тоифасига киради. Жисмоний шахснинг розилигисиз унинг шахсий ҳаётига тааллуқли ахборотни, худди шунингдек шахсий ҳаётига тааллуқли сирини, ёзишмалар, телефондаги сўзлашувлар, почта, телеграф ва бошқа мулоқот сирларини бузувчи ахборотни тўплашга, сақлашга, қайта ишлашга, тарқатишга ва ундан фойдаланишга йўл қўйилмайди, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно. Жисмоний шахслар тўғрисидаги ахборотдан уларга моддий зарар ва маънавий зиён етказиш, шунингдек уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари рўёбга чиқарилишига тўсқинлик қилиш мақсадида фойдаланиш тақиқланади. Фуқаролар тўғрисида ахборот олувчи, бундай ахборотга эгалик қилувчи ҳамда ундан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахслар бу ахборотдан фойдаланиш тартибини бузганлик учун қонунда назарда тутилган тарзда

²⁹⁷ Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида” 2022 йил 8 августдаги ЎРҚ–788-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

жавобгар бўладилар. Ахборот манбаи ёки муаллиф номи фақат суд қарори билан ошкор этилиши мумкин²⁹⁸.

Бунда, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда аниқланган валюта намунаси қалбаки эканлигига шубҳа пайдо бўлганда, тезкор-қидирув тадбирлари давомийлигини таъминлаш зарурати юзага келганда, тезкорликни амалга ошириш ҳамда тегишли вақтни тежаш мақсадида мазкур модда (буюм) ёки валюта намуналарини улар аниқланган жойнинг ўзида ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар биносида экспресс текшириш техник воситалари ёрдамида текширади²⁹⁹.

2. Кибержиноят асосий бевосита объекти – ахборот-коммуникация технологияларининг муҳофазаси, шу жумладан, ахборот ва киберхавфсизлик.

3. Кибержиноят қўшимча бевосита объекти – жамият ва жамоат хавфсизлиги.

4. Кибержиноят факультатив бевосита объекти – ўзга шахс (лар) ва давлат, шу жумладан, шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни, кадр-қиммати, мулк дахлсизлиги, тинчлик ва инсоният хавфсизлиги, бошқарув тартиби ва бошқалар;

5. Кибержиноят субъекти – 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс.

6. Кибержиноят субъектив томони – қасддан.

7. Кибержиноят объектив томони – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ёки қонунга хилоф равишда ахборот-коммуникация тизимига кириб, белгиланган ҳимоя чораларини кўрмаган ҳолда ахборот тизимлари, маълумотлар базалари ва банкларини, ахборотга ишлов бериш ҳамда уни узатиш тизимларини яратиш, жорий этиш ва улардан фойдаланиш ҳамда ахборот тизимларидан рухсат билан фойдаланиш фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказиш йўли билан содир этилади.

8. Кибержиноят мақсади – моддий ёки (ва) номоддий манфаат, ғаразли ёки бошқа паст ниятлар, ўч олиш ва ҳк.

9. Кибержиноят воситаси (қуроли) – ахборот-коммуникация технологиялари.

10. Кибержиноятнинг зарурий белгилари:

- 1) қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги;
- 2) қилмишнинг ҳуқуққа хилофлилиги;
- 3) қилмишда айбнинг мавжудлиги;
- 4) қилмишнинг жазога сазоворлиги;

²⁹⁸ Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принципи ва қафолатлари тўғрисида” 2002 йил 12 декабрдаги 439-П-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

²⁹⁹ Вазирлар Маҳкамасининг “Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг аналоглари, прекурсорлар, кучли таъсир қилувчи моддалар ҳамда валюта намуналарини экспресс текшириш жараёнида техник воситалардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2023 йил 12 январдаги 12-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

5) қилмишнинг ахборот тизимлари, маълумотлар базалари ва банклари, ахборотга ишлов бериш ҳамда уни узатиш тизимлари билан боғлиқлиги;

6) қилмиш белгиланган ҳимоя чораларини кўрмаган ҳолда ахборот тизимлари, маълумотлар базалари ва банкларини, ахборотга ишлов бериш ҳамда уни узатиш тизимларини яратиш, жорий этиш ва улардан фойдаланиш ҳамда ахборот тизимларидан рухсат билан фойдаланиш фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказиш йўли билан содир этилиши;

7) қилмиш натижасида фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказиш ҳолати вужудга келиши зарурлиги;

8) алоқа;

9) ахборот;

10) кибермуҳит, шу жумладан, кибермакон;

11) ахборот-коммуникация технологиялари.

Ушбу белгиларнинг биронтаси мавжуд эмаслиги қилмишнинг кибержиноят эканлигини инкор этади.

11. Кибержиноятнинг тамомланиши –

1) фуқароларнинг ҳуқуқларига кўп миқдорда зарар етган вақтдан;

2) фуқароларнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларига кўп миқдорда зарар етган вақтдан;

4) фуқароларнинг ҳуқуқларига жиддий зиён етган вақтдан;

5) фуқароларнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларига жиддий зиён етган вақтдан;

6) давлат манфаатларига кўп миқдорда зарар етган вақтдан;

7) давлат манфаатларига жиддий зиён етган вақтдан;

8) жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар етган вақтдан;

9) жамоат манфаатларига жиддий зиён етган вақтдан бошлаб.

12. Кибержиноятнинг тузилишига кўра тури – моддий таркибли кибержиноятлар ҳам мавжуд.

13. Кибержиноятнинг ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра тури – ижтимоий хавфи катта бўлмаган кибержиноят.

14. Жазо тизимига кўра тури – ижтимоий хавфли қилмиши учун Жиноят кодексида жарима, ахлоқ тузатиш ишлари жазоси назарда тутилган кибержиноятлар.

15. Жиноят предмети – ахборот тизимлари, маълумотлар базалари ва банклари, ахборотга ишлов бериш ҳамда уни узатиш тизимлари, шу билан бирга уларга боғлиқ бўлган рақамли предметлар, жумладан, онлайн казино платформалари, betting сайтлар, мобил иловалар (gambling apps), ботлар (Telegram/Discord), молиявий элементлар жумладан, электрон пуллар (Click, Payme, crypto), виртуал баланслар, ставкалар (bets), дастурий таъминот, жумладан, gambling software, RNG (random generator) тизимлари, mirror сайтлар, шу билан бирга, матн, видео, аудио, мемлар, постлар, deepfake

контент ва бошқа шаклдаги ахборот шунингдек, қуйидагилар ҳам жиноят предмети бўлиши мумкин:

1. Молиявий воситалар – нақдсиз пул, банк ўтказмалари, электрон ҳамёнлар орқали тўловлар (Payme, Click, PayPal, QIWI ва ҳ.к.), криптовалюта (Bitcoin, USDT, Ethereum ва бошқалар), онлайн тўлов тизимлари орқали маблағ, қимматли қоғозлар (акциялар, облигациялар), электрон сертификатлар, баланс тўлдириш (телефон, аккаунт, карта) ва ҳ.к.;

2. Рақамли активлар – лицензия калитлари (software key), онлайн сервис аккаунти, Premium обуна, домен номи, веб-сайтга эгалик, ижтимоий тармоқлардаги (Telegram, Instagram, YouTube ва бошқалар) каналлар ва гуруҳлар, NFT активлари, онлайн ўйин аккаунтлари, база маълумотлар, электрон контракт ҳуқуқи, NFTлар, ўйин ичидаги қимматбаҳо виртуал буюмлар (Skins, In-game currency) ва ҳ.к.;

3. Ахборот – махфий маълумот, тендер маълумотлари, миқдорлар базаси, пароллар, давлат реестри маълумотлари, имтиёзли кириш ҳуқуқи, жумладан, тижорат ёки хизмат сири ҳисобланган маълумотларга имтиёзли кириш ҳуқуқини бериш, касб, хизмат сирлари, текширув натижаларини ўзгартириш ва ҳ.к.;

4. Номоддий манфаат – лавозимга тайинлаш, лойиҳада ғолиб қилиш, рейтингни ошириш, файлни ўчириб бериш, маъмурий, молиявий ёки жиноий жазодан қутқариш, солиқ ва бошқа тўловларни камайтириш, давлат ижтимоий буюртмасини бериш, рухсатнома чиқариш ва ҳ.к.;

5. Техника ва IT ресурслар – сервер ресурслари, хостинг, VPN кириш, Cloud аккаунт, дастур кодлари, дастурий таъминот лицензияси, API кириш ҳуқуқи, бқори қийматга эга бўлган тижорат дастурларига (масалан, киберхавфсизлик ёки дизайн дастурларига) умрбод ёки узоқ муддатли пуллик обуналарни олиб бериш ва ҳ.к.;

6. Аралаш шакллар – қимматбаҳо техника (ноутбук, смартфон ва ҳ.к.), онлайн орқали етказилган товар, электрон ваучер, крипто-ҳисоб очиш, тўловни учинчи шахс орқали амалга ошириш, жиноятчи учун бепул яратиб берилган веб-сайтлар, SMM хизматлари, пуллик дастурий таъминотларга лицензиялар ёки обуналар (Subscription), мансабдор шахс ёки унинг яқинлари учун бепул сервер майдони (Hosting) ажратиб бериш ёки веб-сайт ишлаб чиқиб, уни тарғиб қилиш (SMM/SEO) хизматларини бепул кўрсатиш, хизматчининг ижтимоий тармоқлардаги саҳифасини пуллик тарғиб қилиш (Boost), онлайн курслар ёки пуллик веб-сервисларга обуналарни (Premium subscription) совға қилиш ва ҳ.к.

16. Кибержиноятни содир этишнинг энг кўп усуллари:

- 1) телекоммуникация ёки интернет тармоғида намоёйишкорона;
- 2) телекоммуникация ёки интернет тармоғида жойлаштириш орқали;
- 3) ахборот-коммуникация технологияларидан жиноят қуроли ёки воситаси сифатида фойдаланиш натижасида.

Ушбу жиноят қуйидаги шаклларда содир этилиши мумкин, хусусан:

- 1) **яратиш ва жорий этиш босқичида.** Масалан:

Security by Design принципига амал қилмаслик. Мисол учун, маълумотлар базасини яратишда паролларни шифрламасдан (MD5/SHA-256 ишлатмасдан) очик матн кўринишида сақлаш;

заиф архитектура. Мисол учун, тизимга киришда кўп босқичли аутентификацияни (MFA) назарда тутмаслик ёки орқа эшиклар (backdoors) қолдириш;

2) фойдаланиш ва техник хизмат кўрсатиш босқичида. Масалан:

Patch Management (янгилаш) қоидаларини бузиш. Мисол учун, сервер дастурий таъминотидаги маълум бўлган заифликлар (CVE) учун чиқарилган хавфсизлик янгиланмаларини вақтида ўрнатмаслик;

конфигурациядаги хатолар. Мисол учун, маълумотлар базасини ташқи Интернет тармоғига очик қолдириш ёки завод паролларини (admin/12345) ўзгартирмаслик;

ҳимоя воситаларини ўчириш. Мисол учун, сервер тезлигини ошириш мақсадида брандмауэр (Firewall) ёки антивирус тизимларини атайлаб ўчириб қўйиш;

3) рухсат билан фойдаланиш жараёнида. Масалан, маълумотларни ҳимояланмаган канал орқали узатиш. Мисол чун, хизмат доирасидаги махфий маълумотларни очик Wi-Fi ёки шахсий мессенжерлар орқали шифрланмаган ҳолда юбориш, натижада уларнинг учинчи шахсларга сизиб чиқиши йўли билан содир этилиши мумкин.

Ушбу жиноятни фош этишда қуйидаги рақамли излар тўпланиши мумкин, хусусан:

1) лог-файллар (Audit Logs). Мисол учун, сервер ва база маълумотларига ким, қачон ва қайси IP-манзилдан кирганлиги ҳақидаги ёзувлар, хавфсизлик созуламалари қачон ва ким томонидан ўзгартирилганлиги (масалан, ҳимоя тизимини ўчирганлик изи);

2) манба коди (Source Code). Мисол учун, дастур коди ичида хавфсизлик стандартларига жавоб бермайдиган функцияларнинг мавжудлиги, код репозиторийларидаги (Git/GitLab) коммитлар тарихи;

3) тармоқ трафиғи қайдлари (PCAP Files). Мисол учун, маълумотларнинг шифрланмаган ҳолда (HTTP протоколи орқали) узатилганини тасдиқловчи тармоқ пакетлари;

4) конфигурация файллари. Мисол учун, сервер созуламаларида очик қолдирилган заиф нуқталарнинг техник қайдлари.

Жиноятни фош этилиши учун қуйидаги экспертизалар ўтказилиши мумкин, хусусан:

1) суд-компьютер-техникавий экспертизаси ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларининг техник архитектурасини, тизимда мавжуд бўлган заифликларни (vulnerabilities), ҳимоя тизимларининг (Firewall, IDS/IPS) мавжуд эмаслигини ёки нотўғри созуланганлигини ҳамда тизим логларидаги (audit logs) қоидабузарлик изларини, ахборот хавфсизлиги сиёсатининг (ISMS) амалдаги давлат стандартларига ва техник регламентларга мувофиқлигини, белгиланган ҳимоя чораларининг (шифрлаш, антивирус, заҳиралаш) жорий этилмаганлик даражасини ва тизимнинг ташқи ёки ички таҳдидларга нисбатан

ҳимояланганлик ҳолатини, ахборотга ишлов бериш ва узатиш тизимларида қўлланилган дастурий кодларнинг хавфсизлик талабларига мувофиқлигини, улардаги қасддан қолдирилган дарчаларни (backdoors) ёки белгиланган ҳимоя чораларини четлаб ўтишга имкон берувчи функционал камчиликларни, тизимда ҳимоя чоралари амалда мавжуд бўлганлигини, зарар етказилишига айнан қайси техник камчилик сабаб бўлганлигини, ахборот тизими ёки маълумотлар базасининг техник ҳолатини, тизимда хавфсизлик деворлари (Firewall), антивирус ҳимояси ёки аутентификация механизмлари ўрнатилганлигини, маълумотларни шифрлаш қоидаларига риоя қилинганлигини, ахборот тизимидаги рухсат бериш (Access Control) тизимининг ишлашини, кимга, қачон ва қандай ҳуқуқлар берилганлигини, рухсат билан фойдаланиш жараёнида қайси босқичда қоида бузилганлигини, маълумотлар базасини бошқариш тизимларининг (DBMS) ички созуламаларини, агар зарар дастурий хатолик туфайли келиб чиққан бўлса, бу хатолик дастурчининг айбими ёки тизимни жорий этган мутахассиснинг эътиборсизлиги бўлганлигини;

2) суд-иқтисодий экспертизаси тизимнинг нотўғри ишлаши ёки маълумотлар базаларининг шикастланиши натижасида фуқаролар ва давлатга етказилган кўп ёки жуда кўп миқдордаги бевосита моддий зарарни ҳамда тизимни қайта тиклаш учун талаб этиладиган молиявий харажатларни, маълумотларни тиклаш харажатлари, тизим тўхтаб қолгани учун кўрилган зарар ва ҳ.к.ни;

3) ҳужжатларнинг суд-техникавий экспертизаси ахборот тизимини яратиш, жорий этиш ва фойдаланиш бўйича техник топшириқлар (ТЗ), лойиҳа ҳужжатлари, хавфсизлик сертификатлари ва тизимни фойдаланишга топшириш далолатномаларининг ҳақиқийлигини ҳамда улардаги имзоларнинг мансублигини;

4) суд-фонографик экспертизаси ахборот тизимларидан фойдаланиш жараёнида масъул шахслар ўртасидаги алоқа каналлари орқали берилган ва хавфсизлик қоидаларининг бузилишига олиб келган оғзаки кўрсатмаларни ҳамда ушбу нутқ эгаларининг шахсини;

5) видеоматериалларнинг суд экспертизаси маълумотлар марказлари (Data Center) ёки сервер хоналарида хавфсизлик қоидаларига риоя этилмаганлик ҳолатлари, техник қурилмаларга рухсатсиз жисмоний кириш жараёни акс этган рақамли тасвирларнинг ҳаққонийлигини;

6) суд-портрет экспертизаси ахборот тизимларидан фойдаланиш қоидаларини бузиб, тизимга рухсатсиз кирган ёки ҳимоя чораларини четлаб ўтган шахсларнинг видеокузатув тизимларидаги тасвирлари асосида уларнинг киёфасини идентификация қилишни;

7) суд-филологик (лингвистик) экспертизаси ахборот тизимларидан фойдаланиш бўйича ички йўриқномалар, регламентлар ва буйруқлар матнини таҳлил қилиб, улардаги хавфсизлик чораларини кўриш бўйича мажбуриятларнинг аниқ белгиланганлигини ва масъул шахслар томонидан нотўғри талқин қилиниш эҳтимолини, ахборотлаштириш соҳасидаги ички буйруқлар, йўриқномалар ва техник топшириқларнинг мазмунини, масъул

шахснинг вазифалари матнда қанчалик аниқ кўрсатилганлигини ва у айнан қайси қондани бузган деб баҳоланиши мумкинлигини;

8) суд-психологик экспертизаси ахборотлаштириш қоидаларини бузишда айбланаётган шахсларнинг белгиланган ҳимоя чораларини кўрмасликдаги қасд ёки эҳтиётсизлик шаклини белгиловчи ички мотивларини ва уларнинг касбий масъулиятга бўлган муносабатини;

9) суд-криптографик экспертизаси (агар моддада назарда тутилган ахборот тизимида маълумотларни шифрлаш мажбурий бўлса) қўлланилган шифрлаш алгоритмларининг чидамлилигини, калитларни бошқариш тизимидаги камчиликларни ва маълумотларнинг ҳимояланмаган ҳолда узатилганлиги механизмини;

10) суд-социологик экспертизаси ахборот тизимлари ёки маълумотлар базаларининг ҳимояланмаганлиги натижасида фуқароларнинг қонун билан кўриқланадиган манфаатларига, жамиятнинг рақамли хавфсизликка бўлган ишончига ва давлатнинг ахборот суверенитетига етказилган "жиддий зиён" кўламини;

11) суд-электротехникавий экспертизаси ахборотга ишлов бериш ва узатиш тизимларидаги жисмоний ҳимоя воситаларининг ҳолатини, масалан, сервер хоналарининг хавфсизлик тизимлари, электр таъминотидаги узилишлардан ҳимоя (UPS) ва тармоқ қурилмаларининг техник созлигини аниқлайди.

1.22-§. Компьютер ахборотидан қонунга ҳилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш ёхуд ноқонуний киберахборот муомаласи жиноятининг юридик-техник таҳлили

278²-модда. Компьютер ахборотидан, яъни ахборот-ҳисоблаш тизимлари, тармоқлари ва уларнинг таркибий қисмларидаги ахборотлардан қонунга ҳилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш, агар ушбу ҳаракат ахборотнинг йўқ қилиб юборилиши, тўсиб қўйилиши, модификациялаштирилиши, ундан нусха кўчирилиши ёхуд унинг қўлга киритилишига, электрон ҳисоблаш машиналари, электрон ҳисоблаш машиналари тизими ёки уларнинг тармоқлари ишининг бузилишига сабаб бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша ҳаракат:

а) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

б) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

в) хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда;

г) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилдан икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Муҳофаза қилинадиган норма – Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан, ахборотни излаш, олиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқни чеклашга фақат қонунга мувофиқ ҳамда фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлиғини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш, шунингдек давлат сирлари ёки қонун билан қўриқладиган бошқа сир ошкор этилишининг олдини олиш мақсадида зарур бўлган доирада йўл қўйилади. Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларида хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган органлар томонидангина амалга оширилади. Инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсиздир. Ҳеч нарса уларни камситиш учун асос бўлиши мумкин эмас. Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки инсон қадр-қимматини камситувчи муомалага ёхуд жазога дучор этилиши мумкин эмас. Ҳеч ким расмий эълон қилинмаган қонун асосида ҳукм қилиниши, жазога тортилиши, мол-мулкидан ёки бирон-бир ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикасида барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиниши

таъминланади. Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Ўзбекистон Республикасида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларига биноан ҳамда ушбу Конституцияга мувофиқ этироф этилади ва кафолатланади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегишли бўлади. Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа инсонларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар. Инсоннинг шаъни ва кадр-қиммати дахлсиздир. Инсоннинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. Ҳар бир инсон ўз шахсини эркин камол топтириш ҳуқуқига эга. Ҳеч кимга унинг розилигисиз қонунчиликда белгиланмаган мажбурият юклатилиши мумкин эмас. Инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, жамият ҳамда давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги шарт³⁰⁰.

Қонунчиликка кўра, фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари иштирокчиларининг ҳалол, оқилона ва адолат билан ҳаракат қилиши назарда тутилади. Фуқаролар ва юридик шахсларнинг бошқа шахсга зарар етказишга, бошқача шаклларда ҳуқуқни суиистеъмол қилишга, шунингдек ҳуқуқни унинг мақсадига зид тарзда амалга оширишга қаратилган ҳаракатларига йўл қўйилмайди³⁰¹.

Вазифаси ва афзалликларидан қатъи назар, объектив шаклда ифодаланган, босиб чиқарилган ҳамда босиб чиқарилмаган, муаллиф (ҳаммуаллифлар) ижодий фаолиятининг натижаси бўлган, ЭҲМ учун яратилган ҳар қандай дастурлар ва маълумотлар базаларига нисбатан муаллифлик ҳуқуқи татбиқ этилади.

ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасига муаллифлик, шунингдек муаллифнинг (муаллифларнинг) ёки ўзга ҳуқуқ эгасининг шахсий ва мулкӣ ҳуқуқлари амалдаги қонунчиликка мувофиқ аниқланади. ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасининг муаллифи (муаллифлари) ёхуд ўзга ҳуқуқ эгаси ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасини модификациялашни, шу жумладан дастурни бир дастурлаш тилидан бошқа тилга ўтказишни амалга ошириш ва (ёки) амалга оширишга рухсат этиш борасида мутлақ ҳуқуққа ҳам эгадир.

ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасидан бошқа шахсларнинг (фойдаланувчиларнинг) фойдаланиши ҳуқуқ эгаси билан тузилган шартнома асосида амалга оширилади,

³⁰⁰ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

³⁰¹ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Ҳуқуқ эгаларининг мутлақ ҳуқуқларига тааллуқли қонунчилик талабларининг жисмоний ёки юридик шахс томонидан бажарилмаслиги муаллифлик ҳуқуқининг бузилиши ҳисобланади.

ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасини ўзганинг номи билан чиқариш ёхуд ундан ғайриқонуний равишда нусха олиш ёки бундай асарларни тарқатиш қонунчиликда белгиланган тартибда маъмурий ёхуд жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

Тайёрланиши ёки улардан фойдаланилиши муаллифлик ҳуқуқи бузилишига олиб келадиган ЭҲМ учун яратилган дастурлар ёки маълумотлар базаларининг нусхалари қонунчиликда белгиланган тартибда олиб қўйилиши лозим³⁰².

Ўзбекистон Республикасида телекоммуникациялар тармоқларида фойдаланиладиган телекоммуникацияларнинг техник воситалари, шу жумладан фойдаланувчи қурилмалари қонунчиликка ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга мувофиқлиги юзасидан сертификатлаштирилиши лозим. Телекоммуникациялар тармоқларидаги мобиль қурилмаларнинг халқаро ўзига хос идентификация кодлари рўйхатдан ўтказилиши керак. Давлат сирларини ёки махфий ахборотни ўз ичига олган ахборотга ишлов бериш учун мўлжалланган телекоммуникациялар тармоқлари ахборот хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги юзасидан мажбурий аттестациядан ўтказилиши лозим. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган операторлар ва провайдерлар телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш учун фойдаланиладиган ускуналарни, дастурларни ҳамда аппарат-дастурий мажмуаларни қонунчиликда белгиланган тартибда махсус ваколатли давлат органи орқали ўз маблағлари ҳисобидан олиши, ўрнатиши ва уларнинг нормал ишлашини таъминлаши, шунингдек мазкур тадбирларни ўтказишнинг ташкилий, техник ва тактик усуллари ошкор этилишига йўл қўймаслик чораларини кўриши шарт. Телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда фойдаланиладиган ускуналарни, дастурларни ҳамда аппарат-дастурий мажмуаларни жорий этиш ва улардан фойдаланиш фақат махсус ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилади. Телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда фойдаланиладиган ускуналар, дастурлар ҳамда аппарат-дастурий мажмуаларнинг миқдори ва таркиби операторлар ҳамда провайдерлар томонидан махсус ваколатли давлат органи билан келишилади. Телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-қидирув тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича махсус ваколатли давлат органининг кўрсатмалари операторлар ва провайдерлар томонидан бажарилиши, ушбу мақсадлар учун шарт-шароитлар яратилиши, шунингдек ўз ахборот тизимларига ва телекоммуникациялар тармоқларига бошқа ахборот тизимларини ҳамда телекоммуникациялар воситаларини ўрнатиш ва улаш масаласи махсус ваколатли давлат органи билан келишилиши шарт. Операторлар ва

³⁰² Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий муҳофазаси тўғрисида” 1994 йил 6 майдаги 1060-ХП-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

провайдерларнинг махсус ваколатли давлат органи билан ўзаро муносабатлари тартиби қонунчиликда белгиланади. Телекоммуникациялар тармоқларидан ёки воситаларидан шахс, жамият ва давлат манфаатларига зарар етказувчи жиноий мақсадларда фойдаланилган тақдирда, бундай телекоммуникациялар тармоқларининг ёки воситаларининг ишлаши тўхтатилади. Операторлар ва провайдерлар телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензия талаблари ва шартларига, шунингдек белгиланган қоидаларга мувофиқ амалга ошириши, кўрсатилаётган хизматларнинг сифати қонунчилик ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ бўлишини таъминлаши, кўрсатилаётган хизматлар сифатини баҳолаш услубларини очиқ манбаларда кўрсатиши, телекоммуникациялар тармоқлари орқали узатиладиган барча турдаги сўзлашувларнинг, хабарларнинг сир сақланишига риоя этиши, хизматлар кўрсатиш шартлари ва тартиби тўғрисидаги, шу жумладан телекоммуникациялар хизматларининг тарифлари ўзгариши тўғрисидаги тўлиқ ахборотни фойдаланувчиларга ўз вақтида тақдим этиши, қонунчиликка, шунингдек лицензия талаблари ва шартларига мувофиқ ваколатли давлат органи билан келишувга кўра ўз тармоқларини изчиллик билан ривожлантириши ҳамда кенгайтириши, ўзи кўрсатаётган хизматлар тўғрисидаги ахборотни бепул тақдим этиши, шунингдек абонентларни қўллаб-қувватлаш маркази орқали абонентларнинг мурожаатларини бепул қабул қилиши ва уларнинг ижросини таъминлаши шарт. Фойдаланувчилар телекоммуникациялар хизматларидан фойдаланишнинг белгиланган қоидаларига риоя этиши, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлик сертификатига эга бўлган, халқаро ўзига хос идентификация кодлари рўйхатдан ўтказилган мобиль қурилмалардан фойдаланиши, ўзига кўрсатилган хизматлар учун ҳақни ўз вақтида тўлаши, иш сифатини пасайтиришга ёки телекоммуникациялар тармоқларини шикастлантиришга қаратилган хатти-ҳаракатлар қилмаслиги шарт³⁰³.

Телекоммуникациялар тармоқларида фойдаланиладиган ва мажбурий сертификатланиши керак бўлган телекоммуникацияларнинг техник воситалари мувофиқлик сертификатларига эга бўлиши керак. Оператор, провайдер, дилер ва эшиттирувчилар телекоммуникациялар тармоқларида ахборот ва киберхавфсизликни таъминлашда ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш соҳасида қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиши, одамларнинг денгиздаги, ердаги, ҳаводаги, космик фазодаги хавфсизлигига, модификация, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни сақлаш соҳасидаги кечиктириб бўлмайдиган тадбирларни ўтказишга тааллуқли барча хабарларга, шунингдек йирик авариялар, фалокатлар, эпидемиялар, ёнғинлар ва бошқа фавқулодда вазиятлар ҳақидаги хабарларга мутлақ устуворлик бериши, техник воситалардан Ўзбекистон Республикасининг мавжуд конституциявий тузумини, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга даъват қилиш,

³⁰³ Ўзбекистон Республикасининг “Телекоммуникациялар тўғрисида” 2024 йил 27 декабрдаги ЎРҚ–1015-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

уруш ва зўравонликни, шафқатсизликни, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб этиш, давлат сирини ёки қонунчилик билан қўриқланадиган ўзга сирни ошкор этиш, жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак, Эшиттирувчилар, операторлар ва провайдерларнинг телевидение (радиоэшиттириш) тармоқлари ва техник бинолари қўриқлаш, ҳимоялаш ва хавфсиз фаолиятини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 14 апрелдаги 92-сон қарори билан тасдиқланган Телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар объектларини қўриқлаш, муҳофаза қилиш ҳамда уларнинг хавфсиз фаолият кўрсатиши қоидалари талабларига жавоб бериши шарт. Оператор, провайдер ва телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш жараёнига алоқадор бошқа субъектлар томонидан яратилган ва абонентлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган маълумотлар базалари конфиденциал тусдаги ҳужжатлар сифатида ҳимояланиши керак. Абонентлар тўғрисидаги маълумотлардан бу абонентларнинг розилигисиз ахборот-маълумот хизмат кўрсатилиши учун фойдаланиш мумкин эмас. Оператор, провайдер, диллер ва телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш жараёнига алоқадор бошқа субъектлар телекоммуникациялар тармоқлари орқали узатиладиган телефон сўзлашувлари ва бошқа хабарлар, шунингдек, уларга тааллуқли бўлган барча маълумотларнинг сир тутилишини таъминлаши шарт. Оператор (провайдер) абонентларнинг умумий фойдаланиш тармоғидан узлуксиз фойдалана олишини таъминлашга мажбур. Мобил алоқа тармоғи фойдаланувчи қурилмаси IMEI-коди рўйхатдан ўтган бўлиши керак. Телекоммуникациялар тармоғига мувофиқлик сертификатига эга фойдаланувчи қурилмалари (телефон аппаратлари, рақамни автоматик аниқлаш функцияларига эга телефон аппаратлари, маълумотлар узатиш ва телематик хизматлар ускуналари (телефакс, телетекс, видеотекс ва бошқалар), радиотелефон алоқа воситалари, автожавоббергичлар, сигнализация қурилмалари) уланади. Операторлар ва провайдерларнинг телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш фаолияти белгиланган тартибда олинган лицензияга мувофиқ амалга оширилади. Абонент шартномаси бекор қилинганидан сўнг, оператор (провайдер) маълумотлар базасидан абонентларнинг шахсий маълумотлари йўқ қилишлари шарт. Шаҳарлараро ва халқаро телефон боғланиш автоматик хизмат кўрсатиш тизими, буюртма хизмат кўрсатиш тизими ва дарҳол хизмат кўрсатиш тизими бўйича амалга оширилиши мумкин. Телефон тармоқларида сигнализация ускуналарини ўрнатиш ва уларга техник хизмат кўрсатишни ташкил этиш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ваколатли органлар томонидан амалга оширилади. Wi-Fi хизмати ташкилотчиси оператор ёки провайдер билан биргаликда, фойдаланувчиларнинг шахсини идентификациялаш ҳамда фойдаланилган веб-ресурслар (лог-файллар) ҳисобини юритиш бўйича аппарат-техник чора-тадбирлар кўриши ва уларни 3 ой ичида сақланишини ташкиллаштириш, оператор ёки провайдер билан биргаликда, ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, Ўзбекистон Республикасининг мавжуд конституциявий тузумини, ҳудудий

яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга даъват этишга, уруш, зўравонлик ва терроризмни, шунингдек диний экстремизм, сепаратизм ва фундаментализм ғояларини тарғиб қилишга, миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатувчи ахборотни, шунингдек, порнографияни тарғиб қилишга қаратилган ахборотнинг ва тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Wi-Fi хизмати ташкилотчиси ўз ҳудудида бепул Wi-Fi хизматини ташкил этиш оператор ёки провайдер билан тузилган шартномага мувофиқ оператор ёки провайдернинг аппарат-дастурий воситалари асосида амалга оширилиши мумкин. Абонент учун абонент рақамини кўчириш хизмати мобил алоқа операторлари (провайдерлари) томонидан тақдим этилади. КРМБни шакллантириш, юритиш, ишлаши ва техник кузатуви, шу жумладан ундаги ахборот ва маълумотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш, узатиш, шунингдек КРМБдан фойдалана олиш имкониятини тақдим этиш Ўзбекистон Республикасининг “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги Қонуни талабларига риоя қилган ҳолда КРМБ оператори томонидан таъминланади. Абонент рақамини кўчириш жараёнини амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотлар мобил алоқа операторлари (провайдерлари) томонидан КРМБ операторига ва аксинча Ўзбекистон Республикасининг “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги Қонуни талабларига риоя қилган ҳолда тақдим этилади. КРМБдаги ахборотни муҳофаза қилиш, шунингдек ундан фойдалана олиш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя қилган ҳолда таъминланади. КРМБда сақланаётган маълумотларни рухсатсиз фойдалана олишдан ҳимоялаш КРМБ оператори томонидан таъминланади. Эшиттирувчи, оператор, провайдер телевидение хизматлари фаолиятини лицензия асосида амалга оширади. Телевидение тармоқлари орқали қонунчилик билан тақиқланган маълумотларни тарқатишга йўл қўйилмайди. Оператор ва провайдерлар телекоммуникациялар хизматларини кўрсатишда ўз фаолиятини лицензия шартлари ва қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириши, телекоммуникациялар тармоқлари бўйлаб узатиладиган телефон сўзлашувлари ва барча турдаги маълумотларни сир сақлаши, телекоммуникациялар тармоқларидан рухсатсиз фойдалана олиш ҳолатларига йўл қўймаслик чораларини кўриши, шартномада белгиланган муддатларда телекоммуникациялар алоқаси хизматларини кўрсатиши, хизматлар, кечаю-кундуз кўрсатилишини таъминлаши, оператор ва провайдер тармоғидаги IP протоколи асосида ишловчи қурилмаларни IPv6 протоколи версиясини қўллаб-қувватлашини таъминлаши, ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, Ўзбекистон Республикасининг мавжуд конституциявий тузумини, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга даъват этишга, уруш, зўравонлик ва терроризмни, шунингдек, диний экстремизм, сепаратизм ва фундаментализм ғояларини тарғиб қилишга, миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатувчи ахборотни, шунингдек, порнографияни тарғиб қилишга қаратилган ва тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши, операторлар ва провайдерлар

томонидан абонентларга телекоммуникациялар хизматларини кўрсатишда овозини ўзгартириш ва абонент рақамини сохталаштириш, ўзгартириш технологияларига асосланган хизматлар кўрсатмаслик, абонентлар операторнинг (провайдернинг) ахборот-маълумот хизматида кўнғироқ қилиб боғланишида тенг ҳуқуқлилигини таъминлаши шарт. Бунда, абонентлар операторнинг (провайдернинг) ахборот-маълумот хизматида кўнғироқ қилиб боғланишларида маълум бир абонентларга бошқа абонентларга нисбатан устуворлик (боғланиш вақти, хизмат кўрсатиш вақти ва бошқалар) тақдим этилишига йўл қўйилмайди. Мобил алоқа хизматларини кўрсатишда оператор (провайдер) хизмат кўрсатиш ҳудуди доирасида мобил алоқа хизматларини сифатли, ўз вақтида ва кеча-ю кундуз кўрсатилишини таъминлаши, абонент шартноманинг бекор қилиниши вақтигача қарзини ва олдиндан тўловнинг зарур суммаси тўлиқ ҳажмда тўлаганида абонентга мобил алоқа хизматлари кўрсатилишини тиклаши, ўзини-ўзи обрўсизлантирган дилерлар билан шартномалар тузмаслиги, СИМ-картани алмаштириш, шунингдек абонентнинг аризаси бўйича рақамни бошқа фойдаланувчи қурилмасига қайта дастурлаш (СИМ-картадан фойдаланишни кўзда тутмайдиган мобил алоқа стандартлари учун) хизматларини кўрсатиш фақат операторнинг (провайдернинг) хизмат кўрсатиш пунктларида амалга оширилишини таъминлаши, дилер орқали тузилган мобил алоқа хизматларини кўрсатиш шартномаси асосида абонентга мобил алоқа хизматларини тақдим этиши, халқаро трафикнинг ноқонуний ўтказилиши ҳамда GSM, IP ёки SMS-шлюзлардан яширин фойдаланишга қарши чораларни кўриш, шу жумладан тармоқда махсус аппарат-дастурий воситаларни ўрнатиш йўли билан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида GSM стандартида ишлайдиган барча оператор (провайдер) КРМБга уланиши, абонентнинг оператор тармоқларида абонент рақамини кўчиб ўтиш хизматидан фойдаланиш ҳуқуқига тўсқинлик қилмаслиги, мунтазам равишда ўз телекоммуникациялар тармоқларида халқаро трафикни ўтказиш тартиби бузилишларининг олдини олиш, аниқлаш ва тугатишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш ва абонентнинг ҳаракатларини таҳлил қилиш ёки тегишли тадбирларни амалга ошириш йўли билан абонент рақамларини фаол аниқлаш принципларига асосланган воситалар ва тизимларни қўллаши шарт. Оператор ва провайдерлар маълумот узатиш хизматларини кўрсатишда халқаро трафик ноқонуний ўтказиш (шу жумладан GSM, IP ёки SMS-шлюзлардан), шунингдек тармоқда махсус аппарат-дастурий воситаларини ўрнатиш йўли билан ноқонуний фойдаланишга қарши курашиш чораларини кўришга мажбур. Абонентлар ва фойдаланувчилар оператор (провайдер) билан тузилган шартнома шартларига риоя қилишга, телекоммуникациялар тармоғидан давлат сири бўлган маълумотларни ёки қонунчилик билан қўриқланадиган бошқа сирни узатиш учун фойдаланишга йўл қўймасликка, телекоммуникациялар тармоғи орқали Ўзбекистон Республикасининг мавжуд конституциявий тузумини, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга даъват этишга, уруш, зўравонлик ва терроризмни, шунингдек, диний экстремизм, сепаратизм ва фундаментализм ғояларини тарғиб қилишга, миллий, ирқий, этник ёки диний адоват

қўзғатувчи, шунингдек порнографияни тарғиб қилишга қаратилган ахборотни ва тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотни тарқатмасликка, телекоммуникациялар тармоғи ёрдамида фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматига ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи, уларнинг шахсий ҳаётига аралашишга йўл қўювчи ахборотни тарқатмасликка, қонунчилик ҳужжатларига асосан телекоммуникациялар тармоғи орқали тарқатилиши тақиқланган ахборотлардан тижорат ёки нотижорат мақсадларда тарқатиш учун фойдаланмасликка, телекоммуникациялар тармоқлари иш сифатининг пасайишига ёки телекоммуникациялар тармоқларининг шикастланишига олиб келадиган ҳаракатларни бажармасликка, ўз хоналарида жойлашган абонент тармоғи ва фойдаланувчи қурилмасини техник ҳужжатлар қоидаларига риоя қилишга, маълумотлар базаларидан рухсатсиз фойдаланмасликка ва операторнинг (провайдернинг) дастурий воситаларини ўзгартирмасликка, таркибида компьютер вируслари ёки тармоқ учун зарар етказиши мумкин бўлган ахборотни ёки дастурий таъминотни эълон қилмаслик ёки узатмасликка, компьютер ахборотидан, яъни ахборот-ҳисоблаш тизимлари, тармоқлари ва уларнинг таркибий қисмларидаги ахборотлардан қонунга ҳилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланмасликка, телекоммуникациялар тармоғида тақдим этилган ахборот ва интеллектуал мулк объекти учун муаллифлик ҳуқуқларини бузмасликка, телевидение тармоқларида бошқа шахсларнинг бериладиган сигналга уланиш ҳолатларига йўл қўймасликка, оператор (провайдер) вакилларига уларни текшириш, таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш учун телекоммуникациялар иншоотлари ва қурилмалари жойлашган ҳудудларга киришни таъминлашга мажбур. Маълумот узатиш хизматлари абонентлари ва фойдаланувчилари телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш учун GSM, IP ёки SMS-шлюзлар ёки шунга ўхшаш аппарат-дастурий воситалардан фойдаланиш нияти бўлганда, бу ҳақда операторни (провайдерни) огоҳлантиришга, маълумотлар узатиш тармоғидан халқаро трафикни ноқонуний ўтказиш мақсадида фойдаланмасликка мажбур. Мобил алоқа хизматлари абонентлари ва фойдаланувчилари абонент рақамидан шахсий мақсадларда ёки ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун (якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахслар учун) фойдаланиш, спамга, фирибгарликка, оператор (провайдер) билан олдиндан келишмасдан оммавий SMS жўнатмаларга, шунингдек, бошқа ноқонуний фойдаланишга йўл қўймасликка, абонент рақамидан халқаро трафикни ноқонуний ўтказиш учун фойдаланмаслик, шу жумладан, GSM ва IP шлюзлардан фойдаланган ҳолда, ўрнатилган ҳимоя тизимларини четлаб ўтган ҳолда телекоммуникациялар тармоғидан фойдаланиш ҳамда халқаро трафикни ўтказиш мақсадида телекоммуникациялар тармоғидан қонунга ҳилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланмасликка, шунингдек мазкур мақсадлар учун мўлжалланган махсус дастурий ёки аппарат воситаларини қонунга ҳилоф равишда (рухсатсиз) сақлаш ва уларнинг фаолиятига йўл қўймасликка мажбур³⁰⁴.

³⁰⁴ Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 6 январдаги 287-мх-сон буйруғи (26.01.2026 й., рўй.: 3762) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Махфий ахборот Маълумотларни узатиш тармоғи бўйича тарқатилганда махфий ахборот билан ишлаш рухсатномасига эга бўлган ва ахборот айирбошлашнинг сертификатланган воситаларидан фойдаланувчи жисмоний ва юридик шахслар учун унинг муҳофаза қилиниши таъминланади.

Ахборот тизимлари, тармоқларини ахборот айирбошлаш воситалари таркибига улаш Ахборот фаолияти ва маълумотлар узатишни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича идоралараро мувофиқлаштириш комиссиясининг қарорига кўра берилган лицензиялар мавжуд бўлганда амалга оширилади.

Ахборот айирбошлаш воситалари таркибига ахборот ресурсларидан фойдаланишнинг алоҳида қоидалари белгиланган давлат ахборот тизимлари, тармоқларини улаш ахборот хавфсизлиги талабларига мувофиқ аттестациядан ўтказилгандан кейин Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг рухсати билан амалга оширилади.

Давлат сиридан иборат бўлган ахборотни тайёрлаш ва тарқатишда фойдаланиладиган ахборот айирбошлаш воситасини, шунингдек, ахборотни муҳофаза қилиш воситасини мажбурий равишда сертификатлаш зарур.

Қуйидагилар:

давлат сири ёки махфий ахборот;

миллий мулк;

архив фонди;

Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги билан жўнатилиши (чиқарилиши) чекланиши мумкин бўлган ҳужжатлаштирилган ахборот тоифасига киритилган бошқа ахборотни Ўзбекистон Республикасидан жўнатиш (чиқариш) чекланади.

Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришга даъват қилувчи, уруш, зулм ва порнографияни тарғиб қилувчи, диний ва миллий низоларни кўзғовчи, инсон шаъни ва қадр-қимматини поймол қилувчи ахборотлар ҳамда амалдаги қонунчилик билан тарқатилиши тақиқланган бошқа ахборотларнинг олиб кирилиши ва тарқатилиши тақиқланади.

Ахборот айирбошлашни амалга оширишда қонунга хилоф равишдаги хатти-ҳаракатлар учун жисмоний ва юридик шахслар – Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентлари Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ жавоб берадилар.

Давлат ахборот ресурсларини ва ахборот ресурсларини давлат билан биргаликда шакллантиришга ихтисослашган ташкилотлар маълумотларни узатиш тармоқларини лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланиш бўйича фаолиятнинг бу турига рухсатнома олишлари шарт.

Давлат ахборот ресурсларини шакллантириш ва уларга хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган ахборот тизимлари, маълумотлар базалари ва банклари қонунчиликка мувофиқ сертификатланиши керак.

Фойдаланиш чекланган ахборот мавжуд бўлган давлат ахборот ресурсларини шакллантириш учун мўлжалланган ахборот тизимлари ахборот хавфсизлиги талабларига мувофиқ мажбурий аттестациядан ўтказилиши керак.

Давлат, жамоат органлари, фуқаролар, мулкчилик шакллари ва қайси идоравий бўйсунитидан қатъи назар, корхона, муассаса ва ташкилотлар давлат ахборот ресурсларини шакллантириш учун зарур бўлган тегишли шаклда ҳужжатлаштирилган ахборотни давлат ахборот ресурсларини шакллантириш ва ундан фойдаланиш учун масъул бўлган органларга ва (ёки) ташкилотларга тақдим этишлари шарт.

Интернет билан ишлаш учун X.25, Frame Relay ва АТМ шунингдек, коммутация қилинган телефон тармоғидан коммутация қилинган каналлар PPP/SLIP (Point protocol IP protocol) бўйича маълумотларни узатиш каналларидан фойдаланган ҳолда фойдаланиш мумкин³⁰⁵.

Ахборотни бузиб талқин этиш ва сохталаштириш тақиқланади.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда мансабдор шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳар кимга ўзининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган ахборот билан танишиб чиқиш имкониятини таъминлаб беришга, мақбул ахборот ресурслари яратишга, фойдаланувчиларни фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятларига, уларнинг ҳавфсизлигига доир ҳамда жамият манфаатларига тааллуқли бошқа масалалар юзасидан ахборот билан оммавий тарзда таъминлашга мажбурдирлар.

Ҳар қандай ахборот, агар у билан қонунга ҳилоф равишда муомалада бўлиш ахборот мулкдори, эгаси, ахборотдан фойдаланувчи ва бошқа шахсга зарар етказиши мумкин бўлса, муҳофаза этилмоғи керак.

Ахборотни муҳофаза этиш:

шахс, жамият ва давлатнинг ахборот соҳасидаги ҳавфсизлигига таҳдидларнинг олдини олиш;

ахборотнинг махфийлигини таъминлаш, тарқалиши, ўғирланиши, йўқотилишининг олдини олиш;

ахборотнинг бузиб талқин этилиши ва сохталаштирилишининг олдини олиш мақсадида амалга оширилади.

Ахборот ҳавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсати ахборот соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган бўлади ҳамда шахс, жамият ва давлатнинг ахборот борасидаги ҳавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг асосий вазифалари ҳамда фаолият йўналишларини, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларининг, фуқароларнинг ўрни ва аҳамиятини белгилайди.

Шахснинг ахборот борасидаги ҳавфсизлиги унинг ахборотдан эркин фойдаланиши зарур шароитлари ва кафолатларини яратиш, шахсий ҳаётига тааллуқли сирларини сақлаш, ахборот воситасида қонунга ҳилоф равишда руҳий таъсир кўрсатилишидан ҳимоя қилиш йўли билан таъминланади.

³⁰⁵ Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси ахборот ресурсларини тайёрлаш ва уларни маълумотларни узатиш тармоқларида, шу жумладан, интернетда тарқатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида” 1999 йил 26 мартдаги 137-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Жисмоний шахсларга тааллуқли шахсий маълумотлар махфий ахборот тоифасига киради.

Жисмоний шахснинг розилигисиз унинг шахсий ҳаётига тааллуқли ахборотни, худди шунингдек шахсий ҳаётига тааллуқли сирини, ёзишмалар, телефондаги сўзлашувлар, почта, телеграф ва бошқа мулоқот сирларини бузувчи ахборотни тўплашга, сақлашга, қайта ишлашга, тарқатишга ва ундан фойдаланишга йўл қўйилмайди, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Жисмоний шахслар тўғрисидаги ахборотдан уларга моддий зарар ва маънавий зиён етказиш, шунингдек уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари рўёбга чиқарилишига тўсқинлик қилиш мақсадида фойдаланиш тақиқланади.

Фуқаролар тўғрисида ахборот олувчи, бундай ахборотга эгалик қилувчи ҳамда ундан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахслар бу ахборотдан фойдаланиш тартибини бузганлик учун қонунда назарда тутилган тарзда жавобгар бўладилар.

Оммавий ахборот воситалари ахборот манбаини ёки таҳаллусини қўйган муаллифни уларнинг розилигисиз ошкор этишга ҳақли эмас. Ахборот манбаи ёки муаллиф номи фақат суд қарори билан ошкор этилиши мумкин.

Жамиятнинг ахборот борасидаги хавфсизлигига қуйидаги йўллар билан эришилади:

демократик фуқаролик жамияти асослари ривожлантирилишини, оммавий ахборот эркинлигини таъминлаш;

қонунга ҳилоф равишда ижтимоий онгга ахборот воситасида руҳий таъсир кўрсатишга, уни чалғитишга йўл қўймаслик;

жамиятнинг маънавий, маданий ва тарихий бойликларини, мамлакатнинг илмий ва илмий-техникавий салоҳиятини асраш ҳамда ривожлантириш;

миллий ўзликни англашни издан чиқаришга, жамиятни тарихий ва миллий анъаналар ҳамда урф-одатлардан узоқлаштиришга, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштиришга, миллатлараро ва конфессиялараро тотувликни бузишга қаратилган ахборот экспансиясига қарши ҳаракат тизимини барпо этиш.

Давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлиги қуйидаги йўллар билан таъминланади:

ахборот соҳасидаги хавфсизликка таҳдидларга қарши ҳаракатлар юзасидан иқтисодий, сиёсий, ташкилий ва бошқа тусдаги чора-тадбирларни амалга ошириш;

давлат сирларини сақлаш ва давлат ахборот ресурсларини улардан руҳсатсиз тарзда фойдаланилишидан муҳофаза қилиш;

Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ахборот маконига ва замонавий телекоммуникациялар тизимларига интеграциялашуви;

Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартиришга, ҳудудий яхлитлигини, суверенитетини бузишга, ҳокимиятни босиб олишга ёки қонуний равишда сайлаб қўйилган ёхуд тайинланган

ҳокимият вакиллари ҳокимиятдан четлатишга ва давлат тузумига қарши бошқача тажовуз қилишга очикдан-очик даъват этишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишидан ҳимоя қилиш;

урушни ва зўравонликни, шафқатсизликни тарғиб қилишни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоват уйғотишга қаратилган терроризм ва диний экстремизм ғояларини ёйишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишига қарши ҳаракатлар қилиш.

Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар³⁰⁶.

Ҳужжатлаштирилган ахборот ресурсининг муҳофазасини таъминлаш бўйича чоралар уни давлат архивига топшираётган ташкилот томонидан белгиланади.

Ахборот ресурсини давлат сақловига қабул қилишда хавфсизликни муҳофаза қилишни қуйидаги дастурий-техник воситалар ва ташкилий чоралар ёрдамида тегишли давлат архиви таъминлайди:

ахборот хавфсизлигига таҳдидларни аниқлаш ва бартараф этиш;

ахборот ресурсининг архив нусхасини топшириш, архивни шакллантириш, уни сақлаш ва ундан фойдаланишда маълумотларнинг тўлиқлигини таъминлаш;

рухсат берилмаган ахборот ресурсидан фойдаланиш, унга қўшимча ва ўзгартишлар киритишдан муҳофаза қилиш;

архив маълумотларнинг захира ва қайта тикланиши тизимини таъминлаш.

Умумий фойдаланишга мўлжалланган ахборот ресурслари (юридик ва жисмоний шахслар, норматив-ҳуқуқий актлар, табиий ресурслар, давлат органларининг веб-сайтлари ва бошқалар бўйича маълумотлар базалари) барча давлат органлари, юридик ва жисмоний шахсларга давлат архивлари томонидан уларга белгиланган ваколатлар доирасида тақдим этилади.

Махсус давлат ахборот ресурсларидан (давлат сири ва конфиденциал маълумотларга эга бўлган идоралар, ҳудудий бошқарув ва ҳокимият органлари, давлат юридик шахслари ва жисмоний шахслар) фойдаланиш учун рухсат бериш давлат архивлари томонидан уларни шакллантириш, қўлланилиши ва янгиланиб борилишига масъул бўлган органлар билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Ахборот ресурсларини давлат сақловига топширган ташкилотлар ундан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум бўлмайдилар.

Ахборот ресурсларини давлат сақловига қабул қилган давлат архивлари қуйидагилар учун жавобгардирлар:

маълумотлар билан ишлаш қоидаларини бузганлик, маълумот алмашинувини амалга оширишда ҳуқуқбузарлик ҳаракатларидан фойдаланганлик ва йўл қўйганлик;

³⁰⁶ Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида” 2002 йил 12 декабрдаги 439-П-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

жисмоний шахслар ҳақида шахсий маълумотларга эга бўлган ахборотларни тарқатганлик;

ахборот ресурсларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш;

ахборот ресурсларидаги маълумотларни ўғирлаш, йўқотиш, бузиш, блокировка қилиш ва сохталаштириш;

муаллифлик ҳуқуқлари ва интеллектуал мулк бўйича қонунчиликни бузганлик.

Давлат архивларига амалдаги қонунчиликка мувофиқ бошқа жавобгарлик ҳам юклатилиши мумкин³⁰⁷.

Тизим иштирокчиларининг фонд бозорида АКТлари электрон ҳужжатларининг бут сақланишини, ўзгартирилишини, муҳофаза қилишини, қайта ишланишини, жўнатилиши ва қабул қилинишини, шу жумладан:

электрон ҳужжатларнинг, улар жўнатиш ва қабул қилинган сана ва вақтлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган реквизитларнинг такрорий нусхаси кўчирилиши ва архивда сақланишини;

Тизим иштирокчилари ўртасидаги қоғоз шаклидаги ҳужжат алмашилишини қисқартириш ҳамда инсон омилининг ахборотларни қайта ишлаш сифати ва тезкорлигига бўлган салбий таъсирини камайтириш мақсадида қоғоз ва электрон ҳужжатларнинг қўл ишини минималлаштиришни;

ахборотларни киритиш/чиқаришни такрорловчи операцияларни истисно этишни, катта ҳажмдаги ахборотларни қайта ишлаш ва ахборот тизимларининг интеграциялашуви мумкинлигини;

электрон ҳужжатларнинг махфийлигига, бутлигига ва уларга муаллифлик қилишга қўйилган талабларга риоя этилишини;

қонунчиликда ўрнатилган талабларга мувофиқ ЭРИнинг ҳаққонийлигини, шунингдек, қабул қилувчи томонидан электрон ҳужжатни қайта ишлаш пайтида жўнатувчининг ЭРИ калити сертификати амал қилаётганини текшириш мумкинлигини;

электрон ҳужжатларнинг транзит ўтказилишидан, у амалга ошириладиган транзит амалга ошириладиган тизимда иштирокчилар томонидан очилмаслиги ва қўрилмаслиги шарти билан (ёпиқ конверт фақат унинг эгаси томонидан очилиши мумкин) фойдаланишни таъминлаши лозим.

Тизим иштирокчилари томонидан электрон ҳужжатларни муҳофаза қилиш учун фойдаланилаётган фонд бозоридаги АКТлари қонунчиликда ўрнатилган тартибда сертификатланган бўлиши ва фойдаланиш ҳужжатларига мувофиқ ишлатилиши лозим.

Электрон ҳужжатларнинг чиқиб кетиши, ўғирланиши, йўқотилиши, бузилиши, уларга чекловларнинг ўрнатилиши ва қалбакилаштирилишининг ҳамда электрон ҳужжатларга рухсатсиз кириш ва улардан нусха кўчиришнинг олдини олишни ўз ичига олувчи Тизим иштирокчисининг ахборот

³⁰⁷ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Ўзархив” агентлиги бош директорининг 2007 йил 17 июлдаги 18-сон буйруғи (рўйхат рақами 1703, 2007 йил 13 август) билан тасдиқланган Ахборот ресурсларининг архив нусхаларини яратиш ва уларни давлат сақловига топшириш бўйича йўриқнома // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

хавфсизлиги Тизим иштирокчисининг дастурий-техник чора-тадбирлари билан таъминланади.

Ахборот хавфсизлиги шунингдек, бошқа мавжуд воситалар билан ҳам қонунчилик ва ушбу Низом талабларини инобатга олган ҳолда, Тизим иштирокчисининг ички қоидаларига мувофиқ таъминланиши мумкин.

Тизим иштирокчилари қонунчилик ва ушбу Низом талабларини инобатга олган ҳолда, белгиланган қоидаларнинг бузилишини ва унинг учун жавобгарликка тортилишни олдини олишни назарда тутувчи ахборот хавфсизлиги ва Тизимдан фойдаланишнинг ички қоидаларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди.

Дастурий-техник чора-тадбирлар қуйидагиларни таъминлайди:

Тизим иштирокчиси-ташкилот ходимларининг мазкур ташкилот ходимларининг лавозим йўриқномаларидан келиб чиққан ҳолда, дастурий ресурсларга чекланган киришини;

фонд бозорида АКТларидан фойдаланишда Тизим иштирокчиси бўлган ташкилотларнинг барча ҳаракатларини антивирус билан муҳофаза қилиш ва баённома юргизишни.

Тизим иштирокчилари криптографик муҳофаза қилишни қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширишади.

ЭРИдан фойдаланиш ваколатига эга бўлмаган ва ундан шахсий ёхуд учинчи шахс манфаатлари йўлида фойдаланган Тизим иштирокчиси ва иштирокчи ташкилот ходимлари қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

Тизим иштирокчиси унинг ўзи томонидан Тизимда исталган ҳаракатларни амалга оширишга ваколат берган шахснинг унинг номидан бажарган барча ҳаракатларига жавобгардир.

Тизим иштирокчилари қуйидагиларга мажбурдирлар:

тизимнинг узлуксиз фаолиятини таъминлаш;

ахборот хавфсизлиги ва Тизимдан фойдаланишнинг ички қоидаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш (фақат Тизим иштирокчиси юридик шахс бўлган ҳолда);

электрон ҳужжатларни тузишни ва жўнатишни қонунчилик ҳужжатлари ҳамда ушбу Низом талабларига мувофиқ равишда қатъий таъминлаш;

мустақил равишда ЭРИ сертификатини олиш, шунингдек, фонд бозорида АКТларининг ЭҲАдан фойдаланиладиган зарур иш ҳолатини қўллаб-қувватлаш;

электрон ҳужжатларда кўрсатилган буюртма ва/ёки топшириқларни фонд бозорининг технологик жараёнларига мувофиқ, қонунчилик талабларини инобатга олган ҳолда қабул қилиш/жўнатиш, топшириш/ижро этиш³⁰⁸.

³⁰⁸ Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2008 йил 1 августдаги 2008-13-сон буйруғи (рўйхат рақами 1855, 2008 йил 9 сентябрь) билан тасдиқланган Фонд бозорида ахборот-коммуникация технологиялардан фойдаланишга ўрнатилган талаблар тўғрисидаги низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлигининг Давлат ахборот тизимларини ташкил этиш ва кўллаб-қувватлаш ягона интегратори Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасини ахборот билан тезкор таъминлаш учун интеграциялаштирилган ахборот тизимларини яратиш, ривожлантириш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек давлат органлари ахборот тизимлари билан уларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш юзасидан жавобгар ҳисобланади³⁰⁹.

Фойдаланувчиларнинг ахборотни рухсатсиз фойдаланишдан ҳимоя қилишга доир белгиланган чораларни бузишга қаратилган хатти-ҳаракатларига йўл қўйилмайди.

Муайян жисмоний шахсга тааллуқли бўлган ёки уни идентификация қилиш имконини берадиган шахсга доир маълумотларни учинчи шахсларга тақдим этиш Ўзбекистон Республикасининг “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ амалга оширилади.

Ваколатли органларнинг ахборот тизимларини идентификациялашнинг ягона тизимига улаш интеграциялашувга қўйиладиган техник талабларга мувофиқ амалга оширилади.

Ҳужжатлар ва ахборот билан автоматлаштирилган тарзда айирбошлаш мақсадида ваколатли органлар ахборот тизимларининг интеграциялашuvi “Электрон ҳукумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали амалга оширилади.

“Электрон ҳукумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформасига уланадиган ваколатли органларнинг ахборот тизимлари ҳам ҳужжатлар ва ахборотни тақдим этиш учун мурожаат қилган маълумотларни етказиб берувчилар, ҳам ҳужжатлар ва ахборотни сўраган маълумотларнинг истеъмолчилари бўлиши мумкин.

Идоралараро электрон ҳамкорлик қилишда фойдаланувчиларнинг фойдаланишини ва ваколатларини таъминлаш устидан назорат қилиш идентификациялашнинг ягона тизими орқали амалга оширилади.

Идентификациялашнинг ягона тизимида фойдаланувчиларнинг шахсий маълумотларидан рухсатсиз фойдаланганлик учун ваколатли органлар – ахборот тизимларининг эгалари ва Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги жавоб беради³¹⁰.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги шакллантирилган марказий маълумотлар базаларининг нусхаларини улардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлмаган шахсларга тақдим этиш ҳуқуқига эга эмас.

³⁰⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2012 йил 21 мартдаги ПҚ–1730-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

³¹⁰ Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 17 декабрдаги 365-сон қарори билан тасдиқланган “Электрон ҳукумат” тизими фойдаланувчиларини идентификациялашнинг ягона ахборот тизими тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Ваколатли органлар томонидан марказий маълумотлар базаларига тақдим этиладиган маълумотлар тақдим этилаётган пайтда ишончли, тўлиқ ва долзарб бўлиши керак.

Ваколатли органлар марказий маълумотлар базаларига маълумотларни “Электрон ҳукумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали жисмоний ва юридик шахсларнинг ягона идентификаторларидан фойдаланиб тақдим этадилар.

Марказий маълумотлар базаларидан маълумотлар олиш жисмоний ва юридик шахсларнинг ягона идентификаторларидан фойдаланиш орқали амалга оширилади.

Давлат хизматлари кўрсатиш жараёнидаги идоралараро электрон ҳамкорлик қилишда жисмоний ва юридик шахсларнинг бошқа идентификаторларидан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Марказий маълумотлар базаларидаги маълумотлардан фойдаланганда жисмоний ва юридик шахсларни идентификациялаш фақат “Электрон ҳукумат” тизими фойдаланувчиларини идентификациялашнинг ягона ахборот тизими орқали амалга оширилади.

Давлат хизматлари кўрсатишда ва идоралараро электрон ҳамкорлик қилишда марказий маълумотлар базаларидаги маълумотлардан фойдаланиш “Электрон ҳукумат” тизимининг идоралараро интеграциялашув платформаси ёрдамида амалга оширилади.

Давлат хизматлари кўрсатишда жисмоний ва юридик шахслардан марказий маълумотлар базалари ва тегишли ваколатли органларнинг ахборот ресурсларида мавжуд бўлган маълумотларни ҳамда бошқа идентификаторли қўшимча ҳужжатларни талаб қилиш тақиқланади.

Марказий маълумотлар базаларида мавжуд бўлмаган ахборотнинг сақланишини таъминловчи давлат ахборот ресурсларини яратишда тегишли равишда жисмоний ва юридик шахсларнинг ягона идентификаторларидан фойдаланилади³¹¹.

Ахборот-кутубхона ва архив муассасаларида электрон базаларнинг ахборот хавфсизлиги тегишлича Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги “Ўзархив” агентлиги ҳамда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг Ахборот хавфсизлиги сиёсати талабларига мувофиқ таъминланади³¹².

Ахборот воситачиси қуйидагиларга ҳақли эмас:

ўзининг ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда тузилган битимнинг тарафига айланиш, шунингдек ахборот воситачиси сифатида хизматлар

³¹¹ Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 17 декабрдаги 365-сон қарори билан тасдиқланган “Электрон ҳукумат” тизимининг жисмоний ва юридик шахслар марказий маълумотлар базаларини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

³¹² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Ўзархив” агентлиги бош директорининг 2016 йил 20 июндаги 45-сон буйруғи (рўйхат рақами 2807, 2016 йил 7 июль) Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан ахборот-кутубхона ва архив муассасаларига тақдим этилган ҳужжатлар билан ишлаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

кўрсатиш билан боғлиқ бўлмаган ишлаб чиқариш, савдо, савдо-воситачилик ёки бошқа фаолиятни амалга ошириш;

электрон тижоратни амалга ошириш, битимлар тузишда нархларнинг шаклланиш жараёнларига аралаштириш, контрагентларни танлашда ва битимлар тузишда электрон тижорат иштирокчиларининг эркинлигини чеклаш, шунингдек электрон тижорат иштирокчиларининг ҳуқуқларини бошқача тарзда чеклаш.

Ахборот воситачиси қуйидагиларга мажбур:

электрон тижорат соҳасидаги қонун ҳужжатларига, шу жумладан стандартлар, нормалар ва қоидаларга риоя этиш;

ўзининг тўлиқ номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли, кўрсатиладиган хизматлар, уларни кўрсатиш шартлари ва қийматлари (тарифлари) ҳақидаги ахборотни электрон тижорат иштирокчиларига ошкор қилиш;

электрон ҳужжатларнинг ва электрон хабарларнинг мазмунини, улардан фойдаланиш тартибини ўзгартирмаслик, электрон тижорат иштирокчилари билан тузилган шартномаларда назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно;

электрон ҳужжатларни, электрон хабарларни ва шахсга оид маълумотларни рухсатсиз фойдаланишдан ҳимоя қилиш чоралари билан таъминлаш;

электрон ҳужжатларни ва электрон хабарларни учинчи шахсларга бермаслик, қонунда ёки шартномада назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно;

электрон ҳужжатларнинг ва электрон хабарларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ сақланишини таъминлаш;

ўз ахборот тизимини Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги серверларда жойлаштириш.

Агент сотувчига ёки харидорга хизматлар кўрсатиш натижасида ўзига маълум бўлган маълумотларнинг махфийлигига риоя қилишга мажбур.

Электрон тижоратни ташкил этишнинг шакллари битимлар тузишнинг рақобатли шакллари деб эътироф этилади, бунда ахборот воситачисининг ахборот тизими қуйидаги шарт-шароитларни таъминлайди:

электрон тижоратнинг иккитадан кам бўлмаган иштирокчилари томонидан офертани акцептлаш имконияти;

оферент учун шартномани бажаришнинг энг яхши шартларини таклиф қилган шахс билан шартнома тузиш.

Қайд этилган талабларга риоя қилинган тақдирда битим содир этилган деб эътироф қилинади.

Битимларни рақобатли шаклларда содир этишда офертани қабул қилган шахс томонидан, уни қабул қилиш учун белгиланган муддатда, унда кўрсатилган шартнома шартларини бажариш бўйича хатти-ҳаракатларни (товарларни юклаб жўнатиш, хизматлар кўрсатиш, ишларни бажариш, тегишли суммани тўлаш ва ҳоказоларни) содир этиш акцепт ҳисобланмайди.

Ахборот воситачиларининг ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган электрон тижоратда қуйидагиларга йўл қўйилмайди:

электрон тижорат иштирокчиларини камситиш, электрон тижоратнинг бир иштирокчисига бошқа иштирокчилар эркин фойдалана олмайдиган ва қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган имтиёзлар ёки преференцияларни бериш;

ахборот воситачиларининг мансабдор шахслари томонидан шахсий манфаатдорлик таъсирида қарорлар қабул қилиш ёхуд электрон тижорат иштирокчиларининг манфаатларига зарар етказадиган бошқа ноқонуний хатти-ҳаракатларни содир этиш;

электрон тижорат иштирокчиларига босим ўтказиш, электрон тижоратда иштирок этиш ҳақидаги ахборотни ошкор қилиш (қонун ҳужжатларидан назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно), ноқонуний тарзда рақобатга йўл қўймаслик, уни чеклаш ёки четлатиш;

электрон тижорат иштирокчиларининг бозор конъюнктурасини ўзгартириш ёки нархларни бузиб кўрсатиш мақсадида тил бириктириши;

ишончли бўлмаган ёки бузиб кўрсатилган ахборотни бериш ёки тарқатиш, шунингдек ахборотдан эркин фойдаланишни асоссиз чеклаш;

электрон тижорат иштирокчилари томонидан келгусида шартномани имзолашдан ёки уни зарур даражада бажаришдан бош тортиш ниятида сунъий равишда пасайтирилган ёки оширилган нархларда талабномалар бериш;

ахборот воситачисининг ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда товар сотаётган ёки сотиш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатишни таклиф қилаётган, белгиланган тартибда якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказилмаган жисмоний шахс ҳисобланган битим тарафларидан бири томонидан битимларни амалга ошириш³¹³.

Лойиҳаларни амалга ошириш натижасида ишлаб чиқилган ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларини «Рақамли ҳукумат»нинг ахборот тизимлари ва ресурслари ягона реестрида рўйхатдан ўтказиш ва амалиётга жорий этишга уларнинг техник топшириқ ва ахборот хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги юзасидан Рақамли технологиялар вазирлиги ҳамда “Киберхавфсизлик маркази” ДУКнинг ижобий хулосалари олинганидан сўнг рухсат берилади;

Ижобий хулосага эга бўлмаган ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларини фойдаланишга қабул қилиш, ишга тушириш ҳамда “Рақамли ҳукумат” доирасидаги тизимлар ва сервислар билан интеграция қилишга йўл қўйилмайди³¹⁴.

Электрон ҳукумат доирасида маълумот тақдим этувчи ва фойдаланувчиларнинг электрон ҳамкорлиги ҳамда ахборот алмашинуви уларнинг ахборот тизимлари ва ресурсларини Идоралараро интеграциялашув платформасига улаш орқали амалга оширилади.

³¹³ Вазирлар Маҳкамасининг “Электрон тижорат платформалар ва рақамли экотизим операторларининг ахборот воситачиларининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2016 йил 2 августдаги 249-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

³¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Электрон ҳукумат” тизими доирасида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш сифатини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 21 майдаги ПҚ-4328-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Бунда электрон ҳамкорлик ва ахборот алмашинуви фақат Электрон ҳукуматнинг идоралараро маълумотлар узатиш тармоғи орқали ташкил этилади.

Фойдаланувчи ва оператор ўртасидаги ахборот алмашинуви тегишли сўров юбориш йўли билан Идоралараро интеграциялашув платформаси ёрдамида амалга оширилади.

Бунда Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали электрон ҳамкорлик ҳамда ахборот алмашинуви доирасида йўлланган барча сўровлар бўйича статистика маълумотлари маълумот тақдим этувчи ва фойдаланувчининг шахсий кабинетига юритилади.

Идоралараро интеграциялашув платформасига уланган ахборот тизимлари ва ресурсларида мавжуд бўлган шахсга доир маълумотлар алмашинуви Ўзбекистон Республикасининг “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги Қонуни ва ушбу соҳадаги бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали маълумотлар фойдаланувчининг ваколати доирасидаги вазифаларни бажариш учун қайта ишлаш мақсадида тақдим этилади.

Электрон давлат хизматларини кўрсатиш ва идоралараро электрон ҳамкорликни ташкил этиш доирасида ахборот алмашинуви Идоралараро интеграциялашув платформасига уланиш орқали амалга оширилади.

Идоралараро интеграциялашув платформасига уланиш учун “Электрон ҳукуматнинг ахборот тизимлари ва ресурслари ягона реестри” ахборот тизими (кейинги ўринларда – Ягона реестр тизими) орқали электрон шаклда мурожаат этилади.

Бунда Ягона реестр тизимида авторизациядан ўтиш учун “Электрон ҳукумат” тизими фойдаланувчиларини идентификациялашнинг ягона ахборот тизимида рўйхатдан ўтиш талаб этилади.

Оператор:

Идоралараро интеграциялашув платформасига уланиш тартиби ва шартларига риоя қилишга;

фойдаланувчига Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали маълумотлар юборилгунига қадар уларнинг конфиденциаллигини таъминлашга;

Идоралараро интеграциялашув платформасида маълумот тақдим этувчи ва фойдаланувчининг шахсий кабинетларига улашга;

Ягона реестр тизимида Идоралараро интеграциялашув платформасига уланиш бўйича ариза ва технологик йўриқномани кўриб чиқишга ва келишишга;

Идоралараро интеграциялашув платформасидаги маълумот тақдим этувчи ва фойдаланувчининг шахсий кабинетлари орқали электрон ахборот ҳамкорлиги доирасидаги статистика маълумотлари билан танишиш имкониятини яратишга;

Идоралараро интеграциялашув платформасининг узлуксиз ишлаши бўйича тегишли чоралар кўришга;

қонунчилик ҳужжатлари ва мазкур Низом талабларини бажаришга;

Идоралараро интеграциялашув платформасида жойлаштирилган барча веб-сервислар бўйича режали ва режадан ташқари узилишлар ва/ёки тўхталишлар вужудга келиши ёки улар бартараф этилиши юзасидан маълумот тақдим этувчи ва фойдаланувчиларни мавжуд қайта алоқа каналлари орқали реал вақт режимида хабардор қилишга;

мазкур Низомда ёки бошқа қонунчилик ҳужжатларида белгиланган қоидалар бузилган тақдирда, маълумот тақдим этувчи ёки фойдаланувчининг Идоралараро интеграциялашув платформасига уланишини вақтинча тўхтатиш ёки бекор қилиш ва бу ҳақида уларни асосларни кўрсатган ҳолда расмий хабардор қилишга мажбур.

Бунда оператор Идоралараро интеграциялашув платформасига уланиши вақтинча тўхтатиш ёки бекор қилишдан олдин бу тўғрисида маълумот тақдим этувчи ёки фойдаланувчини мавжуд қайта алоқа каналлари орқали реал вақт режимида хабардор қилади.

Маълумот тақдим этувчи Идоралараро интеграциялашув платформасига уланиш шартларига риоя қилишга, Идоралараро интеграциялашув платформасига уланиш бўйича Ягона реестр тизимида ариза ва технологик йўриқномаларни ишлаб чиқишга ва келишишга, Идоралараро интеграциялашув платформасининг push-хабарномалар сервисига уланиш бўйича фойдаланувчининг аризасини белгиланган тартибда келишишга, Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали юборилган сўровларга мувофиқ маълумотларни технологик йўриқномада белгиланган тартибда тақдим этишга, ўзига тегишли бўлган ахборот тизимлари ва ресурслари ҳамда маълумотлар базаларининг барқарор ишлаши, улардаги маълумотларнинг Идоралараро интеграциялашув платформасига узлуксиз равишда тақдим этилиши бўйича тегишли чоралар кўришга, ўзига тегишли маълумотларнинг ишончилиги ва тўлиқлиги ҳамда долзарблигини таъминлашга, долзарб бўлмаган маълумотлар бўйича шикоятларни қабул қилиш механизмини ишлаб чиқишга, жорий қилишга ҳамда келиб тушган шикоятлар натижаси бўйича маълумотларни ўз вақтида янгилаб боришга, Идоралараро интеграциялашув платформасида жойлаштирилган ўзининг барча веб-сервислари бўйича режали ва режадан ташқари узилишлар ва/ёки тўхталишлар вужудга келиши ёки улар бартараф этилиши юзасидан операторни мавжуд қайта алоқа каналлари орқали реал вақт режимида хабардор қилишга, ўзига тегишли веб-сервисга ўзгартириш ва/ёки қўшимчалар киритиладиган тақдирда, режалаштирилган ишлар амалга оширилгунига қадар бу ҳақида уч кун олдин операторга хабар беришга, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида техник ишлар ўтказилиши натижасида Идоралараро интеграциялашув платформасига тақдим этилаётган веб-сервисларда кузатилиши мумкин бўлган узилишлар юзасидан техник ишлар ўтказилишидан камида уч иш кун олдин операторни ёзма равишда хабардор қилишга, ахборот тизимлари ва ресурслари жойлашган серверлар ёки объектларда режалаштирилган фавқулодда юз берган узилишлар бундан мустасно, Идоралараро интеграциялашув платформасида

жойлаштирилган ўз веб-сервисларига фойдаланувчиларни тўғридан-тўғри улашни чеклашга мажбур.

Фойдаланувчи:

Идоралараро интеграциялашув платформасига уланиш тартиби ва шартларига риоя қилишга;

Идоралараро интеграциялашув платформасига уланиш бўйича Ягона реестр тизимида ариза ва технологик йўриқномаларни ишлаб чиқишга ва келишишга;

Идоралараро интеграциялашув платформасининг push-хабарномалар сервисига уланиш бўйича ўз аризасини белгиланган тартибда маълумот тақдим этувчи билан келишишга;

Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали олинаётган маълумотларнинг конфиденциаллигини таъминлашга;

Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали олинган маълумотларни учинчи томонга тақдим этмасликка;

Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали олинган маълумотлардан маълумот тақдим этувчи ва оператор билан келишилмаган бошқа мақсадларда фойдаланмасликка;

Идоралараро интеграциялашув платформасига уланган ўзининг ахборот тизимларининг узлуксиз ишлаши бўйича тегишли чоралар кўришга;

“Электрон ҳукумат” тизими орқали олинadиган маълумотларни олиш, қўллаш ва сақлаш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя қилишга мажбур.

Фойдаланувчиларнинг ахборот тизимларини Рақамли маълумотлар платформасига улаш фақат ҳимояланган VPN тармоғи орқали ташкил этилади.

Бунда солиқ ва кадастр органларининг ахборот тизимлари Рақамли маълумотлар платформасига Вазирлар Маҳкамасининг “Учинчи шахсларга солиқ тўловчилар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш чора-тадбирлари ҳақида” 2021 йил 19 августдаги 529-сон қарорига мувофиқ давлат-хусусий шериклик шартномасининг амал қилиш муддатига қадар хусусий шерикнинг ахборот тизимлари орқали уланади.

Оператор:

Рақамли маълумотлар платформасига уланиш тартиби ва шартларига риоя қилишга;

фойдаланувчига Рақамли маълумотлар платформаси орқали маълумотлар юборилгунига қадар уларнинг конфиденциаллигини таъминлашга;

Рақамли маълумотлар платформасида маълумот тақдим этувчи ва фойдаланувчини шахсий кабинетларига улашга;

Ягона реестр тизимида Рақамли маълумотлар платформасига уланиш бўйича ариза ва технологик йўриқномани кўриб чиқишга ва келишишга;

Рақамли маълумотлар платформасида жойлаштирилган барча веб-сервислар бўйича режали ва режадан ташқари узилишлар ва/ёки тўхталишлар вужудга келиши ёки улар бартараф этилиши юзасидан фойдаланувчиларни мавжуд бўлган қайта алоқа каналлари орқали хабардор қилишга;

Маълумот тақдим этувчи ва фойдаланувчининг Рақамли маълумотлар платформасидаги шахсий кабинетлари орқали электрон ахборот ҳамкорлиги доирасидаги статистика маълумотлари билан танишиш имконини яратишга;

Рақамли маълумотлар платформасининг узлуксиз ишлаши бўйича тегишли чоралар кўришга;

қонунчилик ҳужжатлари ва мазкур Низом талабларини бажаришга;

мазкур Низомда ёки бошқа қонунчилик ҳужжатларида белгиланган қоидалар бузилган тақдирда, маълумот тақдим этувчи ёки фойдаланувчининг Рақамли маълумотлар платформасига уланишини вақтинча тўхтатиш ёки бекор қилиш ва бу ҳақида уларни асосларни кўрсатган ҳолда расмий хабардор қилишга мажбур.

Маълумот тақдим этувчи Идоралараро интеграциялашув платформасига уланиш шартларига риоя қилишга, Идоралараро интеграциялашув платформасига уланиш бўйича Ягона реестр тизимида ариза ва технологик йўриқномаларни ишлаб чиқишга ва келишишга, Идоралараро интеграциялашув платформасининг push-хабарномалар сервисига уланиш бўйича фойдаланувчининг аризасини белгиланган тартибда келишишга, Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали юборилган сўровларга мувофиқ маълумотларни технологик йўриқномада белгиланган тартибда тақдим этишга, ўзига тегишли бўлган ахборот тизимлари ва ресурслари ҳамда маълумотлар базаларининг барқарор ишлаши, улардаги маълумотларнинг Идоралараро интеграциялашув платформасига узлуксиз равишда тақдим этилиши бўйича тегишли чоралар кўришга, ўзига тегишли маълумотларнинг ишончилиги ва тўлиқлиги ҳамда долзарблигини таъминлашга, долзарб бўлмаган маълумотлар бўйича шикоятларни қабул қилиш механизмини ишлаб чиқишга, жорий қилишга ҳамда келиб тушган шикоятлар натижаси бўйича маълумотларни ўз вақтида янгилаб боришга, Идоралараро интеграциялашув платформасида жойлаштирилган ўзининг барча веб-сервислари бўйича режали ва режадан ташқари узилишлар ва/ёки тўхталишлар вужудга келиши ёки улар бартараф этилиши юзасидан операторни мавжуд қайта алоқа каналлари орқали реал вақт режимида хабардор қилишга, ўзига тегишли веб-сервисга ўзгартириш ва/ёки қўшимчалар киритиладиган тақдирда, режалаштирилган ишлар амалга оширилгунига қадар бу ҳақида уч кун олдин операторга хабар беришга, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида техник ишлар ўтказилиши натижасида Идоралараро интеграциялашув платформасига тақдим этилаётган веб-сервисларда кузатилиши мумкин бўлган узилишлар юзасидан техник ишлар ўтказилишидан камида уч иш кун олдин операторни ёзма равишда хабардор қилишга, ахборот тизимлари ва ресурслари жойлашган серверлар ёки объектларда режалаштирилган фавқулодда юз берган узилишлар бундан мустасно, Идоралараро интеграциялашув платформасида жойлаштирилган ўз веб-сервисларига фойдаланувчиларни тўғридан-тўғри улашни чеклашга мажбур.

Фойдаланувчи Рақамли маълумотлар платформасига уланиш тартиби ва шартларига риоя қилишга, Рақамли маълумотлар платформасига уланиш бўйича Ягона реестр тизимида ариза ва технологик йўриқномаларни ишлаб

чиқишга ва келишишга, Рақамли маълумотлар платформасининг push-хабарномалар сервисига уланиш бўйича аризасини белгиланган тартибда маълумот тақдим этувчи билан келишишга, Рақамли маълумотлар платформаси орқали олинаётган маълумотларнинг конфиденциаллигини таъминлашга, Рақамли маълумотлар платформаси орқали олинган маълумотларни учинчи томонга тақдим этмасликка, Рақамли маълумотлар платформаси орқали олинган маълумотлардан маълумот тақдим этувчи ва оператор билан келишилмаган бошқа мақсадларда фойдаланмасликка, Рақамли маълумотлар платформасига уланган ўзининг ахборот тизимларининг узлуксиз ишлаши бўйича тегишли чоралар кўришга, “Электрон ҳукумат” тизими орқали олинадиган маълумотларни олиш, қўллаш ва сақлаш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя қилишга мажбур.

Талабгорнинг ахборот тизимлари ва сервисларини Ягона биллинг тизимига интеграция қилиш талабгор ахборот тизимларининг ахборот хавфсизлигини таъминланган ҳолда амалга оширилади.

Ягона биллинг тизимига “Электрон ҳукумат” тизими фойдаланувчиларини идентификациялаш ягона ахборот тизимида (кейинги ўринларда – Идентификациялашнинг ягона тизими) рўйхатдан ўтиш орқали кирилади.

Оператор ўз фаолиятини қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириш, Ягона биллинг тизимининг доимий ва узлуксиз ишлашини таъминлаш, Ягона биллинг тизимига киритилиши режалаштирилган ўзгартиришлар ҳақида вазирликлар ва идораларга аниқ муддати кўрсатилган ҳолда камида бир ой олдин ёзма хабарнома юбориш, Ягона биллинг тизимида юзага келган носозлик ва хатоликларни бартараф этиш бўйича мурожаатлар қабул қилинишини ташкил этиш ва тезкорлик билан кўриб чиқиш ҳамда бартараф этиш, Ягона биллинг тизимидаги давлат органларига тааллуқли ахборотнинг бутлигини таъминлаш мажбуриятларини ўз зиммасига олади³¹⁵.

МАИ субъектлари МАИ объектларининг киберхавфсизлигини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига риоя қилиши, киберхавфсизлик ҳодисалари тўғрисида ваколатли давлат органи ва ишчи органни белгиланган тартибда дарҳол хабардор қилиши, киберҳужумларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш, киберхавфсизлик ҳодисаларининг келиб чиқиш сабаблари ва шароитларини аниқлашда ваколатли давлат органи ҳамда ишчи органга кўмаклашиши, МАИ объектларининг киберхавфсизлигини таъминлаш жараёнига давлат органлари томонидан ноқонуний аралашуш ҳолатлари ҳақида ваколатли органни хабардор қилиши, ваколатли давлат органи билан келишилган ҳолда киберҳужумларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш, киберхавфсизлик ҳодисаларига жавоб бериш учун мўлжалланган воситаларни ўз ҳисобидан ўрнатиши ва сақлаши, МАИ объектларига киберҳужумларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф

³¹⁵ Вазирлар Маҳкамасининг “Идоралараро электрон ҳамкорлик тизими ва маълумотларнинг ахборот алмашинувини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 20 сентябрдаги 516-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

этиш учун ўрнатилган воситаларнинг белгиланган талабларга мувофиқ тўлақонли ишлашини таъминлаши, ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланган тартибда киберхавфсизлик ҳодисаларига жавоб бериш, МАИ объектларига қарши амалга оширилган киберхужумларнинг оқибатларини бартараф этиш чораларини кўриши ва киберхавфсизлик ҳодисаларини текширишда иштирок этиши, ваколатли давлат органи ва ишчи орган билан келишилган ҳолда, МАИ объектларига уюштирилиши мумкин бўлган кибертахдидларнинг олдини олиши ва киберхужумлар содир бўлганда МАИ объектларининг барқарор ишлашини тиклаш режаларини ишлаб чиқиши, ваколатли давлат органи ва ишчи орган томонидан ташкил этиладиган режали машғулотларда иштирок этиши шарт.

МАИ объектларига киберхавфсизликни таъминлашнинг қуйидаги талаблари қўйилади:

МАИ объектининг киберхавфсизлигини самарали таъминлаш тизимининг йўлга қўйилганлиги;

ахборот тизимида маълумотлардан рухсатсиз фойдаланиш, уларни йўқ қилиш, ўзгартириш, блоклаш (чеклаш), нусха олиш, тақдим этиш ва тарқатиш ҳамда МАИ объекти фаолиятининг бузилиши ва/ёки тўхташига олиб келувчи бошқа ҳаракатларни амалга оширишнинг олди олинганлиги;

киберхавфсизликни таъминлаш тизими параметрларининг техник регламентлар талабларига мувофиқлиги, киберхавфсизлик ва МАИ объектининг узлуксиз фаолият юритишини таъминловчи чора-тадбирлар жорий этилганлиги;

киберхавфсизлик ҳодисаси рўй берганда киберҳимояни таъминлаш тизимини тезкор тиклаш имконияти мавжудлиги;

киберхужумларни мониторинг, аудит ва таҳлил қилиш, аниқлаш, чора кўриш ҳамда уларнинг оқибатларини бартараф этиш тизимининг самарали йўлга қўйилганлиги;

киберхавфсизлик ва МАИ объектининг киберхавфсизлиги ва унинг эксплуатациясига доир ҳужжатларнинг мавжудлиги.

МАИ объекти раҳбари мазкур объектда киберхавфсизликни таъминлашга масъул шахс ҳисобланади. МАИ объекти раҳбари томонидан белгиланган тартибда объектда киберхавфсизликни таъминловчи ҳимоя тизимининг ишлашини таъминлашга масъул мутахассислар ёки таркибий бўлинма тайинланади.

МАИ объекти раҳбари объектининг ахборот хавфсизлиги сиёсати, киберхавфсизлик соҳасидаги низомлар, кўрсатмалар, талаблар, ҳимоя воситаларидан фойдаланиш, киберхавфсизликни таъминловчи ҳимоя тизимининг ишлашини ташкил этиш ва назорат қилиш тартибини тасдиқлайди ҳамда уларни доимий равишда такомиллаштириш чораларини кўради.

МАИ объектларининг киберхавфсизлигини таъминловчи барча аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий таъминотлар тегишли мувофиқлик сертификатлари ҳамда киберхавфсизлик тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ бўлиши керак.

МАИ объектларининг киберхавфсизлигини таъминлаш бўйича белгиланган талаблар билан бирга қўшимча равишда қуйидагилар:

МАИ объектларининг киберхавфсизлигини таъминлаш бўйича чоратadbирларни режалаштириш, ишлаб чиқиш, такомиллаштириш ва жорий қилиш;

МАИ объектларининг киберхавфсизлигини таъминлаш учун ташкилий, ҳуқуқий ва техник чораларни кўриш;

МАИ объектларининг киберхавфсизлигини таъминлашда қўлланиладиган аппарат, дастурий-аппарат ва дастурий воситаларнинг кўрсаткич ва хусусиятларини белгилаш назарда тутилади.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, бирлашмалар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ваколатли давлат органи ва унинг ишчи органи билан келишган ҳолда ахборот хавфсизлиги сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишда МАИ объектларининг иш фаолияти хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда уларнинг киберхавфсизлигини таъминлаш воситаларига қўшимча талабларни белгилаши мумкин.

Киберхавфсизликни таъминловчи ҳимоя тизими қуйидагиларни таъминлаши зарур:

МАИ объекти томонидан қайта ишланадиган маълумотлардан рухсатсиз фойдаланиш, уларни йўқ қилиш, ўзгартириш, блоклаш (чеклаш), нусхалаш, тақдим этиш, тарқатиш ва шу каби бошқа хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш;

МАИ объектининг иш фаолияти бузилиши ва/ёки тўхтаб қолишига олиб келиши мумкин бўлган аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий воситаларга ахборот таъсирининг олдини олиш;

ўз ичига давлат сирини олмаган, қонунчилик билан ҳимояланган (кейинги ўринларда – конфиденциал) ва махфий маълумотларга киберхавфсизлик таҳдиди шароитида МАИ объектининг тўлиқ ишлашини таъминлаш;

МАИ объекти фаолиятини тиклаш имкониятини таъминлаш.

Автоматлаштирилган ва ахборот тизимларида барча қайта ишланаётган маълумотлар, аппарат, аппарат-дастурий ҳамда дастурий воситалар, шу жумладан компьютерни сақлаш воситалари, иш станциялари, серверлар, телекоммуникация ускуналари, алоқа линиялари, график, видео ва нутқ маълумотларини қайта ишлаш воситалари, аппарат-дастурий воситаларнинг дастурий таъминоти, ахборот тизимларининг архитектураси ва конфигурацияси ҳимоя қилинади. Телекоммуникация тармоқларида алоқа линиялари орқали узатиладиган маълумотлар, телекоммуникация ускуналари, шу жумладан дастурий таъминот, бошқарув тизими, ўрнатилган ҳимоя воситалари, телекоммуникация тармоғи архитектураси ва конфигурациясининг яхлитлиги ҳимоя қилинади. Автоматлаштирилган бошқарув тизимларида бошқариладиган, кузатиладиган объект ёки жараённинг параметрлари ёхуд ҳолати тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан кириш-чиқиш маълумотлари, бошқарув маълумотлари, назорат ва ўлчов маълумотлари ҳамда бошқа муҳим маълумотлар, дастурий таъминот ва аппарат воситалари, шу жумладан иш станциялари, саноат серверлари,

телекоммуникация ускуналари, алоқа линиялари, дастурланадиган мантикий текширгичлар, ишлаб чиқариш, технологик ускуналар, аппарат-дастурий воситаларнинг дастурий таъминоти, ўрнатилган ҳимоя воситалари, автоматлаштирилган бошқарув тизимининг архитектураси ва конфигурацияси ҳимоя қилинади.

Хавфсизлик чораларини амалга оширишда аппарат, тизим, дастур ва тармоқ даражаларида, шу жумладан виртуаллашган муҳитда киришнинг барча объектлари ва субъектларига нисбатан киберхавфсизлик таҳдидларининг ҳисобга олинганлиги мажбурий мезонлардан бири ҳисобланади.

МАИ объектларидаги конфиденциал ва махфий маълумотларни қайта ишлайдиган қурилмаларда, киберхавфсизлик таҳдидларига қараб, қуйидаги чоралар амалга оширилиши зарур:

кичик тизим ёки бошқа тизимларнинг элементларига кириш ҳуқуқи олинишининг ҳар бир босқичида идентификация ва аутентификация қилиш;

файллар, тизимлар ва қурилмаларга кириш ҳуқуқини бошқариш;

ахборот инфратузилмасини бошқариш ваколатига эга бўлмаган фойдаланувчи учун дастурий муҳитни чеклаш;

конфиденциал ва махфий маълумотларни ташувчи воситаларни ҳимоя қилиш;

тизимлар, дастурлар, шу жумладан дастурий ва дастурий-аппарат ресурсларининг киберхавфсизлик аудитини ўтказиш;

МАИ объекти ахборот активларини бузғунчи дастурий таъминотларга қарши ҳимоя қилиш;

киберхужумларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш;

қурилмалар орқали узатиладиган барча маълумотларни қўллаш мақсадларидан қатъи назар уларнинг яхлитлигини таъминлаш;

фойдаланувчиларнинг МАИ объекти фаолиятидаги ўрнига қараб тизим фойдаланувчилари учун маълумотларга рухсат бериш ва ҳимоясини таъминлаш;

ахборот техник ҳимоя воситаларининг хавфсизлигини таъминлаш;

конфигурацияни бошқариш;

дастурий таъминот янгиланишларини ўз вақтида бошқариш;

киберхавфсизлик ҳодисаларига ўз вақтида чора кўриш;

фавқулодда вазиятларда зарур ҳаракатларни бажариш;

яхлитлиги, конфиденциаллиги ёки махфийлиги ҳамда мавжудлиги МАИ объектининг фаолияти ва хавфсизлиги билан боғлиқ бўлган муҳим маълумотларнинг захира нусхасини сақлаш;

киберхавфсизликни таъминлаш ҳолатини, рухсатсиз кириш ва ахборотни ўзгартиришга уринишларни доимий назорат ҳамда таҳлил қилиш;

маълумотларни тезкор тиклаш механизмларини амалга ошириш;

объектни унинг киберхавфсизлик талабларига жавоб бериши юзасидан аттестациядан ўтказиш.

Ушбу талабларнинг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар³¹⁶.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар тўловлар тўғрисидаги ахборотни шакллантириш, узатиш, сақлаш ва унга ишлов беришнинг барча босқичларида тўловлар тўғрисидаги ахборотни узлуксиз ҳимоя қилиш учун қуйидаги чораларни кўришлари лозим:

идентификация, аутентификация ва авторизация қилиш тизимини жорий этиш;

тизимга рухсатсиз киришнинг олдини олиш усуллари (логин, парол, биометрик идентификация, икки факторли аутентификация (2FA) ва бошқа) қўллаш;

тўлов ҳужжати ва идентификация маълумотларини қалбакилаштириш, уларни рухсатсиз ўзгартириш ҳамда учинчи шахсларга тақдим этишдан ҳимоялаш;

тўлов ахборотлари шакллантирилишини, тўлов ҳужжатининг ҳаққонийлиги текширилишини ва уларга ишлов берилишини ҳамда асосли ўзгартиришлар киритилишини таъминлаш ва назорат қилиш;

тўлов ҳужжатларини узатишда ушбу ҳужжатнинг асл эгасига етказилишини ҳамда бошқа шахсларга жўнатилишининг олди олинишини таъминлаш;

амалга оширилган тўловга оид маълумотларни сақлашда уларни рухсатсиз кўчириш, ўзгартириш, ўчириш ҳамда учинчи шахсларга жўнатилишининг олдини олиш чораларини кўриш;

ташқи сақловчига кўчирилган тўловга оид маълумотларнинг сейфда (темир шкафда) сақланишини таъминлаш ҳамда маълумотларни сақлаш учун масъул ходим (ходимлар) тайинлаш;

ахборот тизимларидаги дастурий таъминотларнинг назоратини ва ҳисобини юритиш ҳамда ахборот тизимларидаги дастурий таъминот талқинларининг, аппарат-дастурий қурилмаларининг ва дастурий воситаларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш;

ахборот тизимларининг актуал ҳолатда (охирги версия) бўлишини таъминлаш, бунда дастурий таъминотнинг янги талқинини текширувдан ўтказгандан сўнг ахборот тизимига жорий этиш;

тўлов ахборотларига ишлов бериш, уларни узатиш ҳамда сақлаш жараёнларини электрон баённомаларда автоматик тарзда шакллантириб бориш ҳамда уларнинг сақланишини таъминлаш;

ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш хизмати ҳамда банк ва тўлов тизимларида шубҳали фрод операцияларга қарши чоралар кўриш хизматларини ташкил этиш, шунингдек ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш ҳамда банк карталари билан боғлиқ шубҳали (фрод) операцияларга қарши чоралар кўриш бўйича амалга ошириладиган ишларни назорат қилиш;

³¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг муҳим ахборот инфратузилмаси объектлари киберхавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2023 йил 31 майдаги ПҚ-167-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

ҳисоблаш тармоғининг хавфсизлиги ва криптографик муҳофазасини таъминлаш, компьютер вирусларидан ҳимоялаш, ахборот тизимларига киришни бошқариш, техник воситаларини созлаш ва бошқа чораларни қўллаш;

ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш ҳамда банк карталари билан боғлиқ шубҳали (фрод) операцияларга қарши чоралар кўриш ускуналари, қурилмалар, аппарат-дастурий ва дастурий техник воситалари қўлланишини таъминлаш ҳамда уларни мунтазам такомиллаштириб бориш, фойдаланиш тартибларини белгилаш, уларга техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш ва бошқа ҳолатларда улардан кўзда тутилмаган тарзда рухсатсиз фойдаланишнинг олдини олиш;

қўлланилаётган техник воситаларга барча телекоммуникация тармоқларидан рухсатсиз кириш, улардаги маълумотларни ўзгартириш, ўчириш, кўчириб олишдан ҳимоялаш;

ахборотларни чиқиб кетиши (йўқолишини) олдини олиш;

ахборот тизимига рухсатсиз кириш ёки киберхавфсизлик ҳодисалари содир этилганда, уларни таҳлил қилиш асосида ҳимоя тизимларини мустаҳкамлаб бориш чораларини кўриш.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар дастурларга ва операцион тизимга зарар келтирувчи зарарли кодлар (компьютер вируслари) ва уларнинг салбий таъсирининг олдини олиш учун қуйидаги чораларни кўриши керак:

ҳисоблаш техникаси қурилмалари (серверлар, компьютерлар ва бошқалар), банкомат, эмбоссер ва тўлов терминалларининг (техник имкониятидан келиб чиқиб) иш фаолиятига зарар етказувчи кодларни (компьютер вирусларини) аниқлаш ва уларнинг салбий таъсирининг олдини олиш чораларини кўриш;

ахборот тизимларида фақат лицензияланган антивирус дастуридан фойдаланиш, уларнинг русумлари ва базалари актуаллиги ҳамда янгиланиб борилишини таъминлаш;

антивирус дастурларининг автоматик тарзда ишлашини таъминлаш;

интернет ва корпоратив тармоқлар орқали келган барча ахборотларни антивирус дастури орқали текшириш.

Тўлов тизимларида ахборотни муҳофаза қилишнинг криптографик усуллари қўлланилиши ва тўлов тизими қоидаларида қуйидагилар белгилаб берилиши лозим:

криптографик муҳофаза воситаларини автоматлаштирилган тизимларга боғлаш, ишга тушириш, ишлатиш ва фойдаланишдан чиқариш тартиби;

криптографик муҳофаза воситаларининг тўхтаб қолиши, ишдан чиқиши ва бошқа ғавқулдда ҳолатларда уларни қайта тиклаш тартиби;

криптографик муҳофаза дастурларига ва техник ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тартиби;

криптографик калитларни бошқариш тартиби;

криптографик калитларни ташувчи қурилмаларни қўллаш, сақлаш, ўзгартириш ва бошқалар бўйича ташкилий, техникавий усулларни қўллаш тартиби.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан ахборот алмашинувида ахборот хавфсизлиги ҳамда киберхавфсизликни таъминлашлари шарт.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчиларнинг ахборотлаштириш объектларига рухсатсиз кириш ҳамда фойдаланишни чегаралаш мақсадида қуйидаги чоралар кўрилиши керак:

ахборотлаштириш объектларига, шу жумладан, банкомат, тўлов терминаллари ва тўлов ўтказиш электрон қурилмаларига жисмонан таъсир этишни ҳамда техник жиҳозлар мавжуд бўлган бино ва хоналарга киришни назорат қилиш;

тўловларни амалга оширишда қўлланиладиган автоматлаштирилган тизимлар, дастурлар, ҳисоблаш техникалари, телекоммуникация қурилмалари параметрлари ва тузилмалари ҳамда тўлов тизимида ишлаш ҳуқуқини берувчи маълумотларни (парол, биометрик ва бошқа маълумотлар) ўз ичига олган техник воситаларнинг жисмоний муҳофазасини (хавфсизлик режимини) таъминлаш ва рухсатсиз таъсир этишнинг олдини олиш;

тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчиларнинг ходимлари ахборотлаштириш объектларига киришини назорат қилиш ва маълумотларни рухсатсиз тарқалишидан ҳимоялаш тизимларини жорий қилиш;

серверлар ва телекоммуникация қурилмалари жойлашган хоналарда ишлаш жараёнларини видеокузатув тизимлари ёрдамида назорат қилиш.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар қуйидаги маълумотларни ўз ичига олган ахборот тизимларининг ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлигини таъминлашлари керак:

банк (карта) ҳисобварағида пул маблағлари қолдиқлари тўғрисидаги маълумотлар;

электрон пуллар қолдиқлари тўғрисидаги маълумотлар;

амалга оширилган тўловлар тўғрисидаги маълумотлар;

нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ўз ичига олган маълумотлар;

банклараро тўлов ва клиринг тизимлари тўлов маълумотлари;

криптографик муҳофазани таъминлаш учун қўлланиладиган криптографик калитлар;

тўловларни амалга оширишда қайта ишланадиган конфиденциал ахборотларни (банк сири, шахсга доир маълумотлар ва бошқа қонун билан муҳофаза қилинадиган маълумотлар);

мижозларнинг банк карталари, аккаунтлари ва идентификациядан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотлар.

Тўлов тизимлари операторлари ёки тўлов хизматларини етказиб берувчилар масофадан тўлов хизматларини кўрсатувчи ахборот тизимларини (мобил илова, интернет банкинг ва бошқалар) (бундан буён матнда масофавий

ахборот тизимлари деб юритилади) амалиётга жорий этиш ҳамда уларга ўзгартириш киритишдан аввал қуйидагиларни таъминлашлари лозим:

масофавий ахборот тизимларининг тўловларни ўтказиш билан боғлиқ барча функцияларини синов (тест) тарзида тўлиқ текширувдан ўтказишни таъминлаш;

масофавий ахборот тизимларини техник топшириқлар, уларни техник топшириққа ва киберхавфсизлик талабларига мувофиқлиги юзасидан экспертизадан ўтказиш ҳамда уларнинг натижалари бўйича экспертиза хулосаларини Марказий банкка тақдим этиш;

масофавий ахборот тизимларини уяли алоқа даражасида ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизими, Марказий банкнинг марказлашган антифрод ҳамда замонавий биометрик идентификация тизимларига уланишини таъминлаш;

дастурларни ишлатиш бўйича йўриқномаларни ишлаб чиқиш ва уларнинг актуаллигини таъминлаган ҳолда мижозларга тақдим этиш;

аниқланган заифликларни бартараф этиш учун ўзгаришлар киритилишини таъминлаш;

мижозлар қўллаётган дастурларнинг актуаллигини назорат қилиш.

Тўлов тизимлари операторлари ёки тўлов хизматларини етказиб берувчилар масофавий ахборот тизимларининг янги талқинини (версиясини) жорий этганидан сўнг эски талқиндан (версиядан) фойдаланишни чеклаши ва янги талқинга (версияга) ўтиши (янгилаши) лозим.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар ўзаро тўлов ахборотлари ва тўлов ахборотларига тегишли бўлган маълумотлар алмашинувини телекоммуникация тармоқлари орқали амалга ошириш учун томонларнинг ахборотлаштириш объектлари хусусиятларидан келиб чиқиб, уларнинг вазифалари, жавобгарликлари ва мазкур Низом талабларини ўз ичига олган ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлигини таъминлаш, шунингдек банк карталари билан боғлиқ шубҳали (фрод) операцияларга қарши чоралар кўриш қоидаларини ишлаб чиқиши керак.

Тўлов агенти томонидан банк ёки тўлов ташкилоти билан тўлов хизматларини кўрсатиш учун тузилган агентлик шартномасида ахборот хавфсизлиги бўйича томонларнинг масъулиятлари белгиланган бўлиши керак.

Тўлов субагенти томонидан тўлов агенти билан тўлов хизматларини кўрсатиш бўйича тузилган субагентлик шартномасида ахборот хавфсизлиги бўйича томонларнинг масъулиятлари белгиланган бўлиши керак.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар ахборотнинг конфиденциаллиги ва яхлитлигини, шу жумладан, тўлов хизматларидан фойдаланувчининг шахсига доир маълумотларни муҳофаза қилишда ҳамда етарли хавфсизликни таъминлаш мақсадида қуйидаги чораларни кўришлари лозим:

тўлов тизимида ишлов бериладиган конфиденциал ва шахсга доир маълумотларнинг яхлитлиги ва дахлсизлигини муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш тартибини ишлаб чиқиш;

ички ҳужжатлар билан тартибга солинадиган ҳимояланадиган маълумотлар билан ишлашда хавфсизлик ва конфиденциалликни таъминлаш қоидалари ва талабларини ишлаб чиқиш;

конфиденциал ва шахсга доир маълумотлар билан ишловчи ходимлар сонини имкон даражасида камайтириш, ходимлар билан конфиденциал ва шахсга доир маълумотлар ошкор этилишининг олдини олиш бўйича мажбуриятномалар (шартнома) тузиш ва ушбу маълумотлардан фойдаланиш ҳуқуқларини ходимларнинг лавозим мажбуриятларидан келиб чиқиб белгилаш;

конфиденциал маълумотлар рўйхатини юритиш бўйича комиссия таркибини шакллантириш ва тасдиқлаш;

конфиденциал маълумотлар рўйхати ва ҳажмини аниқлаш ҳамда тасдиқлаш;

конфиденциал маълумотлар билан ишлашга рухсат берилган ходимлар рўйхатини шакллантириш ва тасдиқлаш;

ахборотлаштириш объектининг техник паспортини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

конфиденциал маълумотлар билан ишлаш тартибини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

конфиденциал маълумотларни ташувчи воситаларни рўйхатга олиш, йўқ қилиш, конфиденциал ахборот ташувчиларни ташқарига олиб чиқиш/кириш журналлари юритиш;

маълумотлар яхлитлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида электрон рақамли имзо калитларидан фойдаланиш ҳамда шифрланган маълумотларни сақлаш тартибини белгилаш;

конфиденциал ва шахсга доир маълумотлар мавжуд бўлган ресурсларга киришда идентификация, аутентификация ва авторизация қилинишини таъминлаш;

конфиденциал ва шахсга доир маълумотлар билан ишлаш ҳуқуқларининг рухсатсиз берилишини олдини олиш;

ахборот тизимлари фойдаланувчиларининг муҳофазаланган маълумотларига кириш, ишлов бериш, уларни сақлаш ҳамда тақдим этиш жараёнидаги амалга оширилган ҳаракатларни электрон баённомаларда қайд этиб бориш;

ташқи сақловчи қурилмалар ва техник воситаларнинг бинодан ташқарига олиб чиқилиши ҳамда уларнинг ўғирланишининг олдини олиш;

маълумотларни узатиш, сақлаш, ўчириб ташлаш, уларга ишлов бериш ҳамда уларнинг рухсатсиз четга чиқиб кетишининг олдини олиш чоралари таъминланганлигини назоратга олиш.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар ахборот ва интернет жаҳон ахборот тармоғини, шунингдек, серверлар ва алоқа каналларини эҳтимоли мавжуд бўлган кибертаҳдид ва киберхужумлардан ҳимоя қилиш учун етарли чораларни кўриши лозим. Ушбу чоралар қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

компьютер тармоқларини сегментлаш ва тармоқлараро экрандан фойдаланиш;

ахборот тармоқлари, шу жумладан, интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали қабул қилинаётган ва узатилаётган маълумотларга рухсатсиз киришнинг олдини олиш бўйича техник (криптографик ва бошқа) ва/ёки ташкилий чоралар кўриш ҳамда тармоқ маълумотларини филтрлашни таъминлаш (тармоқлараро экранларни қўллаш);

ахборот тармоқлари ва веб-сайтлар орқали тўловларни амалга оширишда идентификация, кўп омилли аутентификация ва авторизация қилиш (кўп омилли аутентификация қилиш мобил ва алоқасиз тўловларни амалга ошириш чоғида қўлланилмайди);

ахборот тармоқлари ва Интернет жаҳон ахборот тармоғи, шунингдек, серверлар ва алоқа каналларидан фойдаланувчиларни идентификация қилиш;

интернет жаҳон ахборот тармоғи ресурсларидан ходимларнинг фойдаланишини прокси-сервер орқали амалга ошириш, иш фаолияти учун зарур бўлмаган веб-сайтларга киришни чегаралаш ва кирилган веб-сайтларни қайд этиб бориш;

ахборот тизимларини асосий ва захира алоқа каналлари билан таъминлаш;

серверлар тармоғини муҳофазалаш (демилитаризация қилинган зоналарини (DMZ) ташкил этиш);

серверларда иш фаолияти учун зарур бўлмаган портларни ёпиш ва хизматларни тўхтатиш;

ахборот тизимида кириш объектлари ва ресурсларининг ҳисобини юритиш;

мобил тўловларни амалга ошириш чоғида фойдаланувчиларни кўп факторли аутентификация қилиш (SMS, QR-код, NFC, бармоқ излари, кўзнинг рангдор пардаси асосида аниқлаш ёки шу каби тасдиқловчи усулларни қўллаш мумкин);

мобил қурилмалар ёрдамида масофадан киришда тўлов маълумотлари ҳамда ахборот тизимларининг (маълумотлар базасининг) ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлигини таъминлаш;

масофавий хизмат кўрсатиш ва бошқа ахборот тизимларида миқдори идентификация ва аутентификация қилиш мақсадида қўлланиладиган (бир марталик ёки кўп марталик) паролларни ишлатиш тартибини белгилаш, тасдиқлаш кодларини қўллаш, бир марталик тасдиқлаш кодларини тизимга шифрланган ҳолда юбориш, антифрод ва биометрик идентификация тизимларини қўллаш, коднинг фаол бўлиш вақти ва бошқаларни ёритиш;

автоматлаштирилган тизимга киришда қўлланилган қурилма тўғрисида идентификация маълумотларини (IP-адрес, MAC-адрес ва бошқа идентификаторлар) қайд этиш;

тажовузларни аниқлаш ва уларнинг олдини олиш тизимларини қўллаш.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш бўйича

талабларнинг бузилиши билан боғлиқ бўлган ҳодисаларга нисбатан қуйидаги таъсир чораларини кўришлари лозим:

юзага келиши мумкин бўлган ҳодисаларга нисбатан таъсир чораларини кўриш юзасидан зарур ҳаракатларни олдиндан кўра билиш ҳамда амалга ошириладиган ҳаракатлар рўйхатини белгилаш;

содир бўлган ҳодисаларга нисбатан қисқа муддатларда таъсир чораларини кўриш;

ишнинг узлуксизлигини таъминлаш, шунингдек, ноқонуний тўловлар ва ҳисобварақлардаги қолдиқ маблағларини рухсатсиз ўзгартирилишини олдини олиш, ахборотни қайта тиклаш ҳамда бошқа салбий ҳолатларни бартараф этиш;

ходимлар томонидан мавжуд ахборот тизимларида ишлашда белгиланган ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик талабларига риоя қилинишини таъминлаш;

юзага келган ҳодисаларнинг келиб чиқиш омилларини аниқлаш мақсадида тармоқ қурилмалари ва ахборот тизимларининг электрон баённомаларини расмийлаштириш, йиғиш, таҳлил қилиш ҳамда уларга асосан тегишли кўрсатмаларни ишлаб чиқиш.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар банкомат, инфокиоск ва тўлов терминаллариининг ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлигини таъминлаши лозим. Бунда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлашда қуйидаги чоралар қўлланилади:

банкомат, инфокиоск ва тўлов терминаллариининг ҳисобини юритиш ҳамда уларнинг ахборот дастурига рухсатсиз киришининг олдини олиш;

банкомат, инфокиоск ва тўлов терминалларига техник хизмат кўрсатувчи шахслар фаолиятини назорат қилиш ҳамда улар томонидан амалга оширилган ўзгартиришлар бўйича электрон баённома юритиш;

видеокузатув тизимлари ёрдамида банкоматлар билан ишлаш жараёнларини назоратга олиш (банкоматга киритиладиган банк карталарининг пин код рақамлари видеокузатув тизимлари орқали қайд этиш имкониятига эга бўлмаслиги лозим);

бош банк ҳамда унинг инфратузилмалари (филиал, мини-банк ва бошқалар) ва бошқа қўриқланадиган объектларидан ташқарида жойлаштирилган банкоматларнинг видеокузатув маълумотлари бош банк ёки унинг филиалидаги техник қурилмаларга тўғридан тўғри (онлайн) ёзиб борилишини таъминлаш;

банкомат тармоқ кабелларини муҳофазалаш;

банкоматнинг бошқа банкоматлар билан бир хил бўлган қулфларини алмаштириш;

банкоматларни алоқа каналларидан ёки жисмонан боғланган ҳолда эҳтимолий ҳужумлардан (шу жумладан, скиммингдан) ҳимоя қилиш;

банкоматларнинг операцион тизими ҳамда BIOS тизимига кириш ҳуқуқларини мураккаб пароллар билан ҳимоялаш;

аутентификация қилиш тартибини белгилаш;

тўловларни амалга оширувчи қурилмаларнинг ҳисобини юритиш;
 банкоматлардаги нақд пул маблағларининг жисмоний муҳофазасини таъминлаш;

тармоқ орқали ахборот алмашинувида ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш;

халқаро тўлов тизимлари билан ишлайдиган ахборот тизимларида халқаро стандартлар (PCI DSS, PTS, PA DSS) талабларига мувофиқ ахборот муҳофазаси воситалари ва тизимларини жорий қилиш.

Тўлов тизимлари операторлари ўз тизимларидаги банкомат ва инфокиоскларда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни банклар билан биргаликда таъминлайди ҳамда уларнинг узлуксиз ва тўғри ишлашини назорат қилади. Агар ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик бўйича маълум бир (ёки барча) масъулият тўлов хизматларини етказиб берувчига юклатилган бўлса, мазкур ҳолат тегишли шартномаларда қайд этилиши ва масъулият юклатилган ташкилотга зарурий шароитлар яратиб (банкоматларнинг ахборот тизимидаги ишлаш ҳуқуқлари) берилиши зарур.

Муҳим тўлов тизимлари операторлари мазкур Низомда белгиланган хавфсизлик чораларига қўшимча равишда қуйидаги ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик чораларини таъминлаши зарур:

тўлов тизимининг узлуксиз ишлаши ишончилигини таъминлаш;

ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш хизматини ташкил этиш ва унинг мажбуриятларини белгилаш;

Ўз ДСт 2875:2014 “Датамарказларга қўйиладиган талаблар. Инфратузилма ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш” стандартининг датамарказ телекоммуникация воситалари инфратузилмаси тайёрлиги ва хавфсизлигининг учинчи даражадан паст бўлмаслигини таъминлаш;

халқаро банк карталаридан фойдаланилганда PCI DSS хавфсизлиги стандарти, Payment Services Directive (PSD2) тўлов хизматларини кўрсатиш директиваси талабларига мувофиқлаштириш;

ахборот тизимлари тўғри ташкил этилганлиги юзасидан нуфузли халқаро аудитор ташкилотларни жалб қилиш орқали АКТ-инфратузилмасини (ахборот хавфсизлиги ҳолатини) аудитдан ўтказишни таъминлаш;

Ўзбекистон Республикасининг “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида муҳим тўлов тизимлари операторларига белгиланган талабларни бажариш.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчиларнинг тўловлар билан боғлиқ маълумотларни сақлаш ва уларга ишлов бериш хоналари билан таъминланган бўлиши керак. Ушбу хоналар қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

рухсатсиз жисмоний киришдан муҳофазаланган бўлиши;

хона биринчи қаватда жойлашган ҳолларда унинг деразалари темир панжара билан жиҳозланган бўлиши;

қўриқлаш ва ёнғиндан огоҳ этувчи иккита ҳимоя тўсиғи хабаргоҳлари билан жиҳозланиши;

тунги вақтда қўриқлаш ва огоҳлантириш қурилмалари билан жиҳозланиши;

видеокузатув орқали назоратга олиниши.

Тўлов тизимлари операторлари ўзларининг тўлов тизимларида ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик чораларини кўришда назорат ва мониторинг ишларини амалга оширишлари лозим.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар автоматлаштирилган тизимлар, иловалар ҳамда ахборот инфратузилма объектларини ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик заифликларига таҳлил қилиши, ҳар йили камида икки марта рухсатсиз киришга текшириши ва ҳужжатларда қайд этилмаган имкониятлар мавжуд эмаслигини назорат қилиши лозим.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар ҳар йили, келгуси йилнинг биринчи апрелидан кечиктирмай, Марказий банкка ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликнинг таъминланганлик ҳолати тўғрисида ҳисобот тақдим этиши шарт.

Тўлов тизими операторлари, тўлов тизимининг иштирокчилари ва тўлов ташкилотлари таваккалчиликларни бошқариш тўғрисидаги ҳужжатларида жисмоний ва юридик шахсларнинг розилигисиз амалга оширилган пул ўтказмаларининг тавсифи, миқдори ва ҳаракатларини таҳлил этиш орқали банк карталаридан жисмоний ва юридик шахсларнинг розилигисиз амалга оширилган пул ўтказмаларининг мезонларига мос келадиган операцияларни аниқлаш жараёнларини белгилайди.

Тўлов тизими операторлари банк карталари орқали жисмоний ва юридик шахсларнинг розилигисиз пул ўтказмаларини олдини олиш мақсадида транзакцион антифрод тизимларини жорий этиши ҳамда Марказий банкнинг марказлашган антифрод тизимига интеграция қилинишини таъминлаши лозим.

Тўлов тизимининг иштирокчилари ва тўлов ташкилотлари ўзларида сессион антифрод тизимларини жорий этиши ҳамда Марказий банкнинг марказлашган антифрод тизимига интеграция қилинишини таъминлаши лозим.

Тўлов тизими иштирокчилари ва тўлов ташкилотларида банк карталари орқали жисмоний ва юридик шахсларнинг розилигисиз амалга оширилган пул ўтказмаларининг мезонларига мос келадиган операциялар аниқланганда, ушбу операция бўйича тақдим этилган фармойишнинг бажарилишини антифрод тизимлари доирасида амалга оширади.

Тўлов тизими операторлари, тўлов тизимининг иштирокчилари ва тўлов ташкилотлари жисмоний ва юридик шахсларнинг розилигисиз амалга ошириладиган тўловларни олдини олиш мақсадида қуйидагиларни бажариши лозим:

жисмоний ва юридик шахсларнинг розилигисиз амалга оширилган пул ўтказмаларининг тавсифи, миқдори ва ҳаракатларини таҳлил этиши, таваккалчиликларни баҳолаши ва бошқариши ҳамда уларнинг мезонларига мос келадиган операцияларни аниқлаш жараёнларини белгилаши;

жисмоний ва юридик шахслар ўртасида тузилган шартномаларда (оммавий оферталарда) антифрод тизими доирасида банк карталари билан боғлиқ шубҳали (фрод) операцияларга қарши чоралар кўриш масалаларини ёритиши;

банк карталари билан боғлиқ шубҳали (фрод) операциялар бўйича келиб тушадиган муурожаатларни йиғиши ва таҳлил қилиши;

тўлов хизмати фойдаланувчисининг пул маблағларини ўтказиш вақтида, ушбу тўлов шубҳали (фрод) операциялар рўйхатида бўлса, бундай ҳолат ҳақида фойдаланувчига хабар (SMS, мессенжер ёки бошқа ахборот тизимлар орқали) бериши, такрорий тасдиқ (PIN код, яширин сўзни киритиш ёки бошқа тарзда маълумот) олиши, агар маълум вақт оралиғида ушбу тасдиқ олинмаса, ушбу тўлов операциясини бекор қилиши;

фойдаланувчи томонидан ўзининг ҳисоб-варақларига тегишли тўлов операцияларини тўхтатиш (блокировка қилиш) имкониятини яратиши;

банк карталари билан боғлиқ шубҳали (фрод) операцияларда иштирок этган банк карталари ва ҳисобварақлари, мобил иловалари аккаунтлари ҳамда электрон ҳамёнлар тўғрисида ўзларининг ахборот тизимларида мавжуд бўлган маълумотларни Марказий банкнинг сўровига асосан ўз вақтида тақдим этиши;

ахборот тизимлари ва ресурсларида аниқланган, жисмоний ва юридик шахсларнинг розилигисиз амалга оширилган пул ўтказмаларини ўтказиш ёки ўтказишга уриниш ҳолатлари тўғрисидаги маълумотларни Марказий банкка тақдим этиб бориши.

Тўлов тизими операторлари, тўлов тизимининг иштирокчилари ҳамда тўлов ташкилотлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг розилигисиз тўловлар содир этилган ҳолатларда иштирок этган банк карталари ва ҳисобварақлари, мобил иловалари аккаунтлари ҳамда электрон ҳамёнлардан фойдаланишни вақтинча чекланган (блокланган) муддат мобайнида қонун ҳужжатларида уларни чеклаш (блоклаш) учун бошқа асослар бўлмаганда, улардан фойдаланишга қўйилган вақтинчалик чеклов (блоклаш) олиб ташланади.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг розилигисиз амалга оширилган пул ўтказмаларининг мезонлари Марказий банк бошқарувининг қарорига асосан белгиланади.

Тўлов тизими операторлари, тўлов тизимининг иштирокчилари ҳамда тўлов ташкилотлари EPOS-терминалларида фойдаланишда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш бўйича қўйидагиларни амалга ошириши лозим:

тўлов агентлари ва субагентларининг реестрини юритиши, шунингдек, тўлов агентлари ёки субагентларини рўйхатдан ўтказиш, ўзгартириш ва ўчиришда 1 иш куни ичида Марказий банкка ўзгартирилган реестрни тақдим этиши;

жисмоний шахслар ўртасида пул маблағларини ўтказишни (P2P) амалга ошириш учун алоҳида EPOS-терминалидан фойдаланиши, шунингдек ушбу EPOS-терминалларида бошқа мақсадларда фойдаланишини таъқиқлаши;

EPOS-терминалларида шартномада кўрсатилган мақсадларда фойдаланишни назорат қилиши;

EPOS-терминалларида, шунингдек фойдаланувчи пароллари ва кириш ҳуқуқларида фойдаланишда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш тартибини ишлаб чиқиши.

Тўлов тизими операторлари ва тўлов тизимининг иштирокчилари Марказий банкнинг мажбурий кўрсатмасига кўра, шубҳали (фрод) операциялари амалга оширилишини чеклаш ёки тўхтатиш мақсадида EPOS-терминаллардан фойдаланишни тўхтатиш ёки ушбу терминалларни ўчириш чораларини кўриши лозим³¹⁷.

Киберхавфсизликни таъминлаш воситалари мажбурий тартибда сертификатлаштирилади³¹⁸.

Кредит бюрolariда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш мақсадида асосий вазифалари қуйидагилардан иборат бўлган ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш хизмати (бундан буён матнда Хизмат деб юритилади) ташкил этилади:

ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликнинг таъминланганлик даражасини ошириш, уни баҳолаш, шунингдек авариялар ва ходимлар йўл қўйган хатолар натижасида келиб чиқадиган йўқотишларни камайтириш ва содир этилишини олдини олиш;

ахборот инфратузилмасининг яхлитлиги ва хавфсизлигини назорат қилиш;

серверларда ва тармоқ қурилмалардаги дастурий таъминотларни муҳофаза қилиш;

барча технологик жараёнларда ходимлар ҳаракати, шунингдек ахборот тизимларида амалга оширилган ҳаракатлар бўйича электрон баённомалар рўйхатини юритиш;

ахборот тизимларида ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик талабларини бузиш ҳолатларини олдини олиш чораларини кўриш;

маълумотларнинг учинчи шахсларга ошкор этилишини олдини олиш;

ахборот-коммуникация технологиялари инфратузилмасида юзага келган ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик ҳодисалари, кибертаҳдидлар, киберхужумлар аниқланган вақтда бу ҳақидаги маълумотларни зудлик билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига (бундан буён матнда Марказий банк деб юритилади) тақдим этиш;

ахборот-коммуникация технологиялари инфратузилмаси, ахборот тизимлари ва ресурсларида ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликнинг таъминланганлик ҳолатини ички қоида ва тартибларга мувофиқлигини бир

³¹⁷ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2024 йил 24 апрелдаги 13/1-сон қарори (21.05.02024 й., рўй.: 3513-сон) билан тасдиқланган “Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчиларнинг тўлов тизимларида ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш ҳамда рақамли технологиялар воситасида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларни олдини олиш чораларини кўриш тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

³¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати раисининг 2024 йил 15 октябрдаги 114-сон буйруғи (14.11.2024 й., рўй.: 3574-сон) билан тасдиқланган “Ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини таъминлаш учун қўлланиладиган аппарат, аппарат-дастурий ҳамда дастурий воситаларни сертификатлаштириш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

йилда камида икки маротаба ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик таваккалчиликларини ҳисобга олган ҳолда ўрганиш ва ўрганиш натижаларини далолатнома билан расмийлаштириш.

Кредит бюрolari тармоқ ҳамда алоқа каналларини эҳтимоли мавжуд бўлган кибертахдидлар ва киберхужумлардан ҳимоя қилиш учун қуйидаги чораларни кўриши лозим:

компьютер тармоқларини сегментлаш ҳамда янги авлод тармоқлараро экран қурилмаларидан фойдаланиш;

тармоқ орқали қабул қилинган ва узатиладиган маълумотларга рухсатсиз киришни олдини олиш бўйича техник (криптографик ва бошқа) ва (ёки) ташкилий чоралар кўриш ҳамда тармоқ маълумотларини филтрлашни таъминлаш (янги авлод тармоқлараро экран қурилмаларини қўллаш);

тармоқ қурилмаларидаги ARP (Address Resolution Protocol) жадвалларини электрон архивлаш;

Интернет жаҳон ахборот тармоғи ресурсларидан ходимларнинг фойдаланишини прокси-сервер орқали амалга ошириш, иш фаолияти учун зарур бўлмаган веб-сайтларга киришни чегаралаш ва кирилган веб-сайтларни қайд этиб бориш;

ахборот тизимларини асосий ва захира алоқа каналлари билан таъминлаш;

серверларда иш фаолияти учун зарур бўлмаган портларни ёпиш ва хизматларни тўхтатиш;

ахборот тизимига кириш объектлари ва ресурсларининг ҳисобини юритиш;

масофавий хизмат кўрсатиш ва бошқа ахборот тизимларида мижозни идентификация ва аутентификация қилиш мақсадида қўлланиладиган (бир марталик ёки кўп марталик) паролларни ишлатиш тартибини белгилаш, тасдиқлаш кодларини қўллаш, бир марталик тасдиқлаш кодларини тизимга шифрланган ҳолда юбориш, коднинг фаол бўлиш вақти ва бошқаларни ёритиш;

ахборот тизимига киришда қўлланилган қурилманинг идентификация маълумотларини (IP-манзил, MAC-манзил ва бошқа идентификаторлар) қайд этиш;

тажовузларни аниқлаш ва олдини олиш тизимларини (IDS/IPS) қўллаш ҳамда базасини актуал ҳолатда бўлишини таъминлаш.

Кредит бюрolari кредит ахборотини шакллантириш, узатиш, сақлаш ва унга ишлов беришнинг барча босқичларида узлуксиз ҳимояни таъминлаш учун қуйидаги чораларни кўришлари шарт:

идентификация, аутентификация ва авторизация қилиш тизимини жорий этиш;

тизимга рухсатсиз киришнинг олдини олиш усулларини (логин, парол, кўп факторли аутентификация ва бошқа) қўллаш;

идентификация маълумотларини қалбакилаштириш, уларни рухсатсиз ўзгартириш ҳамда учинчи шахсларга тақдим этишдан ҳимоялаш;

кредит ахборотини узатишда унинг асл эгасига етказилишини таъминлаш ҳамда бошқа шахсларга жўнатилишининг олдини олиш;

кредит ахборотини сақлашда уларни рухсатсиз кўчириш, ўзгартириш, ўчириш ҳамда учинчи шахсларга жўнатилишининг олдини олиш чораларини кўриш;

ташқи сақловчига кўчирилган маълумотларни сейфда (темир шкафда) сақланишини таъминлаш ҳамда маълумотларни сақлаш учун масъул ходим (ходимлар) тайинлаш;

ахборот тизимларидаги дастурий таъминотларнинг назоратини ва ҳисобини юритиш ҳамда дастурий таъминот талқинларининг, аппарат-дастурий қурилмаларининг ва дастурий воситаларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш;

ахборот тизимларининг актуал ҳолатда (охирги версияда) бўлишини таъминлаш, бунда дастурий таъминотнинг янги талқинини амалиётда ишлаб турган ахборот тизимининг иш фаолиятига салбий таъсир кўрсатмасдан тест-синов майдонларида текширувдан ўтказиш ва ижобий натижага эришилганидан сўнг амалиётга жорий этиш;

кредит ахборотини узатиш, сақлаш жараёнларини электрон баённомаларда (log) автоматик тарзда шакллантириб бориш ва сақланишини таъминлаш;

Хизматни ташкил этиш ҳамда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш бўйича амалга ошириладиган ишларни назорат қилиш;

ҳисоблаш тармоғининг хавфсизлиги ва криптографик муҳофазасини таъминлаш, компьютер вирусларидан ҳимоялаш, ахборот тизимларига киришни бошқариш, техник воситаларини созлаш ва бошқа чораларни қўллаш;

ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлашда ускуна, қурилма, аппарат-дастурий ва дастурий техник воситалар қўлланишини таъминлаш ҳамда уларни мунтазам такомиллаштириб бориш, фойдаланиш тартибларини белгилаш, техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш ва бошқа ҳолатларда улардан рухсатсиз фойдаланишнинг олдини олиш;

қўлланилаётган техник воситаларга барча телекоммуникация тармоқларидан рухсатсиз кириш, маълумотларни ўзгартириш, ўчириш ва кўчириб олишдан ҳимоялаш;

ахборотларни чиқиб кетишини (йўқолишини) олдини олиш;

ахборот тизимида рухсатсиз кириш ёки киберхавфсизлик ҳодисалари содир бўлганда, таҳлил қилиш асосида ҳимоя тизимларини мустаҳкамлаб бориш чораларини кўриш.

Кредит бюrolари ахборот тизимларидан маълумотларнинг рухсатсиз узатилиши ва тарқалишидан ҳимоялаш бўйича DLP (Data Loss Prevention) тизими жорий этилиши шарт. Маълумотларни ҳимоя қилишда:

муҳофазаланадиган маълумотларни рухсатсиз турли тармоқ каналлари орқали узатилиши, ҳисобга олинмаган ташқи ташувчига кўчирилиши, рухсатсиз чоп этилиши аниқланиши ва бу ҳақида кредит бюро раҳбариятига

маълумот бериш ва келгусида шу каби салбий ҳолатлар бўлмаслигини олдини олиш чоралари кўрилиши;

муҳофазаланадиган маълумотларни сервер ва компьютерларда сақланиши назорат қилиниши лозим.

Кредит бюрolari дастурлар ва операцион тизимларга зарар келтирувчи зарарли кодлар (компьютер вируслари) ва уларнинг салбий таъсирини олдини олиш учун қуйидаги чораларни кўриши шарт:

ҳисоблаш техникаси қурилмалари (серверлар, компьютерлар ва бошқалар), иш фаолиятига зарар етказувчи кодларни (компьютер вирусларини) аниқлаш ва уларнинг салбий таъсирини олдини олиш чораларини кўриши;

ахборот тизимларида фақат лицензияланган антивирус дастуридан фойдаланиш, уларнинг русумлари ва базалари актуаллиги ҳамда янгиланиб борилишини таъминлаши;

антивирус дастурларининг ўрнатилиши ҳамда унинг ишлаши Хизмат томонидан назорат қилиниши;

антивирус дастурларининг автоматик тарзда ишлашини таъминлаши;

тармоқ орқали келган барча ахборотларни антивирус дастури орқали текшириши;

антивирус дастурининг созуламалари бунга масъул бўлмаган кредит бюроси ходимлари томонидан ўзгартириш имконияти бўлмаслигини таъминлаши;

компьютер вируси аниқланганда, ходимлар томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар тартиби белгиланиши.

Кредит бюрolariда антивирус дастурларини марказлашган ҳолда бошқариш тизими жорий этилиши, антивирус дастурининг базаси ҳар кун янгиланиб борилиши ва версияси актуал (маънан эскирмаган) бўлиши таъминланиши лозим.

Антивирус дастурлари серверлар, компьютерлар ва бошқа барча антивирус дастурлари ўрнатилиши мумкин бўлган ҳисоблаш воситаларига ҳамда қурилмаларга ўрнатилган бўлиши лозим.

Антивирус дастурлари Марказий банкнинг мониторинг тизимига уланиши шарт.

Ахборот тизимларида ахборотни муҳофаза қилишнинг криптографик усуллари қўлланилишида қуйидагилар белгилаб олиними лозим:

криптографик муҳофаза воситаларини автоматлаштирилган тизимларга боғлаш, ишга тушириш, ишлатиш ва фойдаланишдан чиқариш тартиби;

криптографик муҳофаза воситаларининг тўхтаб қолиши, ишдан чиқиши ва бошқа фавқулудда ҳолатларда уларни қайта тиклаш тартиби;

криптографик муҳофаза дастурларига ва техник ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тартиби;

криптографик калитларни бошқариш тартиби;

криптографик калитларни ташувчи қурилмаларни қўллаш, сақлаш, ўзгартириш ва бошқалар бўйича ташкилий ҳамда техникавий усуллари қўллаш тартиби.

Кредит бюрolari Марказий банк ва кредит ташкилотлари билан электрон ахборот алмашинувини Марказий банкнинг “Ахборотлаштириш бош маркази” давлат унитар корхонаси билан тузилган шартнома асосида банк телекоммуникация тармоғи орқали амалга оширади. Бунда, қуйидаги хавфсизлик чоралари қўрилиши керак:

а) кредит ахбороти билан ишлаш учун фақат тегишли рухсатга эга бўлган ходимлар қўйилиши;

б) фойдаланувчиларнинг тизимга кириши учун аутентификация қилиш логин ва парол ҳамда аппарат-дастурий воситалар (токен-махсус қурилма) ёрдамида амалга оширилиши. Бунда, парол 12 та белгидан кам бўлмаган рақам ва символлар комбинациясидан иборат бўлиши ҳамда парол ва логинларни муддати тугашига қараб ўзгартириш имконияти бўлиши лозим. Паролнинг амал қилиш муддати бир ойдан ошмаслиги лозим;

в) кредит ахбороти алмашинувида қатнашувчи ходимларнинг сервер ва компьютерлари телекоммуникация тармоқлари орқали ишлаши учун аппарат-дастурий воситалар билан жиҳозланиши;

г) ахборотларни қайта ишлаш, узатиш ва қабул қилиш учун ажратилган серверлар ва компьютерларга умумий локал тармоққа уланган бошқа компьютерлардан кириш имконияти бўлмаслиги;

д) кредит бюроси томонидан узатиладиган ва қабул қилинадиган ҳар қандай ахборот электрон рақамли имзо билан тасдиқланиши ҳамда бажарилган ишлар бўйича маълумот автоматик равишда электрон журналга киритилиши. Бунда, электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгаси қуйидагиларни амалга ошириши шарт:

электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитидан фойдаланиш устидан назоратни таъминлаши;

электрон рақамли имзо калити сертификатини берган электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатга олиш марказига электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитидан фойдаланиш режими бузилганлиги ёки бузилиши эҳтимоли борлиги тўғрисида хабар қилиши ва электрон рақамли имзо калити сертификатининг амал қилишини тўхтатиб туришни ёхуд мазкур сертификатни бекор қилишни талаб қилиши;

ўзи вакил бўлган юридик шахс қайта ташкил этилганда ва тугатилганда, бу ҳақда электрон рақамли имзо калити сертификатини берган электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатга олиш марказига хабар қилиши;

э) электрон рақамли имзо очик калитининг фойдаланувчиси электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлиги тасдиқланмаган ҳолларда электрон рақамли имзонинг ёпиқ калити эгасига хабар бериши;

ж) кредит бюрolarининг тизимларида кредит ахборотига тегишли бўлмаган ахборотларнинг узатилиши тақиқланиши;

з) электрон ахборот алмашинувида виртуал тармоқлар (VPN) асосида ташкил этилган ва ҳимояланган алоқа каналлари қўлланилиши.

Ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш бўйича қўшимча ахборотни муҳофаза қилиш воситалари қўлланилиши мумкин.

Кредит бюрolari тизим иштирокчилари билан тузилган шартномаларда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш ҳамда конфиденциал, жумладан банк сирини ташкил этувчи ва шахсга доир маълумотларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича талабларни белгилаши шарт.

Кредит бюрolari ахборотлаштириш объектларига рухсатсиз кириш ҳамда фойдаланишни чегаралаш мақсадида қуйидаги чораларни кўриши керак:

ахборотлаштириш объектларига жисмонан таъсир этишни ҳамда техник жиҳозлар мавжуд бўлган бино ва хоналарга киришни назорат қилиш;

ходимларнинг ахборотлаштириш объектларига киришини назорат қилиш ва маълумотларнинг рухсатсиз тарқалишидан ҳимоялаш тизимларини жорий қилиш;

серверлар ва телекоммуникация қурилмалари жойлашган хоналарда ишлаш жараёнларини видеокузатув тизимлари ёрдамида назорат қилиш.

Кредит бюрolari барча турдаги маълумотларни (шу жумладан, банк сирини ташкил этувчи, шахсга доир ва бошқа қонун билан муҳофаза қилинадиган маълумотларни) сақловчи ахборот тизимларининг ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлигини таъминлашлари шарт.

Кредит бюрolari ахборотнинг конфиденциаллиги ва яхлитлигини, шу жумладан шахсга доир маълумотларни муҳофаза қилишда ҳамда хавфсизликни таъминлашда қуйидаги чораларни кўришлари лозим:

ахборот тизимлари орқали ишлов бериладиган конфиденциал ва шахсга доир маълумотларнинг яхлитлиги ва дахлсизлигини таъминлаш ҳамда улардан фойдаланиш тартибини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

ички ҳужжатлар билан тартибга солинадиган ҳимояланадиган маълумотлар билан ишлашда хавфсизлик ва конфиденциалликни таъминлаш қоидалари ва талабларини ишлаб чиқиш;

конфиденциал ва шахсга доир маълумотлар билан ишловчи ходимлар сонини имкон даражасида камайитириш, ходимлар билан конфиденциал ва шахсга доир маълумотлар ошкор этилишининг олдини олиш бўйича мажбуриятномалар (шартнома) тузиш ва ушбу маълумотлардан фойдаланиш ҳуқуқларини ходимларнинг лавозим мажбуриятларидан келиб чиқиб белгилаш;

конфиденциал маълумотлар рўйхатини юритиш бўйича комиссия таркибини шакллантириш ва тасдиқлаш;

конфиденциал маълумотлар рўйхати ва ҳажмини аниқлаш ҳамда тасдиқлаш;

конфиденциал маълумотлар билан ишлашга рухсат берилган ходимлар рўйхатини шакллантириш ва тасдиқлаш;

ахборотлаштириш объектининг техник паспортини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

конфиденциал маълумотларни ташувчи воситаларни рўйхатга олиш, йўқ қилиш ҳамда ташқарига олиб чиқиш ва кириш журналларини юритиш;

маълумотлар яхлитлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида электрон рақамли имзо калитларидан фойдаланиш ҳамда шифрланган маълумотларни сақлаш тартибини белгилаш;

конфиденциал ва шахсга доир маълумотлар мавжуд бўлган ахборот ресурсларига киришда идентификация, аутентификация ва авторизация қилинишини таъминлаш;

конфиденциал ва шахсга доир маълумотлар билан ишлаш ҳуқуқларининг рухсатсиз берилишини олдини олиш;

ахборот тизимлари фойдаланувчиларининг муҳофазаланган маълумотларига кириш, ишлов бериш, уларни сақлаш ҳамда тақдим этиш жараёнидаги амалга оширилган ҳаракатларни электрон баённомаларда қайд этиб бориш;

ташқи сақловчи қурилмалар ва техник воситаларнинг бинодан ташқарига олиб чиқилишини назорат қилиш;

маълумотларни узатиш, сақлаш, ишлов бериш, ўчириш ҳамда рухсатсиз четга чиқиб кетишини олдини олиш чоралари таъминлаш.

Кредит бюrolари ахборот тизимларида ишлаш жараёнида, шу жумладан ишлаб чиқиш ва синовдан ўтказиш жараёнида ваколатларни чегаралаш учун қуйидаги чораларни кўришлари лозим:

ахборот тизимларида ишлаш ҳуқуқларини белгиловчи тартиб ва қоидаларни ишлаб чиқиш ва уларни лавозим йўриқномаларида акс эттириш ҳамда тегишли ҳужжатга (ариза, талабнома ёки бошқа шаклга) асосан тизимдан фойдаланиш тартибини таъминлаш;

ахборот тизимларида ишлаш ҳуқуқи берилган масъул ходимлар рўйхатини шакллантириш;

ахборот тизимларида ишлаш ҳуқуқларини белгилаш ва тақсимлаш билан боғлиқ ҳаракатларни рўйхатга олиш;

ахборот тизимларида ишлаш ҳуқуқлари мантиқан ва иш вазифасидан келиб чиқиб тўғри белгиланганлигини даврий (ҳар чоракда бир маротаба) текшириб туриш;

ахборот тизимларининг ишлаши ва синовдан ўтказилиш даврида ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш ҳамда берилган ахборот тизимларида ишлаш ҳуқуқлари тўғрилигини назорат қилиш;

ахборот тизими фойдаланувчилари ахборот тизими томонидан берилган ҳуқуқларни ўзгартириш имкониятига эга бўлмаслигини таъминлаш ҳамда бу ҳуқуқларни бегона шахсларга беришни чеклаш чораларини кўриш.

Кредит бюrolари ўзларининг ахборот тизимларига ўзгартириш киритиш учун бошқа ташкилотларни жалб қилганда қуйидагиларни амалга оширишлари зарур:

конфиденциал ва шахсга доир маълумотларни ошкор этмаслик бўйича битим тузиш;

ахборот тизимларида муҳофаза қилинадиган маълумотлар билан ишлашни белгиланган тартибда рухсат бериш асосида амалга ошириш;

тегишли лицензия ва (ёки) бошқа рухсатномага эга бўлган (агар ушбу фаолият лицензия ёки тегишли рухсатнома асосида амалга оширилса) ташкилотларни жалб қилиш;

ахборот тизимларини лойиҳалаш босқичида маълумотларнинг конфиденциаллигини таъминлаш чораларини ишлаб чиқиш;

кўриладиган ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш бўйича чоралар (амалга ошириладиган ишлар, ўрнатиладиган дастурлар, қурилмалар ва бошқалар) ва аниқ кўрсатилган техник топшириқни қабул қилиш (тест синовларини амалга ошириш режаси) ҳамда бошқа тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш;

дастурий таъминотни ишлаб чиққан ва унга ўзгартириш киритган (киритадиган) ташкилотлар рўйхатини тузиш;

ахборот тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этишнинг тахминий муддатларини ҳамда шартларини белгилаб олиш;

жалб қилинган ташкилот ходимлари томонидан ахборот тизимларига киритиладиган ўзгартиришларнинг асослилигини, мавжуд техник топшириқларга мослигини, ахборот тизимига алоқадор бўлмаган дастурлар (тизим функциялари) киритилмаслиги ва тест синовлари натижаларининг ижобийлигини Хизмат ҳамда ахборотлаштириш бўйича масъул ходим томонидан назоратга олиш.

Кредит бюrolари электрон почта тизими серверини ўзининг локал ҳисоблаш тармоғида яратади.

Кредит бюrolари интернет тармоғи ва электрон почта тизимларидан фойдаланишда ахборот муҳофазасини таъминлаш, ходимларни тизимга киритиш, уларга чекловлар қўйиш, ходимлар ҳаракати ва тизим ахборот хавфсизлиги устидан назорат қилишни ўзининг ички ҳужжатларида белгилайди.

Кредит бюrolари томонидан конфиденциал ва шахсга доир маълумотлар рухсат берилган ахборот тизимлари орқали юборилиши шарт.

Файлларни узатиш протоколи (FTP) серверида ташкил қилинган умумий каталог орқали файл алмашинувини амалга ошириш ва банк сирли маълумотларини тармоқда эркин ўқиш учун жойлаштириш тақиқланади.

Кредит бюrolари томонидан интернет ва электрон почта орқали юборишга тайёрланган ёки қабул қилинган ҳар бир электрон маълумот антивирус дастури ёрдамида текширилиши шарт. Электрон почта орқали қабул қилинган маълумотлар зарар келтирмаслиги учун қумдонда (Sandbox тизими) текширилиши лозим.

Кредит бюrolари ўзининг электрон почта тизими ҳамда интернет тармоғидан фойдаланиш тартибини ички ҳужжатлари билан белгилайди ҳамда электрон почта орқали юборилган ва қабул қилинган маълумотларни Хизмат томонидан назорат қилинишини таъминлайди. Бунда фақат рухсат берилган фойдаланувчилар интернет тармоғидан фойдаланиши ва интернет тармоғидан фойдаланишда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш чоралари кўрилиши керак.

Интернет тармоғи ва банк телекоммуникация тармоғи алоҳида маршрутизатор (router) ва алоҳида тармоқлараро экран (firewall) қурилмалари орқали жисмонан уланиши шарт.

Ахборот муҳофазасини кучайтириш мақсадида тармоқ протоколида (TCP/IP) тармоқ транзит пакетларининг IP манзилларини ўзгартириш имконини берувчи тармоқ адресларини ўзгартириш протоколи (NAT) қўлланилиши мумкин. Бунда тармоқ орқали барча уланишларнинг электрон журналлари асл IP манзиллар кўрсатилган ҳолда юритилиши ва белгиланган тартибда электрон архивга олинishi шарт.

Интернет тармоғидан фойдаланиш тартиби назоратга олинган бўлиши ва кредит бюроси ходимларининг интернет тармоғидан фойдаланишлари уларнинг лавозим йўриқномасига асосан белгиланади.

Интернет тармоғидан фойдаланган ходимнинг логини, фойдаланиш вақти, ресурс номи ва бошқа маълумотлар акс эттирилган электрон баённомалар юритилиши керак. Хизмат ушбу электрон баённомаларни таҳлил қилиб боради.

Интернет тармоғидан фойдаланишда ахборот муҳофазасини таъминлаш янги авлод тармоқлараро экран қурилмалари, прокси-сервер, антивирус, тажовузларни аниқлаш ва олдини олиш (IDS/IPS), anti-spam, anti-bot ва бошқа ахборот хавфсизлиги тизимларини қўллаш йўли билан амалга оширилади.

Кредит бюрolari ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлашга доир талабларнинг бузилиши билан боғлиқ бўлган ҳодисаларни аниқлаш мақсадида қуйидаги ишларни ташкил этиши шарт:

қўлланилиши зарур бўлган ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик бўйича ташкилий чораларни аниқлаш;

мавжуд техник қурилмаларни ишлатиш, созлаш ҳамда улардаги маълумотларни қайд этиш;

ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик талабларининг бузилиши билан боғлиқ ҳодисаларни аниқлаш чораларини кўриш ҳамда ушбу ҳолатлар кредит бюроси ходимлари томонидан аниқланганда Хизматни хабардор қилиш;

ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик талабларининг бузилиши билан боғлиқ ҳодисалар юзага келганда, уларни бартараф этиш, юзага келиш сабабларини аниқлаш, таҳлил қилиш ҳамда аниқланган ҳодисалар юзага келмаслиги бўйича тегишли чоралар кўриш;

аниқланган ҳодисаларни рўйхатга олиб бориш (реестрини юритиш);

аниқланган ҳодисалар тўғрисидаги маълумотларни сақлаш тартибини белгилаш;

ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлашнинг бошқа чораларини кўриш.

Кредит бюрolari ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик талабларининг бузилиши билан боғлиқ ҳодисалар тўғрисида Марказий банкка зудлик билан ёзма ёки электрон шаклда хабар бериши шарт.

Кредит бюрolari ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш бўйича талабларнинг бузилиши билан боғлиқ ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида қуйидагиларни белгилаши шарт:

ахборот тизимларида ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик таваккалчиликларини бошқариш тартиби ва уларни баҳолаш мезонлари;

ахборот тизимида нохуш ҳодисалар юзага келганда ўзаро ҳаракатланиш тартиби;

содир бўлган нохуш ҳодисаларга нисбатан таъсир чораларини кўриш бўйича амалга ошириладиган ҳаракатлар рўйхати;

ишнинг узлуксизлигини таъминлаш, ахборотни қайта тиклаш ҳамда бошқа салбий ҳолатларни бартараф этиш чоралари;

ходимлар томонидан мавжуд ахборот тизимларида ишлашда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик талаблари;

юзага келган ҳодисаларнинг келиб чиқиш омилларини аниқлаш мақсадида тармоқ қурилмалари ва ахборот тизимларининг электрон баённомаларини расмийлаштириш, йиғиш, таҳлил қилиш ҳамда уларга асосан тегишли кўрсатмалар.

Ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлашга доир талабларнинг бузилиши билан боғлиқ аниқланган ҳодисалар сабабларини таҳлил қилиш ҳамда уларга таъсир кўрсатиш натижаларини баҳолаш лозим. Бунда аниқланган ҳодисалар сабабларини таҳлил қилиш ҳамда уларга таъсир кўрсатиш натижаларини баҳолаш тизими қуйидагиларни ўз ичига олиши шарт:

аниқланган ҳодисаларга нисбатан таъсир чоралари кўрилгандан кейин ушбу ҳодисаларнинг келиб чиқиш сабабларини Хизмат томонидан тегишли бўлинмалар билан биргаликда таҳлил қилиш тартиби;

ахборот тизимларининг тегишли электрон баённомаларини ўрганиш ҳамда аниқланган ҳодисанинг юзага келишига сабабчи бўлган ходимлардан тушунтиришлар олиш;

ҳодисаларнинг келиб чиқиш сабабларига ойдинлик киритиб, бундай ҳолатлар юзага келмаслиги ёки юзага келганда унинг зарар келтириш имкониятларини камайтириш чораларини кўриш (шу жумладан, тегишли мутахассисларни жалб қилган ҳолда);

ҳодисаларнинг салбий таъсир кўрсатиш даражасига қараб таснифлаш ва баҳолаш мезонига асосан уларни баҳолаш.

Ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлашга доир талабларнинг бузилиши билан боғлиқ аниқланган ҳодисаларга нисбатан кўрилган таъсир чоралари, уларни баҳолаш натижалари ва бошқа қўшимча маълумотлар чоп этилиши ҳамда алоҳида йиғмажилдда сақланиши зарур.

Ахборот тизимларининг узлуксиз ишлаши ва барқарорлигини таъминлаш мақсадида қуйидаги чоралар кўрилиши шарт:

асосий ахборот тизимлари ишдан чиққан ҳолатларда хизматлардан фойдаланишни камида 99,9 фоиз даражада таъминлай олиш имкониятига эга захира сервер қувватларига эга бўлиши;

реал вақт режимида маълумотларни қайта ишловчи ахборот инфратузилмасида камида 30 фоизгача захира жой бўлиши;

ахборот тизими билан боғлиқ тармоқ ва бошқа қурилмалар носоз ҳолатга келганда, уни иш жараёнига келтириш ва узлуксиз ишлашини таъминлаш;

операцион тизим, дастурий таъминотлар, ахборот тизимларининг дастурлари, маълумотлар (маълумотлар базаси, соғламалари, электрон баённомалар) нусхаларини захирага (backup) олиш ва электрон архивда сақлаш ҳамда уларни қайта тиклаш тартибини (механизмини) ишлаб чиқиш, уларнинг ҳисобини юритиш ва назоратини олиб бориш;

захира тикланиш режаси, техник қурилма ва ускуналарга эга бўлиш;

маълумотларнинг захирага олинган (backup) нусхаларини техник носозликларда ва фавқулодда вазиятларда қайта тиклаш режасини ишлаб чиқиш ва даврий (бир йилда бир маротаба) равишда ахборот тизимини қайта тиклаб текшириш;

захира нусхаларини сақлаш муддати, тартиби ва захирадан ечиш қоидаларига риоя қилиш;

дастурларга ўзгартириш киритишни синов (тест) учун мўлжалланган серверларда текшириш;

тизимдаги қурилма ва ускуналарнинг ишлашини назорат қилиш;

ахборот тизимининг узлуксизлигига салбий таъсир этиши мумкин бўлган ҳолатларни олдини олиш ва ахборот муҳофазасини таъминлаш;

дизел электр станцияси ва (ёки) бошқа электр таъминоти узлуксизлигини таъминлаш воситаларидан (UPS ва бошқалар) фойдаланиш;

ишлов берилган маълумотларни сақлаш ва уларнинг электрон архивда юритилишини таъминлаш;

мижозларнинг ҳаракатига тегишли бўлган маълумотларни камида беш йил сақланишини таъминлаш;

электрон архив юритишда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлашга доир талабларга риоя этилиши бўйича ишчи гуруҳ тузган ҳолда бир йилда камида икки маротаба текшириш ва натижалари тўғрисида Марказий банкка маълумот бериш;

ахборот узатиш захира тармоқларига эга бўлиш.

Кредит бюрolari асосий ахборот тизимлари жойлашган жойдан 50 километрдан кам бўлмаган масофада жойлашган ҳудудлардаги шаҳар марказларида захира ахборот тизимларини ташкил этиши лозим. Бунда асосий ва захира ахборот тизимлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ташкил этилади.

Ахборот тизимларидаги маълумотлар (электрон баённомалар ва ҳ.к) электрон архивларда камида икки нусхада (хусусан, асосий ва захира ахборот тизимларининг ҳар бирида битта нусхадан) сақланиши мумкин.

Кредит бюроси ўз фаолияти давомида шаклланадиган барча ахборот ва ҳужжатларни рақамли шаклда тартибли равишда сақлаш мақсадида электрон архив тизимини ташкил этиши ва юритиши шарт.

Электрон архивда куйидаги маълумотлар мажбурий равишда сақланиши лозим:

фойдаланувчиларнинг тизимга кириш ва чиқиш журналлари (баённомалари);

ёзувлар устида амалга оширилган ҳаракатлар (яратиш, ўзгартириш, ўчириш) бўйича баённомалар (логлар);

кредит тарихига оид барча кирувчи ва чиқувчи сўровлар;

кредит тарихини тузатиш ёки рад этиш бўйича ариза ва қарорлар;

электрон почта орқали қабул қилинган ва юборилган ҳужжатлар;

ARP (Address Resolution Protocol) жадваллари, тизим хатоликлари ва рухсатсиз кириш уринишлари ҳақида техник баённомалар (loglar);

захира ва тиклаш бўйича амалиётлар журнали.

Захира нусхаларни сақлаш, юритиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ талаблар куйидагиларни ўз ичига олади:

а) захира нусхаларни сақлаш муддати:

тизим конфигурацияси, электрон баённомалар ва лог файллар – бир йил;

молиявий ва миқдорларга оид операцион маълумотлар – беш йил;

ички хизматлар фаолиятига тегишли жорий маълумотлар – олти ойни ташкил этади;

б) захира нусхаларини тиклаш ва ўчириш фақат ваколатга эга бўлган масъул ходимлар томонидан амалга оширилиши лозим. Бунда, барча ҳаракатлар расмийлаштирилиши ва электрон баённомалар (лог)да қайд этилиши керак;

с) сақлаш муддати якунига етган захира нусхалар уларнинг махфийлик даражаси ва ахборот хавфсизлиги талаблари инобатга олинган ҳолда қайта тиклаб бўлмайдиган қилиб йўқ қилинади. Бунда, барча жараёнлар электрон баённомалар (log)да қайд этилади.

Кредит бюроларининг фаолияти тугатилганда, улардаги мавжуд электрон архивнинг ахборот ресурслари қонунчиликда белгиланган тартибда тегишли давлат ёки нодавлат архивларига топширилади.

Кредит бюрolari қайта ташкил этилганда, уларнинг электрон архив маълумотлари тегишли давлат архивлари билан келишилган ҳолда мазкур ташкилотнинг ҳуқуқий ворислари электрон архивига топширилади.

Кредит ахборотидан фойдаланувчилар кредит бюроларининг ахборот тизимларига рухсат этилмаган ҳолда кириш, кредит ахборотини йўқ қилиб юбориш, ўзгартириш, ундан бошқа шахслар фойдаланиши ёки уни ошкор этилишини олдини олиш учун ташкилий ва техник чоралар кўриши лозим³¹⁹.

Кредит ва тўлов ташкилотлари жисмоний шахсларнинг шахсига доир, идентификация ва тўлов билан боғлиқ барча турдаги маълумотларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида уларни ўз ахборот тизимларида шифрланган ҳолда сақлаши шарт.

³¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2025 йил 19 августдаги 20/2-сон қарори (2309.2025 й., рўй.: 3679-сон) “Кредит бюроларининг ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлигига доир минимал талаблар тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Ахборот тизимларидаги маълумотларнинг рухсатсиз тарқалишининг олдини олиш мақсадида маълумотларни рухсатсиз тарқалишидан ҳимоялаш тизими DLP (Data Loss Prevention) жорий этилиши лозим.

Ахборот тизимида фойдаланувчи ва тизимнинг ўзи томонидан амалга оширилган барча ҳаракатлар автоматик тарзда журналлаштирилиши шарт. Журналлар сохталаштириш ва ўзгартиришдан ҳимояланган форматда сақланиши лозим. Журнал маълумотларининг яхлитлигини таъминлаш мақсадида WORM (Write Once Read Many) технологиясидан фойдаланиш тавсия этилади.

Имтиёзли функциялар ва юқори даражадаги тизим ҳуқуқлари орқали амалга оширилган барча ҳаракатларга фақат чекланган доирадаги ходимлар томонидан киришга рухсат берилиши шарт. Бундай ҳуқуқлардан фойдаланиш жараёнлари мажбурий тарзда кўп омилли аутентификация MFA (Multi-Factor Authentication) орқали ҳимояланиши лозим.

Имтиёзли функциялар ва юқори даражадаги тизим ҳуқуқлари доирасида амалга ошириладиган фаолиятнинг тўлиқ назорати ва журналлаштирилиши PAM (Privileged Access Management) тизими орқали амалга оширилиши керак.

Кредит ва тўлов ташкилотлари ахборот тизимларидаги маълумотларни ҳимоя қилиш учун криптографик ҳимоя воситаларидан фойдаланишда қуйидаги талабларни бажаришлари шарт:

алоқа каналлари орқали ахборот алмашинувини фақат ҳимояланган Transport Layer Security (TLS) протоколидан (1.3 ёки ундан юқори версия) фойдаланган ҳолда амалга ошириш;

маълумотларни шифрлашда AES-256/GCM алгоритмидан фойдаланиш;
криптографик калитларнинг айланиш (ротация) сиёсатини киберхавфсизлик соҳасидаги ваколатли давлат органи томонидан белгиланган талаблар доирасида амалга ошириш;

криптографик калитлар камида йилда бир маротаба янгиланиб борилишини таъминлаш;

криптографик калитлар билан боғлиқ барча ёзувлар (логлар), шу жумладан калит яратиш, айлантириш, бекор қилиш ва фойдаланиш ҳолатлари тўғрисидаги маълумотларни камида 3 йил давомида сақлаш;

криптографик калитларнинг муддати ўтганидан кейин уларни белгиланган тартибда йўқ қилиш ёки архив ҳолатига ўтказиш ҳамда бу жараённи тегишли далолатнома билан расмийлаштириш.

Кредит ва тўлов ташкилотлари криптографик калитларни бошқаришда калитларни бошқариш тизими (KMS) ёки аппарат хавфсизлик модули (HSM)дан фойдаланишлари мумкин.

Криптографик алгоритмлар ёки протоколларнинг версиялари (жумладан, TLS, AES ва бошқалар) эскирган ёки заиф деб топилса, кредит ва тўлов ташкилотлари маълумотларни ҳимоя қилишда янгиланган, эквивалент ёки ундан юқори даражадаги хавфсизликни таъминлайдиган криптографик алгоритмлар ва протоколлардан фойдаланишлари лозим.

Кредит ва тўлов ташкилотлари ахборот тизимлари доирасида амалга оширилган барча техник жараёнлар, фойдаланувчи фаолияти, хавфсизлик

билан боғлиқ ҳолатлар, операция журналлари ва тегишли дастурий ёзувларни камида 3 йил мобайнида хавфсиз ва ишончли шаклда сақлаши лозим.

Кредит ва тўлов ташкилотлари томонидан жорий этилган мобил иловалар ва уларнинг веб-талқини ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш талабларига тўлиқ жавоб бериши лозим.

Мобил иловага техник хавф туғдирувчи қурилмаларда ишлашини автоматик тарзда аниқлаш ва блоклаш механизмлари жорий этилиши лозим.

Кредит ва тўлов ташкилотлари қуйидаги ҳолатларда мобил илованинг ишлашини чеклаши лозим:

андроид операцион тизимида ишловчи қурилманинг тизим ҳуқуқларига ноқонуний кириш орқали хавфсизлик сиёсати бузилганда (root);

iOS операцион тизимида ишловчи қурилмада ишлаб чиқарувчи томонидан ўрнатилган хавфсизлик чекловлари ўчирилиб, тизимга чуқур кириш имконияти яратилганда (jailbreak).

Мобил илова ишга туширилганда қурилманинг хавфсизлик ҳолати таҳлил қилиниши (SafetyNet Attestation, Play Integrity API, Jailbreak detection каби воситалар) ва салбий ҳолат аниқланганда мобил илованинг иш фаолияти тўхтатилиб, фойдаланувчига СМС-хабарнома юборилиши шарт. Ушбу ҳолат баённома (loglar) базасига автоматик тарзда қайд этилиши лозим.

Мобил илова дастур кодига рухсатсиз кириш, тахрирлаш, тескари муҳандислик (reverse engineering) ва декомпиляция орқали таҳлил қилиш имкониятини чекловчи махсус технологиялар билан ҳимоя қилиниши шарт.

Кредит ва тўлов ташкилотлари мобил илова орқали тарқалиши мумкин бўлган зарарли кодлар, дастурлар ва фродга оид таҳдидларни аниқлаш ва уларнинг олдини олиш мақсадида мобил SDK (Software Development Kit) орқали антивирус ва антифрод функциялари билан таъминланган хавфсизлик модулларини интеграция қилиши керак.

Кредит ва тўлов ташкилотлари мобил иловани реал вақт режимида таҳдидлардан ҳимоя қилиш учун RASP (Runtime Application Self-Protection) технологияларини жорий қилиши лозим.

Кредит ва тўлов ташкилотлари ўз веб-талқинларида қуйидаги ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш чораларини кўришлари шарт:

маълумот алмашинуви HTTPS протоколи орқали амалга оширилиши ва HSTS (Strict Transport Security) сиёсати фаоллаштирилиши;

веб-талқинга юкланадиган JavaScript кодларининг яхлитлигини таъминлаш учун SRI (Subresource Integrity) ёки шунга мос механизмлар қўлланиши;

браузер муҳитида аномал фаолликни (бот фаоллиги, автокликер, виртуал муҳит) аниқлаш учун тегишли киберхавфсизлик воситаларини жорий қилиши.

Кредит ва тўлов ташкилотлари мобил иловалар ва уларнинг веб-талқинида сессия бошқаруви ҳамда аутентификация хавфсизлигини ўзининг антифрод тизимларида белгиланган талаб ва қоидаларга асосан таъминлайди.

Фойдаланувчининг фаолияти, сессиялари, аномал ҳаракат ва таҳдидлар билан боғлиқ барча маълумотлар баённомалаштирилиши (логлаш) ҳамда

марказлашган мониторинг (SIEM) тизимига интеграция қилинган ҳолда реал вақт режимида кузатилиши ва қайд этилиши шарт.

Кредит ва тўлов ташкилотларининг мобил иловаларига қисқа вақт оралиғида ноодатий даражада кўп сўровлар келиб тушганда ахборот тизимининг барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида бундай сўровларга нисбатан чекловлар жорий этиши, вақтинчалик блоклаш ёки бошқа ҳимоя чораларини мустақил равишда қўллашлари лозим.

Мобил иловадаги аккаунтга 1 дақиқа мобайнида 1 та IP манзилдан 2 ва ундан ортиқ қурилмадан уриниш ҳолатлари кузатилса, ушбу аккаунт 10 дақиқага блокланиши лозим³²⁰.

Оператор, провайдер, дилер ва эшиттирувчилар телекоммуникациялар тармоқларида ахборот ва киберхавфсизликни таъминлашда ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш соҳасида қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиши, жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Wi-Fi хизмати ташкилотчиси оператор ёки провайдер билан биргаликда, ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Оператор ва провайдерлар телекоммуникациялар хизматларини кўрсатишда ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши шарт. Телевидение тармоқлари орқали қонунчилик билан тақиқланган маълумотларни тарқатишга йўл қўйилмайди. Абонентлар ва фойдаланувчилар телекоммуникациялар ёрдамида тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотни тарқатмасликка мажбур³²¹.

Давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар давлат сирлари ҳамда махфий сирлар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган ахборот ресурслари ва ахборот тизимларининг муҳофаза қилинишини таъминлаши шарт. Сунъий интеллектдан фойдаланиб яратилган ахборот ресурслари ҳамда сунъий интеллект технологиялари асосида ишлайдиган ахборот тизимлари инсонга, унинг ҳаётига, соғлиғига, эркинлигига, шаънига, кадр-қимматига путур етказмаслиги ва унинг бошқа ажралмас ҳуқуқларини бузмаслиги шарт. Веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурсининг эгаси, шу жумладан блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифасидан ёхуд бошқа ахборот ресурсидан қонунга мувофиқ

³²⁰ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2025 йил 23 декабрдаги 35/14-сон қарори (21.01.2026 й., рўй.: 3759-сон) билан тасдиқланган “Кредит ва тўлов ташкилотлари, тўлов тизими операторлари томонидан жисмоний шахсларга масофадан молиявий хизматлар кўрсатишда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш ҳамда фрод ҳолатларининг олдини олиш бўйича минимал талаблар тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

³²¹ Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 6 январдаги 287-мх-сон буйруғи (26.01.2026 й., рўй.: 3762) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган ўзга ҳаракатларни содир этиш мақсадларида фойдаланилишига йўл қўймаслиги шарт³²².

Давлат фуқаролик хизматчиси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига риоя этиши, ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажариши, давлат органи томонидан белгиланган одоб-ахлоқ қоидаларига, хизматга оид ахборот билан ишлаш тартибига, шунингдек давлат фуқаролик хизматини ўташ билан боғлиқ бошқа қоидаларга риоя этиши, давлат органининг нуфузини туширишга олиб келиши ёки унинг ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажаришига шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳаракатлардан (ҳаракатсизликдан), шу жумладан ўз хизмат мажбуриятларини бажараётганда ҳар қандай шаклдаги камситишдан, ноҳолисликдан ёки кимгадир нисбатан алоҳида муносабатда бўлишдан тийилиши шарт³²³.

Ушбу нормаларнинг бузилиши натижасида мазкур жиноят вужудга келади.

Бунда, давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлиги ахборот соҳасидаги хавфсизликка таҳдидларга қарши ҳаракатлар юзасидан иқтисодий, сиёсий, ташкилий ва бошқа тусдаги чора-тадбирларни амалга ошириш, давлат сирларини сақлаш ва давлат ахборот ресурсларини улардан рухсатсиз тарзда фойдаланилишидан муҳофаза қилиш, Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ахборот маконига ва замонавий телекоммуникациялар тизимларига интеграциялашуви, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартиришга, ҳудудий яхлитлигини, суверенитетини бузишга, ҳокимиятни босиб олишга ёки қонуний равишда сайлаб қўйилган ёхуд тайинланган ҳокимият вакиллари ҳокимиятдан четлатишга ва давлат тузумига қарши бошқача тажовуз қилишга очикдан-очик даъват этишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишидан ҳимоя қилиш, урушни ва зўравонликни, шафқатсизликни тарғиб қилишни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоват уйғотишга қаратилган терроризм ва диний экстремизм ғояларини ёйишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишига қарши ҳаракатлар қилиш билан таъминланади. Шахснинг ахборот борасидаги хавфсизлиги унинг ахборотдан эркин фойдаланиши зарур шароитлари ва кафолатларини яратиш, шахсий ҳаётига тааллуқли сирларини сақлаш, ахборот воситасида қонунга ҳилоф равишда руҳий таъсир кўрсатилишидан ҳимоя қилиш йўли билан таъминланади. Жисмоний шахсларга тааллуқли шахсий маълумотлар махфий ахборот тоифасига киради. Жисмоний шахснинг розилигисиз унинг шахсий ҳаётига тааллуқли ахборотни, худди шунингдек шахсий ҳаётига тааллуқли сирини, ёзишмалар, телефондаги сўзлашувлар, почта, телеграф ва бошқа мулоқот сирларини бузувчи ахборотни тўплашга, сақлашга, қайта ишлашга, тарқатишга ва ундан фойдаланишга йўл қўйилмайди, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно. Жисмоний шахслар тўғрисидаги ахборотдан уларга моддий зарар ва маънавий зиён етказиш, шунингдек

³²² Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги 560-П-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

³²³ Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида” 2022 йил 8 августдаги ЎРҚ–788-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари рўёбга чиқарилишига тўсқинлик қилиш мақсадида фойдаланиш тақиқланади. Фуқаролар тўғрисида ахборот олувчи, бундай ахборотга эгалик қилувчи ҳамда ундан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахслар бу ахборотдан фойдаланиш тартибини бузганлик учун қонунда назарда тутилган тарзда жавобгар бўладилар. Ахборот манбаи ёки муаллиф номи фақат суд қарори билан ошкор этилиши мумкин³²⁴.

Бунда, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда аниқланган валюта намунаси қалбаки эканлигига шубҳа пайдо бўлганда, тезкор-қидирув тадбирлари давомийлигини таъминлаш зарурати юзага келганда, тезкорликни амалга ошириш ҳамда тегишли вақтни тежаш мақсадида мазкур модда (буюм) ёки валюта намуналарини улар аниқланган жойнинг ўзида ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар биносида экспресс текшириш техник воситалари ёрдамида текширади³²⁵.

2. Кибержиноят асосий бевосита объекти – ахборот-коммуникация технологияларининг муҳофазаси, шу жумладан, ахборот ва киберхавфсизлик.

3. Кибержиноят қўшимча бевосита объекти – жамият ва жамоат хавфсизлиги.

4. Кибержиноят факультатив бевосита объекти – ўзга шахс (лар) ва давлат, шу жумладан, шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни, кадр-қиммати, мулк дахлсизлиги, тинчлик ва инсоният хавфсизлиги, бошқарув тартиби ва бошқалар;

5. Кибержиноят субъекти – 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс.

6. Кибержиноят субъектив томони – қасддан.

7. Кибержиноят объектив томони – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ёки қонунга ҳилоф равишда ахборот-коммуникация тизимига кириб, ахборот-ҳисоблаш тизимлари, тармоқлари ва уларнинг таркибий қисмларидаги ахборотлардан қонунга ҳилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш, агар ушбу ҳаракат ахборотнинг йўқ қилиб юборилиши, тўсиб қўйилиши, модификациялаштирилиши, ундан нусха кўчирилиши ёхуд унинг қўлга киритилиши, электрон ҳисоблаш машиналари, электрон ҳисоблаш машиналари тизими ёки уларнинг тармоқлари ишининг бузилиши йўли билан содир этилади.

8. Кибержиноят мақсади – моддий ёки (ва) номоддий манфаат, ғаразли ёки бошқа паст ниятлар, ўч олиш ва ҳк.

9. Кибержиноят воситаси (қуроли) – ахборот-коммуникация технологиялари.

10. Кибержиноятнинг зарурий белгилари:

³²⁴ Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принципи ва қафолатлари тўғрисида” 2002 йил 12 декабрдаги 439-П-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

³²⁵ Вазирлар Маҳкамасининг “Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг аналоглари, прекурсорлар, кучли таъсир қилувчи моддалар ҳамда валюта намуналарини экспресс текшириш жараёнида техник воситалардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида” 2023 йил 12 январдаги 12-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

- 1) қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги;
- 2) қилмишнинг ҳуқуққа хилофлилиги;
- 3) қилмишда айбнинг мавжудлиги;
- 4) қилмишнинг жазога сазоворлиги;
- 5) қилмишнинг компьютер ахборотиға боғлиқлиги;

6) қилмиш ахборот-ҳисоблаш тизимлари, тармоқлари ва уларнинг таркибий қисмларидаги ахборотлардан қонунға хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш, агар ушбу ҳаракат ахборотнинг йўқ қилиб юборилиши, тўсиб қўйилиши, модификациялаштирилиши, ундан нусха кўчирилиши ёхуд унинг қўлга киритилиши, электрон ҳисоблаш машиналари, электрон ҳисоблаш машиналари тизими ёки уларнинг тармоқлари ишининг бузилиши йўли билан содир этилиши;

7) қилмиш натижасида ахборотнинг йўқ қилиб юборилиши, тўсиб қўйилиши, модификациялаштирилиши, ундан нусха кўчирилиши ёхуд унинг қўлга киритилишига, электрон ҳисоблаш машиналари, электрон ҳисоблаш машиналари тизими ёки уларнинг тармоқлари ишининг бузилиши вужудға келиши зарурлиги;

- 8) алоқа;
- 9) ахборот;
- 10) кибермуҳит, шу жумладан, кибермакон;
- 11) ахборот-коммуникация технологиялари.

Ушбу белгиларнинг биронтаси мавжуд эмаслиги қилмишнинг кибержиноят эканлигини инкор этади.

11. Кибержиноятнинг тамомланиши –

- 1) ахборот йўқ қилинган вақтдан;
- 2) ахборот тўсиб қўйилган вақтдан;
- 3) ахборот модификациялаштирилган вақтдан;
- 4) ахборотдан нусха кўчирилган вақтдан;
- 5) ахборот қўлга киритилган вақтдан;
- 6) электрон ҳисоблаш машиналари, электрон ҳисоблаш машиналари тизими бузилган вақтдан;

7) электрон ҳисоблаш машиналари, электрон ҳисоблаш машиналари тармоқлари иши бузилган вақтдан бошлаб.

12. Кибержиноятнинг тузилишига кўра тури – моддий таркибли кибержиноятлар ҳам мавжуд.

13. Кибержиноятнинг ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра тури – ижтимоий хавфи катта бўлмаган кибержиноят.

14. Жазо тизимиға кўра тури – ижтимоий хавfli қилмиши учун Жиноят кодексида жарима, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, ахлоқ тузатиш ишлари, озодликни чеклаш, озодликдан маҳрумқ қилиш жазоси назарда тутилган кибержиноятлар.

15. Жиноят предмети – ахборот-ҳисоблаш тизимлари, тармоқлари ва уларнинг таркибий қисмларидаги ахборот, электрон ҳисоблаш машиналари, электрон ҳисоблаш машиналари тизими ёки уларнинг тармоқлари, ахборот тизимлари, маълумотлар базалари ва банклари, ахборотга ишлов бериш ҳамда

уни узатиш тизимлари, шу билан бирга уларга боғлиқ бўлган рақамли предметлар, жумладан, онлайн казино платформалари, betting сайтлар, мобил иловалар (gambling apps), ботлар (Telegram/Discord), молиявий элементлар жумладан, электрон пуллар (Click, Payme, crypto), виртуал баланслар, ставкалар (bets), дастурий таъминот, жумладан, gambling software, RNG (random generator) тизимлари, mirror сайтлар, шу билан бирга, матн, видео, аудио, мемлар, постлар, deepfake контент ва бошқа шаклдаги ахборот шунингдек, қуйидагилар ҳам жиноят предмети бўлиши мумкин:

1. Молиявий воситалар – нақдсиз пул, банк ўтказмалари, электрон ҳамёнлар орқали тўловлар (Payme, Click, PayPal, QIWI ва ҳ.к.), криптовалюта (Bitcoin, USDT, Ethereum ва бошқалар), онлайн тўлов тизимлари орқали маблағ, қимматли қоғозлар (акциялар, облигациялар), электрон сертификатлар, баланс тўлдириш (телефон, аккаунт, карта) ва ҳ.к.;

2. Рақамли активлар – лицензия калитлари (software key), онлайн сервис аккаунти, Premium обуна, домен номи, веб-сайтга эгалик, ижтимоий тармоқлардаги (Telegram, Instagram, YouTube ва бошқалар) каналлар ва гуруҳлар, NFT активлари, онлайн ўйин аккаунтлари, база маълумотлар, электрон контракт ҳуқуқи, NFTлар, ўйин ичидаги қимматбаҳо виртуал буюмлар (Skins, In-game currency) ва ҳ.к.;

3. Ахборот – махфий маълумот, тендер маълумотлари, миқдорлар базаси, пароллар, давлат реестри маълумотлари, имтиёзли кириш ҳуқуқи, жумладан, тижорат ёки хизмат сири ҳисобланган маълумотларга имтиёзли кириш ҳуқуқини бериш, касб, хизмат сирлари, текширув натижаларини ўзгартириш ва ҳ.к.;

4. Номоддий манфаат – лавозимга тайинлаш, лойиҳада ғолиб қилиш, рейтингни ошириш, файлни ўчириб бериш, маъмурий, молиявий ёки жиноий жазодан қутқариш, солиқ ва бошқа тўловларни камайтириш, давлат ижтимоий буюртмасини бериш, рухсатнома чиқариш ва ҳ.к.;

5. Техника ва IT ресурслар – сервер ресурслари, хостинг, VPN кириш, Cloud аккаунт, дастур кодлари, дастурий таъминот лицензияси, API кириш ҳуқуқи, бқори қийматга эга бўлган тижорат дастурларига (масалан, киберхавфсизлик ёки дизайн дастурларига) умрбод ёки узоқ муддатли пуллик обуналарни олиб бериш ва ҳ.к.;

6. Аралаш шакллар – қимматбаҳо техника (ноутбук, смартфон ва ҳ.к.), онлайн орқали етказилган товар, электрон ваучер, крипто-ҳисоб очиш, тўловни учинчи шахс орқали амалга ошириш, жиноятчи учун бепул яратиб берилган веб-сайтлар, SMM хизматлари, пуллик дастурий таъминотларга лицензиялар ёки обуналар (Subscription), мансабдор шахс ёки унинг яқинлари учун бепул сервер майдони (Hosting) ажратиб бериш ёки веб-сайт ишлаб чиқиб, уни тарғиб қилиш (SMM/SEO) хизматларини бепул кўрсатиш, хизматчининг ижтимоий тармоқлардаги саҳифасини пуллик тарғиб қилиш (Boost), онлайн курслар ёки пуллик веб-сервисларга обуналарни (Premium subscription) совға қилиш ва ҳ.к.

16. Кибержиноятни содир этишнинг энг кўп усуллари:

1) телекоммуникация ёки интернет тармоғида намоишкорона;

- 2) телекоммуникация ёки интернет тармоғида жойлаштириш орқали;
- 3) ахборот-коммуникация технологияларидан жиноят қуроли ёки воситаси сифатида фойдаланиш натижасида.

Ушбу жиноят қуйидаги шаклларда содир этилиши мумкин, хусусан:

1) идентификация маълумотларини қўлга киритиш (Credential Theft). Мисол учун, фишинг хужумлари орқали фойдаланувчининг логин ва паролларини алдов йўли билан эгаллаш ёки Brute-force, яъни махсус дастурлар ёрдамида паролларни танлаш (подбор) йўли билан тизимга кириш;

2) техник заифликлардан фойдаланиш (Exploitation). Мисол учун, дастурий таъминотдаги тешиклар масалан, SQL-инъекция ёки XSS орқали тизимнинг ички маълумотлар базасига тўғридан-тўғри сўров юбориш ёки Privilege Escalation, яъни тизимга оддий фойдаланувчи сифатида кириб, дастурий хатолик орқали Администратор ҳуқуқини қўлга киритиш;

3) ижтимоий инженерия ва ички таҳдид (Insider Threat). Мисол учун, хизмат мавқеидан фойдаланиб, ўзига ишониб топширилган ваколат доирасидан ташқарига чиқиш, масалан, ходим ўз ваколатига кирмайдиган бошқа бўлим маълумотларини кўриши йўли билан содир этилиши мумкин.

Ушбу жиноятни фош этишда қуйидаги рақамли излар тўпланиши мумкин, хусусан:

1) аутентификация логлари (Security Logs). Мисол учун, тизимга муваффақиятли ва муваффақиятсиз кириш уринишлари, вақти ва сессия давомийлиги;

2) IP-адреслар ва MAC-манзиллар. Мисол учун, сўров юборилган қурилманинг тармоқдаги манзили ва агар VPN ёки Proxu ишлатилган бўлса, кесишувчи тармоқ тугунларининг излари;

3) метамаълумотлар (MAC times). Мисол учун, файлларга кирилган, ўзгартирилган ёки нусха кўчирилган вақтни кўрсатувчи вақт тамғалари (Modify, Access, Create);

4) Shell history. Мисол учун, агар хужумчи терминал орқали ҳаракат қилган бўлса, унинг киритган командалар тарихи;

5) Registry ва Cache. Мисол учун, браузер ёки тизим хотирасида қолган вақтинчалик файллар ва печенье (Cookies).

Жиноятни фош этилиши учун қуйидаги экспертизалар ўтказилиши мумкин, хусусан:

1) суд-компьютер-техникавий экспертизаси ахборот-ҳисоблаш тизимлари ва тармоқларига рухсатсиз кириш механизмини (масалан, паролларни четлаб ўтиш ёки заифликлардан фойдаланиш), ахборотнинг йўқ қилинганлиги, тўсиб қўйилганлиги, модификацияланганлиги ёки нусха кўчирилганлигининг рақамли изларини ҳамда тизим ишининг бузилишига сабаб бўлган техник омилларни, ахборот ҳақиқатдан ҳам йўқ қилинганлиги, ўзгартирилганлиги ёки нусха кўчирилганлигини, тизимга киришда ҳимоя тизими (брандмауэр, антивирус) айланиб ўтилганлигини, тизимга ким, қачон ва қайси усул билан рухсатсиз кирганини (Hacking), ахборотнинг нусха кўчирилгани, ўзгартирилгани ёки ўчирилгани изларини (хэш-суммалар орқали);

2) суд-иктисодий экспертизаси ахборотнинг қўлга киритилиши ёки тизим ишининг тўхтаб қолиши натижасида ташкилот ёки фуқароларга етказилган моддий зарар миқдорини, тизимни қайта тиклаш учун зарур бўлган иктисодий харажатларни ва бой берилган фойда ҳажмини;

3) суд-филологик (лингвистик) экспертизаси рухсатсиз қўлга кирилган рақамли маълумотларнинг мазмунини таҳлил қилиб, уларнинг шахсга доир маълумотлар ёки тижорат сирига мансублигини ҳамда ушбу маълумотларнинг тарқатилиши натижасида етказилган маънавий ва ҳуқуқий зиённи, шахснинг ижтимоий тармоқлардаги ёзишмалари ва компьютердаги излари ўртасидаги боғлиқликни;

4) видеоматериалларнинг суд экспертизаси ахборот тизимлари ва сервер қурилмалари жойлашган объектларга жисмоний кириш жараёни ёки экрандаги ҳаракатларни қайд этган рақамли видеоёзувларнинг ҳаққонийлигини ҳамда улардаги техник монтаж изларини, агар рухсатсиз кириш жисмоний қурилма олдида туриб амалга оширилган бўлса, кузатув камераларидаги тасвирлар орқали шахснинг ҳаракатларини;

5) суд-фонографик экспертизаси ахборот тизимларига кириш ҳуқуқини қўлга киритиш мақсадида ижтимоий инженерия усуллари қўлланилган бўлса, телефон сўзлашувлари ёки овозли хабарлардаги нутқ эгасини идентификация қилишни ва аудиоёзувларнинг яхлитлигини;

6) суд-портрет экспертизаси тармоқ ускуналарига ёки компьютерларга бевосита рухсатсиз яқинлашган ва кузатув камералари тасвирига тушган шахсларнинг қиёфа белгиларини гумонланувчилар билан идентификация қилишни;

7) суд-психологик экспертизаси айбдорнинг ахборотдан рухсатсиз фойдаланишдаги қасд йўналишини, кибермуҳитдаги хулқ-атворини ҳамда хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этилган ҳаракатларнинг психологик мотивларини;

8) ҳужжатларнинг суд-техникавий экспертизаси тизимга кириш ҳуқуқини берувчи рақамли ёки қоғоз шаклидаги рухсатномалар, техник журналлар ва буйруқлардаги сохталаштириш аломатларини ҳамда улардаги муҳр ва имзоларнинг ҳақиқийлигини;

9) суд-электротехникавий экспертизаси ахборот тизимлари ва тармоқлари таркибига кирувчи техник қурилмаларнинг (серверлар, маршрутизаторлар) электр таъминоти ёки аппарат қисмига жисмоний шикаст етказиш орқали ахборотни тўсиб қўйиш механизмини;

10) суд-бухгалтерия экспертизаси молиявий ахборот тизимларидаги маълумотларнинг модификация қилиниши натижасида бухгалтерия ҳисобида юзага келган тафовутларни ва маблағларнинг ноқонуний чиқарилиши билан боғлиқ рақамли операцияларни;

11) суд-экологик экспертизаси стратегик аҳамиятга эга бўлган экологик назорат ахборот тизимларига рухсатсиз кириш ва маълумотларни ўзгартириш натижасида атроф-муҳитга етказилган билвосита зарарли оқибатларни;

12) суд-телекоммуникация экспертизаси ҳужум қайси тармоқ протоколлари орқали амалга оширилганлигини, ташқи трафик ҳажми маълумот ўғирланганини (Data exfiltration) тасдиқлашини;

13) суд-хатшунослик экспертизаси ахборот тизимларидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи шартномалар ёки техник топшириқлардаги қўлёзма матнлар ва имзоларнинг айнан қайси шахс томонидан ижро этилганлигини аниқлайди.

Агар рухсатсиз кириш орқали давлат сири ёки тижорат сири ўғирланса, 278²-модда ва тегишлича 162 ёки 191-моддалар билан мажмуи бўйича квалификация қилиниши мумкин.

1.23-§. Компьютер тизимидан, шунингдек телекоммуникация тармоқларидан қонунга ҳилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун махсус воситаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб тайёрлаш ёхуд ўтказиш ва тарқатиш ёхуд киберконтрабанда жиноятининг юридик-техник таҳлили

278³-модда. Ҳимояланган компьютер тизимидан, шунингдек телекоммуникация тармоқларидан қонунга ҳилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун махсус дастурий ёки аппарат воситаларини ўтказиш мақсадини кўзлаб тайёрлаш ёхуд ўтказиш ва тарқатиш –

базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

б) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

в) хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда;

г) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

1. Муҳофаза қилинадиган норма – Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан, ахборотни излаш, олиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқни чеклашга фақат қонунга мувофиқ ҳамда фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлиғини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш, шунингдек давлат сирлари ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сир ошкор этилишининг олдини олиш мақсадида зарур бўлган доирада йўл қўйилади. Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган органлар томонидангина амалга оширилади. Инсоннинг шаъни ва кадр-қиммати дахлсиздир. Ҳеч нарса уларни камситиш учун асос бўлиши мумкин эмас. Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки инсон кадр-қимматини камситувчи муомалага ёхуд жазога дучор этилиши мумкин эмас. Ҳеч ким расмий эълон қилинмаган қонун асосида ҳукм қилиниши, жазога тортилиши, мол-мулкидан ёки бирон-бир ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикасида барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиниши таъминланади. Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Ўзбекистон Республикасида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига биноан

ҳамда ушбу Конституцияга мувофиқ эътироф этилади ва қафолатланади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегишли бўлади. Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа инсонларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар. Инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсиздир. Инсоннинг Конституция ва қонунларда мустақамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. Ҳар бир инсон ўз шахсини эркин камол топтириш ҳуқуқига эга. Ҳеч кимга унинг розилигисиз қонунчиликда белгиланмаган мажбурият юклатилиши мумкин эмас. Инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, жамият ҳамда давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги шарт³²⁶.

Қонунчиликка кўра, фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари иштирокчиларининг ҳалол, оқилона ва адолат билан ҳаракат қилиши назарда тутилади. Фуқаролар ва юридик шахсларнинг бошқа шахсга зарар етказишга, бошқача шаклларда ҳуқуқни суиистеъмол қилишга, шунингдек ҳуқуқни унинг мақсадига зид тарзда амалга оширишга қаратилган ҳаракатларига йўл қўйилмайди³²⁷.

Вазифаси ва афзалликларидан қатъи назар, объектив шаклда ифодаланган, босиб чиқарилган ҳамда босиб чиқарилмаган, муаллиф (ҳаммуаллифлар) ижодий фаолиятининг натижаси бўлган, ЭҲМ учун яратилган ҳар қандай дастурлар ва маълумотлар базаларига нисбатан муаллифлик ҳуқуқи татбиқ этилади.

ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасига муаллифлик, шунингдек муаллифнинг (муаллифларнинг) ёки ўзга ҳуқуқ эгасининг шахсий ва мулкӣ ҳуқуқлари амалдаги қонунчиликка мувофиқ аниқланади. ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасининг муаллифи (муаллифлари) ёхуд ўзга ҳуқуқ эгаси ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасини модификациялашни, шу жумладан дастурни бир дастурлаш тилидан бошқа тилга ўтказишни амалга ошириш ва (ёки) амалга оширишга рухсат этиш борасида мутлақ ҳуқуққа ҳам эгадир.

ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасидан бошқа шахсларнинг (фойдаланувчиларнинг) фойдаланиши ҳуқуқ эгаси билан тузилган шартнома асосида амалга оширилади,

Ҳуқуқ эгаларининг мутлақ ҳуқуқларига тааллуқли қонунчилик талабларининг жисмонӣ ёки юридик шахс томонидан бажарилмаслиги муаллифлик ҳуқуқининг бузилиши ҳисобланади.

ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасини ўзганинг номи билан чиқариш ёхуд ундан ғайриқонуний равишда нусха олиш ёки бундай

³²⁶ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

³²⁷ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

асарларни тарқатиш қонунчиликда белгиланган тартибда маъмурий ёхуд жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

Тайёрланиши ёки улардан фойдаланилиши муаллифлик ҳуқуқи бузилишига олиб келадиган ЭХМ учун яратилган дастурлар ёки маълумотлар базаларининг нусхалари қонунчиликда белгиланган тартибда олиб қўйилиши лозим³²⁸.

Илгари фойдаланишда бўлган мол-мулкни сотиш бозори ҳудудида:

тайёр армия анжомларини ва белгиланган намунадаги формали кийим-бошни, ҳарбий турдаги бошқа товарларни, муассасалар, ташкилотлар ва корхоналар штампни босилган чойшаблар, ички ишлар органларида қўлланиладиган махсус воситалар ва махсус аслаҳа-анжомларни сотиш;

сотилиши қонун ҳужжатларида тақиқланган бошқа товарлар ва буюмларни сотиш тақиқланади.

Сотувчилар бозорда қуйидагиларга мажбур:

бозорда савдо фаолиятини амалга оширишда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳужжатларга эга бўлиш;

бозор маъмурияти ва назорат қилувчи органларнинг қонуний талабларини бажариш;

қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа талабларга риоя этиш.

Савдо субъектлари қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳужжатларга эга бўлиши керак³²⁹.

Ахборот тизимларини ташкил қилувчи техника воситалари қонунчиликда белгиланган тартибда сертификатлаштирилиши керак.

Давлат органлари ахборот тизимларининг, тармоқ ва ҳудудий ахборот тизимларининг, юридик ҳамда жисмоний шахслар ахборот тизимларининг давлат сирлари ёки махфий ахборотни ўз ичига олган ахборотни ишловдан ўтказиш учун мўлжалланган техника воситалари, шунингдек мазкур тизимларни муҳофаза қилиш воситалари мажбурий сертификатлаштирилиши лозим.

Махфий ахборот Маълумотларни узатиш тармоғи бўйича тарқатилганда махфий ахборот билан ишлаш рухсатномасига эга бўлган ва ахборот айирбошлашнинг сертификатланган воситаларидан фойдаланувчи жисмоний ва юридик шахслар учун унинг муҳофаза қилиниши таъминланади.

Ахборот тизимлари, тармоқларини ахборот айирбошлаш воситалари таркибига улаш Ахборот фаолияти ва маълумотлар узатишни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича идоралараро мувофиқлаштириш комиссиясининг қарорига кўра берилган лицензиялар мавжуд бўлганда амалга оширилади.

Ахборот айирбошлаш воситалари таркибига ахборот ресурсларидан фойдаланишнинг алоҳида қоидалари белгиланган давлат ахборот тизимлари,

³²⁸ Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий муҳофазаси тўғрисида” 1994 йил 6 майдаги 1060-ХП-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

³²⁹ Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 августдаги 253-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси бозорларида савдо фаолиятини ташкил этиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

тармоқларини улаш ахборот хавфсизлиги талабларига мувофиқ аттестациядан ўтказилгандан кейин Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг рухсати билан амалга оширилади.

Давлат сиридан иборат бўлган ахборотни тайёрлаш ва тарқатишда фойдаланиладиган ахборот айирбошлаш воситасини, шунингдек, ахборотни муҳофаза қилиш воситасини мажбурий равишда сертификатлаш зарур.

Қуйидагилар:

давлат сири ёки махфий ахборот;

миллий мулк;

архив фонди;

Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги билан жўнатилиши (чиқарилиши) чекланиши мумкин бўлган ҳужжатлаштирилган ахборот тоифасига киритилган бошқа ахборотни Ўзбекистон Республикасидан жўнатиш (чиқариш) чекланади.

Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришга даъват қилувчи, уруш, зулм ва порнографияни тарғиб қилувчи, диний ва миллий низоларни кўзғовчи, инсон шаъни ва қадр-қимматини поймол қилувчи ахборотлар ҳамда амалдаги қонунчилик билан тарқатилиши тақиқланган бошқа ахборотларнинг олиб кирилиши ва тарқатилиши тақиқланади.

Ахборот айирбошлашни амалга оширишда қонунга хилоф равишдаги хатти-ҳаракатлар учун жисмоний ва юридик шахслар – Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентлари Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ жавоб берадилар.

Давлат ахборот ресурсларини ва ахборот ресурсларини давлат билан биргаликда шакллантиришга ихтисослашган ташкилотлар маълумотларни узатиш тармоқларини лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланиш бўйича фаолиятнинг бу турига рухсатнома олишлари шарт.

Давлат ахборот ресурсларини шакллантириш ва уларга хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган ахборот тизимлари, маълумотлар базалари ва банклари қонунчиликка мувофиқ сертификатланиши керак.

Фойдаланиш чекланган ахборот мавжуд бўлган давлат ахборот ресурсларини шакллантириш учун мўлжалланган ахборот тизимлари ахборот хавфсизлиги талабларига мувофиқ мажбурий аттестациядан ўтказилиши керак.

Давлат, жамоат органлари, фуқаролар, мулкчилик шакллари ва қайси идоравий бўйсунитидан қатъи назар, корхона, муассаса ва ташкилотлар давлат ахборот ресурсларини шакллантириш учун зарур бўлган тегишли шаклда ҳужжатлаштирилган ахборотни давлат ахборот ресурсларини шакллантириш ва ундан фойдаланиш учун масъул бўлган органларга ва (ёки) ташкилотларга тақдим этишлари шарт.

Интернет билан ишлаш учун Х.25, Frame Relay ва АТМ шунингдек, коммутация қилинган телефон тармоғидан коммутация қилинган каналлар

PPP/SLIP (Point protocol IP protocol) бўйича маълумотларни узатиш каналларидан фойдаланган ҳолда фойдаланиш мумкин³³⁰.

Ахборотни бузиб талқин этиш ва сохталаштириш тақиқланади.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда мансабдор шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳар кимга ўзининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган ахборот билан танишиб чиқиш имкониятини таъминлаб беришга, мақбул ахборот ресурслари яратишга, фойдаланувчиларни фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятларига, уларнинг хавфсизлигига доир ҳамда жамият манфаатларига тааллуқли бошқа масалалар юзасидан ахборот билан оммавий тарзда таъминлашга мажбурдирлар.

Ҳар қандай ахборот, агар у билан қонунга хилоф равишда муомалада бўлиш ахборот мулкдори, эгаси, ахборотдан фойдаланувчи ва бошқа шахсга зарар етказиши мумкин бўлса, муҳофаза этилмоғи керак.

Ахборотни муҳофаза этиш:

шахс, жамият ва давлатнинг ахборот соҳасидаги хавфсизлигига таҳдидларнинг олдини олиш;

ахборотнинг махфийлигини таъминлаш, тарқалиши, ўғирланиши, йўқотилишининг олдини олиш;

ахборотнинг бузиб талқин этилиши ва сохталаштирилишининг олдини олиш мақсадида амалга оширилади.

Ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсати ахборот соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган бўлади ҳамда шахс, жамият ва давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг асосий вазифалари ҳамда фаолият йўналишларини, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларининг, фуқароларнинг ўрни ва аҳамиятини белгилайди.

Шахснинг ахборот борасидаги хавфсизлиги унинг ахборотдан эркин фойдаланиши зарур шароитлари ва кафолатларини яратиш, шахсий ҳаётига тааллуқли сирларини сақлаш, ахборот воситасида қонунга хилоф равишда руҳий таъсир кўрсатилишидан ҳимоя қилиш йўли билан таъминланади.

Жисмоний шахсларга тааллуқли шахсий маълумотлар махфий ахборот тоифасига киради.

Жисмоний шахснинг розилигисиз унинг шахсий ҳаётига тааллуқли ахборотни, худди шунингдек шахсий ҳаётига тааллуқли сирини, ёзишмалар, телефондаги сўзлашувлар, почта, телеграф ва бошқа мулоқот сирларини бузувчи ахборотни тўплашга, сақлашга, қайта ишлашга, тарқатишга ва ундан фойдаланишга йўл қўйилмайди, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

³³⁰ Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси ахборот ресурсларини тайёрлаш ва уларни маълумотларни узатиш тармоқларида, шу жумладан, интернетда тарқатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида” 1999 йил 26 мартдаги 137-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Жисмоний шахслар тўғрисидаги ахборотдан уларга моддий зарар ва маънавий зиён етказиш, шунингдек уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари рўёбга чиқарилишига тўсқинлик қилиш мақсадида фойдаланиш тақиқланади.

Фуқаролар тўғрисида ахборот олувчи, бундай ахборотга эгалик қилувчи ҳамда ундан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахслар бу ахборотдан фойдаланиш тартибини бузганлик учун қонунда назарда тутилган тарзда жавобгар бўладилар.

Оммавий ахборот воситалари ахборот манбаини ёки тахаллусини қўйган муаллифни уларнинг розилигисиз ошкор этишга ҳақли эмас. Ахборот манбаи ёки муаллиф номи фақат суд қарори билан ошкор этилиши мумкин.

Жамиятнинг ахборот борасидаги хавфсизлигига қуйидаги йўллар билан эришилади:

демократик фуқаролик жамияти асослари ривожлантирилишини, оммавий ахборот эркинлигини таъминлаш;

қонунга ҳилоф равишда ижтимоий онгга ахборот воситасида руҳий таъсир кўрсатишга, уни чалғитишга йўл қўймаслик;

жамиятнинг маънавий, маданий ва тарихий бойликларини, мамлакатнинг илмий ва илмий-техникавий салоҳиятини асраш ҳамда ривожлантириш;

миллий ўзликни англашни издан чиқаришга, жамиятни тарихий ва миллий анъаналар ҳамда урф-одатлардан узоқлаштиришга, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштиришга, миллатлараро ва конфессиялараро тотувликни бузишга қаратилган ахборот экспансиясига қарши ҳаракат тизимини барпо этиш.

Давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлиги қуйидаги йўллар билан таъминланади:

ахборот соҳасидаги хавфсизликка таҳдидларга қарши ҳаракатлар юзасидан иқтисодий, сиёсий, ташкилий ва бошқа тусдаги чора-тадбирларни амалга ошириш;

давлат сирларини сақлаш ва давлат ахборот ресурсларини улардан рухсатсиз тарзда фойдаланилишидан муҳофаза қилиш;

Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ахборот маконига ва замонавий телекоммуникациялар тизимларига интеграциялашуви;

Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартиришга, ҳудудий яхлитлигини, суверенитетини бузишга, ҳокимиятни босиб олишга ёки қонуний равишда сайлаб қўйилган ёхуд тайинланган ҳокимият вакиллари ҳокимиятдан четлатишга ва давлат тузумига қарши бошқача тажовуз қилишга очикдан-очик даъват этишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишидан ҳимоя қилиш;

урушни ва зўравонликни, шафқатсизликни тарғиб қилишни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоват уйғотишга қаратилган терроризм ва диний экстремизм ғояларини ёйишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишига қарши ҳаракатлар қилиш.

Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар³³¹.

Ҳужжатлаштирилган ахборот ресурсининг муҳофазасини таъминлаш бўйича чоралар уни давлат архивига топшираётган ташкилот томонидан белгиланади.

Ахборот ресурсини давлат сақловига қабул қилишда хавфсизликни муҳофаза қилишни қуйидаги дастурий-техник воситалар ва ташкилий чоралар ёрдамида тегишли давлат архиви таъминлайди:

ахборот хавфсизлигига таҳдидларни аниқлаш ва бартараф этиш;

ахборот ресурсининг архив нусхасини топшириш, архивни шакллантириш, уни сақлаш ва ундан фойдаланишда маълумотларнинг тўлиқлигини таъминлаш;

рухсат берилмаган ахборот ресурсидан фойдаланиш, унга қўшимча ва ўзгартишлар киритишдан муҳофаза қилиш;

архив маълумотларнинг захира ва қайта тикланиши тизимини таъминлаш.

Умумий фойдаланишга мўлжалланган ахборот ресурслари (юримдик ва жисмоний шахслар, норматив-ҳуқуқий актлар, табиий ресурслар, давлат органларининг веб-сайтлари ва бошқалар бўйича маълумотлар базалари) барча давлат органлари, юримдик ва жисмоний шахсларга давлат архивлари томонидан уларга белгиланган ваколатлар доирасида тақдим этилади.

Махсус давлат ахборот ресурсларидан (давлат сири ва конфиденциал маълумотларга эга бўлган идоралар, ҳудудий бошқарув ва ҳоқимият органлари, давлат юримдик шахслари ва жисмоний шахслар) фойдаланиш учун рухсат бериш давлат архивлари томонидан уларни шакллантириш, қўлланилиши ва янгиланиб борилишига масъул бўлган органлар билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Ахборот ресурсларини давлат сақловига топширган ташкилотлар ундан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум бўлмайдилар.

Ахборот ресурсларини давлат сақловига қабул қилган давлат архивлари қуйидагилар учун жавобгардирлар:

маълумотлар билан ишлаш қоидаларини бузганлик, маълумот алмашинувини амалга оширишда ҳуқуқбузарлик ҳаракатларидан фойдаланганлик ва йўл қўйганлик;

жисмоний шахслар ҳақида шахсий маълумотларга эга бўлган ахборотларни тарқатганлик;

ахборот ресурсларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш;

ахборот ресурсларидаги маълумотларни ўғирлаш, йўқотиш, бузиш, блокировка қилиш ва сохталаштириш;

муаллифлик ҳуқуқлари ва интеллектуал мулк бўйича қонунчиликни бузганлик.

³³¹ Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида” 2002 йил 12 декабрдаги 439-П-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Давлат архивларига амалдаги қонунчиликка мувофиқ бошқа жавобгарлик ҳам юклатилиши мумкин³³².

Тизим иштирокчиларининг фонд бозорида АКТлари электрон ҳужжатларининг бут сақланишини, ўзгартирилишини, муҳофаза қилишини, қайта ишланишини, жўнатилиши ва қабул қилинишини, шу жумладан:

электрон ҳужжатларнинг, улар жўнатилган ва қабул қилинган сана ва вақтлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган реквизитларнинг такрорий нусхаси кўчирилиши ва архивда сақланишини;

Тизим иштирокчилари ўртасидаги қоғоз шаклидаги ҳужжат алмашилишини қисқартириш ҳамда инсон омилининг ахборотларни қайта ишлаш сифати ва тезкорлигига бўлган салбий таъсирини камайтириш мақсадида қоғоз ва электрон ҳужжатларнинг қўл ишини минималлаштиришни;

ахборотларни киритиш/чиқаришни такрорловчи операцияларни истисно этишни, катта ҳажмдаги ахборотларни қайта ишлаш ва ахборот тизимларининг интеграциялашуви мумкинлигини;

электрон ҳужжатларнинг махфийлигига, бутлигига ва уларга муаллифлик қилишга қўйилган талабларга риоя этилишини;

қонунчиликда ўрнатилган талабларга мувофиқ ЭРИнинг ҳаққонийлигини, шунингдек, қабул қилувчи томонидан электрон ҳужжатни қайта ишлаш пайтида жўнатувчининг ЭРИ калити сертификати амал қилаётганини текшириш мумкинлигини;

электрон ҳужжатларнинг транзит ўтказилишидан, у амалга ошириладиган транзит амалга ошириладиган тизимда иштирокчилар томонидан очилмаслиги ва кўрилмаслиги шарти билан (ёпиқ конверт фақат унинг эгаси томонидан очилиши мумкин) фойдаланишни таъминлаши лозим.

Тизим иштирокчилари томонидан электрон ҳужжатларни муҳофаза қилиш учун фойдаланилаётган фонд бозоридаги АКТлари қонунчиликда ўрнатилган тартибда сертификатланган бўлиши ва фойдаланиш ҳужжатларига мувофиқ ишлатилиши лозим.

Электрон ҳужжатларнинг чиқиб кетиши, ўғирланиши, йўқотилиши, бузилиши, уларга чекловларнинг ўрнатилиши ва қалбакилаштирилишининг ҳамда электрон ҳужжатларга рухсатсиз кириш ва улардан нусха кўчиришнинг олдини олишни ўз ичига олувчи Тизим иштирокчисининг ахборот хавфсизлиги Тизим иштирокчисининг дастурий-техник чора-тадбирлари билан таъминланади.

Ахборот хавфсизлиги шунингдек, бошқа мавжуд воситалар билан ҳам қонунчилик ва ушбу Низом талабларини инобатга олган ҳолда, Тизим иштирокчисининг ички қоидаларига мувофиқ таъминланиши мумкин.

Тизим иштирокчилари қонунчилик ва ушбу Низом талабларини инобатга олган ҳолда, белгиланган қоидаларнинг бузилишини ва унинг учун жавобгарликка тортилишни олдини олишни назарда тутувчи ахборот

³³² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Ўзархив” агентлиги бош директорининг 2007 йил 17 июлдаги 18-сон буйруғи (рўйхат рақами 1703, 2007 йил 13 август) билан тасдиқланган Ахборот ресурсларининг архив нусхаларини яратиш ва уларни давлат сақловига топшириш бўйича йўриқнома // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

хавфсизлиги ва Тизимдан фойдаланишнинг ички қоидаларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди.

Дастурий-техник чора-тадбирлар қуйидагиларни таъминлайди:

Тизим иштирокчиси-ташкилот ходимларининг мазкур ташкилот ходимларининг лавозим йўриқномаларидан келиб чиққан ҳолда, дастурий ресурсларга чекланган киришини;

фонд бозорида АКТларидан фойдаланишда Тизим иштирокчиси бўлган ташкилотларнинг барча ҳаракатларини антивирус билан муҳофаза қилиш ва баённома юргизишни.

Тизим иштирокчилари криптографик муҳофаза қилишни қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширишади.

ЭРИдан фойдаланиш ваколатига эга бўлмаган ва ундан шахсий ёхуд учинчи шахс манфаатлари йўлида фойдаланган Тизим иштирокчиси ва иштирокчи ташкилот ходимлари қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

Тизим иштирокчиси унинг ўзи томонидан Тизимда исталган ҳаракатларни амалга оширишга ваколат берган шахснинг унинг номидан бажарган барча ҳаракатларига жавобгардир.

Тизим иштирокчилари қуйидагиларга мажбурдирлар:

тизимнинг узлуксиз фаолиятини таъминлаш;

ахборот хавфсизлиги ва Тизимдан фойдаланишнинг ички қоидаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш (фақат Тизим иштирокчиси юридик шахс бўлган ҳолда);

электрон ҳужжатларни тузишни ва жўнатишни қонунчилик ҳужжатлари ҳамда ушбу Низом талабларига мувофиқ равишда қатъий таъминлаш;

мустақил равишда ЭРИ сертификатини олиш, шунингдек, фонд бозорида АКТларининг ЭҲАдан фойдаланиладиган зарур иш ҳолатини қўллаб-қувватлаш;

электрон ҳужжатларда кўрсатилган буюртма ва/ёки топшириқларни фонд бозорининг технологик жараёнларига мувофиқ, қонунчилик талабларини инобатга олган ҳолда қабул қилиш/жўнатиш, топшириш/ижро этиш³³³.

Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлигининг Давлат ахборот тизимларини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш ягона интегратори Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасини ахборот билан тезкор таъминлаш учун интеграциялаштирилган ахборот тизимларини яратиш, ривожлантириш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек давлат органлари ахборот

³³³ Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2008 йил 1 августдаги 2008-13-сон буйруғи (рўйхат рақами 1855, 2008 йил 9 сентябрь) билан тасдиқланган Фонд бозорида ахборот-коммуникация технологиялардан фойдаланишга ўрнатилган талаблар тўғрисидаги низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

тизимлари билан уларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш юзасидан жавобгар ҳисобланади³³⁴.

Фойдаланувчиларнинг ахборотни рухсатсиз фойдаланишдан ҳимоя қилишга доир белгиланган чораларни бузишга қаратилган хатти-ҳаракатларига йўл қўйилмайди.

Муайян жисмоний шахсга тааллуқли бўлган ёки уни идентификация қилиш имконини берадиган шахсга доир маълумотларни учинчи шахсларга тақдим этиш Ўзбекистон Республикасининг “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ амалга оширилади.

Ваколатли органларнинг ахборот тизимларини идентификациялашнинг ягона тизимига улаш интеграциялашувга қўйиладиган техник талабларга мувофиқ амалга оширилади.

Ҳужжатлар ва ахборот билан автоматлаштирилган тарзда айирбошлаш мақсадида ваколатли органлар ахборот тизимларининг интеграциялашув “Электрон ҳукумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали амалга оширилади.

“Электрон ҳукумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформасига уланадиган ваколатли органларнинг ахборот тизимлари ҳам ҳужжатлар ва ахборотни тақдим этиш учун мурожаат қилган маълумотларни етказиб берувчилар, ҳам ҳужжатлар ва ахборотни сўраган маълумотларнинг истеъмолчилари бўлиши мумкин.

Идоралараро электрон ҳамкорлик қилишда фойдаланувчиларнинг фойдаланишини ва ваколатларини таъминлаш устидан назорат қилиш идентификациялашнинг ягона тизими орқали амалга оширилади.

Идентификациялашнинг ягона тизимида фойдаланувчиларнинг шахсий маълумотларидан рухсатсиз фойдаланганлик учун ваколатли органлар – ахборот тизимларининг эгалари ва Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги жавоб беради³³⁵.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги шакллантирилган марказий маълумотлар базаларининг нусхаларини улардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлмаган шахсларга тақдим этиш ҳуқуқига эга эмас.

Ваколатли органлар томонидан марказий маълумотлар базаларига тақдим этиладиган маълумотлар тақдим этилаётган пайтда ишончли, тўлиқ ва долзарб бўлиши керак.

Ваколатли органлар марказий маълумотлар базаларига маълумотларни “Электрон ҳукумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали жисмоний ва юридик шахсларнинг ягона идентификаторларидан фойдаланиб тақдим этадилар.

³³⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2012 йил 21 мартдаги ПҚ–1730-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

³³⁵ Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 17 декабрдаги 365-сон қарори билан тасдиқланган “Электрон ҳукумат” тизими фойдаланувчиларини идентификациялашнинг ягона ахборот тизими тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Марказий маълумотлар базаларидан маълумотлар олиш жисмоний ва юридик шахсларнинг ягона идентификаторларидан фойдаланиш орқали амалга оширилади.

Давлат хизматлари кўрсатиш жараёнидаги идоралараро электрон ҳамкорлик қилишда жисмоний ва юридик шахсларнинг бошқа идентификаторларидан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Марказий маълумотлар базаларидаги маълумотлардан фойдаланганда жисмоний ва юридик шахсларни идентификациялаш фақат “Электрон ҳукумат” тизими фойдаланувчиларини идентификациялашнинг ягона ахборот тизими орқали амалга оширилади.

Давлат хизматлари кўрсатишда ва идоралараро электрон ҳамкорлик қилишда марказий маълумотлар базаларидаги маълумотлардан фойдаланиш “Электрон ҳукумат” тизимининг идоралараро интеграциялашув платформаси ёрдамида амалга оширилади.

Давлат хизматлари кўрсатишда жисмоний ва юридик шахслардан марказий маълумотлар базалари ва тегишли ваколатли органларнинг ахборот ресурсларида мавжуд бўлган маълумотларни ҳамда бошқа идентификаторли қўшимча ҳужжатларни талаб қилиш тақиқланади.

Марказий маълумотлар базаларида мавжуд бўлмаган ахборотнинг сақланишини таъминловчи давлат ахборот ресурсларини яратишда тегишли равишда жисмоний ва юридик шахсларнинг ягона идентификаторларидан фойдаланилади³³⁶.

Ахборот-кутубхона ва архив муассасаларида электрон базаларнинг ахборот хавфсизлиги тегишлича Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги “Ўзархив” агентлиги ҳамда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг Ахборот хавфсизлиги сиёсати талабларига мувофиқ таъминланади³³⁷.

Ахборот воситачиси қуйидагиларга ҳақли эмас:

ўзининг ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда тузилган битимнинг тарафига айланиш, шунингдек ахборот воситачиси сифатида хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ бўлмаган ишлаб чиқариш, савдо, савдо-воситачилик ёки бошқа фаолиятни амалга ошириш;

электрон тижоратни амалга ошириш, битимлар тузишда нархларнинг шаклланиш жараёнларига аралаштириш, контрагентларни танлашда ва битимлар тузишда электрон тижорат иштирокчиларининг эркинлигини чеклаш, шунингдек электрон тижорат иштирокчиларининг ҳуқуқларини бошқача тарзда чеклаш.

Ахборот воситачиси қуйидагиларга мажбур:

³³⁶ Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 17 декабрдаги 365-сон қарори билан тасдиқланган “Электрон ҳукумат” тизимининг жисмоний ва юридик шахслар марказий маълумотлар базаларини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

³³⁷ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Ўзархив” агентлиги бош директорининг 2016 йил 20 июндаги 45-сон буйруғи (рўйхат рақами 2807, 2016 йил 7 июль) Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан ахборот-кутубхона ва архив муассасаларига тақдим этилган ҳужжатлар билан ишлаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

электрон тижорат соҳасидаги қонун ҳужжатларига, шу жумладан стандартлар, нормалар ва қоидаларга риоя этиш;

ўзининг тўлиқ номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли, кўрсатиладиган хизматлар, уларни кўрсатиш шартлари ва қийматлари (тарифлари) ҳақидаги ахборотни электрон тижорат иштирокчиларига ошкор қилиш;

электрон ҳужжатларнинг ва электрон хабарларнинг мазмунини, улардан фойдаланиш тартибини ўзгартирмаслик, электрон тижорат иштирокчилари билан тузилган шартномаларда назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно;

электрон ҳужжатларни, электрон хабарларни ва шахсга оид маълумотларни рухсатсиз фойдаланишдан ҳимоя қилиш чоралари билан таъминлаш;

электрон ҳужжатларни ва электрон хабарларни учинчи шахсларга бермаслик, қонунда ёки шартномада назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно;

электрон ҳужжатларнинг ва электрон хабарларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ сақланишини таъминлаш;

ўз ахборот тизимини Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги серверларда жойлаштириш.

Агент сотувчига ёки харидорга хизматлар кўрсатиш натижасида ўзига маълум бўлган маълумотларнинг махфийлигига риоя қилишга мажбур.

Электрон тижоратни ташкил этишнинг шакллари битимлар тузишнинг рақобатли шакллари деб эътироф этилади, бунда ахборот воситачисининг ахборот тизими қуйидаги шарт-шароитларни таъминлайди:

электрон тижоратнинг иккитадан кам бўлмаган иштирокчилари томонидан офертани акцептлаш имконияти;

оферент учун шартномани бажаришнинг энг яхши шартларини таклиф қилган шахс билан шартнома тузиш.

Қайд этилган талабларга риоя қилинган тақдирда битим содир этилган деб эътироф қилинади.

Битимларни рақобатли шаклларда содир этишда офертани қабул қилган шахс томонидан, уни қабул қилиш учун белгиланган муддатда, унда кўрсатилган шартнома шартларини бажариш бўйича хатти-ҳаракатларни (товарларни юклаб жўнатиш, хизматлар кўрсатиш, ишларни бажариш, тегишли суммани тўлаш ва ҳоказоларни) содир этиш акцепт ҳисобланмайди.

Ахборот воситачиларининг ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган электрон тижоратда қуйидагиларга йўл қўйилмайди:

электрон тижорат иштирокчиларини камситиш, электрон тижоратнинг бир иштирокчисига бошқа иштирокчилар эркин фойдалана олмайдиган ва қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган имтиёзлар ёки преференцияларни бериш;

ахборот воситачиларининг мансабдор шахслари томонидан шахсий манфаатдорлик таъсирида қарорлар қабул қилиш ёхуд электрон тижорат иштирокчиларининг манфаатларига зарар етказадиган бошқа ноқонуний хатти-ҳаракатларни содир этиш;

электрон тижорат иштирокчиларига босим ўтказиш, электрон тижоратда иштирок этиш ҳақидаги ахборотни ошкор қилиш (қонун ҳужжатларидан назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно), ноқонуний тарзда рақобатга йўл қўймаслик, уни чеклаш ёки четлатиш;

электрон тижорат иштирокчиларининг бозор конъюнктурасини ўзгартириш ёки нархларни бузиб кўрсатиш мақсадида тил бириктириши;

ишончли бўлмаган ёки бузиб кўрсатилган ахборотни бериш ёки тарқатиш, шунингдек ахборотдан эркин фойдаланишни асоссиз чеклаш;

электрон тижорат иштирокчилари томонидан келгусида шартномани имзолашдан ёки уни зарур даражада бажаришдан бош тортиш ниятида сунъий равишда пасайтирилган ёки оширилган нархларда талабномалар бериш;

ахборот воситачисининг ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда товар сотаётган ёки сотиш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатишни таклиф қилаётган, белгиланган тартибда якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказилмаган жисмоний шахс ҳисобланган битим тарафларидан бири томонидан битимларни амалга ошириш³³⁸.

Лойиҳаларни амалга ошириш натижасида ишлаб чиқилган ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларини «Рақамли ҳукумат»нинг ахборот тизимлари ва ресурслари ягона реестрида рўйхатдан ўтказиш ва амалиётга жорий этишга уларнинг техник топшириқ ва ахборот хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги юзасидан Рақамли технологиялар вазирлиги ҳамда “Киберхавфсизлик маркази” ДУКнинг ижобий хулосалари олинганидан сўнг рухсат берилади;

Ижобий хулосага эга бўлмаган ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларини фойдаланишга қабул қилиш, ишга тушириш ҳамда “Рақамли ҳукумат” доирасидаги тизимлар ва сервислар билан интеграция қилишга йўл қўйилмайди³³⁹.

Электрон ҳукумат доирасида маълумот тақдим этувчи ва фойдаланувчиларнинг электрон ҳамкорлиги ҳамда ахборот алмашинуви уларнинг ахборот тизимлари ва ресурсларини Идоралараро интеграциялашув платформасига улаш орқали амалга оширилади.

Бунда электрон ҳамкорлик ва ахборот алмашинуви фақат Электрон ҳукуматнинг идоралараро маълумотлар узатиш тармоғи орқали ташкил этилади.

Фойдаланувчи ва оператор ўртасидаги ахборот алмашинуви тегишли сўров юбориш йўли билан Идоралараро интеграциялашув платформаси ёрдамида амалга оширилади.

Бунда Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали электрон ҳамкорлик ҳамда ахборот алмашинуви доирасида йўлланган барча сўровлар

³³⁸ Вазирлар Маҳкамасининг “Электрон тижорат платформалар ва рақамли экотизим операторларининг ахборот воситачиларининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2016 йил 2 августдаги 249-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

³³⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Электрон ҳукумат” тизими доирасида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш сифатини яхшилаш чоратадбирлари тўғрисида” 2019 йил 21 майдаги ПҚ-4328-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

бўйича статистика маълумотлари маълумот тақдим этувчи ва фойдаланувчининг шахсий кабинетидида юритилади.

Идоралараро интеграциялашув платформасига уланган ахборот тизимлари ва ресурсларида мавжуд бўлган шахсга доир маълумотлар алмашинуви Ўзбекистон Республикасининг “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги Қонуни ва ушбу соҳадаги бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали маълумотлар фойдаланувчининг ваколати доирасидаги вазифаларни бажариш учун қайта ишлаш мақсадида тақдим этилади.

Электрон давлат хизматларини кўрсатиш ва идоралараро электрон ҳамкорликни ташкил этиш доирасида ахборот алмашинуви Идоралараро интеграциялашув платформасига уланиш орқали амалга оширилади.

Идоралараро интеграциялашув платформасига уланиш учун “Электрон ҳукуматнинг ахборот тизимлари ва ресурслари ягона реестри” ахборот тизими (кейинги ўринларда – Ягона реестр тизими) орқали электрон шаклда мурожаат этилади.

Бунда Ягона реестр тизимида авторизациядан ўтиш учун “Электрон ҳукумат” тизими фойдаланувчиларини идентификациялашнинг ягона ахборот тизимида рўйхатдан ўтиш талаб этилади.

Оператор:

Идоралараро интеграциялашув платформасига уланиш тартиби ва шартларига риоя қилишга;

фойдаланувчига Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали маълумотлар юборилгунига қадар уларнинг конфиденциаллигини таъминлашга;

Идоралараро интеграциялашув платформасида маълумот тақдим этувчи ва фойдаланувчининг шахсий кабинетларига улашга;

Ягона реестр тизимида Идоралараро интеграциялашув платформасига уланиш бўйича ариза ва технологик йўриқномани кўриб чиқишга ва келишишга;

Идоралараро интеграциялашув платформасидаги маълумот тақдим этувчи ва фойдаланувчининг шахсий кабинетлари орқали электрон ахборот ҳамкорлиги доирасидаги статистика маълумотлари билан танишиш имкониятини яратишга;

Идоралараро интеграциялашув платформасининг узлуксиз ишлаши бўйича тегишли чоралар кўришга;

қонунчилик ҳужжатлари ва мазкур Низом талабларини бажаришга;

Идоралараро интеграциялашув платформасида жойлаштирилган барча веб-сервислар бўйича режали ва режадан ташқари узилишлар ва/ёки тўхталишлар вужудга келиши ёки улар бартараф этилиши юзасидан маълумот тақдим этувчи ва фойдаланувчиларни мавжуд қайта алоқа каналлари орқали реал вақт режимида хабардор қилишга;

мазкур Низомда ёки бошқа қонунчилик ҳужжатларида белгиланган қоидалар бузилган тақдирда, маълумот тақдим этувчи ёки фойдаланувчининг

Идоралараро интеграциялашув платформасига уланишни вақтинча тўхтатиш ёки бекор қилиш ва бу ҳақида уларни асосларни кўрсатган ҳолда расмий хабардор қилишга мажбур.

Бунда оператор Идоралараро интеграциялашув платформасига уланишни вақтинча тўхтатиш ёки бекор қилишдан олдин бу тўғрисида маълумот тақдим этувчи ёки фойдаланувчини мавжуд қайта алоқа каналлари орқали реал вақт режимида хабардор қилади.

Маълумот тақдим этувчи Идоралараро интеграциялашув платформасига уланиш шартларига риоя қилишга, Идоралараро интеграциялашув платформасига уланиш бўйича Ягона реестр тизимида ариза ва технологик йўриқномаларни ишлаб чиқишга ва келишишга, Идоралараро интеграциялашув платформасининг push-хабарномалар сервисига уланиш бўйича фойдаланувчининг аризасини белгиланган тартибда келишишга, Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали юборилган сўровларга мувофиқ маълумотларни технологик йўриқномада белгиланган тартибда тақдим этишга, ўзига тегишли бўлган ахборот тизимлари ва ресурслари ҳамда маълумотлар базаларининг барқарор ишлаши, улардаги маълумотларнинг Идоралараро интеграциялашув платформасига узлуксиз равишда тақдим этилиши бўйича тегишли чоралар кўришга, ўзига тегишли маълумотларнинг ишончилиги ва тўлиқлиги ҳамда долзарблигини таъминлашга, долзарб бўлмаган маълумотлар бўйича шикоятларни қабул қилиш механизмини ишлаб чиқишга, жорий қилишга ҳамда келиб тушган шикоятлар натижаси бўйича маълумотларни ўз вақтида янгилаб боришга, Идоралараро интеграциялашув платформасида жойлаштирилган ўзининг барча веб-сервислари бўйича режали ва режадан ташқари узилишлар ва/ёки тўхталишлар вужудга келиши ёки улар бартараф этилиши юзасидан операторни мавжуд қайта алоқа каналлари орқали реал вақт режимида хабардор қилишга, ўзига тегишли веб-сервисга ўзгартириш ва/ёки қўшимчалар киритиладиган тақдирда, режалаштирилган ишлар амалга оширилгунига қадар бу ҳақида уч кун олдин операторга хабар беришга, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида техник ишлар ўтказилиши натижасида Идоралараро интеграциялашув платформасига тақдим этилаётган веб-сервисларда кузатилиши мумкин бўлган узилишлар юзасидан техник ишлар ўтказилишидан камида уч иш кун олдин операторни ёзма равишда хабардор қилишга, ахборот тизимлари ва ресурслари жойлашган серверлар ёки объектларда режалаштирилган фавқулодда юз берган узилишлар бундан мустасно, Идоралараро интеграциялашув платформасида жойлаштирилган ўз веб-сервисларига фойдаланувчиларни тўғридан-тўғри улашни чеклашга мажбур.

Фойдаланувчи:

Идоралараро интеграциялашув платформасига уланиш тартиби ва шартларига риоя қилишга;

Идоралараро интеграциялашув платформасига уланиш бўйича Ягона реестр тизимида ариза ва технологик йўриқномаларни ишлаб чиқишга ва келишишга;

Идоралараро интеграциялашув платформасининг push-хабарномалар сервисига уланиш бўйича ўз аризасини белгиланган тартибда маълумот тақдим этувчи билан келишишга;

Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали олинаётган маълумотларнинг конфиденциаллигини таъминлашга;

Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали олинган маълумотларни учинчи томонга тақдим этмасликка;

Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали олинган маълумотлардан маълумот тақдим этувчи ва оператор билан келишилмаган бошқа мақсадларда фойдаланмасликка;

Идоралараро интеграциялашув платформасига уланган ўзининг ахборот тизимларининг узлуксиз ишлаши бўйича тегишли чоралар кўришга;

“Электрон ҳукумат” тизими орқали олинадиган маълумотларни олиш, қўллаш ва сақлаш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя қилишга мажбур.

Фойдаланувчиларнинг ахборот тизимларини Рақамли маълумотлар платформасига улаш фақат ҳимояланган VPN тармоғи орқали ташкил этилади.

Бунда солиқ ва кадастр органларининг ахборот тизимлари Рақамли маълумотлар платформасига Вазирлар Маҳкамасининг “Учинчи шахсларга солиқ тўловчилар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш чора-тадбирлари ҳақида” 2021 йил 19 августдаги 529-сон қарорига мувофиқ давлат-хусусий шериклик шартномасининг амал қилиш муддатига қадар хусусий шерикнинг ахборот тизимлари орқали уланади.

Оператор:

Рақамли маълумотлар платформасига уланиш тартиби ва шартларига риоя қилишга;

фойдаланувчига Рақамли маълумотлар платформаси орқали маълумотлар юборилгунига қадар уларнинг конфиденциаллигини таъминлашга;

Рақамли маълумотлар платформасида маълумот тақдим этувчи ва фойдаланувчини шахсий кабинетларига улашга;

Ягона реестр тизимида Рақамли маълумотлар платформасига уланиш бўйича ариза ва технологик йўриқномани кўриб чиқишга ва келишишга;

Рақамли маълумотлар платформасида жойлаштирилган барча веб-сервислар бўйича режали ва режадан ташқари узилишлар ва/ёки тўхталишлар вужудга келиши ёки улар бартараф этилиши юзасидан фойдаланувчиларни мавжуд бўлган қайта алоқа каналлари орқали хабардор қилишга;

Маълумот тақдим этувчи ва фойдаланувчининг Рақамли маълумотлар платформасидаги шахсий кабинетлари орқали электрон ахборот ҳамкорлиги доирасидаги статистика маълумотлари билан танишиш имконини яратишга;

Рақамли маълумотлар платформасининг узлуксиз ишлаши бўйича тегишли чоралар кўришга;

қонунчилик ҳужжатлари ва мазкур Низом талабларини бажаришга;

мазкур Низомда ёки бошқа қонунчилик ҳужжатларида белгиланган қоидалар бузилган тақдирда, маълумот тақдим этувчи ёки фойдаланувчининг

Рақамли маълумотлар платформасига уланишини вақтинча тўхтатиш ёки бекор қилиш ва бу ҳақида уларни асосларни кўрсатган ҳолда расмий хабардор қилишга мажбур.

Маълумот тақдим этувчи Идоралараро интеграциялашув платформасига уланиш шартларига риоя қилишга, Идоралараро интеграциялашув платформасига уланиш бўйича Ягона реестр тизимида ариза ва технологик йўриқномаларни ишлаб чиқишга ва келишишга, Идоралараро интеграциялашув платформасининг push-хабарномалар сервисига уланиш бўйича фойдаланувчининг аризасини белгиланган тартибда келишишга, Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали юборилган сўровларга мувофиқ маълумотларни технологик йўриқномада белгиланган тартибда тақдим этишга, ўзига тегишли бўлган ахборот тизимлари ва ресурслари ҳамда маълумотлар базаларининг барқарор ишлаши, улардаги маълумотларнинг Идоралараро интеграциялашув платформасига узлуксиз равишда тақдим этилиши бўйича тегишли чоралар кўришга, ўзига тегишли маълумотларнинг ишончилиги ва тўлиқлиги ҳамда долзарблигини таъминлашга, долзарб бўлмаган маълумотлар бўйича шикоятларни қабул қилиш механизмини ишлаб чиқишга, жорий қилишга ҳамда келиб тушган шикоятлар натижаси бўйича маълумотларни ўз вақтида янгилаб боришга, Идоралараро интеграциялашув платформасида жойлаштирилган ўзининг барча веб-сервислари бўйича режали ва режадан ташқари узилишлар ва/ёки тўхталишлар вужудга келиши ёки улар бартараф этилиши юзасидан операторни мавжуд қайта алоқа каналлари орқали реал вақт режимида хабардор қилишга, ўзига тегишли веб-сервисга ўзгартириш ва/ёки қўшимчалар киритиладиган тақдирда, режалаштирилган ишлар амалга оширилгунига қадар бу ҳақида уч кун олдин операторга хабар беришга, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида техник ишлар ўтказилиши натижасида Идоралараро интеграциялашув платформасига тақдим этилаётган веб-сервисларда кузатилиши мумкин бўлган узилишлар юзасидан техник ишлар ўтказилишидан камида уч иш кун олдин операторни ёзма равишда хабардор қилишга, ахборот тизимлари ва ресурслари жойлашган серверлар ёки объектларда режалаштирилган фавқулодда юз берган узилишлар бундан мустасно, Идоралараро интеграциялашув платформасида жойлаштирилган ўз веб-сервисларига фойдаланувчиларни тўғридан-тўғри улашни чеклашга мажбур.

Фойдаланувчи Рақамли маълумотлар платформасига уланиш тартиби ва шартларига риоя қилишга, Рақамли маълумотлар платформасига уланиш бўйича Ягона реестр тизимида ариза ва технологик йўриқномаларни ишлаб чиқишга ва келишишга, Рақамли маълумотлар платформасининг push-хабарномалар сервисига уланиш бўйича аризасини белгиланган тартибда маълумот тақдим этувчи билан келишишга, Рақамли маълумотлар платформаси орқали олинаётган маълумотларнинг конфиденциаллигини таъминлашга, Рақамли маълумотлар платформаси орқали олинган маълумотларни учинчи томонга тақдим этмасликка, Рақамли маълумотлар платформаси орқали олинган маълумотлардан маълумот тақдим этувчи ва оператор билан келишилмаган бошқа мақсадларда фойдаланмасликка,

Рақамли маълумотлар платформасига уланган ўзининг ахборот тизимларининг узлуксиз ишлаши бўйича тегишли чоралар кўришга, “Электрон ҳукумат” тизими орқали олинадиган маълумотларни олиш, қўллаш ва сақлаш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя қилишга мажбур.

Талабгорнинг ахборот тизимлари ва сервисларини Ягона биллинг тизимига интеграция қилиш талабгор ахборот тизимларининг ахборот хавфсизлигини таъминланган ҳолда амалга оширилади.

Ягона биллинг тизимига “Электрон ҳукумат” тизими фойдаланувчиларини идентификациялаш ягона ахборот тизимида (кейинги ўринларда – Идентификациялашнинг ягона тизими) рўйхатдан ўтиш орқали қилинади.

Оператор ўз фаолиятини қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириш, Ягона биллинг тизимининг доимий ва узлуксиз ишлашини таъминлаш, Ягона биллинг тизимига киритилиши режалаштирилган ўзгартиришлар ҳақида вазирликлар ва идораларга аниқ муддати кўрсатилган ҳолда камида бир ой олдин ёзма хабарнома юбориш, Ягона биллинг тизимида юзага келган носозлик ва хатоликларни бартараф этиш бўйича мурожаатлар қабул қилинишини ташкил этиш ва тезкорлик билан кўриб чиқиш ҳамда бартараф этиш, Ягона биллинг тизимидаги давлат органларига тааллуқли ахборотнинг бутлигини таъминлаш мажбуриятларини ўз зиммасига олади³⁴⁰.

МАИ субъектлари МАИ объектларининг киберхавфсизлигини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига риоя қилиши, киберхавфсизлик ҳодисалари тўғрисида ваколатли давлат органи ва ишчи органни белгиланган тартибда дарҳол хабардор қилиши, киберҳужумларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш, киберхавфсизлик ҳодисаларининг келиб чиқиш сабаблари ва шароитларини аниқлашда ваколатли давлат органи ҳамда ишчи органга кўмаклашиши, МАИ объектларининг киберхавфсизлигини таъминлаш жараёнига давлат органлари томонидан ноқонуний аралашуш ҳолатлари ҳақида ваколатли органни хабардор қилиши, ваколатли давлат органи билан келишилган ҳолда киберҳужумларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш, киберхавфсизлик ҳодисаларига жавоб бериш учун мўлжалланган воситаларни ўз ҳисобидан ўрнатиши ва сақлаши, МАИ объектларига киберҳужумларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш учун ўрнатилган воситаларнинг белгиланган талабларга мувофиқ тўлақонли ишлашини таъминлаши, ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланган тартибда киберхавфсизлик ҳодисаларига жавоб бериш, МАИ объектларига қарши амалга оширилган киберҳужумларнинг оқибатларини бартараф этиш чораларини кўриши ва киберхавфсизлик ҳодисаларини текширишда иштирок этиши, ваколатли давлат органи ва ишчи орган билан келишилган ҳолда, МАИ объектларига уюштирилиши мумкин бўлган кибертахдидларнинг олдини олиши ва киберҳужумлар содир бўлганда МАИ

³⁴⁰ Вазирлар Маҳкамасининг “Идоралараро электрон ҳамкорлик тизими ва маълумотларнинг ахборот алмашинувини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 20 сентябрдаги 516-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

объектларининг барқарор ишлашини тиклаш режаларини ишлаб чиқиши, ваколатли давлат органи ва ишчи орган томонидан ташкил этиладиган режали машғулотларда иштирок этиши шарт.

МАИ объектларига киберхавфсизликни таъминлашнинг қуйидаги талаблари қўйилади:

МАИ объектининг киберхавфсизлигини самарали таъминлаш тизимининг йўлга қўйилганлиги;

ахборот тизимида маълумотлардан рухсатсиз фойдаланиш, уларни йўқ қилиш, ўзгартириш, блоклаш (чеклаш), нусха олиш, тақдим этиш ва тарқатиш ҳамда МАИ объектлари фаолиятининг бузилиши ва/ёки тўхташига олиб келувчи бошқа ҳаракатларни амалга оширишнинг олди олинганлиги;

киберхавфсизликни таъминлаш тизими параметрларининг техник регламентлар талабларига мувофиқлиги, киберхавфсизлик ва МАИ объектининг узлуксиз фаолият юритишини таъминловчи чора-тадбирлар жорий этилганлиги;

киберхавфсизлик ҳодисаси рўй берганда киберҳимояни таъминлаш тизимини тезкор тиклаш имконияти мавжудлиги;

киберхужумларни мониторинг, аудит ва таҳлил қилиш, аниқлаш, чора кўриш ҳамда уларнинг оқибатларини бартараф этиш тизимининг самарали йўлга қўйилганлиги;

киберхавфсизлик ва МАИ объектининг киберхавфсизлиги ва унинг эксплуатациясига доир ҳужжатларнинг мавжудлиги.

МАИ объекти раҳбари мазкур объектда киберхавфсизликни таъминлашга масъул шахс ҳисобланади. МАИ объекти раҳбари томонидан белгиланган тартибда объектда киберхавфсизликни таъминловчи ҳимоя тизимининг ишлашини таъминлашга масъул мутахассислар ёки таркибий бўлинма тайинланади.

МАИ объекти раҳбари объектининг ахборот хавфсизлиги сиёсати, киберхавфсизлик соҳасидаги низомлар, кўрсатмалар, талаблар, ҳимоя воситаларидан фойдаланиш, киберхавфсизликни таъминловчи ҳимоя тизимининг ишлашини ташкил этиш ва назорат қилиш тартибини тасдиқлайди ҳамда уларни доимий равишда такомиллаштириш чораларини кўради.

МАИ объектларининг киберхавфсизлигини таъминловчи барча аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий таъминотлар тегишли мувофиқлик сертификатлари ҳамда киберхавфсизлик тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ бўлиши керак.

МАИ объектларининг киберхавфсизлигини таъминлаш бўйича белгиланган талаблар билан бирга қўшимча равишда қуйидагилар:

МАИ объектларининг киберхавфсизлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни режалаштириш, ишлаб чиқиш, такомиллаштириш ва жорий қилиш;

МАИ объектларининг киберхавфсизлигини таъминлаш учун ташкилий, ҳуқуқий ва техник чораларни кўриш;

МАИ объектларининг киберхавфсизлигини таъминлашда қўлланиладиган аппарат, дастурий-аппарат ва дастурий воситаларнинг кўрсаткич ва хусусиятларини белгилаш назарда тутилади.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, бирлашмалар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ваколатли давлат органи ва унинг ишчи органи билан келишган ҳолда ахборот хавфсизлиги сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишда МАИ объектларининг иш фаолияти хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда уларнинг киберхавфсизлигини таъминлаш воситаларига кўшимча талабларни белгилаши мумкин.

Киберхавфсизликни таъминловчи ҳимоя тизими қуйидагиларни таъминлаши зарур:

МАИ объекти томонидан қайта ишланадиган маълумотлардан рухсатсиз фойдаланиш, уларни йўқ қилиш, ўзгартириш, блоклаш (чеклаш), нусхалаш, тақдим этиш, тарқатиш ва шу каби бошқа хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш;

МАИ объектининг иш фаолияти бузилиши ва/ёки тўхтаб қолишига олиб келиши мумкин бўлган аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий воситаларга ахборот таъсирининг олдини олиш;

ўз ичига давлат сирини олмаган, қонунчилик билан ҳимояланган (кейинги ўринларда – конфиденциал) ва махфий маълумотларга киберхавфсизлик таҳдиди шароитида МАИ объектининг тўлиқ ишлашини таъминлаш;

МАИ объекти фаолиятини тиклаш имкониятини таъминлаш.

Автоматлаштирилган ва ахборот тизимларида барча қайта ишланаётган маълумотлар, аппарат, аппарат-дастурий ҳамда дастурий воситалар, шу жумладан компьютерни сақлаш воситалари, иш станциялари, серверлар, телекоммуникация ускуналари, алоқа линиялари, график, видео ва нутқ маълумотларини қайта ишлаш воситалари, аппарат-дастурий воситаларнинг дастурий таъминоти, ахборот тизимларининг архитектураси ва конфигурацияси ҳимоя қилинади. Телекоммуникация тармоқларида алоқа линиялари орқали узатиладиган маълумотлар, телекоммуникация ускуналари, шу жумладан дастурий таъминот, бошқарув тизими, ўрнатилган ҳимоя воситалари, телекоммуникация тармоғи архитектураси ва конфигурациясининг яхлитлиги ҳимоя қилинади. Автоматлаштирилган бошқарув тизимларида бошқариладиган, кузатиладиган объект ёки жараённинг параметрлари ёхуд ҳолати тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан кириш-чиқиш маълумотлари, бошқарув маълумотлари, назорат ва ўлчов маълумотлари ҳамда бошқа муҳим маълумотлар, дастурий таъминот ва аппарат воситалари, шу жумладан иш станциялари, саноат серверлари, телекоммуникация ускуналари, алоқа линиялари, дастурланадиган мантикий текширгичлар, ишлаб чиқариш, технологик ускуналар, аппарат-дастурий воситаларнинг дастурий таъминоти, ўрнатилган ҳимоя воситалари, автоматлаштирилган бошқарув тизимининг архитектураси ва конфигурацияси ҳимоя қилинади.

Хавфсизлик чораларини амалга оширишда аппарат, тизим, дастур ва тармоқ даражаларида, шу жумладан виртуаллашган муҳитда киришнинг барча

объектлари ва субъектларига нисбатан киберхавфсизлик таҳдидларининг ҳисобга олинганлиги мажбурий мезонлардан бири ҳисобланади.

МАИ объектларидаги конфиденциал ва махфий маълумотларни қайта ишлайдиган қурилмаларда, киберхавфсизлик таҳдидларига қараб, қуйидаги чоралар амалга оширилиши зарур:

кичик тизим ёки бошқа тизимларнинг элементларига кириш ҳуқуқи олинишининг ҳар бир босқичида идентификация ва аутентификация қилиш;

файллар, тизимлар ва қурилмаларга кириш ҳуқуқини бошқариш;

ахборот инфратузилмасини бошқариш ваколатига эга бўлмаган фойдаланувчи учун дастурий муҳитни чеклаш;

конфиденциал ва махфий маълумотларни ташувчи воситаларни ҳимоя қилиш;

тизимлар, дастурлар, шу жумладан дастурий ва дастурий-аппарат ресурсларининг киберхавфсизлик аудитини ўтказиш;

МАИ объекти ахборот активларини бузғунчи дастурий таъминотларга қарши ҳимоя қилиш;

киберхужумларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш;

қурилмалар орқали узатиладиган барча маълумотларни қўллаш мақсадларидан қатъи назар уларнинг яхлитлигини таъминлаш;

фойдаланувчиларнинг МАИ объекти фаолиятидаги ўрнига қараб тизим фойдаланувчилари учун маълумотларга рухсат бериш ва ҳимоясини таъминлаш;

ахборот техник ҳимоя воситаларининг хавфсизлигини таъминлаш;

конфигурацияни бошқариш;

дастурий таъминот янгилашларини ўз вақтида бошқариш;

киберхавфсизлик ҳодисаларига ўз вақтида чора кўриш;

фавқулодда вазиятларда зарур ҳаракатларни бажариш;

яхлитлиги, конфиденциаллиги ёки махфийлиги ҳамда мавжудлиги МАИ объектининг фаолияти ва хавфсизлиги билан боғлиқ бўлган муҳим маълумотларнинг захира нусхасини сақлаш;

киберхавфсизликни таъминлаш ҳолатини, рухсатсиз кириш ва ахборотни ўзгартиришга уринишларни доимий назорат ҳамда таҳлил қилиш;

маълумотларни тезкор тиклаш механизмларини амалга ошириш;

объектни унинг киберхавфсизлик талабларига жавоб бериши юзасидан аттестациядан ўтказиш.

Ушбу талабларнинг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар³⁴¹.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар тўловлар тўғрисидаги ахборотни шакллантириш, узатиш, сақлаш ва унга ишлов беришнинг барча босқичларида тўловлар тўғрисидаги ахборотни узлуксиз ҳимоя қилиш учун қуйидаги чораларни кўришлари лозим:

³⁴¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг муҳим ахборот инфратузилмаси объектлари киберхавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2023 йил 31 майдаги ПҚ-167-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

идентификация, аутентификация ва авторизация қилиш тизимини жорий этиш;

тизимга рухсатсиз киришнинг олдини олиш усуллари (логин, парол, биометрик идентификация, икки факторли аутентификация (2FA) ва бошқа) қўллаш;

тўлов ҳужжати ва идентификация маълумотларини қалбакилаштириш, уларни рухсатсиз ўзгартириш ҳамда учинчи шахсларга тақдим этишдан ҳимоялаш;

тўлов ахборотлари шакллантирилишини, тўлов ҳужжатининг ҳаққонийлиги текширилишини ва уларга ишлов берилишини ҳамда асосли ўзгартиришлар киритилишини таъминлаш ва назорат қилиш;

тўлов ҳужжатларини узатишда ушбу ҳужжатнинг асл эгасига етказилишини ҳамда бошқа шахсларга жўнатилишининг олди олинишини таъминлаш;

амалга оширилган тўловга оид маълумотларни сақлашда уларни рухсатсиз кўчириш, ўзгартириш, ўчириш ҳамда учинчи шахсларга жўнатилишининг олдини олиш чораларини кўриш;

ташқи сақловчига кўчирилган тўловга оид маълумотларнинг сейфда (темир шкафда) сақланишини таъминлаш ҳамда маълумотларни сақлаш учун масъул ходим (ходимлар) тайинлаш;

ахборот тизимларидаги дастурий таъминотларнинг назоратини ва ҳисобини юритиш ҳамда ахборот тизимларидаги дастурий таъминот талқинларининг, аппарат-дастурий курилмаларининг ва дастурий воситаларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш;

ахборот тизимларининг актуал ҳолатда (охирги версия) бўлишини таъминлаш, бунда дастурий таъминотнинг янги талқинини текширувдан ўтказгандан сўнг ахборот тизимига жорий этиш;

тўлов ахборотларига ишлов бериш, уларни узатиш ҳамда сақлаш жараёнларини электрон баённомаларда автоматик тарзда шакллантириб бориш ҳамда уларнинг сақланишини таъминлаш;

ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш хизмати ҳамда банк ва тўлов тизимларида шубҳали фрод операцияларга қарши чоралар кўриш хизматларини ташкил этиш, шунингдек ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш ҳамда банк карталари билан боғлиқ шубҳали (фрод) операцияларга қарши чоралар кўриш бўйича амалга ошириладиган ишларни назорат қилиш;

ҳисоблаш тармоғининг хавфсизлиги ва криптографик муҳофазасини таъминлаш, компьютер вирусларидан ҳимоялаш, ахборот тизимларига киришни бошқариш, техник воситаларини созлаш ва бошқа чораларни қўллаш;

ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш ҳамда банк карталари билан боғлиқ шубҳали (фрод) операцияларга қарши чоралар кўриш ускуналари, курилмалар, аппарат-дастурий ва дастурий техник воситалари қўлланишини таъминлаш ҳамда уларни мунтазам такомиллаштириб бориш, фойдаланиш тартибларини белгилаш, уларга техник хизмат кўрсатиш,

таъмирлаш ва бошқа ҳолатларда улардан кўзда тутилмаган тарзда рухсатсиз фойдаланишнинг олдини олиш;

қўлланилаётган техник воситаларга барча телекоммуникация тармоқларидан рухсатсиз кириш, улардаги маълумотларни ўзгартириш, ўчириш, қўчириб олишдан ҳимоялаш;

ахборотларни чиқиб кетиши (йўқолишини) олдини олиш;

ахборот тизимига рухсатсиз кириш ёки киберхавфсизлик ҳодисалари содир этилганда, уларни таҳлил қилиш асосида ҳимоя тизимларини мустақкамлаб бориш чораларини кўриш.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар дастурларга ва операцион тизимга зарар келтирувчи зарарли кодлар (компьютер вируслари) ва уларнинг салбий таъсирининг олдини олиш учун қуйидаги чораларни кўриши керак:

ҳисоблаш техникаси қурилмалари (серверлар, компьютерлар ва бошқалар), банкомат, эмбоссер ва тўлов терминалларининг (техник имкониятидан келиб чиқиб) иш фаолиятига зарар етказувчи кодларни (компьютер вирусларини) аниқлаш ва уларнинг салбий таъсирининг олдини олиш чораларини кўриш;

ахборот тизимларида фақат лицензияланган антивирус дастуридан фойдаланиш, уларнинг русумлари ва базалари актуаллиги ҳамда янгиланиб борилишини таъминлаш;

антивирус дастурларининг автоматик тарзда ишлашини таъминлаш;

интернет ва корпоратив тармоқлар орқали келган барча ахборотларни антивирус дастури орқали текшириш.

Тўлов тизимларида ахборотни муҳофаза қилишнинг криптографик усуллари қўлланилиши ва тўлов тизими қоидаларида қуйидагилар белгилаб берилиши лозим:

криптографик муҳофаза воситаларини автоматлаштирилган тизимларга боғлаш, ишга тушириш, ишлатиш ва фойдаланишдан чиқариш тартиби;

криптографик муҳофаза воситаларининг тўхтаб қолиши, ишдан чиқиши ва бошқа ғавқулдда ҳолатларда уларни қайта тиклаш тартиби;

криптографик муҳофаза дастурларига ва техник ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тартиби;

криптографик калитларни бошқариш тартиби;

криптографик калитларни ташувчи қурилмаларни қўллаш, сақлаш, ўзгартириш ва бошқалар бўйича ташкилий, техникавий усулларни қўллаш тартиби.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан ахборот алмашинувида ахборот хавфсизлиги ҳамда киберхавфсизликни таъминлашлари шарт.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчиларнинг ахборотлаштириш объектларига рухсатсиз кириш ҳамда фойдаланишни чегаралаш мақсадида қуйидаги чоралар кўрилиши керак:

ахборотлаштириш объектларига, шу жумладан, банкомат, тўлов терминаллари ва тўлов ўтказиш электрон қурилмаларига жисмонан таъсир этишни ҳамда техник жиҳозлар мавжуд бўлган бино ва хоналарга киришни назорат қилиш;

тўловларни амалга оширишда қўлланиладиган автоматлаштирилган тизимлар, дастурлар, ҳисоблаш техникалари, телекоммуникация қурилмалари параметрлари ва тузилмалари ҳамда тўлов тизимида ишлаш ҳуқуқини берувчи маълумотларни (парол, биометрик ва бошқа маълумотлар) ўз ичига олган техник воситаларнинг жисмоний муҳофазасини (хавфсизлик режимини) таъминлаш ва рухсатсиз таъсир этишнинг олдини олиш;

тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчиларнинг ходимлари ахборотлаштириш объектларига киришини назорат қилиш ва маълумотларни рухсатсиз тарқалишидан ҳимоялаш тизимларини жорий қилиш;

серверлар ва телекоммуникация қурилмалари жойлашган хоналарда ишлаш жараёнларини видеокузатув тизимлари ёрдамида назорат қилиш.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар қуйидаги маълумотларни ўз ичига олган ахборот тизимларининг ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлигини таъминлашлари керак:

банк (карта) ҳисобварағида пул маблағлари қолдиқлари тўғрисидаги маълумотлар;

электрон пуллар қолдиқлари тўғрисидаги маълумотлар;

амалга оширилган тўловлар тўғрисидаги маълумотлар;

нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ўз ичига олган маълумотлар;

банклараро тўлов ва клиринг тизимлари тўлов маълумотлари;

криптографик муҳофазани таъминлаш учун қўлланиладиган криптографик калитлар;

тўловларни амалга оширишда қайта ишланадиган конфиденциал ахборотларни (банк сири, шахсга доир маълумотлар ва бошқа қонун билан муҳофаза қилинадиган маълумотлар);

мижозларнинг банк карталари, аккаунтлари ва идентификациядан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотлар.

Тўлов тизимлари операторлари ёки тўлов хизматларини етказиб берувчилар масофадан тўлов хизматларини кўрсатувчи ахборот тизимларини (мобил илова, интернет банкинг ва бошқалар) (бундан буён матнда масофавий ахборот тизимлари деб юритилади) амалиётга жорий этиш ҳамда уларга ўзгартириш киритишдан аввал қуйидагиларни таъминлашлари лозим:

масофавий ахборот тизимларининг тўловларни ўтказиш билан боғлиқ барча функцияларини синов (тест) тарзида тўлиқ текширувдан ўтказишни таъминлаш;

масофавий ахборот тизимларини техник топшириқлар, уларни техник топшириққа ва киберхавфсизлик талабларига мувофиқлиги юзасидан экспертизадан ўтказиш ҳамда уларнинг натижалари бўйича экспертиза хулосаларини Марказий банкка тақдим этиш;

масофавий ахборот тизимларини уяли алоқа даражасида ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизими, Марказий банкнинг марказлашган антифрод ҳамда замонавий биометрик идентификация тизимларига уланишини таъминлаш;

дастурларни ишлатиш бўйича йўриқномаларни ишлаб чиқиш ва уларнинг актуаллигини таъминлаган ҳолда мижозларга тақдим этиш;

аниқланган заифликларни бартараф этиш учун ўзгаришлар киритилишини таъминлаш;

мижозлар қўллаётган дастурларнинг актуаллигини назорат қилиш.

Тўлов тизимлари операторлари ёки тўлов хизматларини етказиб берувчилар масофавий ахборот тизимларининг янги талқинини (версиясини) жорий этганидан сўнг эски талқиндан (версиядан) фойдаланишни чеклаши ва янги талқинга (версияга) ўтиши (янгилаши) лозим.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар ўзаро тўлов ахборотлари ва тўлов ахборотларига тегишли бўлган маълумотлар алмашинувини телекоммуникация тармоқлари орқали амалга ошириш учун томонларнинг ахборотлаштириш объектлари хусусиятларидан келиб чиқиб, уларнинг вазифалари, жавобгарликлари ва мазкур Низом талабларини ўз ичига олган ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлигини таъминлаш, шунингдек банк карталари билан боғлиқ шубҳали (фрод) операцияларга қарши чоралар кўриш қоидаларини ишлаб чиқиши керак.

Тўлов агенти томонидан банк ёки тўлов ташкилоти билан тўлов хизматларини кўрсатиш учун тузилган агентлик шартномасида ахборот хавфсизлиги бўйича томонларнинг масъулиятлари белгиланган бўлиши керак.

Тўлов субагенти томонидан тўлов агенти билан тўлов хизматларини кўрсатиш бўйича тузилган субагентлик шартномасида ахборот хавфсизлиги бўйича томонларнинг масъулиятлари белгиланган бўлиши керак.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар ахборотнинг конфиденциаллиги ва яхлитлигини, шу жумладан, тўлов хизматларидан фойдаланувчининг шахсига доир маълумотларни муҳофаза қилишда ҳамда етарли хавфсизликни таъминлаш мақсадида қуйидаги чораларни кўришлари лозим:

тўлов тизимида ишлов бериладиган конфиденциал ва шахсга доир маълумотларнинг яхлитлиги ва дахлсизлигини муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш тартибини ишлаб чиқиш;

ички ҳужжатлар билан тартибга солинадиган ҳимояланадиган маълумотлар билан ишлашда хавфсизлик ва конфиденциалликни таъминлаш қоидалари ва талабларини ишлаб чиқиш;

конфиденциал ва шахсга доир маълумотлар билан ишловчи ходимлар сонини имкон даражасида камайитириш, ходимлар билан конфиденциал ва шахсга доир маълумотлар ошкор этилишининг олдини олиш бўйича мажбуриятномалар (шартнома) тузиш ва ушбу маълумотлардан фойдаланиш ҳуқуқларини ходимларнинг лавозим мажбуриятларидан келиб чиқиб белгилаш;

конфиденциал маълумотлар рўйхатини юритиш бўйича комиссия таркибини шакллантириш ва тасдиқлаш;

конфиденциал маълумотлар рўйхати ва ҳажмини аниқлаш ҳамда тасдиқлаш;

конфиденциал маълумотлар билан ишлашга рухсат берилган ходимлар рўйхатини шакллантириш ва тасдиқлаш;

ахборотлаштириш объектининг техник паспортини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

конфиденциал маълумотлар билан ишлаш тартибини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

конфиденциал маълумотларни ташувчи воситаларни рўйхатга олиш, йўқ қилиш, конфиденциал ахборот ташувчиларни ташқарига олиб чиқиш/кириш журналлари юритиш;

маълумотлар яхлитлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида электрон рақамли имзо калитларидан фойдаланиш ҳамда шифрланган маълумотларни сақлаш тартибини белгилаш;

конфиденциал ва шахсга доир маълумотлар мавжуд бўлган ресурсларга киришда идентификация, аутентификация ва авторизация қилинишини таъминлаш;

конфиденциал ва шахсга доир маълумотлар билан ишлаш ҳуқуқларининг рухсатсиз берилишини олдини олиш;

ахборот тизимлари фойдаланувчиларининг муҳофазаланган маълумотларига кириш, ишлов бериш, уларни сақлаш ҳамда тақдим этиш жараёнидаги амалга оширилган ҳаракатларни электрон баённомаларда қайд этиб бориш;

ташқи сақловчи қурилмалар ва техник воситаларнинг бинодан ташқарига олиб чиқилиши ҳамда уларнинг ўғирланишининг олдини олиш;

маълумотларни узатиш, сақлаш, ўчириб ташлаш, уларга ишлов бериш ҳамда уларнинг рухсатсиз четга чиқиб кетишининг олдини олиш чоралари таъминланганлигини назоратга олиш.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар ахборот ва интернет жаҳон ахборот тармоғини, шунингдек, серверлар ва алоқа каналларини эҳтимоли мавжуд бўлган кибертаҳдид ва киберҳужумлардан ҳимоя қилиш учун етарли чораларни кўриши лозим. Ушбу чоралар қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

компьютер тармоқларини сегментлаш ва тармоқлараро экрандан фойдаланиш;

ахборот тармоқлари, шу жумладан, интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали қабул қилинаётган ва узатилаётган маълумотларга рухсатсиз киришнинг олдини олиш бўйича техник (криптографик ва бошқа) ва/ёки ташкилий чоралар кўриш ҳамда тармоқ маълумотларини филтрлашни таъминлаш (тармоқлараро экранларни қўллаш);

ахборот тармоқлари ва веб-сайтлар орқали тўловларни амалга оширишда идентификация, кўп омилли аутентификация ва авторизация

қилиш (кўп омилли аутентификация қилиш мобил ва алоқасиз тўловларни амалга ошириш чоғида қўлланилмайди);

ахборот тармоқлари ва Интернет жаҳон ахборот тармоғи, шунингдек, серверлар ва алоқа каналларидан фойдаланувчиларни идентификация қилиш;

интернет жаҳон ахборот тармоғи ресурсларидан ходимларнинг фойдаланишини прокси-сервер орқали амалга ошириш, иш фаолияти учун зарур бўлмаган веб-сайтларга киришни чегаралаш ва кирилган веб-сайтларни қайд этиб бориш;

ахборот тизимларини асосий ва захира алоқа каналлари билан таъминлаш;

серверлар тармоғини муҳофазалаш (демилитаризация қилинган зоналарини (DMZ) ташкил этиш);

серверларда иш фаолияти учун зарур бўлмаган портларни ёпиш ва хизматларни тўхтатиш;

ахборот тизимида кириш объектлари ва ресурсларининг ҳисобини юритиш;

мобил тўловларни амалга ошириш чоғида фойдаланувчиларни кўп факторли аутентификация қилиш (SMS, QR-код, NFC, бармоқ излари, кўзнинг рангдор пардаси асосида аниқлаш ёки шу каби тасдиқловчи усулларни қўллаш мумкин);

мобил қурилмалар ёрдамида масофадан киришда тўлов маълумотлари ҳамда ахборот тизимларининг (маълумотлар базасининг) ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлигини таъминлаш;

масофавий хизмат кўрсатиш ва бошқа ахборот тизимларида миқдори идентификация ва аутентификация қилиш мақсадида қўлланиладиган (бир марталик ёки кўп марталик) паролларни ишлатиш тартибини белгилаш, тасдиқлаш кодларини қўллаш, бир марталик тасдиқлаш кодларини тизимга шифрланган ҳолда юбориш, антифрод ва биометрик идентификация тизимларини қўллаш, коднинг фаол бўлиш вақти ва бошқаларни ёритиш;

автоматлаштирилган тизимга киришда қўлланилган қурилма тўғрисида идентификация маълумотларини (IP-адрес, MAC-адрес ва бошқа идентификаторлар) қайд этиш;

тажовузларни аниқлаш ва уларнинг олдини олиш тизимларини қўллаш.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш бўйича талабларнинг бузилиши билан боғлиқ бўлган ҳодисаларга нисбатан қуйидаги таъсир чораларини кўришлари лозим:

юзага келиши мумкин бўлган ҳодисаларга нисбатан таъсир чораларини кўриш юзасидан зарур ҳаракатларни олдиндан кўра билиш ҳамда амалга ошириладиган ҳаракатлар рўйхатини белгилаш;

содир бўлган ҳодисаларга нисбатан қисқа муддатларда таъсир чораларини кўриш;

ишнинг узлуksизлигини таъминлаш, шунингдек, ноқонуний тўловлар ва ҳисобварақлардаги қолдиқ маблағларини рухсатсиз ўзгартирилишини олдини

олиш, ахборотни қайта тиклаш ҳамда бошқа салбий ҳолатларни бартараф этиш;

ходимлар томонидан мавжуд ахборот тизимларида ишлашда белгиланган ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик талабларига риоя қилинишини таъминлаш;

юзага келган ҳодисаларнинг келиб чиқиш омилларини аниқлаш мақсадида тармоқ қурилмалари ва ахборот тизимларининг электрон баённомаларини расмийлаштириш, йиғиш, таҳлил қилиш ҳамда уларга асосан тегишли кўрсатмаларни ишлаб чиқиш.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар банкомат, инфокиоск ва тўлов терминалларининг ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлигини таъминлаши лозим. Бунда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлашда қуйидаги чоралар қўлланилади:

банкомат, инфокиоск ва тўлов терминалларининг ҳисобини юритиш ҳамда уларнинг ахборот дастурига рухсатсиз киришининг олдини олиш;

банкомат, инфокиоск ва тўлов терминалларида техник хизмат кўрсатувчи шахслар фаолиятини назорат қилиш ҳамда улар томонидан амалга оширилган ўзгартиришлар бўйича электрон баённома юритиш;

видеокузатув тизимлари ёрдамида банкоматлар билан ишлаш жараёнларини назоратга олиш (банкоматга киритиладиган банк карталарининг пин код рақамлари видеокузатув тизимлари орқали қайд этиш имкониятига эга бўлмаслиги лозим);

бош банк ҳамда унинг инфратузилмалари (филиал, мини-банк ва бошқалар) ва бошқа қўриқланадиган объектларидан ташқарида жойлаштирилган банкоматларнинг видеокузатув маълумотлари бош банк ёки унинг филиалидаги техник қурилмаларга тўғридан тўғри (онлайн) ёзиб борилишини таъминлаш;

банкомат тармоқ кабелларини муҳофазалаш;

банкоматнинг бошқа банкоматлар билан бир хил бўлган қулфларини алмаштириш;

банкоматларни алоқа каналларидан ёки жисмонан боғланган ҳолда эҳтимолий ҳужумлардан (шу жумладан, скиммингдан) ҳимоя қилиш;

банкоматларнинг операцион тизими ҳамда BIOS тизимига кириш ҳуқуқларини мураккаб пароллар билан ҳимоялаш;

аутентификация қилиш тартибини белгилаш;

тўловларни амалга оширувчи қурилмаларнинг ҳисобини юритиш;

банкоматлардаги нақд пул маблағларининг жисмоний муҳофазасини таъминлаш;

тармоқ орқали ахборот алмашинувида ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш;

халқаро тўлов тизимлари билан ишлайдиган ахборот тизимларида халқаро стандартлар (PCI DSS, PTS, PA DSS) талабларига мувофиқ ахборот муҳофазаси воситалари ва тизимларини жорий қилиш.

Тўлов тизимлари операторлари ўз тизимларидаги банкомат ва инфокиоскларда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни банклар билан биргаликда таъминлайди ҳамда уларнинг узлуксиз ва тўғри ишлашини назорат қилади. Агар ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик бўйича маълум бир (ёки барча) масъулият тўлов хизматларини етказиб берувчига юклатилган бўлса, мазкур ҳолат тегишли шартномаларда қайд этилиши ва масъулият юклатилган ташкилотга зарурий шароитлар яратиб (банкоматларнинг ахборот тизимидаги ишлаш ҳуқуқлари) берилиши зарур.

Муҳим тўлов тизимлари операторлари мазкур Низомда белгиланган хавфсизлик чораларига қўшимча равишда қуйидаги ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик чораларини таъминлаши зарур:

тўлов тизимининг узлуксиз ишлаши ишончилигини таъминлаш;

ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш хизматини ташкил этиш ва унинг мажбуриятларини белгилаш;

Ўз ДСт 2875:2014 “Датамарказларга қўйиладиган талаблар. Инфратузилма ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш” стандартининг датамарказ телекоммуникация воситалари инфратузилмаси тайёрлиги ва хавфсизлигининг учинчи даражадан паст бўлмаслигини таъминлаш;

халқаро банк карталаридан фойдаланилганда PCI DSS хавфсизлиги стандарти, Payment Services Directive (PSD2) тўлов хизматларини кўрсатиш директиваси талабларига мувофиқлаштириш;

ахборот тизимлари тўғри ташкил этилганлиги юзасидан нуфузли халқаро аудитор ташкилотларни жалб қилиш орқали АКТ-инфратузилмасини (ахборот хавфсизлиги ҳолатини) аудитдан ўтказишни таъминлаш;

Ўзбекистон Республикасининг “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида муҳим тўлов тизимлари операторларига белгиланган талабларни бажариш.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчиларнинг тўловлар билан боғлиқ маълумотларни сақлаш ва уларга ишлов бериш хоналари билан таъминланган бўлиши керак. Ушбу хоналар қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

рухсатсиз жисмоний киришдан муҳофазаланган бўлиши;

хона биринчи қаватда жойлашган ҳолларда унинг деразалари темир панжара билан жиҳозланган бўлиши;

қўриқлаш ва ёнғиндан огоҳ этувчи иккита ҳимоя тўсиғи хабаргоҳлари билан жиҳозланиши;

тунги вақтда қўриқлаш ва огоҳлантириш қурилмалари билан жиҳозланиши;

видеокузатув орқали назоратга олиниши.

Тўлов тизимлари операторлари ўзларининг тўлов тизимларида ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик чораларини кўришда назорат ва мониторинг ишларини амалга оширишлари лозим.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар автоматлаштирилган тизимлар, иловалар ҳамда ахборот инфратузилма объектларини ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик

заифликларига таҳлил қилиши, ҳар йили камида икки марта рухсатсиз киришга текшириши ва ҳужжатларда қайд этилмаган имкониятлар мавжуд эмаслигини назорат қилиши лозим.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар ҳар йили, келгуси йилнинг биринчи апрелидан кечиктирмай, Марказий банкка ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликнинг таъминланганлик ҳолати тўғрисида ҳисобот тақдим этиши шарт.

Тўлов тизими операторлари, тўлов тизимининг иштирокчилари ва тўлов ташкилотлари таваккалчиликларни бошқариш тўғрисидаги ҳужжатларида жисмоний ва юридик шахсларнинг розилигисиз амалга оширилган пул ўтказмаларининг тавсифи, миқдори ва ҳаракатларини таҳлил этиш орқали банк карталаридан жисмоний ва юридик шахсларнинг розилигисиз амалга оширилган пул ўтказмаларининг мезонларига мос келадиган операцияларни аниқлаш жараёнларини белгилайди.

Тўлов тизими операторлари банк карталари орқали жисмоний ва юридик шахсларнинг розилигисиз пул ўтказмаларини олдини олиш мақсадида транзакцион антифрод тизимларини жорий этиши ҳамда Марказий банкнинг марказлашган антифрод тизимига интеграция қилинишини таъминлаши лозим.

Тўлов тизимининг иштирокчилари ва тўлов ташкилотлари ўзларида сессион антифрод тизимларини жорий этиши ҳамда Марказий банкнинг марказлашган антифрод тизимига интеграция қилинишини таъминлаши лозим.

Тўлов тизими иштирокчилари ва тўлов ташкилотларида банк карталари орқали жисмоний ва юридик шахсларнинг розилигисиз амалга оширилган пул ўтказмаларининг мезонларига мос келадиган операциялар аниқланганда, ушбу операция бўйича тақдим этилган фармойишнинг бажарилишини антифрод тизимлари доирасида амалга оширади.

Тўлов тизими операторлари, тўлов тизимининг иштирокчилари ва тўлов ташкилотлари жисмоний ва юридик шахсларнинг розилигисиз амалга ошириладиган тўловларни олдини олиш мақсадида қуйидагиларни бажариши лозим:

жисмоний ва юридик шахсларнинг розилигисиз амалга оширилган пул ўтказмаларининг тавсифи, миқдори ва ҳаракатларини таҳлил этиши, таваккалчиликларни баҳолаши ва бошқариши ҳамда уларнинг мезонларига мос келадиган операцияларни аниқлаш жараёнларини белгилаши;

жисмоний ва юридик шахслар ўртасида тузилган шартномаларда (оммавий оферталарда) антифрод тизими доирасида банк карталари билан боғлиқ шубҳали (фрод) операцияларга қарши чоралар кўриш масалаларини ёритиши;

банк карталари билан боғлиқ шубҳали (фрод) операциялар бўйича келиб тушадиган мурожаатларни йиғиши ва таҳлил қилиши;

тўлов хизмати фойдаланувчисининг пул маблағларини ўтказиш вақтида, ушбу тўлов шубҳали (фрод) операциялар рўйхатида бўлса, бундай ҳолат ҳақида фойдаланувчига хабар (SMS, мессенжер ёки бошқа ахборот тизимлар

орқали) бериши, такрорий тасдиқ (PIN код, яширин сўзни киритиш ёки бошқа тарзда маълумот) олиши, агар маълум вақт оралиғида ушбу тасдиқ олинмаса, ушбу тўлов операциясини бекор қилиши;

фойдаланувчи томонидан ўзининг ҳисоб-варақларига тегишли тўлов операцияларини тўхтатиш (блокировка қилиш) имкониятини яратиши;

банк карталари билан боғлиқ шубҳали (фрод) операцияларда иштирок этган банк карталари ва ҳисобварақлари, мобил иловалари аккаунтлари ҳамда электрон ҳамёнлар тўғрисида ўзларининг ахборот тизимларида мавжуд бўлган маълумотларни Марказий банкнинг сўровига асосан ўз вақтида тақдим этиши;

ахборот тизимлари ва ресурсларида аниқланган, жисмоний ва юридик шахсларнинг розилигисиз амалга оширилган пул ўтказмаларини ўтказиш ёки ўтказишга уриниш ҳолатлари тўғрисидаги маълумотларни Марказий банкка тақдим этиб бориши.

Тўлов тизими операторлари, тўлов тизимининг иштирокчилари ҳамда тўлов ташкилотлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг розилигисиз тўловлар содир этилган ҳолатларда иштирок этган банк карталари ва ҳисобварақлари, мобил иловалари аккаунтлари ҳамда электрон ҳамёнлардан фойдаланишни вақтинча чекланган (блокланган) муддат мобайнида қонун ҳужжатларида уларни чеклаш (блоклаш) учун бошқа асослар бўлмаганда, улардан фойдаланишга қўйилган вақтинчалик чеклов (блоклаш) олиб ташланади.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг розилигисиз амалга оширилган пул ўтказмаларининг мезонлари Марказий банк бошқарувининг қарорига асосан белгиланади.

Тўлов тизими операторлари, тўлов тизимининг иштирокчилари ҳамда тўлов ташкилотлари EPOS-терминалларида фойдаланишда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш бўйича қуйидагиларни амалга ошириши лозим:

тўлов агентлари ва субагентларининг реестрини юритиши, шунингдек, тўлов агентлари ёки субагентларини рўйхатдан ўтказиш, ўзгартириш ва ўчиришда 1 иш куни ичида Марказий банкка ўзгартирилган реестрни тақдим этиши;

жисмоний шахслар ўртасида пул маблағларини ўтказишни (P2P) амалга ошириш учун алоҳида EPOS-терминалидан фойдаланиши, шунингдек ушбу EPOS-терминалларида бошқа мақсадларда фойдаланишини таъқиқлаши;

EPOS-терминалларида шартномада кўрсатилган мақсадларда фойдаланишни назорат қилиши;

EPOS-терминалларида, шунингдек фойдаланувчи пароллари ва кириш ҳуқуқларида фойдаланишда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш тартибини ишлаб чиқиши.

Тўлов тизими операторлари ва тўлов тизимининг иштирокчилари Марказий банкнинг мажбурий кўрсатмасига кўра, шубҳали (фрод) операциялари амалга оширилишини чеклаш ёки тўхтатиш мақсадида EPOS-

терминаллардан фойдаланишни тўхтатиш ёки ушбу терминалларни ўчириш чораларини кўриши лозим³⁴².

Киберхавфсизликни таъминлаш воситалари мажбурий тартибда сертификатлаштирилади³⁴³.

Кредит бюрolariда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш мақсадида асосий вазифалари қуйидагилардан иборат бўлган ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш хизмати (бундан буён матнда Хизмат деб юритилади) ташкил этилади:

ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликнинг таъминланганлик даражасини ошириш, уни баҳолаш, шунингдек авариялар ва ходимлар йўл қўйган хатолар натижасида келиб чиқадиган йўқотишларни камайтириш ва содир этилишини олдини олиш;

ахборот инфратузилмасининг яхлитлиги ва хавфсизлигини назорат қилиш;

серверларда ва тармоқ қурилмалардаги дастурий таъминотларни муҳофаза қилиш;

барча технологик жараёнларда ходимлар ҳаракати, шунингдек ахборот тизимларида амалга оширилган ҳаракатлар бўйича электрон баённомалар рўйхатини юритиш;

ахборот тизимларида ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик талабларини бузиш ҳолатларини олдини олиш чораларини кўриш;

маълумотларнинг учинчи шахсларга ошкор этилишини олдини олиш;

ахборот-коммуникация технологиялари инфратузилмасида юзага келган ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик ҳодисалари, кибертахдидлар, киберхужумлар аниқланган вақтда бу ҳақидаги маълумотларни зудлик билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига (бундан буён матнда Марказий банк деб юритилади) тақдим этиш;

ахборот-коммуникация технологиялари инфратузилмаси, ахборот тизимлари ва ресурсларида ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликнинг таъминланганлик ҳолатини ички қоида ва тартибларга мувофиқлигини бир йилда камида икки маротаба ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик таваккалчиликларини ҳисобга олган ҳолда ўрганиш ва ўрганиш натижаларини далолатнома билан расмийлаштириш.

Кредит бюрolari тармоқ ҳамда алоқа каналларини эҳтимоли мавжуд бўлган кибертахдидлар ва киберхужумлардан ҳимоя қилиш учун қуйидаги чораларни кўриши лозим:

компьютер тармоқларини сегментлаш ҳамда янги авлод тармоқлараро экран қурилмаларидан фойдаланиш;

³⁴² Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2024 йил 24 апрелдаги 13/1-сон қарори (21.05.02024 й., рўй.: 3513-сон) билан тасдиқланган “Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчиларнинг тўлов тизимларида ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш ҳамда рақамли технологиялар воситасида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларни олдини олиш чораларини кўриш тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

³⁴³ Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати раисининг 2024 йил 15 октябрдаги 114-сон буйруғи (14.11.2024 й., рўй.: 3574-сон) билан тасдиқланган “Ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини таъминлаш учун қўлланиладиган аппарат, аппарат-дастурий ҳамда дастурий воситаларни сертификатлаштириш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

тармоқ орқали қабул қилинган ва узатиладиган маълумотларга рухсатсиз киришни олдини олиш бўйича техник (криптографик ва бошқа) ва (ёки) ташкилий чоралар кўриш ҳамда тармоқ маълумотларини филтрлашни таъминлаш (янги авлод тармоқлараро экран қурилмаларини қўллаш);

тармоқ қурилмаларидаги ARP (Address Resolution Protocol) жадвалларини электрон архивлаш;

Интернет жаҳон ахборот тармоғи ресурсларидан ходимларнинг фойдаланишини прокси-сервер орқали амалга ошириш, иш фаолияти учун зарур бўлмаган веб-сайтларга киришни чегаралаш ва қирилган веб-сайтларни қайд этиб бориш;

ахборот тизимларини асосий ва захира алоқа каналлари билан таъминлаш;

серверларда иш фаолияти учун зарур бўлмаган портларни ёпиш ва хизматларни тўхтатиш;

ахборот тизимига кириш объектлари ва ресурсларининг ҳисобини юритиш;

масофавий хизмат кўрсатиш ва бошқа ахборот тизимларида мижозни идентификация ва аутентификация қилиш мақсадида қўлланиладиган (бир марталик ёки кўп марталик) паролларни ишлатиш тартибини белгилаш, тасдиқлаш кодларини қўллаш, бир марталик тасдиқлаш кодларини тизимга шифрланган ҳолда юбориш, коднинг фаол бўлиш вақти ва бошқаларни ёритиш;

ахборот тизимига киришда қўлланилган қурилманинг идентификация маълумотларини (IP-манзил, MAC-манзил ва бошқа идентификаторлар) қайд этиш;

тажовузларни аниқлаш ва олдини олиш тизимларини (IDS/IPS) қўллаш ҳамда базасини актуал ҳолатда бўлишини таъминлаш.

Кредит бюрolari кредит ахборотини шакллантириш, узатиш, сақлаш ва унга ишлов беришнинг барча босқичларида узлуксиз ҳимояни таъминлаш учун қуйидаги чораларни кўришлари шарт:

идентификация, аутентификация ва авторизация қилиш тизимини жорий этиш;

тизимга рухсатсиз киришнинг олдини олиш усулларини (логин, парол, кўп факторли аутентификация ва бошқа) қўллаш;

идентификация маълумотларини қалбакилаштириш, уларни рухсатсиз ўзгартириш ҳамда учинчи шахсларга тақдим этишдан ҳимоялаш;

кредит ахборотини узатишда унинг асл эгасига етказилишини таъминлаш ҳамда бошқа шахсларга жўнатилишининг олдини олиш;

кредит ахборотини сақлашда уларни рухсатсиз кўчириш, ўзгартириш, ўчириш ҳамда учинчи шахсларга жўнатилишининг олдини олиш чораларини кўриш;

ташқи сақловчига кўчирилган маълумотларни сейфда (темир шкафда) сақланишини таъминлаш ҳамда маълумотларни сақлаш учун масъул ходим (ходимлар) тайинлаш;

ахборот тизимларидаги дастурий таъминотларнинг назоратини ва ҳисобини юритиш ҳамда дастурий таъминот талқинларининг, аппарат-дастурий қурилмаларининг ва дастурий воситаларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш;

ахборот тизимларининг актуал ҳолатда (охирги версияда) бўлишини таъминлаш, бунда дастурий таъминотнинг янги талқинини амалиётда ишлаб турган ахборот тизимининг иш фаолиятига салбий таъсир кўрсатмасдан тест-синов майдонларида текширувдан ўтказиш ва ижобий натижага эришилганидан сўнг амалиётга жорий этиш;

кредит ахборотини узатиш, сақлаш жараёнларини электрон баённомаларда (log) автоматик тарзда шакллантириб бориш ва сақланишини таъминлаш;

Хизматни ташкил этиш ҳамда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш бўйича амалга ошириладиган ишларни назорат қилиш;

ҳисоблаш тармоғининг хавфсизлиги ва криптографик муҳофазасини таъминлаш, компьютер вирусларидан ҳимоялаш, ахборот тизимларига киришни бошқариш, техник воситаларини созлаш ва бошқа чораларни қўллаш;

ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлашда ускуна, қурилма, аппарат-дастурий ва дастурий техник воситалар қўлланишини таъминлаш ҳамда уларни мунтазам такомиллаштириб бориш, фойдаланиш тартибларини белгилаш, техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш ва бошқа ҳолатларда улардан рухсатсиз фойдаланишнинг олдини олиш;

қўлланилаётган техник воситаларга барча телекоммуникация тармоқларидан рухсатсиз кириш, маълумотларни ўзгартириш, ўчириш ва кўчириб олишдан ҳимоялаш;

ахборотларни чиқиб кетишини (йўқолишини) олдини олиш;

ахборот тизимида рухсатсиз кириш ёки киберхавфсизлик ҳодисалари содир бўлганда, таҳлил қилиш асосида ҳимоя тизимларини мустаҳкамлаб бориш чораларини кўриш.

Кредит бюrolари ахборот тизимларидан маълумотларнинг рухсатсиз узатилиши ва тарқалишидан ҳимоялаш бўйича DLP (Data Loss Prevention) тизими жорий этилиши шарт. Маълумотларни ҳимоя қилишда:

муҳофазаланадиган маълумотларни рухсатсиз турли тармоқ каналлари орқали узатилиши, ҳисобга олинмаган ташқи ташувчига кўчирилиши, рухсатсиз чоп этилиши аниқланиши ва бу ҳақида кредит бюро раҳбариятига маълумот бериш ва келгусида шу каби салбий ҳолатлар бўлмаслигини олдини олиш чоралари кўрилиши;

муҳофазаланадиган маълумотларни сервер ва компьютерларда сақланиши назорат қилиниши лозим.

Кредит бюrolари дастурлар ва операцион тизимларга зарар келтирувчи зарарли кодлар (компьютер вируслари) ва уларнинг салбий таъсирини олдини олиш учун қуйидаги чораларни кўриши шарт:

ҳисоблаш техникаси қурилмалари (серверлар, компьютерлар ва бошқалар), иш фаолиятига зарар етказувчи кодларни (компьютер вирусларини) аниқлаш ва уларнинг салбий таъсирини олдини олиш чораларини кўриши;

ахборот тизимларида фақат лицензияланган антивирус дастуридан фойдаланиш, уларнинг русумлари ва базалари актуаллиги ҳамда янгиланиб борилишини таъминлаши;

антивирус дастурларининг ўрнатилиши ҳамда унинг ишлаши Хизмат томонидан назорат қилиниши;

антивирус дастурларининг автоматик тарзда ишлашини таъминлаши;

тармоқ орқали келган барча ахборотларни антивирус дастури орқали текшириши;

антивирус дастурининг соғломалари бунга масъул бўлмаган кредит бюроси ходимлари томонидан ўзгартириш имконияти бўлмаслигини таъминлаши;

компьютер вируси аниқланганда, ходимлар томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар тартиби белгиланиши.

Кредит бюрolariда антивирус дастурларини марказлашган ҳолда бошқариш тизими жорий этилиши, антивирус дастурининг базаси ҳар кун янгиланиб борилиши ва версияси актуал (маънан эскирмаган) бўлиши таъминланиши лозим.

Антивирус дастурлари серверлар, компьютерлар ва бошқа барча антивирус дастурлари ўрнатилиши мумкин бўлган ҳисоблаш воситаларига ҳамда қурилмаларга ўрнатилган бўлиши лозим.

Антивирус дастурлари Марказий банкнинг мониторинг тизимига уланиши шарт.

Ахборот тизимларида ахборотни муҳофаза қилишнинг криптографик усуллари қўлланилишида қуйидагилар белгилаб оlinиши лозим:

криптографик муҳофаза воситаларини автоматлаштирилган тизимларга боғлаш, ишга тушириш, ишлатиш ва фойдаланишдан чиқариш тартиби;

криптографик муҳофаза воситаларининг тўхтаб қолиши, ишдан чиқиши ва бошқа ғавқулдда ҳолатларда уларни қайта тиклаш тартиби;

криптографик муҳофаза дастурларига ва техник ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тартиби;

криптографик калитларни бошқариш тартиби;

криптографик калитларни ташувчи қурилмаларни қўллаш, сақлаш, ўзгартириш ва бошқалар бўйича ташкилий ҳамда техникавий усулларни қўллаш тартиби.

Кредит бюрolari Марказий банк ва кредит ташкилотлари билан электрон ахборот алмашинувини Марказий банкнинг “Ахборотлаштириш бош маркази” давлат унитар корхонаси билан тузилган шартнома асосида банк телекоммуникация тармоғи орқали амалга оширади. Бунда, қуйидаги хавфсизлик чоралари кўрилиши керак:

а) кредит ахбороти билан ишлаш учун фақат тегишли рухсатга эга бўлган ходимлар қўйилиши;

б) фойдаланувчиларнинг тизимга кириши учун аутентификация қилиш логин ва парол ҳамда аппарат-дастурий воситалар (токен-махсус курилма) ёрдамида амалга оширилиши. Бунда, парол 12 та белгидан кам бўлмаган рақам ва символлар комбинациясидан иборат бўлиши ҳамда парол ва логинларни муддати тугашига қараб ўзгартириш имконияти бўлиши лозим. Паролнинг амал қилиш муддати бир ойдан ошмаслиги лозим;

в) кредит ахбороти алмашинувида қатнашувчи ходимларнинг сервер ва компьютерлари телекоммуникация тармоқлари орқали ишлаши учун аппарат-дастурий воситалар билан жиҳозланиши;

г) ахборотларни қайта ишлаш, узатиш ва қабул қилиш учун ажратилган серверлар ва компьютерларга умумий локал тармоққа уланган бошқа компьютерлардан кириш имконияти бўлмаслиги;

д) кредит бюроси томонидан узатиладиган ва қабул қилинадиган ҳар қандай ахборот электрон рақамли имзо билан тасдиқланиши ҳамда бажарилган ишлар бўйича маълумот автоматик равишда электрон журналга киритилиши. Бунда, электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгаси куйидагиларни амалга ошириши шарт:

электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитидан фойдаланиш устидан назоратни таъминлаши;

электрон рақамли имзо калити сертификатини берган электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатга олиш марказига электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитидан фойдаланиш режими бузилганлиги ёки бузилиши эҳтимоли борлиги тўғрисида хабар қилиши ва электрон рақамли имзо калити сертификатининг амал қилишини тўхтатиб туришни ёхуд мазкур сертификатни бекор қилишни талаб қилиши;

ўзи вакил бўлган юридик шахс қайта ташкил этилганда ва тугатилганда, бу ҳақда электрон рақамли имзо калити сертификатини берган электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатга олиш марказига хабар қилиши;

э) электрон рақамли имзо очик калитининг фойдаланувчиси электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлиги тасдиқланмаган ҳолларда электрон рақамли имзонинг ёпиқ калити эгасига хабар бериши;

ж) кредит бюроларининг тизимларида кредит ахборотига тегишли бўлмаган ахборотларнинг узатилиши тақиқланиши;

з) электрон ахборот алмашинувида виртуал тармоқлар (VPN) асосида ташкил этилган ва ҳимояланган алоқа каналлари қўлланилиши.

Ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш бўйича қўшимча ахборотни муҳофаза қилиш воситалари қўлланилиши мумкин.

Кредит бюрolari тизим иштирокчилари билан тузилган шартномаларда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш ҳамда конфиденциал, жумладан банк сирини ташкил этувчи ва шахсга доир маълумотларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича талабларни белгилаши шарт.

Кредит бюрolari ахборотлаштириш объектларига рухсатсиз кириш ҳамда фойдаланишни чегаралаш мақсадида куйидаги чораларни кўриши керак:

ахборотлаштириш объектларига жисмонан таъсир этишни ҳамда техник жиҳозлар мавжуд бўлган бино ва хоналарга киришни назорат қилиш;

ходимларнинг ахборотлаштириш объектларига киришини назорат қилиш ва маълумотларнинг рухсатсиз тарқалишидан ҳимоялаш тизимларини жорий қилиш;

серверлар ва телекоммуникация қурилмалари жойлашган хоналарда ишлаш жараёнларини видеокузатув тизимлари ёрдамида назорат қилиш.

Кредит бюrolари барча турдаги маълумотларни (шу жумладан, банк сирини ташкил этувчи, шахсга доир ва бошқа қонун билан муҳофаза қилинадиган маълумотларни) сақловчи ахборот тизимларининг ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлигини таъминлашлари шарт.

Кредит бюrolари ахборотнинг конфиденциаллиги ва яхлитлигини, шу жумладан шахсга доир маълумотларни муҳофаза қилишда ҳамда хавфсизликни таъминлашда қуйидаги чораларни қўришлари лозим:

ахборот тизимлари орқали ишлов бериладиган конфиденциал ва шахсга доир маълумотларнинг яхлитлиги ва дахлсизлигини таъминлаш ҳамда улардан фойдаланиш тартибини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

ички ҳужжатлар билан тартибга солинадиган ҳимояланадиган маълумотлар билан ишлашда хавфсизлик ва конфиденциалликни таъминлаш қоидалари ва талабларини ишлаб чиқиш;

конфиденциал ва шахсга доир маълумотлар билан ишловчи ходимлар сонини имкон даражасида камайтириш, ходимлар билан конфиденциал ва шахсга доир маълумотлар ошкор этилишининг олдини олиш бўйича мажбуриятномалар (шартнома) тузиш ва ушбу маълумотлардан фойдаланиш ҳуқуқларини ходимларнинг лавозим мажбуриятларидан келиб чиқиб белгилаш;

конфиденциал маълумотлар рўйхатини юритиш бўйича комиссия таркибини шакллантириш ва тасдиқлаш;

конфиденциал маълумотлар рўйхати ва ҳажмини аниқлаш ҳамда тасдиқлаш;

конфиденциал маълумотлар билан ишлашга рухсат берилган ходимлар рўйхатини шакллантириш ва тасдиқлаш;

ахборотлаштириш объектининг техник паспортини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

конфиденциал маълумотларни ташувчи воситаларни рўйхатга олиш, йўқ қилиш ҳамда ташқарига олиб чиқиш ва кириш журналларини юритиш;

маълумотлар яхлитлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида электрон рақамли имзо калитларидан фойдаланиш ҳамда шифрланган маълумотларни сақлаш тартибини белгилаш;

конфиденциал ва шахсга доир маълумотлар мавжуд бўлган ахборот ресурсларига киришда идентификация, аутентификация ва авторизация қилинишини таъминлаш;

конфиденциал ва шахсга доир маълумотлар билан ишлаш ҳуқуқларининг рухсатсиз берилишини олдини олиш;

ахборот тизимлари фойдаланувчиларининг муҳофазаланган маълумотларига кириш, ишлов бериш, уларни сақлаш ҳамда тақдим этиш жараёнидаги амалга оширилган ҳаракатларни электрон баённомаларда қайд этиб бориш;

ташқи сақловчи қурилмалар ва техник воситаларнинг бинодан ташқарига олиб чиқилишини назорат қилиш;

маълумотларни узатиш, сақлаш, ишлов бериш, ўчириш ҳамда рухсатсиз четга чиқиб кетишини олдини олиш чоралари таъминлаш.

Кредит бюrolари ахборот тизимларида ишлаш жараёнида, шу жумладан ишлаб чиқиш ва синовдан ўтказиш жараёнида ваколатларни чегаралаш учун қуйидаги чораларни кўришлари лозим:

ахборот тизимларида ишлаш ҳуқуқларини белгиловчи тартиб ва қоидаларни ишлаб чиқиш ва уларни лавозим йўриқномаларида акс эттириш ҳамда тегишли ҳужжатга (ариза, талабнома ёки бошқа шаклга) асосан тизимдан фойдаланиш тартибини таъминлаш;

ахборот тизимларида ишлаш ҳуқуқи берилган масъул ходимлар рўйхатини шакллантириш;

ахборот тизимларида ишлаш ҳуқуқларини белгилаш ва тақсимлаш билан боғлиқ ҳаракатларни рўйхатга олиш;

ахборот тизимларида ишлаш ҳуқуқлари мантиқан ва иш вазифасидан келиб чиқиб тўғри белгиланганлигини даврий (ҳар чоракда бир маротаба) текшириб туриш;

ахборот тизимларининг ишлаши ва синовдан ўтказилиш даврида ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш ҳамда берилган ахборот тизимларида ишлаш ҳуқуқлари тўғрилигини назорат қилиш;

ахборот тизими фойдаланувчилари ахборот тизими томонидан берилган ҳуқуқларни ўзгартириш имкониятига эга бўлмаслигини таъминлаш ҳамда бу ҳуқуқларни бегона шахсларга беришни чеклаш чораларини кўриш.

Кредит бюrolари ўзларининг ахборот тизимларига ўзгартириш киритиш учун бошқа ташкилотларни жалб қилганда қуйидагиларни амалга оширишлари зарур:

конфиденциал ва шахсга доир маълумотларни ошкор этмаслик бўйича битим тузиш;

ахборот тизимларида муҳофаза қилинадиган маълумотлар билан ишлашни белгиланган тартибда рухсат бериш асосида амалга ошириш;

тегишли лицензия ва (ёки) бошқа рухсатномага эга бўлган (агар ушбу фаолият лицензия ёки тегишли рухсатнома асосида амалга оширилса) ташкилотларни жалб қилиш;

ахборот тизимларини лойиҳалаш босқичида маълумотларнинг конфиденциаллигини таъминлаш чораларини ишлаб чиқиш;

кўриладиган ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш бўйича чоралар (амалга ошириладиган ишлар, ўрнатиладиган дастурлар, қурилмалар ва бошқалар) ва аниқ кўрсатилган техник топшириқни қабул қилиш (тест синовларини амалга ошириш режаси) ҳамда бошқа тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш;

дастурий таъминотни ишлаб чиққан ва унга ўзгартириш киритган (киритадиган) ташкилотлар рўйхатини тузиш;

ахборот тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этишнинг тахминий муддатларини ҳамда шартларини белгилаб олиш;

жалб қилинган ташкилот ходимлари томонидан ахборот тизимларига киритиладиган ўзгартиришларнинг асослилигини, мавжуд техник топшириқларга мослигини, ахборот тизимига алоқадор бўлмаган дастурлар (тизим функциялари) киритилмаслиги ва тест синовлари натижаларининг ижобийлигини Хизмат ҳамда ахборотлаштириш бўйича масъул ходим томонидан назоратга олиш.

Кредит бюrolари электрон почта тизими серверини ўзининг локал хисоблаш тармоғида яратади.

Кредит бюrolари интернет тармоғи ва электрон почта тизимларидан фойдаланишда ахборот муҳофазасини таъминлаш, ходимларни тизимга киритиш, уларга чекловлар қўйиш, ходимлар ҳаракати ва тизим ахборот хавфсизлиги устидан назорат қилишни ўзининг ички хужжатларида белгилайди.

Кредит бюrolари томонидан конфиденциал ва шахсга доир маълумотлар рухсат берилган ахборот тизимлари орқали юборилиши шарт.

Файлларни узатиш протоколи (FTP) серверида ташкил қилинган умумий каталог орқали файл алмашинувини амалга ошириш ва банк сири маълумотларини тармоқда эркин ўқиш учун жойлаштириш тақиқланади.

Кредит бюrolари томонидан интернет ва электрон почта орқали юборишга тайёрланган ёки қабул қилинган ҳар бир электрон маълумот антивирус дастури ёрдамида текширилиши шарт. Электрон почта орқали қабул қилинган маълумотлар зарар келтирмаслиги учун қумдонда (Sandbox тизими) текширилиши лозим.

Кредит бюrolари ўзининг электрон почта тизими ҳамда интернет тармоғидан фойдаланиш тартибини ички хужжатлари билан белгилайди ҳамда электрон почта орқали юборилган ва қабул қилинган маълумотларни Хизмат томонидан назорат қилинишини таъминлайди. Бунда фақат рухсат берилган фойдаланувчилар интернет тармоғидан фойдаланиши ва интернет тармоғидан фойдаланишда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш чоралари қўрилиши керак.

Интернет тармоғи ва банк телекоммуникация тармоғи алоҳида маршрутизатор (router) ва алоҳида тармоқлараро экран (firewall) қурилмалари орқали жисмонан уланиши шарт.

Ахборот муҳофазасини кучайтириш мақсадида тармоқ протоколида (TCP/IP) тармоқ транзит пакетларининг IP манзилларини ўзгартириш имконини берувчи тармоқ адресларини ўзгартириш протоколи (NAT) қўлланилиши мумкин. Бунда тармоқ орқали барча уланишларнинг электрон журналлари асл IP манзиллар кўрсатилган ҳолда юритилиши ва белгиланган тартибда электрон архивга олиниши шарт.

Интернет тармоғидан фойдаланиш тартиби назоратга олинган бўлиши ва кредит бюроси ходимларининг интернет тармоғидан фойдаланишлари уларнинг лавозим йўриқномасига асосан белгиланади.

Интернет тармоғидан фойдаланган ходимнинг логини, фойдаланиш вақти, ресурс номи ва бошқа маълумотлар акс эттирилган электрон баённомалар юритилиши керак. Хизмат ушбу электрон баённомаларни таҳлил қилиб боради.

Интернет тармоғидан фойдаланишда ахборот муҳофазасини таъминлаш янги авлод тармоқлараро экран қурилмалари, прокси-сервер, антивирус, тажовузларни аниқлаш ва олдини олиш (IDS/IPS), anti-spam, anti-bot ва бошқа ахборот хавфсизлиги тизимларини қўллаш йўли билан амалга оширилади.

Кредит бюрolari ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлашга доир талабларнинг бузилиши билан боғлиқ бўлган ҳодисаларни аниқлаш мақсадида қуйидаги ишларни ташкил этиши шарт:

қўлланилиши зарур бўлган ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик бўйича ташкилий чораларни аниқлаш;

мавжуд техник қурилмаларни ишлатиш, созлаш ҳамда улардаги маълумотларни қайд этиш;

ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик талабларининг бузилиши билан боғлиқ ҳодисаларни аниқлаш чораларини кўриш ҳамда ушбу ҳолатлар кредит бюроси ходимлари томонидан аниқланганда Хизматни хабардор қилиш;

ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик талабларининг бузилиши билан боғлиқ ҳодисалар юзага келганда, уларни бартараф этиш, юзага келиш сабабларини аниқлаш, таҳлил қилиш ҳамда аниқланган ҳодисалар юзага келмаслиги бўйича тегишли чоралар кўриш;

аниқланган ҳодисаларни рўйхатга олиб бориш (реестрини юритиш);

аниқланган ҳодисалар тўғрисидаги маълумотларни сақлаш тартибини белгилаш;

ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлашнинг бошқа чораларини кўриш.

Кредит бюрolari ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик талабларининг бузилиши билан боғлиқ ҳодисалар тўғрисида Марказий банкка зудлик билан ёзма ёки электрон шаклда хабар бериши шарт.

Кредит бюрolari ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш бўйича талабларнинг бузилиши билан боғлиқ ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида қуйидагиларни белгилаши шарт:

ахборот тизимларида ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик таваккалчиликларини бошқариш тартиби ва уларни баҳолаш мезонлари;

ахборот тизимида нохуш ҳодисалар юзага келганда ўзаро ҳаракатланиш тартиби;

содир бўлган нохуш ҳодисаларга нисбатан таъсир чораларини кўриш бўйича амалга ошириладиган ҳаракатлар рўйхати;

ишнинг узлуксизлигини таъминлаш, ахборотни қайта тиклаш ҳамда бошқа салбий ҳолатларни бартараф этиш чоралари;

ходимлар томонидан мавжуд ахборот тизимларида ишлашда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик талаблари;

юзага келган ҳодисаларнинг келиб чиқиш омилларини аниқлаш мақсадида тармоқ қурилмалари ва ахборот тизимларининг электрон баённомаларини расмийлаштириш, йиғиш, таҳлил қилиш ҳамда уларга асосан тегишли кўрсатмалар.

Ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлашга доир талабларнинг бузилиши билан боғлиқ аниқланган ҳодисалар сабабларини таҳлил қилиш ҳамда уларга таъсир кўрсатиш натижаларини баҳолаш лозим. Бунда аниқланган ҳодисалар сабабларини таҳлил қилиш ҳамда уларга таъсир кўрсатиш натижаларини баҳолаш тизими қуйидагиларни ўз ичига олиши шарт:

аниқланган ҳодисаларга нисбатан таъсир чоралари кўрилгандан кейин ушбу ҳодисаларнинг келиб чиқиш сабабларини Хизмат томонидан тегишли бўлинмалар билан биргаликда таҳлил қилиш тартиби;

ахборот тизимларининг тегишли электрон баённомаларини ўрганиш ҳамда аниқланган ҳодисанинг юзага келишига сабабчи бўлган ходимлардан тушунтиришлар олиш;

ҳодисаларнинг келиб чиқиш сабабларига ойдинлик киритиб, бундай ҳолатлар юзага келмаслиги ёки юзага келганда унинг зарар келтириш имкониятларини камайтириш чораларини кўриш (шу жумладан, тегишли мутахассисларни жалб қилган ҳолда);

ҳодисаларнинг салбий таъсир кўрсатиш даражасига қараб таснифлаш ва баҳолаш мезонига асосан уларни баҳолаш.

Ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлашга доир талабларнинг бузилиши билан боғлиқ аниқланган ҳодисаларга нисбатан кўрилган таъсир чоралари, уларни баҳолаш натижалари ва бошқа қўшимча маълумотлар чоп этилиши ҳамда алоҳида йиғмажилдда сақланиши зарур.

Ахборот тизимларининг узлуксиз ишлаши ва барқарорлигини таъминлаш мақсадида қуйидаги чоралар кўрилиши шарт:

асосий ахборот тизимлари ишдан чиққан ҳолатларда хизматлардан фойдаланишни камида 99,9 фоиз даражада таъминлай олиш имкониятига эга захира сервер қувватларига эга бўлиши;

реал вақт режимида маълумотларни қайта ишловчи ахборот инфратузилмасида камида 30 фоизгача захира жой бўлиши;

ахборот тизими билан боғлиқ тармоқ ва бошқа қурилмалар носоз ҳолатга келганда, уни иш жараёнига келтириш ва узлуксиз ишлашини таъминлаш;

операцион тизим, дастурий таъминотлар, ахборот тизимларининг дастурлари, маълумотлар (маълумотлар базаси, созуламалари, электрон баённомалар) нусхаларини захирага (backup) олиш ва электрон архивда сақлаш ҳамда уларни қайта тиклаш тартибини (механизмини) ишлаб чиқиш, уларнинг ҳисобини юритиш ва назоратини олиб бориш;

захира тикланиш режаси, техник қурилма ва ускуналарга эга бўлиш;

маълумотларнинг захирага олинган (backup) нусхаларини техник носозликларда ва фавқулодда вазиятларда қайта тиклаш режасини ишлаб чиқиш ва даврий (бир йилда бир маротаба) равишда ахборот тизимини қайта тиклаб текшириш;

захира нусхаларини сақлаш муддати, тартиби ва захирадан ечиш қоидаларига риоя қилиш;

дастурларга ўзгартириш киритишни синов (тест) учун мўлжалланган серверларда текшириш;

тизимдаги қурилма ва ускуналарнинг ишлашини назорат қилиш;

ахборот тизимининг узлуксизлигига салбий таъсир этиши мумкин бўлган ҳолатларни олдини олиш ва ахборот муҳофазасини таъминлаш;

дизел электр станцияси ва (ёки) бошқа электр таъминоти узлуксизлигини таъминлаш воситаларидан (UPS ва бошқалар) фойдаланиш;

ишлов берилган маълумотларни сақлаш ва уларнинг электрон архивда юритилишини таъминлаш;

мижозларнинг ҳаракатига тегишли бўлган маълумотларни камида беш йил сақланишини таъминлаш;

электрон архив юритишда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлашга доир талабларга риоя этилиши бўйича ишчи гуруҳ тузган ҳолда бир йилда камида икки маротаба текшириш ва натижалари тўғрисида Марказий банкка маълумот бериш;

ахборот узатиш захира тармоқларига эга бўлиш.

Кредит бюрolari асосий ахборот тизимлари жойлашган жойдан 50 километрдан кам бўлмаган масофада жойлашган ҳудудлардаги шаҳар марказларида захира ахборот тизимларини ташкил этиши лозим. Бунда асосий ва захира ахборот тизимлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ташкил этилади.

Ахборот тизимларидаги маълумотлар (электрон баённомалар ва ҳ.к) электрон архивларда камида икки нусхада (хусусан, асосий ва захира ахборот тизимларининг ҳар бирида битта нусхадан) сақланиши мумкин.

Кредит бюроси ўз фаолияти давомида шаклланадиган барча ахборот ва ҳужжатларни рақамли шаклда тартибли равишда сақлаш мақсадида электрон архив тизимини ташкил этиши ва юритиши шарт.

Электрон архивда қуйидаги маълумотлар мажбурий равишда сақланиши лозим:

фойдаланувчиларнинг тизимга кириш ва чиқиш журналлари (баённомалари);

ёзувлар устида амалга оширилган ҳаракатлар (яратиш, ўзгартириш, ўчириш) бўйича баённомалар (логлар);

кредит тарихига оид барча кирувчи ва чиқувчи сўровлар;

кредит тарихини тузатиш ёки рад этиш бўйича ариза ва қарорлар;

электрон почта орқали қабул қилинган ва юборилган ҳужжатлар;

ARP (Address Resolution Protocol) жадваллари, тизим хатоликлари ва рухсатсиз кириш уринишлари ҳақида техник баённомалар (loglar);

захиралаш ва тиклаш бўйича амалиётлар журнали.

Захира нусхаларни сақлаш, юритиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ талаблар қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) захира нусхаларни сақлаш муддати:

тизим конфигурацияси, электрон баённомалар ва лог файллар – бир йил;
молиявий ва миждозларга оид операцион маълумотлар – беш йил;

ички хизматлар фаолиятига тегишли жорий маълумотлар – олти ойни ташкил этади;

б) захира нусхаларини тиклаш ва ўчириш фақат ваколатга эга бўлган масъул ходимлар томонидан амалга оширилиши лозим. Бунда, барча ҳаракатлар расмийлаштирилиши ва электрон баённомалар (лог)да қайд этилиши керак;

с) сақлаш муддати якунига етган захира нусхалар уларнинг махфийлик даражаси ва ахборот хавфсизлиги талаблари инобатга олинган ҳолда қайта тиклаб бўлмайдиган қилиб йўқ қилинади. Бунда, барча жараёнлар электрон баённомалар (log)да қайд этилади.

Кредит бюроларининг фаолияти тугатилганда, улардаги мавжуд электрон архивнинг ахборот ресурслари қонунчиликда белгиланган тартибда тегишли давлат ёки нодавлат архивларига топширилади.

Кредит бюрolari қайта ташкил этилганда, уларнинг электрон архив маълумотлари тегишли давлат архивлари билан келишилган ҳолда мазкур ташкилотнинг ҳуқуқий ворислари электрон архивига топширилади.

Кредит ахборотидан фойдаланувчилар кредит бюроларининг ахборот тизимларига рухсат этилмаган ҳолда кириш, кредит ахборотини йўқ қилиб юбориш, ўзгартириш, ундан бошқа шахслар фойдаланиши ёки уни ошкор этилишини олдини олиш учун ташкилий ва техник чоралар кўриши лозим³⁴⁴.

Кредит ва тўлов ташкилотлари жисмоний шахсларнинг шахсига доир, идентификация ва тўлов билан боғлиқ барча турдаги маълумотларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида уларни ўз ахборот тизимларида шифрланган ҳолда сақлаши шарт.

Ахборот тизимларидаги маълумотларнинг рухсатсиз тарқалишининг олдини олиш мақсадида маълумотларни рухсатсиз тарқалишидан ҳимоялаш тизими DLP (Data Loss Prevention) жорий этилиши лозим.

Ахборот тизимида фойдаланувчи ва тизимнинг ўзи томонидан амалга оширилган барча ҳаракатлар автоматик тарзда журналлаштирилиши шарт. Журналлар сохталаштириш ва ўзгартиришдан ҳимояланган форматда сақланиши лозим. Журнал маълумотларининг яхлитлигини таъминлаш мақсадида WORM (Write Once Read Many) технологиясидан фойдаланиш тавсия этилади.

Имтиёзли функциялар ва юқори даражадаги тизим ҳуқуқлари орқали амалга оширилган барча ҳаракатларга фақат чекланган доирадаги ходимлар томонидан киришга рухсат берилиши шарт. Бундай ҳуқуқлардан фойдаланиш

³⁴⁴ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2025 йил 19 августдаги 20/2-сон қарори (2309.2025 й., рўй.: 3679-сон) “Кредит бюроларининг ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлигига доир минимал талаблар тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

жараёнлари мажбурий тарзда кўп омилли аутентификация MFA (Multi-Factor Authentication) орқали ҳимояланиши лозим.

Имтиёзли функциялар ва юқори даражадаги тизим ҳуқуқлари доирасида амалга ошириладиган фаолиятнинг тўлиқ назорати ва журналлаштирилиши PAM (Privileged Access Management) тизими орқали амалга оширилиши керак.

Кредит ва тўлов ташкилотлари ахборот тизимларидаги маълумотларни ҳимоя қилиш учун криптографик ҳимоя воситаларидан фойдаланишда қуйидаги талабларни бажаришлари шарт:

алоқа каналлари орқали ахборот алмашинувини фақат ҳимояланган Transport Layer Security (TLS) протоколидан (1.3 ёки ундан юқори версия) фойдаланган ҳолда амалга ошириш;

маълумотларни шифрлашда AES-256/GCM алгоритмидан фойдаланиш;
криптографик калитларнинг айланиш (ротация) сиёсатини киберхавфсизлик соҳасидаги ваколатли давлат органи томонидан белгиланган талаблар доирасида амалга ошириш;

криптографик калитлар камида йилда бир маротаба янгиланиб борилишини таъминлаш;

криптографик калитлар билан боғлиқ барча ёзувлар (логлар), шу жумладан калит яратиш, айлантириш, бекор қилиш ва фойдаланиш ҳолатлари тўғрисидаги маълумотларни камида 3 йил давомида сақлаш;

криптографик калитларнинг муддати ўтганидан кейин уларни белгиланган тартибда йўқ қилиш ёки архив ҳолатига ўтказиш ҳамда бу жараёни тегишли далолатнома билан расмийлаштириш.

Кредит ва тўлов ташкилотлари криптографик калитларни бошқаришда калитларни бошқариш тизими (KMS) ёки аппарат хавфсизлик модули (HSM)дан фойдаланишлари мумкин.

Криптографик алгоритмлар ёки протоколларнинг версиялари (жумладан, TLS, AES ва бошқалар) эскирган ёки заиф деб топилса, кредит ва тўлов ташкилотлари маълумотларни ҳимоя қилишда янгиланган, эквивалент ёки ундан юқори даражадаги хавфсизликни таъминлайдиган криптографик алгоритмлар ва протоколлардан фойдаланишлари лозим.

Кредит ва тўлов ташкилотлари ахборот тизимлари доирасида амалга оширилган барча техник жараёнлар, фойдаланувчи фаолияти, хавфсизлик билан боғлиқ ҳолатлар, операция журналлари ва тегишли дастурий ёзувларни камида 3 йил мобайнида хавфсиз ва ишончли шаклда сақлаши лозим.

Кредит ва тўлов ташкилотлари томонидан жорий этилган мобил иловалар ва уларнинг веб-талқини ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш талабларига тўлиқ жавоб бериши лозим.

Мобил иловага техник хавф туғдирувчи қурилмаларда ишлашини автоматик тарзда аниқлаш ва блоклаш механизмлари жорий этилиши лозим.

Кредит ва тўлов ташкилотлари қуйидаги ҳолатларда мобил илованинг ишлашини чеклаши лозим:

андроид операцион тизимида ишловчи қурилманинг тизим ҳуқуқларига ноқонуний кириш орқали хавфсизлик сиёсати бузилганда (root);

iOS операцион тизимида ишловчи қурилмада ишлаб чиқарувчи томонидан ўрнатилган хавфсизлик чекловлари ўчирилиб, тизимга чуқур кириш имконияти яратилганда (jailbreak).

Мобил илова ишга туширилганда қурилманинг хавфсизлик ҳолати таҳлил қилиниши (SafetyNet Attestation, Play Integrity API, Jailbreak detection каби воситалар) ва салбий ҳолат аниқланганда мобил илованинг иш фаолияти тўхтатилиб, фойдаланувчига СМС-хабарнома юборилиши шарт. Ушбу ҳолат баённома (loglar) базасига автоматик тарзда қайд этилиши лозим.

Мобил илова дастур кодига рухсатсиз кириш, тахрирлаш, тескари муҳандислик (reverse engineering) ва декомпиляция орқали таҳлил қилиш имкониятини чекловчи махсус технологиялар билан ҳимоя қилиниши шарт.

Кредит ва тўлов ташкилотлари мобил илова орқали тарқалиши мумкин бўлган зарарли кодлар, дастурлар ва фродга оид таҳдидларни аниқлаш ва уларнинг олдини олиш мақсадида мобил SDK (Software Development Kit) орқали антивирус ва антифрод функциялари билан таъминланган хавфсизлик модулларини интеграция қилиши керак.

Кредит ва тўлов ташкилотлари мобил иловани реал вақт режимида таҳдидлардан ҳимоя қилиш учун RASP (Runtime Application Self-Protection) технологияларини жорий қилиши лозим.

Кредит ва тўлов ташкилотлари ўз веб-талқинларида қуйидаги ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш чораларини кўришлари шарт: маълумот алмашинуви HTTPS протоколи орқали амалга оширилиши ва HSTS (Strict Transport Security) сиёсати фаоллаштирилиши;

веб-талқинга юкланадиган JavaScript кодларининг яхлитлигини таъминлаш учун SRI (Subresource Integrity) ёки шунга мос механизмлар қўлланиши;

браузер муҳитида аномал фаолликни (бот фаоллиги, автокликер, виртуал муҳит) аниқлаш учун тегишли киберхавфсизлик воситаларини жорий қилиши.

Кредит ва тўлов ташкилотлари мобил иловалар ва уларнинг веб-талқинида сессия бошқаруви ҳамда аутентификация хавфсизлигини ўзининг антифрод тизимларида белгиланган талаб ва қоидаларга асосан таъминлайди.

Фойдаланувчининг фаолияти, сессиялари, аномал ҳаракат ва таҳдидлар билан боғлиқ барча маълумотлар баённомалаштирилиши (логлаш) ҳамда марказлашган мониторинг (SIEM) тизимида интеграция қилинган ҳолда реал вақт режимида кузатилиши ва қайд этилиши шарт.

Кредит ва тўлов ташкилотларининг мобил иловаларига қисқа вақт оралиғида ноодатий даражада кўп сўровлар келиб тушганда ахборот тизимининг барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида бундай сўровларга нисбатан чекловлар жорий этиши, вақтинчалик блоклаш ёки бошқа ҳимоя чораларини мустақил равишда қўллашлари лозим.

Мобил иловадаги аккаунтга 1 дақиқа мобайнида 1 та IP манзилдан 2 ва ундан ортиқ қурилмадан уриниш ҳолатлари кузатилса, ушбу аккаунт 10 дақиқага блокраниши лозим³⁴⁵.

Оператор, провайдер, дилер ва эшиттирувчилар телекоммуникациялар тармоқларида ахборот ва киберхавфсизликни таъминлашда ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш соҳасида қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиши, жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Wi-Fi хизмати ташкилотчиси оператор ёки провайдер билан биргаликда, ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Оператор ва провайдерлар телекоммуникациялар хизматларини кўрсатишда ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши шарт. Телевидение тармоқлари орқали қонунчилик билан тақиқланган маълумотларни тарқатишга йўл қўйилмайди. Абонентлар ва фойдаланувчилар телекоммуникациялар ёрдамида тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотни тарқатмасликка мажбур³⁴⁶.

Ахборот тизимларининг тармоқлараро боғланиши турли ахборот тизимлари ўртасида ахборот алмашиш учун амалга оширилади.

Белгиланган нормалар ва қоидаларга мувофиқ ўзаро тармоқлараро боғланиш имкониятини ахборот тизимларининг мулкдорлари, эгалари таъминлайди.

Турли ахборот тизимларининг тармоқлараро боғланиши ахборот тизимларининг мулкдорлари, эгалари ўртасидаги шартнома асосида амалга оширилади.

Тармоқлараро боғланишни амалга ошириш ҳамда турли ахборот тизимларининг ўзаро алоқада бўлиш тартиби ва шартлари махсус ваколатли орган томонидан белгиланади.

Ахборот ресурслари ва ахборот тизимларини муҳофаза қилиш қуйидаги мақсадларда амалга оширилади:

шахс, жамият ва давлатнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш;
ахборот ресурсларининг тарқалиб кетиши, ўғирланиши, йўқотилиши, бузиб талқин этилиши, тўсиб қўйилиши, қалбакилаштирилиши ва улардан бошқача тарзда рухсатсиз эркин фойдаланилишининг олдини олиш;

³⁴⁵ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2025 йил 23 декабрдаги 35/14-сон қарори (21.01.2026 й., рўй.: 3759-сон) билан тасдиқланган “Кредит ва тўлов ташкилотлари, тўлов тизими операторлари томонидан жисмоний шахсларга масофадан молиявий хизматлар кўрсатишда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш ҳамда фрод ҳолатларининг олдини олиш бўйича минимал талаблар тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

³⁴⁶ Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 6 январдаги 287-мх-сон буйруғи (26.01.2026 й., рўй.: 3762) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

ахборотни йўқ қилиш, тўсиб қўйиш, ундан нусха олиш, уни бузиб талқин этишга доир рухсатсиз ҳаракатларнинг ҳамда ахборот ресурслари ва ахборот тизимларига бошқа шаклдаги аралашиларнинг олдини олиш;

ахборот ресурсларидаги мавжуд давлат сирлари ва махфий ахборотни сақлаш.

Ахборот ресурслари ва ахборот тизимлари, агар улар билан ғайриқонуний муносабатда бўлиш натижасида ахборот ресурсларининг ёки ахборот тизимларининг мулкдорларига, эгаларига ёхуд бошқа юридик ҳамда жисмоний шахсларга зарар етказилиши мумкин бўлса, муҳофаза қилиниши керак.

Давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар давлат сирлари ҳамда махфий сирлар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган ахборот ресурслари ва ахборот тизимларининг муҳофаза қилинишини таъминлаши шарт.

Ахборот ресурслари ва ахборот тизимлари муҳофаза қилинишини ташкил этиш тартиби уларнинг мулкдорлари, эгалари томонидан мустақил белгиланади.

Давлат сирлари ҳамда махфий сирлар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган ахборот ресурслари ва ахборот тизимларининг муҳофаза қилинишини ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Эркин фойдаланилиши чеклаб қўйилган ахборот ресурсларини ўз ичига олган ахборот тизимларининг халқаро ахборот тармоқларига ҳамда Интернет жаҳон ахборот тармоғига уланиши фақат зарур муҳофаза чоралари қўрилганидан кейин амалга оширилади. Давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар давлат сирлари ҳамда махфий сирлар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган ахборот ресурслари ва ахборот тизимларининг муҳофаза қилинишини таъминлаши шарт. Сунъий интеллектдан фойдаланиб яратилган ахборот ресурслари ҳамда сунъий интеллект технологиялари асосида ишлайдиган ахборот тизимлари инсонга, унинг ҳаётига, соғлиғига, эркинлигига, шаънига, кадр-қимматига путур етказмаслиги ва унинг бошқа ажралмас ҳуқуқларини бузмаслиги шарт. Веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурсининг эгаси, шу жумладан блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштирилладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифасидан ёхуд бошқа ахборот ресурсидан қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган ўзга ҳаракатларни содир этиш мақсадларида фойдаланилишига йўл қўймаслиги шарт³⁴⁷.

Сунъий интеллект технология ва тизимларини ишлаб чиқувчи ва жорий этувчилар Этика қоидаларига амал қилиши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги алгоритмларнинг шаффоф ва тушунарли бўлишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги эҳтимолий тарафкашликни олдини олиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, сунъий интеллект

³⁴⁷ Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги 560-П-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

технология ва тизимларининг имкониятлари, чекловлари ва эҳтимолий хавфлари ҳақида очиқ маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчиларни улардан фойдаланиш қоидалари билан таништириш, улардан қандай мақсадда фойдаланиш мумкинлиги ёки тақиқланиши, шунингдек сунъий интеллектга асосланган ечимлар ёки қарорлар доим тўғри бўлмаслиги ҳамда уларнинг натижаларидан тавсиявий ёки маълумот учун фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимлари дастурий таъминоти хавфсизлигини таъминлаши, Этика қоидаларини инобатга олган ҳолда сунъий интеллект технология ва тизимларини доимий равишда такомиллаштириб бориши, сунъий интеллект технология ва тизимлари инсон назорати остида бўлишини ҳамда инсон томонидан қайта кўриб чиқиши, шунингдек якуний қарор инсон томонидан қабул қилинишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан қонунчиликка зид бўлган ёки шахс, жамият, давлат ва атроф табиий-муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган мақсадларда фойдаланмаслиги, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчилар учун сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қўлланмасини ишлаб чиқиш ва жойлаштириши шарт. Сунъий интеллект тизимларидан фойдаланувчилар сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қоидалари ва шартларига риоя қилиши, сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан тўғри фойдаланиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, бошқа фойдаланувчиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини бузмаслик, Этика қоидаларига амал қилиши, шахс, жамият ва давлат манфаатларига ҳамда атроф-табиий муҳитга зарар етказмаслиги лозим³⁴⁸.

Давлат органлари ва ташкилотлари ўз тасарруфидаги ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини, тармоқлар ишининг барқарорлигини таъминлаши, шунингдек киберхавфсизлик бўйича ўз мажбуриятларини бажариши, ваколатли давлат органини киберхужумлар тўғрисида огоҳлантириши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида сақланаётган маълумотларнинг ўғирланиши ҳамда қалбакилаштирилиши ҳолатларининг олдини олиш чораларини кўриши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларини киберҳимоя қилиш учун сертификатлаштирилган аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий таъминотдан фойдаланиши, киберхавфсизлик соҳасида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ваколатли давлат органи билан келишиши шарт. Киберхавфсизлик субъектлари ахборот тизимлари ва ресурсларидаги маълумотларнинг қонунга хилоф равишда тарқатилиши, ўғирланиши, йўқолиши, яхлитлигининг бузилиши, блоканиши ва қалбакилаштирилишининг, шунингдек ахборот тизимлари ва ресурсларига рухсатсиз киришнинг бошқа кўринишларининг олдини олиши, бундай ҳоллар аниқланганда ўз вақтида тегишли чоралар кўриши, ахборот тизимлари ва

³⁴⁸ Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 24 февралдаги 284-мх-сон буйруғи (14.03.2026 й., рўй.: 3787) билан тасдиқланган Сунъий интеллектга асосланган ечимларни яратиш, жорий қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича этика қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

ресурсларига кириш тартиби бузилганда ҳамда уларга рухсатсиз кириш натижасида ушбу тизимлар ҳамда ресурслар ўзгартирилган ёки йўқ қилинган тақдирда салбий оқибатларни камайтириш мақсадида уларни тезкорлик билан тиклаш чораларини кўриши, содир бўлган киберхавфсизлик ҳодисалари ва кибержиноятлар тўғрисида ваколатли давлат органини хабардор қилиши, ушбу ҳодисаларни тўлиқ фош этиш учун тегишли рақамли изларнинг йўқолишига йўл қўймаслик чораларини кўриши, шунингдек киберхавфсизлик ҳодисаларини таҳлил қилиш ва кибержиноятларни текшириш учун зарур бўлган маълумотларнинг доимий сақланишини таъминлаши, киберхавфсизлик объектларини муҳофаза қилиш ва уларнинг хавфсиз ишлаши мониторингини ўтказиш соҳасидаги маълумотларни ваколатли давлат органи билан ўзаро алмашишни амалга ошириши, ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберҳимоясини таъминлашда ваколатли давлат органи томонидан белгиланган киберхавфсизлик талабларига риоя этиши, киберхавфсизлик ҳодисаларига нисбатан чоралар кўриш механизмларининг ишлаб туришини ва киберхавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг ишлашини таъминлаши, улар мавжуд бўлмаган тақдирда эса ваколатли давлат органининг рухсати билан аутсорсинг хизматларидан белгиланган тартибда фойдаланиши, ваколатли давлат органига киберхавфсизликни таъминлаш мониторингининг ташкилий-техник тадбирларини амалга ошириш учун мониторинг тизимларига ва (ёки) киберхавфсизлик объектларига кириш ҳуқуқини бериши шарт³⁴⁹.

Ўзбекистон Республикасида телекоммуникациялар тармоқларида фойдаланиладиган телекоммуникацияларнинг техник воситалари, шу жумладан фойдаланувчи қурилмалари қонунчиликка ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга мувофиқлиги юзасидан сертификатлаштирилиши лозим. Телекоммуникациялар тармоқларидаги мобиль қурилмаларнинг халқаро ўзига хос идентификация кодлари рўйхатдан ўтказилиши керак. Давлат сирларини ёки махфий ахборотни ўз ичига олган ахборотга ишлов бериш учун мўлжалланган телекоммуникациялар тармоқлари ахборот хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги юзасидан мажбурий аттестациядан ўтказилиши лозим. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган операторлар ва провайдерлар телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш учун фойдаланиладиган ускуналарни, дастурларни ҳамда аппарат-дастурий мажмуаларни қонунчиликда белгиланган тартибда махсус ваколатли давлат органи орқали ўз маблағлари ҳисобидан олиши, ўрнатиши ва уларнинг нормал ишлашини таъминлаши, шунингдек мазкур тадбирларни ўтказишнинг ташкилий, техник ва тактик усуллари ошкор этилишига йўл қўймаслик чораларини кўриши шарт. Телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда фойдаланиладиган ускуналарни, дастурларни ҳамда аппарат-дастурий мажмуаларни жорий этиш ва улардан фойдаланиш фақат махсус ваколатли давлат органи томонидан амалга

³⁴⁹ Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

оширилади. Телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда фойдаланиладиган ускуналар, дастурлар ҳамда аппарат-дастурий мажмуаларнинг миқдори ва таркиби операторлар ҳамда провайдерлар томонидан махсус ваколатли давлат органи билан келишилади. Телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-қидирув тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича махсус ваколатли давлат органининг кўрсатмалари операторлар ва провайдерлар томонидан бажарилиши, ушбу мақсадлар учун шарт-шароитлар яратилиши, шунингдек ўз ахборот тизимларига ва телекоммуникациялар тармоқларига бошқа ахборот тизимларини ҳамда телекоммуникациялар воситаларини ўрнатиш ва улаш масаласи махсус ваколатли давлат органи билан келишилиши шарт. Операторлар ва провайдерларнинг махсус ваколатли давлат органи билан ўзаро муносабатлари тартиби қонунчиликда белгиланади. Телекоммуникациялар тармоқларидан ёки воситаларидан шахс, жамият ва давлат манфаатларига зарар етказувчи жиноий мақсадларда фойдаланилган тақдирда, бундай телекоммуникациялар тармоқларининг ёки воситаларининг ишлаши тўхтатилади. Операторлар ва провайдерлар телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензия талаблари ва шартларига, шунингдек белгиланган қоидаларга мувофиқ амалга ошириши, кўрсатилаётган хизматларнинг сифати қонунчилик ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ бўлишини таъминлаши, кўрсатилаётган хизматлар сифатини баҳолаш услубларини очиқ манбаларда кўрсатиши, телекоммуникациялар тармоқлари орқали узатиладиган барча турдаги сўзлашувларнинг, хабарларнинг сир сақланишига риоя этиши, хизматлар кўрсатиш шартлари ва тартиби тўғрисидаги, шу жумладан телекоммуникациялар хизматларининг тарифлари ўзгариши тўғрисидаги тўлиқ ахборотни фойдаланувчиларга ўз вақтида тақдим этиши, қонунчиликка, шунингдек лицензия талаблари ва шартларига мувофиқ ваколатли давлат органи билан келишувга кўра ўз тармоқларини изчиллик билан ривожлантириши ҳамда кенгайтириши, ўзи кўрсатаётган хизматлар тўғрисидаги ахборотни бепул тақдим этиши, шунингдек абонентларни қўллаб-қувватлаш маркази орқали абонентларнинг мурожаатларини бепул қабул қилиши ва уларнинг ижросини таъминлаши шарт. Фойдаланувчилар телекоммуникациялар хизматларидан фойдаланишнинг белгиланган қоидаларига риоя этиши, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлик сертификатиغا эга бўлган, халқаро ўзига хос идентификация кодлари рўйхатдан ўтказилган мобиль қурилмалардан фойдаланиши, ўзига кўрсатилган хизматлар учун ҳақни ўз вақтида тўлаши, иш сифатини пасайтиришга ёки телекоммуникациялар тармоқларини шикастлантиришга қаратилган хатти-ҳаракатлар қилмаслиги шарт³⁵⁰.

Телекоммуникациялар тармоқларида фойдаланиладиган ва мажбурий сертификатланиши керак бўлган телекоммуникацияларнинг техник

³⁵⁰ Ўзбекистон Республикасининг “Телекоммуникациялар тўғрисида” 2024 йил 27 декабрдаги ЎРҚ–1015-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

воситалари мувофиқлик сертификатларига эга бўлиши керак. Оператор, провайдер, дилер ва эшиттирувчилар телекоммуникациялар тармоқларида ахборот ва киберхавфсизликни таъминлашда ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш соҳасида қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиши, одамларнинг денгиздаги, ердаги, ҳаводаги, космик фазодаги хавфсизлигига, мудофаа, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни сақлаш соҳасидаги кечиктириб бўлмайдиган тадбирларни ўтказишга тааллуқли барча хабарларга, шунингдек йирик авариялар, фалокатлар, эпидемиялар, ёнғинлар ва бошқа фавқулодда вазиятлар ҳақидаги хабарларга мутлақ устуворлик бериши, техник воситалардан Ўзбекистон Республикасининг мавжуд конституциявий тузумини, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга даъват қилиш, уруш ва зўравонликни, шафқатсизликни, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб этиш, давлат сирини ёки қонунчилик билан кўриқланадиган ўзга сирни ошкор этиш, жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак, Эшиттирувчилар, операторлар ва провайдерларнинг телевидение (радиоэшиттириш) тармоқлари ва техник бинолари кўриқлаш, ҳимоялаш ва хавфсиз фаолиятини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 14 апрелдаги 92-сон қарори билан тасдиқланган Телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар объектларини кўриқлаш, муҳофаза қилиш ҳамда уларнинг хавфсиз фаолият кўрсатиши қоидалари талабларига жавоб бериши шарт. Оператор, провайдер ва телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш жараёнига алоқадор бошқа субъектлар томонидан яратилган ва абонентлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган маълумотлар базалари конфиденциал тусдаги ҳужжатлар сифатида ҳимояланиши керак. Абонентлар тўғрисидаги маълумотлардан бу абонентларнинг розилигисиз ахборот-маълумот хизмат кўрсатилиши учун фойдаланиш мумкин эмас. Оператор, провайдер, дилер ва телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш жараёнига алоқадор бошқа субъектлар телекоммуникациялар тармоқлари орқали узатиладиган телефон сўзлашувлари ва бошқа хабарлар, шунингдек, уларга тааллуқли бўлган барча маълумотларнинг сир тутилишини таъминлаши шарт. Оператор (провайдер) абонентларнинг умумий фойдаланиш тармоғидан узлуксиз фойдалана олишини таъминлашга мажбур. Мобил алоқа тармоғи фойдаланувчи қурилмаси IMEI-коди рўйхатдан ўтган бўлиши керак. Телекоммуникациялар тармоғига мувофиқлик сертификатига эга фойдаланувчи қурилмалари (телефон аппаратлари, рақамни автоматик аниқлаш функцияларига эга телефон аппаратлари, маълумотлар узатиш ва телематик хизматлар ускуналари (телефакс, телетекс, видеотекс ва бошқалар), радиотелефон алоқа воситалари, автожавоббергичлар, сигнализация қурилмалари) уланади. Операторлар ва провайдерларнинг телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш фаолияти белгиланган тартибда олинган лицензияга мувофиқ амалга оширилади. Абонент шартномаси бекор қилинганидан сўнг, оператор (провайдер) маълумотлар базасидан абонентларнинг шахсий маълумотлари йўқ қилишлари шарт. Шаҳарлараро ва халқаро телефон боғланиш автоматик

хизмат кўрсатиш тизими, буюртма хизмат кўрсатиш тизими ва дарҳол хизмат кўрсатиш тизими бўйича амалга оширилиши мумкин. Телефон тармоқларида сигнализация ускуналарини ўрнатиш ва уларга техник хизмат кўрсатишни ташкил этиш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ваколатли органлар томонидан амалга оширилади. Wi-Fi хизмати ташкилотчиси оператор ёки провайдер билан биргаликда, фойдаланувчиларнинг шахсини идентификациялаш ҳамда фойдаланилган веб-ресурслар (лог-файллар) ҳисобини юритиш бўйича аппарат-техник чора-тадбирлар кўриши ва уларни 3 ой ичида сақланишини ташкиллаштириш, оператор ёки провайдер билан биргаликда, ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, Ўзбекистон Республикасининг мавжуд конституциявий тузумини, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга даъват этишга, уруш, зўравонлик ва терроризмни, шунингдек диний экстремизм, сепаратизм ва фундаментализм ғояларини тарғиб қилишга, миллий, ирқий, этник ёки диний адоват кўзғатувчи ахборотни, шунингдек, порнографияни тарғиб қилишга қаратилган ахборотнинг ва тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Wi-Fi хизмати ташкилотчиси ўз ҳудудида бепул Wi-Fi хизматини ташкил этиш оператор ёки провайдер билан тузилган шартномага мувофиқ оператор ёки провайдернинг аппарат-дастурий воситалари асосида амалга оширилиши мумкин. Абонент учун абонент рақамини кўчириш хизмати мобил алоқа операторлари (провайдерлари) томонидан тақдим этилади. КРМБни шакллантириш, юритиш, ишлаши ва техник кузатуви, шу жумладан ундаги ахборот ва маълумотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш, узатиш, шунингдек КРМБдан фойдалана олиш имкониятини тақдим этиш Ўзбекистон Республикасининг “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги Қонуни талабларига риоя қилган ҳолда КРМБ оператори томонидан таъминланади. Абонент рақамини кўчириш жараёнини амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотлар мобил алоқа операторлари (провайдерлари) томонидан КРМБ операторига ва аксинча Ўзбекистон Республикасининг “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги Қонуни талабларига риоя қилган ҳолда тақдим этилади. КРМБдаги ахборотни муҳофаза қилиш, шунингдек ундан фойдалана олиш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя қилган ҳолда таъминланади. КРМБда сақланаётган маълумотларни рухсатсиз фойдалана олишдан ҳимоялаш КРМБ оператори томонидан таъминланади. Эшиттирувчи, оператор, провайдер телевидение хизматлари фаолиятини лицензия асосида амалга оширади. Телевидение тармоқлари орқали қонунчилик билан тақиқланган маълумотларни тарқатишга йўл қўйилмайди. Оператор ва провайдерлар телекоммуникациялар хизматларини кўрсатишда ўз фаолиятини лицензия шартлари ва қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириши, телекоммуникациялар тармоқлари бўйлаб узатиладиган телефон сўзлашувлари ва барча турдаги маълумотларни сир сақлаши, телекоммуникациялар тармоқларидан рухсатсиз фойдалана олиш ҳолатларига йўл қўймаслик чораларини кўриши, шартномада белгиланган муддатларда телекоммуникациялар алоқаси хизматларини кўрсатиши,

хизматлар, кечаю-кундуз кўрсатилишини таъминлаши, оператор ва провайдер тармоғидаги IP протоколи асосида ишловчи қурилмаларни IPv6 протоколи версиясини қўллаб-қувватлашини таъминлаши, ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, Ўзбекистон Республикасининг мавжуд конституциявий тузумини, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга даъват этишга, уруш, зўравонлик ва терроризмни, шунингдек, диний экстремизм, сепаратизм ва фундаментализм ғояларини тарғиб қилишга, миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатувчи ахборотни, шунингдек, порнографияни тарғиб қилишга қаратилган ва тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши, операторлар ва провайдерлар томонидан абонентларга телекоммуникациялар хизматларини кўрсатишда овозини ўзгартириш ва абонент рақамини сохталаштириш, ўзгартириш технологияларига асосланган хизматлар кўрсатмаслик, абонентлар операторнинг (провайдернинг) ахборот-маълумот хизматида қўнғироқ қилиб боғланишида тенг ҳуқуқлилигини таъминлаши шарт. Бунда, абонентлар операторнинг (провайдернинг) ахборот-маълумот хизматида қўнғироқ қилиб боғланишларида маълум бир абонентларга бошқа абонентларга нисбатан устуворлик (боғланиш вақти, хизмат кўрсатиш вақти ва бошқалар) тақдим этилишига йўл қўйилмайди. Мобил алоқа хизматларини кўрсатишда оператор (провайдер) хизмат кўрсатиш ҳудуди доирасида мобил алоқа хизматларини сифатли, ўз вақтида ва кеча-ю кундуз кўрсатилишини таъминлаши, абонент шартноманинг бекор қилиниши вақтигача қарзини ва олдиндан тўловнинг зарур суммаси тўлиқ ҳажмда тўлаганида абонентга мобил алоқа хизматлари кўрсатилишини тиклаши, ўзини-ўзи обрўсизлантирган дилерлар билан шартномалар тузмаслиги, СИМ-картани алмаштириш, шунингдек абонентнинг аризаси бўйича рақамни бошқа фойдаланувчи қурилмасига қайта дастурлаш (СИМ-картадан фойдаланишни кўзда тутмайдиган мобил алоқа стандартлари учун) хизматларини кўрсатиш фақат операторнинг (провайдернинг) хизмат кўрсатиш пунктларида амалга оширилишини таъминлаши, дилер орқали тузилган мобил алоқа хизматларини кўрсатиш шартномаси асосида абонентга мобил алоқа хизматларини тақдим этиши, халқаро трафикнинг ноқонуний ўтказилиши ҳамда GSM, IP ёки SMS-шлюзлардан яширин фойдаланишга қарши чораларни кўриш, шу жумладан тармоқда махсус аппарат-дастурий воситаларни ўрнатиш йўли билан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида GSM стандартида ишлайдиган барча оператор (провайдер) КРМБга уланиши, абонентнинг оператор тармоқларида абонент рақамини кўчиб ўтиш хизматидан фойдаланиш ҳуқуқига тўсқинлик қилмаслиги, мунтазам равишда ўз телекоммуникациялар тармоқларида халқаро трафикни ўтказиш тартиби бузилишларининг олдини олиш, аниқлаш ва тугатишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш ва абонентнинг ҳаракатларини таҳлил қилиш ёки тегишли тадбирларни амалга ошириш йўли билан абонент рақамларини фаол аниқлаш принципларига асосланган воситалар ва тизимларни қўллаши шарт. Оператор ва провайдерлар маълумот узатиш хизматларини кўрсатишда халқаро трафик ноқонуний ўтказиш (шу

жумладан GSM, IP ёки SMS-шлюзлардан), шунингдек тармоқда махсус аппарат-дастурий воситаларини ўрнатиш йўли билан ноқонуний фойдаланишга қарши курашиш чораларини кўришга мажбур. Абонентлар ва фойдаланувчилар оператор (провайдер) билан тузилган шартнома шартларига риоя қилишга, телекоммуникациялар тармоғидан давлат сири бўлган маълумотларни ёки қонунчилик билан қўриқланадиган бошқа сирни узатиш учун фойдаланишга йўл қўймасликка, телекоммуникациялар тармоғи орқали Ўзбекистон Республикасининг мавжуд конституциявий тузумини, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга даъват этишга, уруш, зўравонлик ва терроризмни, шунингдек, диний экстремизм, сепаратизм ва фундаментализм ғояларини тарғиб қилишга, миллий, ирқий, этник ёки диний адоват кўзғатувчи, шунингдек порнографияни тарғиб қилишга қаратилган ахборотни ва тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотни тарқатмасликка, телекоммуникациялар тармоғи ёрдамида фуқароларнинг шаъни ва кадр-қимматига ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи, уларнинг шахсий ҳаётига аралашинишга йўл қўйувчи ахборотни тарқатмасликка, қонунчилик ҳужжатларига асосан телекоммуникациялар тармоғи орқали тарқатилиши тақиқланган ахборотлардан тижорат ёки нотижорат мақсадларда тарқатиш учун фойдаланмасликка, телекоммуникациялар тармоқлари иш сифатининг пасайишига ёки телекоммуникациялар тармоқларининг шикастланишига олиб келадиган ҳаракатларни бажармасликка, ўз хоналарида жойлашган абонент тармоғи ва фойдаланувчи қурилмасини техник ҳужжатлар қоидаларига риоя қилишга, маълумотлар базаларидан рухсатсиз фойдаланмасликка ва операторнинг (провайдернинг) дастурий воситаларини ўзгартирмасликка, таркибида компьютер вируслари ёки тармоқ учун зарар етказиши мумкин бўлган ахборотни ёки дастурий таъминотни эълон қилмаслик ёки узатмасликка, компьютер ахборотидан, яъни ахборот-ҳисоблаш тизимлари, тармоқлари ва уларнинг таркибий қисмларидаги ахборотлардан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланмасликка, телекоммуникациялар тармоғида тақдим этилган ахборот ва интеллектуал мулк объекти учун муаллифлик ҳуқуқларини бузмасликка, телевидение тармоқларида бошқа шахсларнинг бериладиган сигналга уланиш ҳолатларига йўл қўймасликка, оператор (провайдер) вакилларига уларни текшириш, таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш учун телекоммуникациялар иншоотлари ва қурилмалари жойлашган ҳудудларга киришни таъминлашга мажбур. Маълумот узатиш хизматлари абонентлари ва фойдаланувчилари телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш учун GSM, IP ёки SMS-шлюзлар ёки шунга ўхшаш аппарат-дастурий воситалардан фойдаланиш нияти бўлганда, бу ҳақда операторни (провайдерни) огоҳлантиришга, маълумотлар узатиш тармоғидан халқаро трафикни ноқонуний ўтказиш мақсадида фойдаланмасликка мажбур. Мобил алоқа хизматлари абонентлари ва фойдаланувчилари абонент рақамидан шахсий мақсадларда ёки ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун (якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахслар учун) фойдаланиш, спамга, фирибгарликка, оператор (провайдер) билан олдиндан келишмасдан оммавий SMS жўнатмаларга, шунингдек, бошқа

ноқонуний фойдаланишга йўл қўймасликка, абонент рақамидан халқаро трафикни ноқонуний ўтказиш учун фойдаланмаслик, шу жумладан, GSM ва IP шлюзлардан фойдаланган ҳолда, ўрнатилган ҳимоя тизимларини четлаб ўтган ҳолда телекоммуникациялар тармоғидан фойдаланиш ҳамда халқаро трафикни ўтказиш мақсадида телекоммуникациялар тармоғидан қонунга ҳилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланмасликка, шунингдек мазкур мақсадлар учун мўлжалланган махсус дастурий ёки аппарат воситаларини қонунга ҳилоф равишда (рухсатсиз) сақлаш ва уларнинг фаолиятига йўл қўймасликка мажбур³⁵¹.

Давлат фуқаролик хизматчиси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига риоя этиши, ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажариши, давлат органи томонидан белгиланган одоб-ахлоқ қоидаларига, хизматга оид ахборот билан ишлаш тартибига, шунингдек давлат фуқаролик хизматини ўташ билан боғлиқ бошқа қоидаларга риоя этиши, давлат органининг нуфузини туширишга олиб келиши ёки унинг ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажаришига шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳаракатлардан (ҳаракатсизликдан), шу жумладан ўз хизмат мажбуриятларини бажараётганда ҳар қандай шаклдаги камситишдан, ноҳолисликдан ёки кимгадир нисбатан алоҳида муносабатда бўлишдан тийилиши шарт³⁵².

Ушбу нормаларнинг бузилиши натижасида мазкур жиноят вужудга келади.

Бунда, давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлиги ахборот соҳасидаги хавфсизликка таҳдидларга қарши ҳаракатлар юзасидан иқтисодий, сиёсий, ташкилий ва бошқа тусдаги чора-тадбирларни амалга ошириш, давлат сирларини сақлаш ва давлат ахборот ресурсларини улардан рухсатсиз тарзда фойдаланилишидан муҳофаза қилиш, Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ахборот маконига ва замонавий телекоммуникациялар тизимларига интеграциялашуви, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартиришга, ҳудудий яхлитлигини, суверенитетини бузишга, ҳокимиятни босиб олишга ёки қонуний равишда сайлаб қўйилган ёхуд тайинланган ҳокимият вакиллари ҳокимиятдан четлатишга ва давлат тузумига қарши бошқача тажовуз қилишга очикдан-очик даъват этишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишидан ҳимоя қилиш, урушни ва зўравонликни, шафқатсизликни тарғиб қилишни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоват уйғотишга қаратилган терроризм ва диний экстремизм ғояларини ёйишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишига қарши ҳаракатлар қилиш билан таъминланади. Шахснинг ахборот борасидаги хавфсизлиги унинг ахборотдан эркин фойдаланиши зарур шароитлари ва кафолатларини яратиш, шахсий ҳаётига тааллуқли сирларини сақлаш, ахборот воситасида қонунга ҳилоф равишда руҳий таъсир кўрсатилишидан ҳимоя қилиш йўли билан

³⁵¹ Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 6 январдаги 287-мх-сон буйруғи (26.01.2026 й., рўй.: 3762) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

³⁵² Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида” 2022 йил 8 августдаги ЎРҚ–788-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

таъминланади. Жисмоний шахсларга тааллуқли шахсий маълумотлар махфий ахборот тоифасига киради. Жисмоний шахснинг розилигисиз унинг шахсий ҳаётига тааллуқли ахборотни, худди шунингдек шахсий ҳаётига тааллуқли сирини, ёзишмалар, телефондаги сўзлашувлар, почта, телеграф ва бошқа мулоқот сирларини бузувчи ахборотни тўплашга, сақлашга, қайта ишлашга, тарқатишга ва ундан фойдаланишга йўл қўйилмайди, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно. Жисмоний шахслар тўғрисидаги ахборотдан уларга моддий зарар ва маънавий зиён етказиш, шунингдек уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари рўёбга чиқарилишига тўсқинлик қилиш мақсадида фойдаланиш тақиқланади. Фуқаролар тўғрисида ахборот олувчи, бундай ахборотга эгалик қилувчи ҳамда ундан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахслар бу ахборотдан фойдаланиш тартибини бузганлик учун қонунда назарда тутилган тарзда жавобгар бўладилар. Ахборот манбаи ёки муаллиф номи фақат суд қарори билан ошкор этилиши мумкин³⁵³.

Бунда, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда аниқланган валюта намунаси қалбаки эканлигига шубҳа пайдо бўлганда, тезкор-қидирув тадбирлари давомийлигини таъминлаш зарурати юзага келганда, тезкорликни амалга ошириш ҳамда тегишли вақтни тежаш мақсадида мазкур модда (буюм) ёки валюта намуналарини улар аниқланган жойнинг ўзида ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар биносида экспресс текшириш техник воситалари ёрдамида текширади³⁵⁴.

2. Кибержиноят асосий бевосита объекти – ахборот-коммуникация технологияларининг муҳофазаси, шу жумладан, ахборот ва киберхавфсизлик.

3. Кибержиноят қўшимча бевосита объекти – жамият ва жамоат хавфсизлиги.

4. Кибержиноят факультатив бевосита объекти – ўзга шахс (лар) ва давлат, шу жумладан, шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни, кадр-қиммати, мулк дахлсизлиги, тинчлик ва инсоният хавфсизлиги, бошқарув тартиби ва бошқалар;

5. Кибержиноят субъекти – 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс.

6. Кибержиноят субъектив томони – қасддан.

7. Кибержиноят объектив томони – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ёки қонунга хилоф равишда ахборот-коммуникация тизимига кириб, ҳимояланган компьютер тизимидан, шунингдек телекоммуникация тармоқларидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун махсус дастурий ёки аппарат воситаларини

³⁵³ Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принципи ва қафолатлари тўғрисида” 2002 йил 12 декабрдаги 439-П-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

³⁵⁴ Вазирлар Маҳкамасининг “Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг аналоглари, прекурсорлар, кучли таъсир қилувчи моддалар ҳамда валюта намуналарини экспресс текшириш жараёнида техник воситалардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида” 2023 йил 12 январдаги 12-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

ўтказиш мақсадини кўзлаб тайёрлаш ёхуд ўтказиш ва тарқатиш йўли билан содир этилади.

8. Кибержиноят мақсади — ҳимояланган компьютер тизимидан, шунингдек телекоммуникация тармоқларидан қонунга ҳилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун махсус дастурий ёки аппарат воситаларини ўтказиш, моддий ёки (ва) номоддий манфаат, ғаразли ёки бошқа паст ниятлар, ўч олиш ва ҳк.

9. Кибержиноят воситаси (қуроли) — ахборот-коммуникация технологиялари.

10. Кибержиноятнинг зарурий белгилари:

- 1) қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги;
- 2) қилмишнинг ҳуқуққа ҳилофлилиги;
- 3) қилмишда айбнинг мавжудлиги;
- 4) қилмишнинг жазога сазоворлиги;
- 5) қилмишнинг махсус дастурий ёки аппарат воситаларига боғлиқлиги;
- 6) қилмиш ҳимояланган компьютер тизимидан, шунингдек телекоммуникация тармоқларидан қонунга ҳилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун махсус дастурий ёки аппарат воситаларини ўтказиш мақсадини кўзлаб тайёрлаш ёхуд ўтказиш ва тарқатиш йўли билан содир этилиши;

7) қилмишнинг ҳимояланган компьютер тизимидан, шунингдек телекоммуникация тармоқларидан қонунга ҳилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун махсус дастурий ёки аппарат воситаларини ўтказиш мақсадида содир этилиши зарурлиги;

8) алоқа;

9) ахборот;

10) кибермуҳит, шу жумладан, кибермакон;

11) ахборот-коммуникация технологиялари.

Ушбу белгиларнинг биронтаси мавжуд эмаслиги қилмишнинг кибержиноят эканлигини инкор этади.

11. Кибержиноятнинг тамомланиши —

1) ҳимояланган компьютер тизимидан, шунингдек телекоммуникация тармоқларидан қонунга ҳилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун махсус дастурий ёки аппарат воситаларини ўтказиш мақсадида тайёрланган вақтдан;

2) ҳимояланган компьютер тизимидан, шунингдек телекоммуникация тармоқларидан қонунга ҳилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун махсус дастурий ёки аппарат воситаларини ўтказиш мақсадида ўтказилган вақтдан;

3) ҳимояланган компьютер тизимидан, шунингдек телекоммуникация тармоқларидан қонунга ҳилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун махсус дастурий ёки аппарат воситаларини ўтказиш мақсадида тарқатилган вақтдан бошлаб.

Бунда, турли хил дастурларнинг телекоммуникация тармоғи орқали узатилган, тарқатилган вақтидан бошлаб қилмиш тамомланган ҳисобланади.

12. Кибержиноятнинг тузилишига кўра тури — формал таркибли кибержиноятлар ҳам мавжуд.

13. Кибержиноятнинг ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра тури – ижтимоий хавфи катта бўлмаган кибержиноят.

14. Жазо тизимига кўра тури – ижтимоий хавfli қилмиши учун Жиноят кодексида жарима, ахлоқ тузатиш ишлари жазоси назарда тутилган кибержиноятлар.

15. Жиноят предмети – махсус дастурий ёки аппарат воситалари, шу билан бирга, уларга боғлиқ бўлган ахборот-ҳисоблаш тизимлари, тармоқлари ва уларнинг таркибий қисмларидаги ахборот, электрон ҳисоблаш машиналари, электрон ҳисоблаш машиналари тизими ёки уларнинг тармоқлари, ахборот тизимлари, маълумотлар базалари ва банклари, ахборотга ишлов бериш ҳамда уни узатиш тизимлари, рақамли предметлар, жумладан, онлайн казино платформалари, betting сайтлар, мобил иловалар (gambling apps), ботлар (Telegram/Discord), молиявий элементлар жумладан, электрон пуллар (Click, Payme, crypto), виртуал баланслар, ставкалар (bets), дастурий таъминот, жумладан, gambling software, RNG (random generator) тизимлари, mirror сайтлар, шу билан бирга, матн, видео, аудио, мемлар, постлар, deepfake контент ва бошқа шаклдаги ахборот шунингдек, қуйидагилар ҳам жиноят предмети бўлиши мумкин:

1. Молиявий воситалар – нақдсиз пул, банк ўтказмалари, электрон ҳамёнлар орқали тўловлар (Payme, Click, PayPal, QIWI ва ҳ.к.), криптовалюта (Bitcoin, USDT, Ethereum ва бошқалар), онлайн тўлов тизимлари орқали маблағ, қимматли қоғозлар (акциялар, облигациялар), электрон сертификатлар, баланс тўлдириш (телефон, аккаунт, карта) ва ҳ.к.;

2. Рақамли активлар – лицензия калитлари (software key), онлайн сервис аккаунти, Premium обуна, домен номи, веб-сайтга эгалик, ижтимоий тармоқлардаги (Telegram, Instagram, YouTube ва бошқалар) каналлар ва гуруҳлар, NFT активлари, онлайн ўйин аккаунтлари, база маълумотлар, электрон контракт ҳуқуқи, NFTлар, ўйин ичидаги қимматбаҳо виртуал буюмлар (Skins, In-game currency) ва ҳ.к.;

3. Ахборот – махфий маълумот, тендер маълумотлари, миқозлар базаси, пароллар, давлат реестри маълумотлари, имтиёзли кириш ҳуқуқи, жумладан, тижорат ёки хизмат сири ҳисобланган маълумотларга имтиёзли кириш ҳуқуқини бериш, қасб, хизмат сирлари, текширув натижаларини ўзгартириш ва ҳ.к.;

4. Номоддий манфаат – лавозимга тайинлаш, лойиҳада ғолиб қилиш, рейтингни ошириш, файлни ўчириб бериш, маъмурий, молиявий ёки жиноий жазодан қутқариш, солиқ ва бошқа тўловларни қамайтириш, давлат ижтимоий буюртмасини бериш, рухсатнома чиқариш ва ҳ.к.;

5. Техника ва IT ресурслар – сервер ресурслари, хостинг, VPN кириш, Cloud аккаунт, дастур кодлари, дастурий таъминот лицензияси, API кириш ҳуқуқи, бқори қийматга эга бўлган тижорат дастурларига (масалан, киберхавфсизлик ёки дизайн дастурларига) умрбод ёки узоқ муддатли пуллик обуналарни олиб бериш ва ҳ.к.;

6. Аралаш шакллар – қимматбаҳо техника (ноутбук, смартфон ва ҳ.к.), онлайн орқали етказилган товар, электрон ваучер, крипто-ҳисоб очиш,

тўловни учинчи шахс орқали амалга ошириш, жинойтчи учун бепул яратиб берилган веб-сайтлар, SMM хизматлари, пуллик дастурий таъминотларга лицензиялар ёки обуналар (Subscription), мансабдор шахс ёки унинг яқинлари учун бепул сервер майдони (Hosting) ажратиб бериш ёки веб-сайт ишлаб чиқиб, уни тарғиб қилиш (SMM/SEO) хизматларини бепул кўрсатиш, хизматчининг ижтимоий тармоқлардаги саҳифасини пуллик тарғиб қилиш (Boost), онлайн курслар ёки пуллик веб-сервисларга обуналарни (Premium subscription) совға қилиш ва ҳк.

16. Кибержинойтчи содир этишнинг энг кўп усуллари:

- 1) телекоммуникация ёки интернет тармоғида намойишкорона;
- 2) телекоммуникация ёки интернет тармоғида жойлаштириш орқали;
- 3) ахборот-коммуникация технологияларидан жиноят қуроли ёки воситаси сифатида фойдаланиш натижасида.

Ушбу жиноят қуйидаги шаклларда содир этилиши мумкин, хусусан:

1) дастурий воситалар (Software-based tools). Масалан:

malware-as-a-Service (MaaS). Мисол учун, хакерлик дастурларини (Ransomware, RAT – Remote Access Trojan, Кейлоггерлар) яратиш ва уларни DarkNet форумларида ёки Telegram каналларида ижарага бериш ёки сотиш;

phishing kits. Мисол учун, тайёр фишинг сайтларининг масалан, сохта Click ёки Payme саҳифалари кодларини пакет кўринишида бошқа фирибгарларга пуллаш;

brute-force ва exploit паклар. Мисол учун, паролларни бузувчи дастурлар ва тизимдаги заифликларни ишга туширувчи тайёр алгоритмларни ёзиш;

2) аппарат воситалар (Hardware-based tools). Масалан:

скиммерлар (Skimmers). Мисол учун, банкоматлардан банк картаси маълумотларини ўғирлаш учун мўлжалланган яширин ўқувчи қурилмаларни йиғиш ва сотиш;

хакерлик флешкалари. Мисол учун, USB Rubber Ducky ёки шунга ўхшаш, компьютер портига тикилиши билан автоматик равишда зарарли кодни ишга туширадиган қурилмаларни яратиш;

GSM Sniffers ва Wi-Fi Pineapples. Мисол учун, мобил алоқа ёки интернет трафигини тутиб олиш ва ундан нусха кўчириш учун махсус антенна/роутерларни созлаш йўли билан содир этилиши мумкин.

Ушбу жиноятчи фош этишда қуйидаги рақамли излар тўпланиши мумкин, хусусан:

1) ишланмалар муҳити излари (IDE & Compiler Logs). Мисол учун, гумондорнинг компютеридаги Visual Studio, PyCharm ёки бошқа дастурлаш муҳитларида қолган кодлар, компиляция қилинган вақт тамғалари (Timestamps);

2) репозиторий ва булутли сақлаш. Мисол учун, GitHub, GitLab ёки хусусий серверларда сақланаётган зарарли код манбалари (Source code);

3) тарқатиш ва маркетинг излари. Мисол учун, телеграм гуруҳларидаги реклама постлари, харидорлар билан ёзишмалар (чат логлари), форумлардаги профил маълумотлари;

4) молиявий транзакциялар (криптоизлар). Мисол учун, дастурни сотганлик учун олинган тўловлар (одатда USDT, Bitcoin ёки Monero орқали) ва уларнинг блокчейн тармоғидаги ҳаракати.

Жиноятни фош этилиши учун қуйидаги экспертизалар ўтказилиши мумкин, хусусан:

1) суд-компьютер-техникавий экспертизаси ахборот тизимлари ҳимоясини четлаб ўтишга мўлжалланган махсус дастурий кодларни (вируслар, троянлар, эксплоитлар), уларнинг функционал имкониятларини, яратилган вақти ва манбасини ҳамда ушбу воситаларнинг компьютер тизимига таъсир қилиш механизмини, дастурнинг функционал вазифасини, унда рухсатсиз киришни амалга оширувчи, маълумотларни яширинча йиғувчи ёки ҳимояни четлаб ўтувчи алгоритмлар (Payload) мавжудлигини;

2) суд-электротехникавий экспертизаси телекоммуникация тармоқларига рухсатсиз уланиш ёки сигналларни тутиб олиш (intercept) учун ишлатиладиган махсус аппарат воситаларининг (масалан, код-грабберлар, шим мосламалари) техник тузилишини, ишлаш принципини ва аппарат қисмининг жиноий мақсадларга мослаштирилганлигини;

3) суд-филологик (лингвистик) экспертизаси махсус воситаларни тарқатиш мақсадида ёзилган техник йўриқномалар, DarkNet форумларидаги эълонлар ва мессенжерлардаги ўзаро ёзишмалар мазмунини таҳлил қилиб, улардаги ўтказиш мақсадини ифодаловчи лингвистик белгиларни, дастурга илова қилинган қўлланма (Manual) ёки реклама матнида уни айнан жиноий мақсадда ишлатишга қаратилган кўрсатмалар борлигини;

4) суд-иктисодий экспертизаси махсус дастурий ёки аппарат воситаларини сотиш ва тарқатишдан келиб тушган маблағларнинг ҳажмини, криптовалюталардаги транзакцияларни ҳамда ушбу воситаларнинг қора бозордаги қийматини, сотувчи (дастурчи) ва харидор ўртасидаги тўлов занжирини, жиноий даромад миқдорини;

5) видеоматериалларнинг суд экспертизаси махсус аппарат воситаларини тайёрлаш (йиғиш) жараёни ёки уларни бошқа шахсларга бериш (ўтказиш) ҳолатлари акс этган рақамли видеоёзувларнинг ҳаққонийлигини ва улардаги техник деталларни;

6) суд-психологик экспертизаси айбдорнинг махсус воситаларни тайёрлашдаги қасд йўналишини, кибермуҳитдаги хулқ-атворини ҳамда хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этилган ҳаракатларнинг психологик мотивларини;

7) суд-фонографик экспертизаси махсус воситаларни сотиш ёки тарқатиш бўйича оғзаки келишувлар акс этган аудиоёзувлардаги нутқ эгасини идентификация қилишни ва ушбу ёзувларнинг техник яхлитлигини;

8) суд-портрет экспертизаси махсус техник воситаларни тайёрлаш ёки тарқатиш вақтида кузатув камералари тасвирига тушган шахсларнинг қиёфа белгиларини гумонланувчилар билан идентификация қилишни;

9) ҳужжатларнинг суд-техникавий экспертизаси махсус воситаларни қонуний ниқоблаш учун ишлатилган техник паспортлар, сертификатлар ва

божхона ҳужжатларидаги сохталаштириш аломатларини ҳамда улардаги рақамли имзоларнинг ҳақиқийлигини;

10) суд-санъатшунослик экспертизаси махсус воситаларнинг рекламаси сифатида тарқатилган мультимедиа маҳсулотларининг бадий ёки тарғибот мазмунини таҳлил қилиб, уларнинг ижтимоий хавфлилик даражасини;

11) металл буюмлари ва қотишмаларининг суд экспертизаси махсус аппарат воситаларини ясашда ишлатилган қўлбола деталларнинг, микросхема корпусларининг таркибини ва уларнинг тайёрланиш усулини;

12) суд-хатшунослик экспертизаси махсус воситаларни ўтказиш билан боғлиқ бўлган норасмий тилхатлар, техник чизмалар ёки қўлёзма қайдлардаги хат-хабарларнинг айнан қайси шахс томонидан ёзилганлигини аниқлайди.

1.24-§. Компьютер ахборотини модификациялаштириш жиноятининг юридик-техник таҳлили

278⁴-модда. Компьютер ахборотини модификациялаштириш, яъни компьютер тизимида сақланаётган ахборотни қонунга ҳилоф равишда ўзгартириш, унга шикаст етказиш, уни ўчириш, худди шунингдек била туриб унга ёлғон ахборотни киритиш фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилгача озодликни чеклаш ёхуд икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

- а) жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;*
- б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;*
- в) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса, – бир йилдан икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки икки йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.*

1. Муҳофаза қилинадиган норма – Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан, ахборотни излаш, олиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқни чеклашга фақат қонунга мувофиқ ҳамда фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлиғини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш, шунингдек давлат сирлари ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сир ошкор этилишининг олдини олиш мақсадида зарур бўлган доирада йўл қўйилади. Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган органлар томонидангина амалга оширилади. Инсоннинг шаъни ва кадр-қиммати дахлсиздир. Ҳеч нарса уларни камситиш учун асос бўлиши мумкин эмас. Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки инсон кадр-қимматини камситувчи муомалага ёхуд жазога дучор этилиши мумкин эмас. Ҳеч ким расмий эълон қилинмаган қонун асосида ҳукм қилиниши, жазога тортилиши, мол-мулкидан ёки бирон-бир ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикасида барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жихатдан ҳимоя қилиниши таъминланади. Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Ўзбекистон Республикасида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига биноан ҳамда ушбу Конституцияга мувофиқ эътироф этилади ва кафолатланади.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегишли бўлади. Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа инсонларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар. Инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсиздир. Инсоннинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. Ҳар бир инсон ўз шахсини эркин камол топтириш ҳуқуқига эга. Ҳеч кимга унинг розилигисиз қонунчиликда белгиланмаган мажбурият юклатилиши мумкин эмас. Инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, жамият ҳамда давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги шарт³⁵⁵.

Қонунчиликка кўра, фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари иштирокчиларининг ҳалол, оқилона ва адолат билан ҳаракат қилиши назарда тутилади. Фуқаролар ва юридик шахсларнинг бошқа шахсга зарар етказишга, бошқача шаклларда ҳуқуқни суиистеъмол қилишга, шунингдек ҳуқуқни унинг мақсадига зид тарзда амалга оширишга қаратилган ҳаракатларига йўл қўйилмайди³⁵⁶.

Вазифаси ва афзалликларидан қатъи назар, объектив шаклда ифодаланган, босиб чиқарилган ҳамда босиб чиқарилмаган, муаллиф (ҳаммуаллифлар) ижодий фаолиятининг натижаси бўлган, ЭҲМ учун яратилган ҳар қандай дастурлар ва маълумотлар базаларига нисбатан муаллифлик ҳуқуқи татбиқ этилади.

ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасига муаллифлик, шунингдек муаллифнинг (муаллифларнинг) ёки ўзга ҳуқуқ эгасининг шахсий ва мулкӣ ҳуқуқлари амалдаги қонунчиликка мувофиқ аниқланади. ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасининг муаллифи (муаллифлари) ёхуд ўзга ҳуқуқ эгаси ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасини модификациялашни, шу жумладан дастурни бир дастурлаш тилидан бошқа тилга ўтказишни амалга ошириш ва (ёки) амалга оширишга рухсат этиш борасида мутлақ ҳуқуққа ҳам эгадир.

ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасидан бошқа шахсларнинг (фойдаланувчиларнинг) фойдаланиши ҳуқуқ эгаси билан тузилган шартнома асосида амалга оширилади,

Ҳуқуқ эгаларининг мутлақ ҳуқуқларига тааллуқли қонунчилик талабларининг жисмонӣ ёки юридик шахс томонидан бажарилмаслиги муаллифлик ҳуқуқининг бузилиши ҳисобланади.

ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасини ўзганинг номи билан чиқариш ёхуд ундан ғайриқонунӣ равишда нусха олиш ёки бундай асарларни тарқатиш қонунчиликда белгиланган тартибда маъмурий ёхуд жинойӣ жавобгарликка сабаб бўлади.

³⁵⁵ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

³⁵⁶ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Тайёрланиши ёки улардан фойдаланилиши муаллифлик ҳуқуқи бузилишига олиб келадиган ЭХМ учун яратилган дастурлар ёки маълумотлар базаларининг нусхалари қонунчиликда белгиланган тартибда олиб қўйилиши лозим³⁵⁷.

Илгари фойдаланишда бўлган мол-мулкни сотиш бозори ҳудудида:

тайёр армия анжомларини ва белгиланган намунадаги формали кийим-бошни, ҳарбий турдаги бошқа товарларни, муассасалар, ташкилотлар ва корхоналар штампни босилган чойшаблар, ички ишлар органларида қўлланиладиган махсус воситалар ва махсус аслаҳа-анжомларни сотиш;

сотилиши қонун ҳужжатларида тақиқланган бошқа товарлар ва буюмларни сотиш тақиқланади.

Сотувчилар бозорда қуйидагиларга мажбур:

бозорда савдо фаолиятини амалга оширишда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳужжатларга эга бўлиш;

бозор маъмурияти ва назорат қилувчи органларнинг қонуний талабларини бажариш;

қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа талабларга риоя этиш.

Савдо субъектлари қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳужжатларга эга бўлиши керак³⁵⁸.

Ахборот тизимларини ташкил қилувчи техника воситалари қонунчиликда белгиланган тартибда сертификатлаштирилиши керак.

Давлат органлари ахборот тизимларининг, тармоқ ва ҳудудий ахборот тизимларининг, юридик ҳамда жисмоний шахслар ахборот тизимларининг давлат сирлари ёки махфий ахборотни ўз ичига олган ахборотни ишловдан ўтказиш учун мўлжалланган техника воситалари, шунингдек мазкур тизимларни муҳофаза қилиш воситалари мажбурий сертификатлаштирилиши лозим.

Махфий ахборот Маълумотларни узатиш тармоғи бўйича тарқатилганда махфий ахборот билан ишлаш рухсатномасига эга бўлган ва ахборот айирбошланишнинг сертификатланган воситаларидан фойдаланувчи жисмоний ва юридик шахслар учун унинг муҳофаза қилиниши таъминланади.

Ахборот тизимлари, тармоқларини ахборот айирбошлаш воситалари таркибига улаш Ахборот фаолияти ва маълумотлар узатишни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича идоралараро мувофиқлаштириш комиссиясининг қарорига кўра берилган лицензиялар мавжуд бўлганда амалга оширилади.

Ахборот айирбошлаш воситалари таркибига ахборот ресурсларидан фойдаланишнинг алоҳида қоидалари белгиланган давлат ахборот тизимлари, тармоқларини улаш ахборот хавфсизлиги талабларига мувофиқ аттестациядан

³⁵⁷ Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий муҳофазаси тўғрисида” 1994 йил 6 майдаги 1060-ХП-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

³⁵⁸ Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 августдаги 253-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси бозорларида савдо фаолиятини ташкил этиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

ўтказилгандан кейин Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг рухсати билан амалга оширилади.

Давлат сиридан иборат бўлган ахборотни тайёрлаш ва тарқатишда фойдаланиладиган ахборот айирбошлаш воситасини, шунингдек, ахборотни муҳофаза қилиш воситасини мажбурий равишда сертификатлаш зарур.

Қуйидагилар:

давлат сири ёки махфий ахборот;

миллий мулк;

архив фонди;

Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги билан жўнатилиши (чиқарилиши) чекланиши мумкин бўлган хужжатлаштирилган ахборот тоифасига киритилган бошқа ахборотни Ўзбекистон Республикасидан жўнатиш (чиқариш) чекланади.

Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришга даъват қилувчи, уруш, зулм ва порнографияни тарғиб қилувчи, диний ва миллий низоларни кўзғовчи, инсон шаъни ва қадр-қимматини поймол қилувчи ахборотлар ҳамда амалдаги қонунчилик билан тарқатилиши тақиқланган бошқа ахборотларнинг олиб кирилиши ва тарқатилиши тақиқланади.

Ахборот айирбошлашни амалга оширишда қонунга хилоф равишдаги хатти-ҳаракатлар учун жисмоний ва юридик шахслар – Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентлари Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ жавоб берадилар.

Давлат ахборот ресурсларини ва ахборот ресурсларини давлат билан биргаликда шакллантиришга ихтисослашган ташкилотлар маълумотларни узатиш тармоқларини лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланиш бўйича фаолиятнинг бу турига рухсатнома олишлари шарт.

Давлат ахборот ресурсларини шакллантириш ва уларга хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган ахборот тизимлари, маълумотлар базалари ва банклари қонунчиликка мувофиқ сертификатланиши керак.

Фойдаланиш чекланган ахборот мавжуд бўлган давлат ахборот ресурсларини шакллантириш учун мўлжалланган ахборот тизимлари ахборот хавфсизлиги талабларига мувофиқ мажбурий аттестациядан ўтказилиши керак.

Давлат, жамоат органлари, фуқаролар, мулкчилик шакллари ва қайси идоравий бўйсунитидан қатъи назар, корхона, муассаса ва ташкилотлар давлат ахборот ресурсларини шакллантириш учун зарур бўлган тегишли шаклда хужжатлаштирилган ахборотни давлат ахборот ресурсларини шакллантириш ва ундан фойдаланиш учун масъул бўлган органларга ва (ёки) ташкилотларга тақдим этишлари шарт.

Интернет билан ишлаш учун Х.25, Frame Relay ва АТМ шунингдек, коммутация қилинган телефон тармоғидан коммутация қилинган каналлар PPP/SLIP (Point protocol IP protocol) бўйича маълумотларни узатиш каналларидан фойдаланган ҳолда фойдаланиш мумкин³⁵⁹.

³⁵⁹ Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси ахборот ресурсларини тайёрлаш ва уларни маълумотларни узатиш тармоқларида, шу жумладан, интернетда тарқатиш тартиби тўғрисидаги низомни

Ахборотни бузиб талқин этиш ва сохталаштириш тақиқланади.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда мансабдор шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳар кимга ўзининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган ахборот билан танишиб чиқиш имкониятини таъминлаб беришга, мақбул ахборот ресурслари яратишга, фойдаланувчиларни фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятларига, уларнинг хавфсизлигига доир ҳамда жамият манфаатларига тааллуқли бошқа масалалар юзасидан ахборот билан оммавий тарзда таъминлашга мажбурдирлар.

Ҳар қандай ахборот, агар у билан қонунга хилоф равишда муомалада бўлиш ахборот мулкдори, эгаси, ахборотдан фойдаланувчи ва бошқа шахсга зарар етказиши мумкин бўлса, муҳофаза этилмоғи керак.

Ахборотни муҳофаза этиш:

шахс, жамият ва давлатнинг ахборот соҳасидаги хавфсизлигига таҳдидларнинг олдини олиш;

ахборотнинг махфийлигини таъминлаш, тарқалиши, ўғирланиши, йўқотилишининг олдини олиш;

ахборотнинг бузиб талқин этилиши ва сохталаштирилишининг олдини олиш мақсадида амалга оширилади.

Ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсати ахборот соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган бўлади ҳамда шахс, жамият ва давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг асосий вазифалари ҳамда фаолият йўналишларини, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларининг, фуқароларнинг ўрни ва аҳамиятини белгилайди.

Шахснинг ахборот борасидаги хавфсизлиги унинг ахборотдан эркин фойдаланиши зарур шароитлари ва кафолатларини яратиш, шахсий ҳаётига тааллуқли сирларини сақлаш, ахборот воситасида қонунга хилоф равишда руҳий таъсир кўрсатилишидан ҳимоя қилиш йўли билан таъминланади.

Жисмоний шахсларга тааллуқли шахсий маълумотлар махфий ахборот тоифасига киради.

Жисмоний шахснинг розилигисиз унинг шахсий ҳаётига тааллуқли ахборотни, худди шунингдек шахсий ҳаётига тааллуқли сирини, ёзишмалар, телефондаги сўзлашувлар, почта, телеграф ва бошқа мулоқот сирларини бузувчи ахборотни тўплашга, сақлашга, қайта ишлашга, тарқатишга ва ундан фойдаланишга йўл қўйилмайди, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Жисмоний шахслар тўғрисидаги ахборотдан уларга моддий зарар ва маънавий зиён етказиш, шунингдек уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва

қонуний манфаатлари рўёбга чиқарилишига тўсқинлик қилиш мақсадида фойдаланиш тақиқланади.

Фуқаролар тўғрисида ахборот олувчи, бундай ахборотга эгалик қилувчи ҳамда ундан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахслар бу ахборотдан фойдаланиш тартибини бузганлик учун қонунда назарда тутилган тарзда жавобгар бўладилар.

Оммавий ахборот воситалари ахборот манбаини ёки тахаллусини қўйган муаллифни уларнинг розилигисиз ошкор этишга ҳақли эмас. Ахборот манбаи ёки муаллиф номи фақат суд қарори билан ошкор этилиши мумкин.

Жамиятнинг ахборот борасидаги хавфсизлигига қуйидаги йўллар билан эришилади:

демократик фуқаролик жамияти асослари ривожлантирилишини, оммавий ахборот эркинлигини таъминлаш;

қонунга ҳилоф равишда ижтимоий онгга ахборот воситасида руҳий таъсир кўрсатишга, уни чалғитишга йўл қўймаслик;

жамиятнинг маънавий, маданий ва тарихий бойликларини, мамлакатнинг илмий ва илмий-техникавий салоҳиятини асраш ҳамда ривожлантириш;

миллий ўзликни англашни издан чиқаришга, жамиятни тарихий ва миллий анъаналар ҳамда урф-одатлардан узоқлаштиришга, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштиришга, миллатлараро ва конфессиялараро тотувликни бузишга қаратилган ахборот экспансиясига қарши ҳаракат тизимини барпо этиш.

Давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлиги қуйидаги йўллар билан таъминланади:

ахборот соҳасидаги хавфсизликка таҳдидларга қарши ҳаракатлар юзасидан иқтисодий, сиёсий, ташкилий ва бошқа тусдаги чора-тадбирларни амалга ошириш;

давлат сирларини сақлаш ва давлат ахборот ресурсларини улардан рухсатсиз тарзда фойдаланилишидан муҳофаза қилиш;

Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ахборот маконига ва замонавий телекоммуникациялар тизимларига интеграциялашуви;

Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартиришга, ҳудудий яхлитлигини, суверенитетини бузишга, ҳокимиятни босиб олишга ёки қонуний равишда сайлаб қўйилган ёхуд тайинланган ҳокимият вакиллари ҳокимиятдан четлатишга ва давлат тузумига қарши бошқача тажовуз қилишга очикдан-очик даъват этишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишидан ҳимоя қилиш;

урушни ва зўравонликни, шафқатсизликни тарғиб қилишни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоват уйғотишга қаратилган терроризм ва диний экстремизм ғояларини ёйишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишига қарши ҳаракатлар қилиш.

Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар³⁶⁰.

Ҳужжатлаштирилган ахборот ресурсининг муҳофазасини таъминлаш бўйича чоралар уни давлат архивига топшираётган ташкилот томонидан белгиланади.

Ахборот ресурсини давлат сақловига қабул қилишда хавфсизликни муҳофаза қилишни қуйидаги дастурий-техник воситалар ва ташкилий чоралар ёрдамида тегишли давлат архиви таъминлайди:

ахборот хавфсизлигига таҳдидларни аниқлаш ва бартараф этиш;

ахборот ресурсининг архив нусхасини топшириш, архивни шакллантириш, уни сақлаш ва ундан фойдаланишда маълумотларнинг тўлиқлигини таъминлаш;

рухсат берилмаган ахборот ресурсидан фойдаланиш, унга қўшимча ва ўзгартишлар киритишдан муҳофаза қилиш;

архив маълумотларнинг захира ва қайта тикланиши тизимини таъминлаш.

Умумий фойдаланишга мўлжалланган ахборот ресурслари (юримдик ва жисмоний шахслар, норматив-ҳуқуқий актлар, табиий ресурслар, давлат органларининг веб-сайтлари ва бошқалар бўйича маълумотлар базалари) барча давлат органлари, юримдик ва жисмоний шахсларга давлат архивлари томонидан уларга белгиланган ваколатлар доирасида тақдим этилади.

Махсус давлат ахборот ресурсларидан (давлат сири ва конфиденциал маълумотларга эга бўлган идоралар, ҳудудий бошқарув ва ҳокимият органлари, давлат юримдик шахслари ва жисмоний шахслар) фойдаланиш учун рухсат бериш давлат архивлари томонидан уларни шакллантириш, қўлланилиши ва янгиланиб борилишига масъул бўлган органлар билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Ахборот ресурсларини давлат сақловига топширган ташкилотлар ундан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум бўлмайдилар.

Ахборот ресурсларини давлат сақловига қабул қилган давлат архивлари қуйидагилар учун жавобгардирлар:

маълумотлар билан ишлаш қоидаларини бузганлик, маълумот алмашинувини амалга оширишда ҳуқуқбузарлик ҳаракатларидан фойдаланганлик ва йўл қўйганлик;

жисмоний шахслар ҳақида шахсий маълумотларга эга бўлган ахборотларни тарқатганлик;

ахборот ресурсларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш;

ахборот ресурсларидаги маълумотларни ўғирлаш, йўқотиш, бузиш, блокировка қилиш ва сохталаштириш;

муаллифлик ҳуқуқлари ва интеллектуал мулк бўйича қонунчиликни бузганлик.

³⁶⁰ Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида” 2002 йил 12 декабрдаги 439-ІІ-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Давлат архивларига амалдаги қонунчиликка мувофиқ бошқа жавобгарлик ҳам юклатилиши мумкин³⁶¹.

Тизим иштирокчиларининг фонд бозорида АКТлари электрон ҳужжатларининг бут сақланишини, ўзгартирилишини, муҳофаза қилишини, қайта ишланишини, жўнатилиши ва қабул қилинишини, шу жумладан:

электрон ҳужжатларнинг, улар жўнатилган ва қабул қилинган сана ва вақтлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган реквизитларнинг такрорий нусхаси кўчирилиши ва архивда сақланишини;

Тизим иштирокчилари ўртасидаги қоғоз шаклидаги ҳужжат алмашилишини қисқартириш ҳамда инсон омилининг ахборотларни қайта ишлаш сифати ва тезкорлигига бўлган салбий таъсирини камайтириш мақсадида қоғоз ва электрон ҳужжатларнинг қўл ишини минималлаштиришни;

ахборотларни киритиш/чиқаришни такрорловчи операцияларни истисно этишни, катта ҳажмдаги ахборотларни қайта ишлаш ва ахборот тизимларининг интеграциялашуви мумкинлигини;

электрон ҳужжатларнинг махфийлигига, бутлигига ва уларга муаллифлик қилишга қўйилган талабларга риоя этилишини;

қонунчиликда ўрнатилган талабларга мувофиқ ЭРИнинг ҳаққонийлигини, шунингдек, қабул қилувчи томонидан электрон ҳужжатни қайта ишлаш пайтида жўнатувчининг ЭРИ калити сертификати амал қилаётганини текшириш мумкинлигини;

электрон ҳужжатларнинг транзит ўтказилишидан, у амалга ошириладиган транзит амалга ошириладиган тизимда иштирокчилар томонидан очилмаслиги ва кўрилмаслиги шарти билан (ёпиқ конверт фақат унинг эгаси томонидан очилиши мумкин) фойдаланишни таъминлаши лозим.

Тизим иштирокчилари томонидан электрон ҳужжатларни муҳофаза қилиш учун фойдаланилаётган фонд бозоридаги АКТлари қонунчиликда ўрнатилган тартибда сертификатланган бўлиши ва фойдаланиш ҳужжатларига мувофиқ ишлатилиши лозим.

Электрон ҳужжатларнинг чиқиб кетиши, ўғирланиши, йўқотилиши, бузилиши, уларга чекловларнинг ўрнатилиши ва қалбакилаштирилишининг ҳамда электрон ҳужжатларга рухсатсиз кириш ва улардан нусха кўчиришнинг олдини олишни ўз ичига олувчи Тизим иштирокчисининг ахборот хавфсизлиги Тизим иштирокчисининг дастурий-техник чора-тадбирлари билан таъминланади.

Ахборот хавфсизлиги шунингдек, бошқа мавжуд воситалар билан ҳам қонунчилик ва ушбу Низом талабларини инобатга олган ҳолда, Тизим иштирокчисининг ички қоидаларига мувофиқ таъминланиши мумкин.

Тизим иштирокчилари қонунчилик ва ушбу Низом талабларини инобатга олган ҳолда, белгиланган қоидаларнинг бузилишини ва унинг учун жавобгарликка тортилишни олдини олишни назарда тутувчи ахборот

³⁶¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Ўзархив” агентлиги бош директорининг 2007 йил 17 июлдаги 18-сон буйруғи (рўйхат рақами 1703, 2007 йил 13 август) билан тасдиқланган Ахборот ресурсларининг архив нусхаларини яратиш ва уларни давлат сақловига топшириш бўйича йўриқнома // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

хавфсизлиги ва Тизимдан фойдаланишнинг ички қоидаларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди.

Дастурий-техник чора-тадбирлар қуйидагиларни таъминлайди:

Тизим иштирокчиси-ташкilot ходимларининг мазкур ташкilot ходимларининг лавозим йўриқномаларидан келиб чиққан ҳолда, дастурий ресурсларга чекланган киришини;

фонд бозорида АКТларидан фойдаланишда Тизим иштирокчиси бўлган ташкilotларнинг барча ҳаракатларини антивирус билан муҳофаза қилиш ва баённома юргизишни.

Тизим иштирокчилари криптографик муҳофаза қилишни қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширишади.

ЭРИдан фойдаланиш ваколатига эга бўлмаган ва ундан шахсий ёхуд учинчи шахс манфаатлари йўлида фойдаланган Тизим иштирокчиси ва иштирокчи ташкilot ходимлари қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

Тизим иштирокчиси унинг ўзи томонидан Тизимда исталган ҳаракатларни амалга оширишга ваколат берган шахснинг унинг номидан бажарган барча ҳаракатларига жавобгардир.

Тизим иштирокчилари қуйидагиларга мажбурдирлар:

тизимнинг узлуксиз фаолиятини таъминлаш;

ахборот хавфсизлиги ва Тизимдан фойдаланишнинг ички қоидаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш (фақат Тизим иштирокчиси юридик шахс бўлган ҳолда);

электрон ҳужжатларни тузишни ва жўнатишни қонунчилик ҳужжатлари ҳамда ушбу Низом талабларига мувофиқ равишда қатъий таъминлаш;

мустақил равишда ЭРИ сертификатини олиш, шунингдек, фонд бозорида АКТларининг ЭҲАдан фойдаланиладиган зарур иш ҳолатини қўллаб-қувватлаш;

электрон ҳужжатларда кўрсатилган буюртма ва/ёки топшириқларни фонд бозорининг технологик жараёнларига мувофиқ, қонунчилик талабларини инобатга олган ҳолда қабул қилиш/жўнатиш, топшириш/ижро этиш³⁶².

Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлигининг Давлат ахборот тизимларини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш ягона интегратори Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасини ахборот билан тезкор таъминлаш учун интеграциялаштирилган ахборот тизимларини яратиш, ривожлантириш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек давлат органлари ахборот

³⁶² Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2008 йил 1 августдаги 2008-13-сон буйруғи (рўйхат рақами 1855, 2008 йил 9 сентябрь) билан тасдиқланган Фонд бозорида ахборот-коммуникация технологиялардан фойдаланишга ўрнатилган талаблар тўғрисидаги низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

тизимлари билан уларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш юзасидан жавобгар ҳисобланади³⁶³.

Фойдаланувчиларнинг ахборотни рухсатсиз фойдаланишдан ҳимоя қилишга доир белгиланган чораларни бузишга қаратилган хатти-ҳаракатларига йўл қўйилмайди.

Муайян жисмоний шахсга тааллуқли бўлган ёки уни идентификация қилиш имконини берадиган шахсга доир маълумотларни учинчи шахсларга тақдим этиш Ўзбекистон Республикасининг “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ амалга оширилади.

Ваколатли органларнинг ахборот тизимларини идентификациялашнинг ягона тизимига улаш интеграциялашувга қўйиладиган техник талабларга мувофиқ амалга оширилади.

Ҳужжатлар ва ахборот билан автоматлаштирилган тарзда айирбошлаш мақсадида ваколатли органлар ахборот тизимларининг интеграциялашув “Электрон ҳукумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали амалга оширилади.

“Электрон ҳукумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформасига уланадиган ваколатли органларнинг ахборот тизимлари ҳам ҳужжатлар ва ахборотни тақдим этиш учун мурожаат қилган маълумотларни етказиб берувчилар, ҳам ҳужжатлар ва ахборотни сўраган маълумотларнинг истеъмолчилари бўлиши мумкин.

Идоралараро электрон ҳамкорлик қилишда фойдаланувчиларнинг фойдаланишини ва ваколатларини таъминлаш устидан назорат қилиш идентификациялашнинг ягона тизими орқали амалга оширилади.

Идентификациялашнинг ягона тизимида фойдаланувчиларнинг шахсий маълумотларидан рухсатсиз фойдаланганлик учун ваколатли органлар – ахборот тизимларининг эгалари ва Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги жавоб беради³⁶⁴.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги шакллантирилган марказий маълумотлар базаларининг нусхаларини улардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлмаган шахсларга тақдим этиш ҳуқуқига эга эмас.

Ваколатли органлар томонидан марказий маълумотлар базаларига тақдим этиладиган маълумотлар тақдим этилаётган пайтда ишончли, тўлиқ ва долзарб бўлиши керак.

Ваколатли органлар марказий маълумотлар базаларига маълумотларни “Электрон ҳукумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали жисмоний ва юридик шахсларнинг ягона идентификаторларидан фойдаланиб тақдим этадилар.

³⁶³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2012 йил 21 мартдаги ПҚ–1730-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

³⁶⁴ Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 17 декабрдаги 365-сон қарори билан тасдиқланган “Электрон ҳукумат” тизими фойдаланувчиларини идентификациялашнинг ягона ахборот тизими тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Марказий маълумотлар базаларидан маълумотлар олиш жисмоний ва юридик шахсларнинг ягона идентификаторларидан фойдаланиш орқали амалга оширилади.

Давлат хизматлари кўрсатиш жараёнидаги идоралараро электрон ҳамкорлик қилишда жисмоний ва юридик шахсларнинг бошқа идентификаторларидан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Марказий маълумотлар базаларидаги маълумотлардан фойдаланганда жисмоний ва юридик шахсларни идентификациялаш фақат “Электрон ҳукумат” тизими фойдаланувчиларини идентификациялашнинг ягона ахборот тизими орқали амалга оширилади.

Давлат хизматлари кўрсатишда ва идоралараро электрон ҳамкорлик қилишда марказий маълумотлар базаларидаги маълумотлардан фойдаланиш “Электрон ҳукумат” тизимининг идоралараро интеграциялашув платформаси ёрдамида амалга оширилади.

Давлат хизматлари кўрсатишда жисмоний ва юридик шахслардан марказий маълумотлар базалари ва тегишли ваколатли органларнинг ахборот ресурсларида мавжуд бўлган маълумотларни ҳамда бошқа идентификаторли қўшимча ҳужжатларни талаб қилиш тақиқланади.

Марказий маълумотлар базаларида мавжуд бўлмаган ахборотнинг сақланишини таъминловчи давлат ахборот ресурсларини яратишда тегишли равишда жисмоний ва юридик шахсларнинг ягона идентификаторларидан фойдаланилади³⁶⁵.

Ахборот-кутубхона ва архив муассасаларида электрон базаларнинг ахборот хавфсизлиги тегишлича Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги “Ўзархив” агентлиги ҳамда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг Ахборот хавфсизлиги сиёсати талабларига мувофиқ таъминланади³⁶⁶.

Ахборот воситачиси қуйидагиларга ҳақли эмас:

ўзининг ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда тузилган битимнинг тарафига айланиш, шунингдек ахборот воситачиси сифатида хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ бўлмаган ишлаб чиқариш, савдо, савдо-воситачилик ёки бошқа фаолиятни амалга ошириш;

электрон тижоратни амалга ошириш, битимлар тузишда нархларнинг шаклланиш жараёнларига аралаштириш, контрагентларни танлашда ва битимлар тузишда электрон тижорат иштирокчиларининг эркинлигини чеклаш, шунингдек электрон тижорат иштирокчиларининг ҳуқуқларини бошқача тарзда чеклаш.

Ахборот воситачиси қуйидагиларга мажбур:

³⁶⁵ Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 17 декабрдаги 365-сон қарори билан тасдиқланган “Электрон ҳукумат” тизимининг жисмоний ва юридик шахслар марказий маълумотлар базаларини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

³⁶⁶ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Ўзархив” агентлиги бош директорининг 2016 йил 20 июндаги 45-сон буйруғи (рўйхат рақами 2807, 2016 йил 7 июль) Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан ахборот-кутубхона ва архив муассасаларига тақдим этилган ҳужжатлар билан ишлаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

электрон тижорат соҳасидаги қонун ҳужжатларига, шу жумладан стандартлар, нормалар ва қоидаларга риоя этиш;

ўзининг тўлиқ номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли, кўрсатиладиган хизматлар, уларни кўрсатиш шартлари ва қийматлари (тарифлари) ҳақидаги ахборотни электрон тижорат иштирокчиларига ошкор қилиш;

электрон ҳужжатларнинг ва электрон хабарларнинг мазмунини, улардан фойдаланиш тартибини ўзгартирмаслик, электрон тижорат иштирокчилари билан тузилган шартномаларда назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно;

электрон ҳужжатларни, электрон хабарларни ва шахсга оид маълумотларни рухсатсиз фойдаланишдан ҳимоя қилиш чоралари билан таъминлаш;

электрон ҳужжатларни ва электрон хабарларни учинчи шахсларга бермаслик, қонунда ёки шартномада назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно;

электрон ҳужжатларнинг ва электрон хабарларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ сақланишини таъминлаш;

ўз ахборот тизимини Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги серверларда жойлаштириш.

Агент сотувчига ёки харидорга хизматлар кўрсатиш натижасида ўзига маълум бўлган маълумотларнинг махфийлигига риоя қилишга мажбур.

Электрон тижоратни ташкил этишнинг шакллари битимлар тузишнинг рақобатли шакллари деб эътироф этилади, бунда ахборот воситачисининг ахборот тизими қуйидаги шарт-шароитларни таъминлайди:

электрон тижоратнинг иккитадан кам бўлмаган иштирокчилари томонидан офертани акцептлаш имконияти;

оферент учун шартномани бажаришнинг энг яхши шартларини таклиф қилган шахс билан шартнома тузиш.

Қайд этилган талабларга риоя қилинган тақдирда битим содир этилган деб эътироф қилинади.

Битимларни рақобатли шаклларда содир этишда офертани қабул қилган шахс томонидан, уни қабул қилиш учун белгиланган муддатда, унда кўрсатилган шартнома шартларини бажариш бўйича хатти-ҳаракатларни (товарларни юклаб жўнатиш, хизматлар кўрсатиш, ишларни бажариш, тегишли суммани тўлаш ва ҳоказоларни) содир этиш акцепт ҳисобланмайди.

Ахборот воситачиларининг ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган электрон тижоратда қуйидагиларга йўл қўйилмайди:

электрон тижорат иштирокчиларини камситиш, электрон тижоратнинг бир иштирокчисига бошқа иштирокчилар эркин фойдалана олмайдиган ва қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган имтиёзлар ёки преференцияларни бериш;

ахборот воситачиларининг мансабдор шахслари томонидан шахсий манфаатдорлик таъсирида қарорлар қабул қилиш ёхуд электрон тижорат иштирокчиларининг манфаатларига зарар етказадиган бошқа ноқонуний хатти-ҳаракатларни содир этиш;

электрон тижорат иштирокчиларига босим ўтказиш, электрон тижоратда иштирок этиш ҳақидаги ахборотни ошкор қилиш (қонун ҳужжатларидан назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно), ноқонуний тарзда рақобатга йўл қўймаслик, уни чеклаш ёки четлатиш;

электрон тижорат иштирокчиларининг бозор конъюнктурасини ўзгартириш ёки нархларни бузиб кўрсатиш мақсадида тил бириктириши;

ишончли бўлмаган ёки бузиб кўрсатилган ахборотни бериш ёки тарқатиш, шунингдек ахборотдан эркин фойдаланишни асоссиз чеклаш;

электрон тижорат иштирокчилари томонидан келгусида шартномани имзолашдан ёки уни зарур даражада бажаришдан бош тортиш ниятида сунъий равишда пасайтирилган ёки оширилган нархларда талабномалар бериш;

ахборот воситачисининг ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда товар сотаётган ёки сотиш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатишни таклиф қилаётган, белгиланган тартибда якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказилмаган жисмоний шахс ҳисобланган битим тарафларидан бири томонидан битимларни амалга ошириш³⁶⁷.

Лойиҳаларни амалга ошириш натижасида ишлаб чиқилган ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларини «Рақамли ҳукумат»нинг ахборот тизимлари ва ресурслари ягона реестрида рўйхатдан ўтказиш ва амалиётга жорий этишга уларнинг техник топшириқ ва ахборот хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги юзасидан Рақамли технологиялар вазирлиги ҳамда “Киберхавфсизлик маркази” ДУКнинг ижобий хулосалари олинганидан сўнг рухсат берилади;

Ижобий хулосага эга бўлмаган ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларини фойдаланишга қабул қилиш, ишга тушириш ҳамда “Рақамли ҳукумат” доирасидаги тизимлар ва сервислар билан интеграция қилишга йўл қўйилмайди³⁶⁸.

Электрон ҳукумат доирасида маълумот тақдим этувчи ва фойдаланувчиларнинг электрон ҳамкорлиги ҳамда ахборот алмашинуви уларнинг ахборот тизимлари ва ресурсларини Идоралараро интеграциялашув платформасига улаш орқали амалга оширилади.

Бунда электрон ҳамкорлик ва ахборот алмашинуви фақат Электрон ҳукуматнинг идоралараро маълумотлар узатиш тармоғи орқали ташкил этилади.

Фойдаланувчи ва оператор ўртасидаги ахборот алмашинуви тегишли сўров юбориш йўли билан Идоралараро интеграциялашув платформаси ёрдамида амалга оширилади.

Бунда Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали электрон ҳамкорлик ҳамда ахборот алмашинуви доирасида йўлланган барча сўровлар

³⁶⁷ Вазирлар Маҳкамасининг “Электрон тижорат платформалар ва рақамли экотизим операторларининг ахборот воситачиларининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2016 йил 2 августдаги 249-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

³⁶⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Электрон ҳукумат” тизими доирасида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш сифатини яхшилаш чоратадбирлари тўғрисида” 2019 йил 21 майдаги ПҚ-4328-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

бўйича статистика маълумотлари маълумот тақдим этувчи ва фойдаланувчининг шахсий кабинетида юритилади.

Идоралараро интеграциялашув платформасига уланган ахборот тизимлари ва ресурсларида мавжуд бўлган шахсга доир маълумотлар алмашинуви Ўзбекистон Республикасининг “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги Қонуни ва ушбу соҳадаги бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали маълумотлар фойдаланувчининг ваколати доирасидаги вазифаларни бажариш учун қайта ишлаш мақсадида тақдим этилади.

Электрон давлат хизматларини кўрсатиш ва идоралараро электрон ҳамкорликни ташкил этиш доирасида ахборот алмашинуви Идоралараро интеграциялашув платформасига уланиш орқали амалга оширилади.

Идоралараро интеграциялашув платформасига уланиш учун “Электрон ҳукуматнинг ахборот тизимлари ва ресурслари ягона реестри” ахборот тизими (кейинги ўринларда – Ягона реестр тизими) орқали электрон шаклда мурожаат этилади.

Бунда Ягона реестр тизимида авторизациядан ўтиш учун “Электрон ҳукумат” тизими фойдаланувчиларини идентификациялашнинг ягона ахборот тизимида рўйхатдан ўтиш талаб этилади.

Оператор:

Идоралараро интеграциялашув платформасига уланиш тартиби ва шартларига риоя қилишга;

фойдаланувчига Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали маълумотлар юборилгунига қадар уларнинг конфиденциаллигини таъминлашга;

Идоралараро интеграциялашув платформасида маълумот тақдим этувчи ва фойдаланувчининг шахсий кабинетларига улашга;

Ягона реестр тизимида Идоралараро интеграциялашув платформасига уланиш бўйича ариза ва технологик йўриқномани кўриб чиқишга ва келишишга;

Идоралараро интеграциялашув платформасидаги маълумот тақдим этувчи ва фойдаланувчининг шахсий кабинетлари орқали электрон ахборот ҳамкорлиги доирасидаги статистика маълумотлари билан танишиш имкониятини яратишга;

Идоралараро интеграциялашув платформасининг узлуксиз ишлаши бўйича тегишли чоралар кўришга;

қонунчилик ҳужжатлари ва мазкур Низом талабларини бажаришга;

Идоралараро интеграциялашув платформасида жойлаштирилган барча веб-сервислар бўйича режали ва режадан ташқари узилишлар ва/ёки тўхталишлар вужудга келиши ёки улар бартараф этилиши юзасидан маълумот тақдим этувчи ва фойдаланувчиларни мавжуд қайта алоқа каналлари орқали реал вақт режимида хабардор қилишга;

мазкур Низомда ёки бошқа қонунчилик ҳужжатларида белгиланган қоидалар бузилган тақдирда, маълумот тақдим этувчи ёки фойдаланувчининг

Идоралараро интеграциялашув платформасига уланишни вақтинча тўхтатиш ёки бекор қилиш ва бу ҳақида уларни асосларни кўрсатган ҳолда расмий хабардор қилишга мажбур.

Бунда оператор Идоралараро интеграциялашув платформасига уланишни вақтинча тўхтатиш ёки бекор қилишдан олдин бу тўғрисида маълумот тақдим этувчи ёки фойдаланувчини мавжуд қайта алоқа каналлари орқали реал вақт режимида хабардор қилади.

Маълумот тақдим этувчи Идоралараро интеграциялашув платформасига уланиш шартларига риоя қилишга, Идоралараро интеграциялашув платформасига уланиш бўйича Ягона реестр тизимида ариза ва технологик йўриқномаларни ишлаб чиқишга ва келишишга, Идоралараро интеграциялашув платформасининг push-хабарномалар сервисига уланиш бўйича фойдаланувчининг аризасини белгиланган тартибда келишишга, Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали юборилган сўровларга мувофиқ маълумотларни технологик йўриқномада белгиланган тартибда тақдим этишга, ўзига тегишли бўлган ахборот тизимлари ва ресурслари ҳамда маълумотлар базаларининг барқарор ишлаши, улардаги маълумотларнинг Идоралараро интеграциялашув платформасига узлуксиз равишда тақдим этилиши бўйича тегишли чоралар кўришга, ўзига тегишли маълумотларнинг ишончлилиги ва тўлиқлиги ҳамда долзарблигини таъминлашга, долзарб бўлмаган маълумотлар бўйича шикоятларни қабул қилиш механизмини ишлаб чиқишга, жорий қилишга ҳамда келиб тушган шикоятлар натижаси бўйича маълумотларни ўз вақтида янгилаб боришга, Идоралараро интеграциялашув платформасида жойлаштирилган ўзининг барча веб-сервислари бўйича режали ва режадан ташқари узилишлар ва/ёки тўхталишлар вужудга келиши ёки улар бартараф этилиши юзасидан операторни мавжуд қайта алоқа каналлари орқали реал вақт режимида хабардор қилишга, ўзига тегишли веб-сервисга ўзгартириш ва/ёки қўшимчалар киритиладиган тақдирда, режалаштирилган ишлар амалга оширилгунига қадар бу ҳақида уч кун олдин операторга хабар беришга, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида техник ишлар ўтказилиши натижасида Идоралараро интеграциялашув платформасига тақдим этилаётган веб-сервисларда кузатилиши мумкин бўлган узилишлар юзасидан техник ишлар ўтказилишидан камида уч иш кун олдин операторни ёзма равишда хабардор қилишга, ахборот тизимлари ва ресурслари жойлашган серверлар ёки объектларда режалаштирилган фавқулодда юз берган узилишлар бундан мустасно, Идоралараро интеграциялашув платформасида жойлаштирилган ўз веб-сервисларига фойдаланувчиларни тўғридан-тўғри улашни чеклашга мажбур.

Фойдаланувчи:

Идоралараро интеграциялашув платформасига уланиш тартиби ва шартларига риоя қилишга;

Идоралараро интеграциялашув платформасига уланиш бўйича Ягона реестр тизимида ариза ва технологик йўриқномаларни ишлаб чиқишга ва келишишга;

Идоралараро интеграциялашув платформасининг push-хабарномалар сервисига уланиш бўйича ўз аризасини белгиланган тартибда маълумот тақдим этувчи билан келишишга;

Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали олинаётган маълумотларнинг конфиденциаллигини таъминлашга;

Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали олинган маълумотларни учинчи томонга тақдим этмасликка;

Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали олинган маълумотлардан маълумот тақдим этувчи ва оператор билан келишилмаган бошқа мақсадларда фойдаланмасликка;

Идоралараро интеграциялашув платформасига уланган ўзининг ахборот тизимларининг узлуксиз ишлаши бўйича тегишли чоралар кўришга;

“Электрон ҳукумат” тизими орқали олинадиган маълумотларни олиш, қўллаш ва сақлаш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя қилишга мажбур.

Фойдаланувчиларнинг ахборот тизимларини Рақамли маълумотлар платформасига улаш фақат ҳимояланган VPN тармоғи орқали ташкил этилади.

Бунда солиқ ва кадастр органларининг ахборот тизимлари Рақамли маълумотлар платформасига Вазирлар Маҳкамасининг “Учинчи шахсларга солиқ тўловчилар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш чора-тадбирлари ҳақида” 2021 йил 19 августдаги 529-сон қарорига мувофиқ давлат-хусусий шериклик шартномасининг амал қилиш муддатига қадар хусусий шерикнинг ахборот тизимлари орқали уланади.

Оператор:

Рақамли маълумотлар платформасига уланиш тартиби ва шартларига риоя қилишга;

фойдаланувчига Рақамли маълумотлар платформаси орқали маълумотлар юборилгунига қадар уларнинг конфиденциаллигини таъминлашга;

Рақамли маълумотлар платформасида маълумот тақдим этувчи ва фойдаланувчини шахсий кабинетларига улашга;

Ягона реестр тизимида Рақамли маълумотлар платформасига уланиш бўйича ариза ва технологик йўриқномани кўриб чиқишга ва келишишга;

Рақамли маълумотлар платформасида жойлаштирилган барча веб-сервислар бўйича режали ва режадан ташқари узилишлар ва/ёки тўхталишлар вужудга келиши ёки улар бартараф этилиши юзасидан фойдаланувчиларни мавжуд бўлган қайта алоқа каналлари орқали хабардор қилишга;

Маълумот тақдим этувчи ва фойдаланувчининг Рақамли маълумотлар платформасидаги шахсий кабинетлари орқали электрон ахборот ҳамкорлиги доирасидаги статистика маълумотлари билан танишиш имконини яратишга;

Рақамли маълумотлар платформасининг узлуксиз ишлаши бўйича тегишли чоралар кўришга;

қонунчилик ҳужжатлари ва мазкур Низом талабларини бажаришга;

мазкур Низомда ёки бошқа қонунчилик ҳужжатларида белгиланган қоидалар бузилган тақдирда, маълумот тақдим этувчи ёки фойдаланувчининг

Рақамли маълумотлар платформасига уланишини вақтинча тўхтатиш ёки бекор қилиш ва бу ҳақида уларни асосларни кўрсатган ҳолда расмий хабардор қилишга мажбур.

Маълумот тақдим этувчи Идоралараро интеграциялашув платформасига уланиш шартларига риоя қилишга, Идоралараро интеграциялашув платформасига уланиш бўйича Ягона реестр тизимида ариза ва технологик йўриқномаларни ишлаб чиқишга ва келишишга, Идоралараро интеграциялашув платформасининг push-хабарномалар сервисига уланиш бўйича фойдаланувчининг аризасини белгиланган тартибда келишишга, Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали юборилган сўровларга мувофиқ маълумотларни технологик йўриқномада белгиланган тартибда тақдим этишга, ўзига тегишли бўлган ахборот тизимлари ва ресурслари ҳамда маълумотлар базаларининг барқарор ишлаши, улардаги маълумотларнинг Идоралараро интеграциялашув платформасига узлуксиз равишда тақдим этилиши бўйича тегишли чоралар кўришга, ўзига тегишли маълумотларнинг ишончилиги ва тўлиқлиги ҳамда долзарблигини таъминлашга, долзарб бўлмаган маълумотлар бўйича шикоятларни қабул қилиш механизмини ишлаб чиқишга, жорий қилишга ҳамда келиб тушган шикоятлар натижаси бўйича маълумотларни ўз вақтида янгилаб боришга, Идоралараро интеграциялашув платформасида жойлаштирилган ўзининг барча веб-сервислари бўйича режали ва режадан ташқари узилишлар ва/ёки тўхталишлар вужудга келиши ёки улар бартараф этилиши юзасидан операторни мавжуд қайта алоқа каналлари орқали реал вақт режимида хабардор қилишга, ўзига тегишли веб-сервисга ўзгартириш ва/ёки қўшимчалар киритиладиган тақдирда, режалаштирилган ишлар амалга оширилгунига қадар бу ҳақида уч кун олдин операторга хабар беришга, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида техник ишлар ўтказилиши натижасида Идоралараро интеграциялашув платформасига тақдим этилаётган веб-сервисларда кузатилиши мумкин бўлган узилишлар юзасидан техник ишлар ўтказилишидан камида уч иш кун олдин операторни ёзма равишда хабардор қилишга, ахборот тизимлари ва ресурслари жойлашган серверлар ёки объектларда режалаштирилган фавқулодда юз берган узилишлар бундан мустасно, Идоралараро интеграциялашув платформасида жойлаштирилган ўз веб-сервисларига фойдаланувчиларни тўғридан-тўғри улашни чеклашга мажбур.

Фойдаланувчи Рақамли маълумотлар платформасига уланиш тартиби ва шартларига риоя қилишга, Рақамли маълумотлар платформасига уланиш бўйича Ягона реестр тизимида ариза ва технологик йўриқномаларни ишлаб чиқишга ва келишишга, Рақамли маълумотлар платформасининг push-хабарномалар сервисига уланиш бўйича аризасини белгиланган тартибда маълумот тақдим этувчи билан келишишга, Рақамли маълумотлар платформаси орқали олинаётган маълумотларнинг конфиденциаллигини таъминлашга, Рақамли маълумотлар платформаси орқали олинган маълумотларни учинчи томонга тақдим этмасликка, Рақамли маълумотлар платформаси орқали олинган маълумотлардан маълумот тақдим этувчи ва оператор билан келишилмаган бошқа мақсадларда фойдаланмасликка,

Рақамли маълумотлар платформасига уланган ўзининг ахборот тизимларининг узлуксиз ишлаши бўйича тегишли чоралар кўришга, “Электрон ҳукумат” тизими орқали олинадиган маълумотларни олиш, қўллаш ва сақлаш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя қилишга мажбур.

Талабгорнинг ахборот тизимлари ва сервисларини Ягона биллинг тизимига интеграция қилиш талабгор ахборот тизимларининг ахборот хавфсизлигини таъминланган ҳолда амалга оширилади.

Ягона биллинг тизимига “Электрон ҳукумат” тизими фойдаланувчиларини идентификациялаш ягона ахборот тизимида (кейинги ўринларда – Идентификациялашнинг ягона тизими) рўйхатдан ўтиш орқали қилинади.

Оператор ўз фаолиятини қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириш, Ягона биллинг тизимининг доимий ва узлуксиз ишлашини таъминлаш, Ягона биллинг тизимига киритилиши режалаштирилган ўзгартиришлар ҳақида вазирликлар ва идораларга аниқ муддати кўрсатилган ҳолда камида бир ой олдин ёзма хабарнома юбориш, Ягона биллинг тизимида юзага келган носозлик ва хатоликларни бартараф этиш бўйича мурожаатлар қабул қилинишини ташкил этиш ва тезкорлик билан кўриб чиқиш ҳамда бартараф этиш, Ягона биллинг тизимидаги давлат органларига тааллуқли ахборотнинг бутлигини таъминлаш мажбуриятларини ўз зиммасига олади³⁶⁹.

МАИ субъектлари МАИ объектларининг киберхавфсизлигини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига риоя қилиши, киберхавфсизлик ҳодисалари тўғрисида ваколатли давлат органи ва ишчи органни белгиланган тартибда дарҳол хабардор қилиши, киберҳужумларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш, киберхавфсизлик ҳодисаларининг келиб чиқиш сабаблари ва шароитларини аниқлашда ваколатли давлат органи ҳамда ишчи органга кўмаклашиши, МАИ объектларининг киберхавфсизлигини таъминлаш жараёнига давлат органлари томонидан ноқонуний аралашуш ҳолатлари ҳақида ваколатли органни хабардор қилиши, ваколатли давлат органи билан келишилган ҳолда киберҳужумларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш, киберхавфсизлик ҳодисаларига жавоб бериш учун мўлжалланган воситаларни ўз ҳисобидан ўрнатиши ва сақлаши, МАИ объектларига киберҳужумларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш учун ўрнатилган воситаларнинг белгиланган талабларга мувофиқ тўлақонли ишлашини таъминлаши, ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланган тартибда киберхавфсизлик ҳодисаларига жавоб бериш, МАИ объектларига қарши амалга оширилган киберҳужумларнинг оқибатларини бартараф этиш чораларини кўриши ва киберхавфсизлик ҳодисаларини текширишда иштирок этиши, ваколатли давлат органи ва ишчи орган билан келишилган ҳолда, МАИ объектларига уюштирилиши мумкин бўлган кибертахдидларнинг олдини олиши ва киберҳужумлар содир бўлганда МАИ

³⁶⁹ Вазирлар Маҳкамасининг “Идоралараро электрон ҳамкорлик тизими ва маълумотларнинг ахборот алмашинувини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 20 сентябрдаги 516-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

объектларининг барқарор ишлашини тиклаш режаларини ишлаб чиқиши, ваколатли давлат органи ва ишчи орган томонидан ташкил этиладиган режали машғулотларда иштирок этиши шарт.

МАИ объектларига киберхавфсизликни таъминлашнинг қуйидаги талаблари қўйилади:

МАИ объектининг киберхавфсизлигини самарали таъминлаш тизимининг йўлга қўйилганлиги;

ахборот тизимида маълумотлардан рухсатсиз фойдаланиш, уларни йўқ қилиш, ўзгартириш, блоклаш (чеклаш), нусха олиш, тақдим этиш ва тарқатиш ҳамда МАИ объектлари фаолиятининг бузилиши ва/ёки тўхташига олиб келувчи бошқа ҳаракатларни амалга оширишнинг олди олинганлиги;

киберхавфсизликни таъминлаш тизими параметрларининг техник регламентлар талабларига мувофиқлиги, киберхавфсизлик ва МАИ объектининг узлуксиз фаолият юритишини таъминловчи чора-тадбирлар жорий этилганлиги;

киберхавфсизлик ҳодисаси рўй берганда киберҳимояни таъминлаш тизимини тезкор тиклаш имконияти мавжудлиги;

киберхужумларни мониторинг, аудит ва таҳлил қилиш, аниқлаш, чора кўриш ҳамда уларнинг оқибатларини бартараф этиш тизимининг самарали йўлга қўйилганлиги;

киберхавфсизлик ва МАИ объектининг киберхавфсизлиги ва унинг эксплуатациясига доир ҳужжатларнинг мавжудлиги.

МАИ объекти раҳбари мазкур объектда киберхавфсизликни таъминлашга масъул шахс ҳисобланади. МАИ объекти раҳбари томонидан белгиланган тартибда объектда киберхавфсизликни таъминловчи ҳимоя тизимининг ишлашини таъминлашга масъул мутахассислар ёки таркибий бўлинма тайинланади.

МАИ объекти раҳбари объектининг ахборот хавфсизлиги сиёсати, киберхавфсизлик соҳасидаги низомлар, кўрсатмалар, талаблар, ҳимоя воситаларидан фойдаланиш, киберхавфсизликни таъминловчи ҳимоя тизимининг ишлашини ташкил этиш ва назорат қилиш тартибини тасдиқлайди ҳамда уларни доимий равишда такомиллаштириш чораларини кўради.

МАИ объектларининг киберхавфсизлигини таъминловчи барча аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий таъминотлар тегишли мувофиқлик сертификатлари ҳамда киберхавфсизлик тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ бўлиши керак.

МАИ объектларининг киберхавфсизлигини таъминлаш бўйича белгиланган талаблар билан бирга қўшимча равишда қуйидагилар:

МАИ объектларининг киберхавфсизлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни режалаштириш, ишлаб чиқиш, такомиллаштириш ва жорий қилиш;

МАИ объектларининг киберхавфсизлигини таъминлаш учун ташкилий, ҳуқуқий ва техник чораларни кўриш;

МАИ объектларининг киберхавфсизлигини таъминлашда қўлланиладиган аппарат, дастурий-аппарат ва дастурий воситаларнинг кўрсаткич ва хусусиятларини белгилаш назарда тутилади.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, бирлашмалар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ваколатли давлат органи ва унинг ишчи органи билан келишган ҳолда ахборот хавфсизлиги сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишда МАИ объектларининг иш фаолияти хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда уларнинг киберхавфсизлигини таъминлаш воситаларига кўшимча талабларни белгилаши мумкин.

Киберхавфсизликни таъминловчи ҳимоя тизими қуйидагиларни таъминлаши зарур:

МАИ объекти томонидан қайта ишланадиган маълумотлардан рухсатсиз фойдаланиш, уларни йўқ қилиш, ўзгартириш, блоклаш (чеклаш), нусхалаш, тақдим этиш, тарқатиш ва шу каби бошқа хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш;

МАИ объектининг иш фаолияти бузилиши ва/ёки тўхтаб қолишига олиб келиши мумкин бўлган аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий воситаларга ахборот таъсирининг олдини олиш;

ўз ичига давлат сирини олмаган, қонунчилик билан ҳимояланган (кейинги ўринларда – конфиденциал) ва махфий маълумотларга киберхавфсизлик таҳдиди шароитида МАИ объектининг тўлиқ ишлашини таъминлаш;

МАИ объекти фаолиятини тиклаш имкониятини таъминлаш.

Автоматлаштирилган ва ахборот тизимларида барча қайта ишланаётган маълумотлар, аппарат, аппарат-дастурий ҳамда дастурий воситалар, шу жумладан компьютерни сақлаш воситалари, иш станциялари, серверлар, телекоммуникация ускуналари, алоқа линиялари, график, видео ва нутқ маълумотларини қайта ишлаш воситалари, аппарат-дастурий воситаларнинг дастурий таъминоти, ахборот тизимларининг архитектураси ва конфигурацияси ҳимоя қилинади. Телекоммуникация тармоқларида алоқа линиялари орқали узатиладиган маълумотлар, телекоммуникация ускуналари, шу жумладан дастурий таъминот, бошқарув тизими, ўрнатилган ҳимоя воситалари, телекоммуникация тармоғи архитектураси ва конфигурациясининг яхлитлиги ҳимоя қилинади. Автоматлаштирилган бошқарув тизимларида бошқариладиган, кузатиладиган объект ёки жараённинг параметрлари ёхуд ҳолати тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан кириш-чиқиш маълумотлари, бошқарув маълумотлари, назорат ва ўлчов маълумотлари ҳамда бошқа муҳим маълумотлар, дастурий таъминот ва аппарат воситалари, шу жумладан иш станциялари, саноат серверлари, телекоммуникация ускуналари, алоқа линиялари, дастурланадиган мантикий текширгичлар, ишлаб чиқариш, технологик ускуналар, аппарат-дастурий воситаларнинг дастурий таъминоти, ўрнатилган ҳимоя воситалари, автоматлаштирилган бошқарув тизимининг архитектураси ва конфигурацияси ҳимоя қилинади.

Хавфсизлик чораларини амалга оширишда аппарат, тизим, дастур ва тармоқ даражаларида, шу жумладан виртуаллашган муҳитда киришнинг барча

объектлари ва субъектларига нисбатан киберхавфсизлик таҳдидларининг ҳисобга олинганлиги мажбурий мезонлардан бири ҳисобланади.

МАИ объектларидаги конфиденциал ва махфий маълумотларни қайта ишлайдиган қурилмаларда, киберхавфсизлик таҳдидларига қараб, қуйидаги чоралар амалга оширилиши зарур:

кичик тизим ёки бошқа тизимларнинг элементларига кириш ҳуқуқи олинишининг ҳар бир босқичида идентификация ва аутентификация қилиш;
файллар, тизимлар ва қурилмаларга кириш ҳуқуқини бошқариш;
ахборот инфратузилмасини бошқариш ваколатига эга бўлмаган фойдаланувчи учун дастурий муҳитни чеклаш;

конфиденциал ва махфий маълумотларни ташувчи воситаларни ҳимоя қилиш;

тизимлар, дастурлар, шу жумладан дастурий ва дастурий-аппарат ресурсларининг киберхавфсизлик аудитини ўтказиш;

МАИ объекти ахборот активларини бузғунчи дастурий таъминотларга қарши ҳимоя қилиш;

киберхужумларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш;
қурилмалар орқали узатиладиган барча маълумотларни қўллаш мақсадларидан қатъи назар уларнинг яхлитлигини таъминлаш;

фойдаланувчиларнинг МАИ объекти фаолиятидаги ўрнига қараб тизим фойдаланувчилари учун маълумотларга рухсат бериш ва ҳимоясини таъминлаш;

ахборот техник ҳимоя воситаларининг хавфсизлигини таъминлаш;
конфигурацияни бошқариш;

дастурий таъминот янгилашларини ўз вақтида бошқариш;

киберхавфсизлик ҳодисаларига ўз вақтида чора кўриш;

фавқулодда вазиятларда зарур ҳаракатларни бажариш;

яхлитлиги, конфиденциаллиги ёки махфийлиги ҳамда мавжудлиги МАИ объектининг фаолияти ва хавфсизлиги билан боғлиқ бўлган муҳим маълумотларнинг захира нусхасини сақлаш;

киберхавфсизликни таъминлаш ҳолатини, рухсатсиз кириш ва ахборотни ўзгартиришга уринишларни доимий назорат ҳамда таҳлил қилиш;

маълумотларни тезкор тиклаш механизмларини амалга ошириш;

объектни унинг киберхавфсизлик талабларига жавоб бериши юзасидан аттестациядан ўтказиш.

Ушбу талабларнинг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар³⁷⁰.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар тўловлар тўғрисидаги ахборотни шакллантириш, узатиш, сақлаш ва унга ишлов беришнинг барча босқичларида тўловлар тўғрисидаги ахборотни узлуксиз ҳимоя қилиш учун қуйидаги чораларни кўришлари лозим:

³⁷⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг муҳим ахборот инфратузилмаси объектлари киберхавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2023 йил 31 майдаги ПҚ-167-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

идентификация, аутентификация ва авторизация қилиш тизимини жорий этиш;

тизимга рухсатсиз киришнинг олдини олиш усуллари (логин, парол, биометрик идентификация, икки факторли аутентификация (2FA) ва бошқа) қўллаш;

тўлов ҳужжати ва идентификация маълумотларини қалбакилаштириш, уларни рухсатсиз ўзгартириш ҳамда учинчи шахсларга тақдим этишдан ҳимоялаш;

тўлов ахборотлари шакллантирилишини, тўлов ҳужжатининг ҳаққонийлиги текширилишини ва уларга ишлов берилишини ҳамда асосли ўзгартиришлар киритилишини таъминлаш ва назорат қилиш;

тўлов ҳужжатларини узатишда ушбу ҳужжатнинг асл эгасига етказилишини ҳамда бошқа шахсларга жўнатилишининг олди олиншини таъминлаш;

амалга оширилган тўловга оид маълумотларни сақлашда уларни рухсатсиз кўчириш, ўзгартириш, ўчириш ҳамда учинчи шахсларга жўнатилишининг олдини олиш чораларини кўриш;

ташқи сақловчига кўчирилган тўловга оид маълумотларнинг сейфда (темир шкафта) сақланишини таъминлаш ҳамда маълумотларни сақлаш учун масъул ходим (ходимлар) тайинлаш;

ахборот тизимларидаги дастурий таъминотларнинг назоратини ва ҳисобини юритиш ҳамда ахборот тизимларидаги дастурий таъминот талқинларининг, аппарат-дастурий курилмаларининг ва дастурий воситаларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш;

ахборот тизимларининг актуал ҳолатда (охирги версия) бўлишини таъминлаш, бунда дастурий таъминотнинг янги талқинини текширувдан ўтказгандан сўнг ахборот тизимига жорий этиш;

тўлов ахборотларига ишлов бериш, уларни узатиш ҳамда сақлаш жараёнларини электрон баённомаларда автоматик тарзда шакллантириб бориш ҳамда уларнинг сақланишини таъминлаш;

ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш хизмати ҳамда банк ва тўлов тизимларида шубҳали фрод операцияларга қарши чоралар кўриш хизматларини ташкил этиш, шунингдек ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш ҳамда банк карталари билан боғлиқ шубҳали (фрод) операцияларга қарши чоралар кўриш бўйича амалга ошириладиган ишларни назорат қилиш;

ҳисоблаш тармоғининг хавфсизлиги ва криптографик муҳофазасини таъминлаш, компьютер вирусларидан ҳимоялаш, ахборот тизимларига киришни бошқариш, техник воситаларини созлаш ва бошқа чораларни қўллаш;

ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш ҳамда банк карталари билан боғлиқ шубҳали (фрод) операцияларга қарши чоралар кўриш ускуналари, курилмалар, аппарат-дастурий ва дастурий техник воситалари қўлланишини таъминлаш ҳамда уларни мунтазам такомиллаштириб бориш, фойдаланиш тартибларини белгилаш, уларга техник хизмат кўрсатиш,

таъмирлаш ва бошқа ҳолатларда улардан кўзда тутилмаган тарзда рухсатсиз фойдаланишнинг олдини олиш;

қўлланилаётган техник воситаларга барча телекоммуникация тармоқларидан рухсатсиз кириш, улардаги маълумотларни ўзгартириш, ўчириш, қўчириб олишдан ҳимоялаш;

ахборотларни чиқиб кетиши (йўқолишини) олдини олиш;

ахборот тизимига рухсатсиз кириш ёки киберхавфсизлик ҳодисалари содир этилганда, уларни таҳлил қилиш асосида ҳимоя тизимларини мустақкамлаб бориш чораларини кўриш.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар дастурларга ва операцион тизимга зарар келтирувчи зарарли кодлар (компьютер вируслари) ва уларнинг салбий таъсирининг олдини олиш учун қуйидаги чораларни кўриши керак:

ҳисоблаш техникаси қурилмалари (серверлар, компьютерлар ва бошқалар), банкомат, эмбоссер ва тўлов терминалларининг (техник имкониятидан келиб чиқиб) иш фаолиятига зарар етказувчи кодларни (компьютер вирусларини) аниқлаш ва уларнинг салбий таъсирининг олдини олиш чораларини кўриш;

ахборот тизимларида фақат лицензияланган антивирус дастуридан фойдаланиш, уларнинг русумлари ва базалари актуаллиги ҳамда янгиланиб борилишини таъминлаш;

антивирус дастурларининг автоматик тарзда ишлашини таъминлаш;

интернет ва корпоратив тармоқлар орқали келган барча ахборотларни антивирус дастури орқали текшириш.

Тўлов тизимларида ахборотни муҳофаза қилишнинг криптографик усуллари қўлланилиши ва тўлов тизими қоидаларида қуйидагилар белгилаб берилиши лозим:

криптографик муҳофаза воситаларини автоматлаштирилган тизимларга боғлаш, ишга тушириш, ишлатиш ва фойдаланишдан чиқариш тартиби;

криптографик муҳофаза воситаларининг тўхтаб қолиши, ишдан чиқиши ва бошқа фавқулодда ҳолатларда уларни қайта тиклаш тартиби;

криптографик муҳофаза дастурларига ва техник ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тартиби;

криптографик калитларни бошқариш тартиби;

криптографик калитларни ташувчи қурилмаларни қўллаш, сақлаш, ўзгартириш ва бошқалар бўйича ташкилий, техникавий усулларни қўллаш тартиби.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан ахборот алмашинувида ахборот хавфсизлиги ҳамда киберхавфсизликни таъминлашлари шарт.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчиларнинг ахборотлаштириш объектларига рухсатсиз кириш ҳамда фойдаланишни чегаралаш мақсадида қуйидаги чоралар кўрилиши керак:

ахборотлаштириш объектларига, шу жумладан, банкомат, тўлов терминаллари ва тўлов ўтказиш электрон қурилмаларига жисмонан таъсир этишни ҳамда техник жиҳозлар мавжуд бўлган бино ва хоналарга киришни назорат қилиш;

тўловларни амалга оширишда қўлланиладиган автоматлаштирилган тизимлар, дастурлар, ҳисоблаш техникалари, телекоммуникация қурилмалари параметрлари ва тузилмалари ҳамда тўлов тизимида ишлаш ҳуқуқини берувчи маълумотларни (парол, биометрик ва бошқа маълумотлар) ўз ичига олган техник воситаларнинг жисмоний муҳофазасини (хавфсизлик режимини) таъминлаш ва рухсатсиз таъсир этишнинг олдини олиш;

тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчиларнинг ходимлари ахборотлаштириш объектларига киришини назорат қилиш ва маълумотларни рухсатсиз тарқалишидан ҳимоялаш тизимларини жорий қилиш;

серверлар ва телекоммуникация қурилмалари жойлашган хоналарда ишлаш жараёнларини видеокузатув тизимлари ёрдамида назорат қилиш.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар қуйидаги маълумотларни ўз ичига олган ахборот тизимларининг ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлигини таъминлашлари керак:

банк (карта) ҳисобварағида пул маблағлари қолдиқлари тўғрисидаги маълумотлар;

электрон пуллар қолдиқлари тўғрисидаги маълумотлар;

амалга оширилган тўловлар тўғрисидаги маълумотлар;

нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ўз ичига олган маълумотлар;

банклараро тўлов ва клиринг тизимлари тўлов маълумотлари;

криптографик муҳофазани таъминлаш учун қўлланиладиган криптографик калитлар;

тўловларни амалга оширишда қайта ишланадиган конфиденциал ахборотларни (банк сири, шахсга доир маълумотлар ва бошқа қонун билан муҳофаза қилинадиган маълумотлар);

мижозларнинг банк карталари, аккаунтлари ва идентификациядан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотлар.

Тўлов тизимлари операторлари ёки тўлов хизматларини етказиб берувчилар масофадан тўлов хизматларини кўрсатувчи ахборот тизимларини (мобил илова, интернет банкинг ва бошқалар) (бундан буён матнда масофавий ахборот тизимлари деб юритилади) амалиётга жорий этиш ҳамда уларга ўзгартириш киритишдан аввал қуйидагиларни таъминлашлари лозим:

масофавий ахборот тизимларининг тўловларни ўтказиш билан боғлиқ барча функцияларини синов (тест) тарзида тўлиқ текширувдан ўтказишни таъминлаш;

масофавий ахборот тизимларини техник топшириқлар, уларни техник топшириққа ва киберхавфсизлик талабларига мувофиқлиги юзасидан экспертизадан ўтказиш ҳамда уларнинг натижалари бўйича экспертиза хулосаларини Марказий банкка тақдим этиш;

масофавий ахборот тизимларини уяли алоқа даражасида ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизими, Марказий банкнинг марказлашган антифрод ҳамда замонавий биометрик идентификация тизимларига уланишини таъминлаш;

дастурларни ишлатиш бўйича йўриқномаларни ишлаб чиқиш ва уларнинг актуаллигини таъминлаган ҳолда мижозларга тақдим этиш;

аниқланган заифликларни бартараф этиш учун ўзгаришлар киритилишини таъминлаш;

мижозлар қўллаётган дастурларнинг актуаллигини назорат қилиш.

Тўлов тизимлари операторлари ёки тўлов хизматларини етказиб берувчилар масофавий ахборот тизимларининг янги талқинини (версиясини) жорий этганидан сўнг эски талқиндан (версиядан) фойдаланишни чеклаши ва янги талқинга (версияга) ўтиши (янгилаши) лозим.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар ўзаро тўлов ахборотлари ва тўлов ахборотларига тегишли бўлган маълумотлар алмашинувини телекоммуникация тармоқлари орқали амалга ошириш учун томонларнинг ахборотлаштириш объектлари хусусиятларидан келиб чиқиб, уларнинг вазифалари, жавобгарликлари ва мазкур Низом талабларини ўз ичига олган ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлигини таъминлаш, шунингдек банк карталари билан боғлиқ шубҳали (фрод) операцияларга қарши чоралар кўриш қоидаларини ишлаб чиқиши керак.

Тўлов агенти томонидан банк ёки тўлов ташкилоти билан тўлов хизматларини кўрсатиш учун тузилган агентлик шартномасида ахборот хавфсизлиги бўйича томонларнинг масъулиятлари белгиланган бўлиши керак.

Тўлов субагенти томонидан тўлов агенти билан тўлов хизматларини кўрсатиш бўйича тузилган субагентлик шартномасида ахборот хавфсизлиги бўйича томонларнинг масъулиятлари белгиланган бўлиши керак.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар ахборотнинг конфиденциаллиги ва яхлитлигини, шу жумладан, тўлов хизматларидан фойдаланувчининг шахсига доир маълумотларни муҳофаза қилишда ҳамда етарли хавфсизликни таъминлаш мақсадида қуйидаги чораларни кўришлари лозим:

тўлов тизимида ишлов бериладиган конфиденциал ва шахсга доир маълумотларнинг яхлитлиги ва дахлсизлигини муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш тартибини ишлаб чиқиш;

ички ҳужжатлар билан тартибга солинадиган ҳимояланадиган маълумотлар билан ишлашда хавфсизлик ва конфиденциалликни таъминлаш қоидалари ва талабларини ишлаб чиқиш;

конфиденциал ва шахсга доир маълумотлар билан ишловчи ходимлар сонини имкон даражасида камайитириш, ходимлар билан конфиденциал ва шахсга доир маълумотлар ошкор этилишининг олдини олиш бўйича мажбуриятномалар (шартнома) тузиш ва ушбу маълумотлардан фойдаланиш ҳуқуқларини ходимларнинг лавозим мажбуриятларидан келиб чиқиб белгилаш;

конфиденциал маълумотлар рўйхатини юритиш бўйича комиссия таркибини шакллантириш ва тасдиқлаш;

конфиденциал маълумотлар рўйхати ва ҳажмини аниқлаш ҳамда тасдиқлаш;

конфиденциал маълумотлар билан ишлашга рухсат берилган ходимлар рўйхатини шакллантириш ва тасдиқлаш;

ахборотлаштириш объектининг техник паспортини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

конфиденциал маълумотлар билан ишлаш тартибини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

конфиденциал маълумотларни ташувчи воситаларни рўйхатга олиш, йўқ қилиш, конфиденциал ахборот ташувчиларни ташқарига олиб чиқиш/кириш журналлари юритиш;

маълумотлар яхлитлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида электрон рақамли имзо калитларидан фойдаланиш ҳамда шифрланган маълумотларни сақлаш тартибини белгилаш;

конфиденциал ва шахсга доир маълумотлар мавжуд бўлган ресурсларга киришда идентификация, аутентификация ва авторизация қилинишини таъминлаш;

конфиденциал ва шахсга доир маълумотлар билан ишлаш ҳуқуқларининг рухсатсиз берилишини олдини олиш;

ахборот тизимлари фойдаланувчиларининг муҳофазаланган маълумотларига кириш, ишлов бериш, уларни сақлаш ҳамда тақдим этиш жараёнидаги амалга оширилган ҳаракатларни электрон баённомаларда қайд этиб бориш;

ташқи сақловчи қурилмалар ва техник воситаларнинг бинодан ташқарига олиб чиқилиши ҳамда уларнинг ўғирланишининг олдини олиш;

маълумотларни узатиш, сақлаш, ўчириб ташлаш, уларга ишлов бериш ҳамда уларнинг рухсатсиз четга чиқиб кетишининг олдини олиш чоралари таъминланганлигини назоратга олиш.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар ахборот ва интернет жаҳон ахборот тармоғини, шунингдек, серверлар ва алоқа каналларини эҳтимоли мавжуд бўлган кибертаҳдид ва киберҳужумлардан ҳимоя қилиш учун етарли чораларни кўриши лозим. Ушбу чоралар қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

компьютер тармоқларини сегментлаш ва тармоқлараро экрандан фойдаланиш;

ахборот тармоқлари, шу жумладан, интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали қабул қилинаётган ва узатилаётган маълумотларга рухсатсиз киришнинг олдини олиш бўйича техник (криптографик ва бошқа) ва/ёки ташкилий чоралар кўриш ҳамда тармоқ маълумотларини филтрлашни таъминлаш (тармоқлараро экранларни қўллаш);

ахборот тармоқлари ва веб-сайтлар орқали тўловларни амалга оширишда идентификация, кўп омилли аутентификация ва авторизация

қилиш (кўп омилли аутентификация қилиш мобил ва алоқасиз тўловларни амалга ошириш чоғида қўлланилмайди);

ахборот тармоқлари ва Интернет жаҳон ахборот тармоғи, шунингдек, серверлар ва алоқа каналларидан фойдаланувчиларни идентификация қилиш;

интернет жаҳон ахборот тармоғи ресурсларидан ходимларнинг фойдаланишини прокси-сервер орқали амалга ошириш, иш фаолияти учун зарур бўлмаган веб-сайтларга киришни чегаралаш ва кирилган веб-сайтларни қайд этиб бориш;

ахборот тизимларини асосий ва захира алоқа каналлари билан таъминлаш;

серверлар тармоғини муҳофазалаш (демилитаризация қилинган зоналарини (DMZ) ташкил этиш);

серверларда иш фаолияти учун зарур бўлмаган портларни ёпиш ва хизматларни тўхтатиш;

ахборот тизимида кириш объектлари ва ресурсларининг ҳисобини юритиш;

мобил тўловларни амалга ошириш чоғида фойдаланувчиларни кўп факторли аутентификация қилиш (SMS, QR-код, NFC, бармоқ излари, кўзнинг рангдор пардаси асосида аниқлаш ёки шу каби тасдиқловчи усулларни қўллаш мумкин);

мобил қурилмалар ёрдамида масофадан киришда тўлов маълумотлари ҳамда ахборот тизимларининг (маълумотлар базасининг) ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлигини таъминлаш;

масофавий хизмат кўрсатиш ва бошқа ахборот тизимларида мижозни идентификация ва аутентификация қилиш мақсадида қўлланиладиган (бир марталик ёки кўп марталик) паролларни ишлатиш тартибини белгилаш, тасдиқлаш кодларини қўллаш, бир марталик тасдиқлаш кодларини тизимга шифрланган ҳолда юбориш, антифрод ва биометрик идентификация тизимларини қўллаш, коднинг фаол бўлиш вақти ва бошқаларни ёритиш;

автоматлаштирилган тизимга киришда қўлланилган қурилма тўғрисида идентификация маълумотларини (IP-адрес, MAC-адрес ва бошқа идентификаторлар) қайд этиш;

тажовузларни аниқлаш ва уларнинг олдини олиш тизимларини қўллаш.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш бўйича талабларнинг бузилиши билан боғлиқ бўлган ҳодисаларга нисбатан қуйидаги таъсир чораларини кўришлари лозим:

юзага келиши мумкин бўлган ҳодисаларга нисбатан таъсир чораларини кўриш юзасидан зарур ҳаракатларни олдиндан кўра билиш ҳамда амалга ошириладиган ҳаракатлар рўйхатини белгилаш;

содир бўлган ҳодисаларга нисбатан қисқа муддатларда таъсир чораларини кўриш;

ишнинг узлуқсизлигини таъминлаш, шунингдек, ноқонуний тўловлар ва ҳисобварақлардаги қолдиқ маблағларини рухсатсиз ўзгартирилишини олдини

олиш, ахборотни қайта тиклаш ҳамда бошқа салбий ҳолатларни бартараф этиш;

ходимлар томонидан мавжуд ахборот тизимларида ишлашда белгиланган ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик талабларига риоя қилинишини таъминлаш;

юзага келган ҳодисаларнинг келиб чиқиш омилларини аниқлаш мақсадида тармоқ қурилмалари ва ахборот тизимларининг электрон баённомаларини расмийлаштириш, йиғиш, таҳлил қилиш ҳамда уларга асосан тегишли кўрсатмаларни ишлаб чиқиш.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар банкомат, инфокиоск ва тўлов терминалларининг ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлигини таъминлаши лозим. Бунда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлашда қуйидаги чоралар қўлланилади:

банкомат, инфокиоск ва тўлов терминалларининг ҳисобини юритиш ҳамда уларнинг ахборот дастурига рухсатсиз киришининг олдини олиш;

банкомат, инфокиоск ва тўлов терминалларида техник хизмат кўрсатувчи шахслар фаолиятини назорат қилиш ҳамда улар томонидан амалга оширилган ўзгартиришлар бўйича электрон баённома юритиш;

видеокузатув тизимлари ёрдамида банкоматлар билан ишлаш жараёнларини назоратга олиш (банкоматга киритиладиган банк карталарининг пин код рақамлари видеокузатув тизимлари орқали қайд этиш имкониятига эга бўлмаслиги лозим);

бош банк ҳамда унинг инфратузилмалари (филиал, мини-банк ва бошқалар) ва бошқа қўриқланадиган объектларидан ташқарида жойлаштирилган банкоматларнинг видеокузатув маълумотлари бош банк ёки унинг филиалидаги техник қурилмаларга тўғридан тўғри (онлайн) ёзиб борилишини таъминлаш;

банкомат тармоқ кабелларини муҳофазалаш;

банкоматнинг бошқа банкоматлар билан бир хил бўлган қулфларини алмаштириш;

банкоматларни алоқа каналларидан ёки жисмонан боғланган ҳолда эҳтимолий ҳужумлардан (шу жумладан, скиммингдан) ҳимоя қилиш;

банкоматларнинг операцион тизими ҳамда BIOS тизимига кириш ҳуқуқларини мураккаб пароллар билан ҳимоялаш;

аутентификация қилиш тартибини белгилаш;

тўловларни амалга оширувчи қурилмаларнинг ҳисобини юритиш;

банкоматлардаги нақд пул маблағларининг жисмоний муҳофазасини таъминлаш;

тармоқ орқали ахборот алмашинувида ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш;

халқаро тўлов тизимлари билан ишлайдиган ахборот тизимларида халқаро стандартлар (PCI DSS, PTS, PA DSS) талабларига мувофиқ ахборот муҳофазаси воситалари ва тизимларини жорий қилиш.

Тўлов тизимлари операторлари ўз тизимларидаги банкомат ва инфокиоскларда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни банклар билан биргаликда таъминлайди ҳамда уларнинг узлуксиз ва тўғри ишлашини назорат қилади. Агар ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик бўйича маълум бир (ёки барча) масъулият тўлов хизматларини етказиб берувчига юклатилган бўлса, мазкур ҳолат тегишли шартномаларда қайд этилиши ва масъулият юклатилган ташкилотга зарурий шароитлар яратиб (банкоматларнинг ахборот тизимидаги ишлаш ҳуқуқлари) берилиши зарур.

Муҳим тўлов тизимлари операторлари мазкур Низомда белгиланган хавфсизлик чораларига қўшимча равишда қуйидаги ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик чораларини таъминлаши зарур:

тўлов тизимининг узлуксиз ишлаши ишончилигини таъминлаш;

ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш хизматини ташкил этиш ва унинг мажбуриятларини белгилаш;

Ўз ДСт 2875:2014 “Датамарказларга қўйиладиган талаблар. Инфратузилма ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш” стандартининг датамарказ телекоммуникация воситалари инфратузилмаси тайёрлиги ва хавфсизлигининг учинчи даражадан паст бўлмаслигини таъминлаш;

халқаро банк карталаридан фойдаланилганда PCI DSS хавфсизлиги стандарти, Payment Services Directive (PSD2) тўлов хизматларини кўрсатиш директиваси талабларига мувофиқлаштириш;

ахборот тизимлари тўғри ташкил этилганлиги юзасидан нуфузли халқаро аудитор ташкилотларни жалб қилиш орқали АКТ-инфратузилмасини (ахборот хавфсизлиги ҳолатини) аудитдан ўтказишни таъминлаш;

Ўзбекистон Республикасининг “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида муҳим тўлов тизимлари операторларига белгиланган талабларни бажариш.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчиларнинг тўловлар билан боғлиқ маълумотларни сақлаш ва уларга ишлов бериш хоналари билан таъминланган бўлиши керак. Ушбу хоналар қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

рухсатсиз жисмоний киришдан муҳофазаланган бўлиши;

хона биринчи қаватда жойлашган ҳолларда унинг деразалари темир панжара билан жиҳозланган бўлиши;

қўриқлаш ва ёнғиндан огоҳ этувчи иккита ҳимоя тўсиғи хабаргоҳлари билан жиҳозланиши;

тунги вақтда қўриқлаш ва огоҳлантириш қурилмалари билан жиҳозланиши;

видеокузатув орқали назоратга олиниши.

Тўлов тизимлари операторлари ўзларининг тўлов тизимларида ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик чораларини кўришда назорат ва мониторинг ишларини амалга оширишлари лозим.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар автоматлаштирилган тизимлар, иловалар ҳамда ахборот инфратузилма объектларини ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик

заифликларига таҳлил қилиши, ҳар йили камида икки марта рухсатсиз киришга текшириши ва ҳужжатларда қайд этилмаган имкониятлар мавжуд эмаслигини назорат қилиши лозим.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар ҳар йили, келгуси йилнинг биринчи апрелидан кечиктирмай, Марказий банкка ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликнинг таъминланганлик ҳолати тўғрисида ҳисобот тақдим этиши шарт.

Тўлов тизими операторлари, тўлов тизимининг иштирокчилари ва тўлов ташкилотлари таваккалчиликларни бошқариш тўғрисидаги ҳужжатларида жисмоний ва юридик шахсларнинг розилигисиз амалга оширилган пул ўтказмаларининг тавсифи, миқдори ва ҳаракатларини таҳлил этиш орқали банк карталаридан жисмоний ва юридик шахсларнинг розилигисиз амалга оширилган пул ўтказмаларининг мезонларига мос келадиган операцияларни аниқлаш жараёнларини белгилайди.

Тўлов тизими операторлари банк карталари орқали жисмоний ва юридик шахсларнинг розилигисиз пул ўтказмаларини олдини олиш мақсадида транзакцион антифрод тизимларини жорий этиши ҳамда Марказий банкнинг марказлашган антифрод тизимига интеграция қилинишини таъминлаши лозим.

Тўлов тизимининг иштирокчилари ва тўлов ташкилотлари ўзларида сессион антифрод тизимларини жорий этиши ҳамда Марказий банкнинг марказлашган антифрод тизимига интеграция қилинишини таъминлаши лозим.

Тўлов тизими иштирокчилари ва тўлов ташкилотларида банк карталари орқали жисмоний ва юридик шахсларнинг розилигисиз амалга оширилган пул ўтказмаларининг мезонларига мос келадиган операциялар аниқланганда, ушбу операция бўйича тақдим этилган фармойишнинг бажарилишини антифрод тизимлари доирасида амалга оширади.

Тўлов тизими операторлари, тўлов тизимининг иштирокчилари ва тўлов ташкилотлари жисмоний ва юридик шахсларнинг розилигисиз амалга ошириладиган тўловларни олдини олиш мақсадида қуйидагиларни бажариши лозим:

жисмоний ва юридик шахсларнинг розилигисиз амалга оширилган пул ўтказмаларининг тавсифи, миқдори ва ҳаракатларини таҳлил этиши, таваккалчиликларни баҳолаши ва бошқариши ҳамда уларнинг мезонларига мос келадиган операцияларни аниқлаш жараёнларини белгилаши;

жисмоний ва юридик шахслар ўртасида тузилган шартномаларда (оммавий оферталарда) антифрод тизими доирасида банк карталари билан боғлиқ шубҳали (фрод) операцияларга қарши чоралар кўриш масалаларини ёритиши;

банк карталари билан боғлиқ шубҳали (фрод) операциялар бўйича келиб тушадиган мурожаатларни йиғиши ва таҳлил қилиши;

тўлов хизмати фойдаланувчисининг пул маблағларини ўтказиш вақтида, ушбу тўлов шубҳали (фрод) операциялар рўйхатида бўлса, бундай ҳолат ҳақида фойдаланувчига хабар (SMS, мессенжер ёки бошқа ахборот тизимлар

орқали) бериши, такрорий тасдиқ (PIN код, яширин сўзни киритиш ёки бошқа тарзда маълумот) олиши, агар маълум вақт оралиғида ушбу тасдиқ олинмаса, ушбу тўлов операциясини бекор қилиши;

фойдаланувчи томонидан ўзининг ҳисоб-варақларига тегишли тўлов операцияларини тўхтатиш (блокировка қилиш) имкониятини яратиши;

банк карталари билан боғлиқ шубҳали (фрод) операцияларда иштирок этган банк карталари ва ҳисобварақлари, мобил иловалари аккаунтлари ҳамда электрон ҳамёнлар тўғрисида ўзларининг ахборот тизимларида мавжуд бўлган маълумотларни Марказий банкнинг сўровига асосан ўз вақтида тақдим этиши;

ахборот тизимлари ва ресурсларида аниқланган, жисмоний ва юридик шахсларнинг розилигисиз амалга оширилган пул ўтказмаларини ўтказиш ёки ўтказишга уриниш ҳолатлари тўғрисидаги маълумотларни Марказий банкка тақдим этиб бориши.

Тўлов тизими операторлари, тўлов тизимининг иштирокчилари ҳамда тўлов ташкилотлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг розилигисиз тўловлар содир этилган ҳолатларда иштирок этган банк карталари ва ҳисобварақлари, мобил иловалари аккаунтлари ҳамда электрон ҳамёнлардан фойдаланишни вақтинча чекланган (блокланган) муддат мобайнида қонун ҳужжатларида уларни чеклаш (блоклаш) учун бошқа асослар бўлмаганда, улардан фойдаланишга қўйилган вақтинчалик чеклов (блоклаш) олиб ташланади.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг розилигисиз амалга оширилган пул ўтказмаларининг мезонлари Марказий банк бошқарувининг қарорига асосан белгиланади.

Тўлов тизими операторлари, тўлов тизимининг иштирокчилари ҳамда тўлов ташкилотлари EPOS-терминалларида фойдаланишда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш бўйича қуйидагиларни амалга ошириши лозим:

тўлов агентлари ва субагентларининг реестрини юритиши, шунингдек, тўлов агентлари ёки субагентларини рўйхатдан ўтказиш, ўзгартириш ва ўчиришда 1 иш куни ичида Марказий банкка ўзгартирилган реестрни тақдим этиши;

жисмоний шахслар ўртасида пул маблағларини ўтказишни (P2P) амалга ошириш учун алоҳида EPOS-терминалидан фойдаланиши, шунингдек ушбу EPOS-терминалларида бошқа мақсадларда фойдаланишини таъқиқлаши;

EPOS-терминалларида шартномада кўрсатилган мақсадларда фойдаланишни назорат қилиши;

EPOS-терминалларида, шунингдек фойдаланувчи пароллари ва кириш ҳуқуқларидан фойдаланишда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш тартибини ишлаб чиқиши.

Тўлов тизими операторлари ва тўлов тизимининг иштирокчилари Марказий банкнинг мажбурий кўрсатмасига кўра, шубҳали (фрод) операциялари амалга оширилишини чеклаш ёки тўхтатиш мақсадида EPOS-

терминаллардан фойдаланишни тўхтатиш ёки ушбу терминалларни ўчириш чораларини кўриши лозим³⁷¹.

Киберхавфсизликни таъминлаш воситалари мажбурий тартибда сертификатлаштирилади³⁷².

Кредит бюрolariда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш мақсадида асосий вазифалари қуйидагилардан иборат бўлган ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш хизмати (бундан буён матнда Хизмат деб юритилади) ташкил этилади:

ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликнинг таъминланганлик даражасини ошириш, уни баҳолаш, шунингдек авариялар ва ходимлар йўл қўйган хатолар натижасида келиб чиқадиган йўқотишларни камайтириш ва содир этилишини олдини олиш;

ахборот инфратузилмасининг яхлитлиги ва хавфсизлигини назорат қилиш;

серверларда ва тармоқ қурилмалардаги дастурий таъминотларни муҳофаза қилиш;

барча технологик жараёнларда ходимлар ҳаракати, шунингдек ахборот тизимларида амалга оширилган ҳаракатлар бўйича электрон баённомалар рўйхатини юритиш;

ахборот тизимларида ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик талабларини бузиш ҳолатларини олдини олиш чораларини кўриш;

маълумотларнинг учинчи шахсларга ошкор этилишини олдини олиш;

ахборот-коммуникация технологиялари инфратузилмасида юзага келган ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик ҳодисалари, кибертахдидлар, киберхужумлар аниқланган вақтда бу ҳақидаги маълумотларни зудлик билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига (бундан буён матнда Марказий банк деб юритилади) тақдим этиш;

ахборот-коммуникация технологиялари инфратузилмаси, ахборот тизимлари ва ресурсларида ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликнинг таъминланганлик ҳолатини ички қоида ва тартибларга мувофиқлигини бир йилда камида икки маротаба ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик таваккалчиликларини ҳисобга олган ҳолда ўрганиш ва ўрганиш натижаларини далолатнома билан расмийлаштириш.

Кредит бюрolari тармоқ ҳамда алоқа каналларини эҳтимоли мавжуд бўлган кибертахдидлар ва киберхужумлардан ҳимоя қилиш учун қуйидаги чораларни кўриши лозим:

компьютер тармоқларини сегментлаш ҳамда янги авлод тармоқлараро экран қурилмаларидан фойдаланиш;

³⁷¹ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2024 йил 24 апрелдаги 13/1-сон қарори (21.05.02024 й., рўй.: 3513-сон) билан тасдиқланган “Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчиларнинг тўлов тизимларида ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш ҳамда рақамли технологиялар воситасида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларни олдини олиш чораларини кўриш тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

³⁷² Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати раисининг 2024 йил 15 октябрдаги 114-сон буйруғи (14.11.2024 й., рўй.: 3574-сон) билан тасдиқланган “Ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини таъминлаш учун қўлланиладиган аппарат, аппарат-дастурий ҳамда дастурий воситаларни сертификатлаштириш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

тармоқ орқали қабул қилинган ва узатиладиган маълумотларга рухсатсиз киришни олдини олиш бўйича техник (криптографик ва бошқа) ва (ёки) ташкилий чоралар кўриш ҳамда тармоқ маълумотларини филтрлашни таъминлаш (янги авлод тармоқлараро экран қурилмаларини қўллаш);

тармоқ қурилмаларидаги ARP (Address Resolution Protocol) жадвалларини электрон архивлаш;

Интернет жаҳон ахборот тармоғи ресурсларидан ходимларнинг фойдаланишини прокси-сервер орқали амалга ошириш, иш фаолияти учун зарур бўлмаган веб-сайтларга киришни чегаралаш ва қирилган веб-сайтларни қайд этиб бориш;

ахборот тизимларини асосий ва захира алоқа каналлари билан таъминлаш;

серверларда иш фаолияти учун зарур бўлмаган портларни ёпиш ва хизматларни тўхтатиш;

ахборот тизимида кириш объектлари ва ресурсларининг ҳисобини юритиш;

масофавий хизмат кўрсатиш ва бошқа ахборот тизимларида мижозни идентификация ва аутентификация қилиш мақсадида қўлланиладиган (бир марталик ёки кўп марталик) паролларни ишлатиш тартибини белгилаш, тасдиқлаш кодларини қўллаш, бир марталик тасдиқлаш кодларини тизимга шифрланган ҳолда юбориш, коднинг фаол бўлиш вақти ва бошқаларни ёритиш;

ахборот тизимида киришда қўлланилган қурилманинг идентификация маълумотларини (IP-манзил, MAC-манзил ва бошқа идентификаторлар) қайд этиш;

тажовузларни аниқлаш ва олдини олиш тизимларини (IDS/IPS) қўллаш ҳамда базасини актуал ҳолатда бўлишини таъминлаш.

Кредит бюрolari кредит ахборотини шакллантириш, узатиш, сақлаш ва унга ишлов беришнинг барча босқичларида узлуксиз ҳимояни таъминлаш учун қуйидаги чораларни кўришлари шарт:

идентификация, аутентификация ва авторизация қилиш тизимини жорий этиш;

тизимга рухсатсиз киришнинг олдини олиш усулларини (логин, парол, кўп факторли аутентификация ва бошқа) қўллаш;

идентификация маълумотларини қалбакилаштириш, уларни рухсатсиз ўзгартириш ҳамда учинчи шахсларга тақдим этишдан ҳимоялаш;

кредит ахборотини узатишда унинг асл эгасига етказилишини таъминлаш ҳамда бошқа шахсларга жўнатилишининг олдини олиш;

кредит ахборотини сақлашда уларни рухсатсиз кўчириш, ўзгартириш, ўчириш ҳамда учинчи шахсларга жўнатилишининг олдини олиш чораларини кўриш;

ташқи сақловчига кўчирилган маълумотларни сейфда (темир шкафта) сақланишини таъминлаш ҳамда маълумотларни сақлаш учун масъул ходим (ходимлар) тайинлаш;

ахборот тизимларидаги дастурий таъминотларнинг назоратини ва ҳисобини юритиш ҳамда дастурий таъминот талқинларининг, аппарат-дастурий қурилмаларининг ва дастурий воситаларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш;

ахборот тизимларининг актуал ҳолатда (охирги версияда) бўлишини таъминлаш, бунда дастурий таъминотнинг янги талқинини амалиётда ишлаб турган ахборот тизимининг иш фаолиятига салбий таъсир кўрсатмасдан тест-синов майдонларида текширувдан ўтказиш ва ижобий натижага эришилганидан сўнг амалиётга жорий этиш;

кредит ахборотини узатиш, сақлаш жараёнларини электрон баённомаларда (log) автоматик тарзда шакллантириб бориш ва сақланишини таъминлаш;

Хизматни ташкил этиш ҳамда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш бўйича амалга ошириладиган ишларни назорат қилиш;

ҳисоблаш тармоғининг хавфсизлиги ва криптографик муҳофазасини таъминлаш, компьютер вирусларидан ҳимоялаш, ахборот тизимларига киришни бошқариш, техник воситаларини созлаш ва бошқа чораларни қўллаш;

ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлашда ускуна, қурилма, аппарат-дастурий ва дастурий техник воситалар қўлланишини таъминлаш ҳамда уларни мунтазам такомиллаштириб бориш, фойдаланиш тартибларини белгилаш, техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш ва бошқа ҳолатларда улардан рухсатсиз фойдаланишнинг олдини олиш;

қўлланилаётган техник воситаларга барча телекоммуникация тармоқларидан рухсатсиз кириш, маълумотларни ўзгартириш, ўчириш ва кўчириб олишдан ҳимоялаш;

ахборотларни чиқиб кетишини (йўқолишини) олдини олиш;

ахборот тизимида рухсатсиз кириш ёки киберхавфсизлик ҳодисалари содир бўлганда, таҳлил қилиш асосида ҳимоя тизимларини мустаҳкамлаб бориш чораларини кўриш.

Кредит бюрolari ахборот тизимларидан маълумотларнинг рухсатсиз узатилиши ва тарқалишидан ҳимоялаш бўйича DLP (Data Loss Prevention) тизими жорий этилиши шарт. Маълумотларни ҳимоя қилишда:

муҳофазаланадиган маълумотларни рухсатсиз турли тармоқ каналлари орқали узатилиши, ҳисобга олинмаган ташқи ташувчига кўчирилиши, рухсатсиз чоп этилиши аниқланиши ва бу ҳақида кредит бюро раҳбариятига маълумот бериш ва келгусида шу каби салбий ҳолатлар бўлмаслигини олдини олиш чоралари кўрилиши;

муҳофазаланадиган маълумотларни сервер ва компьютерларда сақланиши назорат қилиниши лозим.

Кредит бюрolari дастурлар ва операцион тизимларга зарар келтирувчи зарарли кодлар (компьютер вируслари) ва уларнинг салбий таъсирини олдини олиш учун қуйидаги чораларни кўриши шарт:

ҳисоблаш техникаси қурилмалари (серверлар, компьютерлар ва бошқалар), иш фаолиятига зарар етказувчи кодларни (компьютер вирусларини) аниқлаш ва уларнинг салбий таъсирини олдини олиш чораларини кўриши;

ахборот тизимларида фақат лицензияланган антивирус дастуридан фойдаланиш, уларнинг русумлари ва базалари актуаллиги ҳамда янгиланиб борилишини таъминлаши;

антивирус дастурларининг ўрнатилиши ҳамда унинг ишлаши Хизмат томонидан назорат қилиниши;

антивирус дастурларининг автоматик тарзда ишлашини таъминлаши;

тармоқ орқали келган барча ахборотларни антивирус дастури орқали текшириши;

антивирус дастурининг соғломалари бунга масъул бўлмаган кредит бюроси ходимлари томонидан ўзгартириш имконияти бўлмаслигини таъминлаши;

компьютер вируси аниқланганда, ходимлар томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар тартиби белгиланиши.

Кредит бюрolariда антивирус дастурларини марказлашган ҳолда бошқариш тизими жорий этилиши, антивирус дастурининг базаси ҳар кун янгиланиб борилиши ва версияси актуал (маънан эскирмаган) бўлиши таъминланиши лозим.

Антивирус дастурлари серверлар, компьютерлар ва бошқа барча антивирус дастурлари ўрнатилиши мумкин бўлган ҳисоблаш воситаларига ҳамда қурилмаларга ўрнатилган бўлиши лозим.

Антивирус дастурлари Марказий банкнинг мониторинг тизимига уланиши шарт.

Ахборот тизимларида ахборотни муҳофаза қилишнинг криптографик усуллари қўлланилишида қуйидагилар белгилаб олинishi лозим:

криптографик муҳофаза воситаларини автоматлаштирилган тизимларга боғлаш, ишга тушириш, ишлатиш ва фойдаланишдан чиқариш тартиби;

криптографик муҳофаза воситаларининг тўхтаб қолиши, ишдан чиқиши ва бошқа ғавқулдда ҳолатларда уларни қайта тиклаш тартиби;

криптографик муҳофаза дастурларига ва техник ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тартиби;

криптографик калитларни бошқариш тартиби;

криптографик калитларни ташувчи қурилмаларни қўллаш, сақлаш, ўзгартириш ва бошқалар бўйича ташкилий ҳамда техникавий усулларни қўллаш тартиби.

Кредит бюрolari Марказий банк ва кредит ташкилотлари билан электрон ахборот алмашинувини Марказий банкнинг “Ахборотлаштириш бош маркази” давлат унитар корхонаси билан тузилган шартнома асосида банк телекоммуникация тармоғи орқали амалга оширади. Бунда, қуйидаги хавфсизлик чоралари кўрилиши керак:

а) кредит ахбороти билан ишлаш учун фақат тегишли рухсатга эга бўлган ходимлар қўйилиши;

б) фойдаланувчиларнинг тизимга кириши учун аутентификация қилиш логин ва парол ҳамда аппарат-дастурий воситалар (токен-махсус курилма) ёрдамида амалга оширилиши. Бунда, парол 12 та белгидан кам бўлмаган рақам ва символлар комбинациясидан иборат бўлиши ҳамда парол ва логинларни муддати тугашига қараб ўзгартириш имконияти бўлиши лозим. Паролнинг амал қилиш муддати бир ойдан ошмаслиги лозим;

в) кредит ахбороти алмашинувида қатнашувчи ходимларнинг сервер ва компьютерлари телекоммуникация тармоқлари орқали ишлаши учун аппарат-дастурий воситалар билан жиҳозланиши;

г) ахборотларни қайта ишлаш, узатиш ва қабул қилиш учун ажратилган серверлар ва компьютерларга умумий локал тармоққа уланган бошқа компьютерлардан кириш имконияти бўлмаслиги;

д) кредит бюроси томонидан узатиладиган ва қабул қилинадиган ҳар қандай ахборот электрон рақамли имзо билан тасдиқланиши ҳамда бажарилган ишлар бўйича маълумот автоматик равишда электрон журналга киритилиши. Бунда, электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгаси қуйидагиларни амалга ошириши шарт:

электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитидан фойдаланиш устидан назоратни таъминлаши;

электрон рақамли имзо калити сертификатини берган электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатга олиш марказига электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитидан фойдаланиш режими бузилганлиги ёки бузилиши эҳтимоли борлиги тўғрисида хабар қилиши ва электрон рақамли имзо калити сертификатининг амал қилишини тўхтатиб туришни ёхуд мазкур сертификатни бекор қилишни талаб қилиши;

ўзи вакил бўлган юридик шахс қайта ташкил этилганда ва тугатилганда, бу ҳақда электрон рақамли имзо калити сертификатини берган электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатга олиш марказига хабар қилиши;

э) электрон рақамли имзо очик калитининг фойдаланувчиси электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлиги тасдиқланмаган ҳолларда электрон рақамли имзонинг ёпиқ калити эгасига хабар бериши;

ж) кредит бюроларининг тизимларида кредит ахборотига тегишли бўлмаган ахборотларнинг узатилиши тақиқланиши;

з) электрон ахборот алмашинувида виртуал тармоқлар (VPN) асосида ташкил этилган ва ҳимояланган алоқа каналлари қўлланилиши.

Ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш бўйича қўшимча ахборотни муҳофаза қилиш воситалари қўлланилиши мумкин.

Кредит бюролари тизим иштирокчилари билан тузилган шартномаларда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш ҳамда конфиденциал, жумладан банк сирини ташкил этувчи ва шахсга доир маълумотларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича талабларни белгилаши шарт.

Кредит бюролари ахборотлаштириш объектларига рухсатсиз кириш ҳамда фойдаланишни чегаралаш мақсадида қуйидаги чораларни кўриши керак:

ахборотлаштириш объектларига жисмонан таъсир этишни ҳамда техник жиҳозлар мавжуд бўлган бино ва хоналарга киришни назорат қилиш;

ходимларнинг ахборотлаштириш объектларига киришини назорат қилиш ва маълумотларнинг рухсатсиз тарқалишидан ҳимоялаш тизимларини жорий қилиш;

серверлар ва телекоммуникация қурилмалари жойлашган хоналарда ишлаш жараёнларини видеокузатув тизимлари ёрдамида назорат қилиш.

Кредит бюрolari барча турдаги маълумотларни (шу жумладан, банк сирини ташкил этувчи, шахсга доир ва бошқа қонун билан муҳофаза қилинадиган маълумотларни) сақловчи ахборот тизимларининг ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлигини таъминлашлари шарт.

Кредит бюрolari ахборотнинг конфиденциаллиги ва яхлитлигини, шу жумладан шахсга доир маълумотларни муҳофаза қилишда ҳамда хавфсизликни таъминлашда қуйидаги чораларни қўришлари лозим:

ахборот тизимлари орқали ишлов бериладиган конфиденциал ва шахсга доир маълумотларнинг яхлитлиги ва дахлсизлигини таъминлаш ҳамда улардан фойдаланиш тартибини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

ички ҳужжатлар билан тартибга солинадиган ҳимояланадиган маълумотлар билан ишлашда хавфсизлик ва конфиденциалликни таъминлаш қоидалари ва талабларини ишлаб чиқиш;

конфиденциал ва шахсга доир маълумотлар билан ишловчи ходимлар сонини имкон даражасида камайитириш, ходимлар билан конфиденциал ва шахсга доир маълумотлар ошкор этилишининг олдини олиш бўйича мажбуриятномалар (шартнома) тузиш ва ушбу маълумотлардан фойдаланиш ҳуқуқларини ходимларнинг лавозим мажбуриятларидан келиб чиқиб белгилаш;

конфиденциал маълумотлар рўйхатини юритиш бўйича комиссия таркибини шакллантириш ва тасдиқлаш;

конфиденциал маълумотлар рўйхати ва ҳажмини аниқлаш ҳамда тасдиқлаш;

конфиденциал маълумотлар билан ишлашга рухсат берилган ходимлар рўйхатини шакллантириш ва тасдиқлаш;

ахборотлаштириш объектининг техник паспортини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

конфиденциал маълумотларни ташувчи воситаларни рўйхатга олиш, йўқ қилиш ҳамда ташқарига олиб чиқиш ва кириш журналларини юритиш;

маълумотлар яхлитлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида электрон рақамли имзо калитларидан фойдаланиш ҳамда шифрланган маълумотларни сақлаш тартибини белгилаш;

конфиденциал ва шахсга доир маълумотлар мавжуд бўлган ахборот ресурсларига киришда идентификация, аутентификация ва авторизация қилинишини таъминлаш;

конфиденциал ва шахсга доир маълумотлар билан ишлаш ҳуқуқларининг рухсатсиз берилишини олдини олиш;

ахборот тизимлари фойдаланувчиларининг муҳофазаланган маълумотларига кириш, ишлов бериш, уларни сақлаш ҳамда тақдим этиш жараёнидаги амалга оширилган ҳаракатларни электрон баённомаларда қайд этиб бориш;

ташқи сақловчи қурилмалар ва техник воситаларнинг бинодан ташқарига олиб чиқилишини назорат қилиш;

маълумотларни узатиш, сақлаш, ишлов бериш, ўчириш ҳамда рухсатсиз четга чиқиб кетишини олдини олиш чоралари таъминлаш.

Кредит бюrolари ахборот тизимларида ишлаш жараёнида, шу жумладан ишлаб чиқиш ва синовдан ўтказиш жараёнида ваколатларни чегаралаш учун қуйидаги чораларни кўришлари лозим:

ахборот тизимларида ишлаш ҳуқуқларини белгиловчи тартиб ва қоидаларни ишлаб чиқиш ва уларни лавозим йўриқномаларида акс эттириш ҳамда тегишли ҳужжатга (ариза, талабнома ёки бошқа шаклга) асосан тизимдан фойдаланиш тартибини таъминлаш;

ахборот тизимларида ишлаш ҳуқуқи берилган масъул ходимлар рўйхатини шакллантириш;

ахборот тизимларида ишлаш ҳуқуқларини белгилаш ва тақсимлаш билан боғлиқ ҳаракатларни рўйхатга олиш;

ахборот тизимларида ишлаш ҳуқуқлари мантиқан ва иш вазифасидан келиб чиқиб тўғри белгиланганлигини даврий (ҳар чоракда бир маротаба) текшириб туриш;

ахборот тизимларининг ишлаши ва синовдан ўтказилиш даврида ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш ҳамда берилган ахборот тизимларида ишлаш ҳуқуқлари тўғрилигини назорат қилиш;

ахборот тизими фойдаланувчилари ахборот тизими томонидан берилган ҳуқуқларни ўзгартириш имкониятига эга бўлмаслигини таъминлаш ҳамда бу ҳуқуқларни бегона шахсларга беришни чеклаш чораларини кўриш.

Кредит бюrolари ўзларининг ахборот тизимларига ўзгартириш киритиш учун бошқа ташкилотларни жалб қилганда қуйидагиларни амалга оширишлари зарур:

конфиденциал ва шахсга доир маълумотларни ошкор этмаслик бўйича битим тузиш;

ахборот тизимларида муҳофаза қилинадиган маълумотлар билан ишлашни белгиланган тартибда рухсат бериш асосида амалга ошириш;

тегишли лицензия ва (ёки) бошқа рухсатномага эга бўлган (агар ушбу фаолият лицензия ёки тегишли рухсатнома асосида амалга оширилса) ташкилотларни жалб қилиш;

ахборот тизимларини лойиҳалаш босқичида маълумотларнинг конфиденциаллигини таъминлаш чораларини ишлаб чиқиш;

кўриладиган ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш бўйича чоралар (амалга ошириладиган ишлар, ўрнатиладиган дастурлар, қурилмалар ва бошқалар) ва аниқ кўрсатилган техник топшириқни қабул қилиш (тест синовларини амалга ошириш режаси) ҳамда бошқа тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш;

дастурий таъминотни ишлаб чиққан ва унга ўзгартириш киритган (киритадиган) ташкилотлар рўйхатини тузиш;

ахборот тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этишнинг тахминий муддатларини ҳамда шартларини белгилаб олиш;

жалб қилинган ташкилот ходимлари томонидан ахборот тизимларига киритиладиган ўзгартиришларнинг асослилигини, мавжуд техник топшириқларга мослигини, ахборот тизимига алоқадор бўлмаган дастурлар (тизим функциялари) киритилмаслиги ва тест синовлари натижаларининг ижобийлигини Хизмат ҳамда ахборотлаштириш бўйича масъул ходим томонидан назоратга олиш.

Кредит бюrolари электрон почта тизими серверини ўзининг локал хисоблаш тармоғида яратади.

Кредит бюrolари интернет тармоғи ва электрон почта тизимларидан фойдаланишда ахборот муҳофазасини таъминлаш, ходимларни тизимга киритиш, уларга чекловлар қўйиш, ходимлар ҳаракати ва тизим ахборот хавфсизлиги устидан назорат қилишни ўзининг ички хужжатларида белгилайди.

Кредит бюrolари томонидан конфиденциал ва шахсга доир маълумотлар рухсат берилган ахборот тизимлари орқали юборилиши шарт.

Файлларни узатиш протоколи (FTP) серверида ташкил қилинган умумий каталог орқали файл алмашинувини амалга ошириш ва банк сири маълумотларини тармоқда эркин ўқиш учун жойлаштириш тақиқланади.

Кредит бюrolари томонидан интернет ва электрон почта орқали юборишга тайёрланган ёки қабул қилинган ҳар бир электрон маълумот антивирус дастури ёрдамида текширилиши шарт. Электрон почта орқали қабул қилинган маълумотлар зарар келтирмаслиги учун кумдонда (Sandbox тизими) текширилиши лозим.

Кредит бюrolари ўзининг электрон почта тизими ҳамда интернет тармоғидан фойдаланиш тартибини ички хужжатлари билан белгилайди ҳамда электрон почта орқали юборилган ва қабул қилинган маълумотларни Хизмат томонидан назорат қилинишини таъминлайди. Бунда фақат рухсат берилган фойдаланувчилар интернет тармоғидан фойдаланиши ва интернет тармоғидан фойдаланишда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш чоралари қўрилиши керак.

Интернет тармоғи ва банк телекоммуникация тармоғи алоҳида маршрутизатор (router) ва алоҳида тармоқлараро экран (firewall) қурилмалари орқали жисмонан уланиши шарт.

Ахборот муҳофазасини кучайтириш мақсадида тармоқ протоколида (TCP/IP) тармоқ транзит пакетларининг IP манзилларини ўзгартириш имконини берувчи тармоқ адресларини ўзгартириш протоколи (NAT) қўлланилиши мумкин. Бунда тармоқ орқали барча уланишларнинг электрон журналлари асл IP манзиллар кўрсатилган ҳолда юритилиши ва белгиланган тартибда электрон архивга олиниши шарт.

Интернет тармоғидан фойдаланиш тартиби назоратга олинган бўлиши ва кредит бюроси ходимларининг интернет тармоғидан фойдаланишлари уларнинг лавозим йўриқномасига асосан белгиланади.

Интернет тармоғидан фойдаланган ходимнинг логини, фойдаланиш вақти, ресурс номи ва бошқа маълумотлар акс эттирилган электрон баённомалар юритилиши керак. Хизмат ушбу электрон баённомаларни таҳлил қилиб боради.

Интернет тармоғидан фойдаланишда ахборот муҳофазасини таъминлаш янги авлод тармоқлараро экран қурилмалари, прокси-сервер, антивирус, тажовузларни аниқлаш ва олдини олиш (IDS/IPS), anti-spam, anti-bot ва бошқа ахборот хавфсизлиги тизимларини қўллаш йўли билан амалга оширилади.

Кредит бюрolari ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлашга доир талабларнинг бузилиши билан боғлиқ бўлган ҳодисаларни аниқлаш мақсадида қуйидаги ишларни ташкил этиши шарт:

қўлланилиши зарур бўлган ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик бўйича ташкилий чораларни аниқлаш;

мавжуд техник қурилмаларни ишлатиш, созлаш ҳамда улардаги маълумотларни қайд этиш;

ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик талабларининг бузилиши билан боғлиқ ҳодисаларни аниқлаш чораларини кўриш ҳамда ушбу ҳолатлар кредит бюроси ходимлари томонидан аниқланганда Хизматни хабардор қилиш;

ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик талабларининг бузилиши билан боғлиқ ҳодисалар юзага келганда, уларни бартараф этиш, юзага келиш сабабларини аниқлаш, таҳлил қилиш ҳамда аниқланган ҳодисалар юзага келмаслиги бўйича тегишли чоралар кўриш;

аниқланган ҳодисаларни рўйхатга олиб бориш (реестрини юритиш);

аниқланган ҳодисалар тўғрисидаги маълумотларни сақлаш тартибини белгилаш;

ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлашнинг бошқа чораларини кўриш.

Кредит бюрolari ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик талабларининг бузилиши билан боғлиқ ҳодисалар тўғрисида Марказий банкка зудлик билан ёзма ёки электрон шаклда хабар бериши шарт.

Кредит бюрolari ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш бўйича талабларнинг бузилиши билан боғлиқ ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида қуйидагиларни белгилаши шарт:

ахборот тизимларида ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик таваккалчиликларини бошқариш тартиби ва уларни баҳолаш мезонлари;

ахборот тизимида нохуш ҳодисалар юзага келганда ўзаро ҳаракатланиш тартиби;

содир бўлган нохуш ҳодисаларга нисбатан таъсир чораларини кўриш бўйича амалга ошириладиган ҳаракатлар рўйхати;

ишнинг узлуксизлигини таъминлаш, ахборотни қайта тиклаш ҳамда бошқа салбий ҳолатларни бартараф этиш чоралари;

ходимлар томонидан мавжуд ахборот тизимларида ишлашда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик талаблари;

юзага келган ҳодисаларнинг келиб чиқиш омилларини аниқлаш мақсадида тармоқ қурилмалари ва ахборот тизимларининг электрон баённомаларини расмийлаштириш, йиғиш, таҳлил қилиш ҳамда уларга асосан тегишли кўрсатмалар.

Ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлашга доир талабларнинг бузилиши билан боғлиқ аниқланган ҳодисалар сабабларини таҳлил қилиш ҳамда уларга таъсир кўрсатиш натижаларини баҳолаш лозим. Бунда аниқланган ҳодисалар сабабларини таҳлил қилиш ҳамда уларга таъсир кўрсатиш натижаларини баҳолаш тизими қуйидагиларни ўз ичига олиши шарт:

аниқланган ҳодисаларга нисбатан таъсир чоралари кўрилгандан кейин ушбу ҳодисаларнинг келиб чиқиш сабабларини Хизмат томонидан тегишли бўлинмалар билан биргаликда таҳлил қилиш тартиби;

ахборот тизимларининг тегишли электрон баённомаларини ўрганиш ҳамда аниқланган ҳодисанинг юзага келишига сабабчи бўлган ходимлардан тушунтиришлар олиш;

ҳодисаларнинг келиб чиқиш сабабларига ойдинлик киритиб, бундай ҳолатлар юзага келмаслиги ёки юзага келганда унинг зарар келтириш имкониятларини камайтириш чораларини кўриш (шу жумладан, тегишли мутахассисларни жалб қилган ҳолда);

ҳодисаларнинг салбий таъсир кўрсатиш даражасига қараб таснифлаш ва баҳолаш мезонига асосан уларни баҳолаш.

Ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлашга доир талабларнинг бузилиши билан боғлиқ аниқланган ҳодисаларга нисбатан кўрилган таъсир чоралари, уларни баҳолаш натижалари ва бошқа қўшимча маълумотлар чоп этилиши ҳамда алоҳида йиғмажилдда сақланиши зарур.

Ахборот тизимларининг узлуксиз ишлаши ва барқарорлигини таъминлаш мақсадида қуйидаги чоралар кўрилиши шарт:

асосий ахборот тизимлари ишдан чиққан ҳолатларда хизматлардан фойдаланишни камида 99,9 фоиз даражада таъминлай олиш имкониятига эга захира сервер қувватларига эга бўлиши;

реал вақт режимида маълумотларни қайта ишловчи ахборот инфратузилмасида камида 30 фоизгача захира жой бўлиши;

ахборот тизими билан боғлиқ тармоқ ва бошқа қурилмалар носоз ҳолатга келганда, уни иш жараёнига келтириш ва узлуксиз ишлашини таъминлаш;

операцион тизим, дастурий таъминотлар, ахборот тизимларининг дастурлари, маълумотлар (маълумотлар базаси, созуламалари, электрон баённомалар) нусхаларини захирага (backup) олиш ва электрон архивда сақлаш ҳамда уларни қайта тиклаш тартибини (механизмини) ишлаб чиқиш, уларнинг ҳисобини юритиш ва назоратини олиб бориш;

захира тикланиш режаси, техник қурилма ва ускуналарга эга бўлиш;

маълумотларнинг захирага олинган (backup) нусхаларини техник носозликларда ва фавқулодда вазиятларда қайта тиклаш режасини ишлаб чиқиш ва даврий (бир йилда бир маротаба) равишда ахборот тизимини қайта тиклаб текшириш;

захира нусхаларини сақлаш муддати, тартиби ва захирадан ечиш қоидаларига риоя қилиш;

дастурларга ўзгартириш киритишни синов (тест) учун мўлжалланган серверларда текшириш;

тизимдаги қурилма ва ускуналарнинг ишлашини назорат қилиш;

ахборот тизимининг узлуксизлигига салбий таъсир этиши мумкин бўлган ҳолатларни олдини олиш ва ахборот муҳофазасини таъминлаш;

дизел электр станцияси ва (ёки) бошқа электр таъминоти узлуксизлигини таъминлаш воситаларидан (UPS ва бошқалар) фойдаланиш;

ишлов берилган маълумотларни сақлаш ва уларнинг электрон архивда юритилишини таъминлаш;

мижозларнинг ҳаракатига тегишли бўлган маълумотларни камида беш йил сақланишини таъминлаш;

электрон архив юритишда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлашга доир талабларга риоя этилиши бўйича ишчи гуруҳ тузган ҳолда бир йилда камида икки маротаба текшириш ва натижалари тўғрисида Марказий банкка маълумот бериш;

ахборот узатиш захира тармоқларига эга бўлиш.

Кредит бюрolari асосий ахборот тизимлари жойлашган жойдан 50 километрдан кам бўлмаган масофада жойлашган ҳудудлардаги шаҳар марказларида захира ахборот тизимларини ташкил этиши лозим. Бунда асосий ва захира ахборот тизимлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ташкил этилади.

Ахборот тизимларидаги маълумотлар (электрон баённомалар ва ҳ.к) электрон архивларда камида икки нусхада (хусусан, асосий ва захира ахборот тизимларининг ҳар бирида битта нусхадан) сақланиши мумкин.

Кредит бюроси ўз фаолияти давомида шаклланадиган барча ахборот ва ҳужжатларни рақамли шаклда тартибли равишда сақлаш мақсадида электрон архив тизимини ташкил этиши ва юритиши шарт.

Электрон архивда қуйидаги маълумотлар мажбурий равишда сақланиши лозим:

фойдаланувчиларнинг тизимга кириш ва чиқиш журналлари (баённомалари);

ёзувлар устида амалга оширилган ҳаракатлар (яратиш, ўзгартириш, ўчириш) бўйича баённомалар (логлар);

кредит тарихига оид барча кирувчи ва чиқувчи сўровлар;

кредит тарихини тузатиш ёки рад этиш бўйича ариза ва қарорлар;

электрон почта орқали қабул қилинган ва юборилган ҳужжатлар;

ARP (Address Resolution Protocol) жадваллари, тизим хатоликлари ва рухсатсиз кириш уринишлари ҳақида техник баённомалар (loglar);

захиралаш ва тиклаш бўйича амалиётлар журналли.

Захира нусхаларни сақлаш, юритиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ талаблар қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) захира нусхаларни сақлаш муддати:

тизим конфигурацияси, электрон баённомалар ва лог файллар – бир йил;
молиявий ва миждозларга оид операцион маълумотлар – беш йил;

ички хизматлар фаолиятига тегишли жорий маълумотлар – олти ойни ташкил этади;

б) захира нусхаларини тиклаш ва ўчириш фақат ваколатга эга бўлган масъул ходимлар томонидан амалга оширилиши лозим. Бунда, барча ҳаракатлар расмийлаштирилиши ва электрон баённомалар (лог)да қайд этилиши керак;

с) сақлаш муддати якунига етган захира нусхалар уларнинг махфийлик даражаси ва ахборот хавфсизлиги талаблари инобатга олинган ҳолда қайта тиклаб бўлмайдиган қилиб йўқ қилинади. Бунда, барча жараёнлар электрон баённомалар (log)да қайд этилади.

Кредит бюроларининг фаолияти тугатилганда, улардаги мавжуд электрон архивнинг ахборот ресурслари қонунчиликда белгиланган тартибда тегишли давлат ёки нодавлат архивларига топширилади.

Кредит бюрolari қайта ташкил этилганда, уларнинг электрон архив маълумотлари тегишли давлат архивлари билан келишилган ҳолда мазкур ташкилотнинг ҳуқуқий ворислари электрон архивига топширилади.

Кредит ахборотидан фойдаланувчилар кредит бюроларининг ахборот тизимларига рухсат этилмаган ҳолда кириш, кредит ахборотини йўқ қилиб юбориш, ўзгартириш, ундан бошқа шахслар фойдаланиши ёки уни ошкор этилишини олдини олиш учун ташкилий ва техник чоралар кўриши лозим³⁷³.

Кредит ва тўлов ташкилотлари жисмоний шахсларнинг шахсига доир, идентификация ва тўлов билан боғлиқ барча турдаги маълумотларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида уларни ўз ахборот тизимларида шифрланган ҳолда сақлаши шарт.

Ахборот тизимларидаги маълумотларнинг рухсатсиз тарқалишининг олдини олиш мақсадида маълумотларни рухсатсиз тарқалишидан ҳимоялаш тизими DLP (Data Loss Prevention) жорий этилиши лозим.

Ахборот тизимида фойдаланувчи ва тизимнинг ўзи томонидан амалга оширилган барча ҳаракатлар автоматик тарзда журналлаштирилиши шарт. Журналлар сохталаштириш ва ўзгартиришдан ҳимояланган форматда сақланиши лозим. Журнал маълумотларининг яхлитлигини таъминлаш мақсадида WORM (Write Once Read Many) технологиясидан фойдаланиш тавсия этилади.

Имтиёзли функциялар ва юқори даражадаги тизим ҳуқуқлари орқали амалга оширилган барча ҳаракатларга фақат чекланган доирадаги ходимлар томонидан киришга рухсат берилиши шарт. Бундай ҳуқуқлардан фойдаланиш

³⁷³ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2025 йил 19 августдаги 20/2-сон қарори (2309.2025 й., рўй.: 3679-сон) “Кредит бюроларининг ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлигига доир минимал талаблар тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

жараёнлари мажбурий тарзда кўп омилли аутентификация MFA (Multi-Factor Authentication) орқали ҳимояланиши лозим.

Имтиёзли функциялар ва юқори даражадаги тизим ҳуқуқлари доирасида амалга ошириладиган фаолиятнинг тўлиқ назорати ва журналлаштирилиши PAM (Privileged Access Management) тизими орқали амалга оширилиши керак.

Кредит ва тўлов ташкилотлари ахборот тизимларидаги маълумотларни ҳимоя қилиш учун криптографик ҳимоя воситаларидан фойдаланишда қуйидаги талабларни бажаришлари шарт:

алоқа каналлари орқали ахборот алмашинувини фақат ҳимояланган Transport Layer Security (TLS) протоколидан (1.3 ёки ундан юқори версия) фойдаланган ҳолда амалга ошириш;

маълумотларни шифрлашда AES-256/GCM алгоритмидан фойдаланиш;

криптографик калитларнинг айланиш (ротация) сиёсатини киберхавфсизлик соҳасидаги ваколатли давлат органи томонидан белгиланган талаблар доирасида амалга ошириш;

криптографик калитлар камида йилда бир маротаба янгиланиб борилишини таъминлаш;

криптографик калитлар билан боғлиқ барча ёзувлар (логлар), шу жумладан калит яратиш, айлантириш, бекор қилиш ва фойдаланиш ҳолатлари тўғрисидаги маълумотларни камида 3 йил давомида сақлаш;

криптографик калитларнинг муддати ўтганидан кейин уларни белгиланган тартибда йўқ қилиш ёки архив ҳолатига ўтказиш ҳамда бу жараёни тегишли далолатнома билан расмийлаштириш.

Кредит ва тўлов ташкилотлари криптографик калитларни бошқаришда калитларни бошқариш тизими (KMS) ёки аппарат хавфсизлик модули (HSM)дан фойдаланишлари мумкин.

Криптографик алгоритмлар ёки протоколларнинг версиялари (жумладан, TLS, AES ва бошқалар) эскирган ёки заиф деб топилса, кредит ва тўлов ташкилотлари маълумотларни ҳимоя қилишда янгиланган, эквивалент ёки ундан юқори даражадаги хавфсизликни таъминлайдиган криптографик алгоритмлар ва протоколлардан фойдаланишлари лозим.

Кредит ва тўлов ташкилотлари ахборот тизимлари доирасида амалга оширилган барча техник жараёнлар, фойдаланувчи фаолияти, хавфсизлик билан боғлиқ ҳолатлар, операция журналлари ва тегишли дастурий ёзувларни камида 3 йил мобайнида хавфсиз ва ишончли шаклда сақлаши лозим.

Кредит ва тўлов ташкилотлари томонидан жорий этилган мобил иловалар ва уларнинг веб-талқини ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш талабларига тўлиқ жавоб бериши лозим.

Мобил иловага техник хавф туғдирувчи қурилмаларда ишлашини автоматик тарзда аниқлаш ва блоклаш механизмлари жорий этилиши лозим.

Кредит ва тўлов ташкилотлари қуйидаги ҳолатларда мобил илованинг ишлашини чеклаши лозим:

андроид операцион тизимида ишловчи қурилманинг тизим ҳуқуқларига ноқонуний кириш орқали хавфсизлик сиёсати бузилганда (root);

iOS операцион тизимида ишловчи қурилмада ишлаб чиқарувчи томонидан ўрнатилган хавфсизлик чекловлари ўчирилиб, тизимга чуқур кириш имконияти яратилганда (jailbreak).

Мобил илова ишга туширилганда қурилманинг хавфсизлик ҳолати таҳлил қилиниши (SafetyNet Attestation, Play Integrity API, Jailbreak detection каби воситалар) ва салбий ҳолат аниқланганда мобил илованинг иш фаолияти тўхтатилиб, фойдаланувчига СМС-хабарнома юборилиши шарт. Ушбу ҳолат баённома (loglar) базасига автоматик тарзда қайд этилиши лозим.

Мобил илова дастур кодига рухсатсиз кириш, тахрирлаш, тескари муҳандислик (reverse engineering) ва декомпиляция орқали таҳлил қилиш имкониятини чекловчи махсус технологиялар билан ҳимоя қилиниши шарт.

Кредит ва тўлов ташкилотлари мобил илова орқали тарқалиши мумкин бўлган зарарли кодлар, дастурлар ва фродга оид таҳдидларни аниқлаш ва уларнинг олдини олиш мақсадида мобил SDK (Software Development Kit) орқали антивирус ва антифрод функциялари билан таъминланган хавфсизлик модулларини интеграция қилиши керак.

Кредит ва тўлов ташкилотлари мобил иловани реал вақт режимида таҳдидлардан ҳимоя қилиш учун RASP (Runtime Application Self-Protection) технологияларини жорий қилиши лозим.

Кредит ва тўлов ташкилотлари ўз веб-талқинларида қуйидаги ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш чораларини кўришлари шарт: маълумот алмашинуви HTTPS протоколи орқали амалга оширилиши ва HSTS (Strict Transport Security) сиёсати фаоллаштирилиши;

веб-талқинга юкланадиган JavaScript кодларининг яхлитлигини таъминлаш учун SRI (Subresource Integrity) ёки шунга мос механизмлар қўлланиши;

браузер муҳитида аномал фаолликни (бот фаоллиги, автокликер, виртуал муҳит) аниқлаш учун тегишли киберхавфсизлик воситаларини жорий қилиши.

Кредит ва тўлов ташкилотлари мобил иловалар ва уларнинг веб-талқинида сессия бошқаруви ҳамда аутентификация хавфсизлигини ўзининг антифрод тизимларида белгиланган талаб ва қоидаларга асосан таъминлайди.

Фойдаланувчининг фаолияти, сессиялари, аномал ҳаракат ва таҳдидлар билан боғлиқ барча маълумотлар баённомалаштирилиши (логлаш) ҳамда марказлашган мониторинг (SIEM) тизимида интеграция қилинган ҳолда реал вақт режимида кузатилиши ва қайд этилиши шарт.

Кредит ва тўлов ташкилотларининг мобил иловаларига қисқа вақт оралиғида ноодатий даражада кўп сўровлар келиб тушганда ахборот тизимининг барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида бундай сўровларга нисбатан чекловлар жорий этиши, вақтинчалик блоклаш ёки бошқа ҳимоя чораларини мустақил равишда қўллашлари лозим.

Мобил иловадаги аккаунтга 1 дақиқа мобайнида 1 та IP манзилдан 2 ва ундан ортиқ қурилмадан уриниш ҳолатлари кузатилса, ушбу аккаунт 10 дақиқага блокраниши лозим³⁷⁴.

Оператор, провайдер, дилер ва эшиттирувчилар телекоммуникациялар тармоқларида ахборот ва киберхавфсизликни таъминлашда ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш соҳасида қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиши, жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Wi-Fi хизмати ташкилотчиси оператор ёки провайдер билан биргаликда, ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Оператор ва провайдерлар телекоммуникациялар хизматларини кўрсатишда ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши шарт. Телевидение тармоқлари орқали қонунчилик билан тақиқланган маълумотларни тарқатишга йўл қўйилмайди. Абонентлар ва фойдаланувчилар телекоммуникациялар ёрдамида тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотни тарқатмасликка мажбур³⁷⁵.

Ўзбекистон Республикасида телекоммуникациялар тармоқларида фойдаланиладиган телекоммуникацияларнинг техник воситалари, шу жумладан фойдаланувчи қурилмалари қонунчиликка ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга мувофиқлиги юзасидан сертификатлаштирилиши лозим. Телекоммуникациялар тармоқларидаги мобиль қурилмаларнинг халқаро ўзига хос идентификация кодлари рўйхатдан ўтказилиши керак. Давлат сирларини ёки махфий ахборотни ўз ичига олган ахборотга ишлов бериш учун мўлжалланган телекоммуникациялар тармоқлари ахборот хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги юзасидан мажбурий аттестациядан ўтказилиши лозим. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган операторлар ва провайдерлар телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш учун фойдаланиладиган ускуналарни, дастурларни ҳамда аппарат-дастурий мажмуаларни қонунчиликда белгиланган тартибда махсус ваколатли давлат органи орқали ўз маблағлари ҳисобидан олиши, ўрнатиши ва уларнинг нормал ишлашини таъминлаши, шунингдек мазкур тадбирларни ўтказишнинг ташкилий, техник ва тактик усуллари ошкор этилишига йўл қўймаслик чораларини кўриши шарт. Телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда фойдаланиладиган ускуналарни,

³⁷⁴ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2025 йил 23 декабрдаги 35/14-сон қарори (21.01.2026 й., рўй.: 3759-сон) билан тасдиқланган “Кредит ва тўлов ташкилотлари, тўлов тизими операторлари томонидан жисмоний шахсларга масофадан молиявий хизматлар кўрсатишда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш ҳамда фрод ҳолатларининг олдини олиш бўйича минимал талаблар тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

³⁷⁵ Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 6 январдаги 287-мх-сон буйруғи (26.01.2026 й., рўй.: 3762) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

дастурларни ҳамда аппарат-дастурий мажмуаларни жорий этиш ва улардан фойдаланиш фақат махсус ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилади. Телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда фойдаланиладиган ускуналар, дастурлар ҳамда аппарат-дастурий мажмуаларнинг миқдори ва таркиби операторлар ҳамда провайдерлар томонидан махсус ваколатли давлат органи билан келишилади. Телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-қидирув тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича махсус ваколатли давлат органининг кўрсатмалари операторлар ва провайдерлар томонидан бажарилиши, ушбу мақсадлар учун шарт-шароитлар яратилиши, шунингдек ўз ахборот тизимларига ва телекоммуникациялар тармоқларига бошқа ахборот тизимларини ҳамда телекоммуникациялар воситаларини ўрнатиш ва улаш масаласи махсус ваколатли давлат органи билан келишилиши шарт. Операторлар ва провайдерларнинг махсус ваколатли давлат органи билан ўзаро муносабатлари тартиби қонунчиликда белгиланади. Телекоммуникациялар тармоқларидан ёки воситаларидан шахс, жамият ва давлат манфаатларига зарар етказувчи жиноий мақсадларда фойдаланилган тақдирда, бундай телекоммуникациялар тармоқларининг ёки воситаларининг ишлаши тўхтатилади. Операторлар ва провайдерлар телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензия талаблари ва шартларига, шунингдек белгиланган қоидаларга мувофиқ амалга ошириши, кўрсатилаётган хизматларнинг сифати қонунчилик ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ бўлишини таъминлаши, кўрсатилаётган хизматлар сифатини баҳолаш услубларини очиқ манбаларда кўрсатиши, телекоммуникациялар тармоқлари орқали узатиладиган барча турдаги сўзлашувларнинг, хабарларнинг сир сақланишига риоя этиши, хизматлар кўрсатиш шартлари ва тартиби тўғрисидаги, шу жумладан телекоммуникациялар хизматларининг тарифлари ўзгариши тўғрисидаги тўлиқ ахборотни фойдаланувчиларга ўз вақтида тақдим этиши, қонунчиликка, шунингдек лицензия талаблари ва шартларига мувофиқ ваколатли давлат органи билан келишувга кўра ўз тармоқларини изчиллик билан ривожлантириши ҳамда кенгайтириши, ўзи кўрсатаётган хизматлар тўғрисидаги ахборотни бепул тақдим этиши, шунингдек абонентларни қўллаб-қувватлаш маркази орқали абонентларнинг мурожаатларини бепул қабул қилиши ва уларнинг ижросини таъминлаши шарт. Фойдаланувчилар телекоммуникациялар хизматларидан фойдаланишнинг белгиланган қоидаларига риоя этиши, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлик сертификатиغا эга бўлган, халқаро ўзига хос идентификация кодлари рўйхатдан ўтказилган мобиль қурилмалардан фойдаланиши, ўзига кўрсатилган хизматлар учун ҳақни ўз вақтида тўлаши, иш сифатини пасайтиришга ёки телекоммуникациялар тармоқларини шикастлантиришга қаратилган хатти-ҳаракатлар қилмаслиги шарт³⁷⁶.

³⁷⁶ Ўзбекистон Республикасининг “Телекоммуникациялар тўғрисида” 2024 йил 27 декабрдаги ЎРҚ–1015-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Телекоммуникациялар тармоқларида фойдаланиладиган ва мажбурий сертификатланиши керак бўлган телекоммуникацияларнинг техник воситалари мувофиқлик сертификатларига эга бўлиши керак. Оператор, провайдер, дилер ва эшиттирувчилар телекоммуникациялар тармоқларида ахборот ва киберхавфсизликни таъминлашда ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш соҳасида қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиши, одамларнинг денгиздаги, ердаги, ҳаводаги, космик фазодаги хавфсизлигига, мудофаа, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни сақлаш соҳасидаги кечиктириб бўлмайдиган тадбирларни ўтказишга тааллуқли барча хабарларга, шунингдек йирик авариялар, фалокатлар, эпидемиялар, ёнғинлар ва бошқа ғавқулдда вазиятлар ҳақидаги хабарларга мутлақ устуворлик бериши, техник воситалардан Ўзбекистон Республикасининг мавжуд конституциявий тузумини, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга даъват қилиш, уруш ва зўравонликни, шафқатсизликни, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб этиш, давлат сирини ёки қонунчилик билан қўриқланадиган ўзга сирни ошкор этиш, жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак, Эшиттирувчилар, операторлар ва провайдерларнинг телевидение (радиоэшиттириш) тармоқлари ва техник бинолари қўриқлаш, ҳимоялаш ва хавфсиз фаолиятини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 14 апрелдаги 92-сон қарори билан тасдиқланган Телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар объектларини қўриқлаш, муҳофаза қилиш ҳамда уларнинг хавфсиз фаолият кўрсатиши қоидалари талабларига жавоб бериши шарт. Оператор, провайдер ва телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш жараёнига алоқадор бошқа субъектлар томонидан яратилган ва абонентлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган маълумотлар базалари конфиденциал тусдаги ҳужжатлар сифатида ҳимояланиши керак. Абонентлар тўғрисидаги маълумотлардан бу абонентларнинг розилигисиз ахборот-маълумот хизмат кўрсатилиши учун фойдаланиш мумкин эмас. Оператор, провайдер, дилер ва телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш жараёнига алоқадор бошқа субъектлар телекоммуникациялар тармоқлари орқали узатиладиган телефон сўзлашувлари ва бошқа хабарлар, шунингдек, уларга тааллуқли бўлган барча маълумотларнинг сир тутилишини таъминлаши шарт. Оператор (провайдер) абонентларнинг умумий фойдаланиш тармоғидан узлуксиз фойдалана олишини таъминлашга мажбур. Мобил алоқа тармоғи фойдаланувчи қурилмаси IMEI-коди рўйхатдан ўтган бўлиши керак. Телекоммуникациялар тармоғига мувофиқлик сертификати эга фойдаланувчи қурилмалари (телефон аппаратлари, рақамни автоматик аниқлаш функцияларига эга телефон аппаратлари, маълумотлар узатиш ва телематик хизматлар ускуналари (телефакс, телетекс, видеотекс ва бошқалар), радиотелефон алоқа воситалари, автожавоббергичлар, сигнализация қурилмалари) уланади. Операторлар ва провайдерларнинг телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш фаолияти белгиланган тартибда олинган лицензияга мувофиқ амалга оширилади. Абонент шартномаси бекор қилинганидан сўнг, оператор

(провайдер) маълумотлар базасидан абонентларнинг шахсий маълумотлари йўқ қилишлари шарт. Шаҳарлараро ва халқаро телефон боғланиш автоматик хизмат кўрсатиш тизими, буюртма хизмат кўрсатиш тизими ва дарҳол хизмат кўрсатиш тизими бўйича амалга оширилиши мумкин. Телефон тармоқларида сигнализация ускуналарини ўрнатиш ва уларга техник хизмат кўрсатишни ташкил этиш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ваколатли органлар томонидан амалга оширилади. Wi-Fi хизмати ташкилотчиси оператор ёки провайдер билан биргаликда, фойдаланувчиларнинг шахсини идентификациялаш ҳамда фойдаланилган веб-ресурслар (лог-файллар) ҳисобини юритиш бўйича аппарат-техник чора-тадбирлар кўриши ва уларни 3 ой ичида сақланишини ташкиллаштириш, оператор ёки провайдер билан биргаликда, ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, Ўзбекистон Республикасининг мавжуд конституциявий тузумини, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга даъват этишга, уруш, зўравонлик ва терроризмни, шунингдек диний экстремизм, сепаратизм ва фундаментализм ғояларини тарғиб қилишга, миллий, ирқий, этник ёки диний адоват кўзғатувчи ахборотни, шунингдек, порнографияни тарғиб қилишга қаратилган ахборотнинг ва тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Wi-Fi хизмати ташкилотчиси ўз ҳудудида бепул Wi-Fi хизматини ташкил этиш оператор ёки провайдер билан тузилган шартномага мувофиқ оператор ёки провайдернинг аппарат-дастурий воситалари асосида амалга оширилиши мумкин. Абонент учун абонент рақамини кўчириш хизмати мобил алоқа операторлари (провайдерлари) томонидан тақдим этилади. КРМБни шакллантириш, юритиш, ишлаши ва техник кузатуви, шу жумладан ундаги ахборот ва маълумотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш, узатиш, шунингдек КРМБдан фойдалана олиш имкониятини тақдим этиш Ўзбекистон Республикасининг “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги Қонуни талабларига риоя қилган ҳолда КРМБ оператори томонидан таъминланади. Абонент рақамини кўчириш жараёнини амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотлар мобил алоқа операторлари (провайдерлари) томонидан КРМБ операторига ва аксинча Ўзбекистон Республикасининг “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги Қонуни талабларига риоя қилган ҳолда тақдим этилади. КРМБдаги ахборотни муҳофаза қилиш, шунингдек ундан фойдалана олиш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя қилган ҳолда таъминланади. КРМБда сақланаётган маълумотларни рухсатсиз фойдалана олишдан ҳимоялаш КРМБ оператори томонидан таъминланади. Эшиттирувчи, оператор, провайдер телевидение хизматлари фаолиятини лицензия асосида амалга оширади. Телевидение тармоқлари орқали қонунчилик билан тақиқланган маълумотларни тарқатишга йўл қўйилмайди. Оператор ва провайдерлар телекоммуникациялар хизматларини кўрсатишда ўз фаолиятини лицензия шартлари ва қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириши, телекоммуникациялар тармоқлари бўйлаб узатиладиган телефон сўзлашувлари ва барча турдаги маълумотларни сир сақлаши, телекоммуникациялар тармоқларидан рухсатсиз фойдалана олиш

ҳолатларига йўл қўймаслик чораларини кўриши, шартномада белгиланган муддатларда телекоммуникациялар алоқаси хизматларини кўрсатиши, хизматлар, кечаю-кундуз кўрсатилишини таъминлаши, оператор ва провайдер тармоғидаги IP протоколи асосида ишловчи қурилмаларни IPv6 протоколи версиясини қўллаб-қувватлашини таъминлаши, ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, Ўзбекистон Республикасининг мавжуд конституциявий тузумини, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга даъват этишга, уруш, зўравонлик ва терроризмни, шунингдек, диний экстремизм, сепаратизм ва фундаментализм ғояларини тарғиб қилишга, миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатувчи ахборотни, шунингдек, порнографияни тарғиб қилишга қаратилган ва тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши, операторлар ва провайдерлар томонидан абонентларга телекоммуникациялар хизматларини кўрсатишда овозини ўзгартириш ва абонент рақамини сохталаштириш, ўзгартириш технологияларига асосланган хизматлар кўрсатмаслик, абонентлар операторнинг (провайдернинг) ахборот-маълумот хизматида кўнғироқ қилиб боғланишида тенг ҳуқуқлилигини таъминлаши шарт. Бунда, абонентлар операторнинг (провайдернинг) ахборот-маълумот хизматида кўнғироқ қилиб боғланишларида маълум бир абонентларга бошқа абонентларга нисбатан устуворлик (боғланиш вақти, хизмат кўрсатиш вақти ва бошқалар) тақдим этилишига йўл қўйилмайди. Мобил алоқа хизматларини кўрсатишда оператор (провайдер) хизмат кўрсатиш ҳудуди доирасида мобил алоқа хизматларини сифатли, ўз вақтида ва кеча-ю кундуз кўрсатилишини таъминлаши, абонент шартноманинг бекор қилиниши вақтигача қарзини ва олдиндан тўловнинг зарур суммаси тўлиқ ҳажмда тўлаганида абонентга мобил алоқа хизматлари кўрсатилишини тиклаши, ўзини-ўзи обрўсизлантирган дилерлар билан шартномалар тузмаслиги, СИМ-картани алмаштириш, шунингдек абонентнинг аризаси бўйича рақамни бошқа фойдаланувчи қурилмасига қайта дастурлаш (СИМ-картадан фойдаланишни кўзда тутмайдиган мобил алоқа стандартлари учун) хизматларини кўрсатиш фақат операторнинг (провайдернинг) хизмат кўрсатиш пунктларида амалга оширилишини таъминлаши, дилер орқали тузилган мобил алоқа хизматларини кўрсатиш шартномаси асосида абонентга мобил алоқа хизматларини тақдим этиши, халқаро трафикнинг ноқонуний ўтказилиши ҳамда GSM, IP ёки SMS-шлюзлардан яширин фойдаланишга қарши чораларни кўриш, шу жумладан тармоқда махсус аппарат-дастурий воситаларни ўрнатиш йўли билан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида GSM стандартида ишлайдиган барча оператор (провайдер) КРМБга уланиши, абонентнинг оператор тармоқларида абонент рақамини кўчиб ўтиш хизматидан фойдаланиш ҳуқуқига тўсқинлик қилмаслиги, мунтазам равишда ўз телекоммуникациялар тармоқларида халқаро трафикни ўтказиш тартиби бузилишларининг олдини олиш, аниқлаш ва тугатишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш ва абонентнинг ҳаракатларини таҳлил қилиш ёки тегишли тадбирларни амалга ошириш йўли билан абонент рақамларини фаол аниқлаш принципларига асосланган

воситалар ва тизимларни қўллаши шарт. Оператор ва провайдерлар маълумот узатиш хизматларини кўрсатишда халқаро трафик ноқонуний ўтказиш (шу жумладан GSM, IP ёки SMS-шлюзлардан), шунингдек тармоқда махсус аппарат-дастурий воситаларини ўрнатиш йўли билан ноқонуний фойдаланишга қарши курашиш чораларини кўришга мажбур. Абонентлар ва фойдаланувчилар оператор (провайдер) билан тузилган шартнома шартларига риоя қилишга, телекоммуникациялар тармоғидан давлат сири бўлган маълумотларни ёки қонунчилик билан қўриқланадиган бошқа сирни узатиш учун фойдаланишга йўл қўймасликка, телекоммуникациялар тармоғи орқали Ўзбекистон Республикасининг мавжуд конституциявий тузумини, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга даъват этишга, уруш, зўравонлик ва терроризмни, шунингдек, диний экстремизм, сепаратизм ва фундаментализм ғояларини тарғиб қилишга, миллий, ирқий, этник ёки диний адоват кўзғатувчи, шунингдек порнографияни тарғиб қилишга қаратилган ахборотни ва тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотни тарқатмасликка, телекоммуникациялар тармоғи ёрдамида фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматига ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи, уларнинг шахсий ҳаётига аралашишга йўл қўювчи ахборотни тарқатмасликка, қонунчилик ҳужжатларига асосан телекоммуникациялар тармоғи орқали тарқатилиши тақиқланган ахборотлардан тижорат ёки нотижорат мақсадларда тарқатиш учун фойдаланмасликка, телекоммуникациялар тармоқлари иш сифатининг пасайишига ёки телекоммуникациялар тармоқларининг шикастланишига олиб келадиган ҳаракатларни бажармасликка, ўз хоналарида жойлашган абонент тармоғи ва фойдаланувчи қурилмасини техник ҳужжатлар қоидаларига риоя қилишга, маълумотлар базаларидан рухсатсиз фойдаланмасликка ва операторнинг (провайдернинг) дастурий воситаларини ўзгартирмасликка, таркибида компьютер вируслари ёки тармоқ учун зарар етказиши мумкин бўлган ахборотни ёки дастурий таъминотни эълон қилмаслик ёки узатмасликка, компьютер ахборотидан, яъни ахборот-ҳисоблаш тизимлари, тармоқлари ва уларнинг таркибий қисмларидаги ахборотлардан қонунга ҳилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланмасликка, телекоммуникациялар тармоғида тақдим этилган ахборот ва интеллектуал мулк объекти учун муаллифлик ҳуқуқларини бузмасликка, телевидение тармоқларида бошқа шахсларнинг бериладиган сигналга уланиш ҳолатларига йўл қўймасликка, оператор (провайдер) вакилларига уларни текшириш, таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш учун телекоммуникациялар иншоотлари ва қурилмалари жойлашган ҳудудларга киришни таъминлашга мажбур. Маълумот узатиш хизматлари абонентлари ва фойдаланувчилари телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш учун GSM, IP ёки SMS-шлюзлар ёки шунга ўхшаш аппарат-дастурий воситалардан фойдаланиш нияти бўлганда, бу ҳақда операторни (провайдерни) огоҳлантиришга, маълумотлар узатиш тармоғидан халқаро трафикни ноқонуний ўтказиш мақсадида фойдаланмасликка мажбур. Мобил алоқа хизматлари абонентлари ва фойдаланувчилари абонент рақамидан шахсий мақсадларда ёки ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун (якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахслар

учун) фойдаланиш, спамга, фирибгарликка, оператор (провайдер) билан олдиндан келишмасдан оммавий SMS жўнатмаларга, шунингдек, бошқа ноқонуний фойдаланишга йўл қўймасликка, абонент рақамидан халқаро трафикни ноқонуний ўтказиш учун фойдаланмаслик, шу жумладан, GSM ва IP шлюзлардан фойдаланган ҳолда, ўрнатилган ҳимоя тизимларини четлаб ўтган ҳолда телекоммуникациялар тармоғидан фойдаланиш ҳамда халқаро трафикни ўтказиш мақсадида телекоммуникациялар тармоғидан қонунга ҳилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланмасликка, шунингдек мазкур мақсадлар учун мўлжалланган махсус дастурий ёки аппарат воситаларини қонунга ҳилоф равишда (рухсатсиз) сақлаш ва уларнинг фаолиятига йўл қўймасликка мажбур³⁷⁷.

Давлат фуқаролик хизматчиси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига риоя этиши, ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажариши, давлат органи томонидан белгиланган одоб-ахлоқ қоидаларига, хизматга оид ахборот билан ишлаш тартибига, шунингдек давлат фуқаролик хизматини ўташ билан боғлиқ бошқа қоидаларга риоя этиши, давлат органининг нуфузини туширишга олиб келиши ёки унинг ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажаришига шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳаракатлардан (ҳаракатсизликдан), шу жумладан ўз хизмат мажбуриятларини бажараётганда ҳар қандай шаклдаги камситишдан, ноҳолисликдан ёки кимгадир нисбатан алоҳида муносабатда бўлишдан тийилиши шарт³⁷⁸.

Сунъий интеллект технология ва тизимларини ишлаб чиқувчи ва жорий этувчилар Этика қоидаларига амал қилиши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги алгоритмларнинг шаффоф ва тушунарли бўлишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги эҳтимолий тарафкашликни олдини олиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларининг имкониятлари, чекловлари ва эҳтимолий хавфлари ҳақида очиқ маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчиларни улардан фойдаланиш қоидалари билан таништириш, улардан қандай мақсадда фойдаланиш мумкинлиги ёки тақиқланиши, шунингдек сунъий интеллектга асосланган ечимлар ёки қарорлар доим тўғри бўлмаслиги ҳамда уларнинг натижаларидан тавсиявий ёки маълумот учун фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимлари дастурий таъминоти хавфсизлигини таъминлаши, Этика қоидаларини инобатга олган ҳолда сунъий интеллект технология ва тизимларини доимий равишда такомиллаштириб бориши, сунъий интеллект технология ва тизимлари инсон назорати остида бўлишини ҳамда инсон томонидан қайта кўриб чиқилиши, шунингдек яқуний қарор инсон томонидан қабул қилинишини таъминлаши, сунъий интеллект

³⁷⁷ Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 6 январдаги 287-мх-сон буйруғи (26.01.2026 й., рўй.: 3762) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

³⁷⁸ Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида” 2022 йил 8 августдаги ЎРҚ–788-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

технология ва тизимларидан қонунчиликка зид бўлган ёки шахс, жамият, давлат ва атроф табиий-муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган мақсадларда фойдаланмаслиги, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчилар учун сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қўлланмасини ишлаб чиқиш ва жойлаштириши шарт. Сунъий интеллект тизимларидан фойдаланувчилар сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қоидалари ва шартларига риоя қилиши, сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан тўғри фойдаланиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, бошқа фойдаланувчиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини бузмаслиги, Этика қоидаларига амал қилиши, шахс, жамият ва давлат манфаатларига ҳамда атроф-табиий муҳитга зарар етказмаслиги лозим³⁷⁹.

Давлат органлари ва ташкилотлари ўз тасарруфидаги ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини, тармоқлар ишининг барқарорлигини таъминлаши, шунингдек киберхавфсизлик бўйича ўз мажбуриятларини бажариши, ваколатли давлат органини киберхужумлар тўғрисида огоҳлантириши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида сақланаётган маълумотларнинг ўғирланиши ҳамда қалбакилаштирилиши ҳолатларининг олдини олиш чораларини кўриши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларини киберҳимоя қилиш учун сертификатлаштирилган аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий таъминотдан фойдаланиши, киберхавфсизлик соҳасида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ваколатли давлат органи билан келишиши шарт. Киберхавфсизлик субъектлари ахборот тизимлари ва ресурсларидаги маълумотларнинг қонунга хилоф равишда тарқатилиши, ўғирланиши, йўқолиши, яхлитлигининг бузилиши, блоккланиши ва қалбакилаштирилишининг, шунингдек ахборот тизимлари ва ресурсларига рухсатсиз киришнинг бошқа кўринишларининг олдини олиши, бундай ҳоллар аниқланганда ўз вақтида тегишли чоралар кўриши, ахборот тизимлари ва ресурсларига кириш тартиби бузилганда ҳамда уларга рухсатсиз кириш натижасида ушбу тизимлар ҳамда ресурслар ўзгартирилган ёки йўқ қилинган тақдирда салбий оқибатларни камайтириш мақсадида уларни тезкорлик билан тиклаш чораларини кўриши, содир бўлган киберхавфсизлик ҳодисалари ва кибержиноятлар тўғрисида ваколатли давлат органини хабардор қилиши, ушбу ҳодисаларни тўлиқ фош этиш учун тегишли рақамли изларнинг йўқолишига йўл қўймаслик чораларини кўриши, шунингдек киберхавфсизлик ҳодисаларини таҳлил қилиш ва кибержиноятларни текшириш учун зарур бўлган маълумотларнинг доимий сақланишини таъминлаши, киберхавфсизлик объектларини муҳофаза қилиш ва уларнинг хавфсиз ишлаши мониторингини ўтказиш соҳасидаги маълумотларни ваколатли давлат органи билан ўзаро алмашишни амалга ошириши, ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберҳимоясини таъминлашда ваколатли давлат органи

³⁷⁹ Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 24 февралдаги 284-мх-сон буйруғи (14.03.2026 й., рўй.: 3787) билан тасдиқланган Сунъий интеллектга асосланган ечимларни яратиш, жорий қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича этика қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

томонидан белгиланган киберхавфсизлик талабларига риоя этиши, киберхавфсизлик ҳодисаларига нисбатан чоралар кўриш механизмларининг ишлаб туришини ва киберхавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг ишлашини таъминлаши, улар мавжуд бўлмаган тақдирда эса ваколатли давлат органининг рухсати билан аутсорсинг хизматларидан белгиланган тартибда фойдаланиши, ваколатли давлат органига киберхавфсизликни таъминлаш мониторингининг ташкилий-техник тадбирларини амалга ошириш учун мониторинг тизимларига ва (ёки) киберхавфсизлик объектларига кириш ҳуқуқини бериши шарт³⁸⁰.

Ушбу нормаларнинг бузилиши натижасида мазкур жиноят вужудга келади.

Бунда, давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлиги ахборот соҳасидаги хавфсизликка таҳдидларга қарши ҳаракатлар юзасидан иқтисодий, сиёсий, ташкилий ва бошқа тусдаги чора-тадбирларни амалга ошириш, давлат сирларини сақлаш ва давлат ахборот ресурсларини улардан рухсатсиз тарзда фойдаланилишидан муҳофаза қилиш, Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ахборот маконига ва замонавий телекоммуникациялар тизимларига интеграциялашуви, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартиришга, ҳудудий яхлитлигини, суверенитетини бузишга, ҳокимиятни босиб олишга ёки қонуний равишда сайлаб қўйилган ёхуд тайинланган ҳокимият вакиллари ҳокимиятдан четлатишга ва давлат тузумига қарши бошқача тажовуз қилишга очикдан-очик даъват этишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишидан ҳимоя қилиш, урушни ва зўравонликни, шафқатсизликни тарғиб қилишни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоват уйғотишга қаратилган терроризм ва диний экстремизм ғояларини ёйишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишига қарши ҳаракатлар қилиш билан таъминланади. Шахснинг ахборот борасидаги хавфсизлиги унинг ахборотдан эркин фойдаланиши зарур шароитлари ва кафолатларини яратиш, шахсий ҳаётига тааллуқли сирларини сақлаш, ахборот воситасида қонунга ҳилоф равишда руҳий таъсир кўрсатилишидан ҳимоя қилиш йўли билан таъминланади. Жисмоний шахсларга тааллуқли шахсий маълумотлар махфий ахборот тоифасига киради. Жисмоний шахснинг розилигисиз унинг шахсий ҳаётига тааллуқли ахборотни, худди шунингдек шахсий ҳаётига тааллуқли сирини, ёзишмалар, телефондаги сўзлашувлар, почта, телеграф ва бошқа мулоқот сирларини бузувчи ахборотни тўплашга, сақлашга, қайта ишлашга, тарқатишга ва ундан фойдаланишга йўл қўйилмайди, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно. Жисмоний шахслар тўғрисидаги ахборотдан уларга моддий зарар ва маънавий зиён етказиш, шунингдек уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари рўёбга чиқарилишига тўсқинлик қилиш мақсадида фойдаланиш тақиқланади. Фуқаролар тўғрисида ахборот олувчи, бундай ахборотга эгалик қилувчи ҳамда ундан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахслар бу ахборотдан фойдаланиш тартибини бузганлик учун қонунда назарда тутилган тарзда

³⁸⁰ Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

жавобгар бўладилар. Ахборот манбаи ёки муаллиф номи фақат суд қарори билан ошкор этилиши мумкин³⁸¹.

Бунда, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда аниқланган валюта намунаси қалбаки эканлигига шубҳа пайдо бўлганда, тезкор-қидирув тадбирлари давомийлигини таъминлаш зарурати юзага келганда, тезкорликни амалга ошириш ҳамда тегишли вақтни тежаш мақсадида мазкур модда (буюм) ёки валюта намуналарини улар аниқланган жойнинг ўзида ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар биносида экспресс текшириш техник воситалари ёрдамида текширади³⁸².

2. Кибержиноят асосий бевосита объекти – ахборот-коммуникация технологияларининг муҳофазаси, шу жумладан, ахборот ва киберхавфсизлик.

3. Кибержиноят қўшимча бевосита объекти – жамият ва жамоат хавфсизлиги.

4. Кибержиноят факультатив бевосита объекти – ўзга шахс (лар) ва давлат, шу жумладан, шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни, кадр-қиммати, мулк дахлсизлиги, тинчлик ва инсоният хавфсизлиги, бошқарув тартиби ва бошқалар;

5. Кибержиноят субъекти – 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс.

6. Кибержиноят субъектив томони – қасддан.

7. Кибержиноят объектив томони – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ёки қонунга хилоф равишда ахборот-коммуникация тизимига кириб, компьютер тизимида сақланаётган ахборотни қонунга хилоф равишда ўзгартириш, унга шикаст етказиш, уни ўчириш, худди шунингдек била туриб унга ёлғон ахборотни киритиш фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилиши йўли билан содир этилади.

8. Кибержиноят мақсади – моддий ёки (ва) номоддий манфаат, ғаразли ёки бошқа паст ниятлар, ўч олиш ва ҳк.

9. Кибержиноят воситаси (қуроли) – ахборот-коммуникация технологиялари.

10. Кибержиноятнинг зарурий белгилари:

- 1) қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги;
- 2) қилмишнинг ҳуқуққа хилофлилиги;
- 3) қилмишда айбнинг мавжудлиги;
- 4) қилмишнинг жазога сазоворлиги;
- 5) қилмишнинг компьютер тизимида сақланаётган ахборотга боғлиқлиги;

³⁸¹ Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принципи ва қафолатлари тўғрисида” 2002 йил 12 декабрдаги 439-П-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

³⁸² Вазирлар Маҳкамасининг “Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг аналоглари, прекурсорлар, кучли таъсир қилувчи моддалар ҳамда валюта намуналарини экспресс текшириш жараёнида техник воситалардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2023 йил 12 январдаги 12-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

6) қилмиш компьютер тизимида сақланаётган ахборотни қонунга ҳилоф равишда ўзгартириш, унга шикаст етказиш, уни ўчириш, худди шунингдек била туриб унга ёлгон ахборотни киритиш фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилиши йўли билан содир этилиши;

7) қилмишнинг фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилиши зарурлиги;

8) алоқа;

9) ахборот;

10) кибермуҳит, шу жумладан, кибермакон;

11) ахборот-коммуникация технологиялари.

Ушбу белгиларнинг биронтаси мавжуд эмаслиги қилмишнинг кибержиноят эканлигини инкор этади.

11. Кибержиноятнинг тамомланиши –

1) фуқароларнинг ҳуқуқларига кўп миқдорда зарар етган вақтдан;

2) фуқароларнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларига кўп миқдорда зарар етган вақтдан;

3) фуқароларнинг ҳуқуқларига жиддий зиён етган вақтдан;

4) фуқароларнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларига жиддий зиён етган вақтдан;

5) давлат манфаатларига кўп миқдорда зарар етган вақтдан;

6) давлат манфаатларига жиддий зиён етган вақтдан;

7) жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар етган вақтдан;

8) жамоат манфаатларига жиддий зиён етган вақтдан бошлаб.

12. Кибержиноятнинг тузилишига кўра тури – моддий таркибли кибержиноятлар ҳам мавжуд.

13. Кибержиноятнинг ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра тури – ижтимоий хавфи катта бўлмаган кибержиноят.

14. Жазо тизимига кўра тури – ижтимоий хавфли қилмиши учун Жиноят кодексида жарима, ахлоқ тузатиш ишлари, озодликни чеклаш, озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган кибержиноятлар.

15. Жиноят предмети – компьютер тизимида сақланаётган ахборот, шу билан бирга, уларга боғлиқ бўлган ахборот-ҳисоблаш тизимлари, тармоқлари ва уларнинг таркибий қисмларидаги ахборот, электрон ҳисоблаш машиналари, электрон ҳисоблаш машиналари тизими ёки уларнинг тармоқлари, ахборот тизимлари, маълумотлар базалари ва банклари, ахборотга ишлов бериш ҳамда уни узатиш тизимлари, рақамли предметлар, жумладан, онлайн казино платформалари, betting сайтлар, мобил иловалар (gambling apps), ботлар (Telegram/Discord), молиявий элементлар жумладан, электрон пуллар (Click, Payme, crypto), виртуал баланслар, ставкалар (bets), дастурий таъминот, жумладан, gambling software, RNG (random generator) тизимлари, mirror сайтлар, шу билан бирга, матн, видео, аудио, мемлар, постлар, deepfake

контент ва бошқа шаклдаги ахборот шунингдек, қуйидагилар ҳам жиноят предмети бўлиши мумкин:

1. Молиявий воситалар – нақдсиз пул, банк ўтказмалари, электрон ҳамёнлар орқали тўловлар (Payme, Click, PayPal, QIWI ва ҳ.к.), криптовалюта (Bitcoin, USDT, Ethereum ва бошқалар), онлайн тўлов тизимлари орқали маблағ, қимматли қоғозлар (акциялар, облигациялар), электрон сертификатлар, баланс тўлдириш (телефон, аккаунт, карта) ва ҳ.к.;

2. Рақамли активлар – лицензия калитлари (software key), онлайн сервис аккаунти, Premium обуна, домен номи, веб-сайтга эгалик, ижтимоий тармоқлардаги (Telegram, Instagram, YouTube ва бошқалар) каналлар ва гуруҳлар, NFT активлари, онлайн ўйин аккаунтлари, база маълумотлар, электрон контракт ҳуқуқи, NFTлар, ўйин ичидаги қимматбаҳо виртуал буюмлар (Skins, In-game currency) ва ҳ.к.;

3. Ахборот – махфий маълумот, тендер маълумотлари, миқдорлар базаси, пароллар, давлат реестри маълумотлари, имтиёзли кириш ҳуқуқи, жумладан, тижорат ёки хизмат сири ҳисобланган маълумотларга имтиёзли кириш ҳуқуқини бериш, касб, хизмат сирлари, текширув натижаларини ўзгартириш ва ҳ.к.;

4. Номоддий манфаат – лавозимга тайинлаш, лойиҳада ғолиб қилиш, рейтингни ошириш, файлни ўчириб бериш, маъмурий, молиявий ёки жиноий жазодан қутқариш, солиқ ва бошқа тўловларни камайтириш, давлат ижтимоий буюртмасини бериш, рухсатнома чиқариш ва ҳ.к.;

5. Техника ва IT ресурслар – сервер ресурслари, хостинг, VPN кириш, Cloud аккаунт, дастур кодлари, дастурий таъминот лицензияси, API кириш ҳуқуқи, бқори қийматга эга бўлган тижорат дастурларига (масалан, киберхавфсизлик ёки дизайн дастурларига) умрбод ёки узоқ муддатли пуллик обуналарни олиб бериш ва ҳ.к.;

6. Аралаш шакллар – қимматбаҳо техника (ноутбук, смартфон ва ҳ.к.), онлайн орқали етказилган товар, электрон ваучер, крипто-ҳисоб очиш, тўловни учинчи шахс орқали амалга ошириш, жиноятчи учун бепул яратиб берилган веб-сайтлар, SMM хизматлари, пуллик дастурий таъминотларга лицензиялар ёки обуналар (Subscription), мансабдор шахс ёки унинг яқинлари учун бепул сервер майдони (Hosting) ажратиб бериш ёки веб-сайт ишлаб чиқиб, уни тарғиб қилиш (SMM/SEO) хизматларини бепул кўрсатиш, хизматчининг ижтимоий тармоқлардаги саҳифасини пуллик тарғиб қилиш (Boost), онлайн курслар ёки пуллик веб-сервисларга обуналарни (Premium subscription) совға қилиш ва ҳ.к.

16. Кибержиноятни содир этишнинг энг кўп усуллари:

- 1) телекоммуникация ёки интернет тармоғида намоёйишкорона;
- 2) телекоммуникация ёки интернет тармоғида жойлаштириш орқали;
- 3) ахборот-коммуникация технологияларидан жиноят қуроли ёки воситаси сифатида фойдаланиш натижасида.

Ушбу жиноят қуйидаги шаклларда содир этилиши мумкин, хусусан:

1) қонунга хилоф равишда ўзгартириш (Data Modification). Масалан:

молиявий, солиқ ёки суд маълумотлар базасига (DB) кириб, мавжуд ёзувларни таҳрирлаш. Мисол учун, UPDATE SQL-сўрови орқали қарздорлик суммасини “0” га айлантириш ёки судланувчининг жазо муддатини ўзгартириш;

ораликдаги тармоқ ҳужуми (Man-in-the-Middle) орқали жўнатилаётган электрон ҳужжат трафигини йўлда тутиб олиб, ичидаги матнни ўзгартириб, сўнг қабул қилувчига жўнатиш;

2) ёлғон ахборот киритиш (Data Insertion / Spoofing). Мисол учун, тизимда илгари бўлмаган, қалбаки маълумотни яратиш, масалан, INSERT INTO буйруғи орқали давлат реестрига қалбаки диплом маълумотларини ёки кадастр базасига янги, сохта мулкдорни қўшиб қўйиш;

3) ўчириш (Data Deletion). Мисол учун, тизимдаги муҳим маълумотларни тиклаб бўлмайдиган ҳолатга келтириш. Масалан, сервердаги DROP TABLE ёки DELETE FROM буйруқлари орқали бутун бошли архивни ўчириб юбориш;

4) шикаст етказиш (Data Damage / Corruption). Мисол учун, ахборотни тўлиқ ўчирмаган ҳолда, уни ўқиб ёки фойдаланиб бўлмайдиган (Corrupted) ҳолатга келтириш, масалан, файлларнинг кенгайтмасини бузиш ёки Ransomware (шифрловчи вирус) орқали маълумотларни блоклаш йўли билан содир этилиши мумкин.

Ушбу жиноятни фош этишда қуйидаги рақамли излар тўпланиши мумкин, хусусан:

1) хэш-қийматларнинг мос келмаслиги (Hash Mismatch). Мисол учун, электрон ҳужжатнинг дастлабки ҳолатидаги хэш-суммаси (масалан, SHA-256) билан ҳужумдан кейинги хэш-суммаси ўртасидаги фарқ. Бу ўзгаришнинг энг инкор этиб бўлмас математик далилидир;

2) маълумотлар базаси транзакция логлари (Database Transaction Logs). Мисол учун, СУБД (MySQL, PostgreSQL, Oracle ва ҳ.к.) ичида қайси фойдаланувчи, қайси вақтда айнан қандай маълумотни таҳрир қилгани ёки қўшганини кўрсатувчи ички кайдлар;

3) МАСЕ вақт тамғалари аномалияси. Мисол учун, файл тизимида файлнинг модификация қилинган (Modified), мурожаат қилинган (Accessed), яратилган (Created) ва ёзув ўзгарган (Entry Modified) вақтларини таҳлил қилиш, агар ҳужжатнинг ўзгартирилган вақти унинг яратилган вақтидан мантиқсиз равишда фарқ қилса, бу манипуляциядан далолат беради;

4) захира нусхалари (Backups) билан қиёслаш. Мисол учун, тизимнинг бир кун олдинги автоматик захира нусхаси (Snapshot) билан ҳозирги базани солиштириш (Diff analysis) орқали айнан нималар ўзгартирилгани аниқланади.

Жиноятни фош этилиши учун қуйидаги экспертизалар ўтказилиши мумкин, хусусан:

1) суд-компьютер-техникавий экспертизаси ахборотни ўзгартириш, ўчириш ёки тизимга била туриб ёлғон маълумот киритишнинг техник механизмини, қўлланилган дастурий алгоритмларни, маълумотлар базаси структурасидаги ўзгаришларни ва рақамли изларнинг яхлитлигини,

ахборотнинг қандай усулда ўзгартирилганлиги ёки ўчирилганлиги, ўзгартириш вақти ва қўлланилган дастурий воситалар, хэш-қийматларни текшириш ва ўчирилган маълумотларни (Data Recovery), компьютер тизимидаги ахборотнинг дастлабки ҳолати ва ўзгартирилгандан кейинги ҳолатини, файлларнинг хэш-суммаларини текшириш орқали ахборотга қачон ва қайси интерфейс орқали ишлов берилганини, била туриб ёлғон ахборот киритиш фактини тизим логлари (журналлари) ва маълумотлар базасидаги SQL-сўровлар тарихини, тизимдаги вақт штампларининг (time stamps) ҳақиқийлигини, жиноятчи модификация изини яшириш учун тизим вақтини ўзгартирган ёки маълумот киритилган вақтни қалбакилаштирганини, агар ахборотни модификация қилиш учун махсус скриптлар ёки автоматлаштирилган дастурлардан фойдаланилган бўлса, ушбу экспертиза ўша дастурнинг ишлаш алгоритмини, дастурнинг айнан маълумотларни ўчириш ёки ёлғон маълумот киритиш учун мослаштирилганлигини (функционал вазифасини), ахборот масофадан туриб масалан, интернет орқали ўзгартирилган бўлса, трафик пакетларини, бунда ахборот қайси ташқи сервердан келиб, тизимнинг қайси қисмига маълумот киритиш (инъекция) қилинганини ва бу ҳаракат рухсатсиз амалга оширилганини, тизимли даражада маълумотлар базасининг ички тузилишини (transaction logs), унда ахборотнинг ким томонидан эмас, балки қайси босқичда ва қандай техник усул билан ўзгартирилгани, базадаги асл маълумотларнинг қайси қисми қайта тиклаб бўлмайдиган даражада шикастланганини;

2) суд-иқтисодий экспертизаси ахборотнинг модификация қилиниши (ўзгартирилиши) натижасида фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки давлат манфаатларига етказилган кўп ёки жуда кўп миқдордаги моддий зарар ҳажмини ва иқтисодий зиён кўламини, модификация оқибатида жабрланувчига етказилган зарар миқдорини;

3) суд-филологик (лингвистик) экспертизаси тизимга киритилган ахборотнинг била туриб ёлғон эканлигини, унинг мазмуни ва контекстини таҳлил қилиш орқали маълумотларнинг ҳақиқатга зидлигини ҳамда шахснинг кадр-қиммати таъсирини, киритилган ёлғон ахборотнинг мазмунини, ундаги маълумотлар шахснинг кадр-қимматини камситишга, давлат манфаатларига путур етказишга ёки жамоатчиликни чалғитишга қаратилганлигини;

4) суд-бухгалтерия экспертизаси бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи ахборот тизимларидаги маълумотларнинг ўзгартирилиши натижасида юзага келган молиявий тафовутларни, камомадларни ёки маблағларни нотўғри ҳисобдан чиқариш операцияларини, агар модификациялаштириш молиявий ҳужжатларга масалан, 1С: Бухгалтерия ёки инвойсларга тегишли бўлса, электрон ҳужжатлардаги ўзгаришларнинг корхона балансига ва молиявий ҳисоботига таъсирини, сохта маълумот киритилиши натижасида келиб чиққан камомад ёки ортиқча маблағларни;

5) суд-психологик экспертизаси айбдорнинг ахборотни модификация қилишдаги қасд йўналишини, унинг муайян ижтимоий ёки профессионал гуруҳ манфаатлари йўлида ҳаракат қилганлигининг психологик мотивларини, айбланувчининг ҳаракатларидаги қасд белгисини, шахс ахборотни

ўзгартираётганда унинг ёлғон эканлигини англаганми ёки бу техник хатолик натижасими, шунингдек, жиноят содир этиш вақтидаги рухий ҳолатини;

6) видеоматериалларнинг суд экспертизаси ахборотни ўзгартириш амалга оширилган вақтда операторлик хоналари ёки терминаллар атрофида бўлган шахсларнинг ҳаракатлари акс этган видеоёзувларнинг ҳаққонийлигини ва монтаж белгиларини;

7) ҳужжатларнинг суд-техникавий экспертизаси модификация қилинган маълумотлар асосида чоп этилган ёки электрон шаклда яратилган ҳужжатларнинг, рақамли реквизитларнинг ва электрон муҳрларнинг ҳақиқийлигини;

8) суд-фонографик экспертизаси тизимга ёлғон ахборот киритиш ёки маълумотларни ўчириш бўйича берилган оғзаки буйруқлар ва телефон сўзлашувларидаги нутқ эгасини идентификация қилишни;

9) суд-портрет экспертизаси ахборот тизимларига рухсатсиз кириб, маълумотларни ўзгартирган шахсларнинг кузатув камералари тасвирларидаги киёфа белгиларини гумонланувчилар билан идентификация қилишни;

10) суд-электротехникавий экспертизаси техник қурилмаларнинг аппарат қисмига (масалан, хотира блоклари) электр ёки магнит таъсири кўрсатиш орқали ахборотга шикаст етказиш ёки уни ўчиришнинг техник имкониятларини;

11) суд-экологик экспертизаси атроф-муҳит мониторинги ахборот тизимларидаги маълумотларнинг модификация қилиниши натижасида юзага келган жиддий зиённи ва экологик хавфсизликка етказилган зарарли оқибатларни;

12) суд-хатшунослик экспертизаси ахборотни ўзгартиришга асос бўлган қоғоз шаклидаги ҳужжатлардаги, техник қайдлардаги ёки имзолардаги кўлёмаларнинг айнан қайси шахсга тегишли эканлигини, агар ўзгартирилган ахборот электрон ҳужжат шаклида чиқариб олиниб, юридик оқибат яратган бўлса масалан, сохта электрон шартнома, электрон ва қоғоз кўринишларни;

13) суд-сиёсатшунослик-лингвистик экспертизаси агар модификация давлат аҳамиятига молик ресурсларда масалан, расмий веб-сайтлар ёки давлат реестрларида амалга оширилган бўлса, бу ҳаракатнинг давлат ва жамоат манфаатларига етказган жиддий зиёнини (сиёсий беқарорлик, аҳоли орасида ваҳима ва ҳк.) аниқлайди.

1.25-§. Компьютер саботаж и ёхуд киберсаботаж жиноятининг юридик-техник тахлили

278⁵-модда. Ўзганинг компьютер ускунасини ёки хизматда фойдаланиладиган компьютер ускунасини қасдан ишдан чиқариш, худди шунингдек компьютер тизимини бузиш (компьютер саботаж) – уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача озодликни чеклаш ёхуд икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;
б) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса, – икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд икки йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Муҳофаза қилинадиган норма – Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан, ахборотни излаш, олиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқни чеклашга фақат қонунга мувофиқ ҳамда фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлиғини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш, шунингдек давлат сирлари ёки қонун билан кўриқланадиган бошқа сир ошкор этилишининг олдини олиш мақсадида зарур бўлган доирада йўл қўйилади. Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган органлар томонидангина амалга оширилади. Инсоннинг шаъни ва кадр-қиммати дахлсиздир. Ҳеч нарса уларни камситиш учун асос бўлиши мумкин эмас. Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки инсон кадр-қимматини камситувчи муомалага ёхуд жазога дучор этилиши мумкин эмас. Ҳеч ким расмий эълон қилинмаган қонун асосида ҳукм қилиниши, жазога тортилиши, мол-мулкидан ёки бирон-бир ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикасида барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиниши таъминланади. Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Ўзбекистон Республикасида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларига биноан ҳамда ушбу Конституцияга мувофиқ эътироф этилади ва қафолатланади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегишли бўлади. Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа инсонларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар. Инсоннинг шаъни ва кадр-қиммати дахлсиздир.

Инсоннинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. Ҳар бир инсон ўз шахсини эркин камол топтириш ҳуқуқига эга. Ҳеч кимга унинг розилигисиз қонунчиликда белгиланмаган мажбурият юклатилиши мумкин эмас. Инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, жамият ҳамда давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги шарт³⁸³.

Қонунчиликка кўра, фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари иштирокчиларининг ҳалол, оқилона ва адолат билан ҳаракат қилиши назарда тутилади. Фуқаролар ва юридик шахсларнинг бошқа шахсга зарар етказишга, бошқача шаклларда ҳуқуқни суиистеъмол қилишга, шунингдек ҳуқуқни унинг мақсадига зид тарзда амалга оширишга қаратилган ҳаракатларига йўл қўйилмайди³⁸⁴.

Вазифаси ва афзалликларидан қатъи назар, объектив шаклда ифодаланган, босиб чиқарилган ҳамда босиб чиқарилмаган, муаллиф (ҳаммуаллифлар) ижодий фаолиятининг натижаси бўлган, ЭҲМ учун яратилган ҳар қандай дастурлар ва маълумотлар базаларига нисбатан муаллифлик ҳуқуқи татбиқ этилади.

ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасига муаллифлик, шунингдек муаллифнинг (муаллифларнинг) ёки ўзга ҳуқуқ эгасининг шахсий ва мулкӣ ҳуқуқлари амалдаги қонунчиликка мувофиқ аниқланади. ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасининг муаллифи (муаллифлари) ёхуд ўзга ҳуқуқ эгаси ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасини модификациялашни, шу жумладан дастурни бир дастурлаш тилидан бошқа тилга ўтказишни амалга ошириш ва (ёки) амалга оширишга рухсат этиш борасида мутлақ ҳуқуққа ҳам эгадир.

ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасидан бошқа шахсларнинг (фойдаланувчиларнинг) фойдаланиши ҳуқуқ эгаси билан тузилган шартнома асосида амалга оширилади,

Ҳуқуқ эгаларининг мутлақ ҳуқуқларига тааллуқли қонунчилик талабларининг жисмоний ёки юридик шахс томонидан бажарилмаслиги муаллифлик ҳуқуқининг бузилиши ҳисобланади.

ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасини ўзганинг номи билан чиқариш ёхуд ундан ғайриқонуний равишда нусха олиш ёки бундай асарларни тарқатиш қонунчиликда белгиланган тартибда маъмурий ёхуд жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

Тайёрланиши ёки улардан фойдаланилиши муаллифлик ҳуқуқи бузилишига олиб келадиган ЭҲМ учун яратилган дастурлар ёки маълумотлар

³⁸³ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

³⁸⁴ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

базаларининг нусхалари қонунчиликда белгиланган тартибда олиб қўйилиши лозим³⁸⁵.

Илгари фойдаланишда бўлган мол-мулкни сотиш бозори ҳудудида:

тайёр армия анжомларини ва белгиланган намунадаги формали кийим-бошни, ҳарбий турдаги бошқа товарларни, муассасалар, ташкилотлар ва корхоналар штампни босилган чойшаблар, ички ишлар органларида қўлланиладиган махсус воситалар ва махсус аслаҳа-анжомларни сотиш;

сотилиши қонун ҳужжатларида тақиқланган бошқа товарлар ва буюмларни сотиш тақиқланади.

Сотувчилар бозорда қуйидагиларга мажбур:

бозорда савдо фаолиятини амалга оширишда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳужжатларга эга бўлиш;

бозор маъмурияти ва назорат қилувчи органларнинг қонуний талабларини бажариш;

қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа талабларга риоя этиш.

Савдо субъектлари қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳужжатларга эга бўлиши керак³⁸⁶.

Ахборот тизимларини ташкил қилувчи техника воситалари қонунчиликда белгиланган тартибда сертификатлаштирилиши керак.

Давлат органлари ахборот тизимларининг, тармоқ ва ҳудудий ахборот тизимларининг, юридик ҳамда жисмоний шахслар ахборот тизимларининг давлат сирлари ёки махфий ахборотни ўз ичига олган ахборотни ишловдан ўтказиш учун мўлжалланган техника воситалари, шунингдек мазкур тизимларни муҳофаза қилиш воситалари мажбурий сертификатлаштирилиши лозим.

Махфий ахборот Маълумотларни узатиш тармоғи бўйича тарқатилганда махфий ахборот билан ишлаш рухсатномасига эга бўлган ва ахборот айирбошланишнинг сертификатланган воситаларидан фойдаланувчи жисмоний ва юридик шахслар учун унинг муҳофаза қилиниши таъминланади.

Ахборот тизимлари, тармоқларини ахборот айирбошлаш воситалари таркибига улаш Ахборот фаолияти ва маълумотлар узатишни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича идоралараро мувофиқлаштириш комиссиясининг қарорига кўра берилган лицензиялар мавжуд бўлганда амалга оширилади.

Ахборот айирбошлаш воситалари таркибига ахборот ресурсларидан фойдаланишнинг алоҳида қоидалари белгиланган давлат ахборот тизимлари, тармоқларини улаш ахборот хавфсизлиги талабларига мувофиқ аттестациядан ўтказилгандан кейин Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг рухсати билан амалга оширилади.

³⁸⁵ Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий муҳофазаси тўғрисида” 1994 йил 6 майдаги 1060-ХП-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

³⁸⁶ Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 августдаги 253-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси бозорларида савдо фаолиятини ташкил этиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Давлат сиридан иборат бўлган ахборотни тайёрлаш ва тарқатишда фойдаланиладиган ахборот айирбошлаш воситасини, шунингдек, ахборотни муҳофаза қилиш воситасини мажбурий равишда сертификатлаш зарур.

Қуйидагилар:

давлат сири ёки махфий ахборот;

миллий мулк;

архив фонди;

Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги билан жўнатилиши (чиқарилиши) чекланиши мумкин бўлган ҳужжатлаштирилган ахборот тоифасига киритилган бошқа ахборотни Ўзбекистон Республикасидан жўнатиш (чиқариш) чекланади.

Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришга даъват қилувчи, уруш, зулм ва порнографияни тарғиб қилувчи, диний ва миллий низоларни кўзғовчи, инсон шаъни ва қадр-қимматини поймол қилувчи ахборотлар ҳамда амалдаги қонунчилик билан тарқатилиши тақиқланган бошқа ахборотларнинг олиб кирилиши ва тарқатилиши тақиқланади.

Ахборот айирбошлашни амалга оширишда қонунга хилоф равишдаги хатти-ҳаракатлар учун жисмоний ва юридик шахслар – Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентлари Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ жавоб берадилар.

Давлат ахборот ресурсларини ва ахборот ресурсларини давлат билан биргаликда шакллантиришга ихтисослашган ташкилотлар маълумотларни узатиш тармоқларини лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланиш бўйича фаолиятнинг бу турига рухсатнома олишлари шарт.

Давлат ахборот ресурсларини шакллантириш ва уларга хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган ахборот тизимлари, маълумотлар базалари ва банклари қонунчиликка мувофиқ сертификатланиши керак.

Фойдаланиш чекланган ахборот мавжуд бўлган давлат ахборот ресурсларини шакллантириш учун мўлжалланган ахборот тизимлари ахборот хавфсизлиги талабларига мувофиқ мажбурий аттестациядан ўтказилиши керак.

Давлат, жамоат органлари, фуқаролар, мулкчилик шакллари ва қайси идоравий бўйсунитидан қатъи назар, корхона, муассаса ва ташкилотлар давлат ахборот ресурсларини шакллантириш учун зарур бўлган тегишли шаклда ҳужжатлаштирилган ахборотни давлат ахборот ресурсларини шакллантириш ва ундан фойдаланиш учун масъул бўлган органларга ва (ёки) ташкилотларга тақдим этишлари шарт.

Интернет билан ишлаш учун Х.25, Frame Relay ва АТМ шунингдек, коммутация қилинган телефон тармоғидан коммутация қилинган каналлар PPP/SLIP (Point protocol IP protocol) бўйича маълумотларни узатиш каналларидан фойдаланган ҳолда фойдаланиш мумкин³⁸⁷.

Ахборотни бузиб талқин этиш ва сохталаштириш тақиқланади.

³⁸⁷ Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси ахборот ресурсларини тайёрлаш ва уларни маълумотларни узатиш тармоқларида, шу жумладан, интернетда тарқатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида” 1999 йил 26 мартдаги 137-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда мансабдор шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳар кимга ўзининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган ахборот билан танишиб чиқиш имкониятини таъминлаб беришга, мақбул ахборот ресурслари яратишга, фойдаланувчиларни фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятларига, уларнинг хавфсизлигига доир ҳамда жамият манфаатларига тааллуқли бошқа масалалар юзасидан ахборот билан оммавий тарзда таъминлашга мажбурдирлар.

Ҳар қандай ахборот, агар у билан қонунга хилоф равишда муомалада бўлиш ахборот мулкдори, эгаси, ахборотдан фойдаланувчи ва бошқа шахсга зарар етказиши мумкин бўлса, муҳофаза этилмоғи керак.

Ахборотни муҳофаза этиш:

шахс, жамият ва давлатнинг ахборот соҳасидаги хавфсизлигига таҳдидларнинг олдини олиш;

ахборотнинг махфийлигини таъминлаш, тарқалиши, ўғирланиши, йўқотилишининг олдини олиш;

ахборотнинг бузиб талқин этилиши ва сохталаштирилишининг олдини олиш мақсадида амалга оширилади.

Ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсати ахборот соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган бўлади ҳамда шахс, жамият ва давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг асосий вазифалари ҳамда фаолият йўналишларини, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларининг, фуқароларнинг ўрни ва аҳамиятини белгилайди.

Шахснинг ахборот борасидаги хавфсизлиги унинг ахборотдан эркин фойдаланиши зарур шароитлари ва кафолатларини яратиш, шахсий ҳаётига тааллуқли сирларини сақлаш, ахборот воситасида қонунга хилоф равишда руҳий таъсир кўрсатилишидан ҳимоя қилиш йўли билан таъминланади.

Жисмоний шахсларга тааллуқли шахсий маълумотлар махфий ахборот тоифасига киради.

Жисмоний шахснинг розилигисиз унинг шахсий ҳаётига тааллуқли ахборотни, худди шунингдек шахсий ҳаётига тааллуқли сирини, ёзишмалар, телефондаги сўзлашувлар, почта, телеграф ва бошқа мулоқот сирларини бузувчи ахборотни тўплашга, сақлашга, қайта ишлашга, тарқатишга ва ундан фойдаланишга йўл қўйилмайди, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Жисмоний шахслар тўғрисидаги ахборотдан уларга моддий зарар ва маънавий зиён етказиш, шунингдек уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари рўёбга чиқарилишига тўсқинлик қилиш мақсадида фойдаланиш тақиқланади.

Фуқаролар тўғрисида ахборот олувчи, бундай ахборотга эгалик қилувчи ҳамда ундан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахслар бу ахборотдан

фойдаланиш тартибини бузганлик учун қонунда назарда тутилган тарзда жавобгар бўладилар.

Оммавий ахборот воситалари ахборот манбаини ёки таҳаллусини қўйган муаллифни уларнинг розилигисиз ошкор этишга ҳақли эмас. Ахборот манбаи ёки муаллиф номи фақат суд қарори билан ошкор этилиши мумкин.

Жамиятнинг ахборот борасидаги хавфсизлигига қуйидаги йўллар билан эришилади:

демократик фуқаролик жамияти асослари ривожлантирилишини, оммавий ахборот эркинлигини таъминлаш;

қонунга ҳилоф равишда ижтимоий онгга ахборот воситасида руҳий таъсир кўрсатишга, уни чалғитишга йўл қўймаслик;

жамиятнинг маънавий, маданий ва тарихий бойликларини, мамлакатнинг илмий ва илмий-техникавий салоҳиятини асраш ҳамда ривожлантириш;

миллий ўзликни англашни издан чиқаришга, жамиятни тарихий ва миллий анъаналар ҳамда урф-одатлардан узоқлаштиришга, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштиришга, миллатлараро ва конфессиялараро тотувликни бузишга қаратилган ахборот экспансиясига қарши ҳаракат тизимини барпо этиш.

Давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлиги қуйидаги йўллар билан таъминланади:

ахборот соҳасидаги хавфсизликка таҳдидларга қарши ҳаракатлар юзасидан иқтисодий, сиёсий, ташкилий ва бошқа тусдаги чора-тадбирларни амалга ошириш;

давлат сирларини сақлаш ва давлат ахборот ресурсларини улардан рухсатсиз тарзда фойдаланилишидан муҳофаза қилиш;

Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ахборот маконига ва замонавий телекоммуникациялар тизимларига интеграциялашуви;

Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартиришга, ҳудудий яхлитлигини, суверенитетини бузишга, ҳокимиятни босиб олишга ёки қонуний равишда сайлаб қўйилган ёхуд тайинланган ҳокимият вакиллари ҳокимиятдан четлатишга ва давлат тузумига қарши бошқача тажовуз қилишга очикдан-очик даъват этишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишидан ҳимоя қилиш;

урушни ва зўравонликни, шафқатсизликни тарғиб қилишни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоват уйғотишга қаратилган терроризм ва диний экстремизм ғояларини ёйишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишига қарши ҳаракатлар қилиш.

Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар³⁸⁸.

³⁸⁸ Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида” 2002 йил 12 декабрдаги 439-П-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Ҳужжатлаштирилган ахборот ресурсининг муҳофазасини таъминлаш бўйича чоралар уни давлат архивига топшираётган ташкилот томонидан белгиланади.

Ахборот ресурсини давлат сақловига қабул қилишда хавфсизликни муҳофаза қилишни қуйидаги дастурий-техник воситалар ва ташкилий чоралар ёрдамида тегишли давлат архиви таъминлайди:

ахборот хавфсизлигига таҳдидларни аниқлаш ва бартараф этиш;

ахборот ресурсининг архив нусхасини топшириш, архивни шакллантириш, уни сақлаш ва ундан фойдаланишда маълумотларнинг тўлиқлигини таъминлаш;

рухсат берилмаган ахборот ресурсидан фойдаланиш, унга қўшимча ва ўзгартишлар киритишдан муҳофаза қилиш;

архив маълумотларнинг захира ва қайта тикланиши тизимини таъминлаш.

Умумий фойдаланишга мўлжалланган ахборот ресурслари (юридик ва жисмоний шахслар, норматив-ҳуқуқий актлар, табиий ресурслар, давлат органларининг веб-сайтлари ва бошқалар бўйича маълумотлар базалари) барча давлат органлари, юридик ва жисмоний шахсларга давлат архивлари томонидан уларга белгиланган ваколатлар доирасида тақдим этилади.

Махсус давлат ахборот ресурсларидан (давлат сири ва конфиденциал маълумотларга эга бўлган идоралар, ҳудудий бошқарув ва ҳокимият органлари, давлат юридик шахслари ва жисмоний шахслар) фойдаланиш учун рухсат бериш давлат архивлари томонидан уларни шакллантириш, қўлланилиши ва янгиланиб борилишига масъул бўлган органлар билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Ахборот ресурсларини давлат сақловига топширган ташкилотлар ундан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум бўлмайдилар.

Ахборот ресурсларини давлат сақловига қабул қилган давлат архивлари қуйидагилар учун жавобгардирлар:

маълумотлар билан ишлаш қоидаларини бузганлик, маълумот алмашинувини амалга оширишда ҳуқуқбузарлик ҳаракатларидан фойдаланганлик ва йўл қўйганлик;

жисмоний шахслар ҳақида шахсий маълумотларга эга бўлган ахборотларни тарқатганлик;

ахборот ресурсларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш;

ахборот ресурсларидаги маълумотларни ўғирлаш, йўқотиш, бузиш, блокировка қилиш ва сохталаштириш;

муаллифлик ҳуқуқлари ва интеллектуал мулк бўйича қонунчиликни бузганлик.

Давлат архивларига амалдаги қонунчиликка мувофиқ бошқа жавобгарлик ҳам юклатилиши мумкин³⁸⁹.

³⁸⁹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Ўзархив” агентлиги бош директорининг 2007 йил 17 июлдаги 18-сон буйруғи (рўйхат рақами 1703, 2007 йил 13 август) билан тасдиқланган Ахборот ресурсларининг архив нусхаларини яратиш ва уларни давлат сақловига топшириш бўйича йўриқнома // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Тизим иштирокчиларининг фонд бозорида АКТлари электрон ҳужжатларининг бут сақланишини, ўзгартирилишини, муҳофаза қилишини, қайта ишланишини, жўнатилиши ва қабул қилинишини, шу жумладан:

электрон ҳужжатларнинг, улар жўнатиш ва қабул қилинган сана ва вақтлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган реквизитларнинг такрорий нусхаси кўчирилиши ва архивда сақланишини;

Тизим иштирокчилари ўртасидаги қоғоз шаклидаги ҳужжат алмашилишини қисқартириш ҳамда инсон омилининг ахборотларни қайта ишлаш сифати ва тезкорлигига бўлган салбий таъсирини камайтириш мақсадида қоғоз ва электрон ҳужжатларнинг қўл ишини минималлаштиришни;

ахборотларни киритиш/чиқаришни такрорловчи операцияларни истисно этишни, катта ҳажмдаги ахборотларни қайта ишлаш ва ахборот тизимларининг интеграциялашуви мумкинлигини;

электрон ҳужжатларнинг махфийлигига, бутлигига ва уларга муаллифлик қилишга қўйилган талабларга риоя этилишини;

қонунчиликда ўрнатилган талабларга мувофиқ ЭРИнинг ҳаққонийлигини, шунингдек, қабул қилувчи томонидан электрон ҳужжатни қайта ишлаш пайтида жўнатувчининг ЭРИ калити сертификати амал қилаётганини текшириш мумкинлигини;

электрон ҳужжатларнинг транзит ўтказилишидан, у амалга ошириладиган транзит амалга ошириладиган тизимда иштирокчилар томонидан очилмаслиги ва кўрилмаслиги шарти билан (ёпиқ конверт фақат унинг эгаси томонидан очилиши мумкин) фойдаланишни таъминлаши лозим.

Тизим иштирокчилари томонидан электрон ҳужжатларни муҳофаза қилиш учун фойдаланилаётган фонд бозоридаги АКТлари қонунчиликда ўрнатилган тартибда сертификатланган бўлиши ва фойдаланиш ҳужжатларига мувофиқ ишлатилиши лозим.

Электрон ҳужжатларнинг чиқиб кетиши, ўғирланиши, йўқотилиши, бузилиши, уларга чекловларнинг ўрнатилиши ва қалбакилаштирилишининг ҳамда электрон ҳужжатларга рухсатсиз кириш ва улардан нусха кўчиришнинг олдини олишни ўз ичига олувчи Тизим иштирокчисининг ахборот хавфсизлиги Тизим иштирокчисининг дастурий-техник чора-тадбирлари билан таъминланади.

Ахборот хавфсизлиги шунингдек, бошқа мавжуд воситалар билан ҳам қонунчилик ва ушбу Низом талабларини инобатга олган ҳолда, Тизим иштирокчисининг ички қоидаларига мувофиқ таъминланиши мумкин.

Тизим иштирокчилари қонунчилик ва ушбу Низом талабларини инобатга олган ҳолда, белгиланган қоидаларнинг бузилишини ва унинг учун жавобгарликка тортилишни олдини олишни назарда тутувчи ахборот хавфсизлиги ва Тизимдан фойдаланишнинг ички қоидаларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди.

Дастурий-техник чора-тадбирлар қуйидагиларни таъминлайди:

Тизим иштирокчиси-ташкилот ходимларининг мазкур ташкилот ходимларининг лавозим йўриқномаларидан келиб чиққан ҳолда, дастурий ресурсларга чекланган киришини;

фонд бозорида АКТларидан фойдаланишда Тизим иштирокчиси бўлган ташкилотларнинг барча ҳаракатларини антивирус билан муҳофаза қилиш ва баённома юргизишни.

Тизим иштирокчилари криптографик муҳофаза қилишни қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширишади.

ЭРИдан фойдаланиш ваколатига эга бўлмаган ва ундан шахсий ёхуд учинчи шахс манфаатлари йўлида фойдаланган Тизим иштирокчиси ва иштирокчи ташкилот ходимлари қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

Тизим иштирокчиси унинг ўзи томонидан Тизимда исталган ҳаракатларни амалга оширишга ваколат берган шахснинг унинг номидан бажарган барча ҳаракатларига жавобгардир.

Тизим иштирокчилари қуйидагиларга мажбурдирлар:

тизимнинг узлуксиз фаолиятини таъминлаш;

ахборот хавфсизлиги ва Тизимдан фойдаланишнинг ички қоидаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш (фақат Тизим иштирокчиси юридик шахс бўлган ҳолда);

электрон ҳужжатларни тузишни ва жўнатишни қонунчилик ҳужжатлари ҳамда ушбу Низом талабларига мувофиқ равишда қатъий таъминлаш;

мустақил равишда ЭРИ сертификатини олиш, шунингдек, фонд бозорида АКТларининг ЭҲАдан фойдаланиладиган зарур иш ҳолатини қўллаб-қувватлаш;

электрон ҳужжатларда кўрсатилган буюртма ва/ёки топшириқларни фонд бозорининг технологик жараёнларига мувофиқ, қонунчилик талабларини инобатга олган ҳолда қабул қилиш/жўнатиш, топшириш/ижро этиш³⁹⁰.

Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлигининг Давлат ахборот тизимларини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш ягона интегратори Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасини ахборот билан тезкор таъминлаш учун интеграциялаштирилган ахборот тизимларини яратиш, ривожлантириш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек давлат органлари ахборот тизимлари билан уларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш юзасидан жавобгар ҳисобланади³⁹¹.

³⁹⁰ Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2008 йил 1 августдаги 2008-13-сон буйруғи (рўйхат рақами 1855, 2008 йил 9 сентябрь) билан тасдиқланган Фонд бозорида ахборот-коммуникация технологиялардан фойдаланишга ўрнатилган талаблар тўғрисидаги низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

³⁹¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2012 йил 21 мартдаги ПҚ-1730-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Фойдаланувчиларнинг ахборотни рухсатсиз фойдаланишдан ҳимоя қилишга доир белгиланган чораларни бузишга қаратилган хатти-ҳаракатларига йўл қўйилмайди.

Муайян жисмоний шахсга тааллуқли бўлган ёки уни идентификация қилиш имконини берадиган шахсга доир маълумотларни учинчи шахсларга тақдим этиш Ўзбекистон Республикасининг “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ амалга оширилади.

Ваколатли органларнинг ахборот тизимларини идентификациялашнинг ягона тизимига улаш интеграциялашувга қўйиладиган техник талабларга мувофиқ амалга оширилади.

Ҳужжатлар ва ахборот билан автоматлаштирилган тарзда айирбошлаш мақсадида ваколатли органлар ахборот тизимларининг интеграциялашuvi “Электрон ҳукумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали амалга оширилади.

“Электрон ҳукумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформасига уланадиган ваколатли органларнинг ахборот тизимлари ҳам ҳужжатлар ва ахборотни тақдим этиш учун мурожаат қилган маълумотларни етказиб берувчилар, ҳам ҳужжатлар ва ахборотни сўраган маълумотларнинг истеъмолчилари бўлиши мумкин.

Идоралараро электрон ҳамкорлик қилишда фойдаланувчиларнинг фойдаланишини ва ваколатларини таъминлаш устидан назорат қилиш идентификациялашнинг ягона тизими орқали амалга оширилади.

Идентификациялашнинг ягона тизимида фойдаланувчиларнинг шахсий маълумотларидан рухсатсиз фойдаланганлик учун ваколатли органлар – ахборот тизимларининг эгалари ва Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги жавоб беради³⁹².

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги шакллантирилган марказий маълумотлар базаларининг нусхаларини улардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлмаган шахсларга тақдим этиш ҳуқуқига эга эмас.

Ваколатли органлар томонидан марказий маълумотлар базаларига тақдим этиладиган маълумотлар тақдим этилаётган пайтда ишончли, тўлиқ ва долзарб бўлиши керак.

Ваколатли органлар марказий маълумотлар базаларига маълумотларни “Электрон ҳукумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали жисмоний ва юридик шахсларнинг ягона идентификаторларидан фойдаланиб тақдим этадилар.

Марказий маълумотлар базаларидан маълумотлар олиш жисмоний ва юридик шахсларнинг ягона идентификаторларидан фойдаланиш орқали амалга оширилади.

³⁹² Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 17 декабрдаги 365-сон қарори билан тасдиқланган “Электрон ҳукумат” тизими фойдаланувчиларини идентификациялашнинг ягона ахборот тизими тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Давлат хизматлари кўрсатиш жараёнидаги идоралараро электрон ҳамкорлик қилишда жисмоний ва юридик шахсларнинг бошқа идентификаторларидан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Марказий маълумотлар базаларидаги маълумотлардан фойдаланганда жисмоний ва юридик шахсларни идентификациялаш фақат “Электрон ҳукумат” тизими фойдаланувчиларини идентификациялашнинг ягона ахборот тизими орқали амалга оширилади.

Давлат хизматлари кўрсатишда ва идоралараро электрон ҳамкорлик қилишда марказий маълумотлар базаларидаги маълумотлардан фойдаланиш “Электрон ҳукумат” тизимининг идоралараро интеграциялашув платформаси ёрдамида амалга оширилади.

Давлат хизматлари кўрсатишда жисмоний ва юридик шахслардан марказий маълумотлар базалари ва тегишли ваколатли органларнинг ахборот ресурсларида мавжуд бўлган маълумотларни ҳамда бошқа идентификаторли қўшимча ҳужжатларни талаб қилиш тақиқланади.

Марказий маълумотлар базаларида мавжуд бўлмаган ахборотнинг сақланишини таъминловчи давлат ахборот ресурсларини яратишда тегишли равишда жисмоний ва юридик шахсларнинг ягона идентификаторларидан фойдаланилади³⁹³.

Ахборот-кутубхона ва архив муассасаларида электрон базаларнинг ахборот хавфсизлиги тегишлича Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги “Ўзархив” агентлиги ҳамда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг Ахборот хавфсизлиги сиёсати талабларига мувофиқ таъминланади³⁹⁴.

Ахборот воситачиси қуйидагиларга ҳақли эмас:

ўзининг ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда тузилган битимнинг тарафига айланиш, шунингдек ахборот воситачиси сифатида хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ бўлмаган ишлаб чиқариш, савдо, савдо-воситачилик ёки бошқа фаолиятни амалга ошириш;

электрон тижоратни амалга ошириш, битимлар тузишда нархларнинг шаклланиш жараёнларига аралашуш, контрагентларни танлашда ва битимлар тузишда электрон тижорат иштирокчиларининг эркинлигини чеклаш, шунингдек электрон тижорат иштирокчиларининг ҳуқуқларини бошқача тарзда чеклаш.

Ахборот воситачиси қуйидагиларга мажбур:

электрон тижорат соҳасидаги қонун ҳужжатларига, шу жумладан стандартлар, нормалар ва қоидаларга риоя этиш;

³⁹³ Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 17 декабрдаги 365-сон қарори билан тасдиқланган “Электрон ҳукумат” тизимининг жисмоний ва юридик шахслар марказий маълумотлар базаларини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

³⁹⁴ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Ўзархив” агентлиги бош директорининг 2016 йил 20 июндаги 45-сон буйруғи (рўйхат рақами 2807, 2016 йил 7 июль) Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан ахборот-кутубхона ва архив муассасаларига тақдим этилган ҳужжатлар билан ишлаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

ўзининг тўлиқ номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли, кўрсатиладиган хизматлар, уларни кўрсатиш шартлари ва қийматлари (тарифлари) ҳақидаги ахборотни электрон тижорат иштирокчиларига ошкор қилиш;

электрон ҳужжатларнинг ва электрон хабарларнинг мазмунини, улардан фойдаланиш тартибини ўзгартирмаслик, электрон тижорат иштирокчилари билан тузилган шартномаларда назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно;

электрон ҳужжатларни, электрон хабарларни ва шахсга оид маълумотларни рухсатсиз фойдаланишдан ҳимоя қилиш чоралари билан таъминлаш;

электрон ҳужжатларни ва электрон хабарларни учинчи шахсларга бермаслик, қонунда ёки шартномада назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно;

электрон ҳужжатларнинг ва электрон хабарларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ сақланишини таъминлаш;

ўз ахборот тизимини Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги серверларда жойлаштириш.

Агент сотувчига ёки харидорга хизматлар кўрсатиш натижасида ўзига маълум бўлган маълумотларнинг махфийлигига риоя қилишга мажбур.

Электрон тижоратни ташкил этишнинг шакллари битимлар тузишнинг рақобатли шакллари деб эътироф этилади, бунда ахборот воситачисининг ахборот тизими қуйидаги шарт-шароитларни таъминлайди:

электрон тижоратнинг иккитадан кам бўлмаган иштирокчилари томонидан офертани акцептлаш имконияти;

оферент учун шартномани бажаришнинг энг яхши шартларини таклиф қилган шахс билан шартнома тузиш.

Қайд этилган талабларга риоя қилинган тақдирда битим содир этилган деб эътироф қилинади.

Битимларни рақобатли шаклларда содир этишда офертани қабул қилган шахс томонидан, уни қабул қилиш учун белгиланган муддатда, унда кўрсатилган шартнома шартларини бажариш бўйича хатти-ҳаракатларни (товарларни юклаб жўнатиш, хизматлар кўрсатиш, ишларни бажариш, тегишли суммани тўлаш ва ҳоказоларни) содир этиш акцепт ҳисобланмайди.

Ахборот воситачиларининг ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган электрон тижоратда қуйидагиларга йўл қўйилмайди:

электрон тижорат иштирокчиларини камситиш, электрон тижоратнинг бир иштирокчисига бошқа иштирокчилар эркин фойдалана олмайдиган ва қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган имтиёзлар ёки преференцияларни бериш;

ахборот воситачиларининг мансабдор шахслари томонидан шахсий манфаатдорлик таъсирида қарорлар қабул қилиш ёхуд электрон тижорат иштирокчиларининг манфаатларига зарар етказадиган бошқа ноқонуний хатти-ҳаракатларни содир этиш;

электрон тижорат иштирокчиларига босим ўтказиш, электрон тижоратда иштирок этиш ҳақидаги ахборотни ошкор қилиш (қонун

хужжатларидан назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно), ноқонуний тарзда рақобатга йўл қўймаслик, уни чеклаш ёки четлатиш;

электрон тижорат иштирокчиларининг бозор конъюнктурасини ўзгартириш ёки нархларни бузиб кўрсатиш мақсадида тил бириктириши;

ишончли бўлмаган ёки бузиб кўрсатилган ахборотни бериш ёки тарқатиш, шунингдек ахборотдан эркин фойдаланишни асоссиз чеклаш;

электрон тижорат иштирокчилари томонидан келгусида шартномани имзолашдан ёки уни зарур даражада бажаришдан бош тортиш ниятида сунъий равишда пасайтирилган ёки оширилган нархларда талабномалар бериш;

ахборот воситачисининг ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда товар сотаётган ёки сотиш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатишни таклиф қилаётган, белгиланган тартибда якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказилмаган жисмоний шахс ҳисобланган битим тарафларидан бири томонидан битимларни амалга ошириш³⁹⁵.

Лойиҳаларни амалга ошириш натижасида ишлаб чиқилган ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларини «Рақамли ҳукумат»нинг ахборот тизимлари ва ресурслари ягона реестрида рўйхатдан ўтказиш ва амалиётга жорий этишга уларнинг техник топшириқ ва ахборот хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги юзасидан Рақамли технологиялар вазирлиги ҳамда “Киберхавфсизлик маркази” ДУКнинг ижобий хулосалари олинганидан сўнг рухсат берилади;

Ижобий хулосага эга бўлмаган ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларини фойдаланишга қабул қилиш, ишга тушириш ҳамда “Рақамли ҳукумат” доирасидаги тизимлар ва сервислар билан интеграция қилишга йўл қўйилмайди³⁹⁶.

Электрон ҳукумат доирасида маълумот тақдим этувчи ва фойдаланувчиларнинг электрон ҳамкорлиги ҳамда ахборот алмашинуви уларнинг ахборот тизимлари ва ресурсларини Идоралараро интеграциялашув платформасига улаш орқали амалга оширилади.

Бунда электрон ҳамкорлик ва ахборот алмашинуви фақат Электрон ҳукуматнинг идоралараро маълумотлар узатиш тармоғи орқали ташкил этилади.

Фойдаланувчи ва оператор ўртасидаги ахборот алмашинуви тегишли сўров юбориш йўли билан Идоралараро интеграциялашув платформаси ёрдамида амалга оширилади.

Бунда Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали электрон ҳамкорлик ҳамда ахборот алмашинуви доирасида йўлланган барча сўровлар бўйича статистика маълумотлари маълумот тақдим этувчи ва фойдаланувчининг шахсий кабинетига юритилади.

³⁹⁵ Вазирлар Маҳкамасининг “Электрон тижорат платформалар ва рақамли экотизим операторларининг ахборот воситачиларининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2016 йил 2 августдаги 249-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

³⁹⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Электрон ҳукумат” тизими доирасида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш сифатини яхшилаш чоратадбирлари тўғрисида” 2019 йил 21 майдаги ПҚ-4328-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Идоралараро интеграциялашув платформасига уланган ахборот тизимлари ва ресурсларида мавжуд бўлган шахсга доир маълумотлар алмашинуви Ўзбекистон Республикасининг “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги Қонуни ва ушбу соҳадаги бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали маълумотлар фойдаланувчининг ваколати доирасидаги вазифаларни бажариш учун қайта ишлаш мақсадида тақдим этилади.

Электрон давлат хизматларини кўрсатиш ва идоралараро электрон ҳамкорликни ташкил этиш доирасида ахборот алмашинуви Идоралараро интеграциялашув платформасига уланиш орқали амалга оширилади.

Идоралараро интеграциялашув платформасига уланиш учун “Электрон ҳукуматнинг ахборот тизимлари ва ресурслари ягона реестри” ахборот тизими (кейинги ўринларда – Ягона реестр тизими) орқали электрон шаклда мурожаат этилади.

Бунда Ягона реестр тизимида авторизациядан ўтиш учун “Электрон ҳукумат” тизими фойдаланувчиларини идентификациялашнинг ягона ахборот тизимида рўйхатдан ўтиш талаб этилади.

Оператор:

Идоралараро интеграциялашув платформасига уланиш тартиби ва шартларига риоя қилишга;

фойдаланувчига Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали маълумотлар юборилгунига қадар уларнинг конфиденциаллигини таъминлашга;

Идоралараро интеграциялашув платформасида маълумот тақдим этувчи ва фойдаланувчининг шахсий кабинетларига улашга;

Ягона реестр тизимида Идоралараро интеграциялашув платформасига уланиш бўйича ариза ва технологик йўриқномани кўриб чиқишга ва келишишга;

Идоралараро интеграциялашув платформасидаги маълумот тақдим этувчи ва фойдаланувчининг шахсий кабинетлари орқали электрон ахборот ҳамкорлиги доирасидаги статистика маълумотлари билан танишиш имкониятини яратишга;

Идоралараро интеграциялашув платформасининг узлуксиз ишлаши бўйича тегишли чоралар кўришга;

қонунчилик ҳужжатлари ва мазкур Низом талабларини бажаришга;

Идоралараро интеграциялашув платформасида жойлаштирилган барча веб-сервислар бўйича режали ва режадан ташқари узилишлар ва/ёки тўхтатишлар вужудга келиши ёки улар бартараф этилиши юзасидан маълумот тақдим этувчи ва фойдаланувчиларни мавжуд қайта алоқа каналлари орқали реал вақт режимида хабардор қилишга;

мазкур Низомда ёки бошқа қонунчилик ҳужжатларида белгиланган қоидалар бузилган тақдирда, маълумот тақдим этувчи ёки фойдаланувчининг Идоралараро интеграциялашув платформасига уланишини вақтинча тўхтатиш

ёки бекор қилиш ва бу ҳақида уларни асосларни кўрсатган ҳолда расмий хабардор қилишга мажбур.

Бунда оператор Идоралараро интеграциялашув платформасига уланишни вақтинча тўхтатиш ёки бекор қилишдан олдин бу тўғрисида маълумот тақдим этувчи ёки фойдаланувчини мавжуд қайта алоқа каналлари орқали реал вақт режимида хабардор қилади.

Маълумот тақдим этувчи Идоралараро интеграциялашув платформасига уланиш шартларига риоя қилишга, Идоралараро интеграциялашув платформасига уланиш бўйича Ягона реестр тизимида ариза ва технологик йўриқномаларни ишлаб чиқишга ва келишишга, Идоралараро интеграциялашув платформасининг push-хабарномалар сервисига уланиш бўйича фойдаланувчининг аризасини белгиланган тартибда келишишга, Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали юборилган сўровларга мувофиқ маълумотларни технологик йўриқномада белгиланган тартибда тақдим этишга, ўзига тегишли бўлган ахборот тизимлари ва ресурслари ҳамда маълумотлар базаларининг барқарор ишлаши, улардаги маълумотларнинг Идоралараро интеграциялашув платформасига узлуксиз равишда тақдим этилиши бўйича тегишли чоралар кўришга, ўзига тегишли маълумотларнинг ишончилиги ва тўлиқлиги ҳамда долзарблигини таъминлашга, долзарб бўлмаган маълумотлар бўйича шикоятларни қабул қилиш механизмини ишлаб чиқишга, жорий қилишга ҳамда келиб тушган шикоятлар натижаси бўйича маълумотларни ўз вақтида янгилаб боришга, Идоралараро интеграциялашув платформасида жойлаштирилган ўзининг барча веб-сервислари бўйича режали ва режадан ташқари узилишлар ва/ёки тўхталишлар вужудга келиши ёки улар бартараф этилиши юзасидан операторни мавжуд қайта алоқа каналлари орқали реал вақт режимида хабардор қилишга, ўзига тегишли веб-сервисга ўзгартириш ва/ёки қўшимчалар киритиладиган тақдирда, режалаштирилган ишлар амалга оширилгунига қадар бу ҳақида уч кун олдин операторга хабар беришга, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида техник ишлар ўтказилиши натижасида Идоралараро интеграциялашув платформасига тақдим этилаётган веб-сервисларда кузатилиши мумкин бўлган узилишлар юзасидан техник ишлар ўтказилишидан камида уч иш кун олдин операторни ёзма равишда хабардор қилишга, ахборот тизимлари ва ресурслари жойлашган серверлар ёки объектларда режалаштирилган фавқулодда юз берган узилишлар бундан мустасно, Идоралараро интеграциялашув платформасида жойлаштирилган ўз веб-сервисларига фойдаланувчиларни тўғридан-тўғри улашни чеклашга мажбур.

Фойдаланувчи:

Идоралараро интеграциялашув платформасига уланиш тартиби ва шартларига риоя қилишга;

Идоралараро интеграциялашув платформасига уланиш бўйича Ягона реестр тизимида ариза ва технологик йўриқномаларни ишлаб чиқишга ва келишишга;

Идоралараро интеграциялашув платформасининг push-хабарномалар сервисига уланиш бўйича ўз аризасини белгиланган тартибда маълумот тақдим этувчи билан келишишга;

Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали олинаётган маълумотларнинг конфиденциаллигини таъминлашга;

Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали олинган маълумотларни учинчи томонга тақдим этмасликка;

Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали олинган маълумотлардан маълумот тақдим этувчи ва оператор билан келишилмаган бошқа мақсадларда фойдаланмасликка;

Идоралараро интеграциялашув платформасига уланган ўзининг ахборот тизимларининг узлуксиз ишлаши бўйича тегишли чоралар кўришга;

“Электрон ҳукумат” тизими орқали олинадиган маълумотларни олиш, қўллаш ва сақлаш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя қилишга мажбур.

Фойдаланувчиларнинг ахборот тизимларини Рақамли маълумотлар платформасига улаш фақат ҳимояланган VPN тармоғи орқали ташкил этилади.

Бунда солиқ ва кадастр органларининг ахборот тизимлари Рақамли маълумотлар платформасига Вазирлар Маҳкамасининг “Учинчи шахсларга солиқ тўловчилар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш чора-тадбирлари ҳақида” 2021 йил 19 августдаги 529-сон қарорига мувофиқ давлат-хусусий шериклик шартномасининг амал қилиш муддатига қадар хусусий шерикнинг ахборот тизимлари орқали уланади.

Оператор:

Рақамли маълумотлар платформасига уланиш тартиби ва шартларига риоя қилишга;

фойдаланувчига Рақамли маълумотлар платформаси орқали маълумотлар юборилгунига қадар уларнинг конфиденциаллигини таъминлашга;

Рақамли маълумотлар платформасида маълумот тақдим этувчи ва фойдаланувчини шахсий кабинетларига улашга;

Ягона реестр тизимида Рақамли маълумотлар платформасига уланиш бўйича ариза ва технологик йўриқномани кўриб чиқишга ва келишишга;

Рақамли маълумотлар платформасида жойлаштирилган барча веб-сервислар бўйича режали ва режадан ташқари узилишлар ва/ёки тўхталишлар вужудга келиши ёки улар бартараф этилиши юзасидан фойдаланувчиларни мавжуд бўлган қайта алоқа каналлари орқали хабардор қилишга;

Маълумот тақдим этувчи ва фойдаланувчининг Рақамли маълумотлар платформасидаги шахсий кабинетлари орқали электрон ахборот ҳамкорлиги доирасидаги статистика маълумотлари билан танишиш имконини яратишга;

Рақамли маълумотлар платформасининг узлуксиз ишлаши бўйича тегишли чоралар кўришга;

қонунчилик ҳужжатлари ва мазкур Низом талабларини бажаришга;

мазкур Низомда ёки бошқа қонунчилик ҳужжатларида белгиланган қоидалар бузилган тақдирда, маълумот тақдим этувчи ёки фойдаланувчининг

Рақамли маълумотлар платформасига уланишини вақтинча тўхтатиш ёки бекор қилиш ва бу ҳақида уларни асосларни кўрсатган ҳолда расмий хабардор қилишга мажбур.

Маълумот тақдим этувчи Идоралараро интеграциялашув платформасига уланиш шартларига риоя қилишга, Идоралараро интеграциялашув платформасига уланиш бўйича Ягона реестр тизимида ариза ва технологик йўриқномаларни ишлаб чиқишга ва келишишга, Идоралараро интеграциялашув платформасининг push-хабарномалар сервисига уланиш бўйича фойдаланувчининг аризасини белгиланган тартибда келишишга, Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали юборилган сўровларга мувофиқ маълумотларни технологик йўриқномада белгиланган тартибда тақдим этишга, ўзига тегишли бўлган ахборот тизимлари ва ресурслари ҳамда маълумотлар базаларининг барқарор ишлаши, улардаги маълумотларнинг Идоралараро интеграциялашув платформасига узлуксиз равишда тақдим этилиши бўйича тегишли чоралар кўришга, ўзига тегишли маълумотларнинг ишончилиги ва тўлиқлиги ҳамда долзарблигини таъминлашга, долзарб бўлмаган маълумотлар бўйича шикоятларни қабул қилиш механизмини ишлаб чиқишга, жорий қилишга ҳамда келиб тушган шикоятлар натижаси бўйича маълумотларни ўз вақтида янгилаб боришга, Идоралараро интеграциялашув платформасида жойлаштирилган ўзининг барча веб-сервислари бўйича режали ва режадан ташқари узилишлар ва/ёки тўхталишлар вужудга келиши ёки улар бартараф этилиши юзасидан операторни мавжуд қайта алоқа каналлари орқали реал вақт режимида хабардор қилишга, ўзига тегишли веб-сервисга ўзгартириш ва/ёки қўшимчалар киритиладиган тақдирда, режалаштирилган ишлар амалга оширилгунига қадар бу ҳақида уч кун олдин операторга хабар беришга, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида техник ишлар ўтказилиши натижасида Идоралараро интеграциялашув платформасига тақдим этилаётган веб-сервисларда кузатилиши мумкин бўлган узилишлар юзасидан техник ишлар ўтказилишидан камида уч иш кун олдин операторни ёзма равишда хабардор қилишга, ахборот тизимлари ва ресурслари жойлашган серверлар ёки объектларда режалаштирилган фавқулодда юз берган узилишлар бундан мустасно, Идоралараро интеграциялашув платформасида жойлаштирилган ўз веб-сервисларига фойдаланувчиларни тўғридан-тўғри улашни чеклашга мажбур.

Фойдаланувчи Рақамли маълумотлар платформасига уланиш тартиби ва шартларига риоя қилишга, Рақамли маълумотлар платформасига уланиш бўйича Ягона реестр тизимида ариза ва технологик йўриқномаларни ишлаб чиқишга ва келишишга, Рақамли маълумотлар платформасининг push-хабарномалар сервисига уланиш бўйича аризасини белгиланган тартибда маълумот тақдим этувчи билан келишишга, Рақамли маълумотлар платформаси орқали олинаётган маълумотларнинг конфиденциаллигини таъминлашга, Рақамли маълумотлар платформаси орқали олинган маълумотларни учинчи томонга тақдим этмасликка, Рақамли маълумотлар платформаси орқали олинган маълумотлардан маълумот тақдим этувчи ва оператор билан келишилмаган бошқа мақсадларда фойдаланмасликка,

Рақамли маълумотлар платформасига уланган ўзининг ахборот тизимларининг узлуксиз ишлаши бўйича тегишли чоралар кўришга, “Электрон ҳукумат” тизими орқали олинадиган маълумотларни олиш, қўллаш ва сақлаш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя қилишга мажбур.

Талабгорнинг ахборот тизимлари ва сервисларини Ягона биллинг тизимига интеграция қилиш талабгор ахборот тизимларининг ахборот хавфсизлигини таъминланган ҳолда амалга оширилади.

Ягона биллинг тизимига “Электрон ҳукумат” тизими фойдаланувчиларини идентификациялаш ягона ахборот тизимида (кейинги ўринларда – Идентификациялашнинг ягона тизими) рўйхатдан ўтиш орқали қилинади.

Оператор ўз фаолиятини қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириш, Ягона биллинг тизимининг доимий ва узлуксиз ишлашини таъминлаш, Ягона биллинг тизимига киритилиши режалаштирилган ўзгартиришлар ҳақида вазирликлар ва идораларга аниқ муддати кўрсатилган ҳолда камида бир ой олдин ёзма хабарнома юбориш, Ягона биллинг тизимида юзага келган носозлик ва хатоликларни бартараф этиш бўйича мурожаатлар қабул қилинишини ташкил этиш ва тезкорлик билан кўриб чиқиш ҳамда бартараф этиш, Ягона биллинг тизимидаги давлат органларига тааллуқли ахборотнинг бутлигини таъминлаш мажбуриятларини ўз зиммасига олади³⁹⁷.

МАИ субъектлари МАИ объектларининг киберхавфсизлигини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига риоя қилиши, киберхавфсизлик ҳодисалари тўғрисида ваколатли давлат органи ва ишчи органни белгиланган тартибда дарҳол хабардор қилиши, киберҳужумларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш, киберхавфсизлик ҳодисаларининг келиб чиқиш сабаблари ва шароитларини аниқлашда ваколатли давлат органи ҳамда ишчи органга кўмаклашиши, МАИ объектларининг киберхавфсизлигини таъминлаш жараёнига давлат органлари томонидан ноқонуний аралашуш ҳолатлари ҳақида ваколатли органни хабардор қилиши, ваколатли давлат органи билан келишилган ҳолда киберҳужумларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш, киберхавфсизлик ҳодисаларига жавоб бериш учун мўлжалланган воситаларни ўз ҳисобидан ўрнатиши ва сақлаши, МАИ объектларига киберҳужумларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш учун ўрнатилган воситаларнинг белгиланган талабларга мувофиқ тўлақонли ишлашини таъминлаши, ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланган тартибда киберхавфсизлик ҳодисаларига жавоб бериш, МАИ объектларига қарши амалга оширилган киберҳужумларнинг оқибатларини бартараф этиш чораларини кўриши ва киберхавфсизлик ҳодисаларини текширишда иштирок этиши, ваколатли давлат органи ва ишчи орган билан келишилган ҳолда, МАИ объектларига уюштирилиши мумкин бўлган кибертахдидларнинг олдини олиши ва киберҳужумлар содир бўлганда МАИ

³⁹⁷ Вазирлар Маҳкамасининг “Идоралараро электрон ҳамкорлик тизими ва маълумотларнинг ахборот алмашинувини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 20 сентябрдаги 516-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

объектларининг барқарор ишлашини тиклаш режаларини ишлаб чиқиши, ваколатли давлат органи ва ишчи орган томонидан ташкил этиладиган режали машғулотларда иштирок этиши шарт.

МАИ объектларига киберхавфсизликни таъминлашнинг қуйидаги талаблари қўйилади:

МАИ объектининг киберхавфсизлигини самарали таъминлаш тизимининг йўлга қўйилганлиги;

ахборот тизимида маълумотлардан рухсатсиз фойдаланиш, уларни йўқ қилиш, ўзгартириш, блоклаш (чеклаш), нусха олиш, тақдим этиш ва тарқатиш ҳамда МАИ объектлари фаолиятининг бузилиши ва/ёки тўхташига олиб келувчи бошқа ҳаракатларни амалга оширишнинг олди олинганлиги;

киберхавфсизликни таъминлаш тизими параметрларининг техник регламентлар талабларига мувофиқлиги, киберхавфсизлик ва МАИ объектининг узлуксиз фаолият юритишини таъминловчи чора-тадбирлар жорий этилганлиги;

киберхавфсизлик ҳодисаси рўй берганда киберҳимояни таъминлаш тизимини тезкор тиклаш имконияти мавжудлиги;

киберхужумларни мониторинг, аудит ва таҳлил қилиш, аниқлаш, чора кўриш ҳамда уларнинг оқибатларини бартараф этиш тизимининг самарали йўлга қўйилганлиги;

киберхавфсизлик ва МАИ объектининг киберхавфсизлиги ва унинг эксплуатациясига доир ҳужжатларнинг мавжудлиги.

МАИ объекти раҳбари мазкур объектда киберхавфсизликни таъминлашга масъул шахс ҳисобланади. МАИ объекти раҳбари томонидан белгиланган тартибда объектда киберхавфсизликни таъминловчи ҳимоя тизимининг ишлашини таъминлашга масъул мутахассислар ёки таркибий бўлинма тайинланади.

МАИ объекти раҳбари объектининг ахборот хавфсизлиги сиёсати, киберхавфсизлик соҳасидаги низомлар, кўрсатмалар, талаблар, ҳимоя воситаларидан фойдаланиш, киберхавфсизликни таъминловчи ҳимоя тизимининг ишлашини ташкил этиш ва назорат қилиш тартибини тасдиқлайди ҳамда уларни доимий равишда такомиллаштириш чораларини кўради.

МАИ объектларининг киберхавфсизлигини таъминловчи барча аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий таъминотлар тегишли мувофиқлик сертификатлари ҳамда киберхавфсизлик тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ бўлиши керак.

МАИ объектларининг киберхавфсизлигини таъминлаш бўйича белгиланган талаблар билан бирга қўшимча равишда қуйидагилар:

МАИ объектларининг киберхавфсизлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни режалаштириш, ишлаб чиқиш, такомиллаштириш ва жорий қилиш;

МАИ объектларининг киберхавфсизлигини таъминлаш учун ташкилий, ҳуқуқий ва техник чораларни кўриш;

МАИ объектларининг киберхавфсизлигини таъминлашда қўлланиладиган аппарат, дастурий-аппарат ва дастурий воситаларнинг кўрсаткич ва хусусиятларини белгилаш назарда тутилади.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, бирлашмалар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ваколатли давлат органи ва унинг ишчи органи билан келишган ҳолда ахборот хавфсизлиги сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишда МАИ объектларининг иш фаолияти хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда уларнинг киберхавфсизлигини таъминлаш воситаларига қўшимча талабларни белгилаши мумкин.

Киберхавфсизликни таъминловчи ҳимоя тизими қуйидагиларни таъминлаши зарур:

МАИ объекти томонидан қайта ишланадиган маълумотлардан рухсатсиз фойдаланиш, уларни йўқ қилиш, ўзгартириш, блоклаш (чеклаш), нусхалаш, тақдим этиш, тарқатиш ва шу каби бошқа хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш;

МАИ объектининг иш фаолияти бузилиши ва/ёки тўхтаб қолишига олиб келиши мумкин бўлган аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий воситаларга ахборот таъсирининг олдини олиш;

ўз ичига давлат сирини олмаган, қонунчилик билан ҳимояланган (кейинги ўринларда – конфиденциал) ва махфий маълумотларга киберхавфсизлик таҳдиди шароитида МАИ объектининг тўлиқ ишлашини таъминлаш;

МАИ объекти фаолиятини тиклаш имкониятини таъминлаш.

Автоматлаштирилган ва ахборот тизимларида барча қайта ишланаётган маълумотлар, аппарат, аппарат-дастурий ҳамда дастурий воситалар, шу жумладан компьютерни сақлаш воситалари, иш станциялари, серверлар, телекоммуникация ускуналари, алоқа линиялари, график, видео ва нутқ маълумотларини қайта ишлаш воситалари, аппарат-дастурий воситаларнинг дастурий таъминоти, ахборот тизимларининг архитектураси ва конфигурацияси ҳимоя қилинади. Телекоммуникация тармоқларида алоқа линиялари орқали узатиладиган маълумотлар, телекоммуникация ускуналари, шу жумладан дастурий таъминот, бошқарув тизими, ўрнатилган ҳимоя воситалари, телекоммуникация тармоғи архитектураси ва конфигурациясининг яхлитлиги ҳимоя қилинади. Автоматлаштирилган бошқарув тизимларида бошқариладиган, кузатиладиган объект ёки жараённинг параметрлари ёхуд ҳолати тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан кириш-чиқиш маълумотлари, бошқарув маълумотлари, назорат ва ўлчов маълумотлари ҳамда бошқа муҳим маълумотлар, дастурий таъминот ва аппарат воситалари, шу жумладан иш станциялари, саноат серверлари, телекоммуникация ускуналари, алоқа линиялари, дастурланадиган мантикий текширгичлар, ишлаб чиқариш, технологик ускуналар, аппарат-дастурий воситаларнинг дастурий таъминоти, ўрнатилган ҳимоя воситалари, автоматлаштирилган бошқарув тизимининг архитектураси ва конфигурацияси ҳимоя қилинади.

Хавфсизлик чораларини амалга оширишда аппарат, тизим, дастур ва тармоқ даражаларида, шу жумладан виртуаллашган муҳитда киришнинг барча

объектлари ва субъектларига нисбатан киберхавфсизлик таҳдидларининг ҳисобга олинганлиги мажбурий мезонлардан бири ҳисобланади.

МАИ объектларидаги конфиденциал ва махфий маълумотларни қайта ишлайдиган қурилмаларда, киберхавфсизлик таҳдидларига қараб, қуйидаги чоралар амалга оширилиши зарур:

кичик тизим ёки бошқа тизимларнинг элементларига кириш ҳуқуқи олинишининг ҳар бир босқичида идентификация ва аутентификация қилиш;
файллар, тизимлар ва қурилмаларга кириш ҳуқуқини бошқариш;
ахборот инфратузилмасини бошқариш ваколатига эга бўлмаган фойдаланувчи учун дастурий муҳитни чеклаш;

конфиденциал ва махфий маълумотларни ташувчи воситаларни ҳимоя қилиш;

тизимлар, дастурлар, шу жумладан дастурий ва дастурий-аппарат ресурсларининг киберхавфсизлик аудитини ўтказиш;

МАИ объекти ахборот активларини бузғунчи дастурий таъминотларга қарши ҳимоя қилиш;

киберхужумларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш;
қурилмалар орқали узатиладиган барча маълумотларни қўллаш мақсадларидан қатъи назар уларнинг яхлитлигини таъминлаш;

фойдаланувчиларнинг МАИ объекти фаолиятидаги ўрнига қараб тизим фойдаланувчилари учун маълумотларга рухсат бериш ва ҳимоясини таъминлаш;

ахборот техник ҳимоя воситаларининг хавфсизлигини таъминлаш;
конфигурацияни бошқариш;

дастурий таъминот янгиланишларини ўз вақтида бошқариш;

киберхавфсизлик ҳодисаларига ўз вақтида чора кўриш;

фавқулодда вазиятларда зарур ҳаракатларни бажариш;

яхлитлиги, конфиденциаллиги ёки махфийлиги ҳамда мавжудлиги МАИ объектининг фаолияти ва хавфсизлиги билан боғлиқ бўлган муҳим маълумотларнинг захира нусхасини сақлаш;

киберхавфсизликни таъминлаш ҳолатини, рухсатсиз кириш ва ахборотни ўзгартиришга уринишларни доимий назорат ҳамда таҳлил қилиш;

маълумотларни тезкор тиклаш механизмларини амалга ошириш;

объектни унинг киберхавфсизлик талабларига жавоб бериши юзасидан аттестациядан ўтказиш.

Ушбу талабларнинг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар³⁹⁸.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар тўловлар тўғрисидаги ахборотни шакллантириш, узатиш, сақлаш ва унга ишлов беришнинг барча босқичларида тўловлар тўғрисидаги ахборотни узлуксиз ҳимоя қилиш учун қуйидаги чораларни кўришлари лозим:

³⁹⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг муҳим ахборот инфратузилмаси объектлари киберхавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2023 йил 31 майдаги ПҚ-167-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

идентификация, аутентификация ва авторизация қилиш тизимини жорий этиш;

тизимга рухсатсиз киришнинг олдини олиш усуллари (логин, парол, биометрик идентификация, икки факторли аутентификация (2FA) ва бошқа) қўллаш;

тўлов ҳужжати ва идентификация маълумотларини қалбакилаштириш, уларни рухсатсиз ўзгартириш ҳамда учинчи шахсларга тақдим этишдан ҳимоялаш;

тўлов ахборотлари шакллантирилишини, тўлов ҳужжатининг ҳаққонийлиги текширилишини ва уларга ишлов берилишини ҳамда асосли ўзгартиришлар киритилишини таъминлаш ва назорат қилиш;

тўлов ҳужжатларини узатишда ушбу ҳужжатнинг асл эгасига етказилишини ҳамда бошқа шахсларга жўнатилишининг олди олинишини таъминлаш;

амалга оширилган тўловга оид маълумотларни сақлашда уларни рухсатсиз кўчириш, ўзгартириш, ўчириш ҳамда учинчи шахсларга жўнатилишининг олдини олиш чораларини кўриш;

ташқи сақловчига кўчирилган тўловга оид маълумотларнинг сейфда (темир шкафта) сақланишини таъминлаш ҳамда маълумотларни сақлаш учун масъул ходим (ходимлар) тайинлаш;

ахборот тизимларидаги дастурий таъминотларнинг назоратини ва ҳисобини юритиш ҳамда ахборот тизимларидаги дастурий таъминот талқинларининг, аппарат-дастурий курилмаларининг ва дастурий воситаларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш;

ахборот тизимларининг актуал ҳолатда (охирги версия) бўлишини таъминлаш, бунда дастурий таъминотнинг янги талқинини текширувдан ўтказгандан сўнг ахборот тизимига жорий этиш;

тўлов ахборотларига ишлов бериш, уларни узатиш ҳамда сақлаш жараёнларини электрон баённомаларда автоматик тарзда шакллантириб бориш ҳамда уларнинг сақланишини таъминлаш;

ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш хизмати ҳамда банк ва тўлов тизимларида шубҳали фрод операцияларга қарши чоралар кўриш хизматларини ташкил этиш, шунингдек ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш ҳамда банк карталари билан боғлиқ шубҳали (фрод) операцияларга қарши чоралар кўриш бўйича амалга ошириладиган ишларни назорат қилиш;

ҳисоблаш тармоғининг хавфсизлиги ва криптографик муҳофазасини таъминлаш, компьютер вирусларидан ҳимоялаш, ахборот тизимларига киришни бошқариш, техник воситаларини созлаш ва бошқа чораларни қўллаш;

ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш ҳамда банк карталари билан боғлиқ шубҳали (фрод) операцияларга қарши чоралар кўриш ускуналари, курилмалар, аппарат-дастурий ва дастурий техник воситалари қўлланишини таъминлаш ҳамда уларни мунтазам такомиллаштириб бориш, фойдаланиш тартибларини белгилаш, уларга техник хизмат кўрсатиш,

таъмирлаш ва бошқа ҳолатларда улардан кўзда тутилмаган тарзда рухсатсиз фойдаланишнинг олдини олиш;

қўлланилаётган техник воситаларга барча телекоммуникация тармоқларидан рухсатсиз кириш, улардаги маълумотларни ўзгартириш, ўчириш, қўчириб олишдан ҳимоялаш;

ахборотларни чиқиб кетиши (йўқолишини) олдини олиш;

ахборот тизимига рухсатсиз кириш ёки киберхавфсизлик ҳодисалари содир этилганда, уларни таҳлил қилиш асосида ҳимоя тизимларини мустақкамлаб бориш чораларини кўриш.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар дастурларга ва операцион тизимга зарар келтирувчи зарарли кодлар (компьютер вируслари) ва уларнинг салбий таъсирининг олдини олиш учун қуйидаги чораларни кўриши керак:

ҳисоблаш техникаси қурилмалари (серверлар, компьютерлар ва бошқалар), банкомат, эмбоссер ва тўлов терминалларининг (техник имкониятидан келиб чиқиб) иш фаолиятига зарар етказувчи кодларни (компьютер вирусларини) аниқлаш ва уларнинг салбий таъсирининг олдини олиш чораларини кўриш;

ахборот тизимларида фақат лицензияланган антивирус дастуридан фойдаланиш, уларнинг русумлари ва базалари актуаллиги ҳамда янгиланиб борилишини таъминлаш;

антивирус дастурларининг автоматик тарзда ишлашини таъминлаш;

интернет ва корпоратив тармоқлар орқали келган барча ахборотларни антивирус дастури орқали текшириш.

Тўлов тизимларида ахборотни муҳофаза қилишнинг криптографик усуллари қўлланилиши ва тўлов тизими қоидаларида қуйидагилар белгилаб берилиши лозим:

криптографик муҳофаза воситаларини автоматлаштирилган тизимларга боғлаш, ишга тушириш, ишлатиш ва фойдаланишдан чиқариш тартиби;

криптографик муҳофаза воситаларининг тўхтаб қолиши, ишдан чиқиши ва бошқа ғавқулдда ҳолатларда уларни қайта тиклаш тартиби;

криптографик муҳофаза дастурларига ва техник ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тартиби;

криптографик калитларни бошқариш тартиби;

криптографик калитларни ташувчи қурилмаларни қўллаш, сақлаш, ўзгартириш ва бошқалар бўйича ташкилий, техникавий усулларни қўллаш тартиби.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан ахборот алмашинувида ахборот хавфсизлиги ҳамда киберхавфсизликни таъминлашлари шарт.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчиларнинг ахборотлаштириш объектларига рухсатсиз кириш ҳамда фойдаланишни чегаралаш мақсадида қуйидаги чоралар кўрилиши керак:

ахборотлаштириш объектларига, шу жумладан, банкомат, тўлов терминаллари ва тўлов ўтказиш электрон қурилмаларига жисмонан таъсир этишни ҳамда техник жиҳозлар мавжуд бўлган бино ва хоналарга киришни назорат қилиш;

тўловларни амалга оширишда қўлланиладиган автоматлаштирилган тизимлар, дастурлар, ҳисоблаш техникалари, телекоммуникация қурилмалари параметрлари ва тузилмалари ҳамда тўлов тизимида ишлаш ҳуқуқини берувчи маълумотларни (парол, биометрик ва бошқа маълумотлар) ўз ичига олган техник воситаларнинг жисмоний муҳофазасини (хавфсизлик режимини) таъминлаш ва рухсатсиз таъсир этишнинг олдини олиш;

тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчиларнинг ходимлари ахборотлаштириш объектларига киришини назорат қилиш ва маълумотларни рухсатсиз тарқалишидан ҳимоялаш тизимларини жорий қилиш;

серверлар ва телекоммуникация қурилмалари жойлашган хоналарда ишлаш жараёнларини видеокузатув тизимлари ёрдамида назорат қилиш.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар қуйидаги маълумотларни ўз ичига олган ахборот тизимларининг ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлигини таъминлашлари керак:

банк (карта) ҳисобварағида пул маблағлари қолдиқлари тўғрисидаги маълумотлар;

электрон пуллар қолдиқлари тўғрисидаги маълумотлар;

амалга оширилган тўловлар тўғрисидаги маълумотлар;

нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ўз ичига олган маълумотлар;

банклараро тўлов ва клиринг тизимлари тўлов маълумотлари;

криптографик муҳофазани таъминлаш учун қўлланиладиган криптографик калитлар;

тўловларни амалга оширишда қайта ишланадиган конфиденциал ахборотларни (банк сири, шахсга доир маълумотлар ва бошқа қонун билан муҳофаза қилинадиган маълумотлар);

мижозларнинг банк карталари, аккаунтлари ва идентификациядан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотлар.

Тўлов тизимлари операторлари ёки тўлов хизматларини етказиб берувчилар масофадан тўлов хизматларини кўрсатувчи ахборот тизимларини (мобил илова, интернет банкинг ва бошқалар) (бундан буён матнда масофавий ахборот тизимлари деб юритилади) амалиётга жорий этиш ҳамда уларга ўзгартириш киритишдан аввал қуйидагиларни таъминлашлари лозим:

масофавий ахборот тизимларининг тўловларни ўтказиш билан боғлиқ барча функцияларини синов (тест) тарзида тўлиқ текширувдан ўтказишни таъминлаш;

масофавий ахборот тизимларини техник топшириқлар, уларни техник топшириққа ва киберхавфсизлик талабларига мувофиқлиги юзасидан экспертизадан ўтказиш ҳамда уларнинг натижалари бўйича экспертиза хулосаларини Марказий банкка тақдим этиш;

масофавий ахборот тизимларини уяли алоқа даражасида ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизими, Марказий банкнинг марказлашган антифрод ҳамда замонавий биометрик идентификация тизимларига уланишини таъминлаш;

дастурларни ишлатиш бўйича йўриқномаларни ишлаб чиқиш ва уларнинг актуаллигини таъминлаган ҳолда мижозларга тақдим этиш;

аниқланган заифликларни бартараф этиш учун ўзгаришлар киритилишини таъминлаш;

мижозлар қўллаётган дастурларнинг актуаллигини назорат қилиш.

Тўлов тизимлари операторлари ёки тўлов хизматларини етказиб берувчилар масофавий ахборот тизимларининг янги талқинини (версиясини) жорий этганидан сўнг эски талқиндан (версиядан) фойдаланишни чеклаши ва янги талқинга (версияга) ўтиши (янгилаши) лозим.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар ўзаро тўлов ахборотлари ва тўлов ахборотларига тегишли бўлган маълумотлар алмашинувини телекоммуникация тармоқлари орқали амалга ошириш учун томонларнинг ахборотлаштириш объектлари хусусиятларидан келиб чиқиб, уларнинг вазифалари, жавобгарликлари ва мазкур Низом талабларини ўз ичига олган ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлигини таъминлаш, шунингдек банк карталари билан боғлиқ шубҳали (фрод) операцияларга қарши чоралар кўриш қоидаларини ишлаб чиқиши керак.

Тўлов агенти томонидан банк ёки тўлов ташкилоти билан тўлов хизматларини кўрсатиш учун тузилган агентлик шартномасида ахборот хавфсизлиги бўйича томонларнинг масъулиятлари белгиланган бўлиши керак.

Тўлов субагенти томонидан тўлов агенти билан тўлов хизматларини кўрсатиш бўйича тузилган субагентлик шартномасида ахборот хавфсизлиги бўйича томонларнинг масъулиятлари белгиланган бўлиши керак.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар ахборотнинг конфиденциаллиги ва яхлитлигини, шу жумладан, тўлов хизматларидан фойдаланувчининг шахсига доир маълумотларни муҳофаза қилишда ҳамда етарли хавфсизликни таъминлаш мақсадида қуйидаги чораларни кўришлари лозим:

тўлов тизимида ишлов бериладиган конфиденциал ва шахсга доир маълумотларнинг яхлитлиги ва дахлсизлигини муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш тартибини ишлаб чиқиш;

ички ҳужжатлар билан тартибга солинадиган ҳимояланадиган маълумотлар билан ишлашда хавфсизлик ва конфиденциалликни таъминлаш қоидалари ва талабларини ишлаб чиқиш;

конфиденциал ва шахсга доир маълумотлар билан ишловчи ходимлар сонини имкон даражасида камайитириш, ходимлар билан конфиденциал ва шахсга доир маълумотлар ошкор этилишининг олдини олиш бўйича мажбуриятномалар (шартнома) тузиш ва ушбу маълумотлардан фойдаланиш ҳуқуқларини ходимларнинг лавозим мажбуриятларидан келиб чиқиб белгилаш;

конфиденциал маълумотлар рўйхатини юритиш бўйича комиссия таркибини шакллантириш ва тасдиқлаш;

конфиденциал маълумотлар рўйхати ва ҳажмини аниқлаш ҳамда тасдиқлаш;

конфиденциал маълумотлар билан ишлашга рухсат берилган ходимлар рўйхатини шакллантириш ва тасдиқлаш;

ахборотлаштириш объектининг техник паспортини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

конфиденциал маълумотлар билан ишлаш тартибини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

конфиденциал маълумотларни ташувчи воситаларни рўйхатга олиш, йўқ қилиш, конфиденциал ахборот ташувчиларни ташқарига олиб чиқиш/кириш журналлари юритиш;

маълумотлар яхлитлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида электрон рақамли имзо калитларидан фойдаланиш ҳамда шифрланган маълумотларни сақлаш тартибини белгилаш;

конфиденциал ва шахсга доир маълумотлар мавжуд бўлган ресурсларга киришда идентификация, аутентификация ва авторизация қилинишини таъминлаш;

конфиденциал ва шахсга доир маълумотлар билан ишлаш ҳуқуқларининг рухсатсиз берилишини олдини олиш;

ахборот тизимлари фойдаланувчиларининг муҳофазаланган маълумотларига кириш, ишлов бериш, уларни сақлаш ҳамда тақдим этиш жараёнидаги амалга оширилган ҳаракатларни электрон баённомаларда қайд этиб бориш;

ташқи сақловчи қурилмалар ва техник воситаларнинг бинодан ташқарига олиб чиқилиши ҳамда уларнинг ўғирланишининг олдини олиш;

маълумотларни узатиш, сақлаш, ўчириб ташлаш, уларга ишлов бериш ҳамда уларнинг рухсатсиз четга чиқиб кетишининг олдини олиш чоралари таъминланганлигини назоратга олиш.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар ахборот ва интернет жаҳон ахборот тармоғини, шунингдек, серверлар ва алоқа каналларини эҳтимоли мавжуд бўлган кибертаҳдид ва киберҳужумлардан ҳимоя қилиш учун етарли чораларни кўриши лозим. Ушбу чоралар қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

компьютер тармоқларини сегментлаш ва тармоқлараро экрандан фойдаланиш;

ахборот тармоқлари, шу жумладан, интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали қабул қилинаётган ва узатилаётган маълумотларга рухсатсиз киришнинг олдини олиш бўйича техник (криптографик ва бошқа) ва/ёки ташкилий чоралар кўриш ҳамда тармоқ маълумотларини филтрлашни таъминлаш (тармоқлараро экранларни қўллаш);

ахборот тармоқлари ва веб-сайтлар орқали тўловларни амалга оширишда идентификация, кўп омилли аутентификация ва авторизация

қилиш (кўп омилли аутентификация қилиш мобил ва алоқасиз тўловларни амалга ошириш чоғида қўлланилмайди);

ахборот тармоқлари ва Интернет жаҳон ахборот тармоғи, шунингдек, серверлар ва алоқа каналларидан фойдаланувчиларни идентификация қилиш;

интернет жаҳон ахборот тармоғи ресурсларидан ходимларнинг фойдаланишини прокси-сервер орқали амалга ошириш, иш фаолияти учун зарур бўлмаган веб-сайтларга киришни чегаралаш ва кирилган веб-сайтларни қайд этиб бориш;

ахборот тизимларини асосий ва захира алоқа каналлари билан таъминлаш;

серверлар тармоғини муҳофазалаш (демилитаризация қилинган зоналарини (DMZ) ташкил этиш);

серверларда иш фаолияти учун зарур бўлмаган портларни ёпиш ва хизматларни тўхтатиш;

ахборот тизимига кириш объектлари ва ресурсларининг ҳисобини юритиш;

мобил тўловларни амалга ошириш чоғида фойдаланувчиларни кўп факторли аутентификация қилиш (SMS, QR-код, NFC, бармоқ излари, кўзнинг рангдор пардаси асосида аниқлаш ёки шу каби тасдиқловчи усулларни қўллаш мумкин);

мобил қурилмалар ёрдамида масофадан киришда тўлов маълумотлари ҳамда ахборот тизимларининг (маълумотлар базасининг) ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлигини таъминлаш;

масофавий хизмат кўрсатиш ва бошқа ахборот тизимларида миқдори идентификация ва аутентификация қилиш мақсадида қўлланиладиган (бир марталик ёки кўп марталик) паролларни ишлатиш тартибини белгилаш, тасдиқлаш кодларини қўллаш, бир марталик тасдиқлаш кодларини тизимга шифрланган ҳолда юбориш, антифрод ва биометрик идентификация тизимларини қўллаш, коднинг фаол бўлиш вақти ва бошқаларни ёритиш;

автоматлаштирилган тизимга киришда қўлланилган қурилма тўғрисида идентификация маълумотларини (IP-адрес, MAC-адрес ва бошқа идентификаторлар) қайд этиш;

тажовузларни аниқлаш ва уларнинг олдини олиш тизимларини қўллаш.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш бўйича талабларнинг бузилиши билан боғлиқ бўлган ҳодисаларга нисбатан қуйидаги таъсир чораларини кўришлари лозим:

юзага келиши мумкин бўлган ҳодисаларга нисбатан таъсир чораларини кўриш юзасидан зарур ҳаракатларни олдиндан кўра билиш ҳамда амалга ошириладиган ҳаракатлар рўйхатини белгилаш;

содир бўлган ҳодисаларга нисбатан қисқа муддатларда таъсир чораларини кўриш;

ишнинг узлуksизлигини таъминлаш, шунингдек, ноқонуний тўловлар ва ҳисобварақлардаги қолдиқ маблағларини рухсатсиз ўзгартирилишини олдини

олиш, ахборотни қайта тиклаш ҳамда бошқа салбий ҳолатларни бартараф этиш;

ходимлар томонидан мавжуд ахборот тизимларида ишлашда белгиланган ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик талабларига риоя қилинишини таъминлаш;

юзага келган ҳодисаларнинг келиб чиқиш омилларини аниқлаш мақсадида тармоқ қурилмалари ва ахборот тизимларининг электрон баённомаларини расмийлаштириш, йиғиш, таҳлил қилиш ҳамда уларга асосан тегишли кўрсатмаларни ишлаб чиқиш.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар банкомат, инфокиоск ва тўлов терминалларининг ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлигини таъминлаши лозим. Бунда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлашда қуйидаги чоралар қўлланилади:

банкомат, инфокиоск ва тўлов терминалларининг ҳисобини юритиш ҳамда уларнинг ахборот дастурига рухсатсиз киришининг олдини олиш;

банкомат, инфокиоск ва тўлов терминалларида техник хизмат кўрсатувчи шахслар фаолиятини назорат қилиш ҳамда улар томонидан амалга оширилган ўзгартиришлар бўйича электрон баённома юритиш;

видеокузатув тизимлари ёрдамида банкоматлар билан ишлаш жараёнларини назоратга олиш (банкоматга киритиладиган банк карталарининг пин код рақамлари видеокузатув тизимлари орқали қайд этиш имкониятига эга бўлмаслиги лозим);

бош банк ҳамда унинг инфратузилмалари (филиал, мини-банк ва бошқалар) ва бошқа қўриқланадиган объектларидан ташқарида жойлаштирилган банкоматларнинг видеокузатув маълумотлари бош банк ёки унинг филиалидаги техник қурилмаларга тўғридан тўғри (онлайн) ёзиб борилишини таъминлаш;

банкомат тармоқ кабелларини муҳофазалаш;

банкоматнинг бошқа банкоматлар билан бир хил бўлган қулфларини алмаштириш;

банкоматларни алоқа каналларидан ёки жисмонан боғланган ҳолда эҳтимолий ҳужумлардан (шу жумладан, скиммингдан) ҳимоя қилиш;

банкоматларнинг операцион тизими ҳамда BIOS тизимига кириш ҳуқуқларини мураккаб пароллар билан ҳимоялаш;

аутентификация қилиш тартибини белгилаш;

тўловларни амалга оширувчи қурилмаларнинг ҳисобини юритиш;

банкоматлардаги нақд пул маблағларининг жисмоний муҳофазасини таъминлаш;

тармоқ орқали ахборот алмашинувида ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш;

халқаро тўлов тизимлари билан ишлайдиган ахборот тизимларида халқаро стандартлар (PCI DSS, PTS, PA DSS) талабларига мувофиқ ахборот муҳофазаси воситалари ва тизимларини жорий қилиш.

Тўлов тизимлари операторлари ўз тизимларидаги банкомат ва инфокиоскларда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни банклар билан биргаликда таъминлайди ҳамда уларнинг узлуксиз ва тўғри ишлашини назорат қилади. Агар ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик бўйича маълум бир (ёки барча) масъулият тўлов хизматларини етказиб берувчига юклатилган бўлса, мазкур ҳолат тегишли шартномаларда қайд этилиши ва масъулият юклатилган ташкилотга зарурий шароитлар яратиб (банкоматларнинг ахборот тизимидаги ишлаш ҳуқуқлари) берилиши зарур.

Муҳим тўлов тизимлари операторлари мазкур Низомда белгиланган хавфсизлик чораларига қўшимча равишда қуйидаги ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик чораларини таъминлаши зарур:

тўлов тизимининг узлуксиз ишлаши ишончилигини таъминлаш;

ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш хизматини ташкил этиш ва унинг мажбуриятларини белгилаш;

Ўз ДСт 2875:2014 “Датамарказларга қўйиладиган талаблар. Инфратузилма ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш” стандартининг датамарказ телекоммуникация воситалари инфратузилмаси тайёрлиги ва хавфсизлигининг учинчи даражадан паст бўлмаслигини таъминлаш;

халқаро банк карталаридан фойдаланилганда PCI DSS хавфсизлиги стандарти, Payment Services Directive (PSD2) тўлов хизматларини кўрсатиш директиваси талабларига мувофиқлаштириш;

ахборот тизимлари тўғри ташкил этилганлиги юзасидан нуфузли халқаро аудитор ташкилотларни жалб қилиш орқали АКТ-инфратузилмасини (ахборот хавфсизлиги ҳолатини) аудитдан ўтказишни таъминлаш;

Ўзбекистон Республикасининг “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида муҳим тўлов тизимлари операторларига белгиланган талабларни бажариш.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчиларнинг тўловлар билан боғлиқ маълумотларни сақлаш ва уларга ишлов бериш хоналари билан таъминланган бўлиши керак. Ушбу хоналар қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

рухсатсиз жисмоний киришдан муҳофазаланган бўлиши;

хона биринчи қаватда жойлашган ҳолларда унинг деразалари темир панжара билан жиҳозланган бўлиши;

қўриқлаш ва ёнғиндан огоҳ этувчи иккита ҳимоя тўсиғи хабаргоҳлари билан жиҳозланиши;

тунги вақтда қўриқлаш ва огоҳлантириш қурилмалари билан жиҳозланиши;

видеокузатув орқали назоратга олиниши.

Тўлов тизимлари операторлари ўзларининг тўлов тизимларида ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик чораларини кўришда назорат ва мониторинг ишларини амалга оширишлари лозим.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар автоматлаштирилган тизимлар, иловалар ҳамда ахборот инфратузилма объектларини ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик

заифликларига таҳлил қилиши, ҳар йили камида икки марта рухсатсиз киришга текшириши ва ҳужжатларда қайд этилмаган имкониятлар мавжуд эмаслигини назорат қилиши лозим.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар ҳар йили, келгуси йилнинг биринчи апрелидан кечиктирмай, Марказий банкка ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликнинг таъминланганлик ҳолати тўғрисида ҳисобот тақдим этиши шарт.

Тўлов тизими операторлари, тўлов тизимининг иштирокчилари ва тўлов ташкилотлари таваккалчиликларни бошқариш тўғрисидаги ҳужжатларида жисмоний ва юридик шахсларнинг розилигисиз амалга оширилган пул ўтказмаларининг тавсифи, миқдори ва ҳаракатларини таҳлил этиш орқали банк карталаридан жисмоний ва юридик шахсларнинг розилигисиз амалга оширилган пул ўтказмаларининг мезонларига мос келадиган операцияларни аниқлаш жараёнларини белгилайди.

Тўлов тизими операторлари банк карталари орқали жисмоний ва юридик шахсларнинг розилигисиз пул ўтказмаларини олдини олиш мақсадида транзакцион антифрод тизимларини жорий этиши ҳамда Марказий банкнинг марказлашган антифрод тизимига интеграция қилинишини таъминлаши лозим.

Тўлов тизимининг иштирокчилари ва тўлов ташкилотлари ўзларида сессион антифрод тизимларини жорий этиши ҳамда Марказий банкнинг марказлашган антифрод тизимига интеграция қилинишини таъминлаши лозим.

Тўлов тизими иштирокчилари ва тўлов ташкилотларида банк карталари орқали жисмоний ва юридик шахсларнинг розилигисиз амалга оширилган пул ўтказмаларининг мезонларига мос келадиган операциялар аниқланганда, ушбу операция бўйича тақдим этилган фармойишнинг бажарилишини антифрод тизимлари доирасида амалга оширади.

Тўлов тизими операторлари, тўлов тизимининг иштирокчилари ва тўлов ташкилотлари жисмоний ва юридик шахсларнинг розилигисиз амалга ошириладиган тўловларни олдини олиш мақсадида қуйидагиларни бажариши лозим:

жисмоний ва юридик шахсларнинг розилигисиз амалга оширилган пул ўтказмаларининг тавсифи, миқдори ва ҳаракатларини таҳлил этиши, таваккалчиликларни баҳолаши ва бошқариши ҳамда уларнинг мезонларига мос келадиган операцияларни аниқлаш жараёнларини белгилаши;

жисмоний ва юридик шахслар ўртасида тузилган шартномаларда (оммавий оферталарда) антифрод тизими доирасида банк карталари билан боғлиқ шубҳали (фрод) операцияларга қарши чоралар кўриш масалаларини ёритиши;

банк карталари билан боғлиқ шубҳали (фрод) операциялар бўйича келиб тушадиган мурожаатларни йиғиши ва таҳлил қилиши;

тўлов хизмати фойдаланувчисининг пул маблағларини ўтказиш вақтида, ушбу тўлов шубҳали (фрод) операциялар рўйхатида бўлса, бундай ҳолат ҳақида фойдаланувчига хабар (SMS, мессенжер ёки бошқа ахборот тизимлар

орқали) бериши, такрорий тасдиқ (PIN код, яширин сўзни киритиш ёки бошқа тарзда маълумот) олиши, агар маълум вақт оралиғида ушбу тасдиқ олинмаса, ушбу тўлов операциясини бекор қилиши;

фойдаланувчи томонидан ўзининг ҳисоб-варақларига тегишли тўлов операцияларини тўхтатиш (блокировка қилиш) имкониятини яратиши;

банк карталари билан боғлиқ шубҳали (фрод) операцияларда иштирок этган банк карталари ва ҳисобварақлари, мобил иловалари аккаунтлари ҳамда электрон ҳамёнлар тўғрисида ўзларининг ахборот тизимларида мавжуд бўлган маълумотларни Марказий банкнинг сўровига асосан ўз вақтида тақдим этиши;

ахборот тизимлари ва ресурсларида аниқланган, жисмоний ва юридик шахсларнинг розилигисиз амалга оширилган пул ўтказмаларини ўтказиш ёки ўтказишга уриниш ҳолатлари тўғрисидаги маълумотларни Марказий банкка тақдим этиб бориши.

Тўлов тизими операторлари, тўлов тизимининг иштирокчилари ҳамда тўлов ташкилотлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг розилигисиз тўловлар содир этилган ҳолатларда иштирок этган банк карталари ва ҳисобварақлари, мобил иловалари аккаунтлари ҳамда электрон ҳамёнлардан фойдаланишни вақтинча чекланган (блокланган) муддат мобайнида қонун ҳужжатларида уларни чеклаш (блоклаш) учун бошқа асослар бўлмаганда, улардан фойдаланишга қўйилган вақтинчалик чеклов (блоклаш) олиб ташланади.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг розилигисиз амалга оширилган пул ўтказмаларининг мезонлари Марказий банк бошқарувининг қарорига асосан белгиланади.

Тўлов тизими операторлари, тўлов тизимининг иштирокчилари ҳамда тўлов ташкилотлари EPOS-терминалларида фойдаланишда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш бўйича қуйидагиларни амалга ошириши лозим:

тўлов агентлари ва субагентларининг реестрини юритиши, шунингдек, тўлов агентлари ёки субагентларини рўйхатдан ўтказиш, ўзгартириш ва ўчиришда 1 иш куни ичида Марказий банкка ўзгартирилган реестрни тақдим этиши;

жисмоний шахслар ўртасида пул маблағларини ўтказишни (P2P) амалга ошириш учун алоҳида EPOS-терминалидан фойдаланиши, шунингдек ушбу EPOS-терминалларида бошқа мақсадларда фойдаланишини таъқиқлаши;

EPOS-терминалларида шартномада кўрсатилган мақсадларда фойдаланишни назорат қилиши;

EPOS-терминалларида, шунингдек фойдаланувчи пароллари ва кириш ҳуқуқларидан фойдаланишда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш тартибини ишлаб чиқиши.

Тўлов тизими операторлари ва тўлов тизимининг иштирокчилари Марказий банкнинг мажбурий кўрсатмасига кўра, шубҳали (фрод) операциялари амалга оширилишини чеклаш ёки тўхтатиш мақсадида EPOS-

терминаллардан фойдаланишни тўхтатиш ёки ушбу терминалларни ўчириш чораларини кўриши лозим³⁹⁹.

Киберхавфсизликни таъминлаш воситалари мажбурий тартибда сертификатлаштирилади⁴⁰⁰.

Кредит бюрolariда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш мақсадида асосий вазифалари қуйидагилардан иборат бўлган ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш хизмати (бундан буён матнда Хизмат деб юритилади) ташкил этилади:

ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликнинг таъминланганлик даражасини ошириш, уни баҳолаш, шунингдек авариялар ва ходимлар йўл қўйган хатолар натижасида келиб чиқадиган йўқотишларни камайтириш ва содир этилишини олдини олиш;

ахборот инфратузилмасининг яхлитлиги ва хавфсизлигини назорат қилиш;

серверларда ва тармоқ қурилмалардаги дастурий таъминотларни муҳофаза қилиш;

барча технологик жараёнларда ходимлар ҳаракати, шунингдек ахборот тизимларида амалга оширилган ҳаракатлар бўйича электрон баённомалар рўйхатини юритиш;

ахборот тизимларида ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик талабларини бузиш ҳолатларини олдини олиш чораларини кўриш;

маълумотларнинг учинчи шахсларга ошкор этилишини олдини олиш;

ахборот-коммуникация технологиялари инфратузилмасида юзага келган ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик ҳодисалари, кибертахдидлар, киберхужумлар аниқланган вақтда бу ҳақидаги маълумотларни зудлик билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига (бундан буён матнда Марказий банк деб юритилади) тақдим этиш;

ахборот-коммуникация технологиялари инфратузилмаси, ахборот тизимлари ва ресурсларида ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликнинг таъминланганлик ҳолатини ички қоида ва тартибларга мувофиқлигини бир йилда камида икки маротаба ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик таваккалчиликларини ҳисобга олган ҳолда ўрганиш ва ўрганиш натижаларини далолатнома билан расмийлаштириш.

Кредит бюрolari тармоқ ҳамда алоқа каналларини эҳтимоли мавжуд бўлган кибертахдидлар ва киберхужумлардан ҳимоя қилиш учун қуйидаги чораларни кўриши лозим:

компьютер тармоқларини сегментлаш ҳамда янги авлод тармоқлараро экран қурилмаларидан фойдаланиш;

³⁹⁹ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2024 йил 24 апрелдаги 13/1-сон қарори (21.05.02024 й., рўй.: 3513-сон) билан тасдиқланган “Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчиларнинг тўлов тизимларида ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш ҳамда рақамли технологиялар воситасида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларни олдини олиш чораларини кўриш тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁴⁰⁰ Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати раисининг 2024 йил 15 октябрдаги 114-сон буйруғи (14.11.2024 й., рўй.: 3574-сон) билан тасдиқланган “Ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини таъминлаш учун қўлланиладиган аппарат, аппарат-дастурий ҳамда дастурий воситаларни сертификатлаштириш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

тармоқ орқали қабул қилинган ва узатиладиган маълумотларга рухсатсиз киришни олдини олиш бўйича техник (криптографик ва бошқа) ва (ёки) ташкилий чоралар кўриш ҳамда тармоқ маълумотларини филтрлашни таъминлаш (янги авлод тармоқлараро экран қурилмаларини қўллаш);

тармоқ қурилмаларидаги ARP (Address Resolution Protocol) жадвалларини электрон архивлаш;

Интернет жаҳон ахборот тармоғи ресурсларидан ходимларнинг фойдаланишини прокси-сервер орқали амалга ошириш, иш фаолияти учун зарур бўлмаган веб-сайтларга киришни чегаралаш ва қирилган веб-сайтларни қайд этиб бориш;

ахборот тизимларини асосий ва захира алоқа каналлари билан таъминлаш;

серверларда иш фаолияти учун зарур бўлмаган портларни ёпиш ва хизматларни тўхтатиш;

ахборот тизимига кириш объектлари ва ресурсларининг ҳисобини юритиш;

масофавий хизмат кўрсатиш ва бошқа ахборот тизимларида мижозни идентификация ва аутентификация қилиш мақсадида қўлланиладиган (бир марталик ёки кўп марталик) паролларни ишлатиш тартибини белгилаш, тасдиқлаш кодларини қўллаш, бир марталик тасдиқлаш кодларини тизимга шифрланган ҳолда юбориш, коднинг фаол бўлиш вақти ва бошқаларни ёритиш;

ахборот тизимига киришда қўлланилган қурилманинг идентификация маълумотларини (IP-манзил, MAC-манзил ва бошқа идентификаторлар) қайд этиш;

тажовузларни аниқлаш ва олдини олиш тизимларини (IDS/IPS) қўллаш ҳамда базасини актуал ҳолатда бўлишини таъминлаш.

Кредит бюрolari кредит ахборотини шакллантириш, узатиш, сақлаш ва унга ишлов беришнинг барча босқичларида узлуксиз ҳимояни таъминлаш учун қуйидаги чораларни кўришлари шарт:

идентификация, аутентификация ва авторизация қилиш тизимини жорий этиш;

тизимга рухсатсиз киришнинг олдини олиш усулларини (логин, парол, кўп факторли аутентификация ва бошқа) қўллаш;

идентификация маълумотларини қалбакилаштириш, уларни рухсатсиз ўзгартириш ҳамда учинчи шахсларга тақдим этишдан ҳимоялаш;

кредит ахборотини узатишда унинг асл эгасига етказилишини таъминлаш ҳамда бошқа шахсларга жўнатилишининг олдини олиш;

кредит ахборотини сақлашда уларни рухсатсиз кўчириш, ўзгартириш, ўчириш ҳамда учинчи шахсларга жўнатилишининг олдини олиш чораларини кўриш;

ташқи сақловчига кўчирилган маълумотларни сейфда (темир шкафда) сақланишини таъминлаш ҳамда маълумотларни сақлаш учун масъул ходим (ходимлар) тайинлаш;

ахборот тизимларидаги дастурий таъминотларнинг назоратини ва ҳисобини юритиш ҳамда дастурий таъминот талқинларининг, аппарат-дастурий қурилмаларининг ва дастурий воситаларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш;

ахборот тизимларининг актуал ҳолатда (охирги версияда) бўлишини таъминлаш, бунда дастурий таъминотнинг янги талқинини амалиётда ишлаб турган ахборот тизимининг иш фаолиятига салбий таъсир кўрсатмасдан тест-синов майдонларида текширувдан ўтказиш ва ижобий натижага эришилганидан сўнг амалиётга жорий этиш;

кредит ахборотини узатиш, сақлаш жараёнларини электрон баённомаларда (log) автоматик тарзда шакллантириб бориш ва сақланишини таъминлаш;

Хизматни ташкил этиш ҳамда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш бўйича амалга ошириладиган ишларни назорат қилиш;

ҳисоблаш тармоғининг хавфсизлиги ва криптографик муҳофазасини таъминлаш, компьютер вирусларидан ҳимоялаш, ахборот тизимларига киришни бошқариш, техник воситаларини созлаш ва бошқа чораларни қўллаш;

ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлашда ускуна, қурилма, аппарат-дастурий ва дастурий техник воситалар қўлланишини таъминлаш ҳамда уларни мунтазам такомиллаштириб бориш, фойдаланиш тартибларини белгилаш, техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш ва бошқа ҳолатларда улардан рухсатсиз фойдаланишнинг олдини олиш;

қўлланилаётган техник воситаларга барча телекоммуникация тармоқларидан рухсатсиз кириш, маълумотларни ўзгартириш, ўчириш ва кўчириб олишдан ҳимоялаш;

ахборотларни чиқиб кетишини (йўқолишини) олдини олиш;

ахборот тизимида рухсатсиз кириш ёки киберхавфсизлик ҳодисалари содир бўлганда, таҳлил қилиш асосида ҳимоя тизимларини мустаҳкамлаб бориш чораларини кўриш.

Кредит бюrolари ахборот тизимларидан маълумотларнинг рухсатсиз узатилиши ва тарқалишидан ҳимоялаш бўйича DLP (Data Loss Prevention) тизими жорий этилиши шарт. Маълумотларни ҳимоя қилишда:

муҳофазаланадиган маълумотларни рухсатсиз турли тармоқ каналлари орқали узатилиши, ҳисобга олинмаган ташқи ташувчига кўчирилиши, рухсатсиз чоп этилиши аниқланиши ва бу ҳақида кредит бюро раҳбариятига маълумот бериш ва келгусида шу каби салбий ҳолатлар бўлмаслигини олдини олиш чоралари кўрилиши;

муҳофазаланадиган маълумотларни сервер ва компьютерларда сақланиши назорат қилиниши лозим.

Кредит бюrolари дастурлар ва операцион тизимларга зарар келтирувчи зарарли кодлар (компьютер вируслари) ва уларнинг салбий таъсирини олдини олиш учун қуйидаги чораларни кўриши шарт:

ҳисоблаш техникаси қурилмалари (серверлар, компьютерлар ва бошқалар), иш фаолиятига зарар етказувчи кодларни (компьютер вирусларини) аниқлаш ва уларнинг салбий таъсирини олдини олиш чораларини кўриши;

ахборот тизимларида фақат лицензияланган антивирус дастуридан фойдаланиш, уларнинг русумлари ва базалари актуаллиги ҳамда янгиланиб борилишини таъминлаши;

антивирус дастурларининг ўрнатилиши ҳамда унинг ишлаши Хизмат томонидан назорат қилиниши;

антивирус дастурларининг автоматик тарзда ишлашини таъминлаши;

тармоқ орқали келган барча ахборотларни антивирус дастури орқали текшириши;

антивирус дастурининг соғломалари бунга масъул бўлмаган кредит бюроси ходимлари томонидан ўзгартириш имконияти бўлмаслигини таъминлаши;

компьютер вируси аниқланганда, ходимлар томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар тартиби белгиланиши.

Кредит бюрolariда антивирус дастурларини марказлашган ҳолда бошқариш тизими жорий этилиши, антивирус дастурининг базаси ҳар кун янгиланиб борилиши ва версияси актуал (маънан эскирмаган) бўлиши таъминланиши лозим.

Антивирус дастурлари серверлар, компьютерлар ва бошқа барча антивирус дастурлари ўрнатилиши мумкин бўлган ҳисоблаш воситаларига ҳамда қурилмаларга ўрнатилган бўлиши лозим.

Антивирус дастурлари Марказий банкнинг мониторинг тизимига уланиши шарт.

Ахборот тизимларида ахборотни муҳофаза қилишнинг криптографик усуллари қўлланилишида қуйидагилар белгилаб олинishi лозим:

криптографик муҳофаза воситаларини автоматлаштирилган тизимларга боғлаш, ишга тушириш, ишлатиш ва фойдаланишдан чиқариш тартиби;

криптографик муҳофаза воситаларининг тўхтаб қолиши, ишдан чиқиши ва бошқа ғавқулдда ҳолатларда уларни қайта тиклаш тартиби;

криптографик муҳофаза дастурларига ва техник ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тартиби;

криптографик калитларни бошқариш тартиби;

криптографик калитларни ташувчи қурилмаларни қўллаш, сақлаш, ўзгартириш ва бошқалар бўйича ташкилий ҳамда техникавий усулларни қўллаш тартиби.

Кредит бюрolari Марказий банк ва кредит ташкилотлари билан электрон ахборот алмашинувини Марказий банкнинг “Ахборотлаштириш бош маркази” давлат унитар корхонаси билан тузилган шартнома асосида банк телекоммуникация тармоғи орқали амалга оширади. Бунда, қуйидаги хавфсизлик чоралари кўрилиши керак:

а) кредит ахбороти билан ишлаш учун фақат тегишли рухсатга эга бўлган ходимлар қўйилиши;

б) фойдаланувчиларнинг тизимга кириши учун аутентификация қилиш логин ва парол ҳамда аппарат-дастурий воситалар (токен-махсус курилма) ёрдамида амалга оширилиши. Бунда, парол 12 та белгидан кам бўлмаган рақам ва символлар комбинациясидан иборат бўлиши ҳамда парол ва логинларни муддати тугашига қараб ўзгартириш имконияти бўлиши лозим. Паролнинг амал қилиш муддати бир ойдан ошмаслиги лозим;

в) кредит ахбороти алмашинувида қатнашувчи ходимларнинг сервер ва компьютерлари телекоммуникация тармоқлари орқали ишлаши учун аппарат-дастурий воситалар билан жиҳозланиши;

г) ахборотларни қайта ишлаш, узатиш ва қабул қилиш учун ажратилган серверлар ва компьютерларга умумий локал тармоққа уланган бошқа компьютерлардан кириш имконияти бўлмаслиги;

д) кредит бюроси томонидан узатиладиган ва қабул қилинадиган ҳар қандай ахборот электрон рақамли имзо билан тасдиқланиши ҳамда бажарилган ишлар бўйича маълумот автоматик равишда электрон журналга киритилиши. Бунда, электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгаси куйидагиларни амалга ошириши шарт:

электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитидан фойдаланиш устидан назоратни таъминлаши;

электрон рақамли имзо калити сертификатини берган электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатга олиш марказига электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитидан фойдаланиш режими бузилганлиги ёки бузилиши эҳтимоли борлиги тўғрисида хабар қилиши ва электрон рақамли имзо калити сертификатининг амал қилишини тўхтатиб туришни ёхуд мазкур сертификатни бекор қилишни талаб қилиши;

ўзи вакил бўлган юридик шахс қайта ташкил этилганда ва тугатилганда, бу ҳақда электрон рақамли имзо калити сертификатини берган электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатга олиш марказига хабар қилиши;

э) электрон рақамли имзо очик калитининг фойдаланувчиси электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлиги тасдиқланмаган ҳолларда электрон рақамли имзонинг ёпиқ калити эгасига хабар бериши;

ж) кредит бюроларининг тизимларида кредит ахборотига тегишли бўлмаган ахборотларнинг узатилиши тақиқланиши;

з) электрон ахборот алмашинувида виртуал тармоқлар (VPN) асосида ташкил этилган ва ҳимояланган алоқа каналлари қўлланилиши.

Ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш бўйича қўшимча ахборотни муҳофаза қилиш воситалари қўлланилиши мумкин.

Кредит бюрolari тизим иштирокчилари билан тузилган шартномаларда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш ҳамда конфиденциал, жумладан банк сирини ташкил этувчи ва шахсга доир маълумотларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича талабларни белгилаши шарт.

Кредит бюрolari ахборотлаштириш объектларига рухсатсиз кириш ҳамда фойдаланишни чегаралаш мақсадида куйидаги чораларни кўриши керак:

ахборотлаштириш объектларига жисмонан таъсир этишни ҳамда техник жиҳозлар мавжуд бўлган бино ва хоналарга киришни назорат қилиш;

ходимларнинг ахборотлаштириш объектларига киришини назорат қилиш ва маълумотларнинг рухсатсиз тарқалишидан ҳимоялаш тизимларини жорий қилиш;

серверлар ва телекоммуникация қурилмалари жойлашган хоналарда ишлаш жараёнларини видеокузатув тизимлари ёрдамида назорат қилиш.

Кредит бюрolari барча турдаги маълумотларни (шу жумладан, банк сирини ташкил этувчи, шахсга доир ва бошқа қонун билан муҳофаза қилинадиган маълумотларни) сақловчи ахборот тизимларининг ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлигини таъминлашлари шарт.

Кредит бюрolari ахборотнинг конфиденциаллиги ва яхлитлигини, шу жумладан шахсга доир маълумотларни муҳофаза қилишда ҳамда хавфсизликни таъминлашда қуйидаги чораларни қўришлари лозим:

ахборот тизимлари орқали ишлов бериладиган конфиденциал ва шахсга доир маълумотларнинг яхлитлиги ва дахлсизлигини таъминлаш ҳамда улардан фойдаланиш тартибини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

ички ҳужжатлар билан тартибга солинадиган ҳимояланадиган маълумотлар билан ишлашда хавфсизлик ва конфиденциалликни таъминлаш қоидалари ва талабларини ишлаб чиқиш;

конфиденциал ва шахсга доир маълумотлар билан ишловчи ходимлар сонини имкон даражасида камайитириш, ходимлар билан конфиденциал ва шахсга доир маълумотлар ошкор этилишининг олдини олиш бўйича мажбуриятномалар (шартнома) тузиш ва ушбу маълумотлардан фойдаланиш ҳуқуқларини ходимларнинг лавозим мажбуриятларидан келиб чиқиб белгилаш;

конфиденциал маълумотлар рўйхатини юритиш бўйича комиссия таркибини шакллантириш ва тасдиқлаш;

конфиденциал маълумотлар рўйхати ва ҳажмини аниқлаш ҳамда тасдиқлаш;

конфиденциал маълумотлар билан ишлашга рухсат берилган ходимлар рўйхатини шакллантириш ва тасдиқлаш;

ахборотлаштириш объектининг техник паспортини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

конфиденциал маълумотларни ташувчи воситаларни рўйхатга олиш, йўқ қилиш ҳамда ташқарига олиб чиқиш ва кириш журналларини юритиш;

маълумотлар яхлитлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида электрон рақамли имзо калитларидан фойдаланиш ҳамда шифрланган маълумотларни сақлаш тартибини белгилаш;

конфиденциал ва шахсга доир маълумотлар мавжуд бўлган ахборот ресурсларига киришда идентификация, аутентификация ва авторизация қилинишини таъминлаш;

конфиденциал ва шахсга доир маълумотлар билан ишлаш ҳуқуқларининг рухсатсиз берилишини олдини олиш;

ахборот тизимлари фойдаланувчиларининг муҳофазаланган маълумотларига кириш, ишлов бериш, уларни сақлаш ҳамда тақдим этиш жараёнидаги амалга оширилган ҳаракатларни электрон баённомаларда қайд этиб бориш;

ташқи сақловчи қурилмалар ва техник воситаларнинг бинодан ташқарига олиб чиқилишини назорат қилиш;

маълумотларни узатиш, сақлаш, ишлов бериш, ўчириш ҳамда рухсатсиз четга чиқиб кетишини олдини олиш чоралари таъминлаш.

Кредит бюrolари ахборот тизимларида ишлаш жараёнида, шу жумладан ишлаб чиқиш ва синовдан ўтказиш жараёнида ваколатларни чегаралаш учун қуйидаги чораларни кўришлари лозим:

ахборот тизимларида ишлаш ҳуқуқларини белгиловчи тартиб ва қоидаларни ишлаб чиқиш ва уларни лавозим йўриқномаларида акс эттириш ҳамда тегишли ҳужжатга (ариза, талабнома ёки бошқа шаклга) асосан тизимдан фойдаланиш тартибини таъминлаш;

ахборот тизимларида ишлаш ҳуқуқи берилган масъул ходимлар рўйхатини шакллантириш;

ахборот тизимларида ишлаш ҳуқуқларини белгилаш ва тақсимлаш билан боғлиқ ҳаракатларни рўйхатга олиш;

ахборот тизимларида ишлаш ҳуқуқлари мантиқан ва иш вазифасидан келиб чиқиб тўғри белгиланганлигини даврий (ҳар чоракда бир маротаба) текшириб туриш;

ахборот тизимларининг ишлаши ва синовдан ўтказилиш даврида ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш ҳамда берилган ахборот тизимларида ишлаш ҳуқуқлари тўғрилигини назорат қилиш;

ахборот тизими фойдаланувчилари ахборот тизими томонидан берилган ҳуқуқларни ўзгартириш имкониятига эга бўлмаслигини таъминлаш ҳамда бу ҳуқуқларни бегона шахсларга беришни чеклаш чораларини кўриш.

Кредит бюrolари ўзларининг ахборот тизимларига ўзгартириш киритиш учун бошқа ташкилотларни жалб қилганда қуйидагиларни амалга оширишлари зарур:

конфиденциал ва шахсга доир маълумотларни ошкор этмаслик бўйича битим тузиш;

ахборот тизимларида муҳофаза қилинадиган маълумотлар билан ишлашни белгиланган тартибда рухсат бериш асосида амалга ошириш;

тегишли лицензия ва (ёки) бошқа рухсатномага эга бўлган (агар ушбу фаолият лицензия ёки тегишли рухсатнома асосида амалга оширилса) ташкилотларни жалб қилиш;

ахборот тизимларини лойиҳалаш босқичида маълумотларнинг конфиденциаллигини таъминлаш чораларини ишлаб чиқиш;

кўриладиган ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш бўйича чоралар (амалга ошириладиган ишлар, ўрнатиладиган дастурлар, қурилмалар ва бошқалар) ва аниқ кўрсатилган техник топшириқни қабул қилиш (тест синовларини амалга ошириш режаси) ҳамда бошқа тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш;

дастурий таъминотни ишлаб чиққан ва унга ўзгартириш киритган (киритадиган) ташкилотлар рўйхатини тузиш;

ахборот тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этишнинг тахминий муддатларини ҳамда шартларини белгилаб олиш;

жалб қилинган ташкилот ходимлари томонидан ахборот тизимларига киритиладиган ўзгартиришларнинг асослилигини, мавжуд техник топшириқларга мослигини, ахборот тизимига алоқадор бўлмаган дастурлар (тизим функциялари) киритилмаслиги ва тест синовлари натижаларининг ижобийлигини Хизмат ҳамда ахборотлаштириш бўйича масъул ходим томонидан назоратга олиш.

Кредит бюrolари электрон почта тизими серверини ўзининг локал хисоблаш тармоғида яратади.

Кредит бюrolари интернет тармоғи ва электрон почта тизимларидан фойдаланишда ахборот муҳофазасини таъминлаш, ходимларни тизимга киритиш, уларга чекловлар қўйиш, ходимлар ҳаракати ва тизим ахборот хавфсизлиги устидан назорат қилишни ўзининг ички ҳужжатларида белгилайди.

Кредит бюrolари томонидан конфиденциал ва шахсга доир маълумотлар рухсат берилган ахборот тизимлари орқали юборилиши шарт.

Файлларни узатиш протоколи (FTP) серверида ташкил қилинган умумий каталог орқали файл алмашинувини амалга ошириш ва банк сири маълумотларини тармоқда эркин ўқиш учун жойлаштириш тақиқланади.

Кредит бюrolари томонидан интернет ва электрон почта орқали юборишга тайёрланган ёки қабул қилинган ҳар бир электрон маълумот антивирус дастури ёрдамида текширилиши шарт. Электрон почта орқали қабул қилинган маълумотлар зарар келтирмаслиги учун қумдонда (Sandbox тизими) текширилиши лозим.

Кредит бюrolари ўзининг электрон почта тизими ҳамда интернет тармоғидан фойдаланиш тартибини ички ҳужжатлари билан белгилайди ҳамда электрон почта орқали юборилган ва қабул қилинган маълумотларни Хизмат томонидан назорат қилинишини таъминлайди. Бунда фақат рухсат берилган фойдаланувчилар интернет тармоғидан фойдаланиши ва интернет тармоғидан фойдаланишда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш чоралари қўрилиши керак.

Интернет тармоғи ва банк телекоммуникация тармоғи алоҳида маршрутизатор (router) ва алоҳида тармоқлараро экран (firewall) қурилмалари орқали жисмонан уланиши шарт.

Ахборот муҳофазасини кучайтириш мақсадида тармоқ протоколида (TCP/IP) тармоқ транзит пакетларининг IP манзилларини ўзгартириш имконини берувчи тармоқ адресларини ўзгартириш протоколи (NAT) қўлланилиши мумкин. Бунда тармоқ орқали барча уланишларнинг электрон журналлари асл IP манзиллар қўрсатилган ҳолда юритилиши ва белгиланган тартибда электрон архивга олиниши шарт.

Интернет тармоғидан фойдаланиш тартиби назоратга олинган бўлиши ва кредит бюроси ходимларининг интернет тармоғидан фойдаланишлари уларнинг лавозим йўриқномасига асосан белгиланади.

Интернет тармоғидан фойдаланган ходимнинг логини, фойдаланиш вақти, ресурс номи ва бошқа маълумотлар акс эттирилган электрон баённомалар юритилиши керак. Хизмат ушбу электрон баённомаларни таҳлил қилиб боради.

Интернет тармоғидан фойдаланишда ахборот муҳофазасини таъминлаш янги авлод тармоқлараро экран қурилмалари, прокси-сервер, антивирус, тажовузларни аниқлаш ва олдини олиш (IDS/IPS), anti-spam, anti-bot ва бошқа ахборот хавфсизлиги тизимларини қўллаш йўли билан амалга оширилади.

Кредит бюрolari ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлашга доир талабларнинг бузилиши билан боғлиқ бўлган ҳодисаларни аниқлаш мақсадида қуйидаги ишларни ташкил этиши шарт:

қўлланилиши зарур бўлган ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик бўйича ташкилий чораларни аниқлаш;

мавжуд техник қурилмаларни ишлатиш, созлаш ҳамда улардаги маълумотларни қайд этиш;

ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик талабларининг бузилиши билан боғлиқ ҳодисаларни аниқлаш чораларини кўриш ҳамда ушбу ҳолатлар кредит бюроси ходимлари томонидан аниқланганда Хизматни хабардор қилиш;

ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик талабларининг бузилиши билан боғлиқ ҳодисалар юзага келганда, уларни бартараф этиш, юзага келиш сабабларини аниқлаш, таҳлил қилиш ҳамда аниқланган ҳодисалар юзага келмаслиги бўйича тегишли чоралар кўриш;

аниқланган ҳодисаларни рўйхатга олиб бориш (реестрини юритиш);

аниқланган ҳодисалар тўғрисидаги маълумотларни сақлаш тартибини белгилаш;

ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлашнинг бошқа чораларини кўриш.

Кредит бюрolari ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик талабларининг бузилиши билан боғлиқ ҳодисалар тўғрисида Марказий банкка зудлик билан ёзма ёки электрон шаклда хабар бериши шарт.

Кредит бюрolari ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш бўйича талабларнинг бузилиши билан боғлиқ ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида қуйидагиларни белгилаши шарт:

ахборот тизимларида ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик таваккалчиликларини бошқариш тартиби ва уларни баҳолаш мезонлари;

ахборот тизимида нохуш ҳодисалар юзага келганда ўзаро ҳаракатланиш тартиби;

содир бўлган нохуш ҳодисаларга нисбатан таъсир чораларини кўриш бўйича амалга ошириладиган ҳаракатлар рўйхати;

ишнинг узлуксизлигини таъминлаш, ахборотни қайта тиклаш ҳамда бошқа салбий ҳолатларни бартараф этиш чоралари;

ходимлар томонидан мавжуд ахборот тизимларида ишлашда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик талаблари;

юзага келган ҳодисаларнинг келиб чиқиш омилларини аниқлаш мақсадида тармоқ қурилмалари ва ахборот тизимларининг электрон баённомаларини расмийлаштириш, йиғиш, таҳлил қилиш ҳамда уларга асосан тегишли кўрсатмалар.

Ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлашга доир талабларнинг бузилиши билан боғлиқ аниқланган ҳодисалар сабабларини таҳлил қилиш ҳамда уларга таъсир кўрсатиш натижаларини баҳолаш лозим. Бунда аниқланган ҳодисалар сабабларини таҳлил қилиш ҳамда уларга таъсир кўрсатиш натижаларини баҳолаш тизими қуйидагиларни ўз ичига олиши шарт:

аниқланган ҳодисаларга нисбатан таъсир чоралари кўрилгандан кейин ушбу ҳодисаларнинг келиб чиқиш сабабларини Хизмат томонидан тегишли бўлинмалар билан биргаликда таҳлил қилиш тартиби;

ахборот тизимларининг тегишли электрон баённомаларини ўрганиш ҳамда аниқланган ҳодисанинг юзага келишига сабабчи бўлган ходимлардан тушунтиришлар олиш;

ҳодисаларнинг келиб чиқиш сабабларига ойдинлик киритиб, бундай ҳолатлар юзага келмаслиги ёки юзага келганда унинг зарар келтириш имкониятларини камайтириш чораларини кўриш (шу жумладан, тегишли мутахассисларни жалб қилган ҳолда);

ҳодисаларнинг салбий таъсир кўрсатиш даражасига қараб таснифлаш ва баҳолаш мезонига асосан уларни баҳолаш.

Ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлашга доир талабларнинг бузилиши билан боғлиқ аниқланган ҳодисаларга нисбатан кўрилган таъсир чоралари, уларни баҳолаш натижалари ва бошқа қўшимча маълумотлар чоп этилиши ҳамда алоҳида йиғмажилдда сақланиши зарур.

Ахборот тизимларининг узлуксиз ишлаши ва барқарорлигини таъминлаш мақсадида қуйидаги чоралар кўрилиши шарт:

асосий ахборот тизимлари ишдан чиққан ҳолатларда хизматлардан фойдаланишни камида 99,9 фоиз даражада таъминлай олиш имкониятига эга захира сервер қувватларига эга бўлиши;

реал вақт режимида маълумотларни қайта ишловчи ахборот инфратузилмасида камида 30 фоизгача захира жой бўлиши;

ахборот тизими билан боғлиқ тармоқ ва бошқа қурилмалар носоз ҳолатга келганда, уни иш жараёнига келтириш ва узлуксиз ишлашини таъминлаш;

операцион тизим, дастурий таъминотлар, ахборот тизимларининг дастурлари, маълумотлар (маълумотлар базаси, созуламалари, электрон баённомалар) нусхаларини захирага (backup) олиш ва электрон архивда сақлаш ҳамда уларни қайта тиклаш тартибини (механизмини) ишлаб чиқиш, уларнинг ҳисобини юритиш ва назоратини олиб бориш;

захира тикланиш режаси, техник қурилма ва ускуналарга эга бўлиш;

маълумотларнинг захирага олинган (backup) нусхаларини техник носозликларда ва фавқулодда вазиятларда қайта тиклаш режасини ишлаб чиқиш ва даврий (бир йилда бир маротаба) равишда ахборот тизимини қайта тиклаб текшириш;

захира нусхаларини сақлаш муддати, тартиби ва захирадан ечиш қоидаларига риоя қилиш;

дастурларга ўзгартириш киритишни синов (тест) учун мўлжалланган серверларда текшириш;

тизимдаги қурилма ва ускуналарнинг ишлашини назорат қилиш;

ахборот тизимининг узлуксизлигига салбий таъсир этиши мумкин бўлган ҳолатларни олдини олиш ва ахборот муҳофазасини таъминлаш;

дизел электр станцияси ва (ёки) бошқа электр таъминоти узлуксизлигини таъминлаш воситаларидан (UPS ва бошқалар) фойдаланиш;

ишлов берилган маълумотларни сақлаш ва уларнинг электрон архивда юритилишини таъминлаш;

мижозларнинг ҳаракатига тегишли бўлган маълумотларни камида беш йил сақланишини таъминлаш;

электрон архив юритишда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлашга доир талабларга риоя этилиши бўйича ишчи гуруҳ тузган ҳолда бир йилда камида икки маротаба текшириш ва натижалари тўғрисида Марказий банкка маълумот бериш;

ахборот узатиш захира тармоқларига эга бўлиш.

Кредит бюрolari асосий ахборот тизимлари жойлашган жойдан 50 километрдан кам бўлмаган масофада жойлашган ҳудудлардаги шаҳар марказларида захира ахборот тизимларини ташкил этиши лозим. Бунда асосий ва захира ахборот тизимлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ташкил этилади.

Ахборот тизимларидаги маълумотлар (электрон баённомалар ва ҳ.к) электрон архивларда камида икки нусхада (хусусан, асосий ва захира ахборот тизимларининг ҳар бирида битта нусхадан) сақланиши мумкин.

Кредит бюроси ўз фаолияти давомида шаклланадиган барча ахборот ва ҳужжатларни рақамли шаклда тартибли равишда сақлаш мақсадида электрон архив тизимини ташкил этиши ва юритиши шарт.

Электрон архивда қуйидаги маълумотлар мажбурий равишда сақланиши лозим:

фойдаланувчиларнинг тизимга кириш ва чиқиш журналлари (баённомалари);

ёзувлар устида амалга оширилган ҳаракатлар (яратиш, ўзгартириш, ўчириш) бўйича баённомалар (логлар);

кредит тарихига оид барча кирувчи ва чиқувчи сўровлар;

кредит тарихини тузатиш ёки рад этиш бўйича ариза ва қарорлар;

электрон почта орқали қабул қилинган ва юборилган ҳужжатлар;

ARP (Address Resolution Protocol) жадваллари, тизим хатоликлари ва рухсатсиз кириш уринишлари ҳақида техник баённомалар (loglar);

захиралаш ва тиклаш бўйича амалиётлар журнали.

Захира нусхаларни сақлаш, юритиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ талаблар қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) захира нусхаларни сақлаш муддати:

тизим конфигурацияси, электрон баённомалар ва лог файллар – бир йил;
молиявий ва миждозларга оид операцион маълумотлар – беш йил;

ички хизматлар фаолиятига тегишли жорий маълумотлар – олти ойни ташкил этади;

б) захира нусхаларини тиклаш ва ўчириш фақат ваколатга эга бўлган масъул ходимлар томонидан амалга оширилиши лозим. Бунда, барча ҳаракатлар расмийлаштирилиши ва электрон баённомалар (лог)да қайд этилиши керак;

с) сақлаш муддати якунига етган захира нусхалар уларнинг махфийлик даражаси ва ахборот хавфсизлиги талаблари инобатга олинган ҳолда қайта тиклаб бўлмайдиган қилиб йўқ қилинади. Бунда, барча жараёнлар электрон баённомалар (log)да қайд этилади.

Кредит бюроларининг фаолияти тугатилганда, улардаги мавжуд электрон архивнинг ахборот ресурслари қонунчиликда белгиланган тартибда тегишли давлат ёки нодавлат архивларига топширилади.

Кредит бюрolari қайта ташкил этилганда, уларнинг электрон архив маълумотлари тегишли давлат архивлари билан келишилган ҳолда мазкур ташкилотнинг ҳуқуқий ворислари электрон архивига топширилади.

Кредит ахборотидан фойдаланувчилар кредит бюроларининг ахборот тизимларига рухсат этилмаган ҳолда кириш, кредит ахборотини йўқ қилиб юбориш, ўзгартириш, ундан бошқа шахслар фойдаланиши ёки уни ошкор этилишини олдини олиш учун ташкилий ва техник чоралар кўриши лозим⁴⁰¹.

Кредит ва тўлов ташкилотлари жисмоний шахсларнинг шахсига доир, идентификация ва тўлов билан боғлиқ барча турдаги маълумотларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида уларни ўз ахборот тизимларида шифрланган ҳолда сақлаши шарт.

Ахборот тизимларидаги маълумотларнинг рухсатсиз тарқалишининг олдини олиш мақсадида маълумотларни рухсатсиз тарқалишидан ҳимоялаш тизими DLP (Data Loss Prevention) жорий этилиши лозим.

Ахборот тизимида фойдаланувчи ва тизимнинг ўзи томонидан амалга оширилган барча ҳаракатлар автоматик тарзда журналлаштирилиши шарт. Журналлар сохталаштириш ва ўзгартиришдан ҳимояланган форматда сақланиши лозим. Журнал маълумотларининг яхлитлигини таъминлаш мақсадида WORM (Write Once Read Many) технологиясидан фойдаланиш тавсия этилади.

Имтиёзли функциялар ва юқори даражадаги тизим ҳуқуқлари орқали амалга оширилган барча ҳаракатларга фақат чекланган доирадаги ходимлар томонидан киришга рухсат берилиши шарт. Бундай ҳуқуқлардан фойдаланиш

⁴⁰¹ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2025 йил 19 августдаги 20/2-сон қарори (2309.2025 й., рўй.: 3679-сон) “Кредит бюроларининг ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлигига доир минимал талаблар тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

жараёнлари мажбурий тарзда кўп омилли аутентификация MFA (Multi-Factor Authentication) орқали ҳимояланиши лозим.

Имтиёзли функциялар ва юқори даражадаги тизим ҳуқуқлари доирасида амалга ошириладиган фаолиятнинг тўлиқ назорати ва журналлаштирилиши PAM (Privileged Access Management) тизими орқали амалга оширилиши керак.

Кредит ва тўлов ташкилотлари ахборот тизимларидаги маълумотларни ҳимоя қилиш учун криптографик ҳимоя воситаларидан фойдаланишда қуйидаги талабларни бажаришлари шарт:

алоқа каналлари орқали ахборот алмашинувини фақат ҳимояланган Transport Layer Security (TLS) протоколидан (1.3 ёки ундан юқори версия) фойдаланган ҳолда амалга ошириш;

маълумотларни шифрлашда AES-256/GCM алгоритмидан фойдаланиш;

криптографик калитларнинг айланиш (ротация) сиёсатини киберхавфсизлик соҳасидаги ваколатли давлат органи томонидан белгиланган талаблар доирасида амалга ошириш;

криптографик калитлар камида йилда бир маротаба янгиланиб борилишини таъминлаш;

криптографик калитлар билан боғлиқ барча ёзувлар (логлар), шу жумладан калит яратиш, айлантириш, бекор қилиш ва фойдаланиш ҳолатлари тўғрисидаги маълумотларни камида 3 йил давомида сақлаш;

криптографик калитларнинг муддати ўтганидан кейин уларни белгиланган тартибда йўқ қилиш ёки архив ҳолатига ўтказиш ҳамда бу жараёни тегишли далолатнома билан расмийлаштириш.

Кредит ва тўлов ташкилотлари криптографик калитларни бошқаришда калитларни бошқариш тизими (KMS) ёки аппарат хавфсизлик модули (HSM)дан фойдаланишлари мумкин.

Криптографик алгоритмлар ёки протоколларнинг версиялари (жумладан, TLS, AES ва бошқалар) эскирган ёки заиф деб топилса, кредит ва тўлов ташкилотлари маълумотларни ҳимоя қилишда янгиланган, эквивалент ёки ундан юқори даражадаги хавфсизликни таъминлайдиган криптографик алгоритмлар ва протоколлардан фойдаланишлари лозим.

Кредит ва тўлов ташкилотлари ахборот тизимлари доирасида амалга оширилган барча техник жараёнлар, фойдаланувчи фаолияти, хавфсизлик билан боғлиқ ҳолатлар, операция журналлари ва тегишли дастурий ёзувларни камида 3 йил мобайнида хавфсиз ва ишончли шаклда сақлаши лозим.

Кредит ва тўлов ташкилотлари томонидан жорий этилган мобил иловалар ва уларнинг веб-талқини ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш талабларига тўлиқ жавоб бериши лозим.

Мобил иловага техник хавф туғдирувчи қурилмаларда ишлашини автоматик тарзда аниқлаш ва блоклаш механизмлари жорий этилиши лозим.

Кредит ва тўлов ташкилотлари қуйидаги ҳолатларда мобил илованинг ишлашини чеклаши лозим:

андроид операцион тизимида ишловчи қурилманинг тизим ҳуқуқларига ноқонуний кириш орқали хавфсизлик сиёсати бузилганда (root);

iOS операцион тизимида ишловчи қурилмада ишлаб чиқарувчи томонидан ўрнатилган хавфсизлик чекловлари ўчирилиб, тизимга чуқур кириш имконияти яратилганда (jailbreak).

Мобил илова ишга туширилганда қурилманинг хавфсизлик ҳолати таҳлил қилиниши (SafetyNet Attestation, Play Integrity API, Jailbreak detection каби воситалар) ва салбий ҳолат аниқланганда мобил илованинг иш фаолияти тўхтатилиб, фойдаланувчига СМС-хабарнома юборилиши шарт. Ушбу ҳолат баённома (loglar) базасига автоматик тарзда қайд этилиши лозим.

Мобил илова дастур кодига рухсатсиз кириш, тахрирлаш, тескари муҳандислик (reverse engineering) ва декомпиляция орқали таҳлил қилиш имкониятини чекловчи махсус технологиялар билан ҳимоя қилиниши шарт.

Кредит ва тўлов ташкилотлари мобил илова орқали тарқалиши мумкин бўлган зарарли кодлар, дастурлар ва фродга оид таҳдидларни аниқлаш ва уларнинг олдини олиш мақсадида мобил SDK (Software Development Kit) орқали антивирус ва антифрод функциялари билан таъминланган хавфсизлик модулларини интеграция қилиши керак.

Кредит ва тўлов ташкилотлари мобил иловани реал вақт режимида таҳдидлардан ҳимоя қилиш учун RASP (Runtime Application Self-Protection) технологияларини жорий қилиши лозим.

Кредит ва тўлов ташкилотлари ўз веб-талқинларида қуйидаги ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш чораларини кўришлари шарт: маълумот алмашинуви HTTPS протоколи орқали амалга оширилиши ва HSTS (Strict Transport Security) сиёсати фаоллаштирилиши;

веб-талқинга юкланадиган JavaScript кодларининг яхлитлигини таъминлаш учун SRI (Subresource Integrity) ёки шунга мос механизмлар қўлланиши;

браузер муҳитида аномал фаолликни (бот фаоллиги, автокликер, виртуал муҳит) аниқлаш учун тегишли киберхавфсизлик воситаларини жорий қилиши.

Кредит ва тўлов ташкилотлари мобил иловалар ва уларнинг веб-талқинида сессия бошқаруви ҳамда аутентификация хавфсизлигини ўзининг антифрод тизимларида белгиланган талаб ва қоидаларга асосан таъминлайди.

Фойдаланувчининг фаолияти, сессиялари, аномал ҳаракат ва таҳдидлар билан боғлиқ барча маълумотлар баённомалаштирилиши (логлаш) ҳамда марказлашган мониторинг (SIEM) тизимида интеграция қилинган ҳолда реал вақт режимида кузатилиши ва қайд этилиши шарт.

Кредит ва тўлов ташкилотларининг мобил иловаларига қисқа вақт оралиғида ноодатий даражада кўп сўровлар келиб тушганда ахборот тизимининг барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида бундай сўровларга нисбатан чекловлар жорий этиши, вақтинчалик блоклаш ёки бошқа ҳимоя чораларини мустақил равишда қўллашлари лозим.

Мобил иловадаги аккаунтга 1 дақиқа мобайнида 1 та IP манзилдан 2 ва ундан ортиқ қурилмадан уриниш ҳолатлари кузатилса, ушбу аккаунт 10 дақиқага блокраниши лозим⁴⁰².

Оператор, провайдер, дилер ва эшиттирувчилар телекоммуникациялар тармоқларида ахборот ва киберхавфсизликни таъминлашда ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш соҳасида қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиши, жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Wi-Fi хизмати ташкилотчиси оператор ёки провайдер билан биргаликда, ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Оператор ва провайдерлар телекоммуникациялар хизматларини кўрсатишда ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши шарт. Телевидение тармоқлари орқали қонунчилик билан тақиқланган маълумотларни тарқатишга йўл қўйилмайди. Абонентлар ва фойдаланувчилар телекоммуникациялар ёрдамида тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотни тарқатмасликка мажбур⁴⁰³.

Ахборот тизимларининг тармоқлараро боғланиши турли ахборот тизимлари ўртасида ахборот алмашиш учун амалга оширилади.

Белгиланган нормалар ва қоидаларга мувофиқ ўзаро тармоқлараро боғланиш имкониятини ахборот тизимларининг мулкдорлари, эгалари таъминлайди.

Турли ахборот тизимларининг тармоқлараро боғланиши ахборот тизимларининг мулкдорлари, эгалари ўртасидаги шартнома асосида амалга оширилади.

Тармоқлараро боғланишни амалга ошириш ҳамда турли ахборот тизимларининг ўзаро алоқада бўлиш тартиби ва шартлари махсус ваколатли орган томонидан белгиланади.

Ахборот ресурслари ва ахборот тизимларини муҳофаза қилиш қуйидаги мақсадларда амалга оширилади:

шахс, жамият ва давлатнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш;

ахборот ресурсларининг тарқалиб кетиши, ўғирланиши, йўқотилиши, бузиб талқин этилиши, тўсиб қўйилиши, қалбакилаштирилиши ва улардан бошқача тарзда рухсатсиз эркин фойдаланилишининг олдини олиш;

⁴⁰² Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2025 йил 23 декабрдаги 35/14-сон қарори (21.01.2026 й., рўй.: 3759-сон) билан тасдиқланган “Кредит ва тўлов ташкилотлари, тўлов тизими операторлари томонидан жисмоний шахсларга масофадан молиявий хизматлар кўрсатишда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш ҳамда фрод ҳолатларининг олдини олиш бўйича минимал талаблар тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁴⁰³ Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 6 январдаги 287-мх-сон буйруғи (26.01.2026 й., рўй.: 3762) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

ахборотни йўқ қилиш, тўсиб қўйиш, ундан нусха олиш, уни бузиб талқин этишга доир рухсатсиз ҳаракатларнинг ҳамда ахборот ресурслари ва ахборот тизимларига бошқа шаклдаги аралашиларнинг олдини олиш;

ахборот ресурсларидаги мавжуд давлат сирлари ва махфий ахборотни сақлаш.

Ахборот ресурслари ва ахборот тизимлари, агар улар билан ғайриқонуний муносабатда бўлиш натижасида ахборот ресурсларининг ёки ахборот тизимларининг мулкдорларига, эгаларига ёхуд бошқа юридик ҳамда жисмоний шахсларга зарар етказилиши мумкин бўлса, муҳофаза қилиниши керак.

Давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар давлат сирлари ҳамда махфий сирлар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган ахборот ресурслари ва ахборот тизимларининг муҳофаза қилинишини таъминлаши шарт.

Ахборот ресурслари ва ахборот тизимлари муҳофаза қилинишини ташкил этиш тартиби уларнинг мулкдорлари, эгалари томонидан мустақил белгиланади.

Давлат сирлари ҳамда махфий сирлар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган ахборот ресурслари ва ахборот тизимларининг муҳофаза қилинишини ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Эркин фойдаланилиши чеклаб қўйилган ахборот ресурсларини ўз ичига олган ахборот тизимларининг халқаро ахборот тармоқларига ҳамда Интернет жаҳон ахборот тармоғига уланиши фақат зарур муҳофаза чоралари қўрилганидан кейин амалга оширилади. Давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар давлат сирлари ҳамда махфий сирлар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган ахборот ресурслари ва ахборот тизимларининг муҳофаза қилинишини таъминлаши шарт. Сунъий интеллектдан фойдаланиб яратилган ахборот ресурслари ҳамда сунъий интеллект технологиялари асосида ишлайдиган ахборот тизимлари инсонга, унинг ҳаётига, соғлиғига, эркинлигига, шаънига, кадр-қимматига путур етказмаслиги ва унинг бошқа ажралмас ҳуқуқларини бузмаслиги шарт. Веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурсининг эгаси, шу жумладан блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштирилдиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифасидан ёхуд бошқа ахборот ресурсидан қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган ўзга ҳаракатларни содир этиш мақсадларида фойдаланилишига йўл қўймаслиги шарт⁴⁰⁴.

Ўзбекистон Республикасида телекоммуникациялар тармоқларида фойдаланиладиган телекоммуникацияларнинг техник воситалари, шу жумладан фойдаланувчи қурилмалари қонунчиликка ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга мувофиқлиги юзасидан сертификатлаштирилиши лозим.

⁴⁰⁴ Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги 560-II-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Телекоммуникациялар тармоқларидаги мобиль қурилмаларнинг халқаро ўзига хос идентификация кодлари рўйхатдан ўтказилиши керак.

Давлат сирларини ёки махфий ахборотни ўз ичига олган ахборотга ишлов бериш учун мўлжалланган телекоммуникациялар тармоқлари ахборот хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги юзасидан мажбурий аттестациядан ўтказилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган операторлар ва провайдерлар телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш учун фойдаланиладиган ускуналарни, дастурларни ҳамда аппарат-дастурий мажмуаларни қонунчиликда белгиланган тартибда махсус ваколатли давлат органи орқали ўз маблағлари ҳисобидан олиши, ўрнатиши ва уларнинг нормал ишлашини таъминлаши, шунингдек мазкур тадбирларни ўтказишнинг ташкилий, техник ва тактик усуллари ошкор этилишига йўл қўймаслик чораларини кўриши шарт.

Телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда фойдаланиладиган ускуналарни, дастурларни ҳамда аппарат-дастурий мажмуаларни жорий этиш ва улардан фойдаланиш фақат махсус ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилади.

Телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда фойдаланиладиган ускуналар, дастурлар ҳамда аппарат-дастурий мажмуаларнинг миқдори ва таркиби операторлар ҳамда провайдерлар томонидан махсус ваколатли давлат органи билан келишилади.

Телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-қидирув тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича махсус ваколатли давлат органининг кўрсатмалари операторлар ва провайдерлар томонидан бажарилиши, ушбу мақсадлар учун шарт-шароитлар яратилиши, шунингдек ўз ахборот тизимларига ва телекоммуникациялар тармоқларига бошқа ахборот тизимларини ҳамда телекоммуникациялар воситаларини ўрнатиш ва улаш масаласи махсус ваколатли давлат органи билан келишилиши шарт.

Операторлар ва провайдерларнинг махсус ваколатли давлат органи билан ўзаро муносабатлари тартиби қонунчиликда белгиланади.

Телекоммуникациялар тармоқларидан ёки воситаларидан шахс, жамият ва давлат манфаатларига зарар етказувчи жиноий мақсадларда фойдаланилган тақдирда, бундай телекоммуникациялар тармоқларининг ёки воситаларининг ишлаши тўхтатилади.

Операторлар ва провайдерлар:

телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензия талаблари ва шартларига, шунингдек белгиланган қоидаларга мувофиқ амалга ошириши;

кўрсатилаётган хизматларнинг сифати қонунчилик ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ бўлишини таъминлаши;

кўрсатилаётган хизматлар сифатини баҳолаш услубларини очик манбаларда кўрсатиши;

телекоммуникациялар тармоқлари орқали узатиладиган барча турдаги сўзлашувларнинг, хабарларнинг сир сақланишига риоя этиши;

хизматлар кўрсатиш шартлари ва тартиби тўғрисидаги, шу жумладан телекоммуникациялар хизматларининг тарифлари ўзгариши тўғрисидаги тўлиқ ахборотни фойдаланувчиларга ўз вақтида тақдим этиши;

қонунчиликка, шунингдек лицензия талаблари ва шартларига мувофиқ ваколатли давлат органи билан келишувга кўра ўз тармоқларини изчиллик билан ривожлантириши ҳамда кенгайтириши;

ўзи кўрсатаётган хизматлар тўғрисидаги ахборотни бепул тақдим этиши, шунингдек абонентларни қўллаб-қувватлаш маркази орқали абонентларнинг мурожаатларини бепул қабул қилиши ва уларнинг ижросини таъминлаши шарт.

Фойдаланувчилар:

телекоммуникациялар хизматларидан фойдаланишнинг белгиланган қоидаларига риоя этиши;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлик сертификатига эга бўлган, халқаро ўзига хос идентификация кодлари рўйхатдан ўтказилган мобиль қурилмалардан фойдаланиши;

ўзига кўрсатилган хизматлар учун ҳақни ўз вақтида тўлаши;

иш сифатини пасайтиришга ёки телекоммуникациялар тармоқларини шикастлантиришга қаратилган хатти-ҳаракатлар қилмаслиги шарт⁴⁰⁵.

Телекоммуникациялар тармоқларида фойдаланиладиган ва мажбурий сертификатланиши керак бўлган телекоммуникацияларнинг техник воситалари мувофиқлик сертификатларига эга бўлиши керак.

Оператор, провайдер, дилер ва эшиттирувчилар телекоммуникациялар тармоқларида ахборот ва киберхавфсизликни таъминлашда:

ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш соҳасида қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиши;

одамларнинг денгиздаги, ердаги, ҳаводаги, космик фазодаги хавфсизлигига, мудофаа, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни сақлаш соҳасидаги кечиктириб бўлмайдиган тадбирларни ўтказишга тааллуқли барча хабарларга, шунингдек йирик авариялар, фалокатлар, эпидемиялар, ёнғинлар ва бошқа фавқулодда вазиятлар ҳақидаги хабарларга мутлақ устуворлик бериши;

техник воситалардан Ўзбекистон Республикасининг мавжуд конституциявий тузумини, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга даъват қилиш, уруш ва зўравонликни, шафқатсизликни, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб этиш, давлат сирини ёки қонунчилик билан қўриқланадиган ўзга сирни ошкор этиш, жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак.

Эшиттирувчилар, операторлар ва провайдерларнинг телевидение (радиоэшиттириш) тармоқлари ва техник бинолари қўриқлаш, ҳимоялаш ва хавфсиз фаолиятини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 14 апрелдаги 92-сон қарори билан тасдиқланган

⁴⁰⁵ Ўзбекистон Республикасининг “Телекоммуникациялар тўғрисида” 2024 йил 27 декабрдаги ЎРҚ–1015-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар объектларини кўриқлаш, муҳофаза қилиш ҳамда уларнинг хавфсиз фаолият кўрсатиши қоидалари талабларига жавоб бериши шарт.

Оператор, провайдер ва телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш жараёнига алоқадор бошқа субъектлар томонидан яратилган ва абонентлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган маълумотлар базалари конфиденциал тусдаги ҳужжатлар сифатида ҳимояланиши керак.

Абонентлар тўғрисидаги маълумотлардан бу абонентларнинг розилигисиз ахборот-маълумот хизмат кўрсатилиши учун фойдаланиш мумкин эмас.

Оператор, провайдер, диллер ва телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш жараёнига алоқадор бошқа субъектлар телекоммуникациялар тармоқлари орқали узатиладиган телефон сўзлашувлари ва бошқа хабарлар, шунингдек, уларга тааллуқли бўлган барча маълумотларнинг сир тутилишини таъминлаши шарт.

Оператор (провайдер) абонентларнинг умумий фойдаланиш тармоғидан узлуксиз фойдалана олишини таъминлашга мажбур.

Мобил алоқа тармоғи фойдаланувчи қурилмаси IMEI-коди рўйхатдан ўтган бўлиши керак.

Телекоммуникациялар тармоғига мувофиқлик сертификатига эга фойдаланувчи қурилмалари (телефон аппаратлари, рақамни автоматик аниқлаш функцияларига эга телефон аппаратлари, маълумотлар узатиш ва телематик хизматлар ускуналари (телефакс, телетекс, видеотекс ва бошқалар), радиотелефон алоқа воситалари, автожавоббергичлар, сигнализация қурилмалари) уланади.

Операторлар ва провайдерларнинг телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш фаолияти белгиланган тартибда олинган лицензияга мувофиқ амалга оширилади.

Абонент шартномаси бекор қилинганидан сўнг, оператор (провайдер) маълумотлар базасидан абонентларнинг шахсий маълумотлари йўқ қилишлари шарт.

Шаҳарлараро ва халқаро телефон боғланиш автоматик хизмат кўрсатиш тизими, буюртма хизмат кўрсатиш тизими ва дарҳол хизмат кўрсатиш тизими бўйича амалга оширилиши мумкин.

Телефон тармоқларида сигнализация ускуналарини ўрнатиш ва уларга техник хизмат кўрсатишни ташкил этиш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ваколатли органлар томонидан амалга оширилади.

Wi-Fi хизмати ташкилотчиси:

оператор ёки провайдер билан биргаликда, фойдаланувчиларнинг шахсини идентификациялаш ҳамда фойдаланилган веб-ресурслар (лог-файллар) ҳисобини юритиш бўйича аппарат-техник чора-тадбирлар кўриши ва уларни 3 ой ичида сақланишини ташкиллаштириш;

оператор ёки провайдер билан биргаликда, ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, Ўзбекистон Республикасининг мавжуд конституциявий тузумини, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга

даъват этишга, уруш, зўравонлик ва терроризмни, шунингдек диний экстремизм, сепаратизм ва фундаментализм ғояларини тарғиб қилишга, миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатувчи ахборотни, шунингдек, порнографияни тарғиб қилишга қаратилган ахборотнинг ва тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак.

Wi-Fi хизмати ташкилотчиси ўз ҳудудида бепул Wi-Fi хизматини ташкил этиш оператор ёки провайдер билан тузилган шартномага мувофиқ оператор ёки провайдернинг аппарат-дастурий воситалари асосида амалга оширилиши мумкин.

Абонент учун абонент рақамини кўчириш хизмати мобил алоқа операторлари (провайдерлари) томонидан тақдим этилади.

КРМБни шакллантириш, юритиш, ишлаши ва техник кузатуви, шу жумладан ундаги ахборот ва маълумотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш, узатиш, шунингдек КРМБдан фойдалана олиш имкониятини тақдим этиш Ўзбекистон Республикасининг «Шахсга доир маълумотлар тўғрисида»ги Қонуни талабларига риоя қилган ҳолда КРМБ оператори томонидан таъминланади.

Абонент рақамини кўчириш жараёнини амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотлар мобил алоқа операторлари (провайдерлари) томонидан КРМБ операторига ва аксинча Ўзбекистон Республикасининг «Шахсга доир маълумотлар тўғрисида»ги Қонуни талабларига риоя қилган ҳолда тақдим этилади.

КРМБдаги ахборотни муҳофаза қилиш, шунингдек ундан фойдалана олиш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя қилган ҳолда таъминланади.

КРМБда сақланаётган маълумотларни рухсатсиз фойдалана олишдан химоялаш КРМБ оператори томонидан таъминланади.

Эшиттирувчи, оператор, провайдер телевидение хизматлари фаолиятини лицензия асосида амалга оширади.

Телевидение тармоқлари орқали қонунчилик билан тақиқланган маълумотларни тарқатишга йўл қўйилмайди.

Оператор ва провайдерлар телекоммуникациялар хизматларини кўрсатишда қуйидагиларга мажбур:

ўз фаолиятини лицензия шартлари ва қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириш;

телекоммуникациялар тармоқлари бўйлаб узатиладиган телефон сўзлашувлари ва барча турдаги маълумотларни сир сақлаш;

телекоммуникациялар тармоқларидан рухсатсиз фойдалана олиш ҳолатларига йўл қўймаслик чораларини кўриш;

шартномада белгиланган муддатларда телекоммуникациялар алоқаси хизматларини кўрсатиш;

хизматлар, кечаю-кундуз кўрсатилишини таъминлаш;

оператор ва провайдер тармоғидаги IP протоколи асосида ишловчи қурилмаларни IPv6 протоколи версиясини қўллаб-қувватлашини таъминлаш;

ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, Ўзбекистон Республикасининг мавжуд конституциявий тузумини, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга даъват этишга, уруш, зўравонлик ва терроризмни, шунингдек, диний экстремизм, сепаратизм ва фундаментализм ғояларини тарғиб қилишга, миллий, ирқий, этник ёки диний адоват кўзғатувчи ахборотни, шунингдек, порнографияни тарғиб қилишга қаратилган ва тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриш;

операторлар ва провайдерлар томонидан абонентларга телекоммуникациялар хизматларини кўрсатишда овозини ўзгартириш ва абонент рақамини сохталаштириш, ўзгартириш технологияларига асосланган хизматлар кўрсатмаслик;

абонентлар операторнинг (провайдернинг) ахборот-маълумот хизматига қўнғироқ қилиб боғланишида тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш.

Бунда, абонентлар операторнинг (провайдернинг) ахборот-маълумот хизматига қўнғироқ қилиб боғланишларида маълум бир абонентларга бошқа абонентларга нисбатан устуворлик (боғланиш вақти, хизмат кўрсатиш вақти ва бошқалар) тақдим этилишига йўл қўйилмайди.

Мобил алоқа хизматларини кўрсатишда оператор (провайдер) қуйидагиларга мажбур:

хизмат кўрсатиш ҳудуди доирасида мобил алоқа хизматларини сифатли, ўз вақтида ва кеча-ю кундуз кўрсатилишини таъминлаш;

абонент шартноманинг бекор қилиниши вақтигача қарзини ва олдиндан тўловнинг зарур суммаси тўлиқ ҳажмда тўлаганида абонентга мобил алоқа хизматлари кўрсатилишини тиклаш;

ўзини-ўзи обрўсизлантирган дилерлар билан шартномалар тузмаслик;

СИМ-картани алмаштириш, шунингдек абонентнинг аризаси бўйича рақамни бошқа фойдаланувчи қурилмасига қайта дастурлаш (СИМ-картадан фойдаланишни кўзда тутмайдиган мобил алоқа стандартлари учун) хизматларини кўрсатиш фақат операторнинг (провайдернинг) хизмат кўрсатиш пунктларида амалга оширилишини таъминлаш;

дилер орқали тузилган мобил алоқа хизматларини кўрсатиш шартномаси асосида абонентга мобил алоқа хизматларини тақдим этиш;

ҳалқаро трафикнинг ноқонуний ўтказилиши ҳамда GSM, IP ёки SMS-шлюзлардан яширин фойдаланишга қарши чораларни кўриш, шу жумладан тармоқда махсус аппарат-дастурий воситаларни ўрнатиш йўли билан;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида GSM стандартида ишлайдиган барча оператор (провайдер) КРМБга уланиш;

абонентнинг оператор тармоқларида абонент рақамини кўчиб ўтиш хизматидан фойдаланиш ҳуқуқига тўсқинлик қилмаслик;

мунтазам равишда ўз телекоммуникациялар тармоқларида халқаро трафикни ўтказиш тартиби бузилишларининг олдини олиш, аниқлаш ва тугатишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш ва абонентнинг ҳаракатларини таҳлил қилиш ёки тегишли тадбирларни амалга ошириш йўли

билан абонент рақамларини фаол аниқлаш принципларига асосланган воситалар ва тизимларни қўллаш.

Оператор ва провайдерлар маълумот узатиш хизматларини кўрсатишда халқаро трафик ноқонуний ўтказиш (шу жумладан GSM, IP ёки SMS-шлюзлардан), шунингдек тармоқда махсус аппарат-дастурий воситаларини ўрнатиш йўли билан ноқонуний фойдаланишга қарши курашиш чораларини кўришга мажбур.

Абонентлар ва фойдаланувчилар қуйидагиларга мажбур:

оператор (провайдер) билан тузилган шартнома шартларига риоя қилишга;

телекоммуникациялар тармоғидан давлат сири бўлган маълумотларни ёки қонунчилик билан қўриқланадиган бошқа сирни узатиш учун фойдаланишга йўл қўймасликка;

телекоммуникациялар тармоғи орқали Ўзбекистон Республикасининг мавжуд конституциявий тузумини, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга даъват этишга, уруш, зўравонлик ва терроризмни, шунингдек, диний экстремизм, сепаратизм ва фундаментализм ғояларини тарғиб қилишга, миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатувчи, шунингдек порнографияни тарғиб қилишга қаратилган ахборотни ва тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотни тарқатмасликка;

телекоммуникациялар тармоғи ёрдамида фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматига ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи, уларнинг шахсий ҳаётига аралаштиришга йўл қўйувчи ахборотни тарқатмасликка;

қонунчилик ҳужжатларига асосан телекоммуникациялар тармоғи орқали тарқатилиши тақиқланган ахборотлардан тижорат ёки нотижорат мақсадларда тарқатиш учун фойдаланмасликка;

телекоммуникациялар тармоқлари иш сифатининг пасайишига ёки телекоммуникациялар тармоқларининг шикастланишига олиб келадиган ҳаракатларни бажармасликка;

ўз хоналарида жойлашган абонент тармоғи ва фойдаланувчи қурилмасини техник ҳужжатлар қоидаларига риоя қилишга;

маълумотлар базаларидан рухсатсиз фойдаланмасликка ва операторнинг (провайдернинг) дастурий воситаларини ўзгартирмасликка;

таркибида компьютер вируслари ёки тармоқ учун зарар етказиши мумкин бўлган ахборотни ёки дастурий таъминотни эълон қилмаслик ёки узатмасликка;

компьютер ахборотидан, яъни ахборот-ҳисоблаш тизимлари, тармоқлари ва уларнинг таркибий қисмларидаги ахборотлардан қонунга ҳилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланмасликка;

телекоммуникациялар тармоғида тақдим этилган ахборот ва интеллектуал мулк объекти учун муаллифлик ҳуқуқларини бузмасликка;

телевидение тармоқларида бошқа шахсларнинг бериладиган сигналга уланиш ҳолатларига йўл қўймасликка;

оператор (провайдер) вакилларига уларни текшириш, таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш учун телекоммуникациялар иншоотлари ва қурилмалари жойлашган ҳудудларга киришни таъминлашга.

Маълумот узатиш хизматлари абонентлари ва фойдаланувчилари қуйидагиларга мажбур:

телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш учун GSM, IP ёки SMS-шлюзлар ёки шунга ўхшаш аппарат-дастурий воситалардан фойдаланиш нияти бўлганда, бу ҳақда операторни (провайдерни) огоҳлантиришга;

маълумотлар узатиш тармоғидан халқаро трафикни ноқонуний ўтказиш мақсадида фойдаланмасликка, шу жумладан GSM ва IP-шлюзлар орқали.

Мобил алоқа хизматлари абонентлари ва фойдаланувчилари қуйидагиларга мажбур:

абонент рақамидан шахсий мақсадларда ёки ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун (якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахслар учун) фойдаланиш, спамга, фирибгарликка, оператор (провайдер) билан олдиндан келишмасдан оммавий SMS жўнатмаларга, шунингдек, бошқа ноқонуний фойдаланишга йўл қўймасликка;

абонент рақамидан халқаро трафикни ноқонуний ўтказиш учун фойдаланмаслик, шу жумладан, GSM ва IP шлюзлардан фойдаланган ҳолда.

ўрнатилган ҳимоя тизимларини четлаб ўтган ҳолда телекоммуникациялар тармоғидан фойдаланиш ҳамда халқаро трафикни ўтказиш мақсадида телекоммуникациялар тармоғидан қонунга ҳилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланмасликка, шунингдек мазкур мақсадлар учун мўлжалланган махсус дастурий ёки аппарат воситаларини қонунга ҳилоф равишда (рухсатсиз) сақлаш ва уларнинг фаолиятига йўл қўймаслик⁴⁰⁶.

Давлат фуқаролик хизматчиси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига риоя этиши, ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажариши, давлат органи томонидан белгиланган одоб-ахлоқ қоидаларига, хизматга оид ахборот билан ишлаш тартибига, шунингдек давлат фуқаролик хизматини ўташ билан боғлиқ бошқа қоидаларга риоя этиши, давлат органининг нуфузини туширишга олиб келиши ёки унинг ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажаришига шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳаракатлардан (ҳаракатсизликдан), шу жумладан ўз хизмат мажбуриятларини бажараётганда ҳар қандай шаклдаги камситишдан, ноҳолисликдан ёки кимгадир нисбатан алоҳида муносабатда бўлишдан тийилиши шарт⁴⁰⁷.

Ушбу нормаларнинг бузилиши натижасида мазкур жиноят вужудга келади.

Бунда, давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлиги ахборот соҳасидаги хавфсизликка таҳдидларга қарши ҳаракатлар юзасидан иқтисодий, сиёсий, ташкилий ва бошқа тусдаги чора-тадбирларни амалга ошириш, давлат

⁴⁰⁶ Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 6 январдаги 287-мх-сон буйруғи (26.01.2026 й., рўй.: 3762) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁴⁰⁷ Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида” 2022 йил 8 августдаги ЎРҚ–788-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

сирларини сақлаш ва давлат ахборот ресурсларини улардан рухсатсиз тарзда фойдаланилишидан муҳофаза қилиш, Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ахборот маконига ва замонавий телекоммуникациялар тизимларига интеграциялашуви, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартиришга, ҳудудий яхлитлигини, суверенитетини бузишга, ҳокимиятни босиб олишга ёки қонуний равишда сайлаб қўйилган ёхуд тайинланган ҳокимият вакиллари ҳокимиятдан четлатишга ва давлат тузумига қарши бошқача тажовуз қилишга очикдан-очик даъват этишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишидан ҳимоя қилиш, урушни ва зўравонликни, шафқатсизликни тарғиб қилишни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоват уйғотишга қаратилган терроризм ва диний экстремизм ғояларини ёйишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишига қарши ҳаракатлар қилиш билан таъминланади. Шахснинг ахборот борасидаги хавфсизлиги унинг ахборотдан эркин фойдаланиши зарур шароитлари ва кафолатларини яратиш, шахсий ҳаётига тааллуқли сирларини сақлаш, ахборот воситасида қонунга ҳилоф равишда руҳий таъсир кўрсатилишидан ҳимоя қилиш йўли билан таъминланади. Жисмоний шахсларга тааллуқли шахсий маълумотлар махфий ахборот тоифасига киради. Жисмоний шахснинг розилигисиз унинг шахсий ҳаётига тааллуқли ахборотни, худди шунингдек шахсий ҳаётига тааллуқли сирини, ёзишмалар, телефондаги сўзлашувлар, почта, телеграф ва бошқа мулоқот сирларини бузувчи ахборотни тўплашга, сақлашга, қайта ишлашга, тарқатишга ва ундан фойдаланишга йўл қўйилмайди, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно. Жисмоний шахслар тўғрисидаги ахборотдан уларга моддий зарар ва маънавий зиён етказиш, шунингдек уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари рўёбга чиқарилишига тўсқинлик қилиш мақсадида фойдаланиш тақиқланади. Фуқаролар тўғрисида ахборот олувчи, бундай ахборотга эгалик қилувчи ҳамда ундан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахслар бу ахборотдан фойдаланиш тартибини бузганлик учун қонунда назарда тутилган тарзда жавобгар бўладилар. Ахборот манбаи ёки муаллиф номи фақат суд қарори билан ошкор этилиши мумкин⁴⁰⁸.

Бунда, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда аниқланган валюта намунаси қалбаки эканлигига шубҳа пайдо бўлганда, тезкор-қидирув тадбирлари давомийлигини таъминлаш зарурати юзага келганда, тезкорликни амалга ошириш ҳамда тегишли вақтни тежаш мақсадида мазкур модда (буюм) ёки валюта намуналарини улар аниқланган жойнинг ўзида ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар биносида экспресс текшириш техник воситалари ёрдамида текширади⁴⁰⁹.

⁴⁰⁸ Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принципи ва кафолатлари тўғрисида” 2002 йил 12 декабрдаги 439-П-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁴⁰⁹ Вазирлар Маҳкамасининг “Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг аналоглари, прекурсорлар, кучли таъсир қилувчи моддалар ҳамда валюта намуналарини экспресс текшириш жараёнида техник воситалардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2023 йил 12 январдаги 12-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

2. Кибержиноят асосий бевосита объекти – ахборот-коммуникация технологияларининг муҳофазаси, шу жумладан, ахборот ва киберхавфсизлик.

3. Кибержиноят қўшимча бевосита объекти – жамият ва жамоат хавфсизлиги.

4. Кибержиноят факультатив бевосита объекти – ўзга шахс (лар) ва давлат, шу жумладан, шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни, кадр-қиммати, мулк дахлсизлиги, тинчлик ва инсоният хавфсизлиги, бошқарув тартиби ва бошқалар;

5. Кибержиноят субъекти – 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс.

6. Кибержиноят субъектив томони – қасддан.

7. Кибержиноят объектив томони – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ёки қонунга хилоф равишда ахборот-коммуникация тизимига кириб, ўзганинг компьютер ускунасини ёки хизматда фойдаланиладиган компьютер ускунасини қасддан ишдан чиқариш, худди шунингдек компьютер тизимини бузиш (компьютер саботажи) йўли билан содир этилади.

8. Кибержиноят мақсади – моддий ёки (ва) номоддий манфаат, ғаразли ёки бошқа паст ниятлар, ўч олиш ва ҳк.

9. Кибержиноят воситаси (қуроли) – ахборот-коммуникация технологиялари.

10. Кибержиноятнинг зарурий белгилари:

- 1) қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги;
- 2) қилмишнинг ҳуқуққа хилофлилиги;
- 3) қилмишда айбнинг мавжудлиги;
- 4) қилмишнинг жазога сазоворлиги;
- 5) қилмишнинг ўзганинг ёки хизматда фойдаланиладиган компьютер ускунаси ва тизимига боғлиқлиги;

6) қилмиш ўзганинг компьютер ускунасини ёки хизматда фойдаланиладиган компьютер ускунасини қасддан ишдан чиқариш, худди шунингдек компьютер тизимини бузиш (компьютер саботажи) йўли билан содир этилиши;

7) алоқа;

8) ахборот;

9) кибермуҳит, шу жумладан, кибермакон;

10) ахборот-коммуникация технологиялари.

Ушбу белгиларнинг биронтаси мавжуд эмаслиги қилмишнинг кибержиноят эканлигини инкор этади.

11. Кибержиноятнинг тамомланиши –

1) ўзганинг компьютер ускунасини ёки хизматда фойдаланиладиган компьютер ускунасини қасддан ишдан чиқарилган вақтдан;

2) ўзганинг ёки хизматда фойдаланаётган компьютер тизими бузилган вақтдан бошлаб.

12. Кибержиноятнинг тузилишига кўра тури – моддий таркибли кибержиноятлар ҳам мавжуд.

13. Кибержиноятнинг ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра тури – ижтимоий хавфи катта бўлмаган кибержиноят.

14. Жазо тизимига кўра тури – ижтимоий хавфли қилмиши учун Жиноят кодексида жарима, ахлоқ тузатиш ишлари, озодликни чеклаш, озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган кибержиноятлар.

15. Жиноят предмети – компьютер ускунаси ва тизими, шу билан бирга, уларга боғлиқ бўлган ахборот-ҳисоблаш тизимлари, тармоқлари ва уларнинг таркибий қисмларидаги ахборот, электрон ҳисоблаш машиналари, электрон ҳисоблаш машиналари тизими ёки уларнинг тармоқлари, ахборот тизимлари, маълумотлар базалари ва банклари, ахборотга ишлов бериш ҳамда уни узатиш тизимлари, рақамли предметлар, жумладан, онлайн казино платформалари, betting сайтлар, мобил иловалар (gambling apps), ботлар (Telegram/Discord), молиявий элементлар жумладан, электрон пуллар (Click, Payme, crypto), виртуал баланслар, ставкалар (bets), дастурий таъминот, жумладан, gambling software, RNG (random generator) тизимлари, mirror сайтлар, шу билан бирга, матн, видео, аудио, мемлар, постлар, deepfake контент ва бошқа шаклдаги ахборот шунингдек, қуйидагилар ҳам жиноят предмети бўлиши мумкин:

1. Молиявий воситалар – нақдсиз пул, банк ўтказмалари, электрон ҳамёнлар орқали тўловлар (Payme, Click, PayPal, QIWI ва ҳ.к.), криптовалюта (Bitcoin, USDT, Ethereum ва бошқалар), онлайн тўлов тизимлари орқали маблағ, қимматли қоғозлар (акциялар, облигациялар), электрон сертификатлар, баланс тўлдириш (телефон, аккаунт, карта) ва ҳ.к.;

2. Рақамли активлар – лицензия калитлари (software key), онлайн сервис аккаунти, Premium обуна, домен номи, веб-сайтга эгалик, ижтимоий тармоқлардаги (Telegram, Instagram, YouTube ва бошқалар) каналлар ва гуруҳлар, NFT активлари, онлайн ўйин аккаунтлари, база маълумотлар, электрон контракт ҳуқуқи, NFTлар, ўйин ичидаги қимматбаҳо виртуал буюмлар (Skins, In-game currency) ва ҳ.к.;

3. Ахборот – махфий маълумот, тендер маълумотлари, миқдорлар базаси, пароллар, давлат реестри маълумотлари, имтиёзли кириш ҳуқуқи, жумладан, тижорат ёки хизмат сири ҳисобланган маълумотларга имтиёзли кириш ҳуқуқини бериш, касб, хизмат сирлари, текширув натижаларини ўзгартириш ва ҳ.к.;

4. Номоддий манфаат – лавозимга тайинлаш, лойиҳада ғолиб қилиш, рейтингни ошириш, файлни ўчириб бериш, маъмурий, молиявий ёки жиноий жазодан қутқариш, солиқ ва бошқа тўловларни камайтириш, давлат ижтимоий буюртмасини бериш, рухсатнома чиқариш ва ҳ.к.;

5. Техника ва IT ресурслар – сервер ресурслари, хостинг, VPN кириш, Cloud аккаунт, дастур кодлари, дастурий таъминот лицензияси, API кириш ҳуқуқи, бқори қийматга эга бўлган тижорат дастурларига (масалан, киберхавфсизлик ёки дизайн дастурларига) умрбод ёки узоқ муддатли пуллик обуналарни олиб бериш ва ҳ.к.;

6. Аралаш шакллар – қимматбаҳо техника (ноутбук, смартфон ва ҳ.к.), онлайн орқали етказилган товар, электрон ваучер, крипто-ҳисоб очиш,

тўловни учинчи шахс орқали амалга ошириш, жинойтчи учун бепул яратиб берилган веб-сайтлар, SMM хизматлари, пуллик дастурий таъминотларга лицензиялар ёки обуналар (Subscription), мансабдор шахс ёки унинг яқинлари учун бепул сервер майдони (Hosting) ажратиб бериш ёки веб-сайт ишлаб чиқиб, уни тарғиб қилиш (SMM/SEO) хизматларини бепул кўрсатиш, хизматчининг ижтимоий тармоқлардаги саҳифасини пуллик тарғиб қилиш (Boost), онлайн курслар ёки пуллик веб-сервисларга обуналарни (Premium subscription) совға қилиш ва ҳк.

16. Кибержинойтчи содир этишнинг энг кўп усуллари:

- 1) телекоммуникация ёки интернет тармоғида намоёйишкорона;
- 2) телекоммуникация ёки интернет тармоғида жойлаштириш орқали;
- 3) ахборот-коммуникация технологияларидан жиноят қуроли ёки воситаси сифатида фойдаланиш натижасида.

Ушбу жиноят қуйидаги шаклларда содир этилиши мумкин, хусусан:

Киберсаботаж икки хил даражада: аппарат (Hardware) ёки дастурий (Software) шаклда амалга оширилади:

1) дастурий-мантикий саботаж (Logical Destruction). Масалан:

Wiper (Ўчиргич) вируслари. Мисол учун, маълумотларни шифрлашдан (Ransomware) фарқли ўлароқ, Wiper вируслари (масалан, Shamoon, NotPetya) тизимнинг Master File Table (MFT) қисмини бутунлай ўчириб ташлайди ва операцион тизимни қайта тиклаб бўлмайдиган ҳолатга (brick) келтириш;

DDoS ҳужумлари (Distributed Denial of Service). Мисол учун, суд ёки давлат порталларининг сервериятига бир сонияда миллионлаб сохта сўровлар юбориб, тизимни қулатиш ва хизмат кўрсатишни тўхтатиб қўйиш;

логик бомбалар (Logic Bombs). Мисол учун, ишдан бўшатиш тизим администратори кетишдан олдин серверга махсус код қолдириб кетади ва маълум бир сана (масалан, 1 январь) келганда тизим ўзини-ўзи ўчириб юбориш;

2) аппарат-жисмоний саботаж (Hardware Destruction). Масалан:

USB Killer. Мисол учун, оддий флешкага ўхшовчи, лекин компьютер портига тикилганда 200-220 Вольт кучланиш бериб, материн платани (Motherboard) қуйдириб юборувчи қурилмалардан фойдаланиш;

инфратузилмавий ҳужум. Мисол учун, SCADA (саноатни бошқариш) тизимларига кириб, сервер хонасининг совутиш тизимини (Cooling system) дастурий равишда ўчириб қўйиш натижасида серверларнинг исиб кетиб, жисмонан ёнишига эришиш йўли билан содир этилиши мумкин.

Ушбу жиноятчи фош этишда қуйидаги рақамли излар тўпланиши мумкин, хусусан:

1) аномал тармоқ трафики излари. Мисол учун, DDoS ҳужумларда ҳужум манбаси (Ботнетлар) ва сўровларнинг пик (Peak) нуқталари қайд этилган провайдер логлари (NetFlow маълумотлари);

2) ўлик қурилмалар (Dead-box forensics). Мисол учун, жисмонан шикастланган ёки қуйган микросхемалар, қисқа туташув излари мавжуд бўлган процессор ва қаттиқ дисклар (HDD/SSD);

3) триггер кодлари. Мисол учун, логик бомба ишлатилганда тизим хотирасининг сақланиб қолган сегментларида вақт ёки ҳадисага боғланган кичик зарарли скриптлар (Cron jobs, Task Scheduler қайдлари).

Жиноятни фош этилиши учун қуйидаги экспертизалар ўтказилиши мумкин, хусусан:

1) суд-компьютер-техникавий экспертизаси компьютер тизимини ва тармоқларини қасддан фалаж қилишга қаратилган зарарли дастурлар (масалан, Wiper вируслари), мантикий бомбалар ёки тизимни ишдан чиқарувчи техник алгоритмларнинг мавжудлигини ва уларнинг ишлаш механизминини, ускунанинг ишдан чиқиш сабабини, шу жумладан, бу табиий эскиришми, электр токининг сакрашими (эҳтиётсизлик ёхуд тасодиф) ёки ташқаридан қасддан қилинган дастурий ёки аппарат аралашувими деган масалани, тизимнинг нима сабабдан тўхтаб қолганини, тизим логларини (logs), тизимга тўхталиш ёки узилишга оид буйруқлар юборилганини ёки тизим ресурсларини (CPU, RAM) атайлаб тўлдириб юбориш орқали қизиб кетиш (crash) ҳолатига олиб келинганини;

2) суд-электротехникавий экспертизаси компьютер ускунасини қасддан ишдан чиқариш мақсадида электр таъминоти тизимига ташқи таъсир кўрсатилганлигини, плата ва микросхемаларда сунъий равишда қисқа туташувлар ҳосил қилинганлигини ҳамда аппарат қисмининг техник шикастланиш даражасини, агар ускуна масалан, сервер ёки роутер қандайдир электромагнит импульс (EMP) ёки кучланиш воситасида қуйдирилган бўлса, унинг физик сабабларини;

3) суд-иктисодий экспертизаси компьютер ускунаси ёки тизимининг ишдан чиқиши натижасида корхона фаолияти тўхтаб қолганлиги сабабли етказилган моддий зарарни, ускунанинг қолдиқ қийматини ва тизимни қайта тиклаш учун сарфланадиган иктисодий харажатларни;

4) видеоматериалларнинг суд экспертизаси компьютер ускуналарига нисбатан жисмоний саботаж ҳаракатлари (уриб синдириш, суюқлик тўкиш ёки ёнғин келтириб чиқариш) акс этган рақамли видеоёзувларнинг ҳаққонийлигини ва улардаги техник деталларни;

5) суд-психологик экспертизаси айбдорнинг компьютер саботажини содир этишдаги қасди, ғаразли нияти ёки қасос олиш мотивларини ҳамда унинг ўз ҳаракатларининг ижтимоий хавфлилик оқибатларини англаш даражасини;

6) суд-портрет экспертизаси компьютер ускуналарига жисмоний шикаст етказган ва видеокузатув тизимлари тасвирига тушган шахсларнинг қиёфа белгиларини гумонланувчилар билан идентификация қилишни;

7) металл буюмлари ва қотишмаларининг суд экспертизаси ускуналарни ишдан чиқаришда фойдаланилган жисмоний асбоб-ускуналар (масалан, бурғу ёки болға) қолдирган микрозаррачаларнинг компьютер корпуси ва ички деталларидаги излар билан мутаносиблигини;

8) суд-фонографик экспертизаси саботаж ҳаракатларини мувофиқлаштириш учун ишлатилган алоқа воситаларидаги буйруқлар ёки таҳдидли овозли хабарлардаги нутқ эгасини идентификация қилишни;

9) ҳужжатларнинг суд-техникавий экспертизаси компьютер ускуналарини қасддан ишдан чиқариш ҳолатини яшириш мақсадида сохталаштирилган техник далолатномалар, ҳисобдан чиқариш (списание) ҳужжатлари ва улардаги рақамли реквизитларнинг ҳақиқийлигини;

10) шиша буюмлари ва силикатли қурилиш материалларининг суд экспертизаси компьютер ускуналари жойлашган махсус хоналарга (Data-center) дераза ёки шиша тўсиқларни синдириб кириш ҳолатларида, шиша синиқларининг гумонланувчи кийимларидаги заррачалар билан бир хиллигини;

11) суд-филологик (лингвистик) экспертизаси саботаж ҳаракати учун масъулиятни ўз зиммасига олиш ёки тизимни фалаж қилиш билан таҳдид қилиш мазмунидаги рақамли матнлар ва мессенжерлардаги хабарларнинг лингвистик хусусиятларини;

12) суд-хатшунослик экспертизаси компьютер саботажига асос бўлган ёки уни ниқоблаган қўлёзма техник қайдлар, ҳисоботлар ва имзоларнинг айнан қайси шахс томонидан ижро этилганлигини аниқлайди.

1.26-§. Зарар келтирувчи дастурларни яратиш, ишлатиш ёки тарқатиш жиноятининг юридик-техник таҳлили

278^б-модда. Компьютер тизимида сақланаётган ёки узатилаётган ахборотни рухсатсиз йўқ қилиб юбориш, тўсиб қўйиш, модификациялаштириш, ундан нусха кўчириш ёки уни қўлга киритиш мақсадини кўзлаб компьютер дастурларини яратиш ёки мавжуд дастурларга ўзгартиришлар киритиш, худди шунингдек махсус вирус дастурларини ишлаб чиқиш, улардан қасддан фойдаланиш ёки уларни қасддан тарқатиш –

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача озодликни чеклаш ёхуд икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

в) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

г) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, –

икки йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд икки йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Муҳофаза қилинадиган норма – Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан, ахборотни излаш, олиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқни чеклашга фақат қонунга мувофиқ ҳамда фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлиғини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш, шунингдек давлат сирлари ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сир ошкор этилишининг олдини олиш мақсадида зарур бўлган доирада йўл қўйилади. Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган органлар томонидангина амалга оширилади. Инсоннинг шаъни ва кадр-қиммати дахлсиздир. Ҳеч нарса уларни камситиш учун асос бўлиши мумкин эмас. Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки инсон кадр-қимматини камситувчи муомалага ёхуд жазога дучор этилиши мумкин эмас. Ҳеч ким расмий эълон қилинмаган қонун асосида ҳукм қилиниши, жазога тортилиши, мол-мулкидан ёки бирон-бир ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикасида барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиниши таъминланади. Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Ўзбекистон Республикасида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига биноан

ҳамда ушбу Конституцияга мувофиқ эътироф этилади ва қафолатланади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегишли бўлади. Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа инсонларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар. Инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсиздир. Инсоннинг Конституция ва қонунларда мустақамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. Ҳар бир инсон ўз шахсини эркин камол топтириш ҳуқуқига эга. Ҳеч кимга унинг розилигисиз қонунчиликда белгиланмаган мажбурият юклатилиши мумкин эмас. Инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, жамият ҳамда давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги шарт⁴¹⁰.

Қонунчиликка кўра, фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари иштирокчиларининг ҳалол, оқилона ва адолат билан ҳаракат қилиши назарда тутилади. Фуқаролар ва юридик шахсларнинг бошқа шахсга зарар етказишга, бошқача шаклларда ҳуқуқни суиистеъмол қилишга, шунингдек ҳуқуқни унинг мақсадига зид тарзда амалга оширишга қаратилган ҳаракатларига йўл қўйилмайди⁴¹¹.

Вазифаси ва афзалликларидан қатъи назар, объектив шаклда ифодаланган, босиб чиқарилган ҳамда босиб чиқарилмаган, муаллиф (ҳаммуаллифлар) ижодий фаолиятининг натижаси бўлган, ЭҲМ учун яратилган ҳар қандай дастурлар ва маълумотлар базаларига нисбатан муаллифлик ҳуқуқи татбиқ этилади.

ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасига муаллифлик, шунингдек муаллифнинг (муаллифларнинг) ёки ўзга ҳуқуқ эгасининг шахсий ва мулкӣ ҳуқуқлари амалдаги қонунчиликка мувофиқ аниқланади. ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасининг муаллифи (муаллифлари) ёхуд ўзга ҳуқуқ эгаси ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасини модификациялашни, шу жумладан дастурни бир дастурлаш тилидан бошқа тилга ўтказишни амалга ошириш ва (ёки) амалга оширишга рухсат этиш борасида мутлақ ҳуқуққа ҳам эгадир.

ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасидан бошқа шахсларнинг (фойдаланувчиларнинг) фойдаланиши ҳуқуқ эгаси билан тузилган шартнома асосида амалга оширилади,

Ҳуқуқ эгаларининг мутлақ ҳуқуқларига тааллуқли қонунчилик талабларининг жисмонӣ ёки юридик шахс томонидан бажарилмаслиги муаллифлик ҳуқуқининг бузилиши ҳисобланади.

ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасини ўзганинг номи билан чиқариш ёхуд ундан ғайриқонуний равишда нусха олиш ёки бундай

⁴¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁴¹¹ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

асарларни тарқатиш қонунчиликда белгиланган тартибда маъмурий ёхуд жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

Тайёрланиши ёки улардан фойдаланилиши муаллифлик ҳуқуқи бузилишига олиб келадиган ЭХМ учун яратилган дастурлар ёки маълумотлар базаларининг нусхалари қонунчиликда белгиланган тартибда олиб қўйилиши лозим⁴¹².

Илгари фойдаланишда бўлган мол-мулкни сотиш бозори ҳудудида:

тайёр армия анжомларини ва белгиланган намунадаги формали кийим-бошни, ҳарбий турдаги бошқа товарларни, муассасалар, ташкилотлар ва корхоналар штампни босилган чойшаблар, ички ишлар органларида қўлланиладиган махсус воситалар ва махсус аслаҳа-анжомларни сотиш;

сотилиши қонун ҳужжатларида тақиқланган бошқа товарлар ва буюмларни сотиш тақиқланади.

Сотувчилар бозорда қуйидагиларга мажбур:

бозорда савдо фаолиятини амалга оширишда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳужжатларга эга бўлиш;

бозор маъмурияти ва назорат қилувчи органларнинг қонуний талабларини бажариш;

қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа талабларга риоя этиш.

Савдо субъектлари қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳужжатларга эга бўлиши керак⁴¹³.

Ахборот тизимларини ташкил қилувчи техника воситалари қонунчиликда белгиланган тартибда сертификатлаштирилиши керак.

Давлат органлари ахборот тизимларининг, тармоқ ва ҳудудий ахборот тизимларининг, юридик ҳамда жисмоний шахслар ахборот тизимларининг давлат сирлари ёки махфий ахборотни ўз ичига олган ахборотни ишловдан ўтказиш учун мўлжалланган техника воситалари, шунингдек мазкур тизимларни муҳофаза қилиш воситалари мажбурий сертификатлаштирилиши лозим.

Махфий ахборот Маълумотларни узатиш тармоғи бўйича тарқатилганда махфий ахборот билан ишлаш рухсатномасига эга бўлган ва ахборот айирбошлашнинг сертификатланган воситаларидан фойдаланувчи жисмоний ва юридик шахслар учун унинг муҳофаза қилиниши таъминланади.

Ахборот тизимлари, тармоқларини ахборот айирбошлаш воситалари таркибига улаш Ахборот фаолияти ва маълумотлар узатишни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича идоралараро мувофиқлаштириш комиссиясининг қарорига кўра берилган лицензиялар мавжуд бўлганда амалга оширилади.

Ахборот айирбошлаш воситалари таркибига ахборот ресурсларидан фойдаланишнинг алоҳида қоидалари белгиланган давлат ахборот тизимлари,

⁴¹² Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий муҳофазаси тўғрисида” 1994 йил 6 майдаги 1060-ХП-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁴¹³ Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 августдаги 253-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси бозорларида савдо фаолиятини ташкил этиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

тармоқларини улаш ахборот хавфсизлиги талабларига мувофиқ аттестациядан ўтказилгандан кейин Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг рухсати билан амалга оширилади.

Давлат сиридан иборат бўлган ахборотни тайёрлаш ва тарқатишда фойдаланиладиган ахборот айирбошлаш воситасини, шунингдек, ахборотни муҳофаза қилиш воситасини мажбурий равишда сертификатлаш зарур.

Қуйидагилар:

давлат сири ёки махфий ахборот;

миллий мулк;

архив фонди;

Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги билан жўнатилиши (чиқарилиши) чекланиши мумкин бўлган ҳужжатлаштирилган ахборот тоифасига киритилган бошқа ахборотни Ўзбекистон Республикасидан жўнатиш (чиқариш) чекланади.

Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришга даъват қилувчи, уруш, зулм ва порнографияни тарғиб қилувчи, диний ва миллий низоларни кўзғовчи, инсон шаъни ва қадр-қимматини поймол қилувчи ахборотлар ҳамда амалдаги қонунчилик билан тарқатилиши тақиқланган бошқа ахборотларнинг олиб кирилиши ва тарқатилиши тақиқланади.

Ахборот айирбошлашни амалга оширишда қонунга ҳилоф равишдаги хатти-ҳаракатлар учун жисмоний ва юридик шахслар – Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентлари Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ жавоб берадилар.

Давлат ахборот ресурсларини ва ахборот ресурсларини давлат билан биргаликда шакллантиришга ихтисослашган ташкилотлар маълумотларни узатиш тармоқларини лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланиш бўйича фаолиятнинг бу турига рухсатнома олишлари шарт.

Давлат ахборот ресурсларини шакллантириш ва уларга хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган ахборот тизимлари, маълумотлар базалари ва банклари қонунчиликка мувофиқ сертификатланиши керак.

Фойдаланиш чекланган ахборот мавжуд бўлган давлат ахборот ресурсларини шакллантириш учун мўлжалланган ахборот тизимлари ахборот хавфсизлиги талабларига мувофиқ мажбурий аттестациядан ўтказилиши керак.

Давлат, жамоат органлари, фуқаролар, мулкчилик шакллари ва қайси идоравий бўйсунитидан қатъи назар, корхона, муассаса ва ташкилотлар давлат ахборот ресурсларини шакллантириш учун зарур бўлган тегишли шаклда ҳужжатлаштирилган ахборотни давлат ахборот ресурсларини шакллантириш ва ундан фойдаланиш учун масъул бўлган органларга ва (ёки) ташкилотларга тақдим этишлари шарт.

Интернет билан ишлаш учун Х.25, Frame Relay ва АТМ шунингдек, коммутация қилинган телефон тармоғидан коммутация қилинган каналлар

PPP/SLIP (Point protocol IP protocol) бўйича маълумотларни узатиш каналларидан фойдаланган ҳолда фойдаланиш мумкин⁴¹⁴.

Ахборотни бузиб талқин этиш ва сохталаштириш тақиқланади.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда мансабдор шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳар кимга ўзининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган ахборот билан танишиб чиқиш имкониятини таъминлаб беришга, мақбул ахборот ресурслари яратишга, фойдаланувчиларни фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятларига, уларнинг хавфсизлигига доир ҳамда жамият манфаатларига тааллуқли бошқа масалалар юзасидан ахборот билан оммавий тарзда таъминлашга мажбурдирлар.

Ҳар қандай ахборот, агар у билан қонунга хилоф равишда муомалада бўлиш ахборот мулкдори, эгаси, ахборотдан фойдаланувчи ва бошқа шахсга зарар етказиши мумкин бўлса, муҳофаза этилмоғи керак.

Ахборотни муҳофаза этиш:

шахс, жамият ва давлатнинг ахборот соҳасидаги хавфсизлигига таҳдидларнинг олдини олиш;

ахборотнинг махфийлигини таъминлаш, тарқалиши, ўғирланиши, йўқотилишининг олдини олиш;

ахборотнинг бузиб талқин этилиши ва сохталаштирилишининг олдини олиш мақсадида амалга оширилади.

Ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсати ахборот соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган бўлади ҳамда шахс, жамият ва давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг асосий вазифалари ҳамда фаолият йўналишларини, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларининг, фуқароларнинг ўрни ва аҳамиятини белгилайди.

Шахснинг ахборот борасидаги хавфсизлиги унинг ахборотдан эркин фойдаланиши зарур шароитлари ва кафолатларини яратиш, шахсий ҳаётига тааллуқли сирларини сақлаш, ахборот воситасида қонунга хилоф равишда руҳий таъсир кўрсатилишидан ҳимоя қилиш йўли билан таъминланади.

Жисмоний шахсларга тааллуқли шахсий маълумотлар махфий ахборот тоифасига киради.

Жисмоний шахснинг розилигисиз унинг шахсий ҳаётига тааллуқли ахборотни, худди шунингдек шахсий ҳаётига тааллуқли сирини, ёзишмалар, телефондаги сўзлашувлар, почта, телеграф ва бошқа мулоқот сирларини бузувчи ахборотни тўплашга, сақлашга, қайта ишлашга, тарқатишга ва ундан фойдаланишга йўл қўйилмайди, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

⁴¹⁴ Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси ахборот ресурсларини тайёрлаш ва уларни маълумотларни узатиш тармоқларида, шу жумладан, интернетда тарқатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида” 1999 йил 26 мартдаги 137-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Жисмоний шахслар тўғрисидаги ахборотдан уларга моддий зарар ва маънавий зиён етказиш, шунингдек уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари рўёбга чиқарилишига тўсқинлик қилиш мақсадида фойдаланиш тақиқланади.

Фуқаролар тўғрисида ахборот олувчи, бундай ахборотга эгалик қилувчи ҳамда ундан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахслар бу ахборотдан фойдаланиш тартибини бузганлик учун қонунда назарда тутилган тарзда жавобгар бўладилар.

Оммавий ахборот воситалари ахборот манбаини ёки таҳаллусини қўйган муаллифни уларнинг розилигисиз ошкор этишга ҳақли эмас. Ахборот манбаи ёки муаллиф номи фақат суд қарори билан ошкор этилиши мумкин.

Жамиятнинг ахборот борасидаги хавфсизлигига қуйидаги йўллар билан эришилади:

демократик фуқаролик жамияти асослари ривожлантирилишини, оммавий ахборот эркинлигини таъминлаш;

қонунга ҳилоф равишда ижтимоий онгга ахборот воситасида руҳий таъсир кўрсатишга, уни чалғитишга йўл қўймаслик;

жамиятнинг маънавий, маданий ва тарихий бойликларини, мамлакатнинг илмий ва илмий-техникавий салоҳиятини асраш ҳамда ривожлантириш;

миллий ўзликни англашни издан чиқаришга, жамиятни тарихий ва миллий анъаналар ҳамда урф-одатлардан узоқлаштиришга, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштиришга, миллатлараро ва конфессиялараро тотувликни бузишга қаратилган ахборот экспансиясига қарши ҳаракат тизимини барпо этиш.

Давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлиги қуйидаги йўллар билан таъминланади:

ахборот соҳасидаги хавфсизликка таҳдидларга қарши ҳаракатлар юзасидан иқтисодий, сиёсий, ташкилий ва бошқа тусдаги чора-тадбирларни амалга ошириш;

давлат сирларини сақлаш ва давлат ахборот ресурсларини улардан рухсатсиз тарзда фойдаланилишидан муҳофаза қилиш;

Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ахборот маконига ва замонавий телекоммуникациялар тизимларига интеграциялашуви;

Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартиришга, ҳудудий яхлитлигини, суверенитетини бузишга, ҳокимиятни босиб олишга ёки қонуний равишда сайлаб қўйилган ёхуд тайинланган ҳокимият вакиллари ҳокимиятдан четлатишга ва давлат тузумига қарши бошқача тажовуз қилишга очикдан-очик даъват этишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишидан ҳимоя қилиш;

урушни ва зўравонликни, шафқатсизликни тарғиб қилишни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоват уйғотишга қаратилган терроризм ва диний экстремизм ғояларини ёйишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишига қарши ҳаракатлар қилиш.

Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар⁴¹⁵.

Ҳужжатлаштирилган ахборот ресурсининг муҳофазасини таъминлаш бўйича чоралар уни давлат архивига топшираётган ташкилот томонидан белгиланади.

Ахборот ресурсини давлат сақловига қабул қилишда хавфсизликни муҳофаза қилишни қуйидаги дастурий-техник воситалар ва ташкилий чоралар ёрдамида тегишли давлат архиви таъминлайди:

ахборот хавфсизлигига таҳдидларни аниқлаш ва бартараф этиш;

ахборот ресурсининг архив нусхасини топшириш, архивни шакллантириш, уни сақлаш ва ундан фойдаланишда маълумотларнинг тўлиқлигини таъминлаш;

рухсат берилмаган ахборот ресурсидан фойдаланиш, унга қўшимча ва ўзгартишлар киритишдан муҳофаза қилиш;

архив маълумотларнинг захира ва қайта тикланиши тизимини таъминлаш.

Умумий фойдаланишга мўлжалланган ахборот ресурслари (юримдик ва жисмоний шахслар, норматив-ҳуқуқий актлар, табиий ресурслар, давлат органларининг веб-сайтлари ва бошқалар бўйича маълумотлар базалари) барча давлат органлари, юримдик ва жисмоний шахсларга давлат архивлари томонидан уларга белгиланган ваколатлар доирасида тақдим этилади.

Махсус давлат ахборот ресурсларидан (давлат сири ва конфиденциал маълумотларга эга бўлган идоралар, ҳудудий бошқарув ва ҳокимият органлари, давлат юримдик шахслари ва жисмоний шахслар) фойдаланиш учун рухсат бериш давлат архивлари томонидан уларни шакллантириш, қўлланилиши ва янгиланиб борилишига масъул бўлган органлар билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Ахборот ресурсларини давлат сақловига топширган ташкилотлар ундан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум бўлмайдилар.

Ахборот ресурсларини давлат сақловига қабул қилган давлат архивлари қуйидагилар учун жавобгардирлар:

маълумотлар билан ишлаш қоидаларини бузганлик, маълумот алмашинувини амалга оширишда ҳуқуқбузарлик ҳаракатларидан фойдаланганлик ва йўл қўйганлик;

жисмоний шахслар ҳақида шахсий маълумотларга эга бўлган ахборотларни тарқатганлик;

ахборот ресурсларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш;

ахборот ресурсларидаги маълумотларни ўғирлаш, йўқотиш, бузиш, блокировка қилиш ва сохталаштириш;

муаллифлик ҳуқуқлари ва интеллектуал мулк бўйича қонунчиликни бузганлик.

⁴¹⁵ Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида” 2002 йил 12 декабрдаги 439-П-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Давлат архивларига амалдаги қонунчиликка мувофиқ бошқа жавобгарлик ҳам юклатилиши мумкин⁴¹⁶.

Тизим иштирокчиларининг фонд бозорида АКТлари электрон ҳужжатларининг бут сақланишини, ўзгартирилишини, муҳофаза қилишини, қайта ишланишини, жўнатилиши ва қабул қилинишини, шу жумладан:

электрон ҳужжатларнинг, улар жўнатилган ва қабул қилинган сана ва вақтлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган реквизитларнинг такрорий нусхаси кўчирилиши ва архивда сақланишини;

Тизим иштирокчилари ўртасидаги қоғоз шаклидаги ҳужжат алмашилишини қисқартириш ҳамда инсон омилининг ахборотларни қайта ишлаш сифати ва тезкорлигига бўлган салбий таъсирини камайтириш мақсадида қоғоз ва электрон ҳужжатларнинг қўл ишини минималлаштиришни;

ахборотларни киритиш/чиқаришни такрорловчи операцияларни истисно этишни, катта ҳажмдаги ахборотларни қайта ишлаш ва ахборот тизимларининг интеграциялашуви мумкинлигини;

электрон ҳужжатларнинг махфийлигига, бутлигига ва уларга муаллифлик қилишга қўйилган талабларга риоя этилишини;

қонунчиликда ўрнатилган талабларга мувофиқ ЭРИнинг ҳаққонийлигини, шунингдек, қабул қилувчи томонидан электрон ҳужжатни қайта ишлаш пайтида жўнатувчининг ЭРИ калити сертификати амал қилаётганини текшириш мумкинлигини;

электрон ҳужжатларнинг транзит ўтказилишидан, у амалга ошириладиган транзит амалга ошириладиган тизимда иштирокчилар томонидан очилмаслиги ва кўрилмаслиги шарти билан (ёпиқ конверт фақат унинг эгаси томонидан очилиши мумкин) фойдаланишни таъминлаши лозим.

Тизим иштирокчилари томонидан электрон ҳужжатларни муҳофаза қилиш учун фойдаланилаётган фонд бозоридаги АКТлари қонунчиликда ўрнатилган тартибда сертификатланган бўлиши ва фойдаланиш ҳужжатларига мувофиқ ишлатилиши лозим.

Электрон ҳужжатларнинг чиқиб кетиши, ўғирланиши, йўқотилиши, бузилиши, уларга чекловларнинг ўрнатилиши ва қалбакилаштирилишининг ҳамда электрон ҳужжатларга рухсатсиз кириш ва улардан нусха кўчиришнинг олдини олишни ўз ичига олувчи Тизим иштирокчисининг ахборот хавфсизлиги Тизим иштирокчисининг дастурий-техник чора-тадбирлари билан таъминланади.

Ахборот хавфсизлиги шунингдек, бошқа мавжуд воситалар билан ҳам қонунчилик ва ушбу Низом талабларини инобатга олган ҳолда, Тизим иштирокчисининг ички қоидаларига мувофиқ таъминланиши мумкин.

Тизим иштирокчилари қонунчилик ва ушбу Низом талабларини инобатга олган ҳолда, белгиланган қоидаларнинг бузилишини ва унинг учун жавобгарликка тортилишни олдини олишни назарда тутувчи ахборот

⁴¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Ўзархив” агентлиги бош директорининг 2007 йил 17 июлдаги 18-сон буйруғи (рўйхат рақами 1703, 2007 йил 13 август) билан тасдиқланган Ахборот ресурсларининг архив нусхаларини яратиш ва уларни давлат сақловига топшириш бўйича йўриқнома // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

хавфсизлиги ва Тизимдан фойдаланишнинг ички қоидаларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди.

Дастурий-техник чора-тадбирлар қуйидагиларни таъминлайди:

Тизим иштирокчиси-ташкилот ходимларининг мазкур ташкилот ходимларининг лавозим йўриқномаларидан келиб чиққан ҳолда, дастурий ресурсларга чекланган киришини;

фонд бозорида АКТларидан фойдаланишда Тизим иштирокчиси бўлган ташкилотларнинг барча ҳаракатларини антивирус билан муҳофаза қилиш ва баённома юргизишни.

Тизим иштирокчилари криптографик муҳофаза қилишни қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширишади.

ЭРИдан фойдаланиш ваколатига эга бўлмаган ва ундан шахсий ёхуд учинчи шахс манфаатлари йўлида фойдаланган Тизим иштирокчиси ва иштирокчи ташкилот ходимлари қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

Тизим иштирокчиси унинг ўзи томонидан Тизимда исталган ҳаракатларни амалга оширишга ваколат берган шахснинг унинг номидан бажарган барча ҳаракатларига жавобгардир.

Тизим иштирокчилари қуйидагиларга мажбурдирлар:

тизимнинг узлуксиз фаолиятини таъминлаш;

ахборот хавфсизлиги ва Тизимдан фойдаланишнинг ички қоидаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш (фақат Тизим иштирокчиси юридик шахс бўлган ҳолда);

электрон ҳужжатларни тузишни ва жўнатишни қонунчилик ҳужжатлари ҳамда ушбу Низом талабларига мувофиқ равишда қатъий таъминлаш;

мустақил равишда ЭРИ сертификатини олиш, шунингдек, фонд бозорида АКТларининг ЭҲАдан фойдаланиладиган зарур иш ҳолатини қўллаб-қувватлаш;

электрон ҳужжатларда кўрсатилган буюртма ва/ёки топшириқларни фонд бозорининг технологик жараёнларига мувофиқ, қонунчилик талабларини инобатга олган ҳолда қабул қилиш/жўнатиш, топшириш/ижро этиш⁴¹⁷.

Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлигининг Давлат ахборот тизимларини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш ягона интегратори Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасини ахборот билан тезкор таъминлаш учун интеграциялаштирилган ахборот тизимларини яратиш, ривожлантириш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек давлат органлари ахборот

⁴¹⁷ Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2008 йил 1 августдаги 2008-13-сон буйруғи (рўйхат рақами 1855, 2008 йил 9 сентябрь) билан тасдиқланган Фонд бозорида ахборот-коммуникация технологиялардан фойдаланишга ўрнатилган талаблар тўғрисидаги низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

тизимлари билан уларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш юзасидан жавобгар ҳисобланади⁴¹⁸.

Фойдаланувчиларнинг ахборотни рухсатсиз фойдаланишдан ҳимоя қилишга доир белгиланган чораларни бузишга қаратилган хатти-ҳаракатларига йўл қўйилмайди.

Муайян жисмоний шахсга тааллуқли бўлган ёки уни идентификация қилиш имконини берадиган шахсга доир маълумотларни учинчи шахсларга тақдим этиш Ўзбекистон Республикасининг “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ амалга оширилади.

Ваколатли органларнинг ахборот тизимларини идентификациялашнинг ягона тизимига улаш интеграциялашувга қўйиладиган техник талабларга мувофиқ амалга оширилади.

Ҳужжатлар ва ахборот билан автоматлаштирилган тарзда айирбошлаш мақсадида ваколатли органлар ахборот тизимларининг интеграциялашув “Электрон ҳукумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали амалга оширилади.

“Электрон ҳукумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформасига уланадиган ваколатли органларнинг ахборот тизимлари ҳам ҳужжатлар ва ахборотни тақдим этиш учун мурожаат қилган маълумотларни етказиб берувчилар, ҳам ҳужжатлар ва ахборотни сўраган маълумотларнинг истеъмолчилари бўлиши мумкин.

Идоралараро электрон ҳамкорлик қилишда фойдаланувчиларнинг фойдаланишини ва ваколатларини таъминлаш устидан назорат қилиш идентификациялашнинг ягона тизими орқали амалга оширилади.

Идентификациялашнинг ягона тизимида фойдаланувчиларнинг шахсий маълумотларидан рухсатсиз фойдаланганлик учун ваколатли органлар – ахборот тизимларининг эгалари ва Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги жавоб беради⁴¹⁹.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги шакллантирилган марказий маълумотлар базаларининг нусхаларини улардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлмаган шахсларга тақдим этиш ҳуқуқига эга эмас.

Ваколатли органлар томонидан марказий маълумотлар базаларига тақдим этиладиган маълумотлар тақдим этилаётган пайтда ишончли, тўлиқ ва долзарб бўлиши керак.

Ваколатли органлар марказий маълумотлар базаларига маълумотларни “Электрон ҳукумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали жисмоний ва юридик шахсларнинг ягона идентификаторларидан фойдаланиб тақдим этадилар.

⁴¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2012 йил 21 мартдаги ПҚ–1730-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁴¹⁹ Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 17 декабрдаги 365-сон қарори билан тасдиқланган “Электрон ҳукумат” тизими фойдаланувчиларини идентификациялашнинг ягона ахборот тизими тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Марказий маълумотлар базаларидан маълумотлар олиш жисмоний ва юридик шахсларнинг ягона идентификаторларидан фойдаланиш орқали амалга оширилади.

Давлат хизматлари кўрсатиш жараёнидаги идоралараро электрон ҳамкорлик қилишда жисмоний ва юридик шахсларнинг бошқа идентификаторларидан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Марказий маълумотлар базаларидаги маълумотлардан фойдаланганда жисмоний ва юридик шахсларни идентификациялаш фақат “Электрон ҳукумат” тизими фойдаланувчиларини идентификациялашнинг ягона ахборот тизими орқали амалга оширилади.

Давлат хизматлари кўрсатишда ва идоралараро электрон ҳамкорлик қилишда марказий маълумотлар базаларидаги маълумотлардан фойдаланиш “Электрон ҳукумат” тизимининг идоралараро интеграциялашув платформаси ёрдамида амалга оширилади.

Давлат хизматлари кўрсатишда жисмоний ва юридик шахслардан марказий маълумотлар базалари ва тегишли ваколатли органларнинг ахборот ресурсларида мавжуд бўлган маълумотларни ҳамда бошқа идентификаторли қўшимча ҳужжатларни талаб қилиш тақиқланади.

Марказий маълумотлар базаларида мавжуд бўлмаган ахборотнинг сақланишини таъминловчи давлат ахборот ресурсларини яратишда тегишли равишда жисмоний ва юридик шахсларнинг ягона идентификаторларидан фойдаланилади⁴²⁰.

Ахборот-кутубхона ва архив муассасаларида электрон базаларнинг ахборот хавфсизлиги тегишлича Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги “Ўзархив” агентлиги ҳамда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг Ахборот хавфсизлиги сиёсати талабларига мувофиқ таъминланади⁴²¹.

Ахборот воситачиси қуйидагиларга ҳақли эмас:

ўзининг ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда тузилган битимнинг тарафига айланиш, шунингдек ахборот воситачиси сифатида хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ бўлмаган ишлаб чиқариш, савдо, савдо-воситачилик ёки бошқа фаолиятни амалга ошириш;

электрон тижоратни амалга ошириш, битимлар тузишда нархларнинг шаклланиш жараёнларига аралаштириш, контрагентларни танлашда ва битимлар тузишда электрон тижорат иштирокчиларининг эркинлигини чеклаш, шунингдек электрон тижорат иштирокчиларининг ҳуқуқларини бошқача тарзда чеклаш.

Ахборот воситачиси қуйидагиларга мажбур:

⁴²⁰ Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 17 декабрдаги 365-сон қарори билан тасдиқланган “Электрон ҳукумат” тизимининг жисмоний ва юридик шахслар марказий маълумотлар базаларини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁴²¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Ўзархив” агентлиги бош директорининг 2016 йил 20 июндаги 45-сон буйруғи (рўйхат рақами 2807, 2016 йил 7 июль) Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан ахборот-кутубхона ва архив муассасаларига тақдим этилган ҳужжатлар билан ишлаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

электрон тижорат соҳасидаги қонун ҳужжатларига, шу жумладан стандартлар, нормалар ва қоидаларга риоя этиш;

ўзининг тўлиқ номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли, кўрсатиладиган хизматлар, уларни кўрсатиш шартлари ва қийматлари (тарифлари) ҳақидаги ахборотни электрон тижорат иштирокчиларига ошкор қилиш;

электрон ҳужжатларнинг ва электрон хабарларнинг мазмунини, улардан фойдаланиш тартибини ўзгартирмаслик, электрон тижорат иштирокчилари билан тузилган шартномаларда назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно;

электрон ҳужжатларни, электрон хабарларни ва шахсга оид маълумотларни рухсатсиз фойдаланишдан ҳимоя қилиш чоралари билан таъминлаш;

электрон ҳужжатларни ва электрон хабарларни учинчи шахсларга бермаслик, қонунда ёки шартномада назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно;

электрон ҳужжатларнинг ва электрон хабарларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ сақланишини таъминлаш;

ўз ахборот тизимини Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги серверларда жойлаштириш.

Агент сотувчига ёки харидорга хизматлар кўрсатиш натижасида ўзига маълум бўлган маълумотларнинг махфийлигига риоя қилишга мажбур.

Электрон тижоратни ташкил этишнинг шакллари битимлар тузишнинг рақобатли шакллари деб эътироф этилади, бунда ахборот воситачисининг ахборот тизими қуйидаги шарт-шароитларни таъминлайди:

электрон тижоратнинг иккитадан кам бўлмаган иштирокчилари томонидан офертани акцептлаш имконияти;

оферент учун шартномани бажаришнинг энг яхши шартларини таклиф қилган шахс билан шартнома тузиш.

Қайд этилган талабларга риоя қилинган тақдирда битим содир этилган деб эътироф қилинади.

Битимларни рақобатли шаклларда содир этишда офертани қабул қилган шахс томонидан, уни қабул қилиш учун белгиланган муддатда, унда кўрсатилган шартнома шартларини бажариш бўйича хатти-ҳаракатларни (товарларни юклаб жўнатиш, хизматлар кўрсатиш, ишларни бажариш, тегишли суммани тўлаш ва ҳоказоларни) содир этиш акцепт ҳисобланмайди.

Ахборот воситачиларининг ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган электрон тижоратда қуйидагиларга йўл қўйилмайди:

электрон тижорат иштирокчиларини камситиш, электрон тижоратнинг бир иштирокчисига бошқа иштирокчилар эркин фойдалана олмайдиган ва қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган имтиёзлар ёки преференцияларни бериш;

ахборот воситачиларининг мансабдор шахслари томонидан шахсий манфаатдорлик таъсирида қарорлар қабул қилиш ёхуд электрон тижорат иштирокчиларининг манфаатларига зарар етказадиган бошқа ноқонуний хатти-ҳаракатларни содир этиш;

электрон тижорат иштирокчиларига босим ўтказиш, электрон тижоратда иштирок этиш ҳақидаги ахборотни ошкор қилиш (қонун ҳужжатларидан назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно), ноқонуний тарзда рақобатга йўл қўймаслик, уни чеклаш ёки четлатиш;

электрон тижорат иштирокчиларининг бозор конъюнктурасини ўзгартириш ёки нархларни бузиб кўрсатиш мақсадида тил бириктириши;

ишончли бўлмаган ёки бузиб кўрсатилган ахборотни бериш ёки тарқатиш, шунингдек ахборотдан эркин фойдаланишни асоссиз чеклаш;

электрон тижорат иштирокчилари томонидан келгусида шартномани имзолашдан ёки уни зарур даражада бажаришдан бош тортиш ниятида сунъий равишда пасайтирилган ёки оширилган нархларда талабномалар бериш;

ахборот воситачисининг ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда товар сотаётган ёки сотиш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатишни таклиф қилаётган, белгиланган тартибда якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказилмаган жисмоний шахс ҳисобланган битим тарафларидан бири томонидан битимларни амалга ошириш⁴²².

Лойиҳаларни амалга ошириш натижасида ишлаб чиқилган ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларини «Рақамли ҳукумат»нинг ахборот тизимлари ва ресурслари ягона реестрида рўйхатдан ўтказиш ва амалиётга жорий этишга уларнинг техник топшириқ ва ахборот хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги юзасидан Рақамли технологиялар вазирлиги ҳамда “Киберхавфсизлик маркази” ДУКнинг ижобий хулосалари олинганидан сўнг рухсат берилади;

Ижобий хулосага эга бўлмаган ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларини фойдаланишга қабул қилиш, ишга тушириш ҳамда “Рақамли ҳукумат” доирасидаги тизимлар ва сервислар билан интеграция қилишга йўл қўйилмайди⁴²³.

Электрон ҳукумат доирасида маълумот тақдим этувчи ва фойдаланувчиларнинг электрон ҳамкорлиги ҳамда ахборот алмашинуви уларнинг ахборот тизимлари ва ресурсларини Идоралараро интеграциялашув платформасига улаш орқали амалга оширилади.

Бунда электрон ҳамкорлик ва ахборот алмашинуви фақат Электрон ҳукуматнинг идоралараро маълумотлар узатиш тармоғи орқали ташкил этилади.

Фойдаланувчи ва оператор ўртасидаги ахборот алмашинуви тегишли сўров юбориш йўли билан Идоралараро интеграциялашув платформаси ёрдамида амалга оширилади.

Бунда Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали электрон ҳамкорлик ҳамда ахборот алмашинуви доирасида йўлланган барча сўровлар

⁴²² Вазирлар Маҳкамасининг “Электрон тижорат платформалар ва рақамли экотизим операторларининг-ахборот воситачиларининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2016 йил 2 августдаги 249-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁴²³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Электрон ҳукумат” тизими доирасида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш сифатини яхшилаш чоратадбирлари тўғрисида” 2019 йил 21 майдаги ПҚ-4328-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

бўйича статистика маълумотлари маълумот тақдим этувчи ва фойдаланувчининг шахсий кабинетида юритилади.

Идоралараро интеграциялашув платформасига уланган ахборот тизимлари ва ресурсларида мавжуд бўлган шахсга доир маълумотлар алмашинуви Ўзбекистон Республикасининг “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги Қонуни ва ушбу соҳадаги бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали маълумотлар фойдаланувчининг ваколати доирасидаги вазифаларни бажариш учун қайта ишлаш мақсадида тақдим этилади.

Электрон давлат хизматларини кўрсатиш ва идоралараро электрон ҳамкорликни ташкил этиш доирасида ахборот алмашинуви Идоралараро интеграциялашув платформасига уланиш орқали амалга оширилади.

Идоралараро интеграциялашув платформасига уланиш учун “Электрон ҳукуматнинг ахборот тизимлари ва ресурслари ягона реестри” ахборот тизими (кейинги ўринларда – Ягона реестр тизими) орқали электрон шаклда мурожаат этилади.

Бунда Ягона реестр тизимида авторизациядан ўтиш учун “Электрон ҳукумат” тизими фойдаланувчиларини идентификациялашнинг ягона ахборот тизимида рўйхатдан ўтиш талаб этилади.

Оператор:

Идоралараро интеграциялашув платформасига уланиш тартиби ва шартларига риоя қилишга;

фойдаланувчига Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали маълумотлар юборилгунига қадар уларнинг конфиденциаллигини таъминлашга;

Идоралараро интеграциялашув платформасида маълумот тақдим этувчи ва фойдаланувчининг шахсий кабинетларига улашга;

Ягона реестр тизимида Идоралараро интеграциялашув платформасига уланиш бўйича ариза ва технологик йўриқномани кўриб чиқишга ва келишишга;

Идоралараро интеграциялашув платформасидаги маълумот тақдим этувчи ва фойдаланувчининг шахсий кабинетлари орқали электрон ахборот ҳамкорлиги доирасидаги статистика маълумотлари билан танишиш имкониятини яратишга;

Идоралараро интеграциялашув платформасининг узлуксиз ишлаши бўйича тегишли чоралар кўришга;

қонунчилик ҳужжатлари ва мазкур Низом талабларини бажаришга;

Идоралараро интеграциялашув платформасида жойлаштирилган барча веб-сервислар бўйича режали ва режадан ташқари узилишлар ва/ёки тўхталишлар вужудга келиши ёки улар бартараф этилиши юзасидан маълумот тақдим этувчи ва фойдаланувчиларни мавжуд қайта алоқа каналлари орқали реал вақт режимида хабардор қилишга;

мазкур Низомда ёки бошқа қонунчилик ҳужжатларида белгиланган қоидалар бузилган тақдирда, маълумот тақдим этувчи ёки фойдаланувчининг

Идоралараро интеграциялашув платформасига уланишни вақтинча тўхтатиш ёки бекор қилиш ва бу ҳақида уларни асосларни кўрсатган ҳолда расмий хабардор қилишга мажбур.

Бунда оператор Идоралараро интеграциялашув платформасига уланишни вақтинча тўхтатиш ёки бекор қилишдан олдин бу тўғрисида маълумот тақдим этувчи ёки фойдаланувчини мавжуд қайта алоқа каналлари орқали реал вақт режимида хабардор қилади.

Маълумот тақдим этувчи Идоралараро интеграциялашув платформасига уланиш шартларига риоя қилишга, Идоралараро интеграциялашув платформасига уланиш бўйича Ягона реестр тизимида ариза ва технологик йўриқномаларни ишлаб чиқишга ва келишишга, Идоралараро интеграциялашув платформасининг push-хабарномалар сервисига уланиш бўйича фойдаланувчининг аризасини белгиланган тартибда келишишга, Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали юборилган сўровларга мувофиқ маълумотларни технологик йўриқномада белгиланган тартибда тақдим этишга, ўзига тегишли бўлган ахборот тизимлари ва ресурслари ҳамда маълумотлар базаларининг барқарор ишлаши, улардаги маълумотларнинг Идоралараро интеграциялашув платформасига узлуксиз равишда тақдим этилиши бўйича тегишли чоралар кўришга, ўзига тегишли маълумотларнинг ишончилиги ва тўлиқлиги ҳамда долзарблигини таъминлашга, долзарб бўлмаган маълумотлар бўйича шикоятларни қабул қилиш механизмини ишлаб чиқишга, жорий қилишга ҳамда келиб тушган шикоятлар натижаси бўйича маълумотларни ўз вақтида янгилаб боришга, Идоралараро интеграциялашув платформасида жойлаштирилган ўзининг барча веб-сервислари бўйича режали ва режадан ташқари узилишлар ва/ёки тўхталишлар вужудга келиши ёки улар бартараф этилиши юзасидан операторни мавжуд қайта алоқа каналлари орқали реал вақт режимида хабардор қилишга, ўзига тегишли веб-сервисга ўзгартириш ва/ёки қўшимчалар киритиладиган тақдирда, режалаштирилган ишлар амалга оширилгунига қадар бу ҳақида уч кун олдин операторга хабар беришга, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида техник ишлар ўтказилиши натижасида Идоралараро интеграциялашув платформасига тақдим этилаётган веб-сервисларда кузатилиши мумкин бўлган узилишлар юзасидан техник ишлар ўтказилишидан камида уч иш кун олдин операторни ёзма равишда хабардор қилишга, ахборот тизимлари ва ресурслари жойлашган серверлар ёки объектларда режалаштирилган фавқулодда юз берган узилишлар бундан мустасно, Идоралараро интеграциялашув платформасида жойлаштирилган ўз веб-сервисларига фойдаланувчиларни тўғридан-тўғри улашни чеклашга мажбур.

Фойдаланувчи:

Идоралараро интеграциялашув платформасига уланиш тартиби ва шартларига риоя қилишга;

Идоралараро интеграциялашув платформасига уланиш бўйича Ягона реестр тизимида ариза ва технологик йўриқномаларни ишлаб чиқишга ва келишишга;

Идоралараро интеграциялашув платформасининг push-хабарномалар сервисига уланиш бўйича ўз аризасини белгиланган тартибда маълумот тақдим этувчи билан келишишга;

Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали олинаётган маълумотларнинг конфиденциаллигини таъминлашга;

Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали олинган маълумотларни учинчи томонга тақдим этмасликка;

Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали олинган маълумотлардан маълумот тақдим этувчи ва оператор билан келишилмаган бошқа мақсадларда фойдаланмасликка;

Идоралараро интеграциялашув платформасига уланган ўзининг ахборот тизимларининг узлуксиз ишлаши бўйича тегишли чоралар кўришга;

“Электрон ҳукумат” тизими орқали олинадиган маълумотларни олиш, қўллаш ва сақлаш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя қилишга мажбур.

Фойдаланувчиларнинг ахборот тизимларини Рақамли маълумотлар платформасига улаш фақат ҳимояланган VPN тармоғи орқали ташкил этилади.

Бунда солиқ ва кадастр органларининг ахборот тизимлари Рақамли маълумотлар платформасига Вазирлар Маҳкамасининг “Учинчи шахсларга солиқ тўловчилар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш чора-тадбирлари ҳақида” 2021 йил 19 августдаги 529-сон қарорига мувофиқ давлат-хусусий шериклик шартномасининг амал қилиш муддатига қадар хусусий шерикнинг ахборот тизимлари орқали уланади.

Оператор:

Рақамли маълумотлар платформасига уланиш тартиби ва шартларига риоя қилишга;

фойдаланувчига Рақамли маълумотлар платформаси орқали маълумотлар юборилгунига қадар уларнинг конфиденциаллигини таъминлашга;

Рақамли маълумотлар платформасида маълумот тақдим этувчи ва фойдаланувчини шахсий кабинетларига улашга;

Ягона реестр тизимида Рақамли маълумотлар платформасига уланиш бўйича ариза ва технологик йўриқномани кўриб чиқишга ва келишишга;

Рақамли маълумотлар платформасида жойлаштирилган барча веб-сервислар бўйича режали ва режадан ташқари узилишлар ва/ёки тўхталишлар вужудга келиши ёки улар бартараф этилиши юзасидан фойдаланувчиларни мавжуд бўлган қайта алоқа каналлари орқали хабардор қилишга;

Маълумот тақдим этувчи ва фойдаланувчининг Рақамли маълумотлар платформасидаги шахсий кабинетлари орқали электрон ахборот ҳамкорлиги доирасидаги статистика маълумотлари билан танишиш имконини яратишга;

Рақамли маълумотлар платформасининг узлуксиз ишлаши бўйича тегишли чоралар кўришга;

қонунчилик ҳужжатлари ва мазкур Низом талабларини бажаришга;

мазкур Низомда ёки бошқа қонунчилик ҳужжатларида белгиланган қоидалар бузилган тақдирда, маълумот тақдим этувчи ёки фойдаланувчининг

Рақамли маълумотлар платформасига уланишини вақтинча тўхтатиш ёки бекор қилиш ва бу ҳақида уларни асосларни кўрсатган ҳолда расмий хабардор қилишга мажбур.

Маълумот тақдим этувчи Идоралараро интеграциялашув платформасига уланиш шартларига риоя қилишга, Идоралараро интеграциялашув платформасига уланиш бўйича Ягона реестр тизимида ариза ва технологик йўриқномаларни ишлаб чиқишга ва келишишга, Идоралараро интеграциялашув платформасининг push-хабарномалар сервисига уланиш бўйича фойдаланувчининг аризасини белгиланган тартибда келишишга, Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали юборилган сўровларга мувофиқ маълумотларни технологик йўриқномада белгиланган тартибда тақдим этишга, ўзига тегишли бўлган ахборот тизимлари ва ресурслари ҳамда маълумотлар базаларининг барқарор ишлаши, улардаги маълумотларнинг Идоралараро интеграциялашув платформасига узлуксиз равишда тақдим этилиши бўйича тегишли чоралар кўришга, ўзига тегишли маълумотларнинг ишончилиги ва тўлиқлиги ҳамда долзарблигини таъминлашга, долзарб бўлмаган маълумотлар бўйича шикоятларни қабул қилиш механизмини ишлаб чиқишга, жорий қилишга ҳамда келиб тушган шикоятлар натижаси бўйича маълумотларни ўз вақтида янгилаб боришга, Идоралараро интеграциялашув платформасида жойлаштирилган ўзининг барча веб-сервислари бўйича режали ва режадан ташқари узилишлар ва/ёки тўхталишлар вужудга келиши ёки улар бартараф этилиши юзасидан операторни мавжуд қайта алоқа каналлари орқали реал вақт режимида хабардор қилишга, ўзига тегишли веб-сервисга ўзгартириш ва/ёки қўшимчалар киритиладиган тақдирда, режалаштирилган ишлар амалга оширилгунига қадар бу ҳақида уч кун олдин операторга хабар беришга, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида техник ишлар ўтказилиши натижасида Идоралараро интеграциялашув платформасига тақдим этилаётган веб-сервисларда кузатилиши мумкин бўлган узилишлар юзасидан техник ишлар ўтказилишидан камида уч иш кун олдин операторни ёзма равишда хабардор қилишга, ахборот тизимлари ва ресурслари жойлашган серверлар ёки объектларда режалаштирилган фавқулодда юз берган узилишлар бундан мустасно, Идоралараро интеграциялашув платформасида жойлаштирилган ўз веб-сервисларига фойдаланувчиларни тўғридан-тўғри улашни чеклашга мажбур.

Фойдаланувчи Рақамли маълумотлар платформасига уланиш тартиби ва шартларига риоя қилишга, Рақамли маълумотлар платформасига уланиш бўйича Ягона реестр тизимида ариза ва технологик йўриқномаларни ишлаб чиқишга ва келишишга, Рақамли маълумотлар платформасининг push-хабарномалар сервисига уланиш бўйича аризасини белгиланган тартибда маълумот тақдим этувчи билан келишишга, Рақамли маълумотлар платформаси орқали олинаётган маълумотларнинг конфиденциаллигини таъминлашга, Рақамли маълумотлар платформаси орқали олинган маълумотларни учинчи томонга тақдим этмасликка, Рақамли маълумотлар платформаси орқали олинган маълумотлардан маълумот тақдим этувчи ва оператор билан келишилмаган бошқа мақсадларда фойдаланмасликка,

Рақамли маълумотлар платформасига уланган ўзининг ахборот тизимларининг узлуксиз ишлаши бўйича тегишли чоралар кўришга, “Электрон ҳукумат” тизими орқали олинган маълумотларни олиш, қўллаш ва сақлаш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя қилишга мажбур.

Талабгорнинг ахборот тизимлари ва сервисларини Ягона биллинг тизимига интеграция қилиш талабгор ахборот тизимларининг ахборот хавфсизлигини таъминланган ҳолда амалга оширилади.

Ягона биллинг тизимига “Электрон ҳукумат” тизими фойдаланувчиларини идентификациялаш ягона ахборот тизимида (кейинги ўринларда – Идентификациялашнинг ягона тизими) рўйхатдан ўтиш орқали қилинади.

Оператор ўз фаолиятини қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириш, Ягона биллинг тизимининг доимий ва узлуксиз ишлашини таъминлаш, Ягона биллинг тизимига киритилиши режалаштирилган ўзгартиришлар ҳақида вазирликлар ва идораларга аниқ муддати кўрсатилган ҳолда камида бир ой олдин ёзма хабарнома юбориш, Ягона биллинг тизимида юзага келган носозлик ва хатоликларни бартараф этиш бўйича мурожаатлар қабул қилинишини ташкил этиш ва тезкорлик билан кўриб чиқиш ҳамда бартараф этиш, Ягона биллинг тизимидаги давлат органларига тааллуқли ахборотнинг бутлигини таъминлаш мажбуриятларини ўз зиммасига олади⁴²⁴.

МАИ субъектлари МАИ объектларининг киберхавфсизлигини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига риоя қилиши, киберхавфсизлик ҳодисалари тўғрисида ваколатли давлат органи ва ишчи органни белгиланган тартибда дарҳол хабардор қилиши, киберҳужумларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш, киберхавфсизлик ҳодисаларининг келиб чиқиш сабаблари ва шароитларини аниқлашда ваколатли давлат органи ҳамда ишчи органга кўмаклашиши, МАИ объектларининг киберхавфсизлигини таъминлаш жараёнига давлат органлари томонидан ноқонуний аралашуш ҳолатлари ҳақида ваколатли органни хабардор қилиши, ваколатли давлат органи билан келишилган ҳолда киберҳужумларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш, киберхавфсизлик ҳодисаларига жавоб бериш учун мўлжалланган воситаларни ўз ҳисобидан ўрнатиши ва сақлаши, МАИ объектларига киберҳужумларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш учун ўрнатилган воситаларнинг белгиланган талабларга мувофиқ тўлақонли ишлашини таъминлаши, ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланган тартибда киберхавфсизлик ҳодисаларига жавоб бериш, МАИ объектларига қарши амалга оширилган киберҳужумларнинг оқибатларини бартараф этиш чораларини кўриши ва киберхавфсизлик ҳодисаларини текширишда иштирок этиши, ваколатли давлат органи ва ишчи орган билан келишилган ҳолда, МАИ объектларига уюштирилиши мумкин бўлган кибертаҳдидларнинг олдини олиши ва киберҳужумлар содир бўлганда МАИ

⁴²⁴ Вазирлар Маҳкамасининг “Идоралараро электрон ҳамкорлик тизими ва маълумотларнинг ахборот алмашинувини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 20 сентябрдаги 516-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

объектларининг барқарор ишлашини тиклаш режаларини ишлаб чиқиши, ваколатли давлат органи ва ишчи орган томонидан ташкил этиладиган режали машғулотларда иштирок этиши шарт.

МАИ объектларига киберхавфсизликни таъминлашнинг қуйидаги талаблари қўйилади:

МАИ объектининг киберхавфсизлигини самарали таъминлаш тизимининг йўлга қўйилганлиги;

ахборот тизимида маълумотлардан рухсатсиз фойдаланиш, уларни йўқ қилиш, ўзгартириш, блоклаш (чеклаш), нусха олиш, тақдим этиш ва тарқатиш ҳамда МАИ объектлари фаолиятининг бузилиши ва/ёки тўхташига олиб келувчи бошқа ҳаракатларни амалга оширишнинг олди олинганлиги;

киберхавфсизликни таъминлаш тизими параметрларининг техник регламентлар талабларига мувофиқлиги, киберхавфсизлик ва МАИ объектининг узлуксиз фаолият юритишини таъминловчи чора-тадбирлар жорий этилганлиги;

киберхавфсизлик ҳодисаси рўй берганда киберҳимояни таъминлаш тизимини тезкор тиклаш имконияти мавжудлиги;

киберхужумларни мониторинг, аудит ва таҳлил қилиш, аниқлаш, чора кўриш ҳамда уларнинг оқибатларини бартараф этиш тизимининг самарали йўлга қўйилганлиги;

киберхавфсизлик ва МАИ объектининг киберхавфсизлиги ва унинг эксплуатациясига доир ҳужжатларнинг мавжудлиги.

МАИ объекти раҳбари мазкур объектда киберхавфсизликни таъминлашга масъул шахс ҳисобланади. МАИ объекти раҳбари томонидан белгиланган тартибда объектда киберхавфсизликни таъминловчи ҳимоя тизимининг ишлашини таъминлашга масъул мутахассислар ёки таркибий бўлинма тайинланади.

МАИ объекти раҳбари объектининг ахборот хавфсизлиги сиёсати, киберхавфсизлик соҳасидаги низомлар, кўрсатмалар, талаблар, ҳимоя воситаларидан фойдаланиш, киберхавфсизликни таъминловчи ҳимоя тизимининг ишлашини ташкил этиш ва назорат қилиш тартибини тасдиқлайди ҳамда уларни доимий равишда такомиллаштириш чораларини кўради.

МАИ объектларининг киберхавфсизлигини таъминловчи барча аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий таъминотлар тегишли мувофиқлик сертификатлари ҳамда киберхавфсизлик тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ бўлиши керак.

МАИ объектларининг киберхавфсизлигини таъминлаш бўйича белгиланган талаблар билан бирга қўшимча равишда қуйидагилар:

МАИ объектларининг киберхавфсизлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни режалаштириш, ишлаб чиқиш, такомиллаштириш ва жорий қилиш;

МАИ объектларининг киберхавфсизлигини таъминлаш учун ташкилий, ҳуқуқий ва техник чораларни кўриш;

МАИ объектларининг киберхавфсизлигини таъминлашда қўлланиладиган аппарат, дастурий-аппарат ва дастурий воситаларнинг кўрсаткич ва хусусиятларини белгилаш назарда тутилади.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, бирлашмалар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ваколатли давлат органи ва унинг ишчи органи билан келишган ҳолда ахборот хавфсизлиги сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишда МАИ объектларининг иш фаолияти хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда уларнинг киберхавфсизлигини таъминлаш воситаларига кўшимча талабларни белгилаши мумкин.

Киберхавфсизликни таъминловчи ҳимоя тизими қуйидагиларни таъминлаши зарур:

МАИ объекти томонидан қайта ишланадиган маълумотлардан рухсатсиз фойдаланиш, уларни йўқ қилиш, ўзгартириш, блоклаш (чеклаш), нусхалаш, тақдим этиш, тарқатиш ва шу қаби бошқа хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш;

МАИ объектининг иш фаолияти бузилиши ва/ёки тўхтаб қолишига олиб келиши мумкин бўлган аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий воситаларга ахборот таъсирининг олдини олиш;

ўз ичига давлат сирини олмаган, қонунчилик билан ҳимояланган (кейинги ўринларда – конфиденциал) ва махфий маълумотларга киберхавфсизлик таҳдиди шароитида МАИ объектининг тўлиқ ишлашини таъминлаш;

МАИ объекти фаолиятини тиклаш имкониятини таъминлаш.

Автоматлаштирилган ва ахборот тизимларида барча қайта ишланаётган маълумотлар, аппарат, аппарат-дастурий ҳамда дастурий воситалар, шу жумладан компьютерни сақлаш воситалари, иш станциялари, серверлар, телекоммуникация ускуналари, алоқа линиялари, график, видео ва нутқ маълумотларини қайта ишлаш воситалари, аппарат-дастурий воситаларнинг дастурий таъминоти, ахборот тизимларининг архитектураси ва конфигурацияси ҳимоя қилинади. Телекоммуникация тармоқларида алоқа линиялари орқали узатиладиган маълумотлар, телекоммуникация ускуналари, шу жумладан дастурий таъминот, бошқарув тизими, ўрнатилган ҳимоя воситалари, телекоммуникация тармоғи архитектураси ва конфигурациясининг яхлитлиги ҳимоя қилинади. Автоматлаштирилган бошқарув тизимларида бошқариладиган, кузатиладиган объект ёки жараённинг параметрлари ёхуд ҳолати тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан кириш-чиқиш маълумотлари, бошқарув маълумотлари, назорат ва ўлчов маълумотлари ҳамда бошқа муҳим маълумотлар, дастурий таъминот ва аппарат воситалари, шу жумладан иш станциялари, саноат серверлари, телекоммуникация ускуналари, алоқа линиялари, дастурланадиган мантикий текширгичлар, ишлаб чиқариш, технологик ускуналар, аппарат-дастурий воситаларнинг дастурий таъминоти, ўрнатилган ҳимоя воситалари, автоматлаштирилган бошқарув тизимининг архитектураси ва конфигурацияси ҳимоя қилинади.

Хавфсизлик чораларини амалга оширишда аппарат, тизим, дастур ва тармоқ даражаларида, шу жумладан виртуаллашган муҳитда киришнинг барча

объектлари ва субъектларига нисбатан киберхавфсизлик таҳдидларининг ҳисобга олинганлиги мажбурий мезонлардан бири ҳисобланади.

МАИ объектларидаги конфиденциал ва махфий маълумотларни қайта ишлайдиган қурилмаларда, киберхавфсизлик таҳдидларига қараб, қуйидаги чоралар амалга оширилиши зарур:

кичик тизим ёки бошқа тизимларнинг элементларига кириш ҳуқуқи олинишининг ҳар бир босқичида идентификация ва аутентификация қилиш;
файллар, тизимлар ва қурилмаларга кириш ҳуқуқини бошқариш;
ахборот инфратузилмасини бошқариш ваколатига эга бўлмаган фойдаланувчи учун дастурий муҳитни чеклаш;

конфиденциал ва махфий маълумотларни ташувчи воситаларни ҳимоя қилиш;

тизимлар, дастурлар, шу жумладан дастурий ва дастурий-аппарат ресурсларининг киберхавфсизлик аудитини ўтказиш;

МАИ объекти ахборот активларини бузғунчи дастурий таъминотларга қарши ҳимоя қилиш;

киберхужумларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш;
қурилмалар орқали узатиладиган барча маълумотларни қўллаш мақсадларидан қатъи назар уларнинг яхлитлигини таъминлаш;

фойдаланувчиларнинг МАИ объекти фаолиятидаги ўрнига қараб тизим фойдаланувчилари учун маълумотларга рухсат бериш ва ҳимоясини таъминлаш;

ахборот техник ҳимоя воситаларининг хавфсизлигини таъминлаш;
конфигурацияни бошқариш;

дастурий таъминот янгилашларини ўз вақтида бошқариш;

киберхавфсизлик ҳодисаларига ўз вақтида чора кўриш;

фавқулодда вазиятларда зарур ҳаракатларни бажариш;

яхлитлиги, конфиденциаллиги ёки махфийлиги ҳамда мавжудлиги МАИ объектининг фаолияти ва хавфсизлиги билан боғлиқ бўлган муҳим маълумотларнинг захира нусхасини сақлаш;

киберхавфсизликни таъминлаш ҳолатини, рухсатсиз кириш ва ахборотни ўзгартиришга уринишларни доимий назорат ҳамда таҳлил қилиш;

маълумотларни тезкор тиклаш механизмларини амалга ошириш;

объектни унинг киберхавфсизлик талабларига жавоб бериши юзасидан аттестациядан ўтказиш.

Ушбу талабларнинг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар⁴²⁵.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар тўловлар тўғрисидаги ахборотни шакллантириш, узатиш, сақлаш ва унга ишлов беришнинг барча босқичларида тўловлар тўғрисидаги ахборотни узлуксиз ҳимоя қилиш учун қуйидаги чораларни кўришлари лозим:

⁴²⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг муҳим ахборот инфратузилмаси объектлари киберхавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2023 йил 31 майдаги ПҚ-167-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

идентификация, аутентификация ва авторизация қилиш тизимини жорий этиш;

тизимга рухсатсиз киришнинг олдини олиш усуллари (логин, парол, биометрик идентификация, икки факторли аутентификация (2FA) ва бошқа) қўллаш;

тўлов ҳужжати ва идентификация маълумотларини қалбакилаштириш, уларни рухсатсиз ўзгартириш ҳамда учинчи шахсларга тақдим этишдан ҳимоялаш;

тўлов ахборотлари шакллантирилишини, тўлов ҳужжатининг ҳаққонийлиги текширилишини ва уларга ишлов берилишини ҳамда асосли ўзгартиришлар киритилишини таъминлаш ва назорат қилиш;

тўлов ҳужжатларини узатишда ушбу ҳужжатнинг асл эгасига етказилишини ҳамда бошқа шахсларга жўнатилишининг олди олинишини таъминлаш;

амалга оширилган тўловга оид маълумотларни сақлашда уларни рухсатсиз кўчириш, ўзгартириш, ўчириш ҳамда учинчи шахсларга жўнатилишининг олдини олиш чораларини кўриш;

ташқи сақловчига кўчирилган тўловга оид маълумотларнинг сейфда (темир шкафта) сақланишини таъминлаш ҳамда маълумотларни сақлаш учун масъул ходим (ходимлар) тайинлаш;

ахборот тизимларидаги дастурий таъминотларнинг назоратини ва ҳисобини юритиш ҳамда ахборот тизимларидаги дастурий таъминот талқинларининг, аппарат-дастурий курилмаларининг ва дастурий воситаларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш;

ахборот тизимларининг актуал ҳолатда (охирги версия) бўлишини таъминлаш, бунда дастурий таъминотнинг янги талқинини текширувдан ўтказгандан сўнг ахборот тизимига жорий этиш;

тўлов ахборотларига ишлов бериш, уларни узатиш ҳамда сақлаш жараёнларини электрон баённомаларда автоматик тарзда шакллантириб бориш ҳамда уларнинг сақланишини таъминлаш;

ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш хизмати ҳамда банк ва тўлов тизимларида шубҳали фрод операцияларга қарши чоралар кўриш хизматларини ташкил этиш, шунингдек ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш ҳамда банк карталари билан боғлиқ шубҳали (фрод) операцияларга қарши чоралар кўриш бўйича амалга ошириладиган ишларни назорат қилиш;

ҳисоблаш тармоғининг хавфсизлиги ва криптографик муҳофазасини таъминлаш, компьютер вирусларидан ҳимоялаш, ахборот тизимларига киришни бошқариш, техник воситаларини созлаш ва бошқа чораларни қўллаш;

ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш ҳамда банк карталари билан боғлиқ шубҳали (фрод) операцияларга қарши чоралар кўриш ускуналари, курилмалар, аппарат-дастурий ва дастурий техник воситалари қўлланишини таъминлаш ҳамда уларни мунтазам такомиллаштириб бориш, фойдаланиш тартибларини белгилаш, уларга техник хизмат кўрсатиш,

таъмирлаш ва бошқа ҳолатларда улардан кўзда тутилмаган тарзда рухсатсиз фойдаланишнинг олдини олиш;

қўлланилаётган техник воситаларга барча телекоммуникация тармоқларидан рухсатсиз кириш, улардаги маълумотларни ўзгартириш, ўчириш, қўчириб олишдан ҳимоялаш;

ахборотларни чиқиб кетиши (йўқолишини) олдини олиш;

ахборот тизимига рухсатсиз кириш ёки киберхавфсизлик ҳодисалари содир этилганда, уларни таҳлил қилиш асосида ҳимоя тизимларини мустақкамлаб бориш чораларини кўриш.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар дастурларга ва операцион тизимга зарар келтирувчи зарарли кодлар (компьютер вируслари) ва уларнинг салбий таъсирининг олдини олиш учун қуйидаги чораларни кўриши керак:

ҳисоблаш техникаси қурилмалари (серверлар, компьютерлар ва бошқалар), банкомат, эмбоссер ва тўлов терминалларининг (техник имкониятидан келиб чиқиб) иш фаолиятига зарар етказувчи кодларни (компьютер вирусларини) аниқлаш ва уларнинг салбий таъсирининг олдини олиш чораларини кўриш;

ахборот тизимларида фақат лицензияланган антивирус дастуридан фойдаланиш, уларнинг русумлари ва базалари актуаллиги ҳамда янгиланиб борилишини таъминлаш;

антивирус дастурларининг автоматик тарзда ишлашини таъминлаш;

интернет ва корпоратив тармоқлар орқали келган барча ахборотларни антивирус дастури орқали текшириш.

Тўлов тизимларида ахборотни муҳофаза қилишнинг криптографик усуллари қўлланилиши ва тўлов тизими қоидаларида қуйидагилар белгилаб берилиши лозим:

криптографик муҳофаза воситаларини автоматлаштирилган тизимларга боғлаш, ишга тушириш, ишлатиш ва фойдаланишдан чиқариш тартиби;

криптографик муҳофаза воситаларининг тўхтаб қолиши, ишдан чиқиши ва бошқа ғавқулдда ҳолатларда уларни қайта тиклаш тартиби;

криптографик муҳофаза дастурларига ва техник ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тартиби;

криптографик калитларни бошқариш тартиби;

криптографик калитларни ташувчи қурилмаларни қўллаш, сақлаш, ўзгартириш ва бошқалар бўйича ташкилий, техникавий усулларни қўллаш тартиби.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан ахборот алмашинувида ахборот хавфсизлиги ҳамда киберхавфсизликни таъминлашлари шарт.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчиларнинг ахборотлаштириш объектларига рухсатсиз кириш ҳамда фойдаланишни чегаралаш мақсадида қуйидаги чоралар кўрилиши керак:

ахборотлаштириш объектларига, шу жумладан, банкомат, тўлов терминаллари ва тўлов ўтказиш электрон қурилмаларига жисмонан таъсир этишни ҳамда техник жиҳозлар мавжуд бўлган бино ва хоналарга киришни назорат қилиш;

тўловларни амалга оширишда қўлланиладиган автоматлаштирилган тизимлар, дастурлар, ҳисоблаш техникалари, телекоммуникация қурилмалари параметрлари ва тузилмалари ҳамда тўлов тизимида ишлаш ҳуқуқини берувчи маълумотларни (парол, биометрик ва бошқа маълумотлар) ўз ичига олган техник воситаларнинг жисмоний муҳофазасини (хавфсизлик режимини) таъминлаш ва рухсатсиз таъсир этишнинг олдини олиш;

тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчиларнинг ходимлари ахборотлаштириш объектларига киришини назорат қилиш ва маълумотларни рухсатсиз тарқалишидан ҳимоялаш тизимларини жорий қилиш;

серверлар ва телекоммуникация қурилмалари жойлашган хоналарда ишлаш жараёнларини видеокузатув тизимлари ёрдамида назорат қилиш.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар қуйидаги маълумотларни ўз ичига олган ахборот тизимларининг ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлигини таъминлашлари керак:

банк (карта) ҳисобварағида пул маблағлари қолдиқлари тўғрисидаги маълумотлар;

электрон пуллар қолдиқлари тўғрисидаги маълумотлар;

амалга оширилган тўловлар тўғрисидаги маълумотлар;

нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ўз ичига олган маълумотлар;

банклараро тўлов ва клиринг тизимлари тўлов маълумотлари;

криптографик муҳофазани таъминлаш учун қўлланиладиган криптографик калитлар;

тўловларни амалга оширишда қайта ишланадиган конфиденциал ахборотларни (банк сири, шахсга доир маълумотлар ва бошқа қонун билан муҳофаза қилинадиган маълумотлар);

мижозларнинг банк карталари, аккаунтлари ва идентификациядан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотлар.

Тўлов тизимлари операторлари ёки тўлов хизматларини етказиб берувчилар масофадан тўлов хизматларини кўрсатувчи ахборот тизимларини (мобил илова, интернет банкинг ва бошқалар) (бундан буён матнда масофавий ахборот тизимлари деб юритилади) амалиётга жорий этиш ҳамда уларга ўзгартириш киритишдан аввал қуйидагиларни таъминлашлари лозим:

масофавий ахборот тизимларининг тўловларни ўтказиш билан боғлиқ барча функцияларини синов (тест) тарзида тўлиқ текширувдан ўтказишни таъминлаш;

масофавий ахборот тизимларини техник топшириқлар, уларни техник топшириққа ва киберхавфсизлик талабларига мувофиқлиги юзасидан экспертизадан ўтказиш ҳамда уларнинг натижалари бўйича экспертиза хулосаларини Марказий банкка тақдим этиш;

масофавий ахборот тизимларини уяли алоқа даражасида ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизими, Марказий банкнинг марказлашган антифрод ҳамда замонавий биометрик идентификация тизимларига уланишини таъминлаш;

дастурларни ишлатиш бўйича йўриқномаларни ишлаб чиқиш ва уларнинг актуаллигини таъминлаган ҳолда мижозларга тақдим этиш;

аниқланган заифликларни бартараф этиш учун ўзгаришлар киритилишини таъминлаш;

мижозлар қўллаётган дастурларнинг актуаллигини назорат қилиш.

Тўлов тизимлари операторлари ёки тўлов хизматларини етказиб берувчилар масофавий ахборот тизимларининг янги талқинини (версиясини) жорий этганидан сўнг эски талқиндан (версиядан) фойдаланишни чеклаши ва янги талқинга (версияга) ўтиши (янгилаши) лозим.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар ўзаро тўлов ахборотлари ва тўлов ахборотларига тегишли бўлган маълумотлар алмашинувини телекоммуникация тармоқлари орқали амалга ошириш учун томонларнинг ахборотлаштириш объектлари хусусиятларидан келиб чиқиб, уларнинг вазифалари, жавобгарликлари ва мазкур Низом талабларини ўз ичига олган ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлигини таъминлаш, шунингдек банк карталари билан боғлиқ шубҳали (фрод) операцияларга қарши чоралар кўриш қоидаларини ишлаб чиқиши керак.

Тўлов агенти томонидан банк ёки тўлов ташкилоти билан тўлов хизматларини кўрсатиш учун тузилган агентлик шартномасида ахборот хавфсизлиги бўйича томонларнинг масъулиятлари белгиланган бўлиши керак.

Тўлов субагенти томонидан тўлов агенти билан тўлов хизматларини кўрсатиш бўйича тузилган субагентлик шартномасида ахборот хавфсизлиги бўйича томонларнинг масъулиятлари белгиланган бўлиши керак.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар ахборотнинг конфиденциаллиги ва яхлитлигини, шу жумладан, тўлов хизматларидан фойдаланувчининг шахсига доир маълумотларни муҳофаза қилишда ҳамда етарли хавфсизликни таъминлаш мақсадида қуйидаги чораларни кўришлари лозим:

тўлов тизимида ишлов бериладиган конфиденциал ва шахсга доир маълумотларнинг яхлитлиги ва дахлсизлигини муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш тартибини ишлаб чиқиш;

ички ҳужжатлар билан тартибга солинадиган ҳимояланадиган маълумотлар билан ишлашда хавфсизлик ва конфиденциалликни таъминлаш қоидалари ва талабларини ишлаб чиқиш;

конфиденциал ва шахсга доир маълумотлар билан ишловчи ходимлар сонини имкон даражасида камайитириш, ходимлар билан конфиденциал ва шахсга доир маълумотлар ошкор этилишининг олдини олиш бўйича мажбуриятномалар (шартнома) тузиш ва ушбу маълумотлардан фойдаланиш ҳуқуқларини ходимларнинг лавозим мажбуриятларидан келиб чиқиб белгилаш;

конфиденциал маълумотлар рўйхатини юритиш бўйича комиссия таркибини шакллантириш ва тасдиқлаш;

конфиденциал маълумотлар рўйхати ва ҳажмини аниқлаш ҳамда тасдиқлаш;

конфиденциал маълумотлар билан ишлашга рухсат берилган ходимлар рўйхатини шакллантириш ва тасдиқлаш;

ахборотлаштириш объектининг техник паспортини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

конфиденциал маълумотлар билан ишлаш тартибини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

конфиденциал маълумотларни ташувчи воситаларни рўйхатга олиш, йўқ қилиш, конфиденциал ахборот ташувчиларни ташқарига олиб чиқиш/кириш журналлари юритиш;

маълумотлар яхлитлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида электрон рақамли имзо калитларидан фойдаланиш ҳамда шифрланган маълумотларни сақлаш тартибини белгилаш;

конфиденциал ва шахсга доир маълумотлар мавжуд бўлган ресурсларга киришда идентификация, аутентификация ва авторизация қилинишини таъминлаш;

конфиденциал ва шахсга доир маълумотлар билан ишлаш ҳуқуқларининг рухсатсиз берилишини олдини олиш;

ахборот тизимлари фойдаланувчиларининг муҳофазаланган маълумотларига кириш, ишлов бериш, уларни сақлаш ҳамда тақдим этиш жараёнидаги амалга оширилган ҳаракатларни электрон баённомаларда қайд этиб бориш;

ташқи сақловчи қурилмалар ва техник воситаларнинг бинодан ташқарига олиб чиқилиши ҳамда уларнинг ўғирланишининг олдини олиш;

маълумотларни узатиш, сақлаш, ўчириб ташлаш, уларга ишлов бериш ҳамда уларнинг рухсатсиз четга чиқиб кетишининг олдини олиш чоралари таъминланганлигини назоратга олиш.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар ахборот ва интернет жаҳон ахборот тармоғини, шунингдек, серверлар ва алоқа каналларини эҳтимоли мавжуд бўлган кибертаҳдид ва киберҳужумлардан ҳимоя қилиш учун етарли чораларни кўриши лозим. Ушбу чоралар қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

компьютер тармоқларини сегментлаш ва тармоқлараро экрандан фойдаланиш;

ахборот тармоқлари, шу жумладан, интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали қабул қилинаётган ва узатилаётган маълумотларга рухсатсиз киришнинг олдини олиш бўйича техник (криптографик ва бошқа) ва/ёки ташкилий чоралар кўриш ҳамда тармоқ маълумотларини филтрлашни таъминлаш (тармоқлараро экранларни қўллаш);

ахборот тармоқлари ва веб-сайтлар орқали тўловларни амалга оширишда идентификация, кўп омилли аутентификация ва авторизация

қилиш (кўп омилли аутентификация қилиш мобил ва алоқасиз тўловларни амалга ошириш чоғида қўлланилмайди);

ахборот тармоқлари ва Интернет жаҳон ахборот тармоғи, шунингдек, серверлар ва алоқа каналларидан фойдаланувчиларни идентификация қилиш;

интернет жаҳон ахборот тармоғи ресурсларидан ходимларнинг фойдаланишини прокси-сервер орқали амалга ошириш, иш фаолияти учун зарур бўлмаган веб-сайтларга киришни чегаралаш ва кирилган веб-сайтларни қайд этиб бориш;

ахборот тизимларини асосий ва захира алоқа каналлари билан таъминлаш;

серверлар тармоғини муҳофазалаш (демилитаризация қилинган зоналарини (DMZ) ташкил этиш);

серверларда иш фаолияти учун зарур бўлмаган портларни ёпиш ва хизматларни тўхтатиш;

ахборот тизимига кириш объектлари ва ресурсларининг ҳисобини юритиш;

мобил тўловларни амалга ошириш чоғида фойдаланувчиларни кўп факторли аутентификация қилиш (SMS, QR-код, NFC, бармоқ излари, кўзнинг рангдор пардаси асосида аниқлаш ёки шу каби тасдиқловчи усулларни қўллаш мумкин);

мобил қурилмалар ёрдамида масофадан киришда тўлов маълумотлари ҳамда ахборот тизимларининг (маълумотлар базасининг) ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлигини таъминлаш;

масофавий хизмат кўрсатиш ва бошқа ахборот тизимларида миқдори идентификация ва аутентификация қилиш мақсадида қўлланиладиган (бир марталик ёки кўп марталик) паролларни ишлатиш тартибини белгилаш, тасдиқлаш кодларини қўллаш, бир марталик тасдиқлаш кодларини тизимга шифрланган ҳолда юбориш, антифрод ва биометрик идентификация тизимларини қўллаш, коднинг фаол бўлиш вақти ва бошқаларни ёритиш;

автоматлаштирилган тизимга киришда қўлланилган қурилма тўғрисида идентификация маълумотларини (IP-адрес, MAC-адрес ва бошқа идентификаторлар) қайд этиш;

тажовузларни аниқлаш ва уларнинг олдини олиш тизимларини қўллаш.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш бўйича талабларнинг бузилиши билан боғлиқ бўлган ҳодисаларга нисбатан қуйидаги таъсир чораларини кўришлари лозим:

юзага келиши мумкин бўлган ҳодисаларга нисбатан таъсир чораларини кўриш юзасидан зарур ҳаракатларни олдиндан кўра билиш ҳамда амалга ошириладиган ҳаракатлар рўйхатини белгилаш;

содир бўлган ҳодисаларга нисбатан қисқа муддатларда таъсир чораларини кўриш;

ишнинг узлуksизлигини таъминлаш, шунингдек, ноқонуний тўловлар ва ҳисобварақлардаги қолдиқ маблағларини рухсатсиз ўзгартирилишини олдини

олиш, ахборотни қайта тиклаш ҳамда бошқа салбий ҳолатларни бартараф этиш;

ходимлар томонидан мавжуд ахборот тизимларида ишлашда белгиланган ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик талабларига риоя қилинишини таъминлаш;

юзага келган ҳодисаларнинг келиб чиқиш омилларини аниқлаш мақсадида тармоқ қурилмалари ва ахборот тизимларининг электрон баённомаларини расмийлаштириш, йиғиш, таҳлил қилиш ҳамда уларга асосан тегишли кўрсатмаларни ишлаб чиқиш.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар банкомат, инфокиоск ва тўлов терминалларининг ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлигини таъминлаши лозим. Бунда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлашда қуйидаги чоралар қўлланилади:

банкомат, инфокиоск ва тўлов терминалларининг ҳисобини юритиш ҳамда уларнинг ахборот дастурига рухсатсиз киришининг олдини олиш;

банкомат, инфокиоск ва тўлов терминалларида техник хизмат кўрсатувчи шахслар фаолиятини назорат қилиш ҳамда улар томонидан амалга оширилган ўзгартиришлар бўйича электрон баённома юритиш;

видеокузатув тизимлари ёрдамида банкоматлар билан ишлаш жараёнларини назоратга олиш (банкоматга киритиладиган банк карталарининг пин код рақамлари видеокузатув тизимлари орқали қайд этиш имкониятига эга бўлмаслиги лозим);

бош банк ҳамда унинг инфратузилмалари (филиал, мини-банк ва бошқалар) ва бошқа қўриқланадиган объектларидан ташқарида жойлаштирилган банкоматларнинг видеокузатув маълумотлари бош банк ёки унинг филиалидаги техник қурилмаларга тўғридан тўғри (онлайн) ёзиб борилишини таъминлаш;

банкомат тармоқ кабелларини муҳофазалаш;

банкоматнинг бошқа банкоматлар билан бир хил бўлган қулфларини алмаштириш;

банкоматларни алоқа каналларидан ёки жисмонан боғланган ҳолда эҳтимолий ҳужумлардан (шу жумладан, скиммингдан) ҳимоя қилиш;

банкоматларнинг операцион тизими ҳамда BIOS тизимига кириш ҳуқуқларини мураккаб пароллар билан ҳимоялаш;

аутентификация қилиш тартибини белгилаш;

тўловларни амалга оширувчи қурилмаларнинг ҳисобини юритиш;

банкоматлардаги нақд пул маблағларининг жисмоний муҳофазасини таъминлаш;

тармоқ орқали ахборот алмашинувида ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш;

халқаро тўлов тизимлари билан ишлайдиган ахборот тизимларида халқаро стандартлар (PCI DSS, PTS, PA DSS) талабларига мувофиқ ахборот муҳофазаси воситалари ва тизимларини жорий қилиш.

Тўлов тизимлари операторлари ўз тизимларидаги банкомат ва инфокиоскларда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни банклар билан биргаликда таъминлайди ҳамда уларнинг узлуксиз ва тўғри ишлашини назорат қилади. Агар ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик бўйича маълум бир (ёки барча) масъулият тўлов хизматларини етказиб берувчига юклатилган бўлса, мазкур ҳолат тегишли шартномаларда қайд этилиши ва масъулият юклатилган ташкилотга зарурий шароитлар яратиб (банкоматларнинг ахборот тизимидаги ишлаш ҳуқуқлари) берилиши зарур.

Муҳим тўлов тизимлари операторлари мазкур Низомда белгиланган хавфсизлик чораларига қўшимча равишда қуйидаги ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик чораларини таъминлаши зарур:

тўлов тизимининг узлуксиз ишлаши ишончилигини таъминлаш;

ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш хизматини ташкил этиш ва унинг мажбуриятларини белгилаш;

Ўз ДСт 2875:2014 “Датамарказларга қўйиладиган талаблар. Инфратузилма ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш” стандартининг датамарказ телекоммуникация воситалари инфратузилмаси тайёрлиги ва хавфсизлигининг учинчи даражадан паст бўлмаслигини таъминлаш;

халқаро банк карталаридан фойдаланилганда PCI DSS хавфсизлиги стандарти, Payment Services Directive (PSD2) тўлов хизматларини кўрсатиш директиваси талабларига мувофиқлаштириш;

ахборот тизимлари тўғри ташкил этилганлиги юзасидан нуфузли халқаро аудитор ташкилотларни жалб қилиш орқали АКТ-инфратузилмасини (ахборот хавфсизлиги ҳолатини) аудитдан ўтказишни таъминлаш;

Ўзбекистон Республикасининг “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида муҳим тўлов тизимлари операторларига белгиланган талабларни бажариш.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчиларнинг тўловлар билан боғлиқ маълумотларни сақлаш ва уларга ишлов бериш хоналари билан таъминланган бўлиши керак. Ушбу хоналар қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

рухсатсиз жисмоний киришдан муҳофазаланган бўлиши;

хона биринчи қаватда жойлашган ҳолларда унинг деразалари темир панжара билан жиҳозланган бўлиши;

қўриқлаш ва ёнғиндан огоҳ этувчи иккита ҳимоя тўсиғи хабаргоҳлари билан жиҳозланиши;

тунги вақтда қўриқлаш ва огоҳлантириш қурилмалари билан жиҳозланиши;

видеокузатув орқали назоратга олиниши.

Тўлов тизимлари операторлари ўзларининг тўлов тизимларида ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик чораларини кўришда назорат ва мониторинг ишларини амалга оширишлари лозим.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар автоматлаштирилган тизимлар, иловалар ҳамда ахборот инфратузилма объектларини ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик

заифликларига таҳлил қилиши, ҳар йили камида икки марта рухсатсиз киришга текшириши ва ҳужжатларда қайд этилмаган имкониятлар мавжуд эмаслигини назорат қилиши лозим.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар ҳар йили, келгуси йилнинг биринчи апрелидан кечиктирмай, Марказий банкка ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликнинг таъминланганлик ҳолати тўғрисида ҳисобот тақдим этиши шарт.

Тўлов тизими операторлари, тўлов тизимининг иштирокчилари ва тўлов ташкилотлари таваккалчиликларни бошқариш тўғрисидаги ҳужжатларида жисмоний ва юридик шахсларнинг розилигисиз амалга оширилган пул ўтказмаларининг тавсифи, миқдори ва ҳаракатларини таҳлил этиш орқали банк карталаридан жисмоний ва юридик шахсларнинг розилигисиз амалга оширилган пул ўтказмаларининг мезонларига мос келадиган операцияларни аниқлаш жараёнларини белгилайди.

Тўлов тизими операторлари банк карталари орқали жисмоний ва юридик шахсларнинг розилигисиз пул ўтказмаларини олдини олиш мақсадида транзакцион антифрод тизимларини жорий этиши ҳамда Марказий банкнинг марказлашган антифрод тизимига интеграция қилинишини таъминлаши лозим.

Тўлов тизимининг иштирокчилари ва тўлов ташкилотлари ўзларида сессион антифрод тизимларини жорий этиши ҳамда Марказий банкнинг марказлашган антифрод тизимига интеграция қилинишини таъминлаши лозим.

Тўлов тизими иштирокчилари ва тўлов ташкилотларида банк карталари орқали жисмоний ва юридик шахсларнинг розилигисиз амалга оширилган пул ўтказмаларининг мезонларига мос келадиган операциялар аниқланганда, ушбу операция бўйича тақдим этилган фармойишнинг бажарилишини антифрод тизимлари доирасида амалга оширади.

Тўлов тизими операторлари, тўлов тизимининг иштирокчилари ва тўлов ташкилотлари жисмоний ва юридик шахсларнинг розилигисиз амалга ошириладиган тўловларни олдини олиш мақсадида қуйидагиларни бажариши лозим:

жисмоний ва юридик шахсларнинг розилигисиз амалга оширилган пул ўтказмаларининг тавсифи, миқдори ва ҳаракатларини таҳлил этиши, таваккалчиликларни баҳолаши ва бошқариши ҳамда уларнинг мезонларига мос келадиган операцияларни аниқлаш жараёнларини белгилаши;

жисмоний ва юридик шахслар ўртасида тузилган шартномаларда (оммавий оферталарда) антифрод тизими доирасида банк карталари билан боғлиқ шубҳали (фрод) операцияларга қарши чоралар кўриш масалаларини ёритиши;

банк карталари билан боғлиқ шубҳали (фрод) операциялар бўйича келиб тушадиган мурожаатларни йиғиши ва таҳлил қилиши;

тўлов хизмати фойдаланувчисининг пул маблағларини ўтказиш вақтида, ушбу тўлов шубҳали (фрод) операциялар рўйхатида бўлса, бундай ҳолат ҳақида фойдаланувчига хабар (SMS, мессенжер ёки бошқа ахборот тизимлар

орқали) бериши, такрорий тасдиқ (PIN код, яширин сўзни киритиш ёки бошқа тарзда маълумот) олиши, агар маълум вақт оралиғида ушбу тасдиқ олинмаса, ушбу тўлов операциясини бекор қилиши;

фойдаланувчи томонидан ўзининг ҳисоб-варақларига тегишли тўлов операцияларини тўхтатиш (блокировка қилиш) имкониятини яратиши;

банк карталари билан боғлиқ шубҳали (фрод) операцияларда иштирок этган банк карталари ва ҳисобварақлари, мобил иловалари аккаунтлари ҳамда электрон ҳамёнлар тўғрисида ўзларининг ахборот тизимларида мавжуд бўлган маълумотларни Марказий банкнинг сўровига асосан ўз вақтида тақдим этиши;

ахборот тизимлари ва ресурсларида аниқланган, жисмоний ва юридик шахсларнинг розилигисиз амалга оширилган пул ўтказмаларини ўтказиш ёки ўтказишга уриниш ҳолатлари тўғрисидаги маълумотларни Марказий банкка тақдим этиб бориши.

Тўлов тизими операторлари, тўлов тизимининг иштирокчилари ҳамда тўлов ташкилотлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг розилигисиз тўловлар содир этилган ҳолатларда иштирок этган банк карталари ва ҳисобварақлари, мобил иловалари аккаунтлари ҳамда электрон ҳамёнлардан фойдаланишни вақтинча чекланган (блокланган) муддат мобайнида қонун ҳужжатларида уларни чеклаш (блоклаш) учун бошқа асослар бўлмаганда, улардан фойдаланишга қўйилган вақтинчалик чеклов (блоклаш) олиб ташланади.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг розилигисиз амалга оширилган пул ўтказмаларининг мезонлари Марказий банк бошқарувининг қарорига асосан белгиланади.

Тўлов тизими операторлари, тўлов тизимининг иштирокчилари ҳамда тўлов ташкилотлари EPOS-терминалларида фойдаланишда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш бўйича қуйидагиларни амалга ошириши лозим:

тўлов агентлари ва субагентларининг реестрини юритиши, шунингдек, тўлов агентлари ёки субагентларини рўйхатдан ўтказиш, ўзгартириш ва ўчиришда 1 иш куни ичида Марказий банкка ўзгартирилган реестрни тақдим этиши;

жисмоний шахслар ўртасида пул маблағларини ўтказишни (P2P) амалга ошириш учун алоҳида EPOS-терминалидан фойдаланиши, шунингдек ушбу EPOS-терминалларида бошқа мақсадларда фойдаланишини таъқиқлаши;

EPOS-терминалларида шартномада кўрсатилган мақсадларда фойдаланишни назорат қилиши;

EPOS-терминалларида, шунингдек фойдаланувчи пароллари ва кириш ҳуқуқларидан фойдаланишда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш тартибини ишлаб чиқиши.

Тўлов тизими операторлари ва тўлов тизимининг иштирокчилари Марказий банкнинг мажбурий кўрсатмасига кўра, шубҳали (фрод) операциялари амалга оширилишини чеклаш ёки тўхтатиш мақсадида EPOS-

терминаллардан фойдаланишни тўхтатиш ёки ушбу терминалларни ўчириш чораларини кўриши лозим⁴²⁶.

Киберхавфсизликни таъминлаш воситалари мажбурий тартибда сертификатлаштирилади⁴²⁷.

Кредит бюрolariда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш мақсадида асосий вазифалари қуйидагилардан иборат бўлган ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш хизмати (бундан буён матнда Хизмат деб юритилади) ташкил этилади:

ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликнинг таъминланганлик даражасини ошириш, уни баҳолаш, шунингдек авариялар ва ходимлар йўл қўйган хатолар натижасида келиб чиқадиган йўқотишларни камайтириш ва содир этилишини олдини олиш;

ахборот инфратузилмасининг яхлитлиги ва хавфсизлигини назорат қилиш;

серверларда ва тармоқ қурилмалардаги дастурий таъминотларни муҳофаза қилиш;

барча технологик жараёнларда ходимлар ҳаракати, шунингдек ахборот тизимларида амалга оширилган ҳаракатлар бўйича электрон баённомалар рўйхатини юритиш;

ахборот тизимларида ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик талабларини бузиш ҳолатларини олдини олиш чораларини кўриш;

маълумотларнинг учинчи шахсларга ошкор этилишини олдини олиш;

ахборот-коммуникация технологиялари инфратузилмасида юзага келган ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик ҳодисалари, кибертахдидлар, киберхужумлар аниқланган вақтда бу ҳақидаги маълумотларни зудлик билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига (бундан буён матнда Марказий банк деб юритилади) тақдим этиш;

ахборот-коммуникация технологиялари инфратузилмаси, ахборот тизимлари ва ресурсларида ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликнинг таъминланганлик ҳолатини ички қоида ва тартибларга мувофиқлигини бир йилда камида икки маротаба ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик таваккалчиликларини ҳисобга олган ҳолда ўрганиш ва ўрганиш натижаларини далолатнома билан расмийлаштириш.

Кредит бюрolari тармоқ ҳамда алоқа каналларини эҳтимоли мавжуд бўлган кибертахдидлар ва киберхужумлардан ҳимоя қилиш учун қуйидаги чораларни кўриши лозим:

компьютер тармоқларини сегментлаш ҳамда янги авлод тармоқлараро экран қурилмаларидан фойдаланиш;

⁴²⁶ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2024 йил 24 апрелдаги 13/1-сон қарори (21.05.02024 й., рўй.: 3513-сон) билан тасдиқланган “Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчиларнинг тўлов тизимларида ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш ҳамда рақамли технологиялар воситасида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларни олдини олиш чораларини кўриш тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁴²⁷ Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати раисининг 2024 йил 15 октябрдаги 114-сон буйруғи (14.11.2024 й., рўй.: 3574-сон) билан тасдиқланган “Ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини таъминлаш учун қўлланиладиган аппарат, аппарат-дастурий ҳамда дастурий воситаларни сертификатлаштириш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

тармоқ орқали қабул қилинган ва узатиладиган маълумотларга рухсатсиз киришни олдини олиш бўйича техник (криптографик ва бошқа) ва (ёки) ташкилий чоралар кўриш ҳамда тармоқ маълумотларини филтрлашни таъминлаш (янги авлод тармоқлараро экран қурилмаларини қўллаш);

тармоқ қурилмаларидаги ARP (Address Resolution Protocol) жадвалларини электрон архивлаш;

Интернет жаҳон ахборот тармоғи ресурсларидан ходимларнинг фойдаланишини прокси-сервер орқали амалга ошириш, иш фаолияти учун зарур бўлмаган веб-сайтларга киришни чегаралаш ва қирилган веб-сайтларни қайд этиб бориш;

ахборот тизимларини асосий ва захира алоқа каналлари билан таъминлаш;

серверларда иш фаолияти учун зарур бўлмаган портларни ёпиш ва хизматларни тўхтатиш;

ахборот тизимида кириш объектлари ва ресурсларининг ҳисобини юритиш;

масофавий хизмат кўрсатиш ва бошқа ахборот тизимларида мижозни идентификация ва аутентификация қилиш мақсадида қўлланиладиган (бир марталик ёки кўп марталик) паролларни ишлатиш тартибини белгилаш, тасдиқлаш кодларини қўллаш, бир марталик тасдиқлаш кодларини тизимга шифрланган ҳолда юбориш, коднинг фаол бўлиш вақти ва бошқаларни ёритиш;

ахборот тизимида киришда қўлланилган қурилманинг идентификация маълумотларини (IP-манзил, MAC-манзил ва бошқа идентификаторлар) қайд этиш;

тажовузларни аниқлаш ва олдини олиш тизимларини (IDS/IPS) қўллаш ҳамда базасини актуал ҳолатда бўлишини таъминлаш.

Кредит бюrolари кредит ахборотини шакллантириш, узатиш, сақлаш ва унга ишлов беришнинг барча босқичларида узлуксиз ҳимояни таъминлаш учун қуйидаги чораларни кўришлари шарт:

идентификация, аутентификация ва авторизация қилиш тизимини жорий этиш;

тизимга рухсатсиз киришнинг олдини олиш усулларини (логин, парол, кўп факторли аутентификация ва бошқа) қўллаш;

идентификация маълумотларини қалбакилаштириш, уларни рухсатсиз ўзгартириш ҳамда учинчи шахсларга тақдим этишдан ҳимоялаш;

кредит ахборотини узатишда унинг асл эгасига етказилишини таъминлаш ҳамда бошқа шахсларга жўнатилишининг олдини олиш;

кредит ахборотини сақлашда уларни рухсатсиз кўчириш, ўзгартириш, ўчириш ҳамда учинчи шахсларга жўнатилишининг олдини олиш чораларини кўриш;

ташқи сақловчига кўчирилган маълумотларни сейфда (темир шкафта) сақланишини таъминлаш ҳамда маълумотларни сақлаш учун масъул ходим (ходимлар) тайинлаш;

ахборот тизимларидаги дастурий таъминотларнинг назоратини ва ҳисобини юритиш ҳамда дастурий таъминот талқинларининг, аппарат-дастурий қурилмаларининг ва дастурий воситаларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш;

ахборот тизимларининг актуал ҳолатда (охирги версияда) бўлишини таъминлаш, бунда дастурий таъминотнинг янги талқинини амалиётда ишлаб турган ахборот тизимининг иш фаолиятига салбий таъсир кўрсатмасдан тест-синов майдонларида текширувдан ўтказиш ва ижобий натижага эришилганидан сўнг амалиётга жорий этиш;

кредит ахборотини узатиш, сақлаш жараёнларини электрон баённомаларда (log) автоматик тарзда шакллантириб бориш ва сақланишини таъминлаш;

Хизматни ташкил этиш ҳамда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш бўйича амалга ошириладиган ишларни назорат қилиш;

ҳисоблаш тармоғининг хавфсизлиги ва криптографик муҳофазасини таъминлаш, компьютер вирусларидан ҳимоялаш, ахборот тизимларига киришни бошқариш, техник воситаларини созлаш ва бошқа чораларни қўллаш;

ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлашда ускуна, қурилма, аппарат-дастурий ва дастурий техник воситалар қўлланишини таъминлаш ҳамда уларни мунтазам такомиллаштириб бориш, фойдаланиш тартибларини белгилаш, техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш ва бошқа ҳолатларда улардан рухсатсиз фойдаланишнинг олдини олиш;

қўлланилаётган техник воситаларга барча телекоммуникация тармоқларидан рухсатсиз кириш, маълумотларни ўзгартириш, ўчириш ва кўчириб олишдан ҳимоялаш;

ахборотларни чиқиб кетишини (йўқолишини) олдини олиш;

ахборот тизимида рухсатсиз кириш ёки киберхавфсизлик ҳодисалари содир бўлганда, таҳлил қилиш асосида ҳимоя тизимларини мустаҳкамлаб бориш чораларини кўриш.

Кредит бюrolари ахборот тизимларидан маълумотларнинг рухсатсиз узатилиши ва тарқалишидан ҳимоялаш бўйича DLP (Data Loss Prevention) тизими жорий этилиши шарт. Маълумотларни ҳимоя қилишда:

муҳофазаланадиган маълумотларни рухсатсиз турли тармоқ каналлари орқали узатилиши, ҳисобга олинмаган ташқи ташувчига кўчирилиши, рухсатсиз чоп этилиши аниқланиши ва бу ҳақида кредит бюро раҳбариятига маълумот бериш ва келгусида шу каби салбий ҳолатлар бўлмаслигини олдини олиш чоралари кўрилиши;

муҳофазаланадиган маълумотларни сервер ва компьютерларда сақланиши назорат қилиниши лозим.

Кредит бюrolари дастурлар ва операцион тизимларга зарар келтирувчи зарарли кодлар (компьютер вируслари) ва уларнинг салбий таъсирини олдини олиш учун қуйидаги чораларни кўриши шарт:

ҳисоблаш техникаси қурилмалари (серверлар, компьютерлар ва бошқалар), иш фаолиятига зарар етказувчи кодларни (компьютер вирусларини) аниқлаш ва уларнинг салбий таъсирини олдини олиш чораларини кўриши;

ахборот тизимларида фақат лицензияланган антивирус дастуридан фойдаланиш, уларнинг русумлари ва базалари актуаллиги ҳамда янгилашиб борилишини таъминлаши;

антивирус дастурларининг ўрнатилиши ҳамда унинг ишлаши Хизмат томонидан назорат қилиниши;

антивирус дастурларининг автоматик тарзда ишлашини таъминлаши;

тармоқ орқали келган барча ахборотларни антивирус дастури орқали текшириши;

антивирус дастурининг соғломалари бунга масъул бўлмаган кредит бюроси ходимлари томонидан ўзгартириш имконияти бўлмаслигини таъминлаши;

компьютер вируси аниқланганда, ходимлар томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар тартиби белгиланиши.

Кредит бюрларида антивирус дастурларини марказлашган ҳолда бошқариш тизими жорий этилиши, антивирус дастурининг базаси ҳар кун янгилашиб борилиши ва версияси актуал (маънан эскирмаган) бўлиши таъминланиши лозим.

Антивирус дастурлари серверлар, компьютерлар ва бошқа барча антивирус дастурлари ўрнатилиши мумкин бўлган ҳисоблаш воситаларига ҳамда қурилмаларга ўрнатилган бўлиши лозим.

Антивирус дастурлари Марказий банкнинг мониторинг тизимига уланиши шарт.

Ахборот тизимларида ахборотни муҳофаза қилишнинг криптографик усуллари қўлланилишида қуйидагилар белгилаб олинishi лозим:

криптографик муҳофаза воситаларини автоматлаштирилган тизимларга боғлаш, ишга тушириш, ишлатиш ва фойдаланишдан чиқариш тартиби;

криптографик муҳофаза воситаларининг тўхтаб қолиши, ишдан чиқиши ва бошқа ғавқулдда ҳолатларда уларни қайта тиклаш тартиби;

криптографик муҳофаза дастурларига ва техник ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тартиби;

криптографик калитларни бошқариш тартиби;

криптографик калитларни ташувчи қурилмаларни қўллаш, сақлаш, ўзгартириш ва бошқалар бўйича ташкилий ҳамда техникавий усулларни қўллаш тартиби.

Кредит бюрлари Марказий банк ва кредит ташкилотлари билан электрон ахборот алмашинувини Марказий банкнинг “Ахборотлаштириш бош маркази” давлат унитар корхонаси билан тузилган шартнома асосида банк телекоммуникация тармоғи орқали амалга оширади. Бунда, қуйидаги хавфсизлик чоралари кўрилиши керак:

а) кредит ахбороти билан ишлаш учун фақат тегишли рухсатга эга бўлган ходимлар қўйилиши;

б) фойдаланувчиларнинг тизимга кириши учун аутентификация қилиш логин ва парол ҳамда аппарат-дастурий воситалар (токен-махсус курилма) ёрдамида амалга оширилиши. Бунда, парол 12 та белгидан кам бўлмаган рақам ва символлар комбинациясидан иборат бўлиши ҳамда парол ва логинларни муддати тугашига қараб ўзгартириш имконияти бўлиши лозим. Паролнинг амал қилиш муддати бир ойдан ошмаслиги лозим;

в) кредит ахбороти алмашинувида қатнашувчи ходимларнинг сервер ва компьютерлари телекоммуникация тармоқлари орқали ишлаши учун аппарат-дастурий воситалар билан жиҳозланиши;

г) ахборотларни қайта ишлаш, узатиш ва қабул қилиш учун ажратилган серверлар ва компьютерларга умумий локал тармоққа уланган бошқа компьютерлардан кириш имконияти бўлмаслиги;

д) кредит бюроси томонидан узатиладиган ва қабул қилинадиган ҳар қандай ахборот электрон рақамли имзо билан тасдиқланиши ҳамда бажарилган ишлар бўйича маълумот автоматик равишда электрон журналга киритилиши. Бунда, электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгаси куйидагиларни амалга ошириши шарт:

электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитидан фойдаланиш устидан назоратни таъминлаши;

электрон рақамли имзо калити сертификатини берган электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатга олиш марказига электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитидан фойдаланиш режими бузилганлиги ёки бузилиши эҳтимоли борлиги тўғрисида хабар қилиши ва электрон рақамли имзо калити сертификатининг амал қилишини тўхтатиб туришни ёхуд мазкур сертификатни бекор қилишни талаб қилиши;

ўзи вакил бўлган юридик шахс қайта ташкил этилганда ва тугатилганда, бу ҳақда электрон рақамли имзо калити сертификатини берган электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатга олиш марказига хабар қилиши;

э) электрон рақамли имзо очик калитининг фойдаланувчиси электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлиги тасдиқланмаган ҳолларда электрон рақамли имзонинг ёпиқ калити эгасига хабар бериши;

ж) кредит бюроларининг тизимларида кредит ахборотига тегишли бўлмаган ахборотларнинг узатилиши тақиқланиши;

з) электрон ахборот алмашинувида виртуал тармоқлар (VPN) асосида ташкил этилган ва ҳимояланган алоқа каналлари қўлланилиши.

Ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш бўйича қўшимча ахборотни муҳофаза қилиш воситалари қўлланилиши мумкин.

Кредит бюрolari тизим иштирокчилари билан тузилган шартномаларда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш ҳамда конфиденциал, жумладан банк сирини ташкил этувчи ва шахсга доир маълумотларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича талабларни белгилаши шарт.

Кредит бюрolari ахборотлаштириш объектларига рухсатсиз кириш ҳамда фойдаланишни чегаралаш мақсадида куйидаги чораларни кўриши керак:

ахборотлаштириш объектларига жисмонан таъсир этишни ҳамда техник жиҳозлар мавжуд бўлган бино ва хоналарга киришни назорат қилиш;

ходимларнинг ахборотлаштириш объектларига киришини назорат қилиш ва маълумотларнинг рухсатсиз тарқалишидан ҳимоялаш тизимларини жорий қилиш;

серверлар ва телекоммуникация қурилмалари жойлашган хоналарда ишлаш жараёнларини видеокузатув тизимлари ёрдамида назорат қилиш.

Кредит бюrolари барча турдаги маълумотларни (шу жумладан, банк сирини ташкил этувчи, шахсга доир ва бошқа қонун билан муҳофаза қилинадиган маълумотларни) сақловчи ахборот тизимларининг ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлигини таъминлашлари шарт.

Кредит бюrolари ахборотнинг конфиденциаллиги ва яхлитлигини, шу жумладан шахсга доир маълумотларни муҳофаза қилишда ҳамда хавфсизликни таъминлашда қуйидаги чораларни қўришлари лозим:

ахборот тизимлари орқали ишлов бериладиган конфиденциал ва шахсга доир маълумотларнинг яхлитлиги ва дахлсизлигини таъминлаш ҳамда улардан фойдаланиш тартибини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

ички ҳужжатлар билан тартибга солинадиган ҳимояланадиган маълумотлар билан ишлашда хавфсизлик ва конфиденциалликни таъминлаш қоидалари ва талабларини ишлаб чиқиш;

конфиденциал ва шахсга доир маълумотлар билан ишловчи ходимлар сонини имкон даражасида камайтириш, ходимлар билан конфиденциал ва шахсга доир маълумотлар ошкор этилишининг олдини олиш бўйича мажбуриятномалар (шартнома) тузиш ва ушбу маълумотлардан фойдаланиш ҳуқуқларини ходимларнинг лавозим мажбуриятларидан келиб чиқиб белгилаш;

конфиденциал маълумотлар рўйхатини юритиш бўйича комиссия таркибини шакллантириш ва тасдиқлаш;

конфиденциал маълумотлар рўйхати ва ҳажмини аниқлаш ҳамда тасдиқлаш;

конфиденциал маълумотлар билан ишлашга рухсат берилган ходимлар рўйхатини шакллантириш ва тасдиқлаш;

ахборотлаштириш объектининг техник паспортини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

конфиденциал маълумотларни ташувчи воситаларни рўйхатга олиш, йўқ қилиш ҳамда ташқарига олиб чиқиш ва кириш журналларини юритиш;

маълумотлар яхлитлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида электрон рақамли имзо калитларидан фойдаланиш ҳамда шифрланган маълумотларни сақлаш тартибини белгилаш;

конфиденциал ва шахсга доир маълумотлар мавжуд бўлган ахборот ресурсларига киришда идентификация, аутентификация ва авторизация қилинишини таъминлаш;

конфиденциал ва шахсга доир маълумотлар билан ишлаш ҳуқуқларининг рухсатсиз берилишини олдини олиш;

ахборот тизимлари фойдаланувчиларининг муҳофазаланган маълумотларига кириш, ишлов бериш, уларни сақлаш ҳамда тақдим этиш жараёнидаги амалга оширилган ҳаракатларни электрон баённомаларда қайд этиб бориш;

ташқи сақловчи қурилмалар ва техник воситаларнинг бинодан ташқарига олиб чиқилишини назорат қилиш;

маълумотларни узатиш, сақлаш, ишлов бериш, ўчириш ҳамда рухсатсиз четга чиқиб кетишини олдини олиш чоралари таъминлаш.

Кредит бюрolari ахборот тизимларида ишлаш жараёнида, шу жумладан ишлаб чиқиш ва синовдан ўтказиш жараёнида ваколатларни чегаралаш учун қуйидаги чораларни кўришлари лозим:

ахборот тизимларида ишлаш ҳуқуқларини белгиловчи тартиб ва қоидаларни ишлаб чиқиш ва уларни лавозим йўриқномаларида акс эттириш ҳамда тегишли ҳужжатга (ариза, талабнома ёки бошқа шаклга) асосан тизимдан фойдаланиш тартибини таъминлаш;

ахборот тизимларида ишлаш ҳуқуқи берилган масъул ходимлар рўйхатини шакллантириш;

ахборот тизимларида ишлаш ҳуқуқларини белгилаш ва тақсимлаш билан боғлиқ ҳаракатларни рўйхатга олиш;

ахборот тизимларида ишлаш ҳуқуқлари мантиқан ва иш вазифасидан келиб чиқиб тўғри белгиланганлигини даврий (ҳар чоракда бир маротаба) текшириб туриш;

ахборот тизимларининг ишлаши ва синовдан ўтказилиш даврида ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш ҳамда берилган ахборот тизимларида ишлаш ҳуқуқлари тўғрилигини назорат қилиш;

ахборот тизими фойдаланувчилари ахборот тизими томонидан берилган ҳуқуқларни ўзгартириш имкониятига эга бўлмаслигини таъминлаш ҳамда бу ҳуқуқларни бегона шахсларга беришни чеклаш чораларини кўриш.

Кредит бюрolari ўзларининг ахборот тизимларига ўзгартириш киритиш учун бошқа ташкилотларни жалб қилганда қуйидагиларни амалга оширишлари зарур:

конфиденциал ва шахсга доир маълумотларни ошкор этмаслик бўйича битим тузиш;

ахборот тизимларида муҳофаза қилинадиган маълумотлар билан ишлашни белгиланган тартибда рухсат бериш асосида амалга ошириш;

тегишли лицензия ва (ёки) бошқа рухсатномага эга бўлган (агар ушбу фаолият лицензия ёки тегишли рухсатнома асосида амалга оширилса) ташкилотларни жалб қилиш;

ахборот тизимларини лойиҳалаш босқичида маълумотларнинг конфиденциаллигини таъминлаш чораларини ишлаб чиқиш;

кўриладиган ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш бўйича чоралар (амалга ошириладиган ишлар, ўрнатиладиган дастурлар, қурилмалар ва бошқалар) ва аниқ кўрсатилган техник топшириқни қабул қилиш (тест синовларини амалга ошириш режаси) ҳамда бошқа тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш;

дастурий таъминотни ишлаб чиққан ва унга ўзгартириш киритган (киритадиган) ташкилотлар рўйхатини тузиш;

ахборот тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этишнинг тахминий муддатларини ҳамда шартларини белгилаб олиш;

жалб қилинган ташкилот ходимлари томонидан ахборот тизимларига киритиладиган ўзгартиришларнинг асослилигини, мавжуд техник топшириқларга мослигини, ахборот тизимига алоқадор бўлмаган дастурлар (тизим функциялари) киритилмаслиги ва тест синовлари натижаларининг ижобийлигини Хизмат ҳамда ахборотлаштириш бўйича масъул ходим томонидан назоратга олиш.

Кредит бюrolари электрон почта тизими серверини ўзининг локал хисоблаш тармоғида яратади.

Кредит бюrolари интернет тармоғи ва электрон почта тизимларидан фойдаланишда ахборот муҳофазасини таъминлаш, ходимларни тизимга киритиш, уларга чекловлар қўйиш, ходимлар ҳаракати ва тизим ахборот хавфсизлиги устидан назорат қилишни ўзининг ички ҳужжатларида белгилайди.

Кредит бюrolари томонидан конфиденциал ва шахсга доир маълумотлар рухсат берилган ахборот тизимлари орқали юборилиши шарт.

Файлларни узатиш протоколи (FTP) серверида ташкил қилинган умумий каталог орқали файл алмашинувини амалга ошириш ва банк сири маълумотларини тармоқда эркин ўқиш учун жойлаштириш тақиқланади.

Кредит бюrolари томонидан интернет ва электрон почта орқали юборишга тайёрланган ёки қабул қилинган ҳар бир электрон маълумот антивирус дастури ёрдамида текширилиши шарт. Электрон почта орқали қабул қилинган маълумотлар зарар келтирмаслиги учун қумдонда (Sandbox тизими) текширилиши лозим.

Кредит бюrolари ўзининг электрон почта тизими ҳамда интернет тармоғидан фойдаланиш тартибини ички ҳужжатлари билан белгилайди ҳамда электрон почта орқали юборилган ва қабул қилинган маълумотларни Хизмат томонидан назорат қилинишини таъминлайди. Бунда фақат рухсат берилган фойдаланувчилар интернет тармоғидан фойдаланиши ва интернет тармоғидан фойдаланишда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш чоралари қўрилиши керак.

Интернет тармоғи ва банк телекоммуникация тармоғи алоҳида маршрутизатор (router) ва алоҳида тармоқлараро экран (firewall) қурилмалари орқали жисмонан уланиши шарт.

Ахборот муҳофазасини кучайтириш мақсадида тармоқ протоколида (TCP/IP) тармоқ транзит пакетларининг IP манзилларини ўзгартириш имконини берувчи тармоқ адресларини ўзгартириш протоколи (NAT) қўлланилиши мумкин. Бунда тармоқ орқали барча уланишларнинг электрон журналлари асл IP манзиллар қўрсатилган ҳолда юритилиши ва белгиланган тартибда электрон архивга олиниши шарт.

Интернет тармоғидан фойдаланиш тартиби назоратга олинган бўлиши ва кредит бюроси ходимларининг интернет тармоғидан фойдаланишлари уларнинг лавозим йўриқномасига асосан белгиланади.

Интернет тармоғидан фойдаланган ходимнинг логини, фойдаланиш вақти, ресурс номи ва бошқа маълумотлар акс эттирилган электрон баённомалар юритилиши керак. Хизмат ушбу электрон баённомаларни таҳлил қилиб боради.

Интернет тармоғидан фойдаланишда ахборот муҳофазасини таъминлаш янги авлод тармоқлараро экран қурилмалари, прокси-сервер, антивирус, тажовузларни аниқлаш ва олдини олиш (IDS/IPS), anti-spam, anti-bot ва бошқа ахборот хавфсизлиги тизимларини қўллаш йўли билан амалга оширилади.

Кредит бюрolari ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлашга доир талабларнинг бузилиши билан боғлиқ бўлган ҳодисаларни аниқлаш мақсадида қуйидаги ишларни ташкил этиши шарт:

қўлланилиши зарур бўлган ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик бўйича ташкилий чораларни аниқлаш;

мавжуд техник қурилмаларни ишлатиш, созлаш ҳамда улардаги маълумотларни қайд этиш;

ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик талабларининг бузилиши билан боғлиқ ҳодисаларни аниқлаш чораларини кўриш ҳамда ушбу ҳолатлар кредит бюроси ходимлари томонидан аниқланганда Хизматни хабардор қилиш;

ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик талабларининг бузилиши билан боғлиқ ҳодисалар юзага келганда, уларни бартараф этиш, юзага келиш сабабларини аниқлаш, таҳлил қилиш ҳамда аниқланган ҳодисалар юзага келмаслиги бўйича тегишли чоралар кўриш;

аниқланган ҳодисаларни рўйхатга олиб бориш (реестрини юритиш);

аниқланган ҳодисалар тўғрисидаги маълумотларни сақлаш тартибини белгилаш;

ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлашнинг бошқа чораларини кўриш.

Кредит бюрolari ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик талабларининг бузилиши билан боғлиқ ҳодисалар тўғрисида Марказий банкка зудлик билан ёзма ёки электрон шаклда хабар бериши шарт.

Кредит бюрolari ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш бўйича талабларнинг бузилиши билан боғлиқ ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида қуйидагиларни белгилаши шарт:

ахборот тизимларида ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик таваккалчиликларини бошқариш тартиби ва уларни баҳолаш мезонлари;

ахборот тизимида нохуш ҳодисалар юзага келганда ўзаро ҳаракатланиш тартиби;

содир бўлган нохуш ҳодисаларга нисбатан таъсир чораларини кўриш бўйича амалга ошириладиган ҳаракатлар рўйхати;

ишнинг узлуксизлигини таъминлаш, ахборотни қайта тиклаш ҳамда бошқа салбий ҳолатларни бартараф этиш чоралари;

ходимлар томонидан мавжуд ахборот тизимларида ишлашда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик талаблари;

юзага келган ҳодисаларнинг келиб чиқиш омилларини аниқлаш мақсадида тармоқ қурилмалари ва ахборот тизимларининг электрон баённомаларини расмийлаштириш, йиғиш, таҳлил қилиш ҳамда уларга асосан тегишли кўрсатмалар.

Ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлашга доир талабларнинг бузилиши билан боғлиқ аниқланган ҳодисалар сабабларини таҳлил қилиш ҳамда уларга таъсир кўрсатиш натижаларини баҳолаш лозим. Бунда аниқланган ҳодисалар сабабларини таҳлил қилиш ҳамда уларга таъсир кўрсатиш натижаларини баҳолаш тизими қуйидагиларни ўз ичига олиши шарт:

аниқланган ҳодисаларга нисбатан таъсир чоралари кўрилгандан кейин ушбу ҳодисаларнинг келиб чиқиш сабабларини Хизмат томонидан тегишли бўлинмалар билан биргаликда таҳлил қилиш тартиби;

ахборот тизимларининг тегишли электрон баённомаларини ўрганиш ҳамда аниқланган ҳодисанинг юзага келишига сабабчи бўлган ходимлардан тушунтиришлар олиш;

ҳодисаларнинг келиб чиқиш сабабларига ойдинлик киритиб, бундай ҳолатлар юзага келмаслиги ёки юзага келганда унинг зарар келтириш имкониятларини камайтириш чораларини кўриш (шу жумладан, тегишли мутахассисларни жалб қилган ҳолда);

ҳодисаларнинг салбий таъсир кўрсатиш даражасига қараб таснифлаш ва баҳолаш мезонига асосан уларни баҳолаш.

Ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлашга доир талабларнинг бузилиши билан боғлиқ аниқланган ҳодисаларга нисбатан кўрилган таъсир чоралари, уларни баҳолаш натижалари ва бошқа қўшимча маълумотлар чоп этилиши ҳамда алоҳида йиғмажилдда сақланиши зарур.

Ахборот тизимларининг узлуксиз ишлаши ва барқарорлигини таъминлаш мақсадида қуйидаги чоралар кўрилиши шарт:

асосий ахборот тизимлари ишдан чиққан ҳолатларда хизматлардан фойдаланишни камида 99,9 фоиз даражада таъминлай олиш имкониятига эга захира сервер қувватларига эга бўлиши;

реал вақт режимида маълумотларни қайта ишловчи ахборот инфратузилмасида камида 30 фоизгача захира жой бўлиши;

ахборот тизими билан боғлиқ тармоқ ва бошқа қурилмалар носоз ҳолатга келганда, уни иш жараёнига келтириш ва узлуксиз ишлашини таъминлаш;

операцион тизим, дастурий таъминотлар, ахборот тизимларининг дастурлари, маълумотлар (маълумотлар базаси, созуламалари, электрон баённомалар) нусхаларини захирага (backup) олиш ва электрон архивда сақлаш ҳамда уларни қайта тиклаш тартибини (механизмини) ишлаб чиқиш, уларнинг ҳисобини юритиш ва назоратини олиб бориш;

захира тикланиш режаси, техник қурилма ва ускуналарга эга бўлиш;

маълумотларнинг захирага олинган (backup) нусхаларини техник носозликларда ва фавқулодда вазиятларда қайта тиклаш режасини ишлаб чиқиш ва даврий (бир йилда бир маротаба) равишда ахборот тизимини қайта тиклаб текшириш;

захира нусхаларини сақлаш муддати, тартиби ва захирадан ечиш қоидаларига риоя қилиш;

дастурларга ўзгартириш киритишни синов (тест) учун мўлжалланган серверларда текшириш;

тизимдаги қурилма ва ускуналарнинг ишлашини назорат қилиш;

ахборот тизимининг узлуксизлигига салбий таъсир этиши мумкин бўлган ҳолатларни олдини олиш ва ахборот муҳофазасини таъминлаш;

дизел электр станцияси ва (ёки) бошқа электр таъминоти узлуксизлигини таъминлаш воситаларидан (UPS ва бошқалар) фойдаланиш;

ишлов берилган маълумотларни сақлаш ва уларнинг электрон архивда юритилишини таъминлаш;

мижозларнинг ҳаракатига тегишли бўлган маълумотларни камида беш йил сақланишини таъминлаш;

электрон архив юритишда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлашга доир талабларга риоя этилиши бўйича ишчи гуруҳ тузган ҳолда бир йилда камида икки маротаба текшириш ва натижалари тўғрисида Марказий банкка маълумот бериш;

ахборот узатиш захира тармоқларига эга бўлиш.

Кредит бюрolari асосий ахборот тизимлари жойлашган жойдан 50 километрдан кам бўлмаган масофада жойлашган ҳудудлардаги шаҳар марказларида захира ахборот тизимларини ташкил этиши лозим. Бунда асосий ва захира ахборот тизимлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ташкил этилади.

Ахборот тизимларидаги маълумотлар (электрон баённомалар ва ҳ.к) электрон архивларда камида икки нусхада (хусусан, асосий ва захира ахборот тизимларининг ҳар бирида битта нусхадан) сақланиши мумкин.

Кредит бюроси ўз фаолияти давомида шаклланадиган барча ахборот ва ҳужжатларни рақамли шаклда тартибли равишда сақлаш мақсадида электрон архив тизимини ташкил этиши ва юритиши шарт.

Электрон архивда қуйидаги маълумотлар мажбурий равишда сақланиши лозим:

фойдаланувчиларнинг тизимга кириш ва чиқиш журналлари (баённомалари);

ёзувлар устида амалга оширилган ҳаракатлар (яратиш, ўзгартириш, ўчириш) бўйича баённомалар (логлар);

кредит тарихига оид барча кирувчи ва чиқувчи сўровлар;

кредит тарихини тузатиш ёки рад этиш бўйича ариза ва қарорлар;

электрон почта орқали қабул қилинган ва юборилган ҳужжатлар;

ARP (Address Resolution Protocol) жадваллари, тизим хатоликлари ва рухсатсиз кириш уринишлари ҳақида техник баённомалар (loglar);

захиралаш ва тиклаш бўйича амалиётлар журнали.

Захира нусхаларни сақлаш, юритиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ талаблар қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) захира нусхаларни сақлаш муддати:

тизим конфигурацияси, электрон баённомалар ва лог файллар – бир йил;
молиявий ва миқозларга оид операцион маълумотлар – беш йил;

ички хизматлар фаолиятига тегишли жорий маълумотлар – олти ойни ташкил этади;

б) захира нусхаларини тиклаш ва ўчириш фақат ваколатга эга бўлган масъул ходимлар томонидан амалга оширилиши лозим. Бунда, барча ҳаракатлар расмийлаштирилиши ва электрон баённомалар (лог)да қайд этилиши керак;

с) сақлаш муддати якунига етган захира нусхалар уларнинг махфийлик даражаси ва ахборот хавфсизлиги талаблари инобатга олинган ҳолда қайта тиклаб бўлмайдиган қилиб йўқ қилинади. Бунда, барча жараёнлар электрон баённомалар (log)да қайд этилади.

Кредит бюроларининг фаолияти тугатилганда, улардаги мавжуд электрон архивнинг ахборот ресурслари қонунчиликда белгиланган тартибда тегишли давлат ёки нодавлат архивларига топширилади.

Кредит бюрolari қайта ташкил этилганда, уларнинг электрон архив маълумотлари тегишли давлат архивлари билан келишилган ҳолда мазкур ташкилотнинг ҳуқуқий ворислари электрон архивига топширилади.

Кредит ахборотидан фойдаланувчилар кредит бюроларининг ахборот тизимларига рухсат этилмаган ҳолда кириш, кредит ахборотини йўқ қилиб юбориш, ўзгартириш, ундан бошқа шахслар фойдаланиши ёки уни ошкор этилишини олдини олиш учун ташкилий ва техник чоралар кўриши лозим⁴²⁸.

Кредит ва тўлов ташкилотлари жисмоний шахсларнинг шахсига доир, идентификация ва тўлов билан боғлиқ барча турдаги маълумотларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида уларни ўз ахборот тизимларида шифрланган ҳолда сақлаши шарт.

Ахборот тизимларидаги маълумотларнинг рухсатсиз тарқалишининг олдини олиш мақсадида маълумотларни рухсатсиз тарқалишидан ҳимоялаш тизими DLP (Data Loss Prevention) жорий этилиши лозим.

Ахборот тизимида фойдаланувчи ва тизимнинг ўзи томонидан амалга оширилган барча ҳаракатлар автоматик тарзда журналлаштирилиши шарт. Журналлар сохталаштириш ва ўзгартиришдан ҳимояланган форматда сақланиши лозим. Журнал маълумотларининг яхлитлигини таъминлаш мақсадида WORM (Write Once Read Many) технологиясидан фойдаланиш тавсия этилади.

Имтиёзли функциялар ва юқори даражадаги тизим ҳуқуқлари орқали амалга оширилган барча ҳаракатларга фақат чекланган доирадаги ходимлар томонидан киришга рухсат берилиши шарт. Бундай ҳуқуқлардан фойдаланиш

⁴²⁸ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2025 йил 19 августдаги 20/2-сон қарори (2309.2025 й., рўй.: 3679-сон) “Кредит бюроларининг ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлигига доир минимал талаблар тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

жараёнлари мажбурий тарзда кўп омилли аутентификация MFA (Multi-Factor Authentication) орқали ҳимояланиши лозим.

Имтиёзли функциялар ва юқори даражадаги тизим ҳуқуқлари доирасида амалга ошириладиган фаолиятнинг тўлиқ назорати ва журналлаштирилиши PAM (Privileged Access Management) тизими орқали амалга оширилиши керак.

Кредит ва тўлов ташкилотлари ахборот тизимларидаги маълумотларни ҳимоя қилиш учун криптографик ҳимоя воситаларидан фойдаланишда қуйидаги талабларни бажаришлари шарт:

алоқа каналлари орқали ахборот алмашинувини фақат ҳимояланган Transport Layer Security (TLS) протоколидан (1.3 ёки ундан юқори версия) фойдаланган ҳолда амалга ошириш;

маълумотларни шифрлашда AES-256/GCM алгоритмидан фойдаланиш;

криптографик калитларнинг айланиш (ротация) сиёсатини киберхавфсизлик соҳасидаги ваколатли давлат органи томонидан белгиланган талаблар доирасида амалга ошириш;

криптографик калитлар камида йилда бир маротаба янгиланиб борилишини таъминлаш;

криптографик калитлар билан боғлиқ барча ёзувлар (логлар), шу жумладан калит яратиш, айлантириш, бекор қилиш ва фойдаланиш ҳолатлари тўғрисидаги маълумотларни камида 3 йил давомида сақлаш;

криптографик калитларнинг муддати ўтганидан кейин уларни белгиланган тартибда йўқ қилиш ёки архив ҳолатига ўтказиш ҳамда бу жараёни тегишли далолатнома билан расмийлаштириш.

Кредит ва тўлов ташкилотлари криптографик калитларни бошқаришда калитларни бошқариш тизими (KMS) ёки аппарат хавфсизлик модули (HSM)дан фойдаланишлари мумкин.

Криптографик алгоритмлар ёки протоколларнинг версиялари (жумладан, TLS, AES ва бошқалар) эскирган ёки заиф деб топилса, кредит ва тўлов ташкилотлари маълумотларни ҳимоя қилишда янгиланган, эквивалент ёки ундан юқори даражадаги хавфсизликни таъминлайдиган криптографик алгоритмлар ва протоколлардан фойдаланишлари лозим.

Кредит ва тўлов ташкилотлари ахборот тизимлари доирасида амалга оширилган барча техник жараёнлар, фойдаланувчи фаолияти, хавфсизлик билан боғлиқ ҳолатлар, операция журналлари ва тегишли дастурий ёзувларни камида 3 йил мобайнида хавфсиз ва ишончли шаклда сақлаши лозим.

Кредит ва тўлов ташкилотлари томонидан жорий этилган мобил иловалар ва уларнинг веб-талқини ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш талабларига тўлиқ жавоб бериши лозим.

Мобил иловага техник хавф туғдирувчи қурилмаларда ишлашини автоматик тарзда аниқлаш ва блоклаш механизмлари жорий этилиши лозим.

Кредит ва тўлов ташкилотлари қуйидаги ҳолатларда мобил илованинг ишлашини чеклаши лозим:

андроид операцион тизимида ишловчи қурилманинг тизим ҳуқуқларига ноқонуний кириш орқали хавфсизлик сиёсати бузилганда (root);

iOS операцион тизимида ишловчи қурилмада ишлаб чиқарувчи томонидан ўрнатилган хавфсизлик чекловлари ўчирилиб, тизимга чуқур кириш имконияти яратилганда (jailbreak).

Мобил илова ишга туширилганда қурилманинг хавфсизлик ҳолати таҳлил қилиниши (SafetyNet Attestation, Play Integrity API, Jailbreak detection каби воситалар) ва салбий ҳолат аниқланганда мобил илованинг иш фаолияти тўхтатилиб, фойдаланувчига СМС-хабарнома юборилиши шарт. Ушбу ҳолат баённома (loglar) базасига автоматик тарзда қайд этилиши лозим.

Мобил илова дастур кодига рухсатсиз кириш, тахрирлаш, тескари муҳандислик (reverse engineering) ва декомпиляция орқали таҳлил қилиш имкониятини чекловчи махсус технологиялар билан ҳимоя қилиниши шарт.

Кредит ва тўлов ташкилотлари мобил илова орқали тарқалиши мумкин бўлган зарарли кодлар, дастурлар ва фродга оид таҳдидларни аниқлаш ва уларнинг олдини олиш мақсадида мобил SDK (Software Development Kit) орқали антивирус ва антифрод функциялари билан таъминланган хавфсизлик модулларини интеграция қилиши керак.

Кредит ва тўлов ташкилотлари мобил иловани реал вақт режимида таҳдидлардан ҳимоя қилиш учун RASP (Runtime Application Self-Protection) технологияларини жорий қилиши лозим.

Кредит ва тўлов ташкилотлари ўз веб-талқинларида қуйидаги ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш чораларини кўришлари шарт: маълумот алмашинуви HTTPS протоколи орқали амалга оширилиши ва HSTS (Strict Transport Security) сиёсати фаоллаштирилиши;

веб-талқинга юкланадиган JavaScript кодларининг яхлитлигини таъминлаш учун SRI (Subresource Integrity) ёки шунга мос механизмлар қўлланиши;

браузер муҳитида аномал фаолликни (бот фаоллиги, автокликер, виртуал муҳит) аниқлаш учун тегишли киберхавфсизлик воситаларини жорий қилиши.

Кредит ва тўлов ташкилотлари мобил иловалар ва уларнинг веб-талқинида сессия бошқаруви ҳамда аутентификация хавфсизлигини ўзининг антифрод тизимларида белгиланган талаб ва қоидаларга асосан таъминлайди.

Фойдаланувчининг фаолияти, сессиялари, аномал ҳаракат ва таҳдидлар билан боғлиқ барча маълумотлар баённомалаштирилиши (логлаш) ҳамда марказлашган мониторинг (SIEM) тизимида интеграция қилинган ҳолда реал вақт режимида кузатилиши ва қайд этилиши шарт.

Кредит ва тўлов ташкилотларининг мобил иловаларига қисқа вақт оралиғида ноодатий даражада кўп сўровлар келиб тушганда ахборот тизимининг барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида бундай сўровларга нисбатан чекловлар жорий этиши, вақтинчалик блоклаш ёки бошқа ҳимоя чораларини мустақил равишда қўллашлари лозим.

Мобил иловадаги аккаунтга 1 дақиқа мобайнида 1 та IP манзилдан 2 ва ундан ортиқ қурилмадан уриниш ҳолатлари кузатилса, ушбу аккаунт 10 дақиқага блокраниши лозим⁴²⁹.

Оператор, провайдер, дилер ва эшиттирувчилар телекоммуникациялар тармоқларида ахборот ва киберхавфсизликни таъминлашда ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш соҳасида қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиши, жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Wi-Fi хизмати ташкилотчиси оператор ёки провайдер билан биргаликда, ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Оператор ва провайдерлар телекоммуникациялар хизматларини кўрсатишда ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши шарт. Телевидение тармоқлари орқали қонунчилик билан тақиқланган маълумотларни тарқатишга йўл қўйилмайди. Абонентлар ва фойдаланувчилар телекоммуникациялар ёрдамида тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотни тарқатмасликка мажбур⁴³⁰.

Ахборот тизимларининг тармоқлараро боғланиши турли ахборот тизимлари ўртасида ахборот алмашиш учун амалга оширилади.

Белгиланган нормалар ва қоидаларга мувофиқ ўзаро тармоқлараро боғланиш имкониятини ахборот тизимларининг мулкдорлари, эгалари таъминлайди.

Турли ахборот тизимларининг тармоқлараро боғланиши ахборот тизимларининг мулкдорлари, эгалари ўртасидаги шартнома асосида амалга оширилади.

Тармоқлараро боғланишни амалга ошириш ҳамда турли ахборот тизимларининг ўзаро алоқада бўлиш тартиби ва шартлари махсус ваколатли орган томонидан белгиланади.

Ахборот ресурслари ва ахборот тизимларини муҳофаза қилиш қуйидаги мақсадларда амалга оширилади:

шахс, жамият ва давлатнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш;

ахборот ресурсларининг тарқалиб кетиши, ўғирланиши, йўқотилиши, бузиб талқин этилиши, тўсиб қўйилиши, қалбакилаштирилиши ва улардан бошқача тарзда рухсатсиз эркин фойдаланилишининг олдини олиш;

⁴²⁹ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2025 йил 23 декабрдаги 35/14-сон қарори (21.01.2026 й., рўй.: 3759-сон) билан тасдиқланган “Кредит ва тўлов ташкилотлари, тўлов тизими операторлари томонидан жисмоний шахсларга масофадан молиявий хизматлар кўрсатишда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш ҳамда фрод ҳолатларининг олдини олиш бўйича минимал талаблар тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁴³⁰ Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 6 январдаги 287-мх-сон буйруғи (26.01.2026 й., рўй.: 3762) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

ахборотни йўқ қилиш, тўсиб қўйиш, ундан нусха олиш, уни бузиб талқин этишга доир рухсатсиз ҳаракатларнинг ҳамда ахборот ресурслари ва ахборот тизимларига бошқа шаклдаги аралаштиришларнинг олдини олиш;

ахборот ресурсларидаги мавжуд давлат сирлари ва махфий ахборотни сақлаш.

Ахборот ресурслари ва ахборот тизимлари, агар улар билан ғайриқонуний муносабатда бўлиш натижасида ахборот ресурсларининг ёки ахборот тизимларининг мулкдорларига, эгаларига ёхуд бошқа юридик ҳамда жисмоний шахсларга зарар етказилиши мумкин бўлса, муҳофаза қилиниши керак.

Давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар давлат сирлари ҳамда махфий сирлар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган ахборот ресурслари ва ахборот тизимларининг муҳофаза қилинишини таъминлаши шарт.

Ахборот ресурслари ва ахборот тизимлари муҳофаза қилинишини ташкил этиш тартиби уларнинг мулкдорлари, эгалари томонидан мустақил белгиланади.

Давлат сирлари ҳамда махфий сирлар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган ахборот ресурслари ва ахборот тизимларининг муҳофаза қилинишини ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Эркин фойдаланилиши чеклаб қўйилган ахборот ресурсларини ўз ичига олган ахборот тизимларининг халқаро ахборот тармоқларига ҳамда Интернет жаҳон ахборот тармоғига уланиши фақат зарур муҳофаза чоралари қўрилганидан кейин амалга оширилади. Давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар давлат сирлари ҳамда махфий сирлар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган ахборот ресурслари ва ахборот тизимларининг муҳофаза қилинишини таъминлаши шарт. Сунъий интеллектдан фойдаланиб яратилган ахборот ресурслари ҳамда сунъий интеллект технологиялари асосида ишлайдиган ахборот тизимлари инсонга, унинг ҳаётига, соғлиғига, эркинлигига, шаънига, кадр-қимматига путур етказмаслиги ва унинг бошқа ажралмас ҳуқуқларини бузмаслиги шарт. Веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурсининг эгаси, шу жумладан блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштирилдиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифасидан ёхуд бошқа ахборот ресурсидан қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган ўзга ҳаракатларни содир этиш мақсадларида фойдаланилишига йўл қўймаслиги шарт⁴³¹.

Сунъий интеллект технология ва тизимларини ишлаб чиқувчи ва жорий этувчилар Этика қоидаларига амал қилиши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги алгоритмларнинг шаффоф ва тушунарли бўлишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги эҳтимолий тарафкашликни олдини олиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, сунъий интеллект

⁴³¹ Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги 560-П-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

технология ва тизимларининг имкониятлари, чекловлари ва эҳтимолий хавфлари ҳақида очиқ маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчиларни улардан фойдаланиш қоидалари билан таништириш, улардан қандай мақсадда фойдаланиш мумкинлиги ёки тақиқланиши, шунингдек сунъий интеллектга асосланган ечимлар ёки қарорлар доим тўғри бўлмаслиги ҳамда уларнинг натижаларидан тавсиявий ёки маълумот учун фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимлари дастурий таъминоти хавфсизлигини таъминлаши, Этика қоидаларини инобатга олган ҳолда сунъий интеллект технология ва тизимларини доимий равишда такомиллаштириб бориши, сунъий интеллект технология ва тизимлари инсон назорати остида бўлишини ҳамда инсон томонидан қайта кўриб чиқиши, шунингдек якуний қарор инсон томонидан қабул қилинишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан қонунчиликка зид бўлган ёки шахс, жамият, давлат ва атроф табиий-муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган мақсадларда фойдаланмаслиги, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчилар учун сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қўлланмасини ишлаб чиқиш ва жойлаштириши шарт. Сунъий интеллект тизимларидан фойдаланувчилар сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қоидалари ва шартларига риоя қилиши, сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан тўғри фойдаланиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, бошқа фойдаланувчиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини бузмаслик, Этика қоидаларига амал қилиши, шахс, жамият ва давлат манфаатларига ҳамда атроф-табиий муҳитга зарар етказмаслиги лозим⁴³².

Давлат органлари ва ташкилотлари ўз тасарруфидаги ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини, тармоқлар ишининг барқарорлигини таъминлаши, шунингдек киберхавфсизлик бўйича ўз мажбуриятларини бажариши, ваколатли давлат органини киберхужумлар тўғрисида огоҳлантириши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида сақланаётган маълумотларнинг ўғирланиши ҳамда қалбакилаштирилиши ҳолатларининг олдини олиш чораларини кўриши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларини киберҳимоя қилиш учун сертификатлаштирилган аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий таъминотдан фойдаланиши, киберхавфсизлик соҳасида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ваколатли давлат органи билан келишиши шарт. Киберхавфсизлик субъектлари ахборот тизимлари ва ресурсларидаги маълумотларнинг қонунга хилоф равишда тарқатилиши, ўғирланиши, йўқолиши, яхлитлигининг бузилиши, блоканиши ва қалбакилаштирилишининг, шунингдек ахборот тизимлари ва ресурсларига рухсатсиз киришнинг бошқа кўринишларининг олдини олиши, бундай ҳоллар аниқланганда ўз вақтида тегишли чоралар кўриши, ахборот тизимлари ва

⁴³² Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 24 февралдаги 284-мх-сон буйруғи (14.03.2026 й., рўй.: 3787) билан тасдиқланган Сунъий интеллектга асосланган ечимларни яратиш, жорий қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича этика қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

ресурсларига кириш тартиби бузилганда ҳамда уларга рухсатсиз кириш натижасида ушбу тизимлар ҳамда ресурслар ўзгартирилган ёки йўқ қилинган тақдирда салбий оқибатларни камайтириш мақсадида уларни тезкорлик билан тиклаш чораларини кўриши, содир бўлган киберхавфсизлик ҳодисалари ва кибержиноятлар тўғрисида ваколатли давлат органини хабардор қилиши, ушбу ҳодисаларни тўлиқ фош этиш учун тегишли рақамли изларнинг йўқолишига йўл қўймаслик чораларини кўриши, шунингдек киберхавфсизлик ҳодисаларини таҳлил қилиш ва кибержиноятларни текшириш учун зарур бўлган маълумотларнинг доимий сақланишини таъминлаши, киберхавфсизлик объектларини муҳофаза қилиш ва уларнинг хавфсиз ишлаши мониторингини ўтказиш соҳасидаги маълумотларни ваколатли давлат органи билан ўзаро алмашишни амалга ошириши, ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберҳимоясини таъминлашда ваколатли давлат органи томонидан белгиланган киберхавфсизлик талабларига риоя этиши, киберхавфсизлик ҳодисаларига нисбатан чоралар кўриш механизмларининг ишлаб туришини ва киберхавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг ишлашини таъминлаши, улар мавжуд бўлмаган тақдирда эса ваколатли давлат органининг рухсати билан аутсорсинг хизматларидан белгиланган тартибда фойдаланиши, ваколатли давлат органига киберхавфсизликни таъминлаш мониторингининг ташкилий-техник тадбирларини амалга ошириш учун мониторинг тизимларига ва (ёки) киберхавфсизлик объектларига кириш ҳуқуқини бериши шарт⁴³³.

Ўзбекистон Республикасида телекоммуникациялар тармоқларида фойдаланиладиган телекоммуникацияларнинг техник воситалари, шу жумладан фойдаланувчи қурилмалари қонунчиликка ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга мувофиқлиги юзасидан сертификатлаштирилиши лозим. Телекоммуникациялар тармоқларидаги мобиль қурилмаларнинг халқаро ўзига хос идентификация кодлари рўйхатдан ўтказилиши керак. Давлат сирларини ёки махфий ахборотни ўз ичига олган ахборотга ишлов бериш учун мўлжалланган телекоммуникациялар тармоқлари ахборот хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги юзасидан мажбурий аттестациядан ўтказилиши лозим. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган операторлар ва провайдерлар телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш учун фойдаланиладиган ускуналарни, дастурларни ҳамда аппарат-дастурий мажмуаларни қонунчиликда белгиланган тартибда махсус ваколатли давлат органи орқали ўз маблағлари ҳисобидан олиши, ўрнатиши ва уларнинг нормал ишлашини таъминлаши, шунингдек мазкур тадбирларни ўтказишнинг ташкилий, техник ва тактик усуллари ошкор этилишига йўл қўймаслик чораларини кўриши шарт. Телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда фойдаланиладиган ускуналарни, дастурларни ҳамда аппарат-дастурий мажмуаларни жорий этиш ва улардан фойдаланиш фақат махсус ваколатли давлат органи томонидан амалга

⁴³³ Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

оширилади. Телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда фойдаланиладиган ускуналар, дастурлар ҳамда аппарат-дастурий мажмуаларнинг миқдори ва таркиби операторлар ҳамда провайдерлар томонидан махсус ваколатли давлат органи билан келишилади. Телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-қидирув тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича махсус ваколатли давлат органининг кўрсатмалари операторлар ва провайдерлар томонидан бажарилиши, ушбу мақсадлар учун шарт-шароитлар яратилиши, шунингдек ўз ахборот тизимларига ва телекоммуникациялар тармоқларига бошқа ахборот тизимларини ҳамда телекоммуникациялар воситаларини ўрнатиш ва улаш масаласи махсус ваколатли давлат органи билан келишилиши шарт. Операторлар ва провайдерларнинг махсус ваколатли давлат органи билан ўзаро муносабатлари тартиби қонунчиликда белгиланади. Телекоммуникациялар тармоқларидан ёки воситаларидан шахс, жамият ва давлат манфаатларига зарар етказувчи жиноий мақсадларда фойдаланилган тақдирда, бундай телекоммуникациялар тармоқларининг ёки воситаларининг ишлаши тўхтатилади. Операторлар ва провайдерлар телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензия талаблари ва шартларига, шунингдек белгиланган қоидаларга мувофиқ амалга ошириши, кўрсатилаётган хизматларнинг сифати қонунчилик ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ бўлишини таъминлаши, кўрсатилаётган хизматлар сифатини баҳолаш услубларини очиқ манбаларда кўрсатиши, телекоммуникациялар тармоқлари орқали узатиладиган барча турдаги сўзлашувларнинг, хабарларнинг сир сақланишига риоя этиши, хизматлар кўрсатиш шартлари ва тартиби тўғрисидаги, шу жумладан телекоммуникациялар хизматларининг тарифлари ўзгариши тўғрисидаги тўлиқ ахборотни фойдаланувчиларга ўз вақтида тақдим этиши, қонунчиликка, шунингдек лицензия талаблари ва шартларига мувофиқ ваколатли давлат органи билан келишувга кўра ўз тармоқларини изчиллик билан ривожлантириши ҳамда кенгайтириши, ўзи кўрсатаётган хизматлар тўғрисидаги ахборотни бепул тақдим этиши, шунингдек абонентларни қўллаб-қувватлаш маркази орқали абонентларнинг мурожаатларини бепул қабул қилиши ва уларнинг ижросини таъминлаши шарт. Фойдаланувчилар телекоммуникациялар хизматларидан фойдаланишнинг белгиланган қоидаларига риоя этиши, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлик сертификатиغا эга бўлган, халқаро ўзига хос идентификация кодлари рўйхатдан ўтказилган мобиль қурилмалардан фойдаланиши, ўзига кўрсатилган хизматлар учун ҳақни ўз вақтида тўлаши, иш сифатини пасайтиришга ёки телекоммуникациялар тармоқларини шикастлантиришга қаратилган хатти-ҳаракатлар қилмаслиги шарт⁴³⁴.

Телекоммуникациялар тармоқларида фойдаланиладиган ва мажбурий сертификатланиши керак бўлган телекоммуникацияларнинг техник

⁴³⁴ Ўзбекистон Республикасининг “Телекоммуникациялар тўғрисида” 2024 йил 27 декабрдаги ЎРҚ–1015-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

воситалари мувофиқлик сертификатларига эга бўлиши керак. Оператор, провайдер, дилер ва эшиттирувчилар телекоммуникациялар тармоқларида ахборот ва киберхавфсизликни таъминлашда ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш соҳасида қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиши, одамларнинг денгиздаги, ердаги, ҳаводаги, космик фазодаги хавфсизлигига, мудофаа, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни сақлаш соҳасидаги кечиктириб бўлмайдиган тадбирларни ўтказишга тааллуқли барча хабарларга, шунингдек йирик авариялар, фалокатлар, эпидемиялар, ёнғинлар ва бошқа фавқулодда вазиятлар ҳақидаги хабарларга мутлақ устуворлик бериши, техник воситалардан Ўзбекистон Республикасининг мавжуд конституциявий тузумини, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга даъват қилиш, уруш ва зўравонликни, шафқатсизликни, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб этиш, давлат сирини ёки қонунчилик билан кўриқланадиган ўзга сирни ошкор этиш, жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак, Эшиттирувчилар, операторлар ва провайдерларнинг телевидение (радиоэшиттириш) тармоқлари ва техник бинолари кўриқлаш, ҳимоялаш ва хавфсиз фаолиятини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 14 апрелдаги 92-сон қарори билан тасдиқланган Телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар объектларини кўриқлаш, муҳофаза қилиш ҳамда уларнинг хавфсиз фаолият кўрсатиши қоидалари талабларига жавоб бериши шарт. Оператор, провайдер ва телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш жараёнига алоқадор бошқа субъектлар томонидан яратилган ва абонентлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган маълумотлар базалари конфиденциал тусдаги ҳужжатлар сифатида ҳимояланиши керак. Абонентлар тўғрисидаги маълумотлардан бу абонентларнинг розилигисиз ахборот-маълумот хизмат кўрсатилиши учун фойдаланиш мумкин эмас. Оператор, провайдер, дилер ва телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш жараёнига алоқадор бошқа субъектлар телекоммуникациялар тармоқлари орқали узатиладиган телефон сўзлашувлари ва бошқа хабарлар, шунингдек, уларга тааллуқли бўлган барча маълумотларнинг сир тутилишини таъминлаши шарт. Оператор (провайдер) абонентларнинг умумий фойдаланиш тармоғидан узлуксиз фойдалана олишини таъминлашга мажбур. Мобил алоқа тармоғи фойдаланувчи қурилмаси IMEI-коди рўйхатдан ўтган бўлиши керак. Телекоммуникациялар тармоғига мувофиқлик сертификатига эга фойдаланувчи қурилмалари (телефон аппаратлари, рақамни автоматик аниқлаш функцияларига эга телефон аппаратлари, маълумотлар узатиш ва телематик хизматлар ускуналари (телефакс, телетекс, видеотекс ва бошқалар), радиотелефон алоқа воситалари, автожавоббергичлар, сигнализация қурилмалари) уланади. Операторлар ва провайдерларнинг телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш фаолияти белгиланган тартибда олинган лицензияга мувофиқ амалга оширилади. Абонент шартномаси бекор қилинганидан сўнг, оператор (провайдер) маълумотлар базасидан абонентларнинг шахсий маълумотлари йўқ қилишлари шарт. Шаҳарлараро ва халқаро телефон боғланиш автоматик

хизмат кўрсатиш тизими, буюртма хизмат кўрсатиш тизими ва дарҳол хизмат кўрсатиш тизими бўйича амалга оширилиши мумкин. Телефон тармоқларида сигнализация ускуналарини ўрнатиш ва уларга техник хизмат кўрсатишни ташкил этиш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ваколатли органлар томонидан амалга оширилади. Wi-Fi хизмати ташкилотчиси оператор ёки провайдер билан биргаликда, фойдаланувчиларнинг шахсини идентификациялаш ҳамда фойдаланилган веб-ресурслар (лог-файллар) ҳисобини юритиш бўйича аппарат-техник чора-тадбирлар кўриши ва уларни 3 ой ичида сақланишини ташкиллаштириш, оператор ёки провайдер билан биргаликда, ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, Ўзбекистон Республикасининг мавжуд конституциявий тузумини, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга даъват этишга, уруш, зўравонлик ва терроризмни, шунингдек диний экстремизм, сепаратизм ва фундаментализм ғояларини тарғиб қилишга, миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатувчи ахборотни, шунингдек, порнографияни тарғиб қилишга қаратилган ахборотнинг ва тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Wi-Fi хизмати ташкилотчиси ўз ҳудудида бепул Wi-Fi хизматини ташкил этиш оператор ёки провайдер билан тузилган шартномага мувофиқ оператор ёки провайдернинг аппарат-дастурий воситалари асосида амалга оширилиши мумкин. Абонент учун абонент рақамини кўчириш хизмати мобил алоқа операторлари (провайдерлари) томонидан тақдим этилади. КРМБни шакллантириш, юритиш, ишлаши ва техник кузатуви, шу жумладан ундаги ахборот ва маълумотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш, узатиш, шунингдек КРМБдан фойдалана олиш имкониятини тақдим этиш Ўзбекистон Республикасининг “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги Қонуни талабларига риоя қилган ҳолда КРМБ оператори томонидан таъминланади. Абонент рақамини кўчириш жараёнини амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотлар мобил алоқа операторлари (провайдерлари) томонидан КРМБ операторига ва аксинча Ўзбекистон Республикасининг “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги Қонуни талабларига риоя қилган ҳолда тақдим этилади. КРМБдаги ахборотни муҳофаза қилиш, шунингдек ундан фойдалана олиш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя қилган ҳолда таъминланади. КРМБда сақланаётган маълумотларни рухсатсиз фойдалана олишдан ҳимоялаш КРМБ оператори томонидан таъминланади. Эшиттирувчи, оператор, провайдер телевидение хизматлари фаолиятини лицензия асосида амалга оширади. Телевидение тармоқлари орқали қонунчилик билан тақиқланган маълумотларни тарқатишга йўл қўйилмайди. Оператор ва провайдерлар телекоммуникациялар хизматларини кўрсатишда ўз фаолиятини лицензия шартлари ва қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириши, телекоммуникациялар тармоқлари бўйлаб узатиладиган телефон сўзлашувлари ва барча турдаги маълумотларни сир сақлаши, телекоммуникациялар тармоқларидан рухсатсиз фойдалана олиш ҳолатларига йўл қўймаслик чораларини кўриши, шартномада белгиланган муддатларда телекоммуникациялар алоқаси хизматларини кўрсатиши,

хизматлар, кечаю-кундуз кўрсатилишини таъминлаши, оператор ва провайдер тармоғидаги IP протоколи асосида ишловчи қурилмаларни IPv6 протоколи версиясини қўллаб-қувватлашини таъминлаши, ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, Ўзбекистон Республикасининг мавжуд конституциявий тузумини, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга даъват этишга, уруш, зўравонлик ва терроризмни, шунингдек, диний экстремизм, сепаратизм ва фундаментализм ғояларини тарғиб қилишга, миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатувчи ахборотни, шунингдек, порнографияни тарғиб қилишга қаратилган ва тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши, операторлар ва провайдерлар томонидан абонентларга телекоммуникациялар хизматларини кўрсатишда овозини ўзгартириш ва абонент рақамини сохталаштириш, ўзгартириш технологияларига асосланган хизматлар кўрсатмаслик, абонентлар операторнинг (провайдернинг) ахборот-маълумот хизматида қўнғироқ қилиб боғланишида тенг ҳуқуқлилигини таъминлаши шарт. Бунда, абонентлар операторнинг (провайдернинг) ахборот-маълумот хизматида қўнғироқ қилиб боғланишларида маълум бир абонентларга бошқа абонентларга нисбатан устуворлик (боғланиш вақти, хизмат кўрсатиш вақти ва бошқалар) тақдим этилишига йўл қўйилмайди. Мобил алоқа хизматларини кўрсатишда оператор (провайдер) хизмат кўрсатиш ҳудуди доирасида мобил алоқа хизматларини сифатли, ўз вақтида ва кеча-ю кундуз кўрсатилишини таъминлаши, абонент шартноманинг бекор қилиниши вақтигача қарзини ва олдиндан тўловнинг зарур суммаси тўлиқ ҳажмда тўлаганида абонентга мобил алоқа хизматлари кўрсатилишини тиклаши, ўзини-ўзи обрўсизлантирган дилерлар билан шартномалар тузмаслиги, СИМ-картани алмаштириш, шунингдек абонентнинг аризаси бўйича рақамни бошқа фойдаланувчи қурилмасига қайта дастурлаш (СИМ-картадан фойдаланишни кўзда тутмайдиган мобил алоқа стандартлари учун) хизматларини кўрсатиш фақат операторнинг (провайдернинг) хизмат кўрсатиш пунктларида амалга оширилишини таъминлаши, дилер орқали тузилган мобил алоқа хизматларини кўрсатиш шартномаси асосида абонентга мобил алоқа хизматларини тақдим этиши, халқаро трафикнинг ноқонуний ўтказилиши ҳамда GSM, IP ёки SMS-шлюзлардан яширин фойдаланишга қарши чораларни кўриш, шу жумладан тармоқда махсус аппарат-дастурий воситаларни ўрнатиш йўли билан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида GSM стандартида ишлайдиган барча оператор (провайдер) КРМБга уланиши, абонентнинг оператор тармоқларида абонент рақамини кўчиб ўтиш хизматидан фойдаланиш ҳуқуқига тўсқинлик қилмаслиги, мунтазам равишда ўз телекоммуникациялар тармоқларида халқаро трафикни ўтказиш тартиби бузилишларининг олдини олиш, аниқлаш ва тугатишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш ва абонентнинг ҳаракатларини таҳлил қилиш ёки тегишли тадбирларни амалга ошириш йўли билан абонент рақамларини фаол аниқлаш принципларига асосланган воситалар ва тизимларни қўллаши шарт. Оператор ва провайдерлар маълумот узатиш хизматларини кўрсатишда халқаро трафик ноқонуний ўтказиш (шу

жумладан GSM, IP ёки SMS-шлюзлардан), шунингдек тармоқда махсус аппарат-дастурий воситаларини ўрнатиш йўли билан ноқонуний фойдаланишга қарши курашиш чораларини кўришга мажбур. Абонентлар ва фойдаланувчилар оператор (провайдер) билан тузилган шартнома шартларига риоя қилишга, телекоммуникациялар тармоғидан давлат сири бўлган маълумотларни ёки қонунчилик билан қўриқланадиган бошқа сирни узатиш учун фойдаланишга йўл қўймасликка, телекоммуникациялар тармоғи орқали Ўзбекистон Республикасининг мавжуд конституциявий тузумини, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга даъват этишга, уруш, зўравонлик ва терроризмни, шунингдек, диний экстремизм, сепаратизм ва фундаментализм ғояларини тарғиб қилишга, миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатувчи, шунингдек порнографияни тарғиб қилишга қаратилган ахборотни ва тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотни тарқатмасликка, телекоммуникациялар тармоғи ёрдамида фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматига ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи, уларнинг шахсий ҳаётига аралаштиришга йўл қўйувчи ахборотни тарқатмасликка, қонунчилик ҳужжатларига асосан телекоммуникациялар тармоғи орқали тарқатилиши тақиқланган ахборотлардан тижорат ёки нотижорат мақсадларда тарқатиш учун фойдаланмасликка, телекоммуникациялар тармоқлари иш сифатининг пасайишига ёки телекоммуникациялар тармоқларининг шикастланишига олиб келадиган ҳаракатларни бажармасликка, ўз хоналарида жойлашган абонент тармоғи ва фойдаланувчи қурилмасини техник ҳужжатлар қоидаларига риоя қилишга, маълумотлар базаларидан рухсатсиз фойдаланмасликка ва операторнинг (провайдернинг) дастурий воситаларини ўзгартирмасликка, таркибида компьютер вируслари ёки тармоқ учун зарар етказиши мумкин бўлган ахборотни ёки дастурий таъминотни эълон қилмаслик ёки узатмасликка, компьютер ахборотидан, яъни ахборот-ҳисоблаш тизимлари, тармоқлари ва уларнинг таркибий қисмларидаги ахборотлардан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланмасликка, телекоммуникациялар тармоғида тақдим этилган ахборот ва интеллектуал мулк объекти учун муаллифлик ҳуқуқларини бузмасликка, телевидение тармоқларида бошқа шахсларнинг бериладиган сигналга уланиш ҳолатларига йўл қўймасликка, оператор (провайдер) вакилларига уларни текшириш, таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш учун телекоммуникациялар иншоотлари ва қурилмалари жойлашган ҳудудларга киришни таъминлашга мажбур. Маълумот узатиш хизматлари абонентлари ва фойдаланувчилари телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш учун GSM, IP ёки SMS-шлюзлар ёки шунга ўхшаш аппарат-дастурий воситалардан фойдаланиш нияти бўлганда, бу ҳақда операторни (провайдерни) огоҳлантиришга, маълумотлар узатиш тармоғидан халқаро трафикни ноқонуний ўтказиш мақсадида фойдаланмасликка мажбур. Мобил алоқа хизматлари абонентлари ва фойдаланувчилари абонент рақамидан шахсий мақсадларда ёки ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун (якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахслар учун) фойдаланиш, спамга, фирибгарликка, оператор (провайдер) билан олдиндан келишмасдан оммавий SMS жўнатмаларга, шунингдек, бошқа

ноқонуний фойдаланишга йўл қўймасликка, абонент рақамидан халқаро трафикни ноқонуний ўтказиш учун фойдаланмаслик, шу жумладан, GSM ва IP шлюзлардан фойдаланган ҳолда, ўрнатилган ҳимоя тизимларини четлаб ўтган ҳолда телекоммуникациялар тармоғидан фойдаланиш ҳамда халқаро трафикни ўтказиш мақсадида телекоммуникациялар тармоғидан қонунга ҳилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланмасликка, шунингдек мазкур мақсадлар учун мўлжалланган махсус дастурий ёки аппарат воситаларини қонунга ҳилоф равишда (рухсатсиз) сақлаш ва уларнинг фаолиятига йўл қўймасликка мажбур⁴³⁵.

Давлат фуқаролик хизматчиси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига риоя этиши, ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажариши, давлат органи томонидан белгиланган одоб-ахлоқ қоидаларига, хизматга оид ахборот билан ишлаш тартибига, шунингдек давлат фуқаролик хизматини ўташ билан боғлиқ бошқа қоидаларга риоя этиши, давлат органининг нуфузини туширишга олиб келиши ёки унинг ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажаришига шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳаракатлардан (ҳаракатсизликдан), шу жумладан ўз хизмат мажбуриятларини бажараётганда ҳар қандай шаклдаги камситишдан, ноҳолисликдан ёки кимгадир нисбатан алоҳида муносабатда бўлишдан тийилиши шарт⁴³⁶.

Ушбу нормаларнинг бузилиши натижасида мазкур жиноят вужудга келади.

Бунда, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда аниқланган валюта намунаси қалбаки эканлигига шубҳа пайдо бўлганда, тезкор-қидирув тадбирлари давомийлигини таъминлаш зарурати юзага келганда, тезкорликни амалга ошириш ҳамда тегишли вақтни тежаш мақсадида мазкур модда (буюм) ёки валюта намуналарини улар аниқланган жойнинг ўзида ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар биносида экспресс текшириш техник воситалари ёрдамида текширади⁴³⁷.

2. Кибержиноят асосий бевосита объекти — ахборот-коммуникация технологияларининг муҳофазаси, шу жумладан, ахборот ва киберхавфсизлик.

3. Кибержиноят қўшимча бевосита объекти — жамият ва жамоат хавфсизлиги.

4. Кибержиноят факультатив бевосита объекти — ўзга шахс (лар) ва давлат, шу жумладан, шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни, кадр-қиммати, мулк дахлсизлиги, тинчлик ва инсоният хавфсизлиги, бошқарув тартиби ва бошқалар;

⁴³⁵ Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 6 январдаги 287-мх-сон буйруғи (26.01.2026 й., рўй.: 3762) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁴³⁶ Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида” 2022 йил 8 августдаги ЎРҚ–788-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁴³⁷ Вазирлар Маҳкамасининг “Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг аналоглари, прекурсорлар, кучли таъсир қилувчи моддалар ҳамда валюта намуналарини экспресс текшириш жараёнида техник воситалардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида” 2023 йил 12 январдаги 12-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

5. Кибержиноят субъекти – 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс.

6. Кибержиноят субъектив томони – қасддан.

7. Кибержиноят объектив томони – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ёки қонунга хилоф равишда ахборот-коммуникация тизимида кириб, компьютер тизимида сақланаётган ёки узатилаётган ахборотни рухсатсиз йўқ қилиб юбориш, тўсиб қўйиш, модификациялаштириш, ундан нусха кўчириш ёки уни қўлга киритиш мақсадини кўзлаб компьютер дастурларини яратиш ёки мавжуд дастурларга ўзгартиришлар киритиш, худди шунингдек махсус вирус дастурларини ишлаб чиқиш, улардан қасддан фойдаланиш ёки уларни қасддан тарқатиш йўли билан содир этилади.

8. Кибержиноят мақсади – компьютер тизимида сақланаётган ёки узатилаётган ахборотни рухсатсиз йўқ қилиб юбориш, тўсиб қўйиш, модификациялаштириш, ундан нусха кўчириш ёки уни қўлга киритиш, моддий ёки (ва) номоддий манфаат, ғаразли ёки бошқа паст ниятлар, ўч олиш ва ҳк.

9. Кибержиноят воситаси (қуроли) – ахборот-коммуникация технологиялари.

10. Кибержиноятнинг зарурий белгилари:

- 1) қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги;
- 2) қилмишнинг ҳуқуққа хилофлилиги;
- 3) қилмишда айбнинг мавжудлиги;
- 4) қилмишнинг жазога сазоворлиги;
- 5) қилмишнинг компьютер тизимида сақланаётган ёки узатилаётган ахборотга боғлиқлиги;

6) қилмиш компьютер тизимида сақланаётган ёки узатилаётган ахборотни рухсатсиз йўқ қилиб юбориш, тўсиб қўйиш, модификациялаштириш, ундан нусха кўчириш ёки уни қўлга киритиш мақсадини кўзлаб компьютер дастурларини яратиш ёки мавжуд дастурларга ўзгартиришлар киритиш, худди шунингдек махсус вирус дастурларини ишлаб чиқиш, улардан қасддан фойдаланиш ёки уларни қасддан тарқатиш йўли билан содир этилиши;

7) қилмишнинг компьютер тизимида сақланаётган ёки узатилаётган ахборотни рухсатсиз йўқ қилиб юбориш, тўсиб қўйиш, модификациялаштириш, ундан нусха кўчириш ёки уни қўлга киритиш мақсадида содир этилиши;

8) алоқа;

9) ахборот;

10) кибермуҳит, шу жумладан, кибермакон;

11) ахборот-коммуникация технологиялари.

Ушбу белгиларнинг биронтаси мавжуд эмаслиги қилмишнинг кибержиноят эканлигини инкор этади.

11. Кибержиноятнинг тамомланиши –

1) ўзганинг компьютер ускунасини ёки хизматда фойдаланиладиган компьютер ускунасини қасддан ишдан чиқарилган вақтдан;

2) ўзганинг ёки хизматда фойдаланаётган компьютер тизими бузилган вақтдан бошлаб.

12. Кибержиноятнинг тузилишига кўра тури – формал таркибли кибержиноятлар ҳам мавжуд.

13. Кибержиноятнинг ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра тури – ижтимоий хавфи катта бўлмаган кибержиноят.

14. Жазо тизимига кўра тури – ижтимоий хавфли қилмиши учун Жиноят кодексида жарима, озодликни чеклаш, озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган кибержиноятлар.

15. Жиноят предмети – компьютер тизимида сақланаётган ёки узатилаётган ахборот, шу билан бирга, уларга боғлиқ бўлган ахборот-ҳисоблаш тизимлари, тармоқлари ва уларнинг таркибий қисмларидаги ахборот, электрон ҳисоблаш машиналари, электрон ҳисоблаш машиналари тизими ёки уларнинг тармоқлари, ахборот тизимлари, маълумотлар базалари ва банклари, ахборотга ишлов бериш ҳамда уни узатиш тизимлари, рақамли предметлар, жумладан, онлайн казино платформалари, betting сайтлар, мобил иловалар (gambling apps), ботлар (Telegram/Discord), молиявий элементлар жумладан, электрон пуллар (Click, Payme, crypto), виртуал баланслар, ставкалар (bets), дастурий таъминот, жумладан, gambling software, RNG (random generator) тизимлари, mirror сайтлар, шу билан бирга, матн, видео, аудио, мемлар, постлар, deepfake контент ва бошқа шаклдаги ахборот шунингдек, қуйидагилар ҳам жиноят предмети бўлиши мумкин:

1. Молиявий воситалар – нақдсиз пул, банк ўтказмалари, электрон ҳамёнлар орқали тўловлар (Payme, Click, PayPal, QIWI ва ҳ.к.), криптовалюта (Bitcoin, USDT, Ethereum ва бошқалар), онлайн тўлов тизимлари орқали маблағ, қимматли қоғозлар (акциялар, облигациялар), электрон сертификатлар, баланс тўлдириш (телефон, аккаунт, карта) ва ҳ.к.;

2. Рақамли активлар – лицензия калитлари (software key), онлайн сервис аккаунти, Premium обуна, домен номи, веб-сайтга эгалик, ижтимоий тармоқлардаги (Telegram, Instagram, YouTube ва бошқалар) каналлар ва гуруҳлар, NFT активлари, онлайн ўйин аккаунтлари, база маълумотлар, электрон контракт ҳуқуқи, NFTлар, ўйин ичидаги қимматбаҳо виртуал буюмлар (Skins, In-game currency) ва ҳ.к.;

3. Ахборот – махфий маълумот, тендер маълумотлари, миқдорлар базаси, пароллар, давлат реестри маълумотлари, имтиёзли кириш ҳуқуқи, жумладан, тижорат ёки хизмат сири ҳисобланган маълумотларга имтиёзли кириш ҳуқуқини бериш, касб, хизмат сирлари, текширув натижаларини ўзгартириш ва ҳ.к.;

4. Номоддий манфаат – лавозимга тайинлаш, лойиҳада ғолиб қилиш, рейтингни ошириш, файлни ўчириб бериш, маъмурий, молиявий ёки жиноий жазодан қутқариш, солиқ ва бошқа тўловларни камайтириш, давлат ижтимоий буюртмасини бериш, рухсатнома чиқариш ва ҳ.к.;

5. Техника ва IT ресурслар – сервер ресурслари, хостинг, VPN кириш, Cloud аккаунт, дастур кодлари, дастурий таъминот лицензияси, API кириш ҳуқуқи, бқори қийматга эга бўлган тижорат дастурларига (масалан,

киберхавфсизлик ёки дизайн дастурларига) умрбод ёки узоқ муддатли пуллик обуналарни олиб бериш ва ҳк.;

6. Аралаш шакллар – қимматбаҳо техника (ноутбук, смартфон ва ҳк.), онлайн орқали етказилган товар, электрон ваучер, крипто-ҳисоб очиш, тўловни учинчи шахс орқали амалга ошириш, жинойтчи учун бепул яратиб берилган веб-сайтлар, SMM хизматлари, пуллик дастурий таъминотларга лицензиялар ёки обуналар (Subscription), мансабдор шахс ёки унинг яқинлари учун бепул сервер майдони (Hosting) ажратиб бериш ёки веб-сайт ишлаб чиқиб, уни тарғиб қилиш (SMM/SEO) хизматларини бепул кўрсатиш, хизматчининг ижтимоий тармоқлардаги саҳифасини пуллик тарғиб қилиш (Boost), онлайн курслар ёки пуллик веб-сервисларга обуналарни (Premium subscription) совға қилиш ва ҳк.

16. Кибержинойтчи содир этишнинг энг кўп усуллари:

- 1) телекоммуникация ёки интернет тармоғида намоёнишкорона;
- 2) телекоммуникация ёки интернет тармоғида жойлаштириш орқали;
- 3) ахборот-коммуникация технологияларидан жиноят қуроли ёки воситаси сифатида фойдаланиш натижасида.

Ушбу жиноят қўйидаги шаклларда содир этилиши мумкин, хусусан:

Зарар келтирувчи дастурлар (Malware) учта асосий босқичда намоён бўлади:

1) яратиш ва модификация (Creation). Масалан:

нолдан ёзиш. Мисол учун, янги вирус ёки троян дастурини (масалан, C++, Rust ёки Python тилларида) яратиш;

полиморфизм. Мисол учун, мавжуд вирус кодини антивируслар танимаслиги учун ўзгартириш (Obfuscation);

2) тарқатиш (Distribution). Масалан:

Spam & Phishing. Мисол учун, зарарли ҳаволаларни ёки файлларни (масалан, .exe, .bat, .js) электрон почта ва мессенжерлар орқали оммавий юбориш;

Drive-by Download. Мисол учун, легал сайтларни бузиб, уларга яширин скрипт жойлаштириш (сайтга кирган заҳоти вирус юкланади);

3) ишлатиш (Execution). Мисол учун, вирусни мақсадли компьютер ёки серверда ишга тушириш орқали маълумотларни ўғирлаш, шифрлаш (Ransomware) ёки тизимни масофадан бошқариш йўли билан содир этилиши мумкин.

Ушбу жиноятчи фош этишда қўйидаги рақамли излар тўпланиши мумкин, хусусан:

1) файл имзоси (Signature). Мисол учун, вируснинг уникал байтлар кетма-кетлиги ёки хэш-қиймати (MD5, SHA-1);

2) C2 (Command & Control) алоқаси. Мисол учун, зарарли дастурнинг эгаси (хакер) билан алоқага чиқиш учун ишлатадиган IP-манзиллари ёки домен номлари;

3) авто-загрузка қайдлари (Persistence). Мисол учун, вирус тизим ўчиб-ёнганда ҳам ишлаши учун Windows реестрига (Registry) ёки тизим хизматларига (Services) киритган ўзгартиришлари;

4) ҳаракатлар логи. Мисол учун, вирус томонидан яширинча яратилган вақтинчалик файллар, ўчирилган тизим логлари ва ўғирланган маълумотларнинг экспорт қилиниш излари.

Жиноятни фош этилиши учун қуйидаги экспертизалар ўтказилиши мумкин, хусусан:

1) суд-компьютер-техникавий экспертизаси зарар келтирувчи дастурнинг (вирус, троян, ransomware, exploit) манба кодини ёки декомпиляция қилинган алгоритмини, унинг компьютер тизимидаги ахборотни йўқ қилиш, тўсиб қўйиш ёки нусха қўчириш имкониятларини ҳамда дастурнинг рақамли имзоси ва яратилган вақтини;

2) суд-филологик (лингвистик) экспертизаси дастур коди ичидаги изоҳлар (comments) ва ўзгарувчилар номларини, DarkNet форумларида ушбу дастурнинг рекламаси ва сотилиши бўйича хабарлар мазмунини таҳлил қилиш орқали айбдорнинг рухсатсиз ҳаракат қилиш мақсадини;

3) суд-иктисодий экспертизаси зарарли дастурнинг ишлатилиши натижасида келиб чиққан жуда кўп миқдордаги моддий зарар ҳажмини, тизимни қайта тиклаш учун зарур бўлган иктисодий харажатларни ва тижорат сири ўғирланиши натижасида бой берилган фойдани;

4) суд-психологик экспертизаси айбдорнинг зарарли дастурни яратиш ёки тарқатишдаги мотивациясини, унинг кибер-субаданиятга мансублигини ва юқори малакали қора хакерлик рухий портретининг шаклланиш хусусиятларини;

5) видеоматериалларнинг суд экспертизаси дастур кодини яратиш (программалаш) жараёни ёки уни жисмоний ташувчилар (USB-флешкалар ва б.) орқали тарқатиш ҳолатлари акс этган видеокузатув ёзувларининг ҳаққонийлигини ва улардаги техник деталларни;

6) суд-портрет экспертизаси зарарли дастурларни тарқатиш мақсадида компьютер тизимларига ёки серверларга жисмоний яқинлашган шахсларнинг тасвирлардаги қиёфа белгиларини гумонланувчилар билан идентификация қилишни;

7) суд-фонографик экспертизаси зарарли дастурларни тарқатиш ёки улардан фойдаланиш бўйича ижтимоий инженерия усуллари (вишинг) қўлланилган бўлса, овозли хабарлардаги ёки телефон сўзлашувларидаги нутқ эгасини идентификация қилишни;

8) ҳужжатларнинг суд-техникавий экспертизаси зарарли дастурни яратиш бўйича техник топшириқлар, алгоритм чизмалари ва дастурий маҳсулотни топшириш-қабул қилиш далолатномаларидаги сохталаштириш аломатларини ҳамда улардаги рақамли реквизитларнинг ҳақиқийлигини;

9) суд-бухгалтерия экспертизаси товламачилик (ransomware) дастурлари орқали ўтказилган тўловларнинг корхона бухгалтерия ҳисобида яширилишини ва тизимнинг ишдан чиқиши сабабли юзага келган молиявий тафовутларни;

10) суд-хатшунослик экспертизаси дастур алгоритмлари, пароллар ёки DarkNet ҳамёнларининг калитлари ёзилган қўлёзма қайдлар ва тилхатларнинг айнан қайси шахс томонидан ижро этилганлигини;

11) суд-санъатшунослик экспертизаси фишинг мақсадида яратилган зарарли иловаларнинг интерфейс дизайнидаги график унсурларни ва психологик таъсир ўтказувчи визуал деталларни таҳлил қилиб, уларнинг алдов мақсадида яратилганлигини;

12) суд-электротехникавий экспертизаси зарарли дастурнинг компьютер ускунасининг аппарат қисмига (масалан, BIOS ёки контроллерларга) етказган техник шикастларини ва қурилманинг ишлаш режимини бузганлиги механизмини аниқлайди.

1.27-§. Телекоммуникация тармоғидан қонунга ҳилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш жиноятининг юридик-техник таҳлили

278⁷-модда. Ўрнатилган ҳимоя тизимларини четлаб ўтган ҳолда телекоммуникация тармоғидан фойдаланиш ва халқаро трафикни ўтказиш мақсадида телекоммуникация тармоғидан қонунга ҳилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш, шунингдек мазкур мақсадлар учун мўлжалланган махсус дастурий ёки аппарат воситаларини қонунга ҳилоф равишда (рухсатсиз) сақлаш ва уларнинг фаолият кўрсатиши учун шароитлар яратиш –

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

б) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

в) хизмат мавқеидан фойдаланиб;

г) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

1. Муҳофаза қилинадиган норма – Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан, ахборотни излаш, олиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқни чеклашга фақат қонунга мувофиқ ҳамда фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлиғини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш, шунингдек давлат сирлари ёки қонун билан кўриқланадиган бошқа сир ошкор этилишининг олдини олиш мақсадида зарур бўлган доирада йўл қўйилади. Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган органлар томонидангина амалга оширилади. Инсоннинг шаъни ва кадр-қиммати дахлсиздир. Ҳеч нарса уларни камситиш учун асос бўлиши мумкин эмас. Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки инсон кадр-қимматини камситувчи муомалага ёхуд жазога дучор этилиши мумкин эмас. Ҳеч ким расмий эълон қилинмаган қонун асосида ҳукм қилиниши, жазога тортилиши, мол-мулкидан ёки бирон-бир ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикасида барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жихатдан ҳимоя қилиниши таъминланади. Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар

билан ҳимоя қилинади. Ўзбекистон Республикасида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларига биноан ҳамда ушбу Конституцияга мувофиқ эътироф этилади ва кафолатланади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегишли бўлади. Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа инсонларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар. Инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсиздир. Инсоннинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. Ҳар бир инсон ўз шахсини эркин камол топтириш ҳуқуқига эга. Ҳеч кимга унинг розилигисиз қонунчиликда белгиланмаган мажбурият юклатилиши мумкин эмас. Инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, жамият ҳамда давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги шарт⁴³⁸.

Қонунчиликка кўра, фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари иштирокчиларининг ҳалол, оқилона ва адолат билан ҳаракат қилиши назарда тутилади. Фуқаролар ва юридик шахсларнинг бошқа шахсга зарар етказишга, бошқача шаклларда ҳуқуқни суиистеъмол қилишга, шунингдек ҳуқуқни унинг мақсадига зид тарзда амалга оширишга қаратилган ҳаракатларига йўл қўйилмайди⁴³⁹.

Вазифаси ва афзалликларидан қатъи назар, объектив шаклда ифодаланган, босиб чиқарилган ҳамда босиб чиқарилмаган, муаллиф (ҳаммуаллифлар) ижодий фаолиятининг натижаси бўлган, ЭҲМ учун яратилган ҳар қандай дастурлар ва маълумотлар базаларига нисбатан муаллифлик ҳуқуқи татбиқ этилади.

ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасига муаллифлик, шунингдек муаллифнинг (муаллифларнинг) ёки ўзга ҳуқуқ эгасининг шахсий ва мулкӣ ҳуқуқлари амалдаги қонунчиликка мувофиқ аниқланади. ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасининг муаллифи (муаллифлари) ёхуд ўзга ҳуқуқ эгаси ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасини модификациялашни, шу жумладан дастурни бир дастурлаш тилидан бошқа тилга ўтказишни амалга ошириш ва (ёки) амалга оширишга рухсат этиш борасида мутлақ ҳуқуққа ҳам эгадир.

ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасидан бошқа шахсларнинг (фойдаланувчиларнинг) фойдаланиши ҳуқуқ эгаси билан тузилган шартнома асосида амалга оширилади,

Ҳуқуқ эгаларининг мутлақ ҳуқуқларига тааллуқли қонунчилик талабларининг жисмонӣ ёки юридик шахс томонидан бажарилмаслиги муаллифлик ҳуқуқининг бузилиши ҳисобланади.

⁴³⁸ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁴³⁹ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

ЭХМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасини ўзганинг номи билан чиқариш ёхуд ундан ғайриқонуний равишда нусха олиш ёки бундай асарларни тарқатиш қонунчиликда белгиланган тартибда маъмурий ёхуд жиной жавобгарликка сабаб бўлади.

Тайёрланиши ёки улардан фойдаланилиши муаллифлик ҳуқуқи бузилишига олиб келадиган ЭХМ учун яратилган дастурлар ёки маълумотлар базаларининг нусхалари қонунчиликда белгиланган тартибда олиб қўйилиши лозим⁴⁴⁰.

Илгари фойдаланишда бўлган мол-мулкни сотиш бозори ҳудудида:

тайёр армия анжомларини ва белгиланган намунадаги формали кийим-бошни, ҳарбий турдаги бошқа товарларни, муассасалар, ташкилотлар ва корхоналар штампи босилган чойшаблар, ички ишлар органларида қўлланиладиган махсус воситалар ва махсус аслаҳа-анжомларни сотиш;

сотилиши қонун ҳужжатларида тақиқланган бошқа товарлар ва буюмларни сотиш тақиқланади.

Сотувчилар бозорда қуйидагиларга мажбур:

бозорда савдо фаолиятини амалга оширишда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳужжатларга эга бўлиш;

бозор маъмурияти ва назорат қилувчи органларнинг қонуний талабларини бажариш;

қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа талабларга риоя этиш.

Савдо субъектлари қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳужжатларга эга бўлиши керак⁴⁴¹.

Ахборот тизимларини ташкил қилувчи техника воситалари қонунчиликда белгиланган тартибда сертификатлаштирилиши керак.

Давлат органлари ахборот тизимларининг, тармоқ ва ҳудудий ахборот тизимларининг, юридик ҳамда жисмоний шахслар ахборот тизимларининг давлат сирлари ёки махфий ахборотни ўз ичига олган ахборотни ишловдан ўтказиш учун мўлжалланган техника воситалари, шунингдек мазкур тизимларни муҳофаза қилиш воситалари мажбурий сертификатлаштирилиши лозим.

Махфий ахборот Маълумотларни узатиш тармоғи бўйича тарқатилганда махфий ахборот билан ишлаш рухсатномасига эга бўлган ва ахборот айирбошланишнинг сертификатланган воситаларидан фойдаланувчи жисмоний ва юридик шахслар учун унинг муҳофаза қилиниши таъминланади.

Ахборот тизимлари, тармоқларини ахборот айирбошлаш воситалари таркибига улаш Ахборот фаолияти ва маълумотлар узатишни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича идоралараро мувофиқлаштириш комиссиясининг қарорига кўра берилган лицензиялар мавжуд бўлганда амалга оширилади.

⁴⁴⁰ Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий муҳофазаси тўғрисида” 1994 йил 6 майдаги 1060-ХП-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁴⁴¹ Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 августдаги 253-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси бозорларида савдо фаолиятини ташкил этиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Ахборот айирбошлаш воситалари таркибига ахборот ресурсларидан фойдаланишнинг алоҳида қоидалари белгиланган давлат ахборот тизимлари, тармоқларини улаш ахборот хавфсизлиги талабларига мувофиқ аттестациядан ўтказилгандан кейин Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг рухсати билан амалга оширилади.

Давлат сиридан иборат бўлган ахборотни тайёрлаш ва тарқатишда фойдаланиладиган ахборот айирбошлаш воситасини, шунингдек, ахборотни муҳофаза қилиш воситасини мажбурий равишда сертификатлаш зарур.

Қуйидагилар:

давлат сири ёки махфий ахборот;

миллий мулк;

архив фонди;

Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги билан жўнатилиши (чиқарилиши) чекланиши мумкин бўлган ҳужжатлаштирилган ахборот тоифасига киритилган бошқа ахборотни Ўзбекистон Республикасидан жўнатиш (чиқариш) чекланади.

Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришга даъват қилувчи, уруш, зулм ва порнографияни тарғиб қилувчи, диний ва миллий низоларни кўзғовчи, инсон шаъни ва қадр-қимматини поймол қилувчи ахборотлар ҳамда амалдаги қонунчилик билан тарқатилиши тақиқланган бошқа ахборотларнинг олиб кирилиши ва тарқатилиши тақиқланади.

Ахборот айирбошлашни амалга оширишда қонунга хилоф равишдаги хатти-ҳаракатлар учун жисмоний ва юридик шахслар – Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентлари Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ жавоб берадилар.

Давлат ахборот ресурсларини ва ахборот ресурсларини давлат билан биргаликда шакллантиришга ихтисослашган ташкилотлар маълумотларни узатиш тармоқларини лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланиш бўйича фаолиятнинг бу турига рухсатнома олишлари шарт.

Давлат ахборот ресурсларини шакллантириш ва уларга хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган ахборот тизимлари, маълумотлар базалари ва банклари қонунчиликка мувофиқ сертификатланиши керак.

Фойдаланиш чекланган ахборот мавжуд бўлган давлат ахборот ресурсларини шакллантириш учун мўлжалланган ахборот тизимлари ахборот хавфсизлиги талабларига мувофиқ мажбурий аттестациядан ўтказилиши керак.

Давлат, жамоат органлари, фуқаролар, мулкчилик шакллари ва қайси идоравий бўйсунитидан қатъи назар, корхона, муассаса ва ташкилотлар давлат ахборот ресурсларини шакллантириш учун зарур бўлган тегишли шаклда ҳужжатлаштирилган ахборотни давлат ахборот ресурсларини шакллантириш ва ундан фойдаланиш учун масъул бўлган органларга ва (ёки) ташкилотларга тақдим этишлари шарт.

Интернет билан ишлаш учун Х.25, Frame Relay ва АТМ шунингдек, коммутация қилинган телефон тармоғидан коммутация қилинган каналлар

PPP/SLIP (Point protocol IP protocol) бўйича маълумотларни узатиш каналларидан фойдаланган ҳолда фойдаланиш мумкин⁴⁴².

Ахборотни бузиб талқин этиш ва сохталаштириш тақиқланади.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда мансабдор шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳар кимга ўзининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган ахборот билан танишиб чиқиш имкониятини таъминлаб беришга, мақбул ахборот ресурслари яратишга, фойдаланувчиларни фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятларига, уларнинг хавфсизлигига доир ҳамда жамият манфаатларига тааллуқли бошқа масалалар юзасидан ахборот билан оммавий тарзда таъминлашга мажбурдирлар.

Ҳар қандай ахборот, агар у билан қонунга хилоф равишда муомалада бўлиш ахборот мулкдори, эгаси, ахборотдан фойдаланувчи ва бошқа шахсга зарар етказиши мумкин бўлса, муҳофаза этилмоғи керак.

Ахборотни муҳофаза этиш:

шахс, жамият ва давлатнинг ахборот соҳасидаги хавфсизлигига таҳдидларнинг олдини олиш;

ахборотнинг махфийлигини таъминлаш, тарқалиши, ўғирланиши, йўқотилишининг олдини олиш;

ахборотнинг бузиб талқин этилиши ва сохталаштирилишининг олдини олиш мақсадида амалга оширилади.

Ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсати ахборот соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган бўлади ҳамда шахс, жамият ва давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг асосий вазифалари ҳамда фаолият йўналишларини, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларининг, фуқароларнинг ўрни ва аҳамиятини белгилайди.

Шахснинг ахборот борасидаги хавфсизлиги унинг ахборотдан эркин фойдаланиши зарур шароитлари ва кафолатларини яратиш, шахсий ҳаётига тааллуқли сирларини сақлаш, ахборот воситасида қонунга хилоф равишда руҳий таъсир кўрсатилишидан ҳимоя қилиш йўли билан таъминланади.

Жисмоний шахсларга тааллуқли шахсий маълумотлар махфий ахборот тоифасига киради.

Жисмоний шахснинг розилигисиз унинг шахсий ҳаётига тааллуқли ахборотни, худди шунингдек шахсий ҳаётига тааллуқли сирини, ёзишмалар, телефондаги сўзлашувлар, почта, телеграф ва бошқа мулоқот сирларини бузувчи ахборотни тўплашга, сақлашга, қайта ишлашга, тарқатишга ва ундан фойдаланишга йўл қўйилмайди, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

⁴⁴² Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси ахборот ресурсларини тайёрлаш ва уларни маълумотларни узатиш тармоқларида, шу жумладан, интернетда тарқатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида” 1999 йил 26 мартдаги 137-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Жисмоний шахслар тўғрисидаги ахборотдан уларга моддий зарар ва маънавий зиён етказиш, шунингдек уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари рўёбга чиқарилишига тўсқинлик қилиш мақсадида фойдаланиш тақиқланади.

Фуқаролар тўғрисида ахборот олувчи, бундай ахборотга эгалик қилувчи ҳамда ундан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахслар бу ахборотдан фойдаланиш тартибини бузганлик учун қонунда назарда тутилган тарзда жавобгар бўладилар.

Оммавий ахборот воситалари ахборот манбаини ёки таҳаллусини қўйган муаллифни уларнинг розилигисиз ошкор этишга ҳақли эмас. Ахборот манбаи ёки муаллиф номи фақат суд қарори билан ошкор этилиши мумкин.

Жамиятнинг ахборот борасидаги хавфсизлигига қуйидаги йўллар билан эришилади:

демократик фуқаролик жамияти асослари ривожлантирилишини, оммавий ахборот эркинлигини таъминлаш;

қонунга ҳилоф равишда ижтимоий онгга ахборот воситасида руҳий таъсир кўрсатишга, уни чалғитишга йўл қўймаслик;

жамиятнинг маънавий, маданий ва тарихий бойликларини, мамлакатнинг илмий ва илмий-техникавий салоҳиятини асраш ҳамда ривожлантириш;

миллий ўзликни англашни издан чиқаришга, жамиятни тарихий ва миллий анъаналар ҳамда урф-одатлардан узоқлаштиришга, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштиришга, миллатлараро ва конфессиялараро тотувликни бузишга қаратилган ахборот экспансиясига қарши ҳаракат тизимини барпо этиш.

Давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлиги қуйидаги йўллар билан таъминланади:

ахборот соҳасидаги хавфсизликка таҳдидларга қарши ҳаракатлар юзасидан иқтисодий, сиёсий, ташкилий ва бошқа тусдаги чора-тадбирларни амалга ошириш;

давлат сирларини сақлаш ва давлат ахборот ресурсларини улардан рухсатсиз тарзда фойдаланилишидан муҳофаза қилиш;

Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ахборот маконига ва замонавий телекоммуникациялар тизимларига интеграциялашуви;

Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартиришга, ҳудудий яхлитлигини, суверенитетини бузишга, ҳокимиятни босиб олишга ёки қонуний равишда сайлаб қўйилган ёхуд тайинланган ҳокимият вакиллари ҳокимиятдан четлатишга ва давлат тузумига қарши бошқача тажовуз қилишга очикдан-очик даъват этишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишидан ҳимоя қилиш;

урушни ва зўравонликни, шафқатсизликни тарғиб қилишни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоват уйғотишга қаратилган терроризм ва диний экстремизм ғояларини ёйишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишига қарши ҳаракатлар қилиш.

Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар⁴⁴³.

Ҳужжатлаштирилган ахборот ресурсининг муҳофазасини таъминлаш бўйича чоралар уни давлат архивига топшираётган ташкилот томонидан белгиланади.

Ахборот ресурсини давлат сақловига қабул қилишда хавфсизликни муҳофаза қилишни қуйидаги дастурий-техник воситалар ва ташкилий чоралар ёрдамида тегишли давлат архиви таъминлайди:

ахборот хавфсизлигига таҳдидларни аниқлаш ва бартараф этиш;

ахборот ресурсининг архив нусхасини топшириш, архивни шакллантириш, уни сақлаш ва ундан фойдаланишда маълумотларнинг тўлиқлигини таъминлаш;

рухсат берилмаган ахборот ресурсидан фойдаланиш, унга қўшимча ва ўзгартишлар киритишдан муҳофаза қилиш;

архив маълумотларнинг захира ва қайта тикланиши тизимини таъминлаш.

Умумий фойдаланишга мўлжалланган ахборот ресурслари (юримдик ва жисмоний шахслар, норматив-ҳуқуқий актлар, табиий ресурслар, давлат органларининг веб-сайтлари ва бошқалар бўйича маълумотлар базалари) барча давлат органлари, юримдик ва жисмоний шахсларга давлат архивлари томонидан уларга белгиланган ваколатлар доирасида тақдим этилади.

Махсус давлат ахборот ресурсларидан (давлат сири ва конфиденциал маълумотларга эга бўлган идоралар, ҳудудий бошқарув ва ҳоқимият органлари, давлат юримдик шахслари ва жисмоний шахслар) фойдаланиш учун рухсат бериш давлат архивлари томонидан уларни шакллантириш, қўлланилиши ва янгиланиб борилишига масъул бўлган органлар билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Ахборот ресурсларини давлат сақловига топширган ташкилотлар ундан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум бўлмайдилар.

Ахборот ресурсларини давлат сақловига қабул қилган давлат архивлари қуйидагилар учун жавобгардирлар:

маълумотлар билан ишлаш қоидаларини бузганлик, маълумот алмашинувини амалга оширишда ҳуқуқбузарлик ҳаракатларидан фойдаланганлик ва йўл қўйганлик;

жисмоний шахслар ҳақида шахсий маълумотларга эга бўлган ахборотларни тарқатганлик;

ахборот ресурсларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш;

ахборот ресурсларидаги маълумотларни ўғирлаш, йўқотиш, бузиш, блокировка қилиш ва сохталаштириш;

муаллифлик ҳуқуқлари ва интеллектуал мулк бўйича қонунчиликни бузганлик.

⁴⁴³ Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида” 2002 йил 12 декабрдаги 439-П-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Давлат архивларига амалдаги қонунчиликка мувофиқ бошқа жавобгарлик ҳам юклатилиши мумкин⁴⁴⁴.

Тизим иштирокчиларининг фонд бозорида АКТлари электрон ҳужжатларининг бут сақланишини, ўзгартирилишини, муҳофаза қилишини, қайта ишланишини, жўнатилиши ва қабул қилинишини, шу жумладан:

электрон ҳужжатларнинг, улар жўнатилган ва қабул қилинган сана ва вақтлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган реквизитларнинг такрорий нусхаси кўчирилиши ва архивда сақланишини;

Тизим иштирокчилари ўртасидаги қоғоз шаклидаги ҳужжат алмашилишини қисқартириш ҳамда инсон омилининг ахборотларни қайта ишлаш сифати ва тезкорлигига бўлган салбий таъсирини камайтириш мақсадида қоғоз ва электрон ҳужжатларнинг қўл ишини минималлаштиришни;

ахборотларни киритиш/чиқаришни такрорловчи операцияларни истисно этишни, катта ҳажмдаги ахборотларни қайта ишлаш ва ахборот тизимларининг интеграциялашуви мумкинлигини;

электрон ҳужжатларнинг махфийлигига, бутлигига ва уларга муаллифлик қилишга қўйилган талабларга риоя этилишини;

қонунчиликда ўрнатилган талабларга мувофиқ ЭРИнинг ҳаққонийлигини, шунингдек, қабул қилувчи томонидан электрон ҳужжатни қайта ишлаш пайтида жўнатувчининг ЭРИ калити сертификати амал қилаётганини текшириш мумкинлигини;

электрон ҳужжатларнинг транзит ўтказилишидан, у амалга ошириладиган транзит амалга ошириладиган тизимда иштирокчилар томонидан очилмаслиги ва кўрилмаслиги шарти билан (ёпиқ конверт фақат унинг эгаси томонидан очилиши мумкин) фойдаланишни таъминлаши лозим.

Тизим иштирокчилари томонидан электрон ҳужжатларни муҳофаза қилиш учун фойдаланилаётган фонд бозоридаги АКТлари қонунчиликда ўрнатилган тартибда сертификатланган бўлиши ва фойдаланиш ҳужжатларига мувофиқ ишлатилиши лозим.

Электрон ҳужжатларнинг чиқиб кетиши, ўғирланиши, йўқотилиши, бузилиши, уларга чекловларнинг ўрнатилиши ва қалбакилаштирилишининг ҳамда электрон ҳужжатларга рухсатсиз кириш ва улардан нусха кўчиришнинг олдини олишни ўз ичига олувчи Тизим иштирокчисининг ахборот хавфсизлиги Тизим иштирокчисининг дастурий-техник чора-тадбирлари билан таъминланади.

Ахборот хавфсизлиги шунингдек, бошқа мавжуд воситалар билан ҳам қонунчилик ва ушбу Низом талабларини инобатга олган ҳолда, Тизим иштирокчисининг ички қоидаларига мувофиқ таъминланиши мумкин.

Тизим иштирокчилари қонунчилик ва ушбу Низом талабларини инобатга олган ҳолда, белгиланган қоидаларнинг бузилишини ва унинг учун жавобгарликка тортилишни олдини олишни назарда тутувчи ахборот

⁴⁴⁴ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Ўзархив” агентлиги бош директорининг 2007 йил 17 июлдаги 18-сон буйруғи (рўйхат рақами 1703, 2007 йил 13 август) билан тасдиқланган Ахборот ресурсларининг архив нусхаларини яратиш ва уларни давлат сақловига топшириш бўйича йўриқнома // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

хавфсизлиги ва Тизимдан фойдаланишнинг ички қоидаларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди.

Дастурий-техник чора-тадбирлар қуйидагиларни таъминлайди:

Тизим иштирокчиси-ташкилот ходимларининг мазкур ташкилот ходимларининг лавозим йўриқномаларидан келиб чиққан ҳолда, дастурий ресурсларга чекланган киришини;

фонд бозорида АКТларидан фойдаланишда Тизим иштирокчиси бўлган ташкилотларнинг барча ҳаракатларини антивирус билан муҳофаза қилиш ва баённома юргизишни.

Тизим иштирокчилари криптографик муҳофаза қилишни қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширишади.

ЭРИдан фойдаланиш ваколатига эга бўлмаган ва ундан шахсий ёхуд учинчи шахс манфаатлари йўлида фойдаланган Тизим иштирокчиси ва иштирокчи ташкилот ходимлари қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

Тизим иштирокчиси унинг ўзи томонидан Тизимда исталган ҳаракатларни амалга оширишга ваколат берган шахснинг унинг номидан бажарган барча ҳаракатларига жавобгардир.

Тизим иштирокчилари қуйидагиларга мажбурдирлар:

тизимнинг узлуксиз фаолиятини таъминлаш;

ахборот хавфсизлиги ва Тизимдан фойдаланишнинг ички қоидаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш (фақат Тизим иштирокчиси юридик шахс бўлган ҳолда);

электрон ҳужжатларни тузишни ва жўнатишни қонунчилик ҳужжатлари ҳамда ушбу Низом талабларига мувофиқ равишда қатъий таъминлаш;

мустақил равишда ЭРИ сертификатини олиш, шунингдек, фонд бозорида АКТларининг ЭҲАдан фойдаланиладиган зарур иш ҳолатини қўллаб-қувватлаш;

электрон ҳужжатларда кўрсатилган буюртма ва/ёки топшириқларни фонд бозорининг технологик жараёнларига мувофиқ, қонунчилик талабларини инобатга олган ҳолда қабул қилиш/жўнатиш, топшириш/ижро этиш⁴⁴⁵.

Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлигининг Давлат ахборот тизимларини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш ягона интегратори Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасини ахборот билан тезкор таъминлаш учун интеграциялаштирилган ахборот тизимларини яратиш, ривожлантириш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек давлат органлари ахборот

⁴⁴⁵ Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2008 йил 1 августдаги 2008-13-сон буйруғи (рўйхат рақами 1855, 2008 йил 9 сентябрь) билан тасдиқланган Фонд бозорида ахборот-коммуникация технологиялардан фойдаланишга ўрнатилган талаблар тўғрисидаги низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

тизимлари билан уларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш юзасидан жавобгар ҳисобланади⁴⁴⁶.

Фойдаланувчиларнинг ахборотни рухсатсиз фойдаланишдан ҳимоя қилишга доир белгиланган чораларни бузишга қаратилган хатти-ҳаракатларига йўл қўйилмайди.

Муайян жисмоний шахсга тааллуқли бўлган ёки уни идентификация қилиш имконини берадиган шахсга доир маълумотларни учинчи шахсларга тақдим этиш Ўзбекистон Республикасининг “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ амалга оширилади.

Ваколатли органларнинг ахборот тизимларини идентификациялашнинг ягона тизимига улаш интеграциялашувга қўйиладиган техник талабларга мувофиқ амалга оширилади.

Ҳужжатлар ва ахборот билан автоматлаштирилган тарзда айирбошлаш мақсадида ваколатли органлар ахборот тизимларининг интеграциялашув “Электрон ҳукумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали амалга оширилади.

“Электрон ҳукумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформасига уланадиган ваколатли органларнинг ахборот тизимлари ҳам ҳужжатлар ва ахборотни тақдим этиш учун мурожаат қилган маълумотларни етказиб берувчилар, ҳам ҳужжатлар ва ахборотни сўраган маълумотларнинг истеъмолчилари бўлиши мумкин.

Идоралараро электрон ҳамкорлик қилишда фойдаланувчиларнинг фойдаланишини ва ваколатларини таъминлаш устидан назорат қилиш идентификациялашнинг ягона тизими орқали амалга оширилади.

Идентификациялашнинг ягона тизимида фойдаланувчиларнинг шахсий маълумотларидан рухсатсиз фойдаланганлик учун ваколатли органлар – ахборот тизимларининг эгалари ва Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги жавоб беради⁴⁴⁷.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги шакллантирилган марказий маълумотлар базаларининг нусхаларини улардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлмаган шахсларга тақдим этиш ҳуқуқига эга эмас.

Ваколатли органлар томонидан марказий маълумотлар базаларига тақдим этиладиган маълумотлар тақдим этилаётган пайтда ишончли, тўлиқ ва долзарб бўлиши керак.

Ваколатли органлар марказий маълумотлар базаларига маълумотларни “Электрон ҳукумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали жисмоний ва юридик шахсларнинг ягона идентификаторларидан фойдаланиб тақдим этадилар.

⁴⁴⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2012 йил 21 мартдаги ПҚ–1730-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁴⁴⁷ Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 17 декабрдаги 365-сон қарори билан тасдиқланган “Электрон ҳукумат” тизими фойдаланувчиларини идентификациялашнинг ягона ахборот тизими тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Марказий маълумотлар базаларидан маълумотлар олиш жисмоний ва юридик шахсларнинг ягона идентификаторларидан фойдаланиш орқали амалга оширилади.

Давлат хизматлари кўрсатиш жараёнидаги идоралараро электрон ҳамкорлик қилишда жисмоний ва юридик шахсларнинг бошқа идентификаторларидан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Марказий маълумотлар базаларидаги маълумотлардан фойдаланганда жисмоний ва юридик шахсларни идентификациялаш фақат “Электрон ҳукумат” тизими фойдаланувчиларини идентификациялашнинг ягона ахборот тизими орқали амалга оширилади.

Давлат хизматлари кўрсатишда ва идоралараро электрон ҳамкорлик қилишда марказий маълумотлар базаларидаги маълумотлардан фойдаланиш “Электрон ҳукумат” тизимининг идоралараро интеграциялашув платформаси ёрдамида амалга оширилади.

Давлат хизматлари кўрсатишда жисмоний ва юридик шахслардан марказий маълумотлар базалари ва тегишли ваколатли органларнинг ахборот ресурсларида мавжуд бўлган маълумотларни ҳамда бошқа идентификаторли қўшимча ҳужжатларни талаб қилиш тақиқланади.

Марказий маълумотлар базаларида мавжуд бўлмаган ахборотнинг сақланишини таъминловчи давлат ахборот ресурсларини яратишда тегишли равишда жисмоний ва юридик шахсларнинг ягона идентификаторларидан фойдаланилади⁴⁴⁸.

Ахборот-кутубхона ва архив муассасаларида электрон базаларнинг ахборот хавфсизлиги тегишлича Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги “Ўзархив” агентлиги ҳамда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг Ахборот хавфсизлиги сиёсати талабларига мувофиқ таъминланади⁴⁴⁹.

Ахборот воситачиси қуйидагиларга ҳақли эмас:

ўзининг ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда тузилган битимнинг тарафига айланиш, шунингдек ахборот воситачиси сифатида хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ бўлмаган ишлаб чиқариш, савдо, савдо-воситачилик ёки бошқа фаолиятни амалга ошириш;

электрон тижоратни амалга ошириш, битимлар тузишда нархларнинг шаклланиш жараёнларига аралаштириш, контрагентларни танлашда ва битимлар тузишда электрон тижорат иштирокчиларининг эркинлигини чеклаш, шунингдек электрон тижорат иштирокчиларининг ҳуқуқларини бошқача тарзда чеклаш.

Ахборот воситачиси қуйидагиларга мажбур:

⁴⁴⁸ Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 17 декабрдаги 365-сон қарори билан тасдиқланган “Электрон ҳукумат” тизимининг жисмоний ва юридик шахслар марказий маълумотлар базаларини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁴⁴⁹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Ўзархив” агентлиги бош директорининг 2016 йил 20 июндаги 45-сон буйруғи (рўйхат рақами 2807, 2016 йил 7 июль) Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан ахборот-кутубхона ва архив муассасаларига тақдим этилган ҳужжатлар билан ишлаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

электрон тижорат соҳасидаги қонун ҳужжатларига, шу жумладан стандартлар, нормалар ва қоидаларга риоя этиш;

ўзининг тўлиқ номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли, кўрсатиладиган хизматлар, уларни кўрсатиш шартлари ва қийматлари (тарифлари) ҳақидаги ахборотни электрон тижорат иштирокчиларига ошкор қилиш;

электрон ҳужжатларнинг ва электрон хабарларнинг мазмунини, улардан фойдаланиш тартибини ўзгартирмаслик, электрон тижорат иштирокчилари билан тузилган шартномаларда назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно;

электрон ҳужжатларни, электрон хабарларни ва шахсга оид маълумотларни рухсатсиз фойдаланишдан ҳимоя қилиш чоралари билан таъминлаш;

электрон ҳужжатларни ва электрон хабарларни учинчи шахсларга бермаслик, қонунда ёки шартномада назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно;

электрон ҳужжатларнинг ва электрон хабарларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ сақланишини таъминлаш;

ўз ахборот тизимини Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги серверларда жойлаштириш.

Агент сотувчига ёки харидорга хизматлар кўрсатиш натижасида ўзига маълум бўлган маълумотларнинг махфийлигига риоя қилишга мажбур.

Электрон тижоратни ташкил этишнинг шакллари битимлар тузишнинг рақобатли шакллари деб эътироф этилади, бунда ахборот воситачисининг ахборот тизими қуйидаги шарт-шароитларни таъминлайди:

электрон тижоратнинг иккитадан кам бўлмаган иштирокчилари томонидан офертани акцептлаш имконияти;

оферент учун шартномани бажаришнинг энг яхши шартларини таклиф қилган шахс билан шартнома тузиш.

Қайд этилган талабларга риоя қилинган тақдирда битим содир этилган деб эътироф қилинади.

Битимларни рақобатли шаклларда содир этишда офертани қабул қилган шахс томонидан, уни қабул қилиш учун белгиланган муддатда, унда кўрсатилган шартнома шартларини бажариш бўйича хатти-ҳаракатларни (товарларни юклаб жўнатиш, хизматлар кўрсатиш, ишларни бажариш, тегишли суммани тўлаш ва ҳоказоларни) содир этиш акцепт ҳисобланмайди.

Ахборот воситачиларининг ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган электрон тижоратда қуйидагиларга йўл қўйилмайди:

электрон тижорат иштирокчиларини камситиш, электрон тижоратнинг бир иштирокчисига бошқа иштирокчилар эркин фойдалана олмайдиган ва қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган имтиёзлар ёки преференцияларни бериш;

ахборот воситачиларининг мансабдор шахслари томонидан шахсий манфаатдорлик таъсирида қарорлар қабул қилиш ёхуд электрон тижорат иштирокчиларининг манфаатларига зарар етказадиган бошқа ноқонуний хатти-ҳаракатларни содир этиш;

электрон тижорат иштирокчиларига босим ўтказиш, электрон тижоратда иштирок этиш ҳақидаги ахборотни ошкор қилиш (қонун ҳужжатларидан назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно), ноқонуний тарзда рақобатга йўл қўймаслик, уни чеклаш ёки четлатиш;

электрон тижорат иштирокчиларининг бозор конъюнктурасини ўзгартириш ёки нархларни бузиб кўрсатиш мақсадида тил бириктириши;

ишончли бўлмаган ёки бузиб кўрсатилган ахборотни бериш ёки тарқатиш, шунингдек ахборотдан эркин фойдаланишни асоссиз чеклаш;

электрон тижорат иштирокчилари томонидан келгусида шартномани имзолашдан ёки уни зарур даражада бажаришдан бош тортиш ниятида сунъий равишда пасайтирилган ёки оширилган нархларда талабномалар бериш;

ахборот воситачисининг ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда товар сотаётган ёки сотиш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатишни таклиф қилаётган, белгиланган тартибда якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказилмаган жисмоний шахс ҳисобланган битим тарафларидан бири томонидан битимларни амалга ошириш⁴⁵⁰.

Лойиҳаларни амалга ошириш натижасида ишлаб чиқилган ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларини «Рақамли ҳукумат»нинг ахборот тизимлари ва ресурслари ягона реестрида рўйхатдан ўтказиш ва амалиётга жорий этишга уларнинг техник топшириқ ва ахборот хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги юзасидан Рақамли технологиялар вазирлиги ҳамда “Киберхавфсизлик маркази” ДУКнинг ижобий хулосалари олинганидан сўнг рухсат берилади;

Ижобий хулосага эга бўлмаган ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларини фойдаланишга қабул қилиш, ишга тушириш ҳамда “Рақамли ҳукумат” доирасидаги тизимлар ва сервислар билан интеграция қилишга йўл қўйилмайди⁴⁵¹.

Электрон ҳукумат доирасида маълумот тақдим этувчи ва фойдаланувчиларнинг электрон ҳамкорлиги ҳамда ахборот алмашинуви уларнинг ахборот тизимлари ва ресурсларини Идоралараро интеграциялашув платформасига улаш орқали амалга оширилади.

Бунда электрон ҳамкорлик ва ахборот алмашинуви фақат Электрон ҳукуматнинг идоралараро маълумотлар узатиш тармоғи орқали ташкил этилади.

Фойдаланувчи ва оператор ўртасидаги ахборот алмашинуви тегишли сўров юбориш йўли билан Идоралараро интеграциялашув платформаси ёрдамида амалга оширилади.

Бунда Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали электрон ҳамкорлик ҳамда ахборот алмашинуви доирасида йўлланган барча сўровлар

⁴⁵⁰ Вазирлар Маҳкамасининг “Электрон тижорат платформалар ва рақамли экотизим операторларининг ахборот воситачиларининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2016 йил 2 августдаги 249-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁴⁵¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Электрон ҳукумат” тизими доирасида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш сифатини яхшилаш чоратадбирлари тўғрисида” 2019 йил 21 майдаги ПҚ-4328-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

бўйича статистика маълумотлари маълумот тақдим этувчи ва фойдаланувчининг шахсий кабинетида юритилади.

Идоралараро интеграциялашув платформасига уланган ахборот тизимлари ва ресурсларида мавжуд бўлган шахсга доир маълумотлар алмашинуви Ўзбекистон Республикасининг “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги Қонуни ва ушбу соҳадаги бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали маълумотлар фойдаланувчининг ваколати доирасидаги вазифаларни бажариш учун қайта ишлаш мақсадида тақдим этилади.

Электрон давлат хизматларини кўрсатиш ва идоралараро электрон ҳамкорликни ташкил этиш доирасида ахборот алмашинуви Идоралараро интеграциялашув платформасига уланиш орқали амалга оширилади.

Идоралараро интеграциялашув платформасига уланиш учун “Электрон ҳукуматнинг ахборот тизимлари ва ресурслари ягона реестри” ахборот тизими (кейинги ўринларда – Ягона реестр тизими) орқали электрон шаклда мурожаат этилади.

Бунда Ягона реестр тизимида авторизациядан ўтиш учун “Электрон ҳукумат” тизими фойдаланувчиларини идентификациялашнинг ягона ахборот тизимида рўйхатдан ўтиш талаб этилади.

Оператор:

Идоралараро интеграциялашув платформасига уланиш тартиби ва шартларига риоя қилишга;

фойдаланувчига Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали маълумотлар юборилгунига қадар уларнинг конфиденциаллигини таъминлашга;

Идоралараро интеграциялашув платформасида маълумот тақдим этувчи ва фойдаланувчининг шахсий кабинетларига улашга;

Ягона реестр тизимида Идоралараро интеграциялашув платформасига уланиш бўйича ариза ва технологик йўриқномани кўриб чиқишга ва келишишга;

Идоралараро интеграциялашув платформасидаги маълумот тақдим этувчи ва фойдаланувчининг шахсий кабинетлари орқали электрон ахборот ҳамкорлиги доирасидаги статистика маълумотлари билан танишиш имкониятини яратишга;

Идоралараро интеграциялашув платформасининг узлуксиз ишлаши бўйича тегишли чоралар кўришга;

қонунчилик ҳужжатлари ва мазкур Низом талабларини бажаришга;

Идоралараро интеграциялашув платформасида жойлаштирилган барча веб-сервислар бўйича режали ва режадан ташқари узилишлар ва/ёки тўхталишлар вужудга келиши ёки улар бартараф этилиши юзасидан маълумот тақдим этувчи ва фойдаланувчиларни мавжуд қайта алоқа каналлари орқали реал вақт режимида хабардор қилишга;

мазкур Низомда ёки бошқа қонунчилик ҳужжатларида белгиланган қоидалар бузилган тақдирда, маълумот тақдим этувчи ёки фойдаланувчининг

Идоралараро интеграциялашув платформасига уланишни вақтинча тўхтатиш ёки бекор қилиш ва бу ҳақида уларни асосларни кўрсатган ҳолда расмий хабардор қилишга мажбур.

Бунда оператор Идоралараро интеграциялашув платформасига уланишни вақтинча тўхтатиш ёки бекор қилишдан олдин бу тўғрисида маълумот тақдим этувчи ёки фойдаланувчини мавжуд қайта алоқа каналлари орқали реал вақт режимида хабардор қилади.

Маълумот тақдим этувчи Идоралараро интеграциялашув платформасига уланиш шартларига риоя қилишга, Идоралараро интеграциялашув платформасига уланиш бўйича Ягона реестр тизимида ариза ва технологик йўриқномаларни ишлаб чиқишга ва келишишга, Идоралараро интеграциялашув платформасининг push-хабарномалар сервисига уланиш бўйича фойдаланувчининг аризасини белгиланган тартибда келишишга, Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали юборилган сўровларга мувофиқ маълумотларни технологик йўриқномада белгиланган тартибда тақдим этишга, ўзига тегишли бўлган ахборот тизимлари ва ресурслари ҳамда маълумотлар базаларининг барқарор ишлаши, улардаги маълумотларнинг Идоралараро интеграциялашув платформасига узлуксиз равишда тақдим этилиши бўйича тегишли чоралар кўришга, ўзига тегишли маълумотларнинг ишончилиги ва тўлиқлиги ҳамда долзарблигини таъминлашга, долзарб бўлмаган маълумотлар бўйича шикоятларни қабул қилиш механизмини ишлаб чиқишга, жорий қилишга ҳамда келиб тушган шикоятлар натижаси бўйича маълумотларни ўз вақтида янгилаб боришга, Идоралараро интеграциялашув платформасида жойлаштирилган ўзининг барча веб-сервислари бўйича режали ва режадан ташқари узилишлар ва/ёки тўхталишлар вужудга келиши ёки улар бартараф этилиши юзасидан операторни мавжуд қайта алоқа каналлари орқали реал вақт режимида хабардор қилишга, ўзига тегишли веб-сервисга ўзгартириш ва/ёки қўшимчалар киритиладиган тақдирда, режалаштирилган ишлар амалга оширилгунига қадар бу ҳақида уч кун олдин операторга хабар беришга, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида техник ишлар ўтказилиши натижасида Идоралараро интеграциялашув платформасига тақдим этилаётган веб-сервисларда кузатилиши мумкин бўлган узилишлар юзасидан техник ишлар ўтказилишидан камида уч иш кун олдин операторни ёзма равишда хабардор қилишга, ахборот тизимлари ва ресурслари жойлашган серверлар ёки объектларда режалаштирилган фавқулодда юз берган узилишлар бундан мустасно, Идоралараро интеграциялашув платформасида жойлаштирилган ўз веб-сервисларига фойдаланувчиларни тўғридан-тўғри улашни чеклашга мажбур.

Фойдаланувчи:

Идоралараро интеграциялашув платформасига уланиш тартиби ва шартларига риоя қилишга;

Идоралараро интеграциялашув платформасига уланиш бўйича Ягона реестр тизимида ариза ва технологик йўриқномаларни ишлаб чиқишга ва келишишга;

Идоралараро интеграциялашув платформасининг push-хабарномалар сервисига уланиш бўйича ўз аризасини белгиланган тартибда маълумот тақдим этувчи билан келишишга;

Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали олинаётган маълумотларнинг конфиденциаллигини таъминлашга;

Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали олинган маълумотларни учинчи томонга тақдим этмасликка;

Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали олинган маълумотлардан маълумот тақдим этувчи ва оператор билан келишилмаган бошқа мақсадларда фойдаланмасликка;

Идоралараро интеграциялашув платформасига уланган ўзининг ахборот тизимларининг узлуксиз ишлаши бўйича тегишли чоралар кўришга;

“Электрон ҳукумат” тизими орқали олинадиган маълумотларни олиш, қўллаш ва сақлаш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя қилишга мажбур.

Фойдаланувчиларнинг ахборот тизимларини Рақамли маълумотлар платформасига улаш фақат ҳимояланган VPN тармоғи орқали ташкил этилади.

Бунда солиқ ва кадастр органларининг ахборот тизимлари Рақамли маълумотлар платформасига Вазирлар Маҳкамасининг “Учинчи шахсларга солиқ тўловчилар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш чора-тадбирлари ҳақида” 2021 йил 19 августдаги 529-сон қарорига мувофиқ давлат-хусусий шериклик шартномасининг амал қилиш муддатига қадар хусусий шерикнинг ахборот тизимлари орқали уланади.

Оператор:

Рақамли маълумотлар платформасига уланиш тартиби ва шартларига риоя қилишга;

фойдаланувчига Рақамли маълумотлар платформаси орқали маълумотлар юборилгунига қадар уларнинг конфиденциаллигини таъминлашга;

Рақамли маълумотлар платформасида маълумот тақдим этувчи ва фойдаланувчини шахсий кабинетларига улашга;

Ягона реестр тизимида Рақамли маълумотлар платформасига уланиш бўйича ариза ва технологик йўриқномани кўриб чиқишга ва келишишга;

Рақамли маълумотлар платформасида жойлаштирилган барча веб-сервислар бўйича режали ва режадан ташқари узилишлар ва/ёки тўхталишлар вужудга келиши ёки улар бартараф этилиши юзасидан фойдаланувчиларни мавжуд бўлган қайта алоқа каналлари орқали хабардор қилишга;

Маълумот тақдим этувчи ва фойдаланувчининг Рақамли маълумотлар платформасидаги шахсий кабинетлари орқали электрон ахборот ҳамкорлиги доирасидаги статистика маълумотлари билан танишиш имконини яратишга;

Рақамли маълумотлар платформасининг узлуксиз ишлаши бўйича тегишли чоралар кўришга;

қонунчилик ҳужжатлари ва мазкур Низом талабларини бажаришга;

мазкур Низомда ёки бошқа қонунчилик ҳужжатларида белгиланган қоидалар бузилган тақдирда, маълумот тақдим этувчи ёки фойдаланувчининг

Рақамли маълумотлар платформасига уланишини вақтинча тўхтатиш ёки бекор қилиш ва бу ҳақида уларни асосларни кўрсатган ҳолда расмий хабардор қилишга мажбур.

Маълумот тақдим этувчи Идоралараро интеграциялашув платформасига уланиш шартларига риоя қилишга, Идоралараро интеграциялашув платформасига уланиш бўйича Ягона реестр тизимида ариза ва технологик йўриқномаларни ишлаб чиқишга ва келишишга, Идоралараро интеграциялашув платформасининг push-хабарномалар сервисига уланиш бўйича фойдаланувчининг аризасини белгиланган тартибда келишишга, Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали юборилган сўровларга мувофиқ маълумотларни технологик йўриқномада белгиланган тартибда тақдим этишга, ўзига тегишли бўлган ахборот тизимлари ва ресурслари ҳамда маълумотлар базаларининг барқарор ишлаши, улардаги маълумотларнинг Идоралараро интеграциялашув платформасига узлуксиз равишда тақдим этилиши бўйича тегишли чоралар кўришга, ўзига тегишли маълумотларнинг ишончилиги ва тўлиқлиги ҳамда долзарблигини таъминлашга, долзарб бўлмаган маълумотлар бўйича шикоятларни қабул қилиш механизмини ишлаб чиқишга, жорий қилишга ҳамда келиб тушган шикоятлар натижаси бўйича маълумотларни ўз вақтида янгилаб боришга, Идоралараро интеграциялашув платформасида жойлаштирилган ўзининг барча веб-сервислари бўйича режали ва режадан ташқари узилишлар ва/ёки тўхталишлар вужудга келиши ёки улар бартараф этилиши юзасидан операторни мавжуд қайта алоқа каналлари орқали реал вақт режимида хабардор қилишга, ўзига тегишли веб-сервисга ўзгартириш ва/ёки қўшимчалар киритиладиган тақдирда, режалаштирилган ишлар амалга оширилгунига қадар бу ҳақида уч кун олдин операторга хабар беришга, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида техник ишлар ўтказилиши натижасида Идоралараро интеграциялашув платформасига тақдим этилаётган веб-сервисларда кузатилиши мумкин бўлган узилишлар юзасидан техник ишлар ўтказилишидан камида уч иш кун олдин операторни ёзма равишда хабардор қилишга, ахборот тизимлари ва ресурслари жойлашган серверлар ёки объектларда режалаштирилган фавқулодда юз берган узилишлар бундан мустасно, Идоралараро интеграциялашув платформасида жойлаштирилган ўз веб-сервисларига фойдаланувчиларни тўғридан-тўғри улашни чеклашга мажбур.

Фойдаланувчи Рақамли маълумотлар платформасига уланиш тартиби ва шартларига риоя қилишга, Рақамли маълумотлар платформасига уланиш бўйича Ягона реестр тизимида ариза ва технологик йўриқномаларни ишлаб чиқишга ва келишишга, Рақамли маълумотлар платформасининг push-хабарномалар сервисига уланиш бўйича аризасини белгиланган тартибда маълумот тақдим этувчи билан келишишга, Рақамли маълумотлар платформаси орқали олинаётган маълумотларнинг конфиденциаллигини таъминлашга, Рақамли маълумотлар платформаси орқали олинган маълумотларни учинчи томонга тақдим этмасликка, Рақамли маълумотлар платформаси орқали олинган маълумотлардан маълумот тақдим этувчи ва оператор билан келишилмаган бошқа мақсадларда фойдаланмасликка,

Рақамли маълумотлар платформасига уланган ўзининг ахборот тизимларининг узлуксиз ишлаши бўйича тегишли чоралар кўришга, “Электрон ҳукумат” тизими орқали олинадиган маълумотларни олиш, қўллаш ва сақлаш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя қилишга мажбур.

Талабгорнинг ахборот тизимлари ва сервисларини Ягона биллинг тизимига интеграция қилиш талабгор ахборот тизимларининг ахборот хавфсизлигини таъминланган ҳолда амалга оширилади.

Ягона биллинг тизимига “Электрон ҳукумат” тизими фойдаланувчиларини идентификациялаш ягона ахборот тизимида (кейинги ўринларда – Идентификациялашнинг ягона тизими) рўйхатдан ўтиш орқали қилинади.

Оператор ўз фаолиятини қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириш, Ягона биллинг тизимининг доимий ва узлуксиз ишлашини таъминлаш, Ягона биллинг тизимига киритилиши режалаштирилган ўзгартиришлар ҳақида вазирликлар ва идораларга аниқ муддати кўрсатилган ҳолда камида бир ой олдин ёзма хабарнома юбориш, Ягона биллинг тизимида юзага келган носозлик ва хатоликларни бартараф этиш бўйича мурожаатлар қабул қилинишини ташкил этиш ва тезкорлик билан кўриб чиқиш ҳамда бартараф этиш, Ягона биллинг тизимидаги давлат органларига тааллуқли ахборотнинг бутлигини таъминлаш мажбуриятларини ўз зиммасига олади⁴⁵².

МАИ субъектлари МАИ объектларининг киберхавфсизлигини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига риоя қилиши, киберхавфсизлик ҳодисалари тўғрисида ваколатли давлат органи ва ишчи органни белгиланган тартибда дарҳол хабардор қилиши, киберҳужумларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш, киберхавфсизлик ҳодисаларининг келиб чиқиш сабаблари ва шароитларини аниқлашда ваколатли давлат органи ҳамда ишчи органга кўмаклашиши, МАИ объектларининг киберхавфсизлигини таъминлаш жараёнига давлат органлари томонидан ноқонуний аралаштириш ҳолатлари ҳақида ваколатли органни хабардор қилиши, ваколатли давлат органи билан келишилган ҳолда киберҳужумларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш, киберхавфсизлик ҳодисаларига жавоб бериш учун мўлжалланган воситаларни ўз ҳисобидан ўрнатиши ва сақлаши, МАИ объектларига киберҳужумларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш учун ўрнатилган воситаларнинг белгиланган талабларга мувофиқ тўлақонли ишлашини таъминлаши, ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланган тартибда киберхавфсизлик ҳодисаларига жавоб бериш, МАИ объектларига қарши амалга оширилган киберҳужумларнинг оқибатларини бартараф этиш чораларини кўриши ва киберхавфсизлик ҳодисаларини текширишда иштирок этиши, ваколатли давлат органи ва ишчи орган билан келишилган ҳолда, МАИ объектларига уюштирилиши мумкин бўлган кибертахдидларнинг олдини олиши ва киберҳужумлар содир бўлганда МАИ

⁴⁵² Вазирлар Маҳкамасининг “Идоралараро электрон ҳамкорлик тизими ва маълумотларнинг ахборот алмашинувини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 20 сентябрдаги 516-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

объектларининг барқарор ишлашини тиклаш режаларини ишлаб чиқиши, ваколатли давлат органи ва ишчи орган томонидан ташкил этиладиган режали машғулотларда иштирок этиши шарт.

МАИ объектларига киберхавфсизликни таъминлашнинг қуйидаги талаблари қўйилади:

МАИ объектининг киберхавфсизлигини самарали таъминлаш тизимининг йўлга қўйилганлиги;

ахборот тизимида маълумотлардан рухсатсиз фойдаланиш, уларни йўқ қилиш, ўзгартириш, блоклаш (чеклаш), нусха олиш, тақдим этиш ва тарқатиш ҳамда МАИ объектлари фаолиятининг бузилиши ва/ёки тўхташига олиб келувчи бошқа ҳаракатларни амалга оширишнинг олди олинганлиги;

киберхавфсизликни таъминлаш тизими параметрларининг техник регламентлар талабларига мувофиқлиги, киберхавфсизлик ва МАИ объектининг узлуксиз фаолият юритишини таъминловчи чора-тадбирлар жорий этилганлиги;

киберхавфсизлик ҳодисаси рўй берганда киберҳимояни таъминлаш тизимини тезкор тиклаш имконияти мавжудлиги;

киберхужумларни мониторинг, аудит ва таҳлил қилиш, аниқлаш, чора кўриш ҳамда уларнинг оқибатларини бартараф этиш тизимининг самарали йўлга қўйилганлиги;

киберхавфсизлик ва МАИ объектининг киберхавфсизлиги ва унинг эксплуатациясига доир ҳужжатларнинг мавжудлиги.

МАИ объекти раҳбари мазкур объектда киберхавфсизликни таъминлашга масъул шахс ҳисобланади. МАИ объекти раҳбари томонидан белгиланган тартибда объектда киберхавфсизликни таъминловчи ҳимоя тизимининг ишлашини таъминлашга масъул мутахассислар ёки таркибий бўлинма тайинланади.

МАИ объекти раҳбари объектининг ахборот хавфсизлиги сиёсати, киберхавфсизлик соҳасидаги низомлар, кўрсатмалар, талаблар, ҳимоя воситаларидан фойдаланиш, киберхавфсизликни таъминловчи ҳимоя тизимининг ишлашини ташкил этиш ва назорат қилиш тартибини тасдиқлайди ҳамда уларни доимий равишда такомиллаштириш чораларини кўради.

МАИ объектларининг киберхавфсизлигини таъминловчи барча аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий таъминотлар тегишли мувофиқлик сертификатлари ҳамда киберхавфсизлик тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ бўлиши керак.

МАИ объектларининг киберхавфсизлигини таъминлаш бўйича белгиланган талаблар билан бирга қўшимча равишда қуйидагилар:

МАИ объектларининг киберхавфсизлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни режалаштириш, ишлаб чиқиш, такомиллаштириш ва жорий қилиш;

МАИ объектларининг киберхавфсизлигини таъминлаш учун ташкилий, ҳуқуқий ва техник чораларни кўриш;

МАИ объектларининг киберхавфсизлигини таъминлашда қўлланиладиган аппарат, дастурий-аппарат ва дастурий воситаларнинг кўрсаткич ва хусусиятларини белгилаш назарда тутилади.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, бирлашмалар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ваколатли давлат органи ва унинг ишчи органи билан келишган ҳолда ахборот хавфсизлиги сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишда МАИ объектларининг иш фаолияти хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда уларнинг киберхавфсизлигини таъминлаш воситаларига кўшимча талабларни белгилаши мумкин.

Киберхавфсизликни таъминловчи ҳимоя тизими қуйидагиларни таъминлаши зарур:

МАИ объекти томонидан қайта ишланадиган маълумотлардан рухсатсиз фойдаланиш, уларни йўқ қилиш, ўзгартириш, блоклаш (чеклаш), нусхалаш, тақдим этиш, тарқатиш ва шу каби бошқа хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш;

МАИ объектининг иш фаолияти бузилиши ва/ёки тўхтаб қолишига олиб келиши мумкин бўлган аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий воситаларга ахборот таъсирининг олдини олиш;

ўз ичига давлат сирини олмаган, қонунчилик билан ҳимояланган (кейинги ўринларда – конфиденциал) ва махфий маълумотларга киберхавфсизлик таҳдиди шароитида МАИ объектининг тўлиқ ишлашини таъминлаш;

МАИ объекти фаолиятини тиклаш имкониятини таъминлаш.

Автоматлаштирилган ва ахборот тизимларида барча қайта ишланаётган маълумотлар, аппарат, аппарат-дастурий ҳамда дастурий воситалар, шу жумладан компьютерни сақлаш воситалари, иш станциялари, серверлар, телекоммуникация ускуналари, алоқа линиялари, график, видео ва нутқ маълумотларини қайта ишлаш воситалари, аппарат-дастурий воситаларнинг дастурий таъминоти, ахборот тизимларининг архитектураси ва конфигурацияси ҳимоя қилинади. Телекоммуникация тармоқларида алоқа линиялари орқали узатиладиган маълумотлар, телекоммуникация ускуналари, шу жумладан дастурий таъминот, бошқарув тизими, ўрнатилган ҳимоя воситалари, телекоммуникация тармоғи архитектураси ва конфигурациясининг яхлитлиги ҳимоя қилинади. Автоматлаштирилган бошқарув тизимларида бошқариладиган, кузатиладиган объект ёки жараённинг параметрлари ёхуд ҳолати тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан кириш-чиқиш маълумотлари, бошқарув маълумотлари, назорат ва ўлчов маълумотлари ҳамда бошқа муҳим маълумотлар, дастурий таъминот ва аппарат воситалари, шу жумладан иш станциялари, саноат серверлари, телекоммуникация ускуналари, алоқа линиялари, дастурланадиган мантикий текширгичлар, ишлаб чиқариш, технологик ускуналар, аппарат-дастурий воситаларнинг дастурий таъминоти, ўрнатилган ҳимоя воситалари, автоматлаштирилган бошқарув тизимининг архитектураси ва конфигурацияси ҳимоя қилинади.

Хавфсизлик чораларини амалга оширишда аппарат, тизим, дастур ва тармоқ даражаларида, шу жумладан виртуаллашган муҳитда киришнинг барча

объектлари ва субъектларига нисбатан киберхавфсизлик таҳдидларининг ҳисобга олинганлиги мажбурий мезонлардан бири ҳисобланади.

МАИ объектларидаги конфиденциал ва махфий маълумотларни қайта ишлайдиган қурилмаларда, киберхавфсизлик таҳдидларига қараб, қуйидаги чоралар амалга оширилиши зарур:

кичик тизим ёки бошқа тизимларнинг элементларига кириш ҳуқуқи олинишининг ҳар бир босқичида идентификация ва аутентификация қилиш;
файллар, тизимлар ва қурилмаларга кириш ҳуқуқини бошқариш;
ахборот инфратузилмасини бошқариш ваколатига эга бўлмаган фойдаланувчи учун дастурий муҳитни чеклаш;

конфиденциал ва махфий маълумотларни ташувчи воситаларни ҳимоя қилиш;

тизимлар, дастурлар, шу жумладан дастурий ва дастурий-аппарат ресурсларининг киберхавфсизлик аудитини ўтказиш;

МАИ объекти ахборот активларини бузғунчи дастурий таъминотларга қарши ҳимоя қилиш;

киберхужумларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш;
қурилмалар орқали узатиладиган барча маълумотларни қўллаш мақсадларидан қатъи назар уларнинг яхлитлигини таъминлаш;

фойдаланувчиларнинг МАИ объекти фаолиятидаги ўрнига қараб тизим фойдаланувчилари учун маълумотларга рухсат бериш ва ҳимоясини таъминлаш;

ахборот техник ҳимоя воситаларининг хавфсизлигини таъминлаш;
конфигурацияни бошқариш;

дастурий таъминот янгилашларини ўз вақтида бошқариш;

киберхавфсизлик ҳодисаларига ўз вақтида чора кўриш;

фавқулодда вазиятларда зарур ҳаракатларни бажариш;

яхлитлиги, конфиденциаллиги ёки махфийлиги ҳамда мавжудлиги МАИ объектининг фаолияти ва хавфсизлиги билан боғлиқ бўлган муҳим маълумотларнинг захира нусхасини сақлаш;

киберхавфсизликни таъминлаш ҳолатини, рухсатсиз кириш ва ахборотни ўзгартиришга уринишларни доимий назорат ҳамда таҳлил қилиш;

маълумотларни тезкор тиклаш механизмларини амалга ошириш;

объектни унинг киберхавфсизлик талабларига жавоб бериши юзасидан аттестациядан ўтказиш.

Ушбу талабларнинг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар⁴⁵³.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар тўловлар тўғрисидаги ахборотни шакллантириш, узатиш, сақлаш ва унга ишлов беришнинг барча босқичларида тўловлар тўғрисидаги ахборотни узлуксиз ҳимоя қилиш учун қуйидаги чораларни кўришлари лозим:

⁴⁵³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг муҳим ахборот инфратузилмаси объектлари киберхавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2023 йил 31 майдаги ПҚ-167-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

идентификация, аутентификация ва авторизация қилиш тизимини жорий этиш;

тизимга рухсатсиз киришнинг олдини олиш усуллари (логин, парол, биометрик идентификация, икки факторли аутентификация (2FA) ва бошқа) қўллаш;

тўлов ҳужжати ва идентификация маълумотларини қалбакилаштириш, уларни рухсатсиз ўзгартириш ҳамда учинчи шахсларга тақдим этишдан ҳимоялаш;

тўлов ахборотлари шакллантирилишини, тўлов ҳужжатининг ҳаққонийлиги текширилишини ва уларга ишлов берилишини ҳамда асосли ўзгартиришлар киритилишини таъминлаш ва назорат қилиш;

тўлов ҳужжатларини узатишда ушбу ҳужжатнинг асл эгасига етказилишини ҳамда бошқа шахсларга жўнатилишининг олди олинишини таъминлаш;

амалга оширилган тўловга оид маълумотларни сақлашда уларни рухсатсиз кўчириш, ўзгартириш, ўчириш ҳамда учинчи шахсларга жўнатилишининг олдини олиш чораларини кўриш;

ташқи сақловчига кўчирилган тўловга оид маълумотларнинг сейфда (темир шкафда) сақланишини таъминлаш ҳамда маълумотларни сақлаш учун масъул ходим (ходимлар) тайинлаш;

ахборот тизимларидаги дастурий таъминотларнинг назоратини ва ҳисобини юритиш ҳамда ахборот тизимларидаги дастурий таъминот талқинларининг, аппарат-дастурий курилмаларининг ва дастурий воситаларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш;

ахборот тизимларининг актуал ҳолатда (охирги версия) бўлишини таъминлаш, бунда дастурий таъминотнинг янги талқинини текширувдан ўтказгандан сўнг ахборот тизимига жорий этиш;

тўлов ахборотларига ишлов бериш, уларни узатиш ҳамда сақлаш жараёнларини электрон баённомаларда автоматик тарзда шакллантириб бориш ҳамда уларнинг сақланишини таъминлаш;

ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш хизмати ҳамда банк ва тўлов тизимларида шубҳали фрод операцияларга қарши чоралар кўриш хизматларини ташкил этиш, шунингдек ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш ҳамда банк карталари билан боғлиқ шубҳали (фрод) операцияларга қарши чоралар кўриш бўйича амалга ошириладиган ишларни назорат қилиш;

ҳисоблаш тармоғининг хавфсизлиги ва криптографик муҳофазасини таъминлаш, компьютер вирусларидан ҳимоялаш, ахборот тизимларига киришни бошқариш, техник воситаларини созлаш ва бошқа чораларни қўллаш;

ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш ҳамда банк карталари билан боғлиқ шубҳали (фрод) операцияларга қарши чоралар кўриш ускуналари, курилмалар, аппарат-дастурий ва дастурий техник воситалари қўлланишини таъминлаш ҳамда уларни мунтазам такомиллаштириб бориш, фойдаланиш тартибларини белгилаш, уларга техник хизмат кўрсатиш,

таъмирлаш ва бошқа ҳолатларда улардан кўзда тутилмаган тарзда рухсатсиз фойдаланишнинг олдини олиш;

қўлланилаётган техник воситаларга барча телекоммуникация тармоқларидан рухсатсиз кириш, улардаги маълумотларни ўзгартириш, ўчириш, қўчириб олишдан ҳимоялаш;

ахборотларни чиқиб кетиши (йўқолишини) олдини олиш;

ахборот тизимига рухсатсиз кириш ёки киберхавфсизлик ҳодисалари содир этилганда, уларни таҳлил қилиш асосида ҳимоя тизимларини мустаҳкамлаб бориш чораларини кўриш.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар дастурларга ва операцион тизимга зарар келтирувчи зарарли кодлар (компьютер вируслари) ва уларнинг салбий таъсирининг олдини олиш учун қуйидаги чораларни кўриши керак:

ҳисоблаш техникаси қурилмалари (серверлар, компьютерлар ва бошқалар), банкомат, эмбоссер ва тўлов терминалларининг (техник имкониятидан келиб чиқиб) иш фаолиятига зарар етказувчи кодларни (компьютер вирусларини) аниқлаш ва уларнинг салбий таъсирининг олдини олиш чораларини кўриш;

ахборот тизимларида фақат лицензияланган антивирус дастуридан фойдаланиш, уларнинг русумлари ва базалари актуаллиги ҳамда янгиланиб борилишини таъминлаш;

антивирус дастурларининг автоматик тарзда ишлашини таъминлаш;

интернет ва корпоратив тармоқлар орқали келган барча ахборотларни антивирус дастури орқали текшириш.

Тўлов тизимларида ахборотни муҳофаза қилишнинг криптографик усуллари қўлланилиши ва тўлов тизими қоидаларида қуйидагилар белгилаб берилиши лозим:

криптографик муҳофаза воситаларини автоматлаштирилган тизимларга боғлаш, ишга тушириш, ишлатиш ва фойдаланишдан чиқариш тартиби;

криптографик муҳофаза воситаларининг тўхтаб қолиши, ишдан чиқиши ва бошқа ғавқулдда ҳолатларда уларни қайта тиклаш тартиби;

криптографик муҳофаза дастурларига ва техник ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тартиби;

криптографик калитларни бошқариш тартиби;

криптографик калитларни ташувчи қурилмаларни қўллаш, сақлаш, ўзгартириш ва бошқалар бўйича ташкилий, техникавий усулларни қўллаш тартиби.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан ахборот алмашинувида ахборот хавфсизлиги ҳамда киберхавфсизликни таъминлашлари шарт.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчиларнинг ахборотлаштириш объектларига рухсатсиз кириш ҳамда фойдаланишни чегаралаш мақсадида қуйидаги чоралар кўрилиши керак:

ахборотлаштириш объектларига, шу жумладан, банкомат, тўлов терминаллари ва тўлов ўтказиш электрон қурилмаларига жисмонан таъсир этишни ҳамда техник жиҳозлар мавжуд бўлган бино ва хоналарга киришни назорат қилиш;

тўловларни амалга оширишда қўлланиладиган автоматлаштирилган тизимлар, дастурлар, ҳисоблаш техникалари, телекоммуникация қурилмалари параметрлари ва тузилмалари ҳамда тўлов тизимида ишлаш ҳуқуқини берувчи маълумотларни (парол, биометрик ва бошқа маълумотлар) ўз ичига олган техник воситаларнинг жисмоний муҳофазасини (хавфсизлик режимини) таъминлаш ва рухсатсиз таъсир этишнинг олдини олиш;

тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчиларнинг ходимлари ахборотлаштириш объектларига киришини назорат қилиш ва маълумотларни рухсатсиз тарқалишидан ҳимоялаш тизимларини жорий қилиш;

серверлар ва телекоммуникация қурилмалари жойлашган хоналарда ишлаш жараёнларини видеокузатув тизимлари ёрдамида назорат қилиш.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар қуйидаги маълумотларни ўз ичига олган ахборот тизимларининг ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлигини таъминлашлари керак:

банк (карта) ҳисобварағида пул маблағлари қолдиқлари тўғрисидаги маълумотлар;

электрон пуллар қолдиқлари тўғрисидаги маълумотлар;

амалга оширилган тўловлар тўғрисидаги маълумотлар;

нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ўз ичига олган маълумотлар;

банклараро тўлов ва клиринг тизимлари тўлов маълумотлари;

криптографик муҳофазани таъминлаш учун қўлланиладиган криптографик калитлар;

тўловларни амалга оширишда қайта ишланадиган конфиденциал ахборотларни (банк сири, шахсга доир маълумотлар ва бошқа қонун билан муҳофаза қилинадиган маълумотлар);

мижозларнинг банк карталари, аккаунтлари ва идентификациядан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотлар.

Тўлов тизимлари операторлари ёки тўлов хизматларини етказиб берувчилар масофадан тўлов хизматларини кўрсатувчи ахборот тизимларини (мобил илова, интернет банкинг ва бошқалар) (бундан буён матнда масофавий ахборот тизимлари деб юритилади) амалиётга жорий этиш ҳамда уларга ўзгартириш киритишдан аввал қуйидагиларни таъминлашлари лозим:

масофавий ахборот тизимларининг тўловларни ўтказиш билан боғлиқ барча функцияларини синов (тест) тарзида тўлиқ текширувдан ўтказишни таъминлаш;

масофавий ахборот тизимларини техник топшириқлар, уларни техник топшириққа ва киберхавфсизлик талабларига мувофиқлиги юзасидан экспертизадан ўтказиш ҳамда уларнинг натижалари бўйича экспертиза хулосаларини Марказий банкка тақдим этиш;

масофавий ахборот тизимларини уяли алоқа даражасида ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизими, Марказий банкнинг марказлашган антифрод ҳамда замонавий биометрик идентификация тизимларига уланишини таъминлаш;

дастурларни ишлатиш бўйича йўриқномаларни ишлаб чиқиш ва уларнинг актуаллигини таъминлаган ҳолда мижозларга тақдим этиш;

аниқланган заифликларни бартараф этиш учун ўзгаришлар киритилишини таъминлаш;

мижозлар қўллаётган дастурларнинг актуаллигини назорат қилиш.

Тўлов тизимлари операторлари ёки тўлов хизматларини етказиб берувчилар масофавий ахборот тизимларининг янги талқинини (версиясини) жорий этганидан сўнг эски талқиндан (версиядан) фойдаланишни чеклаши ва янги талқинга (версияга) ўтиши (янгилаши) лозим.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар ўзаро тўлов ахборотлари ва тўлов ахборотларига тегишли бўлган маълумотлар алмашинувини телекоммуникация тармоқлари орқали амалга ошириш учун томонларнинг ахборотлаштириш объектлари хусусиятларидан келиб чиқиб, уларнинг вазифалари, жавобгарликлари ва мазкур Низом талабларини ўз ичига олган ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлигини таъминлаш, шунингдек банк карталари билан боғлиқ шубҳали (фрод) операцияларга қарши чоралар кўриш қоидаларини ишлаб чиқиши керак.

Тўлов агенти томонидан банк ёки тўлов ташкилоти билан тўлов хизматларини кўрсатиш учун тузилган агентлик шартномасида ахборот хавфсизлиги бўйича томонларнинг масъулиятлари белгиланган бўлиши керак.

Тўлов субагенти томонидан тўлов агенти билан тўлов хизматларини кўрсатиш бўйича тузилган субагентлик шартномасида ахборот хавфсизлиги бўйича томонларнинг масъулиятлари белгиланган бўлиши керак.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар ахборотнинг конфиденциаллиги ва яхлитлигини, шу жумладан, тўлов хизматларидан фойдаланувчининг шахсига доир маълумотларни муҳофаза қилишда ҳамда етарли хавфсизликни таъминлаш мақсадида қуйидаги чораларни кўришлари лозим:

тўлов тизимида ишлов бериладиган конфиденциал ва шахсга доир маълумотларнинг яхлитлиги ва дахлсизлигини муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш тартибини ишлаб чиқиш;

ички ҳужжатлар билан тартибга солинадиган ҳимояланадиган маълумотлар билан ишлашда хавфсизлик ва конфиденциалликни таъминлаш қоидалари ва талабларини ишлаб чиқиш;

конфиденциал ва шахсга доир маълумотлар билан ишловчи ходимлар сонини имкон даражасида камайитириш, ходимлар билан конфиденциал ва шахсга доир маълумотлар ошкор этилишининг олдини олиш бўйича мажбуриятномалар (шартнома) тузиш ва ушбу маълумотлардан фойдаланиш ҳуқуқларини ходимларнинг лавозим мажбуриятларидан келиб чиқиб белгилаш;

конфиденциал маълумотлар рўйхатини юритиш бўйича комиссия таркибини шакллантириш ва тасдиқлаш;

конфиденциал маълумотлар рўйхати ва ҳажмини аниқлаш ҳамда тасдиқлаш;

конфиденциал маълумотлар билан ишлашга рухсат берилган ходимлар рўйхатини шакллантириш ва тасдиқлаш;

ахборотлаштириш объектининг техник паспортини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

конфиденциал маълумотлар билан ишлаш тартибини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

конфиденциал маълумотларни ташувчи воситаларни рўйхатга олиш, йўқ қилиш, конфиденциал ахборот ташувчиларни ташқарига олиб чиқиш/кириш журналлари юритиш;

маълумотлар яхлитлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида электрон рақамли имзо калитларидан фойдаланиш ҳамда шифрланган маълумотларни сақлаш тартибини белгилаш;

конфиденциал ва шахсга доир маълумотлар мавжуд бўлган ресурсларга киришда идентификация, аутентификация ва авторизация қилинишини таъминлаш;

конфиденциал ва шахсга доир маълумотлар билан ишлаш ҳуқуқларининг рухсатсиз берилишини олдини олиш;

ахборот тизимлари фойдаланувчиларининг муҳофазаланган маълумотларига кириш, ишлов бериш, уларни сақлаш ҳамда тақдим этиш жараёнидаги амалга оширилган ҳаракатларни электрон баённомаларда қайд этиб бориш;

ташқи сақловчи қурилмалар ва техник воситаларнинг бинодан ташқарига олиб чиқилиши ҳамда уларнинг ўғирланишининг олдини олиш;

маълумотларни узатиш, сақлаш, ўчириб ташлаш, уларга ишлов бериш ҳамда уларнинг рухсатсиз четга чиқиб кетишининг олдини олиш чоралари таъминланганлигини назоратга олиш.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар ахборот ва интернет жаҳон ахборот тармоғини, шунингдек, серверлар ва алоқа каналларини эҳтимоли мавжуд бўлган кибертаҳдид ва киберхужумлардан ҳимоя қилиш учун етарли чораларни кўриши лозим. Ушбу чоралар қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

компьютер тармоқларини сегментлаш ва тармоқлараро экрандан фойдаланиш;

ахборот тармоқлари, шу жумладан, интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали қабул қилинаётган ва узатилаётган маълумотларга рухсатсиз киришнинг олдини олиш бўйича техник (криптографик ва бошқа) ва/ёки ташкилий чоралар кўриш ҳамда тармоқ маълумотларини филтрлашни таъминлаш (тармоқлараро экранларни қўллаш);

ахборот тармоқлари ва веб-сайтлар орқали тўловларни амалга оширишда идентификация, кўп омилли аутентификация ва авторизация

қилиш (кўп омилли аутентификация қилиш мобил ва алоқасиз тўловларни амалга ошириш чоғида қўлланилмайди);

ахборот тармоқлари ва Интернет жаҳон ахборот тармоғи, шунингдек, серверлар ва алоқа каналларидан фойдаланувчиларни идентификация қилиш;

интернет жаҳон ахборот тармоғи ресурсларидан ходимларнинг фойдаланишини прокси-сервер орқали амалга ошириш, иш фаолияти учун зарур бўлмаган веб-сайтларга киришни чегаралаш ва кирилган веб-сайтларни қайд этиб бориш;

ахборот тизимларини асосий ва захира алоқа каналлари билан таъминлаш;

серверлар тармоғини муҳофазалаш (демилитаризация қилинган зоналарини (DMZ) ташкил этиш);

серверларда иш фаолияти учун зарур бўлмаган портларни ёпиш ва хизматларни тўхтатиш;

ахборот тизимига кириш объектлари ва ресурсларининг ҳисобини юритиш;

мобил тўловларни амалга ошириш чоғида фойдаланувчиларни кўп факторли аутентификация қилиш (SMS, QR-код, NFC, бармоқ излари, кўзнинг рангдор пардаси асосида аниқлаш ёки шу каби тасдиқловчи усулларни қўллаш мумкин);

мобил қурилмалар ёрдамида масофадан киришда тўлов маълумотлари ҳамда ахборот тизимларининг (маълумотлар базасининг) ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлигини таъминлаш;

масофавий хизмат кўрсатиш ва бошқа ахборот тизимларида миқдори идентификация ва аутентификация қилиш мақсадида қўлланиладиган (бир марталик ёки кўп марталик) паролларни ишлатиш тартибини белгилаш, тасдиқлаш кодларини қўллаш, бир марталик тасдиқлаш кодларини тизимга шифрланган ҳолда юбориш, антифрод ва биометрик идентификация тизимларини қўллаш, коднинг фаол бўлиш вақти ва бошқаларни ёритиш;

автоматлаштирилган тизимга киришда қўлланилган қурилма тўғрисида идентификация маълумотларини (IP-адрес, MAC-адрес ва бошқа идентификаторлар) қайд этиш;

тажовузларни аниқлаш ва уларнинг олдини олиш тизимларини қўллаш.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш бўйича талабларнинг бузилиши билан боғлиқ бўлган ҳодисаларга нисбатан қуйидаги таъсир чораларини кўришлари лозим:

юзага келиши мумкин бўлган ҳодисаларга нисбатан таъсир чораларини кўриш юзасидан зарур ҳаракатларни олдиндан кўра билиш ҳамда амалга ошириладиган ҳаракатлар рўйхатини белгилаш;

содир бўлган ҳодисаларга нисбатан қисқа муддатларда таъсир чораларини кўриш;

ишнинг узлуқсизлигини таъминлаш, шунингдек, ноқонуний тўловлар ва ҳисобварақлардаги қолдиқ маблағларини рухсатсиз ўзгартирилишини олдини

олиш, ахборотни қайта тиклаш ҳамда бошқа салбий ҳолатларни бартараф этиш;

ходимлар томонидан мавжуд ахборот тизимларида ишлашда белгиланган ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик талабларига риоя қилинишини таъминлаш;

юзага келган ҳодисаларнинг келиб чиқиш омилларини аниқлаш мақсадида тармоқ қурилмалари ва ахборот тизимларининг электрон баённомаларини расмийлаштириш, йиғиш, таҳлил қилиш ҳамда уларга асосан тегишли кўрсатмаларни ишлаб чиқиш.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар банкомат, инфокиоск ва тўлов терминалларининг ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлигини таъминлаши лозим. Бунда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлашда қуйидаги чоралар қўлланилади:

банкомат, инфокиоск ва тўлов терминалларининг ҳисобини юритиш ҳамда уларнинг ахборот дастурига рухсатсиз киришининг олдини олиш;

банкомат, инфокиоск ва тўлов терминалларида техник хизмат кўрсатувчи шахслар фаолиятини назорат қилиш ҳамда улар томонидан амалга оширилган ўзгартиришлар бўйича электрон баённома юритиш;

видеокузатув тизимлари ёрдамида банкоматлар билан ишлаш жараёнларини назоратга олиш (банкоматга киритиладиган банк карталарининг пин код рақамлари видеокузатув тизимлари орқали қайд этиш имкониятига эга бўлмаслиги лозим);

бош банк ҳамда унинг инфратузилмалари (филиал, мини-банк ва бошқалар) ва бошқа қўриқланадиган объектларидан ташқарида жойлаштирилган банкоматларнинг видеокузатув маълумотлари бош банк ёки унинг филиалидаги техник қурилмаларга тўғридан тўғри (онлайн) ёзиб борилишини таъминлаш;

банкомат тармоқ кабелларини муҳофазалаш;

банкоматнинг бошқа банкоматлар билан бир хил бўлган қулфларини алмаштириш;

банкоматларни алоқа каналларидан ёки жисмонан боғланган ҳолда эҳтимолий ҳужумлардан (шу жумладан, скиммингдан) ҳимоя қилиш;

банкоматларнинг операцион тизими ҳамда BIOS тизимига кириш ҳуқуқларини мураккаб пароллар билан ҳимоялаш;

аутентификация қилиш тартибини белгилаш;

тўловларни амалга оширувчи қурилмаларнинг ҳисобини юритиш;

банкоматлардаги нақд пул маблағларининг жисмоний муҳофазасини таъминлаш;

тармоқ орқали ахборот алмашинувида ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш;

халқаро тўлов тизимлари билан ишлайдиган ахборот тизимларида халқаро стандартлар (PCI DSS, PTS, PA DSS) талабларига мувофиқ ахборот муҳофазаси воситалари ва тизимларини жорий қилиш.

Тўлов тизимлари операторлари ўз тизимларидаги банкомат ва инфокиоскларда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни банклар билан биргаликда таъминлайди ҳамда уларнинг узлуксиз ва тўғри ишлашини назорат қилади. Агар ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик бўйича маълум бир (ёки барча) масъулият тўлов хизматларини етказиб берувчига юклатилган бўлса, мазкур ҳолат тегишли шартномаларда қайд этилиши ва масъулият юклатилган ташкилотга зарурий шароитлар яратиб (банкоматларнинг ахборот тизимидаги ишлаш ҳуқуқлари) берилиши зарур.

Муҳим тўлов тизимлари операторлари мазкур Низомда белгиланган хавфсизлик чораларига қўшимча равишда қуйидаги ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик чораларини таъминлаши зарур:

тўлов тизимининг узлуксиз ишлаши ишончилигини таъминлаш;

ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш хизматини ташкил этиш ва унинг мажбуриятларини белгилаш;

Ўз ДСт 2875:2014 “Датамарказларга қўйиладиган талаблар. Инфратузилма ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш” стандартининг датамарказ телекоммуникация воситалари инфратузилмаси тайёрлиги ва хавфсизлигининг учинчи даражадан паст бўлмаслигини таъминлаш;

халқаро банк карталаридан фойдаланилганда PCI DSS хавфсизлиги стандарти, Payment Services Directive (PSD2) тўлов хизматларини кўрсатиш директиваси талабларига мувофиқлаштириш;

ахборот тизимлари тўғри ташкил этилганлиги юзасидан нуфузли халқаро аудитор ташкилотларни жалб қилиш орқали АКТ-инфратузилмасини (ахборот хавфсизлиги ҳолатини) аудитдан ўтказишни таъминлаш;

Ўзбекистон Республикасининг “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида муҳим тўлов тизимлари операторларига белгиланган талабларни бажариш.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчиларнинг тўловлар билан боғлиқ маълумотларни сақлаш ва уларга ишлов бериш хоналари билан таъминланган бўлиши керак. Ушбу хоналар қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

рухсатсиз жисмоний киришдан муҳофазаланган бўлиши;

хона биринчи қаватда жойлашган ҳолларда унинг деразалари темир панжара билан жиҳозланган бўлиши;

қўриқлаш ва ёнғиндан огоҳ этувчи иккита ҳимоя тўсиғи хабаргоҳлари билан жиҳозланиши;

тунги вақтда қўриқлаш ва огоҳлантириш қурилмалари билан жиҳозланиши;

видеокузатув орқали назоратга олиниши.

Тўлов тизимлари операторлари ўзларининг тўлов тизимларида ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик чораларини кўришда назорат ва мониторинг ишларини амалга оширишлари лозим.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар автоматлаштирилган тизимлар, иловалар ҳамда ахборот инфратузилма объектларини ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик

заифликларига таҳлил қилиши, ҳар йили камида икки марта рухсатсиз киришга текшириши ва ҳужжатларда қайд этилмаган имкониятлар мавжуд эмаслигини назорат қилиши лозим.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар ҳар йили, келгуси йилнинг биринчи апрелидан кечиктирмай, Марказий банкка ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликнинг таъминланганлик ҳолати тўғрисида ҳисобот тақдим этиши шарт.

Тўлов тизими операторлари, тўлов тизимининг иштирокчилари ва тўлов ташкилотлари таваккалчиликларни бошқариш тўғрисидаги ҳужжатларида жисмоний ва юридик шахсларнинг розилигисиз амалга оширилган пул ўтказмаларининг тавсифи, миқдори ва ҳаракатларини таҳлил этиш орқали банк карталаридан жисмоний ва юридик шахсларнинг розилигисиз амалга оширилган пул ўтказмаларининг мезонларига мос келадиган операцияларни аниқлаш жараёнларини белгилайди.

Тўлов тизими операторлари банк карталари орқали жисмоний ва юридик шахсларнинг розилигисиз пул ўтказмаларини олдини олиш мақсадида транзакцион антифрод тизимларини жорий этиши ҳамда Марказий банкнинг марказлашган антифрод тизимига интеграция қилинишини таъминлаши лозим.

Тўлов тизимининг иштирокчилари ва тўлов ташкилотлари ўзларида сессион антифрод тизимларини жорий этиши ҳамда Марказий банкнинг марказлашган антифрод тизимига интеграция қилинишини таъминлаши лозим.

Тўлов тизими иштирокчилари ва тўлов ташкилотларида банк карталари орқали жисмоний ва юридик шахсларнинг розилигисиз амалга оширилган пул ўтказмаларининг мезонларига мос келадиган операциялар аниқланганда, ушбу операция бўйича тақдим этилган фармойишнинг бажарилишини антифрод тизимлари доирасида амалга оширади.

Тўлов тизими операторлари, тўлов тизимининг иштирокчилари ва тўлов ташкилотлари жисмоний ва юридик шахсларнинг розилигисиз амалга ошириладиган тўловларни олдини олиш мақсадида қуйидагиларни бажариши лозим:

жисмоний ва юридик шахсларнинг розилигисиз амалга оширилган пул ўтказмаларининг тавсифи, миқдори ва ҳаракатларини таҳлил этиши, таваккалчиликларни баҳолаши ва бошқариши ҳамда уларнинг мезонларига мос келадиган операцияларни аниқлаш жараёнларини белгилаши;

жисмоний ва юридик шахслар ўртасида тузилган шартномаларда (оммавий оферталарда) антифрод тизими доирасида банк карталари билан боғлиқ шубҳали (фрод) операцияларга қарши чоралар кўриш масалаларини ёритиши;

банк карталари билан боғлиқ шубҳали (фрод) операциялар бўйича келиб тушадиган мурожаатларни йиғиши ва таҳлил қилиши;

тўлов хизмати фойдаланувчисининг пул маблағларини ўтказиш вақтида, ушбу тўлов шубҳали (фрод) операциялар рўйхатида бўлса, бундай ҳолат ҳақида фойдаланувчига хабар (SMS, мессенжер ёки бошқа ахборот тизимлар

орқали) бериши, такрорий тасдиқ (PIN код, яширин сўзни киритиш ёки бошқа тарзда маълумот) олиши, агар маълум вақт оралиғида ушбу тасдиқ олинмаса, ушбу тўлов операциясини бекор қилиши;

фойдаланувчи томонидан ўзининг ҳисоб-варақларига тегишли тўлов операцияларини тўхтатиш (блокировка қилиш) имкониятини яратиши;

банк карталари билан боғлиқ шубҳали (фрод) операцияларда иштирок этган банк карталари ва ҳисобварақлари, мобил иловалари аккаунтлари ҳамда электрон ҳамёнлар тўғрисида ўзларининг ахборот тизимларида мавжуд бўлган маълумотларни Марказий банкнинг сўровига асосан ўз вақтида тақдим этиши;

ахборот тизимлари ва ресурсларида аниқланган, жисмоний ва юридик шахсларнинг розилигисиз амалга оширилган пул ўтказмаларини ўтказиш ёки ўтказишга уриниш ҳолатлари тўғрисидаги маълумотларни Марказий банкка тақдим этиб бориши.

Тўлов тизими операторлари, тўлов тизимининг иштирокчилари ҳамда тўлов ташкилотлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг розилигисиз тўловлар содир этилган ҳолатларда иштирок этган банк карталари ва ҳисобварақлари, мобил иловалари аккаунтлари ҳамда электрон ҳамёнлардан фойдаланишни вақтинча чекланган (блокланган) муддат мобайнида қонун ҳужжатларида уларни чеклаш (блоклаш) учун бошқа асослар бўлмаганда, улардан фойдаланишга қўйилган вақтинчалик чеклов (блоклаш) олиб ташланади.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг розилигисиз амалга оширилган пул ўтказмаларининг мезонлари Марказий банк бошқарувининг қарорига асосан белгиланади.

Тўлов тизими операторлари, тўлов тизимининг иштирокчилари ҳамда тўлов ташкилотлари EPOS-терминалларида фойдаланишда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш бўйича қуйидагиларни амалга ошириши лозим:

тўлов агентлари ва субагентларининг реестрини юритиши, шунингдек, тўлов агентлари ёки субагентларини рўйхатдан ўтказиш, ўзгартириш ва ўчиришда 1 иш куни ичида Марказий банкка ўзгартирилган реестрни тақдим этиши;

жисмоний шахслар ўртасида пул маблағларини ўтказишни (P2P) амалга ошириш учун алоҳида EPOS-терминалидан фойдаланиши, шунингдек ушбу EPOS-терминалларида бошқа мақсадларда фойдаланишини таъқиқлаши;

EPOS-терминалларида шартномада кўрсатилган мақсадларда фойдаланишни назорат қилиши;

EPOS-терминалларида, шунингдек фойдаланувчи пароллари ва кириш ҳуқуқларида фойдаланишда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш тартибини ишлаб чиқиши.

Тўлов тизими операторлари ва тўлов тизимининг иштирокчилари Марказий банкнинг мажбурий кўрсатмасига кўра, шубҳали (фрод) операциялари амалга оширилишини чеклаш ёки тўхтатиш мақсадида EPOS-

терминаллардан фойдаланишни тўхтатиш ёки ушбу терминалларни ўчириш чораларини кўриши лозим⁴⁵⁴.

Киберхавфсизликни таъминлаш воситалари мажбурий тартибда сертификатлаштирилади⁴⁵⁵.

Кредит бюрolariда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш мақсадида асосий вазифалари қуйидагилардан иборат бўлган ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш хизмати (бундан буён матнда Хизмат деб юритилади) ташкил этилади:

ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликнинг таъминланганлик даражасини ошириш, уни баҳолаш, шунингдек авариялар ва ходимлар йўл қўйган хатолар натижасида келиб чиқадиган йўқотишларни камайтириш ва содир этилишини олдини олиш;

ахборот инфратузилмасининг яхлитлиги ва хавфсизлигини назорат қилиш;

серверларда ва тармоқ қурилмалардаги дастурий таъминотларни муҳофаза қилиш;

барча технологик жараёнларда ходимлар ҳаракати, шунингдек ахборот тизимларида амалга оширилган ҳаракатлар бўйича электрон баённомалар рўйхатини юритиш;

ахборот тизимларида ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик талабларини бузиш ҳолатларини олдини олиш чораларини кўриш;

маълумотларнинг учинчи шахсларга ошкор этилишини олдини олиш;

ахборот-коммуникация технологиялари инфратузилмасида юзага келган ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик ҳодисалари, кибертахдидлар, киберхужумлар аниқланган вақтда бу ҳақидаги маълумотларни зудлик билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига (бундан буён матнда Марказий банк деб юритилади) тақдим этиш;

ахборот-коммуникация технологиялари инфратузилмаси, ахборот тизимлари ва ресурсларида ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликнинг таъминланганлик ҳолатини ички қоида ва тартибларга мувофиқлигини бир йилда камида икки маротаба ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик таваккалчиликларини ҳисобга олган ҳолда ўрганиш ва ўрганиш натижаларини далолатнома билан расмийлаштириш.

Кредит бюрolari тармоқ ҳамда алоқа каналларини эҳтимоли мавжуд бўлган кибертахдидлар ва киберхужумлардан ҳимоя қилиш учун қуйидаги чораларни кўриши лозим:

компьютер тармоқларини сегментлаш ҳамда янги авлод тармоқлараро экран қурилмаларидан фойдаланиш;

⁴⁵⁴ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2024 йил 24 апрелдаги 13/1-сон қарори (21.05.02024 й., рўй.: 3513-сон) билан тасдиқланган “Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчиларнинг тўлов тизимларида ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш ҳамда рақамли технологиялар воситасида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларни олдини олиш чораларини кўриш тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁴⁵⁵ Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати раисининг 2024 йил 15 октябрдаги 114-сон буйруғи (14.11.2024 й., рўй.: 3574-сон) билан тасдиқланган “Ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини таъминлаш учун қўлланиладиган аппарат, аппарат-дастурий ҳамда дастурий воситаларни сертификатлаштириш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

тармоқ орқали қабул қилинган ва узатиладиган маълумотларга рухсатсиз киришни олдини олиш бўйича техник (криптографик ва бошқа) ва (ёки) ташкилий чоралар кўриш ҳамда тармоқ маълумотларини филтрлашни таъминлаш (янги авлод тармоқлараро экран қурилмаларини қўллаш);

тармоқ қурилмаларидаги ARP (Address Resolution Protocol) жадвалларини электрон архивлаш;

Интернет жаҳон ахборот тармоғи ресурсларидан ходимларнинг фойдаланишини прокси-сервер орқали амалга ошириш, иш фаолияти учун зарур бўлмаган веб-сайтларга киришни чегаралаш ва қирилган веб-сайтларни қайд этиб бориш;

ахборот тизимларини асосий ва захира алоқа каналлари билан таъминлаш;

серверларда иш фаолияти учун зарур бўлмаган портларни ёпиш ва хизматларни тўхтатиш;

ахборот тизимига кириш объектлари ва ресурсларининг ҳисобини юритиш;

масофавий хизмат кўрсатиш ва бошқа ахборот тизимларида мижозни идентификация ва аутентификация қилиш мақсадида қўлланиладиган (бир марталик ёки кўп марталик) паролларни ишлатиш тартибини белгилаш, тасдиқлаш кодларини қўллаш, бир марталик тасдиқлаш кодларини тизимга шифрланган ҳолда юбориш, коднинг фаол бўлиш вақти ва бошқаларни ёритиш;

ахборот тизимига киришда қўлланилган қурилманинг идентификация маълумотларини (IP-манзил, MAC-манзил ва бошқа идентификаторлар) қайд этиш;

тажовузларни аниқлаш ва олдини олиш тизимларини (IDS/IPS) қўллаш ҳамда базасини актуал ҳолатда бўлишини таъминлаш.

Кредит бюрolari кредит ахборотини шакллантириш, узатиш, сақлаш ва унга ишлов беришнинг барча босқичларида узлуксиз ҳимояни таъминлаш учун қуйидаги чораларни кўришлари шарт:

идентификация, аутентификация ва авторизация қилиш тизимини жорий этиш;

тизимга рухсатсиз киришнинг олдини олиш усулларини (логин, парол, кўп факторли аутентификация ва бошқа) қўллаш;

идентификация маълумотларини қалбакилаштириш, уларни рухсатсиз ўзгартириш ҳамда учинчи шахсларга тақдим этишдан ҳимоялаш;

кредит ахборотини узатишда унинг асл эгасига етказилишини таъминлаш ҳамда бошқа шахсларга жўнатилишининг олдини олиш;

кредит ахборотини сақлашда уларни рухсатсиз кўчириш, ўзгартириш, ўчириш ҳамда учинчи шахсларга жўнатилишининг олдини олиш чораларини кўриш;

ташқи сақловчига кўчирилган маълумотларни сейфда (темир шкафда) сақланишини таъминлаш ҳамда маълумотларни сақлаш учун масъул ходим (ходимлар) тайинлаш;

ахборот тизимларидаги дастурий таъминотларнинг назоратини ва ҳисобини юритиш ҳамда дастурий таъминот талқинларининг, аппарат-дастурий қурилмаларининг ва дастурий воситаларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш;

ахборот тизимларининг актуал ҳолатда (охирги версияда) бўлишини таъминлаш, бунда дастурий таъминотнинг янги талқинини амалиётда ишлаб турган ахборот тизимининг иш фаолиятига салбий таъсир кўрсатмасдан тест-синов майдонларида текширувдан ўтказиш ва ижобий натижага эришилганидан сўнг амалиётга жорий этиш;

кредит ахборотини узатиш, сақлаш жараёнларини электрон баённомаларда (log) автоматик тарзда шакллантириб бориш ва сақланишини таъминлаш;

Хизматни ташкил этиш ҳамда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш бўйича амалга ошириладиган ишларни назорат қилиш;

ҳисоблаш тармоғининг хавфсизлиги ва криптографик муҳофазасини таъминлаш, компьютер вирусларидан ҳимоялаш, ахборот тизимларига киришни бошқариш, техник воситаларини созлаш ва бошқа чораларни қўллаш;

ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлашда ускуна, қурилма, аппарат-дастурий ва дастурий техник воситалар қўлланишини таъминлаш ҳамда уларни мунтазам такомиллаштириб бориш, фойдаланиш тартибларини белгилаш, техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш ва бошқа ҳолатларда улардан рухсатсиз фойдаланишнинг олдини олиш;

қўлланилаётган техник воситаларга барча телекоммуникация тармоқларидан рухсатсиз кириш, маълумотларни ўзгартириш, ўчириш ва кўчириб олишдан ҳимоялаш;

ахборотларни чиқиб кетишини (йўқолишини) олдини олиш;

ахборот тизимида рухсатсиз кириш ёки киберхавфсизлик ҳодисалари содир бўлганда, таҳлил қилиш асосида ҳимоя тизимларини мустаҳкамлаб бориш чораларини кўриш.

Кредит бюrolари ахборот тизимларидан маълумотларнинг рухсатсиз узатилиши ва тарқалишидан ҳимоялаш бўйича DLP (Data Loss Prevention) тизими жорий этилиши шарт. Маълумотларни ҳимоя қилишда:

муҳофазаланадиган маълумотларни рухсатсиз турли тармоқ каналлари орқали узатилиши, ҳисобга олинмаган ташқи ташувчига кўчирилиши, рухсатсиз чоп этилиши аниқланиши ва бу ҳақида кредит бюро раҳбариятига маълумот бериш ва келгусида шу каби салбий ҳолатлар бўлмаслигини олдини олиш чоралари кўрилиши;

муҳофазаланадиган маълумотларни сервер ва компьютерларда сақланиши назорат қилиниши лозим.

Кредит бюrolари дастурлар ва операцион тизимларга зарар келтирувчи зарарли кодлар (компьютер вируслари) ва уларнинг салбий таъсирини олдини олиш учун қуйидаги чораларни кўриши шарт:

ҳисоблаш техникаси қурилмалари (серверлар, компьютерлар ва бошқалар), иш фаолиятига зарар етказувчи кодларни (компьютер вирусларини) аниқлаш ва уларнинг салбий таъсирини олдини олиш чораларини кўриши;

ахборот тизимларида фақат лицензияланган антивирус дастуридан фойдаланиш, уларнинг русумлари ва базалари актуаллиги ҳамда янгиланиб борилишини таъминлаши;

антивирус дастурларининг ўрнатилиши ҳамда унинг ишлаши Хизмат томонидан назорат қилиниши;

антивирус дастурларининг автоматик тарзда ишлашини таъминлаши;

тармоқ орқали келган барча ахборотларни антивирус дастури орқали текшириши;

антивирус дастурининг соғломалари бунга масъул бўлмаган кредит бюроси ходимлари томонидан ўзгартириш имконияти бўлмаслигини таъминлаши;

компьютер вируси аниқланганда, ходимлар томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар тартиби белгиланиши.

Кредит бюрolariда антивирус дастурларини марказлашган ҳолда бошқариш тизими жорий этилиши, антивирус дастурининг базаси ҳар кун янгиланиб борилиши ва версияси актуал (маънан эскирмаган) бўлиши таъминланиши лозим.

Антивирус дастурлари серверлар, компьютерлар ва бошқа барча антивирус дастурлари ўрнатилиши мумкин бўлган ҳисоблаш воситаларига ҳамда қурилмаларга ўрнатилган бўлиши лозим.

Антивирус дастурлари Марказий банкнинг мониторинг тизимига уланиши шарт.

Ахборот тизимларида ахборотни муҳофаза қилишнинг криптографик усуллари қўлланилишида қуйидагилар белгилаб оlinиши лозим:

криптографик муҳофаза воситаларини автоматлаштирилган тизимларга боғлаш, ишга тушириш, ишлатиш ва фойдаланишдан чиқариш тартиби;

криптографик муҳофаза воситаларининг тўхтаб қолиши, ишдан чиқиши ва бошқа ғавқулдда ҳолатларда уларни қайта тиклаш тартиби;

криптографик муҳофаза дастурларига ва техник ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тартиби;

криптографик калитларни бошқариш тартиби;

криптографик калитларни ташувчи қурилмаларни қўллаш, сақлаш, ўзгартириш ва бошқалар бўйича ташкилий ҳамда техникавий усулларни қўллаш тартиби.

Кредит бюрolari Марказий банк ва кредит ташкилотлари билан электрон ахборот алмашинувини Марказий банкнинг “Ахборотлаштириш бош маркази” давлат унитар корхонаси билан тузилган шартнома асосида банк телекоммуникация тармоғи орқали амалга оширади. Бунда, қуйидаги хавфсизлик чоралари кўрилиши керак:

а) кредит ахбороти билан ишлаш учун фақат тегишли рухсатга эга бўлган ходимлар қўйилиши;

б) фойдаланувчиларнинг тизимга кириши учун аутентификация қилиш логин ва парол ҳамда аппарат-дастурий воситалар (токен-махсус курилма) ёрдамида амалга оширилиши. Бунда, парол 12 та белгидан кам бўлмаган рақам ва символлар комбинациясидан иборат бўлиши ҳамда парол ва логинларни муддати тугашига қараб ўзгартириш имконияти бўлиши лозим. Паролнинг амал қилиш муддати бир ойдан ошмаслиги лозим;

в) кредит ахбороти алмашинувида қатнашувчи ходимларнинг сервер ва компьютерлари телекоммуникация тармоқлари орқали ишлаши учун аппарат-дастурий воситалар билан жиҳозланиши;

г) ахборотларни қайта ишлаш, узатиш ва қабул қилиш учун ажратилган серверлар ва компьютерларга умумий локал тармоққа уланган бошқа компьютерлардан кириш имконияти бўлмаслиги;

д) кредит бюроси томонидан узатиладиган ва қабул қилинадиган ҳар қандай ахборот электрон рақамли имзо билан тасдиқланиши ҳамда бажарилган ишлар бўйича маълумот автоматик равишда электрон журналга киритилиши. Бунда, электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгаси куйидагиларни амалга ошириши шарт:

электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитидан фойдаланиш устидан назоратни таъминлаши;

электрон рақамли имзо калити сертификатини берган электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатга олиш марказига электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитидан фойдаланиш режими бузилганлиги ёки бузилиши эҳтимоли борлиги тўғрисида хабар қилиши ва электрон рақамли имзо калити сертификатининг амал қилишини тўхтатиб туришни ёхуд мазкур сертификатни бекор қилишни талаб қилиши;

ўзи вакил бўлган юридик шахс қайта ташкил этилганда ва тугатилганда, бу ҳақда электрон рақамли имзо калити сертификатини берган электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатга олиш марказига хабар қилиши;

э) электрон рақамли имзо очик калитининг фойдаланувчиси электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлиги тасдиқланмаган ҳолларда электрон рақамли имзонинг ёпиқ калити эгасига хабар бериши;

ж) кредит бюроларининг тизимларида кредит ахборотига тегишли бўлмаган ахборотларнинг узатилиши тақиқланиши;

з) электрон ахборот алмашинувида виртуал тармоқлар (VPN) асосида ташкил этилган ва ҳимояланган алоқа каналлари қўлланилиши.

Ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш бўйича қўшимча ахборотни муҳофаза қилиш воситалари қўлланилиши мумкин.

Кредит бюрolari тизим иштирокчилари билан тузилган шартномаларда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш ҳамда конфиденциал, жумладан банк сирини ташкил этувчи ва шахсга доир маълумотларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича талабларни белгилаши шарт.

Кредит бюрolari ахборотлаштириш объектларига рухсатсиз кириш ҳамда фойдаланишни чегаралаш мақсадида куйидаги чораларни кўриши керак:

ахборотлаштириш объектларига жисмонан таъсир этишни ҳамда техник жиҳозлар мавжуд бўлган бино ва хоналарга киришни назорат қилиш;

ходимларнинг ахборотлаштириш объектларига киришини назорат қилиш ва маълумотларнинг рухсатсиз тарқалишидан ҳимоялаш тизимларини жорий қилиш;

серверлар ва телекоммуникация қурилмалари жойлашган хоналарда ишлаш жараёнларини видеокузатув тизимлари ёрдамида назорат қилиш.

Кредит бюрolari барча турдаги маълумотларни (шу жумладан, банк сирини ташкил этувчи, шахсга доир ва бошқа қонун билан муҳофаза қилинадиган маълумотларни) сақловчи ахборот тизимларининг ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлигини таъминлашлари шарт.

Кредит бюрolari ахборотнинг конфиденциаллиги ва яхлитлигини, шу жумладан шахсга доир маълумотларни муҳофаза қилишда ҳамда хавфсизликни таъминлашда қуйидаги чораларни қўришлари лозим:

ахборот тизимлари орқали ишлов бериладиган конфиденциал ва шахсга доир маълумотларнинг яхлитлиги ва дахлсизлигини таъминлаш ҳамда улардан фойдаланиш тартибини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

ички ҳужжатлар билан тартибга солинадиган ҳимояланадиган маълумотлар билан ишлашда хавфсизлик ва конфиденциалликни таъминлаш қоидалари ва талабларини ишлаб чиқиш;

конфиденциал ва шахсга доир маълумотлар билан ишловчи ходимлар сонини имкон даражасида камайтириш, ходимлар билан конфиденциал ва шахсга доир маълумотлар ошкор этилишининг олдини олиш бўйича мажбуриятномалар (шартнома) тузиш ва ушбу маълумотлардан фойдаланиш ҳуқуқларини ходимларнинг лавозим мажбуриятларидан келиб чиқиб белгилаш;

конфиденциал маълумотлар рўйхатини юритиш бўйича комиссия таркибини шакллантириш ва тасдиқлаш;

конфиденциал маълумотлар рўйхати ва ҳажмини аниқлаш ҳамда тасдиқлаш;

конфиденциал маълумотлар билан ишлашга рухсат берилган ходимлар рўйхатини шакллантириш ва тасдиқлаш;

ахборотлаштириш объектининг техник паспортини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

конфиденциал маълумотларни ташувчи воситаларни рўйхатга олиш, йўқ қилиш ҳамда ташқарига олиб чиқиш ва кириш журналларини юритиш;

маълумотлар яхлитлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида электрон рақамли имзо калитларидан фойдаланиш ҳамда шифрланган маълумотларни сақлаш тартибини белгилаш;

конфиденциал ва шахсга доир маълумотлар мавжуд бўлган ахборот ресурсларига киришда идентификация, аутентификация ва авторизация қилинишини таъминлаш;

конфиденциал ва шахсга доир маълумотлар билан ишлаш ҳуқуқларининг рухсатсиз берилишини олдини олиш;

ахборот тизимлари фойдаланувчиларининг муҳофазаланган маълумотларига кириш, ишлов бериш, уларни сақлаш ҳамда тақдим этиш жараёнидаги амалга оширилган ҳаракатларни электрон баённомаларда қайд этиб бориш;

ташқи сақловчи қурилмалар ва техник воситаларнинг бинодан ташқарига олиб чиқилишини назорат қилиш;

маълумотларни узатиш, сақлаш, ишлов бериш, ўчириш ҳамда рухсатсиз четга чиқиб кетишини олдини олиш чоралари таъминлаш.

Кредит бюrolари ахборот тизимларида ишлаш жараёнида, шу жумладан ишлаб чиқиш ва синовдан ўтказиш жараёнида ваколатларни чегаралаш учун қуйидаги чораларни кўришлари лозим:

ахборот тизимларида ишлаш ҳуқуқларини белгиловчи тартиб ва қоидаларни ишлаб чиқиш ва уларни лавозим йўриқномаларида акс эттириш ҳамда тегишли ҳужжатга (ариза, талабнома ёки бошқа шаклга) асосан тизимдан фойдаланиш тартибини таъминлаш;

ахборот тизимларида ишлаш ҳуқуқи берилган масъул ходимлар рўйхатини шакллантириш;

ахборот тизимларида ишлаш ҳуқуқларини белгилаш ва тақсимлаш билан боғлиқ ҳаракатларни рўйхатга олиш;

ахборот тизимларида ишлаш ҳуқуқлари мантиқан ва иш вазифасидан келиб чиқиб тўғри белгиланганлигини даврий (ҳар чоракда бир маротаба) текшириб туриш;

ахборот тизимларининг ишлаши ва синовдан ўтказилиш даврида ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш ҳамда берилган ахборот тизимларида ишлаш ҳуқуқлари тўғрилигини назорат қилиш;

ахборот тизими фойдаланувчилари ахборот тизими томонидан берилган ҳуқуқларни ўзгартириш имкониятига эга бўлмаслигини таъминлаш ҳамда бу ҳуқуқларни бегона шахсларга беришни чеклаш чораларини кўриш.

Кредит бюrolари ўзларининг ахборот тизимларига ўзгартириш киритиш учун бошқа ташкилотларни жалб қилганда қуйидагиларни амалга оширишлари зарур:

конфиденциал ва шахсга доир маълумотларни ошкор этмаслик бўйича битим тузиш;

ахборот тизимларида муҳофаза қилинадиган маълумотлар билан ишлашни белгиланган тартибда рухсат бериш асосида амалга ошириш;

тегишли лицензия ва (ёки) бошқа рухсатномага эга бўлган (агар ушбу фаолият лицензия ёки тегишли рухсатнома асосида амалга оширилса) ташкилотларни жалб қилиш;

ахборот тизимларини лойиҳалаш босқичида маълумотларнинг конфиденциаллигини таъминлаш чораларини ишлаб чиқиш;

кўриладиган ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш бўйича чоралар (амалга ошириладиган ишлар, ўрнатиладиган дастурлар, қурилмалар ва бошқалар) ва аниқ кўрсатилган техник топшириқни қабул қилиш (тест синовларини амалга ошириш режаси) ҳамда бошқа тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш;

дастурий таъминотни ишлаб чиққан ва унга ўзгартириш киритган (киритадиган) ташкилотлар рўйхатини тузиш;

ахборот тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этишнинг тахминий муддатларини ҳамда шартларини белгилаб олиш;

жалб қилинган ташкилот ходимлари томонидан ахборот тизимларига киритиладиган ўзгартиришларнинг асослилигини, мавжуд техник топшириқларга мослигини, ахборот тизимига алоқадор бўлмаган дастурлар (тизим функциялари) киритилмаслиги ва тест синовлари натижаларининг ижобийлигини Хизмат ҳамда ахборотлаштириш бўйича масъул ходим томонидан назоратга олиш.

Кредит бюrolари электрон почта тизими серверини ўзининг локал хисоблаш тармоғида яратади.

Кредит бюrolари интернет тармоғи ва электрон почта тизимларидан фойдаланишда ахборот муҳофазасини таъминлаш, ходимларни тизимга киритиш, уларга чекловлар қўйиш, ходимлар ҳаракати ва тизим ахборот хавфсизлиги устидан назорат қилишни ўзининг ички хужжатларида белгилайди.

Кредит бюrolари томонидан конфиденциал ва шахсга доир маълумотлар рухсат берилган ахборот тизимлари орқали юборилиши шарт.

Файлларни узатиш протоколи (FTP) серверида ташкил қилинган умумий каталог орқали файл алмашинувини амалга ошириш ва банк сири маълумотларини тармоқда эркин ўқиш учун жойлаштириш тақиқланади.

Кредит бюrolари томонидан интернет ва электрон почта орқали юборишга тайёрланган ёки қабул қилинган ҳар бир электрон маълумот антивирус дастури ёрдамида текширилиши шарт. Электрон почта орқали қабул қилинган маълумотлар зарар келтирмаслиги учун қумдонда (Sandbox тизими) текширилиши лозим.

Кредит бюrolари ўзининг электрон почта тизими ҳамда интернет тармоғидан фойдаланиш тартибини ички хужжатлари билан белгилайди ҳамда электрон почта орқали юборилган ва қабул қилинган маълумотларни Хизмат томонидан назорат қилинишини таъминлайди. Бунда фақат рухсат берилган фойдаланувчилар интернет тармоғидан фойдаланиши ва интернет тармоғидан фойдаланишда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш чоралари қўрилиши керак.

Интернет тармоғи ва банк телекоммуникация тармоғи алоҳида маршрутизатор (router) ва алоҳида тармоқлараро экран (firewall) қурилмалари орқали жисмонан уланиши шарт.

Ахборот муҳофазасини кучайтириш мақсадида тармоқ протоколида (TCP/IP) тармоқ транзит пакетларининг IP манзилларини ўзгартириш имконини берувчи тармоқ адресларини ўзгартириш протоколи (NAT) қўлланилиши мумкин. Бунда тармоқ орқали барча уланишларнинг электрон журналлари асл IP манзиллар қўрсатилган ҳолда юритилиши ва белгиланган тартибда электрон архивга олиниши шарт.

Интернет тармоғидан фойдаланиш тартиби назоратга олинган бўлиши ва кредит бюроси ходимларининг интернет тармоғидан фойдаланишлари уларнинг лавозим йўриқномасига асосан белгиланади.

Интернет тармоғидан фойдаланган ходимнинг логини, фойдаланиш вақти, ресурс номи ва бошқа маълумотлар акс эттирилган электрон баённомалар юритилиши керак. Хизмат ушбу электрон баённомаларни таҳлил қилиб боради.

Интернет тармоғидан фойдаланишда ахборот муҳофазасини таъминлаш янги авлод тармоқлараро экран қурилмалари, прокси-сервер, антивирус, тажовузларни аниқлаш ва олдини олиш (IDS/IPS), anti-spam, anti-bot ва бошқа ахборот хавфсизлиги тизимларини қўллаш йўли билан амалга оширилади.

Кредит бюрolari ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлашга доир талабларнинг бузилиши билан боғлиқ бўлган ҳодисаларни аниқлаш мақсадида қуйидаги ишларни ташкил этиши шарт:

қўлланилиши зарур бўлган ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик бўйича ташкилий чораларни аниқлаш;

мавжуд техник қурилмаларни ишлатиш, созлаш ҳамда улардаги маълумотларни қайд этиш;

ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик талабларининг бузилиши билан боғлиқ ҳодисаларни аниқлаш чораларини кўриш ҳамда ушбу ҳолатлар кредит бюроси ходимлари томонидан аниқланганда Хизматни хабардор қилиш;

ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик талабларининг бузилиши билан боғлиқ ҳодисалар юзага келганда, уларни бартараф этиш, юзага келиш сабабларини аниқлаш, таҳлил қилиш ҳамда аниқланган ҳодисалар юзага келмаслиги бўйича тегишли чоралар кўриш;

аниқланган ҳодисаларни рўйхатга олиб бориш (реестрини юритиш);

аниқланган ҳодисалар тўғрисидаги маълумотларни сақлаш тартибини белгилаш;

ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлашнинг бошқа чораларини кўриш.

Кредит бюрolari ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик талабларининг бузилиши билан боғлиқ ҳодисалар тўғрисида Марказий банкка зудлик билан ёзма ёки электрон шаклда хабар бериши шарт.

Кредит бюрolari ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш бўйича талабларнинг бузилиши билан боғлиқ ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида қуйидагиларни белгилаши шарт:

ахборот тизимларида ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик таваккалчиликларини бошқариш тартиби ва уларни баҳолаш мезонлари;

ахборот тизимида нохуш ҳодисалар юзага келганда ўзаро ҳаракатланиш тартиби;

содир бўлган нохуш ҳодисаларга нисбатан таъсир чораларини кўриш бўйича амалга ошириладиган ҳаракатлар рўйхати;

ишнинг узлуксизлигини таъминлаш, ахборотни қайта тиклаш ҳамда бошқа салбий ҳолатларни бартараф этиш чоралари;

ходимлар томонидан мавжуд ахборот тизимларида ишлашда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик талаблари;

юзага келган ҳодисаларнинг келиб чиқиш омилларини аниқлаш мақсадида тармоқ қурилмалари ва ахборот тизимларининг электрон баённомаларини расмийлаштириш, йиғиш, таҳлил қилиш ҳамда уларга асосан тегишли кўрсатмалар.

Ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлашга доир талабларнинг бузилиши билан боғлиқ аниқланган ҳодисалар сабабларини таҳлил қилиш ҳамда уларга таъсир кўрсатиш натижаларини баҳолаш лозим. Бунда аниқланган ҳодисалар сабабларини таҳлил қилиш ҳамда уларга таъсир кўрсатиш натижаларини баҳолаш тизими қуйидагиларни ўз ичига олиши шарт:

аниқланган ҳодисаларга нисбатан таъсир чоралари кўрилгандан кейин ушбу ҳодисаларнинг келиб чиқиш сабабларини Хизмат томонидан тегишли бўлинмалар билан биргаликда таҳлил қилиш тартиби;

ахборот тизимларининг тегишли электрон баённомаларини ўрганиш ҳамда аниқланган ҳодисанинг юзага келишига сабабчи бўлган ходимлардан тушунтиришлар олиш;

ҳодисаларнинг келиб чиқиш сабабларига ойдинлик киритиб, бундай ҳолатлар юзага келмаслиги ёки юзага келганда унинг зарар келтириш имкониятларини камайтириш чораларини кўриш (шу жумладан, тегишли мутахассисларни жалб қилган ҳолда);

ҳодисаларнинг салбий таъсир кўрсатиш даражасига қараб таснифлаш ва баҳолаш мезонига асосан уларни баҳолаш.

Ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлашга доир талабларнинг бузилиши билан боғлиқ аниқланган ҳодисаларга нисбатан кўрилган таъсир чоралари, уларни баҳолаш натижалари ва бошқа қўшимча маълумотлар чоп этилиши ҳамда алоҳида йиғмажилдда сақланиши зарур.

Ахборот тизимларининг узлуксиз ишлаши ва барқарорлигини таъминлаш мақсадида қуйидаги чоралар кўрилиши шарт:

асосий ахборот тизимлари ишдан чиққан ҳолатларда хизматлардан фойдаланишни камида 99,9 фоиз даражада таъминлай олиш имкониятига эга захира сервер қувватларига эга бўлиши;

реал вақт режимида маълумотларни қайта ишловчи ахборот инфратузилмасида камида 30 фоизгача захира жой бўлиши;

ахборот тизими билан боғлиқ тармоқ ва бошқа қурилмалар носоз ҳолатга келганда, уни иш жараёнига келтириш ва узлуксиз ишлашини таъминлаш;

операцион тизим, дастурий таъминотлар, ахборот тизимларининг дастурлари, маълумотлар (маълумотлар базаси, созуламалари, электрон баённомалар) нусхаларини захирага (backup) олиш ва электрон архивда сақлаш ҳамда уларни қайта тиклаш тартибини (механизмини) ишлаб чиқиш, уларнинг ҳисобини юритиш ва назоратини олиб бориш;

захира тикланиш режаси, техник қурилма ва ускуналарга эга бўлиш;

маълумотларнинг захирага олинган (backup) нусхаларини техник носозликларда ва фавқулодда вазиятларда қайта тиклаш режасини ишлаб чиқиш ва даврий (бир йилда бир маротаба) равишда ахборот тизимини қайта тиклаб текшириш;

захира нусхаларини сақлаш муддати, тартиби ва захирадан ечиш қоидаларига риоя қилиш;

дастурларга ўзгартириш киритишни синов (тест) учун мўлжалланган серверларда текшириш;

тизимдаги қурилма ва ускуналарнинг ишлашини назорат қилиш;

ахборот тизимининг узлуксизлигига салбий таъсир этиши мумкин бўлган ҳолатларни олдини олиш ва ахборот муҳофазасини таъминлаш;

дизел электр станцияси ва (ёки) бошқа электр таъминоти узлуксизлигини таъминлаш воситаларидан (UPS ва бошқалар) фойдаланиш;

ишлов берилган маълумотларни сақлаш ва уларнинг электрон архивда юритилишини таъминлаш;

мижозларнинг ҳаракатига тегишли бўлган маълумотларни камида беш йил сақланишини таъминлаш;

электрон архив юритишда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлашга доир талабларга риоя этилиши бўйича ишчи гуруҳ тузган ҳолда бир йилда камида икки маротаба текшириш ва натижалари тўғрисида Марказий банкка маълумот бериш;

ахборот узатиш захира тармоқларига эга бўлиш.

Кредит бюрolari асосий ахборот тизимлари жойлашган жойдан 50 километрдан кам бўлмаган масофада жойлашган ҳудудлардаги шаҳар марказларида захира ахборот тизимларини ташкил этиши лозим. Бунда асосий ва захира ахборот тизимлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ташкил этилади.

Ахборот тизимларидаги маълумотлар (электрон баённомалар ва ҳ.к) электрон архивларда камида икки нусхада (хусусан, асосий ва захира ахборот тизимларининг ҳар бирида битта нусхадан) сақланиши мумкин.

Кредит бюроси ўз фаолияти давомида шаклланадиган барча ахборот ва ҳужжатларни рақамли шаклда тартибли равишда сақлаш мақсадида электрон архив тизимини ташкил этиши ва юритиши шарт.

Электрон архивда қуйидаги маълумотлар мажбурий равишда сақланиши лозим:

фойдаланувчиларнинг тизимга кириш ва чиқиш журналлари (баённомалари);

ёзувлар устида амалга оширилган ҳаракатлар (яратиш, ўзгартириш, ўчириш) бўйича баённомалар (логлар);

кредит тарихига оид барча кирувчи ва чиқувчи сўровлар;

кредит тарихини тузатиш ёки рад этиш бўйича ариза ва қарорлар;

электрон почта орқали қабул қилинган ва юборилган ҳужжатлар;

ARP (Address Resolution Protocol) жадваллари, тизим хатоликлари ва рухсатсиз кириш уринишлари ҳақида техник баённомалар (loglar);

захиралаш ва тиклаш бўйича амалиётлар журнали.

Захира нусхаларни сақлаш, юритиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ талаблар қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) захира нусхаларни сақлаш муддати:

тизим конфигурацияси, электрон баённомалар ва лог файллар – бир йил;
молиявий ва миждозларга оид операцион маълумотлар – беш йил;

ички хизматлар фаолиятига тегишли жорий маълумотлар – олти ойни ташкил этади;

б) захира нусхаларини тиклаш ва ўчириш фақат ваколатга эга бўлган масъул ходимлар томонидан амалга оширилиши лозим. Бунда, барча ҳаракатлар расмийлаштирилиши ва электрон баённомалар (лог)да қайд этилиши керак;

с) сақлаш муддати якунига етган захира нусхалар уларнинг махфийлик даражаси ва ахборот хавфсизлиги талаблари инобатга олинган ҳолда қайта тиклаб бўлмайдиган қилиб йўқ қилинади. Бунда, барча жараёнлар электрон баённомалар (log)да қайд этилади.

Кредит бюроларининг фаолияти тугатилганда, улардаги мавжуд электрон архивнинг ахборот ресурслари қонунчиликда белгиланган тартибда тегишли давлат ёки нодавлат архивларига топширилади.

Кредит бюрolari қайта ташкил этилганда, уларнинг электрон архив маълумотлари тегишли давлат архивлари билан келишилган ҳолда мазкур ташкилотнинг ҳуқуқий ворислари электрон архивига топширилади.

Кредит ахборотидан фойдаланувчилар кредит бюроларининг ахборот тизимларига рухсат этилмаган ҳолда кириш, кредит ахборотини йўқ қилиб юбориш, ўзгартириш, ундан бошқа шахслар фойдаланиши ёки уни ошкор этилишини олдини олиш учун ташкилий ва техник чоралар кўриши лозим⁴⁵⁶.

Кредит ва тўлов ташкилотлари жисмоний шахсларнинг шахсига доир, идентификация ва тўлов билан боғлиқ барча турдаги маълумотларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида уларни ўз ахборот тизимларида шифрланган ҳолда сақлаши шарт.

Ахборот тизимларидаги маълумотларнинг рухсатсиз тарқалишининг олдини олиш мақсадида маълумотларни рухсатсиз тарқалишидан ҳимоялаш тизими DLP (Data Loss Prevention) жорий этилиши лозим.

Ахборот тизимида фойдаланувчи ва тизимнинг ўзи томонидан амалга оширилган барча ҳаракатлар автоматик тарзда журналлаштирилиши шарт. Журналлар сохталаштириш ва ўзгартиришдан ҳимояланган форматда сақланиши лозим. Журнал маълумотларининг яхлитлигини таъминлаш мақсадида WORM (Write Once Read Many) технологиясидан фойдаланиш тавсия этилади.

Имтиёзли функциялар ва юқори даражадаги тизим ҳуқуқлари орқали амалга оширилган барча ҳаракатларга фақат чекланган доирадаги ходимлар томонидан киришга рухсат берилиши шарт. Бундай ҳуқуқлардан фойдаланиш

⁴⁵⁶ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2025 йил 19 августдаги 20/2-сон қарори (2309.2025 й., рўй.: 3679-сон) “Кредит бюроларининг ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлигига доир минимал талаблар тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

жараёнлари мажбурий тарзда кўп омилли аутентификация MFA (Multi-Factor Authentication) орқали ҳимояланиши лозим.

Имтиёзли функциялар ва юқори даражадаги тизим ҳуқуқлари доирасида амалга ошириладиган фаолиятнинг тўлиқ назорати ва журналлаштирилиши PAM (Privileged Access Management) тизими орқали амалга оширилиши керак.

Кредит ва тўлов ташкилотлари ахборот тизимларидаги маълумотларни ҳимоя қилиш учун криптографик ҳимоя воситаларидан фойдаланишда қуйидаги талабларни бажаришлари шарт:

алоқа каналлари орқали ахборот алмашинувини фақат ҳимояланган Transport Layer Security (TLS) протоколидан (1.3 ёки ундан юқори версия) фойдаланган ҳолда амалга ошириш;

маълумотларни шифрлашда AES-256/GCM алгоритмидан фойдаланиш;

криптографик калитларнинг айланиш (ротация) сиёсатини киберхавфсизлик соҳасидаги ваколатли давлат органи томонидан белгиланган талаблар доирасида амалга ошириш;

криптографик калитлар камида йилда бир маротаба янгиланиб борилишини таъминлаш;

криптографик калитлар билан боғлиқ барча ёзувлар (логлар), шу жумладан калит яратиш, айлантириш, бекор қилиш ва фойдаланиш ҳолатлари тўғрисидаги маълумотларни камида 3 йил давомида сақлаш;

криптографик калитларнинг муддати ўтганидан кейин уларни белгиланган тартибда йўқ қилиш ёки архив ҳолатига ўтказиш ҳамда бу жараёни тегишли далолатнома билан расмийлаштириш.

Кредит ва тўлов ташкилотлари криптографик калитларни бошқаришда калитларни бошқариш тизими (KMS) ёки аппарат хавфсизлик модули (HSM)дан фойдаланишлари мумкин.

Криптографик алгоритмлар ёки протоколларнинг версиялари (жумладан, TLS, AES ва бошқалар) эскирган ёки заиф деб топилса, кредит ва тўлов ташкилотлари маълумотларни ҳимоя қилишда янгиланган, эквивалент ёки ундан юқори даражадаги хавфсизликни таъминлайдиган криптографик алгоритмлар ва протоколлардан фойдаланишлари лозим.

Кредит ва тўлов ташкилотлари ахборот тизимлари доирасида амалга оширилган барча техник жараёнлар, фойдаланувчи фаолияти, хавфсизлик билан боғлиқ ҳолатлар, операция журналлари ва тегишли дастурий ёзувларни камида 3 йил мобайнида хавфсиз ва ишончли шаклда сақлаши лозим.

Кредит ва тўлов ташкилотлари томонидан жорий этилган мобил иловалар ва уларнинг веб-талқини ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш талабларига тўлиқ жавоб бериши лозим.

Мобил иловага техник хавф туғдирувчи қурилмаларда ишлашини автоматик тарзда аниқлаш ва блоклаш механизмлари жорий этилиши лозим.

Кредит ва тўлов ташкилотлари қуйидаги ҳолатларда мобил илованинг ишлашини чеклаши лозим:

андроид операцион тизимида ишловчи қурилманинг тизим ҳуқуқларига ноқонуний кириш орқали хавфсизлик сиёсати бузилганда (root);

iOS операцион тизимида ишловчи қурилмада ишлаб чиқарувчи томонидан ўрнатилган хавфсизлик чекловлари ўчирилиб, тизимга чуқур кириш имконияти яратилганда (jailbreak).

Мобил илова ишга туширилганда қурилманинг хавфсизлик ҳолати таҳлил қилиниши (SafetyNet Attestation, Play Integrity API, Jailbreak detection каби воситалар) ва салбий ҳолат аниқланганда мобил илованинг иш фаолияти тўхтатилиб, фойдаланувчига СМС-хабарнома юборилиши шарт. Ушбу ҳолат баённома (loglar) базасига автоматик тарзда қайд этилиши лозим.

Мобил илова дастур кодига рухсатсиз кириш, тахрирлаш, тескари муҳандислик (reverse engineering) ва декомпиляция орқали таҳлил қилиш имкониятини чекловчи махсус технологиялар билан ҳимоя қилиниши шарт.

Кредит ва тўлов ташкилотлари мобил илова орқали тарқалиши мумкин бўлган зарарли кодлар, дастурлар ва фродга оид таҳдидларни аниқлаш ва уларнинг олдини олиш мақсадида мобил SDK (Software Development Kit) орқали антивирус ва антифрод функциялари билан таъминланган хавфсизлик модулларини интеграция қилиши керак.

Кредит ва тўлов ташкилотлари мобил иловани реал вақт режимида таҳдидлардан ҳимоя қилиш учун RASP (Runtime Application Self-Protection) технологияларини жорий қилиши лозим.

Кредит ва тўлов ташкилотлари ўз веб-талқинларида қуйидаги ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш чораларини кўришлари шарт: маълумот алмашинуви HTTPS протоколи орқали амалга оширилиши ва HSTS (Strict Transport Security) сиёсати фаоллаштирилиши;

веб-талқинга юкланадиган JavaScript кодларининг яхлитлигини таъминлаш учун SRI (Subresource Integrity) ёки шунга мос механизмлар қўлланиши;

браузер муҳитида аномал фаолликни (бот фаоллиги, автокликер, виртуал муҳит) аниқлаш учун тегишли киберхавфсизлик воситаларини жорий қилиши.

Кредит ва тўлов ташкилотлари мобил иловалар ва уларнинг веб-талқинида сессия бошқаруви ҳамда аутентификация хавфсизлигини ўзининг антифрод тизимларида белгиланган талаб ва қоидаларга асосан таъминлайди.

Фойдаланувчининг фаолияти, сессиялари, аномал ҳаракат ва таҳдидлар билан боғлиқ барча маълумотлар баённомалаштирилиши (логлаш) ҳамда марказлашган мониторинг (SIEM) тизимида интеграция қилинган ҳолда реал вақт режимида кузатилиши ва қайд этилиши шарт.

Кредит ва тўлов ташкилотларининг мобил иловаларига қисқа вақт оралиғида ноодатий даражада кўп сўровлар келиб тушганда ахборот тизимининг барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида бундай сўровларга нисбатан чекловлар жорий этиши, вақтинчалик блоклаш ёки бошқа ҳимоя чораларини мустақил равишда қўллашлари лозим.

Мобил иловадаги аккаунтга 1 дақиқа мобайнида 1 та IP манзилдан 2 ва ундан ортиқ қурилмадан уриниш ҳолатлари кузатилса, ушбу аккаунт 10 дақиқага блокраниши лозим⁴⁵⁷.

Оператор, провайдер, дилер ва эшиттирувчилар телекоммуникациялар тармоқларида ахборот ва киберхавфсизликни таъминлашда ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш соҳасида қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиши, жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Wi-Fi хизмати ташкилотчиси оператор ёки провайдер билан биргаликда, ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Оператор ва провайдерлар телекоммуникациялар хизматларини кўрсатишда ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши шарт. Телевидение тармоқлари орқали қонунчилик билан тақиқланган маълумотларни тарқатишга йўл қўйилмайди. Абонентлар ва фойдаланувчилар телекоммуникациялар ёрдамида тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотни тарқатмасликка мажбур⁴⁵⁸.

Ахборот тизимларининг тармоқлараро боғланиши турли ахборот тизимлари ўртасида ахборот алмашиш учун амалга оширилади.

Белгиланган нормалар ва қоидаларга мувофиқ ўзаро тармоқлараро боғланиш имкониятини ахборот тизимларининг мулкдорлари, эгалари таъминлайди.

Турли ахборот тизимларининг тармоқлараро боғланиши ахборот тизимларининг мулкдорлари, эгалари ўртасидаги шартнома асосида амалга оширилади.

Тармоқлараро боғланишни амалга ошириш ҳамда турли ахборот тизимларининг ўзаро алоқада бўлиш тартиби ва шартлари махсус ваколатли орган томонидан белгиланади.

Ахборот ресурслари ва ахборот тизимларини муҳофаза қилиш қуйидаги мақсадларда амалга оширилади:

шахс, жамият ва давлатнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш;

ахборот ресурсларининг тарқалиб кетиши, ўғирланиши, йўқотилиши, бузиб талқин этилиши, тўсиб қўйилиши, қалбакилаштирилиши ва улардан бошқача тарзда рухсатсиз эркин фойдаланилишининг олдини олиш;

⁴⁵⁷ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2025 йил 23 декабрдаги 35/14-сон қарори (21.01.2026 й., рўй.: 3759-сон) билан тасдиқланган “Кредит ва тўлов ташкилотлари, тўлов тизими операторлари томонидан жисмоний шахсларга масофадан молиявий хизматлар кўрсатишда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш ҳамда фрод ҳолатларининг олдини олиш бўйича минимал талаблар тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁴⁵⁸ Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар ваирининг 2026 йил 6 январдаги 287-мх-сон буйруғи (26.01.2026 й., рўй.: 3762) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

ахборотни йўқ қилиш, тўсиб қўйиш, ундан нусха олиш, уни бузиб талқин этишга доир рухсатсиз ҳаракатларнинг ҳамда ахборот ресурслари ва ахборот тизимларига бошқа шаклдаги аралаштиришларнинг олдини олиш;

ахборот ресурсларидаги мавжуд давлат сирлари ва махфий ахборотни сақлаш.

Ахборот ресурслари ва ахборот тизимлари, агар улар билан ғайриқонуний муносабатда бўлиш натижасида ахборот ресурсларининг ёки ахборот тизимларининг мулкдорларига, эгаларига ёхуд бошқа юридик ҳамда жисмоний шахсларга зарар етказилиши мумкин бўлса, муҳофаза қилиниши керак.

Давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар давлат сирлари ҳамда махфий сирлар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган ахборот ресурслари ва ахборот тизимларининг муҳофаза қилинишини таъминлаши шарт.

Ахборот ресурслари ва ахборот тизимлари муҳофаза қилинишини ташкил этиш тартиби уларнинг мулкдорлари, эгалари томонидан мустақил белгиланади.

Давлат сирлари ҳамда махфий сирлар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган ахборот ресурслари ва ахборот тизимларининг муҳофаза қилинишини ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Эркин фойдаланилиши чеклаб қўйилган ахборот ресурсларини ўз ичига олган ахборот тизимларининг халқаро ахборот тармоқларига ҳамда Интернет жаҳон ахборот тармоғига уланиши фақат зарур муҳофаза чоралари қўрилгандан кейин амалга оширилади. Давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар давлат сирлари ҳамда махфий сирлар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган ахборот ресурслари ва ахборот тизимларининг муҳофаза қилинишини таъминлаши шарт. Сунъий интеллектдан фойдаланиб яратилган ахборот ресурслари ҳамда сунъий интеллект технологиялари асосида ишлайдиган ахборот тизимлари инсонга, унинг ҳаётига, соғлиғига, эркинлигига, шаънига, кадр-қимматига путур етказмаслиги ва унинг бошқа ажралмас ҳуқуқларини бузмаслиги шарт. Веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурсининг эгаси, шу жумладан блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштирилдиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифасидан ёхуд бошқа ахборот ресурсидан қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган ўзга ҳаракатларни содир этиш мақсадларида фойдаланилишига йўл қўймаслиги шарт⁴⁵⁹.

Сунъий интеллект технология ва тизимларини ишлаб чиқувчи ва жорий этувчилар Этика қоидаларига амал қилиши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги алгоритмларнинг шаффоф ва тушунарли бўлишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги эҳтимолий тарафкашликни олдини олиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, сунъий интеллект

⁴⁵⁹ Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги 560-П-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

технология ва тизимларининг имкониятлари, чекловлари ва эҳтимолий хавфлари ҳақида очик маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчиларни улардан фойдаланиш қоидалари билан таништириш, улардан қандай мақсадда фойдаланиш мумкинлиги ёки тақиқланиши, шунингдек сунъий интеллектга асосланган ечимлар ёки қарорлар доим тўғри бўлмаслиги ҳамда уларнинг натижаларидан тавсиявий ёки маълумот учун фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимлари дастурий таъминоти хавфсизлигини таъминлаши, Этика қоидаларини инобатга олган ҳолда сунъий интеллект технология ва тизимларини доимий равишда такомиллаштириб бориши, сунъий интеллект технология ва тизимлари инсон назорати остида бўлишини ҳамда инсон томонидан қайта кўриб чиқиши, шунингдек якуний қарор инсон томонидан қабул қилинишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан қонунчиликка зид бўлган ёки шахс, жамият, давлат ва атроф табиий-муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган мақсадларда фойдаланмаслиги, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчилар учун сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қўлланмасини ишлаб чиқиш ва жойлаштириши шарт. Сунъий интеллект тизимларидан фойдаланувчилар сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қоидалари ва шартларига риоя қилиши, сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан тўғри фойдаланиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, бошқа фойдаланувчиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини бузмаслик, Этика қоидаларига амал қилиши, шахс, жамият ва давлат манфаатларига ҳамда атроф-табиий муҳитга зарар етказмаслиги лозим⁴⁶⁰.

Давлат органлари ва ташкилотлари ўз тасарруфидаги ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини, тармоқлар ишининг барқарорлигини таъминлаши, шунингдек киберхавфсизлик бўйича ўз мажбуриятларини бажариши, ваколатли давлат органини киберхужумлар тўғрисида огоҳлантириши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида сақланаётган маълумотларнинг ўғирланиши ҳамда қалбакилаштирилиши ҳолатларининг олдини олиш чораларини кўриши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларини киберҳимоя қилиш учун сертификатлаштирилган аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий таъминотдан фойдаланиши, киберхавфсизлик соҳасида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ваколатли давлат органи билан келишиши шарт. Киберхавфсизлик субъектлари ахборот тизимлари ва ресурсларидаги маълумотларнинг қонунга хилоф равишда тарқатилиши, ўғирланиши, йўқолиши, яхлитлигининг бузилиши, блоканиши ва қалбакилаштирилишининг, шунингдек ахборот тизимлари ва ресурсларига рухсатсиз киришнинг бошқа кўринишларининг олдини олиши, бундай ҳоллар аниқланганда ўз вақтида тегишли чоралар кўриши, ахборот тизимлари ва

⁴⁶⁰ Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 24 февралдаги 284-мх-сон буйруғи (14.03.2026 й., рўй.: 3787) билан тасдиқланган Сунъий интеллектга асосланган ечимларни яратиш, жорий қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича этика қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

ресурсларига кириш тартиби бузилганда ҳамда уларга рухсатсиз кириш натижасида ушбу тизимлар ҳамда ресурслар ўзгартирилган ёки йўқ қилинган тақдирда салбий оқибатларни камайтириш мақсадида уларни тезкорлик билан тиклаш чораларини кўриши, содир бўлган киберхавфсизлик ҳодисалари ва кибержиноятлар тўғрисида ваколатли давлат органини хабардор қилиши, ушбу ҳодисаларни тўлиқ фош этиш учун тегишли рақамли изларнинг йўқолишига йўл қўймаслик чораларини кўриши, шунингдек киберхавфсизлик ҳодисаларини таҳлил қилиш ва кибержиноятларни текшириш учун зарур бўлган маълумотларнинг доимий сақланишини таъминлаши, киберхавфсизлик объектларини муҳофаза қилиш ва уларнинг хавфсиз ишлаши мониторингини ўтказиш соҳасидаги маълумотларни ваколатли давлат органи билан ўзаро алмашишни амалга ошириши, ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберҳимоясини таъминлашда ваколатли давлат органи томонидан белгиланган киберхавфсизлик талабларига риоя этиши, киберхавфсизлик ҳодисаларига нисбатан чоралар кўриш механизмларининг ишлаб туришини ва киберхавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг ишлашини таъминлаши, улар мавжуд бўлмаган тақдирда эса ваколатли давлат органининг рухсати билан аутсорсинг хизматларидан белгиланган тартибда фойдаланиши, ваколатли давлат органига киберхавфсизликни таъминлаш мониторингининг ташкилий-техник тадбирларини амалга ошириш учун мониторинг тизимларига ва (ёки) киберхавфсизлик объектларига кириш ҳуқуқини бериши шарт⁴⁶¹.

Ўзбекистон Республикасида телекоммуникациялар тармоқларида фойдаланиладиган телекоммуникацияларнинг техник воситалари, шу жумладан фойдаланувчи қурилмалари қонунчиликка ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга мувофиқлиги юзасидан сертификатлаштирилиши лозим. Телекоммуникациялар тармоқларидаги мобиль қурилмаларнинг халқаро ўзига хос идентификация кодлари рўйхатдан ўтказилиши керак. Давлат сирларини ёки махфий ахборотни ўз ичига олган ахборотга ишлов бериш учун мўлжалланган телекоммуникациялар тармоқлари ахборот хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги юзасидан мажбурий аттестациядан ўтказилиши лозим. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган операторлар ва провайдерлар телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш учун фойдаланиладиган ускуналарни, дастурларни ҳамда аппарат-дастурий мажмуаларни қонунчиликда белгиланган тартибда махсус ваколатли давлат органи орқали ўз маблағлари ҳисобидан олиши, ўрнатиши ва уларнинг нормал ишлашини таъминлаши, шунингдек мазкур тадбирларни ўтказишнинг ташкилий, техник ва тактик усуллари ошкор этилишига йўл қўймаслик чораларини кўриши шарт. Телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда фойдаланиладиган ускуналарни, дастурларни ҳамда аппарат-дастурий мажмуаларни жорий этиш ва улардан фойдаланиш фақат махсус ваколатли давлат органи томонидан амалга

⁴⁶¹ Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

оширилади. Телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда фойдаланиладиган ускуналар, дастурлар ҳамда аппарат-дастурий мажмуаларнинг миқдори ва таркиби операторлар ҳамда провайдерлар томонидан махсус ваколатли давлат органи билан келишилади. Телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-қидирув тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича махсус ваколатли давлат органининг кўрсатмалари операторлар ва провайдерлар томонидан бажарилиши, ушбу мақсадлар учун шарт-шароитлар яратилиши, шунингдек ўз ахборот тизимларига ва телекоммуникациялар тармоқларига бошқа ахборот тизимларини ҳамда телекоммуникациялар воситаларини ўрнатиш ва улаш масаласи махсус ваколатли давлат органи билан келишилиши шарт. Операторлар ва провайдерларнинг махсус ваколатли давлат органи билан ўзаро муносабатлари тартиби қонунчиликда белгиланади. Телекоммуникациялар тармоқларидан ёки воситаларидан шахс, жамият ва давлат манфаатларига зарар етказувчи жиноий мақсадларда фойдаланилган тақдирда, бундай телекоммуникациялар тармоқларининг ёки воситаларининг ишлаши тўхтатилади. Операторлар ва провайдерлар телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензия талаблари ва шартларига, шунингдек белгиланган қоидаларга мувофиқ амалга ошириши, кўрсатилаётган хизматларнинг сифати қонунчилик ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ бўлишини таъминлаши, кўрсатилаётган хизматлар сифатини баҳолаш услубларини очиқ манбаларда кўрсатиши, телекоммуникациялар тармоқлари орқали узатиладиган барча турдаги сўзлашувларнинг, хабарларнинг сир сақланишига риоя этиши, хизматлар кўрсатиш шартлари ва тартиби тўғрисидаги, шу жумладан телекоммуникациялар хизматларининг тарифлари ўзгариши тўғрисидаги тўлиқ ахборотни фойдаланувчиларга ўз вақтида тақдим этиши, қонунчиликка, шунингдек лицензия талаблари ва шартларига мувофиқ ваколатли давлат органи билан келишувга кўра ўз тармоқларини изчиллик билан ривожлантириши ҳамда кенгайтириши, ўзи кўрсатаётган хизматлар тўғрисидаги ахборотни бепул тақдим этиши, шунингдек абонентларни қўллаб-қувватлаш маркази орқали абонентларнинг мурожаатларини бепул қабул қилиши ва уларнинг ижросини таъминлаши шарт. Фойдаланувчилар телекоммуникациялар хизматларидан фойдаланишнинг белгиланган қоидаларига риоя этиши, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлик сертификатиغا эга бўлган, халқаро ўзига хос идентификация кодлари рўйхатдан ўтказилган мобиль қурилмалардан фойдаланиши, ўзига кўрсатилган хизматлар учун ҳақни ўз вақтида тўлаши, иш сифатини пасайтиришга ёки телекоммуникациялар тармоқларини шикастлантиришга қаратилган хатти-ҳаракатлар қилмаслиги шарт⁴⁶².

Телекоммуникациялар тармоқларида фойдаланиладиган ва мажбурий сертификатланиши керак бўлган телекоммуникацияларнинг техник

⁴⁶² Ўзбекистон Республикасининг “Телекоммуникациялар тўғрисида” 2024 йил 27 декабрдаги ЎРҚ–1015-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

воситалари мувофиқлик сертификатларига эга бўлиши керак. Оператор, провайдер, дилер ва эшиттирувчилар телекоммуникациялар тармоқларида ахборот ва киберхавфсизликни таъминлашда ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш соҳасида қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиши, одамларнинг денгиздаги, ердаги, ҳаводаги, космик фазодаги хавфсизлигига, мудофаа, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни сақлаш соҳасидаги кечиктириб бўлмайдиган тадбирларни ўтказишга тааллуқли барча хабарларга, шунингдек йирик авариялар, фалокатлар, эпидемиялар, ёнғинлар ва бошқа фавқулодда вазиятлар ҳақидаги хабарларга мутлақ устуворлик бериши, техник воситалардан Ўзбекистон Республикасининг мавжуд конституциявий тузумини, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга даъват қилиш, уруш ва зўравонликни, шафқатсизликни, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб этиш, давлат сирини ёки қонунчилик билан кўриқланадиган ўзга сирни ошкор этиш, жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак, Эшиттирувчилар, операторлар ва провайдерларнинг телевидение (радиоэшиттириш) тармоқлари ва техник бинолари кўриқлаш, ҳимоялаш ва хавфсиз фаолиятини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 14 апрелдаги 92-сон қарори билан тасдиқланган Телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар объектларини кўриқлаш, муҳофаза қилиш ҳамда уларнинг хавфсиз фаолият кўрсатиши қоидалари талабларига жавоб бериши шарт. Оператор, провайдер ва телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш жараёнига алоқадор бошқа субъектлар томонидан яратилган ва абонентлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган маълумотлар базалари конфиденциал тусдаги ҳужжатлар сифатида ҳимояланиши керак. Абонентлар тўғрисидаги маълумотлардан бу абонентларнинг розилигисиз ахборот-маълумот хизмат кўрсатилиши учун фойдаланиш мумкин эмас. Оператор, провайдер, дилер ва телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш жараёнига алоқадор бошқа субъектлар телекоммуникациялар тармоқлари орқали узатиладиган телефон сўзлашувлари ва бошқа хабарлар, шунингдек, уларга тааллуқли бўлган барча маълумотларнинг сир тутилишини таъминлаши шарт. Оператор (провайдер) абонентларнинг умумий фойдаланиш тармоғидан узлуксиз фойдалана олишини таъминлашга мажбур. Мобил алоқа тармоғи фойдаланувчи қурилмаси IMEI-коди рўйхатдан ўтган бўлиши керак. Телекоммуникациялар тармоғига мувофиқлик сертификатига эга фойдаланувчи қурилмалари (телефон аппаратлари, рақамни автоматик аниқлаш функцияларига эга телефон аппаратлари, маълумотлар узатиш ва телематик хизматлар ускуналари (телефакс, телетекс, видеотекс ва бошқалар), радиотелефон алоқа воситалари, автожавоббергичлар, сигнализация қурилмалари) уланади. Операторлар ва провайдерларнинг телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш фаолияти белгиланган тартибда олинган лицензияга мувофиқ амалга оширилади. Абонент шартномаси бекор қилинганидан сўнг, оператор (провайдер) маълумотлар базасидан абонентларнинг шахсий маълумотлари йўқ қилишлари шарт. Шаҳарлараро ва халқаро телефон боғланиш автоматик

хизмат кўрсатиш тизими, буюртма хизмат кўрсатиш тизими ва дарҳол хизмат кўрсатиш тизими бўйича амалга оширилиши мумкин. Телефон тармоқларида сигнализация ускуналарини ўрнатиш ва уларга техник хизмат кўрсатишни ташкил этиш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ваколатли органлар томонидан амалга оширилади. Wi-Fi хизмати ташкилотчиси оператор ёки провайдер билан биргаликда, фойдаланувчиларнинг шахсини идентификациялаш ҳамда фойдаланилган веб-ресурслар (лог-файллар) ҳисобини юритиш бўйича аппарат-техник чора-тадбирлар кўриши ва уларни 3 ой ичида сақланишини ташкиллаштириш, оператор ёки провайдер билан биргаликда, ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, Ўзбекистон Республикасининг мавжуд конституциявий тузумини, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга даъват этишга, уруш, зўравонлик ва терроризмни, шунингдек диний экстремизм, сепаратизм ва фундаментализм ғояларини тарғиб қилишга, миллий, ирқий, этник ёки диний адоват кўзғатувчи ахборотни, шунингдек, порнографияни тарғиб қилишга қаратилган ахборотнинг ва тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Wi-Fi хизмати ташкилотчиси ўз ҳудудида бепул Wi-Fi хизматини ташкил этиш оператор ёки провайдер билан тузилган шартномага мувофиқ оператор ёки провайдернинг аппарат-дастурий воситалари асосида амалга оширилиши мумкин. Абонент учун абонент рақамини кўчириш хизмати мобил алоқа операторлари (провайдерлари) томонидан тақдим этилади. КРМБни шакллантириш, юритиш, ишлаши ва техник кузатуви, шу жумладан ундаги ахборот ва маълумотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш, узатиш, шунингдек КРМБдан фойдалана олиш имкониятини тақдим этиш Ўзбекистон Республикасининг “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги Қонуни талабларига риоя қилган ҳолда КРМБ оператори томонидан таъминланади. Абонент рақамини кўчириш жараёнини амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотлар мобил алоқа операторлари (провайдерлари) томонидан КРМБ операторига ва аксинча Ўзбекистон Республикасининг “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги Қонуни талабларига риоя қилган ҳолда тақдим этилади. КРМБдаги ахборотни муҳофаза қилиш, шунингдек ундан фойдалана олиш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя қилган ҳолда таъминланади. КРМБда сақланаётган маълумотларни рухсатсиз фойдалана олишдан ҳимоялаш КРМБ оператори томонидан таъминланади. Эшиттирувчи, оператор, провайдер телевидение хизматлари фаолиятини лицензия асосида амалга оширади. Телевидение тармоқлари орқали қонунчилик билан тақиқланган маълумотларни тарқатишга йўл қўйилмайди. Оператор ва провайдерлар телекоммуникациялар хизматларини кўрсатишда ўз фаолиятини лицензия шартлари ва қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириши, телекоммуникациялар тармоқлари бўйлаб узатиладиган телефон сўзлашувлари ва барча турдаги маълумотларни сир сақлаши, телекоммуникациялар тармоқларидан рухсатсиз фойдалана олиш ҳолатларига йўл қўймаслик чораларини кўриши, шартномада белгиланган муддатларда телекоммуникациялар алоқаси хизматларини кўрсатиши,

хизматлар, кечаю-кундуз кўрсатилишини таъминлаши, оператор ва провайдер тармоғидаги IP протоколи асосида ишловчи қурилмаларни IPv6 протоколи версиясини қўллаб-қувватлашини таъминлаши, ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, Ўзбекистон Республикасининг мавжуд конституциявий тузумини, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга даъват этишга, уруш, зўравонлик ва терроризмни, шунингдек, диний экстремизм, сепаратизм ва фундаментализм ғояларини тарғиб қилишга, миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатувчи ахборотни, шунингдек, порнографияни тарғиб қилишга қаратилган ва тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши, операторлар ва провайдерлар томонидан абонентларга телекоммуникациялар хизматларини кўрсатишда овозини ўзгартириш ва абонент рақамини сохталаштириш, ўзгартириш технологияларига асосланган хизматлар кўрсатмаслик, абонентлар операторнинг (провайдернинг) ахборот-маълумот хизматида қўнғироқ қилиб боғланишида тенг ҳуқуқлилигини таъминлаши шарт. Бунда, абонентлар операторнинг (провайдернинг) ахборот-маълумот хизматида қўнғироқ қилиб боғланишларида маълум бир абонентларга бошқа абонентларга нисбатан устуворлик (боғланиш вақти, хизмат кўрсатиш вақти ва бошқалар) тақдим этилишига йўл қўйилмайди. Мобил алоқа хизматларини кўрсатишда оператор (провайдер) хизмат кўрсатиш ҳудуди доирасида мобил алоқа хизматларини сифатли, ўз вақтида ва кеча-ю кундуз кўрсатилишини таъминлаши, абонент шартноманинг бекор қилиниши вақтигача қарзини ва олдиндан тўловнинг зарур суммаси тўлиқ ҳажмда тўлаганида абонентга мобил алоқа хизматлари кўрсатилишини тиклаши, ўзини-ўзи обрўсизлантирган дилерлар билан шартномалар тузмаслиги, СИМ-картани алмаштириш, шунингдек абонентнинг аризаси бўйича рақамни бошқа фойдаланувчи қурилмасига қайта дастурлаш (СИМ-картадан фойдаланишни кўзда тутмайдиган мобил алоқа стандартлари учун) хизматларини кўрсатиш фақат операторнинг (провайдернинг) хизмат кўрсатиш пунктларида амалга оширилишини таъминлаши, дилер орқали тузилган мобил алоқа хизматларини кўрсатиш шартномаси асосида абонентга мобил алоқа хизматларини тақдим этиши, халқаро трафикнинг ноқонуний ўтказилиши ҳамда GSM, IP ёки SMS-шлюзлардан яширин фойдаланишга қарши чораларни кўриш, шу жумладан тармоқда махсус аппарат-дастурий воситаларни ўрнатиш йўли билан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида GSM стандартида ишлайдиган барча оператор (провайдер) КРМБга уланиши, абонентнинг оператор тармоқларида абонент рақамини кўчиб ўтиш хизматидан фойдаланиш ҳуқуқига тўсқинлик қилмаслиги, мунтазам равишда ўз телекоммуникациялар тармоқларида халқаро трафикни ўтказиш тартиби бузилишларининг олдини олиш, аниқлаш ва тугатишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш ва абонентнинг ҳаракатларини таҳлил қилиш ёки тегишли тадбирларни амалга ошириш йўли билан абонент рақамларини фаол аниқлаш принципларига асосланган воситалар ва тизимларни қўллаши шарт. Оператор ва провайдерлар маълумот узатиш хизматларини кўрсатишда халқаро трафик ноқонуний ўтказиш (шу

жумладан GSM, IP ёки SMS-шлюзлардан), шунингдек тармоқда махсус аппарат-дастурий воситаларини ўрнатиш йўли билан ноқонуний фойдаланишга қарши курашиш чораларини кўришга мажбур. Абонентлар ва фойдаланувчилар оператор (провайдер) билан тузилган шартнома шартларига риоя қилишга, телекоммуникациялар тармоғидан давлат сири бўлган маълумотларни ёки қонунчилик билан қўриқланадиган бошқа сирни узатиш учун фойдаланишга йўл қўймасликка, телекоммуникациялар тармоғи орқали Ўзбекистон Республикасининг мавжуд конституциявий тузумини, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга даъват этишга, уруш, зўравонлик ва терроризмни, шунингдек, диний экстремизм, сепаратизм ва фундаментализм ғояларини тарғиб қилишга, миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатувчи, шунингдек порнографияни тарғиб қилишга қаратилган ахборотни ва тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотни тарқатмасликка, телекоммуникациялар тармоғи ёрдамида фуқароларнинг шаъни ва кадр-қимматига ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи, уларнинг шахсий ҳаётига аралаштиришга йўл қўйувчи ахборотни тарқатмасликка, қонунчилик ҳужжатларига асосан телекоммуникациялар тармоғи орқали тарқатилиши тақиқланган ахборотлардан тижорат ёки нотижорат мақсадларда тарқатиш учун фойдаланмасликка, телекоммуникациялар тармоқлари иш сифатининг пасайишига ёки телекоммуникациялар тармоқларининг шикастланишига олиб келадиган ҳаракатларни бажармасликка, ўз хоналарида жойлашган абонент тармоғи ва фойдаланувчи қурилмасини техник ҳужжатлар қоидаларига риоя қилишга, маълумотлар базаларидан рухсатсиз фойдаланмасликка ва операторнинг (провайдернинг) дастурий воситаларини ўзгартирмасликка, таркибида компьютер вируслари ёки тармоқ учун зарар етказиши мумкин бўлган ахборотни ёки дастурий таъминотни эълон қилмаслик ёки узатмасликка, компьютер ахборотидан, яъни ахборот-ҳисоблаш тизимлари, тармоқлари ва уларнинг таркибий қисмларидаги ахборотлардан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланмасликка, телекоммуникациялар тармоғида тақдим этилган ахборот ва интеллектуал мулк объекти учун муаллифлик ҳуқуқларини бузмасликка, телевидение тармоқларида бошқа шахсларнинг бериладиган сигналга уланиш ҳолатларига йўл қўймасликка, оператор (провайдер) вакилларига уларни текшириш, таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш учун телекоммуникациялар иншоотлари ва қурилмалари жойлашган ҳудудларга киришни таъминлашга мажбур. Маълумот узатиш хизматлари абонентлари ва фойдаланувчилари телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш учун GSM, IP ёки SMS-шлюзлар ёки шунга ўхшаш аппарат-дастурий воситалардан фойдаланиш нияти бўлганда, бу ҳақда операторни (провайдерни) огоҳлантиришга, маълумотлар узатиш тармоғидан халқаро трафикни ноқонуний ўтказиш мақсадида фойдаланмасликка мажбур. Мобил алоқа хизматлари абонентлари ва фойдаланувчилари абонент рақамидан шахсий мақсадларда ёки ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун (якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахслар учун) фойдаланиш, спамга, фирибгарликка, оператор (провайдер) билан олдиндан келишмасдан оммавий SMS жўнатмаларга, шунингдек, бошқа

ноқонуний фойдаланишга йўл қўймасликка, абонент рақамидан халқаро трафикни ноқонуний ўтказиш учун фойдаланмаслик, шу жумладан, GSM ва IP шлюзлардан фойдаланган ҳолда, ўрнатилган ҳимоя тизимларини четлаб ўтган ҳолда телекоммуникациялар тармоғидан фойдаланиш ҳамда халқаро трафикни ўтказиш мақсадида телекоммуникациялар тармоғидан қонунга ҳилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланмасликка, шунингдек мазкур мақсадлар учун мўлжалланган махсус дастурий ёки аппарат воситаларини қонунга ҳилоф равишда (рухсатсиз) сақлаш ва уларнинг фаолиятига йўл қўймасликка мажбур⁴⁶³.

Давлат фуқаролик хизматчиси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига риоя этиши, ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажариши, давлат органи томонидан белгиланган одоб-ахлоқ қоидаларига, хизматга оид ахборот билан ишлаш тартибига, шунингдек давлат фуқаролик хизматини ўташ билан боғлиқ бошқа қоидаларга риоя этиши, давлат органининг нуфузини туширишга олиб келиши ёки унинг ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажаришига шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳаракатлардан (ҳаракатсизликдан), шу жумладан ўз хизмат мажбуриятларини бажараётганда ҳар қандай шаклдаги камситишдан, ноҳолисликдан ёки кимгадир нисбатан алоҳида муносабатда бўлишдан тийилиши шарт⁴⁶⁴.

Ушбу нормаларнинг бузилиши натижасида мазкур жиноят вужудга келади.

Бунда, давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлиги ахборот соҳасидаги хавфсизликка таҳдидларга қарши ҳаракатлар юзасидан иқтисодий, сиёсий, ташкилий ва бошқа тусдаги чора-тадбирларни амалга ошириш, давлат сирларини сақлаш ва давлат ахборот ресурсларини улардан рухсатсиз тарзда фойдаланилишидан муҳофаза қилиш, Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ахборот маконига ва замонавий телекоммуникациялар тизимларига интеграциялашуви, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартиришга, ҳудудий яхлитлигини, суверенитетини бузишга, ҳокимиятни босиб олишга ёки қонуний равишда сайлаб қўйилган ёхуд тайинланган ҳокимият вакиллари ҳокимиятдан четлатишга ва давлат тузумига қарши бошқача тажовуз қилишга очикдан-очик даъват этишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишидан ҳимоя қилиш, урушни ва зўравонликни, шафқатсизликни тарғиб қилишни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоват уйғотишга қаратилган терроризм ва диний экстремизм ғояларини ёйишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишига қарши ҳаракатлар қилиш билан таъминланади. Шахснинг ахборот борасидаги хавфсизлиги унинг ахборотдан эркин фойдаланиши зарур шароитлари ва кафолатларини яратиш, шахсий ҳаётига тааллуқли сирларини сақлаш, ахборот воситасида қонунга ҳилоф равишда руҳий таъсир кўрсатилишидан ҳимоя қилиш йўли билан

⁴⁶³ Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 6 январдаги 287-мх-сон буйруғи (26.01.2026 й., рўй.: 3762) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁴⁶⁴ Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида” 2022 йил 8 августдаги ЎРҚ–788-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

таъминланади. Жисмоний шахсларга тааллуқли шахсий маълумотлар махфий ахборот тоифасига киради. Жисмоний шахснинг розилигисиз унинг шахсий ҳаётига тааллуқли ахборотни, худди шунингдек шахсий ҳаётига тааллуқли сирини, ёзишмалар, телефондаги сўзлашувлар, почта, телеграф ва бошқа мулоқот сирларини бузувчи ахборотни тўплашга, сақлашга, қайта ишлашга, тарқатишга ва ундан фойдаланишга йўл қўйилмайди, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно. Жисмоний шахслар тўғрисидаги ахборотдан уларга моддий зарар ва маънавий зиён етказиш, шунингдек уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари рўёбга чиқарилишига тўсқинлик қилиш мақсадида фойдаланиш тақиқланади. Фуқаролар тўғрисида ахборот олувчи, бундай ахборотга эгалик қилувчи ҳамда ундан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахслар бу ахборотдан фойдаланиш тартибини бузганлик учун қонунда назарда тутилган тарзда жавобгар бўладилар. Ахборот манбаи ёки муаллиф номи фақат суд қарори билан ошкор этилиши мумкин⁴⁶⁵.

Бунда, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда аниқланган валюта намунаси қалбаки эканлигига шубҳа пайдо бўлганда, тезкор-қидирув тадбирлари давомийлигини таъминлаш зарурати юзага келганда, тезкорликни амалга ошириш ҳамда тегишли вақтни тежаш мақсадида мазкур модда (буюм) ёки валюта намуналарини улар аниқланган жойнинг ўзида ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар биносида экспресс текшириш техник воситалари ёрдамида текширади⁴⁶⁶.

2. Кибержиноят асосий бевосита объекти – ахборот-коммуникация технологияларининг муҳофазаси, шу жумладан, ахборот ва киберхавфсизлик.

3. Кибержиноят қўшимча бевосита объекти – жамият ва жамоат хавфсизлиги.

4. Кибержиноят факультатив бевосита объекти – ўзга шахс (лар) ва давлат, шу жумладан, шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни, кадр-қиммати, мулк дахлсизлиги, тинчлик ва инсоният хавфсизлиги, бошқарув тартиби ва бошқалар;

5. Кибержиноят субъекти – 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс.

6. Кибержиноят субъектив томони – қасддан.

7. Кибержиноят объектив томони – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ёки қонунга хилоф равишда ахборот-коммуникация тизимига кириб, ўрнатилган ҳимоя тизимларини четлаб ўтган ҳолда телекоммуникация тармоғидан фойдаланиш ва халқаро трафикни ўтказиш мақсадида телекоммуникация тармоғидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш, шунингдек мазкур мақсадлар учун мўлжалланган

⁴⁶⁵ Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принципи ва кафолатлари тўғрисида” 2002 йил 12 декабрдаги 439-П-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁴⁶⁶ Вазирлар Маҳкамасининг “Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг аналоглари, прекурсорлар, кучли таъсир қилувчи моддалар ҳамда валюта намуналарини экспресс текшириш жараёнида техник воситалардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида” 2023 йил 12 январдаги 12-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

махсус дастурий ёки аппарат воситаларини қонунга ҳилоф равишда (рухсатсиз) сақлаш ва уларнинг фаолият кўрсатиши учун шароитлар яратиш йўли билан содир этилади.

8. Кибержиноят мақсади – компьютер тизимида сақланаётган ёки узатилаётган ахборотни рухсатсиз йўқ қилиб юбориш, тўсиб қўйиш, модификациялаштириш, ундан нусха кўчириш ёки уни қўлга киритиш, моддий ёки (ва) номоддий манфаат, ғаразли ёки бошқа паст ниятлар, ўч олиш ва ҳк.

9. Кибержиноят воситаси (қуроли) – ахборот-коммуникация технологиялари.

10. Кибержиноятнинг зарурий белгилари:

- 1) қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги;
- 2) қилмишнинг ҳуқуққа ҳилофлилиги;
- 3) қилмишда айбнинг мавжудлиги;
- 4) қилмишнинг жазога сазоворлиги;
- 5) қилмишнинг телекоммуникация тармоғига боғлиқлиги;
- 6) қилмиш ўрнатилган ҳимоя тизимларини четлаб ўтган ҳолда телекоммуникация тармоғидан фойдаланиш ва халқаро трафикни ўтказиш мақсадида телекоммуникация тармоғидан қонунга ҳилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш, шунингдек мазкур мақсадлар учун мўлжалланган махсус дастурий ёки аппарат воситаларини қонунга ҳилоф равишда (рухсатсиз) сақлаш ва уларнинг фаолият кўрсатиши учун шароитлар яратиш йўли билан содир этилиши;

- 7) қилмишнинг ўрнатилган ҳимоя тизимларини четлаб ўтган ҳолда телекоммуникация тармоғидан фойдаланиш ва халқаро трафикни ўтказиш мақсадида содир этилиши;

- 8) алоқа;

- 9) ахборот;

- 10) кибермуҳит, шу жумладан, кибермакон;

- 11) ахборот-коммуникация технологиялари.

Ушбу белгиларнинг биронтаси мавжуд эмаслиги қилмишнинг кибержиноят эканлигини инкор этади.

11. Кибержиноятнинг тамомланиши –

- 1) махсус дастурий ёки аппарат воситаларини қонунга ҳилоф равишда сақлаш бошланган вақтдан;

- 2) махсус дастурий ёки аппарат рухсатсиз сақлаш бошланган вақтдан;

- 3) махсус дастурий ёки аппарат воситаларининг фаолият кўрсатиши учун шароитлар яратилган вақтдан бошлаб.

12. Кибержиноятнинг тузилишига кўра тури – формал таркибли кибержиноятлар ҳам мавжуд.

13. Кибержиноятнинг ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилики даражасига кўра тури – ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган кибержиноят.

14. Жазо тизимига кўра тури – ижтимоий хавфли қилмиши учун Жиноят кодексида жарима, озодликни чеклаш, озодликдан махрум қилиш жазоси назарда тутилган кибержиноятлар.

15. Жиноят предмети – телекоммуникация тармоғи, шу билан бирга, уларга боғлиқ бўлган ахборот-ҳисоблаш тизимлари, тармоқлари ва уларнинг таркибий қисмларидаги ахборот, электрон ҳисоблаш машиналари, электрон ҳисоблаш машиналари тизими ёки уларнинг тармоқлари, ахборот тизимлари, маълумотлар базалари ва банклари, ахборотга ишлов бериш ҳамда уни узатиш тизимлари, рақамли предметлар, жумладан, онлайн казино платформалари, betting сайтлар, мобил иловалар (gambling apps), ботлар (Telegram/Discord), молиявий элементлар жумладан, электрон пуллар (Click, Payme, crypto), виртуал баланслар, ставкалар (bets), дастурий таъминот, жумладан, gambling software, RNG (random generator) тизимлари, mirror сайтлар, шу билан бирга, матн, видео, аудио, мемлар, постлар, deepfake контент ва бошқа шаклдаги ахборот шунингдек, қуйидагилар ҳам жиноят предмети бўлиши мумкин:

1. Молиявий воситалар – нақдсиз пул, банк ўтказмалари, электрон ҳамёнлар орқали тўловлар (Payme, Click, PayPal, QIWI ва ҳ.к.), криптовалюта (Bitcoin, USDT, Ethereum ва бошқалар), онлайн тўлов тизимлари орқали маблағ, қимматли қоғозлар (акциялар, облигациялар), электрон сертификатлар, баланс тўлдириш (телефон, аккаунт, карта) ва ҳ.к.;

2. Рақамли активлар – лицензия калитлари (software key), онлайн сервис аккаунти, Premium обуна, домен номи, веб-сайтга эгалик, ижтимоий тармоқлардаги (Telegram, Instagram, YouTube ва бошқалар) каналлар ва гуруҳлар, NFT активлари, онлайн ўйин аккаунтлари, база маълумотлар, электрон контракт ҳуқуқи, NFTлар, ўйин ичидаги қимматбаҳо виртуал буюмлар (Skins, In-game currency) ва ҳ.к.;

3. Ахборот – махфий маълумот, тендер маълумотлари, миқдорлар базаси, пароллар, давлат реестри маълумотлари, имтиёзли кириш ҳуқуқи, жумладан, тижорат ёки хизмат сири ҳисобланган маълумотларга имтиёзли кириш ҳуқуқини бериш, касб, хизмат сирлари, текширув натижаларини ўзгартириш ва ҳ.к.;

4. Номоддий манфаат – лавозимга тайинлаш, лойиҳада ғолиб қилиш, рейтингни ошириш, файлни ўчириб бериш, маъмурий, молиявий ёки жиноий жазодан қутқариш, солиқ ва бошқа тўловларни камайтириш, давлат ижтимоий буюртмасини бериш, рухсатнома чиқариш ва ҳ.к.;

5. Техника ва IT ресурслар – сервер ресурслари, хостинг, VPN кириш, Cloud аккаунт, дастур кодлари, дастурий таъминот лицензияси, API кириш ҳуқуқи, бқори қийматга эга бўлган тижорат дастурларига (масалан, киберхавфсизлик ёки дизайн дастурларига) умрбод ёки узоқ муддатли пуллик обуналарни олиб бериш ва ҳ.к.;

6. Аралаш шакллар – қимматбаҳо техника (ноутбук, смартфон ва ҳ.к.), онлайн орқали етказилган товар, электрон ваучер, крипто-ҳисоб очиш, тўловни учинчи шахс орқали амалга ошириш, жиноятчи учун бепул яратиб берилган веб-сайтлар, SMM хизматлари, пуллик дастурий таъминотларга лицензиялар ёки обуналар (Subscription), мансабдор шахс ёки унинг яқинлари

учун бепул сервер майдони (Hosting) ажратиб бериш ёки веб-сайт ишлаб чиқиб, уни тарғиб қилиш (SMM/SEO) хизматларини бепул кўрсатиш, хизматчининг ижтимоий тармоқлардаги саҳифасини пуллик тарғиб қилиш (Boost), онлайн курслар ёки пуллик веб-сервисларга обуналарни (Premium subscription) совға қилиш ва ҳк.

16. Кибержиноятни содир этишнинг энг кўп усуллари:

- 1) телекоммуникация ёки интернет тармоғида намойишкорона;
- 2) телекоммуникация ёки интернет тармоғида жойлаштириш орқали;
- 3) ахборот-коммуникация технологияларидан жиноят қуроли ёки воситаси сифатида фойдаланиш натижасида.

Ушбу жиноят қуйидаги шаклларда содир этилиши мумкин, хусусан:

1) SIM-Box (GSM-Gateway) технологияси. Мисол учун, халқаро кўнғироқни Интернет (VoIP) орқали қабул қилиб, уни махсус қурилма (SIM-box) ичига жойлаштирилган маҳаллий SIM-карталар ёрдамида маҳаллий кўнғироққа айлантириш орқали оператор халқаро тариф эмас, балки маҳаллий тариф бўйича ҳақ олиши, жиноятчи эса орадаги фарқни ўзлаштириши;

2) ҳимоя тизимларини четлаб ўтиш (Bypassing Anti-Fraud). Мисол учун, операторларнинг Anti-fraud тизимларини алдаш учун SIM-карталарнинг ҳаракатларини инсонийлаштириш масалан, уларни шаҳар бўйлаб ҳаракатлантириш, SMS ёзиш ва ҳ.к.;

3) махсус воситаларни сақлаш ва шароит яратиш. Мисол учун, тармоқни бошқариш учун ноқонуний серверлар, прокси-ускуналар ва хорижий трафикни қабул қилувчи техник шлюзларни яширинча ўрнатиш.

Ушбу жиноятни фош этишда қуйидаги рақамли излар тўпланиши мумкин, хусусан:

1) CDR (Call Detail Records). Мисол учун, операторнинг кўнғироқлар тарихи логлари, бир вақтнинг ўзида битта базавий станцияда (БС) юзлаб SIM-карталарнинг фақат чиқувчи кўнғироқ (outgoing calls) учун ишлатилиши;

2) IMEI ва IMSI аномалиялари. Мисол учун, кўплаб IMSI (SIM-карта рақамлари)нинг битта ёки бир нечта IMEI (қурилма коди) орқали тармоққа чиқиши;

3) тармоқ пакетлари таҳлили (VoIP Traffic). Мисол учун, Интернет трафиги ичида овозли маълумотларни узатувчи махсус протоколлар (SIP, H.323) мавжудлиги ва уларнинг маҳаллий рақамларга йўналтирилиши;

4) электрон ҳамёнлар ва крипто-транзакциялар. Мисол учун, халқаро трафикни сотишдан тушган фойданинг ҳаракати.

Жиноятни фош этилиши учун қуйидаги экспертизалар ўтказилиши мумкин, хусусан:

- 1) суд-компьютер-техникавий экспертизаси телекоммуникация тармоқлари ҳимоясини четлаб ўтишда қўлланилган дастурий алгоритмларни, халқаро трафикни ноқонуний ўтказишда фойдаланилган VoIP-шлюзлар ва бошқа рақамли қурилмаларнинг соғломаларини ҳамда тизим логларидаги транзакция изларини;

- 2) суд-электротехникавий экспертизаси ноқонуний трафик ўтказиш учун мўлжалланган махсус аппарат воситаларининг (масалан, SIM-box, VoIP-

gateways) техник тузилишини, уларнинг алоқа тармоғига жисмоний уланиш механизмини ва ушбу қурилмаларнинг ишлаши учун яратилган техник шароитларни;

3) суд-иктисодий экспертизаси халқаро трафикни ноқонуний ўтказиш натижасида миллий операторларга ва давлат бюджетига етказилган моддий зарар миқдорини, тизимдан қонунга ҳилоф равишда фойдаланиш орқали олинган иктисодий манфаат ҳажмини;

4) суд-филологик экспертизаси телекоммуникация хизматларини ноқонуний тақдим этиш бўйича реклама хабарларини, мессенжерлардаги техник мулоқотларни ва трафик сотиш бўйича келишувларнинг мазмунини таҳлил қилиш орқали айбдорларнинг ғаразли мақсадини;

5) видеоматериалларнинг суд экспертизаси SIM-фермалар ёки техник ускуналар ўрнатилган хоналардаги ҳаракатлар, қурилмаларни монтаж қилиш ёки техник хизмат кўрсатиш жараёни акс этган видеоёзувларнинг ҳаққонийлигини;

6) суд-фонография экспертизаси ноқонуний ўтказилган халқаро овозли трафикнинг намуналарини, овозли хабарлар орқали берилган техник кўрсатмалардаги нутқ эгасини идентификация қилишни ва аудиоёзувларнинг яхлитлигини;

7) суд-портрет экспертизаси телекоммуникация тармоғига рухсатсиз уланиш ёки ускуналарни ўрнатиш вақтида кузатув камералари тасвирига тушган шахсларнинг қиёфа белгиларини гумонланувчилар билан идентификация қилишни;

8) суд-психологик экспертизаси айбдорнинг халқаро трафикни ноқонуний ўтказишдаги қасд йўналишини, унинг юқори технологик жиноятларга мойиллигини ҳамда хизмат мавқеидан фойдаланиб содир этилган ҳаракатларнинг психологик омилларини;

9) ҳужжатларнинг суд-техникавий экспертизаси ускуналарни рўйхатдан ўтказиш ёки SIM-карталарни оммавий сотиб олиш учун ишлатилган сохта шартномалар, техник паспортлар ва рақамли реквизитларнинг ҳақиқийлигини;

10) суд-бухгалтерия экспертизаси ноқонуний телекоммуникация хизматларидан тушган маблағларнинг бухгалтерия ҳисобида акс эттирилмаганлигини, тушумларнинг тақсимланиш схемаларини ва молиявий ҳисоботлардаги номувофиқликларни;

11) суд-хатшунослик экспертизаси ускуналарни созлаш чизмалари, IP-манзиллар ва пароллар ёзилган қўлёзма қайдлар ҳамда тилхатларнинг айнан қайси шахс томонидан ижро этилганлигини;

12) металл буюмлари ва қотишмаларининг суд экспертизаси ноқонуний аппарат воситаларини ясашда ишлатилган металл деталлар ва корпус қисмларининг таркибини, уларнинг ишлаб чиқарилган жойи ва тайёрланиш усулини аниқлайди. суд-компьютер-техникавий экспертизаси олиб қўйилган қурилма (SIM-box) техник жиҳатдан халқаро трафикни маҳаллийга айлантириш имкониятига эга эканлигини, ундаги дастурий таъминотнинг вазифасини;

13) суд-телекоммуникация экспертизаси трафик айнан қайси нуқтада ва қандай ҳимоя тизимларини (Firewalls, Anti-fraud) четлаб ўтган ҳолда ноқонуний йўналтирилганлигини аниқлайди.

1.28-§. Кристо-активлар айланмаси соҳасидаги қонунчилиқни бузиш жиноятининг юридик-техник таҳлили

278⁸-модда. Кристо-активларни қонунга хилоф равишда олиш, ўтказиш ёки айирбошлаш, белгиланган тартибда лицензия олмасдан кристо-активлар айланмаси соҳасидаги хизматлар провайдерлари фаолиятини амалга ошириш ёхуд кристо-активлар айланмаси соҳасидаги хизматлар провайдерлари томонидан аноним кристо-активлар билан операцияларни амалга ошириш шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилгача озодликни чеклаш ёки бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) кўп миқдорда;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) жуда кўп миқдорда;

б) хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда;

в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, –

уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Тайёргарлик кўрилаётган ёки содир этилаётган жиноят ҳақида ўз ихтиёри билан арз қилган ва уни очишга фаол ёрдам берган шахс жавобгарликка тортилмайди.

1. Муҳофаза қилинадиган норма – Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан, ахборотни излаш, олиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқни чеклашга фақат қонунга мувофиқ ҳамда фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлиғини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш, шунингдек давлат сирлари ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сир ошкор этилишининг олдини олиш мақсадида зарур бўлган доирада йўл қўйилади. Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган органлар томонидангина амалга оширилади. Инсоннинг шаъни ва кадр-қиммати дахлсиздир. Ҳеч нарса уларни камситиш учун асос бўлиши мумкин эмас. Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, бошқа шафқатсиз,

ғайриинсоний ёки инсон қадр-қимматини камситувчи муомалага ёхуд жазога дучор этилиши мумкин эмас. Ҳеч ким расмий эълон қилинмаган қонун асосида ҳукм қилиниши, жазога тортилиши, мол-мулкидан ёки бирон-бир ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикасида барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жихатдан ҳимоя қилиниши таъминланади. Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Ўзбекистон Республикасида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига биноан ҳамда ушбу Конституцияга мувофиқ эътироф этилади ва қафолатланади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегишли бўлади. Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа инсонларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар. Инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсиздир. Инсоннинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. Ҳар бир инсон ўз шахсини эркин камол топтириш ҳуқуқига эга. Ҳеч кимга унинг розилигисиз қонунчиликда белгиланмаган мажбурият юклатилиши мумкин эмас. Инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, жамият ҳамда давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги шарт⁴⁶⁷.

Қонунчиликка кўра, фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари иштирокчиларининг ҳалол, оқилона ва адолат билан ҳаракат қилиши назарда тутилади. Фуқаролар ва юридик шахсларнинг бошқа шахсга зарар етказишга, бошқача шаклларда ҳуқуқни суиистеъмол қилишга, шунингдек ҳуқуқни унинг мақсадига зид тарзда амалга оширишга қаратилган ҳаракатларига йўл қўйилмайди⁴⁶⁸.

Крипто-актив мулкый ҳуқуқ ҳисобланиб, маълумотларнинг тақсимланган реестридаги рақамли ёзувлар йиғиндиси бўлган қиймати ва эгасига эга;

б) крипто-активлар айланмаси соҳасидаги фаолият турлари қуйидагилардан иборат:

майнинг;

крипто-активлар айланмаси соҳасидаги хизматлар провайдерлар фаолияти (кейинги ўринларда – хизматлар провайдерлари);

в) майнинг бу ҳисоблаш операцияларини бажариш орқали маълумотларнинг тақсимланган реестрини юритиш, блокларнинг яхлитлигини яратиш ва тасдиқлаш фаолиятидир.

⁴⁶⁷ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁴⁶⁸ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Майнинг фақат юридик шахс томонидан куёш фотоэлектр станциялари орқали ишлаб чиқарилган электр энергиясидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Майнинг учун ягона электр энергетика тизимида уланган ҳолда электр энергиядан фойдаланилган тақдирда:

истеъмол қилинган электр энергияси учун тўловлар белгиланган тарифга нисбатан 2 баробар ўсувчи коэффициентга мувофиқ тўланади;

тиғиз даврда истеъмол қилинган электр энергия учун тегишли тарифларга Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган устамалар қўлланилади;

истеъмол қилинган электр энергиясининг ҳисоби алоҳида ҳисоблагич ўрнатилган ҳолда юритилади.

Майнинг Агентлик томонидан мажбурий рўйхатдан ўтказилади ва лицензияланадиган фаолият турига кирмайди.

Майнинг билан шуғулланувчи шахслар (майнерлар) қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтишлари шарт.

Майнерларни рўйхатдан ўтказиш фақат Интернет тармоғи орқали электрон шаклда амалга оширилади.

Майнерлар ўз фаолиятини фақат рўйхатга олинган пайтда кўрсатилган манзилда, ёнғин хавфсизлиги ҳамда санитария нормалари ва қоидаларига риоя қилган ҳолда амалга ошириш ҳуқуқига эга;

г) хизматлар провайдерлари жисмоний ёки юридик шахсларга, шу жумладан уларнинг номидан крипто-активларни сотиб олиш, сотиш ва (ёки) айирбошлаш, сақлаш, чиқариш, жойлаштириш ва бошқариш бўйича хизматлар кўрсатади.

Хизматлар провайдерлари фақат Ўзбекистон Республикасининг резидентлари – юридик шахслар бўлиши мумкин⁴⁶⁹.

Яширин майнинг (махсус дастурий таъминотдан фойдаланиш орқали учинчи шахсларнинг ҳисоблаш қувватларида, уларга билдирмаган ҳолда ёки розилигисиз майнингни амалга ошириш бўйича фаолият) ҳамда аноним крипто-активлар билан операцияларни, шу жумладан аноним крипто-активлар майнингини (анонимлик принципи бўйича ишлаётган крипто-активлар) амалга оширмаслик хизматлар провайдерлари фаолиятини амалга ошириш учун лицензия талаблари ва шартлари ҳисобланади⁴⁷⁰.

Крипто-дўкон ўз фаолиятини крипто-дўконнинг электрон платформаси ва (ёки) савдо объекти орқали амалга оширади. Крипто-дўконда қуйидаги операцияларни амалга ошириш тақиқланади:

мажбурий идентификациядан ўтказилмаган мижозлар билан амалга ошириладиган операциялар;

⁴⁶⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ва крипто-активлар айланмаси соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 3 июлдаги ПҚ-3832-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁴⁷⁰ Ўзбекистон Республикаси Истикболли лойиҳалар миллий агентлиги директорининг 2022 йил 14 июлдаги 32-сон буйруғи (рўйхат рақами 3380, 2022 йил 15 август) билан тасдиқланган “Крипто-активлар айланмаси соҳасидаги хизматлар провайдерлари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан чиқарилган крипто-активлар билан операциялар;

аноним крипто-активлар ҳамда ўзаро ўзгармас токенларни сотиб олиш ва (ёки) сотиш операциялари⁴⁷¹.

Крипто-депозитарий Ўзбекистон Республикаси резидентларига шартнома асосида крипто-активларни чиқариш, рўйхатдан ўтказиш, муомалага киритиш ва сақлаш бўйича хизматлар кўрсатади. Мазкур хизматларни кўрсатиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар, кўрсатиладиган хизматлар учун тарифлар крипто-депозитарий томонидан белгиланади ҳамда унинг электрон платформасига жойлаштирилади.

Крипто-депозитарий ўз фаолиятини крипто-депозитарийнинг электрон платформаси ва (ёки) техник ва дастурий воситалар мажмуи орқали электрон шаклда амалга оширади.

Крипто-депозитарийга қуйидагилар тақиқланади:

жинойй фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ террорчилик фаолияти ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахслар рўйхатига киритилган шахсларга крипто-активларни чиқариш, уларни рўйхатдан ўтказиш ва муомалага киритиш бўйича хизматлар кўрсатиш;

ўз электрон платформасида чиқарилган ёки рўйхатдан ўтказилган крипто-активларнинг номланиши ёки рамзларида “давлат”, “давлат томонидан таъминланган”, “давлат томонидан қўллаб-қувватланган”, “Ўзбекистон”, “ўзбек”, “миллий”, “сўм (UZS)” ҳамда Ўзбекистон Республикаси шаҳарларининг номларини тўлиқ ёки қисқартирилган шаклда, уларнинг бирликларидан фойдаланган ҳолда, исталган тилда ва ҳар қандай шаклда ишлатиш.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қуйидаги крипто-активларни резидентлар томонидан чиқариш ва крипто-депозитарий томонидан чиқаришни рўйхатдан ўтказиш тақиқланади:

таъминланмаган токенлар, бундан қонунчиликдаги ҳоллар мустасно; барқарор токенлар.

Крипто-активларни муомалага киритиш крипто-депозитарий томонидан уларнинг дастлабки таклифини ўзининг, крипто-биржалар ёки крипто-активлар сотиладиган бошқа электрон платформаларнинг листингига киритиш орқали амалга оширилади.

Крипто-активларни муомалага киритиш учун листингга киритиш тартиби ва шартлари крипто-депозитарий ва крипто-биржа ёки крипто-активлар сотиладиган бошқа электрон платформалар ўртасида тузиладиган шартномада белгиланади.

Эмитент томонидан чиқарилган таъминланган токенлар учун крипто-активлардан таъминот сифатида фойдаланишга йўл қўйилмайди.

⁴⁷¹ Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги директорининг 2022 йил 29 сентябрдаги 43-сон буйруғи (31.10.2022 й., рўй.: 3395-сон) билан тасдиқланган Крипто-дўкон фаолиятини амалга ошириш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Крипто-активлар эгаси:

крипто-активларни сотиб олиш тўғрисидаги шартномада белгиланган талаблар ва шартларни бажариши, агар мавжуд бўлса;

эмитент томонидан чиқарилган жами крипто-активларнинг 35 ёки ундан ортиқ фоизини сотиб олганлиги тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиши лозим⁴⁷².

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида:

яширин майнингни;

аноним крипто-активлар майнингини;

рўйхатга олинган пайтда кўрсатилган манзилга мос келмайдиган манзилда майнингни амалга ошириш;

майнингни рухсатномасиз амалга ошириш тақиқланади.

Рухсатномани майнингни амалга ошириш учун бошқа юридик шахсга бериш тақиқланади⁴⁷³.

Вазифаси ва афзалликларидан қатъи назар, объектив шаклда ифодаланган, босиб чиқарилган ҳамда босиб чиқарилмаган, муаллиф (ҳаммуаллифлар) ижодий фаолиятининг натижаси бўлган, ЭХМ учун яратилган ҳар қандай дастурлар ва маълумотлар базаларига нисбатан муаллифлик ҳуқуқи татбиқ этилади.

ЭХМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасига муаллифлик, шунингдек муаллифнинг (муаллифларнинг) ёки ўзга ҳуқуқ эгасининг шахсий ва мулкӣ ҳуқуқлари амалдаги қонунчиликка мувофиқ аниқланади. ЭХМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасининг муаллифи (муаллифлари) ёхуд ўзга ҳуқуқ эгаси ЭХМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасини модификациялашни, шу жумладан дастурни бир дастурлаш тилидан бошқа тилга ўтказишни амалга ошириш ва (ёки) амалга оширишга рухсат этиш борасида мутлақ ҳуқуққа ҳам эгадир.

ЭХМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасидан бошқа шахсларнинг (фойдаланувчиларнинг) фойдаланиши ҳуқуқ эгаси билан тузилган шартнома асосида амалга оширилади,

Ҳуқуқ эгаларининг мутлақ ҳуқуқларига тааллуқли қонунчилик талабларининг жисмоний ёки юридик шахс томонидан бажарилмаслиги муаллифлик ҳуқуқининг бузилиши ҳисобланади.

ЭХМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасини ўзганинг номи билан чиқариш ёхуд ундан ғайриқонуний равишда нусха олиш ёки бундай асарларни тарқатиш қонунчиликда белгиланган тартибда маъмурий ёхуд жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

Тайёрланиши ёки улардан фойдаланилиши муаллифлик ҳуқуқи бузилишига олиб келадиган ЭХМ учун яратилган дастурлар ёки маълумотлар

⁴⁷² Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги директорининг 2022 йил 24 ноябрдаги 61-сон буйруғи (28.11.2022 й., рўй.: 3397) билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан крипто-активларни чиқариш, чиқаришни рўйхатдан ўтказиш ва муомалага киритиш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁴⁷³ Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги директорининг 2023 йил 20 сентябрдаги 68-сон буйруғи (29.09.2023 й. Рўй.: 3461) билан тасдиқланган “Майнинг фаолиятини амалга ошириш учун рухсатнома бериш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

базаларининг нусхалари қонунчиликда белгиланган тартибда олиб қўйилиши лозим⁴⁷⁴.

Илгари фойдаланишда бўлган мол-мулкни сотиш бозори ҳудудида:

тайёр армия анжомларини ва белгиланган намунадаги формали кийим-бошни, ҳарбий турдаги бошқа товарларни, муассасалар, ташкилотлар ва корхоналар штампи босилган чойшаблар, ички ишлар органларида қўлланиладиган махсус воситалар ва махсус аслаҳа-анжомларни сотиш;

сотилиши қонун ҳужжатларида тақиқланган бошқа товарлар ва буюмларни сотиш тақиқланади.

Сотувчилар бозорда қуйидагиларга мажбур:

бозорда савдо фаолиятини амалга оширишда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳужжатларга эга бўлиш;

бозор маъмурияти ва назорат қилувчи органларнинг қонуний талабларини бажариш;

қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа талабларга риоя этиш.

Савдо субъектлари қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳужжатларга эга бўлиши керак⁴⁷⁵.

Ахборот тизимларини ташкил қилувчи техника воситалари қонунчиликда белгиланган тартибда сертификатлаштирилиши керак.

Давлат органлари ахборот тизимларининг, тармоқ ва ҳудудий ахборот тизимларининг, юридик ҳамда жисмоний шахслар ахборот тизимларининг давлат сирлари ёки махфий ахборотни ўз ичига олган ахборотни ишловдан ўтказиш учун мўлжалланган техника воситалари, шунингдек мазкур тизимларни муҳофаза қилиш воситалари мажбурий сертификатлаштирилиши лозим.

Махфий ахборот Маълумотларни узатиш тармоғи бўйича тарқатилганда махфий ахборот билан ишлаш рухсатномасига эга бўлган ва ахборот айирбошланишнинг сертификатланган воситаларидан фойдаланувчи жисмоний ва юридик шахслар учун унинг муҳофаза қилиниши таъминланади.

Ахборот тизимлари, тармоқларини ахборот айирбошлаш воситалари таркибига улаш Ахборот фаолияти ва маълумотлар узатишни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича идоралараро мувофиқлаштириш комиссиясининг қарорига кўра берилган лицензиялар мавжуд бўлганда амалга оширилади.

Ахборот айирбошлаш воситалари таркибига ахборот ресурсларидан фойдаланишнинг алоҳида қоидалари белгиланган давлат ахборот тизимлари, тармоқларини улаш ахборот хавфсизлиги талабларига мувофиқ аттестациядан ўтказилгандан кейин Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг рухсати билан амалга оширилади.

⁴⁷⁴ Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий муҳофазаси тўғрисида” 1994 йил 6 майдаги 1060-ХП-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁴⁷⁵ Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 августдаги 253-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси бозорларида савдо фаолиятини ташкил этиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Давлат сиридан иборат бўлган ахборотни тайёрлаш ва тарқатишда фойдаланиладиган ахборот айирбошлаш воситасини, шунингдек, ахборотни муҳофаза қилиш воситасини мажбурий равишда сертификатлаш зарур.

Қуйидагилар:

давлат сири ёки махфий ахборот;

миллий мулк;

архив фонди;

Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги билан жўнатилиши (чиқарилиши) чекланиши мумкин бўлган ҳужжатлаштирилган ахборот тоифасига киритилган бошқа ахборотни Ўзбекистон Республикасидан жўнатиш (чиқариш) чекланади.

Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришга даъват қилувчи, уруш, зулм ва порнографияни тарғиб қилувчи, диний ва миллий низоларни кўзғовчи, инсон шаъни ва қадр-қимматини поймол қилувчи ахборотлар ҳамда амалдаги қонунчилик билан тарқатилиши тақиқланган бошқа ахборотларнинг олиб кирилиши ва тарқатилиши тақиқланади.

Ахборот айирбошлашни амалга оширишда қонунга хилоф равишдаги хатти-ҳаракатлар учун жисмоний ва юридик шахслар – Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентлари Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ жавоб берадилар.

Давлат ахборот ресурсларини ва ахборот ресурсларини давлат билан биргаликда шакллантиришга ихтисослашган ташкилотлар маълумотларни узатиш тармоқларини лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланиш бўйича фаолиятнинг бу турига рухсатнома олишлари шарт.

Давлат ахборот ресурсларини шакллантириш ва уларга хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган ахборот тизимлари, маълумотлар базалари ва банклари қонунчиликка мувофиқ сертификатланиши керак.

Фойдаланиш чекланган ахборот мавжуд бўлган давлат ахборот ресурсларини шакллантириш учун мўлжалланган ахборот тизимлари ахборот хавфсизлиги талабларига мувофиқ мажбурий аттестациядан ўтказилиши керак.

Давлат, жамоат органлари, фуқаролар, мулкчилик шакллари ва қайси идоравий бўйсунитидан қатъи назар, корхона, муассаса ва ташкилотлар давлат ахборот ресурсларини шакллантириш учун зарур бўлган тегишли шаклда ҳужжатлаштирилган ахборотни давлат ахборот ресурсларини шакллантириш ва ундан фойдаланиш учун масъул бўлган органларга ва (ёки) ташкилотларга тақдим этишлари шарт.

Интернет билан ишлаш учун X.25, Frame Relay ва АТМ шунингдек, коммутация қилинган телефон тармоғидан коммутация қилинган каналлар PPP/SLIP (Point protocol IP protocol) бўйича маълумотларни узатиш каналларидан фойдаланган ҳолда фойдаланиш мумкин⁴⁷⁶.

Ахборотни бузиб талқин этиш ва сохталаштириш тақиқланади.

⁴⁷⁶ Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси ахборот ресурсларини тайёрлаш ва уларни маълумотларни узатиш тармоқларида, шу жумладан, интернетда тарқатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида” 1999 йил 26 мартдаги 137-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда мансабдор шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳар кимга ўзининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган ахборот билан танишиб чиқиш имкониятини таъминлаб беришга, мақбул ахборот ресурслари яратишга, фойдаланувчиларни фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятларига, уларнинг хавфсизлигига доир ҳамда жамият манфаатларига тааллуқли бошқа масалалар юзасидан ахборот билан оммавий тарзда таъминлашга мажбурдирлар.

Ҳар қандай ахборот, агар у билан қонунга хилоф равишда муомалада бўлиш ахборот мулкдори, эгаси, ахборотдан фойдаланувчи ва бошқа шахсга зарар етказиши мумкин бўлса, муҳофаза этилмоғи керак.

Ахборотни муҳофаза этиш:

шахс, жамият ва давлатнинг ахборот соҳасидаги хавфсизлигига таҳдидларнинг олдини олиш;

ахборотнинг махфийлигини таъминлаш, тарқалиши, ўғирланиши, йўқотилишининг олдини олиш;

ахборотнинг бузиб талқин этилиши ва сохталаштирилишининг олдини олиш мақсадида амалга оширилади.

Ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсати ахборот соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган бўлади ҳамда шахс, жамият ва давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг асосий вазифалари ҳамда фаолият йўналишларини, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларининг, фуқароларнинг ўрни ва аҳамиятини белгилайди.

Шахснинг ахборот борасидаги хавфсизлиги унинг ахборотдан эркин фойдаланиши зарур шароитлари ва кафолатларини яратиш, шахсий ҳаётига тааллуқли сирларини сақлаш, ахборот воситасида қонунга хилоф равишда руҳий таъсир кўрсатилишидан ҳимоя қилиш йўли билан таъминланади.

Жисмоний шахсларга тааллуқли шахсий маълумотлар махфий ахборот тоифасига киради.

Жисмоний шахснинг розилигисиз унинг шахсий ҳаётига тааллуқли ахборотни, худди шунингдек шахсий ҳаётига тааллуқли сирини, ёзишмалар, телефондаги сўзлашувлар, почта, телеграф ва бошқа мулоқот сирларини бузувчи ахборотни тўплашга, сақлашга, қайта ишлашга, тарқатишга ва ундан фойдаланишга йўл қўйилмайди, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Жисмоний шахслар тўғрисидаги ахборотдан уларга моддий зарар ва маънавий зиён етказиш, шунингдек уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари рўёбга чиқарилишига тўсқинлик қилиш мақсадида фойдаланиш тақиқланади.

Фуқаролар тўғрисида ахборот олувчи, бундай ахборотга эгалик қилувчи ҳамда ундан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахслар бу ахборотдан

фойдаланиш тартибини бузганлик учун қонунда назарда тутилган тарзда жавобгар бўладилар.

Оммавий ахборот воситалари ахборот манбаини ёки таҳаллусини қўйган муаллифни уларнинг розилигисиз ошкор этишга ҳақли эмас. Ахборот манбаи ёки муаллиф номи фақат суд қарори билан ошкор этилиши мумкин.

Жамиятнинг ахборот борасидаги хавфсизлигига қуйидаги йўллар билан эришилади:

демократик фуқаролик жамияти асослари ривожлантирилишини, оммавий ахборот эркинлигини таъминлаш;

қонунга ҳилоф равишда ижтимоий онгга ахборот воситасида руҳий таъсир кўрсатишга, уни чалғитишга йўл қўймаслик;

жамиятнинг маънавий, маданий ва тарихий бойликларини, мамлакатнинг илмий ва илмий-техникавий салоҳиятини асраш ҳамда ривожлантириш;

миллий ўзликни англашни издан чиқаришга, жамиятни тарихий ва миллий анъаналар ҳамда урф-одатлардан узоқлаштиришга, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштиришга, миллатлараро ва конфессиялараро тотувликни бузишга қаратилган ахборот экспансиясига қарши ҳаракат тизимини барпо этиш.

Давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлиги қуйидаги йўллар билан таъминланади:

ахборот соҳасидаги хавфсизликка таҳдидларга қарши ҳаракатлар юзасидан иқтисодий, сиёсий, ташкилий ва бошқа тусдаги чора-тадбирларни амалга ошириш;

давлат сирларини сақлаш ва давлат ахборот ресурсларини улардан рухсатсиз тарзда фойдаланилишидан муҳофаза қилиш;

Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ахборот маконига ва замонавий телекоммуникациялар тизимларига интеграциялашуви;

Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартиришга, ҳудудий яхлитлигини, суверенитетини бузишга, ҳокимиятни босиб олишга ёки қонуний равишда сайлаб қўйилган ёхуд тайинланган ҳокимият вакиллари ҳокимиятдан четлатишга ва давлат тузумига қарши бошқача тажовуз қилишга очикдан-очик даъват этишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишидан ҳимоя қилиш;

урушни ва зўравонликни, шафқатсизликни тарғиб қилишни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоват уйғотишга қаратилган терроризм ва диний экстремизм ғояларини ёйишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишига қарши ҳаракатлар қилиш.

Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар⁴⁷⁷.

⁴⁷⁷ Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида” 2002 йил 12 декабрдаги 439-П-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Ҳужжатлаштирилган ахборот ресурсининг муҳофазасини таъминлаш бўйича чоралар уни давлат архивига топшираётган ташкилот томонидан белгиланади.

Ахборот ресурсини давлат сақловига қабул қилишда хавфсизликни муҳофаза қилишни қуйидаги дастурий-техник воситалар ва ташкилий чоралар ёрдамида тегишли давлат архиви таъминлайди:

ахборот хавфсизлигига таҳдидларни аниқлаш ва бартараф этиш;

ахборот ресурсининг архив нусхасини топшириш, архивни шакллантириш, уни сақлаш ва ундан фойдаланишда маълумотларнинг тўлиқлигини таъминлаш;

рухсат берилмаган ахборот ресурсидан фойдаланиш, унга қўшимча ва ўзгартишлар киритишдан муҳофаза қилиш;

архив маълумотларнинг захира ва қайта тикланиши тизимини таъминлаш.

Умумий фойдаланишга мўлжалланган ахборот ресурслари (юридик ва жисмоний шахслар, норматив-ҳуқуқий актлар, табиий ресурслар, давлат органларининг веб-сайтлари ва бошқалар бўйича маълумотлар базалари) барча давлат органлари, юридик ва жисмоний шахсларга давлат архивлари томонидан уларга белгиланган ваколатлар доирасида тақдим этилади.

Махсус давлат ахборот ресурсларидан (давлат сири ва конфиденциал маълумотларга эга бўлган идоралар, ҳудудий бошқарув ва ҳокимият органлари, давлат юридик шахслари ва жисмоний шахслар) фойдаланиш учун рухсат бериш давлат архивлари томонидан уларни шакллантириш, қўлланилиши ва янгиланиб борилишига масъул бўлган органлар билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Ахборот ресурсларини давлат сақловига топширган ташкилотлар ундан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум бўлмайдилар.

Ахборот ресурсларини давлат сақловига қабул қилган давлат архивлари қуйидагилар учун жавобгардирлар:

маълумотлар билан ишлаш қоидаларини бузганлик, маълумот алмашинувини амалга оширишда ҳуқуқбузарлик ҳаракатларидан фойдаланганлик ва йўл қўйганлик;

жисмоний шахслар ҳақида шахсий маълумотларга эга бўлган ахборотларни тарқатганлик;

ахборот ресурсларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш;

ахборот ресурсларидаги маълумотларни ўғирлаш, йўқотиш, бузиш, блокировка қилиш ва сохталаштириш;

муаллифлик ҳуқуқлари ва интеллектуал мулк бўйича қонунчиликни бузганлик.

Давлат архивларига амалдаги қонунчиликка мувофиқ бошқа жавобгарлик ҳам юклатилиши мумкин⁴⁷⁸.

⁴⁷⁸ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Ўзархив” агентлиги бош директорининг 2007 йил 17 июлдаги 18-сон буйруғи (рўйхат рақами 1703, 2007 йил 13 август) билан тасдиқланган Ахборот ресурсларининг архив нусхаларини яратиш ва уларни давлат сақловига топшириш бўйича йўриқнома // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Тизим иштирокчиларининг фонд бозорида АКТлари электрон ҳужжатларининг бут сақланишини, ўзгартирилишини, муҳофаза қилишини, қайта ишланишини, жўнатилиши ва қабул қилинишини, шу жумладан:

электрон ҳужжатларнинг, улар жўнатиш ва қабул қилинган сана ва вақтлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган реквизитларнинг такрорий нусхаси кўчирилиши ва архивда сақланишини;

Тизим иштирокчилари ўртасидаги қоғоз шаклидаги ҳужжат алмашилишини қисқартириш ҳамда инсон омилининг ахборотларни қайта ишлаш сифати ва тезкорлигига бўлган салбий таъсирини камайтириш мақсадида қоғоз ва электрон ҳужжатларнинг қўл ишини минималлаштиришни;

ахборотларни киритиш/чиқаришни такрорловчи операцияларни истисно этишни, катта ҳажмдаги ахборотларни қайта ишлаш ва ахборот тизимларининг интеграциялашуви мумкинлигини;

электрон ҳужжатларнинг махфийлигига, бутлигига ва уларга муаллифлик қилишга қўйилган талабларга риоя этилишини;

қонунчиликда ўрнатилган талабларга мувофиқ ЭРИнинг ҳаққонийлигини, шунингдек, қабул қилувчи томонидан электрон ҳужжатни қайта ишлаш пайтида жўнатувчининг ЭРИ калити сертификати амал қилаётганини текшириш мумкинлигини;

электрон ҳужжатларнинг транзит ўтказилишидан, у амалга ошириладиган транзит амалга ошириладиган тизимда иштирокчилар томонидан очилмаслиги ва кўрилмаслиги шарти билан (ёпиқ конверт фақат унинг эгаси томонидан очилиши мумкин) фойдаланишни таъминлаши лозим.

Тизим иштирокчилари томонидан электрон ҳужжатларни муҳофаза қилиш учун фойдаланилаётган фонд бозоридаги АКТлари қонунчиликда ўрнатилган тартибда сертификатланган бўлиши ва фойдаланиш ҳужжатларига мувофиқ ишлатилиши лозим.

Электрон ҳужжатларнинг чиқиб кетиши, ўғирланиши, йўқотилиши, бузилиши, уларга чекловларнинг ўрнатилиши ва қалбакилаштирилишининг ҳамда электрон ҳужжатларга рухсатсиз кириш ва улардан нусха кўчиришнинг олдини олишни ўз ичига олувчи Тизим иштирокчисининг ахборот хавфсизлиги Тизим иштирокчисининг дастурий-техник чора-тадбирлари билан таъминланади.

Ахборот хавфсизлиги шунингдек, бошқа мавжуд воситалар билан ҳам қонунчилик ва ушбу Низом талабларини инобатга олган ҳолда, Тизим иштирокчисининг ички қоидаларига мувофиқ таъминланиши мумкин.

Тизим иштирокчилари қонунчилик ва ушбу Низом талабларини инобатга олган ҳолда, белгиланган қоидаларнинг бузилишини ва унинг учун жавобгарликка тортилишни олдини олишни назарда тутувчи ахборот хавфсизлиги ва Тизимдан фойдаланишнинг ички қоидаларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди.

Дастурий-техник чора-тадбирлар қуйидагиларни таъминлайди:

Тизим иштирокчиси-ташкилот ходимларининг мазкур ташкилот ходимларининг лавозим йўриқномаларидан келиб чиққан ҳолда, дастурий ресурсларга чекланган киришини;

фонд бозорида АКТларидан фойдаланишда Тизим иштирокчиси бўлган ташкилотларнинг барча ҳаракатларини антивирус билан муҳофаза қилиш ва баённома юргизишни.

Тизим иштирокчилари криптографик муҳофаза қилишни қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширишади.

ЭРИдан фойдаланиш ваколатига эга бўлмаган ва ундан шахсий ёхуд учинчи шахс манфаатлари йўлида фойдаланган Тизим иштирокчиси ва иштирокчи ташкилот ходимлари қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

Тизим иштирокчиси унинг ўзи томонидан Тизимда исталган ҳаракатларни амалга оширишга ваколат берган шахснинг унинг номидан бажарган барча ҳаракатларига жавобгардир.

Тизим иштирокчилари қуйидагиларга мажбурдирлар:

тизимнинг узлуксиз фаолиятини таъминлаш;

ахборот хавфсизлиги ва Тизимдан фойдаланишнинг ички қоидаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш (фақат Тизим иштирокчиси юридик шахс бўлган ҳолда);

электрон ҳужжатларни тузишни ва жўнатишни қонунчилик ҳужжатлари ҳамда ушбу Низом талабларига мувофиқ равишда қатъий таъминлаш;

мустақил равишда ЭРИ сертификатини олиш, шунингдек, фонд бозорида АКТларининг ЭҲАдан фойдаланиладиган зарур иш ҳолатини қўллаб-қувватлаш;

электрон ҳужжатларда кўрсатилган буюртма ва/ёки топшириқларни фонд бозорининг технологик жараёнларига мувофиқ, қонунчилик талабларини инобатга олган ҳолда қабул қилиш/жўнатиш, топшириш/ижро этиш⁴⁷⁹.

Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлигининг Давлат ахборот тизимларини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш ягона интегратори Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасини ахборот билан тезкор таъминлаш учун интеграциялаштирилган ахборот тизимларини яратиш, ривожлантириш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек давлат органлари ахборот тизимлари билан уларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш юзасидан жавобгар ҳисобланади⁴⁸⁰.

⁴⁷⁹ Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2008 йил 1 августдаги 2008-13-сон буйруғи (рўйхат рақами 1855, 2008 йил 9 сентябрь) билан тасдиқланган Фонд бозорида ахборот-коммуникация технологиялардан фойдаланишга ўрнатилган талаблар тўғрисидаги низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁴⁸⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2012 йил 21 мартдаги ПҚ-1730-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Фойдаланувчиларнинг ахборотни рухсатсиз фойдаланишдан ҳимоя қилишга доир белгиланган чораларни бузишга қаратилган хатти-ҳаракатларига йўл қўйилмайди.

Муайян жисмоний шахсга тааллуқли бўлган ёки уни идентификация қилиш имконини берадиган шахсга доир маълумотларни учинчи шахсларга тақдим этиш Ўзбекистон Республикасининг “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ амалга оширилади.

Ваколатли органларнинг ахборот тизимларини идентификациялашнинг ягона тизимига улаш интеграциялашувга қўйиладиган техник талабларга мувофиқ амалга оширилади.

Ҳужжатлар ва ахборот билан автоматлаштирилган тарзда айирбошлаш мақсадида ваколатли органлар ахборот тизимларининг интеграциялашuvi “Электрон ҳукумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали амалга оширилади.

“Электрон ҳукумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформасига уланадиган ваколатли органларнинг ахборот тизимлари ҳам ҳужжатлар ва ахборотни тақдим этиш учун мурожаат қилган маълумотларни етказиб берувчилар, ҳам ҳужжатлар ва ахборотни сўраган маълумотларнинг истеъмолчилари бўлиши мумкин.

Идоралараро электрон ҳамкорлик қилишда фойдаланувчиларнинг фойдаланишини ва ваколатларини таъминлаш устидан назорат қилиш идентификациялашнинг ягона тизими орқали амалга оширилади.

Идентификациялашнинг ягона тизимида фойдаланувчиларнинг шахсий маълумотларидан рухсатсиз фойдаланганлик учун ваколатли органлар – ахборот тизимларининг эгалари ва Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги жавоб беради⁴⁸¹.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги шакллантирилган марказий маълумотлар базаларининг нусхаларини улардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлмаган шахсларга тақдим этиш ҳуқуқига эга эмас.

Ваколатли органлар томонидан марказий маълумотлар базаларига тақдим этиладиган маълумотлар тақдим этилаётган пайтда ишончли, тўлиқ ва долзарб бўлиши керак.

Ваколатли органлар марказий маълумотлар базаларига маълумотларни “Электрон ҳукумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали жисмоний ва юридик шахсларнинг ягона идентификаторларидан фойдаланиб тақдим этадилар.

Марказий маълумотлар базаларидан маълумотлар олиш жисмоний ва юридик шахсларнинг ягона идентификаторларидан фойдаланиш орқали амалга оширилади.

⁴⁸¹ Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 17 декабрдаги 365-сон қарори билан тасдиқланган “Электрон ҳукумат” тизими фойдаланувчиларини идентификациялашнинг ягона ахборот тизими тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Давлат хизматлари кўрсатиш жараёнидаги идоралараро электрон ҳамкорлик қилишда жисмоний ва юридик шахсларнинг бошқа идентификаторларидан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Марказий маълумотлар базаларидаги маълумотлардан фойдаланганда жисмоний ва юридик шахсларни идентификациялаш фақат “Электрон ҳукумат” тизими фойдаланувчиларини идентификациялашнинг ягона ахборот тизими орқали амалга оширилади.

Давлат хизматлари кўрсатишда ва идоралараро электрон ҳамкорлик қилишда марказий маълумотлар базаларидаги маълумотлардан фойдаланиш “Электрон ҳукумат” тизимининг идоралараро интеграциялашув платформаси ёрдамида амалга оширилади.

Давлат хизматлари кўрсатишда жисмоний ва юридик шахслардан марказий маълумотлар базалари ва тегишли ваколатли органларнинг ахборот ресурсларида мавжуд бўлган маълумотларни ҳамда бошқа идентификаторли қўшимча ҳужжатларни талаб қилиш тақиқланади.

Марказий маълумотлар базаларида мавжуд бўлмаган ахборотнинг сақланишини таъминловчи давлат ахборот ресурсларини яратишда тегишли равишда жисмоний ва юридик шахсларнинг ягона идентификаторларидан фойдаланилади⁴⁸².

Ахборот-кутубхона ва архив муассасаларида электрон базаларнинг ахборот хавфсизлиги тегишлича Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги “Ўзархив” агентлиги ҳамда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг Ахборот хавфсизлиги сиёсати талабларига мувофиқ таъминланади⁴⁸³.

Ахборот воситачиси қуйидагиларга ҳақли эмас:

ўзининг ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда тузилган битимнинг тарафига айланиш, шунингдек ахборот воситачиси сифатида хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ бўлмаган ишлаб чиқариш, савдо, савдо-воситачилик ёки бошқа фаолиятни амалга ошириш;

электрон тижоратни амалга ошириш, битимлар тузишда нархларнинг шаклланиш жараёнларига аралашуш, контрагентларни танлашда ва битимлар тузишда электрон тижорат иштирокчиларининг эркинлигини чеклаш, шунингдек электрон тижорат иштирокчиларининг ҳуқуқларини бошқача тарзда чеклаш.

Ахборот воситачиси қуйидагиларга мажбур:

электрон тижорат соҳасидаги қонун ҳужжатларига, шу жумладан стандартлар, нормалар ва қоидаларга риоя этиш;

⁴⁸² Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 17 декабрдаги 365-сон қарори билан тасдиқланган “Электрон ҳукумат” тизимининг жисмоний ва юридик шахслар марказий маълумотлар базаларини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁴⁸³ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Ўзархив” агентлиги бош директорининг 2016 йил 20 июндаги 45-сон буйруғи (рўйхат рақами 2807, 2016 йил 7 июль) Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан ахборот-кутубхона ва архив муассасаларига тақдим этилган ҳужжатлар билан ишлаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

ўзининг тўлиқ номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли, кўрсатиладиган хизматлар, уларни кўрсатиш шартлари ва қийматлари (тарифлари) ҳақидаги ахборотни электрон тижорат иштирокчиларига ошкор қилиш;

электрон ҳужжатларнинг ва электрон хабарларнинг мазмунини, улардан фойдаланиш тартибини ўзгартирмаслик, электрон тижорат иштирокчилари билан тузилган шартномаларда назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно;

электрон ҳужжатларни, электрон хабарларни ва шахсга оид маълумотларни рухсатсиз фойдаланишдан ҳимоя қилиш чоралари билан таъминлаш;

электрон ҳужжатларни ва электрон хабарларни учинчи шахсларга бермаслик, қонунда ёки шартномада назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно;

электрон ҳужжатларнинг ва электрон хабарларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ сақланишини таъминлаш;

ўз ахборот тизимини Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги серверларда жойлаштириш.

Агент сотувчига ёки харидорга хизматлар кўрсатиш натижасида ўзига маълум бўлган маълумотларнинг махфийлигига риоя қилишга мажбур.

Электрон тижоратни ташкил этишнинг шакллари битимлар тузишнинг рақобатли шакллари деб эътироф этилади, бунда ахборот воситачисининг ахборот тизими қуйидаги шарт-шароитларни таъминлайди:

электрон тижоратнинг иккитадан кам бўлмаган иштирокчилари томонидан офертани акцептлаш имконияти;

оферент учун шартномани бажаришнинг энг яхши шартларини таклиф қилган шахс билан шартнома тузиш.

Қайд этилган талабларга риоя қилинган тақдирда битим содир этилган деб эътироф қилинади.

Битимларни рақобатли шаклларда содир этишда офертани қабул қилган шахс томонидан, уни қабул қилиш учун белгиланган муддатда, унда кўрсатилган шартнома шартларини бажариш бўйича хатти-ҳаракатларни (товарларни юклаб жўнатиш, хизматлар кўрсатиш, ишларни бажариш, тегишли суммани тўлаш ва ҳоказоларни) содир этиш акцепт ҳисобланмайди.

Ахборот воситачиларининг ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган электрон тижоратда қуйидагиларга йўл қўйилмайди:

электрон тижорат иштирокчиларини камситиш, электрон тижоратнинг бир иштирокчисига бошқа иштирокчилар эркин фойдалана олмайдиган ва қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган имтиёзлар ёки преференцияларни бериш;

ахборот воситачиларининг мансабдор шахслари томонидан шахсий манфаатдорлик таъсирида қарорлар қабул қилиш ёхуд электрон тижорат иштирокчиларининг манфаатларига зарар етказадиган бошқа ноқонуний хатти-ҳаракатларни содир этиш;

электрон тижорат иштирокчиларига босим ўтказиш, электрон тижоратда иштирок этиш ҳақидаги ахборотни ошкор қилиш (қонун

хужжатларидан назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно), ноқонуний тарзда рақобатга йўл қўймаслик, уни чеклаш ёки четлатиш;

электрон тижорат иштирокчиларининг бозор конъюнктурасини ўзгартириш ёки нархларни бузиб кўрсатиш мақсадида тил бириктириши;

ишончли бўлмаган ёки бузиб кўрсатилган ахборотни бериш ёки тарқатиш, шунингдек ахборотдан эркин фойдаланишни асоссиз чеклаш;

электрон тижорат иштирокчилари томонидан келгусида шартномани имзолашдан ёки уни зарур даражада бажаришдан бош тортиш ниятида сунъий равишда пасайтирилган ёки оширилган нархларда талабномалар бериш;

ахборот воситачисининг ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда товар сотаётган ёки сотиш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатишни таклиф қилаётган, белгиланган тартибда якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказилмаган жисмоний шахс ҳисобланган битим тарафларидан бири томонидан битимларни амалга ошириш⁴⁸⁴.

Лойиҳаларни амалга ошириш натижасида ишлаб чиқилган ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларини «Рақамли ҳукумат»нинг ахборот тизимлари ва ресурслари ягона реестрида рўйхатдан ўтказиш ва амалиётга жорий этишга уларнинг техник топшириқ ва ахборот хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги юзасидан Рақамли технологиялар вазирлиги ҳамда “Киберхавфсизлик маркази” ДУКнинг ижобий хулосалари олинганидан сўнг рухсат берилади;

Ижобий хулосага эга бўлмаган ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларини фойдаланишга қабул қилиш, ишга тушириш ҳамда “Рақамли ҳукумат” доирасидаги тизимлар ва сервислар билан интеграция қилишга йўл қўйилмайди⁴⁸⁵.

Электрон ҳукумат доирасида маълумот тақдим этувчи ва фойдаланувчиларнинг электрон ҳамкорлиги ҳамда ахборот алмашинуви уларнинг ахборот тизимлари ва ресурсларини Идоралараро интеграциялашув платформасига улаш орқали амалга оширилади.

Бунда электрон ҳамкорлик ва ахборот алмашинуви фақат Электрон ҳукуматнинг идоралараро маълумотлар узатиш тармоғи орқали ташкил этилади.

Фойдаланувчи ва оператор ўртасидаги ахборот алмашинуви тегишли сўров юбориш йўли билан Идоралараро интеграциялашув платформаси ёрдамида амалга оширилади.

Бунда Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали электрон ҳамкорлик ҳамда ахборот алмашинуви доирасида йўлланган барча сўровлар бўйича статистика маълумотлари маълумот тақдим этувчи ва фойдаланувчининг шахсий кабинетига юритилади.

⁴⁸⁴ Вазирлар Маҳкамасининг “Электрон тижорат платформалар ва рақамли экотизим операторларининг ахборот воситачиларининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2016 йил 2 августдаги 249-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁴⁸⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Электрон ҳукумат” тизими доирасида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш сифатини яхшилаш чоратадбирлари тўғрисида” 2019 йил 21 майдаги ПҚ-4328-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Идоралараро интеграциялашув платформасига уланган ахборот тизимлари ва ресурсларида мавжуд бўлган шахсга доир маълумотлар алмашинуви Ўзбекистон Республикасининг “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги Қонуни ва ушбу соҳадаги бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали маълумотлар фойдаланувчининг ваколати доирасидаги вазифаларни бажариш учун қайта ишлаш мақсадида тақдим этилади.

Электрон давлат хизматларини кўрсатиш ва идоралараро электрон ҳамкорликни ташкил этиш доирасида ахборот алмашинуви Идоралараро интеграциялашув платформасига уланиш орқали амалга оширилади.

Идоралараро интеграциялашув платформасига уланиш учун “Электрон ҳукуматнинг ахборот тизимлари ва ресурслари ягона реестри” ахборот тизими (кейинги ўринларда – Ягона реестр тизими) орқали электрон шаклда мурожаат этилади.

Бунда Ягона реестр тизимида авторизациядан ўтиш учун “Электрон ҳукумат” тизими фойдаланувчиларини идентификациялашнинг ягона ахборот тизимида рўйхатдан ўтиш талаб этилади.

Оператор:

Идоралараро интеграциялашув платформасига уланиш тартиби ва шартларига риоя қилишга;

фойдаланувчига Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали маълумотлар юборилгунига қадар уларнинг конфиденциаллигини таъминлашга;

Идоралараро интеграциялашув платформасида маълумот тақдим этувчи ва фойдаланувчининг шахсий кабинетларига улашга;

Ягона реестр тизимида Идоралараро интеграциялашув платформасига уланиш бўйича ариза ва технологик йўриқномани кўриб чиқишга ва келишишга;

Идоралараро интеграциялашув платформасидаги маълумот тақдим этувчи ва фойдаланувчининг шахсий кабинетлари орқали электрон ахборот ҳамкорлиги доирасидаги статистика маълумотлари билан танишиш имкониятини яратишга;

Идоралараро интеграциялашув платформасининг узлуксиз ишлаши бўйича тегишли чоралар кўришга;

қонунчилик ҳужжатлари ва мазкур Низом талабларини бажаришга;

Идоралараро интеграциялашув платформасида жойлаштирилган барча веб-сервислар бўйича режали ва режадан ташқари узилишлар ва/ёки тўхталишлар вужудга келиши ёки улар бартараф этилиши юзасидан маълумот тақдим этувчи ва фойдаланувчиларни мавжуд қайта алоқа каналлари орқали реал вақт режимида хабардор қилишга;

мазкур Низомда ёки бошқа қонунчилик ҳужжатларида белгиланган қоидалар бузилган тақдирда, маълумот тақдим этувчи ёки фойдаланувчининг Идоралараро интеграциялашув платформасига уланишини вақтинча тўхтатиш

ёки бекор қилиш ва бу ҳақида уларни асосларни кўрсатган ҳолда расмий хабардор қилишга мажбур.

Бунда оператор Идоралараро интеграциялашув платформасига уланишни вақтинча тўхтатиш ёки бекор қилишдан олдин бу тўғрисида маълумот тақдим этувчи ёки фойдаланувчини мавжуд қайта алоқа каналлари орқали реал вақт режимида хабардор қилади.

Маълумот тақдим этувчи Идоралараро интеграциялашув платформасига уланиш шартларига риоя қилишга, Идоралараро интеграциялашув платформасига уланиш бўйича Ягона реестр тизимида ариза ва технологик йўриқномаларни ишлаб чиқишга ва келишишга, Идоралараро интеграциялашув платформасининг push-хабарномалар сервисига уланиш бўйича фойдаланувчининг аризасини белгиланган тартибда келишишга, Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали юборилган сўровларга мувофиқ маълумотларни технологик йўриқномада белгиланган тартибда тақдим этишга, ўзига тегишли бўлган ахборот тизимлари ва ресурслари ҳамда маълумотлар базаларининг барқарор ишлаши, улардаги маълумотларнинг Идоралараро интеграциялашув платформасига узлуксиз равишда тақдим этилиши бўйича тегишли чоралар кўришга, ўзига тегишли маълумотларнинг ишончилиги ва тўлиқлиги ҳамда долзарблигини таъминлашга, долзарб бўлмаган маълумотлар бўйича шикоятларни қабул қилиш механизмини ишлаб чиқишга, жорий қилишга ҳамда келиб тушган шикоятлар натижаси бўйича маълумотларни ўз вақтида янгилаб боришга, Идоралараро интеграциялашув платформасида жойлаштирилган ўзининг барча веб-сервислари бўйича режали ва режадан ташқари узилишлар ва/ёки тўхталишлар вужудга келиши ёки улар бартараф этилиши юзасидан операторни мавжуд қайта алоқа каналлари орқали реал вақт режимида хабардор қилишга, ўзига тегишли веб-сервисга ўзгартириш ва/ёки қўшимчалар киритиладиган тақдирда, режалаштирилган ишлар амалга оширилгунига қадар бу ҳақида уч кун олдин операторга хабар беришга, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида техник ишлар ўтказилиши натижасида Идоралараро интеграциялашув платформасига тақдим этилаётган веб-сервисларда кузатилиши мумкин бўлган узилишлар юзасидан техник ишлар ўтказилишидан камида уч иш кун олдин операторни ёзма равишда хабардор қилишга, ахборот тизимлари ва ресурслари жойлашган серверлар ёки объектларда режалаштирилган фавқулодда юз берган узилишлар бундан мустасно, Идоралараро интеграциялашув платформасида жойлаштирилган ўз веб-сервисларига фойдаланувчиларни тўғридан-тўғри улашни чеклашга мажбур.

Фойдаланувчи:

Идоралараро интеграциялашув платформасига уланиш тартиби ва шартларига риоя қилишга;

Идоралараро интеграциялашув платформасига уланиш бўйича Ягона реестр тизимида ариза ва технологик йўриқномаларни ишлаб чиқишга ва келишишга;

Идоралараро интеграциялашув платформасининг push-хабарномалар сервисига уланиш бўйича ўз аризасини белгиланган тартибда маълумот тақдим этувчи билан келишишга;

Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали олинаётган маълумотларнинг конфиденциаллигини таъминлашга;

Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали олинган маълумотларни учинчи томонга тақдим этмасликка;

Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали олинган маълумотлардан маълумот тақдим этувчи ва оператор билан келишилмаган бошқа мақсадларда фойдаланмасликка;

Идоралараро интеграциялашув платформасига уланган ўзининг ахборот тизимларининг узлуксиз ишлаши бўйича тегишли чоралар кўришга;

“Электрон ҳукумат” тизими орқали олинадиган маълумотларни олиш, қўллаш ва сақлаш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя қилишга мажбур.

Фойдаланувчиларнинг ахборот тизимларини Рақамли маълумотлар платформасига улаш фақат ҳимояланган VPN тармоғи орқали ташкил этилади.

Бунда солиқ ва кадастр органларининг ахборот тизимлари Рақамли маълумотлар платформасига Вазирлар Маҳкамасининг “Учинчи шахсларга солиқ тўловчилар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш чора-тадбирлари ҳақида” 2021 йил 19 августдаги 529-сон қарорига мувофиқ давлат-хусусий шериклик шартномасининг амал қилиш муддатига қадар хусусий шерикнинг ахборот тизимлари орқали уланади.

Оператор:

Рақамли маълумотлар платформасига уланиш тартиби ва шартларига риоя қилишга;

фойдаланувчига Рақамли маълумотлар платформаси орқали маълумотлар юборилгунига қадар уларнинг конфиденциаллигини таъминлашга;

Рақамли маълумотлар платформасида маълумот тақдим этувчи ва фойдаланувчини шахсий кабинетларига улашга;

Ягона реестр тизимида Рақамли маълумотлар платформасига уланиш бўйича ариза ва технологик йўриқномани кўриб чиқишга ва келишишга;

Рақамли маълумотлар платформасида жойлаштирилган барча веб-сервислар бўйича режали ва режадан ташқари узилишлар ва/ёки тўхталишлар вужудга келиши ёки улар бартараф этилиши юзасидан фойдаланувчиларни мавжуд бўлган қайта алоқа каналлари орқали хабардор қилишга;

Маълумот тақдим этувчи ва фойдаланувчининг Рақамли маълумотлар платформасидаги шахсий кабинетлари орқали электрон ахборот ҳамкорлиги доирасидаги статистика маълумотлари билан танишиш имконини яратишга;

Рақамли маълумотлар платформасининг узлуксиз ишлаши бўйича тегишли чоралар кўришга;

қонунчилик ҳужжатлари ва мазкур Низом талабларини бажаришга;

мазкур Низомда ёки бошқа қонунчилик ҳужжатларида белгиланган қоидалар бузилган тақдирда, маълумот тақдим этувчи ёки фойдаланувчининг

Рақамли маълумотлар платформасига уланишини вақтинча тўхтатиш ёки бекор қилиш ва бу ҳақида уларни асосларни кўрсатган ҳолда расмий хабардор қилишга мажбур.

Маълумот тақдим этувчи Идоралараро интеграциялашув платформасига уланиш шартларига риоя қилишга, Идоралараро интеграциялашув платформасига уланиш бўйича Ягона реестр тизимида ариза ва технологик йўриқномаларни ишлаб чиқишга ва келишишга, Идоралараро интеграциялашув платформасининг push-хабарномалар сервисига уланиш бўйича фойдаланувчининг аризасини белгиланган тартибда келишишга, Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали юборилган сўровларга мувофиқ маълумотларни технологик йўриқномада белгиланган тартибда тақдим этишга, ўзига тегишли бўлган ахборот тизимлари ва ресурслари ҳамда маълумотлар базаларининг барқарор ишлаши, улардаги маълумотларнинг Идоралараро интеграциялашув платформасига узлуксиз равишда тақдим этилиши бўйича тегишли чоралар кўришга, ўзига тегишли маълумотларнинг ишончилиги ва тўлиқлиги ҳамда долзарблигини таъминлашга, долзарб бўлмаган маълумотлар бўйича шикоятларни қабул қилиш механизмини ишлаб чиқишга, жорий қилишга ҳамда келиб тушган шикоятлар натижаси бўйича маълумотларни ўз вақтида янгилаб боришга, Идоралараро интеграциялашув платформасида жойлаштирилган ўзининг барча веб-сервислари бўйича режали ва режадан ташқари узилишлар ва/ёки тўхталишлар вужудга келиши ёки улар бартараф этилиши юзасидан операторни мавжуд қайта алоқа каналлари орқали реал вақт режимида хабардор қилишга, ўзига тегишли веб-сервисга ўзгартириш ва/ёки қўшимчалар киритиладиган тақдирда, режалаштирилган ишлар амалга оширилгунига қадар бу ҳақида уч кун олдин операторга хабар беришга, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида техник ишлар ўтказилиши натижасида Идоралараро интеграциялашув платформасига тақдим этилаётган веб-сервисларда кузатилиши мумкин бўлган узилишлар юзасидан техник ишлар ўтказилишидан камида уч иш кун олдин операторни ёзма равишда хабардор қилишга, ахборот тизимлари ва ресурслари жойлашган серверлар ёки объектларда режалаштирилган фавқулодда юз берган узилишлар бундан мустасно, Идоралараро интеграциялашув платформасида жойлаштирилган ўз веб-сервисларига фойдаланувчиларни тўғридан-тўғри улашни чеклашга мажбур.

Фойдаланувчи Рақамли маълумотлар платформасига уланиш тартиби ва шартларига риоя қилишга, Рақамли маълумотлар платформасига уланиш бўйича Ягона реестр тизимида ариза ва технологик йўриқномаларни ишлаб чиқишга ва келишишга, Рақамли маълумотлар платформасининг push-хабарномалар сервисига уланиш бўйича аризасини белгиланган тартибда маълумот тақдим этувчи билан келишишга, Рақамли маълумотлар платформаси орқали олинаётган маълумотларнинг конфиденциаллигини таъминлашга, Рақамли маълумотлар платформаси орқали олинган маълумотларни учинчи томонга тақдим этмасликка, Рақамли маълумотлар платформаси орқали олинган маълумотлардан маълумот тақдим этувчи ва оператор билан келишилмаган бошқа мақсадларда фойдаланмасликка,

Рақамли маълумотлар платформасига уланган ўзининг ахборот тизимларининг узлуксиз ишлаши бўйича тегишли чоралар кўришга, “Электрон ҳукумат” тизими орқали олинган маълумотларни олиш, қўллаш ва сақлаш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя қилишга мажбур.

Талабгорнинг ахборот тизимлари ва сервисларини Ягона биллинг тизимига интеграция қилиш талабгор ахборот тизимларининг ахборот хавфсизлигини таъминланган ҳолда амалга оширилади.

Ягона биллинг тизимига “Электрон ҳукумат” тизими фойдаланувчиларини идентификациялаш ягона ахборот тизимида (кейинги ўринларда – Идентификациялашнинг ягона тизими) рўйхатдан ўтиш орқали қилинади.

Оператор ўз фаолиятини қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириш, Ягона биллинг тизимининг доимий ва узлуксиз ишлашини таъминлаш, Ягона биллинг тизимига киритилиши режалаштирилган ўзгартиришлар ҳақида вазирликлар ва идораларга аниқ муддати кўрсатилган ҳолда камида бир ой олдин ёзма хабарнома юбориш, Ягона биллинг тизимида юзага келган носозлик ва хатоликларни бартараф этиш бўйича мурожаатлар қабул қилинишини ташкил этиш ва тезкорлик билан кўриб чиқиш ҳамда бартараф этиш, Ягона биллинг тизимидаги давлат органларига тааллуқли ахборотнинг бутлигини таъминлаш мажбуриятларини ўз зиммасига олади⁴⁸⁶.

МАИ субъектлари МАИ объектларининг киберхавфсизлигини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига риоя қилиши, киберхавфсизлик ҳодисалари тўғрисида ваколатли давлат органи ва ишчи органни белгиланган тартибда дарҳол хабардор қилиши, киберҳужумларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш, киберхавфсизлик ҳодисаларининг келиб чиқиш сабаблари ва шароитларини аниқлашда ваколатли давлат органи ҳамда ишчи органга кўмаклашиши, МАИ объектларининг киберхавфсизлигини таъминлаш жараёнига давлат органлари томонидан ноқонуний аралашуш ҳолатлари ҳақида ваколатли органни хабардор қилиши, ваколатли давлат органи билан келишилган ҳолда киберҳужумларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш, киберхавфсизлик ҳодисаларига жавоб бериш учун мўлжалланган воситаларни ўз ҳисобидан ўрнатиши ва сақлаши, МАИ объектларига киберҳужумларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш учун ўрнатилган воситаларнинг белгиланган талабларга мувофиқ тўлақонли ишлашини таъминлаши, ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланган тартибда киберхавфсизлик ҳодисаларига жавоб бериш, МАИ объектларига қарши амалга оширилган киберҳужумларнинг оқибатларини бартараф этиш чораларини кўриши ва киберхавфсизлик ҳодисаларини текширишда иштирок этиши, ваколатли давлат органи ва ишчи орган билан келишилган ҳолда, МАИ объектларига уюштирилиши мумкин бўлган кибертаҳдидларнинг олдини олиши ва киберҳужумлар содир бўлганда МАИ

⁴⁸⁶ Вазирлар Маҳкамасининг “Идоралараро электрон ҳамкорлик тизими ва маълумотларнинг ахборот алмашинувини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 20 сентябрдаги 516-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

объектларининг барқарор ишлашини тиклаш режаларини ишлаб чиқиши, ваколатли давлат органи ва ишчи орган томонидан ташкил этиладиган режали машғулотларда иштирок этиши шарт.

МАИ объектларига киберхавфсизликни таъминлашнинг қуйидаги талаблари қўйилади:

МАИ объектининг киберхавфсизлигини самарали таъминлаш тизимининг йўлга қўйилганлиги;

ахборот тизимида маълумотлардан рухсатсиз фойдаланиш, уларни йўқ қилиш, ўзгартириш, блоклаш (чеклаш), нусха олиш, тақдим этиш ва тарқатиш ҳамда МАИ объектлари фаолиятининг бузилиши ва/ёки тўхташига олиб келувчи бошқа ҳаракатларни амалга оширишнинг олди олинганлиги;

киберхавфсизликни таъминлаш тизими параметрларининг техник регламентлар талабларига мувофиқлиги, киберхавфсизлик ва МАИ объектининг узлуксиз фаолият юритишини таъминловчи чора-тадбирлар жорий этилганлиги;

киберхавфсизлик ҳодисаси рўй берганда киберҳимояни таъминлаш тизимини тезкор тиклаш имконияти мавжудлиги;

киберхужумларни мониторинг, аудит ва таҳлил қилиш, аниқлаш, чора кўриш ҳамда уларнинг оқибатларини бартараф этиш тизимининг самарали йўлга қўйилганлиги;

киберхавфсизлик ва МАИ объектининг киберхавфсизлиги ва унинг эксплуатациясига доир ҳужжатларнинг мавжудлиги.

МАИ объекти раҳбари мазкур объектда киберхавфсизликни таъминлашга масъул шахс ҳисобланади. МАИ объекти раҳбари томонидан белгиланган тартибда объектда киберхавфсизликни таъминловчи ҳимоя тизимининг ишлашини таъминлашга масъул мутахассислар ёки таркибий бўлинма тайинланади.

МАИ объекти раҳбари объектининг ахборот хавфсизлиги сиёсати, киберхавфсизлик соҳасидаги низомлар, кўрсатмалар, талаблар, ҳимоя воситаларидан фойдаланиш, киберхавфсизликни таъминловчи ҳимоя тизимининг ишлашини ташкил этиш ва назорат қилиш тартибини тасдиқлайди ҳамда уларни доимий равишда такомиллаштириш чораларини кўради.

МАИ объектларининг киберхавфсизлигини таъминловчи барча аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий таъминотлар тегишли мувофиқлик сертификатлари ҳамда киберхавфсизлик тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ бўлиши керак.

МАИ объектларининг киберхавфсизлигини таъминлаш бўйича белгиланган талаблар билан бирга қўшимча равишда қуйидагилар:

МАИ объектларининг киберхавфсизлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни режалаштириш, ишлаб чиқиш, такомиллаштириш ва жорий қилиш;

МАИ объектларининг киберхавфсизлигини таъминлаш учун ташкилий, ҳуқуқий ва техник чораларни кўриш;

МАИ объектларининг киберхавфсизлигини таъминлашда қўлланиладиган аппарат, дастурий-аппарат ва дастурий воситаларнинг кўрсаткич ва хусусиятларини белгилаш назарда тутилади.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, бирлашмалар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ваколатли давлат органи ва унинг ишчи органи билан келишган ҳолда ахборот хавфсизлиги сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишда МАИ объектларининг иш фаолияти хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда уларнинг киберхавфсизлигини таъминлаш воситаларига кўшимча талабларни белгилаши мумкин.

Киберхавфсизликни таъминловчи ҳимоя тизими қуйидагиларни таъминлаши зарур:

МАИ объекти томонидан қайта ишланадиган маълумотлардан рухсатсиз фойдаланиш, уларни йўқ қилиш, ўзгартириш, блоклаш (чеклаш), нусхалаш, тақдим этиш, тарқатиш ва шу каби бошқа хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш;

МАИ объектининг иш фаолияти бузилиши ва/ёки тўхтаб қолишига олиб келиши мумкин бўлган аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий воситаларга ахборот таъсирининг олдини олиш;

ўз ичига давлат сирини олмаган, қонунчилик билан ҳимояланган (кейинги ўринларда – конфиденциал) ва махфий маълумотларга киберхавфсизлик таҳдиди шароитида МАИ объектининг тўлиқ ишлашини таъминлаш;

МАИ объекти фаолиятини тиклаш имкониятини таъминлаш.

Автоматлаштирилган ва ахборот тизимларида барча қайта ишланаётган маълумотлар, аппарат, аппарат-дастурий ҳамда дастурий воситалар, шу жумладан компьютерни сақлаш воситалари, иш станциялари, серверлар, телекоммуникация ускуналари, алоқа линиялари, график, видео ва нутқ маълумотларини қайта ишлаш воситалари, аппарат-дастурий воситаларнинг дастурий таъминоти, ахборот тизимларининг архитектураси ва конфигурацияси ҳимоя қилинади. Телекоммуникация тармоқларида алоқа линиялари орқали узатиладиган маълумотлар, телекоммуникация ускуналари, шу жумладан дастурий таъминот, бошқарув тизими, ўрнатилган ҳимоя воситалари, телекоммуникация тармоғи архитектураси ва конфигурациясининг яхлитлиги ҳимоя қилинади. Автоматлаштирилган бошқарув тизимларида бошқариладиган, кузатиладиган объект ёки жараённинг параметрлари ёхуд ҳолати тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан кириш-чиқиш маълумотлари, бошқарув маълумотлари, назорат ва ўлчов маълумотлари ҳамда бошқа муҳим маълумотлар, дастурий таъминот ва аппарат воситалари, шу жумладан иш станциялари, саноат серверлари, телекоммуникация ускуналари, алоқа линиялари, дастурланадиган мантикий текширгичлар, ишлаб чиқариш, технологик ускуналар, аппарат-дастурий воситаларнинг дастурий таъминоти, ўрнатилган ҳимоя воситалари, автоматлаштирилган бошқарув тизимининг архитектураси ва конфигурацияси ҳимоя қилинади.

Хавфсизлик чораларини амалга оширишда аппарат, тизим, дастур ва тармоқ даражаларида, шу жумладан виртуаллашган муҳитда киришнинг барча

объектлари ва субъектларига нисбатан киберхавфсизлик таҳдидларининг ҳисобга олинганлиги мажбурий мезонлардан бири ҳисобланади.

МАИ объектларидаги конфиденциал ва махфий маълумотларни қайта ишлайдиган қурилмаларда, киберхавфсизлик таҳдидларига қараб, қуйидаги чоралар амалга оширилиши зарур:

кичик тизим ёки бошқа тизимларнинг элементларига кириш ҳуқуқи олинишининг ҳар бир босқичида идентификация ва аутентификация қилиш;
файллар, тизимлар ва қурилмаларга кириш ҳуқуқини бошқариш;
ахборот инфратузилмасини бошқариш ваколатига эга бўлмаган фойдаланувчи учун дастурий муҳитни чеклаш;

конфиденциал ва махфий маълумотларни ташувчи воситаларни ҳимоя қилиш;

тизимлар, дастурлар, шу жумладан дастурий ва дастурий-аппарат ресурсларининг киберхавфсизлик аудитини ўтказиш;

МАИ объекти ахборот активларини бузғунчи дастурий таъминотларга қарши ҳимоя қилиш;

киберхужумларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш;
қурилмалар орқали узатиладиган барча маълумотларни қўллаш мақсадларидан қатъи назар уларнинг яхлитлигини таъминлаш;

фойдаланувчиларнинг МАИ объекти фаолиятидаги ўрнига қараб тизим фойдаланувчилари учун маълумотларга рухсат бериш ва ҳимоясини таъминлаш;

ахборот техник ҳимоя воситаларининг хавфсизлигини таъминлаш;
конфигурацияни бошқариш;

дастурий таъминот янгилашларини ўз вақтида бошқариш;

киберхавфсизлик ҳодисаларига ўз вақтида чора кўриш;

фавқулодда вазиятларда зарур ҳаракатларни бажариш;

яхлитлиги, конфиденциаллиги ёки махфийлиги ҳамда мавжудлиги МАИ объектининг фаолияти ва хавфсизлиги билан боғлиқ бўлган муҳим маълумотларнинг захира нусхасини сақлаш;

киберхавфсизликни таъминлаш ҳолатини, рухсатсиз кириш ва ахборотни ўзгартиришга уринишларни доимий назорат ҳамда таҳлил қилиш;

маълумотларни тезкор тиклаш механизмларини амалга ошириш;

объектни унинг киберхавфсизлик талабларига жавоб бериши юзасидан аттестациядан ўтказиш.

Ушбу талабларнинг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар⁴⁸⁷.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар тўловлар тўғрисидаги ахборотни шакллантириш, узатиш, сақлаш ва унга ишлов беришнинг барча босқичларида тўловлар тўғрисидаги ахборотни узлуксиз ҳимоя қилиш учун қуйидаги чораларни кўришлари лозим:

⁴⁸⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг муҳим ахборот инфратузилмаси объектлари киберхавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2023 йил 31 майдаги ПҚ-167-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

идентификация, аутентификация ва авторизация қилиш тизимини жорий этиш;

тизимга рухсатсиз киришнинг олдини олиш усуллари (логин, парол, биометрик идентификация, икки факторли аутентификация (2FA) ва бошқа) қўллаш;

тўлов ҳужжати ва идентификация маълумотларини қалбакилаштириш, уларни рухсатсиз ўзгартириш ҳамда учинчи шахсларга тақдим этишдан ҳимоялаш;

тўлов ахборотлари шакллантирилишини, тўлов ҳужжатининг ҳаққонийлиги текширилишини ва уларга ишлов берилишини ҳамда асосли ўзгартиришлар киритилишини таъминлаш ва назорат қилиш;

тўлов ҳужжатларини узатишда ушбу ҳужжатнинг асл эгасига етказилишини ҳамда бошқа шахсларга жўнатилишининг олди олинишини таъминлаш;

амалга оширилган тўловга оид маълумотларни сақлашда уларни рухсатсиз кўчириш, ўзгартириш, ўчириш ҳамда учинчи шахсларга жўнатилишининг олдини олиш чораларини кўриш;

ташқи сақловчига кўчирилган тўловга оид маълумотларнинг сейфда (темир шкафта) сақланишини таъминлаш ҳамда маълумотларни сақлаш учун масъул ходим (ходимлар) тайинлаш;

ахборот тизимларидаги дастурий таъминотларнинг назоратини ва ҳисобини юритиш ҳамда ахборот тизимларидаги дастурий таъминот талқинларининг, аппарат-дастурий курилмаларининг ва дастурий воситаларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш;

ахборот тизимларининг актуал ҳолатда (охирги версия) бўлишини таъминлаш, бунда дастурий таъминотнинг янги талқинини текширувдан ўтказгандан сўнг ахборот тизимига жорий этиш;

тўлов ахборотларига ишлов бериш, уларни узатиш ҳамда сақлаш жараёнларини электрон баённомаларда автоматик тарзда шакллантириб бориш ҳамда уларнинг сақланишини таъминлаш;

ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш хизмати ҳамда банк ва тўлов тизимларида шубҳали фрод операцияларга қарши чоралар кўриш хизматларини ташкил этиш, шунингдек ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш ҳамда банк карталари билан боғлиқ шубҳали (фрод) операцияларга қарши чоралар кўриш бўйича амалга ошириладиган ишларни назорат қилиш;

ҳисоблаш тармоғининг хавфсизлиги ва криптографик муҳофазасини таъминлаш, компьютер вирусларидан ҳимоялаш, ахборот тизимларига киришни бошқариш, техник воситаларини созлаш ва бошқа чораларни қўллаш;

ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш ҳамда банк карталари билан боғлиқ шубҳали (фрод) операцияларга қарши чоралар кўриш ускуналари, курилмалар, аппарат-дастурий ва дастурий техник воситалари қўлланишини таъминлаш ҳамда уларни мунтазам такомиллаштириб бориш, фойдаланиш тартибларини белгилаш, уларга техник хизмат кўрсатиш,

таъмирлаш ва бошқа ҳолатларда улардан кўзда тутилмаган тарзда рухсатсиз фойдаланишнинг олдини олиш;

қўлланилаётган техник воситаларга барча телекоммуникация тармоқларидан рухсатсиз кириш, улардаги маълумотларни ўзгартириш, ўчириш, қўчириб олишдан ҳимоялаш;

ахборотларни чиқиб кетиши (йўқолишини) олдини олиш;

ахборот тизимига рухсатсиз кириш ёки киберхавфсизлик ҳодисалари содир этилганда, уларни таҳлил қилиш асосида ҳимоя тизимларини мустақкамлаб бориш чораларини кўриш.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар дастурларга ва операцион тизимга зарар келтирувчи зарарли кодлар (компьютер вируслари) ва уларнинг салбий таъсирининг олдини олиш учун қуйидаги чораларни кўриши керак:

ҳисоблаш техникаси қурилмалари (серверлар, компьютерлар ва бошқалар), банкомат, эмбоссер ва тўлов терминалларининг (техник имкониятидан келиб чиқиб) иш фаолиятига зарар етказувчи кодларни (компьютер вирусларини) аниқлаш ва уларнинг салбий таъсирининг олдини олиш чораларини кўриш;

ахборот тизимларида фақат лицензияланган антивирус дастуридан фойдаланиш, уларнинг русумлари ва базалари актуаллиги ҳамда янгиланиб борилишини таъминлаш;

антивирус дастурларининг автоматик тарзда ишлашини таъминлаш;

интернет ва корпоратив тармоқлар орқали келган барча ахборотларни антивирус дастури орқали текшириш.

Тўлов тизимларида ахборотни муҳофаза қилишнинг криптографик усуллари қўлланилиши ва тўлов тизими қоидаларида қуйидагилар белгилаб берилиши лозим:

криптографик муҳофаза воситаларини автоматлаштирилган тизимларга боғлаш, ишга тушириш, ишлатиш ва фойдаланишдан чиқариш тартиби;

криптографик муҳофаза воситаларининг тўхтаб қолиши, ишдан чиқиши ва бошқа ғавқулдда ҳолатларда уларни қайта тиклаш тартиби;

криптографик муҳофаза дастурларига ва техник ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тартиби;

криптографик калитларни бошқариш тартиби;

криптографик калитларни ташувчи қурилмаларни қўллаш, сақлаш, ўзгартириш ва бошқалар бўйича ташкилий, техникавий усулларни қўллаш тартиби.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан ахборот алмашинувида ахборот хавфсизлиги ҳамда киберхавфсизликни таъминлашлари шарт.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчиларнинг ахборотлаштириш объектларига рухсатсиз кириш ҳамда фойдаланишни чегаралаш мақсадида қуйидаги чоралар кўрилиши керак:

ахборотлаштириш объектларига, шу жумладан, банкомат, тўлов терминаллари ва тўлов ўтказиш электрон қурилмаларига жисмонан таъсир этишни ҳамда техник жиҳозлар мавжуд бўлган бино ва хоналарга киришни назорат қилиш;

тўловларни амалга оширишда қўлланиладиган автоматлаштирилган тизимлар, дастурлар, ҳисоблаш техникалари, телекоммуникация қурилмалари параметрлари ва тузилмалари ҳамда тўлов тизимида ишлаш ҳуқуқини берувчи маълумотларни (парол, биометрик ва бошқа маълумотлар) ўз ичига олган техник воситаларнинг жисмоний муҳофазасини (хавфсизлик режимини) таъминлаш ва рухсатсиз таъсир этишнинг олдини олиш;

тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчиларнинг ходимлари ахборотлаштириш объектларига киришини назорат қилиш ва маълумотларни рухсатсиз тарқалишидан ҳимоялаш тизимларини жорий қилиш;

серверлар ва телекоммуникация қурилмалари жойлашган хоналарда ишлаш жараёнларини видеокузатув тизимлари ёрдамида назорат қилиш.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар қуйидаги маълумотларни ўз ичига олган ахборот тизимларининг ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлигини таъминлашлари керак:

банк (карта) ҳисобварағида пул маблағлари қолдиқлари тўғрисидаги маълумотлар;

электрон пуллар қолдиқлари тўғрисидаги маълумотлар;

амалга оширилган тўловлар тўғрисидаги маълумотлар;

нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ўз ичига олган маълумотлар;

банклараро тўлов ва клиринг тизимлари тўлов маълумотлари;

криптографик муҳофазани таъминлаш учун қўлланиладиган криптографик калитлар;

тўловларни амалга оширишда қайта ишланадиган конфиденциал ахборотларни (банк сири, шахсга доир маълумотлар ва бошқа қонун билан муҳофаза қилинадиган маълумотлар);

мижозларнинг банк карталари, аккаунтлари ва идентификациядан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотлар.

Тўлов тизимлари операторлари ёки тўлов хизматларини етказиб берувчилар масофадан тўлов хизматларини кўрсатувчи ахборот тизимларини (мобил илова, интернет банкинг ва бошқалар) (бундан буён матнда масофавий ахборот тизимлари деб юритилади) амалиётга жорий этиш ҳамда уларга ўзгартириш киритишдан аввал қуйидагиларни таъминлашлари лозим:

масофавий ахборот тизимларининг тўловларни ўтказиш билан боғлиқ барча функцияларини синов (тест) тарзида тўлиқ текширувдан ўтказишни таъминлаш;

масофавий ахборот тизимларини техник топшириқлар, уларни техник топшириққа ва киберхавфсизлик талабларига мувофиқлиги юзасидан экспертизадан ўтказиш ҳамда уларнинг натижалари бўйича экспертиза хулосаларини Марказий банкка тақдим этиш;

масофавий ахборот тизимларини уяли алоқа даражасида ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизими, Марказий банкнинг марказлашган антифрод ҳамда замонавий биометрик идентификация тизимларига уланишини таъминлаш;

дастурларни ишлатиш бўйича йўриқномаларни ишлаб чиқиш ва уларнинг актуаллигини таъминлаган ҳолда мижозларга тақдим этиш;

аниқланган заифликларни бартараф этиш учун ўзгаришлар киритилишини таъминлаш;

мижозлар қўллаётган дастурларнинг актуаллигини назорат қилиш.

Тўлов тизимлари операторлари ёки тўлов хизматларини етказиб берувчилар масофавий ахборот тизимларининг янги талқинини (версиясини) жорий этганидан сўнг эски талқиндан (версиядан) фойдаланишни чеклаши ва янги талқинга (версияга) ўтиши (янгилаши) лозим.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар ўзаро тўлов ахборотлари ва тўлов ахборотларига тегишли бўлган маълумотлар алмашинувини телекоммуникация тармоқлари орқали амалга ошириш учун томонларнинг ахборотлаштириш объектлари хусусиятларидан келиб чиқиб, уларнинг вазифалари, жавобгарликлари ва мазкур Низом талабларини ўз ичига олган ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлигини таъминлаш, шунингдек банк карталари билан боғлиқ шубҳали (фрод) операцияларга қарши чоралар кўриш қоидаларини ишлаб чиқиши керак.

Тўлов агенти томонидан банк ёки тўлов ташкилоти билан тўлов хизматларини кўрсатиш учун тузилган агентлик шартномасида ахборот хавфсизлиги бўйича томонларнинг масъулиятлари белгиланган бўлиши керак.

Тўлов субагенти томонидан тўлов агенти билан тўлов хизматларини кўрсатиш бўйича тузилган субагентлик шартномасида ахборот хавфсизлиги бўйича томонларнинг масъулиятлари белгиланган бўлиши керак.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар ахборотнинг конфиденциаллиги ва яхлитлигини, шу жумладан, тўлов хизматларидан фойдаланувчининг шахсига доир маълумотларни муҳофаза қилишда ҳамда етарли хавфсизликни таъминлаш мақсадида қуйидаги чораларни кўришлари лозим:

тўлов тизимида ишлов бериладиган конфиденциал ва шахсга доир маълумотларнинг яхлитлиги ва дахлсизлигини муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш тартибини ишлаб чиқиш;

ички ҳужжатлар билан тартибга солинадиган ҳимояланадиган маълумотлар билан ишлашда хавфсизлик ва конфиденциалликни таъминлаш қоидалари ва талабларини ишлаб чиқиш;

конфиденциал ва шахсга доир маълумотлар билан ишловчи ходимлар сонини имкон даражасида камайитириш, ходимлар билан конфиденциал ва шахсга доир маълумотлар ошкор этилишининг олдини олиш бўйича мажбуриятномалар (шартнома) тузиш ва ушбу маълумотлардан фойдаланиш ҳуқуқларини ходимларнинг лавозим мажбуриятларидан келиб чиқиб белгилаш;

конфиденциал маълумотлар рўйхатини юритиш бўйича комиссия таркибини шакллантириш ва тасдиқлаш;

конфиденциал маълумотлар рўйхати ва ҳажмини аниқлаш ҳамда тасдиқлаш;

конфиденциал маълумотлар билан ишлашга рухсат берилган ходимлар рўйхатини шакллантириш ва тасдиқлаш;

ахборотлаштириш объектининг техник паспортини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

конфиденциал маълумотлар билан ишлаш тартибини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

конфиденциал маълумотларни ташувчи воситаларни рўйхатга олиш, йўқ қилиш, конфиденциал ахборот ташувчиларни ташқарига олиб чиқиш/кириш журналлари юритиш;

маълумотлар яхлитлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида электрон рақамли имзо калитларидан фойдаланиш ҳамда шифрланган маълумотларни сақлаш тартибини белгилаш;

конфиденциал ва шахсга доир маълумотлар мавжуд бўлган ресурсларга киришда идентификация, аутентификация ва авторизация қилинишини таъминлаш;

конфиденциал ва шахсга доир маълумотлар билан ишлаш ҳуқуқларининг рухсатсиз берилишини олдини олиш;

ахборот тизимлари фойдаланувчиларининг муҳофазаланган маълумотларига кириш, ишлов бериш, уларни сақлаш ҳамда тақдим этиш жараёнидаги амалга оширилган ҳаракатларни электрон баённомаларда қайд этиб бориш;

ташқи сақловчи қурилмалар ва техник воситаларнинг бинодан ташқарига олиб чиқилиши ҳамда уларнинг ўғирланишининг олдини олиш;

маълумотларни узатиш, сақлаш, ўчириб ташлаш, уларга ишлов бериш ҳамда уларнинг рухсатсиз четга чиқиб кетишининг олдини олиш чоралари таъминланганлигини назоратга олиш.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар ахборот ва интернет жаҳон ахборот тармоғини, шунингдек, серверлар ва алоқа каналларини эҳтимоли мавжуд бўлган кибертаҳдид ва киберҳужумлардан ҳимоя қилиш учун етарли чораларни кўриши лозим. Ушбу чоралар қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

компьютер тармоқларини сегментлаш ва тармоқлараро экрандан фойдаланиш;

ахборот тармоқлари, шу жумладан, интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали қабул қилинаётган ва узатилаётган маълумотларга рухсатсиз киришнинг олдини олиш бўйича техник (криптографик ва бошқа) ва/ёки ташкилий чоралар кўриш ҳамда тармоқ маълумотларини филтрлашни таъминлаш (тармоқлараро экранларни қўллаш);

ахборот тармоқлари ва веб-сайтлар орқали тўловларни амалга оширишда идентификация, кўп омилли аутентификация ва авторизация

қилиш (кўп омилли аутентификация қилиш мобил ва алоқасиз тўловларни амалга ошириш чоғида қўлланилмайди);

ахборот тармоқлари ва Интернет жаҳон ахборот тармоғи, шунингдек, серверлар ва алоқа каналларидан фойдаланувчиларни идентификация қилиш;

интернет жаҳон ахборот тармоғи ресурсларидан ходимларнинг фойдаланишини прокси-сервер орқали амалга ошириш, иш фаолияти учун зарур бўлмаган веб-сайтларга киришни чегаралаш ва кирилган веб-сайтларни қайд этиб бориш;

ахборот тизимларини асосий ва захира алоқа каналлари билан таъминлаш;

серверлар тармоғини муҳофазалаш (демилитаризация қилинган зоналарини (DMZ) ташкил этиш);

серверларда иш фаолияти учун зарур бўлмаган портларни ёпиш ва хизматларни тўхтатиш;

ахборот тизимига кириш объектлари ва ресурсларининг ҳисобини юритиш;

мобил тўловларни амалга ошириш чоғида фойдаланувчиларни кўп факторли аутентификация қилиш (SMS, QR-код, NFC, бармоқ излари, кўзнинг рангдор пардаси асосида аниқлаш ёки шу каби тасдиқловчи усулларни қўллаш мумкин);

мобил қурилмалар ёрдамида масофадан киришда тўлов маълумотлари ҳамда ахборот тизимларининг (маълумотлар базасининг) ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлигини таъминлаш;

масофавий хизмат кўрсатиш ва бошқа ахборот тизимларида мижозни идентификация ва аутентификация қилиш мақсадида қўлланиладиган (бир марталик ёки кўп марталик) паролларни ишлатиш тартибини белгилаш, тасдиқлаш кодларини қўллаш, бир марталик тасдиқлаш кодларини тизимга шифрланган ҳолда юбориш, антифрод ва биометрик идентификация тизимларини қўллаш, коднинг фаол бўлиш вақти ва бошқаларни ёритиш;

автоматлаштирилган тизимга киришда қўлланилган қурилма тўғрисида идентификация маълумотларини (IP-адрес, MAC-адрес ва бошқа идентификаторлар) қайд этиш;

тажовузларни аниқлаш ва уларнинг олдини олиш тизимларини қўллаш.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш бўйича талабларнинг бузилиши билан боғлиқ бўлган ҳодисаларга нисбатан қуйидаги таъсир чораларини кўришлари лозим:

юзага келиши мумкин бўлган ҳодисаларга нисбатан таъсир чораларини кўриш юзасидан зарур ҳаракатларни олдиндан кўра билиш ҳамда амалга ошириладиган ҳаракатлар рўйхатини белгилаш;

содир бўлган ҳодисаларга нисбатан қисқа муддатларда таъсир чораларини кўриш;

ишнинг узлуksизлигини таъминлаш, шунингдек, ноқонуний тўловлар ва ҳисобварақлардаги қолдиқ маблағларини рухсатсиз ўзгартирилишини олдини

олиш, ахборотни қайта тиклаш ҳамда бошқа салбий ҳолатларни бартараф этиш;

ходимлар томонидан мавжуд ахборот тизимларида ишлашда белгиланган ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик талабларига риоя қилинишини таъминлаш;

юзага келган ҳодисаларнинг келиб чиқиш омилларини аниқлаш мақсадида тармоқ қурилмалари ва ахборот тизимларининг электрон баённомаларини расмийлаштириш, йиғиш, таҳлил қилиш ҳамда уларга асосан тегишли кўрсатмаларни ишлаб чиқиш.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар банкомат, инфокиоск ва тўлов терминалларининг ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлигини таъминлаши лозим. Бунда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлашда қуйидаги чоралар қўлланилади:

банкомат, инфокиоск ва тўлов терминалларининг ҳисобини юритиш ҳамда уларнинг ахборот дастурига рухсатсиз киришининг олдини олиш;

банкомат, инфокиоск ва тўлов терминалларида техник хизмат кўрсатувчи шахслар фаолиятини назорат қилиш ҳамда улар томонидан амалга оширилган ўзгартиришлар бўйича электрон баённома юритиш;

видеокузатув тизимлари ёрдамида банкоматлар билан ишлаш жараёнларини назоратга олиш (банкоматга киритиладиган банк карталарининг пин код рақамлари видеокузатув тизимлари орқали қайд этиш имкониятига эга бўлмаслиги лозим);

бош банк ҳамда унинг инфратузилмалари (филиал, мини-банк ва бошқалар) ва бошқа қўриқланадиган объектларидан ташқарида жойлаштирилган банкоматларнинг видеокузатув маълумотлари бош банк ёки унинг филиалидаги техник қурилмаларга тўғридан тўғри (онлайн) ёзиб борилишини таъминлаш;

банкомат тармоқ кабелларини муҳофазалаш;

банкоматнинг бошқа банкоматлар билан бир хил бўлган қулфларини алмаштириш;

банкоматларни алоқа каналларидан ёки жисмонан боғланган ҳолда эҳтимолий ҳужумлардан (шу жумладан, скиммингдан) ҳимоя қилиш;

банкоматларнинг операцион тизими ҳамда BIOS тизимига кириш ҳуқуқларини мураккаб пароллар билан ҳимоялаш;

аутентификация қилиш тартибини белгилаш;

тўловларни амалга оширувчи қурилмаларнинг ҳисобини юритиш;

банкоматлардаги нақд пул маблағларининг жисмоний муҳофазасини таъминлаш;

тармоқ орқали ахборот алмашинувида ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш;

халқаро тўлов тизимлари билан ишлайдиган ахборот тизимларида халқаро стандартлар (PCI DSS, PTS, PA DSS) талабларига мувофиқ ахборот муҳофазаси воситалари ва тизимларини жорий қилиш.

Тўлов тизимлари операторлари ўз тизимларидаги банкомат ва инфокиоскларда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни банклар билан биргаликда таъминлайди ҳамда уларнинг узлуксиз ва тўғри ишлашини назорат қилади. Агар ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик бўйича маълум бир (ёки барча) масъулият тўлов хизматларини етказиб берувчига юклатилган бўлса, мазкур ҳолат тегишли шартномаларда қайд этилиши ва масъулият юклатилган ташкилотга зарурий шароитлар яратиб (банкоматларнинг ахборот тизимидаги ишлаш ҳуқуқлари) берилиши зарур.

Муҳим тўлов тизимлари операторлари мазкур Низомда белгиланган хавфсизлик чораларига қўшимча равишда қуйидаги ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик чораларини таъминлаши зарур:

тўлов тизимининг узлуксиз ишлаши ишончилигини таъминлаш;

ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш хизматини ташкил этиш ва унинг мажбуриятларини белгилаш;

Ўз ДСт 2875:2014 “Датамарказларга қўйиладиган талаблар. Инфратузилма ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш” стандартининг датамарказ телекоммуникация воситалари инфратузилмаси тайёрлиги ва хавфсизлигининг учинчи даражадан паст бўлмаслигини таъминлаш;

халқаро банк карталаридан фойдаланилганда PCI DSS хавфсизлиги стандарти, Payment Services Directive (PSD2) тўлов хизматларини кўрсатиш директиваси талабларига мувофиқлаштириш;

ахборот тизимлари тўғри ташкил этилганлиги юзасидан нуфузли халқаро аудитор ташкилотларни жалб қилиш орқали АКТ-инфратузилмасини (ахборот хавфсизлиги ҳолатини) аудитдан ўтказишни таъминлаш;

Ўзбекистон Республикасининг “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида муҳим тўлов тизимлари операторларига белгиланган талабларни бажариш.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчиларнинг тўловлар билан боғлиқ маълумотларни сақлаш ва уларга ишлов бериш хоналари билан таъминланган бўлиши керак. Ушбу хоналар қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

рухсатсиз жисмоний киришдан муҳофазаланган бўлиши;

хона биринчи қаватда жойлашган ҳолларда унинг деразалари темир панжара билан жиҳозланган бўлиши;

қўриқлаш ва ёнғиндан огоҳ этувчи иккита ҳимоя тўсиғи хабаргоҳлари билан жиҳозланиши;

тунги вақтда қўриқлаш ва огоҳлантириш қурилмалари билан жиҳозланиши;

видеокузатув орқали назоратга олиниши.

Тўлов тизимлари операторлари ўзларининг тўлов тизимларида ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик чораларини кўришда назорат ва мониторинг ишларини амалга оширишлари лозим.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар автоматлаштирилган тизимлар, иловалар ҳамда ахборот инфратузилма объектларини ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик

заифликларига таҳлил қилиши, ҳар йили камида икки марта рухсатсиз киришга текшириши ва ҳужжатларда қайд этилмаган имкониятлар мавжуд эмаслигини назорат қилиши лозим.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар ҳар йили, келгуси йилнинг биринчи апрелидан кечиктирмай, Марказий банкка ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликнинг таъминланганлик ҳолати тўғрисида ҳисобот тақдим этиши шарт.

Тўлов тизими операторлари, тўлов тизимининг иштирокчилари ва тўлов ташкилотлари таваккалчиликларни бошқариш тўғрисидаги ҳужжатларида жисмоний ва юридик шахсларнинг розилигисиз амалга оширилган пул ўтказмаларининг тавсифи, миқдори ва ҳаракатларини таҳлил этиш орқали банк карталаридан жисмоний ва юридик шахсларнинг розилигисиз амалга оширилган пул ўтказмаларининг мезонларига мос келадиган операцияларни аниқлаш жараёнларини белгилайди.

Тўлов тизими операторлари банк карталари орқали жисмоний ва юридик шахсларнинг розилигисиз пул ўтказмаларини олдини олиш мақсадида транзакцион антифрод тизимларини жорий этиши ҳамда Марказий банкнинг марказлашган антифрод тизимига интеграция қилинишини таъминлаши лозим.

Тўлов тизимининг иштирокчилари ва тўлов ташкилотлари ўзларида сессион антифрод тизимларини жорий этиши ҳамда Марказий банкнинг марказлашган антифрод тизимига интеграция қилинишини таъминлаши лозим.

Тўлов тизими иштирокчилари ва тўлов ташкилотларида банк карталари орқали жисмоний ва юридик шахсларнинг розилигисиз амалга оширилган пул ўтказмаларининг мезонларига мос келадиган операциялар аниқланганда, ушбу операция бўйича тақдим этилган фармойишнинг бажарилишини антифрод тизимлари доирасида амалга оширади.

Тўлов тизими операторлари, тўлов тизимининг иштирокчилари ва тўлов ташкилотлари жисмоний ва юридик шахсларнинг розилигисиз амалга ошириладиган тўловларни олдини олиш мақсадида қуйидагиларни бажариши лозим:

жисмоний ва юридик шахсларнинг розилигисиз амалга оширилган пул ўтказмаларининг тавсифи, миқдори ва ҳаракатларини таҳлил этиши, таваккалчиликларни баҳолаши ва бошқариши ҳамда уларнинг мезонларига мос келадиган операцияларни аниқлаш жараёнларини белгилаши;

жисмоний ва юридик шахслар ўртасида тузилган шартномаларда (оммавий оферталарда) антифрод тизими доирасида банк карталари билан боғлиқ шубҳали (фрод) операцияларга қарши чоралар кўриш масалаларини ёритиши;

банк карталари билан боғлиқ шубҳали (фрод) операциялар бўйича келиб тушадиган мурожаатларни йиғиши ва таҳлил қилиши;

тўлов хизмати фойдаланувчисининг пул маблағларини ўтказиш вақтида, ушбу тўлов шубҳали (фрод) операциялар рўйхатида бўлса, бундай ҳолат ҳақида фойдаланувчига хабар (SMS, мессенжер ёки бошқа ахборот тизимлар

орқали) бериши, такрорий тасдиқ (PIN код, яширин сўзни киритиш ёки бошқа тарзда маълумот) олиши, агар маълум вақт оралиғида ушбу тасдиқ олинмаса, ушбу тўлов операциясини бекор қилиши;

фойдаланувчи томонидан ўзининг ҳисоб-варақларига тегишли тўлов операцияларини тўхтатиш (блокировка қилиш) имкониятини яратиши;

банк карталари билан боғлиқ шубҳали (фрод) операцияларда иштирок этган банк карталари ва ҳисобварақлари, мобил иловалари аккаунтлари ҳамда электрон ҳамёнлар тўғрисида ўзларининг ахборот тизимларида мавжуд бўлган маълумотларни Марказий банкнинг сўровига асосан ўз вақтида тақдим этиши;

ахборот тизимлари ва ресурсларида аниқланган, жисмоний ва юридик шахсларнинг розилигисиз амалга оширилган пул ўтказмаларини ўтказиш ёки ўтказишга уриниш ҳолатлари тўғрисидаги маълумотларни Марказий банкка тақдим этиб бориши.

Тўлов тизими операторлари, тўлов тизимининг иштирокчилари ҳамда тўлов ташкилотлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг розилигисиз тўловлар содир этилган ҳолатларда иштирок этган банк карталари ва ҳисобварақлари, мобил иловалари аккаунтлари ҳамда электрон ҳамёнлардан фойдаланишни вақтинча чекланган (блокланган) муддат мобайнида қонун ҳужжатларида уларни чеклаш (блоклаш) учун бошқа асослар бўлмаганда, улардан фойдаланишга қўйилган вақтинчалик чеклов (блоклаш) олиб ташланади.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг розилигисиз амалга оширилган пул ўтказмаларининг мезонлари Марказий банк бошқарувининг қарорига асосан белгиланади.

Тўлов тизими операторлари, тўлов тизимининг иштирокчилари ҳамда тўлов ташкилотлари EPOS-терминалларида фойдаланишда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш бўйича қуйидагиларни амалга ошириши лозим:

тўлов агентлари ва субагентларининг реестрини юритиши, шунингдек, тўлов агентлари ёки субагентларини рўйхатдан ўтказиш, ўзгартириш ва ўчиришда 1 иш куни ичида Марказий банкка ўзгартирилган реестрни тақдим этиши;

жисмоний шахслар ўртасида пул маблағларини ўтказишни (P2P) амалга ошириш учун алоҳида EPOS-терминалидан фойдаланиши, шунингдек ушбу EPOS-терминалларида бошқа мақсадларда фойдаланишини таъқиқлаши;

EPOS-терминалларида шартномада кўрсатилган мақсадларда фойдаланишни назорат қилиши;

EPOS-терминалларида, шунингдек фойдаланувчи пароллари ва кириш ҳуқуқларидан фойдаланишда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш тартибини ишлаб чиқиши.

Тўлов тизими операторлари ва тўлов тизимининг иштирокчилари Марказий банкнинг мажбурий кўрсатмасига кўра, шубҳали (фрод) операциялари амалга оширилишини чеклаш ёки тўхтатиш мақсадида EPOS-

терминаллардан фойдаланишни тўхтатиш ёки ушбу терминалларни ўчириш чораларини кўриши лозим⁴⁸⁸.

Киберхавфсизликни таъминлаш воситалари мажбурий тартибда сертификатлаштирилади⁴⁸⁹.

Кредит бюрolariда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш мақсадида асосий вазифалари қуйидагилардан иборат бўлган ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш хизмати (бундан буён матнда Хизмат деб юритилади) ташкил этилади:

ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликнинг таъминланганлик даражасини ошириш, уни баҳолаш, шунингдек авариялар ва ходимлар йўл қўйган хатолар натижасида келиб чиқадиган йўқотишларни камайтириш ва содир этилишини олдини олиш;

ахборот инфратузилмасининг яхлитлиги ва хавфсизлигини назорат қилиш;

серверларда ва тармоқ қурилмалардаги дастурий таъминотларни муҳофаза қилиш;

барча технологик жараёнларда ходимлар ҳаракати, шунингдек ахборот тизимларида амалга оширилган ҳаракатлар бўйича электрон баённомалар рўйхатини юритиш;

ахборот тизимларида ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик талабларини бузиш ҳолатларини олдини олиш чораларини кўриш;

маълумотларнинг учинчи шахсларга ошкор этилишини олдини олиш;

ахборот-коммуникация технологиялари инфратузилмасида юзага келган ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик ҳодисалари, кибертахдидлар, киберхужумлар аниқланган вақтда бу ҳақидаги маълумотларни зудлик билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига (бундан буён матнда Марказий банк деб юритилади) тақдим этиш;

ахборот-коммуникация технологиялари инфратузилмаси, ахборот тизимлари ва ресурсларида ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликнинг таъминланганлик ҳолатини ички қоида ва тартибларга мувофиқлигини бир йилда камида икки маротаба ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик таваккалчиликларини ҳисобга олган ҳолда ўрганиш ва ўрганиш натижаларини далолатнома билан расмийлаштириш.

Кредит бюрolari тармоқ ҳамда алоқа каналларини эҳтимоли мавжуд бўлган кибертахдидлар ва киберхужумлардан ҳимоя қилиш учун қуйидаги чораларни кўриши лозим:

компьютер тармоқларини сегментлаш ҳамда янги авлод тармоқлараро экран қурилмаларидан фойдаланиш;

⁴⁸⁸ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2024 йил 24 апрелдаги 13/1-сон қарори (21.05.02024 й., рўй.: 3513-сон) билан тасдиқланган “Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчиларнинг тўлов тизимларида ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш ҳамда рақамли технологиялар воситасида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларни олдини олиш чораларини кўриш тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁴⁸⁹ Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати раисининг 2024 йил 15 октябрдаги 114-сон буйруғи (14.11.2024 й., рўй.: 3574-сон) билан тасдиқланган “Ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини таъминлаш учун қўлланиладиган аппарат, аппарат-дастурий ҳамда дастурий воситаларни сертификатлаштириш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

тармоқ орқали қабул қилинган ва узатиладиган маълумотларга рухсатсиз киришни олдини олиш бўйича техник (криптографик ва бошқа) ва (ёки) ташкилий чоралар кўриш ҳамда тармоқ маълумотларини филтрлашни таъминлаш (янги авлод тармоқлараро экран қурилмаларини қўллаш);

тармоқ қурилмаларидаги ARP (Address Resolution Protocol) жадвалларини электрон архивлаш;

Интернет жаҳон ахборот тармоғи ресурсларидан ходимларнинг фойдаланишини прокси-сервер орқали амалга ошириш, иш фаолияти учун зарур бўлмаган веб-сайтларга киришни чегаралаш ва қирилган веб-сайтларни қайд этиб бориш;

ахборот тизимларини асосий ва захира алоқа каналлари билан таъминлаш;

серверларда иш фаолияти учун зарур бўлмаган портларни ёпиш ва хизматларни тўхтатиш;

ахборот тизимида кириш объектлари ва ресурсларининг ҳисобини юритиш;

масофавий хизмат кўрсатиш ва бошқа ахборот тизимларида мижозни идентификация ва аутентификация қилиш мақсадида қўлланиладиган (бир марталик ёки кўп марталик) паролларни ишлатиш тартибини белгилаш, тасдиқлаш кодларини қўллаш, бир марталик тасдиқлаш кодларини тизимга шифрланган ҳолда юбориш, коднинг фаол бўлиш вақти ва бошқаларни ёритиш;

ахборот тизимида киришда қўлланилган қурилманинг идентификация маълумотларини (IP-манзил, MAC-манзил ва бошқа идентификаторлар) қайд этиш;

тажовузларни аниқлаш ва олдини олиш тизимларини (IDS/IPS) қўллаш ҳамда базасини актуал ҳолатда бўлишини таъминлаш.

Кредит бюрolari кредит ахборотини шакллантириш, узатиш, сақлаш ва унга ишлов беришнинг барча босқичларида узлуксиз ҳимояни таъминлаш учун қуйидаги чораларни кўришлари шарт:

идентификация, аутентификация ва авторизация қилиш тизимини жорий этиш;

тизимга рухсатсиз киришнинг олдини олиш усулларини (логин, парол, кўп факторли аутентификация ва бошқа) қўллаш;

идентификация маълумотларини қалбакилаштириш, уларни рухсатсиз ўзгартириш ҳамда учинчи шахсларга тақдим этишдан ҳимоялаш;

кредит ахборотини узатишда унинг асл эгасига етказилишини таъминлаш ҳамда бошқа шахсларга жўнатилишининг олдини олиш;

кредит ахборотини сақлашда уларни рухсатсиз кўчириш, ўзгартириш, ўчириш ҳамда учинчи шахсларга жўнатилишининг олдини олиш чораларини кўриш;

ташқи сақловчига кўчирилган маълумотларни сейфда (темир шкафта) сақланишини таъминлаш ҳамда маълумотларни сақлаш учун масъул ходим (ходимлар) тайинлаш;

ахборот тизимларидаги дастурий таъминотларнинг назоратини ва ҳисобини юритиш ҳамда дастурий таъминот талқинларининг, аппарат-дастурий қурилмаларининг ва дастурий воситаларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш;

ахборот тизимларининг актуал ҳолатда (охирги версияда) бўлишини таъминлаш, бунда дастурий таъминотнинг янги талқинини амалиётда ишлаб турган ахборот тизимининг иш фаолиятига салбий таъсир кўрсатмасдан тест-синов майдонларида текширувдан ўтказиш ва ижобий натижага эришилганидан сўнг амалиётга жорий этиш;

кредит ахборотини узатиш, сақлаш жараёнларини электрон баённомаларда (log) автоматик тарзда шакллантириб бориш ва сақланишини таъминлаш;

Хизматни ташкил этиш ҳамда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш бўйича амалга ошириладиган ишларни назорат қилиш;

ҳисоблаш тармоғининг хавфсизлиги ва криптографик муҳофазасини таъминлаш, компьютер вирусларидан ҳимоялаш, ахборот тизимларига киришни бошқариш, техник воситаларини созлаш ва бошқа чораларни қўллаш;

ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлашда ускуна, қурилма, аппарат-дастурий ва дастурий техник воситалар қўлланишини таъминлаш ҳамда уларни мунтазам такомиллаштириб бориш, фойдаланиш тартибларини белгилаш, техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш ва бошқа ҳолатларда улардан рухсатсиз фойдаланишнинг олдини олиш;

қўлланилаётган техник воситаларга барча телекоммуникация тармоқларидан рухсатсиз кириш, маълумотларни ўзгартириш, ўчириш ва кўчириб олишдан ҳимоялаш;

ахборотларни чиқиб кетишини (йўқолишини) олдини олиш;

ахборот тизимида рухсатсиз кириш ёки киберхавфсизлик ҳодисалари содир бўлганда, таҳлил қилиш асосида ҳимоя тизимларини мустаҳкамлаб бориш чораларини кўриш.

Кредит бюrolари ахборот тизимларидан маълумотларнинг рухсатсиз узатилиши ва тарқалишидан ҳимоялаш бўйича DLP (Data Loss Prevention) тизими жорий этилиши шарт. Маълумотларни ҳимоя қилишда:

муҳофазаланадиган маълумотларни рухсатсиз турли тармоқ каналлари орқали узатилиши, ҳисобга олинмаган ташқи ташувчига кўчирилиши, рухсатсиз чоп этилиши аниқланиши ва бу ҳақида кредит бюро раҳбариятига маълумот бериш ва келгусида шу каби салбий ҳолатлар бўлмаслигини олдини олиш чоралари кўрилиши;

муҳофазаланадиган маълумотларни сервер ва компьютерларда сақланиши назорат қилиниши лозим.

Кредит бюrolари дастурлар ва операцион тизимларга зарар келтирувчи зарарли кодлар (компьютер вируслари) ва уларнинг салбий таъсирини олдини олиш учун қуйидаги чораларни кўриши шарт:

ҳисоблаш техникаси қурилмалари (серверлар, компьютерлар ва бошқалар), иш фаолиятига зарар етказувчи кодларни (компьютер вирусларини) аниқлаш ва уларнинг салбий таъсирини олдини олиш чораларини кўриши;

ахборот тизимларида фақат лицензияланган антивирус дастуридан фойдаланиш, уларнинг русумлари ва базалари актуаллиги ҳамда янгиланиб борилишини таъминлаши;

антивирус дастурларининг ўрнатилиши ҳамда унинг ишлаши Хизмат томонидан назорат қилиниши;

антивирус дастурларининг автоматик тарзда ишлашини таъминлаши;

тармоқ орқали келган барча ахборотларни антивирус дастури орқали текшириши;

антивирус дастурининг соғломалари бунга масъул бўлмаган кредит бюроси ходимлари томонидан ўзгартириш имконияти бўлмаслигини таъминлаши;

компьютер вируси аниқланганда, ходимлар томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар тартиби белгиланиши.

Кредит бюрolariда антивирус дастурларини марказлашган ҳолда бошқариш тизими жорий этилиши, антивирус дастурининг базаси ҳар кун янгиланиб борилиши ва версияси актуал (маънан эскирмаган) бўлиши таъминланиши лозим.

Антивирус дастурлари серверлар, компьютерлар ва бошқа барча антивирус дастурлари ўрнатилиши мумкин бўлган ҳисоблаш воситаларига ҳамда қурилмаларга ўрнатилган бўлиши лозим.

Антивирус дастурлари Марказий банкнинг мониторинг тизимига уланиши шарт.

Ахборот тизимларида ахборотни муҳофаза қилишнинг криптографик усуллари қўлланилишида қуйидагилар белгилаб оlinиши лозим:

криптографик муҳофаза воситаларини автоматлаштирилган тизимларга боғлаш, ишга тушириш, ишлатиш ва фойдаланишдан чиқариш тартиби;

криптографик муҳофаза воситаларининг тўхтаб қолиши, ишдан чиқиши ва бошқа ғавқулдда ҳолатларда уларни қайта тиклаш тартиби;

криптографик муҳофаза дастурларига ва техник ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тартиби;

криптографик калитларни бошқариш тартиби;

криптографик калитларни ташувчи қурилмаларни қўллаш, сақлаш, ўзгартириш ва бошқалар бўйича ташкилий ҳамда техникавий усулларни қўллаш тартиби.

Кредит бюрolari Марказий банк ва кредит ташкилотлари билан электрон ахборот алмашинувини Марказий банкнинг “Ахборотлаштириш бош маркази” давлат унитар корхонаси билан тузилган шартнома асосида банк телекоммуникация тармоғи орқали амалга оширади. Бунда, қуйидаги хавфсизлик чоралари кўрилиши керак:

а) кредит ахбороти билан ишлаш учун фақат тегишли рухсатга эга бўлган ходимлар қўйилиши;

б) фойдаланувчиларнинг тизимга кириши учун аутентификация қилиш логин ва парол ҳамда аппарат-дастурий воситалар (токен-махсус курилма) ёрдамида амалга оширилиши. Бунда, парол 12 та белгидан кам бўлмаган рақам ва символлар комбинациясидан иборат бўлиши ҳамда парол ва логинларни муддати тугашига қараб ўзгартириш имконияти бўлиши лозим. Паролнинг амал қилиш муддати бир ойдан ошмаслиги лозим;

в) кредит ахбороти алмашинувида қатнашувчи ходимларнинг сервер ва компьютерлари телекоммуникация тармоқлари орқали ишлаши учун аппарат-дастурий воситалар билан жиҳозланиши;

г) ахборотларни қайта ишлаш, узатиш ва қабул қилиш учун ажратилган серверлар ва компьютерларга умумий локал тармоққа уланган бошқа компьютерлардан кириш имконияти бўлмаслиги;

д) кредит бюроси томонидан узатиладиган ва қабул қилинадиган ҳар қандай ахборот электрон рақамли имзо билан тасдиқланиши ҳамда бажарилган ишлар бўйича маълумот автоматик равишда электрон журналга киритилиши. Бунда, электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгаси куйидагиларни амалга ошириши шарт:

электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитидан фойдаланиш устидан назоратни таъминлаши;

электрон рақамли имзо калити сертификатини берган электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатга олиш марказига электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитидан фойдаланиш режими бузилганлиги ёки бузилиши эҳтимоли борлиги тўғрисида хабар қилиши ва электрон рақамли имзо калити сертификатининг амал қилишини тўхтатиб туришни ёхуд мазкур сертификатни бекор қилишни талаб қилиши;

ўзи вакил бўлган юридик шахс қайта ташкил этилганда ва тугатилганда, бу ҳақда электрон рақамли имзо калити сертификатини берган электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатга олиш марказига хабар қилиши;

э) электрон рақамли имзо очик калитининг фойдаланувчиси электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлиги тасдиқланмаган ҳолларда электрон рақамли имзонинг ёпиқ калити эгасига хабар бериши;

ж) кредит бюроларининг тизимларида кредит ахборотига тегишли бўлмаган ахборотларнинг узатилиши тақиқланиши;

з) электрон ахборот алмашинувида виртуал тармоқлар (VPN) асосида ташкил этилган ва ҳимояланган алоқа каналлари қўлланилиши.

Ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш бўйича қўшимча ахборотни муҳофаза қилиш воситалари қўлланилиши мумкин.

Кредит бюрolari тизим иштирокчилари билан тузилган шартномаларда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш ҳамда конфиденциал, жумладан банк сирини ташкил этувчи ва шахсга доир маълумотларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича талабларни белгилаши шарт.

Кредит бюрolari ахборотлаштириш объектларига рухсатсиз кириш ҳамда фойдаланишни чегаралаш мақсадида куйидаги чораларни кўриши керак:

ахборотлаштириш объектларига жисмонан таъсир этишни ҳамда техник жиҳозлар мавжуд бўлган бино ва хоналарга киришни назорат қилиш;

ходимларнинг ахборотлаштириш объектларига киришини назорат қилиш ва маълумотларнинг рухсатсиз тарқалишидан ҳимоялаш тизимларини жорий қилиш;

серверлар ва телекоммуникация қурилмалари жойлашган хоналарда ишлаш жараёнларини видеокузатув тизимлари ёрдамида назорат қилиш.

Кредит бюrolари барча турдаги маълумотларни (шу жумладан, банк сирини ташкил этувчи, шахсга доир ва бошқа қонун билан муҳофаза қилинадиган маълумотларни) сақловчи ахборот тизимларининг ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлигини таъминлашлари шарт.

Кредит бюrolари ахборотнинг конфиденциаллиги ва яхлитлигини, шу жумладан шахсга доир маълумотларни муҳофаза қилишда ҳамда хавфсизликни таъминлашда қуйидаги чораларни қўришлари лозим:

ахборот тизимлари орқали ишлов бериладиган конфиденциал ва шахсга доир маълумотларнинг яхлитлиги ва дахлсизлигини таъминлаш ҳамда улардан фойдаланиш тартибини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

ички ҳужжатлар билан тартибга солинадиган ҳимояланадиган маълумотлар билан ишлашда хавфсизлик ва конфиденциалликни таъминлаш қоидалари ва талабларини ишлаб чиқиш;

конфиденциал ва шахсга доир маълумотлар билан ишловчи ходимлар сонини имкон даражасида камайитириш, ходимлар билан конфиденциал ва шахсга доир маълумотлар ошкор этилишининг олдини олиш бўйича мажбуриятномалар (шартнома) тузиш ва ушбу маълумотлардан фойдаланиш ҳуқуқларини ходимларнинг лавозим мажбуриятларидан келиб чиқиб белгилаш;

конфиденциал маълумотлар рўйхатини юритиш бўйича комиссия таркибини шакллантириш ва тасдиқлаш;

конфиденциал маълумотлар рўйхати ва ҳажмини аниқлаш ҳамда тасдиқлаш;

конфиденциал маълумотлар билан ишлашга рухсат берилган ходимлар рўйхатини шакллантириш ва тасдиқлаш;

ахборотлаштириш объектининг техник паспортини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

конфиденциал маълумотларни ташувчи воситаларни рўйхатга олиш, йўқ қилиш ҳамда ташқарига олиб чиқиш ва кириш журналларини юритиш;

маълумотлар яхлитлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида электрон рақамли имзо калитларидан фойдаланиш ҳамда шифрланган маълумотларни сақлаш тартибини белгилаш;

конфиденциал ва шахсга доир маълумотлар мавжуд бўлган ахборот ресурсларига киришда идентификация, аутентификация ва авторизация қилинишини таъминлаш;

конфиденциал ва шахсга доир маълумотлар билан ишлаш ҳуқуқларининг рухсатсиз берилишини олдини олиш;

ахборот тизимлари фойдаланувчиларининг муҳофазаланган маълумотларига кириш, ишлов бериш, уларни сақлаш ҳамда тақдим этиш жараёнидаги амалга оширилган ҳаракатларни электрон баённомаларда қайд этиб бориш;

ташқи сақловчи қурилмалар ва техник воситаларнинг бинодан ташқарига олиб чиқилишини назорат қилиш;

маълумотларни узатиш, сақлаш, ишлов бериш, ўчириш ҳамда рухсатсиз четга чиқиб кетишини олдини олиш чоралари таъминлаш.

Кредит бюrolари ахборот тизимларида ишлаш жараёнида, шу жумладан ишлаб чиқиш ва синовдан ўтказиш жараёнида ваколатларни чегаралаш учун қуйидаги чораларни кўришлари лозим:

ахборот тизимларида ишлаш ҳуқуқларини белгиловчи тартиб ва қоидаларни ишлаб чиқиш ва уларни лавозим йўриқномаларида акс эттириш ҳамда тегишли ҳужжатга (ариза, талабнома ёки бошқа шаклга) асосан тизимдан фойдаланиш тартибини таъминлаш;

ахборот тизимларида ишлаш ҳуқуқи берилган масъул ходимлар рўйхатини шакллантириш;

ахборот тизимларида ишлаш ҳуқуқларини белгилаш ва тақсимлаш билан боғлиқ ҳаракатларни рўйхатга олиш;

ахборот тизимларида ишлаш ҳуқуқлари мантиқан ва иш вазифасидан келиб чиқиб тўғри белгиланганлигини даврий (ҳар чоракда бир маротаба) текшириб туриш;

ахборот тизимларининг ишлаши ва синовдан ўтказилиш даврида ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш ҳамда берилган ахборот тизимларида ишлаш ҳуқуқлари тўғрилигини назорат қилиш;

ахборот тизими фойдаланувчилари ахборот тизими томонидан берилган ҳуқуқларни ўзгартириш имкониятига эга бўлмаслигини таъминлаш ҳамда бу ҳуқуқларни бегона шахсларга беришни чеклаш чораларини кўриш.

Кредит бюrolари ўзларининг ахборот тизимларига ўзгартириш киритиш учун бошқа ташкилотларни жалб қилганда қуйидагиларни амалга оширишлари зарур:

конфиденциал ва шахсга доир маълумотларни ошкор этмаслик бўйича битим тузиш;

ахборот тизимларида муҳофаза қилинадиган маълумотлар билан ишлашни белгиланган тартибда рухсат бериш асосида амалга ошириш;

тегишли лицензия ва (ёки) бошқа рухсатномага эга бўлган (агар ушбу фаолият лицензия ёки тегишли рухсатнома асосида амалга оширилса) ташкилотларни жалб қилиш;

ахборот тизимларини лойиҳалаш босқичида маълумотларнинг конфиденциаллигини таъминлаш чораларини ишлаб чиқиш;

кўриладиган ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш бўйича чоралар (амалга ошириладиган ишлар, ўрнатиладиган дастурлар, қурилмалар ва бошқалар) ва аниқ кўрсатилган техник топшириқни қабул қилиш (тест синовларини амалга ошириш режаси) ҳамда бошқа тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш;

дастурий таъминотни ишлаб чиққан ва унга ўзгартириш киритган (киритадиган) ташкилотлар рўйхатини тузиш;

ахборот тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этишнинг тахминий муддатларини ҳамда шартларини белгилаб олиш;

жалб қилинган ташкилот ходимлари томонидан ахборот тизимларига киритиладиган ўзгартиришларнинг асослилигини, мавжуд техник топшириқларга мослигини, ахборот тизимига алоқадор бўлмаган дастурлар (тизим функциялари) киритилмаслиги ва тест синовлари натижаларининг ижобийлигини Хизмат ҳамда ахборотлаштириш бўйича масъул ходим томонидан назоратга олиш.

Кредит бюrolари электрон почта тизими серверини ўзининг локал хисоблаш тармоғида яратади.

Кредит бюrolари интернет тармоғи ва электрон почта тизимларидан фойдаланишда ахборот муҳофазасини таъминлаш, ходимларни тизимга киритиш, уларга чекловлар қўйиш, ходимлар ҳаракати ва тизим ахборот хавфсизлиги устидан назорат қилишни ўзининг ички хужжатларида белгилайди.

Кредит бюrolари томонидан конфиденциал ва шахсга доир маълумотлар рухсат берилган ахборот тизимлари орқали юборилиши шарт.

Файлларни узатиш протоколи (FTP) серверида ташкил қилинган умумий каталог орқали файл алмашинувини амалга ошириш ва банк сири маълумотларини тармоқда эркин ўқиш учун жойлаштириш тақиқланади.

Кредит бюrolари томонидан интернет ва электрон почта орқали юборишга тайёрланган ёки қабул қилинган ҳар бир электрон маълумот антивирус дастури ёрдамида текширилиши шарт. Электрон почта орқали қабул қилинган маълумотлар зарар келтирмаслиги учун қумдонда (Sandbox тизими) текширилиши лозим.

Кредит бюrolари ўзининг электрон почта тизими ҳамда интернет тармоғидан фойдаланиш тартибини ички хужжатлари билан белгилайди ҳамда электрон почта орқали юборилган ва қабул қилинган маълумотларни Хизмат томонидан назорат қилинишини таъминлайди. Бунда фақат рухсат берилган фойдаланувчилар интернет тармоғидан фойдаланиши ва интернет тармоғидан фойдаланишда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш чоралари қўрилиши керак.

Интернет тармоғи ва банк телекоммуникация тармоғи алоҳида маршрутизатор (router) ва алоҳида тармоқлараро экран (firewall) қурилмалари орқали жисмонан уланиши шарт.

Ахборот муҳофазасини кучайтириш мақсадида тармоқ протоколида (TCP/IP) тармоқ транзит пакетларининг IP манзилларини ўзгартириш имконини берувчи тармоқ адресларини ўзгартириш протоколи (NAT) қўлланилиши мумкин. Бунда тармоқ орқали барча уланишларнинг электрон журналлари асл IP манзиллар кўрсатилган ҳолда юритилиши ва белгиланган тартибда электрон архивга олиниши шарт.

Интернет тармоғидан фойдаланиш тартиби назоратга олинган бўлиши ва кредит бюроси ходимларининг интернет тармоғидан фойдаланишлари уларнинг лавозим йўриқномасига асосан белгиланади.

Интернет тармоғидан фойдаланган ходимнинг логини, фойдаланиш вақти, ресурс номи ва бошқа маълумотлар акс эттирилган электрон баённомалар юритилиши керак. Хизмат ушбу электрон баённомаларни таҳлил қилиб боради.

Интернет тармоғидан фойдаланишда ахборот муҳофазасини таъминлаш янги авлод тармоқлараро экран қурилмалари, прокси-сервер, антивирус, тажовузларни аниқлаш ва олдини олиш (IDS/IPS), anti-spam, anti-bot ва бошқа ахборот хавфсизлиги тизимларини қўллаш йўли билан амалга оширилади.

Кредит бюрolari ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлашга доир талабларнинг бузилиши билан боғлиқ бўлган ҳодисаларни аниқлаш мақсадида қуйидаги ишларни ташкил этиши шарт:

қўлланилиши зарур бўлган ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик бўйича ташкилий чораларни аниқлаш;

мавжуд техник қурилмаларни ишлатиш, созлаш ҳамда улардаги маълумотларни қайд этиш;

ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик талабларининг бузилиши билан боғлиқ ҳодисаларни аниқлаш чораларини кўриш ҳамда ушбу ҳолатлар кредит бюроси ходимлари томонидан аниқланганда Хизматни хабардор қилиш;

ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик талабларининг бузилиши билан боғлиқ ҳодисалар юзага келганда, уларни бартараф этиш, юзага келиш сабабларини аниқлаш, таҳлил қилиш ҳамда аниқланган ҳодисалар юзага келмаслиги бўйича тегишли чоралар кўриш;

аниқланган ҳодисаларни рўйхатга олиб бориш (реестрини юритиш);

аниқланган ҳодисалар тўғрисидаги маълумотларни сақлаш тартибини белгилаш;

ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлашнинг бошқа чораларини кўриш.

Кредит бюрolari ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик талабларининг бузилиши билан боғлиқ ҳодисалар тўғрисида Марказий банкка зудлик билан ёзма ёки электрон шаклда хабар бериши шарт.

Кредит бюрolari ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш бўйича талабларнинг бузилиши билан боғлиқ ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида қуйидагиларни белгилаши шарт:

ахборот тизимларида ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик таваккалчиликларини бошқариш тартиби ва уларни баҳолаш мезонлари;

ахборот тизимида нохуш ҳодисалар юзага келганда ўзаро ҳаракатланиш тартиби;

содир бўлган нохуш ҳодисаларга нисбатан таъсир чораларини кўриш бўйича амалга ошириладиган ҳаракатлар рўйхати;

ишнинг узлуксизлигини таъминлаш, ахборотни қайта тиклаш ҳамда бошқа салбий ҳолатларни бартараф этиш чоралари;

ходимлар томонидан мавжуд ахборот тизимларида ишлашда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик талаблари;

юзага келган ҳодисаларнинг келиб чиқиш омилларини аниқлаш мақсадида тармоқ қурилмалари ва ахборот тизимларининг электрон баённомаларини расмийлаштириш, йиғиш, таҳлил қилиш ҳамда уларга асосан тегишли кўрсатмалар.

Ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлашга доир талабларнинг бузилиши билан боғлиқ аниқланган ҳодисалар сабабларини таҳлил қилиш ҳамда уларга таъсир кўрсатиш натижаларини баҳолаш лозим. Бунда аниқланган ҳодисалар сабабларини таҳлил қилиш ҳамда уларга таъсир кўрсатиш натижаларини баҳолаш тизими қуйидагиларни ўз ичига олиши шарт:

аниқланган ҳодисаларга нисбатан таъсир чоралари кўрилгандан кейин ушбу ҳодисаларнинг келиб чиқиш сабабларини Хизмат томонидан тегишли бўлинмалар билан биргаликда таҳлил қилиш тартиби;

ахборот тизимларининг тегишли электрон баённомаларини ўрганиш ҳамда аниқланган ҳодисанинг юзага келишига сабабчи бўлган ходимлардан тушунтиришлар олиш;

ҳодисаларнинг келиб чиқиш сабабларига ойдинлик киритиб, бундай ҳолатлар юзага келмаслиги ёки юзага келганда унинг зарар келтириш имкониятларини камайтириш чораларини кўриш (шу жумладан, тегишли мутахассисларни жалб қилган ҳолда);

ҳодисаларнинг салбий таъсир кўрсатиш даражасига қараб таснифлаш ва баҳолаш мезонига асосан уларни баҳолаш.

Ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлашга доир талабларнинг бузилиши билан боғлиқ аниқланган ҳодисаларга нисбатан кўрилган таъсир чоралари, уларни баҳолаш натижалари ва бошқа қўшимча маълумотлар чоп этилиши ҳамда алоҳида йиғмажилдда сақланиши зарур.

Ахборот тизимларининг узлуксиз ишлаши ва барқарорлигини таъминлаш мақсадида қуйидаги чоралар кўрилиши шарт:

асосий ахборот тизимлари ишдан чиққан ҳолатларда хизматлардан фойдаланишни камида 99,9 фоиз даражада таъминлай олиш имкониятига эга захира сервер қувватларига эга бўлиши;

реал вақт режимида маълумотларни қайта ишловчи ахборот инфратузилмасида камида 30 фоизгача захира жой бўлиши;

ахборот тизими билан боғлиқ тармоқ ва бошқа қурилмалар носоз ҳолатга келганда, уни иш жараёнига келтириш ва узлуксиз ишлашини таъминлаш;

операцион тизим, дастурий таъминотлар, ахборот тизимларининг дастурлари, маълумотлар (маълумотлар базаси, созуламалари, электрон баённомалар) нусхаларини захирага (backup) олиш ва электрон архивда сақлаш ҳамда уларни қайта тиклаш тартибини (механизмини) ишлаб чиқиш, уларнинг ҳисобини юритиш ва назоратини олиб бориш;

захира тикланиш режаси, техник қурилма ва ускуналарга эга бўлиш;

маълумотларнинг захирага олинган (backup) нусхаларини техник носозликларда ва фавқулодда вазиятларда қайта тиклаш режасини ишлаб чиқиш ва даврий (бир йилда бир маротаба) равишда ахборот тизимини қайта тиклаб текшириш;

захира нусхаларини сақлаш муддати, тартиби ва захирадан ечиш қоидаларига риоя қилиш;

дастурларга ўзгартириш киритишни синов (тест) учун мўлжалланган серверларда текшириш;

тизимдаги қурилма ва ускуналарнинг ишлашини назорат қилиш;

ахборот тизимининг узлуксизлигига салбий таъсир этиши мумкин бўлган ҳолатларни олдини олиш ва ахборот муҳофазасини таъминлаш;

дизел электр станцияси ва (ёки) бошқа электр таъминоти узлуксизлигини таъминлаш воситаларидан (UPS ва бошқалар) фойдаланиш;

ишлов берилган маълумотларни сақлаш ва уларнинг электрон архивда юритилишини таъминлаш;

мижозларнинг ҳаракатига тегишли бўлган маълумотларни камида беш йил сақланишини таъминлаш;

электрон архив юритишда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлашга доир талабларга риоя этилиши бўйича ишчи гуруҳ тузган ҳолда бир йилда камида икки маротаба текшириш ва натижалари тўғрисида Марказий банкка маълумот бериш;

ахборот узатиш захира тармоқларига эга бўлиш.

Кредит бюрolari асосий ахборот тизимлари жойлашган жойдан 50 километрдан кам бўлмаган масофада жойлашган ҳудудлардаги шаҳар марказларида захира ахборот тизимларини ташкил этиши лозим. Бунда асосий ва захира ахборот тизимлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ташкил этилади.

Ахборот тизимларидаги маълумотлар (электрон баённомалар ва ҳ.к) электрон архивларда камида икки нусхада (хусусан, асосий ва захира ахборот тизимларининг ҳар бирида битта нусхадан) сақланиши мумкин.

Кредит бюроси ўз фаолияти давомида шаклланадиган барча ахборот ва ҳужжатларни рақамли шаклда тартибли равишда сақлаш мақсадида электрон архив тизимини ташкил этиши ва юритиши шарт.

Электрон архивда қуйидаги маълумотлар мажбурий равишда сақланиши лозим:

фойдаланувчиларнинг тизимга кириш ва чиқиш журналлари (баённомалари);

ёзувлар устида амалга оширилган ҳаракатлар (яратиш, ўзгартириш, ўчириш) бўйича баённомалар (логлар);

кредит тарихига оид барча кирувчи ва чиқувчи сўровлар;

кредит тарихини тузатиш ёки рад этиш бўйича ариза ва қарорлар;

электрон почта орқали қабул қилинган ва юборилган ҳужжатлар;

ARP (Address Resolution Protocol) жадваллари, тизим хатоликлари ва рухсатсиз кириш уринишлари ҳақида техник баённомалар (loglar);

захиралаш ва тиклаш бўйича амалиётлар журнали.

Захира нусхаларни сақлаш, юритиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ талаблар қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) захира нусхаларни сақлаш муддати:

тизим конфигурацияси, электрон баённомалар ва лог файллар – бир йил;
молиявий ва миқозларга оид операцион маълумотлар – беш йил;

ички хизматлар фаолиятига тегишли жорий маълумотлар – олти ойни ташкил этади;

б) захира нусхаларини тиклаш ва ўчириш фақат ваколатга эга бўлган масъул ходимлар томонидан амалга оширилиши лозим. Бунда, барча ҳаракатлар расмийлаштирилиши ва электрон баённомалар (лог)да қайд этилиши керак;

с) сақлаш муддати якунига етган захира нусхалар уларнинг махфийлик даражаси ва ахборот хавфсизлиги талаблари инобатга олинган ҳолда қайта тиклаб бўлмайдиган қилиб йўқ қилинади. Бунда, барча жараёнлар электрон баённомалар (log)да қайд этилади.

Кредит бюроларининг фаолияти тугатилганда, улардаги мавжуд электрон архивнинг ахборот ресурслари қонунчиликда белгиланган тартибда тегишли давлат ёки нодавлат архивларига топширилади.

Кредит бюрolari қайта ташкил этилганда, уларнинг электрон архив маълумотлари тегишли давлат архивлари билан келишилган ҳолда мазкур ташкилотнинг ҳуқуқий ворислари электрон архивига топширилади.

Кредит ахборотидан фойдаланувчилар кредит бюроларининг ахборот тизимларига рухсат этилмаган ҳолда кириш, кредит ахборотини йўқ қилиб юбориш, ўзгартириш, ундан бошқа шахслар фойдаланиши ёки уни ошкор этилишини олдини олиш учун ташкилий ва техник чоралар кўриши лозим⁴⁹⁰.

Кредит ва тўлов ташкилотлари жисмоний шахсларнинг шахсига доир, идентификация ва тўлов билан боғлиқ барча турдаги маълумотларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида уларни ўз ахборот тизимларида шифрланган ҳолда сақлаши шарт.

Ахборот тизимларидаги маълумотларнинг рухсатсиз тарқалишининг олдини олиш мақсадида маълумотларни рухсатсиз тарқалишидан ҳимоялаш тизими DLP (Data Loss Prevention) жорий этилиши лозим.

Ахборот тизимида фойдаланувчи ва тизимнинг ўзи томонидан амалга оширилган барча ҳаракатлар автоматик тарзда журналлаштирилиши шарт. Журналлар сохталаштириш ва ўзгартиришдан ҳимояланган форматда сақланиши лозим. Журнал маълумотларининг яхлитлигини таъминлаш мақсадида WORM (Write Once Read Many) технологиясидан фойдаланиш тавсия этилади.

Имтиёзли функциялар ва юқори даражадаги тизим ҳуқуқлари орқали амалга оширилган барча ҳаракатларга фақат чекланган доирадаги ходимлар томонидан киришга рухсат берилиши шарт. Бундай ҳуқуқлардан фойдаланиш

⁴⁹⁰ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2025 йил 19 августдаги 20/2-сон қарори (2309.2025 й., рўй.: 3679-сон) “Кредит бюроларининг ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлигига доир минимал талаблар тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

жараёнлари мажбурий тарзда кўп омилли аутентификация MFA (Multi-Factor Authentication) орқали ҳимояланиши лозим.

Имтиёзли функциялар ва юқори даражадаги тизим ҳуқуқлари доирасида амалга ошириладиган фаолиятнинг тўлиқ назорати ва журналлаштирилиши PAM (Privileged Access Management) тизими орқали амалга оширилиши керак.

Кредит ва тўлов ташкилотлари ахборот тизимларидаги маълумотларни ҳимоя қилиш учун криптографик ҳимоя воситаларидан фойдаланишда қуйидаги талабларни бажаришлари шарт:

алоқа каналлари орқали ахборот алмашинувини фақат ҳимояланган Transport Layer Security (TLS) протоколидан (1.3 ёки ундан юқори версия) фойдаланган ҳолда амалга ошириш;

маълумотларни шифрлашда AES-256/GCM алгоритмидан фойдаланиш;

криптографик калитларнинг айланиш (ротация) сиёсатини киберхавфсизлик соҳасидаги ваколатли давлат органи томонидан белгиланган талаблар доирасида амалга ошириш;

криптографик калитлар камида йилда бир маротаба янгиланиб борилишини таъминлаш;

криптографик калитлар билан боғлиқ барча ёзувлар (логлар), шу жумладан калит яратиш, айлантириш, бекор қилиш ва фойдаланиш ҳолатлари тўғрисидаги маълумотларни камида 3 йил давомида сақлаш;

криптографик калитларнинг муддати ўтганидан кейин уларни белгиланган тартибда йўқ қилиш ёки архив ҳолатига ўтказиш ҳамда бу жараёни тегишли далолатнома билан расмийлаштириш.

Кредит ва тўлов ташкилотлари криптографик калитларни бошқаришда калитларни бошқариш тизими (KMS) ёки аппарат хавфсизлик модули (HSM)дан фойдаланишлари мумкин.

Криптографик алгоритмлар ёки протоколларнинг версиялари (жумладан, TLS, AES ва бошқалар) эскирган ёки заиф деб топилса, кредит ва тўлов ташкилотлари маълумотларни ҳимоя қилишда янгиланган, эквивалент ёки ундан юқори даражадаги хавфсизликни таъминлайдиган криптографик алгоритмлар ва протоколлардан фойдаланишлари лозим.

Кредит ва тўлов ташкилотлари ахборот тизимлари доирасида амалга оширилган барча техник жараёнлар, фойдаланувчи фаолияти, хавфсизлик билан боғлиқ ҳолатлар, операция журналлари ва тегишли дастурий ёзувларни камида 3 йил мобайнида хавфсиз ва ишончли шаклда сақлаши лозим.

Кредит ва тўлов ташкилотлари томонидан жорий этилган мобил иловалар ва уларнинг веб-талқини ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш талабларига тўлиқ жавоб бериши лозим.

Мобил иловага техник хавф туғдирувчи қурилмаларда ишлашини автоматик тарзда аниқлаш ва блоклаш механизмлари жорий этилиши лозим.

Кредит ва тўлов ташкилотлари қуйидаги ҳолатларда мобил илованинг ишлашини чеклаши лозим:

андроид операцион тизимида ишловчи қурилманинг тизим ҳуқуқларига ноқонуний кириш орқали хавфсизлик сиёсати бузилганда (root);

iOS операцион тизимида ишловчи қурилмада ишлаб чиқарувчи томонидан ўрнатилган хавфсизлик чекловлари ўчирилиб, тизимга чуқур кириш имконияти яратилганда (jailbreak).

Мобил илова ишга туширилганда қурилманинг хавфсизлик ҳолати таҳлил қилиниши (SafetyNet Attestation, Play Integrity API, Jailbreak detection каби воситалар) ва салбий ҳолат аниқланганда мобил илованинг иш фаолияти тўхтатилиб, фойдаланувчига СМС-хабарнома юборилиши шарт. Ушбу ҳолат баённома (loglar) базасига автоматик тарзда қайд этилиши лозим.

Мобил илова дастур кодига рухсатсиз кириш, тахрирлаш, тескари муҳандислик (reverse engineering) ва декомпиляция орқали таҳлил қилиш имкониятини чекловчи махсус технологиялар билан ҳимоя қилиниши шарт.

Кредит ва тўлов ташкилотлари мобил илова орқали тарқалиши мумкин бўлган зарарли кодлар, дастурлар ва фродга оид таҳдидларни аниқлаш ва уларнинг олдини олиш мақсадида мобил SDK (Software Development Kit) орқали антивирус ва антифрод функциялари билан таъминланган хавфсизлик модулларини интеграция қилиши керак.

Кредит ва тўлов ташкилотлари мобил иловани реал вақт режимида таҳдидлардан ҳимоя қилиш учун RASP (Runtime Application Self-Protection) технологияларини жорий қилиши лозим.

Кредит ва тўлов ташкилотлари ўз веб-талқинларида қуйидаги ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш чораларини кўришлари шарт: маълумот алмашинуви HTTPS протоколи орқали амалга оширилиши ва HSTS (Strict Transport Security) сиёсати фаоллаштирилиши;

веб-талқинга юкланадиган JavaScript кодларининг яхлитлигини таъминлаш учун SRI (Subresource Integrity) ёки шунга мос механизмлар қўлланиши;

браузер муҳитида аномал фаолликни (бот фаоллиги, автокликер, виртуал муҳит) аниқлаш учун тегишли киберхавфсизлик воситаларини жорий қилиши.

Кредит ва тўлов ташкилотлари мобил иловалар ва уларнинг веб-талқинида сессия бошқаруви ҳамда аутентификация хавфсизлигини ўзининг антифрод тизимларида белгиланган талаб ва қоидаларга асосан таъминлайди.

Фойдаланувчининг фаолияти, сессиялари, аномал ҳаракат ва таҳдидлар билан боғлиқ барча маълумотлар баённомалаштирилиши (логлаш) ҳамда марказлашган мониторинг (SIEM) тизимида интеграция қилинган ҳолда реал вақт режимида кузатилиши ва қайд этилиши шарт.

Кредит ва тўлов ташкилотларининг мобил иловаларига қисқа вақт оралиғида ноодатий даражада кўп сўровлар келиб тушганда ахборот тизимининг барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида бундай сўровларга нисбатан чекловлар жорий этиши, вақтинчалик блоклаш ёки бошқа ҳимоя чораларини мустақил равишда қўллашлари лозим.

Мобил иловадаги аккаунтга 1 дақиқа мобайнида 1 та IP манзилдан 2 ва ундан ортиқ қурилмадан уриниш ҳолатлари кузатилса, ушбу аккаунт 10 дақиқага блокраниши лозим⁴⁹¹.

Оператор, провайдер, дилер ва эшиттирувчилар телекоммуникациялар тармоқларида ахборот ва киберхавфсизликни таъминлашда ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш соҳасида қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиши, жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Wi-Fi хизмати ташкилотчиси оператор ёки провайдер билан биргаликда, ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Оператор ва провайдерлар телекоммуникациялар хизматларини кўрсатишда ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши шарт. Телевидение тармоқлари орқали қонунчилик билан тақиқланган маълумотларни тарқатишга йўл қўйилмайди. Абонентлар ва фойдаланувчилар телекоммуникациялар ёрдамида тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотни тарқатмасликка мажбур⁴⁹².

Ахборот тизимларининг тармоқлараро боғланиши турли ахборот тизимлари ўртасида ахборот алмашиш учун амалга оширилади.

Белгиланган нормалар ва қоидаларга мувофиқ ўзаро тармоқлараро боғланиш имкониятини ахборот тизимларининг мулкдорлари, эгалари таъминлайди.

Турли ахборот тизимларининг тармоқлараро боғланиши ахборот тизимларининг мулкдорлари, эгалари ўртасидаги шартнома асосида амалга оширилади.

Тармоқлараро боғланишни амалга ошириш ҳамда турли ахборот тизимларининг ўзаро алоқада бўлиш тартиби ва шартлари махсус ваколатли орган томонидан белгиланади.

Ахборот ресурслари ва ахборот тизимларини муҳофаза қилиш қуйидаги мақсадларда амалга оширилади:

шахс, жамият ва давлатнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш;

ахборот ресурсларининг тарқалиб кетиши, ўғирланиши, йўқотилиши, бузиб талқин этилиши, тўсиб қўйилиши, қалбакилаштирилиши ва улардан бошқача тарзда рухсатсиз эркин фойдаланилишининг олдини олиш;

⁴⁹¹ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2025 йил 23 декабрдаги 35/14-сон қарори (21.01.2026 й., рўй.: 3759-сон) билан тасдиқланган “Кредит ва тўлов ташкилотлари, тўлов тизими операторлари томонидан жисмоний шахсларга масофадан молиявий хизматлар кўрсатишда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш ҳамда фрод ҳолатларининг олдини олиш бўйича минимал талаблар тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁴⁹² Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 6 январдаги 287-мх-сон буйруғи (26.01.2026 й., рўй.: 3762) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

ахборотни йўқ қилиш, тўсиб қўйиш, ундан нусха олиш, уни бузиб талқин этишга доир рухсатсиз ҳаракатларнинг ҳамда ахборот ресурслари ва ахборот тизимларига бошқа шаклдаги аралаштиришларнинг олдини олиш;

ахборот ресурсларидаги мавжуд давлат сирлари ва махфий ахборотни сақлаш.

Ахборот ресурслари ва ахборот тизимлари, агар улар билан ғайриқонуний муносабатда бўлиш натижасида ахборот ресурсларининг ёки ахборот тизимларининг мулкдорларига, эгаларига ёхуд бошқа юридик ҳамда жисмоний шахсларга зарар етказилиши мумкин бўлса, муҳофаза қилиниши керак.

Давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар давлат сирлари ҳамда махфий сирлар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган ахборот ресурслари ва ахборот тизимларининг муҳофаза қилинишини таъминлаши шарт.

Ахборот ресурслари ва ахборот тизимлари муҳофаза қилинишини ташкил этиш тартиби уларнинг мулкдорлари, эгалари томонидан мустақил белгиланади.

Давлат сирлари ҳамда махфий сирлар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган ахборот ресурслари ва ахборот тизимларининг муҳофаза қилинишини ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Эркин фойдаланилиши чеклаб қўйилган ахборот ресурсларини ўз ичига олган ахборот тизимларининг халқаро ахборот тармоқларига ҳамда Интернет жаҳон ахборот тармоғига уланиши фақат зарур муҳофаза чоралари қўрилганидан кейин амалга оширилади. Давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар давлат сирлари ҳамда махфий сирлар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган ахборот ресурслари ва ахборот тизимларининг муҳофаза қилинишини таъминлаши шарт. Сунъий интеллектдан фойдаланиб яратилган ахборот ресурслари ҳамда сунъий интеллект технологиялари асосида ишлайдиган ахборот тизимлари инсонга, унинг ҳаётига, соғлиғига, эркинлигига, шаънига, кадр-қимматига путур етказмаслиги ва унинг бошқа ажралмас ҳуқуқларини бузмаслиги шарт. Веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурсининг эгаси, шу жумладан блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштирилдиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифасидан ёхуд бошқа ахборот ресурсидан қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган ўзга ҳаракатларни содир этиш мақсадларида фойдаланилишига йўл қўймаслиги шарт⁴⁹³.

Ўзбекистон Республикасида телекоммуникациялар тармоқларида фойдаланиладиган телекоммуникацияларнинг техник воситалари, шу жумладан фойдаланувчи қурилмалари қонунчиликка ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга мувофиқлиги юзасидан сертификатлаштирилиши лозим. Телекоммуникациялар тармоқларидаги мобиль қурилмаларнинг халқаро ўзига хос идентификация кодлари рўйхатдан

⁴⁹³ Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги 560-П-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

ўтказилиши керак. Давлат сирларини ёки махфий ахборотни ўз ичига олган ахборотга ишлов бериш учун мўлжалланган телекоммуникациялар тармоқлари ахборот хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги юзасидан мажбурий аттестациядан ўтказилиши лозим. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган операторлар ва провайдерлар телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш учун фойдаланиладиган ускуналарни, дастурларни ҳамда аппарат-дастурий мажмуаларни қонунчиликда белгиланган тартибда махсус ваколатли давлат органи орқали ўз маблағлари ҳисобидан олиши, ўрнатиши ва уларнинг нормал ишлашини таъминлаши, шунингдек мазкур тадбирларни ўтказишнинг ташкилий, техник ва тактик усуллари ошкор этилишига йўл қўймаслик чораларини кўриши шарт. Телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда фойдаланиладиган ускуналарни, дастурларни ҳамда аппарат-дастурий мажмуаларни жорий этиш ва улардан фойдаланиш фақат махсус ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилади. Телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда фойдаланиладиган ускуналар, дастурлар ҳамда аппарат-дастурий мажмуаларнинг миқдори ва таркиби операторлар ҳамда провайдерлар томонидан махсус ваколатли давлат органи билан келишилади. Телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-қидирув тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича махсус ваколатли давлат органининг кўрсатмалари операторлар ва провайдерлар томонидан бажарилиши, ушбу мақсадлар учун шарт-шароитлар яратилиши, шунингдек ўз ахборот тизимларига ва телекоммуникациялар тармоқларига бошқа ахборот тизимларини ҳамда телекоммуникациялар воситаларини ўрнатиш ва улаш масаласи махсус ваколатли давлат органи билан келишилиши шарт. Операторлар ва провайдерларнинг махсус ваколатли давлат органи билан ўзаро муносабатлари тартиби қонунчиликда белгиланади. Телекоммуникациялар тармоқларидан ёки воситаларидан шахс, жамият ва давлат манфаатларига зарар етказувчи жиноий мақсадларда фойдаланилган тақдирда, бундай телекоммуникациялар тармоқларининг ёки воситаларининг ишлаши тўхтатилади. Операторлар ва провайдерлар телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензия талаблари ва шартларига, шунингдек белгиланган қоидаларга мувофиқ амалга ошириши, кўрсатилаётган хизматларнинг сифати қонунчилик ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ бўлишини таъминлаши, кўрсатилаётган хизматлар сифатини баҳолаш услубларини очиқ манбаларда кўрсатиши, телекоммуникациялар тармоқлари орқали узатиладиган барча турдаги сўзлашувларнинг, хабарларнинг сир сақланишига риоя этиши, хизматлар кўрсатиш шартлари ва тартиби тўғрисидаги, шу жумладан телекоммуникациялар хизматларининг тарифлари ўзгариши тўғрисидаги тўлиқ ахборотни фойдаланувчиларга ўз вақтида тақдим этиши, қонунчиликка, шунингдек лицензия талаблари ва шартларига мувофиқ ваколатли давлат органи билан келишувга кўра ўз тармоқларини изчиллик билан ривожлантириши ҳамда кенгайтириши, ўзи кўрсатаётган хизматлар

тўғрисидаги ахборотни бепул тақдим этиши, шунингдек абонентларни кўллаб-қувватлаш маркази орқали абонентларнинг мурожаатларини бепул қабул қилиши ва уларнинг ижросини таъминлаши шарт. Фойдаланувчилар телекоммуникациялар хизматларидан фойдаланишнинг белгиланган қоидаларига риоя этиши, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлик сертификатига эга бўлган, халқаро ўзига хос идентификация кодлари рўйхатдан ўтказилган мобиль қурилмалардан фойдаланиши, ўзига кўрсатилган хизматлар учун ҳақни ўз вақтида тўлаши, иш сифатини пасайтиришга ёки телекоммуникациялар тармоқларини шикастлантиришга қаратилган хатти-ҳаракатлар қилмаслиги шарт⁴⁹⁴.

Телекоммуникациялар тармоқларида фойдаланиладиган ва мажбурий сертификатланиши керак бўлган телекоммуникацияларнинг техник воситалари мувофиқлик сертификатларига эга бўлиши керак. Оператор, провайдер, дилер ва эшиттирувчилар телекоммуникациялар тармоқларида ахборот ва киберхавфсизликни таъминлашда ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш соҳасида қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиши, одамларнинг денгиздаги, ердаги, ҳаводаги, космик фазодаги хавфсизлигига, мудофаа, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни сақлаш соҳасидаги кечиктириб бўлмайдиган тадбирларни ўтказишга тааллуқли барча хабарларга, шунингдек йирик авариялар, фалокатлар, эпидемиялар, ёнғинлар ва бошқа фавқулодда вазиятлар ҳақидаги хабарларга мутлақ устуворлик бериши, техник воситалардан Ўзбекистон Республикасининг мавжуд конституциявий тузумини, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга даъват қилиш, уруш ва зўравонликни, шафқатсизликни, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб этиш, давлат сирини ёки қонунчилик билан қўриқланадиган ўзга сирни ошкор этиш, жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак, Эшиттирувчилар, операторлар ва провайдерларнинг телевидение (радиоэшиттириш) тармоқлари ва техник бинолари қўриқлаш, ҳимоялаш ва хавфсиз фаолиятини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 14 апрелдаги 92-сон қарори билан тасдиқланган Телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар объектларини қўриқлаш, муҳофаза қилиш ҳамда уларнинг хавфсиз фаолият кўрсатиши қоидалари талабларига жавоб бериши шарт. Оператор, провайдер ва телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш жараёнига алоқадор бошқа субъектлар томонидан яратилган ва абонентлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган маълумотлар базалари конфиденциал тусдаги ҳужжатлар сифатида ҳимояланиши керак. Абонентлар тўғрисидаги маълумотлардан бу абонентларнинг розилигисиз ахборот-маълумот хизмат кўрсатилиши учун фойдаланиш мумкин эмас. Оператор, провайдер, дилер ва телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш жараёнига алоқадор бошқа субъектлар телекоммуникациялар тармоқлари орқали узатиладиган телефон

⁴⁹⁴ Ўзбекистон Республикасининг “Телекоммуникациялар тўғрисида” 2024 йил 27 декабрдаги ЎРҚ–1015-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

сўзлашувлари ва бошқа хабарлар, шунингдек, уларга тааллуқли бўлган барча маълумотларнинг сир тутилишини таъминлаши шарт. Оператор (провайдер) абонентларнинг умумий фойдаланиш тармоғидан узлуксиз фойдалана олишини таъминлашга мажбур. Мобил алоқа тармоғи фойдаланувчи қурилмаси IMEI-коди рўйхатдан ўтган бўлиши керак. Телекоммуникациялар тармоғига мувофиқлик сертификатига эга фойдаланувчи қурилмалари (телефон аппаратлари, рақамни автоматик аниқлаш функцияларига эга телефон аппаратлари, маълумотлар узатиш ва телематик хизматлар ускуналари (телефакс, телетекс, видеотекс ва бошқалар), радиотелефон алоқа воситалари, автожавоббергичлар, сигнализация қурилмалари) уланади. Операторлар ва провайдерларнинг телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш фаолияти белгиланган тартибда олинган лицензияга мувофиқ амалга оширилади. Абонент шартномаси бекор қилинганидан сўнг, оператор (провайдер) маълумотлар базасидан абонентларнинг шахсий маълумотлари йўқ қилишлари шарт. Шаҳарлараро ва халқаро телефон боғланиш автоматик хизмат кўрсатиш тизими, буюртма хизмат кўрсатиш тизими ва дарҳол хизмат кўрсатиш тизими бўйича амалга оширилиши мумкин. Телефон тармоқларида сигнализация ускуналарини ўрнатиш ва уларга техник хизмат кўрсатишни ташкил этиш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ваколатли органлар томонидан амалга оширилади. Wi-Fi хизмати ташкилотчиси оператор ёки провайдер билан биргаликда, фойдаланувчиларнинг шахсини идентификациялаш ҳамда фойдаланилган веб-ресурслар (лог-файллар) ҳисобини юритиш бўйича аппарат-техник чора-тадбирлар кўриши ва уларни 3 ой ичида сақланишини ташкиллаштириш, оператор ёки провайдер билан биргаликда, ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, Ўзбекистон Республикасининг мавжуд конституциявий тузумини, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга даъват этишга, уруш, зўравонлик ва терроризмни, шунингдек диний экстремизм, сепаратизм ва фундаментализм ғояларини тарғиб қилишга, миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатувчи ахборотни, шунингдек, порнографияни тарғиб қилишга қаратилган ахборотнинг ва тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Wi-Fi хизмати ташкилотчиси ўз ҳудудида бепул Wi-Fi хизматини ташкил этиш оператор ёки провайдер билан тузилган шартномага мувофиқ оператор ёки провайдернинг аппарат-дастурий воситалари асосида амалга оширилиши мумкин. Абонент учун абонент рақамини кўчириш хизмати мобил алоқа операторлари (провайдерлари) томонидан тақдим этилади. КРМБни шакллантириш, юритиш, ишлаши ва техник кузатуви, шу жумладан ундаги ахборот ва маълумотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш, узатиш, шунингдек КРМБдан фойдалана олиш имкониятини тақдим этиш Ўзбекистон Республикасининг “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги Қонуни талабларига риоя қилган ҳолда КРМБ оператори томонидан таъминланади. Абонент рақамини кўчириш жараёнини амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотлар мобил алоқа операторлари (провайдерлари) томонидан КРМБ операторига ва аксинча Ўзбекистон Республикасининг

“Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги Қонуни талабларига риоя қилган ҳолда тақдим этилади. КРМБдаги ахборотни муҳофаза қилиш, шунингдек ундан фойдалана олиш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя қилган ҳолда таъминланади. КРМБда сақланаётган маълумотларни рухсатсиз фойдалана олишдан ҳимоялаш КРМБ оператори томонидан таъминланади. Эшиттирувчи, оператор, провайдер телевидение хизматлари фаолиятини лицензия асосида амалга оширади. Телевидение тармоқлари орқали қонунчилик билан тақиқланган маълумотларни тарқатишга йўл қўйилмайди. Оператор ва провайдерлар телекоммуникациялар хизматларини кўрсатишда ўз фаолиятини лицензия шартлари ва қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириши, телекоммуникациялар тармоқлари бўйлаб узатиладиган телефон сўзлашувлари ва барча турдаги маълумотларни сир сақлаши, телекоммуникациялар тармоқларидан рухсатсиз фойдалана олиш ҳолатларига йўл қўймаслик чораларини кўриши, шартномада белгиланган муддатларда телекоммуникациялар алоқаси хизматларини кўрсатиши, хизматлар, кечаю-кундуз кўрсатилишини таъминлаши, оператор ва провайдер тармоғидаги IP протоколи асосида ишловчи қурилмаларни IPv6 протоколи версиясини қўллаб-қувватлашини таъминлаши, ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, Ўзбекистон Республикасининг мавжуд конституциявий тузумини, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга даъват этишга, уруш, зўравонлик ва терроризмни, шунингдек, диний экстремизм, сепаратизм ва фундаментализм ғояларини тарғиб қилишга, миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатувчи ахборотни, шунингдек, порнографияни тарғиб қилишга қаратилган ва тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши, операторлар ва провайдерлар томонидан абонентларга телекоммуникациялар хизматларини кўрсатишда овозини ўзгартириш ва абонент рақамини сохталаштириш, ўзгартириш технологияларига асосланган хизматлар кўрсатмаслик, абонентлар операторнинг (провайдернинг) ахборот-маълумот хизматида қўнғироқ қилиб боғланишида тенг ҳуқуқлилигини таъминлаши шарт. Бунда, абонентлар операторнинг (провайдернинг) ахборот-маълумот хизматида қўнғироқ қилиб боғланишларида маълум бир абонентларга бошқа абонентларга нисбатан устуворлик (боғланиш вақти, хизмат кўрсатиш вақти ва бошқалар) тақдим этилишига йўл қўйилмайди. Мобил алоқа хизматларини кўрсатишда оператор (провайдер) хизмат кўрсатиш ҳудуди доирасида мобил алоқа хизматларини сифатли, ўз вақтида ва кеча-ю кундуз кўрсатилишини таъминлаши, абонент шартноманинг бекор қилиниши вақтигача қарзини ва олдиндан тўловнинг зарур суммаси тўлиқ ҳажмда тўлаганида абонентга мобил алоқа хизматлари кўрсатилишини тиклаши, ўзини-ўзи обрўсизлантирган дилерлар билан шартномалар тузмаслиги, СИМ-картани алмаштириш, шунингдек абонентнинг аризаси бўйича рақамни бошқа фойдаланувчи қурилмасига қайта дастурлаш (СИМ-картадан фойдаланишни кўзда тутмайдиган мобил алоқа стандартлари учун) хизматларини кўрсатиш фақат операторнинг (провайдернинг) хизмат кўрсатиш пунктларида амалга оширилишини

таъминлаши, дилер орқали тузилган мобил алоқа хизматларини кўрсатиш шартномаси асосида абонентга мобил алоқа хизматларини тақдим этиши, халқаро трафикнинг ноқонуний ўтказилиши ҳамда GSM, IP ёки SMS-шлюзлардан яширин фойдаланишга қарши чораларни кўриш, шу жумладан тармоқда махсус аппарат-дастурий воситаларни ўрнатиш йўли билан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида GSM стандартида ишлайдиган барча оператор (провайдер) КРМБга уланиши, абонентнинг оператор тармоқларида абонент рақамини кўчиб ўтиш хизматидан фойдаланиш ҳуқуқига тўсқинлик қилмаслиги, мунтазам равишда ўз телекоммуникациялар тармоқларида халқаро трафикни ўтказиш тартиби бузилишларининг олдини олиш, аниқлаш ва тугатишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш ва абонентнинг ҳаракатларини таҳлил қилиш ёки тегишли тадбирларни амалга ошириш йўли билан абонент рақамларини фаол аниқлаш принципларига асосланган воситалар ва тизимларни қўллаши шарт. Оператор ва провайдерлар маълумот узатиш хизматларини кўрсатишда халқаро трафик ноқонуний ўтказиш (шу жумладан GSM, IP ёки SMS-шлюзлардан), шунингдек тармоқда махсус аппарат-дастурий воситаларини ўрнатиш йўли билан ноқонуний фойдаланишга қарши курашиш чораларини кўришга мажбур. Абонентлар ва фойдаланувчилар оператор (провайдер) билан тузилган шартнома шартларига риоя қилишга, телекоммуникациялар тармоғидан давлат сири бўлган маълумотларни ёки қонунчилик билан қўриқланадиган бошқа сирни узатиш учун фойдаланишга йўл қўймасликка, телекоммуникациялар тармоғи орқали Ўзбекистон Республикасининг мавжуд конституциявий тузумини, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга даъват этишга, уруш, зўравонлик ва терроризмни, шунингдек, диний экстремизм, сепаратизм ва фундаментализм ғояларини тарғиб қилишга, миллий, ирқий, этник ёки диний адоват кўзғатувчи, шунингдек порнографияни тарғиб қилишга қаратилган ахборотни ва тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотни тарқатмасликка, телекоммуникациялар тармоғи ёрдамида фуқароларнинг шаъни ва кадр-қимматига ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи, уларнинг шахсий ҳаётига аралашишга йўл қўювчи ахборотни тарқатмасликка, қонунчилик ҳужжатларига асосан телекоммуникациялар тармоғи орқали тарқатилиши тақиқланган ахборотлардан тижорат ёки нотижорат мақсадларда тарқатиш учун фойдаланмасликка, телекоммуникациялар тармоқлари иш сифатининг пасайишига ёки телекоммуникациялар тармоқларининг шикастланишига олиб келадиган ҳаракатларни бажармасликка, ўз хоналарида жойлашган абонент тармоғи ва фойдаланувчи қурилмасини техник ҳужжатлар қоидаларига риоя қилишга, маълумотлар базаларидан рухсатсиз фойдаланмасликка ва операторнинг (провайдернинг) дастурий воситаларини ўзгартирмасликка, таркибида компьютер вируслари ёки тармоқ учун зарар етказиши мумкин бўлган ахборотни ёки дастурий таъминотни эълон қилмаслик ёки узатмасликка, компьютер ахборотидан, яъни ахборот-ҳисоблаш тизимлари, тармоқлари ва уларнинг таркибий қисмларидаги ахборотлардан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланмасликка, телекоммуникациялар тармоғида тақдим этилган ахборот ва интеллектуал

мулк объекти учун муаллифлик ҳуқуқларини бузмасликка, телевидение тармоқларида бошқа шахсларнинг бериладиган сигналга уланиш ҳолатларига йўл қўймасликка, оператор (провайдер) вакилларига уларни текшириш, таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш учун телекоммуникациялар иншоотлари ва қурилмалари жойлашган ҳудудларга киришни таъминлашга мажбур. Маълумот узатиш хизматлари абонентлари ва фойдаланувчилари телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш учун GSM, IP ёки SMS-шлюзлар ёки шунга ўхшаш аппарат-дастурий воситалардан фойдаланиш нияти бўлганда, бу ҳақда операторни (провайдерни) огоҳлантиришга, маълумотлар узатиш тармоғидан халқаро трафикни ноқонуний ўтказиш мақсадида фойдаланмасликка мажбур. Мобил алоқа хизматлари абонентлари ва фойдаланувчилари абонент рақамидан шахсий мақсадларда ёки ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун (якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахслар учун) фойдаланиш, спамга, фирибгарликка, оператор (провайдер) билан олдиндан келишмасдан оммавий SMS жўнатмаларга, шунингдек, бошқа ноқонуний фойдаланишга йўл қўймасликка, абонент рақамидан халқаро трафикни ноқонуний ўтказиш учун фойдаланмаслик, шу жумладан, GSM ва IP шлюзлардан фойдаланган ҳолда, ўрнатилган ҳимоя тизимларини четлаб ўтган ҳолда телекоммуникациялар тармоғидан фойдаланиш ҳамда халқаро трафикни ўтказиш мақсадида телекоммуникациялар тармоғидан қонунга ҳилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланмасликка, шунингдек мазкур мақсадлар учун мўлжалланган махсус дастурий ёки аппарат воситаларини қонунга ҳилоф равишда (рухсатсиз) сақлаш ва уларнинг фаолиятига йўл қўймасликка мажбур⁴⁹⁵.

Давлат фуқаролик хизматчиси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига риоя этиши, ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажариши, давлат органи томонидан белгиланган одоб-ахлоқ қоидаларига, хизматга оид ахборот билан ишлаш тартибига, шунингдек давлат фуқаролик хизматини ўташ билан боғлиқ бошқа қоидаларга риоя этиши, давлат органининг нуфузини туширишга олиб келиши ёки унинг ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажаришига шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳаракатлардан (ҳаракатсизликдан), шу жумладан ўз хизмат мажбуриятларини бажараётганда ҳар қандай шаклдаги камситишдан, ноҳолисликдан ёки кимгадир нисбатан алоҳида муносабатда бўлишдан тийилиши шарт⁴⁹⁶.

Ушбу нормаларнинг бузилиши натижасида мазкур жиноят вужудга келади.

Бунда, давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлиги ахборот соҳасидаги хавфсизликка таҳдидларга қарши ҳаракатлар юзасидан иктисодий, сиёсий, ташкилий ва бошқа тусдаги чора-тадбирларни амалга ошириш, давлат сирларини сақлаш ва давлат ахборот ресурсларини улардан рухсатсиз тарзда

⁴⁹⁵ Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 6 январдаги 287-мх-сон буйруғи (26.01.2026 й., рўй.: 3762) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁴⁹⁶ Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида” 2022 йил 8 августдаги ЎРҚ-788-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

фойдаланилишидан муҳофаза қилиш, Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ахборот маконига ва замонавий телекоммуникациялар тизимларига интеграциялашуви, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартиришга, ҳудудий яхлитлигини, суверенитетини бузишга, ҳокимиятни босиб олишга ёки қонуний равишда сайлаб қўйилган ёхуд тайинланган ҳокимият вакиллари ҳокимиятдан четлатишга ва давлат тузумига қарши бошқача тажовуз қилишга очикдан-очик даъват этишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишидан ҳимоя қилиш, урушни ва зўравонликни, шафқатсизликни тарғиб қилишни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоват уйғотишга қаратилган терроризм ва диний экстремизм ғояларини ёйишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишига қарши ҳаракатлар қилиш билан таъминланади. Шахснинг ахборот борасидаги ҳавфсизлиги унинг ахборотдан эркин фойдаланиши зарур шароитлари ва кафолатларини яратиш, шахсий ҳаётига тааллуқли сирларини сақлаш, ахборот воситасида қонунга ҳилоф равишда руҳий таъсир кўрсатилишидан ҳимоя қилиш йўли билан таъминланади. Жисмоний шахсларга тааллуқли шахсий маълумотлар махфий ахборот тоифасига киради. Жисмоний шахснинг розилигисиз унинг шахсий ҳаётига тааллуқли ахборотни, худди шунингдек шахсий ҳаётига тааллуқли сирини, ёзишмалар, телефондаги сўзлашувлар, почта, телеграф ва бошқа мулоқот сирларини бузувчи ахборотни тўплашга, сақлашга, қайта ишлашга, тарқатишга ва ундан фойдаланишга йўл қўйилмайди, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно. Жисмоний шахслар тўғрисидаги ахборотдан уларга моддий зарар ва маънавий зиён етказиш, шунингдек уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари рўёбга чиқарилишига тўсқинлик қилиш мақсадида фойдаланиш тақиқланади. Фуқаролар тўғрисида ахборот олувчи, бундай ахборотга эгалик қилувчи ҳамда ундан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахслар бу ахборотдан фойдаланиш тартибини бузганлик учун қонунда назарда тутилган тарзда жавобгар бўладилар. Ахборот манбаи ёки муаллиф номи фақат суд қарори билан ошкор этилиши мумкин⁴⁹⁷.

Бунда, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда аниқланган валюта намунаси қалбаки эканлигига шубҳа пайдо бўлганда, тезкор-қидирув тадбирлари давомийлигини таъминлаш зарурати юзага келганда, тезкорликни амалга ошириш ҳамда тегишли вақтни тежаш мақсадида мазкур модда (буюм) ёки валюта намуналарини улар аниқланган жойнинг ўзида ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар биносида экспресс текшириш техник воситалари ёрдамида текширади⁴⁹⁸.

⁴⁹⁷ Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принципи ва кафолатлари тўғрисида” 2002 йил 12 декабрдаги 439-П-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁴⁹⁸ Вазирлар Маҳкамасининг “Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг аналоглари, прекурсорлар, кучли таъсир қилувчи моддалар ҳамда валюта намуналарини экспресс текшириш жараёнида техник воситалардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2023 йил 12 январдаги 12-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

2. Кибержиноят асосий бевосита объекти – ахборот-коммуникация технологияларининг муҳофазаси, шу жумладан, ахборот ва киберхавфсизлик, крипто-активлар соҳасининг ҳимояси.

3. Кибержиноят қўшимча бевосита объекти – жамият ва жамоат хавфсизлиги.

4. Кибержиноят факультатив бевосита объекти – ўзга шахс (лар) ва давлат, шу жумладан, шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни, кадр-қиммати, мулк дахлсизлиги, тинчлик ва инсоният хавфсизлиги, бошқарув тартиби ва бошқалар;

5. Кибержиноят субъекти – 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс.

6. Кибержиноят субъектив томони – қасддан.

7. Кибержиноят объектив томони – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ёки қонунга хилоф равишда ахборот-коммуникация тизимида кириб, крипто-активларни қонунга хилоф равишда олиш, ўтказиш ёки айирбошлаш, белгиланган тартибда лицензия олмасдан крипто-активлар айланмаси соҳасидаги хизматлар провайдерлари фаолиятини амалга ошириш ёхуд крипто-активлар айланмаси соҳасидаги хизматлар провайдерлари томонидан аноним крипто-активлар билан операцияларни амалга ошириш йўли билан содир этилади.

8. Кибержиноят мақсади – моддий ёки (ва) номоддий манфаат, ғаразли ёки бошқа паст ниятлар, ўч олиш ва ҳк.

9. Кибержиноят воситаси (қуроли) – ахборот-коммуникация технологиялари.

10. Кибержиноятнинг зарурий белгилари:

- 1) қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги;
- 2) қилмишнинг ҳуқуққа хилофлилиги;
- 3) қилмишда айбнинг мавжудлиги;
- 4) қилмишнинг жазога сазоворлиги;
- 5) қилмишнинг крипто-активга боғлиқлиги;

6) қилмиш крипто-активларни қонунга хилоф равишда олиш, ўтказиш ёки айирбошлаш, белгиланган тартибда лицензия олмасдан крипто-активлар айланмаси соҳасидаги хизматлар провайдерлари фаолиятини амалга ошириш ёхуд крипто-активлар айланмаси соҳасидаги хизматлар провайдерлари томонидан аноним крипто-активлар билан операцияларни амалга ошириш йўли билан содир этилиши;

7) қилмиш учун бир йил ичида маъмурий жазо қўлланилганлиги;

8) алоқа;

9) ахборот;

10) кибермуҳит, шу жумладан, кибермакон;

11) ахборот-коммуникация технологиялари.

Ушбу белгиларнинг биронтаси мавжуд эмаслиги қилмишнинг кибержиноят эканлигини инкор этади.

11. Кибержиноятнинг тамомланиши –

1) крипто-активларни қонунга хилоф равишда олган вақтдан;

2) крипто-активларни қонунга хилоф равишда ўтказган вақтдан;

- 3) крипто-активларни қонунга ҳилоф равишда айирбошлаган вақтдан;
- 4) белгиланган тартибда лицензия олмасдан крипто-активлар айланмаси соҳасидаги хизматлар провайдерлари фаолиятини амалга ошириш бошланган вақтдан;
- 5) крипто-активлар айланмаси соҳасидаги хизматлар провайдерлари томонидан аноним крипто-активлар билан операцияларни амалга оширилган вақтдан бошлаб.

12. Кибержиноятнинг тузилишига кўра тури – формал таркибли кибержиноятлар ҳам мавжуд.

13. Кибержиноятнинг ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра тури – ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган кибержиноят.

14. Жазо тизимига кўра тури – ижтимоий хавфли қилмиши учун Жиноят кодексида жарима, ахлоқ тузатиш ишлари, озодликни чеклаш, озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган кибержиноятлар.

15. Жиноят предмети – крипто-актив, шу билан бирга, уларга боғлиқ бўлган ахборот-ҳисоблаш тизимлари, тармоқлари ва уларнинг таркибий қисмларидаги ахборот, электрон ҳисоблаш машиналари, электрон ҳисоблаш машиналари тизими ёки уларнинг тармоқлари, ахборот тизимлари, маълумотлар базалари ва банклари, ахборотга ишлов бериш ҳамда уни узатиш тизимлари, рақамли предметлар, жумладан, онлайн казино платформалари, betting сайтлар, мобил иловалар (gambling apps), ботлар (Telegram/Discord), молиявий элементлар жумладан, электрон пуллар (Click, Payme, crypto), виртуал баланслар, ставкалар (bets), дастурий таъминот, жумладан, gambling software, RNG (random generator) тизимлари, mirror сайтлар, шу билан бирга, матн, видео, аудио, мемлар, постлар, deepfake контент ва бошқа шаклдаги ахборот шунингдек, қуйидагилар ҳам жиноят предмети бўлиши мумкин:

1. Молиявий воситалар – нақдсиз пул, банк ўтказмалари, электрон ҳамёнлар орқали тўловлар (Payme, Click, PayPal, QIWI ва ҳ.к.), криптовалюта (Bitcoin, USDT, Ethereum ва бошқалар), онлайн тўлов тизимлари орқали маблағ, қимматли қоғозлар (акциялар, облигациялар), электрон сертификатлар, баланс тўлдириш (телефон, аккаунт, карта) ва ҳ.к.;

2. Рақамли активлар – лицензия калитлари (software key), онлайн сервис аккаунти, Premium обуна, домен номи, веб-сайтга эгалик, ижтимоий тармоқлардаги (Telegram, Instagram, YouTube ва бошқалар) каналлар ва гуруҳлар, NFT активлари, онлайн ўйин аккаунтлари, база маълумотлар, электрон контракт ҳуқуқи, NFTлар, ўйин ичидаги қимматбаҳо виртуал буюмлар (Skins, In-game currency) ва ҳ.к.;

3. Ахборот – махфий маълумот, тендер маълумотлари, миқдорлар базаси, пароллар, давлат реестри маълумотлари, имтиёзли кириш ҳуқуқи, жумладан, тижорат ёки хизмат сири ҳисобланган маълумотларга имтиёзли кириш ҳуқуқини бериш, касб, хизмат сирлари, текширув натижаларини ўзгартириш ва ҳ.к.;

4. Номоддий манфаат – лавозимга тайинлаш, лойиҳада ғолиб қилиш, рейтингни ошириш, файлни ўчириб бериш, маъмурий, молиявий ёки жиноий

жазодан қутқариш, солиқ ва бошқа тўловларни камайтириш, давлат ижтимоий буюртмасини бериш, рухсатнома чиқариш ва ҳк.;

5. Техника ва IT ресурслар – сервер ресурслари, хостинг, VPN кириш, Cloud akkaунт, дастур кодлари, дастурий таъминот лицензияси, API кириш ҳуқуқи, бқори қийматга эга бўлган тижорат дастурларига (масалан, киберхавфсизлик ёки дизайн дастурларига) умрбод ёки узоқ муддатли пуллик обуналарни олиб бериш ва ҳк.;

6. Аралаш шакллар – қимматбаҳо техника (ноутбук, смартфон ва ҳк.), онлайн орқали етказилган товар, электрон ваучер, крипто-ҳисоб очиш, тўловни учинчи шахс орқали амалга ошириш, жинойтчи учун бепул яратиб берилган веб-сайтлар, SMM хизматлари, пуллик дастурий таъминотларга лицензиялар ёки обуналар (Subscription), мансабдор шахс ёки унинг яқинлари учун бепул сервер майдони (Hosting) ажратиб бериш ёки веб-сайт ишлаб чиқиб, уни тарғиб қилиш (SMM/SEO) хизматларини бепул кўрсатиш, хизматчининг ижтимоий тармоқлардаги саҳифасини пуллик тарғиб қилиш (Boost), онлайн курслар ёки пуллик веб-сервисларга обуналарни (Premium subscription) совға қилиш ва ҳк.

16. Кибержинойтчи содир этишнинг энг кўп усуллари:

- 1) телекоммуникация ёки интернет тармоғида намоишкорона;
- 2) телекоммуникация ёки интернет тармоғида жойлаштириш орқали;
- 3) ахборот-коммуникация технологияларидан жиноят қуроли ёки воситаси сифатида фойдаланиш натижасида.

Ушбу жиноят қуйидаги шаклларда содир этилиши мумкин, хусусан:

крипто-активлар билан боғлиқ ноқонуний ҳаракатлар асосан учта йўналишда амалга оширилади:

1) ноқонуний P2P (Peer-to-Peer) айирбошлаш. Мисол учун, лицензияга эга бўлмаган платформалар ёки телеграм-ботлар орқали крипто-активларни нақд пул ёки банк картасидаги маблағларга айирбошлаш ёки қора бозорда крипто-хизматлар провайдери сифатида рўйхатдан ўтмасдан туриб, тизимли равишда олди-сотди билан шуғулланиш;

2) аноним крипто-активлар билан операциялар. Мисол учун, Ўзбекистон қонунчилигига кўра тақиқланган аноним тангалар масалан, Monero (XMR), Zcash (ZEC), Dash билан транзакцияларни амалга ошириш орқали транзакция занжирини яшириш имконини бергани учун қатъий таъқиқ остида бўлган активлар билан боғлиқ операцияларни амалга ошириш;

3) лицензиясиз майнинг ва провайдерлик. Мисол учун, белгиланган тартибда лицензия олмасдан туриб, крипто-биржа, крипто-дўкон ёки крипто-депозитарий фаолиятини юритиш йўли билан содир этилиши мумкин.

Ушбу жиноятчи фош этишда қуйидаги рақамли излар тўпланиши мумкин, хусусан:

- 1) транзакция ID (Hash). Мисол учун, блокчейн тармоғидаги ҳар бир операциянинг уникал идентификатори;

- 2) ҳамён манзиллари (Wallet Addresses). Мисол учун, крипто-активлар сақланадиган ва юбориладиган электрон манзиллар;

3) IP-манзиллар ва Метамаълумотлар. Мисол учун, крипто-ҳамёнга (масалан, Trust Wallet, MetaMask) кирилган қурилманинг тармоқ излари ва илова ичидаги кэш файллар;

4) фиат занжири (Fiat Trail). Мисол учун, крипто-актив сотиб олинган ёки сотилган вақтда банк карталари (P2P ўтказмалари) орқали амалга оширилган пул ҳаракати.

Жиноятни фош этилиши учун қуйидаги экспертизалар ўтказилиши мумкин, хусусан:

1) суд-компьютер-техникавий экспертизаси блокчейн тармоғидаги транзакциялар занжирини, крипто-ҳамёнларнинг (Wallet) техник реквизитларини, транзакция хэшларини (TXID), қурилмаларда сақланган Seed-фраза ва хусусий калитларни (Private Keys) ҳамда аноним крипто-активлар билан операциялар ўтказишда қўлланилган дастурий воситаларни, гумондорнинг қурилмасидаги крипто-ҳамёнлар, шахсий калитлар (Private keys) ва браузер тарихидаги блокчейн платформаларига тегишли изларни;

2) суд-иқтисодий экспертизаси крипто-активларнинг содир этилган вақтдаги бозор қийматини, жиноий ҳаракатлар натижасида етказилган кўп ёки жуда кўп миқдордаги зарарни ҳамда лизенциясиз фаолият орқали олинган иқтисодий наф ҳажминини;

3) суд-молия-кредит экспертизаси крипто-активларни айирбошлашда фойдаланилган банк карталаридаги пул маблағларининг ҳаракатини, P2P платформаларидаги молиявий оқимларни ва крипто-валютанинг фиат маблағларига айлантирилиш жараёнидаги банк транзакцияларини;

4) суд-филологик экспертизаси P2P платформалари (Binance, Bybit ва б.) ёки Telegram-ботлардаги олди-сотди бўйича ёзишмалар мазмунини, крипто-хизматларни реклама қилишдаги лингвистик белгиларни ва аноним активлар билан ишлашга қаратилган чақириқларни;

5) ҳужжатларнинг суд-техникавий экспертизаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги (ИЛМА) томонидан бериладиган лицензияларнинг сохталаштирилган электрон нусхаларини, рақамли верификация ҳужжатларини (KYC) ва электрон шартномалардаги рақамли реквизитларнинг ҳақиқийлигини;

6) суд-психологик экспертизаси айбдорнинг крипто-активлар билан қонунга ҳилоф операцияларни амалга оширишдаги қасд йўналишини, анонимликка интилиш мотивларини ва уюшган гуруҳ таркибидаги иштирокчиларнинг психологик муносабатларини;

7) видеоматериалларнинг суд экспертизаси крипто-активларни нақд пулга айирбошлаш (ОТС-офислар) ёки крипто-банкоматлар атрофидаги шубҳали ҳаракатлар акс этган видеоёзувларнинг ҳаққонийлигини ва тасвирдаги воқеликнинг техник тафсилотларини;

8) суд-портрет экспертизаси ноқонуний айирбошлаш шохобчаларида ёки банкоматларда крипто-активлар билан операцияларни амалга оширган шахсларнинг қиёфа белгиларини гумонланувчилар билан идентификация қилишни;

9) суд-фонографик экспертизаси крипто-активларни қонунга ҳилоф равишда ўтказиш ёки айирбошлаш бўйича оғзаки келишувлар акс этган аудиоёзувлардаги нутқ эгасини идентификация қилишни ва ёзувларнинг техник яхлитлигини;

10) суд-бухгалтерия экспертизаси хизматлар провайдерларининг ички бухгалтерия ҳисобида акс эттирилмаган аноним транзакцияларни, балансдан ташқари айланмаларни ва молиявий ҳисоботлардаги номувофиқликларни;

11) суд-электротехникавий экспертизаси аппарат ҳамёнлари (Hardware wallets – Ledger, Trezor), крипто-терминаллар ва ноқонуний майнинг учун мўлжалланган техник қурилмаларнинг аппарат қисмини ҳамда уларнинг ишлаш режимини;

12) суд-хатшунослик экспертизаси крипто-ҳамёнларнинг Seed-фразалари ёзилган қўлёзма қайдлар, норасмий тилхатлар ёки келишув ҳужжатларидаги қўлёзма матнларнинг айнан қайси шахс томонидан ижро этилганлигини;

13) суд-крипто-блокчейн экспертизаси Махсус дастурлар (Chainalysis, TRM Labs) ёрдамида транзакция занжирини (Trace), маблағ қайси миксерлар ёки ноқонуний биржалардан ўтганлигини аниқлайди.

1.29-§. Майнинг фаолиятини қонунга ҳилоф равишда амалга ошириш жиноятининг юридик-техник таҳлили

278⁹-модда. Аноним крипто-активлар майнинги билан шуғулланиш ёки белгиланган тартибни бузган ҳолда майнинг фаолиятини амалга ошириш шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилгача озодликни чеклаш ёки бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Яширин майнингни амалга ошириш –

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача озодликни чеклаш ёхуд икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳаракатлар:

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) жуда кўп миқдорда;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳаракатлар:

а) хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда;

б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, –

уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Тайёргарлик кўрилаяётган ёки содир этилаяётган жиноят ҳақида ўз ихтиёри билан арз қилган ва уни очишга фаол ёрдам берган шахс жавобгарликка тортилмайди.

1. Муҳофаза қилинадиган норма – Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан, ахборотни излаш, олиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқни чеклашга фақат қонунга мувофиқ ҳамда фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлиғини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш, шунингдек давлат сирлари ёки қонун билан кўриқланадиган бошқа сир ошкор этилишининг олдини олиш мақсадида зарур бўлган доирада йўл қўйилади. Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган органлар томонидангина амалга оширилади. Инсоннинг шаъни ва кадр-

қиммати дахлсиздир. Ҳеч нарса уларни камситиш учун асос бўлиши мумкин эмас. Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки инсон қадр-қимматини камситувчи муомалага ёхуд жазога дучор этилиши мумкин эмас. Ҳеч ким расмий эълон қилинмаган қонун асосида ҳукм қилиниши, жазога тортилиши, мол-мулкидан ёки бирон-бир ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикасида барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиниши таъминланади. Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Ўзбекистон Республикасида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига биноан ҳамда ушбу Конституцияга мувофиқ эътироф этилади ва кафолатланади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегишли бўлади. Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа инсонларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар. Инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсиздир. Инсоннинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. Ҳар бир инсон ўз шахсини эркин камол топтириш ҳуқуқига эга. Ҳеч кимга унинг розилигисиз қонунчиликда белгиланмаган мажбурият юклатилиши мумкин эмас. Инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, жамият ҳамда давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги шарт⁴⁹⁹.

Қонунчиликка кўра, фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари иштирокчиларининг ҳалол, оқилона ва адолат билан ҳаракат қилиши назарда тутилади. Фуқаролар ва юридик шахсларнинг бошқа шахсга зарар етказишга, бошқача шаклларда ҳуқуқни суиистеъмол қилишга, шунингдек ҳуқуқни унинг мақсадига зид тарзда амалга оширишга қаратилган ҳаракатларига йўл қўйилмайди⁵⁰⁰.

Крипто-актив мулкый ҳуқуқ ҳисобланиб, маълумотларнинг тақсимланган реестридаги рақамли ёзувлар йиғиндиси бўлган қиймати ва эгасига эга;

б) крипто-активлар айланмаси соҳасидаги фаолият турлари қуйидагилардан иборат:

майнинг;

крипто-активлар айланмаси соҳасидаги хизматлар провайдерлар фаолияти (кейинги ўринларда – хизматлар провайдерлари);

в) майнинг бу ҳисоблаш операцияларини бажариш орқали маълумотларнинг тақсимланган реестрини юритиш, блокларнинг яхлитлигини яратиш ва тасдиқлаш фаолиятidir.

⁴⁹⁹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁵⁰⁰ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Майнинг фақат юридик шахс томонидан куёш фотоэлектр станциялари орқали ишлаб чиқарилган электр энергиясидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Майнинг учун ягона электр энергетика тизимида уланган ҳолда электр энергиядан фойдаланилган тақдирда:

истеъмол қилинган электр энергияси учун тўловлар белгиланган тарифга нисбатан 2 баробар ўсувчи коэффициентга мувофиқ тўланади;

тиғиз даврда истеъмол қилинган электр энергия учун тегишли тарифларга Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган устамалар қўлланилади;

истеъмол қилинган электр энергиясининг ҳисоби алоҳида ҳисоблагич ўрнатилган ҳолда юритилади.

Майнинг Агентлик томонидан мажбурий рўйхатдан ўтказилади ва лицензияланадиган фаолият турига кирмайди.

Майнинг билан шуғулланувчи шахслар (майнерлар) қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтишлари шарт.

Майнерларни рўйхатдан ўтказиш фақат Интернет тармоғи орқали электрон шаклда амалга оширилади.

Майнерлар ўз фаолиятини фақат рўйхатга олинган пайтда кўрсатилган манзилда, ёнғин хавфсизлиги ҳамда санитария нормалари ва қоидаларига риоя қилган ҳолда амалга ошириш ҳуқуқига эга;

г) хизматлар провайдерлари жисмоний ёки юридик шахсларга, шу жумладан уларнинг номидан крипто-активларни сотиб олиш, сотиш ва (ёки) айирбошлаш, сақлаш, чиқариш, жойлаштириш ва бошқариш бўйича хизматлар кўрсатади.

Хизматлар провайдерлари фақат Ўзбекистон Республикасининг резидентлари – юридик шахслар бўлиши мумкин⁵⁰¹.

Яширин майнинг (махсус дастурий таъминотдан фойдаланиш орқали учинчи шахсларнинг ҳисоблаш қувватларида, уларга билдирмаган ҳолда ёки розилигисиз майнингни амалга ошириш бўйича фаолият) ҳамда аноним крипто-активлар билан операцияларни, шу жумладан аноним крипто-активлар майнингини (анонимлик принципи бўйича ишлаётган крипто-активлар) амалга оширмаслик хизматлар провайдерлари фаолиятини амалга ошириш учун лицензия талаблари ва шартлари ҳисобланади⁵⁰².

Крипто-дўкон ўз фаолиятини крипто-дўконнинг электрон платформаси ва (ёки) савдо объекти орқали амалга оширади. Крипто-дўконда қуйидаги операцияларни амалга ошириш тақиқланади:

мажбурий идентификациядан ўтказилмаган мижозлар билан амалга ошириладиган операциялар;

⁵⁰¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ва крипто-активлар айланмаси соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 3 июлдаги ПҚ-3832-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁵⁰² Ўзбекистон Республикаси Истикболли лойиҳалар миллий агентлиги директорининг 2022 йил 14 июлдаги 32-сон буйруғи (рўйхат рақами 3380, 2022 йил 15 август) билан тасдиқланган “Крипто-активлар айланмаси соҳасидаги хизматлар провайдерлари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан чиқарилган крипто-активлар билан операциялар;

аноним крипто-активлар ҳамда ўзаро ўзгармас токенларни сотиб олиш ва (ёки) сотиш операциялари⁵⁰³.

Крипто-депозитарий Ўзбекистон Республикаси резидентларига шартнома асосида крипто-активларни чиқариш, рўйхатдан ўтказиш, муомалага киритиш ва сақлаш бўйича хизматлар кўрсатади. Мазкур хизматларни кўрсатиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар, кўрсатиладиган хизматлар учун тарифлар крипто-депозитарий томонидан белгиланади ҳамда унинг электрон платформасига жойлаштирилади.

Крипто-депозитарий ўз фаолиятини крипто-депозитарийнинг электрон платформаси ва (ёки) техник ва дастурий воситалар мажмуи орқали электрон шаклда амалга оширади.

Крипто-депозитарийга қуйидагилар тақиқланади:

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ террорчилик фаолияти ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахслар рўйхатига киритилган шахсларга крипто-активларни чиқариш, уларни рўйхатдан ўтказиш ва муомалага киритиш бўйича хизматлар кўрсатиш;

ўз электрон платформасида чиқарилган ёки рўйхатдан ўтказилган крипто-активларнинг номланиши ёки рамзларида “давлат”, “давлат томонидан таъминланган”, “давлат томонидан қўллаб-қувватланган”, “Ўзбекистон”, “ўзбек”, “миллий”, “сўм (UZS)” ҳамда Ўзбекистон Республикаси шаҳарларининг номларини тўлиқ ёки қисқартирилган шаклда, уларнинг бирликларидан фойдаланган ҳолда, исталган тилда ва ҳар қандай шаклда ишлатиш.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қуйидаги крипто-активларни резидентлар томонидан чиқариш ва крипто-депозитарий томонидан чиқаришни рўйхатдан ўтказиш тақиқланади:

таъминланмаган токенлар, бундан қонунчиликдаги ҳоллар мустасно; барқарор токенлар.

Крипто-активларни муомалага киритиш крипто-депозитарий томонидан уларнинг дастлабки таклифини ўзининг, крипто-биржалар ёки крипто-активлар сотиладиган бошқа электрон платформаларнинг листингига киритиш орқали амалга оширилади.

Крипто-активларни муомалага киритиш учун листингга киритиш тартиби ва шартлари крипто-депозитарий ва крипто-биржа ёки крипто-активлар сотиладиган бошқа электрон платформалар ўртасида тузиладиган шартномада белгиланади.

Эмитент томонидан чиқарилган таъминланган токенлар учун крипто-активлардан таъминот сифатида фойдаланишга йўл қўйилмайди.

⁵⁰³ Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги директорининг 2022 йил 29 сентябрдаги 43-сон буйруғи (31.10.2022 й., рўй.: 3395-сон) билан тасдиқланган Крипто-дўкон фаолиятини амалга ошириш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Крипто-активлар эгаси:

крипто-активларни сотиб олиш тўғрисидаги шартномада белгиланган талаблар ва шартларни бажариши, агар мавжуд бўлса;

эмитент томонидан чиқарилган жами крипто-активларнинг 35 ёки ундан ортиқ фоизини сотиб олганлиги тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиши лозим⁵⁰⁴.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида:

яширин майнингни;

аноним крипто-активлар майнингини;

рўйхатга олинган пайтда кўрсатилган манзилга мос келмайдиган манзилда майнингни амалга ошириш;

майнингни рухсатномасиз амалга ошириш тақиқланади.

Рухсатномани майнингни амалга ошириш учун бошқа юридик шахсга бериш тақиқланади⁵⁰⁵.

Вазифаси ва афзалликларидан қатъи назар, объектив шаклда ифодаланган, босиб чиқарилган ҳамда босиб чиқарилмаган, муаллиф (ҳаммуаллифлар) ижодий фаолиятининг натижаси бўлган, ЭХМ учун яратилган ҳар қандай дастурлар ва маълумотлар базаларига нисбатан муаллифлик ҳуқуқи татбиқ этилади.

ЭХМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасига муаллифлик, шунингдек муаллифнинг (муаллифларнинг) ёки ўзга ҳуқуқ эгасининг шахсий ва мулкӣ ҳуқуқлари амалдаги қонунчиликка мувофиқ аниқланади. ЭХМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасининг муаллифи (муаллифлари) ёхуд ўзга ҳуқуқ эгаси ЭХМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасини модификациялашни, шу жумладан дастурни бир дастурлаш тилидан бошқа тилга ўтказишни амалга ошириш ва (ёки) амалга оширишга рухсат этиш борасида мутлақ ҳуқуққа ҳам эгадир.

ЭХМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасидан бошқа шахсларнинг (фойдаланувчиларнинг) фойдаланиши ҳуқуқ эгаси билан тузилган шартнома асосида амалга оширилади,

Ҳуқуқ эгаларининг мутлақ ҳуқуқларига тааллуқли қонунчилик талабларининг жисмоний ёки юридик шахс томонидан бажарилмаслиги муаллифлик ҳуқуқининг бузилиши ҳисобланади.

ЭХМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасини ўзганинг номи билан чиқариш ёхуд ундан ғайриқонуний равишда нусха олиш ёки бундай асарларни тарқатиш қонунчиликда белгиланган тартибда маъмурий ёхуд жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

Тайёрланиши ёки улардан фойдаланилиши муаллифлик ҳуқуқи бузилишига олиб келадиган ЭХМ учун яратилган дастурлар ёки маълумотлар

⁵⁰⁴ Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги директорининг 2022 йил 24 ноябрдаги 61-сон буйруғи (28.11.2022 й., рўй.: 3397) билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан крипто-активларни чиқариш, чиқаришни рўйхатдан ўтказиш ва муомалага киритиш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁵⁰⁵ Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги директорининг 2023 йил 20 сентябрдаги 68-сон буйруғи (29.09.2023 й. Рўй.: 3461) билан тасдиқланган “Майнинг фаолиятини амалга ошириш учун рухсатнома бериш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

базаларининг нусхалари қонунчиликда белгиланган тартибда олиб қўйилиши лозим⁵⁰⁶.

Илгари фойдаланишда бўлган мол-мулкни сотиш бозори ҳудудида:

тайёр армия анжомларини ва белгиланган намунадаги формали кийим-бошни, ҳарбий турдаги бошқа товарларни, муассасалар, ташкилотлар ва корхоналар штампи босилган чойшаблар, ички ишлар органларида қўлланиладиган махсус воситалар ва махсус аслаҳа-анжомларни сотиш;

сотилиши қонун ҳужжатларида тақиқланган бошқа товарлар ва буюмларни сотиш тақиқланади.

Сотувчилар бозорда қуйидагиларга мажбур:

бозорда савдо фаолиятини амалга оширишда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳужжатларга эга бўлиш;

бозор маъмурияти ва назорат қилувчи органларнинг қонуний талабларини бажариш;

қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа талабларга риоя этиш.

Савдо субъектлари қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳужжатларга эга бўлиши керак⁵⁰⁷.

Ахборот тизимларини ташкил қилувчи техника воситалари қонунчиликда белгиланган тартибда сертификатлаштирилиши керак.

Давлат органлари ахборот тизимларининг, тармоқ ва ҳудудий ахборот тизимларининг, юридик ҳамда жисмоний шахслар ахборот тизимларининг давлат сирлари ёки махфий ахборотни ўз ичига олган ахборотни ишловдан ўтказиш учун мўлжалланган техника воситалари, шунингдек мазкур тизимларни муҳофаза қилиш воситалари мажбурий сертификатлаштирилиши лозим.

Махфий ахборот Маълумотларни узатиш тармоғи бўйича тарқатилганда махфий ахборот билан ишлаш рухсатномасига эга бўлган ва ахборот айирбошлашнинг сертификатланган воситаларидан фойдаланувчи жисмоний ва юридик шахслар учун унинг муҳофаза қилиниши таъминланади.

Ахборот тизимлари, тармоқларини ахборот айирбошлаш воситалари таркибига улаш Ахборот фаолияти ва маълумотлар узатишни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича идоралараро мувофиқлаштириш комиссиясининг қарорига кўра берилган лицензиялар мавжуд бўлганда амалга оширилади.

Ахборот айирбошлаш воситалари таркибига ахборот ресурсларидан фойдаланишнинг алоҳида қоидалари белгиланган давлат ахборот тизимлари, тармоқларини улаш ахборот хавфсизлиги талабларига мувофиқ аттестациядан ўтказилгандан кейин Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг рухсати билан амалга оширилади.

⁵⁰⁶ Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий муҳофазаси тўғрисида” 1994 йил 6 майдаги 1060-ХП-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁵⁰⁷ Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 августдаги 253-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси бозорларида савдо фаолиятини ташкил этиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Давлат сиридан иборат бўлган ахборотни тайёрлаш ва тарқатишда фойдаланиладиган ахборот айирбошлаш воситасини, шунингдек, ахборотни муҳофаза қилиш воситасини мажбурий равишда сертификатлаш зарур.

Қуйидагилар:

давлат сири ёки махфий ахборот;

миллий мулк;

архив фонди;

Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги билан жўнатилиши (чиқарилиши) чекланиши мумкин бўлган ҳужжатлаштирилган ахборот тоифасига киритилган бошқа ахборотни Ўзбекистон Республикасидан жўнатиш (чиқариш) чекланади.

Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришга даъват қилувчи, уруш, зулм ва порнографияни тарғиб қилувчи, диний ва миллий низоларни кўзғовчи, инсон шаъни ва қадр-қимматини поймол қилувчи ахборотлар ҳамда амалдаги қонунчилик билан тарқатилиши тақиқланган бошқа ахборотларнинг олиб кирилиши ва тарқатилиши тақиқланади.

Ахборот айирбошлашни амалга оширишда қонунга хилоф равишдаги хатти-ҳаракатлар учун жисмоний ва юридик шахслар – Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентлари Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ жавоб берадилар.

Давлат ахборот ресурсларини ва ахборот ресурсларини давлат билан биргаликда шакллантиришга ихтисослашган ташкилотлар маълумотларни узатиш тармоқларини лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланиш бўйича фаолиятнинг бу турига рухсатнома олишлари шарт.

Давлат ахборот ресурсларини шакллантириш ва уларга хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган ахборот тизимлари, маълумотлар базалари ва банклари қонунчиликка мувофиқ сертификатланиши керак.

Фойдаланиш чекланган ахборот мавжуд бўлган давлат ахборот ресурсларини шакллантириш учун мўлжалланган ахборот тизимлари ахборот хавфсизлиги талабларига мувофиқ мажбурий аттестациядан ўтказилиши керак.

Давлат, жамоат органлари, фуқаролар, мулкчилик шакллари ва қайси идоравий бўйсунитидан қатъи назар, корхона, муассаса ва ташкилотлар давлат ахборот ресурсларини шакллантириш учун зарур бўлган тегишли шаклда ҳужжатлаштирилган ахборотни давлат ахборот ресурсларини шакллантириш ва ундан фойдаланиш учун масъул бўлган органларга ва (ёки) ташкилотларга тақдим этишлари шарт.

Интернет билан ишлаш учун Х.25, Frame Relay ва АТМ шунингдек, коммутация қилинган телефон тармоғидан коммутация қилинган каналлар PPP/SLIP (Point protocol IP protocol) бўйича маълумотларни узатиш каналларидан фойдаланган ҳолда фойдаланиш мумкин⁵⁰⁸.

Ахборотни бузиб талқин этиш ва сохталаштириш тақиқланади.

⁵⁰⁸ Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси ахборот ресурсларини тайёрлаш ва уларни маълумотларни узатиш тармоқларида, шу жумладан, интернетда тарқатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида” 1999 йил 26 мартдаги 137-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда мансабдор шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳар кимга ўзининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган ахборот билан танишиб чиқиш имкониятини таъминлаб беришга, мақбул ахборот ресурслари яратишга, фойдаланувчиларни фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятларига, уларнинг хавфсизлигига доир ҳамда жамият манфаатларига тааллуқли бошқа масалалар юзасидан ахборот билан оммавий тарзда таъминлашга мажбурдирлар.

Ҳар қандай ахборот, агар у билан қонунга хилоф равишда муомалада бўлиш ахборот мулкдори, эгаси, ахборотдан фойдаланувчи ва бошқа шахсга зарар етказиши мумкин бўлса, муҳофаза этилмоғи керак.

Ахборотни муҳофаза этиш:

шахс, жамият ва давлатнинг ахборот соҳасидаги хавфсизлигига таҳдидларнинг олдини олиш;

ахборотнинг махфийлигини таъминлаш, тарқалиши, ўғирланиши, йўқотилишининг олдини олиш;

ахборотнинг бузиб талқин этилиши ва сохталаштирилишининг олдини олиш мақсадида амалга оширилади.

Ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсати ахборот соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган бўлади ҳамда шахс, жамият ва давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг асосий вазифалари ҳамда фаолият йўналишларини, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларининг, фуқароларнинг ўрни ва аҳамиятини белгилайди.

Шахснинг ахборот борасидаги хавфсизлиги унинг ахборотдан эркин фойдаланиши зарур шароитлари ва кафолатларини яратиш, шахсий ҳаётига тааллуқли сирларини сақлаш, ахборот воситасида қонунга хилоф равишда руҳий таъсир кўрсатилишидан ҳимоя қилиш йўли билан таъминланади.

Жисмоний шахсларга тааллуқли шахсий маълумотлар махфий ахборот тоифасига киради.

Жисмоний шахснинг розилигисиз унинг шахсий ҳаётига тааллуқли ахборотни, худди шунингдек шахсий ҳаётига тааллуқли сирини, ёзишмалар, телефондаги сўзлашувлар, почта, телеграф ва бошқа мулоқот сирларини бузувчи ахборотни тўплашга, сақлашга, қайта ишлашга, тарқатишга ва ундан фойдаланишга йўл қўйилмайди, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Жисмоний шахслар тўғрисидаги ахборотдан уларга моддий зарар ва маънавий зиён етказиш, шунингдек уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари рўёбга чиқарилишига тўсқинлик қилиш мақсадида фойдаланиш тақиқланади.

Фуқаролар тўғрисида ахборот олувчи, бундай ахборотга эгалик қилувчи ҳамда ундан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахслар бу ахборотдан

фойдаланиш тартибини бузганлик учун қонунда назарда тутилган тарзда жавобгар бўладилар.

Оммавий ахборот воситалари ахборот манбаини ёки таҳаллусини қўйган муаллифни уларнинг розилигисиз ошкор этишга ҳақли эмас. Ахборот манбаи ёки муаллиф номи фақат суд қарори билан ошкор этилиши мумкин.

Жамиятнинг ахборот борасидаги хавфсизлигига қуйидаги йўллар билан эришилади:

демократик фуқаролик жамияти асослари ривожлантирилишини, оммавий ахборот эркинлигини таъминлаш;

қонунга ҳилоф равишда ижтимоий онгга ахборот воситасида руҳий таъсир кўрсатишга, уни чалғитишга йўл қўймаслик;

жамиятнинг маънавий, маданий ва тарихий бойликларини, мамлакатнинг илмий ва илмий-техникавий салоҳиятини асраш ҳамда ривожлантириш;

миллий ўзликни англашни издан чиқаришга, жамиятни тарихий ва миллий анъаналар ҳамда урф-одатлардан узоқлаштиришга, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштиришга, миллатлараро ва конфессиялараро тотувликни бузишга қаратилган ахборот экспансиясига қарши ҳаракат тизимини барпо этиш.

Давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлиги қуйидаги йўллар билан таъминланади:

ахборот соҳасидаги хавфсизликка таҳдидларга қарши ҳаракатлар юзасидан иқтисодий, сиёсий, ташкилий ва бошқа тусдаги чора-тадбирларни амалга ошириш;

давлат сирларини сақлаш ва давлат ахборот ресурсларини улардан рухсатсиз тарзда фойдаланилишидан муҳофаза қилиш;

Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ахборот маконига ва замонавий телекоммуникациялар тизимларига интеграциялашуви;

Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартиришга, ҳудудий яхлитлигини, суверенитетини бузишга, ҳокимиятни босиб олишга ёки қонуний равишда сайлаб қўйилган ёхуд тайинланган ҳокимият вакиллари ҳокимиятдан четлатишга ва давлат тузумига қарши бошқача тажовуз қилишга очикдан-очик даъват этишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишидан ҳимоя қилиш;

урушни ва зўравонликни, шафқатсизликни тарғиб қилишни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоват уйғотишга қаратилган терроризм ва диний экстремизм ғояларини ёйишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишига қарши ҳаракатлар қилиш.

Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар⁵⁰⁹.

⁵⁰⁹ Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида” 2002 йил 12 декабрдаги 439-П-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Ҳужжатлаштирилган ахборот ресурсининг муҳофазасини таъминлаш бўйича чоралар уни давлат архивига топшираётган ташкилот томонидан белгиланади.

Ахборот ресурсини давлат сақловига қабул қилишда хавфсизликни муҳофаза қилишни қуйидаги дастурий-техник воситалар ва ташкилий чоралар ёрдамида тегишли давлат архиви таъминлайди:

ахборот хавфсизлигига таҳдидларни аниқлаш ва бартараф этиш;

ахборот ресурсининг архив нусхасини топшириш, архивни шакллантириш, уни сақлаш ва ундан фойдаланишда маълумотларнинг тўлиқлигини таъминлаш;

рухсат берилмаган ахборот ресурсидан фойдаланиш, унга қўшимча ва ўзгартишлар киритишдан муҳофаза қилиш;

архив маълумотларнинг захира ва қайта тикланиши тизимини таъминлаш.

Умумий фойдаланишга мўлжалланган ахборот ресурслари (юридик ва жисмоний шахслар, норматив-ҳуқуқий актлар, табиий ресурслар, давлат органларининг веб-сайтлари ва бошқалар бўйича маълумотлар базалари) барча давлат органлари, юридик ва жисмоний шахсларга давлат архивлари томонидан уларга белгиланган ваколатлар доирасида тақдим этилади.

Махсус давлат ахборот ресурсларидан (давлат сири ва конфиденциал маълумотларга эга бўлган идоралар, ҳудудий бошқарув ва ҳокимият органлари, давлат юридик шахслари ва жисмоний шахслар) фойдаланиш учун рухсат бериш давлат архивлари томонидан уларни шакллантириш, қўлланилиши ва янгиланиб борилишига масъул бўлган органлар билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Ахборот ресурсларини давлат сақловига топширган ташкилотлар ундан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум бўлмайдилар.

Ахборот ресурсларини давлат сақловига қабул қилган давлат архивлари қуйидагилар учун жавобгардирлар:

маълумотлар билан ишлаш қоидаларини бузганлик, маълумот алмашинувини амалга оширишда ҳуқуқбузарлик ҳаракатларидан фойдаланганлик ва йўл қўйганлик;

жисмоний шахслар ҳақида шахсий маълумотларга эга бўлган ахборотларни тарқатганлик;

ахборот ресурсларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш;

ахборот ресурсларидаги маълумотларни ўғирлаш, йўқотиш, бузиш, блокировка қилиш ва сохталаштириш;

муаллифлик ҳуқуқлари ва интеллектуал мулк бўйича қонунчиликни бузганлик.

Давлат архивларига амалдаги қонунчиликка мувофиқ бошқа жавобгарлик ҳам юклатилиши мумкин⁵¹⁰.

⁵¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Ўзархив” агентлиги бош директорининг 2007 йил 17 июлдаги 18-сон буйруғи (рўйхат рақами 1703, 2007 йил 13 август) билан тасдиқланган Ахборот ресурсларининг архив нусхаларини яратиш ва уларни давлат сақловига топшириш бўйича йўриқнома // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Тизим иштирокчиларининг фонд бозорида АКТлари электрон ҳужжатларининг бут сақланишини, ўзгартирилишини, муҳофаза қилишини, қайта ишланишини, жўнатилиши ва қабул қилинишини, шу жумладан:

электрон ҳужжатларнинг, улар жўнатиш ва қабул қилинган сана ва вақтлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган реквизитларнинг такрорий нусхаси кўчирилиши ва архивда сақланишини;

Тизим иштирокчилари ўртасидаги қоғоз шаклидаги ҳужжат алмашилишини қисқартириш ҳамда инсон омилининг ахборотларни қайта ишлаш сифати ва тезкорлигига бўлган салбий таъсирини камайтириш мақсадида қоғоз ва электрон ҳужжатларнинг қўл ишини минималлаштиришни;

ахборотларни киритиш/чиқаришни такрорловчи операцияларни истисно этишни, катта ҳажмдаги ахборотларни қайта ишлаш ва ахборот тизимларининг интеграциялашуви мумкинлигини;

электрон ҳужжатларнинг махфийлигига, бутлигига ва уларга муаллифлик қилишга қўйилган талабларга риоя этилишини;

қонунчиликда ўрнатилган талабларга мувофиқ ЭРИнинг ҳаққонийлигини, шунингдек, қабул қилувчи томонидан электрон ҳужжатни қайта ишлаш пайтида жўнатувчининг ЭРИ калити сертификати амал қилаётганини текшириш мумкинлигини;

электрон ҳужжатларнинг транзит ўтказилишидан, у амалга ошириладиган транзит амалга ошириладиган тизимда иштирокчилар томонидан очилмаслиги ва кўрилмаслиги шарти билан (ёпиқ конверт фақат унинг эгаси томонидан очилиши мумкин) фойдаланишни таъминлаши лозим.

Тизим иштирокчилари томонидан электрон ҳужжатларни муҳофаза қилиш учун фойдаланилаётган фонд бозоридаги АКТлари қонунчиликда ўрнатилган тартибда сертификатланган бўлиши ва фойдаланиш ҳужжатларига мувофиқ ишлатилиши лозим.

Электрон ҳужжатларнинг чиқиб кетиши, ўғирланиши, йўқотилиши, бузилиши, уларга чекловларнинг ўрнатилиши ва қалбакилаштирилишининг ҳамда электрон ҳужжатларга рухсатсиз кириш ва улардан нусха кўчиришнинг олдини олишни ўз ичига олувчи Тизим иштирокчисининг ахборот хавфсизлиги Тизим иштирокчисининг дастурий-техник чора-тадбирлари билан таъминланади.

Ахборот хавфсизлиги шунингдек, бошқа мавжуд воситалар билан ҳам қонунчилик ва ушбу Низом талабларини инобатга олган ҳолда, Тизим иштирокчисининг ички қоидаларига мувофиқ таъминланиши мумкин.

Тизим иштирокчилари қонунчилик ва ушбу Низом талабларини инобатга олган ҳолда, белгиланган қоидаларнинг бузилишини ва унинг учун жавобгарликка тортилишни олдини олишни назарда тутувчи ахборот хавфсизлиги ва Тизимдан фойдаланишнинг ички қоидаларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди.

Дастурий-техник чора-тадбирлар қуйидагиларни таъминлайди:

Тизим иштирокчиси-ташкилот ходимларининг мазкур ташкилот ходимларининг лавозим йўриқномаларидан келиб чиккан ҳолда, дастурий ресурсларга чекланган киришини;

фонд бозорида АКТларидан фойдаланишда Тизим иштирокчиси бўлган ташкилотларнинг барча ҳаракатларини антивирус билан муҳофаза қилиш ва баённома юргизишни.

Тизим иштирокчилари криптографик муҳофаза қилишни қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширишади.

ЭРИдан фойдаланиш ваколатига эга бўлмаган ва ундан шахсий ёхуд учинчи шахс манфаатлари йўлида фойдаланган Тизим иштирокчиси ва иштирокчи ташкилот ходимлари қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

Тизим иштирокчиси унинг ўзи томонидан Тизимда исталган ҳаракатларни амалга оширишга ваколат берган шахснинг унинг номидан бажарган барча ҳаракатларига жавобгардир.

Тизим иштирокчилари қуйидагиларга мажбурдирлар:

тизимнинг узлуксиз фаолиятини таъминлаш;

ахборот хавфсизлиги ва Тизимдан фойдаланишнинг ички қоидаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш (фақат Тизим иштирокчиси юридик шахс бўлган ҳолда);

электрон ҳужжатларни тузишни ва жўнатишни қонунчилик ҳужжатлари ҳамда ушбу Низом талабларига мувофиқ равишда қатъий таъминлаш;

мустақил равишда ЭРИ сертификатини олиш, шунингдек, фонд бозорида АКТларининг ЭҲАдан фойдаланиладиган зарур иш ҳолатини қўллаб-қувватлаш;

электрон ҳужжатларда кўрсатилган буюртма ва/ёки топшириқларни фонд бозорининг технологик жараёнларига мувофиқ, қонунчилик талабларини инобатга олган ҳолда қабул қилиш/жўнатиш, топшириш/ижро этиш⁵¹¹.

Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлигининг Давлат ахборот тизимларини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш ягона интегратори Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасини ахборот билан тезкор таъминлаш учун интеграциялаштирилган ахборот тизимларини яратиш, ривожлантириш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек давлат органлари ахборот тизимлари билан уларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш юзасидан жавобгар ҳисобланади⁵¹².

⁵¹¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2008 йил 1 августдаги 2008-13-сон буйруғи (рўйхат рақами 1855, 2008 йил 9 сентябрь) билан тасдиқланган Фонд бозорида ахборот-коммуникация технологиялардан фойдаланишга ўрнатилган талаблар тўғрисидаги низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁵¹² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2012 йил 21 мартдаги ПҚ-1730-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Фойдаланувчиларнинг ахборотни рухсатсиз фойдаланишдан ҳимоя қилишга доир белгиланган чораларни бузишга қаратилган хатти-ҳаракатларига йўл қўйилмайди.

Муайян жисмоний шахсга тааллуқли бўлган ёки уни идентификация қилиш имконини берадиган шахсга доир маълумотларни учинчи шахсларга тақдим этиш Ўзбекистон Республикасининг “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ амалга оширилади.

Ваколатли органларнинг ахборот тизимларини идентификациялашнинг ягона тизимига улаш интеграциялашувга қўйиладиган техник талабларга мувофиқ амалга оширилади.

Ҳужжатлар ва ахборот билан автоматлаштирилган тарзда айирбошлаш мақсадида ваколатли органлар ахборот тизимларининг интеграциялашuvi “Электрон ҳукумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали амалга оширилади.

“Электрон ҳукумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформасига уланадиган ваколатли органларнинг ахборот тизимлари ҳам ҳужжатлар ва ахборотни тақдим этиш учун мурожаат қилган маълумотларни етказиб берувчилар, ҳам ҳужжатлар ва ахборотни сўраган маълумотларнинг истеъмолчилари бўлиши мумкин.

Идоралараро электрон ҳамкорлик қилишда фойдаланувчиларнинг фойдаланишини ва ваколатларини таъминлаш устидан назорат қилиш идентификациялашнинг ягона тизими орқали амалга оширилади.

Идентификациялашнинг ягона тизимида фойдаланувчиларнинг шахсий маълумотларидан рухсатсиз фойдаланганлик учун ваколатли органлар – ахборот тизимларининг эгалари ва Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги жавоб беради⁵¹³.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги шакллантирилган марказий маълумотлар базаларининг нусхаларини улардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлмаган шахсларга тақдим этиш ҳуқуқига эга эмас.

Ваколатли органлар томонидан марказий маълумотлар базаларига тақдим этиладиган маълумотлар тақдим этилаётган пайтда ишончли, тўлиқ ва долзарб бўлиши керак.

Ваколатли органлар марказий маълумотлар базаларига маълумотларни “Электрон ҳукумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали жисмоний ва юридик шахсларнинг ягона идентификаторларидан фойдаланиб тақдим этадилар.

Марказий маълумотлар базаларидан маълумотлар олиш жисмоний ва юридик шахсларнинг ягона идентификаторларидан фойдаланиш орқали амалга оширилади.

⁵¹³ Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 17 декабрдаги 365-сон қарори билан тасдиқланган “Электрон ҳукумат” тизими фойдаланувчиларини идентификациялашнинг ягона ахборот тизими тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Давлат хизматлари кўрсатиш жараёнидаги идоралараро электрон ҳамкорлик қилишда жисмоний ва юридик шахсларнинг бошқа идентификаторларидан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Марказий маълумотлар базаларидаги маълумотлардан фойдаланганда жисмоний ва юридик шахсларни идентификациялаш фақат “Электрон ҳукумат” тизими фойдаланувчиларини идентификациялашнинг ягона ахборот тизими орқали амалга оширилади.

Давлат хизматлари кўрсатишда ва идоралараро электрон ҳамкорлик қилишда марказий маълумотлар базаларидаги маълумотлардан фойдаланиш “Электрон ҳукумат” тизимининг идоралараро интеграциялашув платформаси ёрдамида амалга оширилади.

Давлат хизматлари кўрсатишда жисмоний ва юридик шахслардан марказий маълумотлар базалари ва тегишли ваколатли органларнинг ахборот ресурсларида мавжуд бўлган маълумотларни ҳамда бошқа идентификаторли қўшимча ҳужжатларни талаб қилиш тақиқланади.

Марказий маълумотлар базаларида мавжуд бўлмаган ахборотнинг сақланишини таъминловчи давлат ахборот ресурсларини яратишда тегишли равишда жисмоний ва юридик шахсларнинг ягона идентификаторларидан фойдаланилади⁵¹⁴.

Ахборот-кутубхона ва архив муассасаларида электрон базаларнинг ахборот хавфсизлиги тегишлича Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги “Ўзархив” агентлиги ҳамда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг Ахборот хавфсизлиги сиёсати талабларига мувофиқ таъминланади⁵¹⁵.

Ахборот воситачиси қуйидагиларга ҳақли эмас:

ўзининг ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда тузилган битимнинг тарафига айланиш, шунингдек ахборот воситачиси сифатида хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ бўлмаган ишлаб чиқариш, савдо, савдо-воситачилик ёки бошқа фаолиятни амалга ошириш;

электрон тижоратни амалга ошириш, битимлар тузишда нархларнинг шаклланиш жараёнларига аралашуш, контрагентларни танлашда ва битимлар тузишда электрон тижорат иштирокчиларининг эркинлигини чеклаш, шунингдек электрон тижорат иштирокчиларининг ҳуқуқларини бошқача тарзда чеклаш.

Ахборот воситачиси қуйидагиларга мажбур:

электрон тижорат соҳасидаги қонун ҳужжатларига, шу жумладан стандартлар, нормалар ва қоидаларга риоя этиш;

⁵¹⁴ Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 17 декабрдаги 365-сон қарори билан тасдиқланган “Электрон ҳукумат” тизимининг жисмоний ва юридик шахслар марказий маълумотлар базаларини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁵¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Ўзархив” агентлиги бош директорининг 2016 йил 20 июндаги 45-сон буйруғи (рўйхат рақами 2807, 2016 йил 7 июль) Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан ахборот-кутубхона ва архив муассасаларига тақдим этилган ҳужжатлар билан ишлаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

ўзининг тўлиқ номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли, кўрсатиладиган хизматлар, уларни кўрсатиш шартлари ва қийматлари (тарифлари) ҳақидаги ахборотни электрон тижорат иштирокчиларига ошкор қилиш;

электрон ҳужжатларнинг ва электрон хабарларнинг мазмунини, улардан фойдаланиш тартибини ўзгартирмаслик, электрон тижорат иштирокчилари билан тузилган шартномаларда назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно;

электрон ҳужжатларни, электрон хабарларни ва шахсга оид маълумотларни рухсатсиз фойдаланишдан ҳимоя қилиш чоралари билан таъминлаш;

электрон ҳужжатларни ва электрон хабарларни учинчи шахсларга бермаслик, қонунда ёки шартномада назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно;

электрон ҳужжатларнинг ва электрон хабарларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ сақланишини таъминлаш;

ўз ахборот тизимини Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги серверларда жойлаштириш.

Агент сотувчига ёки харидорга хизматлар кўрсатиш натижасида ўзига маълум бўлган маълумотларнинг махфийлигига риоя қилишга мажбур.

Электрон тижоратни ташкил этишнинг шакллари битимлар тузишнинг рақобатли шакллари деб эътироф этилади, бунда ахборот воситачисининг ахборот тизими қуйидаги шарт-шароитларни таъминлайди:

электрон тижоратнинг иккитадан кам бўлмаган иштирокчилари томонидан офертани акцептлаш имконияти;

оферент учун шартномани бажаришнинг энг яхши шартларини таклиф қилган шахс билан шартнома тузиш.

Қайд этилган талабларга риоя қилинган тақдирда битим содир этилган деб эътироф қилинади.

Битимларни рақобатли шаклларда содир этишда офертани қабул қилган шахс томонидан, уни қабул қилиш учун белгиланган муддатда, унда кўрсатилган шартнома шартларини бажариш бўйича хатти-ҳаракатларни (товарларни юклаб жўнатиш, хизматлар кўрсатиш, ишларни бажариш, тегишли суммани тўлаш ва ҳоказоларни) содир этиш акцепт ҳисобланмайди.

Ахборот воситачиларининг ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган электрон тижоратда қуйидагиларга йўл қўйилмайди:

электрон тижорат иштирокчиларини камситиш, электрон тижоратнинг бир иштирокчисига бошқа иштирокчилар эркин фойдалана олмайдиган ва қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган имтиёзлар ёки преференцияларни бериш;

ахборот воситачиларининг мансабдор шахслари томонидан шахсий манфаатдорлик таъсирида қарорлар қабул қилиш ёхуд электрон тижорат иштирокчиларининг манфаатларига зарар етказадиган бошқа ноқонуний хатти-ҳаракатларни содир этиш;

электрон тижорат иштирокчиларига босим ўтказиш, электрон тижоратда иштирок этиш ҳақидаги ахборотни ошкор қилиш (қонун

хужжатларидан назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно), ноқонуний тарзда рақобатга йўл қўймаслик, уни чеклаш ёки четлатиш;

электрон тижорат иштирокчиларининг бозор конъюнктурасини ўзгартириш ёки нархларни бузиб кўрсатиш мақсадида тил бириктириши;

ишончли бўлмаган ёки бузиб кўрсатилган ахборотни бериш ёки тарқатиш, шунингдек ахборотдан эркин фойдаланишни асоссиз чеклаш;

электрон тижорат иштирокчилари томонидан келгусида шартномани имзолашдан ёки уни зарур даражада бажаришдан бош тортиш ниятида сунъий равишда пасайтирилган ёки оширилган нархларда талабномалар бериш;

ахборот воситачисининг ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда товар сотаётган ёки сотиш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатишни таклиф қилаётган, белгиланган тартибда якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказилмаган жисмоний шахс ҳисобланган битим тарафларидан бири томонидан битимларни амалга ошириш⁵¹⁶.

Лойиҳаларни амалга ошириш натижасида ишлаб чиқилган ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларини «Рақамли ҳукумат»нинг ахборот тизимлари ва ресурслари ягона реестрида рўйхатдан ўтказиш ва амалиётга жорий этишга уларнинг техник топшириқ ва ахборот хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги юзасидан Рақамли технологиялар вазирлиги ҳамда “Киберхавфсизлик маркази” ДУКнинг ижобий хулосалари олинганидан сўнг рухсат берилади;

Ижобий хулосага эга бўлмаган ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларини фойдаланишга қабул қилиш, ишга тушириш ҳамда “Рақамли ҳукумат” доирасидаги тизимлар ва сервислар билан интеграция қилишга йўл қўйилмайди⁵¹⁷.

Электрон ҳукумат доирасида маълумот тақдим этувчи ва фойдаланувчиларнинг электрон ҳамкорлиги ҳамда ахборот алмашинуви уларнинг ахборот тизимлари ва ресурсларини Идоралараро интеграциялашув платформасига улаш орқали амалга оширилади.

Бунда электрон ҳамкорлик ва ахборот алмашинуви фақат Электрон ҳукуматнинг идоралараро маълумотлар узатиш тармоғи орқали ташкил этилади.

Фойдаланувчи ва оператор ўртасидаги ахборот алмашинуви тегишли сўров юбориш йўли билан Идоралараро интеграциялашув платформаси ёрдамида амалга оширилади.

Бунда Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали электрон ҳамкорлик ҳамда ахборот алмашинуви доирасида йўлланган барча сўровлар бўйича статистика маълумотлари маълумот тақдим этувчи ва фойдаланувчининг шахсий кабинетиде юритилади.

⁵¹⁶ Вазирлар Маҳкамасининг “Электрон тижорат платформалар ва рақамли экотизим операторларининг ахборот воситачиларининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2016 йил 2 августдаги 249-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁵¹⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Электрон ҳукумат” тизими доирасида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш сифатини яхшилаш чоратадбирлари тўғрисида” 2019 йил 21 майдаги ПҚ-4328-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Идоралараро интеграциялашув платформасига уланган ахборот тизимлари ва ресурсларида мавжуд бўлган шахсга доир маълумотлар алмашинуви Ўзбекистон Республикасининг “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги Қонуни ва ушбу соҳадаги бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали маълумотлар фойдаланувчининг ваколати доирасидаги вазифаларни бажариш учун қайта ишлаш мақсадида тақдим этилади.

Электрон давлат хизматларини кўрсатиш ва идоралараро электрон ҳамкорликни ташкил этиш доирасида ахборот алмашинуви Идоралараро интеграциялашув платформасига уланиш орқали амалга оширилади.

Идоралараро интеграциялашув платформасига уланиш учун “Электрон ҳукуматнинг ахборот тизимлари ва ресурслари ягона реестри” ахборот тизими (кейинги ўринларда – Ягона реестр тизими) орқали электрон шаклда мурожаат этилади.

Бунда Ягона реестр тизимида авторизациядан ўтиш учун “Электрон ҳукумат” тизими фойдаланувчиларини идентификациялашнинг ягона ахборот тизимида рўйхатдан ўтиш талаб этилади.

Оператор:

Идоралараро интеграциялашув платформасига уланиш тартиби ва шартларига риоя қилишга;

фойдаланувчига Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали маълумотлар юборилгунига қадар уларнинг конфиденциаллигини таъминлашга;

Идоралараро интеграциялашув платформасида маълумот тақдим этувчи ва фойдаланувчининг шахсий кабинетларига улашга;

Ягона реестр тизимида Идоралараро интеграциялашув платформасига уланиш бўйича ариза ва технологик йўриқномани кўриб чиқишга ва келишишга;

Идоралараро интеграциялашув платформасидаги маълумот тақдим этувчи ва фойдаланувчининг шахсий кабинетлари орқали электрон ахборот ҳамкорлиги доирасидаги статистика маълумотлари билан танишиш имкониятини яратишга;

Идоралараро интеграциялашув платформасининг узлуксиз ишлаши бўйича тегишли чоралар кўришга;

қонунчилик ҳужжатлари ва мазкур Низом талабларини бажаришга;

Идоралараро интеграциялашув платформасида жойлаштирилган барча веб-сервислар бўйича режали ва режадан ташқари узилишлар ва/ёки тўхтатишлар вужудга келиши ёки улар бартараф этилиши юзасидан маълумот тақдим этувчи ва фойдаланувчиларни мавжуд қайта алоқа каналлари орқали реал вақт режимида хабардор қилишга;

мазкур Низомда ёки бошқа қонунчилик ҳужжатларида белгиланган қоидалар бузилган тақдирда, маълумот тақдим этувчи ёки фойдаланувчининг Идоралараро интеграциялашув платформасига уланишини вақтинча тўхтатиш

ёки бекор қилиш ва бу ҳақида уларни асосларни кўрсатган ҳолда расмий хабардор қилишга мажбур.

Бунда оператор Идоралараро интеграциялашув платформасига уланишни вақтинча тўхтатиш ёки бекор қилишдан олдин бу тўғрисида маълумот тақдим этувчи ёки фойдаланувчини мавжуд қайта алоқа каналлари орқали реал вақт режимида хабардор қилади.

Маълумот тақдим этувчи Идоралараро интеграциялашув платформасига уланиш шартларига риоя қилишга, Идоралараро интеграциялашув платформасига уланиш бўйича Ягона реестр тизимида ариза ва технологик йўриқномаларни ишлаб чиқишга ва келишишга, Идоралараро интеграциялашув платформасининг push-хабарномалар сервисига уланиш бўйича фойдаланувчининг аризасини белгиланган тартибда келишишга, Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали юборилган сўровларга мувофиқ маълумотларни технологик йўриқномада белгиланган тартибда тақдим этишга, ўзига тегишли бўлган ахборот тизимлари ва ресурслари ҳамда маълумотлар базаларининг барқарор ишлаши, улардаги маълумотларнинг Идоралараро интеграциялашув платформасига узлуксиз равишда тақдим этилиши бўйича тегишли чоралар кўришга, ўзига тегишли маълумотларнинг ишончилиги ва тўлиқлиги ҳамда долзарблигини таъминлашга, долзарб бўлмаган маълумотлар бўйича шикоятларни қабул қилиш механизмини ишлаб чиқишга, жорий қилишга ҳамда келиб тушган шикоятлар натижаси бўйича маълумотларни ўз вақтида янгилаб боришга, Идоралараро интеграциялашув платформасида жойлаштирилган ўзининг барча веб-сервислари бўйича режали ва режадан ташқари узилишлар ва/ёки тўхталишлар вужудга келиши ёки улар бартараф этилиши юзасидан операторни мавжуд қайта алоқа каналлари орқали реал вақт режимида хабардор қилишга, ўзига тегишли веб-сервисга ўзгартириш ва/ёки қўшимчалар киритиладиган тақдирда, режалаштирилган ишлар амалга оширилгунига қадар бу ҳақида уч кун олдин операторга хабар беришга, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида техник ишлар ўтказилиши натижасида Идоралараро интеграциялашув платформасига тақдим этилаётган веб-сервисларда кузатилиши мумкин бўлган узилишлар юзасидан техник ишлар ўтказилишидан камида уч иш кун олдин операторни ёзма равишда хабардор қилишга, ахборот тизимлари ва ресурслари жойлашган серверлар ёки объектларда режалаштирилган фавқулодда юз берган узилишлар бундан мустасно, Идоралараро интеграциялашув платформасида жойлаштирилган ўз веб-сервисларига фойдаланувчиларни тўғридан-тўғри улашни чеклашга мажбур.

Фойдаланувчи:

Идоралараро интеграциялашув платформасига уланиш тартиби ва шартларига риоя қилишга;

Идоралараро интеграциялашув платформасига уланиш бўйича Ягона реестр тизимида ариза ва технологик йўриқномаларни ишлаб чиқишга ва келишишга;

Идоралараро интеграциялашув платформасининг push-хабарномалар сервисига уланиш бўйича ўз аризасини белгиланган тартибда маълумот тақдим этувчи билан келишишга;

Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали олинаётган маълумотларнинг конфиденциаллигини таъминлашга;

Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали олинган маълумотларни учинчи томонга тақдим этмасликка;

Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали олинган маълумотлардан маълумот тақдим этувчи ва оператор билан келишилмаган бошқа мақсадларда фойдаланмасликка;

Идоралараро интеграциялашув платформасига уланган ўзининг ахборот тизимларининг узлуксиз ишлаши бўйича тегишли чоралар кўришга;

“Электрон ҳукумат” тизими орқали олинадиган маълумотларни олиш, қўллаш ва сақлаш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя қилишга мажбур.

Фойдаланувчиларнинг ахборот тизимларини Рақамли маълумотлар платформасига улаш фақат ҳимояланган VPN тармоғи орқали ташкил этилади.

Бунда солиқ ва кадастр органларининг ахборот тизимлари Рақамли маълумотлар платформасига Вазирлар Маҳкамасининг “Учинчи шахсларга солиқ тўловчилар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш чора-тадбирлари ҳақида” 2021 йил 19 августдаги 529-сон қарорига мувофиқ давлат-хусусий шериклик шартномасининг амал қилиш муддатига қадар хусусий шерикнинг ахборот тизимлари орқали уланади.

Оператор:

Рақамли маълумотлар платформасига уланиш тартиби ва шартларига риоя қилишга;

фойдаланувчига Рақамли маълумотлар платформаси орқали маълумотлар юборилгунига қадар уларнинг конфиденциаллигини таъминлашга;

Рақамли маълумотлар платформасида маълумот тақдим этувчи ва фойдаланувчини шахсий кабинетларига улашга;

Ягона реестр тизимида Рақамли маълумотлар платформасига уланиш бўйича ариза ва технологик йўриқномани кўриб чиқишга ва келишишга;

Рақамли маълумотлар платформасида жойлаштирилган барча веб-сервислар бўйича режали ва режадан ташқари узилишлар ва/ёки тўхталишлар вужудга келиши ёки улар бартараф этилиши юзасидан фойдаланувчиларни мавжуд бўлган қайта алоқа каналлари орқали хабардор қилишга;

Маълумот тақдим этувчи ва фойдаланувчининг Рақамли маълумотлар платформасидаги шахсий кабинетлари орқали электрон ахборот ҳамкорлиги доирасидаги статистика маълумотлари билан танишиш имконини яратишга;

Рақамли маълумотлар платформасининг узлуксиз ишлаши бўйича тегишли чоралар кўришга;

қонунчилик ҳужжатлари ва мазкур Низом талабларини бажаришга;

мазкур Низомда ёки бошқа қонунчилик ҳужжатларида белгиланган қоидалар бузилган тақдирда, маълумот тақдим этувчи ёки фойдаланувчининг

Рақамли маълумотлар платформасига уланишини вақтинча тўхтатиш ёки бекор қилиш ва бу ҳақида уларни асосларни кўрсатган ҳолда расмий хабардор қилишга мажбур.

Маълумот тақдим этувчи Идоралараро интеграциялашув платформасига уланиш шартларига риоя қилишга, Идоралараро интеграциялашув платформасига уланиш бўйича Ягона реестр тизимида ариза ва технологик йўриқномаларни ишлаб чиқишга ва келишишга, Идоралараро интеграциялашув платформасининг push-хабарномалар сервисига уланиш бўйича фойдаланувчининг аризасини белгиланган тартибда келишишга, Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали юборилган сўровларга мувофиқ маълумотларни технологик йўриқномада белгиланган тартибда тақдим этишга, ўзига тегишли бўлган ахборот тизимлари ва ресурслари ҳамда маълумотлар базаларининг барқарор ишлаши, улардаги маълумотларнинг Идоралараро интеграциялашув платформасига узлуксиз равишда тақдим этилиши бўйича тегишли чоралар кўришга, ўзига тегишли маълумотларнинг ишончилиги ва тўлиқлиги ҳамда долзарблигини таъминлашга, долзарб бўлмаган маълумотлар бўйича шикоятларни қабул қилиш механизмини ишлаб чиқишга, жорий қилишга ҳамда келиб тушган шикоятлар натижаси бўйича маълумотларни ўз вақтида янгилаб боришга, Идоралараро интеграциялашув платформасида жойлаштирилган ўзининг барча веб-сервислари бўйича режали ва режадан ташқари узилишлар ва/ёки тўхталишлар вужудга келиши ёки улар бартараф этилиши юзасидан операторни мавжуд қайта алоқа каналлари орқали реал вақт режимида хабардор қилишга, ўзига тегишли веб-сервисга ўзгартириш ва/ёки қўшимчалар киритиладиган тақдирда, режалаштирилган ишлар амалга оширилгунига қадар бу ҳақида уч кун олдин операторга хабар беришга, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида техник ишлар ўтказилиши натижасида Идоралараро интеграциялашув платформасига тақдим этилаётган веб-сервисларда кузатилиши мумкин бўлган узилишлар юзасидан техник ишлар ўтказилишидан камида уч иш кун олдин операторни ёзма равишда хабардор қилишга, ахборот тизимлари ва ресурслари жойлашган серверлар ёки объектларда режалаштирилган фавқулодда юз берган узилишлар бундан мустасно, Идоралараро интеграциялашув платформасида жойлаштирилган ўз веб-сервисларига фойдаланувчиларни тўғридан-тўғри улашни чеклашга мажбур.

Фойдаланувчи Рақамли маълумотлар платформасига уланиш тартиби ва шартларига риоя қилишга, Рақамли маълумотлар платформасига уланиш бўйича Ягона реестр тизимида ариза ва технологик йўриқномаларни ишлаб чиқишга ва келишишга, Рақамли маълумотлар платформасининг push-хабарномалар сервисига уланиш бўйича аризасини белгиланган тартибда маълумот тақдим этувчи билан келишишга, Рақамли маълумотлар платформаси орқали олинаётган маълумотларнинг конфиденциаллигини таъминлашга, Рақамли маълумотлар платформаси орқали олинган маълумотларни учинчи томонга тақдим этмасликка, Рақамли маълумотлар платформаси орқали олинган маълумотлардан маълумот тақдим этувчи ва оператор билан келишилмаган бошқа мақсадларда фойдаланмасликка,

Рақамли маълумотлар платформасига уланган ўзининг ахборот тизимларининг узлуксиз ишлаши бўйича тегишли чоралар кўришга, “Электрон ҳукумат” тизими орқали олинган маълумотларни олиш, қўллаш ва сақлаш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя қилишга мажбур.

Талабгорнинг ахборот тизимлари ва сервисларини Ягона биллинг тизимига интеграция қилиш талабгор ахборот тизимларининг ахборот хавфсизлигини таъминланган ҳолда амалга оширилади.

Ягона биллинг тизимига “Электрон ҳукумат” тизими фойдаланувчиларини идентификациялаш ягона ахборот тизимида (кейинги ўринларда – Идентификациялашнинг ягона тизими) рўйхатдан ўтиш орқали қилинади.

Оператор ўз фаолиятини қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириш, Ягона биллинг тизимининг доимий ва узлуксиз ишлашини таъминлаш, Ягона биллинг тизимига киритилиши режалаштирилган ўзгартиришлар ҳақида вазирликлар ва идораларга аниқ муддати кўрсатилган ҳолда камида бир ой олдин ёзма хабарнома юбориш, Ягона биллинг тизимида юзага келган носозлик ва хатоликларни бартараф этиш бўйича мурожаатлар қабул қилинишини ташкил этиш ва тезкорлик билан кўриб чиқиш ҳамда бартараф этиш, Ягона биллинг тизимидаги давлат органларига тааллуқли ахборотнинг бутлигини таъминлаш мажбуриятларини ўз зиммасига олади⁵¹⁸.

МАИ субъектлари МАИ объектларининг киберхавфсизлигини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига риоя қилиши, киберхавфсизлик ҳодисалари тўғрисида ваколатли давлат органи ва ишчи органни белгиланган тартибда дарҳол хабардор қилиши, киберҳужумларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш, киберхавфсизлик ҳодисаларининг келиб чиқиш сабаблари ва шароитларини аниқлашда ваколатли давлат органи ҳамда ишчи органга кўмаклашиши, МАИ объектларининг киберхавфсизлигини таъминлаш жараёнига давлат органлари томонидан ноқонуний аралашуш ҳолатлари ҳақида ваколатли органни хабардор қилиши, ваколатли давлат органи билан келишилган ҳолда киберҳужумларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш, киберхавфсизлик ҳодисаларига жавоб бериш учун мўлжалланган воситаларни ўз ҳисобидан ўрнатиши ва сақлаши, МАИ объектларига киберҳужумларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш учун ўрнатилган воситаларнинг белгиланган талабларга мувофиқ тўлақонли ишлашини таъминлаши, ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланган тартибда киберхавфсизлик ҳодисаларига жавоб бериш, МАИ объектларига қарши амалга оширилган киберҳужумларнинг оқибатларини бартараф этиш чораларини кўриши ва киберхавфсизлик ҳодисаларини текширишда иштирок этиши, ваколатли давлат органи ва ишчи орган билан келишилган ҳолда, МАИ объектларига уюштирилиши мумкин бўлган кибертаҳдидларнинг олдини олиши ва киберҳужумлар содир бўлганда МАИ

⁵¹⁸ Вазирлар Маҳкамасининг “Идоралараро электрон ҳамкорлик тизими ва маълумотларнинг ахборот алмашинувини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 20 сентябрдаги 516-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

объектларининг барқарор ишлашини тиклаш режаларини ишлаб чиқиши, ваколатли давлат органи ва ишчи орган томонидан ташкил этиладиган режали машғулотларда иштирок этиши шарт.

МАИ объектларига киберхавфсизликни таъминлашнинг қуйидаги талаблари қўйилади:

МАИ объектининг киберхавфсизлигини самарали таъминлаш тизимининг йўлга қўйилганлиги;

ахборот тизимида маълумотлардан рухсатсиз фойдаланиш, уларни йўқ қилиш, ўзгартириш, блоклаш (чеклаш), нусха олиш, тақдим этиш ва тарқатиш ҳамда МАИ объектлари фаолиятининг бузилиши ва/ёки тўхташига олиб келувчи бошқа ҳаракатларни амалга оширишнинг олди олинганлиги;

киберхавфсизликни таъминлаш тизими параметрларининг техник регламентлар талабларига мувофиқлиги, киберхавфсизлик ва МАИ объектининг узлуксиз фаолият юритишини таъминловчи чора-тадбирлар жорий этилганлиги;

киберхавфсизлик ҳодисаси рўй берганда киберҳимояни таъминлаш тизимини тезкор тиклаш имконияти мавжудлиги;

киберхужумларни мониторинг, аудит ва таҳлил қилиш, аниқлаш, чора кўриш ҳамда уларнинг оқибатларини бартараф этиш тизимининг самарали йўлга қўйилганлиги;

киберхавфсизлик ва МАИ объектининг киберхавфсизлиги ва унинг эксплуатациясига доир ҳужжатларнинг мавжудлиги.

МАИ объекти раҳбари мазкур объектда киберхавфсизликни таъминлашга масъул шахс ҳисобланади. МАИ объекти раҳбари томонидан белгиланган тартибда объектда киберхавфсизликни таъминловчи ҳимоя тизимининг ишлашини таъминлашга масъул мутахассислар ёки таркибий бўлинма тайинланади.

МАИ объекти раҳбари объектининг ахборот хавфсизлиги сиёсати, киберхавфсизлик соҳасидаги низомлар, кўрсатмалар, талаблар, ҳимоя воситаларидан фойдаланиш, киберхавфсизликни таъминловчи ҳимоя тизимининг ишлашини ташкил этиш ва назорат қилиш тартибини тасдиқлайди ҳамда уларни доимий равишда такомиллаштириш чораларини кўради.

МАИ объектларининг киберхавфсизлигини таъминловчи барча аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий таъминотлар тегишли мувофиқлик сертификатлари ҳамда киберхавфсизлик тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ бўлиши керак.

МАИ объектларининг киберхавфсизлигини таъминлаш бўйича белгиланган талаблар билан бирга қўшимча равишда қуйидагилар:

МАИ объектларининг киберхавфсизлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни режалаштириш, ишлаб чиқиш, такомиллаштириш ва жорий қилиш;

МАИ объектларининг киберхавфсизлигини таъминлаш учун ташкилий, ҳуқуқий ва техник чораларни кўриш;

МАИ объектларининг киберхавфсизлигини таъминлашда қўлланиладиган аппарат, дастурий-аппарат ва дастурий воситаларнинг кўрсаткич ва хусусиятларини белгилаш назарда тутилади.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, бирлашмалар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ваколатли давлат органи ва унинг ишчи органи билан келишган ҳолда ахборот хавфсизлиги сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишда МАИ объектларининг иш фаолияти хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда уларнинг киберхавфсизлигини таъминлаш воситаларига кўшимча талабларни белгилаши мумкин.

Киберхавфсизликни таъминловчи ҳимоя тизими қуйидагиларни таъминлаши зарур:

МАИ объекти томонидан қайта ишланадиган маълумотлардан рухсатсиз фойдаланиш, уларни йўқ қилиш, ўзгартириш, блоклаш (чеклаш), нусхалаш, тақдим этиш, тарқатиш ва шу каби бошқа хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш;

МАИ объектининг иш фаолияти бузилиши ва/ёки тўхтаб қолишига олиб келиши мумкин бўлган аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий воситаларга ахборот таъсирининг олдини олиш;

ўз ичига давлат сирини олмаган, қонунчилик билан ҳимояланган (кейинги ўринларда – конфиденциал) ва махфий маълумотларга киберхавфсизлик таҳдиди шароитида МАИ объектининг тўлиқ ишлашини таъминлаш;

МАИ объекти фаолиятини тиклаш имкониятини таъминлаш.

Автоматлаштирилган ва ахборот тизимларида барча қайта ишланаётган маълумотлар, аппарат, аппарат-дастурий ҳамда дастурий воситалар, шу жумладан компьютерни сақлаш воситалари, иш станциялари, серверлар, телекоммуникация ускуналари, алоқа линиялари, график, видео ва нутқ маълумотларини қайта ишлаш воситалари, аппарат-дастурий воситаларнинг дастурий таъминоти, ахборот тизимларининг архитектураси ва конфигурацияси ҳимоя қилинади. Телекоммуникация тармоқларида алоқа линиялари орқали узатиладиган маълумотлар, телекоммуникация ускуналари, шу жумладан дастурий таъминот, бошқарув тизими, ўрнатилган ҳимоя воситалари, телекоммуникация тармоғи архитектураси ва конфигурациясининг яхлитлиги ҳимоя қилинади. Автоматлаштирилган бошқарув тизимларида бошқариладиган, кузатиладиган объект ёки жараённинг параметрлари ёхуд ҳолати тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан кириш-чиқиш маълумотлари, бошқарув маълумотлари, назорат ва ўлчов маълумотлари ҳамда бошқа муҳим маълумотлар, дастурий таъминот ва аппарат воситалари, шу жумладан иш станциялари, саноат серверлари, телекоммуникация ускуналари, алоқа линиялари, дастурланадиган мантикий текширгичлар, ишлаб чиқариш, технологик ускуналар, аппарат-дастурий воситаларнинг дастурий таъминоти, ўрнатилган ҳимоя воситалари, автоматлаштирилган бошқарув тизимининг архитектураси ва конфигурацияси ҳимоя қилинади.

Хавфсизлик чораларини амалга оширишда аппарат, тизим, дастур ва тармоқ даражаларида, шу жумладан виртуаллашган муҳитда киришнинг барча

объектлари ва субъектларига нисбатан киберхавфсизлик таҳдидларининг ҳисобга олинганлиги мажбурий мезонлардан бири ҳисобланади.

МАИ объектларидаги конфиденциал ва махфий маълумотларни қайта ишлайдиган қурилмаларда, киберхавфсизлик таҳдидларига қараб, қуйидаги чоралар амалга оширилиши зарур:

кичик тизим ёки бошқа тизимларнинг элементларига кириш ҳуқуқи олинишининг ҳар бир босқичида идентификация ва аутентификация қилиш;
файллар, тизимлар ва қурилмаларга кириш ҳуқуқини бошқариш;
ахборот инфратузилмасини бошқариш ваколатига эга бўлмаган фойдаланувчи учун дастурий муҳитни чеклаш;

конфиденциал ва махфий маълумотларни ташувчи воситаларни ҳимоя қилиш;

тизимлар, дастурлар, шу жумладан дастурий ва дастурий-аппарат ресурсларининг киберхавфсизлик аудитини ўтказиш;

МАИ объекти ахборот активларини бузғунчи дастурий таъминотларга қарши ҳимоя қилиш;

киберхужумларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш;
қурилмалар орқали узатиладиган барча маълумотларни қўллаш мақсадларидан қатъи назар уларнинг яхлитлигини таъминлаш;

фойдаланувчиларнинг МАИ объекти фаолиятидаги ўрнига қараб тизим фойдаланувчилари учун маълумотларга рухсат бериш ва ҳимоясини таъминлаш;

ахборот техник ҳимоя воситаларининг хавфсизлигини таъминлаш;
конфигурацияни бошқариш;

дастурий таъминот янгилашларини ўз вақтида бошқариш;

киберхавфсизлик ҳодисаларига ўз вақтида чора кўриш;

фавқулодда вазиятларда зарур ҳаракатларни бажариш;

яхлитлиги, конфиденциаллиги ёки махфийлиги ҳамда мавжудлиги МАИ объектининг фаолияти ва хавфсизлиги билан боғлиқ бўлган муҳим маълумотларнинг захира нусхасини сақлаш;

киберхавфсизликни таъминлаш ҳолатини, рухсатсиз кириш ва ахборотни ўзгартиришга уринишларни доимий назорат ҳамда таҳлил қилиш;

маълумотларни тезкор тиклаш механизмларини амалга ошириш;

объектни унинг киберхавфсизлик талабларига жавоб бериши юзасидан аттестациядан ўтказиш.

Ушбу талабларнинг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар⁵¹⁹.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар тўловлар тўғрисидаги ахборотни шакллантириш, узатиш, сақлаш ва унга ишлов беришнинг барча босқичларида тўловлар тўғрисидаги ахборотни узлуксиз ҳимоя қилиш учун қуйидаги чораларни кўришлари лозим:

⁵¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг муҳим ахборот инфратузилмаси объектлари киберхавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2023 йил 31 майдаги ПҚ-167-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

идентификация, аутентификация ва авторизация қилиш тизимини жорий этиш;

тизимга рухсатсиз киришнинг олдини олиш усуллари (логин, парол, биометрик идентификация, икки факторли аутентификация (2FA) ва бошқа) қўллаш;

тўлов ҳужжати ва идентификация маълумотларини қалбакилаштириш, уларни рухсатсиз ўзгартириш ҳамда учинчи шахсларга тақдим этишдан ҳимоялаш;

тўлов ахборотлари шакллантирилишини, тўлов ҳужжатининг ҳаққонийлиги текширилишини ва уларга ишлов берилишини ҳамда асосли ўзгартиришлар киритилишини таъминлаш ва назорат қилиш;

тўлов ҳужжатларини узатишда ушбу ҳужжатнинг асл эгасига етказилишини ҳамда бошқа шахсларга жўнатилишининг олди олинишини таъминлаш;

амалга оширилган тўловга оид маълумотларни сақлашда уларни рухсатсиз кўчириш, ўзгартириш, ўчириш ҳамда учинчи шахсларга жўнатилишининг олдини олиш чораларини кўриш;

ташқи сақловчига кўчирилган тўловга оид маълумотларнинг сейфда (темир шкафта) сақланишини таъминлаш ҳамда маълумотларни сақлаш учун масъул ходим (ходимлар) тайинлаш;

ахборот тизимларидаги дастурий таъминотларнинг назоратини ва ҳисобини юритиш ҳамда ахборот тизимларидаги дастурий таъминот талқинларининг, аппарат-дастурий курилмаларининг ва дастурий воситаларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш;

ахборот тизимларининг актуал ҳолатда (охирги версия) бўлишини таъминлаш, бунда дастурий таъминотнинг янги талқинини текширувдан ўтказгандан сўнг ахборот тизимига жорий этиш;

тўлов ахборотларига ишлов бериш, уларни узатиш ҳамда сақлаш жараёнларини электрон баённомаларда автоматик тарзда шакллантириб бориш ҳамда уларнинг сақланишини таъминлаш;

ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш хизмати ҳамда банк ва тўлов тизимларида шубҳали фрод операцияларга қарши чоралар кўриш хизматларини ташкил этиш, шунингдек ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш ҳамда банк карталари билан боғлиқ шубҳали (фрод) операцияларга қарши чоралар кўриш бўйича амалга ошириладиган ишларни назорат қилиш;

ҳисоблаш тармоғининг хавфсизлиги ва криптографик муҳофазасини таъминлаш, компьютер вирусларидан ҳимоялаш, ахборот тизимларига киришни бошқариш, техник воситаларини созлаш ва бошқа чораларни қўллаш;

ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш ҳамда банк карталари билан боғлиқ шубҳали (фрод) операцияларга қарши чоралар кўриш ускуналари, курилмалар, аппарат-дастурий ва дастурий техник воситалари қўлланишини таъминлаш ҳамда уларни мунтазам такомиллаштириб бориш, фойдаланиш тартибларини белгилаш, уларга техник хизмат кўрсатиш,

таъмирлаш ва бошқа ҳолатларда улардан кўзда тутилмаган тарзда рухсатсиз фойдаланишнинг олдини олиш;

қўлланилаётган техник воситаларга барча телекоммуникация тармоқларидан рухсатсиз кириш, улардаги маълумотларни ўзгартириш, ўчириш, қўчириб олишдан ҳимоялаш;

ахборотларни чиқиб кетиши (йўқолишини) олдини олиш;

ахборот тизимига рухсатсиз кириш ёки киберхавфсизлик ҳодисалари содир этилганда, уларни таҳлил қилиш асосида ҳимоя тизимларини мустақкамлаб бориш чораларини кўриш.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар дастурларга ва операцион тизимга зарар келтирувчи зарарли кодлар (компьютер вируслари) ва уларнинг салбий таъсирининг олдини олиш учун қуйидаги чораларни кўриши керак:

ҳисоблаш техникаси қурилмалари (серверлар, компьютерлар ва бошқалар), банкомат, эмбоссер ва тўлов терминалларининг (техник имкониятидан келиб чиқиб) иш фаолиятига зарар етказувчи кодларни (компьютер вирусларини) аниқлаш ва уларнинг салбий таъсирининг олдини олиш чораларини кўриш;

ахборот тизимларида фақат лицензияланган антивирус дастуридан фойдаланиш, уларнинг русумлари ва базалари актуаллиги ҳамда янгиланиб борилишини таъминлаш;

антивирус дастурларининг автоматик тарзда ишлашини таъминлаш;

интернет ва корпоратив тармоқлар орқали келган барча ахборотларни антивирус дастури орқали текшириш.

Тўлов тизимларида ахборотни муҳофаза қилишнинг криптографик усуллари қўлланилиши ва тўлов тизими қоидаларида қуйидагилар белгилаб берилиши лозим:

криптографик муҳофаза воситаларини автоматлаштирилган тизимларга боғлаш, ишга тушириш, ишлатиш ва фойдаланишдан чиқариш тартиби;

криптографик муҳофаза воситаларининг тўхтаб қолиши, ишдан чиқиши ва бошқа ғавқулдда ҳолатларда уларни қайта тиклаш тартиби;

криптографик муҳофаза дастурларига ва техник ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тартиби;

криптографик калитларни бошқариш тартиби;

криптографик калитларни ташувчи қурилмаларни қўллаш, сақлаш, ўзгартириш ва бошқалар бўйича ташкилий, техникавий усулларни қўллаш тартиби.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан ахборот алмашинувида ахборот хавфсизлиги ҳамда киберхавфсизликни таъминлашлари шарт.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчиларнинг ахборотлаштириш объектларига рухсатсиз кириш ҳамда фойдаланишни чегаралаш мақсадида қуйидаги чоралар кўрилиши керак:

ахборотлаштириш объектларига, шу жумладан, банкомат, тўлов терминаллари ва тўлов ўтказиш электрон қурилмаларига жисмонан таъсир этишни ҳамда техник жиҳозлар мавжуд бўлган бино ва хоналарга киришни назорат қилиш;

тўловларни амалга оширишда қўлланиладиган автоматлаштирилган тизимлар, дастурлар, ҳисоблаш техникалари, телекоммуникация қурилмалари параметрлари ва тузилмалари ҳамда тўлов тизимида ишлаш ҳуқуқини берувчи маълумотларни (парол, биометрик ва бошқа маълумотлар) ўз ичига олган техник воситаларнинг жисмоний муҳофазасини (хавфсизлик режимини) таъминлаш ва рухсатсиз таъсир этишнинг олдини олиш;

тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчиларнинг ходимлари ахборотлаштириш объектларига киришини назорат қилиш ва маълумотларни рухсатсиз тарқалишидан ҳимоялаш тизимларини жорий қилиш;

серверлар ва телекоммуникация қурилмалари жойлашган хоналарда ишлаш жараёнларини видеокузатув тизимлари ёрдамида назорат қилиш.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар қуйидаги маълумотларни ўз ичига олган ахборот тизимларининг ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлигини таъминлашлари керак:

банк (карта) ҳисобварағида пул маблағлари қолдиқлари тўғрисидаги маълумотлар;

электрон пуллар қолдиқлари тўғрисидаги маълумотлар;

амалга оширилган тўловлар тўғрисидаги маълумотлар;

нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ўз ичига олган маълумотлар;

банклараро тўлов ва клиринг тизимлари тўлов маълумотлари;

криптографик муҳофазани таъминлаш учун қўлланиладиган криптографик калитлар;

тўловларни амалга оширишда қайта ишланадиган конфиденциал ахборотларни (банк сири, шахсга доир маълумотлар ва бошқа қонун билан муҳофаза қилинадиган маълумотлар);

мижозларнинг банк карталари, аккаунтлари ва идентификациядан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотлар.

Тўлов тизимлари операторлари ёки тўлов хизматларини етказиб берувчилар масофадан тўлов хизматларини кўрсатувчи ахборот тизимларини (мобил илова, интернет банкинг ва бошқалар) (бундан буён матнда масофавий ахборот тизимлари деб юритилади) амалиётга жорий этиш ҳамда уларга ўзгартириш киритишдан аввал қуйидагиларни таъминлашлари лозим:

масофавий ахборот тизимларининг тўловларни ўтказиш билан боғлиқ барча функцияларини синов (тест) тарзида тўлиқ текширувдан ўтказишни таъминлаш;

масофавий ахборот тизимларини техник топшириқлар, уларни техник топшириққа ва киберхавфсизлик талабларига мувофиқлиги юзасидан экспертизадан ўтказиш ҳамда уларнинг натижалари бўйича экспертиза хулосаларини Марказий банкка тақдим этиш;

масофавий ахборот тизимларини уяли алоқа даражасида ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизими, Марказий банкнинг марказлашган антифрод ҳамда замонавий биометрик идентификация тизимларига уланишини таъминлаш;

дастурларни ишлатиш бўйича йўриқномаларни ишлаб чиқиш ва уларнинг актуаллигини таъминлаган ҳолда мижозларга тақдим этиш;

аниқланган заифликларни бартараф этиш учун ўзгаришлар киритилишини таъминлаш;

мижозлар қўллаётган дастурларнинг актуаллигини назорат қилиш.

Тўлов тизимлари операторлари ёки тўлов хизматларини етказиб берувчилар масофавий ахборот тизимларининг янги талқинини (версиясини) жорий этганидан сўнг эски талқиндан (версиядан) фойдаланишни чеклаши ва янги талқинга (версияга) ўтиши (янгилаши) лозим.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар ўзаро тўлов ахборотлари ва тўлов ахборотларига тегишли бўлган маълумотлар алмашинувини телекоммуникация тармоқлари орқали амалга ошириш учун томонларнинг ахборотлаштириш объектлари хусусиятларидан келиб чиқиб, уларнинг вазифалари, жавобгарликлари ва мазкур Низом талабларини ўз ичига олган ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлигини таъминлаш, шунингдек банк карталари билан боғлиқ шубҳали (фрод) операцияларга қарши чоралар кўриш қоидаларини ишлаб чиқиши керак.

Тўлов агенти томонидан банк ёки тўлов ташкилоти билан тўлов хизматларини кўрсатиш учун тузилган агентлик шартномасида ахборот хавфсизлиги бўйича томонларнинг масъулиятлари белгиланган бўлиши керак.

Тўлов субагенти томонидан тўлов агенти билан тўлов хизматларини кўрсатиш бўйича тузилган субагентлик шартномасида ахборот хавфсизлиги бўйича томонларнинг масъулиятлари белгиланган бўлиши керак.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар ахборотнинг конфиденциаллиги ва яхлитлигини, шу жумладан, тўлов хизматларидан фойдаланувчининг шахсига доир маълумотларни муҳофаза қилишда ҳамда етарли хавфсизликни таъминлаш мақсадида қуйидаги чораларни кўришлари лозим:

тўлов тизимида ишлов бериладиган конфиденциал ва шахсга доир маълумотларнинг яхлитлиги ва дахлсизлигини муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш тартибини ишлаб чиқиш;

ички ҳужжатлар билан тартибга солинадиган ҳимояланадиган маълумотлар билан ишлашда хавфсизлик ва конфиденциалликни таъминлаш қоидалари ва талабларини ишлаб чиқиш;

конфиденциал ва шахсга доир маълумотлар билан ишловчи ходимлар сонини имкон даражасида камайитириш, ходимлар билан конфиденциал ва шахсга доир маълумотлар ошкор этилишининг олдини олиш бўйича мажбуриятномалар (шартнома) тузиш ва ушбу маълумотлардан фойдаланиш ҳуқуқларини ходимларнинг лавозим мажбуриятларидан келиб чиқиб белгилаш;

конфиденциал маълумотлар рўйхатини юритиш бўйича комиссия таркибини шакллантириш ва тасдиқлаш;

конфиденциал маълумотлар рўйхати ва ҳажмини аниқлаш ҳамда тасдиқлаш;

конфиденциал маълумотлар билан ишлашга рухсат берилган ходимлар рўйхатини шакллантириш ва тасдиқлаш;

ахборотлаштириш объектининг техник паспортини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

конфиденциал маълумотлар билан ишлаш тартибини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

конфиденциал маълумотларни ташувчи воситаларни рўйхатга олиш, йўқ қилиш, конфиденциал ахборот ташувчиларни ташқарига олиб чиқиш/кириш журналлари юритиш;

маълумотлар яхлитлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида электрон рақамли имзо калитларидан фойдаланиш ҳамда шифрланган маълумотларни сақлаш тартибини белгилаш;

конфиденциал ва шахсга доир маълумотлар мавжуд бўлган ресурсларга киришда идентификация, аутентификация ва авторизация қилинишини таъминлаш;

конфиденциал ва шахсга доир маълумотлар билан ишлаш ҳуқуқларининг рухсатсиз берилишини олдини олиш;

ахборот тизимлари фойдаланувчиларининг муҳофазаланган маълумотларига кириш, ишлов бериш, уларни сақлаш ҳамда тақдим этиш жараёнидаги амалга оширилган ҳаракатларни электрон баённомаларда қайд этиб бориш;

ташқи сақловчи қурилмалар ва техник воситаларнинг бинодан ташқарига олиб чиқилиши ҳамда уларнинг ўғирланишининг олдини олиш;

маълумотларни узатиш, сақлаш, ўчириб ташлаш, уларга ишлов бериш ҳамда уларнинг рухсатсиз четга чиқиб кетишининг олдини олиш чоралари таъминланганлигини назоратга олиш.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар ахборот ва интернет жаҳон ахборот тармоғини, шунингдек, серверлар ва алоқа каналларини эҳтимоли мавжуд бўлган кибертаҳдид ва киберҳужумлардан ҳимоя қилиш учун етарли чораларни кўриши лозим. Ушбу чоралар қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

компьютер тармоқларини сегментлаш ва тармоқлараро экрандан фойдаланиш;

ахборот тармоқлари, шу жумладан, интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали қабул қилинаётган ва узатилаётган маълумотларга рухсатсиз киришнинг олдини олиш бўйича техник (криптографик ва бошқа) ва/ёки ташкилий чоралар кўриш ҳамда тармоқ маълумотларини филтрлашни таъминлаш (тармоқлараро экранларни қўллаш);

ахборот тармоқлари ва веб-сайтлар орқали тўловларни амалга оширишда идентификация, кўп омилли аутентификация ва авторизация

қилиш (кўп омилли аутентификация қилиш мобил ва алоқасиз тўловларни амалга ошириш чоғида қўлланилмайди);

ахборот тармоқлари ва Интернет жаҳон ахборот тармоғи, шунингдек, серверлар ва алоқа каналларидан фойдаланувчиларни идентификация қилиш;

интернет жаҳон ахборот тармоғи ресурсларидан ходимларнинг фойдаланишини прокси-сервер орқали амалга ошириш, иш фаолияти учун зарур бўлмаган веб-сайтларга киришни чегаралаш ва кирилган веб-сайтларни қайд этиб бориш;

ахборот тизимларини асосий ва захира алоқа каналлари билан таъминлаш;

серверлар тармоғини муҳофазалаш (демилитаризация қилинган зоналарини (DMZ) ташкил этиш);

серверларда иш фаолияти учун зарур бўлмаган портларни ёпиш ва хизматларни тўхтатиш;

ахборот тизимида кириш объектлари ва ресурсларининг ҳисобини юритиш;

мобил тўловларни амалга ошириш чоғида фойдаланувчиларни кўп факторли аутентификация қилиш (SMS, QR-код, NFC, бармоқ излари, кўзнинг рангдор пардаси асосида аниқлаш ёки шу каби тасдиқловчи усулларни қўллаш мумкин);

мобил қурилмалар ёрдамида масофадан киришда тўлов маълумотлари ҳамда ахборот тизимларининг (маълумотлар базасининг) ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлигини таъминлаш;

масофавий хизмат кўрсатиш ва бошқа ахборот тизимларида миқдори идентификация ва аутентификация қилиш мақсадида қўлланиладиган (бир марталик ёки кўп марталик) паролларни ишлатиш тартибини белгилаш, тасдиқлаш кодларини қўллаш, бир марталик тасдиқлаш кодларини тизимга шифрланган ҳолда юбориш, антифрод ва биометрик идентификация тизимларини қўллаш, коднинг фаол бўлиш вақти ва бошқаларни ёритиш;

автоматлаштирилган тизимга киришда қўлланилган қурилма тўғрисида идентификация маълумотларини (IP-адрес, MAC-адрес ва бошқа идентификаторлар) қайд этиш;

тажовузларни аниқлаш ва уларнинг олдини олиш тизимларини қўллаш.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш бўйича талабларнинг бузилиши билан боғлиқ бўлган ҳодисаларга нисбатан қуйидаги таъсир чораларини кўришлари лозим:

юзага келиши мумкин бўлган ҳодисаларга нисбатан таъсир чораларини кўриш юзасидан зарур ҳаракатларни олдиндан кўра билиш ҳамда амалга ошириладиган ҳаракатлар рўйхатини белгилаш;

содир бўлган ҳодисаларга нисбатан қисқа муддатларда таъсир чораларини кўриш;

ишнинг узлуksизлигини таъминлаш, шунингдек, ноқонуний тўловлар ва ҳисобварақлардаги қолдиқ маблағларини рухсатсиз ўзгартирилишини олдини

олиш, ахборотни қайта тиклаш ҳамда бошқа салбий ҳолатларни бартараф этиш;

ходимлар томонидан мавжуд ахборот тизимларида ишлашда белгиланган ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик талабларига риоя қилинишини таъминлаш;

юзага келган ҳодисаларнинг келиб чиқиш омилларини аниқлаш мақсадида тармоқ қурилмалари ва ахборот тизимларининг электрон баённомаларини расмийлаштириш, йиғиш, таҳлил қилиш ҳамда уларга асосан тегишли кўрсатмаларни ишлаб чиқиш.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар банкомат, инфокиоск ва тўлов терминалларининг ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлигини таъминлаши лозим. Бунда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлашда қуйидаги чоралар қўлланилади:

банкомат, инфокиоск ва тўлов терминалларининг ҳисобини юритиш ҳамда уларнинг ахборот дастурига рухсатсиз киришининг олдини олиш;

банкомат, инфокиоск ва тўлов терминалларида техник хизмат кўрсатувчи шахслар фаолиятини назорат қилиш ҳамда улар томонидан амалга оширилган ўзгартиришлар бўйича электрон баённома юритиш;

видеокузатув тизимлари ёрдамида банкоматлар билан ишлаш жараёнларини назоратга олиш (банкоматга киритиладиган банк карталарининг пин код рақамлари видеокузатув тизимлари орқали қайд этиш имкониятига эга бўлмаслиги лозим);

бош банк ҳамда унинг инфратузилмалари (филиал, мини-банк ва бошқалар) ва бошқа қўриқланадиган объектларидан ташқарида жойлаштирилган банкоматларнинг видеокузатув маълумотлари бош банк ёки унинг филиалидаги техник қурилмаларга тўғридан тўғри (онлайн) ёзиб борилишини таъминлаш;

банкомат тармоқ кабелларини муҳофазалаш;

банкоматнинг бошқа банкоматлар билан бир хил бўлган қулфларини алмаштириш;

банкоматларни алоқа каналларидан ёки жисмонан боғланган ҳолда эҳтимолий ҳужумлардан (шу жумладан, скиммингдан) ҳимоя қилиш;

банкоматларнинг операцион тизими ҳамда BIOS тизимига кириш ҳуқуқларини мураккаб пароллар билан ҳимоялаш;

аутентификация қилиш тартибини белгилаш;

тўловларни амалга оширувчи қурилмаларнинг ҳисобини юритиш;

банкоматлардаги нақд пул маблағларининг жисмоний муҳофазасини таъминлаш;

тармоқ орқали ахборот алмашинувида ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш;

халқаро тўлов тизимлари билан ишлайдиган ахборот тизимларида халқаро стандартлар (PCI DSS, PTS, PA DSS) талабларига мувофиқ ахборот муҳофазаси воситалари ва тизимларини жорий қилиш.

Тўлов тизимлари операторлари ўз тизимларидаги банкомат ва инфокиоскларда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни банклар билан биргаликда таъминлайди ҳамда уларнинг узлуксиз ва тўғри ишлашини назорат қилади. Агар ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик бўйича маълум бир (ёки барча) масъулият тўлов хизматларини етказиб берувчига юклатилган бўлса, мазкур ҳолат тегишли шартномаларда қайд этилиши ва масъулият юклатилган ташкилотга зарурий шароитлар яратиб (банкоматларнинг ахборот тизимидаги ишлаш ҳуқуқлари) берилиши зарур.

Муҳим тўлов тизимлари операторлари мазкур Низомда белгиланган хавфсизлик чораларига қўшимча равишда қуйидаги ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик чораларини таъминлаши зарур:

тўлов тизимининг узлуксиз ишлаши ишончлилигини таъминлаш;

ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш хизматини ташкил этиш ва унинг мажбуриятларини белгилаш;

Ўз ДСт 2875:2014 “Датамарказларга қўйиладиган талаблар. Инфратузилма ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш” стандартининг датамарказ телекоммуникация воситалари инфратузилмаси тайёрлиги ва хавфсизлигининг учинчи даражадан паст бўлмаслигини таъминлаш;

халқаро банк карталаридан фойдаланилганда PCI DSS хавфсизлиги стандарти, Payment Services Directive (PSD2) тўлов хизматларини кўрсатиш директиваси талабларига мувофиқлаштириш;

ахборот тизимлари тўғри ташкил этилганлиги юзасидан нуфузли халқаро аудитор ташкилотларни жалб қилиш орқали АКТ-инфратузилмасини (ахборот хавфсизлиги ҳолатини) аудитдан ўтказишни таъминлаш;

Ўзбекистон Республикасининг “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида муҳим тўлов тизимлари операторларига белгиланган талабларни бажариш.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчиларнинг тўловлар билан боғлиқ маълумотларни сақлаш ва уларга ишлов бериш хоналари билан таъминланган бўлиши керак. Ушбу хоналар қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

рухсатсиз жисмоний киришдан муҳофазаланган бўлиши;

хона биринчи қаватда жойлашган ҳолларда унинг деразалари темир панжара билан жиҳозланган бўлиши;

қўриқлаш ва ёнғиндан огоҳ этувчи иккита ҳимоя тўсиғи хабаргоҳлари билан жиҳозланиши;

тунги вақтда қўриқлаш ва огоҳлантириш қурилмалари билан жиҳозланиши;

видеокузатув орқали назоратга олиниши.

Тўлов тизимлари операторлари ўзларининг тўлов тизимларида ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик чораларини кўришда назорат ва мониторинг ишларини амалга оширишлари лозим.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар автоматлаштирилган тизимлар, иловалар ҳамда ахборот инфратузилма объектларини ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик

заифликларига таҳлил қилиши, ҳар йили камида икки марта рухсатсиз киришга текшириши ва ҳужжатларда қайд этилмаган имкониятлар мавжуд эмаслигини назорат қилиши лозим.

Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар ҳар йили, келгуси йилнинг биринчи апрелидан кечиктирмай, Марказий банкка ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликнинг таъминланганлик ҳолати тўғрисида ҳисобот тақдим этиши шарт.

Тўлов тизими операторлари, тўлов тизимининг иштирокчилари ва тўлов ташкилотлари таваккалчиликларни бошқариш тўғрисидаги ҳужжатларида жисмоний ва юридик шахсларнинг розилигисиз амалга оширилган пул ўтказмаларининг тавсифи, миқдори ва ҳаракатларини таҳлил этиш орқали банк карталаридан жисмоний ва юридик шахсларнинг розилигисиз амалга оширилган пул ўтказмаларининг мезонларига мос келадиган операцияларни аниқлаш жараёнларини белгилайди.

Тўлов тизими операторлари банк карталари орқали жисмоний ва юридик шахсларнинг розилигисиз пул ўтказмаларини олдини олиш мақсадида транзакцион антифрод тизимларини жорий этиши ҳамда Марказий банкнинг марказлашган антифрод тизимига интеграция қилинишини таъминлаши лозим.

Тўлов тизимининг иштирокчилари ва тўлов ташкилотлари ўзларида сессион антифрод тизимларини жорий этиши ҳамда Марказий банкнинг марказлашган антифрод тизимига интеграция қилинишини таъминлаши лозим.

Тўлов тизими иштирокчилари ва тўлов ташкилотларида банк карталари орқали жисмоний ва юридик шахсларнинг розилигисиз амалга оширилган пул ўтказмаларининг мезонларига мос келадиган операциялар аниқланганда, ушбу операция бўйича тақдим этилган фармойишнинг бажарилишини антифрод тизимлари доирасида амалга оширади.

Тўлов тизими операторлари, тўлов тизимининг иштирокчилари ва тўлов ташкилотлари жисмоний ва юридик шахсларнинг розилигисиз амалга ошириладиган тўловларни олдини олиш мақсадида қуйидагиларни бажариши лозим:

жисмоний ва юридик шахсларнинг розилигисиз амалга оширилган пул ўтказмаларининг тавсифи, миқдори ва ҳаракатларини таҳлил этиши, таваккалчиликларни баҳолаши ва бошқариши ҳамда уларнинг мезонларига мос келадиган операцияларни аниқлаш жараёнларини белгилаши;

жисмоний ва юридик шахслар ўртасида тузилган шартномаларда (оммавий оферталарда) антифрод тизими доирасида банк карталари билан боғлиқ шубҳали (фрод) операцияларга қарши чоралар кўриш масалаларини ёритиши;

банк карталари билан боғлиқ шубҳали (фрод) операциялар бўйича келиб тушадиган мурожаатларни йиғиши ва таҳлил қилиши;

тўлов хизмати фойдаланувчисининг пул маблағларини ўтказиш вақтида, ушбу тўлов шубҳали (фрод) операциялар рўйхатида бўлса, бундай ҳолат ҳақида фойдаланувчига хабар (SMS, мессенжер ёки бошқа ахборот тизимлар

орқали) бериши, такрорий тасдиқ (PIN код, яширин сўзни киритиш ёки бошқа тарзда маълумот) олиши, агар маълум вақт оралиғида ушбу тасдиқ олинмаса, ушбу тўлов операциясини бекор қилиши;

фойдаланувчи томонидан ўзининг ҳисоб-варақларига тегишли тўлов операцияларини тўхтатиш (блокировка қилиш) имкониятини яратиши;

банк карталари билан боғлиқ шубҳали (фрод) операцияларда иштирок этган банк карталари ва ҳисобварақлари, мобил иловалари аккаунтлари ҳамда электрон ҳамёнлар тўғрисида ўзларининг ахборот тизимларида мавжуд бўлган маълумотларни Марказий банкнинг сўровига асосан ўз вақтида тақдим этиши;

ахборот тизимлари ва ресурсларида аниқланган, жисмоний ва юридик шахсларнинг розилигисиз амалга оширилган пул ўтказмаларини ўтказиш ёки ўтказишга уриниш ҳолатлари тўғрисидаги маълумотларни Марказий банкка тақдим этиб бориши.

Тўлов тизими операторлари, тўлов тизимининг иштирокчилари ҳамда тўлов ташкилотлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг розилигисиз тўловлар содир этилган ҳолатларда иштирок этган банк карталари ва ҳисобварақлари, мобил иловалари аккаунтлари ҳамда электрон ҳамёнлардан фойдаланишни вақтинча чекланган (блокланган) муддат мобайнида қонун ҳужжатларида уларни чеклаш (блоклаш) учун бошқа асослар бўлмаганда, улардан фойдаланишга қўйилган вақтинчалик чеклов (блоклаш) олиб ташланади.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг розилигисиз амалга оширилган пул ўтказмаларининг мезонлари Марказий банк бошқарувининг қарорига асосан белгиланади.

Тўлов тизими операторлари, тўлов тизимининг иштирокчилари ҳамда тўлов ташкилотлари EPOS-терминалларида фойдаланишда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш бўйича қуйидагиларни амалга ошириши лозим:

тўлов агентлари ва субагентларининг реестрини юритиши, шунингдек, тўлов агентлари ёки субагентларини рўйхатдан ўтказиш, ўзгартириш ва ўчиришда 1 иш куни ичида Марказий банкка ўзгартирилган реестрни тақдим этиши;

жисмоний шахслар ўртасида пул маблағларини ўтказишни (P2P) амалга ошириш учун алоҳида EPOS-терминалидан фойдаланиши, шунингдек ушбу EPOS-терминалларида бошқа мақсадларда фойдаланишини таъқиқлаши;

EPOS-терминалларида шартномада кўрсатилган мақсадларда фойдаланишни назорат қилиши;

EPOS-терминалларида, шунингдек фойдаланувчи пароллари ва кириш ҳуқуқларидан фойдаланишда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш тартибини ишлаб чиқиши.

Тўлов тизими операторлари ва тўлов тизимининг иштирокчилари Марказий банкнинг мажбурий кўрсатмасига кўра, шубҳали (фрод) операциялари амалга оширилишини чеклаш ёки тўхтатиш мақсадида EPOS-

терминаллардан фойдаланишни тўхтатиш ёки ушбу терминалларни ўчириш чораларини кўриши лозим⁵²⁰.

Киберхавфсизликни таъминлаш воситалари мажбурий тартибда сертификатлаштирилади⁵²¹.

Кредит бюрolariда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш мақсадида асосий вазифалари қуйидагилардан иборат бўлган ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш хизмати (бундан буён матнда Хизмат деб юритилади) ташкил этилади:

ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликнинг таъминланганлик даражасини ошириш, уни баҳолаш, шунингдек авариялар ва ходимлар йўл қўйган хатолар натижасида келиб чиқадиган йўқотишларни камайтириш ва содир этилишини олдини олиш;

ахборот инфратузилмасининг яхлитлиги ва хавфсизлигини назорат қилиш;

серверларда ва тармоқ қурилмалардаги дастурий таъминотларни муҳофаза қилиш;

барча технологик жараёнларда ходимлар ҳаракати, шунингдек ахборот тизимларида амалга оширилган ҳаракатлар бўйича электрон баённомалар рўйхатини юритиш;

ахборот тизимларида ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик талабларини бузиш ҳолатларини олдини олиш чораларини кўриш;

маълумотларнинг учинчи шахсларга ошкор этилишини олдини олиш;

ахборот-коммуникация технологиялари инфратузилмасида юзага келган ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик ҳодисалари, кибертахдидлар, киберхужумлар аниқланган вақтда бу ҳақидаги маълумотларни зудлик билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига (бундан буён матнда Марказий банк деб юритилади) тақдим этиш;

ахборот-коммуникация технологиялари инфратузилмаси, ахборот тизимлари ва ресурсларида ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликнинг таъминланганлик ҳолатини ички қоида ва тартибларга мувофиқлигини бир йилда камида икки маротаба ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик таваккалчиликларини ҳисобга олган ҳолда ўрганиш ва ўрганиш натижаларини далолатнома билан расмийлаштириш.

Кредит бюрolari тармоқ ҳамда алоқа каналларини эҳтимоли мавжуд бўлган кибертахдидлар ва киберхужумлардан ҳимоя қилиш учун қуйидаги чораларни кўриши лозим:

компьютер тармоқларини сегментлаш ҳамда янги авлод тармоқлараро экран қурилмаларидан фойдаланиш;

⁵²⁰ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2024 йил 24 апрелдаги 13/1-сон қарори (21.05.02024 й., рўй.: 3513-сон) билан тасдиқланган “Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчиларнинг тўлов тизимларида ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш ҳамда рақамли технологиялар воситасида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларни олдини олиш чораларини кўриш тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁵²¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати раисининг 2024 йил 15 октябрдаги 114-сон буйруғи (14.11.2024 й., рўй.: 3574-сон) билан тасдиқланган “Ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини таъминлаш учун қўлланиладиган аппарат, аппарат-дастурий ҳамда дастурий воситаларни сертификатлаштириш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

тармоқ орқали қабул қилинган ва узатиладиган маълумотларга рухсатсиз киришни олдини олиш бўйича техник (криптографик ва бошқа) ва (ёки) ташкилий чоралар кўриш ҳамда тармоқ маълумотларини филтрлашни таъминлаш (янги авлод тармоқлараро экран қурилмаларини қўллаш);

тармоқ қурилмаларидаги ARP (Address Resolution Protocol) жадвалларини электрон архивлаш;

Интернет жаҳон ахборот тармоғи ресурсларидан ходимларнинг фойдаланишини прокси-сервер орқали амалга ошириш, иш фаолияти учун зарур бўлмаган веб-сайтларга киришни чегаралаш ва кирилган веб-сайтларни қайд этиб бориш;

ахборот тизимларини асосий ва захира алоқа каналлари билан таъминлаш;

серверларда иш фаолияти учун зарур бўлмаган портларни ёпиш ва хизматларни тўхтатиш;

ахборот тизимига кириш объектлари ва ресурсларининг ҳисобини юритиш;

масофавий хизмат кўрсатиш ва бошқа ахборот тизимларида мижозни идентификация ва аутентификация қилиш мақсадида қўлланиладиган (бир марталик ёки кўп марталик) паролларни ишлатиш тартибини белгилаш, тасдиқлаш кодларини қўллаш, бир марталик тасдиқлаш кодларини тизимга шифрланган ҳолда юбориш, коднинг фаол бўлиш вақти ва бошқаларни ёритиш;

ахборот тизимига киришда қўлланилган қурилманинг идентификация маълумотларини (IP-манзил, MAC-манзил ва бошқа идентификаторлар) қайд этиш;

тажовузларни аниқлаш ва олдини олиш тизимларини (IDS/IPS) қўллаш ҳамда базасини актуал ҳолатда бўлишини таъминлаш.

Кредит бюрolari кредит ахборотини шакллантириш, узатиш, сақлаш ва унга ишлов беришнинг барча босқичларида узлуксиз ҳимояни таъминлаш учун қуйидаги чораларни кўришлари шарт:

идентификация, аутентификация ва авторизация қилиш тизимини жорий этиш;

тизимга рухсатсиз киришнинг олдини олиш усулларини (логин, парол, кўп факторли аутентификация ва бошқа) қўллаш;

идентификация маълумотларини қалбакилаштириш, уларни рухсатсиз ўзгартириш ҳамда учинчи шахсларга тақдим этишдан ҳимоялаш;

кредит ахборотини узатишда унинг асл эгасига етказилишини таъминлаш ҳамда бошқа шахсларга жўнатилишининг олдини олиш;

кредит ахборотини сақлашда уларни рухсатсиз кўчириш, ўзгартириш, ўчириш ҳамда учинчи шахсларга жўнатилишининг олдини олиш чораларини кўриш;

ташқи сақловчига кўчирилган маълумотларни сейфда (темир шкафда) сақланишини таъминлаш ҳамда маълумотларни сақлаш учун масъул ходим (ходимлар) тайинлаш;

ахборот тизимларидаги дастурий таъминотларнинг назоратини ва ҳисобини юритиш ҳамда дастурий таъминот талқинларининг, аппарат-дастурий қурилмаларининг ва дастурий воситаларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш;

ахборот тизимларининг актуал ҳолатда (охирги версияда) бўлишини таъминлаш, бунда дастурий таъминотнинг янги талқинини амалиётда ишлаб турган ахборот тизимининг иш фаолиятига салбий таъсир кўрсатмасдан тест-синов майдонларида текширувдан ўтказиш ва ижобий натижага эришилганидан сўнг амалиётга жорий этиш;

кредит ахборотини узатиш, сақлаш жараёнларини электрон баённомаларда (log) автоматик тарзда шакллантириб бориш ва сақланишини таъминлаш;

Хизматни ташкил этиш ҳамда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш бўйича амалга ошириладиган ишларни назорат қилиш;

ҳисоблаш тармоғининг хавфсизлиги ва криптографик муҳофазасини таъминлаш, компьютер вирусларидан ҳимоялаш, ахборот тизимларига киришни бошқариш, техник воситаларини созлаш ва бошқа чораларни қўллаш;

ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлашда ускуна, қурилма, аппарат-дастурий ва дастурий техник воситалар қўлланишини таъминлаш ҳамда уларни мунтазам такомиллаштириб бориш, фойдаланиш тартибларини белгилаш, техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш ва бошқа ҳолатларда улардан рухсатсиз фойдаланишнинг олдини олиш;

қўлланилаётган техник воситаларга барча телекоммуникация тармоқларидан рухсатсиз кириш, маълумотларни ўзгартириш, ўчириш ва кўчириб олишдан ҳимоялаш;

ахборотларни чиқиб кетишини (йўқолишини) олдини олиш;

ахборот тизимида рухсатсиз кириш ёки киберхавфсизлик ҳодисалари содир бўлганда, таҳлил қилиш асосида ҳимоя тизимларини мустаҳкамлаб бориш чораларини кўриш.

Кредит бюrolари ахборот тизимларидан маълумотларнинг рухсатсиз узатилиши ва тарқалишидан ҳимоялаш бўйича DLP (Data Loss Prevention) тизими жорий этилиши шарт. Маълумотларни ҳимоя қилишда:

муҳофазаланадиган маълумотларни рухсатсиз турли тармоқ каналлари орқали узатилиши, ҳисобга олинмаган ташқи ташувчига кўчирилиши, рухсатсиз чоп этилиши аниқланиши ва бу ҳақида кредит бюро раҳбариятига маълумот бериш ва келгусида шу каби салбий ҳолатлар бўлмаслигини олдини олиш чоралари кўрилиши;

муҳофазаланадиган маълумотларни сервер ва компьютерларда сақланиши назорат қилиниши лозим.

Кредит бюrolари дастурлар ва операцион тизимларга зарар келтирувчи зарарли кодлар (компьютер вируслари) ва уларнинг салбий таъсирини олдини олиш учун қуйидаги чораларни кўриши шарт:

ҳисоблаш техникаси қурилмалари (серверлар, компьютерлар ва бошқалар), иш фаолиятига зарар етказувчи кодларни (компьютер вирусларини) аниқлаш ва уларнинг салбий таъсирини олдини олиш чораларини кўриши;

ахборот тизимларида фақат лицензияланган антивирус дастуридан фойдаланиш, уларнинг русумлари ва базалари актуаллиги ҳамда янгиланиб борилишини таъминлаши;

антивирус дастурларининг ўрнатилиши ҳамда унинг ишлаши Хизмат томонидан назорат қилиниши;

антивирус дастурларининг автоматик тарзда ишлашини таъминлаши;

тармоқ орқали келган барча ахборотларни антивирус дастури орқали текшириши;

антивирус дастурининг соғломалари бунга масъул бўлмаган кредит бюроси ходимлари томонидан ўзгартириш имконияти бўлмаслигини таъминлаши;

компьютер вируси аниқланганда, ходимлар томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар тартиби белгиланиши.

Кредит бюрларида антивирус дастурларини марказлашган ҳолда бошқариш тизими жорий этилиши, антивирус дастурининг базаси ҳар кун янгиланиб борилиши ва версияси актуал (маънан эскирмаган) бўлиши таъминланиши лозим.

Антивирус дастурлари серверлар, компьютерлар ва бошқа барча антивирус дастурлари ўрнатилиши мумкин бўлган ҳисоблаш воситаларига ҳамда қурилмаларга ўрнатилган бўлиши лозим.

Антивирус дастурлари Марказий банкнинг мониторинг тизимига уланиши шарт.

Ахборот тизимларида ахборотни муҳофаза қилишнинг криптографик усуллари қўлланилишида қуйидагилар белгилаб олинishi лозим:

криптографик муҳофаза воситаларини автоматлаштирилган тизимларга боғлаш, ишга тушириш, ишлатиш ва фойдаланишдан чиқариш тартиби;

криптографик муҳофаза воситаларининг тўхтаб қолиши, ишдан чиқиши ва бошқа ғавқулдда ҳолатларда уларни қайта тиклаш тартиби;

криптографик муҳофаза дастурларига ва техник ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тартиби;

криптографик калитларни бошқариш тартиби;

криптографик калитларни ташувчи қурилмаларни қўллаш, сақлаш, ўзгартириш ва бошқалар бўйича ташкилий ҳамда техникавий усулларни қўллаш тартиби.

Кредит бюрлари Марказий банк ва кредит ташкилотлари билан электрон ахборот алмашинувини Марказий банкнинг “Ахборотлаштириш бош маркази” давлат унитар корхонаси билан тузилган шартнома асосида банк телекоммуникация тармоғи орқали амалга оширади. Бунда, қуйидаги хавфсизлик чоралари кўрилиши керак:

а) кредит ахбороти билан ишлаш учун фақат тегишли рухсатга эга бўлган ходимлар қўйилиши;

б) фойдаланувчиларнинг тизимга кириши учун аутентификация қилиш логин ва парол ҳамда аппарат-дастурий воситалар (токен-махсус курилма) ёрдамида амалга оширилиши. Бунда, парол 12 та белгидан кам бўлмаган рақам ва символлар комбинациясидан иборат бўлиши ҳамда парол ва логинларни муддати тугашига қараб ўзгартириш имконияти бўлиши лозим. Паролнинг амал қилиш муддати бир ойдан ошмаслиги лозим;

в) кредит ахбороти алмашинувида қатнашувчи ходимларнинг сервер ва компьютерлари телекоммуникация тармоқлари орқали ишлаши учун аппарат-дастурий воситалар билан жиҳозланиши;

г) ахборотларни қайта ишлаш, узатиш ва қабул қилиш учун ажратилган серверлар ва компьютерларга умумий локал тармоққа уланган бошқа компьютерлардан кириш имконияти бўлмаслиги;

д) кредит бюроси томонидан узатиладиган ва қабул қилинадиган ҳар қандай ахборот электрон рақамли имзо билан тасдиқланиши ҳамда бажарилган ишлар бўйича маълумот автоматик равишда электрон журналга киритилиши. Бунда, электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгаси куйидагиларни амалга ошириши шарт:

электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитидан фойдаланиш устидан назоратни таъминлаши;

электрон рақамли имзо калити сертификатини берган электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатга олиш марказига электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитидан фойдаланиш режими бузилганлиги ёки бузилиши эҳтимоли борлиги тўғрисида хабар қилиши ва электрон рақамли имзо калити сертификатининг амал қилишини тўхтатиб туришни ёхуд мазкур сертификатни бекор қилишни талаб қилиши;

ўзи вакил бўлган юридик шахс қайта ташкил этилганда ва тугатилганда, бу ҳақда электрон рақамли имзо калити сертификатини берган электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатга олиш марказига хабар қилиши;

э) электрон рақамли имзо очик калитининг фойдаланувчиси электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлиги тасдиқланмаган ҳолларда электрон рақамли имзонинг ёпиқ калити эгасига хабар бериши;

ж) кредит бюроларининг тизимларида кредит ахборотига тегишли бўлмаган ахборотларнинг узатилиши тақиқланиши;

з) электрон ахборот алмашинувида виртуал тармоқлар (VPN) асосида ташкил этилган ва ҳимояланган алоқа каналлари қўлланилиши.

Ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш бўйича қўшимча ахборотни муҳофаза қилиш воситалари қўлланилиши мумкин.

Кредит бюрolari тизим иштирокчилари билан тузилган шартномаларда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш ҳамда конфиденциал, жумладан банк сирини ташкил этувчи ва шахсга доир маълумотларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича талабларни белгилаши шарт.

Кредит бюрolari ахборотлаштириш объектларига рухсатсиз кириш ҳамда фойдаланишни чегаралаш мақсадида куйидаги чораларни кўриши керак:

ахборотлаштириш объектларига жисмонан таъсир этишни ҳамда техник жиҳозлар мавжуд бўлган бино ва хоналарга киришни назорат қилиш;

ходимларнинг ахборотлаштириш объектларига киришини назорат қилиш ва маълумотларнинг рухсатсиз тарқалишидан ҳимоялаш тизимларини жорий қилиш;

серверлар ва телекоммуникация қурилмалари жойлашган хоналарда ишлаш жараёнларини видеокузатув тизимлари ёрдамида назорат қилиш.

Кредит бюrolари барча турдаги маълумотларни (шу жумладан, банк сирини ташкил этувчи, шахсга доир ва бошқа қонун билан муҳофаза қилинадиган маълумотларни) сақловчи ахборот тизимларининг ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлигини таъминлашлари шарт.

Кредит бюrolари ахборотнинг конфиденциаллиги ва яхлитлигини, шу жумладан шахсга доир маълумотларни муҳофаза қилишда ҳамда хавфсизликни таъминлашда қуйидаги чораларни қўришлари лозим:

ахборот тизимлари орқали ишлов бериладиган конфиденциал ва шахсга доир маълумотларнинг яхлитлиги ва дахлсизлигини таъминлаш ҳамда улардан фойдаланиш тартибини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

ички ҳужжатлар билан тартибга солинадиган ҳимояланадиган маълумотлар билан ишлашда хавфсизлик ва конфиденциалликни таъминлаш қоидалари ва талабларини ишлаб чиқиш;

конфиденциал ва шахсга доир маълумотлар билан ишловчи ходимлар сонини имкон даражасида камайтириш, ходимлар билан конфиденциал ва шахсга доир маълумотлар ошкор этилишининг олдини олиш бўйича мажбуриятномалар (шартнома) тузиш ва ушбу маълумотлардан фойдаланиш ҳуқуқларини ходимларнинг лавозим мажбуриятларидан келиб чиқиб белгилаш;

конфиденциал маълумотлар рўйхатини юритиш бўйича комиссия таркибини шакллантириш ва тасдиқлаш;

конфиденциал маълумотлар рўйхати ва ҳажмини аниқлаш ҳамда тасдиқлаш;

конфиденциал маълумотлар билан ишлашга рухсат берилган ходимлар рўйхатини шакллантириш ва тасдиқлаш;

ахборотлаштириш объектининг техник паспортини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

конфиденциал маълумотларни ташувчи воситаларни рўйхатга олиш, йўқ қилиш ҳамда ташқарига олиб чиқиш ва кириш журналларини юритиш;

маълумотлар яхлитлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида электрон рақамли имзо калитларидан фойдаланиш ҳамда шифрланган маълумотларни сақлаш тартибини белгилаш;

конфиденциал ва шахсга доир маълумотлар мавжуд бўлган ахборот ресурсларига киришда идентификация, аутентификация ва авторизация қилинишини таъминлаш;

конфиденциал ва шахсга доир маълумотлар билан ишлаш ҳуқуқларининг рухсатсиз берилишини олдини олиш;

ахборот тизимлари фойдаланувчиларининг муҳофазаланган маълумотларига кириш, ишлов бериш, уларни сақлаш ҳамда тақдим этиш жараёнидаги амалга оширилган ҳаракатларни электрон баённомаларда қайд этиб бориш;

ташқи сақловчи қурилмалар ва техник воситаларнинг бинодан ташқарига олиб чиқилишини назорат қилиш;

маълумотларни узатиш, сақлаш, ишлов бериш, ўчириш ҳамда рухсатсиз четга чиқиб кетишини олдини олиш чоралари таъминлаш.

Кредит бюrolари ахборот тизимларида ишлаш жараёнида, шу жумладан ишлаб чиқиш ва синовдан ўтказиш жараёнида ваколатларни чегаралаш учун қуйидаги чораларни кўришлари лозим:

ахборот тизимларида ишлаш ҳуқуқларини белгиловчи тартиб ва қоидаларни ишлаб чиқиш ва уларни лавозим йўриқномаларида акс эттириш ҳамда тегишли ҳужжатга (ариза, талабнома ёки бошқа шаклга) асосан тизимдан фойдаланиш тартибини таъминлаш;

ахборот тизимларида ишлаш ҳуқуқи берилган масъул ходимлар рўйхатини шакллантириш;

ахборот тизимларида ишлаш ҳуқуқларини белгилаш ва тақсимлаш билан боғлиқ ҳаракатларни рўйхатга олиш;

ахборот тизимларида ишлаш ҳуқуқлари мантиқан ва иш вазифасидан келиб чиқиб тўғри белгиланганлигини даврий (ҳар чоракда бир маротаба) текшириб туриш;

ахборот тизимларининг ишлаши ва синовдан ўтказилиш даврида ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш ҳамда берилган ахборот тизимларида ишлаш ҳуқуқлари тўғрилигини назорат қилиш;

ахборот тизими фойдаланувчилари ахборот тизими томонидан берилган ҳуқуқларни ўзгартириш имкониятига эга бўлмаслигини таъминлаш ҳамда бу ҳуқуқларни бегона шахсларга беришни чеклаш чораларини кўриш.

Кредит бюrolари ўзларининг ахборот тизимларига ўзгартириш киритиш учун бошқа ташкилотларни жалб қилганда қуйидагиларни амалга оширишлари зарур:

конфиденциал ва шахсга доир маълумотларни ошкор этмаслик бўйича битим тузиш;

ахборот тизимларида муҳофаза қилинадиган маълумотлар билан ишлашни белгиланган тартибда рухсат бериш асосида амалга ошириш;

тегишли лицензия ва (ёки) бошқа рухсатномага эга бўлган (агар ушбу фаолият лицензия ёки тегишли рухсатнома асосида амалга оширилса) ташкилотларни жалб қилиш;

ахборот тизимларини лойиҳалаш босқичида маълумотларнинг конфиденциаллигини таъминлаш чораларини ишлаб чиқиш;

кўриладиган ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш бўйича чоралар (амалга ошириладиган ишлар, ўрнатиладиган дастурлар, қурилмалар ва бошқалар) ва аниқ кўрсатилган техник топшириқни қабул қилиш (тест синовларини амалга ошириш режаси) ҳамда бошқа тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш;

дастурий таъминотни ишлаб чиққан ва унга ўзгартириш киритган (киритадиган) ташкилотлар рўйхатини тузиш;

ахборот тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этишнинг тахминий муддатларини ҳамда шартларини белгилаб олиш;

жалб қилинган ташкилот ходимлари томонидан ахборот тизимларига киритиладиган ўзгартиришларнинг асослилигини, мавжуд техник топшириқларга мослигини, ахборот тизимига алоқадор бўлмаган дастурлар (тизим функциялари) киритилмаслиги ва тест синовлари натижаларининг ижобийлигини Хизмат ҳамда ахборотлаштириш бўйича масъул ходим томонидан назоратга олиш.

Кредит бюrolари электрон почта тизими серверини ўзининг локал хисоблаш тармоғида яратади.

Кредит бюrolари интернет тармоғи ва электрон почта тизимларидан фойдаланишда ахборот муҳофазасини таъминлаш, ходимларни тизимга киритиш, уларга чекловлар қўйиш, ходимлар ҳаракати ва тизим ахборот хавфсизлиги устидан назорат қилишни ўзининг ички ҳужжатларида белгилайди.

Кредит бюrolари томонидан конфиденциал ва шахсга доир маълумотлар рухсат берилган ахборот тизимлари орқали юборилиши шарт.

Файлларни узатиш протоколи (FTP) серверида ташкил қилинган умумий каталог орқали файл алмашинувини амалга ошириш ва банк сири маълумотларини тармоқда эркин ўқиш учун жойлаштириш тақиқланади.

Кредит бюrolари томонидан интернет ва электрон почта орқали юборишга тайёрланган ёки қабул қилинган ҳар бир электрон маълумот антивирус дастури ёрдамида текширилиши шарт. Электрон почта орқали қабул қилинган маълумотлар зарар келтирмаслиги учун қумдонда (Sandbox тизими) текширилиши лозим.

Кредит бюrolари ўзининг электрон почта тизими ҳамда интернет тармоғидан фойдаланиш тартибини ички ҳужжатлари билан белгилайди ҳамда электрон почта орқали юборилган ва қабул қилинган маълумотларни Хизмат томонидан назорат қилинишини таъминлайди. Бунда фақат рухсат берилган фойдаланувчилар интернет тармоғидан фойдаланиши ва интернет тармоғидан фойдаланишда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш чоралари қўрилиши керак.

Интернет тармоғи ва банк телекоммуникация тармоғи алоҳида маршрутизатор (router) ва алоҳида тармоқлараро экран (firewall) қурилмалари орқали жисмонан уланиши шарт.

Ахборот муҳофазасини кучайтириш мақсадида тармоқ протоколида (TCP/IP) тармоқ транзит пакетларининг IP манзилларини ўзгартириш имконини берувчи тармоқ адресларини ўзгартириш протоколи (NAT) қўлланилиши мумкин. Бунда тармоқ орқали барча уланишларнинг электрон журналлари асл IP манзиллар кўрсатилган ҳолда юритилиши ва белгиланган тартибда электрон архивга олиниши шарт.

Интернет тармоғидан фойдаланиш тартиби назоратга олинган бўлиши ва кредит бюроси ходимларининг интернет тармоғидан фойдаланишлари уларнинг лавозим йўриқномасига асосан белгиланади.

Интернет тармоғидан фойдаланган ходимнинг логини, фойдаланиш вақти, ресурс номи ва бошқа маълумотлар акс эттирилган электрон баённомалар юритилиши керак. Хизмат ушбу электрон баённомаларни таҳлил қилиб боради.

Интернет тармоғидан фойдаланишда ахборот муҳофазасини таъминлаш янги авлод тармоқлараро экран қурилмалари, прокси-сервер, антивирус, тажовузларни аниқлаш ва олдини олиш (IDS/IPS), anti-spam, anti-bot ва бошқа ахборот хавфсизлиги тизимларини қўллаш йўли билан амалга оширилади.

Кредит бюрolari ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлашга доир талабларнинг бузилиши билан боғлиқ бўлган ҳодисаларни аниқлаш мақсадида қуйидаги ишларни ташкил этиши шарт:

қўлланилиши зарур бўлган ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик бўйича ташкилий чораларни аниқлаш;

мавжуд техник қурилмаларни ишлатиш, созлаш ҳамда улардаги маълумотларни қайд этиш;

ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик талабларининг бузилиши билан боғлиқ ҳодисаларни аниқлаш чораларини кўриш ҳамда ушбу ҳолатлар кредит бюроси ходимлари томонидан аниқланганда Хизматни хабардор қилиш;

ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик талабларининг бузилиши билан боғлиқ ҳодисалар юзага келганда, уларни бартараф этиш, юзага келиш сабабларини аниқлаш, таҳлил қилиш ҳамда аниқланган ҳодисалар юзага келмаслиги бўйича тегишли чоралар кўриш;

аниқланган ҳодисаларни рўйхатга олиб бориш (реестрини юритиш);

аниқланган ҳодисалар тўғрисидаги маълумотларни сақлаш тартибини белгилаш;

ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлашнинг бошқа чораларини кўриш.

Кредит бюрolari ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик талабларининг бузилиши билан боғлиқ ҳодисалар тўғрисида Марказий банкка зудлик билан ёзма ёки электрон шаклда хабар бериши шарт.

Кредит бюрolari ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш бўйича талабларнинг бузилиши билан боғлиқ ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида қуйидагиларни белгилаши шарт:

ахборот тизимларида ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик таваккалчиликларини бошқариш тартиби ва уларни баҳолаш мезонлари;

ахборот тизимида нохуш ҳодисалар юзага келганда ўзаро ҳаракатланиш тартиби;

содир бўлган нохуш ҳодисаларга нисбатан таъсир чораларини кўриш бўйича амалга ошириладиган ҳаракатлар рўйхати;

ишнинг узлуксизлигини таъминлаш, ахборотни қайта тиклаш ҳамда бошқа салбий ҳолатларни бартараф этиш чоралари;

ходимлар томонидан мавжуд ахборот тизимларида ишлашда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик талаблари;

юзага келган ҳодисаларнинг келиб чиқиш омилларини аниқлаш мақсадида тармоқ қурилмалари ва ахборот тизимларининг электрон баённомаларини расмийлаштириш, йиғиш, таҳлил қилиш ҳамда уларга асосан тегишли кўрсатмалар.

Ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлашга доир талабларнинг бузилиши билан боғлиқ аниқланган ҳодисалар сабабларини таҳлил қилиш ҳамда уларга таъсир кўрсатиш натижаларини баҳолаш лозим. Бунда аниқланган ҳодисалар сабабларини таҳлил қилиш ҳамда уларга таъсир кўрсатиш натижаларини баҳолаш тизими қуйидагиларни ўз ичига олиши шарт:

аниқланган ҳодисаларга нисбатан таъсир чоралари кўрилгандан кейин ушбу ҳодисаларнинг келиб чиқиш сабабларини Хизмат томонидан тегишли бўлинмалар билан биргаликда таҳлил қилиш тартиби;

ахборот тизимларининг тегишли электрон баённомаларини ўрганиш ҳамда аниқланган ҳодисанинг юзага келишига сабабчи бўлган ходимлардан тушунтиришлар олиш;

ҳодисаларнинг келиб чиқиш сабабларига ойдинлик киритиб, бундай ҳолатлар юзага келмаслиги ёки юзага келганда унинг зарар келтириш имкониятларини камайтириш чораларини кўриш (шу жумладан, тегишли мутахассисларни жалб қилган ҳолда);

ҳодисаларнинг салбий таъсир кўрсатиш даражасига қараб таснифлаш ва баҳолаш мезонига асосан уларни баҳолаш.

Ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлашга доир талабларнинг бузилиши билан боғлиқ аниқланган ҳодисаларга нисбатан кўрилган таъсир чоралари, уларни баҳолаш натижалари ва бошқа қўшимча маълумотлар чоп этилиши ҳамда алоҳида йиғмажилдда сақланиши зарур.

Ахборот тизимларининг узлуксиз ишлаши ва барқарорлигини таъминлаш мақсадида қуйидаги чоралар кўрилиши шарт:

асосий ахборот тизимлари ишдан чиққан ҳолатларда хизматлардан фойдаланишни камида 99,9 фоиз даражада таъминлай олиш имкониятига эга захира сервер қувватларига эга бўлиши;

реал вақт режимида маълумотларни қайта ишловчи ахборот инфратузилмасида камида 30 фоизгача захира жой бўлиши;

ахборот тизими билан боғлиқ тармоқ ва бошқа қурилмалар носоз ҳолатга келганда, уни иш жараёнига келтириш ва узлуксиз ишлашини таъминлаш;

операцион тизим, дастурий таъминотлар, ахборот тизимларининг дастурлари, маълумотлар (маълумотлар базаси, созуламалари, электрон баённомалар) нусхаларини захирага (backup) олиш ва электрон архивда сақлаш ҳамда уларни қайта тиклаш тартибини (механизмини) ишлаб чиқиш, уларнинг ҳисобини юритиш ва назоратини олиб бориш;

захира тикланиш режаси, техник қурилма ва ускуналарга эга бўлиш;

маълумотларнинг захирага олинган (backup) нусхаларини техник носозликларда ва фавқулодда вазиятларда қайта тиклаш режасини ишлаб чиқиш ва даврий (бир йилда бир маротаба) равишда ахборот тизимини қайта тиклаб текшириш;

захира нусхаларини сақлаш муддати, тартиби ва захирадан ечиш қоидаларига риоя қилиш;

дастурларга ўзгартириш киритишни синов (тест) учун мўлжалланган серверларда текшириш;

тизимдаги қурилма ва ускуналарнинг ишлашини назорат қилиш;

ахборот тизимининг узлуксизлигига салбий таъсир этиши мумкин бўлган ҳолатларни олдини олиш ва ахборот муҳофазасини таъминлаш;

дизел электр станцияси ва (ёки) бошқа электр таъминоти узлуксизлигини таъминлаш воситаларидан (UPS ва бошқалар) фойдаланиш;

ишлов берилган маълумотларни сақлаш ва уларнинг электрон архивда юритилишини таъминлаш;

мижозларнинг ҳаракатига тегишли бўлган маълумотларни камида беш йил сақланишини таъминлаш;

электрон архив юритишда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлашга доир талабларга риоя этилиши бўйича ишчи гуруҳ тузган ҳолда бир йилда камида икки маротаба текшириш ва натижалари тўғрисида Марказий банкка маълумот бериш;

ахборот узатиш захира тармоқларига эга бўлиш.

Кредит бюрolari асосий ахборот тизимлари жойлашган жойдан 50 километрдан кам бўлмаган масофада жойлашган ҳудудлардаги шаҳар марказларида захира ахборот тизимларини ташкил этиши лозим. Бунда асосий ва захира ахборот тизимлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ташкил этилади.

Ахборот тизимларидаги маълумотлар (электрон баённомалар ва ҳ.к) электрон архивларда камида икки нусхада (хусусан, асосий ва захира ахборот тизимларининг ҳар бирида битта нусхадан) сақланиши мумкин.

Кредит бюроси ўз фаолияти давомида шаклланадиган барча ахборот ва ҳужжатларни рақамли шаклда тартибли равишда сақлаш мақсадида электрон архив тизимини ташкил этиши ва юритиши шарт.

Электрон архивда қуйидаги маълумотлар мажбурий равишда сақланиши лозим:

фойдаланувчиларнинг тизимга кириш ва чиқиш журналлари (баённомалари);

ёзувлар устида амалга оширилган ҳаракатлар (яратиш, ўзгартириш, ўчириш) бўйича баённомалар (логлар);

кредит тарихига оид барча кирувчи ва чиқувчи сўровлар;

кредит тарихини тузатиш ёки рад этиш бўйича ариза ва қарорлар;

электрон почта орқали қабул қилинган ва юборилган ҳужжатлар;

ARP (Address Resolution Protocol) жадваллари, тизим хатоликлари ва рухсатсиз кириш уринишлари ҳақида техник баённомалар (loglar);

захиралаш ва тиклаш бўйича амалиётлар журналли.

Захира нусхаларни сақлаш, юритиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ талаблар қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) захира нусхаларни сақлаш муддати:

тизим конфигурацияси, электрон баённомалар ва лог файллар – бир йил;
молиявий ва миқозларга оид операцион маълумотлар – беш йил;

ички хизматлар фаолиятига тегишли жорий маълумотлар – олти ойни ташкил этади;

б) захира нусхаларини тиклаш ва ўчириш фақат ваколатга эга бўлган масъул ходимлар томонидан амалга оширилиши лозим. Бунда, барча ҳаракатлар расмийлаштирилиши ва электрон баённомалар (лог)да қайд этилиши керак;

с) сақлаш муддати якунига етган захира нусхалар уларнинг махфийлик даражаси ва ахборот хавфсизлиги талаблари инобатга олинган ҳолда қайта тиклаб бўлмайдиган қилиб йўқ қилинади. Бунда, барча жараёнлар электрон баённомалар (log)да қайд этилади.

Кредит бюроларининг фаолияти тугатилганда, улардаги мавжуд электрон архивнинг ахборот ресурслари қонунчиликда белгиланган тартибда тегишли давлат ёки нодавлат архивларига топширилади.

Кредит бюрolari қайта ташкил этилганда, уларнинг электрон архив маълумотлари тегишли давлат архивлари билан келишилган ҳолда мазкур ташкилотнинг ҳуқуқий ворислари электрон архивига топширилади.

Кредит ахборотидан фойдаланувчилар кредит бюроларининг ахборот тизимларига рухсат этилмаган ҳолда кириш, кредит ахборотини йўқ қилиб юбориш, ўзгартириш, ундан бошқа шахслар фойдаланиши ёки уни ошкор этилишини олдини олиш учун ташкилий ва техник чоралар кўриши лозим⁵²².

Кредит ва тўлов ташкилотлари жисмоний шахсларнинг шахсига доир, идентификация ва тўлов билан боғлиқ барча турдаги маълумотларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида уларни ўз ахборот тизимларида шифрланган ҳолда сақлаши шарт.

Ахборот тизимларидаги маълумотларнинг рухсатсиз тарқалишининг олдини олиш мақсадида маълумотларни рухсатсиз тарқалишидан ҳимоялаш тизими DLP (Data Loss Prevention) жорий этилиши лозим.

Ахборот тизимида фойдаланувчи ва тизимнинг ўзи томонидан амалга оширилган барча ҳаракатлар автоматик тарзда журналлаштирилиши шарт. Журналлар сохталаштириш ва ўзгартиришдан ҳимояланган форматда сақланиши лозим. Журнал маълумотларининг яхлитлигини таъминлаш мақсадида WORM (Write Once Read Many) технологиясидан фойдаланиш тавсия этилади.

Имтиёзли функциялар ва юқори даражадаги тизим ҳуқуқлари орқали амалга оширилган барча ҳаракатларга фақат чекланган доирадаги ходимлар томонидан киришга рухсат берилиши шарт. Бундай ҳуқуқлардан фойдаланиш

⁵²² Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2025 йил 19 августдаги 20/2-сон қарори (2309.2025 й., рўй.: 3679-сон) “Кредит бюроларининг ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлигига доир минимал талаблар тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

жараёнлари мажбурий тарзда кўп омилли аутентификация MFA (Multi-Factor Authentication) орқали ҳимояланиши лозим.

Имтиёзли функциялар ва юқори даражадаги тизим ҳуқуқлари доирасида амалга ошириладиган фаолиятнинг тўлиқ назорати ва журналлаштирилиши PAM (Privileged Access Management) тизими орқали амалга оширилиши керак.

Кредит ва тўлов ташкилотлари ахборот тизимларидаги маълумотларни ҳимоя қилиш учун криптографик ҳимоя воситаларидан фойдаланишда қуйидаги талабларни бажаришлари шарт:

алоқа каналлари орқали ахборот алмашинувини фақат ҳимояланган Transport Layer Security (TLS) протоколидан (1.3 ёки ундан юқори версия) фойдаланган ҳолда амалга ошириш;

маълумотларни шифрлашда AES-256/GCM алгоритмидан фойдаланиш;

криптографик калитларнинг айланиш (ротация) сиёсатини киберхавфсизлик соҳасидаги ваколатли давлат органи томонидан белгиланган талаблар доирасида амалга ошириш;

криптографик калитлар камида йилда бир маротаба янгиланиб борилишини таъминлаш;

криптографик калитлар билан боғлиқ барча ёзувлар (логлар), шу жумладан калит яратиш, айлантириш, бекор қилиш ва фойдаланиш ҳолатлари тўғрисидаги маълумотларни камида 3 йил давомида сақлаш;

криптографик калитларнинг муддати ўтганидан кейин уларни белгиланган тартибда йўқ қилиш ёки архив ҳолатига ўтказиш ҳамда бу жараёни тегишли далолатнома билан расмийлаштириш.

Кредит ва тўлов ташкилотлари криптографик калитларни бошқаришда калитларни бошқариш тизими (KMS) ёки аппарат хавфсизлик модули (HSM)дан фойдаланишлари мумкин.

Криптографик алгоритмлар ёки протоколларнинг версиялари (жумладан, TLS, AES ва бошқалар) эскирган ёки заиф деб топилса, кредит ва тўлов ташкилотлари маълумотларни ҳимоя қилишда янгиланган, эквивалент ёки ундан юқори даражадаги хавфсизликни таъминлайдиган криптографик алгоритмлар ва протоколлардан фойдаланишлари лозим.

Кредит ва тўлов ташкилотлари ахборот тизимлари доирасида амалга оширилган барча техник жараёнлар, фойдаланувчи фаолияти, хавфсизлик билан боғлиқ ҳолатлар, операция журналлари ва тегишли дастурий ёзувларни камида 3 йил мобайнида хавфсиз ва ишончли шаклда сақлаши лозим.

Кредит ва тўлов ташкилотлари томонидан жорий этилган мобил иловалар ва уларнинг веб-талқини ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш талабларига тўлиқ жавоб бериши лозим.

Мобил иловага техник хавф туғдирувчи қурилмаларда ишлашини автоматик тарзда аниқлаш ва блоклаш механизмлари жорий этилиши лозим.

Кредит ва тўлов ташкилотлари қуйидаги ҳолатларда мобил илованинг ишлашини чеклаши лозим:

андроид операцион тизимида ишловчи қурилманинг тизим ҳуқуқларига ноқонуний кириш орқали хавфсизлик сиёсати бузилганда (root);

iOS операцион тизимида ишловчи қурилмада ишлаб чиқарувчи томонидан ўрнатилган хавфсизлик чекловлари ўчирилиб, тизимга чуқур кириш имконияти яратилганда (jailbreak).

Мобил илова ишга туширилганда қурилманинг хавфсизлик ҳолати таҳлил қилиниши (SafetyNet Attestation, Play Integrity API, Jailbreak detection каби воситалар) ва салбий ҳолат аниқланганда мобил илованинг иш фаолияти тўхтатилиб, фойдаланувчига СМС-хабарнома юборилиши шарт. Ушбу ҳолат баённома (loglar) базасига автоматик тарзда қайд этилиши лозим.

Мобил илова дастур кодига рухсатсиз кириш, тахрирлаш, тескари муҳандислик (reverse engineering) ва декомпиляция орқали таҳлил қилиш имкониятини чекловчи махсус технологиялар билан ҳимоя қилиниши шарт.

Кредит ва тўлов ташкилотлари мобил илова орқали тарқалиши мумкин бўлган зарарли кодлар, дастурлар ва фродга оид таҳдидларни аниқлаш ва уларнинг олдини олиш мақсадида мобил SDK (Software Development Kit) орқали антивирус ва антифрод функциялари билан таъминланган хавфсизлик модулларини интеграция қилиши керак.

Кредит ва тўлов ташкилотлари мобил иловани реал вақт режимида таҳдидлардан ҳимоя қилиш учун RASP (Runtime Application Self-Protection) технологияларини жорий қилиши лозим.

Кредит ва тўлов ташкилотлари ўз веб-талқинларида қуйидаги ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш чораларини кўришлари шарт: маълумот алмашинуви HTTPS протоколи орқали амалга оширилиши ва HSTS (Strict Transport Security) сиёсати фаоллаштирилиши;

веб-талқинга юкланадиган JavaScript кодларининг яхлитлигини таъминлаш учун SRI (Subresource Integrity) ёки шунга мос механизмлар қўлланиши;

браузер муҳитида аномал фаолликни (бот фаоллиги, автокликер, виртуал муҳит) аниқлаш учун тегишли киберхавфсизлик воситаларини жорий қилиши.

Кредит ва тўлов ташкилотлари мобил иловалар ва уларнинг веб-талқинида сессия бошқаруви ҳамда аутентификация хавфсизлигини ўзининг антифрод тизимларида белгиланган талаб ва қоидаларга асосан таъминлайди.

Фойдаланувчининг фаолияти, сессиялари, аномал ҳаракат ва таҳдидлар билан боғлиқ барча маълумотлар баённомалаштирилиши (логлаш) ҳамда марказлашган мониторинг (SIEM) тизимида интеграция қилинган ҳолда реал вақт режимида кузатилиши ва қайд этилиши шарт.

Кредит ва тўлов ташкилотларининг мобил иловаларига қисқа вақт оралиғида ноодатий даражада кўп сўровлар келиб тушганда ахборот тизимининг барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида бундай сўровларга нисбатан чекловлар жорий этиши, вақтинчалик блоклаш ёки бошқа ҳимоя чораларини мустақил равишда қўллашлари лозим.

Мобил иловадаги аккаунтга 1 дақиқа мобайнида 1 та IP манзилдан 2 ва ундан ортиқ қурилмадан уриниш ҳолатлари кузатилса, ушбу аккаунт 10 дақиқага блокраниши лозим⁵²³.

Оператор, провайдер, дилер ва эшиттирувчилар телекоммуникациялар тармоқларида ахборот ва киберхавфсизликни таъминлашда ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш соҳасида қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиши, жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Wi-Fi хизмати ташкилотчиси оператор ёки провайдер билан биргаликда, ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Оператор ва провайдерлар телекоммуникациялар хизматларини кўрсатишда ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши шарт. Телевидение тармоқлари орқали қонунчилик билан тақиқланган маълумотларни тарқатишга йўл қўйилмайди. Абонентлар ва фойдаланувчилар телекоммуникациялар ёрдамида тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотни тарқатмасликка мажбур⁵²⁴.

Ахборот тизимларининг тармоқлараро боғланиши турли ахборот тизимлари ўртасида ахборот алмашиш учун амалга оширилади.

Белгиланган нормалар ва қоидаларга мувофиқ ўзаро тармоқлараро боғланиш имкониятини ахборот тизимларининг мулкдорлари, эгалари таъминлайди.

Турли ахборот тизимларининг тармоқлараро боғланиши ахборот тизимларининг мулкдорлари, эгалари ўртасидаги шартнома асосида амалга оширилади.

Тармоқлараро боғланишни амалга ошириш ҳамда турли ахборот тизимларининг ўзаро алоқада бўлиш тартиби ва шартлари махсус ваколатли орган томонидан белгиланади.

Ахборот ресурслари ва ахборот тизимларини муҳофаза қилиш қуйидаги мақсадларда амалга оширилади:

шахс, жамият ва давлатнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш;
ахборот ресурсларининг тарқалиб кетиши, ўғирланиши, йўқотилиши, бузиб талқин этилиши, тўсиб қўйилиши, қалбакилаштирилиши ва улардан бошқача тарзда рухсатсиз эркин фойдаланилишининг олдини олиш;

⁵²³ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2025 йил 23 декабрдаги 35/14-сон қарори (21.01.2026 й., рўй.: 3759-сон) билан тасдиқланган “Кредит ва тўлов ташкилотлари, тўлов тизими операторлари томонидан жисмоний шахсларга масофадан молиявий хизматлар кўрсатишда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш ҳамда фрод ҳолатларининг олдини олиш бўйича минимал талаблар тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁵²⁴ Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 6 январдаги 287-мх-сон буйруғи (26.01.2026 й., рўй.: 3762) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

ахборотни йўқ қилиш, тўсиб қўйиш, ундан нусха олиш, уни бузиб талқин этишга доир рухсатсиз ҳаракатларнинг ҳамда ахборот ресурслари ва ахборот тизимларига бошқа шаклдаги аралашиларнинг олдини олиш;

ахборот ресурсларидаги мавжуд давлат сирлари ва махфий ахборотни сақлаш.

Ахборот ресурслари ва ахборот тизимлари, агар улар билан ғайриқонуний муносабатда бўлиш натижасида ахборот ресурсларининг ёки ахборот тизимларининг мулкдорларига, эгаларига ёхуд бошқа юридик ҳамда жисмоний шахсларга зарар етказилиши мумкин бўлса, муҳофаза қилиниши керак.

Давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар давлат сирлари ҳамда махфий сирлар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган ахборот ресурслари ва ахборот тизимларининг муҳофаза қилинишини таъминлаши шарт.

Ахборот ресурслари ва ахборот тизимлари муҳофаза қилинишини ташкил этиш тартиби уларнинг мулкдорлари, эгалари томонидан мустақил белгиланади.

Давлат сирлари ҳамда махфий сирлар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган ахборот ресурслари ва ахборот тизимларининг муҳофаза қилинишини ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Эркин фойдаланилиши чеклаб қўйилган ахборот ресурсларини ўз ичига олган ахборот тизимларининг халқаро ахборот тармоқларига ҳамда Интернет жаҳон ахборот тармоғига уланиши фақат зарур муҳофаза чоралари қўрилгандан кейин амалга оширилади. Давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар давлат сирлари ҳамда махфий сирлар тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган ахборот ресурслари ва ахборот тизимларининг муҳофаза қилинишини таъминлаши шарт. Сунъий интеллектдан фойдаланиб яратилган ахборот ресурслари ҳамда сунъий интеллект технологиялари асосида ишлайдиган ахборот тизимлари инсонга, унинг ҳаётига, соғлиғига, эркинлигига, шаънига, кадр-қимматига путур етказмаслиги ва унинг бошқа ажралмас ҳуқуқларини бузмаслиги шарт. Веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурсининг эгаси, шу жумладан блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштирилладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифасидан ёхуд бошқа ахборот ресурсидан қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган ўзга ҳаракатларни содир этиш мақсадларида фойдаланилишига йўл қўймаслиги шарт⁵²⁵.

Сунъий интеллект технология ва тизимларини ишлаб чиқувчи ва жорий этувчилар Этика қоидаларига амал қилиши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги алгоритмларнинг шаффоф ва тушунарли бўлишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидаги эҳтимолий тарафкашликни олдини олиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, сунъий интеллект

⁵²⁵ Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги 560-П-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

технология ва тизимларининг имкониятлари, чекловлари ва эҳтимолий хавфлари ҳақида очиқ маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчиларни улардан фойдаланиш қоидалари билан таништириш, улардан қандай мақсадда фойдаланиш мумкинлиги ёки тақиқланиши, шунингдек сунъий интеллектга асосланган ечимлар ёки қарорлар доим тўғри бўлмаслиги ҳамда уларнинг натижаларидан тавсиявий ёки маълумот учун фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот бериши, сунъий интеллект технология ва тизимлари дастурий таъминоти хавфсизлигини таъминлаши, Этика қоидаларини инобатга олган ҳолда сунъий интеллект технология ва тизимларини доимий равишда такомиллаштириб бориши, сунъий интеллект технология ва тизимлари инсон назорати остида бўлишини ҳамда инсон томонидан қайта кўриб чиқиши, шунингдек якуний қарор инсон томонидан қабул қилинишини таъминлаши, сунъий интеллект технология ва тизимларидан қонунчиликка зид бўлган ёки шахс, жамият, давлат ва атроф табиий-муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган мақсадларда фойдаланмаслиги, сунъий интеллект технология ва тизимларидан фойдаланувчилар учун сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қўлланмасини ишлаб чиқиш ва жойлаштириши шарт. Сунъий интеллект тизимларидан фойдаланувчилар сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш қоидалари ва шартларига риоя қилиши, сунъий интеллект технологиялари ва тизимларидан тўғри фойдаланиши, шахсга доир маълумотлар ва фойдаланиши чекланган маълумотлар ҳимоясини таъминлаши, бошқа фойдаланувчиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини бузмаслик, Этика қоидаларига амал қилиши, шахс, жамият ва давлат манфаатларига ҳамда атроф-табиий муҳитга зарар етказмаслиги лозим⁵²⁶.

Давлат органлари ва ташкилотлари ўз тасарруфидаги ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини, тармоқлар ишининг барқарорлигини таъминлаши, шунингдек киберхавфсизлик бўйича ўз мажбуриятларини бажариши, ваколатли давлат органини киберхужумлар тўғрисида огоҳлантириши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларида сақланаётган маълумотларнинг ўғирланиши ҳамда қалбакилаштирилиши ҳолатларининг олдини олиш чораларини кўриши, ўз ахборот тизимлари ва ресурсларини киберҳимоя қилиш учун сертификатлаштирилган аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий таъминотдан фойдаланиши, киберхавфсизлик соҳасида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ваколатли давлат органи билан келишиши шарт. Киберхавфсизлик субъектлари ахборот тизимлари ва ресурсларидаги маълумотларнинг қонунга хилоф равишда тарқатилиши, ўғирланиши, йўқолиши, яхлитлигининг бузилиши, блоканиши ва қалбакилаштирилишининг, шунингдек ахборот тизимлари ва ресурсларига рухсатсиз киришнинг бошқа кўринишларининг олдини олиши, бундай ҳоллар аниқланганда ўз вақтида тегишли чоралар кўриши, ахборот тизимлари ва

⁵²⁶ Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 24 февралдаги 284-мх-сон буйруғи (14.03.2026 й., рўй.: 3787) билан тасдиқланган Сунъий интеллектга асосланган ечимларни яратиш, жорий қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича этика қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

ресурсларига кириш тартиби бузилганда ҳамда уларга рухсатсиз кириш натижасида ушбу тизимлар ҳамда ресурслар ўзгартирилган ёки йўқ қилинган тақдирда салбий оқибатларни камайтириш мақсадида уларни тезкорлик билан тиклаш чораларини кўриши, содир бўлган киберхавфсизлик ҳодисалари ва кибержиноятлар тўғрисида ваколатли давлат органини хабардор қилиши, ушбу ҳодисаларни тўлиқ фош этиш учун тегишли рақамли изларнинг йўқолишига йўл қўймаслик чораларини кўриши, шунингдек киберхавфсизлик ҳодисаларини таҳлил қилиш ва кибержиноятларни текшириш учун зарур бўлган маълумотларнинг доимий сақланишини таъминлаши, киберхавфсизлик объектларини муҳофаза қилиш ва уларнинг хавфсиз ишлаши мониторингини ўтказиш соҳасидаги маълумотларни ваколатли давлат органи билан ўзаро алмашишни амалга ошириши, ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберҳимоясини таъминлашда ваколатли давлат органи томонидан белгиланган киберхавфсизлик талабларига риоя этиши, киберхавфсизлик ҳодисаларига нисбатан чоралар кўриш механизмларининг ишлаб туришини ва киберхавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг ишлашини таъминлаши, улар мавжуд бўлмаган тақдирда эса ваколатли давлат органининг рухсати билан аутсорсинг хизматларидан белгиланган тартибда фойдаланиши, ваколатли давлат органига киберхавфсизликни таъминлаш мониторингининг ташкилий-техник тадбирларини амалга ошириш учун мониторинг тизимларига ва (ёки) киберхавфсизлик объектларига кириш ҳуқуқини бериши шарт⁵²⁷.

Ўзбекистон Республикасида телекоммуникациялар тармоқларида фойдаланиладиган телекоммуникацияларнинг техник воситалари, шу жумладан фойдаланувчи қурилмалари қонунчиликка ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга мувофиқлиги юзасидан сертификатлаштирилиши лозим. Телекоммуникациялар тармоқларидаги мобиль қурилмаларнинг халқаро ўзига хос идентификация кодлари рўйхатдан ўтказилиши керак. Давлат сирларини ёки махфий ахборотни ўз ичига олган ахборотга ишлов бериш учун мўлжалланган телекоммуникациялар тармоқлари ахборот хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги юзасидан мажбурий аттестациядан ўтказилиши лозим. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган операторлар ва провайдерлар телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш учун фойдаланиладиган ускуналарни, дастурларни ҳамда аппарат-дастурий мажмуаларни қонунчиликда белгиланган тартибда махсус ваколатли давлат органи орқали ўз маблағлари ҳисобидан олиши, ўрнатиши ва уларнинг нормал ишлашини таъминлаши, шунингдек мазкур тадбирларни ўтказишнинг ташкилий, техник ва тактик усуллари ошкор этилишига йўл қўймаслик чораларини кўриши шарт. Телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда фойдаланиладиган ускуналарни, дастурларни ҳамда аппарат-дастурий мажмуаларни жорий этиш ва улардан фойдаланиш фақат махсус ваколатли давлат органи томонидан амалга

⁵²⁷ Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

оширилади. Телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда фойдаланиладиган ускуналар, дастурлар ҳамда аппарат-дастурий мажмуаларнинг миқдори ва таркиби операторлар ҳамда провайдерлар томонидан махсус ваколатли давлат органи билан келишилади. Телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-қидирув тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича махсус ваколатли давлат органининг кўрсатмалари операторлар ва провайдерлар томонидан бажарилиши, ушбу мақсадлар учун шарт-шароитлар яратилиши, шунингдек ўз ахборот тизимларига ва телекоммуникациялар тармоқларига бошқа ахборот тизимларини ҳамда телекоммуникациялар воситаларини ўрнатиш ва улаш масаласи махсус ваколатли давлат органи билан келишилиши шарт. Операторлар ва провайдерларнинг махсус ваколатли давлат органи билан ўзаро муносабатлари тартиби қонунчиликда белгиланади. Телекоммуникациялар тармоқларидан ёки воситаларидан шахс, жамият ва давлат манфаатларига зарар етказувчи жиноий мақсадларда фойдаланилган тақдирда, бундай телекоммуникациялар тармоқларининг ёки воситаларининг ишлаши тўхтатилади. Операторлар ва провайдерлар телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензия талаблари ва шартларига, шунингдек белгиланган қоидаларга мувофиқ амалга ошириши, кўрсатилаётган хизматларнинг сифати қонунчилик ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ бўлишини таъминлаши, кўрсатилаётган хизматлар сифатини баҳолаш услубларини очиқ манбаларда кўрсатиши, телекоммуникациялар тармоқлари орқали узатиладиган барча турдаги сўзлашувларнинг, хабарларнинг сир сақланишига риоя этиши, хизматлар кўрсатиш шартлари ва тартиби тўғрисидаги, шу жумладан телекоммуникациялар хизматларининг тарифлари ўзгариши тўғрисидаги тўлиқ ахборотни фойдаланувчиларга ўз вақтида тақдим этиши, қонунчиликка, шунингдек лицензия талаблари ва шартларига мувофиқ ваколатли давлат органи билан келишувга кўра ўз тармоқларини изчиллик билан ривожлантириши ҳамда кенгайтириши, ўзи кўрсатаётган хизматлар тўғрисидаги ахборотни бепул тақдим этиши, шунингдек абонентларни қўллаб-қувватлаш маркази орқали абонентларнинг мурожаатларини бепул қабул қилиши ва уларнинг ижросини таъминлаши шарт. Фойдаланувчилар телекоммуникациялар хизматларидан фойдаланишнинг белгиланган қоидаларига риоя этиши, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлик сертификатиغا эга бўлган, халқаро ўзига хос идентификация кодлари рўйхатдан ўтказилган мобиль қурилмалардан фойдаланиши, ўзига кўрсатилган хизматлар учун ҳақни ўз вақтида тўлаши, иш сифатини пасайтиришга ёки телекоммуникациялар тармоқларини шикастлантиришга қаратилган хатти-ҳаракатлар қилмаслиги шарт⁵²⁸.

Телекоммуникациялар тармоқларида фойдаланиладиган ва мажбурий сертификатланиши керак бўлган телекоммуникацияларнинг техник

⁵²⁸ Ўзбекистон Республикасининг “Телекоммуникациялар тўғрисида” 2024 йил 27 декабрдаги ЎРҚ–1015-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

воситалари мувофиқлик сертификатларига эга бўлиши керак. Оператор, провайдер, дилер ва эшиттирувчилар телекоммуникациялар тармоқларида ахборот ва киберхавфсизликни таъминлашда ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш соҳасида қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиши, одамларнинг денгиздаги, ердаги, ҳаводаги, космик фазодаги хавфсизлигига, мудофаа, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни сақлаш соҳасидаги кечиктириб бўлмайдиган тадбирларни ўтказишга тааллуқли барча хабарларга, шунингдек йирик авариялар, фалокатлар, эпидемиялар, ёнғинлар ва бошқа фавқулодда вазиятлар ҳақидаги хабарларга мутлақ устуворлик бериши, техник воситалардан Ўзбекистон Республикасининг мавжуд конституциявий тузумини, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга даъват қилиш, уруш ва зўравонликни, шафқатсизликни, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб этиш, давлат сирини ёки қонунчилик билан кўриқланадиган ўзга сирни ошкор этиш, жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак, Эшиттирувчилар, операторлар ва провайдерларнинг телевидение (радиоэшиттириш) тармоқлари ва техник бинолари кўриқлаш, ҳимоялаш ва хавфсиз фаолиятини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 14 апрелдаги 92-сон қарори билан тасдиқланган Телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар объектларини кўриқлаш, муҳофаза қилиш ҳамда уларнинг хавфсиз фаолият кўрсатиши қоидалари талабларига жавоб бериши шарт. Оператор, провайдер ва телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш жараёнига алоқадор бошқа субъектлар томонидан яратилган ва абонентлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган маълумотлар базалари конфиденциал тусдаги ҳужжатлар сифатида ҳимояланиши керак. Абонентлар тўғрисидаги маълумотлардан бу абонентларнинг розилигисиз ахборот-маълумот хизмат кўрсатилиши учун фойдаланиш мумкин эмас. Оператор, провайдер, дилер ва телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш жараёнига алоқадор бошқа субъектлар телекоммуникациялар тармоқлари орқали узатиладиган телефон сўзлашувлари ва бошқа хабарлар, шунингдек, уларга тааллуқли бўлган барча маълумотларнинг сир тутилишини таъминлаши шарт. Оператор (провайдер) абонентларнинг умумий фойдаланиш тармоғидан узлуксиз фойдалана олишини таъминлашга мажбур. Мобил алоқа тармоғи фойдаланувчи қурилмаси IMEI-коди рўйхатдан ўтган бўлиши керак. Телекоммуникациялар тармоғига мувофиқлик сертификатига эга фойдаланувчи қурилмалари (телефон аппаратлари, рақамни автоматик аниқлаш функцияларига эга телефон аппаратлари, маълумотлар узатиш ва телематик хизматлар ускуналари (телефакс, телетекс, видеотекс ва бошқалар), радиотелефон алоқа воситалари, автожавоббергичлар, сигнализация қурилмалари) уланади. Операторлар ва провайдерларнинг телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш фаолияти белгиланган тартибда олинган лицензияга мувофиқ амалга оширилади. Абонент шартномаси бекор қилинганидан сўнг, оператор (провайдер) маълумотлар базасидан абонентларнинг шахсий маълумотлари йўқ қилишлари шарт. Шаҳарлараро ва халқаро телефон боғланиш автоматик

хизмат кўрсатиш тизими, буюртма хизмат кўрсатиш тизими ва дарҳол хизмат кўрсатиш тизими бўйича амалга оширилиши мумкин. Телефон тармоқларида сигнализация ускуналарини ўрнатиш ва уларга техник хизмат кўрсатишни ташкил этиш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ваколатли органлар томонидан амалга оширилади. Wi-Fi хизмати ташкилотчиси оператор ёки провайдер билан биргаликда, фойдаланувчиларнинг шахсини идентификациялаш ҳамда фойдаланилган веб-ресурслар (лог-файллар) ҳисобини юритиш бўйича аппарат-техник чора-тадбирлар кўриши ва уларни 3 ой ичида сақланишини ташкиллаштириш, оператор ёки провайдер билан биргаликда, ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, Ўзбекистон Республикасининг мавжуд конституциявий тузумини, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга даъват этишга, уруш, зўравонлик ва терроризмни, шунингдек диний экстремизм, сепаратизм ва фундаментализм ғояларини тарғиб қилишга, миллий, ирқий, этник ёки диний адоват кўзғатувчи ахборотни, шунингдек, порнографияни тарғиб қилишга қаратилган ахборотнинг ва тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши керак. Wi-Fi хизмати ташкилотчиси ўз ҳудудида бепул Wi-Fi хизматини ташкил этиш оператор ёки провайдер билан тузилган шартномага мувофиқ оператор ёки провайдернинг аппарат-дастурий воситалари асосида амалга оширилиши мумкин. Абонент учун абонент рақамини кўчириш хизмати мобил алоқа операторлари (провайдерлари) томонидан тақдим этилади. КРМБни шакллантириш, юритиш, ишлаши ва техник кузатуви, шу жумладан ундаги ахборот ва маълумотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш, узатиш, шунингдек КРМБдан фойдалана олиш имкониятини тақдим этиш Ўзбекистон Республикасининг “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги Қонуни талабларига риоя қилган ҳолда КРМБ оператори томонидан таъминланади. Абонент рақамини кўчириш жараёнини амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотлар мобил алоқа операторлари (провайдерлари) томонидан КРМБ операторига ва аксинча Ўзбекистон Республикасининг “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги Қонуни талабларига риоя қилган ҳолда тақдим этилади. КРМБдаги ахборотни муҳофаза қилиш, шунингдек ундан фойдалана олиш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя қилган ҳолда таъминланади. КРМБда сақланаётган маълумотларни рухсатсиз фойдалана олишдан ҳимоялаш КРМБ оператори томонидан таъминланади. Эшиттирувчи, оператор, провайдер телевидение хизматлари фаолиятини лицензия асосида амалга оширади. Телевидение тармоқлари орқали қонунчилик билан тақиқланган маълумотларни тарқатишга йўл қўйилмайди. Оператор ва провайдерлар телекоммуникациялар хизматларини кўрсатишда ўз фаолиятини лицензия шартлари ва қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириши, телекоммуникациялар тармоқлари бўйлаб узатиладиган телефон сўзлашувлари ва барча турдаги маълумотларни сир сақлаши, телекоммуникациялар тармоқларидан рухсатсиз фойдалана олиш ҳолатларига йўл қўймаслик чораларини кўриши, шартномада белгиланган муддатларда телекоммуникациялар алоқаси хизматларини кўрсатиши,

хизматлар, кечаю-кундуз кўрсатилишини таъминлаши, оператор ва провайдер тармоғидаги IP протоколи асосида ишловчи қурилмаларни IPv6 протоколи версиясини қўллаб-қувватлашини таъминлаши, ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, Ўзбекистон Республикасининг мавжуд конституциявий тузумини, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга даъват этишга, уруш, зўравонлик ва терроризмни, шунингдек, диний экстремизм, сепаратизм ва фундаментализм ғояларини тарғиб қилишга, миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатувчи ахборотни, шунингдек, порнографияни тарғиб қилишга қаратилган ва тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриши, операторлар ва провайдерлар томонидан абонентларга телекоммуникациялар хизматларини кўрсатишда овозини ўзгартириш ва абонент рақамини сохталаштириш, ўзгартириш технологияларига асосланган хизматлар кўрсатмаслик, абонентлар операторнинг (провайдернинг) ахборот-маълумот хизматида қўнғироқ қилиб боғланишида тенг ҳуқуқлилигини таъминлаши шарт. Бунда, абонентлар операторнинг (провайдернинг) ахборот-маълумот хизматида қўнғироқ қилиб боғланишларида маълум бир абонентларга бошқа абонентларга нисбатан устуворлик (боғланиш вақти, хизмат кўрсатиш вақти ва бошқалар) тақдим этилишига йўл қўйилмайди. Мобил алоқа хизматларини кўрсатишда оператор (провайдер) хизмат кўрсатиш ҳудуди доирасида мобил алоқа хизматларини сифатли, ўз вақтида ва кеча-ю кундуз кўрсатилишини таъминлаши, абонент шартноманинг бекор қилиниши вақтигача қарзини ва олдиндан тўловнинг зарур суммаси тўлиқ ҳажмда тўлаганида абонентга мобил алоқа хизматлари кўрсатилишини тиклаши, ўзини-ўзи обрўсизлантирган дилерлар билан шартномалар тузмаслиги, СИМ-картани алмаштириш, шунингдек абонентнинг аризаси бўйича рақамни бошқа фойдаланувчи қурилмасига қайта дастурлаш (СИМ-картадан фойдаланишни кўзда тутмайдиган мобил алоқа стандартлари учун) хизматларини кўрсатиш фақат операторнинг (провайдернинг) хизмат кўрсатиш пунктларида амалга оширилишини таъминлаши, дилер орқали тузилган мобил алоқа хизматларини кўрсатиш шартномаси асосида абонентга мобил алоқа хизматларини тақдим этиши, халқаро трафикнинг ноқонуний ўтказилиши ҳамда GSM, IP ёки SMS-шлюзлардан яширин фойдаланишга қарши чораларни кўриш, шу жумладан тармоқда махсус аппарат-дастурий воситаларни ўрнатиш йўли билан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида GSM стандартида ишлайдиган барча оператор (провайдер) КРМБга уланиши, абонентнинг оператор тармоқларида абонент рақамини кўчиб ўтиш хизматидан фойдаланиш ҳуқуқига тўсқинлик қилмаслиги, мунтазам равишда ўз телекоммуникациялар тармоқларида халқаро трафикни ўтказиш тартиби бузилишларининг олдини олиш, аниқлаш ва тугатишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш ва абонентнинг ҳаракатларини таҳлил қилиш ёки тегишли тадбирларни амалга ошириш йўли билан абонент рақамларини фаол аниқлаш принципларига асосланган воситалар ва тизимларни қўллаши шарт. Оператор ва провайдерлар маълумот узатиш хизматларини кўрсатишда халқаро трафик ноқонуний ўтказиш (шу

жумладан GSM, IP ёки SMS-шлюзлардан), шунингдек тармоқда махсус аппарат-дастурий воситаларини ўрнатиш йўли билан ноқонуний фойдаланишга қарши курашиш чораларини кўришга мажбур. Абонентлар ва фойдаланувчилар оператор (провайдер) билан тузилган шартнома шартларига риоя қилишга, телекоммуникациялар тармоғидан давлат сири бўлган маълумотларни ёки қонунчилик билан қўриқланадиган бошқа сирни узатиш учун фойдаланишга йўл қўймасликка, телекоммуникациялар тармоғи орқали Ўзбекистон Республикасининг мавжуд конституциявий тузумини, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга даъват этишга, уруш, зўравонлик ва терроризмни, шунингдек, диний экстремизм, сепаратизм ва фундаментализм ғояларини тарғиб қилишга, миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатувчи, шунингдек порнографияни тарғиб қилишга қаратилган ахборотни ва тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотни тарқатмасликка, телекоммуникациялар тармоғи ёрдамида фуқароларнинг шаъни ва кадр-қимматига ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи, уларнинг шахсий ҳаётига аралашинишга йўл қўйувчи ахборотни тарқатмасликка, қонунчилик ҳужжатларига асосан телекоммуникациялар тармоғи орқали тарқатилиши тақиқланган ахборотлардан тижорат ёки нотижорат мақсадларда тарқатиш учун фойдаланмасликка, телекоммуникациялар тармоқлари иш сифатининг пасайишига ёки телекоммуникациялар тармоқларининг шикастланишига олиб келадиган ҳаракатларни бажармасликка, ўз хоналарида жойлашган абонент тармоғи ва фойдаланувчи қурилмасини техник ҳужжатлар қоидаларига риоя қилишга, маълумотлар базаларидан рухсатсиз фойдаланмасликка ва операторнинг (провайдернинг) дастурий воситаларини ўзгартирмасликка, таркибида компьютер вируслари ёки тармоқ учун зарар етказиши мумкин бўлган ахборотни ёки дастурий таъминотни эълон қилмаслик ёки узатмасликка, компьютер ахборотидан, яъни ахборот-ҳисоблаш тизимлари, тармоқлари ва уларнинг таркибий қисмларидаги ахборотлардан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланмасликка, телекоммуникациялар тармоғида тақдим этилган ахборот ва интеллектуал мулк объекти учун муаллифлик ҳуқуқларини бузмасликка, телевидение тармоқларида бошқа шахсларнинг бериладиган сигналга уланиш ҳолатларига йўл қўймасликка, оператор (провайдер) вакилларига уларни текшириш, таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш учун телекоммуникациялар иншоотлари ва қурилмалари жойлашган ҳудудларга киришни таъминлашга мажбур. Маълумот узатиш хизматлари абонентлари ва фойдаланувчилари телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш учун GSM, IP ёки SMS-шлюзлар ёки шунга ўхшаш аппарат-дастурий воситалардан фойдаланиш нияти бўлганда, бу ҳақда операторни (провайдерни) огоҳлантиришга, маълумотлар узатиш тармоғидан халқаро трафикни ноқонуний ўтказиш мақсадида фойдаланмасликка мажбур. Мобил алоқа хизматлари абонентлари ва фойдаланувчилари абонент рақамидан шахсий мақсадларда ёки ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун (якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахслар учун) фойдаланиш, спамга, фирибгарликка, оператор (провайдер) билан олдиндан келишмасдан оммавий SMS жўнатмаларга, шунингдек, бошқа

ноқонуний фойдаланишга йўл қўймасликка, абонент рақамидан халқаро трафикни ноқонуний ўтказиш учун фойдаланмаслик, шу жумладан, GSM ва IP шлюзлардан фойдаланган ҳолда, ўрнатилган ҳимоя тизимларини четлаб ўтган ҳолда телекоммуникациялар тармоғидан фойдаланиш ҳамда халқаро трафикни ўтказиш мақсадида телекоммуникациялар тармоғидан қонунга ҳилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланмасликка, шунингдек мазкур мақсадлар учун мўлжалланган махсус дастурий ёки аппарат воситаларини қонунга ҳилоф равишда (рухсатсиз) сақлаш ва уларнинг фаолиятига йўл қўймасликка мажбур⁵²⁹.

Давлат фуқаролик хизматчиси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига риоя этиши, ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажариши, давлат органи томонидан белгиланган одоб-ахлоқ қоидаларига, хизматга оид ахборот билан ишлаш тартибига, шунингдек давлат фуқаролик хизматини ўташ билан боғлиқ бошқа қоидаларга риоя этиши, давлат органининг нуфузини туширишга олиб келиши ёки унинг ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажаришига шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳаракатлардан (ҳаракатсизликдан), шу жумладан ўз хизмат мажбуриятларини бажараётганда ҳар қандай шаклдаги камситишдан, ноҳолисликдан ёки кимгадир нисбатан алоҳида муносабатда бўлишдан тийилиши шарт⁵³⁰.

Ушбу нормаларнинг бузилиши натижасида мазкур жиноят вужудга келади.

Бунда, давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлиги ахборот соҳасидаги хавфсизликка таҳдидларга қарши ҳаракатлар юзасидан иқтисодий, сиёсий, ташкилий ва бошқа тусдаги чора-тадбирларни амалга ошириш, давлат сирларини сақлаш ва давлат ахборот ресурсларини улардан рухсатсиз тарзда фойдаланилишидан муҳофаза қилиш, Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ахборот маконига ва замонавий телекоммуникациялар тизимларига интеграциялашуви, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартиришга, ҳудудий яхлитлигини, суверенитетини бузишга, ҳокимиятни босиб олишга ёки қонуний равишда сайлаб қўйилган ёхуд тайинланган ҳокимият вакиллари ҳокимиятдан четлатишга ва давлат тузумига қарши бошқача тажовуз қилишга очикдан-очик даъват этишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишидан ҳимоя қилиш, урушни ва зўравонликни, шафқатсизликни тарғиб қилишни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоват уйғотишга қаратилган терроризм ва диний экстремизм ғояларини ёйишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишига қарши ҳаракатлар қилиш билан таъминланади. Шахснинг ахборот борасидаги хавфсизлиги унинг ахборотдан эркин фойдаланиши зарур шароитлари ва кафолатларини яратиш, шахсий ҳаётига тааллуқли сирларини сақлаш, ахборот воситасида қонунга ҳилоф равишда руҳий таъсир кўрсатилишидан ҳимоя қилиш йўли билан

⁵²⁹ Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 6 январдаги 287-мх-сон буйруғи (26.01.2026 й., рўй.: 3762) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁵³⁰ Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида” 2022 йил 8 августдаги ЎРҚ–788-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

таъминланади. Жисмоний шахсларга тааллуқли шахсий маълумотлар махфий ахборот тоифасига киради. Жисмоний шахснинг розилигисиз унинг шахсий ҳаётига тааллуқли ахборотни, худди шунингдек шахсий ҳаётига тааллуқли сирини, ёзишмалар, телефондаги сўзлашувлар, почта, телеграф ва бошқа мулоқот сирларини бузувчи ахборотни тўплашга, сақлашга, қайта ишлашга, тарқатишга ва ундан фойдаланишга йўл қўйилмайди, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно. Жисмоний шахслар тўғрисидаги ахборотдан уларга моддий зарар ва маънавий зиён етказиш, шунингдек уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари рўёбга чиқарилишига тўсқинлик қилиш мақсадида фойдаланиш тақиқланади. Фуқаролар тўғрисида ахборот олувчи, бундай ахборотга эгалик қилувчи ҳамда ундан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахслар бу ахборотдан фойдаланиш тартибини бузганлик учун қонунда назарда тутилган тарзда жавобгар бўладилар. Ахборот манбаи ёки муаллиф номи фақат суд қарори билан ошкор этилиши мумкин⁵³¹.

Бунда, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда аниқланган валюта намунаси қалбаки эканлигига шубҳа пайдо бўлганда, тезкор-қидирув тадбирлари давомийлигини таъминлаш зарурати юзага келганда, тезкорликни амалга ошириш ҳамда тегишли вақтни тежаш мақсадида мазкур модда (буюм) ёки валюта намуналарини улар аниқланган жойнинг ўзида ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар биносида экспресс текшириш техник воситалари ёрдамида текширади⁵³².

2. Кибержиноят асосий бевосита объекти – ахборот-коммуникация технологияларининг муҳофазаси, шу жумладан, ахборот ва киберхавфсизлик, крипто-активлар соҳасининг ҳимояси.

3. Кибержиноят қўшимча бевосита объекти – жамият ва жамоат хавфсизлиги.

4. Кибержиноят факультатив бевосита объекти – ўзга шахс (лар) ва давлат, шу жумладан, шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни, кадр-қиммати, мулк дахлсизлиги, тинчлик ва инсоният хавфсизлиги, бошқарув тартиби ва бошқалар;

5. Кибержиноят субъекти – 18 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс.

6. Кибержиноят субъектив томони – қасддан.

7. Кибержиноят объектив томони – ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ёки қонунга хилоф равишда ахборот-коммуникация тизимига кириб, аноним крипто-активлар майнинги билан шуғулланиш ёки белгиланган тартибни бузган ҳолда майнинг фаолиятини

⁵³¹ Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принципи ва кафолатлари тўғрисида” 2002 йил 12 декабрдаги 439-П-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

⁵³² Вазирлар Маҳкамасининг “Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг аналоглари, прекурсорлар, кучли таъсир қилувчи моддалар ҳамда валюта намуналарини экспресс текшириш жараёнида техник воситалардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида” 2023 йил 12 январдаги 12-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

амалга ошириш ёхуд яширин майнингни амалга ошириш йўли билан содир этилади.

8. Кибержиноят мақсади – моддий ёки (ва) номоддий манфаат, ғаразли ёки бошқа паст ниятлар, ўч олиш ва ҳк.

9. Кибержиноят воситаси (қуроли) – ахборот-коммуникация технологиялари.

10. Кибержиноятнинг зарурий белгилари:

- 1) қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги;
- 2) қилмишнинг ҳуқуққа хилофлилиги;
- 3) қилмишда айбнинг мавжудлиги;
- 4) қилмишнинг жазога сазоворлиги;
- 5) қилмишнинг крипто-активлар майнингига боғлиқлиги;
- 6) қилмиш аноним крипто-активлар майнинги билан шуғулланиш ёки белгиланган тартибни бузган ҳолда майнинг фаолиятини амалга ошириш ёхуд яширин майнингни амалга ошириш йўли билан содир этилиши;
- 7) аноним крипто-активлар майнинги билан шуғулланиш ёки белгиланган тартибни бузган ҳолда майнинг фаолиятини амалга ошириш ҳаракатлари учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин такроран бир йил ичида содир этиши зарурлиги;
- 8) алоқа;
- 9) ахборот;
- 10) кибермуҳит, шу жумладан, кибермакон;
- 11) ахборот-коммуникация технологиялари.

Ушбу белгиларнинг биронтаси мавжуд эмаслиги қилмишнинг кибержиноят эканлигини инкор этади.

11. Кибержиноятнинг тамомланиши –

- 1) аноним крипто-активлар майнинги билан шуғулланиш бошланган вақтдан;
- 2) белгиланган тартибни бузган ҳолда майнинг фаолиятини амалга ошириш бошланган вақтдан;
- 3) яширин майнингни амалга ошириш бошланган вақтдан;

12. Кибержиноятнинг тузилишига кўра тури – формал таркибли кибержиноятлар ҳам мавжуд.

13. Кибержиноятнинг ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра тури – ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган кибержиноят.

14. Жазо тизимига кўра тури – ижтимоий хавфли қилмиши учун Жиноят кодексида жарима, ахлоқ тузатиш ишлари, озодликни чеклаш, озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган кибержиноятлар.

15. Жиноят предмети – крипто-актив, майнинг ускуналари, жумладан, ASIC қурилмалар, GPU ферма, дастурий таъминот, жумладан, mining software, mining pool хизматлари, инфратузилма, жумладан электр тармоғи, серверлар шу билан бирга, уларга боғлиқ бўлган ахборот-ҳисоблаш тизимлари, тармоқлари ва уларнинг таркибий қисмларидаги ахборот, электрон ҳисоблаш машиналари, электрон ҳисоблаш машиналари тизими ёки уларнинг

тармоқлари, ахборот тизимлари, маълумотлар базалари ва банклари, ахборотга ишлов бериш ҳамда уни узатиш тизимлари, рақамли предметлар, жумладан, онлайн казино платформалари, betting сайтлар, мобил иловалар (gambling apps), ботлар (Telegram/Discord), молиявий элементлар жумладан, электрон пуллар (Click, Payme, crypto), виртуал баланслар, ставкалар (bets), дастурий таъминот, жумладан, gambling software, RNG (random generator) тизимлари, mirror сайтлар, шу билан бирга, матн, видео, аудио, мемлар, постлар, deepfake контент ва бошқа шаклдаги ахборот шунингдек, қуйидагилар ҳам жиноят предмети бўлиши мумкин:

1. Молиявий воситалар – нақдсиз пул, банк ўтказмалари, электрон ҳамёнлар орқали тўловлар (Payme, Click, PayPal, QIWI ва ҳ.к.), криптовалюта (Bitcoin, USDT, Ethereum ва бошқалар), онлайн тўлов тизимлари орқали маблағ, қимматли қўғозлар (акциялар, облигациялар), электрон сертификатлар, баланс тўлдириш (телефон, аккаунт, карта) ва ҳ.к.;

2. Рақамли активлар – лицензия калитлари (software key), онлайн сервис аккаунти, Premium обуна, домен номи, веб-сайтга эгалик, ижтимоий тармоқлардаги (Telegram, Instagram, YouTube ва бошқалар) каналлар ва гуруҳлар, NFT активлари, онлайн ўйин аккаунтлари, база маълумотлар, электрон контракт ҳуқуқи, NFTлар, ўйин ичидаги қимматбаҳо виртуал буюмлар (Skins, In-game currency) ва ҳ.к.;

3. Ахборот – махфий маълумот, тендер маълумотлари, миқдорлар базаси, пароллар, давлат реестри маълумотлари, имтиёзли кириш ҳуқуқи, жумладан, тижорат ёки хизмат сири ҳисобланган маълумотларга имтиёзли кириш ҳуқуқини бериш, қасб, хизмат сирлари, текширув натижаларини ўзгартириш ва ҳ.к.;

4. Номоддий манфаат – лавозимга тайинлаш, лойиҳада ғолиб қилиш, рейтингни ошириш, файлни ўчириб бериш, маъмурий, молиявий ёки жиноий жазодан қутқариш, солиқ ва бошқа тўловларни камайтириш, давлат ижтимоий буюртмасини бериш, рухсатнома чиқариш ва ҳ.к.;

5. Техника ва IT ресурслар – сервер ресурслари, хостинг, VPN кириш, Cloud аккаунт, дастур кодлари, дастурий таъминот лицензияси, API кириш ҳуқуқи, бқори қийматга эга бўлган тижорат дастурларига (масалан, киберхавфсизлик ёки дизайн дастурларига) умрбод ёки узоқ муддатли пуллик обуналарни олиб бериш ва ҳ.к.;

6. Аралаш шакллар – қимматбаҳо техника (ноутбук, смартфон ва ҳ.к.), онлайн орқали етказилган товар, электрон ваучер, крипто-ҳисоб очиш, тўловни учинчи шахс орқали амалга ошириш, жиноятчи учун бепул яратиб берилган веб-сайтлар, SMM хизматлари, пуллик дастурий таъминотларга лицензиялар ёки обуналар (Subscription), мансабдор шахс ёки унинг яқинлари учун бепул сервер майдони (Hosting) ажратиб бериш ёки веб-сайт ишлаб чиқиб, уни тарғиб қилиш (SMM/SEO) хизматларини бепул кўрсатиш, хизматчининг ижтимоий тармоқлардаги саҳифасини пуллик тарғиб қилиш (Boost), онлайн курслар ёки пуллик веб-сервисларга обуналарни (Premium subscription) совға қилиш ва ҳ.к.

16. Кибержиноятни содир этишнинг энг кўп усуллари:

- 1) телекоммуникация ёки интернет тармоғида намойишкорона;
- 2) телекоммуникация ёки интернет тармоғида жойлаштириш орқали;
- 3) ахборот-коммуникация технологияларидан жиноят қуроли ёки воситаси сифатида фойдаланиш натижасида.

Ушбу жиноят қуйидаги шаклларда содир этилиши мумкин, хусусан:

1) белгиланган тартибни бузган ҳолда майнинг (Illegal Mining).

Масалан:

лицензиясиз фаолият. Мисол учун, Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги (ИЛМА) рўйхатидан ўтмасдан туриб, майнинг-фермалар ташкил этиш;

энергиядан яширин фойдаланиш. Мисол учун, майнинг қурилмаларини (ASIC-майнерлар ёки видеокарталар) электр тармоғига ҳисоблагичларни четлаб ўтган ҳолда ёки нотўғри тарифлар (аҳоли тарифи) бўйича улаш;

аноним тангалар майнинги. Мисол учун, Ўзбекистон ҳудудида тақиқланган, транзакциялари кузатилмайдиган крипто-активларни (масалан, Monero) казиб олиш;

2) яширин майнинг (Cryptojacking). Масалан:

браузер майнинги. Мисол учун, веб-сайт кодига яширин JavaScript скриптларини жойлаштириш орқали фойдаланувчи шу сайтга кирганда, унинг компьютери билмасдан туриб хакер учун крипто-актив казиб бериш;

магистрал серверлар саботажи. Мисол учун, давлат ёки хусусий ташкилотларнинг қувватли серверларига вирус (Miner-malware) юктириш орқали уларнинг ресурсларидан яширинча фойдаланиш йўли билан содир этилиши мумкин.

Ушбу жиноятни фош этишда қуйидаги рақамли излар тўпланиши мумкин, хусусан:

1) тармоқ фаоллиги (Network Traffic). Мисол учун, майнинг қурилмалари доимий равишда майнинг пуллар (Mining Pools) билан маълумот алмашади, масалан, Stratum каби махсус протоколлар орқали амалга ошириладиган трафикни провайдер даражасида аниқлаш мумкин;

2) энергия истеъмоли логлари. Мисол учун, “ақлли” ҳисоблагичлар (ASKUE тизими) орқали электр энергиясининг кескин ва узлуксиз (суткасига 24 соат) юқори истеъмол қилиниши майнинг-ферманинг асосий физик изидир;

3) қурилма метамаълумотлари. Мисол учун, ASIC-майнерларнинг созуламаларида (Dashboard) кўрсатилган ҳамён манзиллари, пул идентификаторлари ва иш вақти тамғалари;

4) скрипт излари. Мисол учун, веб-сайтлар кодига ёки операцион тизимнинг “авто-загрузка” қисмида қолган яширин майнинг кодлари.

Жиноятни фош этилиши учун қуйидаги экспертизалар ўтказилиши мумкин, хусусан:

1) суд-компьютер-техникавий экспертизаси майнинг қурилмаларидаги дастурий таъминотни, майнинг-пуллар (pools) билан боғлиқ рақамли изларни, аноним крипто-активлар (Monero, ZCash ва б.) майнинги учун мўлжалланган алгоритмларни ҳамда яширин майнинг (cryptojacking) мақсадида тизимга

жойлаштирилган зарарли скриптлар ва ботнет-тармоқларнинг техник характеристикаларини, олиб қўйилган қурилма айнан майнинг учун мўлжалланганлигини, унда яширин майнинг дастурлари борлигини, қайси ҳамёнга маблағ тушганлигини;

2) суд-электротехникавий экспертизаси майнинг фермаларининг электр таъминоти тизимига уланиш схемаларини, қурилмаларнинг ҳақиқий энергия истеъмоли қувватини, электр тармоқларига юкламанинг техник ҳолатини ҳамда электр энергиясини ҳисобга олиш асбобларига кўрсатилган ташқи таъсир механизминини;

3) суд-иқтисодий экспертизаси ноқонуний майнинг натижасида истеъмол қилинган электр энергиясининг бозор қиймати ва давлатга етказилган моддий зарар миқдорини, майнинг фаолиятдан олинган крипто-активларнинг содир этилган вақтдаги курси бўйича иқтисодий наф ҳажминини;

4) суд-филологик экспертизаси майнинг ускуналарини ўрнатиш, созлаш ёки ноқонуний майнинг хизматларини кўрсатиш бўйича техник йўриқномалар, ёзишмалар ва реклама контентидаги ғаразли мақсадни ифодаловчи лингвистик белгиларни;

5) суд-психологик экспертизаси айбдорнинг майнинг фаолиятини яширин амалга оширишдаги қасд йўналишини, юқори технологик фойда олишга қаратилган психологик мотивларини ҳамда хизмат мавқеидан фойдаланиб содир этилган ҳаракатларнинг иродавий жиҳатларини;

6) ҳужжатларнинг суд-техникавий экспертизаси майнинг фаолияти учун рухсатномалар, электр таъминоти корхоналари билан тузилган сохта шартномалар, ускуналарнинг божхона ва техник ҳужжатларидаги реквизитларнинг ҳақиқийлигини;

7) видеоматериалларнинг суд экспертизаси майнинг фермалари жойлашган объектлардаги кузатув камералари ёзувларининг ҳаққонийлигини, ускуналарни ўрнатиш ёки уларга техник хизмат кўрсатиш жараёни акс этган тасвирлардаги воқелик деталларини;

8) суд-портрет экспертизаси майнинг қурилмаларига хизмат кўрсатаётган ёки яширин майнинг фермаларини ташкил этган ва видеотасвирга тушган шахсларнинг қиёфасини;

9) суд-фонографик экспертизаси майнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ёки крипто-активларни нақдлаштириш бўйича оғзаки келишувлар акс этган аудиоёзувлардаги нутқ эгасини идентификация қилишни;

10) суд-бухгалтерия экспертизаси юридик шахс ҳудудида яширин майнинг амалга оширилганда, электр энергияси учун тўловларнинг харажатлар моддасида яширилишини ва молиявий ҳисоботлардаги номувофиқликларни;

11) металл буюмлари ва қотишмаларининг суд экспертизаси майнинг ускуналари (ASIC-майнерлар, видеокарталар) корпуслари ва деталларининг таркибини, уларнинг ишлаб чиқарилган сериявий рақамларини ва техник мутаносиблигини;

12) суд-хатшунослик экспертизаси крипто-ҳамёнларнинг Seed-фразалари, майнинг-пулларнинг созламалари ёки молиявий ҳисоб-китоблар ёзилган қўлёзма қайдлар ва имзоларнинг айнан қайси шахсга тегишли эканлигини аниқлайди.

2-БОБ. ЖАМИЯТ ХАВФСИЗЛИГИ ВА ТАРТИБИГА ҚАРШИ КИБЕРЖИНОЯТЛАР УЧУН ЖАЗО ТАЙИНЛАШ

2.1-§. Жамият хавфсизлиги ва тартибига қарши кибержиноятлар учун жазо тизими

1. Кибержиноятлар учун қўлланиладиган жарима жазоси – айбдордан давлат даромадига Жиноят кодексида белгиланган миқдорда пул ундиришдир.

1.1. Жазо миқдори – базавий ҳисоблаш миқдорининг **беш** бараваридан олти юз бараваригача.

1.2. Жазони алмаштириш шартлари –

агар ҳукм қилинган шахс жазо тариқасида тайинланган жаримани мажбурий ижро этиш учун белгиланган муддатларда тўлашдан бўйин товласа; қарздорда ундирув қаратилиши мумкин бўлган мол-мулк мавжуд эмаслиги туфайли мажбурий ижро этиш учун белгиланган муддатлар мобайнида жаримани ундиришнинг имкони бўлмаса;

кечиктириш муддати тугаганидан кейин жарима тўланмаган тақдирда; жаримани бўлиб-бўлиб тўлаш шартлари бузилган тақдирда.

1.3. Жазони алмаштириш мумкин бўлган жазо тизими –

мажбурий жамоат ишлари;

ахлоқ тузатиш ишлари;

озодликни чеклаш;

озодликдан маҳрум қилиш;

1.4. Жарима жазоси бошқа жазо билан алмаштирилганида унинг миқдори –

мажбурий жамоат ишларининг икки ярим соати базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдоридаги жаримага тенглаштирилади ва тўрт юз саксон соатдан кўп бўлмаган муддатга;

ахлоқ тузатиш ишларининг, озодликни чеклашнинг ёки озодликдан маҳрум қилишнинг ҳар бир ойи базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн олти баравари миқдоридаги жаримага тенглаштирилиб, уч йилдан кўп бўлмаган муддатга тайинланади.

2. Кибержиноятлар учун қўлланиладиган муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси – суд тайинлаган муддат давомида айбдорнинг корхоналар, муассасалар ёки ташкилотларда у ёки бу мансабни эгаллашини ёхуд у ёки бу фаолият билан шуғулланишини тақиқлаш;

2.1. Жазони қўллаш шarti – чекланаётган ёки тақиқланаётган мансаб ёки фаолиятнинг тури суд томонидан айблов ҳукмида кўрсатилиши лозим. Агар муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш айбдорга асосий жазо тариқасида тайинланмаган бўлса, бундай жазо суд томонидан Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган ҳар қандай турдаги жазога қўшимча жазо тариқасида тайинланиши мумкин. Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси озодликдан маҳрум қилиш жазосига қўшимча жазо тариқасида тайинланган бўлса, асосий жазонинг бутун муддатига, бундан ташқари суд

ҳукми билан тайинланган муддатга жорий этилади. Бу жазо бошқа асосий жазоларга қўшимча жазо тариқасида тайинланганда ва маҳкум шартли ҳукм қилинганда унинг муддати ҳукм қонуний кучга кирган вақтдан бошлаб ҳисобланади.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган шахсларга нисбатан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тарзидаги жазо тайинланмайди, бундан одам ўлишига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлган ҳоллар мустасно.

2.2. Жазо муддати –

бир йилдан беш йилгача муддат – айбдорнинг мансаби ёки иш фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган жиноятни содир этганлиги учун асосий жазо тариқасида тайинланганда;

бир йилдан уч йилгача муддат – қўшимча жазо тариқасида тайинланганда.

3. Кибержиноятлар учун қўлланиладиган мажбурий жамоат ишлари жазоси – маҳкумни ҳақ тўланмайдиган фойдали жамоат ишларини бажаришга мажбурий тарзда жалб қилиш;

3.1. Жазони ўташ жойи – маҳкумлар мажбурий жамоат ишларини ўташи мумкин бўлган жойлар (объектлар) ва мажбурий жамоат ишларининг тури мазкур жазонинг ижросини назорат қилувчи органлар томонидан белгиланади;

3.2. Жазо муддати ва ўташ шarti – бир юз йигирма соатдан тўрт юз саксон соатгача бўлган муддатга тайинланади ва олти ой давомида кунига тўрт соатдан кўп бўлмаган вақтда, маҳкумга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар юзага келган тақдирда эса, бир йилгача бўлган муҳлатда кунига тўрт соатдан кўп бўлмаган вақтда ўталади. Маҳкум ишлаётган ёки ўқиётган бўлса, мажбурий жамоат ишлари ишдан ёки ўқишдан бўш вақтда ўталади.

3.3. Жазо қўлланилмайдиган ҳолатлар –

пенсия ёшига етган шахсларга;

ўн олти ёшга тўлмаган шахсларга;

ҳомиладор аёлларга;

уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларга;

биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга;

ҳарбий хизматчиларга;

чет эл фуқароларига;

Ўзбекистон Республикасида доимий яшамайдиган шахсларга;

3.4. Жазони алмаштириш шarti ва тартиби – маҳкум жазони ўташдан бўйин товлаган тақдирда, суд мажбурий жамоат ишларининг ўталмаган муддатини мажбурий жамоат ишларининг тўрт соатини озодликни чеклашнинг ёки озодликдан маҳрум қилишнинг бир кунига тенглаштирган ҳолда ҳисоблаб, озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштиради. Жазони ўташдан бўйин товланилган вақт жазонинг ўталган муддатига қўшиб ҳисобланмайди.

4. Кибержиноятлар учун қўлланиладиган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси – шахс иш ҳақининг ўн фоизидан ўттиз фоизигача миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда уни меҳнатга мажбуран жалб қилиш;

4.1. Жазони ўташ жойи – жазо суднинг ҳукмига мувофиқ маҳкумнинг ўз иш жойи ёки мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган бошқа жойларда ўталади.

4.2. Жазо муддати – олти ойдан уч йилгача;

4.3. Жазо қўлланилмайдиган ҳоллар –

пенсия ёшига етганларга;

меҳнатга қобилиятсизларга;

ҳомиладор аёлларга;

уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларга;

ҳарбий хизматчиларга;

4.4. Жазони алмаштириш шарти – агар шахс суд томонидан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари муддатининг жами ўттиз кундан кўпроғини ўташдан узрли сабабларсиз бўйин товласа ёки Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқиб кетса, суд ахлоқ тузатиш ишларининг ўталмаган муддатини худди шу муддатга озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштиради. Жазони ўташдан бўйин товланган вақт жазонинг ўталган муддатига қўшиб ҳисобланмайди.

5. Кибержиноятлар учун қўлланиладиган озодликни чеклаш жазоси – суд томонидан маҳкумга нисбатан уй-жойини у ёки бу сабаб билан тарк этишни бутунлай тақиқлашдан ёхуд ишлаш ёки ўқиш вақтидан, шунингдек иш ёки ўқиш жойигача бориши ва уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтда уй-жойидан чиқишни чеклаш;

5.1. Жазо муддати – бир ойдан беш йилгача;

5.2. Жазони ўташ жойи – суд томонидан белгиланадиган органлар назорати остида ўталади. озодликни чеклаш, уни маҳкумнинг яшаш жойида ўташ шартлари содир этилган қилмишнинг хусусияти ва суд чиқарган қарорни ижро этишдан бўйин товланишнинг олдини олиш ҳисобга олинган ҳолда суд томонидан белгиланади.

5.3. Жазо билан маҳкумнинг зиммасига юкланадиган қўшимча тақиқлар (чеклашлар) –

муайян жойларга бормаслик;

оммавий ва бошқа тадбирлар ўтказишда иштирок этмаслик;

муайян фаолият билан шуғулланмаслик;

муайян буюмларга эга бўлмаслик ёки уларни ўзида сақламаслик;

транспорт воситасини бошқармаслик;

маҳкумларни назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини, иш ва (ёки) ўқиш жойини ўзгартирмаслик, тегишли маъмурий ҳудуддан ташқарига чиқмаслик;

муайян шахслар билан алоқа ўрнатмаслик;

алоқа воситаларидан, шу жумладан Интернетдан фойдаланмаслик;

алкоголли ичимликлар истеъмол қилмаслик.

Суд озодликни чеклашга ҳукм қилинган шахснинг зиммасига ўзи етказган моддий ва маънавий зарарнинг ўрнини қоплаш, ишга ёки ўқишга жойлашиш мажбуриятларини, шунингдек унинг тузалишига кўмаклашувчи бошқа мажбуриятларни юклаши мумкин.

5.4. Чеклов ва тақиқларни бекор қилиш ҳоллари – агар озодликни чеклашга ҳукм қилинган шахс жазони ўташ даврида ўзининг жиноий қилмишларини англаб етган, тузалиш йўлига қатъий ўтган, етказилган моддий ва маънавий зарарнинг ўрнини қоплаган бўлса;

5.5. Жазони алмаштириш ҳолатлари –

маҳкум озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган;

суд томонидан ўз зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда.

Бунда, жазони ўташдан бўйин товлаш вақти ўталган жазо муддатига кўшиб ҳисобланмайди.

5.6. Жазо қўлланилмайдиган ҳолатлар –

ҳарбий хизматчилар;

чет эл фуқаролари;

Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш жойига эга бўлмаган шахсларга.

6. Кибержиноятлар учун қўлланиладиган озодликдан маҳрум қилиш жазоси – маҳкумни жамиятдан ажратиб жазони ижро этиш колонияси ёки турмага жойлаштириш;

6.1. Жазо муддати – бир ойдан йигирма йилгача муддатга. Узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш йигирма йилдан ортиқ, лекин йигирма беш йилдан кўп бўлмаган муддатга белгиланади.

6.2. Жазо тайинлашнинг алоҳида шартлари – узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси аёлга, ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсга ва олтмиш ёшдан ошган эркакка нисбатан тайинланиши мумкин эмас. Озодликдан маҳрум қилиш ушбу Кодекснинг 60-моддасида назарда тутилган бир неча жазоларни қўшиш тартибида тайинланганда, унинг муддати йигирма беш йилгача белгиланиши мумкин.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётган аёлларга ҳамда олтмиш ёшдан ошган эркакларга нисбатан тайинланаётган жазо муддати ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган озодликдан маҳрум этиш энг кўп муддатининг учдан икки қисмидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

6.3. Жазо колониялари – *озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётган эркакларга нисбатан:*

а) ижтимоий хавфи катта бўлмаган жинояти, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган жинояти учун ва қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлик учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётганларга нисбатан жазони манзил-колонияларда;

б) қасддан оғир жиноят содир этганлик ва ўта оғир жинояти учун биринчи марта озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётганларга нисбатан жазони умумий тартибли колонияларда;

в) илгари қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаб чиқиб ёки ўтаётган чоғида, қасддан янги содир этган жинояти учун ҳукм қилинаётганларга нисбатан жазони қаттиқ тартибли колонияларда;

г) ўта хавфли рецидивистларга нисбатан жазони махсус тартибли колонияларда ўташ тайинланади. Умрбод озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилганлар, шунингдек афв этиш тартибида умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилган шахслар ҳам жазони махсус тартибли колонияларда ўтайдилар.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётган аёлларга нисбатан:

а) ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят, эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этганларга ҳамда қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этганларга нисбатан жазони манзил-колонияларда;

б) оғир ва ўта оғир жиноят учун жазони умумий тартибли колонияларда;

в) илгари озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаб чиқиб, янги содир этган ўта оғир жинояти учун ҳукм қилинаётганларга, шунингдек ўта хавфли рецидивист деб топилганларга нисбатан жазони қаттиқ тартибли колонияларда ўташ тайинланади.

Турмага қамаш тариқасидаги озодликдан маҳрум қилиш, жазонинг муайян қисмига, лекин беш йилдан кўп бўлмаган муддатга:

а) ўта хавфли рецидивистларга;

б) оғир ёки ўта оғир жинояти учун беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга нисбатан тайинланиши мумкин.

Суд томонидан жазони манзил-колонияда ўташи тайинланган маҳкум сақлаш режимини ашаддий бузувчи деб топилган тақдирда, суд уни жазонинг ўталмаган қисми муддатига умумий тартибли колонияга ўтказди.

6.4. Жазо тайинланмайдиган ҳолатлар – ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этганлик, эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этганлик ва қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлик учун озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазо:

ҳомиладор аёлларга;

уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларга;

конунчиликка мувофиқ ёшга доир пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга нисбатан тайинланмайди.

2.2-§. Жамият хавфсизлиги ва тартибига қарши кибержиноятлар учун жазо тайинлаш тартиби

1. Жазо тайинлашнинг умумий асослари – жиноят содир этишда қонунда белгиланган тартибда айбли деб топилган шахс жазога тортилади. Суд Жиноят кодекси Махсус қисмининг жиноят содир этганлик учун жавобгарлик назарда тутилган моддасида белгиланган доирада Умумий қисмининг қоидаларига мувофиқ жазо тайинлайди.

Суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олади.

2. Жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар –

а) айбни бўйнига олиш тўғрисида арз қилиш, чин кўнгилдан пушаймон бўлиш ёки жиноятни очиш учун фаол ёрдам бериш;

б) етказилган зарарни ихтиёрий равишда бартараф қилиш;

в) оғир шахсий, оилавий шароитлар оқибатида ёки бошқа мушкул аҳволда жиноят содир этиш;

г) мажбурлаш ёки моддий томондан, хизмат жиҳатидан ёхуд бошқа жиҳатдан қарамлик сабабли жиноят содир этиш;

д) жабрланувчининг зўрлик, оғир ҳақорат ёки бошқача ғайриқонуний ҳаракатлари туфайли вужудга келган кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида жиноят содир этиш;

е) зарурий мудофаанинг, охириги заруратнинг асосли чегарасидан четга чиқиб жиноят содир этиш, ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсни ушлашда, касб ёки ҳўжалик фаолиятига боғлиқ бўлган асосли таваккалчиликда зарар етказиш;

ж) вояга етмаганнинг жиноят содир этиши;

з) ҳомиладор аёлнинг жиноят содир этиши;

и) жабрланувчининг ғайриқонуний ёки ахлоққа зид хулқ-атвори таъсири остида жиноят содир этиш.

Жазо тайинлашда суд ушбу моддада назарда тутилмаган бошқа ҳолатларни ҳам енгиллаштирувчи ҳолат деб топиши мумкин.

Енгиллаштирувчи ҳолат Жиноят кодекси Махсус қисмининг моддасида жиноят таркибининг зарурий белгиси сифатида назарда тутилган бўлса, жазо тайинлашда ҳисобга олинмайди.

3. Жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар –

а) ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан;

б) ёш бола, қария ёки ожиз аҳволдаги шахсга нисбатан;

в) хизмат вазифаси ёки фуқаролик бурчини бажарганлиги муносабати билан шахсга ёки унинг яқин қариндошларига нисбатан;

г) айбдорга моддий томондан, хизмат жиҳатидан ёки бошқа жиҳатдан қарам шахсга нисбатан;

д) ўта шафқатсизлик билан;

е) кўпчилик учун хавфли бўлган усулда;

ж) ёш бола ёки руҳий ҳолатининг бузилганлиги айбдорга аён бўлган шахсдан фойдаланган ҳолда;

з) жиноят натижасида оғир оқибатларнинг келиб чиққанлиги;

и) умумий офат шароитидан фойдаланган ҳолда ёки фавқулодда ҳолат вақтида ёхуд оммавий тартибсизликлар жараёнида;

к) ғаразли ёки бошқача паст ниятларда;

л) ирқий ёки миллий душманлик ёхуд адоват замирида;

м) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктирган ҳолда ёки уюшган гуруҳ ёхуд жиноий уюшма томонидан;

н) илгари ҳам қасддан жиноят содир этган шахснинг такроран ёки қасддан янги жиноят содир этиши;

о) мастлик ҳолатида ёки гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп ёхуд кишининг ақл-идрокига таъсир қилувчи бошқа моддалар таъсири остида жиноят содир этиш.

Суд содир этилган жиноятнинг хусусиятини эътиборга олиб, ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳолатларни оғирлаштирувчи ҳолат деб топмаслиги ҳам мумкин.

Суд жазо тайинлашда ушбу моддада назарда тутилмаган ҳолатларни оғирлаштирувчи ҳолат деб топиши мумкин эмас.

Ушбу ҳолатлар Жиноят кодекси Махсус қисмининг моддасида жиноят таркибининг зарурий белгиси сифатида назарда тутилган бўлса, жазо тайинлашда ҳисобга олинмайди.

4. Енгилроқ жазо тайинлаш асослари ва тартиби –

Суд содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатларни эътиборга олиб, алоҳида ҳолларда Жиноят кодекси Махсус қисмининг моддасида назарда тутилган мазкур жиноят учун белгиланган жазонинг энг кам қисмидан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ турдаги жазони тайинлаши мумкин.

Суд шу асосларни эътиборга олиб, Жиноят кодекси Махсус қисмининг моддасида қўлланилиши шарт деб кўрсатилган қўшимча жазони тайинламаслиги ҳам мумкин.

Содир этилган қилмиш хусусиятларини ифодаловчи ҳолатлар, яъни айбдорнинг шахси, айбининг шакли ва даражаси, жиноят қилиш шароити ва сабаблари, шахснинг жиноятни содир қилгунча ва ундан кейинги хулқ-атвори жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб топилиши мумкин.

5. Айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганида жазо тайинлаш асослари – жазо муддати ёки миқдори Жиноят кодекси қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган энг кўп жазонинг учдан икки қисмидан ошмайдиган ҳолатлар шартлари:

Жиноят кодекси 55-моддаси биринчи қисмининг “а” ва “б” бандларида назарда тутилган айбни бўйнига олиш тўғрисида арз қилган, чин кўнгилдан пушаймон бўлиш ёки жиноятни очиш учун фаол ёрдам берган ва етказилган зарарни ихтиёрий равишда бартараф қилган ҳолатлар мавжуд бўлган;

Жиноят кодекси 56-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлмаган;

6. Айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузилган жиноятлар бўйича жазо тайинлаш – айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузилган жиноятлар бўйича тайинладиган жазонинг муддати ёки миқдори Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида (қисмида) назарда тутилган энг кўп жазонинг ярмидан ошмаслиги керак.

7. Тамом бўлмаган ва иштирокчиликда содир этилган жиноятлар учун жазо тайинлаш –

1) тамом бўлмаган жиноят учун жазо тайинлашда ҳисобга олинadиган ҳолатлар:

жазо тайинлашнинг умумий асосларига амал қилган ҳолда;

жиноятнинг оғир-енгиллигини;

жиноий ният амалга оширилишининг даражасини ва жиноятни охирига етказа олмаганлик сабабларини.

2) жиноятга тайёргарлик кўрганлик ҳамда жиноят содир этишга суиқасд қилганлик учун жазонинг муддати ёки миқдори – Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган энг кўп жазонинг тўртдан уч қисмидан ошмаслиги керак. Мазкур қоида ўта хавфли рецидивистларга, уюшган гуруҳ ёки жиноий уюшма аъзоларига нисбатан жазолар тайинлашда қўлланилмайди.

Тамом бўлмаган жиноятлар учун умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланиши мумкин эмас.

3) иштирокчиликда содир этилган жиноят учун жазо тайинлаш – суд ҳар қайси айбдорнинг жиноятда иштирок этганлик хусусияти ва даражасини ҳисобга олади. Ҳар қайси иштирокчининг шахсига тегишли бўлган енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар суд томонидан фақат шу иштирокчининг ўзига жазо тайинлашда ҳисобга олинади.

8. Бир неча жиноят содир этганлик учун жазо тайинлаш – шахс Жиноят кодекси Махсус қисмининг турли моддаларида назарда тутилган икки ёки ундан ортиқ жиноятни содир этган бўлиб, улардан бирортаси учун ҳам судланган бўлмаса, суд Жиноят кодексининг 54-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ ҳар қайси қилмиш учун жазо тайинлаб, сўнгра тайинланган енгилроқ жазони оғирроғи билан қоплаш ёхуд тайинланган жазоларни тўла ёки қисман қўшиш йўли билан жиноятлар мажмуи бўйича жазо тайинлайди.

Агар жиноятлар мажмуини фақат ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар ва унча оғир бўлмаган жиноятлар ташкил этса, унда тайинланган енгилроқ жазони оғирроғи билан қоплаш ёхуд тайинланган жазоларни тўла ёки қисман қўшиш йўли билан жазо узил-кесил тайинланади. Бунда узил-кесил тайинланган жазо содир этилган жиноятлардан энг оғири учун назарда тутилган энг кўп жазо муддатидан ёки меъёридан ортиқ бўлмаслиги лозим.

Агар жиноятлар мажмуини ташкил этувчи жиноятлардан лоақал биттаси оғир ёки ўта оғир жиноят бўлса, Жиноят кодексининг Умумий қисмида шу жазо тури учун белгиланган доирада тайинланган жазоларни тўла ёки қисман

қўшиш йўли билан жазо узил-кесил тайинланади. Содир этилган жиноятлардан биттаси учун умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланганда енгилроқ турдаги жазони умрбод озодликдан маҳрум қилиш билан қоплаш орқали жазо узил-кесил тайинланади. Содир этилган жиноятлардан биттаси учун узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланганда жазоларни тўла ёки қисман қўшиш ёхуд енгилроқ жазони оғирроғи билан қоплаш орқали жазо узил-кесил тайинланади. Жиноятлар мажмуи бўйича ҳар хил турдаги жазоларни қўшиш йўли билан жазо тайинлашда Жиноят кодексининг 61-моддасида назарда тутилган қоидаларга амал қилиниб, жазонинг оғирроқ тури узил-кесил тайинланади. Жиноятлар мажмуи бўйича тайинланган асосий жазога суд айрим жиноятлар учун тайинланган қўшимча жазоларни ҳам қўшиши мумкин. Бунда муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тариқасидаги қўшимча жазонинг узил-кесил тайинланган муддати Жиноят кодексининг 45-моддасида назарда тутилган энг кўп муддатдан ортиқ бўлмаслиги лозим.

Агар иш бўйича ҳукм чиқарилганидан кейин маҳкумнинг ана шу иш бўйича чиқарилган ҳукмга қадар содир этилган яна бошқа жиноятда айбли эканлиги аниқланса ҳам жазо ўша тартибда тайинланади. Бундай ҳолда жиноятлар мажмуи бўйича суд томонидан тайинланган жазо муддатига биринчи ҳукм юзасидан жазонинг ўталган қисми қўшиб ҳисобланади.

5. Бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаш –

Агар маҳкум ҳукм чиқарилганидан кейин жазони тўла ўтамай туриб, янги жиноят содир этса, суд янги ҳукм бўйича тайинланган жазо муддатига илгариги ҳукм юзасидан ўталмай қолган жазо муддатини тўла ёки қисман қўшади. Бир неча ҳукм юзасидан ҳар хил турдаги жазоларни қўшиш йўли билан жазо тайинлашда Жиноят кодексининг 61-моддасида назарда тутилган қоидаларга амал қилиниб, жазонинг оғирроқ тури узил-кесил тайинланади. Агар ҳукмлардан бири билан умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланган бўлса, бир неча ҳукмлар юзасидан жазоларни қўшишда енгилроқ жазо турини умрбод озодликдан маҳрум қилиш билан қоплаш орқали жазо узил-кесил тайинланади. Агар ҳукмлардан бири билан узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган бўлса, бир неча ҳукмлар юзасидан жазоларни қўшишда енгилроқ жазони оғирроғи билан қоплаш ёхуд жазоларни тўла ёки қисман қўшиш йўли билан жазо узил-кесил тайинланади. Бир неча ҳукмлар юзасидан ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилиниб, иш ҳақи ёки пул таъминотидан ушлаб қолишнинг ҳар хил миқдори белгиланган ҳолларда бу жазоларнинг фақат муддатлари қўшилади.

Илгариги ҳукм юзасидан ижро этилмай қолган қўшимча жазолар ҳукмлар жами тариқасида тайинланган асосий жазога қўшиб тайинланади.

9. Жазоларни қўшишнинг ҳисоблаш қоидалари –

Ҳар хил турдаги асосий жазоларни қўшганда озодликдан маҳрум қилишнинг бир куни:

- а) озодликни чеклашнинг бир кунига;
- б) ахлоқ тузатиш ишларининг уч кунига;
- в) мажбурий жамоат ишларининг тўрт соатига тўғри келади.

Жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо озодликдан маҳрум қилиш, озодликни чеклаш, хизмат бўйича чеклаш, ахлоқ тузатиш ишлари, мажбурий жамоат ишлари жазоси билан қўшилганда ҳар қайсиси алоҳида ижро этилади.

10. Ушлаб туриш, қамоққа олиш ёки уй қамоғи вақтини ҳисобга олиш қоидалари –

ушлаб туришнинг, қамоққа олишнинг ёки уй қамоғининг ҳар бир куни:

- а) озодликни чеклашнинг, озодликдан маҳрум қилишнинг бир кунига;
- б) ахлоқ тузатиш ишларининг уч кунига;
- в) мажбурий жамоат ишларининг тўрт соатига тенглаштирилади.

ушлаб турилган, қамоқда ёки уй қамоғида сақланган шахсга жарима тайинлашда ушлаб туришнинг, қамоқда ёки уй қамоғида сақлашнинг бир куни – базавий ҳисоблаш миқдорининг иккидан бир қисмига тенглаштирилади.

11. Жазо муддатларини ҳисоблаш –

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, ахлоқ тузатиш ишлари, қамоқ, озодликни чеклаш, озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазоларнинг муддатлари – ойлар ва йиллар;

Жазоларни алмаштириш, ҳисоблаш, қўшиш вақтида уларнинг муддатлари – суткалар;

Мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жазонинг муддатлари – соатлар билан ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
2. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
3. “Терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”ги Шанхай Конвенцияси // <https://lex.uz/docs/2066680>.
4. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
5. “Ҳаво кемаларини ноқонуний олиб қочиш билан курашиш тўғрисида”ги конвенция // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида” 1991 йил 15 февралдаги 223-ХП-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Мудофаа тўғрисида” 1992 йил 3 июлдаги 641-ХП-сонли Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
8. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида” 1992 йил 10 декабрдаги 768-ХП-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
9. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий муҳофазаси тўғрисида” 1994 йил 6 майдаги 1060-ХП-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
10. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
11. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
12. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
13. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
14. Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
15. Ўзбекистон Республикасининг “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” 1996 йил 26 апрелдаги 221-И-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
16. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида” 1996 йил 29 августдаги 265-И-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

17. Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатура тўғрисида” 1996 йил 27 декабрдаги 349-I-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

18. Ўзбекистон Республикасининг “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида” 1996 йил 27 декабрдаги 353-I-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

19. Ўзбекистон Республикасининг “Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида” 1997 йил 25 апрелдаги 419-I-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

20. Ўзбекистон Республикасининг “Автомобиль транспорти тўғрисида” 1998 йил 29 августдаги 674-I-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

21. Ўзбекистон Республикасининг “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида” 1999 йил 14 апрелдаги 763-I-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

22. Ўзбекистон Республикасининг “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида” 1999 йил 19 августдаги 813-I-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

23. Ўзбекистон Республикасининг “Радиациявий хавфсизлик тўғрисида” 2000 йил 31 августдаги 120-II-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

24. Ўзбекистон Республикасининг “Терроризмга қарши кураш тўғрисида” 2000 йил 15 декабрдаги 167-II-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

25. Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида” 2001 йил 29 августдаги 257-II-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

26. Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида” 2002 йил 12 декабрдаги 439-II-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

27. Ўзбекистон Республикасининг “Банк сирини тўғрисида” 2003 йил 30 августдаги 530-II-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

28. Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги 560-II-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

29. Ўзбекистон Республикасининг “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида” 2004 йил 26 августдаги 660-II-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

30. Ўзбекистон Республикасининг “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида” 2004 йил 3 декабрдаги 710-II-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

31. Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида” 2008 йил 7 январдаги ЎРҚ–139-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

32. Ўзбекистон Республикасининг “Архив иши тўғрисида” 2010 йил 15 июндаги ЎРҚ–252-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

33. Ўзбекистон Республикасининг “Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг терроризмга қарши конвенциясини (Екатеринбург, 2009 йил 16 июнь) ратификация қилиш тўғрисида” 2011 йил 16 декабрдаги ЎРҚ–309-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

34. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” 2012 йил 2 майдаги ЎРҚ–328-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

35. Ўзбекистон Республикаси “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида” 2012 йил 24 сентябрдаги ЎРҚ–336-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

36. Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида” 2012 йил 25 декабрдаги ЎРҚ–344-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

37. Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” 2014 йил 6 майдаги ЎРҚ–370-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

38. Ўзбекистон Республикасининг “Тижорат сири тўғрисида” 2014 йил 11 сентябрдаги ЎРҚ–374-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

39. Ўзбекистон Республикасининг “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” 2015 йил 3 июндаги ЎРҚ–387-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

40. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида” 2015 йил 26 августдаги ЎРҚ–393-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

41. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳукумат тўғрисида” 2015 йил 9 декабрдаги ЎРҚ–395-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

42. Ўзбекистон Республикасининг “Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида” 2016 йил 4 январдаги ЎРҚ–399-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

43. Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида” 2016 йил 16 сентябрдаги ЎРҚ–407-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

44. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” 2017 йил 3 январдаги ЎРҚ–419-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

45. Ўзбекистон Республикасининг “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида” 2017 йил 8 сентябрдаги ЎРҚ–444-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

46. Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида” 2018 йил 8 январдаги ЎРҚ–457-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

47. Ўзбекистон Республикасининг “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида” 2018 йил 30 июлдаги ЎРҚ–489-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

48. Ўзбекистон Республикасининг “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида” 2019 йил 2 июлдаги ЎРҚ–547-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

49. Ўзбекистон Республикасининг “Қурол тўғрисида” 2019 йил 29 июлдаги ЎРҚ–550-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

50. Ўзбекистон Республикасининг “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” 2019 йил 22 октябрдаги ЎРҚ–573-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

51. Ўзбекистон Республикасининг “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида” 2019 йил 1 ноябрдаги ЎРҚ–578-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

52. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” 2019 йил 11 ноябрдаги ЎРҚ–582-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

53. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2021 йил 30 мартдаги ЎРҚ–679-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

54. Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида” 2021 йил 5 июлдаги ЎРҚ–699-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

55. Ўзбекистон Республикасининг “Транспорт тўғрисида” 2021 йил 9 августдаги ЎРҚ–706-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

56. Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида” 2021 йил 23 ноябрдаги ЎРҚ–730-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

57. Ўзбекистон Республикасининг “Ноширлик фаолияти тўғрисида” 2021 йил 26 ноябрдаги ЎРҚ–731-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

58. Ўзбекистон Республикасининг “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида” 2022 йил 12 апрелдаги ЎРҚ–763-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

59. Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

60. Ўзбекистон Республикасининг “Реклама тўғрисида” 2022 йил 7 июндаги ЎРҚ–776-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

61. Ўзбекистон Республикасининг “Почта алоқаси тўғрисида” 2022 йил 9 июндаги ЎРҚ–777-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

62. Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида” 2023 йил 3 июлдаги ЎРҚ–850-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

63. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида” 2022 йил 8 августдаги ЎРҚ–788-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

64. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида” 2022 йил 17 августдаги ЎРҚ–790-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

65. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон рақамли имзо тўғрисида” 2022 йил 12 октябрдаги ЎРҚ–793-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

66. Ўзбекистон Республикасининг “Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида” 2022 йил 28 ноябрдаги ЎРҚ–803-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

67. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани) тўғрисида” 2024 йил 29 февралдаги ЎРҚ–917-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

68. Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизликни таъминлаш соҳасидаги қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2024 йил 20 сентябрдаги ЎРҚ–964-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

69. Ўзбекистон Республикасининг “Темир йўл транспорти тўғрисида” 2024 йил 27 ноябрдаги ЎРҚ–1006-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

70. Ўзбекистон Республикасининг “Телекоммуникациялар тўғрисида” 2024 йил 27 декабрдаги ЎРҚ–1015-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

71. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2025 йил 17 апрелдаги ЎРҚ–1058-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

72. Ўзбекистон Республикасининг “Сунъий интеллектни қўллаш орқали юзага келадиган муносабатлар тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида” 2026 йил 21 январдаги ЎРҚ–1115-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

73. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг “Терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши кураш тўғрисидаги Шанхай конвенциясини ратификация ҳақида” 2001 йил 30 августдаги 274-II-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

74. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 декабрдаги ПФ–5286-сонли Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасига импорт қилиниши (олиб келиниши) тақиқланган буюмлар рўйхати // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

75. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мулк ҳуқуқининг дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш, мулкий муносабатларга асоссиз аралашувга йўл қўймаслик, хусусий мулкнинг капиталлашув даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 24 августдаги ПФ–198-сон Фармони // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

76. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2012 йил 21 мартдаги ПҚ–1730-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

77. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ва крипто-активлар айланмаси соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 3 июлдаги ПҚ–3832-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

78. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Электрон ҳукумат” тизими доирасида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги

лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш сифатини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 21 майдаги ПҚ–4328-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

79. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Дори воситалари ноқонуний айланишининг олдини олиш чораларини кучайтириш тўғрисида” 2019 йил 6 сентябрдаги ПҚ–4438-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

80. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2019 йил 12 сентябрдаги ПҚ–4447-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

81. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг муҳим ахборот инфратузилмаси объектлари киберхавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2023 йил 31 майдаги ПҚ–167-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

82. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли маҳсулотлар (хизматлар) истеъмолчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рақамли технологиялар воситасида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларга қарши курашишни кучайтириш чоралари тўғрисида” 2023 йил 30 ноябрдаги ПҚ–381-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

83. Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 26 октябрдаги 493-сон қарори билан тасдиқланган Биржа товари бўлиши мумкин бўлмаган мол-мулклар миллий-маданий ва тарихий бойликлар турларининг рўйхати // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

84. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси ахборот ресурсларини тайёрлаш ва уларни маълумотларни узатиш тармоқларида, шу жумладан, интернетда тарқатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида” 1999 йил 26 мартдаги 137-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

85. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 29 октябрдаги 472-сон “Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиш тартибини белгилаб берувчи низомларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

86. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 ноябрдаги 482-сон қарори билан тасдиқланган Автомобиль транспортида йўловчилар ва бағажни ташиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

87. Вазирлар Маҳкамасининг “Қимор ўйинларини ташкил этиш ва ўтказишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2007 йил 16 августдаги 176-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

88. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 16 февралдаги 35-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида хавфли юкларни автомобиль транспортида ташиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

89. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 5 августдаги 228-сон қарори билан тасдиқланган “Ахборот ва оммавий коммуникациялар соҳасидаги эксперт комиссияси тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

90. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 ноябрдаги 296-сон қарори билан тасдиқланган Махфий ахборотлар сирасига киритилган маълумотлар рўйхати // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

91. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 26 декабрдаги 342-сон қарори билан тасдиқланган Катта ҳажмли ва оғир вазнли юкларни автомобиль транспортида ташишда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

92. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 5 августдаги 228-сон қарори билан тасдиқланган “Ахборот ва оммавий коммуникациялар соҳасидаги эксперт комиссияси тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

93. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспортида йўловчилар, багаж ва юк багаж ташиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида” 2012 йил 13 апрелдаги 109-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

94. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 августдаги 253-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси бозорларида савдо фаолиятини ташкил этиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

95. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-сон қарори билан тасдиқланган Кўп квартирали уйларда иссиқлик таъминоти хизматлари кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

96. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 1 августдаги 213-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида автомобиль транспортида юкларни ташиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

97. Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 17 декабрдаги 365-сон қарори билан тасдиқланган “Электрон ҳукумат” тизимининг жисмоний ва юридик шахслар марказий маълумотлар базаларини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

98. Вазирлар Маҳкамасининг “Электрон тижорат платформалар ва рақамли экотизим операторларининг-ахборот воситачиларининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2016 йил 2

августдаги 249-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

99. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 сентябрдаги 748-сон қарори билан тасдиқланган “Ҳайвонларни идентификация қилиш, рўйхатга олиш ва кузатиш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

100. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 5 сентябрдаги 707-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг шахсга доир маълумотларига ишлов беришнинг алоҳида шартларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

101. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида кучли таъсир қилувчи моддалар муомаласини тартибга солиш тўғрисида” 2019 йил 27 сентябрдаги 818-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

102. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 8 февралдаги 71-сон қарори билан тасдиқланган Шахсга доир маълумотлар базаларининг давлат реестрини юритиш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламенти // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

103. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 октябрдаги 638-сон қарори билан тасдиқланган Электр қурилмаларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

104. Вазирлар Маҳкамасининг “Ёнғин хавфсизлиги қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида” 2020 йил 20 октябрдаги 649-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

105. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги 712-сон қарори билан тасдиқланган Истеъмолчилар электр қурилмаларини техник эксплуатация қилиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

106. Вазирлар Маҳкамасининг “Махсус электрон тизим орқали рухсат этиш хусусиятига эга айрим ҳужжатларни бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги ягона низомни тасдиқлаш ҳақида” 2022 йил 22 февралдаги 86-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

107. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 апрелдаги 172-сон қарори билан тасдиқланган Йўл ҳаракати қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

108. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 апрелдаги 180-сон қарори билан тасдиқланган “Диний мазмундаги материалларни тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатиш ҳамда диншунослик экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

109. Вазирлар Маҳкамасининг “Шахсга доир маълумотларга ишлов бериш соҳасидаги айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” 2022 йил 5 октябрдаги 570-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

110. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси электр станциялари ва тармоқларини техник эксплуатация қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида” 2022 йил 18 октябрдаги 609-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

111. Вазирлар Маҳкамасининг “Идоралараро электрон ҳамкорлик тизими ва маълумотларнинг ахборот алмашинувини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 20 сентябрдаги 516-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

112. Вазирлар Маҳкамасининг “Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг аналоглари, прекурсорлар, кучли таъсир қилувчи моддалар ҳамда валюта намуналарини экспресс текшириш жараёнида техник воситалардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2023 йил 12 январдаги 12-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

113. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси кемачилиги соҳасида хавфсизликни таъминлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида” 2023 йил 11 сентябрдаги 462-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

114. Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 20 октябрдаги 550-сон қарори билан тасдиқланган “Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

115. Вазирлар Маҳкамасининг “Газ транспорти тизими объектларини муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида” 2023 йил 9 декабрдаги 651-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

116. Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 31 майдаги 319-сон қарори билан тасдиқланган Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

117. Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 11 февралдаги 76-сон қарори билан тасдиқланган “Маърифий фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

118. Вазирлар Маҳкамасининг “Тадбиркорлик субъектларига тақдим этилган субсидиялар, имтиёзлар ва преференциялардан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2025 йил 11 декабрдаги 784-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

119. Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 30 декабрдаги 839-сон қарори билан тасдиқланган “Телекоммуникациялар ускуналарининг хавфсизлиги

тўғрисида”ги техник регламенти // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

120. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Ўзархив” агентлиги бош директорининг 2007 йил 17 июлдаги 18-сон буйруғи (рўйхат рақами 1703, 2007 йил 13 август) билан тасдиқланган Ахборот ресурсларининг архив нусхаларини яратиш ва уларни давлат сақловига топшириш бўйича йўриқнома // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

121. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2007 йил 24 августдаги 131-сонли “Ўзбекистон Республикасининг “Хавфли юкларни ҳаво транспортида ташиш қоидалари” (ЎзР АҚ-198)ни тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғи (2007 йил 25 сентябрь, рўйхат рақами 1721) // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

122. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2008 йил 1 августдаги 2008-13-сон буйруғи (рўйхат рақами 1855, 2008 йил 9 сентябрь) билан тасдиқланган Фонд бозорида ахборот-коммуникация технологиялардан фойдаланишга ўрнатилган талаблар тўғрисидаги низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

123. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2009 йил 13 октябрдаги 10 ва 39-сон қарори (рўйхат рақами 2020, 2009 йил 19 октябрь) билан тасдиқланган Нотариал идоралар ва адвокатлик тузилмаларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

124. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2009 йил 13 октябрдаги 23/5 ва 31-сон “Нобанк кредит ташкилотларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш ҳақида”ги қарори (рўйхат рақами 2027, 2009 йил 28 октябрь) // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

125. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази ҳамда Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2009 йил 13 октябрдаги 2009-43, 38-сон қарорлари (рўйхат рақами 2033, 2009 йил 3 ноябрь) билан тасдиқланган Қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари учун жиноий фаолиятдан олинган

даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

126. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2009 йил 13 октябрдаги 104, 41-сонли қарори (рўйхат рақами 2036, 2009 йил 3 ноябрь) билан тасдиқланган Суғурталовчилар ва суғурта воситачилари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

127. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2009 йил 13 октябрдаги 01/19-18/24, 43-сонли “Биржа аъзолари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш ҳақида”ги қарори (рўйхат рақами 2038, 2009 йил 6 ноябрь) // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

128. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 10 декабрдаги 76/1-сон буйруғи (рўйхат рақами 2067, 2010 йил 14 январь) билан тасдиқланган Дарё транспорти ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

129. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2011 йил 11 апрелдаги 45-сон буйруғи (рўйхат рақами 2238, 2011 йил 29 июнь) билан тасдиқланган Ҳаво транспортида йўловчи ва багаж ташиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

130. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2011 йил 8 августдаги 01/19-18/04 ва 27-сон “Риэлторлик ташкилотлари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш ҳақида”ги қарори (рўйхат рақами 2257, 2011 йил 24 август) // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

131. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2011 йил 25 августдаги 56, 28-сон “Лизинг хизматлари кўрсатувчи ташкилотларда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича

ички назорат қоидаларини тасдиқлаш ҳақида”ги қарори (рўйхат рақами 2265, 2011 йил 22 сентябрь) // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

132. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2012 йил 30 июлдаги 36-Б-сон буйруғи (рўйхат рақами 2398, 2012 йил 2 ноябрь) билан тасдиқланган Телефон ва телеграф станциялари ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

133. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2012 йил 29 декабрдаги 174-сон буйруғи (рўйхат рақами 2495, 2013 йил 29 июль) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартиб қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

134. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2013 йил 7 февраль 2, 01-02/12-14-сон қарори (20.02.2013 й., рўй.: 2429-сон) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали фақат махсус рухсатнома мавжуд бўлган тақдирда транзит олиб ўтиладиган хавфли юкларнинг рўйхати // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

135. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2014 йил 4 июлдаги 01-02/12-13-сон қарори (рўй.: 2606, 05.08.2014 й.) билан тасдиқланган Йўловчи божхона декларациясини тўлдириш ва расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги йўриқнома // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

136. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2015 йил 16 июндаги 63-сонли буйруғи (09.07.2015 й., рўй.: 2695-сон) билан тасдиқланган Хавфли ишлаб чиқаришлар (технологиялар), объектлар ва асбоб-ускуналар рўйхати // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

137. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Ўзархив” агентлиги бош директорининг 2016 йил 20 июндаги 45-сон буйруғи (рўйхат рақами 2807, 2016 йил 7 июль) Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан ахборот-кутубхона ва архив муассасаларига тақдим этилган ҳужжатлар билан ишлаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

138. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2017 йил 17 апрелдаги 343-В ва 14-сон “Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат

қоидаларини тасдиқлаш ҳақида”ги қарори (рўйхат рақами 2886, 2017 йил 23 май) // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

139. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 31 мартдаги 12/12-сон қарори (рўйхат рақами 3010, 2018 йил 12 май) билан тасдиқланган Банклараро пул бозорида электрон савдо платформаси орқали операцияларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

140. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2018 йил 5 июлдаги 176-мх ва 28-сон “Почта алоқаси операторлари, провайдерлари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори (рўйхат рақами 3061, 2018 йил 28 август) // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

141. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2018 йил 14 ноябрдаги 145, 45-сон қарори (рўйхат рақами 3101, 2018 йил 15 декабрь) билан тасдиқланган Аудиторлик ташкилотлари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

142. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2020 йил 24 июндаги 357-В ва 13-сон қарори (рўйхат рақами 3266, 2020 йил 30 июнь) билан тасдиқланган Тўлов тизимлари операторлари, электрон пуллар тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

143. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг “Ўзбекистон Республикасида валюта операцияларини амалга ошириш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори (31.08.2020 й., рўй.: 3281-сон) // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

144. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигининг 2021 йил 8 июндаги 3-сон ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2021 йил 7 июндаги 16-сон қарори (рўйхат рақами 3309, 2021 йил 9 июнь) билан тасдиқланган Крипто-активлар

муомаласи соҳасидаги фаолиятини амалга оширувчи шахслар учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

145. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2021 йил 17 июндаги 34-сон ва 2021 йил 16 июндаги 23-сон қарори (рўйхат рақами 3310, 2021 йил 17 июнь) билан тасдиқланган Лотереялар ташкил этиш фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

146. Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирининг 2022 йил 9 июндаги 7-сон буйруғи (рўйхат рақами 3376, 2022 йил 27 июль) билан тасдиқланган Темир йўл транспорти ҳамда метрополитенда ҳаракат ва ташишлар хавфсизлиги талабларининг бузилиши билан боғлиқ ҳодисаларни таснифлаш, хизмат текширувини олиб бориш ва ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

147. Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги директорининг 2022 йил 14 июлдаги 32-сон буйруғи (рўйхат рақами 3380, 2022 йил 15 август) билан тасдиқланган “Крипто-активлар айланмаси соҳасидаги хизматлар провайдерлари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

148. Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги директорининг 2022 йил 29 сентябрдаги 43-сон буйруғи (31.10.2022 й., рўй.: 3395-сон) билан тасдиқланган Крипто-дўкон фаолиятини амалга ошириш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

149. Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги директорининг 2022 йил 24 ноябрдаги 61-сон буйруғи (28.11.2022 й., рўй.: 3397) билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан крипто-активларни чиқариш, чиқаришни рўйхатдан ўтказиш ва муомалага киритиш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

150. Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги директорининг 2023 йил 20 сентябрдаги 68-сон буйруғи (29.09.2023 й. Рўй.: 3461) билан тасдиқланган “Майнинг фаолиятини амалга ошириш учун рухсатнома бериш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

151. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2024 йил 24 апрелдаги 13/1-сон қарори (21.05.2024 й., рўй.: 3513-сон) билан

тасдиқланган “Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчиларнинг тўлов тизимларида ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш ҳамда рақамли технологиялар воситасида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларни олдини олиш чораларини кўриш тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

152. Ўзбекистон Республикаси қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирининг 2024 йил 5 сентябрдаги 7/94463-01-сон буйруғи (30.09.2024 й., рўй.: 3557-сон) билан тасдиқланган Хавфи юқори бўлган объектларнинг рўйхати // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

153. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитасининг 2025 йил 10 октябрдаги 25-сон қарори (28.10.2025 й., рўй.: 3694-сон) билан тасдиқланган Радиоактив чиқиндилар билан муомалада бўлишнинг хавфсизлик талаблари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

154. Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати раисининг 2024 йил 15 октябрдаги 114-сон буйруғи (14.11.2024 й., рўй.: 3574-сон) билан тасдиқланган “Ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини таъминлаш учун қўлланиладиган аппарат, аппарат-дастурий ҳамда дастурий воситаларни сертификатлаштириш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

155. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг “Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни сақлаш, бериш, сотиш, тақсимлаш, ҳисобга олиш шартлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2024 йил 25 декабрдаги 36-сон буйруғи (27.01.2025 й., рўй.: 3604-сон) // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

156. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2025 йил 19 августдаги 20/2-сон қарори (23.09.2025 й., рўй.: 3679-сон) “Кредит бюроларининг ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлигига доир минимал талаблар тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

157. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитасининг 2025 йил 13 октябрдаги 24-сон қарори (28.10.2025 й., рўй.: 3695-сон) билан тасдиқланган Радиациявий манбалар хавфсизлигини таъминлаш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

158. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2025 йил 23 декабрдаги 35/14-сон қарори (21.01.2026 й., рўй.: 3759-сон) билан тасдиқланган “Кредит ва тўлов ташкилотлари, тўлов тизими операторлари томонидан жисмоний шахсларга масофадан молиявий хизматлар кўрсатишда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш ҳамда фрод ҳолатларининг олдини олиш бўйича минимал талаблар тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

159. Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг 2026 йил 6 январдаги 287-мх-сон буйруғи (26.01.2026 й., рўй.: 3762) билан тасдиқланган Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

160. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Транспорт воситаларини олиб қочиш ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида” 1996 йил 20 декабрдаги 37-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

161. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Республика судлари томонидан оммавий тартибсизликлар учун жавобгарлик тўғрисидаги қонунларни қўллаш амалиёти билан боғлиқ айрим масалалар тўғрисида” 1996 йил 20 декабрдаги 38-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

162. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга оид ишлар бўйича суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида” 2011 йил 11 февралдаги 1-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

163. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” 2018 йил 24 августдаги 24-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

164. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Терроризм ва экстремизмни молиялаштиришга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида” 2021 йил 27 ноябрдаги 32-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

165. Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг “Кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга хилоф равишда муомалага киритиш билан боғлиқ жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 2021 йил 27 ноябрдаги 33-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.